

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И. М. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА
ХУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Ф А Л С А Ф А

ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ

«ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ
МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ НАШРИЁТИ»

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2004

Тузувчи ва масъул муҳаррир:

ф.ф.д. Қиёмиддин Назаров

Илмий маслаҳатчилар:

ф.ф.д. О. Файзуллаев, ю.ф.д. Ҳ. Раҳмонқулов,

ф.ф.д. Х. Шайхова.

Илмий-ижодий гуруҳ:


*ф.ф.д. Ё. Тоиров, ф.ф.д. А. Чориев, ф.ф.н. А. Ўтамуродов,
ф.ф.н. И. Тухтаров, ф.ф.д. Ж. Раматов, ф.ф.д. А. Мўминов,
ф.ф.н. Ф. Мусаев, ф.ф.д. Т. Ортиқов,
ф.ф.д. Н. Шермухаммедова, ф.ф.н. Қ. Рўзматзода,
ф.ф.н. С. Чориев, ф.ф.н. Ж. Маҳкамов,
ф.ф.н. М. Усмонов, У. Валиев.*

Ушбу луғат Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти илмий-ижодий гуруҳи томонидан тайёрланди. У ижтимоий фанлар соҳалари мутахассисларининг кўп йиллик меҳнати, илмий изланиш ва саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Истиқдол йилларида миллий фалсафа ривожига берилётган доимий эътибор маҳсули бўлган мазкур китобни ўзбек тилида фалсафий луғат яратиш борасидаги илк тажриба сифатида қабул қилишингизни истардик.

Луғатни янада такомиллаштириш бўйича фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга билдирасиз, деган умиддамиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти. Телефон: 139-17-31; Факс: 139-89-41.

Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. — 496 бет.



© «Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти», 2004
© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.

АЗИЗ КИТОБХОН!

Қадим-қадим замонлардан буён фалсафа фани ҳамиша одамларни ўйлаш ва фикрлашга, мустақил дунёқараш эгаси бўлишга, оламнинг, тирликнинг моҳиятини, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини англашга ўргатиб келган. Айнан шунинг учун ҳам халқимиз ўзлигини чуқур англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида яшашга интилаётган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни олижаноб мақсад деб билаётган ҳозирги пайтда фалсафа фанига бўлган эътибор ортиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов миллий тафаккуримизнинг уйғониши ва юксалиши, халқимиз, айниқса ёшларнинг қалби ва онгида истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларининг чуқур жой олишида бу фаннинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлаб, юртимизда фалсафа ривожига катта аҳамият бериб келмоқда. Миллий тафаккуримиз тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг муборак номлари тиклангани, уларнинг асарларини чоп этиш ва ўрганиш ишлари кенг йўлга қўйилгани, қадимий фалсафамизга хос ўзбекона тушунча ва тамойиллар, турли манбалар янгитдан илмий истеъмолга киритилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Шу билан бирга луғатда тараққиётнинг ўзбек модели, миллий истиқлол ғояси, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш концепциялари, бунёдкор ғоялар, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Ватан равнақи каби миллий тафаккуримизни бойитган кўплаб категорияларнинг фалсафий мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Маълумки, халқимиз барча соҳада бўлгани каби, фалсафий фикр тараққиётида ҳам ўзига хос бой тарих ва меросга эга. Она заминимизда бундан 2700 йилдан зиёд вақт илгари шаклланган зардуштийлик таълимоти ва унинг бош китоби бўлмиш «Авесто» халқимизга хос миллий фалсафий тафаккур илдиэлари қанчалик чуқур ва қадимий эканини кўрсатади. Тарихимизнинг турли даврларида юртимиздан етишиб чиққан Муҳаммад Хоразмий, Абу, Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк тафаккур соҳиблари нафақат миллий, балки умумбашарий фалсафа ривожига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Умуман, асрлар, минг йиллар

давомида юртимиз заминида ўзига хос фалсафа мактаби шаклланган. Ана шу мактаб анъаналарини тиклаш ва дунё фалсафаси ҳамда бугунги тараққиётнинг сўнгги ютуқлари асосида давом эттириш масалалари кейинги йилларда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, фалсафанинг асосини ташкил этадиган тушунча ва қарашлар, ғоя ва таълимотлар, бугунги глобал муаммоларга нисбатан фалсафий ёндашувлар, кейинги даврда жаҳон фалсафий тафаккурида пайдо бўлган ҳар хил оқим ва мактаблардан халқимизни хабардор қилиш, уларнинг фалсафий-маърифий моҳиятини ёритиш орқали юртдошларимиз дунёқарашини юксалтириш бу фаннинг бугунги тадқиқотчилари олдидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Сўнгги пайтда мамлакатимиз илмий-фалсафий жамоатчилиги томонидан бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди. Сизга тақдим этилаётган луғат ана шу йўлда ташланган яна бир қадамдир.

Мазкур луғат нафақат фалсафа, балки тарих, адабиётшунослик, сиёсатшунослик, социология, ҳуқуқшунослик, журналистика каби соҳаларда фаолият олиб бораётган зиёлиларимизнинг биргаликда амалга оширган меҳнати самарасидир. Фурсатдан фойдаланиб, вақтини ва кўз нуруни аямай мана шу ишга муносиб ҳисса қўшган барча олим ва тадқиқотчиларга, ижодкор дўстларимизга самимий миннатдорлик билдирамыз. Кези келганда ушбу луғат ҳам катта ва кенг қамровли ишларда бўладиган, фурсати етиб тузатиладиган айрим камчилик-нуқсонлардан холи эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бинобарин, уни ўқиган илмий жамоатчилик, зиёлилар ўзининг тегишли фикр-мулоҳазаларини билдиради, деган умиддамиз. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ушбу китобни чоп этишда ёрдам берганлиги учун Республика Фан ва технологиялар Маркази ва Ўзбекистон Миллий университети раҳбариятига ташаккур изҳор қилади.

Таҳририят баъзи мақолаларни тайёрлаш ҳамда таҳрир қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари учун М. Абдуллаева, Ҳ. Алиқулов, Р. Носиров, А. Мансуров, М. Холматова У. Уватов, М. Қуроноф, А. Жузжоний каби олим ва мутахассисларга чуқур миннатдорлик билдиради.

ҚИСҚАРТМАЛАР

а.	— аср (рақам билан ёнма-ён келганда)
акад.	— академик
араб.	— арабий, арабча
Б.А.	— Бадиий Академия(си)
б-н	— билан
ва б.	— ва бошқа(лар)
ва ш.к	— ва шу каби(лар)
ва ҳ.к	— ва ҳоказо(лар)
гнос.	— гносеология
д-р.	— доктор
дуал.	— дуализм
ж.	— жилд (библиографияда)
идеа.	— идеализм
инг.	— инглиз, инглизча (этимологик маълумотларда)
и.т.	— илмий-тадқиқот
ин-т.	— институт
итал.	— итальянча
й.	— йил, йили (рақам билан ёнма-ён келганда)
лот.	— лотинча (этимологик маълумотларда)
мас.	— масалан
мил.	— милодий
мил.ав.	— милоддан аввал(ги)
млрд.	— миллиард
наз-я	— назария
онт.	— онтология
проф.	— профессор(и)
СамДУ	
СамПИ ва б.	— қисқартма билан
тахм.	— тахминан, тахминий
ФА	— Фанлар академияси
фай.	— файласуф
фал.	— фалсафа
фал-ий.	— фалсафий
филос.	— философия
форс.	— форсча (этимологик маълумотларда)
франц.	— французча (этимологик маълумотларда)
ф-т.	— факультет
юн.	— юнонча (этимологик маълумотларда)
ш.	— шаҳар(и) (шаҳар номидан кейин)
шим.	— шимол(ий)
яхуд.	— яхудий, яхудийча
ЎзФАШИ.	— Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ-шунослик институти (библиографияда)
ЎзР.	— Ўзбекистон Республикаси (кўп такрорланган ҳолларда, расмий ўринларда тўлиқ ёзилади)
ЎзМУ(ТошДУ)	— қисқартма билан
қ.	— қаранг
ҳоз.	— ҳозирги

А

А — 1) ўзбек алифбосидаги биринчи ҳарф. Араб алифбоси асосидаги қадимги ёзувда «а» товуши «Алиф» ҳарфи орқали берилган. «Алиф» шарқ фалсафасида, айниқса, ёзма адабиётда, тўғрилиқ ва ростлик тими соли бўлган. Куръони каримнинг айрим суралари ҳам «Алиф» билан бошланган; 2) хорижий тилларда, хусусан, юнон тилида ишлатиладиган олд қўшимча. Мазкур қўшимча бирон-бир маънони инкор қилади. Мас., атеист, алогизм ва б. Ҳоз. замон ўзбек тилидаги но -, бе -, ғайри каби қўшимчаларга тўғри келади.

АБАД (араб. — доим, доимий, ҳар доим, ҳамиша чегарасиз замон) — сўнгсиз, ибтидоси бўлмаган вақт ўлчови, азалнинг муқобили. Бутунги фалсафада ҳам дунёвий, ҳам диний маънода ишлатиладиган иборат. Дунёвий талқинда вақтнинг доимо мавжудлиги ва чегарасизлигини англатади. Унга монистик, дуалистик, плюралистик, материалистик, идеалистик ва б. нуқтаи назарлардан ҳам ёндашиш мумкин.

Бу борада исломий талқин қуйидагиларга асосланади. Мас., Саййид Шариф Журжоний «Ат-Таърифот»да А.га қуйидагича таъриф берган: «А. шундай бир муддатки, ниҳояси — адоғини фикру тааммул б-н қатъиян тасаввур қилиш мумкин эмас. А. ниҳоясиз замонлар томонга қараб вужуд (борлиқ)нинг давом этиши, азал эса чексиз замонлар бўйича ўтмишга қаратилган борлиқнинг давомидан иборатдир». Шунингдек, у А.ни ниҳояси бўлмаган нарсадан иборат, деб ифодалайди. А. ҳақида Журжоний берган ушбу таърифни турли муаллифлар, жумладан, «Кашшофу истилоҳотил-фунун» китобининг муаллифи Шайх Муҳаммад Али ибн Таҳонавий Ҳиндий, «Фалсафа ва калом илмлари қомуси» муаллифи доктор Сажжодий, «Лугатнома» муаллифи А. Деххудо ва бошқалар ўз асарларида такрорлаб ёки унга қўшимча қилиб берганлар. Табиий фал.да замон доимий ва абадий ҳисобланиб, қуйидагича ифодаланади: фалаклар ҳаракати абадийдир, яъни унинг адоғи йўқ. Машшоийлар фал.си (Аристотель ва унинг издошлари)да руҳ қадим бўлганидек, ҳаюло (моддат ул-маъво, яъни шаклсиз модда) ҳам қадим ҳисобланган. Ибн Сино замоннинг чексиз давом этишини А. деб билади. Машҳур араб фай.и Ал-Киндий таъбири б-н айтадиган бўлсак, ўзининг мавжудлиги ва давом этиши учун бошқага муҳтож бўлма-

ган ва борлиғи иллат (сабаб)га боғланмаган нарса доим ва абадийдир. Абулбаракот Бағдодийнинг фикрича, ҳар бир яратилган нарса азалий ва абадий бўлади. Шаҳобиддин Сухравардий ҳам вужуд (борлиқ)нинг ўтмиш томонга қараб узайиши (давоми)ни А. деб билади. Фарид Важдий «Доиратул маъорифил қарнил ишрин» (Йигирманчи аср энциклопедияси)да Журжоний фикрини давом эттириб, А.ни чегарасиз даҳр ва замон деб таърифлаган. Сафавийлар даврининг буюк фай.и Садрул-Мутааллиҳин, азалият ва абадиятни яратувчининг сифатлари деб билиб, азалий — қадим ва сармадий сўзларини бир-бири б-н мутародиф (синоним) деб ҳисоблайди. Унингча, ҳар бир азалий бўлган нарса абадий ва ҳар бир сармадий бўлган нарса ҳам азалий ва ҳам абадийдир. Зоти қадим бўлган нарса ҳам азалий, ҳам абадий бўлади. «Фалсафа ва калом илмлари қомуси»да берилган маълумотларга кўра, тасаввуф аҳли, яъни орифлар абадият ва азалият масаласини ниҳоят диққат б-н ўрганиб чиққанлар. Мас., Тусийнинг нуқтаи назарича, азал ва А.нинг ҳар иккаласи бир маънони англатади. Улар орасидаги фарқ қайси ўринда ишлатилишидан келиб чиқади. Қадим (қадимлик) сўзи Аллоҳдан б. нарсаларга ҳам нисбат берилади, лекин азал ва азалият (азалийлик) яратувчидан б. нарсага нисбат берилмайди. А. ва абадият яратувчининг сифатларидан бўлиб, азалиятнинг бошланиши бўлмаганидек, адоғи ҳам йўқдир. Али ибн Усмон Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб» асарида, қадим ҳар доим мавжуд бўлган, азал аввали бўлмаган ва охири бўлмаган нарсадан иборат, деб таъкидлайди. Бу борада Қайсарийнинг фикри қуйидагича: бир қатор мавжудот масбуқ биззамондир (яъни, улардан олдин замон бўлган), мас., замонда юз бериб турадиган ҳодисалар, булардан ҳар бирининг ибтидо ва интиҳоси (аввали ва охири) бор. Аксинча, баъзи бир мавжудот ўзининг мавжудлигида (борлигида) масбуқ биззамон эмас (яъни, улардан олдин замон мавжуд бўлмаган), лекин улар замон б-н муқорин (ёndoш)лар. Мисол, мубдаот (модда ва замондан айирув, яъни йўқликдан яратилган нарсалар, мас., уқули мужаррада ва нуфус — мутлақ ақл ва руҳлар) азалий ва абадийдирлар. Шубҳасиз, азалнинг азалийлиги ва А.нинг абадийлиги ўзининг доимийлиги ва боқийлиги б-н илоҳий вужуд ҳисобланади. Улар ора-

сидаги фарқ шундан иборатки, азалиятнинг бошла-ниши ва абадиятнинг ниҳояси йўқ. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Кашшофу истилоҳотил фунун» муаллифи айтганидек, Аллоҳнинг А.и айни азал ва азали айни А.дир. Бу икки сўз (азал ва А.) унга нисбат берилган икки томон (ўтмиш ва келажак)нинг узилишидан иборатдир. Бундан мақсад шуки, У (Аллоҳ) ўз зоти б-н ягоналикда боқий деб билинсин. Азал ва А. Аллоҳнинг икки сифати бўлиб, унинг мавжудлиги зарурлигини (вожибул-вужудлигини) ақл орқали тушуниб олиш учун замонга нисбат берилган. Бўлмаса, Аллоҳ учун на А. ва на азал бор. У бор эди, у б-н ҳеч бир нарса мавжуд эмас эди. А. сўзининг ўзагидан қуйидаги сўзлар келиб чиқади: абадан, абадо, келажакда салбий ёки ижобий маънони таъкидлаш учун ишлатиладиган сўз, яъни ҳеч қачон (салбий маънода); ҳар доим, ҳамиша (ижобий маънода); абадий: келажакда ҳар доим мавжуд, адоғи йўқ, замон жиҳатидан чексиз ва йўқ бўлмайдиган нарса; абадият: абадийлик, доимийлик. Таъбид — абадийлаштириш, тааббуд — абадий бўлиш, абадийга айланиш, обида — тенгсиз асар, мислсиз ёдгорлик (тарихий обидалар).

АБАДИЙЛИК — борлиқ оламдаги мунтазамлик ва узвийлик, барқарорлик ва бардавомликни англа-тувчи тушунча. А. моддий ва маънавий ҳодисаларда вақт тарзида талқин қилинади. Айтайлик, материя физикавий нуқтаи назардан А. тизимига хос. Маълум объектга хос ҳодиса б. бир объект учун нисбийдир. Жумладан, А. диний қарашларда етакчи ўрин тутади. Дунёдаги барча диний қарашларнинг марказида тургучи — Худо — қайси шаклда ва қайси тилда бўлмасин А.нинг рамзидир.

АБАДИЙ ҲАҚИҚАТ — объектив воқеликни, нарса ва ҳодисанинг киши онгида мутлақ ўзгаришсиз, тўғри акс этиши. А.ҳ.да илмий билиш натижасида пайдо бўлган хулосалар илмий билишнинг келгуси ривожида рад этилмайди, балки янада аниқлашади ва тасдиқланади. А.ҳ. қисмларини (субъектларини) эътиборга молик ёки моликсиз жиҳатларини ўрганиш ва тасдиқлаш нисбий ҳақиқатдир. (қ. *Нисбий ҳақиқат*). А.ҳ. мутлақ ҳақиқатнинг ўхшаши, синоними. А.ҳ. ўзгариш ва тафтишга учрамайди. Аксинча, А.ҳ.ни билиш, ўрганиш доимо ўзгаришга учраши мумкин. Мас, Ислом теологлари ва олимларининг қарашни бўйича, диний арконлар А.ҳ.дир. Билишнинг ривожланиш жараёнида рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқат — А.ҳ. ҳисобланади (яна қ. *Ҳақиқат*).

АББАНЫЯНО (Abbagnano) Никола (1901, Салерно—1977, Турин) — италиялик файласуф, экзистенциализм вакили. Асосий қарашлари инсон борлиги, унинг яшаши ва ҳаёти б-н боғлиқ бўлган

масалаларнинг фал-ий жиҳатларига тегишли. Унинг фикрича, инсон моҳиятан оптимистик, яъни келажакка ишониб, умид б-н яшовчи мавжудот ҳисобланади. Одамзот насли ўз моҳиятига кўра, келажакка умид б-н қарайдиган, эзгуликка интиладиган, ўтмишни унутмайдиган вужуддир. А. ана шу асосда ҳар бир инсоннинг экзистенциал мақсади ўтмишдан келажакка қаратилган бўлиб, бу мақсадни амалга оширишда тарихий, замонавий ва истиқбол б-н боғлиқ омиллар муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди. У ўзининг «Позитив экзистенциализм» (1948), «Фалсафа тарихи» (1966), «Социология муаммолари» (1967) каби асарларида Хайдеггер, Ясперс каби файласуфлар қарашларини давом эттирди.

АББАТ (*лот.* abbas, оромий тилида або — ота) — 1) католик монастири — аббатлик бошлиғи. 2) франц. католик руҳонийси унвони. Қадимги Рим империяси давридаги апологетлик фал-ий оқими қарашларида устуворлик қилган шахслар.

АБЕЛЯР (Abelard) Пьер (1079—1142) — француз файласуфи, илоҳиётчи, воиз, мантиқий-диалектик тафаккур соҳиби. Схоластик мантиқ асосчиларидан. Замондошлари А.ни Фарбнинг Платони, ўз даврининг Аристотели, диалектиканинг рицари, деб улуғлаганлар. А. шоир ва машшоқ ҳам бўлган. А. «Ҳа ва Йўқ», «Диалектика», «Теологияга кириш», «Ўзингни ўзинг бил», «Кулфатларим тарихи» каби асарлар муаллифи. А. эътиқод ва ақл муносабатини таҳлил қилиб, эътиқоднинг зарур шарти тушунмоқ деб билади ҳамда муқаллас китоблардаги матнларга тушуниш орқали муносабатда бўлиш зарур, деб ҳисоблайди. «Икки ҳақиқат» таълимотига кўра, биз ҳис этмаган ва бизга реал оламдан ташқарида бўлган нарсалар ҳақидаги мулоҳазалар эътиқод ихтиёрида. А. фикрига кўра, диалектика ёки нутқ (сўзлашув) ҳақидаги фан мантиқдир. Универсал тушунчалар А. фикрига кўра, реал воқеликда алоҳида буюмлар каби мавжуд бўлмайди. Аммо улар интеллектуал (ақлий) билиш соҳасида «борлиқ» мақомига эга ва ўзига хос учинчи — концептуал оламни ташкил қилади. А. христианлик ақидаларидаги зиддиятларни кўрсатиб, ўз талқинларини баён қилган. Бу талқинлар расмий тан олинган талқинлардан фарқли бўлгани сабабли А. черков томонидан икки марта қораланган. «Ҳа ва Йўқ» асарида инсоннинг ўз ақл-идроки б-н яшашга ҳақли эканини ҳимоя қилади.

АБСОЛЮТ (*лот.* — ҳар қандай муносабатлар, шартлардан озод, мутлақ, мустақил, мукамал) — фалсафада абсолют борлиқ ёки абсолют воқелик (Шеллингда), абсолют руҳ, яъни олий дунёвий ақл (Гегелда) абсолют шахс, яъни Худо (христи-

анликда), абсолют қадрият (Платон асос солган метафизик идеализмда), абсолют ахлоқ, категорик императив ёки бурч қонуни (Кантда), мустақил мавжудотнинг индивидуалликдан юқори субстанциал асос (Фихтеда), ирода (Шопенгауэрда), интуиция (Бергсонда). Билиб, англаб олинганлигидан қатъий назар ҳамма нарса абсолют аҳамият касб этади. Мас., мантиқнинг «Агар икки катталиқ учинчисига тенг бўлса, у ҳам ўзаро бир-бирига тенгдир», деган қондаси абсолют аҳамиятга эга бўлади. Баъзи бир фал-ий таълимотларда, мас., материализм ва унга асосланган фал-ий тизимларда А.га ўрин қолдирилмаган.

АБСОЛЮТ (мутлақ) РУҲ ва **АБСОЛЮТ ҒОЯ** — Гегель фалсафасининг асосий тушунчалари. Унинг фикрича, А.Р. ўз тараққиётида бир қанча босқичларни босиб ўтади, яъни объектив руҳ, субъектив руҳ, мутлақ билим шаклида ҳамда такомилга етиб А.Р. тарзида намоён бўлади. А.Р.нинг асосий шакллари санъат, дин ва фалдир. Руҳ санъатда образлар орқали, динда эмоционал руҳий фаолият натижасида, фалда эса дунёқарашга хос чуқур фикрлаш воситасида ғоя тарзидаги моҳиятини намоён қилади. А.Р. шахс, жамият ва ғоянинг бирлиги сифатида абадий, чексиз, макон ва замонда эркин ҳаракатланиш хусусиятига эга. Инсоният ва жамият ўз навбатида А.Р.нинг маълум босқичдаги намоён бўлишидир. (Қаранг: *Гегель*).

АБСТРАКТЛИКДАН КОНКРЕТЛИККА ЎТИШ. *Абстрактлик* (лот. abstractio — мавҳумлик) — бутуннинг қисми, бир парчаси ёки томони. *Конкретлик* таркибли, мураккаб, кўпёқлама демакдир. Объектнинг бутунлигини наз-ий равишда онгда такрор ҳосил қилиш усули абстрактликдан конкретликка қараб юқорилаб боришдан иборат бўлиб, бу жараён илмий билим ривожланишининг, объектни тушунчаларда муайян тизим асосида акс эттиришнинг умумий шаклидир. Тушунчаларда тадқиқ қилувчи объектнинг объектив бўлакларга бўлиниши ва унинг барча томонларининг бирлигини акс эттирувчи усул бўлган абстрактликдан конкретликка қараб юқорилаб бориш аввал конкретликдан (мушоҳадага асос бўлган нарса-ҳодиса) абстрактликка қараб ҳаракат қилишни назарда тутати. Шу ҳаракат туфайли объектнинг айрим томонлари ва хоссаларини акс эттирувчи тушунчалар ҳосил бўлади. Улар бутуннинг ўзига хос мазмуни б-н белгиланадиган моментлари (нуқталари) деб қаралган тақдирдагина уларнинг ўзлари тушунарли бўлади. Шунинг учун, ўрганиладиган предмет, тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси сифатидаги конкретлик (ҳиссий К.) б-н тадқиқотнинг тугалланиши якуни сифатидаги,

объект ҳақида илмий тушунча сифатидаги конкретликни (фикрий К.ни) ажрата билиш керак.

АБСТРАКЦИЯ (лот. abstractio — мавҳумлик) — билиш шаклларида бири бўлиб, у нарсаларнинг бир қанча хоссаларини ва улар ўртасидаги муносабатларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирон бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатишдан иборат. А. илк бор қад. Юнон фал.и Аристотель томонидан қўлланилган. Рим фал.и Бозций (Анаций Манлий Северин, 480-524) илмий таомилга киритган. А. мавҳумлик, назардан соқит қилиш жараёни ва унинг натижаларини ҳам билдиради. А., мавҳумлик жараёнида баъзан инсоннинг айрим субъектив имкониятларини ҳам назардан соқит қилишга тўғри келади. Мас., сонларнинг бутун натурал қаторини санаб чиқиш мумкин эмас, лекин шундай бўлса-да, бундай имкониятни назардан соқит қилган ҳолда долзарб (яъни, «санаб чиқилган») «тугалланган» (ниҳоясизлик мавҳумлиги) вужудга келтирилади. А. (мавҳумлик) жараёнининг натижалари сифатида турли тушунчалар ва категориялар, мас.: борлиқ, ҳаракат, қиймат юзага келади. Ҳар қандай билиш мавҳумлик жараёнлари б-н заруран боғлиқ. Бу жараёнларсиз нарсанинг моҳиятини очиб бериш, унинг ичига чуқур кириш мумкин эмас. Нарсани бўлакларга бўлиш унда муҳим томонларни ажратиш, уларни «соф» ҳолида ҳар томонлама анализ қилиш — буларнинг ҳаммаси тафаккурнинг мавҳумлаштирувчи фаолияти натижасидир. Билиш жараёнида А.нинг аҳамияти жуда катта. Билиш реал борлиқдан мавҳумлик томон юқорилашиб борганда, агар у тўғри бўлса, ҳақиқатдан узоқлашмайди, балки унга яқинлашиб боради. А. нечоғлик чинакам илмий бўлишига қараб амалиёт мезони тарзида хизмат қилади. Борлиқ ҳақидаги фал-ий таълимот А. жараёнини ва унинг натижаларини илмий равишда изоҳлайди.

АБСТРАКЦИЯ ТАМОЙИЛИ — уч хил универсалияларни боғловчи ва шу асосда мавҳумлаштириш орқали аниқланадиган мантиқий принцип. Бу универсалияларга синфлар, хосса ва муносабатлар, тенгликлар киради. А.т.га кўра, маълум кўпликда аниқланган интилган тенглик нисбати бу кўпликни таснифлайди (яъни ўзаро кесишмайдиган жуфт ва тенг унсурлардан ташкил топувчиларга бўлинади). Кўрсатилган синфлар абстракция синфлари дейилади, бўлиниш эса (бу синфлар оиласи) ушбу муносабат бўйича фактор — кўплик деган ном олган. А.т. орқали бир-биридан фарқланмайдиган айниятларни ўзаро алмаштириш имкониятидир. Бу хулоса моделлар наз-ясида стандарт универсумлар олишда ишлатилади. Абстракт кўпликлар наз-ясида кирувчи теоре-

малар ёки аксиомалар сонига кирувчи махсус А.т. ҳам бор. Абстракциялаш билиш шаклларидан бири ҳисобланади, предметлар хоссаларини, улар ўрта-сидаги муносабатларни фикран назардан четлатиш ва бирон-бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатиш маъносига эга. Назардан четлатиш жараёни ва натижалар абстракциялаш маъсулидир. Воқеа, ҳодиса, предметлар кузатилаётганда ниҳоясизлик абстракцияси, «санаб чиқилган», «туғалланган» абстракцияларидан фойдаланиш мумкин. Мас., тўғри чизиқ ҳақида гапирганда чексиз катта миқдор, чексиз кичик миқдор абстракциялари ишлатилади. Абстракциянинг маъсули сифатида турли тушунча ва категориялар юзага келади (материя, ҳаракат, қиймат ва б.). Ҳар қандай билишда абстракциясиз бирор натижага эришиб бўлмайди. Унингсиз предмет моҳиятини очиш, унинг ички табиатига кириш мумкин эмас. Нарса, ҳодиса, предметни бўлакларга бўлиш, уларни муҳим тамойилларини ўрганиш, билиш, ажратиш абстракция методи орқали бажарилади.

АБСУРД (лот. *absurdus* — сохталик, қалбакилик) — муайян нарса, воқеа ёки хулосанинг ички зиддияти, нотўғрилиги ва ясамалигини ифодаловчи тушунча. Мантиқда хулоса ва ҳукмларнинг ҳақиқатга мос келмаслигини, санъат ва адабиётда эса сохта ҳолат ва хусусиятларни акс эттиради. Фал.да муайян ғоялар, қарашлар ҳамда таълимотларнинг ғайри илмийлигини, ҳаётга мос келмаслигини, одамларни сароб мақсадларга томон бошлашини ифодалаш учун қўлланилади.

АБУЛҒОЗИЙХОН Баҳодирхон (1603.23.8, Урганч—1663.4, Хива) — давлат арбоби, тарихнавис олим ва табиб.

А.дан бизга 3та асар мерос бўлиб қолган: «Манофеъ ул-инсон» («Инсон саломатлиги учун фойдали нарсалар», 1657); «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи», 1661); «Шажараи турк» («Турклар тарихи», 1664). Биринчи асари 4 қисмдан иборат бўлиб, унда содда ва мураккаб дорилар, гиёҳлар, доно кишиларнинг насиҳатлари тўғрисида сўз юритилади. Китобнинг 28 бобида 124 та иллатнинг аломатлари, уларни даволаш усуллари, халқ таботатида ишлатиладиган 700 дан ортиқ дори-дармонлар ҳақида илмий маълумотлар берилган. А. ўз китобида Ибн Сино асарларидан фойдаланган ва ўзининг амалий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда касалликларга қарши даво чораларини шарҳлаган. «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида ерда ҳаётнинг пайдо бўлишидан тортиб, то ўзи яшаган давргача содир бўлган воқеалар акс этган. Миллий давлатчилиги-

миз тарихида А.нинг алоҳида ўрни бор. Ўрта Осиёда давлатчилик ва маданиятнинг ривожланишида юз берган икки асрлик инқироздан кейинги Уйғониш А.нинг ижтимоий-сиёсий фаолияти б-н боғлиқ. А. Хива хонлигида вужудга келган тарихнавислик мактабининг асосчиси. Унинг аъёналарини *Мунис*, *Огаҳий*, *Баёний* давом эттирди.

АВАНГАРДИЗМ (франц. *avantgardiste*) — 20-аср бадиий маданиятидаги йўналиш. У мавжуд меъёр ва аъёналарни рад этиб, янги ифодавий воситаларни янгилик, деб қарашдан нарига ўтмайди. Бадиий образ яратишда аввалдан мавжуд классик аъёналарни тан олмасдан, янги ифода воситалари излашда шаклга зўр бериш А.нинг асосий хусусиятидир. Модернизм б-н узвий боғлиқ бўлиб, анархистик-субъективистик дунёқарашни акс эттиради. А. тамойилларини экспрессионизм, кубизм, *футуризм*, дадаизм, сюрреализм каби оқимлар қабул қилган. А. мусиқада ҳам акс этган.

АВГУСТИН Аврелий, (Augustinus sanctus) (354, Тагас ш., Шим. Африка — 430, Гиппон ш. Шим. Африка) — христиан дини илоҳиётчиси, файласуф. Насронийлик фал.си аъёналари А. томонидан давом эттирилди. А. фал.си христиан ва қад. доктриналарнинг қоришмаси сифатида вужудга келди. А.нинг диний-фалсафий руҳдаги қатор ваъз ва рисоалари сақланиб қолган. Улардан машҳурлари: 1) «Тавба» (400 й.); 2) «Илоҳий шаҳар ҳақида» (413-427 й.лар; 22 китобдан иборат). А. уларда Худо борлиқнинг энг юқори ва олий намунаси эканлигини исботлашга уринади. Худо борлиқни, оламни ўз иродаси б-н йўқдан яратади. Олам бир хил эмас, у турли мақомдаги мавжудотлар поғоналарини ташкил қилади. Бунда инсон ўзига хос ўрин эгаллайди. У кичкина олам, «микрокосмос»дир. У ўзида моддий жисм табиатини мужассамлаштирган. Бундан ташқари, у ақл ва эркин ирода соҳиби ҳамдир. Руҳ моддий эмас. У абадий ва эркин. А.га кўра, руҳ мустақил субстанция — жавҳар сифатида на жисм ва на унинг хоссаларига эга. Унинг асосий вазифаси — тафаккур этиш, ирода ва хотирага эга бўлишдан иборат. Руҳ ҳар қандай биологик функциялардан холи. Таната нисбатан ўзининг баркамоллиги б-н ажралиб туради. Бундай қараш юнон фал.сида ҳам учрайди. Лекин, А. талқинида руҳнинг баркамоллиги унинг Худога яқинлиги ва абадийлигидан. А. фал.сига ақлпарастлик эмас, балки, иродапарастлик хос. Руҳий ҳаётнинг асосини ирода ташкил этади. Чунки, ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти унинг фаолиятида намоён бўлади. Шундай экан, инсон моҳиятини ақл белгилай олмайди, негаки, у пассивдир. А.нинг ирода устуворлиги ҳақидаги фикри қад. юнон рационализ-

мидан фарқланади. Инсон руҳини иррационалистик тарзда тушуниш орқали ирода эркинлигининг фаллиги келтириб чиқарилади. А. бу фикрни психология б-н биргаликда илоҳиётга киритади. А. эллинистик фал. б-н ҳамоҳанг тарзда инсон ҳаётининг мақсади ва мазмуни бахт-саодатга эришиш эканлигини эътироф этади. Бахтнинг калити Худо. Инсоний бахтга эришиш Худони билиш ва руҳни турлитуман синовлардан ўтказиш орқали амалга ошади. А.нинг диний-фал-ий қарашлари Максим Конфессор, Кассиодор, Алкин, Боэций, тақводор Иоанн томонидан давом эттирилди. Унинг маънавий мероси атрофида кескин ғоявий кураш ҳанузгача давом этиб келмоқда.

АВЕНАРИУС (Avenarius) Рихард (1843.19.11, Париж—1896.18.8, Цюрих)— швейцариялик файласуф, субъектив идеалист, эмпириокритицизм асосчиларидан бири. Отасининг ихтиёри б-н аввал ўзини китоб ишига бағишлаган эди, кейинчалик Цюрих, Берлин ва Лейпцигда фал. б-н жиддий шуғулланди. 1877й. Цюрих ун-тига проф. лавозимига тақлиф этилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Георин, Найнце ва Вундт иштирокида фал. журнални ташкил этди ва вафотигача бошқариб борди. Асосий асарлари — «Фалсафа кам куч сарфлаш принцили асосида дунё ҳақидаги ўйлар сифатида» (1876), «Соф тажриба танқиди» (2 жилдлик, 1888—90), «Оламни инсоний англаш» (1891). А. «Принципиал координационал-лаш» илмини ишлаб чиқди. У ўз вақтида ўрганилаётган реаллик ғоя ва меъёрларини наз-ий тушунчаларини янгича файласуфона исботлашга ҳаракат қилди. А. фикрича, «Принципиал координационал-лаш» фани жисмоний ва руҳий дуализмни барта-раф қилишга имкон яратади. А. методологиясининг биринчи принцили — «С системаси» ёки марказий аъзо ва «R системаси» (ёки антиаъзо)нинг узвий бирлиги (объектсиз — субъект йўқ, субъектсиз — объект йўқ). А. мантиқий қоидаларига асосланган наз-ий умумий тушунча чиқариши мумкин — олам бу ҳиссиётдир. А. оламни англашни ҳиссиётга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Назарий соҳада А. «Кам ўлчовли принципига асосан фикрлаш» ни тавсия этади. Методологик даражадаги А.нинг «Принципиал координационал-лаш» илми ўша даврдаги табиат фанларининг наз-ий пойдевори бўла олмади, негаки объектив воқеликни мустақил мавжудлигини тан олмаган объективлик тушунчасини рад этар эди. А. бутунлай янгича нуқтаи назарга асосланиб, янги йўлларга бошлаб, эски ечилмас муаммоларга янгича ёндашишни кўрсатади. У ўз наз-ясини «эмпириокритицизм» деб номлади. Унинг эмпириокритицизми кўп олимларни ўз оригиналлиги, терминологиясининг янгилиги б-н қизиқтирар эди. А.нинг

билиш фал.сида қўллаган изланиш услуби янги ва муҳим ҳисобланади. У соф тасвирлашни билиш фал.сини табиатшунослар ўзларининг асосий фани деб ҳисоблаганлар. А. «эмпириокритицизм» термини орқали тажриба тушунчасини танқид қилмоқчи эканлиги ҳақида фикр юритади ва «соф тажриба» илмини қабул қилишимиз керак. Қайси фикрларни тўғри деб ҳисоблашимизни, қайсиларини сақлаб, қайсинисидан воз кечишликни аниқламоқчи бўлади. А. материалистик билиш наз-ясини танқид қилиб чиқиб, бу наз-яни интросекция, яъни ташқи оламни инсон миясига жо қилиш, деб таърифлади. У билимларнинг ягона манбаи сезгилардир, ҳамма нарса сезгида мужассамлашган, деб ҳисобларди.

АВЕРРОИЗМ — андалузиялик (испаниялик) машҳур мутафаккир Ибн Рушд (лот. Аверроэс) фалсафий-маънавий таъсири остида Фарбий Европа ҳудудида вужудга келган фалсафий йўналиш. Тарих тақозоси б-н *Аристотель*, Абу Наср *Фаробий* ва *Ибн Сино* даҳосига мансуб ғоялар (оламнинг абадийлиги, ақлнинг фаоллиги, детерминизм тамойиллари) Ибн Рушд томонидан ривожлантирилди ва унинг номи б-н Фарбга танилди. Париж ун-ти магистри Сигер Брабантский (тахм. 1240—81 ёки 1284) А.нинг йирик намояндаси сифатида танилди. Унинг ҳаёти черков ва рақиблари Бонавентура, Фома Аквинский ва Буюк Альбертлар б-н кескин ва муросасиз тўқнашувларда ўтди. Сигер ва унинг тарафдорлари инквизиция олдида тиз чўкишга мажбур бўладилар. У «Оламнинг абадийлиги ҳақида», «Сабабларнинг зарурийлиги ва ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ҳақида», «Руҳнинг ақллилиги ҳақида» каби асарларида фал.нинг илоҳиётдан мустақиллиги, оламнинг абадийлиги, детерминизм тамойилининг табиатда ҳукмронлиги, индивид руҳининг ўткинчи эканлигини эътироф этади. Аверростик Аристотелизм Париж епископи Стефан Темпьер томонидан 1227 й. махсус декрет б-н қораланди. А. анъаналари Оксфорд ун-тида Роджер Бэкон (1210 — 94) қарашларида намоён бўлди. Р.Бэкон математика, тиббиёт, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, фал.га оид асарлар ёзди. («Катта асар», «Кичик асар», «Учинчи асар» ва б). Фай. бу асарларида схоластикага, эскича фикрлаш тамойилига қарши чиқади, Аристотель ва Ибн Рушд анъаналарини давом эттиради. У Альберт ва Аквинскийга қуйидагича эътирозлар билдиради: 1. Буюк фй.лар сифатида Аристотель, Ибн Сино ва Аверроэсни тан олиш мумкин. Лекин, схоластлар на юнон тилини, на араб тилини биладилар. 2. Математика илмий соҳаларнинг асосидир. Лекин, схоластлар етарли даражада математикадан хабардор эмаслар. 3. Схоластлар барча муаммоларни ҳал этишда Инжил, Аристотель, «черков отахонлари» нуфузига

таянадилар. Аслида эса, тажриба ва кузатувга мурожаат этмоқ зарур. Узоқ муддат давом этган тақиқлар, тазйиқ ва қувғинларга қарамасдан, А. анъаналари илм аҳли хотирасидан бутунлай ўчмади. 14-а.нинг бошларидан А. яна уйғона бошлади. Жан Жанден (1340 й.да вафот этган) падуялик Марсилиий (1340 й.да вафот этган) б-н ҳамкорликда А.ни тарғиб қиладилар, папа Иоанн XXIIга қарши мухолифатда бўладилар. Жан Жанден ўзининг кўплаб асарларида аверроистик Аристотелизм мавқеини ҳимоя қилади, илм-фанни схоластика исканжасидан озод қилишга уринади. Европада 15-16 а.ларда А. бирмунча кучайди. Лекин бу даврга келиб, у мўътадил шакл-шамойилни кашф эта бошлади. (яна қ. *Ибн Рушд*)

АВЕСТО — 1) «Ҳаёт йўриқномаси» деб номланган китоб; зардуштийлик динига тааллуқли адабиётларнинг умумий номи; 2) зардуштийлик динининг асосий китоби; 3) «насиҳатнома», «қонунлар тўплами», «билимлар мажмуаси» сифатида талқин қилинадиган тарихий манба. Авесто — Турон, Хуросон, Озарбойжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг милоддан олдинги қад. даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот берувчи асосий манба. У мил. ав. 7-6 а.ларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ҳудудида яратилган. Мил. ав. 13-а.дан то милоднинг 4-а.гача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўзида акс эттиргани учун миллий ғояларни асраб-авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш ва миллий анъаналарни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этган. Зардуштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида мужассам этган бу китобда ўша даврдаги устувор ғоялар, маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини топган. Тарихчи Масъудийнинг ёзишича, подшо Доро ибн Доро хазинасида «Обисто»нинг («Авесто») 12 минг олтин тахтага, Балхийнинг «Форснома» китоби ва Абу Райҳон Беруний асарларида ёзилишича, 12 минг ошланган мол терисига тилла сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган. Македониялик Александр мил.ав. 334—329 й.да Марказий Осиёни забт этган даврда оташхоналарни вайрон қилган. Шу даврда А.нинг бир қанча бўлимлари ҳам ёндириб юборилган. Аини замонда унинг тиббиёт, фалакиёт, фал. ва адабиётга доир бўлимлари юнон тилига таржима қилинган. Милодий 1-а.да Парфиядаги аршакийлар ҳукмдори Вологес томонидан турли манбаларда сақланиб қолган ёзма ва оғзаки намуналари қайта тўпланган. Шунингдек, сосонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган

бу даврда зардуштийлик динига бўлган қизиқиш кучайган. Подшо Ардашер (226-242) ва унинг ўғли Шопур (242-272) ҳукмронлик қилган даврда зардуштийлик яна давлат динига айланган, алоҳида китоб ҳолида тикланган. Ўша даврда ҳукмронлик қилган шоҳ Хусрав Ануширвон (531-579) А.ни ҳатто руҳонийлар ҳам тушуниши қийин бўлгани учун қадимги Хоразм тилидан замонасининг адабий тили ҳисобланган паҳлавий тилига ўгиртирган. Шунингдек, асосий матнга шарҳлар ёзилиб, изоҳлар ҳам берилган. Сосонийлар ҳукмдорлари томонидан қайта тикланган бу китоб Занд Авесто деб аталган. Занд баён қилиш ва изоҳлаш демакдир. Занд А. зардуштийлик дини таълимотини тўлиқ акс эттиролмайди. Биринчидан, А.нинг бешдан уч қисми (18 насхи) номаълум бўлиб, фақат 12 насхи кишиларнинг ёзида қолган оғзаки қўшимчалар асосида китоб ҳолига келтирилган. Иккинчидан, китобни қайта тиклаш даврида астрономия, тиббиёт, жуғрофия, этика каби фанларга оид асарлар ҳам унинг матнига қўшиб юборилган, деган тахминлар бор. Шунингдек, китобнинг ҳажми катта бўлгани боис, диндорларнинг ҳар куни фойдаланишига ўнғай қилиш учун қисқартирилиб «Кичик А.» шакли яратилган. Унга асосан танлаб олинган дуо ва мадҳиялар киритилган. 7-8-а.ларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва исломнинг кенг тарқалиши б-н зардуштийлик ва унинг бош китоби А. тақиқланган. Шу сабабли, унинг аксарият қисми йўқолиб кетган ва тўлиқ матни ҳозирга қадар топилмаган. Бугунги кунда унинг «Яшт», «Видевдат», «Висперат», «Ясна», «Хурдо Авесто» («Кичик Авесто») номли қисмларигина сақланиб қолган. А.да зардуштийлик даврининг ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлари ўз ифодасини топган. Дуализм, руҳ ва моддийликнинг ҳаётийлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига биноан, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий курашидан иборат. Шунга кўра, ҳаётнинг кечиши табиатда (нур ва зулмат), борликда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуқлик), динда (Ахура Мазда б-н Аҳриманнинг азалий ва абадий келишмаслиги) турли хил кучлар ўртасидаги кураш шакллари сифатида намоён бўлади. А. таълимотига кўра, олов — оламни нурафшон қилувчи, одамларни гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч, ер ва сув — ризқ, ҳаёт манбаи. Қад. ажлодларимизнинг эзгу ғоялари ва миллий давлатчилик анъаналари ўз аксини топган бу китоб фақат мустақиллик йилларида ҳақиқий кадр-қиммат топди. Унинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси

«Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида» (2000 й. 29 март 110-сонли) қарор қабул қилди. Бу сана 2001 йилда кенг нишонланди.

АВЕСТОШУНОСЛИК — «Авесто» ёзма ёдгорлигининг ёзуви, тили, тарихи, мазмуни, турли тарихий даврларда жаҳон халқларининг мазкур ёдгорликка бўлган турли муносабатлари, бошқа динлар ва маданиятларга таъсири, умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни тўғрисидаги тадқиқотлар, ғоялар, қарашлар ва ҳ.к.ларнинг мажмуаси. А.ни шартли равишда учта тарихий даврга бўлишимиз мумкин: 1) Қадимги А.; 2) Ўрта асрлардаги Шарқ А.И.; 3) А.нинг янги даври. Қадимги А. даври деганда, «Авесто» битикларини қад. юнонлар, римликлар, яҳудийлар, сурияликлар ва б. томонидан тадқиқ этилиши ва ўз даври тафаккури даражасидан туриб, «Авесто»даги энг қимматли билимлар, фикрлар, тажрибаларни ўзлаштириб олиниши тушунилади. Юнон фани фал.сига ҳал қилувчи таъсир ўтказган буюк таълимот сифатида эътироф этилади. Ўрта асрлардаги Шарқ А. асосан, араблар ҳукмронлигига қарши ўз миллий қадриятларини ҳимоя қилишга, уларни чуқурроқ ўрганишга, зардуштийликка интилишнинг кучайиши б-н боғлиқ ҳаракат. Бу ҳаракатнинг марказлари Бухоро, Хоразм, Хуросон бўлиб, ислом қобиғига ўралган тасаввуфнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Бу даврда Дақиқий, Фирдавсий, Абу Райҳон Бериунийларни ўз даврининг йирик А.лари дейишимиз мумкин. Янги давр А. Анкетил Дюперрон номи б-н боғлиқ. Ҳозирда дунёнинг барча минтақаларида А. марказларида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 1777 й.да немис олими Кленкер томонидан «Занд Авесто» немис тилига ўгирилиб, Рига шаҳрида чоп этилди. А.да янги бир босқич даниялик тадқиқотчи Р.Раскнинг фаолияти б-н боғлиқ. У 19-а.нинг биринчи чорағида Анкетил Дюперрон жасоратларини яна бир бор такрорлаб, «Авесто»дан немис тилига бир қатор таржималар қилди ва 1826 й. Копенгаген шаҳрида чоп эттирди. Шунингдек, Э. Бюрнуфнинг 1833 й.да «Авесто»нинг «Ясна» қисмига ёзган шарҳлари А.да муҳим қадам бўлди. А.нинг Россияда шаклланиш тарихи 19-а.нинг 2-ярмига тўғри келди. К.А. Коссович биринчилардан бўлиб, «Занд Авесто»дан 4 бобини 1861 й. таржима қилди. К.Г.Залеман қад. форс адабиёти ҳақидаги очеркларида (1881 й.) «Авесто» ҳақида маълумот беради. С. Каменский «Авесто» яшларидан еттитасини рус тилига таржима қилиб, 1900 й. изоҳли лугати б-н чоп эттирди. «Авесто»ни илмий ўрганишда Иброҳим Пури Довуд А.да чуқур из қолдирган йирик тадқиқотчи. У Ҳиндистондаги порс қавми орасида 1925—1936 й.да истиқомат

қилиб, «Авесто»нинг тилини мукамал ўрганди. Бу таълимотга доир бор материалларни жамлаб, тўққиз томдан иборат «Авесто» китобини чоп эттирди. У уч минг йиллар олдин йўқотилган «Авесто» саҳифаларини тиклаб, уни ҳоз. замон форс тилига ўгирди. Пури Довуд мактабига мансуб авестошунослардан Эҳсон Ёршатр, Баҳром Фраваший, Бейжон, Саид Нафисий, Пирниё Ҳасан ва б.ни алоҳида санаб ўтиш зарур. Собиқ иттифоқ даврида «Авесто»нинг илк ватани бўлмиш Ўзбекистонда А. системали равишда амалга оширилишига имкон бўлмади. Ўлкамиз тарихи б-н шугулланган Ғуломов Я. Ғ., Толстов С. П. ва б. тадқиқотчиларнинг ишларида «Авесто» у ёки бу даражада таҳлил қилинган. Мустақиллик даврида А. б-н жиддий шугулланиш имкони очилди. Ҳозирги тадқиқотчиларимиздан Н.Маллаев, М.Қодиров, М.Исҳоқов, А.Сагдуллаев, А. Қаюмов, А. Маҳкам, Ф.Сулаймонова ва б.нинг тадқиқотларида жиддий изланишлар кўзга ташланмоқда. Ўзбек тилида «Авесто» битикларининг бизгача етиб келган тўла матни (2001 й.) нашр этилди.

АВЛОНИЙ Абдулла (1878—1934) — 19-а. охири 20-а. бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакилларида бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби. 20-а. бошларида А. жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, Тошкентдаги жадидчиликнинг фаол ишгирокчиларидан бири бўлиб танилди. У янги усулда, янгича мактаб очиб, дарс берди ва дарсликлар ёзди. Мактаб-маориф ишларига ёрдам берувчи «Жамияти хайрия» очиб, етим ва боқувчиси йўқ болаларни ўқитди. А. таниқли маърифатпарварлар б-н биргалликда «Нашриёт», «Мактаб» ширкатларини тузди. «Тараққий», «Шухрат», «Осиё», «Турон» газеталарини чиқарди. А. асос солган мактаб гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий илм-фани болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилятига эга бўлишни таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлди. Адиб бу мактаблар учун дарсликлар тузди. Ахлоқий-дидактик мазмундаги «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги (1913) 20-а. бошлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи маротаба 20-а.нинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назардан таҳлил қилинган. А. хулқларни анъанавий яхши ва ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил фикрлари б-н асосланган тарзда замонавийликни асосий мезон қилиб олади. Мутафаккирнинг фикрича, ахлоқ, бу — эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Биноба-

рин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинадилар. Лекин, булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон ёки яхши қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия «ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур». Тарбия она қорнидан бошланади ва умрнинг охирига қадар давом этади, деган ғояни илгари суради. А. тарбия доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ б-н чегаралаб қўймайди. А. масаланинг фал-ий асосига кўчади. Жисм б-н руҳнинг узвий бирлиги ҳақида гап очади: «Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозаллик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устунни қўюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур». Яна бир ўринда эса «бадан элак каби кўзлукдур», деган гап учрайди. А. жисм б-н руҳ, шакл б-н мазмуннинг узвий бирлигини таъкидлайди. А.нинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон — ақл ва тафаккур мезони. А.нинг таъкидлашича, Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди б-н яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у б-н фахрланмоқ керак. Ватан Онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи. А.нинг фикрича, тилга, маданиятга муҳаббат эса ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаси ҳаёти — тил ва адабиётидир», — деган эди мутафаккир. А. адолатни, ҳар бир миллатнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқуқини дунёнинг асоси деб билди, бировга «жабр қилувчининг ёқаси ҳеч қачон жазо қўлидан қутула олмас»лигини айтди. А.нинг ижтимоий қарашлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик А. фалсафасини ўрганиш учун кенг имкониятлар очди.

АВТОКРАТИЯ (юн. *autos* — ўзим, *kratos* — ҳокимият) — якка шахснинг ҳеч қандай қонун, ҳуқуқий меъёрлар ҳисобланмаган ягона ҳокимлиги, яъни мустабид, якка ҳокимиятчилик, бир шахснинг назоратсиз тўла ҳукмронлиги. А. қад. давлатлар — Юнонистон, Рим империясида фақат зўрлик ва қурол кучига таянган, ўрта асрларда эса, мутлақ монархияга асосланган давлатнинг белгисини ифодалаган. А. айниқса фашистик ва коммунистик сиёсий тузумларда диктаторнинг ҳуқуқ ва озодликка қарши қаратилган шахсий ўзбошимчилиги рамзига айланди.

АВТОНОМИЯ (юн. *autos* — ўзим ва *nomos* — қонун) — хусусий қонуният табиатига мувофиқ, ўз ақли ва кучи асосида, яшаш, фаолият юритиш. Ижтимоий маънода А. мухториятни англатади. 1) муайян давлат таркибида ўз-ўзини идора қилувчи миллий давлат тузилиши. Автоном давлат Конституция доирасида ўз-ўзини мустақил идора этади. А. муайян бир ҳудудда бир бутун бўлиб яшайдиган миллатларнинг ўз-ўзини сиёсий идора қилишини назарда тутди. А. давлатда ҳокимият органлари, суд, прокуратура органларининг ишлари, мактабларда таълим тили мазкур миллат тилида олиб борилади. 2) А. кенг маънода муассаса, ташкилотларнинг муайян масалаларини ўз ҳолича, мустақил ҳал қилиш ҳамдир. Ахлоқий А. эса, ўз ақли, ўз табиатига мувофиқ, ўз кучи б-н ахлоқий мавқеини ўзи белгилаш ҳуқуқини англатади.

Немис фай.и Кант буни ахлоқий етук одамга муносиб ягона хусусият деб ҳисоблайди. А.га қарама-қарши тушунча — гетерономиядир.

АВТОРИТАР ТАФАККУР — янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, ижодий тафаккурга зиддир. Унда мулоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вази-фаси нотўғри тамойилга асосланган бўлади. А.т. бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мулоҳазалар йиғиндиси» б-н чеклаб қўяди. Бу мулоҳазалар йиғиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқаради. Дастлабки асос бўлган фикрлар системаси намуна сифатида қабул қилинади ва б. фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мулоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айtilган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш қолади. Авторитетлар, нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан ёшларда миллий мафкура ва миллий ғояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда матбуотнинг, айниқса радио ва телевидениянинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олиншидаги роли эътиборлидир. Авторитетлар масаласи мураккаб ва кўп қирралидир. Шу сабабдан, фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда авторитет ҳисобланган фикрларга конкрет шароитга мос равишда, меъёрга амал қилган ҳолда ёндашиш зарур.

АВТОРИТЕТ (лат. *autoritas* — ҳокимият) — кенг маънода: бир шахс ёки ташкилотнинг ҳаётда ёки жамиятда қабул қилган норасмий таъсири (мас. тарбия, фан); тор маънода: ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг бир тури. Кўп ҳолларда А. қонун, қоида ёки ижтимоий меъёрлар таъсири бўлаётган шахслар

тарафидан зарур, деб тан олинганлигидир. А. шахс ёки бир гуруҳ шахсларни куч ишлатмай, зўравонликсиз фикрлашга ёки ишлашга йўналтиришдир. А.нинг мавжудлиги шахсларда учрайдиган муаммоларни фал-ий мушоҳада қилиш имконияти чегараланганлиги, бу эса, ўз вақтида борлиқнинг жуда ҳам мураккаблигидандир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, А.эгасининг тасдиқларига ишониб юриш заруратини асослаб бериш қобилияти назарда тутилмоқда. А. ишлаб чиқаришда, сиёсатда ва б. ижтимоий жабҳаларда алоҳида индивидларнинг фаолияти, кўпроқ мутасадди ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан белгиланади, улар қарор қабул қилиб унинг ижросини назорат қилади. А.нинг қай турда ва қайси жабҳада амалга ошиши жамиятнинг тарихий ривожланишига боғлиқ. Гоббс «Суверен А.» да жамиятни анархиядан сақлаш чорасини ва «ҳамма ни ҳаммага қарши курашишдан қутқаришнинг ягона чорасидир», деган эди. Анархистлар эса, А.ни жамиятда индивиднинг эркинлиги, шахс ягоналигини эътироф этишган. Немис социологи М.Вебер А.нинг «формал типологиясини» тақдим этди. Унда А. фал-ий йўл-йўриққа асосланиб, ё ҳукуматга эришишда аниқ бир қоидаларга риоя қилиш ва уни қўллаш чегараларини белгилайди ёки тартиб тушунчаси унинг муқаддас ва ўзгармас муқаддас аломатлари мужассамланган даҳо шахсияти б-н боғлиқ. Вебернинг фикрича, А. фақат авлиёлар, тарғиботчилар ва сиёсий доҳийларга хосдир. Ҳоз. замон фал.сида А. тўғрисида хилма-хил қарашлар мавжуд.

✓ **АГНОСТИЦИЗМ** (юнон. Agnostos — а — инкор, gnostos — билиш, билишни инкор этиш, номаълум) — фалсафий таълимот бўлиб, табиат ва жамият қонуниятлари моҳиятини билиш имкониятларини рад этиб, билишни воқеликка мувофиқлигини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган таълимот. У антик скептицизм ва ўрта аср номинализмдан келиб чиққан бўлиб, 19-а. ўрталарида инглиз табиатшуноси Гексли томонидан мулоқотга киритилган. 19—20 а.ларда, айниқса, марксистик фал.да мазкур таълимот сунъий тарзда соддалаштирилади ва унга, умуман, билишни инкор этувчи таълимот сифатида қаралади. Ваҳоланки, агностиклар ҳодисаларни билиш мумкинлигини бутунлай рад этишмайди, моҳиятни ҳаққоний билиш мумкин эмас, деб ҳисоблашмайди, балки, билим имкониятлари чекланганлигини таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам, дунёни бутунлигича, унинг охиригача билиш мумкин эмас, инсон ақли дунё тизимини қанчалик ўрганмасин, охиригача етмайди, у чексиздир. Ушбу ғоя қадимги юнон фал.сида скептицизм шаклида пайдо бўлган (Протагор, Пиррон). Кейинчалик, бу таълимотни

Д.Юм, И.Кант ва бошқа фай.лар ривожлантирганлар. Мазкур ғоянинг моҳияти инсоннинг билиш қобилияти имкон доирасида, чегараланганлигини тасдиқлашдан иборат. Агностиклар, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин, деган таълимотларга қарши, ҳар қандай моддий тизимнинг моҳиятини ҳаққоний билиш мумкин эмас дедилар. Уларнинг фикрича, дунёни яхлитликда, бир-бутунликда билиб бўлмайди. Инсон ақли қанча уринмасин, дунё тузилишини етарли даражада била олмайдди, у дунёнинг бир қисминингина била олишга қодир, холос. Ушбу фикрни, улар оқибат сабабдан фарқ қилиши б-н асослаб берадилар. Шунинг учун ҳам нарса, ҳодисаларнинг моҳиятини оқибатда англаш мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, оқибат сабабдан фарқланади, шунинг учун нарса, ҳодисаларнинг моҳиятини англаш мумкин эмас. Объектив равишда мавжуд бўлган сабаб-оқибат боғланишини исботлаш мумкин эмаслигига асосланиб, улар тажрибадан чиқарилмайди, яъни улар апостериор, шу б-н бир вақтда, мантиқ йўли б-н ҳам оқибатни сабаб б-н боғлиқлигини аниқлаш мумкин эмас, дейишади. Айни вақтда, субъектив сабабият мавжуддир, чунки, инсон битта ҳодисанинг бошқа ҳодисадан келиб чиқишини кутиши мумкин. Инсон ушбу психологик боғланишлардан нарига ўта олмайдди. Юмнинг фикрига кўра, табиат бизни ўз сирларидан йироқроқ масофада сақлаб туради ва бизга объектларнинг айрим юзаки сифатларини ўрганишга йўл қўяди, холос. 19-а.да А.нинг хилма-хил кўринишлари баъзи фай.лар томонидан қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди. Мас., И.Мюллернинг А.и (физиологик идеализм), Г.Гельмгольцнинг иероглифлар А.и, вульгар материалистлар А.и (Л.Бюхнер, Я.Молешотт), 19—20 а.ларда А.Пуанкаре конвенциализми, 20 а.да эса П.С.Юшкевичнинг «праксеологик» А.и бунга яққол мисол бўла олади.

АГРЕССИЯ (лот. aggressio — ҳужум) — бир давлат томонидан ўзга давлатга мустақилликдан, ҳудудий яхлитликдан ва тараққиётдан маҳрум қилиш мақсадида биринчи бўлиб ҳужум қилиниши ёки куч ишлатилиши. Давлатларга бирор бир бошқа мақсадлар б-н қуролли куч ишлатилиши ҳам А. ҳисобланади. 20-а. бошларида А. инсониятга қарши қилинган жиноят деб эътироф этилди. Турли мамлакатлар орасида тузилган шартномаларда, халқаро ҳужжатларда А.ни тақиқлаш принципи ўз ифодасини топа бошлади. А.ни тақиқлаган ва уни қонундан ташқарида деб эълон қилган биринчи халқаро ҳужжат 1928 йилги Париж пакти бўлди. Пакт илк бор А.га қарши курашишни, агрессив сиёсат олиб борган мамлакатларни жавобгарликка тортишни белгилаб

берди. Шу даврдан бошлаб халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик гоёси умумэтироф этилган қоидага айлана борди. 20-а.нинг ўрталарида халқаро вазиятнинг кескинлашиб кетиши БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида А. муаммоларини муҳокама қилишга мажбур этди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1950—1951 й.ларда ўтказилган 5 ва 6 сессияларида А.га аниқ таъриф берилди. Шу вақтдан эътиборан бир давлат томонидан бошқа давлатга нисбатан ҳар қандай мақсадларда қуролли куч ишлатилиши А. деб эътироф қилинди. Ушбу таъриф асосида А.нинг уч кўриниши кўрсатиб берилди: бевосита А., билвосита А., А.да иштирок этиш. Ўзга давлат ҳудудига бостириб кириш, унга нисбатан биринчи бўлиб куч ишлатиш, аннексия сиёсатини амалга ошириш бевосита А. деб баҳоланади. Ўзга давлат ҳудудига бомба ташлаш, унинг қирғоқ ва портларини ишғол қилиш, қуруқликдаги, сувдаги ва ҳаводаги қўшинларига атайин ҳужум қилиш, ўзга давлат ҳудудига ўз қуролли кучларини жойлаштириш ҳақидаги халқаро шартнома ва келишувларни бузиш бевосита А.кўринишлари ҳисобланади. Билвосита А.да агрессор-давлат ўзга давлатга нисбатан яширин тарзда қуролли куч ишлатади. Бунинг учун, мас., қуролланган жангари гуруҳлар ёки ҳарбий бўлинмалар ёлланиши мумкин. Бироқ, БМТ Низомининг 7-моддасига мувофиқ, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатида иштирок этган ҳарбий тузилмалар агрессор ҳисобланмайди. Бирор бир давлатга А. қилиш учун ўз ҳудудини, ҳарбий базалари ва иншоотларини тақдим этиш А.да иштирок этиш деб баҳоланади. А.га дучор бўлган мамлакат, БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, яқка тартибда ёки ўзга мамлакатлар б-н ҳамкорликда ўзини ҳимоя қилишга ҳақлидир. Бироқ, бу ҳақда аввал БМТ хабардор этилиши шарт. БМТ Хавфсизлик Кенгаши А. акти амалга оширилганига амин бўлса, агрессор давлатга нисбатан ҳарбий аҳамиятга эга бўлмаган чоралар қўллайдди. Мас., агрессор б-н иқтисодий муносабатлар тўхтатилиши, унинг б-н дипломатик алоқалар узиб қўйилиши мумкин. Ушбу чоралар таъсир қилмаган тақдирдагина ҳарбий ҳаракатларга рухсат этилади.

АДАПТАЦИЯ (лот. adaptatio — мослашув) — жонли организмларнинг функциялари ва аъзоларининг ташқи муҳит шароитларига мослашуви. А. жонли организмнинг ҳаёт давомида ҳар бир босқичида шаклланади. А. мослашув жараёни бўлса, адаптациягенез жонли системаларнинг атроф-муҳитга бўлган ўзаро муносабатларидир. Биринчилардан бўлиб, Дарвин А. табиий саралаш оқибатида пайдо бўлади, деган гоёни илгари сурган эди. Ҳоз. кунда А. тушунчаси фақат биология фанида қўлланилибгина қолмай, балки техника, табиий ва гуманитар фанларда ҳам қўлланилади. А. тиббиётда

одамнинг нормал ижтимоий биологик ривожланишини ва оптимал яшовчанлигини тавсиф қилиш учун қўлланилади. Техника ва кибернетика фанларида А. тушунчаси асосида «адаптив системалар» ишлаб чиқилган, бу тескари алоқали ўзи мосланадиган техник системалардир. Ижтимоий А. одамнинг биологик, руҳий ва ижтимоий мавжудлик доирасини қамраб олади.

АДЕКВАТ (лот. adaequatus — тенглаштирилган, мос, ўхшаш) — мувофиқлик, мослик, бир ўлчамда, ўхшаш, аниқлик. Билиш наз-яси нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ва алоқаларини уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган, аниқ ва мос қилиб ифодалаш. Тафаккурда объектив дунё алоқа ва муносабатларининг аниқ акс этирилиши. Шу маънода ҳақиқат — бу предметнинг тасаввурга мувофиқлашиши.

АДЛЕР (Adler) Макс (1873. 15. 1—Вена — 1937. 28.6) — австриялик файласуф, социолог, социал-демократик партиянинг раҳбарларидан бири. Вена ун-тининг проф.и. Кантнинг «нарсга ўзида» таълимотини неокантчилик руҳида талқин қилган. А. материалистик инъикос наз-ясига қарши фаол курашди. Диалектик усулни эътироф этди ва уни «физик идеализм» талабига мослаштирди, жараёнлар ҳақидаги релятивистик таълимотга айлантирди, ҳодисалар ўртасидаги муносабатларда «моддий субстанция»га ўрин йўқ, деган хулосага келди. А. фал.ни материализм ва идеализм йўналишларида бўлинишини танқид қилди. Ишлаб чиқариш муносабатларини «маънавий ҳаёт ҳодисаси» деб изоҳлади. Ижтимоий турмуш ва ижтимоий онг тушунчаларини ўхшаш тушунчалар деб аташни таклиф қилди.

АДОЛАТ — шахс ва ижтимоий гуруҳлар имкониетлари ва талаблари, ҳуқуқлари ва фаровонлигининг меъёрини, жамиятнинг шахс олдига қўядиган талаблари меъёрини, турли синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий воқеаларга муносабатини характерловчи ижтимоий онг тушунчаси. А. ҳақидаги илк тасаввурлар меҳнат тақсмоти ва хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши б-н боғлиқ. Бироқ, қад. давр мутафаккирлари уни универсал қонун сифатида талқин этмасдилар. Мас., Зардушт А.ни «арта» тушунчаси ёрдамида ифодалар экан, уни оламдаги икки кутбдан бири, деб ҳисоблайди. Юнон фой.лари эса ҳатто қулликнинг мавжудлигини ҳам А.дан деб таъкидлардилар. А. муаммосини тизимли тарзда ўрганиб чиқишга қўл урган дастлабки юнон фой.и Платон бўлди. Унинг ижтимоий-сиёсий концепциясида А. «ҳукмронлик» ва «имтиёз» тушунчаларига ўхшаш категория сифатида ифода-

ланади. Файнинг фикрига кўра, ҳар бир табақа ичида тенглик бўлмоғи, табақалар орасида тенглик ҳукм сурмоғи Адандир. Ушбу ғояларни ривожлантирган Аристотель эса тенглаштириш ва тақсимлаш адолати тушунчаларини қўллай бошлади. Ўрта асрларда яшаб ўтган Марказий Осиёлик мутафаккирлар А. категориясини айниқса қизиқарли талқин этадилар. Мас., Форобий А.ни ижтимоий иерархия ва тартибнинг мавжуд бўлиши учун пойдевор яратувчи ҳуқуқий категория сифатида таърифлайди. Жамиятда А.нинг қарор топиши ҳукмдорнинг фазилатларига, давлатнинг ички ва ташқи функцияларига боғлиқ. 18-а.га келиб А. ижтимоий тенглик б-н боғлана бошланди. Ҳоз. замон фал-ий адабиётларида А. жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ифодаловчи категория сифатида таърифланмоқда. А.ни ўрнатиш учун амалга оширилган ҳар қандай фаолиятнинг асосини маълум принциплар ташкил этади. Ушбу фаолиятнинг иқтисодий принциплари инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилинишининг олдини олиш, муносиб турмуш шароити яратиш, меҳнат фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Меҳнатдан манфаатдорликни вужудга келтириш, даромадлар декларациясини жорий этиш, асоссиз имтиёзларнинг олдини олиш ва ш.к. адолатни қарор топтириш борасидаги фаолиятнинг ижтимоий принциплари ҳисобланади. Сиёсий принциплар эса, бюрократизм, протекция ва коррупцияга қарши кураш, ошкоралик, кўппартиявийлик, демократия ва б.лар б-н боғлиқ. Ниҳоят, маънавий соҳага доир принциплар ижтимоий онг шаклларидаги деформациянинг олдини олиш, шахсни ёлғон мақсадларга бўйсундирувчи ижтимоий иллатлар б-н курашишдан иборат. А. жамиятда олти асосий вазифани бажаради. Биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этади. Иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туради. Учинчидан, жамиятдаги мулкчилик муносабатларини, ишлаб чиқариш фаоллигини оширади. Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилади. Бешинчидан, воқеликда кенг илдиз отган, лекин ижтимоий тараққиётга тўсиқлик қилаётган муносабатларни бартараф этади. Олтинчидан, келажакка ишонч туйғуларини уйғотади. А.нинг энг асосий мезони ижтимоий тараққиётдир.

АЙИРУВЧИ (дизъюнктив) ҳукм — «ё», «ёки», «ёхуд» мантиқий боғламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳаза. Бу боғловчилар икки оддий ҳукмни ёки бир қанча предикатларни, ёки бир қанча субъектларни бир-биридан

айириб туради. Мас., «Абдуллаев мусобақада ё ютади, ё ютмайди».

АЙНАНЛИК (лот. *iden* — айнан ўхшашлик ўшанинг ўзи) — бирон-бир нарсанинг бошқа нарсага айнан ўхшашлиги, ўзаро бир-бирига тўла мувофиқлигини ифодалайдиган тушунча. Нарса ва ҳодисалардаги ўзаро ўхшаш томонлар бирлигига айният дейилади. Тафакхурда А. тамойили мавжуд. Агар А., турли вазият ва шароитларда, ўз-ўзининг А.лигини сақлаб қолса, А. ўз-ўзига тенг бўлади. Айният тамойили фақат фикрлаш жараёнида, мушоҳада пайти қўлланиладиган тушунчанинг айнан бир маънода ишлатилишини талаб қилади (Корнелиус). Умуман олганда, нарса ўз-ўзигагина нисбатан айнан бўлиши мумкин. А. нарса ва ҳодисалардаги ўхшашлик ҳамда тўла тенглик (яъни барча муҳим хусусиятларнинг ўзаро бирига мослиги) шаклларида намоён бўлади. Нарса, ҳодиса маълум нисбатдагина ўз-ўзига айнан бўлади, аслида, у, доимо, ўзгаришда бўлгани учун унинг тўла, батамом А.лиги ҳақида фикр юритиш қийин. Онг ҳам ўз-ўзига айнан (тенг) бўлиши мумкин эмас, у тараққий этиб боради, лекин, бу тараққиёт «мен»нинг тараққиёти тарзида кечади.

АЙНИЙ Садриддин Саидмуродзода (1878.15.4, Бухоро вилояти, Гиждувон тумани — 1954.15.6, Душанба шаҳри.) — ўзбек ва тожик адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган адиб. А. Бухорода Мир Араб, Бадалбек, Олимхон мадрасаларида таълим олди, мадрасани тугатгач янги усул (жадид) мактабларида муаллимлик қилди. А.нинг адабий фаолияти 19-а.нинг 90-й.да шеърлар ёзиш б-н бошланган бўлиб, унинг биринчи асари «Гули сурх» («Қизил гул») 1907 й.да чоп этилди. Мактаблар учун «Таҳзиб ус-сибён» («Болалар тарбияси») номли ўқиш китобини (1909) тузиб, нашр эттирди. А. дунёқарашининг шаклланишида жадид маърифатпарварлари ҳаракатининг намоёндалари асарларининг аҳамияти беқиёс бўлган. У Бухорода жадид усулидаги мактаблар очган. А. асарлари орасида тўрт томлик «Эсдаликлар» (1949-1954) алоҳида ажралиб туради. А.нинг «Бухоро», «Судхўрнинг ўлими» ҳамда «Дохунда», «Қуллар» романи болгар, немис, поляк, венгер, хитой, француз, румин, ҳинд, чех ва бошқа тилларга таржима қилинган.

АЙНИЯТ — объектни ўз-ўзи б-н тенглигини, ўхшашлигини, айнанлигини ёки бир неча предметнинг тенглигини, бирдайлигини ифодалайдиган тушунча. Агар ва фақат Ага хос барча хусусиятлар (ва муносабатлар) Вага ҳам тўла мос келган тақдирдагина, А ва В предметларини айнан тенг, деб айтиш мумкин ёки аксинча (Лейбниц қонуни).

Лекин оламда моддий воқелик доимо ўзгариб турганлигидан, ўз-ўзига, ҳаттоки ўзларининг муҳим, асосий хоссалари жиҳатдан мутлақ, тенг предметлар бўлмайди. А. абстракт эмас, балки конкретдир, яъни ўзига хос ички тафовутларига, зиддиятларига эгадир. Предметлар тенглаштирилишнинг ўзи, биринчидан, уларни дастлаб фарқ қилишни талаб этса, иккинчи томондан, кўп ҳолларда турли предметларни (мас., хусусиятларини аниқлаш учун ёки уларни туркумларга бўлиш мақсадида) тенглаштиришга зарурат туғилади. Демак, А. тафовут б-н чамбарчас боғлиқдир ва нисбийдир. Предметларни ҳар қандай А.ни доимий эмас, балки вақтинча, ўткинчи эканлигини, уларнинг тараққиёти, ўзгариши эса мутлақ, абсолют характерга эга эканлигини билдиради. Лекин, аниқ фанларда абстракт, яъни нарсаларнинг ривожланишини назардан соқит қилувчи А.дан Лейбницнинг юқорида келтирилган қонунга мувофиқ фойдаланишининг сабаби шуки, билиш жараёнида маълум шароитда воқеликни идеаллаштириш ва соддалаштириш мумкин ва зарурдир.

АЙНИЯТ ҚОНУНИ (*лот.* Lex identitatis) — формал мантиқнинг тўрт асосий қонунларидан бири. Бу қонун биринчи марта, Арасту томонидан таърифлаб берилган. Арасту «Метафизика» асарида айнан бир предметга нисбатан, айнаи бир вақт давомида, айнаи бир хил мазмунда фикр юритиш тўғри, чин фикрлашнинг асосий шартидир, деб таъкидлайди. А.қ.га кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айнаи бир фикр, муайян муҳокама доирасида, айнаи бир вақтда, ўз-ўзига тенгдир. Бу қонун, муайян вақт, муносабат доирасида, бирор предмет ҳақида баён қилинган фикр аниқ, қатъий мазмунга эга бўлишини талаб қилади ва фикрлар ўртасидаги зарурий, мантиқий алоқадорликнинг ўрнатилишини таъминлайди.

Формал мантиқда А.қ.А=А (А тенг Ага) формуласи б-н ифодаланади. Символик мантиқда А.қ. ўзига хос кўринишда ифодаланади: а-а ва а-а (бунда а- ҳар қандай фикрни ифодоловчи белги, (-) — импликация белгиси, (-) -эквивалентлик белгиси). Формула «агар а бўлса, унда а бўлади» — деб ўқилади. Кесимлар мантиқида А.қ. $Vx(p(x) \rightarrow p(x))$ -формуласи б-н белгиланади. (V-умумийлик кванторини ифодоловчи белги). Бу ифода қуйидагича ўқилади: ҳар қандай х учун, агар х р белгисига эга бўлса, х шу белгига эга деган фикр тўғри бўлади. Бирор буюм, ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр, неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан, доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Буюм ва ҳодисалар-

нинг инсон тафаккурида аниқ акс этиши, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ-равшан ифодаланишини таъминлайди. А. қ. предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этгани ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни, предмет ва ҳодисаларни тўлиқроқ билиб боришимиз б-н, ўзгаришини эътироф этади. А.қ. тафаккурга, унинг барча элементлари, шакллари хос бўлган, умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган, аниқ қоидаларда ўз ифодасини топган. Тафаккурнинг тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ёки хулоса чиқариш шакллариининг ҳар бирида фикрлар ўртасидаги муносабат боғланиши, шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

АЙРИМЛИК — алоҳида миқдор ва сифатга эга бўлган нарса, ҳодиса ва жараён. Умумийлик ва хусусийлик каби фал-ий категория бўлиб, бу категориялар объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланишини ва ўзаро боғланишини кўрсатади. Фақат икки нарса ёки ҳодисани таққослаш орқали А.ни пайқаш мумкин.

АЙЕР (Ayer) Альфред (1910—Лондон — 1989) инглиз файласуфи, неопозитивизм оқими вакили. Унинг неопозитивизмга кўра, фал-ий анализ объектив реалликка жорий этилмайди. У фақат «мавжуд», яъни бевосита тажриба ёки тил б-н чекланмоғи лозим, деб, ўз фалсини илгари сурган. Оксфорд ун-тининг мантиқ илми бўйича проф.и (1959 й.дан). «Тил, ҳақиқат ва логика» китобини 1939 й. нашр этгач, Вена тўғараги ғояларини тарғиботчиси бўлиб майдонга чиқди. Кейинроқ ёзган асарларида («Эмпирик билиш асослари» (1940), «Тафаккур ва маъно» (1947), «Билиш проблемаси» (1956) ва б.) А. мантиқий позитивизмнинг ортодоксал шаклидан бирмунча узоқлашди ва лингвистик фал.нинг кучли таъсири остида қолди.

АКБАР Жалолиддин Мухаммад (1542.14.10, Амаркот — 1605, Агра яқинидаги Сикандра қишлоғи) — Ҳиндистондаги Бобурийлар салтанати ҳукмдори (1556й.дан). А.нинг ҳукмронлик даврида Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Империя ҳудуди А. олиб борган жанглардан кейин Читора, Гужарот, Бенгалия, Қобул ва Дакан пасттекислиги ҳисобига кенгайди. Акбар ўз салтанатининг кенгайтириш б-н бирга ижтимоий ҳаётда ҳам ижобий ўзгаришлар қилиш учун уринди, ҳиндулар б-н мусулмонларни бирлаштиришга, турли диний эътиқод вакилларини маънавий жиҳатдан яқдил қилиш мақсадида тасаввуф, бҳакти ва синкхизми бир-бирига яқинлаштириш-


га интилди. Бунинг яна бир сабаби Акбар турли диний мазҳабдаги энагаларнинг тарбиясини олганлигидадир. Унинг ўзи ҳинд Намдева, Намаканда, мусулмон Кабир ҳамда синх мазҳабининг асосчиларидан бири машҳур шоир Гуру Нанак ғоялари б-н яхши таниш бўлган. А. диний таълимотларга муносабати ижобий бўлган, турли халқлар маданиятини қадрлаган. Ўзи сунна мазҳабига мансуб мусулмон бўлишига қарамай, атрофига бошқа дин ва мазҳаб вакиллари тўплаб, кўп масалаларни ҳал этишда улардан керакли маслаҳатлар олган. Жавоҳарлаъл Неру А.га баҳо бериб, «Акбар яхлит Ҳиндистон ҳақидаги қад. орзуни сиёсат жиҳатдан ҳал этиб қолмай, балки органик жиҳатдан, яъни бир тану-бир жон қилиб бирлаштирди», — дейди. Ўз даврида ҳукм суриб келаётган «жизья» солиғини, яъни ғайри мусулмонлардан олинадиган солиқни бекор қилди ва шунингдек, ҳажга борганлардан олинадиган солиқни бекор қилгач, халқ ўртасида обрўйи янада ошди. А.дан авлодларга бир неча асарлар қолди. Уларнинг орасида «Акбарнома» асари алоҳида аҳамиятга молик.

АКСИОЛОГИЯ (юн. «axio» — қадрият ва «logos» — фан, таълимот) — қадриятшунослик; қадриятлар ҳақидаги фан. 19-а.нинг иккинчи ярмида, немис қадриятшуноси Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан киритилган. А. аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, аксиологик билиш, қадриятли ёндошув ва бошқалар асосида тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар системасидир. У яқингача, муайян фал-ий фан даражасига етган илмий система сифатида, яхлит ҳолатда баён қилинмаган эди. Собиқ иттифоқда, 20-а.нинг 60-йилларигача, бу соҳада тадқиқотлар олиб борилмади, 90-йилларгача фал-ий қўлланма ва дарсликларда ҳам, алоҳида мавзу сифатида, ўз ўрнини топмади. Якка мафкура ҳукмронлиги А.ни алоҳида фанга айланишига йўл қўймади, бу ном б-н собиқ иттифоқда бирорта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмаси чоп этилмаган. Ҳатто, ун-ларнинг фай., тарихчи мутахассислар тайёрлайдиган бўлимларида ҳам А. бўйича махсус курслар ўқитилмас эди. Мавзуга алоқадор тадқиқот, диссертация, рисола ва китобларда ҳам А. иборасига урғу берилмас, масала кичик илмий йўналишга тааллуқли, деб қаралар эди. Умуман олганда, ўша даврдаги, қадриятлар мавзусига бевосита тегишли асарларда ҳам А.нинг жуда кўп муҳим масалалари, мас., аксиологик қонунлар, аксиологик жараёнлар диалектикаси, аксиологик профилактика, аксиологик прогноз, аксиологик экспертиза, аксиологик баҳолаш, аксиологик зиддият қонуни ва ҳ.к.нинг таҳлили йўқ. Айниқса, тарихнинг бурилиш давларида, энг муҳим аксиологик муаммолардан бирига айланмаган қадриятларнинг қадрсизланиши ва қайта баҳола-

ши каби масалаларнинг ҳам, собиқ иттифоқда, жуда кам ўрганилганлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Ҳозир Республикамизда фал-ий билимлар системасига умуминсоний қараш вужудга келаётганлиги сабабли, А.га нисбатан ижобий жараёнлар кечмоқда, қадриятлар мавзусига катта эътибор берилмоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаш, Республикада умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик жамият қуриш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди. Ўтиш даврида қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, реформа ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, муаммоларни ҳал қилишнинг ана шу мезонларга мос усулларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди. Уларни ечиш аксиологик мавзуларни кун тартибига қўя бошлади. А.нинг юртимиздаги ривожланиш жараёни тадқиқотлар доирасини кенгайтиришни, мавзунинг турли қирраларини, илмий, наз-ий ва амалий жиҳатдан, таҳлил қилишни заруриятга айлантиради. Бу йўналишдаги тадқиқот ва изланишлар мавзунинг янги қирраларини очиб беришга имкон яратади.

АКСИОМА (юн. axioma — қабул қилинган қоида) — исбот талаб қилмайдиган ва шу б-н бирга, исбот қилишга мутлақо эҳтиёж бўлмаган бошланғич ҳолат. Шу ҳолатга асосланган тарзда маълум концепция ёки наз-янинг барча қолган иборалари уларда қабул қилинган қоидаларига мувофиқ хулоса чиқарилади. А. бевосита ишонтира оладиган бўлгани учун мантикий исботсиз қабул қилинадиган ҳақиқат. Аксиоматик усулнинг ҳоз. замон тушунчаси А.нинг априор яққолигини талаб қилмайди. Улар фақат бир шартга асосланади, яъни қабул қилинган мантикий қоидалар ёрдамида айни наз-янинг (концепциянинг) қолган ҳамма иборалари хулоса қилиб чиқарилади.

АКСИОМАТИК СИСТЕМАЛАР — элементларининг катта қисми кичкина бошланғич асосдан — асосий аксиомалардан дедуктив йўл б-н келтириб чиқарилади. Аксиоматик наз-ялар математикада намоён бўлади. Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияда муваффақиятли ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий аксиоматик тушунчалари «нуқта», «тўғри чизиқ», «текислик» бўлиб, улар идеал фазовий объектлар сифатида олиб қаралган; геометриянинг ўзи эса, физикавий фазонинг хусусиятларини ўрганувчи таълимот сифатида талқин қилинган. Евклид геометриясининг қолган барча тушунчалари улар ёрдамида ҳосил қилинган. Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик: «Текисликдаги битта нуқтадан баравар узоқликда ётадиган нуқталар тўпламига айлана дейилади», унда



«айлана» тушунчаси «нуқта ва текислик» тушунчалари ёрдамида ҳосил қилинган, яъни улардан дедукция қилинган. Математиканинг тараққиёти давомида аксиоматик метод такомиллашиб борган, уни қўллаш мумкин бўлган соҳалар доираси кенгайган. Хусусан, аста-секин Евклид аксиомалари фақат геометрик объектларнигина эмас, балки б. математик ва ҳатто, физик объектларни ҳам тасвирлаш учун яроқли эканлиги маълум бўлди. Мас., нуқтани ҳақиқий сонларнинг учтасининг тўплами, тўғри чизиқ ва текисликни чизиқли тенгламаларни билдиради, деб қабул қилинганда, мазкур ногеометрик объектлар хоссаларининг Евклид геометрияси аксиомалари талабларига жавоб бериши аниқланган. Шунини айтиш керакки, аксиоматикага бундай абстракт тарзда ёндашишга маълум бир даражада Н.И.Лобачевский, Б.Риман ва б.лар ноевклид геометрияларнинг яратилиши яхши имконият яратди. Ҳоз. замон математикасида абстракт А.с. кенг қўлланилади. Бундай системаларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг ёпиқ системадан иборат бўлиши, яъни, миқдор жиҳатидан чекланган аксиомалар, тушунчалар, принциплардан ташкил топиши, улар қаторига ихтиёрли равишда, асоссиз янги аксиомалар, тушунчаларни қўшиб бўлмаслик; системаларнинг мантиқан зиддиятсиз ва маълум бир даражада тўла бўлиши ва ш.к.дан иборат. Ана шунинг учун ҳам улар узоқ вақт давомида ўзининг барқарорлигини сақлайди, янги билим олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади. Аксиоматика табиатшуносликда ҳам қўлланилади. Тажриба б-н боғлиқ бўлганлиги ва шунинг учун ҳам зарурий равишда эмпирик талқинга муҳтож эканлиги сабабли табиатшуносликнинг фақат ўзагини ташкил этадиган тушунчаларнигина аксиомалаштириш мумкин. Абстракт математик структуралар фақат А.с.дагина эмас, балки формаллашган наз-ий системаларда ҳам тасвирланиши ва тушунтирилиши мумкин.

АКТУАЛИЗМ — Гераклит таълимоти бўлиб, ўзгармас борлиқ бўлмайди, барча борлиқ абадий тикланиш, жонли ҳаракатдан иборат деганидир. Лейбниц ҳам «Субстанция ўз табиатига кўра фаолиятсиз бўлиши мумкин эмас», деб таълим беради. А. наз-яси психологиясида улар руҳий ҳаёт ҳодисаларининг маълумотларига қандай қарши чиққан бўлса, Аристотель ва схоластларнинг номоддий субстанция ҳақидаги таълимотига ҳам шундай қарши чиқади-лар. А. метафизик наз-ясини охир-оқибатда барча борлиқни субстанциясиз акт фаолиятига киритиш мумкин.

АКЦИДЕНЦИЯ (лот. *accidentia* — тасодиф, тасодифан) — моҳиятли бўлмаган, ўзгарувчан, тасодифан, нарсанинг муҳим бўлмаган, унинг моҳиятига таъсир кўрсатмайдиган хусусият. А. ибораси бирин-

чи марта Аристотелнинг «Метафизика» ва «Физика» асарларида ишлатилган. А. термини ўрта аср идеалистик фал.сида кўп қўлланилган.

АЛГОРИТМ, а л г о р и ф м — математика ва мантиқнинг асосий тушунчаларидан бири. А. сўзи даставвал Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Арифметика» китобининг биринчи бетидаги *Dixit Algoritmi* сўзидан олинган. У ал-Хоразмий номининг лотин транскрипцияси шаклида келган бўлиб, А. термини ҳам ал-Хоразмий сўзидан келиб чиққан. А. вақт ўтиши б-н янги арифметика, яъни бутун сонлар ўнли тизими бўйича ёзма санок қондаси сифатида ишлатила бошланди. Аввал санокнинг ўзини, сўнгра қатъий аниқ қонда б-н қўйилган масалани охиргача ечиб берувчи ҳар қандай ҳисоблаш тизими А. деб аталди. 17-а.да яшаган немис математиги, фай.и Лейбниц А. деганда ҳоз. замондаги маънони, яъни маълум ҳисоблаш қондасини тушунган. А. деганда, муайян турдаги барча вазифаларни ҳал қилишга олиб борадиган операцияларнинг бирон тизимини маълум тартибда бажариш ҳақидаги аниқ буйруқ тушунилади. Ўн рақамли санок тизимида бажариладиган тўрт амалнинг ҳар бири ҳақидаги қонда оддий Алардан бўлиб, Хоразмий томонидан таърифланган. Булардан ташқари, квадрат илдиз чиқариш қондалари, ҳар қандай икки натурал сон учун энг умумий бўлувчини топиш усули — А.нинг энг оддий мисолларидир. Бирон-бир вазифани умумий тарзда, яъни унинг вериация қилинувчи шартларининг бутун туркуми учун ҳал қилиш воситаларига эга бўлганимизда, биз ҳамиша А. б-н иш кўрамыз. А. буйруқлар тизими сифатида фаол характерга эга бўлганлиги сабабли, унинг асосида ҳамиша ҳисоблаш машиналари учун амаллар дастурини ишлаб чиқиш ва вазифани машина орқали ҳал этишни амалга ошириш мумкин. Кибернетикани А.сиз, компьютерлар ишини А.лар наз-ясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тез ҳисоблайдиган машиналарнинг иш дастури Аларга асосланади. Автоматик тез ҳисоблаш машиналари наз-яси математик мантиққа суянади. А. математик мантиқнинг муҳим тушунчасидир. Тушунчаларнинг юзага чиқиши — мураккаб жараён. Жонли мушоҳадага асосланиб, миқдорлар орасидаги мураккаб муносабатнинг керакли томони, муҳим хусусиятини ажратиб олиб, умумлаштириш натижасида ҳосил бўлган А. тушунчаси ички мантиқий қонуният б-н ривожланиб боради. Хусусий Алардан умумийсини топиш усули ҳануз тадрижий равишда давом этмоқда.

АЛЕКСАНДЕР (Alexander) Семюзл (1859.6.1, Сидней — 1938.13.9, Манчестер) — инглиз файласуфи, монистик актуализмнинг вакили. Унинг таълимоти Спиноза, Юм ва Спенсер фал-ий қараш-

лари таъсири остида шаклланган. А. эмержент эволюция наз-ясининг асосчиси ҳисобланади. Бу наз-я 20-а.нинг 20-й.ларида шуҳрат қозонди. У тараққиётнинг сакрашсимонлиги ва янгиликнинг вужудга келишини ўзига хос изоҳлайди. А. тараққиёт жараёнлари қандайдир иррационал ва мантикий тушунарсиз бир нарса, деб қарайди. А. ривожланиш жараёни миқдор ўзгариши ва табиат, тарих қонунларини инкор этилган наз-яни ишлаб чиқди. У макон ва замонни оламнинг бошланғич асоси ҳисоблайди. Макон ва замон ҳаракат б-н бирлашиб, умумлашиб ўз категория ва сифатларига эга бўлган оламдаги барча мавжуд нарсалар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ада макон ва замон тушунчалари мутлақлаштирилади. Худо — бу оламнинг мукамалликка ҳаракати. Асосий асари «Макон ва Худо». А.нинг қарашлари ҳоз. замон фан қарашларига зид ҳисобланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ (1441. 9.2 — Ҳирот — 1501. 3.1) — ўзбек халқининг буюк мутафаккири, инсонпарвар шоири. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина шахрисабзлик бўлиб, теурийларга яқин бўлган амалдорлардан эди. Сиёсий ҳаётдаги зиддиятлар, теурийларнинг тож-тахт талаш кескинлашган бир даврда Ғиёсиддинбек оиласи б-н Ироққа кўчиб кетишга мажбур бўлади. 1452 й.да улар Ҳиротга, Абулқосим Бобур (1452-1457) саройига қайтиб келишди. А.Н. аввал Ҳирот мактабда, сўнгра Машҳад мадрасасида ва Самарқандда Фазлуллоҳ бин Абулайс хонақоҳида (1466-69) сабоқ олди. 1469 й.да Ҳусайн Бойқаро А.Н.ни аввал муҳрдор, сўнгра эса, амирлик, вазирлик вазифасига тайинлайди. А.Н. қаламига «Бадойиъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» девонлари, беш дostonдан иборат машҳур «Хамса», сўфийлар ҳақидаги «Насойим ул-муҳаббат» тазкираси, «Ҳазойин ул-маоний» девони, «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Лисон ут-тайр» фал-ий дostonи, Жомий ҳақидаги «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мезон ул-авзон», Фоний таҳаллуси б-н форс-тожик тилида ёзган шеърлар мажмуаси— «Девони Фоний» ва б. асарлар мансубдир. А.Н. адабиёт ва адабиётшунослик, ахлоқшунослик, педагогика, сиёсатшунослик, фалсафа, тарих, тилшунослик каби билимнинг турли соҳаларида баракали ижод қилди. А.Н. ижодий салоҳиятига Ўрта ва Яқин Шарқ адабий-илмий мероси, жумладан, ўша даврда ўз анъаналарига эга бўлган туркий адабиёт намоёнлари Дурбек, Атоий, Саккокий, Гадоий, Мавлоно Лутфий ва б.нинг ижодиёти ижобий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё халқларининг оғзаки ижоди намуналари ҳам А.Н. ижодиётининг маънавий сарчашмаларидан ҳисобланади. А.Н. «Ҳайрат ул-аброр» дostonида билиш жараёнини бадий ибора-

лар орқали қуйидагича тасвирлайди: «Инсоннинг мияси ва таниқўрғондир; моддий борлиқ эса, шу қўрғон (подшоҳ)ни ташқи муҳит (мамлакат) б-н боғловчи йўллардир; ва ниҳоят хотира хазинабон, барча инжуларни (маълумотларни) йиғувчи шахсдир». Шу тариқа инсон ўз ҳиссиёти ва тафаккури орқали борлиқни тадқиқ этади, ундан ўзининг пок мақсадларида фойдаланади. А.Н. фикрича, инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки б-н эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари б-н ўлчанади, яъни «Элга шараф бўлмади жоҳу насаб, лек шараф келди ҳаёву адаб». А.Н. фал.сида сиёсий наз-я (идеал давлат куриш) ва ахлоқий наз-я (комил инсон таълимоти)нинг узвий боғлиқликда ифодаланишини кўрамиз. А.Н. ижтимоий-сиёсий масалалар борасида ўзига хос гуманистик таълимот яратди. Яъни, шоҳни боғбонга, мамлакатни эса боққа қиёслайди. Агар боғбон оқил, меҳнатсевар бўлса, унинг боғи гуллаб-яшнайдир. Шу сингари, агар подшоҳ оқил, маърифатли, билимдон, адолатпарвар бўлса, халқини севса, унда мамлакат ҳам обод бўлади. А.Н. «Садди Искандарий» да идеал подшо образини яратади. Бу Шарқ халқлари ривоятларида кенг тарқалган Искандар Зулқарнайн тимсолидир. Навоий тасвирлаган Искандар етук олим, донишманд подшо, истеъдодли сардор ва халқпарвар давлат арбобидир. Искандарда комил инсонга хос хусусиятлар ҳам тасвирланади: у дили ва нияти пок, саховатли, камтарин ва мулоим шахс, доно подшо ва дунё сирларини билишга қизиқувчан ақл-заковат эгасидир. А.Н. бу образни яратар экан, ўзининг эзгу мақсади— жамиятни ҳикмат, адолат б-н бошқариш керак, деган ижтимоий ғояни илгари суради. А.Н. бадий воситалар орқали подшонинг нуфуз-эътибори, шон-шуҳрати ҳамда қудрати унинг ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббати, адолатли сиёсати ва хайр-саховати б-н ўлчанади, деган эзгу ғояни ёқлаб чиқди. А.Н. халқлар орасидаги дўстликни тараннум этди. А.Н. дostonларининг қаҳрамонлари турли мамлакатлар, турли халқ вакиллари: Ширин—арман қизи, Фарҳод—Чин ўғлони, эронлик Шопур, ҳинди Маъсуд, Лайли ва Мажнун араб элига мансуб, Искандар ва унинг маслаҳатчилари бўлмиш Аристотель, Буқрот, Суқрот, Файсоғурс (Пифагор) кабилар юнонлардир.

Маълумки, А.Н. тасаввуфнинг нақшбандийлик тарикатига амал қилади, айниқса, унинг амалий томонга эътибор беради. Нақшбандийлик тарикатидаги ҳалоллик, покланиш, меҳнатсеварлик, касб-ҳунар эгаллаш, меҳр-шафқат, жавонмардлик, сахийлик, одиллик, камтарлик, сабр-қаноат, софдиллик каби қадриятларни янада ривожлантирди. Ҳазрат Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ўтмишдаги сўфийлар, азизу авлиё ва пирларни чуқур ҳурмат б-н эсга олади ва тасаввуф ғояларининг муҳим томонларига тўхталади. А.Н. ўзбек тилининг ривожига катта ҳисса

қўшди, асарларини асосан шу тилда яратди. У туркий тилнинг имконияти чексиз эканлигини, бу тилда йирик бадиий асарлар битиш мумкинлигини амалда исботлади. А.Н. давлат арбоби — вазир сифатида ўз ижтимоий идеалини ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилди. Жумладан, унинг ташаббуси б-н (кўпинча ўз маблағидан) кўплаб бинолар, хонақоҳлар, масжидлар қурилди, ҳовуз ва ариқлар қазилди. Халосия ва Жамоатхона хонақоҳи, Сари Хиёбон, Ҳавзак, Чилдухтарон, Гарноб ва Панджех каби рабоблар, Тусдан Машҳадгача қазилган ариқ (70 км. га яқин) ва б. рўйхати А.Н.нинг «Вақфия» ва Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарларида берилган. А.Н. ўз даврида илм-фан ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилган. Машҳур рассом Беҳзод, хаттот Султон Али, тарихчи Мирхонд, шоир Осафий ва б. А.Н. ҳомийлигида камолга етганлар. А.Н. ўзининг фалсафий қарашларида Худо, борлик ва инсоннинг ўзаро алоқаси ва бирлиги ҳақида фикр юритди. Ташқи олам ва унинг сир ва асрорини сезги ва ақл орқали билиш мумкинлигига ишонди. Буюк мутафаккирнинг рационалистик ғоялари кейинги даврларда яшаган олиму фозилларнинг дунёқарашига кучли таъсир кўрсатди. Ҳазрат Навоийнинг «Хамса» достони ва «Маҳбуб ул-қулуб» асари ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғояларга бой бўлиб, унда инсон ва унинг бахт-саодати, мукамал жамият ҳақидаги орзу-ўйлари, комил инсон, муҳаббат, одиллик, эзгулик ва б. маънавий қадриятлар ҳақида қимматли фикрлар илгари сурилган.

А.Н.нинг инсонпарварлик ва умуминсоний руҳи б-н суғорилган бадиий, ижтимоий, фалсафий, сиёсий ва ахлоқий асарлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Улар башариятга, ёш авлодни тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда.

АЛИ ҚУШЧИ Алоуддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи (тахм. 1403, Самарқанд — 1474.17.12, Истанбул) — машҳур астроном, математик ва файласуф. Улуғбек раҳбарлигида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий рисолаларини, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарини, шунингдек, қад. юнон олимлари асарларини ўрганиб, Қозизода Румий, Фиёсуддин Жамшид ал-Коший, Муҳаммад Хавофий сингари устозлар қўлида таҳсил олади. Мадрасани битиргач, Улуғбек руҳсати б-н бир неча йил Эроннинг Кирмон вилоятида яшайди. Бу ерда Насириддин Тусийнинг «Тажрид» асарига шарҳ сифатида «Рисолаи ашкол ал-қамар»ни («Ойнинг шакллари ҳақида рисола») ёзади. Улуғбек расадхонасини қуриш, хусусан, Қозизода Румий ва Фиёсуддин Жамшид вафотидан кейин уни битказиб зарур кузатиш асбоблари б-н жиҳозлаш кўпроқ А.Қ. зиммасига тушган. Улуғбекнинг «Зижи жадиди султони — зижи Улуғбек» асари ҳам шогирдининг бевосита мадади б-н тугатилган. Улуғ-

бек вафотидан сўнг А.Қ. Туркия подшоси Муҳаммад Фотиҳнинг таклифига биноан Истанбулда доимий яшаб қолади, София мадрасасига бош мударис этиб тайинланади. 1472 й. математикага оид «Рисола ал-Муҳаммадия» асарини ёзиб тугатади. А.Қ. талабаларига маъруза ўқиётганда Улуғбек ва унинг Самарқанддаги расадхонаси ҳақида атрофлича сўзлар эди. Шунинг баробарида Самарқанд олимларининг илми риёзиётдаги ютуқларини, айниқса, касрларни «Айлана ҳақидаги рисола» китобида кашф этган Фиёсуддин Жамшид ал-Кошийнинг математикага доир илмий ишларини ҳам А.Қ. оммалаштирди. Ўнлик касрлар таълимотини Оврўпода 150 йил ўтгач, Симон Светин кашф қилди. А.Қ. Истанбулда денгиз тошқинлари ва сувнинг қайтиши, 90 градусга тенг бўлмаган энг кичик бурчак ҳам ўтмас бўлиши мумкинлиги каби баҳсталаб муаммолар б-н банд бўлади. Кейинчалик у илми нужум — астрология (юлдузлар ҳолатига қараб воқеаларни башорат қилиш) ва жамиятни бошқаришнинг маъмурий таъмоийллари б-н қизиқади. Умри поёнида А.Қ. Истанбулнинг жуғрофий координатларни кўрсатувчи ҳисоб-китоб харитасини тузган ҳамда Қуёш соати ясаб, Аё София мадрасасига совға қилган. А.Қ. 71 ёшида вафот этган. У дафн этилган Айюб Султон мазори 1815—20 й.да қайта таъмирланган. Муҳими шуки, А.Қ. устози Улуғбекнинг нодир асарлари батамом йўқолиб кетиши хавфини бартараф этиб, жаҳон тамаддунида ўз пирига ўлмас ҳайкал ўрнатди. Асосий асарлари: «Улуғбек зижига шарҳлар», «Насриддин ат-Тусийнинг Элхоний зижига тузатишлар», «Кутбиддин аш-Шерозийнинг «Астрономиядан шоҳга туҳфа»сига шарҳлар», «Муҳаммадия рисоласи», «Фатҳия рисоласи», «Арифметикага оид рисола», «Астрономияга оид рисола».

АЛОГИЗМ (*юн.* а-инкор қўшимчаси, *logismos* — ақл) — ҳақиқатга эришиш воситалари сифатида мантиқий тафаккурни, тафаккур ва воқелик орасидаги мувофиқликни инкор этиш; тафаккур қонун ва қоидаларига, логикага интуцияни, эътиқодни, кароматни қарама-қарши қилиб қўйиш.

АЛОУДДИН Аттор (Бухоро — 1400.18.3, Денов) — нақшбандийлик тариқатининг йирик вакилларида бири. Бухоро мадрасасида таҳсил олган. Унинг илмга ихлоси Баҳоуддин Нақшбанднинг назар-эътиборини тортади. Кейинчалик А. Баҳоуддин Нақшбанднинг қизига уйланади, унинг биринчи халифасига айланади. А. бутун ҳаёти давомида нақшбандийлик тариқати ғояларини тарғиб қиладди. Муҳаммад Порсо «Рисолаи қудсия» асарида А.нинг қуйидаги фикрини келтиради: «Агар умр боқий бўлса, иншооллоҳ, улуғ Хожа (Баҳоуддин Нақшбанднинг) тариқатини жорий этгумдир, де-

ган сўзлари бор. Муҳаммад Порсонинг «Мақомоти шайх Алоуддин Аттор» рисоласида ёзишча, А. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин Чағониённинг Деҳнав қишлоғига 1389—96 й.лар кўчиб келган. А.нинг фандаги асосий хизмати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумотлар йиғиб китоб тартиб берган. Жумладан, Муҳаммад Порсо А. ёрдами б-н «Мақомот» асарини ёзади. Китобнинг кўп қисмини А.нинг ўзи сўзлаб берган. Бу услуб Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Нақшбанд» асарида «Хожа Алоуддин айтмишлар» деб сақлаб қолинган. А.нинг тасаввуфга тааллуқли кўплаб ўғитлари Муҳаммад Порсо томонидан йиғилган бўлиб, «Мақомоти шайх Алоуддин Аттор» номи б-н машҳурдир. А. «Хайр ҳаракатсиз бўлмайди, у расмиятчилик эмас. Тоат агар расмиятчилик учун қилинса, истиффор айтиш шарт, чунки бу ёмонликка оид индир, ундан қутулиш эса хайрдир», деган эди.

АЛОҚА — макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ё объектнинг ўзаро боғланиш ҳодисаси. Сизги орқали қабул қилинган қандайдир ташқи таъсир инсонни идрок этишга ундайди ва шу идрок этилувчи нарсалар ва идрок этиш жараёни ўртасида қандайдир муштарак ўзаро талаб этиш, А. жараёни мавжуд. Аввалда психологияда идрок этувчи б-н идрок этилувчи воқелик, предмет орасидаги А.ни онг б-н ҳис этиш орқали идрок этилади, деб эътироф этилган эди. Бироқ, бу англашилмовчилик бўлиб, бу ҳолатда улар орасида алоқа эмас, балки боғлиқлик ҳолати юзга келади. А.нинг физик наз-яга асосланган ҳолатига кўра, воқеликни чегараланиш даражаси ҳодисаларнинг объектив хусусиятлари ўзи бизнинг онгимизга таъсир этиши орқали ўзлигини намоён этади. Бу ўринда ҳодиса ва воқелик ўртасидаги А. ўзаро талаб қилинган келишув, муносабат орқали онгда амалга ошади.

Ҳоз. замон ахборот, интернет тизимида А. қонунлари ва унга хос хусусиятлардан кенг фойдаланилади.

АЛОҲИДАЛИК ВА УМУМИЙЛИК — нарса ва ҳодисалар, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини ифодаладиган категориялар; оламга, хос муносабат ва алоқадорликни, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шакллари, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро бирликни ифодаловчи умумий томонларини ифодаладиган тушунчалар.

А. категорияси бу оламдаги нарса, воқеа ва жараёнларга хос бўлган аниқ, ягона, такрорланмайдиган белгилар ҳамда хусусиятларни ифодалайди. Мазкур категория табиат ва ижтимоий ҳаётдаги нар-

са, алоҳида ҳодиса, жузъий факт ва ягона воқеа ҳақидаги тушунчаларни ҳам билдиради. Масалан, ҳар бир миллатга хос маданиятнинг тил, урф-одат, анъана миллий характер, психология каби белгилари айна шу шакл ва мазмунда бошқа халқларда такрорланиши мумкин бўлмаган айримлик, А.лардир. Шунингдек, медицинада инфаркт миокарди — юрак-томир касалликлари системасида ўзига хос белги ва хусусиятларига кўра айримликни ифодалайди. Алоҳидалик категорияси моддий олам мавжудлиги ва ундаги муносабатларнинг фақат бир томонини ифодалайди, холос. Айрим олинган воқеа, ҳодиса, алоҳида предмет ва жараёнлар, уларга хос белгилар б-н, айна пайтда материянинг конкрет кўринишлари, предмет воқеа ва процессларни ўхшаш, айнан томонларини билдирувчи умумий белгилари ҳам мавжуд.

У. категорияси нарса, ҳодиса, жараёнларга хос асосий, доимий такрорланадиган белгилар ва хусусиятлар йиғиндисини билдиради. Бу категория нарсаларни келиб чиқиш жиҳатидан умумий эканлигини, улар тараққиёт умумий занжирининг узвий боғлиқ ҳалқалари эканлигини, бир хил қонуниятларга бўйсунishi мумкинлигини англайди.

Мас., ҳар қандай ўтиш даври эски жамиятдан янгисига ўтиш муаммоларини ҳал этилиш шакли бўлиб, унинг мазмуни мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабат, тартибларни тубдан ўзгартиришдан иборатдир. Хусусан, Ўзбекистондаги ҳоз. ўтиш даврида ҳам ана шундай ўзгариш амалга ошмоқда, аммо бу жараёнда фақат бизнинг мамлакатимизга хос хусусиятлар ҳам бор. Хуллас, умумийлик айримликка нисбатан кенг мазмунга эга, у айрим нарса, ҳодиса ва жараёнларга хос бўлган ички қонуниятни, умумий асосни, ўхшашликни англайди.

А. ва У.ни боғловчи ҳалқа хусусийлик категориясидир. У алоҳидалик мазмунини англададиган категориядир. Мас.: водород — алоҳидалик, газ — хусусийлик, химиявий элемент — умумийликни ифодалайди. Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик ўртасидаги муносабат диалектик характерга эга бўлиб, уларнинг тафовути нисбийдир. Дунёда ва билиш жараёнида мазкур тушунчалар аниқ шарт-шароитга кўра бир-бирига ўтиши, ўрин алмашиши ҳам мумкин. Аммо фалда яна бошқа бир қатор энг умумий тушунчалар ҳам борки, улар ниҳоятда кенг мазмунини ифодалаганлиги сабабли хусусийлик категориясига мисол бўлиши мумкин эмас. Масалан, «олам», «ҳаракат», «макон», «замон» ва ҳ.к.

Алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари воқеликдаги аниқ, нарса, ҳодиса, жараёнлар орқали мавжуддир. Оламдан ажралган алоҳида ёки умумий тушунча бўлишини тасаввур қилиш қи-

ийин. Мазкур категориялар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласини файллар турлича изоҳлаганлар. Гегел фикрича, умумийлик аниқ нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, қандайдир мустақил шаклда мавжуд бўлиб, алоҳидалиқдан аввал вужудга келади ва уни белгилайди: «умумийлик айримликнинг негизи ва заминидир, томири ва субстанциясидир». Ж.Локк: «Умумийлик ва универсаллик ҳақиқатан мавжуд нарсаларга мансуб эмас, балки уни ақл-идрок ўз истеъмоли учун ихтиро қилган ва яратгандир ҳамда белгиларга, сўзларга ёки идеяларгагина тааллуқлидир», деган фикрни илгари суради. Умумийликни айримликдан ажратиб, уни воқеликда мавжуд бўлмайдиган нарсаларни ифодалайди, деган номиналистик таълимот ҳам бор. Бу ҳоз. замон фалсафасининг Чейз, Уэлпол, Кейзер каби намояндаларининг ижодида учрайди. Аслида эса алоҳидалиқ, хусусийлик ва умумийлик объектив ва субъектив хусусиятига эга эканлигини эътироф этиш улар ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлади, деган қоидага асосланади. Алоҳидалиқ умумийликка нисбатан мазмунан бой бўлиб, ўзида умумийликка хос белгилардан ташқари яна муайян белгиларни ифодалайди. Умумийлик эса алоҳидалиқнинг муҳим, асосий ички белгиси, муносабатларини кўрсатади. А. ва У. олам тараққиётининг босқичлари ва ифодаланиш шакллари сифатида ички алоқадорлик муносабатида намоён бўлади. А. умумийликсиз яшаши мумкин бўлмаганидек, умумийлик ҳам алоҳидалиқсиз мавжуд бўлмайди. Демак, оламдаги ҳар бир аниқ нарса, ҳодиса, умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалиқнинг бирлиги сифатида мавжуд ва намоён бўлади. Ушбу категорияларнинг моҳиятини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини илмий асосда тушуниш фан ва амалиёт учун ниҳоятда муҳим. Мазкур категориялар билиш жараёнининг босқичлари сифатида ҳам намоён бўлади. Ҳиссий билиш (алоҳидалиқ) ва абстракт мантиқий билиш (умумийлик) ўртасидаги алоқадорлик билишнинг оддий, алоҳида шаклидан умумийликка қараб боришини кўрсатади ва ушбу жараёни тўғри тушунишга имкон яратади. Мас., врач беморни даволашга киришишдан аввал, ундаги касалликнинг белгилари (алоҳидалиқ)ни ўрганати, бу белгилардан қайси бири қандай касалликларга тааллуқли эканлигини (хусусийлик) — айна вазиятда улардан қайси бири муҳим, ички қонуният (умумийлик) эканлигини аниқлагач, мазкур касалликни даволашга киришиши мумкин. Алоҳидалиқ, хусусийлик ва умумийлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тўғри тушуниш нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини очиш орқали амалга ошади. Бу категориялар ривожланишнинг асосий йўл ва йўналишларини белгилаб олиш, воқелиқнинг у ёки бу жиҳати ҳақида илмий хулосалар чиқариш учун имкон беради. Чунончи, Д.И. Менделеев химиявий элементларга хос энг умумий хусусиятларни тадқиқ этиб, даврий сис-

темага кирмаган тўртта элемент мавжуд бўлишлигини илгаридан айтган эди. Кейинчалик бу илмий башорат фан томонидан исботланади. Алоҳидалиқ, хусусийлик ва умумийлик категориялари ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоҳидалиқ табиат ва ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт тенденциясининг англашда, турли воқеалар системасида янгиликни ажрата олиш ва унга йўл очишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётда ҳар қандай янгилик, янги ташаббус ва ҳаракатлар, янги одат ва анъаналар даставвал алоҳидалиқ тарзида вужудга келади, сўнгра халқ назаридан ўтиб, мустаҳкамланиб, ўзига йўл очади. Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш учун фаоллар ҳаракати худди шу тариқа жузъий тарзда вужудга келди ҳамда оммавий ҳаракат тарзида умумийликка айлана бошлади.

Демак, алоҳидалиқ, хусусийлик ва умумийлик категориялар оламда амал қилувчи қонуний жараён ва шу жараённинг инсон тафаккуридаги инъикоси бўлиб, у оламга хос яшаш ва ривожланиш жараёнининг муҳим томонларидан бирини тўғри тушунишга имконият яратади.

АЛЬТЕРНАТИВ (франц. *alternative*, лот. *alter* — иккитадан бири) — муқобил сўзи, бир-бирини истисно этувчи имкониятлар хилма-хиллигини, улардан бирини танлаш зарурлигини билдирувчи тушунча. А.га табиий бир ҳолат сифатида қараш керак. А. бўлмаган жойда ягона ғоя ва субъектив фал.га эрк берилади. Танлаш имконияти мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолат фал-ий тафаккур ривожига, умуман тараққиётга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, А. эркинлик ва демократиянинг энг муҳим тамойилларидандир.

АЛЬТРУИЗМ (франц. *Altruisme*, лот. *alter* — бошқа) — эгоизмга қарама-қарши ахлоқий принцип бўлиб, у бошқа кишиларга беғараз хизмат қилишдан, уларнинг бахт-саодати учун ўз шахсий манфатларини қурбон этишдан иборат. А. терминини фал.га О.Конт киритган. А. тушунчаси, одатда, яқинларга меҳр-муҳаббат б-н қараш, одамларнинг хатоларини кечириш, ўзининг қадр-қимматини четлаб ўтиб, ўй-фикри ва хатти-ҳаракатини бошқалар ҳаётига бағишлаш, ўзини тамомила унутишни англатади. А.га кўра «*Vivre pour autrui*» («бошқалар учун яша») — бу ибора келажакда ахлоқий талабнинг эпиграфи бўлиб қолмоғи керак.

АМАЛИЁТ — билиш наз-ясининг муҳим тушунчаларидан бири. Фал.да А. муаммосининг қўйилиши шундай изоҳланадики, инсоннинг меҳнат фаолияти ва наз-ий фаолият нисбати масаласида турлича қарашлар мавжуд бўлиб келган. Антик дунё, ўрта асрлар даври фал.сида А. деганда инсон фаолиятининг бирор-бир аниқ шаклини тасаввур қилганлар

(деҳқончилик, хунармандчилик, ахлоқий, сиёсий фаолият ва б.). Янги даврда келиб, (17-18-а.лар) фал.да А. масаласи б-н яқиндан шуғулланиш анча кучайди. Чунки, бу даврда инсоннинг табиатни ўрганиш ва ўзгартиришга қаратилган фаолияти ортган, А.нинг моҳиятини тушуниш, А. б-н наз-я нисбатини аниқлаш алоҳида аҳамият касб эта бошлаган эди. Янги давр фал.сига хос бўлган бу хусусиятни ифодалаб, инг. файласуфи Ф.Бэкон «Янги органон» асарига «Инсондаги билимга ва қудратга эга бўлган икки хил интилиш бир-бирига мос келади», деб таъкидлаган эди. У ўрта аср схоластикасини танқид қилиб, А. ва наз-я бирлигини тан олган, тушунчаларнинг келиб чиқишида тажриба ва экспериментнинг ролини пайқаган ва умуман, фал.нинг амалий аҳамиятини исботлашга интилган эди. А.ни ва унинг билиш жараёнидаги ўрнини тушунишда француз фай.лари ҳам анча ижобий фикрларни илгари сурдилар. Улар илмий билишнинг амалий эҳтиёжларга хизмат қилишни кўп марта таъкидлаган эдилар. Аммо, 17-18-а.лар фал.сида амалий фаолиятнинг асл моҳияти очиб берилмади. Инсоннинг амалий фаолияти, асосан, табиатга, ташқи муҳит ва инсоннинг биологик тузилишига боғлаб қўйилган эди. Бу иккала омил ўзгармас деб қаралгани учун амалий фаолиятнинг тарихий характери ҳам тан олинмади. Умуман олганда, 17-18-а.лар фал.сида инсоннинг дунёга бўлган муносабатини натуралистик ва кузатувчанлик фаолияти б-н чегаралаб қўйилган эди. А. деганда бу давр фай.лари фақат табиатнинг, ижтимоий ҳаётнинг инсонга бўлган таъсирини, инсон уни пассив қабул қилиб олишини тушундилар, инсоннинг фаол ижобий фаолиятини улар тўғри изоҳлаб ва тушунтириб бера олмадилар. А. муаммосига немис фай.лари, жумладан, Гегель ҳам ўзига хос ҳисса қўшди. Гегелда А. наз-ядан устун туради, у фақат умумийлик фазилатигина эмас, балки воқелик фазилатига ҳам эгадир, деган фикр мавжуд. Гегель меҳнат ва билиш фаолияти ўртасидаги алоқадорликни тушуниш, инсон билимининг фаол характерини очиб беришга ҳаракат қилади. Аммо, Гегель энг мукамал амалий фаолият деганда ахлоқий-сиёсий фаолиятни тушунади. А. муаммоси ҳоз. замон фал.сида ҳам ўзига хос тарзда талқин қилинади. Баъзи фай.лар қарашларида А. ўзининг ашёвий мазмунидан маҳрум этилиб, субъектив тарзда тушунилади, (мас., прагматизм) ёки амалиёт кундалик турмушдаги хатти-ҳаракатлар б-н айнийлаштирилиб, кишининг кундалик утилитар (фойда, манфаат) ҳаракати доираси б-н чеклаб қўйилади. Шу б-н бирга, ҳоз. замон фал.сида инсон фаоллигининг маънавий асосларини ёритишга қаратилгани диққатга сазовор ижобий хислатлар ҳам мавжуд. А. деб фал.да инсоннинг борлиқни, табиатни, жамиятни ва унинг ўзини ўзгартиришга қаратилган, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатнинг умумлашмасига айти-

лади. Фаолият борлиқни ўзгартиришга қаратилган жараён бўлиб, у объектив ва субъектив томонлар йиғиндисидан иборат. Амалий фаолият объекти кишилар ҳам бўлиши мумкин. Мас., А. кишиларнинг ўзига қаратилган фаолият сифатида ҳам амалга оширилиши мумкин (ўқитиш, тарбиялаш ва б.). Шу маънода, инсон амалий фаолиятининг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади. Амалий жараёнда юқорида айтганимиздек, фақат борлиқ, табиат, жамият ўзгарибгина қолмай, балки инсоннинг ўзи ҳам ўзгариб боради. Шу б-н бирга, А. яъни, практика билишнинг асосий мезонидир. Мавжуд тафаккур жараёнида вужудга келган наз-ий билимларимиз тўғри ёки тўғри эмаслиги А. орқали синалади, тўғрилиги тасдиқланса, у ҳақиқатга айланади. А. билишнинг мезони, деган қоида билиш наз-ясининг асосий қоидадир. Ҳар қандай ақлий билиш, наз-ий ҳулосалар тажриба, амалий фаолият синовидан ўтгандагина у реалликка айланади. А.нинг шаклларида келсак, у инсон фаолиятини уч жиҳатини ўз ичига олади. Биринчиси, инсоннинг моддий ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, бу жараёнда меҳнат куроллари, техника-машина механизмлари, энергия манбалари воситасида жамиятга зарурий нознеъматлар яратилади. А.нинг иккинчи шакли, инсоннинг жамиятни, ижтимоий муносабатларни ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган фаолиятини ифодалайди. А.нинг учинчи шакли, инсониятнинг маориф, маданият, тиббиёт, маиший ҳаёт соҳаларидаги фаолиятни ўзида акс эттиради. А.нинг ўзига хос асосий белгилари шундан иборатки, у биринчидан, фақатгина инсонга хос, иккинчидан у моддий-ҳиссий, учинчидан, у ўзгартирувчи, қайта қурувчи, тўртинчидан, муайян мақсадга қаратилган фаолиятдир.

АМИР ТЕМУР Кўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир, (1336, 9.4, Шаҳрисабз яқинидаги Хўжаилғор қишлоғи — 1405, 18. 2, Ўттор шаҳри) — соҳибқирон, йирик давлат арбоби, энгилмас саркарда, ўрта асрларда энг катта давлатлардан бирининг бунёдкори, ташқи муносабатларда оқил йўлларни топа билган раҳбар, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан машҳур лашкарбоши. Отаси Амир Тарағай Баҳодир барлос қабилиси зодагонларидан бири, замонасининг кўзга кўринган кишиси ҳисобланган, онаси Тегина бегим эса бухоролик олим Убайдуллоҳ аш-Шарифанинг қизи бўлган. А.Т. нинг ёшлигиданоқ иродали, яхши ташкилотчи, ўткир жангчи эканлиги намоён бўла бошлади. У ўз кучи, ғайрати ва иродасини чиниқтириш мақсадида йигирма беш ёшгача бир қанча ҳукмдорлар хизматида бўлди. Бу даврда Мовароуннаҳр бир қанча амириликларга бўлинган, тарқоқлик кучайган, қабилалар ва элатлар ўртасидаги низолар авжига чиққан эди. Шундай мураккаб вазиятда А.Т. ҳарбий ва дипломатик қоби-

лияти туфайли Кеш (Шаҳрисабз) ҳокими даража-сига кўтарилди. 1370 й.да А.Т. Кешдан Балха юриш қилиб, Амир Хусайн қўшинларини енгди, рақибни қатл этилгач унинг хотинларидан бири Сароймулкхоним (Бибихоним)га уйланди. Хон қизига уйланганлиги муносабати б-н А.Т. «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» номини олди. Ўша 1370 й. кўчманчи зодагонлар, ўтроқ феодаллар ва мусулмон ула-молари А.Т.ни Мовароуннаҳр амири деб эълон қил-дилар. А.Т. Самарқандни давлат пойтахтига айлан-тирди. 1381 й.да Ҳиротни, 1383 й.да Сейистонни эгаллайди. 1386 й.дан «уч йиллик юриш», 1392 й.дан «беш йиллик юриш» ва 1399 й.дан эса «етти йиллик юриш»ларни бошлаб, уларни изчиллик б-н амалга оширади. 1404 й.да Самарқандга қайтиб, Хитойга юришни тайёрлашга киришди ва 1405 й.да қўшинлари б-н йўлга чиқиб, Тошкентдан ши-моли-шарқдаги Ўтгорр шаҳрига келганда касалла-ниб вафот этди. А.Т. 27 дан ортиқ мамлакатни забт этди.

Соҳибқирон Олтин Ўрда хони Тўхтамишни енгиб, Русияни мўғуллар истибодидан қутқарили-шини осонлаштирди. Туркия султони Боязид Йил-диримни енгиб Болқон яриморли халқларини маълум муддат мустабидликдан сақланиб қолиши-га сабабчи бўлди. А.Т.нинг саркардалик маҳорати дунё аҳамиятига эгадир: жаҳон ҳарбий академия-ларида қулдорлик даври ҳарбий санъатининг энг ёрқин вакили сифатида Александр Македонский, ўрта асрлардан А.Т., кейинги даврдан Наполеон-нинг саркардалик маҳорати ўрганилади. А.Т. ўз даврининг билимдон кишиси бўлган. А.Т. давлат-ни мустаҳкамлашда савдогарларга, хунармандлар-га, шайхларга ва ислом динига таянди, ички ва ташқи савдони йўлга қўйди, илм-фан, адабиёт, санъат тараққиёти учун қулай шароитлар яратди, забт этилган мамлакатлардан олим у фузалоларни, илоҳиётчиларни, санъат намояндalarини Самар-қандга олиб келди. Натижада, меъморчилик, рас-сомчилик, наққошлик юксак чўққиларга кўтарил-ди. У Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал шаҳар-ларидан бирига айлантирди, атрофидаги қишлоқ-ларга Боғдод, Қоҳира, Дамашқ, Фориш (Париж) каби номларни бериш б-н пойтахтнинг мавқеини оширишга ҳаракат қилди, қатор хорижий мамла-катлар б-н шу жумладан, Франция, Испания, Англия б-н алоқа ўрнатди. Марказий Осиё Уйғо-ниш даври А.Т. ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида мустаҳкам негизга эга бўлди. А.Т.нинг тарихдаги ўрнини тўғри баҳолаш, унинг даври ва меросини холисона ўрганиш фақат истиқлол ту-файли мумкин бўлди. А.Т. таваллудининг 660 йил-лиги кенг нишонланди, Президент Ислам Кари-мовнинг жонбозлиги туфайли унинг номи қайта тикланди ва маънавий меросимизнинг ажралмас қисмига айланди.

АМОРАЛИЗМ (лот. а — йўқ, moralis — ахлоқ) — кишилар муносабатларида ахлоқ меъёрларини инкор этиш, умумэътироф этилган хулқ-атвор мезонларига енгил-елпи муносабатда бўлиш. Ама-лиётда А. алоҳида бир шахснинг маънавий етук эмаслиги ёки жамиятдаги бутун табақаларни маъ-навий тубанликка олиб келувчи ижтимоий зидди-ятлар б-н ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Онгли, ҳаётий нуқтаи назар сифатида А. уруғ ва қабила-чилик муносабатларининг емирилиши даврида ке-либ чиқади. Бу даврда фаолият кўрсатаётган урф-одатлардан, анъанавий одоб мезонларидан маъна-вийликни ажралиб чиқиши содир бўлади. Турмуш тарзининг мустаҳкамланиб қолган тартиботларига алоҳида муносабат юзага келди. Антик жамиятда, уруғчилик ҳаёт кечирининг маънавий мезонла-рини кескин бузилиши тезлашганда, ҳар хил урф-одатлар ва табақавий мезонлар ўртасидаги тўқна-шувлар тез-тез содир бўлганда А. ҳар қандай ахлоқ-одоб қоидalари, мезонларни шартли қабул қилиш, уларни тўла нисбийлигини тан олишда ўз ифодасини топади. Ижтимоий маданиятнинг ҳамма қадриятлари инкор қилинади.

Бу шароитда ҳукмрон маънавийлик амалий А. б-н бирга кузатилади. Қарама-қарши кучлар эса, А.ни қабул қилиб ҳар қандай маънавийликни рад этадилар. 19-а. ўрталарида маданиятнинг инқирози даврида А.нинг бошқача шакли — имморализм гоялари ривожлана бошлаган. Бу гояларнинг мазму-ни маънавийликнинг тўла сиёсий мақсадларга бўйсундирилиши лозимлиги уқтирилади. А.нинг ўта шафқатсиз инсонийликка зид, ёвуз шакли фашизм-нинг гояси ва амалиётида ўз ифодасини топди. Бунинг энг асосий кўриниши (фюрер) шахсга си-ғинишдир. Бу сиғинишда ҳар қандай виждоний ме-зонлар рад этилади. Инсонга муҳаббат, ҳурмат, виж-дон, ахлоқийлик мезонлари бузилиши А.га олиб келади.

АНАКСАГОР (мил. ав. 500-428 й.) — қадимги юнон файласуфи, Афина фалсафа мактабининг асосчиларидан бири. Бизгача А. асарларидан 20 та фрагмент этиб келган. У дунёнинг яратилишини материалистик нуқтаи-назардан таърифлаган. Унга кўра, дунёнинг бошланғич ҳолати ҳаракатсиз, шаклсиз, сон-саноқсиз, майда қисмлардан иборат. Бу аралашма айланма ҳаракатга келган ва «қисм»-лар бир кўринишдан бошқа кўринишга ўта бош-лаган. Оддий «қисм»ларнинг ҳаракати, бирикиш ва бўлинишида бирламчи таъсир кучини «нус» (ақл) деб атаган. Нус ўта енгил ва нозик модда сифатида тушуниланган. А. космологияси само жисмларининг вужудга келишини қисмлар-нинг бирламчи нотартиб аралашувлари ва улар-нинг айланма ҳаракатлари натижасида деб тушун-тиради.

АНАКСИМАНДР (мил.ав.610-546 й.лар, Милет) — файласуф, Милет мактабининг вакили, «Табиат ҳақида» деб номланган фал-ий асарнинг муаллифи. Ҳаз.устози Фалесдан фарқли ўлароқ, А. коинотнинг марказида ясси цилиндр шаклига эга бўлган Ер жойлашган, деб ҳисоблайди. Ер атрофида уч осмоний ҳалқа (Қуёш, Ой, Юлдуз) айланади. Юнон натурфай.и бўлган А. билиш наз-ясида — тажриба, кузатиш, эмпирик билишни асосий усуллардан деб ҳисоблаган. А. яхлит, ҳаракатчан, чексиз апейрон таълимотини илгари сурган. Унинг айтишича, абадий ҳаракат сувга нисбатан қад. ибтидо бўлиб, у туфайли бир хил жисмлар пайдо бўлади, б.лари эса, емирилади. Стихияли диалектик А. оламни чексиз боғланишдан, ўзаро ҳаракатдан иборат, деб билган. Борлиқ ўзидан дунёларни пайдо қилган, у абадий ўзгаришда бўлади ва кейинчалик уларни ўз қаърига тортади.

АНАКСИМЕН (мил.ав.588-525 й.лар, Милет) — антик оламнинг натурфайласуфи. А.нинг таълимотига кўра, дунёнинг асосини, табиатнинг моҳиятини ҳаво ташкил қилади. Ҳаво бениҳоя, абадий ҳаракатчандир, шу сабабли, бутун мавжудот бош материя, яъни ҳаводан вужудга келади ва яна унга қайтади. А.нинг фикрича, макон ўз-ўзини ривожлантириб, ўз-ўзини бошқаради, коинот абадийдир. Унинг таълимоти афсонавий — диний ғоядан йироқлашиб, инсон онги бунёд этган ғояларга яқинлашади. *Анаксимандрдан фарқли равишда А. абстракт тарзда мушоҳада қилади. А. содда диалектик* фай. сифатида Худонинг оламнинг сабабчиси, деган фикрни мутлақ рад этиб, нарсаларнинг сабабчиси чексиз ҳаво, деб таъкидлайди. А. бошқа антик Юнон фай.лари сингари материянинг илоҳийлашгани тўғрисида фикр юритган. А. худоларнинг табиат б-н бир нарса дейиши пантеизмдан иборатдир.

АНАЛИЗ (юн. *analysis* — ажратиш) — шундай бир тафаккур операциясидирки, унинг ёрдами б-н нарса ва ҳодисалар фикрда ёки амалиётда бўлиб (ажратиб), уларнинг айрим қисмлари, белгилари ва хусусиятлари таҳлил қилинади. Одамлар ижтимоий турмушда ва таълим жараёнида А. ёрдами б-н кўпгина ишларни амалга оширадilar, топшириқлар, мисоллар ва муаммоларни ечадилар. Табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиш А.дан бошланади. (К.: Анализ ва синтез. Синтез).

АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ (юн. *analysis* — ажратиш ва *synthesis* — бирлаштириш) — умумий маънода бутунни таркибий қисмларга, фикран ажратиш ва қисмлардан бутунни, худди шундай тарзда, қайта бирлаштиришдир. А. ва С. билиш жараёнида муҳим

аҳамиятга эга ва унинг ҳамма босқичларида амалга оширилади. А. ва С. ҳаракатининг маркази бош мия катта ярим шарларининг пўстлогидир. Мантикий анализ, тадқиқ қилинувчи объектни, фикран, таркибий қисмларга бўлишдан иборат бўлиб, янги билимлар олиш усулини ташкил этади. Тадқиқ қилинувчи объектнинг табиатига қараб, анализ турли шаклларда намоён бўлади. Тадқиқ қилинувчи объектни ҳар томонлама билиш шarti анализнинг кўп қирраларига бўлиш ҳисобланади. Бутунни таркибий қисмларга бўлиш тадқиқ қилинувчи объектнинг тузилишини, унинг таркибини аниқлаб олишга имкон беради. Мураккаб ҳодисани энг оддий унсурларга бўлиш, муҳимни номуҳимдан ажратишга, уни мураккаб нарсага олиб бориб тақашга имкон беради: нарсаларни ва ҳодисаларни туркумларга бўлиш анализ шаклидандан бири бўлиб хизмат қилади. Ривожланаётган жараёнинг таҳлил қилиниши унда турли босқичларни ва ҳ.к.ларни ажратиб қарашга имкон беради. Таҳлил этиш фаолияти жараёнида, фикр, мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Анализнинг мақсади — қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида, билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ, анализ моҳиятни ажратиб қарашга олиб келадики, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик, хилма-хилликдаги бирлик сифатида, ҳали очилмаган бўлади. Синтез, аксинча, анализ воситаси б-н ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларнинг ягона бир бутунга бирлаштириш жараёнидан иборатдир. Синтез бирликдан, тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунга бирлаштиради. А. ва С. ЭҲМлар учун тайёрланадиган дастурларда ҳам ишлатилади. Содда кўринишдаги аналитик-синтетик қобилият ҳайвонларда ҳам учрайди. Инсонда, унинг маълумотли бўлганлиги сабабли, А. ва С. тафаккурнинг туркумдаги тушунчалари даражасига кўтарилади. Аналитик тафаккурдан фарқли ўлароқ, психологияда, синергетик тафаккур, яъни бўлинмаган тафаккур, муҳим аҳамият касб этади. Бирлаштириш натижасида, эски бутун ўрнига, янгиси ҳам шаклланиши мумкин. Илмий билиш турли шакллариининг пайдо бўлиши, наз-яларнинг шаклланиши инсоннинг турли-туман кўринишдаги фаолиятида ва ҳ.к.да, А. ва С. чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади.

АНАЛИТИКА (юн. *analytike* — таҳлил қилиш санъати) — муҳокама, исботлаш характериға эга бўлиш учун тушунча ва элементар тамойилларни ажратиш санъати. А. атамаси мантиқ фанининг бўлими ҳисобланади. Аристотель «Топика» ва «Иккинчи аналитика» асарларида А.ни қатъий, исботланган муҳокама

сифатида таърифлайди. Кантда А. янгича мазмун касб этди. А. Кант трансцендентал фал.сининг таркибий қисми бўлиб, бу тушунча орқали ақлий билим асосларини баён қилди.

АНАЛИТИК ФАЛСАФА — Фарб фалсафасида ХХ асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган оқим. Бу оқим фал.нинг вазифасини анъана юзасидан фал-ий муаммолар деб ҳисобланган масалаларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида тилни таҳлил қилишдан иборат, деб билувчи турли фал-ий гуруҳлар, йўналишларни бирлаштиради. Асосан, АҚШ ва Англияда тарқалган бўлиб, Скандинавия мамлакатларида, Австралия ва б. мамлакатларда вакиллари мавжуддир. Англияда А.ф. ҳукмрон лингвистик фал.дир. АҚШда лингвистик фал.га яқин турувчи бир қанча фал.лардан ташқари А.ф.нинг мантиқий эмпиризм (В.Карнап, Г.Фейгль ва б.) ва неопрагматизм (В.Куайн, Н.Гудмен, М.Уайт) тарафдорларидан иборат вакиллари ҳам бор. Шунингдек, бирон-бир йўналишга мансуб бўлмаган мустақил америкалик аналитиклар ҳам бор (У.Селларс ва б.). Умуман, ўзининг асосий даъволарига кўра, А.ф. ҳоз. замон Фарб фал.сида неопозитивизм йўлининг давоми сифатида майдонга чиқмоқда. А.ф. тарафдорларининг кўпчилиги учун шу нарса характерлики, улар диққатни, асосан, умумий фал-ий масалалардан тилни тадқиқ қилишнинг конкрет шакллари ва воситаларига йўналтирмоқдалар. Бунда икки асосий қарашни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) аниқ қайд этилган мантиқий структурага эга бўлган сунъий «моделли» тилларни тузиш (мантиқий эмпиризм, неопрагматистлар, бир қанча «мустақил» аналитиклар). Бу тадқиқотлар ҳоз. замон формал мантигига таянади; 2) тил ифодаларини ишлатишнинг туслари ва хусусиятларини аниқлаш мақсадида тарихан мавжуд табиий тилларни тадқиқ этиш, токи бу тадқиқ фал-ий муаммоларни яхшироқ аниқлаб олишга ёрдамлашсин (лингвистик фал.). А.ф. фал.ни унинг дунёқарашлик аҳамиятидан маҳрум этиб, метафилософиядан, яъни, фал-ий муаммонинг тилдаги ифодасини шакл ва усулларини тадқиқ қилишдан иборат қилиб, ёки умуман, фал. ўрнига мантиқий ёки лингвистик тадқиқотларни кўяди.

АНАЛОГИЯ (юн. analogia — мослик, ўхшашлик) — билвосита хулоса чиқаришнинг бир тури. А. бўйича хулоса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли система-ларнинг хоссалар, муносабатлар, структураларидаги ўхшашликларга асосланади. А. воситасида бир предметдан (моделдан) б. предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хулоса асослари моделга, хулоса прототипга тааллуқли бўлади. Моделдан прототипга ўтказилаётган ахборотнинг табиатига кўра

А.нинг икки тури фарқланади: хусусиятлар А.си ва муносабатлар А.си.

Хусусиятлар А.сида икки якка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг б.сида ҳам муҳим хоссаларига кўра ўхшашдир, яъни улар бир сайёралар тизимига кирувчи осмон жисмларидир, иккиси ҳам ҳаракатда, кимёвий таркиби ҳам ўхшаш. Ана шу ўхшашликларга асосланиб, олимлар Куёшда топилган янги элемент-гелий Ерда ҳам бўлса керак, деган хулосага келганлар. А.йўли б-н чиқарилган бу хулосанинг чинлиги кўп ўтмай тасдиқланди — Ерда ҳам гелий элементи топилди. Муносабатлар А.сида икки предметлар ўхшашлиги ҳақида эмас, икки предмет ўртасидаги муносабатни ўрганиш асосида икки предмет ўртасидаги муносабат ҳақида хулоса чиқарилади. А.ни турларга ажратганда хулосанинг аниқлик даражасига ҳам эътибор берилади. Шу жиҳатдан А.ни қатъий (аниқ), қатъий бўлмаган (ноаниқ) ва хато А.га ажратамиз. Қатъий А.нинг ўзига хос хусусияти шундаки, кўчирилади ва ўхшатилади белгилар ўртасидаги алоқа зарурий бўлади. Аниқ фанларда, моделлаштиришда фикр қатъий А. шаклида юритилади. Қатъий бўлмаган А.да ўхшаш бўлган ва кўчирилади белги ўртасидаги зарурий алоқа эҳтимоллик даражасига эга бўлади. Ижтимоий, тарихий воқеаларни ўрганишда ва аниқ, табиий фанларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилганда қатъий бўлмаган А. кенг қўлланилади. А. бўйича чиқариладиган хулосанинг аниқлик даражасини ошириш учун, яъни хулосанинг чин бўлиш эҳтимоллини ошириш учун қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур: 1. Таққосланаётган предметларнинг имкони борича кўпроқ ўхшаш белгилари аниқланиши лозим. Шунда хулосанинг чинлик даражаси, чин хулоса чиқариш имкони ортади. 2. Таққосланаётган предметларнинг ўхшаш белгилари предметлар учун муҳим белгилар бўлиши керак. 3. Таққосланаётган предметларнинг кўчирилади белгиси б-н бошқа белгилар зарурий алоқада бўлиши шарт. 4. Таққосланаётган предметларнинг фарқ қилувчи белгиларининг миқдори кам бўлиши ва бу белгилар зарурий, муҳим бўлмаслиги шарт. Агар предметлар муҳим, зарурий белгилари б-н бир-биридан фарқ қилса, А.нинг хулосаси хато бўлади.

А.нинг хулосалари б. хулоса чиқариш турлари каби билиш методи сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Билиш жараёни объектив реалликдаги предмет ва ҳодисаларнинг ташқи ва ички хоссаларини таққослаш, уларнинг узвий алоқасини аниқлашдан бошланади. А.да таққослаш асосида ўхшаш, умумий хусусиятлар аниқланади, предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар чуқурлашади ва конкретлаштирилади. Табиий ва ижтимоий фанларда

А. турли ҳодисалар ҳақида турли гипотезаларни ҳосил қилиш ва баён этиш усули сифатида хизмат қилади.

АНАМНЕЗИС (юн. *anamnesis* — эслаш, ёдга олиш) — Афлотун таълимотида, ушбу тушунча орқали, билиш жараёнининг асосий тартиби таърифланади. Афлотун фикрича, билиш жараёни инсон руҳининг, тан б-н қўшилмасдан олдин, «нариги дунёда» мавжуд бўлган ғояларни «бу дунёда» эслашдир.

АНАРХИЯ (юн. *anarchia* — бошбошдоқлик) — давлатда ягона раҳбар йўқлиги, ҳокимиятга даъвогар турли сиёсий кучларнинг ўзаро кураши. А. юзаки қарашда демократиянинг бир кўринишига ўхшайди, аммо бутунлай бошқа ҳодисадир. Ада сиёсий лидерлар кўпаяди. Ага асосланган индивидуализм фалсининг йирик вакилидан Штирнкер (1806—1856) ахлоқ соҳасида эгоизм-худбинлик, ёрқин шахсларнинг ўзига хослигини йўқотмаслик, шахсий манфаатларни Ватан ва халқ манфаатларидан устун қўйиш тарафдори эди. А. индивидуализм сифатида 19-а.да Франция ва Испанияда кенг тарқалди. М.Штирнер, П.Прудон, М.Бакунин А. лидерларидир. 20-а. бошларида А. тарафдорларини ҳар қандай ҳокимиятга қарши, ҳокимиятсизликни ёқловчилар деб тушунар эдилар. А.нинг фал-ий асоси индивидуализм-шахсиятпарастлик, субъективизм — ўз қарашларини устун қўйиш, волюнтаризм — ўзбошимчалиқдир. Шу б-н бирга, А. тарафдорлари инқилоб, тўнтариш йўли б-н давлатни эгаллашни ҳам қоралайдилар. А.ни ҳар қандай давлат тузумига қарши бўлгани учун муҳим ғоя сифатида қабул қилиш мумкин эмас.

АНАХИТА — зардуштийлик динида ободонлик ва фаровонлик маъбудаси. *Авестода* илоҳа Анахита «Ардви Сура Анахита» тарзида ифода этилади (Ардви — ҳаётбахш сув; Сура — қудратли, тошқин маъноларини англатади). А. орийларнинг тарихий ватани, ер юзининг жаннати деб ҳисобланган Хвар Зам («Арйана виж» ёки «Ийрон виж») ўлкасига ҳаётбахш сув, табиатни тирилтирувчи Охшо (Акча) — Амударёнинг илоҳий тимсоли, ўзи жон киритган ўлка табиатининг аёл қиёфасида тасвирланади. Аҳурамазданинг қизи, қуёш маъбуди Митранинг қайлиғи сифатида талқин қилинади. А. ўлкага ҳосилдорлик бағишловчи, фаровонликни таъминловчи, бало-қазолардан асрагувчи, шифобахш сув ато этувчи ва ниҳоят, мазкур ўлкада яшовчи барча халқларнинг илоҳий онаси қиёфасида тасаввур қилинган. Ислон кириб келиши б-н идеал бу образлар, яъни А.га хос фазилатлар мусулмон аёл тимсолига кўчади.

АНДИША — ахлоқий тушунча. Кишилар б-н бўлган муносабатда оқибатини атрофлича ўйлаб муносабатда бўлиш, мулоҳаза қилиш А.нинг ўзига хос хусусиятларидандир. Инсон ўз хатти-ҳаракати, маънавий-руҳий қарашларида юксак ахлоқий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади. А.ли инсон ўзгаларни олижаноб ахлоқий меъёрларга асосланган ҳолда қадрлайди. Ўзгаларнинг муносабати ва фаолиятини ҳам ибратли ахлоқий қадриятлар назари б-н ўлчайди. А. юксак ахлоқий тарбия асосида шаклланади. А.ли бўлишнинг асл мазмуни мавжуд нуқсон ва камчиликлардан кўз юмиш, ҳақиқатни юзига айтмаслик каби хислатлардан йироқ. А.ли бўлиш ёки А. қилиш камчиликлари, хатоси бор шахсни ўз қилмишидан хулоса чиқариши мумкинлиги тўғрисидаги фикрига асосланган ҳолда, эҳтиётлаш, қадрлаш демакдир. А. юксак шарқона ахлоқий қадриятлардан бири сифатида шахснинг тўлақонли ахлоқий тарбияси натижаси ўлароқ намоён бўлади.

АНИМИЗМ (лот. *anima* — руҳ, жон) — кишилар, ҳайвонлар, предметлар ва ҳодисаларни гўё руҳ, жон бошқариб туришига ишониш. А. ибтидоий диний тасаввурларнинг олий шаклидир. Ада моддий объектлар руҳий мавжудотлар дунёси б-н тўлдирилган бўлади. А. атамаси биринчи марта немис олими Шталь (1708) томонидан муомалага киритилган. 1871 й.да А. атамаси И.Тэйлор томонидан этнография фанида қўлланилади. Г.Шталь А.ни жон ҳаётининг бошланиши ҳақидаги таълимот деб тушунган, Тэйлор бўлса уни нафақат жон ва руҳларга ишониш, балки диннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот, тандан жоннинг ажралиб чиқиши, диннинг «минимум» асоси деб ҳисоблаган. Р.Маретт, Фрезер, Л.Штернберг каби файлар анимистик тасаввурларнинг ўтмишдоши жодугарлик, афсунгарлик ҳамда барча табиатни жонлангириш (аниматизм) ҳақидаги тасаввурлар деб ҳисоблаганлар. Ибтидоий одамлар инсон вафот этгандан кейин унинг руҳи чақалоққа ўтади, руҳи ўзи яшаган жойда, «ўликлар мамлакати»да бўлади, деб тушунганлар. Абадий руҳ ҳақидаги тасаввур шу даврда пайдо бўлган. А. диннинг мифологик афсонавий келиб чиқиши ҳақидаги наз-я ўрнида вужудга келди. 19-а.нинг 70-80-й.ларидан А.ни ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Ўтган асрнинг 90 й.лари бошидан бошлаб, айрим католик черкови вакиллари (Шмидт ва б.) олимлардан Маретт, Вундт ва б. А. чекланганлик ва бир томонламаликда айбашларга қарши кураш олиб бордилар. А. ўз ривожига барча динларга таъсир қилиб, турли мамлакатларга тарқалди. А. Марказий Осиё мусулмонлари ҳаётида, жумладан, марҳумлар шаънига турли худойилар, ис чиқариш каби удумларда А. унсурлари кўзга ташланади.

АННЕКСИЯ (лот. *annexio* — қўшиб олмақ) — бир давлат томонидан иккинчи давлат ҳудудининг зўрлик б-н ўзига қўшиб олиниши, бирор-бир элат вакилларини ўз ҳудудида мажбуран ушлаб турилиши. А. одатда, кучли давлатлар томонидан кичик ва заиф давлатлар ҳамда элатларга нисбатан қўлла-нилади. Бунда бирор баҳона ёки сабаб излаб ўти-рилмайди. А. натижасида, ўзга давлат ҳудудига ўтиб қолган элат вакилларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ҳуқуқлари маҳдуд бўлади. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари мустам-лакачилик сиёсатини амалга оширган йилларда (18—19-а.) А. мамлакат ҳудудини кенгайтириш во-ситаларидан бири бўлиб хизмат қилди. А. сиёсати баъзан яширин ҳолда ҳам олиб борилади. Бундай ҳолларда эгаллаб олинган мамлакатларда қўғирчоқ ҳукумат тузилиб, бу ҳукумат шу мамлакатни эгал-лаб олган давлат сиёсатига бўйсунди ва уларнинг йўл-йўриғи б-н иш тутди. Бугунги кунда ҳам қатор мамлакатлар А. сиёсатини амалга ошириб турадилар. Бироқ, ўтган асрлардан фарқли ўлароқ, ҳозирги даврда А. БМТ ва жаҳон ҳамжамияти то-монидан қаттиқ қораланади. А. сиёсатини амалга оширган мамлакатлар халқаро жавобгарликка тор-тиладилар.

АНСЕЛЬМ (Anselm) Кентербериялик (1033, Пье-монт — 1109.21.4, Кентербери) — илоҳиётчи ва файласуф, илк схоластиканинг вакили. У Шим. Ита-лияда дворянлар оиласида туғилган. Ёшлигиданоқ ўзини роҳибликка бағишлаган. А. эътиқодни оқило-на фикрлашнинг дастлабки шарти, деб билган. У «ақлли бўлиб сўнгра иймонли бўлишни эмас, бал-ки иймонли бўлиб, сўнгра оқил бўлишни истай-ман» деган ибораси б-н машҳур. Худонинг борлиги шу сўз, тушунчанинг ўзидан келиб чиқади, деб му-лоҳаза юритади. А. схоластик фал.нинг христиан ҳақиқатларини тасдиқлаш (исботлаш) учун оқило-налик усулларидан фойдаланиш зарур, деган ғоянинг татбиқ этганлиги учун, А. ни биринчи схо-ласт деганлар. У эътиқоддаги ақл ҳақида гапира ту-риб, ақлнинг аҳамиятини таъкидласа-да, эътиқод-ни ақлдан юқори қўйган. Эмпирик талқин ва Ари-стотелчиликнинг биринчи қаторнинг бўлаги бўлма-са, бутун қаторнинг ўзи бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фаразларига суянади. Шу мантиқ натижа-сига кўра, Худо мавжуд бўлибгина қолмай, у мут-лақ бахт — саодат, мукаммаллик ва борлик б-н баробардир. А.нинг онтологик фаразларига Худо мав-жуд, унданда улкан ҳеч нарса ни хаёлга келтириш мумкин эмас. Худонинг борлигини фикран эъти-роф этиш, лекин унинг реал мавжудлигини инкор этиш, Худодан юқорироқ бирон нимани мавжудли-гини эътироф (лекин бунинг бўлиши мумкин эмас) бўлур эди, деган фикри ётади. Демак, Худо сўзи-

нинг мавжудлиги Худо борлигини исботлайди. Худо борлигини схоластик усул б-н исботланиши унинг замондошлари ва Ф.Аквинский томонидан рад этил-ган бўлса-да, Декарт, Лейбниц, Гегель, Бреди каби мутафаккирлар томонидан ривожлантирилган. А. Пла-тон ва Аристотелнинг мантиққа оид фал-ий фикр-ларини ҳам давом эттирган. А. имон ва ақлнинг му-таносиблигини христиан ҳақиқатларидан олиш мум-кинлигига ишора қилади. А. ақл диалектик маҳорат воситасида ҳақиқатни баён қилади, ҳақиқат эса, оқилона исбот воситасида ҳақиқийликни асослаши мумкин, деган фикрларни илгари сурган. Диалек-тика, шундай қилиб, имон, ишонч қуроли бўлиб қолади. Христианлар диний илм, бир томондан, диалектик фикр юритишнинг биринчи шарти бўлса-да, иккинчи томондан, азалий хулосаларни белги-лашдир. Диний илмнинг ақидалари (дунёнинг яра-тилиши, троица ақидалари, Исо ўзини қурбон қили-ши ва б.) рационал исботлаш учун А.нинг фал-ий реализми асосида ётади. А. Худонинг мавжудлигини онтологик исботини олға сурган. А.эътиборини одоб (этика) масалаларига ҳам қаратган (мас., хоҳиш эркинлиги ва танлаш эркинлиги). А. ҳақиқат тўғри-сида ўз концепциясини таклиф этди (рефрекция-нал, препозицион ва актуал ҳақиқат). Ушбу кон-цепция тилнинг семантик функционалликни ўрга-ниш ва тилни бошқараётган ички қонуниятини из-лашдадир. Архиепископ А. католик черковини ба-ланд даражага кўтаришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун курашган.

АНТАГОНИЗМ (юн. *antagonistos*— қарама-қарши, рақиб, душман) — ижтимоий тараққиёт, жамият ҳаётидаги фарқ, тафовут, зиддиятни мутлақлашти-риш ғояси. А. атамаси фал-ий тафаккур тараққиёти-да қарама-қарши кучларнинг курашини ифодалаш учун ишлатилган. Диний қарашларда яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, жаҳолат ва маъ-рифат ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ўрта аср мутафаккирлари табиат, жамият ва ин-сон турмушининг барча соҳаларида А. борлиги, уларни бартараф этиш зарурияти ҳақида фикр юри-тадилар. Ислом мусулмонлар ҳаётидаги А.ларни ҳал этишнинг маънавий воситаси сифатида эътироф этилади. Собиқ иттифоқда мавжуд бўлган марксизм фал.сида турли синфлар ўртасидаги А. ижтимоий инқилоблар орқалигина ҳал этилиши мумкин, деб ҳисобланади, инқилоблар ижтимоий тузумни ўзгар-тирувчи, барча синфлар ва қатламларнинг манфа-атларини уйғунлаштирувчи, улар ўртасидаги А.ни бартараф этувчи омил сифатида нотўғри талқин этилади. Жамиятда мулкдорлар ва сармоядорларнинг мавжудлиги А.нинг манбаи, деб эътироф этилади. Бугунги кунда А. масалаларини мустақил равишда тадқиқ этувчи *конфликтология* фани (Зиммел, Да-

рендорф, Козер ва б. қарашлари) шаклланиб бормоқда. У А. ҳақидаги фан сифатида, жамиятдаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўлларини ўрганеди.

АНТИК ФАЛСАФА — қадимги даврда (мил. ав. 8-а.да Юнонистонда, мил. ав. 2-а.да Рим жамиятларида) шаклланиб, мил. б-а.га қадар ривожланиб келган фал-ий таълимотлар умумлашмаси. Сократ, Платон, Аристотель, Гераклит, Демокрит каби ўнлаб файлар мансуб бўлган А.ф. инсоният фал-ий тафаккурининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. А.ф. одам ва табиатнинг моҳияти ҳақидаги инсон тасаввурлари афсоналаридан озод бўла бошлаган, Шарқнинг астрономик, математик ва б. фанларга оид билимлари Юнонистонда тарқала бошлаган даврдан шакллана бошлади. Мил.ав. 6-5-а.ларда табиат тўғрисидаги билимлар ва фал. ҳали бир-бирдан ажратилмаган эди. Амалий текшириш имконияти йўқлиги сабабли кўплаб гипотезалар вужудга келди. Бу гипотезалар дунёни турли-туман таърифлашдан иборат эди. Бу хилма-хиллик А.ф.ни кейинги авлодлар учун фал-ий тафаккур мактабига айлантирди. Дунёнинг яратилиши масаласида А.ф. монизм, материализм ва идеализм, диалектика ва метафизика йўналишларида тараққий қилди. Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Анаксагор, Демокрит кабилар атомизм, материализм, идеализм йўналишларидаги қатор фал-ий ғояларнинг асосчиларидир. Мил. 529 й. император Юстин Афинадаги фал. мактабини ёпиш тўғрисида қарор қилади. Бу даврга келиб, А.ф. фал.нинг асосий ғоялари масаласида ўз тараққиётининг якунига етган эди.

АНТИКОММУНИЗМ (анти — қарши, зид; коммуна — жамоа, умумий яшаш усули) — коммунизмга қарши кураш ғоясига асосланган қараш, фаолият мажмуи. Ижтимоий тараққиётда жамоавийлик тамойилининг мутлақлаштириш, коммунистик партияларнинг муайян давлатларда ҳокимиятни зўрлик б-н эгаллаб олиши, коммуна ғоясининг марксча талқини асосида шаклланган мустабид мафкуралар хуружига қарши такомиллашиб борган таълимот. А. ғоявий соҳада собиқ Иттифоқ ва б. социалистик йўналишдаги мамлакатларда ягона мафкуранинг мутлақ ҳукмронлиги, тафаккур қуллиги, фикр қарамлигининг шаклланиши, виждон, фикр, сўз эркинликлари чекланганини танқид қилади. Сиёсий соҳада коммунистик йўлдан бораётган мамлакатларда сиёсий аморализм, эркин сайловлар, демократия йўқлиги, иқтисодий соҳада эса, бир марказдан бошқариладиган ва хусусий мулкка, мулккий плюрализмга йўл қўйилмайдиган иқтисодий тамойиллар устуворлиги танқид қилинади. А. «совуқ уруш» даврида Фарбда энг нуфузли ғоявий кураш воситаларидан

бири эди. 20-а.нинг кейинги ўн йиллигида собиқ Иттифоқ тарқалиши, марксистик таълимот ва партияларнинг илгариги мавқеини йўқотиши б-н А. ҳам ўз аҳамиятини бир оз йўқотди. Аммо тоталитаризм, антидемократик тамойиллар ҳукмрон ҳудуд ва давлатларда мавжуд бўлган баъзи неомарксистик ва неокмунистик қараш, фаолиятларга қарши мафкура сифатида жаҳондаги ғоявий жараёнлар тизи-мида ўз ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

АНТИНОМИЯ (юн. antinomia — қонундаги зиддият) — мантиқий исботланадиган икки қонун, мулоҳаза ёки хулоса ўртасидаги зиддият. Қад. дунё мутафаккирлари асарларида апория шаклида ишлатилган. 18-а.да А. ҳақидаги таълимотни Кант ишлаб чиқди. А.нинг пайдо бўлиши инсон ақлининг оламни бутун бир яхлит деб фикрлашга уринишларида содир бўлади. А. 4 омилда намоён бўлади: 1) олам, замон ўз ибтидосини топиб маконда чекланган. Олам, замон ўз ибтидосини топмаган ва маконда чексиз; 2) ҳар қандай мураккаб модда оддий қисмлардан ташкил топган. Ҳеч қайси буюм оддий қисмлардан ташкил топмаган ва умуман оламда оддий нарсанинг ўзи йўқ; 3) табиат қонунларига кўра, сабабият ҳамма ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмас: эркин сабабият мавжуд. Ҳеч қандай эркинлик йўқ, оламда ҳамма нарса табиат қонунларига биноан содир бўлади; 4) оламга зарурий моҳият унинг сабаби сифатида мансубдир. На олам ичида, на оламдан ташқарида мутлақ зарурий моҳиятнинг ўзи йўқ. Сабаб ҳам худди шундай йўқдир. Инсон айна бир вақтда ҳам эркин, ҳам эркин эмас. Ҳодисалар оламдаги вужуд сифатида эркин эмасдир.

Кантнинг А. тўғрисидаги таълимоти немис фал.сида янада ривожланди. Гегель А. ҳақидаги таълимотни такомиллаштирди. Унинг талқинида зиддиятлар ривожланаётган руҳнинг ажралмас, объектив тавсифидир. Гегелнинг қарашича зиддиятлар синтетик тарзда ҳал қилса бўладиган ҳолат ва томонлардир.

АНТИСЕМИТИЗМ — яҳудийларга нисбатан душманларча муносабатда бўлиш, уларни ирқий ва миллий камситиш, миллий ва диний бидъат-хуруфот. Тарихда А. турли шаклларда — атайин ёлғон, туҳмат тарқатиш, ҳар хил камситишлардан тортиб, то оммавий равишда аҳолини мажбуран кўчириш ва қиргин қилиш, геноцид шаклида намоён бўлган. А. ирқий шовинизмнинг бир кўриниши ҳисобланади. Гитлерчилар Германиясида А. мудҳиш ва ғайриинсоний тус олган эди. Унда яҳудийлар геноциди нацистлар партияси ва фашист давлатининг расмий сиёсий йўли сифатида амалга оширилган эди.

АНТИТЕЗИС (юн. antithesis — қарама-қарши қўйиш) — мантиқда тезисга қарама-қарши қўйилган ҳукм. А.да тесқари фикр тўғри деб фараз қилинади ва исботлашда қўлланилади. Фал.да А. диалектика тараққиёт жараёнининг муайян бир босқичи, аввалги асосий ҳолатнинг (тезиснинг) ўз-ўзидан инкор этилиши. А. мутлақ инкор эмас, балки у тезиснинг маълум бир томонини инкор этиб, унинг ижобий мазмунини ўзида сақлайди ва тараққиётни юқорироқ босқичга кўтареди. Бу босқич инкор ёки синтез деб аталади. А. уч босқичли ривожланиш (триада)нинг таркибий қисми сифатида биринчи марта Гегел томонидан талқин қилинган.

АНТИУТОПИЯ — 20-аср бошларида юзага келган ғоявий оқим, утопияга қарама-қарши бўлиб, адолатли жамиятнинг қарор топишини, порлоқ келажак, орзу-умидларнинг амалга ошиши имкониятларини рад этувчи. А.га кўра, ҳар қандай утопия амалдаги ҳақиқатдан юз ўгиришдир. А. тенденцияси 20-а. жаҳон адабиётида кенг ўрин олди. Мас. О.Хакслининг «Маймун ва моҳият», У.Гелдиннинг «Пашшалар ҳукмдори» асарларида А.га хос ижтимоий идеалларни тан олмаслик, тарихий пессимизмга мойиллик, аслида, глобал муаммолар қаршисида ожизлик, реалликка тан бериш майллари кўзга ташланади.

АНТРОПОГЕНЕЗ (юн. antropos ва genesis — инсон, келиб чиқиш) — инсоннинг келиб чиқиш ва ривожланиш жараёни. Бу жараён тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Дарвин, Гексли ва Гегел инсон олий даражада тараққий этган, одамсимон маймунлардан келиб чиққан дейдилар. Замонавий фан А.нинг ижтимоий меҳнат наз-ясини тасдиқламоқда. Инсоннинг пайдо бўлиш ва ривожланиши жараёни бир қанча босқичларга бўлинади. 1-босқич австралопитектларнинг (инсоннинг энг яқин аجدодлари) — Жанубий Африкадан қазиб олинган маймунларнинг ер юзида яшаши, ҳамма нарсани ейиши, табиий жисмларни қуроллар сифатида ишлатиши, сўнгра бу қуролларни ясай бошлаши б-н изоҳланади. Бу ҳол икки оёқли антропоидларнинг, ҳайвондан инсонга ўтувчи, вужудларнинг пайдо бўлишига шарт-шароит туғдирган.

2-босқич, А.нинг бошланғич поғонасидаги вақилларидан — энг қадимги кишилар — питекантроплар ва синантроплардан иборат ибтидоий поданинг ташкил топиши б-н боғлиқдир. Бу энг қадимги кишилар, мунтазам суратда ва атайлаб, хилма-хил шакллардан кўпол тош қуроллар ясаганлар, биргалашиб, ҳайвонларни овлаганлар, оловдан фойдаланганлар. Уларнинг авлодлари палеантроплар ёки неандерталлар, эндиликда, шаклли ва анча мураккаб бўлган қуролларни ясаганлар, дастлабки сунъий иншоотларни (шамол тўсиқларни) яратганлар,

оловни ҳосил қилиш йўлини билганлар. Юзага келган ижтимоий ишлаб чиқариш онг ва нутқнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган, инсон гавдасини шакллантирган. Инсоннинг қарор топиши юз минг йиллар давом этган (Жануби-Шарқий, Жанубий, Олд Осиё ва Африка). 3-босқич — ибтидоий поданинг ибтидоий жамиятга, неандерталларнинг эса ҳоз. шаклдаги инсонга айланишидан иборат. Диний дунёқарашга кўра, инсонни Тангри тўрт унсурдан яратган. Дунёдаги жамики динларда биринчи одамни яратилиши бир хил талқин қилинади.

АНТРОПОЛОГИЯ (юн. anthropos — одам ва logos — таълимот) — одамнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси, одам ирқлари ҳақидаги фан. А. одам тана тузилиши, кишилар ўртасидаги салбий фарқларни ўрганиш асосида иш кўради. Илмий А. мустақил фан сифатида 19-а.да шаклланиган. А. бир томондан ижтимоий фанларга жуда яқин турадиган биология соҳасидир. А.нинг муҳим соҳаси — одам организмининг тузилиши ва ривожланишига таъсир қиладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларни ўрганадиган бўлими — «Одам биологияси» деган умумий ном б-н 20-а. ўрталаридан бошлаб ривожланди. Одамнинг пайдо бўлишида фақат табиат оламининг қонуниятларигина эмас, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Одам пайдо бўлганидан ҳоз. ҳолатигача унинг бутун ҳаёти жамиятнинг ривожланиш қонунияти б-н чамбарчас боғланган. А. фан бўлиб ривожланишида табиат ва жамият тўғрисидаги фанлар ижобий ўрин эгаллайди. Ҳозирда А. қўйидаги учта катта бўлимдан иборат: 1) одам морфологияси; 2) антропогенез; 3) ирқшунослик (этник А.).

Ҳоз. даврда фал-ий А. ҳам тараққий этган. Уни инсоншунослик номи б-н ҳам атамоқдалар. У инсон ҳаётининг мазмуни, одам зотининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий алоқалари, шахс камолоти, маънавияти каби бир қатор масалаларнинг фал-ий талқини б-н шуғулланади.

АНТРОПОЛОГИЗМ (юн. anthropos — инсон, одам; logos — таълимот) — инсон табиат ва жамиятнинг энг олий қадриятидир, деган қарашга асосланган ғоя. Унга кўра, одамзот энг етуқ ва олий жонзот, бутун борлиқ инсон ва унинг эҳтиёжлари учун яратилган. Жамиятнинг етуқлиги инсонга муносабат, унга яратилган шарт-шароитлар б-н белгиланади. Фал. тарихида А. хилма-хил шаклларда намоён бўлган. Қадимда Конфуций, Суқрот, Форобий, Беруний ва Навоий, 17-18-а. француз маърифатпарварлари, Фейербах ва Ницше ижодида бу ғоялар ўзининг яққол ифодасини топган. Ҳоз. замонда ҳаёт фал.си, социал дарвинизм, *фрейдизм* каби оқимларда А. ғояси учрайди.

АНТРОПОМОРФИЗМ (юн. *anthropos* — инсон ва *morpheo* — шакл, кўриниш) — инсонга ўхшашлик, тирик бўлмаган табиатнинг ҳодиса ва предметларига инсоний хусусиятлар бериш, худо ёки худоларни инсоний қиёфада тасаввур этиш. А. жамият ривожланишининг илк босқичларида ҳукмронлик қилган мифологик дунёқарашнинг дастлабки шакли сифатида вужудга келди. Худоларга нисбатан А. Ксенофан томонидан қуйидагича танқид қилинган: «Ҳабашлар худоларини қора танли ва бурунлари пучуқ дейдилар; фракиянлар эса худоларини кўк кўз ва малла соч деб тасаввур этадилар». Таврот, Инжил ва Қуръонда худонинг қиёфаси, ҳақида гап бормайди. А.нинг *антропология*, психологик А. каби турлари мавжуд. А. образлари шеърятда кенг қўлланилади. А. ибтидоий жамоа афсоналарида кўп учрайди. У инсоннинг борлигини, табиат ва жамият олдидаги зиддиятларни енгишига қаратилган. Афсонадаги А. илк фикрлаш ҳодисаси бўлиб, инсонни ўз-ўзини атроф-муҳитдан ажратмаслиги, инсон сифатларини атрофдаги олам нарса ва ҳодисаларига кўчириши натижасида вужудга келган.

АНТРОПОСОФИЯ (юн. *anthropos* — инсон, *sophia* — донишмандлик, ҳикмат) — инсон ақлига, одамзотнинг ақли мавжудот сифатида улуғ ва буюк ишларга қодир эканига ишонч асосида шаклланган ғоя, қарашлар мажмуи. Асосчиси — немис олими Р. Штейнер (1861—1925). Унинг фикрича, инсон оламнинг Худоси, ҳаётнинг бошқарувчиси, инсондан бошқа илоҳий кучни излашнинг кераги йўқ. Одамий илоҳийлаштирган А. уч олам: олий — руҳий, ўрта — австрал (энергия), қуйи — табиий (материя) олам бор, деб қарайди. Ҳоз. даврда АҚШ, Англия, ГФР каби мамлакатларда ўз тарафдорларига эга.

АНТРОП ТАМОЙИЛИ (юн. *anthropos* — инсон) — замонавий космология тамойилларидан бири. Коинот ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва келажагини, унинг ўтмишдаги имкониятлари б-н чамбарчас боғлиқ эканлигини тушунтириб ҳамда башорат қилиб берувчи тамойил. Уни коинотнинг таркибий тузилиши ва ривожланишидаги фундаментал катталикларнинг ўзаро мос келиши, деб аташади. А.т. коинотнинг дастлабки ҳолати б-н унинг келгуси ҳолатлари ўртасидаги қонуний алоқадорликларни таҳлил этиш асосида ўртага ташланган. Бу тамойил инсонни мураккаб тизим ва космик мавжудот, деб ҳисоблаб, унинг мавжудлик моҳиятини коинотнинг физикавий ўлчовларига боғлиқ, деб қарайди (жумладан, фундаментал физикавий доимийлик — Планк доимийси, ёруғлик тезлиги, протон ва электрон массаси ва б.). Физикавий тадқиқотлар бўйича, агар фундаментал доимийларнинг

бирон-бири ўзгарса, бунда бошқа ўлчамлар ва барча физикавий қонунларининг сақланиши шарт, модамики бундай бўлмаса бошқа физикавий объектлар мавжуд бўлмас эди, мас., ядро, атом ва ҳ.к. Ушбу ўзаро боғлиқликни англаш фалсафа ва фанда А.т.ни шаклланишга олиб келди. А.т.нинг турли таърифлари мавжуд, бироқ, у, кўпинча, 1973 йилда гравитация наз-яси мутахассиси Б.Картер томонидан илгари сурилган икки хил (кучли ва кучсиз) наз-яси шаклида ишлатилади. А.т. дунёқараш вазифасини ҳам бажаради, яъни инсон ва универсумнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ҳақидаги фалсафий ғояни ўз ичига олади. А.т.ни диний ва илмий талқин қилиш мумкин. Ҳоз. даврда А.т.нинг аҳамияти, инсоннинг коинотдаги фаоллигининг ортиши ва замонавий фаннинг инсонпарварлик муаммосига жиддий ёндашуви орқали намоён бўлади. Бу тамойилнинг асосланиши Б. Картернинг, «Катта сонларнинг мос келиши ва космологияда антроп тамойили» номли мақоласидан бошланган. А.т.нинг «кучли» ва «кучсиз» даъволари мавжуд бўлиб, кучсиз А.т. бўйича, бизнинг (яъни кузатувчининг) коинотдаги ўрнимизнинг афзаллиги шундаки, бизнинг ҳоз. вазиятимиз шу коинотда, кузатувчи сифатида, мавжуд эканлигимиз б-н мувофиқ келганлигидадир. Яъни, А.т. бизнинг ҳозирги ҳолатимиз коинотнинг вужудга келган пайтидаги имкониятлар б-н боғланганлигини таъкидлайди. Ўша пайтда коинотнинг ҳолати ўзгача бўлганда эди, биз — кузатувчилар мавжуд бўлмас эдик. Кучли А.т. бўйича, коинот шундай вужудга келганки, бунда коинот эволюциясининг маълум бир босқичида кузатувчининг пайдо бўлиши олдиндан мўлжалланган ёки бошқача айтганда, режалаштирилгандир. Шундай қилиб, кучсиз А.т. бўйича, кузатувчининг ҳолати коинот эволюциясининг имкониятларига мос келади, кучли А.т. бўйича эса, коинотдаги барча имкониятлар кузатувчининг воқелигини таъминлаш учун мўлжаллангандир.

АНХРА МАНИУ — Зардуштийликда ёвуз кучлар, зулмат ва ўлим бошлиғи, Аҳурамазданинг душмани, инсон руҳиятидаги салбий ҳиссиётларнинг тимсоли. Оламнинг ягона ҳукмдори бўлмиш Вақт (Зрвана, Зирвон) бир-бирига зид икки буюк қудрат Аҳурамазда ва А.М. руҳларини вужудга келтиради. Борлиқ ана шу қудратли кучлар томонидан навбатма-навбат бошқарилиб турилади. Кеча ва кундуз, қиш ва ёз тарихий даврларининг алмашиниб турилиши аслида бу икки қудратнинг ҳукмдорлик даврлари тарзида тасаввур қилинган. Борлиқ оламнинг осмон ва ер ости дунёларига бўлиниши ҳам А.М. б-н Аҳурамазда ҳукмронлигининг чегаралари тарзида баён қилинади. Бу икки қудрат ҳукмронлигининг чегаралари ер юзасидан, одамлар қалбидан ўтади, деб ҳисоблаганлар. Одам-

лар ана шу икки қудрат ҳукмронлиги доирасида яшаганлиги учун ҳам ўзаро, ҳатто, уларнинг ички дунёсида ҳам мазкур, кучлар таъсири остида кураш давом этади. Бу курашда ҳар бир куч ўз услуби б-н одамларни измига солишга интилади. А. қабоҳат, зулмат, қора кучлар, жин, шайтон, иблис, алвасти, дев ва б.ларни вужудга келтириб улар ёрдамида одамлар қалбига даҳшат уругини сочишга, раҳна, фисқи-фасод тарқатиб, кишиларда келажакка бўлган ишонч руҳини синдиришга ҳаркат қилади.

АНЪАНА — аждодларнинг тарихан тўплаган маънавий қадриятларини авлодларга узатиш (бериш) воситаси. А. ўз ҳолича мавҳум тушунча бўлиб, аслида, А.га айланган расм-русумлар, урф-одатлар, маросимлар, удумлар, кўникмалар, малакалар, турмуш тарзи ва б. ҳақида фикр юритилганда, у аниқ маъно касб этади. Миллатлар, халқлар, элатларнинг тарихий хотирасига зўр ҳурмат б-н қараш, аввало, А.га айланган маросимларда ўз ифодасини топади. А.лар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли А.ларнинг шаклланишига таъсир қилади. Муайян ижтимоий тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат, маросим ва б. А. сифатида намоён бўлади. А.ларни: а) ижтимоий-тарихий ҳодиса; б) жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишилар ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони; г) жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин. А.лар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз А.лари бўлиб, вақт ўтиши б-н ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Шунингдек, бир замоннинг аънавалари иккинчисига мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиган А.лар унутилади, ўтмишга айланади. А. инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. А.ни, асосан, 2 турга бўлиш мумкин: а) А.га айланган хайрли (бунёдкор) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Бундай А. ижтимоий тараққиёт, миллий раванг ва инсон камолоти учун бемисл аҳамиятга моликдир; б) А.га айланиб қолган зарарли (вайронкор) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Булар ҳар доим инсон онги ва руҳини қашшоқлаштириб, уни маънавий тубан бир мавжудот бўлиб қолишига асос бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига завоқ бўлади. Тарихий жараёнлар, ижтимоий тараққиётнинг олдинга боришига, инсоннинг баркамол, соғлом раванг топишига хизмат қиладиган ҳамда муайян халқ оммасининг туб манфаатларига мувофиқ келадиган маросимлар, расм-русум, урф-одат, турмуш ва тафаккур тарзи хайрли А. воситаси таъсирида ривожланади ва қадриятга айланади. Бай-

рам, маросим, расм-русум, урф-одат, турмуш тарзи, меҳнат малакаси ва б. А.га айланишининг 3 жиҳати бор: 1) А. муайян халқ, миллат ёки инсоният жамоалари асосий қисми томонидан эътироф этилиб, қадрланиши; 2) муайян жамоат ва жамоатчилик томонидан изчил рағбатлантирилиб ва назорат этиб борилиши; 3) белгиланган муайян вақтда ва шароитда ўз-ўзидан такрорланиб туриши шарт. Муайян тарихий шароит ва ижтимоий муҳитда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ва қадрини улуғлайдиган, руҳини поклайдиган, ижтимоий тараққиёт ва шахс баркамоллиги учун хизмат қиладиган, инсонпарварликни қарор топтиришга ёрдам берадиган А.га айланган барча маросимлар, фаолият йўналишлари қадриятларга муносабат белгилаш мезони бўла олади. А.га айланган ҳар қандай маросим ёки турмуш тарзининг шакли эмас, балки мазмуни, моҳияти муҳимдир. А.га асосланган барча муносабатлар аънавийлик (традиционализм) дейилади. Мас., аънава родини меъёридан орттириб кўрсатишни, одатда, аънавийлик тушунчаси б-н ифодалаб келинади. Тушунчалардаги мазмунни аънавий турмуш ва тафаккур тарзи асосида замон ва макондан ажратган ҳолда мавҳум идрок этиш, кўпинча, ақидапарастликни вужудга келтиради.

АНЪАНАВИЙ ЛЕГИТИМЛИК — ўрта аср давлат бошқарувида хос тушунча. Халқ ҳукмдорни ва унинг ҳокимиятини мавжуд аънавалардан келиб чиққан ҳолда қабул этган. Мисол учун, ўз вақтида подшоҳликнинг отадан фарзандга ёки кейинги авлодга ўтиши тамойили мавжуд бўлган ва бу меъросхўрлик аънавага кўра амалга оширилган. Халқ эса, буни қонуниятли жараён сифатида қабул қилганлиги туфайли ҳокимиятни легитим ҳисоблаган. Кейинги икки юз йил давомида рўй берган технологик тараққиёт натижасида, жамиятни бошқаришда асосий рол ўйнаб келган аънавий турмуш тарзи ўзгариши туфайли сиёсий ҳокимиятнинг А. л. ўрнига мафкуравий легитимлик вужудга келди.

АПЕЙРОН (юн. а-инкорни билдирувчи префикс ва реіпoн — ниҳоя, чек, чегара) — қадимги юнон фалсафасида чексизликни ифодаловчи тушунча. Олам ҳақидаги илк мифологик манзараларда А. тушунчасидан коинотнинг пайдо бўлишини тасвирлаш учун фойдаланилган. Қад. Юнонистон фалсафасида А. турлича талқин этилади. Мас., Парменид, элеялик Зенон, Аристотель каби файлар А.ни маълум объектга хос бўлган хусусият сифатида тасаввур этсалар, самослик Мелисс сингари файлар бутун коинотнинг муҳим хусусиятини А. б-н боғлайдилар. А. тушунчасининг мазмунини таҳлил қилар экан, Аристотель ўз ўтмишдошларининг мазкур тушунчанинг онтологик принцип си-

фатида тавсифлаганларини айтиб ўтади. Мас., Анаксимандр назарида, А. коинотга тартиб ато этган атрибут (энг муҳим хусусият) бўлиб, коинот ўлимга юз тутганидан сўнг яна унга айланади. Шу сабабдан, Аристотель Анаксимандр фалсифага алоҳида тўхталлади. Унинг фикрича, Анаксимандр А.ни оламнинг ибтидоси сифатида талқин қилади. Ушбу талқин оламнинг моддий, айни пайтда, сифатан ноаниқ ибтидоси тўғрисидаги илк мулоҳазалар эди. Бу мулоҳазалар олам ҳақидаги фикрлар тараққиётининг мантиқий давоми эди: башарти табиатда бир неча асослар мавжуд экан (олов, сув, ҳаво, тупроқ), уларнинг бирортасини ҳам оламнинг ибтидоси даражасига кўтариб бўлмайдди. Бундай вазифани, Анаксимандрнинг фикрига кўра, мавҳум, ноаниқ сифатсиз моддий асос бўлмиш А. ўтайди.

АПОДЕЙКТИКА (юн. *apodeiktikos* — ишончли) — Аристотель томонидан муайян илмий-наз-ий тизим сифатида ишлаб чиқилган, фал. ва мантиқ соҳаларига татбиқ этилган, мутлақ ҳақиқатлиги б-н бошқа билимлардан ажралиб турадиган илмий-наз-ий билим. А. дедуктив тарзда ҳақиқий асослардан келтириб чиқарилган ҳамда олий наз-ий тамойилларга таянган А. билимни диалектик, софистик ва нотиклик билимларга қарама-қарши қўяди. Аристотелнинг фикрича, Платоннинг диалектикиси субъектив равишда ҳақиқий деб қилинган ёхуд кўпчилик ёки эътиборли шахслар томонидан эътироф этилган фикрга асосланади. Шундай экан, уни ҳақиқий билим эмас, балки эҳтимолий билим, деб атаган маъқул. Али билимнинг фарқланувчи жиҳати унинг мутлақ даражада чин ва зарурий эканлигидир. А. Аристотелнинг силлогистик таълимотида Али ҳукм сифатида кенг қўламда қўлланилган ҳамда аниқ фанлар ва фал. соҳаларида ягона ишончли илмий восита, деб эътироф этилган. Мас., «Одам озиқ-овқатсиз яшай олмайди», «Одамзот-ақлли махлуқ», «Барча одамлар ўладилар» каби ҳукмлар ўз моҳиятига кўра Али ҳукмлардир.

АПОЛОГЕНЛАР — Рим империясининг кўпхудолик динларга нисбатан янги диннинг (христианликнинг) афзалликларини тарғиб қилган, унинг юксак ахлоқий принципларини ва жамият учун фойдали эканлигини асослашга уринган илк насроний илоҳиётчилари ва файласуфлари. А. ўз асарларида масиҳийлик антик таълимотлар ва фанга зид эмас, улар ҳукмрон расмий қарашларга кўп жиҳатдан ўхшаш, деб исботлашга уринганлар. А.нинг энг машҳурларидан бири Юстин (тахм. 165 й.да яшаб ижод қилган) бўлиб, унинг «Апология», «Трифониздет б-н суҳбат» ва б. асарлари

бор. Тегион, Адиногер ҳам таниқли А.дан бўлган. Тергулион бошчилик қилган А. дин ва мажусийликнинг бир-бирига зидлиги принципини илгари суриб, черковни антик фан ва маданият б-н курашишга чақирган, санъатга, *гедонизмга* ва *эпикуризмга* салбий муносабатда бўлган. Ҳоз. даврда А. ғояларига юксак баҳо бериб, улардан фойдаланишга интиломқдалар.

АПОЛОГЕТ (юн. *apologeomai* — ҳимоя қиламан) — бирор нарсани ёки бирор кишини жон-жаҳди б-н (кўпинча ўринсиз) ҳимоя қилувчи ва мақтовчи одам. А. дастлабки насроний ёзувчи — файларининг йиғин атамаси бўлиб, улар ўз асарларида масиҳийлик ақидаларини насроний бўлмаган томонлар танқиддан ҳимоя қиладилар. А.лар ўз тавсияларида диний — ахлоқий ақидапарастларнинг устунлигини, масиҳийликни давлат дини сифатида қабул қилиш мумкинлигини асослаб берганлар. Ўша даврда А.ликка оид биринчи қимматли асарлар муаллифи Авлиё Юстинианни эса, «фай. либосига кирган Масиҳ» деб атаганлар.

АПОЛОГЕТИКА (юн. *apologetikos* — ҳимоя қилиш) — илоҳиётда тафаккур далиллари ёрдамида диний таълимотни ҳимоя қилиш ва оқлаш б-н боғлиқ бўлган соҳа. А. диннинг моҳиятини ақидалар тизими хусусиятлари, ахлоқий принциплари, ижтимоий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини таҳлил қилиш асосида уни фал-ий материалистик ва генетик танқиддан ҳимоя қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Шу мақсадда, ҳақиқий динга эга бўлмасдан туриб, юксак ахлоқий муносабатларни, маданиятни ривожлантириш ва одил ижтимоий тартибни ўрганиш мумкин эмас, деган фикрни илгари суради.

АПОЛОГИЯ (юн. *apologia* — ҳимоя) — бирор бир кишини ёки шахсни ҳаддан зиёд, кўр-кўрона ҳимоя қилиш ёки улуғлашга асосланган усул. А.да ҳимоялаш мақсадида келтирилайётган фактларнинг ҳаққонийлигига эътибор берилмайди (гарчи дастуриламалда фақат ҳаққоний далилларга асосланган бўлса-да: мас., Платоннинг «Апология» номли диалогиди ана шундай далиллар ҳимоя воситаси сифатида танлаб олинади). Бугунги кунда шахс А.си ва ғоявий-мафкуравий А. ҳақида гапириш мумкин. Шахс А.си, одатда, бирор бир давлат раҳбарини улуғлаш, унинг фаолиятини асослаб бериш, ҳар қандай хатти-ҳаракатини ҳимоялашда намоён бўлса, ғоявий-мафкуравий А. маълум ғоя ва мафкурани кўр-кўрона тарғиб этишда ўз ифодасини топади. Шахс А.си охир-оқибатда шахсга сиғиниш ва диктатурага, ғоявий-мафкуравий А. эса моноидеологизм ва догматизмга олиб келади.

АПОРИЯ (юн. а — инкор, *poros* — қийинчиликдан қутулиш, чиқиш) — формал мантиқда муҳокама-лардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик. Вақтни, вақт табиатига хос бўлган объектив зиддиятларни ўрганиш, идрок этиш учун қадимдан жуда кўп фай.лар чуқур изланишда бўлганлар. Аларнинг энг машҳурлари қад. юнон файласуфи Зенон таълимотида ўз ифодасини топган. Унинг А.лари ихчамлиги, ғайриоддий ва чуқур мазмунли хулосалари б-н ажралиб туради. Аристотель уни диалектиканинг (субъектив диалектика) яратувчиси деб билган. Гегел эса уни диалектиканинг отаси деб ҳисоблаган ва унинг А.лари б-н жиддий шуғулланган. Зенон А.лари орасида «Ахиллс ва тошбақа», «Дихотомия» ва «Учаётган камон ўқи» А.лари вақтнинг реаллигини, борлигини инкор этувчи мантиқий парадокслар сифатида қизиқарлидир. «Ахиллс ва тошбақа» А.сининг мазмунига кўра, қад. Юнонистоннинг югуриш бўйича олимпия чемпиони Ахиллс ҳайвонот оламининг энг укувсиз югурувчиси тошбақани қувиб бораётир, деб фарз қилинади. Бундан Зенон Ахиллс ҳеч қачон тошбақага ета олмайди, деган мантиқий хулоса чиқаради. Ҳаётда, воқеликда ҳар қандай ялқов югурувчи ҳам тошбақани қувиб ета олади, деган эътирозга жавобан у: «бу инсон сезиларли алданишининг натижасидир, аслида, ҳеч ким тошбақани қувиб етиши мумкин эмас!», дейди. «Дихотомия» — 2 қисмга бўлиш демакдир. Зенон бу А.сида қуйидагича фикр юритади: «Бирор одам А нуктадан В нуктага бориши лозим бўлсин. У В нуктага ета оладими?» Зенон бу саволга йўқ, деб жавоб қилади. Чунки А нуктадан В нуктага қараб йўл олган одам, аввало, шу масофанинг тенг ярмидан ўтиши зарур. Бу масофанинг тенг ярмига етиши учун эса шу ярим масофанинг яна ярмини ўтиши зарур. Ярим масофанинг ярмига етиши учун эса қолган масофанинг ярмидан ўтишга тўғри келади. Хуллас, оралиқ масофа чексиз миқдордаги ярим бўлақларга бўлиниб кетади. Чексиз ярим бўлақларни босиб ўтиш учун эса чексиз вақт лозим. Ҳеч ким чексиз вақтсиз яшай олмайди. Шундай экан, ҳеч А нуктасидан В нуктасига етиб бора олмайди. Кундалик тажрибадан маълумки, ҳар қандай чекли масофани чекли вақт оралиғида босиб ўтиш мумкин. «Дихотомия» сабабли чексиз қисмларни босиб ўтиш учун чексиз вақт зарурлиги исботланади. «Учаётган камон ўқи» А.сида Зенон А нуктадан В нуктага отилган камон ўқи тинч ҳолатда бўлади, деб даъво қилади. Зенон даъвосини қуйидагича изоҳлайди. А нуктадан В нуктага отилган камон ўқи ўз йўлида шу масофани ташкил этувчи барча нукталарни босиб ўтади. Бу масофани эса камон ўқи учун чексиз миқдордаги «шу ер» (фазо нуктаси) ва «шу он» (вақт лаҳзаси) лар йиғиндисидан иборат. Маълумки, камон

ўқи ҳар бир «шу ер» ва «шу он»да тинч ҳолатда бўлади. Демак, бу масофа давомида камон ўқи чексиз тинч ҳолатларни «бошидан кечиради». Тинч ҳолатлар йиғиндисини эса тинчлик демакдир. Шундай экан, камон ўқи тинч ҳолатда бўлади, яъни, ҳаракат қилмайди, нишонгача бориб етмайди. Зенон А.ларнинг ҳақиқатга зид эканлигини барча давр олимлари, ҳатто, унинг замондошлари ҳам яхши билмишган. Лекин А.ларнинг диққатга сазовор жойи шундаки, уларда вақт, фазо ва ҳаракатнинг ички моҳиятига хос зиддиятлар моҳирона ифода этилган.

АПОСТЕРИОРИ (лот. а posteriori — тажрибадан сўнг) — билим ва унинг манбааларига оид фалсафий тушунча, ҳиссий билиш орқали тажрибадан ҳосил қилинган билим. Билиш жараёнига бундай қараш илк марта *Аристотель*, *Бозцийнинг* Аристотель асарларига ёзган шарҳларида, *Платонда*, шунингдек, *Ибн Рушд*, *Ибн Синоларда* ҳамда Европа схоластлари бўлган Альберт фон Больштадт, Фома Аквинский ва б. ижодида учрайди. Кант А. истилоҳи б-н ҳис-туйғу ёрдамида қабул қилинадиган барча билимларни ифодалайди. Унинг фикрича, ушбу билим тасодифий, бир марталик ва ғайри ҳақиқий жиҳатга эга; у умумий ва зарурий жиҳатдан ҳосил қилиши учун уни априорли шаклларга келтириш лозим бўлади. Кант метафизик дуалист бўлганлигидан, унинг ҳис-туйғу натижасида ҳосил қилинадиган билимни мантиқий йўл б-н ҳосил қилинадиган билимга қарама-қарши қўйиши агностицизмга олиб келди. Бу масаланинг кейинги илмий шарҳи шундан иборатки, тажрибани моддий жиҳатдан тушунган ҳолда, барча билимлар пировард натижада инсоннинг сезиш органларига объектив борлиқнинг таъсири оқибатида келиб чиқиши ни таъкидлашдир.

АПРИОРИ (лот. а priori — олдингидан келиб чиққан) — идеалистик фалсафа тушунчаси. Онга хос бўлган фал. тарихида А. тушунчаси туғма ғоялар ҳақидаги таълимот б-н боғлиқ. Чунки, уларни қабул қилиш тажрибадан ташқаридаги билимнинг мавжудлигини назарда тутаяди. А. тушунчаси Кантнинг «Соф ақлнинг танқиди» асари пайдо бўлгандан кейин кенг тарқалди. Кантда А. билим туғма ғоялардан шу б-н фарқ қиладики, у билимнинг мазмунига эмас, балки фақат шаклига тааллуқлидир. Кант учун А. қандайдир тажрибадан қатъий назар, инсон ақлида мавжуд бўлган ҳақиқий билим шартидир. Кант ҳиссиётнинг А. шакллари бўлган *макон ва замон* ҳамда идрокнинг А. шакллари бир-биридан фарқлади. Идрокнинг А. шаклларида ҳукмнинг 12 шакли ва уларга мувофиқ келадиган 12 тушунча — сабаб, оқибат, зарурият, тасодиф ва б. тааллуқлидир.

АРГУМЕНТ (лот. *argumentum* — асос, далил) — асос сифатида фикрнинг исботи учун қўлланиладиган мантиқий далил. 1) бирор бир ақида ёки ақидалар тизими, наз-я, қараш ва нуқтаи назарнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини исботлаб бериш учун қўлланиладиган мантиқий асос; 2) исбот учун зарур бўлган наз-ий манба ёки далил.

Мантиқда бирон бошқа ҳукмнинг (ёки ҳукмлар тизимининг) ҳақиқатлигини тасдиқлаш учун келтириладиган ҳукм (ёки ҳукмлар тизими); исботнинг асоси ёки далили, баъзан, умуман, бутун исбот А., деб аталади. Математикада ва математик мантиқда — мустақил ўзгарувчи функция бўлиб, муайян функциянинг ёки предикатнинг аҳамияти мазкур ўзгарувчи функциянинг қимматига боғлиқдир. А. ҳоз. замон гносеологияси, мантиқ ҳамда табиий фанларда кенг қўлланилади.

АРИСТИПП (*Aristippos*) (435—360) — юнон файласуфи, ўша давр жамиятининг мафқурачиси. *Сукрот*нинг шоғирди, Кирен мактабининг асосчиси, гедонизмнинг асосчиларидан бири. А. билимнинг бирдан-бир манбаи ва бахтнинг мезони сезгилар деб билган. Сезгиларсиз инсон ҳеч нарсани била олмайди. Ҳаётнинг мақсади лаззатланишдир, лекин инсон лаззатнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Олий бахт — оқилона лаззатланишдадир. Билимнинг асоси фақат амалий жиҳатдан бахтга эришиш. Чунки билишнинг қуролини А. фикрича, сезгиларимиз ташкил этади.

АРИСТОКРАТ — аристократияга мансуб шахс; аслзодаларнинг қарашларига амал қилувчи ва ўшалардек яшовчи киши.

АРИСТОКРАТИЯ (юн. *aristokratia* — яхшилар ҳукмронлиги) — 1) Илк давлатнинг вужудга келиши ва ривожланиши тизимида, шунингдек, имтиёзли уруғ бошлиқлари ёки бойлар (дворян ёки ер эгалари бўлган юқори табақалар); 2) иқтисодий ҳукмрон синф, задагонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги. А. биринчи марта антик даврнинг машҳур мутафаккирлари — *Аристотель*, *Платон* томонидан илк давлат тузумини идора этиш воситаси сифатида ишлаб чиқилган.

АРИСТОТЕЛЬ (*Aristoteles*) (мил. ав. 384—322) — қадимги Юнонистонда ўзига хос фалсафий таълимот яратган машҳур мутафаккир. Фракиянинг Стагира шаҳрида туғилган. Александр Македонскийнинг мураббийси бўлган. А. фан тараққиётининг унғача бўлган барча ютуқларини умумлаштириб, фанларнинг ягона тизимини яратди. Барча фанлар борлиқни тадқиқ этиш б-н машғул бўлади. Улар ўз моҳия-

тига кўра, наз-ий ўзи хизмат қилиш, ички такомил вазифасини бажариш, амалий инсон хулқ-атвори учун дастуруламал вазифасини бажара оладиган ғоялар ва ижодий фанлар бирон-бир наф-фойда ёки гўзалликни кўзлаган билимларга бўлинади. Илмий фаолиятнинг муайян турларидан қатъий назар, объективлик, холисона фикр-мулоҳаза юритиш ҳар қандай илмий тадқиқотнинг муҳим умумий талаб-қоида-сидир. Назарий фанлар умумлаштириш нуқтаи назаридан, ўз навбатида «биринчи фалсафа», математика ва физикадан иборатдир. Биринчи фалсафа барча фанлардан юқори туради. У борлиқнинг ўзгармас асослари-моҳиятини тадқиқ этади. Фанлар қатламининг иккинчи ўрта босқичини математика ташкил этиб, у жисмлардан ажратиш мумкин бўлмаган хоссаларининг мавҳум жиҳатларидан соф миқдорий муносабатларни ўрганади. Физика эса фанларнинг пастки қатлам босқичини ташкил этиб, жисмларнинг табиатдаги ҳолатларини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Борлиқни қуйидаги категориялар: моҳият, сифат, миқдор, муносабат, макон, вақт, ҳолат, ҳаракат кабилар орқали ифода-лаш мумкин. Ҳамма категорияларнинг мақсади, аслида, моҳият, ҳолат ва муносабатни ёритиб беришга қаратилган. Ада табиат ва ҳаракат бир-бири б-н узвий боғланган. Ҳаракатни билмаслик табиат қонунларини уқмасликка олиб келади. Ҳаракатни нарсалардан ташқарида мавжуд деб фарз қилиш ноўриндир. Борлиқ абадий бўлганидек унга тегишли ҳаракат ҳам абадийдир. Лекин ҳаракатнинг манбаи ашёларнинг ўзида бўлмасдан, балки «ҳаракатсиз ҳаракатлантирувчи» куч, яъни, барча нарсаларнинг яратувчиси худодир. Унинг муҳим сифатларидан бири чарчоқ билмас абадий фаолликдир. Ҳаракат икки хил кўринишда-потенциал ва актуал кўринишларда амал қилади. Ҳаракатни бундай йўсинда талқин этиш борлиқнинг илк бор хос-тартибсизликдан тартибга қараб йўналиши эволюцияси, тадрижий схемаси орқали уқтирилади. А. бу эволюцияни имконият потенциал ва воқелик актуал категория-тушунчалар кўмагида очиб беришга ҳаракат қилади. А.нинг таъкидлашича, билишнинг объекти ва мавзуи воқеий олам, борлиқдир. Билишнинг мақсади оддий ҳисси, жонли мушоҳададан бориб, мантиққа асосланган мавҳумлик чўққисини эгаллашдир. Айримлик ва умумийлик ўзаро узвий алоқада мавжуддир. Ҳиссий мушоҳаданинг ўзида мавҳум тушунчалар пайдо бўлишининг потенциал негиз ва имкониятлари мавжуддир. Инсон актуал равишда айрим нарсаларни мушоҳада қилади. Демак, у ҳиссий идрок орқали кўз илғамас яширин имкониятда умумийликни ҳам билиб боради, яъни, умумийликка асосланган мавҳум тушунчаларни шакллантириш куртаклари илк бор сезгилар қаърида юзага кела бошлайди. А. Платоннинг идеялар (ғоялар) тўғрисидаги таълимотига қарши чиқиб, нарсалар ғояларнинг нус-

хаси, сояси, улар ғояларга мурожаат этган шароитдагина муайян моҳият аҳамиятини касб этади, деган фикрини рад этади. Ғоялар ҳеч қачон нарсаларнинг сабаби бўла олмайди, аксинча, улар нарса, ҳодисаларнинг оқибатидир. А. жонли мушоҳадани анъанавий беш турга бўлади. Лекин илмий билиш жонли мушоҳада, ҳаёл ва оддий мулоҳазадан фарқланади. Фан нарса ва ҳодисалардаги зарурий ва моҳиятли энг умумий жиҳатларни ўрганadi. Бу жараёнда ақл (нус)нинг мавҳумлаштириш фаолияти муҳим аҳамиятга моликдир. Тушунчаларнинг пайдо бўлиш руҳнинг фаол ҳаракати туфайли содир бўлади. А. билишнинг қатор илмий методларини ишлаб чиқиш, мантиқ соҳасини яратиш б-н машҳурдир. Исробташда аподейтик (фалсафага хос далиллар келтириш) муҳокаманинг роли беқиёсдир. У фал.га тааллуқли бўлиб, илмий силлогизмни ташкил этади. Диалектик, софистика сафсатага асосланган ҳукм, поэтик хитоба силлогизмлари муайян даражада чегаралангандир, айрим ҳолларда эса самарасиздир. А. эллинларнинг сиёсий тажрибасини умумлаштириб, давлат тўғрисидаги таълимотини яратган эди. У бу борада 158 та қадимги юнон давлатларининг тарихини тиклашга муваффақ бўлди. А.нинг фикрича, инсон сиёсий мавжудот бўлиб туғилади. Жамиятни давлатдан ажратиб бўлмайди. Жамият аъзолари уч тоифадан иборат бўлиб, улар ғоят бойлар, камбағаллар ва ўрта ҳолларга бўлинади. А.бой ва қашшоқлар тоифаларини хуш кўрмайди, чунки жамиятдаги барча нохушликлар, сиёсий беқарорлик, турли-туман таҳдид айнан шу тоифалар туфайли юзага келади. Энг идеал, орзудаги тоифа бу ўрта ҳол кишилар тоифасидир. Улар туфайли жамият ривож топади, эл-юрт тинч, вазият барқарорлик тусини олади. А.нинг ахлоқ-одоб тўғрисидаги ғоялари унинг давлат, сиёсатга оид қарашларнинг давомидир. Унинг таълимотида эзгу фазилатлар дианозтик интеллектуал, ақлга асосланган ва этик иродага асосланган кўринишлардан иборат. Дианозтик фазилатлар асосан таълим-тарбия натижасида, этик иродага алоқадор фазилатлар эса урф-одат туфайли шаклланади ва ривож топади. Табиийки, А. учун дианозтик фазилатлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай фазилатлар орқали инсон ўзининг ақлий мавжудот эканлигини намоён қилади. Инсоннинг қадр-қиммати унинг ақлий фаолиятида кўзга ташланади. Инсоннинг бахт-саодати ҳақида фикр юритиб, мутафаккир уни тугалланган умрнинг куч-ғайрати-энергияси деб таърифлайди. Ҳар қандай одам эзгу фазилатларнинг соҳиби ҳисобланавермайди. Уларни ўзида намоён қила олган инсонгина уларга даъво қила олади. Унинг таъкидлашича, «олимпия ўйинларида энг чиройли ва кучлилар эмас, балки мусобақаларда қатнашганлар (чунки улар орасида ғолиблар бўладилар)гина гулчамбар мукофот олишга муяссар бўладилар». Эзгулик табиатан одамларга

хос, деган фикр хатодир. Табиат одамларга эзгу фазилатларга эга бўлиш имкониятини беради. Уларнинг соҳибига айланиш эса одамларнинг ўзига, уларнинг истак-хоҳиши ва фаоллигига боғлиқдир. Инсон адолатли ишларга қўл уради экан, адолатли, жасорат намунасини кўрсатар экан, жасоратли фазилатларнинг соҳиблигини исботлайди. А.нинг ахлоқ-одоб, ижтимоий-фалсафий, табиий-илмий қарашлари ҳоз. замонда шаклланган барча фал-ий дунёқараш типларининг илдиз отишига маънавий туртки бўлиб келмоқда. Асосий асарлари: «Физика»; «Метафизика»; «Категориялар»; «Рух ҳақида»; «Никомах этикаси» ва бошқалар.

АРИСТОТЕЛЧИЛИК — тор маънода: антик давр юнон файласуфи Аристотель издошларининг таълимоти; кенг маънода: Аристотель асарларининг ўрта асрларда турли илоҳиётчилик анъаналарида Аристотель таълимотининг ўзлаштирилишига оид қарашлар тарихи. Византияли Леонти (475—543) асарларида Аристотель атамаларининг христиан илоҳиётчилигига киритилиши бошланган. Иоанн Дамаскин «Диалектикаси»да Аристотель мантиқи расман тан олган Михаил Пселл ва унинг шогирдлари Эфесли Михаил ва Иоанн Итал фаолиятида (11-а) Аристотель таълимотини шарҳлаш анъанаси жонланади. Бу анъана кейинчалик (12-а.) Фёдор Продрон ва Иоанн Цецис, Никифер Влемит (13-а.да унинг Аристотель мантиқи ва физикасига оид дарсликлари Византияда кенг тарқалган эди), Георгий Пахимер (Аристотел фал.сининг қисқа очерки), Фёдор Метохит томонидан давом эттирилди. Сурия А. юнон ва араб А. ги ўртасида боғловчи бўгин бўлди. Аристотелнинг мантиққа оид асарлари суриялик илоҳиётчилар томонидан чуқур ўзлаштирилди ва диний мактабларда ўқитилди. Урта асрларда машҳур суриялик алломалар сафида Сергей, Решаен (Месопотомияда) ва бошқаларнинг фаолияти унумли бўлди. Аристотель асарларининг араб тилидаги дастлабки таржималари Бағдодда 8-а. охирида суриялик шифокорлар томонидан амалга оширилди. Халифа ал-Маъмун 832 й. да ташкил қилган «Байт ул — ҳикма» («Ҳикматлар уйи») да 9-10-а.ларда Ҳусайн ибн Исҳоқ (877 й.да в.э.) ва унинг ўғли Исҳоқ ибн Ҳусайн (911 й.да в.э.) машҳур таржимонлар сифатида фаолият кўрсатдилар. Араб дунёсида Киндий, Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Божжа, Ибн Туфайл, Ибн Рушд, А.нинг машҳур вакиллари бўдилар. Муҳаммад Ғаззолий эса, А.нинг муҳолифи бўлди. Ғаззолий ёзган рисолаларида («Файласуфларнинг интилишлари», «Файласуфларнинг ўзларини ўзлари рад этиши») Аристотель таълимотлари тизими (мантиқ, метафизика ва физика) баён қилинди. Ушбу асарлар 12-а. ўрталарида Доминика Бундсальвий томонидан латин тилига таржима қилинди ва оммабоп дастурлар сифатида Ғарбда тан олинди.

Араблар А. ни янги платончилардан қабул қилдилар. Шунинг учун араб алломаси Ал-Киндий, марказий осийлик Ибн Сино, Форобий ва б.ларнинг қарашларида эманация-илоҳий жилоланиш ғоялари кенг ўрин олди. Араб А. аниқ фанлар тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт б-н ҳам узвий боғлиқ бўлди. Ўрта асрларда Европа фал.сидаги А. ҳақида гап борганда Т.Авраам бин Давидни ҳам тилга олиш лозим. У ўз асарларида Ибн Жебиролнинг янги платончилик йўналишига қарши чиқди. Моисей Маймонид эса, иудаизм б-н А. ни қўшиб, яҳудий схоластикасини яратиш соҳасида салмоқли ишлар қилди. Унинг шу мақсадда ёзган «Адашганлар йўлланмаси» рисоласи қирол Фридрих II топшириғи б-н лотин тилига таржима қилинди. 13–14-а.да араб А. Испанияда ҳам ёйилди. Бу ерда Левий Бин Герсон (1288–1344) араб А.ги вакили Ибн Рушд қарашларини шарҳлаш б-н машғул бўлди. Араб А.ги вакилларининг таржима ва шарҳлар соҳасидаги унумли ишлари туфайли Аристотель ёзган рисолалар Лотин Европасида машҳур бўлди. 12-а. ўрталарида Аристотелнинг «Органон» рисолалари тўпламининг араб тилидан таржималари вужудга келди. Бу соҳада Герард Кремонский (1187 й.да в. э.) ва Михаил Скотт (13-а. бошлари) машҳур бўлдилар. Айни пайтда Аристотель асарларининг юнон тилидан таржималари ҳам вужудга келди. Бу соҳада англиялик Роберт Гроссетест унумли ишлар қилди. У Аристотель қаламига мансуб «Осмон ҳақида», «Иккинчи аналитика», «Физика» каби асарларни таржима қилди ва унга шарҳлар ёзди. Католик илоҳиётчилигида А.га оид ишлар Буюк Альберт ва Фома Аквинский номи б-н боғлиқ. Уйғониш даврида Италияда Аристотель асарларини таржима қилиш ва шарҳлаш анча кучайди. Бу ишда Италияга кўчиб келган юнон олимлари Маниул Хрисолар (1355–1415), Л.Бруни, Иоанн Аргиропул (1417–73), Фёдор Газа (1400–75) ва б.лар фаолият кўрсатдилар. 17-а.да рўй берган илмий революция туфайли шакланган оламнинг механик манзараси табиатшуносликда А.нинг мавқеи тушиб кетишига сабаб бўлди. Бироқ Г.Лейбниц Аристотель физикасига нисбатан қораловчи ҳукм чиқарган бўлса-да, яна Аристотель телеологизмига қайтади. Аристотель фал.ни наз-ий, амалий ва бадий соҳаларга ажратган. Назарий фал.нинг мақсади билимни билиш бўлса, амалий фал.нинг мақсади амалий фаолият учун билим беришдир. Бадий фал. ижод қилиш билимини кўзлайди. Назарий фал. борлиқни, унинг моҳияти (субстанция)ни наз-ий мушоҳада этади (Бу физика ва математикага таянувчи ақлий тафаккур фикрлаш соҳаси). Амалий фал.га ахлоқшунослик ва сиёсат, бадий фал.га эса риторика — нотиклик ва шеърят кирди. Мантиқ ва билиш наз-ясига Аристотель қўшимча, эвристик (кашф этувчи, асословчи, ҳал этувчи) фан таълимини берган. Аристотель тафаккур шакллари ва тўғри мантиқий фикрлаш

қонунлари ҳақидаги формал логикага асос солди, силлогизм наз-ясини баён қилиб берди. Этика ва сиёсат «инсонийлик ҳақида ягона ва яхлит фал. бўлиб, одамларнинг амалий фаолияти ва хатти-ҳаракатлари б-н машғул бўлади. Аристотельнинг сиёсий қарашлари ҳуқуқ, давлат, ижтимоий тоифаларга оид тушунчаларни ифодалайди. А. халқро кўламга эга бўлган ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида содир бўлди ва «биринчи муаллим» Аристотель илмий меросини тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга.

АРХЕТИП (юн. arche — бош ва typos — образ) — тимсол, дастлабки шакл, намуна. Алар — бу таркибий элементлар, барча руҳий жараёнлар ва ҳаяжонларнинг дастлабки онгсиз, қуртақдаги имкониятлар. Бу атама ҳоз. замон Фарб адабиётида Швейцария психологи Юнг таъсирида тарқалган. А. шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг муаммовий ва танг ҳолати таъсирида мувофиқ келувчи ҳолатнинг жонли ифодаси бўлиб, бу жараён ички, мажбурий, ёвуз характерга эга.

АСКЕТИЗМ (юн. aske — бирор нарса б-н машғул бўлиш) — зоҳидлик, қаноат қилиб яшаш, моддий бойликлардан имконияти борича камроқ фойдаланиш туйғусига асосланган ғоя. Унинг наз-ий асослари ва дастлабки кўринишлари Шарқ, қад. Хитойда, Юнонистон (Спарта давлатида) ва б. жойларда шакланган. Тибетда лама динига мансуб руҳонийлар, Марказий Осиёда таркидунёчилик ва дарвешликни тарғиб қилувчи оқимлар ўрта асрларда бу ғояга эътиқод қўйганлар. Тасаввуфда ҳам ушбу ғоя тарафдорлари учрайди. Христиан динида бу дунё роҳатларидан воз кечиб, фақат тоат-ибодатга берилганларни аскетлар, деб атайдилар. Бу ғоя баъзи ҳолларда бойлик ва мол дунёга берилганларга қарши яшаш ва умргузаронлик қилиш тарзи сифатида ҳам намоён бўлади. Протестантизмда «бу дунё аскетизм» тамойили мавжуд. Унга кўра, бу дунёдаги сабр-қаноат нариги дунёда, албатта, роҳат-фароғат б-н мукофотланади.

АСОС, с у б с т а н ц и я — мантиқий тафаккурнинг муҳим шакли ҳисобланган ҳулоса чиқаришнинг таркибий қисмларидан бири. Нарса ва ҳодисанинг А.и сабабият қонуни орқали намоён бўлади. Табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганиш, билиш, тадқиқ этиш кўп жиҳатдан А. ва асослаш жараёнига боғлиқ. Алар илмий тадқиқотнинг табиий маҳсули бўлиб, у одатда ихтиролар, кашфиётлар туфайли қарор топади. Моддий оламдаги А.лар ўзгариб туриш характерига ҳам эга бўлади. Бу масаланинг бирламчи томони бўлиб, иккинчиси эса, мантиқан яқунланган шаклда намоён бўлишдир. Умуман, илмда, турмушда, ҳар қандай мунозара ва муҳокамада, бирор фикрни исботлаш ёки бирор ҳулосага келиш учун фойдаланиладиган фикр А. деб юритилади.

АСОТИР (*араб.* устура—афсона) — 1) ибтидоий давр кишисининг борлиқ тўғрисидаги хаёлий тасаввурлари мажмуаси; 2) миф, афсона, ривоятларни ўрганувчи фан соҳаси. А. барча халқларнинг ибтидоий даврдаги асосий дунёқараш шакли бўлиб, у ўша давр кишисининг олами, ўзини қуршаб олган ташқи дунёни маънавий жиҳатдан ўзлаштиришга бўлган лаёқати, ўзига хос интилишидан дарак беради. А. табиат кучларига руҳий тус бериш, уларни жонлантириш, аниқ ҳиссий образларга киритиш, тирик мавжудотлар (инсон, ҳайвонлар) образи, шакл-шамойилида тасаввур этиш б-н ҳам ифодаланади. А.да бир хил нарса-ҳодисаларнинг хусусиятлари бошқа хил нарса-ҳодисаларга бемалол ўтказилар экан, бу хаёл парвозига жуда кенг майдон яратиб берадики, унда хаёл сураётган одам, истаган нарсасини тасаввур этиши мумкин. Секин-аста А.нинг инсон хаёли ва хулқ-атворида ҳукмронлиги поёнга етишига замин пайдо бўлади. Бу, аввало, инсон дунёқарашининг ўсиши, табиат силларининг англаниши ва илм-фан ютуқлари б-н боғлиқ. А.нинг тарихий шакллари *фетишизм*, *тотемизм* ва *анимизм* дир. А.нинг асосий шакллари: этимологик — табиат ва борлиқнинг алоҳида жисм-ҳодисалари пайдо бўлишига доир; космогоник—оламнинг пайдо бўлишига доир; этногоник — авлодлар ва уларга дахлдор табиий-биологик жараёнлар тўғрисидаги антропологик — одамларнинг пайдо бўлишига доир; эсхатологик — уларнинг келажаги тўғрисидаги қарашлардан иборат. Мавҳум тафаккурнинг кейинги ривожланиши натижасида А. абстракцияси вужудга келадик, унинг маҳсули ягона худолар тўғрисидаги тасаввурлар ҳисобланади. Марказий Осиё халқларининг қад. аждодлари афсоналарида еру осмоннинг ягона ҳукмдори сифатида *Аҳрамазда* образи шаклланган. А.нинг муҳим қонунларидан бири шундаки, унинг образ ва қаҳрамонлари эпосларда акс эта бошлайди ва эпик умумлашмага хос янги хусусиятлар касб этади (мас., Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея»си, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, халқ ижодидан «Гўрўғли», «Алпомиш» дostonлари ва б.). А. образларисиз жаҳон адабиёти тарихи ва санъатини тасаввур қилиш қийин (Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Гётенинг «Фауст»и, Уйғониш даврининг тасвирий санъати ва ҳ.к.). Дунёқараш сифатида А. илҳом ва ифода шакли сифатида ўз аҳамиятини бадиий ижод ва санъатда сақлаб қолган.

АССИМИЛЯЦИЯ (*лот.* assimilatio — бирикиш, ўзлаштириш, ўхшатиш) — биология, тилшунослик, этнография ва б. фанларда қўлланиладиган атама. Жамиятшуносликда бир халқнинг ёки этник гуруҳнинг ўз тили, анъаналари, урф-одатларини йўқотиб, иккинчи бир халқ урф-одатлари, анъаналари, тили ва маданиятини қабул қилиш, ўзлаштириш натижасида унга аралашиб, қўшилиб, бирлашиб кетиши ту-

шунилади. А. миллий ва диний зулм остида мажбуран ёки табиий равишда, айрим кичик халқларнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий биқиклигининг барҳам топиб, аста-секин катта халқлар таркибига қўшилиб кетиши натижасида ҳам рўй беради.

АССОЦИАЦИЯ (*associatio*—бирлаштириш, қўшиш)—психика элементлари ўртасидаги алоқа бўлиб, шу алоқа туфайли, бир унсурнинг юзага келиши, муайян шароитда, у б-н боғлиқ бўлган, бошқа унсурни вужудга келтиради. А.нинг энг оддий натижаси, мас., инсоннинг алифбедаги ҳарфларни изчиллик б-н такрорлашидан иборат. А., субъект б-н объектнинг ўзаро таъсири жараёнида, ўзаро таъсирнинг оддий маҳсулларида бири сифатида пайдо бўлиб, буюмлар ва ҳодисаларнинг реал алоқаларини ўзида акс эттиради. А. психик фаолиятнинг зарур шартидир. А. инсон психикаси (руҳияти)нинг барча мураккаб тузилишлари асосини ташкил этади. Фалда, А., ҳис-туйғулар ўртасидаги алоқалар сабаби сифатида қўлланилади. Арасту уларнинг ўхшашлиги ва фарқини кўрсатиб берган. А. билвосита тасаввур, ҳиссиёт, гештальтсифат, мақсад, аҳамият, исми, фикр жамлиги ва ҳ.к. ўзаро боғловчи воситалар сифатида ишлатилади. Илгари барча ҳолатларда, А. ёрдамида, ҳамма нарсани ўзаро боғлаш мумкин, деб қаралар эди, лекин, бу умумий психология томонидан хато сифатида инкор этилди. Бугунги кунда А. наз-яси ўрнини гештальтпсихология алоқалари эгаллади.

АСТРОЛОГИЯ (*юн.* astrum—юлдуз ва logos — илм) — юлдузларга қараб, одамларнинг тақдирини айтиб бериш б-н шуғулланадиган, далилий исбот талаб қилмайдиган фан. Шарқда ҳар бир ҳукмдор ҳузурида мунажжим лавозими бўлган ва муҳим қарорлар қабул қилиш олдидан у б-н маслаҳатлашилган. Мунажжим юлдузлар ҳолатига қараб, башорат қилиш, қандай тadbирлар кўриш соҳасида маслаҳатлар берган.

АТЕИЗМ (*юн.а-* инкор қўшимчаси, theos — худо; худони, динни инкор этиш) — 1) умумфалсафий маънода илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш; 2) худони инкор қилиш тамойилига асосланган оқим; 3) собиқ иттифоқда мутлақлаштирилган ва ақидага айлантиришга ҳаракат қилинган дунёқараш шакли. Бизда у қадимдан «дахрийлик», «худосизлик» каби атамалар б-н юритилиб келинган. Жамиятда Худо, илоҳий кучларга ишонч пайдо бўла бошлаган даврлардаёқ, улар б-н баробар ҳолда бундай ҳақиқатларга ишончсизлик ҳам шаклланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, атеистик қарашлар ҳам, теистик қарашлар каби тафаккур ривожига ўз ўрнига эга. Аммо баъзи ҳолларда улардан бирининг мутлақлаштирилиши иккинчисининг тарафдорларига

қарши курашга, давлат ва жамият ҳаётида маънавий йўқотиш ва қабоҳатга олиб келган. А. қадимда илк худосизлик тасаввурлари пайдо бўлган даврдан ҳоз. кунгача бир неча босқични босиб ўтган. Кейинчалик дунёвийлик ҳам А. деб қараладиган бўлиб қолди, А. эса, мутлақлаштирила бошланди. 20-а.да большевиклар марксистик А. асосида диндан холи жамият барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Марксистик атеизм Ўзбекистонда ҳам ўзининг салбий ролини ўйнади 30-й.ларда республикада «Худосизлар» номи б-н ўзбек тилида журнал нашр этилди. Араб алифбоси бекор қилинган, минглаб китоблар ёқиб ёки кўмиб ташланди, юзлаб масжид ва мадрасалар ёпилди, араб тили ва ислом тарихининг билимдонлари қувғин остига олинди. Тошкент шаҳрида бутуниттифоқ Илмий атеизм ин-тининг республикалараро филиали очилди (1981). Тоталитар тузум қулагач, «илмий атеизм» умуман фан сифатида йўқ бўлди. Ҳоз. даврда АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари аҳолисининг 8-10% атеист ҳисобланади. Ер юзиде майда диний фирқалар ва диний экстремизм кўпайган бугунги кунда бундай қарашни ўзига муайян эътиқод сифатида қараш анъанаси ҳам кўзга ташланмоқда. Кўпгина халқаро ҳужжатларда, мас, Инсон ҳуқуқлари декларациясида: «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир» деб ёзилган. Замонавий демократик жамиятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни ҳар қандай динни эркин танлаб олиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик конституциявий асосда қафолатланган. Бизнинг мамлакатимизда бу борада «Дунёвийлик — даҳрийлик эмас» деган тамойилга амал қилинмоқда.

АТОМ (юн. atomos — бўлинмас зарра) — антик даврда бу сўз фалсафага Левкипп томонидан киритилган, моддий борлиқнинг бўлинмас ва энг кичик зарраларини белгилаш учун ишлатилган. Левкипп тушунчасига кўра, А. алоҳида хусусиятларга эга бўлмайди, шакли бўйича бир-биридан фарқ қилади. Эллипссимон, таёқча кўринишли, ҳалқасимон А.лар бўлиши мумкин. А.лар фазода турли жойларни эгаллаши мумкин ҳамда узлуксиз ҳаракатда бўлади. Демокрит А.лар ҳаракатини чанг зарраси ҳаракатига ўхшатган эди. Ҳоз. замон фани бўйича А. структурага (ядро ва қобик) эга. Ядро ҳам нуклонлардан тузилган бўлиб, ўзига хос кучлар уларни ушлаб туради. Субатом структураси тушунчаси б-н атомни ташкил қилувчи зарраларни ҳам ўз олами ва тузилиши борлигига ишора қилинади. Мас., нейтрон ядроча ва уни ўраб турган «булут» ёки кварк — глюонли плазмадан иборат тизимга эга. А.нинг бепоёнлиги, унинг чегараси йўқ тизим эканлиги ҳали-бери «охирги фиштинг» топилиши мумкин эмаслигини кўрсатади. А. ўз номига мос, яъни, бўлинмас структурага

эга эмас, балки бўлинувчи хусусиятли эканлиги исботини топган.

АТОМИЗМ (юн. atomos — бўлинмас) — атомнинг узлукли тузилиши ҳақидаги таълимот. «Атом» тушунчасини илк бор Левкипп, Демокрит, Эпикур ўз қарашларига асос қилиб қилиб олганлар. Улар атомни материянинг энг кичик зарраси ва ўзгармас, доимо ҳаракатда бўлган зарраси сифатида талқин қилганлар. Оламдаги хилма-хиллик атомларнинг катталиги, тартибига боғлиқ, уларнинг сифатий хилма-хиллиги эса, атомлар жойлашишидаги тафовутлар б-н боғлиқ деб уқдирадилар. Ўрта асрларда Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино механика ва физикага оид изланишларида, ёруғлик нури материянинг бир кўринишидан иборатлиги, маълум тезликка эгалиги, уни товуш тезлиги б-н таққослаш мумкинлиги, сув заррачалари ўзаро тортишиш—туртиниш кучига эга эканлиги, шунингдек, олам 5 унсурдан (тупроқ, сув, ҳаво, олов, бўшлиқ) иборатлиги эътироф этилади. 17—18-а.да Бойль, Галлей, Ньютон каби олимлар атомларнинг ўзаро таъсирини механика қонун-қоидаси асосида тушунтириб бердилар. А.нинг ҳақиқий ривож 19 а.нинг охири ва 20 а.ларга тўғри келди. Бу даврда атомнинг мураккаб тузилишга эга эканлиги, унинг таркибида электрон, протон каби фундаментал зарралардан ташқари гиперонлар, мезонлар, адронлар, резонлар оиласига кирувчи 400 дан ортиқ зарралар борлиги аниқланди. Микрооламдаги энг катта кашфиётлар сафига узлуклилик ва узлуксизлик, корпускула ва тўлқин табиатини исбот қилувчи янгиликларни, антизарраларнинг топилишини, кварк ва унинг кўринишларини аниқланишини айтиш мумкин. А. фал.си узлуклилик ва узлуксизлик, борлик ва онг, бутун ва бўлак, айримлик ва умумийлик, имконият ва воқелик, миқдор ва сифат, зарурият ва тасодиф, мувозанат ва ҳаракат, макон ва замон, чеклилик ва чексизлик орасидаги алоқадорлик диалектик табиатга эга эканлигини тўла-тўқис исбот қилди.

АТРИБУТ (лот. atribut —бахш этаман) — предметнинг энг зарур ва муҳим хоссаси. Аристотель А.ни тасодифий ҳоллардан, ҳодисалардан ажратган. Декарт унга субстанциянинг асосий хоссаси сифатида қараган. Шу боис ҳам унда жисмоний субстанциянинг А. сифатида масофа, кўлам (дистанция, масштаб) руҳий субстанция А.и сифатида тафаккур иштирок этади. Спиноза масофа ва тафаккурни А.нинг ягона субстанцияси деб ҳисоблаган. 18-а. француз материаллари материянинг А.ини масофа ва ҳаракат деб, б.лар (Дидро, Робине) эса, тафаккур деб билганлар. А. атамаси ҳоз. замон фал.сида ҳам қўлланилади.

АТТОР Фариддин (тахаллуси; тўлиқ исми — Мухаммад Абубакр бинни Иброҳим; тахм. 1148/51 — Нишопур —1219/21) — мутасаввиф шоир. Асарларида тасаввуфни тарғиб қилган. Хусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож, Боязид Бистомий таълимотидаги ғояларини давом эттирган. А. фал.сининг асосини тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини тан олиш) илми ташкил этади. Унга кўра, тавҳид фақат Аллоҳнинг ягоналигини тан олиш эмас, балки у б-н қўшилишга интилиш, яъни, инсоннинг мутлақ Руҳ томон интилишини англатадиган жараёндир. А.нинг «Булбулнома», «Мантиқ ут-тайр», «Уштурнома» асарлари рамзий-аллегорик тимсоллар асосида ёзилган бўлса, «Жавҳар уз-зот», «Ҳайлож», «Асрорнома», «Шарҳ ул-қалб», «Мусибатнома» каби дostonлари бевосита муҳокама-мушоҳада, фикрий-шуурий баёнлар тарзида битилган. Бундан ташқари, «Хусравнома»га ўхшаш мажозий ишқни куйлаган романтик-саргузашт асари ҳам бор. А.нинг 2 қисмдан иборат «Жавҳар уз-зот» асарида бутун руҳий ва моддий оламлар ягоналиги, яъни Ваҳдат олами ва мутлақ Холиқ қудрати таърифланади. Тан ва руҳ (жон) бирлиги, ер ва осмон, тўққиз фалак, макон ва ломакон олами — ҳаммаси Мутлақият нуридан эканлиги айтилади. Илоҳ ҳар бир заррада мавжуд, аммо уни оддий кўз б-н кўриш мумкин эмас. Аллоҳ ўз борлигида ҳам пинҳону, ҳам пайдо, барча ашёлар ёлғиз Жавҳардан келиб чиққан. «Асрорнома»да бу фикр янада аниқроқ ифодаланган. А. асарларида халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган. А.нинг «Мантиқ ут-тайр» (1175, бу асар «Мақомоти туюр» деб номланган) асари машҳур. Алишер Навоий болалик чоғида бу дostonни ёд олиб, унинг таъсирида «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») дostonини ёзган. Ушбу асар тасаввуфнинг энг йирик адабий ёдгорлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, А. «Панднома», «Бесарнома», «Девон», «Вуслатнома», «Тазкират ул-авлиё» асарлари муаллифи. А.нинг «Тазкират ул-авлиё» асари насрда битилган ягона ва машҳур асари бўлиб, унда тасаввуф шайхлари, авлиёулоҳларнинг ибратли ҳаёти, кашфу кароматлари баён этилган. Тасаввуф жараёни ориф, ошиқлар — тасаввуфнинг маърифатли намоёндалари ҳаётини, илоҳий ахлоқ б-н хулқланиш ҳолатини ўрганишда энг муҳим манбаълардан. «Илоҳийнома» ҳам маснавий йўлида битилган ишқий-маърифий, фал-ий-ахлоқий дostonдир. Маснавийда 282 та ривоят, ҳикоят ва қиссалар баён этилган. А. жузь ва кулл, яъни фал.нинг асосий категориялари бўлган бирлик ва умумийлик тушунчалари орқали ваҳдат ва касрат оламини ифодалайди. Яъни, инсон руҳий-маънавий тараққиёт босқичларини забт эта бориб, касратда кўринган сифатлардан ошиб, уларни буткул ўзида мужассамлаштиради. Вужуди йўқолиб, зот сифатида қайта пайдо бўлади. А. Ҳақ ва ҳақиқат тушунчаларини ҳамма вақт инсон моҳиятига боғлаб тушунтиради.

Зеро. тавҳид моҳияти ҳам, ҳақиқат ҳам охир-оқибат инсон моҳияти ва ҳақиқати б-н изоҳланган. А.нинг «Тазкират ул-авлиё» (1997), «Илоҳийнома» (1994) асарлари ўзбек тилига тажима қилинган.

АФФЕКТ (лот. affectus — руҳий ҳаяжон) — кайфият ва эҳтиросдан фарқли ўлароқ, инсоннинг кучли, шиддат б-н кечадиган ва нисбатан қисқа муддатда ўтиб кетадиган, ҳиссий ҳолати; ғазаб, даҳшат ва ҳ.к. А. кескин ифодалади ҳаракатлар (ўзига хос бадан ва қўл ҳаракатлари) б-н ва баланд овозлар (йиғи, бақриши) б-н бирга юз беради. Баъзан эса, аксинча, одам индамасдан, ҳаракатсиз қотиб қолади. Ташқи ифода шакллари, ички А. сингари, кўп жиҳатдан, одамнинг шахсий хусусиятларига, жумладан, унинг иродаси, тарбияси, олий асаб тизими фаолиятининг типологик хусусиятларига боғлиқдир. А.нинг йўқлиги, маълум даражада, инсоннинг ҳаётга мослашганлигидан дарак беради. А. мавжудлиги эса инсонни ҳаётга мослашмаганлигини билдиради. А. тушунчаси қад. Юнон, Шарқ мутафаккирларининг асарларида қайд этилган. А.ни тўхтатиш учун юксак ирода керак бўлади.

АХБОРОТ (лот. informatio — таништириш, тушунтириш) — фалсафада қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенгроқ маъно касб этган марказий категориялар сифатида майдонга чиққан тушунча. А. тушунчаси хусусий фанлар учун умумий бўлиб қолади. Ғоялар йиғиндиси ва математик воситалар комплексини ўз ичига олган А.га ёндашув эса, умумийлиги тадқиқот воситасига айланди. Маълумот маъносига А.нинг дастлабки тушунчаси 20 а.нинг ўрталаригача сақланди. Коммуникатив воситалар тараққиёти муносабати б-н эҳтимол методларидан фойдаланишнинг кенгайишига қараб А.лар сони ўсиб борди. Кейинчалик А. математик наз-ясининг б. вариантлари — типологик, комбинаторлик ва ҳ.к. сентактик наз-я деган умумий ном олди. А.нинг мазмуни ва аксиологик томонлари семантика ва прагматик қарашлар доирасида тадқиқ қилинади. Ҳозирги замон фанида А. тушунчасининг тараққиёти турли-туман дунёқарашлар, фал-ий тушунтиришларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўтган аср охирида А. воситаларининг ниҳоятда тез кўпайиши бу асрни А. асри деб аталишига сабаб бўлди.

АХЛОҚ (араб. хулқнинг кўплиги; лот. moralis — хулқ-атвор) — ижтимоий онг шаклларида бири. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриштириши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. А. нормалари кишиларнинг хатти-ҳара-

катларида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-харакатлар, хулқ-атворлар А.ий, баъзилари А.сизлик деб баҳоланади. А. ижтимоий онгнинг энг қад. шаклларида биридир. Давр ўзгара борган сари ҳар қандай ҳодиса каби А. ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўри-нишларидан бирига айланиб боради. А.ни алоҳида фал-ий фан — «Этика» ўрганади. Унинг бурч, виждон, ор-номус каби бир қатор категориялари мавжуд. А. ҳодиса сифатида ижтимоий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа шаклларида, яъни ҳуқуқ, ишлаб чиқариш — маъмурий низомлардан, давлат декретларидан, халқ анъаналаридан ва ҳ.к. ўз талабларининг асосланиши ва амалга оширилиши б-н фарқ қилади. А.да ижтимоий зарурият, эҳтиёж, жамиятнинг манфаатлари акс этади, ҳамма қабул қилган оммавий намуна, одат, расм-таомил жамоатчилик фикри б-н мустақамланган талаблар ва баҳолар тарзида ифодаланади. Шунинг учун, А. талаблари ҳаммага баб-баравар қаратилган лекин ҳеч кимнинг буйруғи б-н жорий этилмаган бурч, мажбурият тарзида намоён бўлади. Бу талаблар нисбатан барқарор характерга эга. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида А.нинг ўзига хос норма-қоидалари (меҳнат А.и, хизмат кўрсатиш А.и, касбий, тadbиркорлик, дипломатия этикаси, маиший турмуш, оила ахлоқи) ифодаланади ва бу қоида-нормалар А.нинг ягона асосга эга бўлган нисбатан мустақил соҳаларини ташкил этади. А. моддий ва маънавий маданиятнинг тараққиёти жараёнида ривожланади. А. миллий ва умуминсоний элементлар б-н бир қаторда тарихан ўткинчи норма, принцип, қоида, идеаллар ва ҳ.к.ни ўз ичига олади. А. икки — умуминсоний (ижтимоий) ва шахсий (индивидуал) — даражада мавжуд. Шу сабабдан, уни умумийлик б-н индивидуалликнинг намоён бўлиши, улар орасидаги зиддиятларни бартараф этиш йўли деб баҳолаш ҳам мумкин. Инсон умумий ахлоқий талабларга асосланган ҳолда ўз хулқ-атвори ва хатти-харакатининг меъёрларини, мақсади ва унга эришиш воситаларини ўзи мустақил белгилайди. А. жамиятда турли функцияларни бажаради. Улар орасида қуйидагилар энг муҳими ҳисобланади: 1) кишилар орасидаги турли муносабатларни мувофиқлаштириш; 2) кишилар фаолиятининг инсонпарвар қадриятлари ва мўлжалларини белгилаб бериш; 3) шахсни ижтимоийлаштириш. Ушбу функцияларни бажарар экан, А. зарурийлик, ақлга мувофиқлик ва умуминсонийлик намуналарини намоён этади. Кишилар фаолиятини мувофиқлаштирар экан, А. уларни инсонпарвар, эзгу, ҳалол ва адолатли муносабатларга ундайди. Умуман олганда эса, А. жамият ва шахс тараққиётининг умумижтимоий қонуниятлари асосида амалга оширади.

АҲУРА МАЗДА — «Авесто» таълимотида зулм ва қабоҳат эгаллаган дунёга, шу жумладан, умидсизликка учраган кишилар қалбига ёруғлик, эзгулик нуруни таратувчи, кишиларни ўз кучига ишончини мустақамлашга, келажак абадий ҳаётга истагини кучайтирадиган ва унга йўналтирувчи қудратли куч сифатида мадҳ қилинади. А. — қудратли, дунёвий ақл маъноларини билдиради. Мил. олдинги 2 минг йилликнинг охирлари ва 1 минг йиллик бошларида Амударё этакларига келиб ўрнашган қабилаларда монотеистик (яккахудодлик) дунёқарашга катта эҳтиёж юзага келади. Турли тотем, санам ёки тангриларга сиғинган қабилаларнинг эътиқодларини бир ғоя атрофида бирлаштириш, ерли халқ ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш учун воҳадаги барча кишиларнинг дунёқарашларига мос тушувчи, келажак орзу-умидларининг ифодаси сифатида изчил ғоялар тизими ўта зарур бўлиб қолган эди. Бундай тизимни бутун оламнинг қудратли ҳукмдори бўлмиш якка худо образини яратибгина эришиш мумкин эди. Ана шундай якка худо — А. тўғрисидаги тасаввурлар шаклланди. А.га эътиқод қилишга чақириш пайғамбар Зардушт фаолияти орқали амалга оширилди. Зардушт таълимоти кишиларни ягона тангри атрофида уюлишга чақириш орқали ерда якка қудратли қавийлар-қайлар (подшолар) салтанати атрофида жипслашишга чақирувчи, муайян улуғ мақсадлар томон йўналтирувчи ўз даврининг мафкура-си бўлиб шаклланади. А.ни Хоразмда — Хурмуз, Эронда Ормозд, юнонларда эса Армузд деб аташ расм бўлган. А. образи Ўрта Ер денгизи бўйларида, Эрон империясига қарам бўлган шаҳарларда ҳам кенг тарқалган. Бу образнинг таъсирини биз, ҳатто, юнон фал.сида ҳам кўраемиз. Мас., зардуштийликдаги муқаддас тўрт унсур охир-оқибат Аристотель фал.сидаги моддий дунёнинг тўртта асоси деб олинган ер, сув, ҳаво, оловнинг олиними, ҳатто, Суқрот ва Платон фал.сидаги бош ғоя, яъни табиатдан ташқарида ва унга (табиатга) нисбатан бирламчи бўлган «дунёвий ақл»нинг мавжуд деб қаралиши тўғрисидаги таълимот (объектив идеализм)нинг тугилишида ҳам А. образининг ҳал қилувчи таъсири бор.

АҚИДА (араб. — ишонч) — шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим бўлган илоҳий талаблар. Ислом ақидаларининг асоси Қуръон ва ҳадислардаги меъёр ва кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломнинг суннийлик мазҳабида эътироф этиладиган ақидалар еттита: булар Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ва инсоннинг қиёмат куни қайта тирилишига ишонишдан иборат. Ислом 7 а.да шаклланган бўлса-да, илоҳиёт илмидаги ақидавий таълимотларнинг яратилишида 9 а. охири, 10- а.нинг

биринчи ярми алоҳида аҳамият касб этди. Чунки, бу даврда Калом илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган мотуридия ва ашъария таълимотлари вужудга келган. Имом *ал-Мотуридий* ва Имом-ал-Ашъарий илмий-маънавий меросида бутун мусулмон оламига хос бўлган умумий қоидалар ўз аксини топган. Бу — аҳли сунна вал-жамоатнинг икки мактаби орасидаги ақидавий масалаларга оид фарқ бўлиб, уларнинг бири *лафзий* (ифодадаги), иккинчиси *маънавий* (мазмуний) тусга эга.

АҚИДАПАРАСТЛИК — кишилар онги ва қалбига маълум мафкуравий тазйиқлар асосида сингдирилиб, эътиқод даражасига кўтарилган дунёқараш шаклларида бири. А. ўз хусусиятини иккита шаклда намоён қилади: Ақиданинг дунёвий шакли (*шовенизм, атеизм, коммунизм*); ақиданинг диний шакли, (инквизиция, ваҳҳобийлик, Ҳизб ут-таҳрир, Ҳизбуллоҳ, «Ал-Қойида» ва б.) ақидаларни замон ва макондан ажратган ҳолда англаб, уларни (ўзгартириб бўлмас) тушунчалар деб билувчилар ақидапарастлар деб юритилади. А.нинг шаклланиши ва қарор топиши барча диний ташкилотлар ва уларнинг руҳонийлари фаолияти б-н тарихан чамбарчас боғланиб кетгани сабабли, у фақат диний таълимотларга хос ҳодиса сифатида талқин этиб келинади. Ислоннинг суннийлик оқими илоҳиётчилари Қуръони Карим ва ҳадиси шарифга асосланиб ишлаб чиққан еттита имон талабини *ақида* деб ҳисоблайдилар. Шиалик оқимида бешта ақида имон талаби ҳисобланади. Булар Аллоҳнинг ягоналигига, пайғамбарларга, имомат (олий ҳокимият имом — пайғамбар авлоди қўлида бўлишига), адл (илоҳий тақдирнинг адолатлилиги)га, охиратнинг рўй беришига ишончдан иборат. Бироқ, барча динларда, жумладан, ислонда имон талабларидан бошқа қатор тушунчалар ҳам ақида ҳисобланади. Ҳар бир диний ташкилот (диний конфессия) ва муайян диний жамоа ўзлари ҳақиқатнинг охирги нуқтаси сифатида қабул қилган илоҳий тушунчаларга қатъий равишда ишонч руҳини диндорлар онги ва қалбига сингдириш учун жуда кўп воситалар, услублардан самарали фойдаландилар. Ана шу жараёнда қавмларда муайян андоза (модел) га тушган яхлит дунёқараш, дунёни ҳис этиш шаклланади. Инсон феъл-атвори, фаолияти муайян изга туширилади. Шундан келиб чиқиб, табиий ва ижтимоий ҳодисаларга муносабат белгиланади. Эътиқодларига хилоф бўлган ўзгача қарашлар ва муносабатлар қарор топишига илжи борича қаршилик кўрсатиб келадилар. А.ни фундаментализм, диний экстремизм тушунчалари б-н ҳам айнанлаштириш бу тушунчаларга ноилмий ёндашувларга сабаб бўлади. Бу тушунчаларда умумий ўхшаш жиҳатлардан ташқари жиддий тафовутлар ҳам борлигини назарда тутган маъқул. Диний билимларни тарихий даврдан ва реал ижтимоий воқеликдан

ажратиб ўзлаштириб олган, бинобарин, динларнинг асл инсонларварлик моҳиятини тушунмаган ва тушунишни истамаган шахсларни А.лар дейиш тўғри. Аммо, бу тушунча соф диний мазмундан кўра кенгроқ моҳиятга эга эканлигини эътиборда тутиш зарур. Зеро, А. нафақат динда, балки илм-фанда, жумладан, фалда ҳам ўзини намоён этиб, ижтимоий тараққиёт, миллий истиқлол ва инсон камолоти йўлига ғоявий тўсиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай соҳада чуқурроқ билимга эга бўлмаган ёки дастлабки билимлари б-н чекланиб, ўз устида ишламай қўйган кишилар, одатда, А.ни рағбатлантирувчи ижтимоий куч сифатида майдонга чиқадилар. А. муайян дунёқараш б-н боғлиқ бўлган ва маълум бир ғояга эътиқод қилишга имкон яратадиган тушунчаларни ёллаб олиб, уларни замон ва макондан узган ҳолда ҳақиқатнинг охирги нуқтаси сифатида тарғиб этади. А. саёз билимга эга бўлгани сабабли баҳс-мунозарага тиш-тирноғи б-н қарши чиқади. А. ижтимоий ва миллий онгни жиловлаб қўйиб, ижтимоий тараққиётни турғунликка, ҳатто, орқага кетишга сабаб бўлиши б-н ўта хатарлидир.

АҚЛ (*лат. rationalis*, юн. *nus, fronesis*, араб. Ал-ақл — асосланган, мақсадга мувофиқ) — инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида барча ашё-нарсалар, ҳодисаларни қандай бўлса айнан шундай ҳолда билиш қобилияти, мавҳум фикрлаш ва тушунчалар яратиш хусусияти. А. ва А.ий фаолият тушунчалари қадимги юнон фал.сига бориб тақалади. А. тушунчаси Платон ва Аристотель фал.сида кенг ишлатилиб келинган. Аристотель наз-ий ва амалий А.ни нус ва фроне́сис, су́ст ва фаол шаклларда тасниф этган. Унга кўра, А. аввалига илк моддий негизга ўхшаб шаклсиз бўлган ва воқеликни мушоҳада қилиш жараёнида доимо фаол ҳолатдаги А.шаклланиб ва тараққий этиб борган ҳамда воқеликни англашнинг фаол воситасига айланган. Ўрта асрлар даври Яқин ва Ўрта Шарқ фал-ий тафаккури ва унда шаклланган А. тўғрисидаги таълимотлар Платон, Аристотель ва Плотиннинг фал-ий меросидан таъсирланган ва шаклланган. А. калом, тасаввуф ва перипатетик фал-ий таълимотларда турлича мақомларга эга бўлган. Калом А.нинг чексиз имкониятларини инкор этмайди, чунки унингча, Аллоҳнинг ўзи А., донишмандликнинг ягона соҳибидир. Унинг А.и олдида оддий инсон А.и ожиздир. Шундай экан, Аллоҳнинг А.и ва Аллоҳ тўғрисидаги билим бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Аммо инсон А.ининг мавқеи муҳимдир. А. туфайли инсон ўз ҳис-туйғуларини, олинган хабарларни муайян тартибга келтиради, уларнинг чин ёки ёлғон эканлигини аниқлайди, холиқ томонидан яратилганни (халқни) билиб боради. Лекин у муаммоларга кенг қириб борар ва уларга теранлашар экан, А.нинг тирқишидан шубҳа назар таштайди. Бу эса, иймон-эътиқод учун хавф-

ли вазиятдир. Тасаввуф тариқатлари А.ни четлаб ўтмаса-да, унинг имкониятларини зоҳирий жараёнларда билиш б-н чегаралаб қўяди. Ботинни, Ҳақни англашга қалб, қалб кўзгуси даъво қила олади, деб уқтиради. Мас., Ҳаззолий А.нинг Аллоҳ ва илоҳийлик б-н боғлиқ масалаларни тўла-тўқис мушоҳада этишга ожизлигини таъкидлайди. Чунки Аллоҳ ва ғайб илмлари нақл орқали ҳамда илоҳий туйғу туфайли олинади. Инсон А. б-н ҳамма нарсанинг моҳиятига етиш қурбида бўлганида ваҳийга ўрин қолмаган бўлар эди. Ҳаззолий «Ақл ўзининг ожиз ва нотавонлигини тушуниб етиш учунгина керак холос», — деган хулосага келади. Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд фал.сида А. тушунчаси муҳим мақомга эга. Уларга кўра, инсон А.и даставвал суст А. имконияти кўринишида намоён бўлади. Ашё ва ҳодисаларни билиш жараёнида орттирилган А.нинг соҳибига айланади. Эндиликда унинг рўбарасида ҳеч қандай ғовнинг бўлиши мумкин эмас. Жонли мушоҳада оддий нарса ва ҳодисаларнинг айрим, муҳим бўлмаган хосса ва хусусиятлари (акциденция-араз)ни очиб бериш б-н чегараланса, А. эса, аксинча, уларнинг теран моҳиятини кашф этишни мақсад қилиб қўяди. А. рўбарасида ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак баб-баравардир. А.нинг макони ва вақти чексиздир. Форобийнинг фикрича, эзгу фикр, донишмандларнинг дурдона ғояларига мангулик муҳри босилгандек А. ҳам абадийдир. Ҳозирги замон фал-ий тафаккурида рационализм (ақидапарастлик) ва сенсуализм (жонли мушоҳадапарастлик) каби йўналишларни бири-биридан фарқлайди. А. б-н жонли мушоҳадани билиш жараёнининг зарур босқич ва воситалари сифатида талқин этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳимдир.

АҚЛ АЛ-ФАОЛ — ўрта аср фалсафасида инсон миёсининг дунёни акс эттириш ва унинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолиятини ифодалаган тушунча. Фикрнинг теранли-

ги, танқидийлиги, уйғунлиги ва тезлиги А.нинг энг муҳим сифатлари ҳисобланади. Ақл яшаш шароити таъсирида, фаолият ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида ривожланади. Ақл ҳақида Абу Наср Форобий «Рисолат фи ал-ақл» («Ақл ҳақида рисола») асарини ёзди. Форобийнинг бахт-саодат наз-ясига кўра, инсон олти босқичда яратилган вужудларнинг энг пастки босқичида бўлса ҳам, ўзининг туғма қобилияти ва қуввати б-н фаол ақлнинг ёрдами туфайли ўзини юқори мартабали вужудга айлантира олади. У мавжудотлар силсиласи босқичларидаги шундай жинснинг яғонасидирки, ўз кучига кўра ҳаракатдаги борлиқдир. Бахт-саодат А.Ф.нинг энг яқин босқичига шиддат б-н етишишдир. Бахт-саодат инсон руҳининг шундай камолотга эришишидирки, у ерда моддий таянчга эҳтиёж қолмайди. Бундай мартабали жой А.Ф. маскани бўлиб, унга иродали фаолият орқали эришилади.

Форобий бахт-саодат шундай шиддатли, ҳаракатчан «юқори кўтарилиш ҳолати»дирки, бундай мартабага эришилгач, моддий нарсага ҳеч эҳтиёж қолмай, софлик, покизалик ҳолатида инсон абадий бўлади, деб ҳисоблайди. Бундай мартабада инсон А.Ф. даражасига яқинлашади. А.Ф.нинг вазифаси инсоннинг тафаккур қувватига ҳақиқатни намоёиш қилиш орқали кишиларни камолотга етиштиришдир. Инсоннинг фикрловчи қуввати А.Ф. туфайли ушбу сабаб ва оқибат алоқасининг қандайлигидан ва бахт-саодат қандай восита орқали эришилишидан огоҳ бўлади ва уни умумий тафаккур ҳосил этади. Амалий фикр қилувчи қувват бахт-саодатга эришишнинг асосий чоралари ҳақида ўйлайди. Ҳикмат охириги мақсадга эришиш б-н белгиланади, тафаккур қилиш эса, лозим бўлган мақсадни амалга оширишни таъминлайди. Фикрловчи инсон тадқиқотчи бўлиб, яхшилик б-н ёмонлик ўртасидаги фарқни яхши англайди ва А.Ф. орқали хайрли ишларга олиб боровчи ва ёмонликдан сақланувчи фаолият юритади, эзгуликка интилиб яшайди, унга эришади.

Б

БАБЕФ (Babeuf) Гракх (тахаллуси; асл исми Франсуа Ноэль) (1760 23.11—1797 27.5) — француз утописти. Ягона марказдан бошқариладиган, умуммиллий коммуна қуриш учун Францияда бошланган инқилобий ҳаракат раҳбари. Б камбағал кишиларнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, барча фуқароларнинг тенглиги ғоясини турмушга тадбиқ қилиш шиори остида гўёки келажакда қурилажак «Тенглар республикаси»нинг сиёсий ва ғоявий асосларини, асосий тамойиллар

ва қоидаларини ишлаб чиққан. 1796 й.да Б. ўз сафдошлари б-н «Тенглар фитнаси»ни ташкил қилиб, инқилобий ҳаракатга бошчилик қилган. Аммо, фитна фош қилиниб, унинг иштирокчилари қамоққа олинади ва қаттиқ жазоланади. Б. ҳаракатнинг раҳбари сифатида 1797 й.да қатл этилади. Б.нинг ижтимоий, сиёсий, фал.ий қарашлари унинг номи б-н аталган ва Буюк француз рев-яси даврида фуқаролар орасида анча кенг ёйилган «бабувизм» таълимотида ўз аксини топган.

БАДЕН МАКТАБИ — *неокантчилик* мактабларидан (адабиётда Фрейбург ва Гайдельберг мактаби номи б-н ҳам учрайди) бири, немис фалсафасининг идеалистик оқими. Бу мактабга 19-а. охири ва 20-а.нинг бошларида немис олимлари В.Виндельбанд (1848—1915) ва Г. Фикарт (1863—1936) асос солган. Улар Германиянинг Баден музофотида жойлашган Фрейбург ва Гайдельберг ун-тларида таълим берганлар. Б. м.нинг фал.си — соф иррационалистик таълимотдир. Б. м. инсон маданиятининг асоси, пой-деворини ғоявий қадриятларга боғлаб кўрсатади. Табиатшунослик ва жамиятшунослик илмларини бир-бирдан айириб, улар бир-бирига зид асосларга эга, деб даъво қилган. Улар табиатшунослик илмлари фақатгина умумий тушунчаларга таяниб, ҳодисаларни бир ёқлама талқин этади, шу боис улар оптимизмдан йироқдир, деган хулосага келганлар. Жамиятшунослик фанлари эса, ягона ҳодисаларни ўрганиши, айнаи вақтда, бу ҳодисаларни илмий тарзда талқин эта олишда ожизлиги тўғрисида фикр юртади. Б. м.нинг тарафдорлари тарихни наз-ядан ажратган ҳолда тарихий жараён ҳеч бир қонунга бўйсунмаслиги тўғрисидаги фикрга асосланганлар.

БАДИЙЛИК — борлиқни, реаликни акс эттиришнинг, инсонни оламга бўлган эстетик муносабатларини ифодалашнинг ўзига хос шакли, воқеликни англаб олиш ва қайта ишлаб, санъат образларида акс эттириш усули.

БАДИЙ ИЖОД ЙЎНАЛИШЛАРИ — бадий усул тарихий мазмунга эга бўлиб, санъат турлари Б.и.й. б-н боғлиқ. Санъат тарихида классицизм, романтизм, танқидий реализм, реализм, янги реализм каби Б.и.й. айнаи вақтда худди шундай бадий усул турлари мавжуд бўлган. Мутлақлик (абсолютизм) тартиботлари ҳукмронлиги даврида жамият ўртасидаги янги муносабатлар муайян ижтимоий онгни вужудга келтирди. Бу ҳол янги Б. и. й.—классицизмнинг пайдо бўлишига олиб келди. Классицизм санъаткорлари, одатда, ақл-дониш ақидаларидан келиб чиқиб ижод қилар эдилар. Уларнинг нафосатли орзуси ва ақидалари бадий умумлаштиришнинг махсус усулини белгилаб берди. Воқеликни муаммолар ва зиддиятлар тарзида бадий ифодалаш маърифатчилик санъатида муҳим аҳамият касб этди. Уни, одатда, «маърифатчилик реализми» деб атайдилар. Бу ижод йўналиши классицизм йўналишидан фарқли равишда ўз асарлари мавзуини қад. маданиятдан эмас, балки ўзига замондош воқеликдан олди. Мазкур йўналиш марказига «учинчи табақа» — оддий одамларнинг оилавий ва фуқаролик фазилатлари акс этган бўлиб, зодагонларнинг ахлоқига қарама-қарши қўйилган. Романтизм ижодий усули Франция инқилоби б-н ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлардан (18-а. охири) сўнг

вужудга келди. Романтизм йўналишида яратилган санъат асарларида ноёб шахслар қиёфалари акс этирилди. Романтизм жамият б-н муросасиз зиддиятга юз тутган шахснинг ички дунёсини биринчи марта асосий мавзу қилиб олди. Романтизм ички кечинмалари ноёб бўлган шахснинг фақат ўз кучига ишониши, қалб амрига қуроқ солиши тасвирланади. 19-20-а.нинг 1-ярмида бадий ижоднинг танқидий реализм йўналиши санъат турларининг деярли барча жабҳаларида кенг ва теран намоён бўлди. Танқидий реализм тарихийлик ва ижтимоийлик хусусиятларига эга. Шахсни бадий англаш классицизмда ҳам романтизмда ҳам мавжуд эди. Лекин танқидий реализмда шахс асарнинг асосий мазмунини ташкил этади, муаллифнинг асл мақсадлари, режалари, интилишлари очиқ-ойдин ифодаланади.

БАДИЙ ОБРАЗ — ҳар қандай ижодкорни ўз асарида воқеликни акс эттишининг бадий воситаси. Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасавури, тушунчаси орқали ташқи дунёни Б.о. шаклида биледи. Б. о. манбаи «жонли ҳаёт», воқеликни нафосатли қайта англашдир. Санъаткор ҳис-туйғулари, кечинмалари, режалари манбаи бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар Б. о.нинг ташқи (объектив) томони. Б. о. инсон эҳтиёжларига мутаносибликда акс этади, яъни, ҳаётни нафосатли қадрият сифатида ифодалайди. Б. о. санъаткор ўзлаштириб олган ташқи дунё б-н унинг ички дунёси қоришмаси сифатида намоён бўлади. Мазкур нуқтаи назардан қараганда, санъат ва унинг мағзини ташкил этган Б. о. бир вақтнинг ўзида ҳам жонли воқелик аксидир, ҳам санъаткор ички дунёси ўзлигининг ифодасидир. Санъатда ҳаёт қанчалик чуқур ифодаланса, Б. о.да санъаткор ўзлиги шунчалик тўла намоён бўлади. Б. о.нинг ички ва ташқи томонлари санъатнинг турларида ҳар хил амал қилади. Театр, мусиқа, кино ойнаи-жаҳон каби талқиний санъат турларида Б.о. ўша образ қиёфасини талқин қилиш жараёнига боғлиқ. Санъатда воқелик жузъий ва умумий томонлар бирлигида акс эттирилади. Бу эса ўз навбатида Б. о.ларни ҳаёт ҳодисалари б-н боғлаб туради, мазкур жараён санъатни фал. б-н ҳам яқинлаштиради.

БАЗИС ВА УСТҚУРМА — ижтимоий фалсафа ва иқтисодий фанларнинг тушунчаларидан бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таркибини ифодалайди. Б. ва У. тушунчалари собиқ иттифоқ даврида бир томонлама талқин этилар эди. Улар ўша давр мафқураси бўлган марксизм ўйлаб топган тушунчалар эмас, балки жамият ҳаётининг узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодалайдиган атамалардир. Б. тушунчаси жамият тараққиётининг муайян босқичидаги иқтисодий ҳаёт ва ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуини акс эттиради. Жамиятнинг иқтисодий Б.и тушунчаси ўз ичига ишлаб чиқариш

муносабатлари, ишлаб чиқариш воситалари (меҳнат предметлари, меҳнат қуроллари)га эгалик қилиш (мулкчилик) муносабатларини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни айрибошлаш ва тақсимотини қамраб олади. Иқтисодий Б. ва У. характерини белгилловчи асосий элемент эса ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидаги мулкий муносабатлардир. Б. ва У. жамият иқтисодий тизимини ташкил этиб, ўз навбатида, мазкур иқтисодий тизим асосида У. вужудга келади. У.нинг асосий функцияси жамиятнинг иқтисодий тизими (Б.)ни ҳар томонлама муҳофаза қилишдан иборат. Иқтисодий тизимни ҳимоя қилишга қаратилган У. муассаса ва ташкилотлари жамиятнинг умумий тараққиётига фаол таъсир ўтказувчи куч бўлиб, ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади. У. ташкилот ва муассасалари жамиятдаги турли муносабатларни ўзида акс эттиради ва шу муносабатларни иқтисодий Б. талаблари асосида мувофиқлаштириб туради. Сиёсий муносабатларни иқтисодий Б. талаблари асосида мувофиқлаштирувчи бош ташкилот бу — давлат. Давлат иқтисодий тизимни ҳимоя қилиш учун шакллантирилади ва иқтисодий Б.ни ҳимоя этишга қаратилган бошқа У. муассасалар фаолиятини ташкил этишда ҳам ташаббускор бўлиб майдонга чиқади. Иқтисодий тизим (Б.) талаблари асосида давлат ва жамият томонидан шакллантирилган У. муассасалари муайян даражада нисбий мустақилликка эга. Чунки, иқтисодий муносабатлар мажмуаси (иқтисодий Б.) ишлаб чиқарувчи кучлар манфаатларига зид келиб қолганда устқурма ташкилот ва муассасалари сиёсий кучларнинг хоҳиш-истакларини, сиёсий ва ижтимоий мақсадларини ёқлаб чиқиши мумкин. Агар У. томонидан жамият аъзоларининг манфаатларини ифода этувчи гоялар ва таълимотлар ишлаб чиқилса ёки қўллаб-қувватланса, унда жамиятнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи асосий кучга айланади. У. ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий, ахлоқий, фал-ий, илмий, диний, бадий ва б. соҳалар бўйича назорат қилиш, мазкур соҳа бўйича муносабатлар тизимини иқтисодий муносабатлар тизими б-н уйғунлаштирувчи муассасалар ва ташкилотлардан таркиб топади.

БАРТ (Barth) Карл (1886. 10.05, Базель Детиринг — 1968. 10.12.) — швейцариялик протестант теологи (илоҳиётчиси), *диалектик теология* асосчиларидан бири. Дастлабки илмий асари — «Авлиё Павелнинг римликларга мурожаати» (1918). Унга кўра эътиқод «ҳа» ва «йўқ» ўртасида иккиланувчи интилиш, номаълумликка жасорат б-н кириб боришдир. Инсон билимлари ва борлиқнинг моҳияти бир-биридан фарқ қилади. Б. черковдан ижтимоий масъулликни талаб қилиб, уни «ҳақиқий» ва «сохта» черков деб фарқлади. Б. ёшлик даврида христиан-социалистлар ҳаракатида иштирок этди, 1933 й.дан Гитлер тузу-

мига нисбатан шаклланган «Христиан қаршилиқ ҳаракати»га раҳбарлик қилди. 2-жаҳон урушидан кейин «Совуқ уруш»нинг кескин танқидчиси сифатида фаолият кўрсатди.

БАРҚАРОРЛИК, (ижтимоий)— жамиятдаги тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг муттасил давом этиши ва б. Фарб олимлари *Р.Дарендорф* ва *А.Козер* ҳақиқий Б. йўқ, ҳар қандай Б. беқарорликнинг арафаси ёки муайян беқарорликдан кейинги ҳолати, жамиятнинг янги беқарорлик олдидан тин олиш даври, деган фикрни илгари сурганлар. Бундан фарқли тарзда *Т.Парсонс* «ижтимоий тизимнинг Б. қондалари»ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ҳар қандай барқарор жамиятнинг ижтимоий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолияти ўзаро уйғун бўлиши шарт. Ана шу уйғунлик доимий Б. омилдир. Бунда давлатнинг вазифаси жамиятнинг энг кичик бўғинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Агар давлат бунинг удасидан чиқа олса, у жамиятни барқарор ривожланишини таъминлайдиган бошқарувчи (регулятор) вазифасини адо этади. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг муайян ислохотларни амалга ошириши учун имкон яратади. *Т.Парсонс*нинг бу қарашлари кўпгина Фарб мамлакатлари мутахассислари томонидан эътироф қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий Б.га эришиш ва уни мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Б. жамият тараққиётининг, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шартидир.

БАРҚАРОРЛИК ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИК — фалсафанинг жуфт тушунчалари. Б. нарса ва ҳодисаларга хос муайянликни, уйғунликни ифодаласа, Ў. уларнинг маълум бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиш жараёнини билдиради. Б. ва Ў. бир-бири б-н уйғун ҳолда атрофлича таҳлил қилиниши лозим. 21-а.нинг бошларига келиб инсоният тараққиётида шу қадар улкан ўзгаришлар, баъзан ноанъанавий жараёнлар содир бўлдики, фал.да, қолаверса, амалиётда ҳам Б. ва унинг ўзини батамом бошқача акс эттириши учун имконият туғилди. Энцикликда, сўз Б. ва Ў. тизимнинг икки жиҳати, атрибути эканлиги, яъни бир бутунлиги ҳақида бориши лозим. Кейинги пайтда, жаҳон фал-ий жараёнида жамиятга, тараққиётга ўзини-ўзи асраш, мавжудлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга бўлган беқиёс салоҳият соҳиби сифатида қараш ва баҳо бериш тенденцияси кучаймоқда. Ушбу фундаментал жараённинг таянчи Б. ва Ў. сифатида намоён

бўлади. Улар жамиятнинг, қолаверса, ҳар қандай яхлит тизимнинг губ негизини ташкил этади. Дарҳақиқат, формал логика нуқтаи назаридан Ў. Б.ни тақозо этса, ўз навбатида ўзгариш, тараққиёт учун Б. бош шарт-шароитлардан бири ҳисобланади. Жамиятда нисбатан оладиган бўлсак, Б.нинг асосида Ў. ёки унинг тескариси ётганлигини кузатиш унча қийин эмас. Маълумки, кейинги пайтларда амалиётда ўз исботини топган синергетик парадигмага кўра, жамият объектив эҳтиёж туфайли бир-бирига чамбарчас боғлиқ ёки ўзаро боғлиқликка маҳкум сегментлар (қисмлар)дан ташкил топади. Шундай экан, унинг тўлақонлилиги ана шу қисмларнинг ҳолатига боғлиқ. Қисмларнинг боғлиқлиги, самардорлиги, йўналтирилганлиги даражасидан ҳосил бўлган йиғинди жамиятда Б. касб этади. Мабодо, бу қисмлардан биронтаси, бирон бир сабаб туфайли, заифлашган тақдирда Б. сусайиб, жамият беқарорликка юз тутаети. Жамият доимо ўзгаришда, тараққиётда бўлиши учун унинг қисмлари ўртасидаги уйғунлик етарли даражада бўлиши зарур. Аини пайтда Б. ўзгаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Б. ҳеч қачон абадий ўзгармас бўлган эмас. Жамият Б.ка ҳар доим муҳтожлик сезади. Ушбу зиддиятли ҳолат-дилемманинг ечимми эса, Б.нинг таркибий қисмларида узлуксиз янгилашиш жараёнини таъминлашга бориб тақалади. Янгилашиш, ўз-ўзини мослаштириш асосида мавжуд бўлган қисмлар жамиятнинг Б.ни, маърифий тадрижийлигини таъминлаб туради.

БАХИЛ — бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; қизғанчиқ, хасис. Б. ижтимоий иллат ҳисобланиб, одамларнинг маълум бир тоифасига тааллуқли. Б. одам ўзи ҳам емайди, бировга ҳам бермайди. Бировларнинг муваффақиятини, ҳурмат-эътиборини, яхши яшашини, чиройли кийинишини, еб-ичишини асло ўзига сингдира олмайди. Умр бўйи мол-мулк тўплаб, ўз ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларни харид қилишга ҳам оғринади. Ҳадиси шарифда баён этилишича «Одамларнинг энг ёмони ўз аҳлига бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганидир». Б. кишилар Ватаннинг гуллаб-яшнашига, жамиятнинг бойишига, ижтимоий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

БАХТ — ахлоқий онг тушунчаси; кишининг ўз турмушидан мамнунлик, муродга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекам-кўстлиги ва муайян маъно касб этганлигидан ҳосил қиладиган қаноати. Б. қад. даврда эвдемонизм фал.сининг асосий тушунчаси бўлган. Унинг вақиллари Б.га ҳаётнинг асосий мақсади, кишилар интиладиган маъмуриликка эришилган ҳолатнинг шод-хуррам бўлишининг энг олий кўриниши сифатида қараганлар. Антик фал.сида Эпикур

Б. тушунчасини ахлоқнинг негизи деб ҳисоблайди. У этикани ҳаётда яшашнинг мақсади тўғрисидаги, азоб-уқубатлардан халос бўлиш, кишиларга Б. келтирадиган ҳузур-ҳаловатга эришиш йўлларини ўргатадиган таълимот, деб қарайди. Мутафаккир инсоннинг жисмоний азобдан ҳамда руҳий ташвишлардан холи бўлишини, яъни, инсонни тамомила қониқтирадиган ҳолатни Б. деб тушунади. Б.га интилиш, — деб таъкидлайди Эпикур, — одам учун табиий нарса, унинг ўзи ҳам роҳатланиш, ҳузур-ҳаловат истагидан келиб чиқади. Эпикур барқарор руҳий ҳузурни ўткинчи жисмоний роҳатланишдан устун қўяди. Аммо муқаммал Б. роҳатларнинг иккала тури мутаносиблигини талаб этади, деб ҳисоблайди. Эпикуризмининг ахлоқий таълимоти инсон шахсини дунёвий реал олам мавжудоти деб қараганлиги б-н муҳимдир. Форобий, Беруний, Авлонийлар ижодида ҳам бунга оид бой илмий қарашлар бор. Мас., бу тўғрида Платон ва Аристотель ҳам самарали ижод қилганлар. Марказий Осиёда Форобий инсоний ҳислатларни 4 қисмга бўлади: наз-ий фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма ва амалий санъат (касб-хунар) фазилатлари. Инсон шу фазилатлар ёрдамида бутун мавжудотни ўрганиш, касб-хунарни, илмларни ўзлаштириш орқали Б.га эриша олади.

Инсон ҳаётининг олий мақсади ҳам бахт-саодатга эришувдан иборат. Инсоннинг бахтли бўлиши унинг соғлиғи, иродаси, ҳаётнинг мазмунли ўтишига боғлиқ. Инсон юксак жисмоний камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий комилликка ҳам ҳаракат қилса, шубҳасиз, ўзи интилаётган бахт-саодатга эришади.

БАҚО ВА ФАНО (араб. бақо-абадийлик, барқарорлик, фано-ўткинчилик, вақтинчалик) — ўрта аср Шарқ фалсафасидаги тушунча. Чексизлик ва чеклилик маъносидан талқин қилинган. Ислоҳ динида бақо-Аллоҳ сифатларидан бири. Бақо — барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш деб ҳам тушунилади. Фано — ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли б-н Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишликдир

Тасаввуф таълимотида ҳақиқий борлиқ бу Аллоҳдир. У оламни ташкил этади. У бор ва бақодир. Биз яшаб турган моддий олам кўринадиган оламдир. У аслида мустақил мақомга эга эмас, чунки у аниқ мақсадни кўзлаб яратилган. Бу оламнинг яратилишидан мақсад, Аллоҳнинг бемисл қудратидан дарак бериш, унинг абадий эканлигидан огоҳлантириб туришдир. Инсон бу ижоднинг юксак тимсолидир, чунки унга ҳеч бир мавжудотга ато қилнмаган неъматлар—сезги аъзолари, ақл-заковат, зукколик инъом этилган. Улар орқали Яратганнинг моҳияти, хайру эҳсони, карами, мислсиз неъматлари инсон руҳиятига нур каби сингиб боради.

Б. ва Ф. тушунчасига кўра дунё абадий, бу дунё эса фоний дунёдир. Инсон абадий дунё умидида яшамоғи, бу фоний дунё икир-чикирлари б-н ўралашиб қолмаслиги, ғафлат ва гофилликни тарк этиши, вақтинча ҳузур-ҳаловатлар, ҳою ҳаваслар илинжида, инсонни ёмонликдан завқлантирадиган нафс—нафси аммора тузоғига тушиб қолмасдан, Аллоҳ амрига бўйсунити лозим бўлади. Фано бўлиш ибораси, аслида, мугасаввиф кишиларнинг ўткинчи ҳаёт ташвишларидан озод бўлишини, маънавий-ахлоқий покланишни, илоҳий амрни тўла-тўқис ва бажонудил бажарилишини билдиради. Боязид Бистомийнинг таъбирича, «илон пўст ташлаганидек, мен ўз-ўзимни тарк этдим. Бир маҳал ўз моҳиятимга боқсам... оҳ, мен унга (яъни, Худога) айланибман». Бундай фавқуллода ҳолатни Боязид Бистомий «фано» деб атаган.

Шайх Абулҳасан Харақоний «фано» б-н «анал-ҳақ» бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар эканлигини алоҳида таъкидлаган. Унингча, инсон дунёга келган кундан бошлаб, унинг хулқу жисмида махлуқий ва раббонийликка ҳос жиҳатлар ўсиб, улғая боради. У онаси кўкрагидан озикланади, бошқа ғизолар (озик-овқатлар)дан еб, вояга етади. Шу б-н бирга, унинг хулқи ҳам шакллана бошлайди. Инсон Аллоҳ буюрган йўлдан бориб, ўз онгини, қалбини маърифат б-н бойитган сари ундан нафсоний иллатлар узоқлашади. Шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтгач эса, у ўзини шу даражага етган ҳисоблайдики, гўё унинг вужудида нафсга тегишли унсурлардан зарра ҳам қолмайди, ёлғиз Аллоҳга мансуб нарсаларгина сақланиб қолади. Бундан лаззатланган онларда инсон «Мен — ҳақ» — «Анал ҳақ» дейишга бориб етади.

Ҳозиргача ҳам исломий ақидаларда ва тасаввуф таълимотида Б. ва Ф. тушунчалари муҳим мавзу ҳисобланиб келинади. Уларнинг ёрқин намуналарини тасаввуфнинг йирик вакиллари Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Хожаназар Ҳувайдо ва бларнинг асарларида кўрамир.

БАҲМАНЁР Абул Ҳасан Марзбон ўғли (?-1065) — Озарбойжонда туғилган файласуф, Ибн Синонинг шогирди. Аристотель фал.си тарафдори сифатида бир қатор фал-ий масалаларда ҳатто ўз устози Ибн Сино б-н баҳслашар эди. Мантиқда ақлий йўналиш тарафдори бўлиб, ҳақиқатга асосан, мантиқий тафаккур орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблар эди. Б.нинг «Мобъъд ат-табиа» («Метафизика») ва «Маротиб ал-мавжудот» («Мавжудотларнинг мартаба босқичлари») каби асарлари борлиқ ва билиш наз-яси масалаларига бағишланган. «Маротиб ал-мавжудот» 1911 йилда Қоҳирада араб

тилида, 1851 йилда Лейпцигда немис тилида нашр этилган. Б.нинг «Ат-тахлил» («Билимларни ҳосил қилиш») ва «Аз-зийнат» («Зийнатлаш») асарлари мантиқ масалаларига бағишланган бўлса, «Ал-беҳжод ва ас-саодат» («Гўзаллик ва бахт-саодат») китоби ахлоқий масалаларни ёритган. Б. қўлёзмаларининг бир қисми Тошкентда ЎзФАШИда сақланмоқда.

БАҲОУДДИН МУҲАММАД ибн Муайяд ал-Бағдодий (12-а.) — тарихчи олим. Хоразмнинг Бағдод қишлоғида туғилиб, Хуросоннинг Нисо шаҳрида яшаган. Хоразмшоҳ Такаш (1172-1200) саройида муншийлар девони бошлиғи бўлиб хизмат қилган. «Ат-Тавассул илат-тарассул» («Ёзишмаларни қўлга киритиш») асари муаллифи.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин, Балогардон ёки Шоҳи Нақшбанд номлари б-н ҳам маълум) (1318 — Бухоро вилояти, ҳоз.Когон тумани — 1389) — нақшбандия тариқатининг аосчиси. У туғилган қишлоқ Қасри Ҳиндувон (кейинчалик Б.Н. шарафига Қасри Орифон) деб аталган. Унинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида маълумотлар йўқ. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Б.Н.нинг биринчи пири — устози Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий эди. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати — кимҳобга нақш солиш б-н кун кўрган. Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний наз-яларига асосланган. Таълимотининг асосида «Дил ба ёр-у, дастба-кор» (Кўнгил ёрда, қўл ишда) деган шиор ётади.

Б.Н. тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган талабларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил б-н амалга ошиши керак. Қўл эса, иш — меҳнат б-н банд бўлсин. Б.Н. нинг таркидунёчилик қилмай ҳам Аллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Б.Н. вафотидан кейин Нақшбандия тариқати кенг ёйилди. 15 а.да Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ бу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар ҳам Нақшбандия тариқатида эдилар. Улар ижодида Нақшбандия ғоялари кенг ва атрофлича тарғиб этилди.

Б.Н. ҳақида, унинг таълимоти хусусида, нақшбандий шайхлар тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргина ЎзФАШИ қўлёзмалар хазинасининг ўзида 195 китоб мавжуд. Истиклол даврида Б. Н. ижодини ўрганиш учун кенг имконият яратилди. Б.Н. таваллудининг 675 йиллиги (1993) муносаба-

ти б-н Ўзбекистонда Б.Н. таълимотини ўрганишга аҳамият кучайди. Бухоро Давлат ун-ти хузурида «Нақшбандия» илмий маркази иш бошлади. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бухоро давлат музей-қўриқхонасида ҳам «Нақшбандия» маркази тузилди. (Қ.: *Нақшбандийлик*)

БЕВОСИТА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ — фақат биргина мулоҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши. Б. х. ч. жараёнида мулоҳазаларнинг шаклини ўзгартириш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос мулоҳазанинг структураси, яъни, субъект ва предикат муносабатларининг миқдор ва сифат характеристикалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Б.х.ч.нинг қуйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

1. Айлантириш (лот. — *obversio*) — шундай мантиқий усулки, унда берилган мулоҳазанинг миқдорини сақлаган ҳолда, сифатини ўзгартириш б-н янги мулоҳаза ҳосил қилинади. Бу усул б-н хулоса чиқарилганда қўш инкор содир бўлади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин боғловчиси инкор этилади. 2. Алмаштириш (лот. — *conversio*) — шундай мантиқий хулоса чиқариш усулики, унда хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади. Алмаштиришда берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажми эътиборга олинishi шарт. 3. Предикатга қарама-қарши қўйиш (лот. *contrapositio*) б. х. ч.нинг мантиқий усулларида бири бўлиб, бу усул қўлланилганда берилган мулоҳаза аввал айлантирилади, сўнгра алмаштирилади. Натижада, ҳосил қилинган мулоҳазанинг (хулосанинг) субъекти асос мулоҳаза предикатига зид, предикати эса унинг субъектив мос бўлади. 4. Мантиқий квадрат орқали хулоса чиқариши. Бунда оддий қатъий мулоҳазаларнинг ўзаро муносабатларини (яна қ. *мантиқий квадрат*) эътиборга олган ҳолда, мулоҳазалардан бирининг чин ёки ҳақлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Бу хулосалар мулоҳазалар ўртасидаги зидлик, қарама-қаршилиқ, қисман мослик ва бўйсунуш муносабатларига асосланади.

БЕГОНАЛАШУВ — инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва у бажарадиган вазифаси ўртасидаги азалий боғлиқликнинг бузилиши. Инсон ва жамият муносабатларидати меъёрнинг бузилиши, инсоннинг ўз моҳиятини белгилловчи хусусиятлардан маҳрум бўлиб, жамиятда ўз ўрнини тополмаслиги Б.нинг туб илдини, ҳам сабаби, ҳам оқибатини ташкил этади. Фарб социологлари санаатлашган жамиятда бирдамлик туйғусининг йўқолишини (Дюркгейм), ижтимоий ҳаётнинг формаллашувини (Зимел), шахс хатти-ҳаракатининг меъёрдан оғишини

(Мертон), инсоннинг мавжуд жамиятга нисбатан танқидий муносабатини, мукаммаллаштиришга бўлган қобилиятини (Фромм) Б. ҳодисасининг юз бериши, деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги Фарб жамиятида Б. шу даражада кенг тарқалиб, ижтимоий ҳодиса тусини олганки, америкалик психолог М.Маккаби, ҳатто, жамиятда барча бошқа одамлардан бегоналашган ва уларни ўзининг душмани деб билувчи шахс хилини («Чангалзордаги жангчи») ажратиб кўрсатади. Б. тушунча сифатида тадқиқ ва таҳлилга муҳтож.

БЕДИЛ тахаллуси; асл исми Мирзо Абдулқодир (1644, Бенгалия, Азимобод ш. — 1721, Деҳли) — шоир ва мутафаккир. У асарларида Жомий, Саъдий Шерозий, А.Навоий ва бошқаларнинг ўчмас анъаналарини давом эттирган, қадимги юнон мутафаккирлари Пифагор, Афлотун, Арасту, Гиппократ, Демокрит, Эпикур меросига мурожаат қилган. Б. фалсафий идеалида Арасту фал-ий ва табиий-илмий қарашлари, Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Закариё ар-Розий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг анъаналари б-н тасаввуф таълимотини бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилинган. Унинг фикрича, Рухий борлиқ ва моддий олам, «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин» ни бир-бирдан ажратиб бўлмайди, чунки ягона илдиз ҳеч қачон икки хил лола бермаганидек, «ҳақиқат ҳам ҳар хил қисмларга бўлинмайди». Б. Аллоҳга бўлган ишқни барча нарсадан юқори қўяди. Май қувватидан дилни хушнуд этиш — бу Аллоҳни дилда ёд тутиш, гафлат ва гофилликдан огоҳ бўлиб, унинг висолини кўриш мақсадида ранж чекиш. Оламда содир бўлаётган барча ҳодисалар, мавжуд ашёлар-табиий жараён. Табиат ўз моҳиятига кўра ижодкордир. Ҳар қандай ўзгариш — бу йўқ бўлиш эмас. Аксинча, бирон-бир нарсанинг интиҳоси бошқа нарса ва ҳодисаларнинг ибтидосидир. Улар пайдо бўлгунга қадар яширин ҳолатда «руҳлар ҳақиқати»да макон топади. Буни кўзанинг тупроқда яширин имконият тарзида мавжудлигига қиёсласа бўлади. Нарсалар пайдо бўлганидан кейин руҳлар айнан шу нарсаларда фикрнинг ўзига хос тимсоли сифатида намоён бўлади.

Б. билиш масалаларига ҳам муҳим аҳамият бериб келган мутафаккир. Унинг таъкидлашича, инсоннинг билиш имкониятларида чегара бўлмайди, чунки унга Аллоҳ томонидан буюк неъматлар, яъни сезги, ақл ва уларнинг фаолияти бўлмиш руҳий-ҳиссий ва руҳий-ақлий қувватлар инъом қилинган. Шу боис, у, бошқа барча ҳайвонлар олаmidан ажралиб туради ва улар устидан ҳукмронлик салтанатини ўрнатади. Бу салтанатнинг зеб-зийнати ақл ва натижаси илмдир. Билишнинг биринчи илк бос-

қичи инсоннинг ташқи сезгилари б-н боғланган. Бу босқич ҳид билиш (шомма), кўриш (бинои), таъм билиш (соиқа), эшитиш (шунидани) ва тана б-н сезиш (ломиса) орқали амалга ошади. Ташқи олам ҳодисалари, жисм-моддаларнинг айнан шу сезги аъзоларига бевосита таъсири остида инсонда сезги, тасаввур, сўнгра эса фикр (хаёл) кабилар пайдо бўлади.

Б. фикрича, олам ҳодисаларининг ички моҳиятини чуқур таҳлил этишга жонли мушоҳада ожизлик қилади. Муаммонинг бу жиҳатини ягона ақл ниҳоясига етказа олади. Ақл мисли кўрилмаган ғоят муҳим неъмат. Бу неъматни забт этишга аҳд қилган инсон чексиз имкониятга эга. Инсоннинг зийнати атласу юнгдан иборат либос эмас. Бу матолар, аксарият, от-уловнинг зийнати. Инсоннинг қадр-қиммати ақл-заковат арзига қулоқ осиш, барча мушкул муаммоларни ақл мезони б-н ҳал этишдадир. Ақлсиз одамларгина донолар б-н бўладиган мулоқотдан қочадилар, уларнинг панд-насихатларини назар-писанд қилмайдилар, ўзларининг нодонлигини намоийш қиладилар. Ақли одам руҳнинг бир танадан б.сига кўчиб юриши — «таносух» ни рад этади. Б.нинг фикрича, имоннинг нури ақлдандир. Ирфон ҳузури бўлган киши мазмундан йироқ шаклларга, ҳар хил тимсолларга ортиқча берилмайди. У илму ирфоннинг манбаи зикр деб, ўз бадан-танасини мажбуран жаҳду жадал б-н қайноққа солувчи кишиларни танқид қилади. Носоғлом танада соғлом ақлнинг бўлиши даргумон. Бундай йўсинда мақсадни излаш инсонни имондан узоқлаштиради, чунки ақлга асосланмаган имон ҳақиқат жавҳарига кўзгу орқали назар ташлаш имкониятидан маҳрумдир. Инсоннинг ақлий қуввати илоҳий ақлнинг натижаси. Ахлоқий фазилатларга эришишда илм ва ахлоқ ягона негизнинг эгизак жиҳатлари бўлиб, улар бири-бирини тақозо қилади. Нодон беадаб бўлгани каби, беадаб илмнинг қадрига етмайди. Ахлоқ-инсоннинг маърифий гавҳари. Турли хил иллатлар, айниқса, ҳирс шу гавҳарнинг заволидир. Улар туфайли кишида хотиржамлик йўқолади, унинг тинчлиги бузилади, хаёли беқарор ҳолатга келади. Кимнингки «ҳирс-ҳавасга кўзи тўймади, унинг гадо касасини тўлдирмоқ маҳол». «Жаҳон талаб этган» — мансаб, амал, молу мулкка тузоқ қўйган бандалар ақл-заковатдан жудо, фаҳм-фаросатдан йироқдилар, ҳақиқат, адолатнинг мазмун-моҳиятини англамайдилар. Бундайларга фазлу камол завқи топилмайдиган матоҳдир. Уларнинг дили ўртанмайди, қалби безовталанмайди, чунки виждон гафлатда, кибру ҳаво, манманлик осмонда. Б. ўзининг ахлоқий ўтитларида дўстликни, карамни, муруват ва саховатни раҳм-шафқатни, адолатни ардоқлайди. Асосий асарлари: «Чор унсур», «Ирфон», «Нуҳот».

БЕЙЛЬ (Bayle) Пьер (1647.18.11, Карлат — 1706.28.12, Роттердам) — француз ёзувчиси ва файласуфи. Седан академияси (1675—82) ва Роттердам ун-тининг (1681—92) проф. 17—18-а.лар маънавий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Б. фал.да ҳар қандай догматизмга қарши курашган. Маърифатпарварликнинг илк намояндаси скептицизм мавқеидан туриб, динни рационал асослашни танқид қилган ва дин б-н ахлоқнинг ўзаро боғлиқ эмаслигини асослашга уринган. Асосий асари «Тарих ва танқидий лугат» (1-2 т, 1695—1697) бўлиб, бу асар Европада эркин фикрловчи фай.ларга катта таъсир этди.

БЕЛГИ — бирон бир предметнинг шакл-шамойили, ташқи томон ва жиҳатларининг ифодаси; у ҳақида маълум бир хабар бериш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият берувчи восита; бир буюмни бошқа буюмга ёки белгиларига ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятлари мажмуи.

Б.нинг билишдаги вазифасини ўрганишга Аристотель, Лейбниц каби мутафаккирлар катта эътибор берганлар. Б. ҳақидаги таълимотни ривожлантириш 19-а. да долзарб масалага айланган. Ушбу даврда америкалик фай. Ч.Пирс Б. ҳақидаги фан-семиотикага асос солган. Б. лар объектив олам ва унинг қонунлари ҳақидаги кишиларнинг ҳосил қилган билимларини тизимлаштиришда жуда катта роль ўйнайди. Айниқса, Б.лар нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини ўрганишда, улардаги қонуниятларни очишда ва ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги вақтда, «белги» тушунчаси муҳим фал-ий, кибернетик ва тил категорияси сифатида инсоннинг объектив реалликни билишида қўлланилмоқда. Инсон томонидан фикр алмашув, маълумот олиш учун фойдаланиладиган барча буюмлар Б.лар тизимини ташкил қилади. Ҳар қандай Б. муайян маънога эга. Маъносиз Б. ва Б.сиз маъно йўқдир, лекин ҳар қандай Б.нинг икки хил маъноси мавжуд: предметлик маъноси- Б.нинг бирор нарсага ишора қилиб, уни кўрсатиш, ифодалаш хусусияти. Фикрий маъноси — Б. ифодалаган нарсанинг инсон онгидаги фикрий маъноси. Б.лар турли-туман шаклда ифодаланиб, турли кўринишларда бўлади. Уларни табиий Б.ларга ва сунъий Б.ларга ажратиш мумкин. Мас., об-ҳавонинг айниши туфайли беморнинг беллари радикулит ёки оёқларининг оғриши ревматизм, ёмғир ёғишининг табиий Б.сидир. Чорраҳа ва йўлларда светофор ва симофорлардаги огоҳлантириш ёрдамида ҳаракатнинг тартибга солинишини ифодаловчи чироқларнинг ранглари эса сунъий Б.лардир.

БЕНТАМ (Bentham) Иеремия (1748.6.6.— Лондон — 1832.12.2.) — инглиз файласуфи, отилитаризмнинг

йирик намояндаларидан бири. Б. этикаси «Деонтология ёки ахлоқ ҳақидаги фан» (1834й.) асариди баён қилинган. Ахлоқ ва ҳуқуқни у киши хулқини бошқариш санъати бўлиб, улар инсониятга имкон қадар кўпроқ бахт келтириши керак, деб ҳисоблайди. Б. фикрича, яхшилик ва фойда моҳиятан бир нарса. Жамиятга яхшилик қилишга интилаётган киши айни пайтда ўзига ҳам яхшилик қилади. Унинг ахлоқий қарашлари асосида «фойда принципи» ётади. Бунга кўра, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, муносабатлари ўзларига қай даражада фойда келтиришига қараб ахлоқий баҳоланиши лозим. Ахлоқий меъёрларнинг вужудга келишини ҳам Б. фойда категорияси б-н боғлайди. Фойда, деганда эса Б. ва унинг издошлари лаззат келтирувчи барча нарсаларни тушунганлар. Ахлоқ одамларнинг лаззатланишга табиий интилишлари ва қийинчилик, азоб-уқубатдан қочишга ҳаракат қилишлари натижасидир. Жамият фаровонлигини Б. алоҳида шахслар фаровонлигининг йиғиндисидан иборат, деб ифодалаган. Ахлоқий баҳо ва ахлоқий танлашни у фойда ва йўқотишлар, лаззат ва уқубат ўртасидаги нисбат орқали тушунтирган.

БЕРГСОН (Bergson) Аври (1859.18.10, — Париж — 1941.4.1) — француз идеалист файласуфи, *интуитивизм* ва ҳаёт фалсафаси намояндаси, Коллеж де Франс проф. (1900), Франция академияси аъзоси (1914). Б. дунёқарашини француз спиритуализми таъсирида шаклланди. Унинг интуитив метафизикаси неоплотонизм б-н боғлиқ. Бу ҳаммада мавжуд бўлган онгнинг хусусий ҳаёти, яъни психик ҳаёт ҳужайраларидаги узлуксиз ўзгариш (Б. шу ҳолатга нисбатан «давомийлик» (*durée*) терминини қўллайди) барча мавжудотнинг асосини ташкил этади; материя, вақт, ҳаракат — «давомийлик»нинг бизнинг тасаввуримизда ифодаланиш шаклидир, дейди. Унингча, «давомийлик»ни фақат интуиция орқали билиш мумкин. Б. «ижодий эволюция» таълимотини диалектикага қарши қўяди. Унинг бу таълимоти биологик идеализм (*К. Витализм*) б-н боғлиқ. Унингча, инсон табиатан ижодий зот, лекин ижод қилишдаги иқтидор сараланган одамларгагина Худо томонидан ато этилади. Асосий асарлари қуйидагилар: «Онгнинг бевосита маълумотлари» (1889), «Материя ва зехн» (1896), «Ахлоқ ва диннинг икки манбаи» (1932). Б. Нобель мукофоти лауреати (1927).

БЕРДАҚ (*тахаллуси*; асл исми Бердимурод Қарғабой ўғли) (1827- Мўйноқ тумани — 1900) — шоир, қорақалпоқ адабиёти вакили. Б. овул мактабида, сўнг мадрасада таҳсил кўрган. Лекин тез орада моддий қийинчилик туфайли мадрасани ташлаб тирикчилик йўлига ўтиб кетишга мажбур бўлади. Шунга қарамасдан, Б.нинг оз бўлса-да мадрасада таҳсил кўри-

ши унинг дунёқарашини шаклланишида ўрин эгаллади. Б. Шарқ мумтоз адабиётининг намояндлари бўлмиш Фирдавсий, Фузулий, Навоий, Махтумқули ва б.ларнинг асарларини мутолаа қилади. Шунингдек, у қорақалпоқ шоирлари Ажиниёз, Кунхўжаларнинг поэтик меросидан ҳам унумли фойдаланади.

Б. яшаган давр мураккаб ва қарама-қаршиликлардан иборат бўлиб, жабр-зулм, зўравонликнинг кучайган даврига тўғри келади. 19-а.да қорақалпоқ халқининг бу даврда кечган ижтимоий ҳаёти унинг лирик шеърларида, достонларида ўз ифодасини топган.

Б. ижоди ва шеърятининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, фикр-ўйлари, оғир меҳнатини тасвирлади, бекларнинг рийкорлиги, алдамчилиги, золимлиги ва ўзбошимчалигини зўр маҳорат б-н чизиб берди. Б. ўзининг «Омонгелди», «Шажара», «Эрнарзобий», «Ойдосбий» каби тарихий поэмаларида қаҳрамонлик ва жасурликни мадҳ қилди. Б.нинг «Авлодлар» асари тарихий воқеалар солномаси бўлиб, қорақалпоқ халқи б-н бошқа туркий халқлар ҳаётидаги муштарак воқеалар қаламга олинади. У адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, софдиллик, эзгулик, инсонпарварлик учун курашди, халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган ғояларни ўртага ташлади.

Б. адолатли жамият ҳақида, инсоннинг бахтли келажаги ҳақида кўп шеърлар ёзди. Унинг ижоди ҳозирги мустақиллик йилларида ҳақиқий қадрини топди. Шоирнинг маърифатпарварлик ғоялари, илм-фан, касб-ҳунарни эгаллаш, дўстлик, вафодорлик, меҳнатни улуғлаш тўғрисидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

БЕРДЯЕВ (Николай Александрович) (1874—1948) — рус файласуфи ва публицисти. Киевдаги авлиё Владимир ун-тида таҳсил олган. 1904 йилдан Петербургда, 1908 йилдан эса Москвада яшаган. Асарларида аввалига «легал марксизм»га ён босган бўлса, кейинроқ Маркс таълимотининг ашаддий ғоявий душманига айланиб, конституцион-демократлар партияси (кадет) сафига ўтган. Бирмунча вақт у Москва ун-тида фал. курси бўйича машғулотлар олиб борган. 1917 йилда большевиклар ҳокимиятни олиб, «ҳарбий коммунизм» номидаги қатағон бошлаганларида уларни аёвсиз танқид қилган. 1920 йилда 200 кишидан иборат зиёлилар қатори мамлакатдан чиқариб юборилган. Асосий асарлари: «Ижтимоий фалда субъективизм ва индивидуализмнинг ўрни» (1901), «Эркинлик фал.си» (1911), «Ижоднинг мазмуни» (1916), «Тенгсизлик фал.си» (1923), «Янги ўрта асрлик» (1924), «Эркин рух фал.си» (1927—28), «Инсоннинг яшашдан мақсади. Парадоксал ахлоқ-одобнинг таж-

рибаси» (1931), «Рус ғояси» (1946), «Эсхатологик метафизика тажрибаси» (1947) ва б. Б. ўзининг «Инсон ҳаётининг мазмуни» асариди икки дунёга мансуб инсон ҳақидаги қарашларини баён қилади. Бу дунё, унга кўра, ўткинчи, дағал, бағритош, баркамолликдан йироқ дунё бўлиб, унда ҳамма нарсалар қутблашган, бир-биридан узоқлашган, ўзаро зиддият, мурасасозлик, қуллик ҳукм суради. Рақобат ва ёвсираш авж олган. Ҳақиқий дунё гўёки «космос», — идеал борлиқ тимсоли, унда меҳр-оқибат, эркинлик ҳукм суради. Инсоннинг бурчи ва вазифаси ўз руҳини асирликдан халос қилиш, қуллик дунёсидан эркинлик дунёсига чиқиб олиш, зиддиятлар дунёсини тарк этиб, «космик муҳаббат»га эришишдир. Бу вазифа инсон учун ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо эмас. Муаммо ижодкорлик туфайли амалга ошади. Ижод қилиш эса инсоннинг муҳим жиҳати, чунки яратган Худо ўз образ-тимсолини унда кўришни истоган.

Б.нинг бу ғоялари унинг бошқа асарларида ҳам ривожлантирилган. Улар Европада шакллана бошлаган христиан экзистенциализмининг илк кўринишларидан бири ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, руҳ борлиқнинг ягона субъектидир. Унинг объекти эса инсон руҳининг ўзига, яъни ҳақиқий борлиқ дунёси, эркинлик салтанатига ҳамда ташқаридаги унга зуғум ўтказадиган «зарурият салтанати»нинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасидир. Демак, эркинликни бу дунёдан топмаган ва уни у дунёдан кутаётган инсоннинг ички кечинмалари, ғам-андуҳлари ҳақиқий ижоднинг муҳим мавзуси даражасига кўтарилади. Бунда объектлар оламининг юзага келиши «объективация» деб тушунилади. Унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, объект субъектдан бегоналашади, ундан узоқлашади, бетакрор индивидуаллик ношаҳсий универсаллик, мавҳумлик томонидан ўзига сингдирилади. Инсон фикр-мулоҳазалари, қолаверса, унгагина хос қувонч ва ғам-андуҳларнинг бетакрорлигига чек қўйилади. Улар ижтимоийлашади. Б.га кўра, шахс ва жамият бир бутун, яхлит тизимни ташкил этади. Дин кишиларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. У ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида гавдаланиб, унда «соф» илоҳий-вахийлик одамларнинг унга жамоавий реакцияси б-н боғланади. Тарихнинг интиҳоси объективациянинг бар-тараф этилиши, оламнинг янгича ҳаёт кечириш даражасига ўтиши б-н белгиланади. Б. Россиянинг инсониятни халос қилишдаги буюк миссияси (бурчи)га чексиз ишонч б-н қарайди. Б.нинг ижтимоий-фал-ий қарашлари 20-а.да Европада шакллана борган, инсон ва унинг тақдирини ўзининг асосий мавзуси деб ҳисоблаган *экзистенциализм* фал.си ривожига туртки бўлди.

БЕРКЛИ (Berkeley) Жорж (1685 12.3. Дайзарт-Касл, Ирландия — 1753 14.1, Оксфорд) — инглиз илоҳиётчи олими ва файласуфи. Янги фал.ни ўрганувчи махфий фал-ий тўғарак ташкилотчиси. 1734 й.и Англиядаги черковлардан бирида архиепископ лавозимида ишлаган. Асосий асарлари: «Инсон билимининг тамойиллари ҳақида рисола», «Гилас ва Филонус ўртасида уч суҳбат», «Сейрес». Б. ўз илмий фаолияти давомида бутун ақл-заковатини, куч-қудратини динни қаттиқ ҳимоя қилишга қаратади. У ўз фал-ий қарашларини шакллантиришда Жон Локкнинг иккиламчи сифат тўғрисидаги таълимотини қўллаб-қувватлаган ҳолда, объектив равишда, мавжуд бирламчи сифатларни субъектив сифатлар, дейди. Б.нинг фикрича, бирламчи ва иккиламчи сифатларнинг мавжудлиги ҳиссиётимиз б-н белгиланади. Б. таълимотига кўра, мавҳум умумий ғоялар мавжуд эмас, чунки, ҳиссий қабул қилиш чоғида онгимизда аниқ таассурот намоён бўлиши мумкин, лекин умумий ғоялар бўлмайди. Б. материянинг мавжудлигини тан олмайди. Мавжуд бўлишлик бу қабул қилувчи бўлиш демакдир. У объектив дунёнинг мавжудлигини инкор этади. Фал.нинг бошланғич нуқтаси ғояларнинг, тасаввурларнинг, сезиларнинг йиғиндиси бўлган ҳиссий тажрибадир. Тасаввурларнинг ўзи объектив реалликдир. Б. «Нарсалар бу тасаввурлардир», — деб ёзади. Б.нинг асосий вазифаси материалистик билиш наз-ясига қарши курашдан иборат. Субъектив идеализм наз-яни амалиётдан ажратади. Б.нинг субъектив идеализмига янги тус бериб ҳимоя қилган фал. Давид Юмдир.

БЕРУНИЙ (Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад) (973.4.9, қад. Кат (Кат)ш. — 1048. Ғазна (ҳоз. Афғонистонда) — буюк қомусий аллома ва машҳур мутафаккир. Астрономия, математика, геодезия, жуғрофия, метеорология, физика, минералогия, фармакогнозия, тарих, этнография, лингвистика, диншунослик, фалсафа соҳаларида янгидан-янги илмий йўналишларга асос солган тадқиқотчидир. Алломанинги илмий мероси салмоқлидир. Баъзи маълумотларга асосланиб, асарларининг сони тахм. 146 тадан иборат, деган хулосага келиш мумкин. Улардан 110 таси табиатшуносликка, 34 таси гуманитар фанлар ва бадий адабиётга, қолганлари фаннинг турли соҳаларига тааллуқлидир. Б.нинг фал-ий тафаккури замонасининг табиатни ўрганишда эришган ютуқлари, табиий жараёнларни тадқиқ этишда инсон ақли бовар қила олмайдиган ғояларни, янгидан-янги илмий башоратларни ўзида мужассамлаштирган. У астрономик қузатувлар орқали Ой ва Қуёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, календарь (тақвим), табиий ва сунъий танланиш, сақланиш, ривожланиш аномалияси каби ўта мураккаб муаммоларни янги ил-

фор метод ва наз-ий тамойиллар кўмагида ҳал этишга эътиборини қаратди. Кишилар яшайдиган аҳоли манзиллари, маъдан ва металллар солиштирма оғирлигини белгилаш, оламларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги башоратлар, тажриба, синов, кузатувга изчил муносабатда бўлиш аллома ижодининг қирраларидир. Б. ўзининг борлиқ тўғрисидаги табиий-илмий қарашларида модда, фазо, вақт, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият каби муаммоларга эътиборини қаратган. Б. борлиқнинг Тангри томонидан яратилганлигини эътироф этади. Унинг фикрича, олам, само жисмлари Тангри яратган вақтда тарқоқ ҳолда бўлиб, кейинчалик ҳаракатга келган ва муайян нуқтага тўпланган бўлиши эҳтимоли мавжуд. Б., оддий жавҳарлар пайдо бўлиш ва йўқ бўлишни билмайди, деган фикрни илгари сурган бўлса-да, Арасту, Форобий ва Ибн Сино кабиларнинг биринчи турткисига хайрихоҳлик билдирмайди. У фазо ва вақт масалаларида ҳам ўзи танлаган йўлдан бориб, уларнинг конкрет мазмун касб этишини ва демак, уларнинг муайян ашёлар б-н чегараланганини тан олади. Унинг фикрича, ашёлар умри чегараланган. Абадийлик эса биринчи сабаб б-н боғланган бўлиб, у Яратганнинг умридир. Билиш наз-ясида Б. кузатув, тажриба, ақл-фаросатнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берди. Инсон табиат ҳодисаларини билишга бўлган саъй-ҳаракатида иккита нарсадан илҳомланади. Булардан бири, Оллоҳ томонидан азалдан берилган табиий қизиқиш, барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятига етиб боришга бўлган интилишдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, билишга интилиш ҳар қандай дунёвий лаззатлардан юқори туради. Иккинчиси эса, билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Бу борада олим алхимиклар ва астрологлар фикрига қарши турди. Б. фикрига кўра, «агар фанга асосланиб бўлмаса, ундан воз кечиш лозим бўлади». Воқеликни ўрганишда қуйидаги талабларга амал қилиш шарт: тадқиқ қилинаётган нарса, ҳодисалар хусусиятларининг нисбий муайянлиги, ҳақиқатнинг конкрет жуғрофий шароитлар б-н боғлиқ эканлигига, ҳодиса ва вақт бирлигига алоҳида эътибор қаратиш. Мас., фан содир бўлаётган ҳодисалар конкрет вақтини имконият борица тўлиқ аниқлаш заруриятини илм аҳлига юқлайди. Лекин масофа, аҳоли яшайдиган манзиллар координатларини белгилашда бир хил вақтни тўғри деб тан олиш ва унга доимо асосланиш қийин, чунки кун ва кечаларнинг бошланиши, куннинг чиқиши ва ботиши турли жойларда турличадир. Бундан ташқари, кузатув, синов-тажриба билиш жараёнини бирмунча енгилатса-да, уларга нисбатан бамайлихотир бўлиш самара бермайди. Билимларимизнинг нақадар тўғри ёки нотўғри бўлиши кузатувчи, ўрганилаётган нарса ва билиш воситаларига боғлиқ. Лекин, афсуски,

ҳеч бир инсон, нарса ва ҳодиса, кузатув воситаси идеал характеристикага эга эмас. Шундай экан, уларга нисбатан эътиборни кучайтириш туфайлигина мақсадга эришиш мумкин. Олимгача билимнинг чинлиги мезони соф ақл-фаросат салтанатидан изланар эди. Барча машҳур мутафаккирлар, жумладан, Арасту ҳам худди шундай фикрда эди. Б. фикрига кўра, илм, ҳақиқатнинг энг ишончли мезони кузатув, синов-тажрибадан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. «Синовдан бошқа устувор дастур, тажрибадан текширишдан ўзга муваффақиятга элтадиган дастурулама йўқ», «Тажрибагагина таянмоқ лозим» каби иборалар унинг ўзи қўллаган билиш воситалари самарасига бўлган комил ишончнинг намунасидир. Б.нинг жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Инсон Оллоҳнинг яратувчилик фаолияти туфайли пайдо булган. У Оллоҳнинг буюклиги ва донишмандлигининг нишонасидир. Унга инъом этилган сезги аъзолари, қўл, яъни, барча нафсий ва ақлий қувватлар беҳудага берилмаган. Улар орқали инсон Оллоҳнинг амр-фармонларини эшитиши, ҳис қилади, мўъжизаларини мушоҳада этади ва бу орқали унинг ягоналигидан, қудратли, доно ва меҳрибонлигидан хабардор бўлади. Инсон ҳаёти эса моддий омиллар, табиий қонуният асосида кечади. Б.нинг таъкидлашича, жуғрофий омил инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Инсон танасининг ранги, ташқи кўриниши, табиий хоссалари ва хусусиятларидаги фарқ фақат унинг генетик келиб чиқишига алоқадор бўлиб қолмасдан, балки, у турар жой, тупроқ, сув, ҳаво, муҳитта ҳам боғлиқдир.

Одамларнинг бир-бирлари б-н бирлашиши, жамият пайдо бўлишининг сабаби инсон зотининг ортиқча жисмоний куч ва қудратга эга эмаслигидандир. Инсон ўзини ҳимоя қиладиган ва эҳтиёжларини қондира оладиган нарсага доимий зарурат ҳис қилади. Айнан шу зарурат кишиларни бирлашишга даъват этади. Инсоний эҳтиёжлар кўп ва хилма-хилдир. Уларни катта жамоалар орқали амалга ошириш мумкин. Илм-фан соҳаларининг вужудга келиши жамиятнинг ривожланишини тезлатади. Б.да ижтимоий утопик қарашлар ҳам ривож топган. Унинг идеалига кўра, жамиятни бошқариш амалдорлардан ўз ҳузур-ҳаловатидан аниқ муддат мобайнида маҳрум бўлиш, зўравонлардан беҳузур бўлганларнинг ҳуқуқларини тиклаш, гуноҳкорларни эса жазолашдан иборат бўлмоғи лозим. Одил ҳукмдорнинг асосий вазифаси юқори ва қуйи табақа вакиллари ўртасида адолат ўрнатиш, кучли ва ожизлар ўртасидаги тенгликни барқарор этишдан иборатдир. Тенглик ҳукмрон жойда қайғу-алам, очофатлик ўз-ўзидан барҳам топади, деб ишонади олим. Б.нинг ахлоқ-одобга оид ғоялари беҳад даражада мазмунлидир. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси жамиятда, бошқалар

таъсирида шаклланади. Инсон ташқи қиёфасининг шаклланишида табиат фаол қатнашган, уни ўзгартириш имконияти йўқ. Хулқ-атворини ўзгартириш инсоннинг ўз қўлида. Фазилатларни ёмондан яхши айлантиришнинг имкониятлари чексиздир. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз хулқ-атвори, ҳис-туйғулари устидан ҳукмрон бўлмоғи, руҳини тарбиялаб бориши, уни ахлоқий жарроҳлик воситасида даволаб туриши лозим. Шунда у ўзининг тубан хислатларидан озод бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар соҳибига айланади. Асосий асарлари: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Ал-осор ал-боқия ан ал-ҳурун ал-ҳолия»), «Ҳиндистон» («Таққиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъқула мақбула ои-л-ақл ал марзула»), «Турар жойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш» («Оаҳиди ниҳоёт ал-амокин ли тасқиқ мусофот ал-масокин»), «Сайдана китоби» («Китоб ас-сайдана фи-т-тибб»), «Масъуд қонуни» («Ал-Қонун ал-Масъудий»), «Минералогия» ва б.лар.

БЕҲБУДИЙ (Маҳмудхўжа) (1875.19.1. Самарқанд — 1919. Қарши) — маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири. Тақводор оилада таваллуд топган. Отаси Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик бўлиб, имом-хатиблик б-н шуғулланган. 1894 й.да ёш Б. отасидан айрилади ва тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ қарамоғида вояга етади. Тоғаси Мулла Одилдан араб илмини ўрганади. 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз тиришқоқлиги туфайли қози, кейинчалик, муфтий даражасигача кўтарилади. 1893 й.да дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлди. 1899—1900 й.ларда Б. ҳаж сафарига борди. Унинг ташаббус ва ғайрати б-н 1903 й.да Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи, Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар ташкил топди. Адиб бу мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофия Русий» (1905 й.), «Китобат ул-аторол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908) каби дарсликлар ёзади. Б. 1903—1904 й.ларда хизмат сафари б-н Москва ва Петербургда, 1907 й.да Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Хусусан, у Нижний Новгородда 1907 й.нинг 23 августида мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултойда туркистонликлар гуруҳини бошқарди ва катта нутқ сўзлайди. Б. нафақат маориф борасида бетиним хизмат қилибгина қолмасдан, балки драматургия соҳасида ҳам ижод қиларди. «Падаркуш» (1913) драмаси Б. истеъдодининг ёрқин намунасидир. Муаллиф «Миллий фожеа» деб атаган 3 парда, 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн эди. Бу асар ўқимаган боланинг бузуқ йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани, нодонлик ва жаҳолат йўлига киргани ҳақида ҳикоя қилади. Б.нинг театр

труппаси бу спектаклни Тошкентда 1914 й.нинг 27 февралда намоиш қилди. Бош ролни А.Авлоний ижро этди. 1913 й.дан Б. матбуот ишлари б-н шуғулланишга киришди ва «Самарқанд» газетасини чиқара бошлади. Газета туркий ва форсий тилларда ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. Шу й.нинг 30 августида Б. «Ойна» журналининг чиқара бошлайди. 1914 й.нинг 29 майда Б. иккинчи бор араб мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлиб, «Ойна» журналининг 1914 й. сонларида чоп этилади. «Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилди. Б.нинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодининг жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзди. Ўзининг миллат ва ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини мақола ва чиқишларида теран ифода этди. Б.нинг ижтимоий-фал-ий қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Б. илму маърифат халқ оммаси томонидан ўзлаштириб олингандагина ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб фикр юритади.

Б. одамлардан дунёвий фанларнинг ютуқларини ўзлаштириб олишни, ўз даври ижтимоий талаблари, асосан, шаклланган ахлоқ меъёрларига амал қилишни ҳамда инсонпарварлик ғояларини шакллантиришни ҳамда ислом дини таълимоти б-н таниш бўлишни талаб қилган.

У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси б-н боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган. Б. 1919 й.нинг баҳорида Қаршида ўлдирилган. Собиқ иттифоқда Б. меросини ўрганиш таъқиқланган эди. Истиқлол бу борада ҳам кенг имкониятлар яратди.

БЕҲЗОД (Қамолиддин) (1455—1535, Ҳирот) — Шарқ миниатюра мактабининг йирик вакили ва асосчиси. Б. Навоийнинг шогирди бўлиб, «Шарқ Рафаэли» номи б-н жаҳонга танилган. Ҳунарманд оиласида таваллуд топган. Ота-онадан эрта ажралган Б. болалигидаёқ Ҳиротнинг машҳур мусаввири Амир Рухилло (Мирак Наққош) нинг тутинган ўғлига айланади. Ёш мусаввир наққошлик ва миниатюрачилик ҳунарининг сир-асрори б-н Ҳиротдаги Нигористонда (санъат академиясида) танишади. Б.нинг буюк мусаввир, наққош ва миниатюрачи бўлиб шаклланишининг муҳим омилларидан бири унинг 15-а.нинг 2-ярмида машҳур шоир Алишер Навоий назарига тушиб, улуғ мутафаккир ва ҳомий даҳосидан баҳраманд бўлганлигидир. Б. ёшлигидан меҳнатсевар, заҳматкаш, ўткир ақл-заковатга эга бўлган. Алишер

Навоийнинг мактабдош дўсти, подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро Беҳзодни ўз саройига жалб қилади ва ижодий ишлар б-н шуғулланиши учун барча шароитларни муҳайё қилиб беради. 1487 й. да эса Б. Султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсий фармони б-н Ҳиротдаги салтанат кутубхонасига бошлиқ этиб тайинланади. 1510 й.дан Ҳирот сафавийлар қарамоғига ўтгач, Шоҳ Исмоил Сафавий наққошга ижод қилмоқ учун Табризда барча зарур шароитларни яратиб берди. Б. Ҳиротдан кейин Табризда тасвирий санъатнинг яна бир улкан мактабини яратди. 1514 й.да Эрон ва Турк қўшинлари ўртасида (Табриз яқинидаги Чолдорон ҳудудида) қаттиқ ва даҳшатли жанг бўлиб, бу жангда сафавийлар салтанати мағлубиятга учрайди. Шоҳ Исмоил Сафавий жанг майдонидан қочиб, зўрға кутулиб қолади, бир йил Табриз турклар қарамоғида бўлади. Ўша вақт Табриздаги энг эътиборли санъаткор бўлган Б.ни турклар ўз юртига ўлка қилиб олиб кетмасликлари учун атоқли ҳаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурий Табриз яқинидаги ғорга яшириб қўяди. 1522 й.-да Шоҳ Исмоил Сафавий махсус фармон чиқариб, Б.ни Табриздаги салтанат кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. 1537 й.да кексайиб қолган Б. Ҳиротда суюкли жияни ва шогирди Рустам Алининг ўлим тўшагида ётганлигидан хабардор бўлиб, уни кўрмоқ учун Ҳиротга боради. Унинг ўлимидан қаттиқ қайғурган Б. оғир хасталаниб, Ҳиротда оламдан ўтади. Ҳирот аҳли уни шаҳар ёнида, Кўҳи Мухтор тоғи ёнбағрига, жияни ва шогирди Рустам Алининг қабри ёнига дафн қилади. Б. узоқ ва сермаҳсул ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил Сафавий, Шоҳ Тахмосп Сафавийлар ҳукмронлиги даврида ижод қилди ва ўз мактабини яратди. У табиатни тасвирлаш услуги, бўёқлардан фойдаланиш воситалари, расмга олинаётган воқеаларни нозик чизиқларда ифодалаш йўллари, инсон кайфияти ва ҳаракатини акс эттира билишдаги усталиги, расм композициясининг кенглиги ва ажойиб эстетик завқ уйғотиши б-н миниатюра санъатини янги босқичга кўтарди, унинг тарихида янги давр яратди. Б. ижоди ва меросини ўрганувчи мутахассисларнинг фикрича, унинг ҳозиргача маълум бўлган асарлари тахм. 30 та расм ва расмлар туркумидан иборат. Жомий, Бойқаро, Шайбонийхон, Шоҳ Тахмосп тасвирлари, шунингдек, Шарофиддин Али Яздий, А.Жомий, Деҳлавий, Саъдий ва Ганжавий каби мутафаккирларининг асарларига ишланган расм ва миниатюралари бор. 15-16-а.ларда Б. ижодини Ҳиротда, Табризда, Бухорода, Самарқандда, Шерозда, Исфахонда, Истанбулда, Ҳиндистон, шунингдек, улкан Шарқнинг бошқа жуда кўплаб шаҳарларида ижод қилган шогирдлари давом эттирдилар. Султон Муҳаммад Қосим Али Чоҳракушой, Дарвиш Муҳаммад, Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулло, Рустам Али, Шайхзода Хуросоний, Шоҳ Музаффар, Мир Саид Али,

Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло каби ўндан зиёд атоқли мусаввирлар Б. мактабини, унинг услубини ўз замонлари тақозоларига биноан ривожлантирдилар. Б. мактабининг ҳоз. замондаги давомчиларини Афғонистонда (Устод Муҳаммад Саид Машъал), Эронда (Карим Тоҳирзода Беҳзод), Ўзбекистонда (Чингиз Аҳмаров) ва б. Шарқ ўлкаларида кўриш мумкин.

БЁРНХЕМ, (Бёрнем (Burnham) Жеймс) (1905. 22.11 — Чикаго — 1971) — америкалик социолог. Нью-Йорк ун-ти проф. (1929—53). 1955 й.дан «Миллий обзор» («National Review») журнали ношири. «Бошқарувчилар рев-яси» наз-ясини илгари сурган (Асари «The Managerial Revolution» деб номланган, 1941). Б.нинг фикрига кўра, келажакда фақат бошқарув функциясига эга бўлган юқори маъмурият бутун жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бошқарувини таъминлашга қодир бўлади.

БИЛИМ — ижтимоий-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликнинг билиш жараёнида эришилган натижаси; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар, тушунчалар, муҳокама ва наз-ялар орқали ифодаланган инъикоси. Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши. Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа ва ҳодисаларга (қоидаларга) зид келмаса, бундай ишонч Б. ҳисобланади. Воқелик ҳақидаги билган маълумотларимиз Б. даражасига кўтарилиши учун қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозим: биринчидан, бу маълумотларнинг воқеликка мутаносиблиги; иккинчидан, етарли даражада ишонарли бўлиши; учинчидан, бу маълумотлар далиллар б-н асосланган бўлиши лозим. Учала шарт биргаликда мавжуд маълумотларни Б. даражасига олиб чиқади. Инсон ижтимоий тараққиёт жараёнида билмасликдан билишга, мавҳум Б.лардан мукамал ва аниқ Б.лар ҳосил қилиш томон боради. Кишининг моддий дунё тўғрисидаги Б.и нисбийдир, у доим ривожланиб боради. Б. кундалик тажриба, кузатиш орқали тўпланади. Б.ларни тадқиқ этувчи таълимот — эпистемологияда перцептив (ҳиссий), ҳаётий — кундалик (соғлом ақл) ва илмий Б. шакллари ажратиб кўрсатилади. Илмий адабиётларда Б.ларнинг илмий ва илмдан ташқари шакллари ҳам фарқ қилинади. Илмдан ташқари Б.ларга маданият, адабиёт, санъат, мифология, дин ва ш.к. соҳаларга оид Б.лар киради. Одатдаги фан соҳаларида тадқиқ этиладиган Б.лар экзотерик (кўзга ташланувчан) Б.лар деб аталса, астрология, ва ш.к. соҳаларга оид Б.лар эзотерик (пинҳоний) Б.лар дейилади. Экзотерик Б.лар илм-фан қоидаларига зид келмайдиган бўлса, эзотерик Б.лар бундай қоидаларга зид келиши мумкин.

БИЛИШ — оламнинг инсон онгида инъикос этиши жараёни. Инсон ўзини қуршаб олган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури б-н шуғуллана олмайди. Б.нинг маъсули, натижаси билим бўлиб, ҳар қандай касбни эгаллаш фақат билим орқали рўй беради. Б. фақат инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётини заруриятдир (яна қ. *Билиш наз-яси*).

БИЛИШ НАЗАРИЯСИ, (гносеология) — фалсафа бўлими бўлиб, у билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади., билиш жараёнининг босқичлари ва шакллари, билишнинг ишончилиги ва ҳаққончилиги шартлари ва мезонларини тадқиқ қилади. Б.н. ҳоз. замон фанида қўлланиладиган усуллар (тажриба, моделлаштириш, анализ, синтез ва ҳ.к.)ни умумлаштириб, унинг фал-ий-методологик асоси сифатида намоён бўлади. Билиш жараёнида тажриба ва амалиётнинг катта аҳамияти бор. Бу ўринда амалиёт (практика) кенг маънода бўлиб, инсоннинг жамиятга таъсири, табиат ҳодисаларини ўзгартириши, янги нарсалар, жамиятнинг яшashi учун зарурий шарт-шароитлар яратиши тушунилади. Кишиларнинг табиат қонунлари ҳақидаги билимига асосланган амалий фаолиятлари билиш тараққиётини, фан ва техника равнақини белгилайди. Сизги, тасаввур ва тушунчаларимизнинг объективлигини текшириш билиш жараёнининг энг муҳим вазифасидир. Амалиёт — ҳақиқат мезони. Билимларимизнинг ҳақиқийлиги амалиёт орқали текширилади, тасдиқланади. Билиш жараёни жонли мушоҳада (ҳиссий билиш)дан абстракт (мавҳум) тафаккурга, ундан эса амалиётга ўтиш б-н характерланади. Жонли мушоҳада, деганда биз *сизги, идрок, тасаввур* кабиларни, яъни, сизги аъзолари орқали ташқи оламнинг мияга таъсири натижасида пайдо бўладиган инъикос шакллари тушунамиз. Сизги дунёни инъикос этишнинг бошланғич шаклидир. Демак, сизги — объектив дунёнинг субъектив инъикоси. У сизги аъзолари орқали дунё ҳодисаларини, буюмларнинг хусусият ва сифатларини айрим-айрим, бир-бири б-н боғланмаган ҳолда акс эттиради. Идрок қилиш ҳиссий билишнинг мураккаброқ шакли бўлиб, у сизги аъзоларига бевосита таъсир кўрсатувчи буюмни яхлит ҳолда акс эттиради. Инсон миясининг умумлаштирувчи фаолиятига асосланган бу акс эттириш жараёнига кишининг олдинги тажрибалари, абстракт тафаккурнинг фаолияти ва б. ҳам келиб қўшилади. Шуларга асосланган идрок қилиш нарсаларнинг зарурроқ, чуқурроқ томонларини ақдан (фикран) ажратиб олишга ва билишга имкон беради. Мия инсон илгари идрок қилган нарсани ўз хотирасида сақлаб қолиш ва уни қайта тиклаш қобилиятига эга. Сизги аъзоларига таъсир кўрсатмаётган буюмнинг

ана шундай қайта тикланган қиёфаси тасаввур деб аталади. Инсон ҳиссий билиш босқичида тўхтаб қолмайди. У мазкур босқич доирасидан чиқиши, буюмларнинг умумий, зарурий ва муҳим хусусиятлари ҳамда муносабатларини, уларнинг бевосита ҳиссий мушоҳада қилиб бўлмайдиган қонуний алоқаларини билиб олиши мумкин. Бунга абстракт тафаккур — билишнинг мантиқий босқичи орқали эришилади. Билиш жараёнининг сифат жиҳатдан янги, олий босқичи — мавҳум тафаккур жамиятдан ва тилдан ташқарида бўлмайди. У — амалиётнинг, тарихий тараққиётнинг маъсули. Тафаккур воқеликнинг умумлаштирилган, яъни билвосита аксидир. Тафаккур ва тил бир-бири б-н чамбарчас боғланган. Тил бўлмас экан умумлаштириш жараёни ҳам бўлмайди. Ҳиссий билиш сингари мавҳум тафаккур ҳам муайян шаклларда рўй беради. Бу шакллар *тушунча, муҳокама* ва ақлий хулосалардир. Тушунча нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим томонларини акс эттиради. Мас., «одам» тушунчаси ҳамма инсонларга хос энг асосий белгиларни ўзида ифода этади. Муҳокамада буюмларда муайян хусусиятлар мавжудлиги таъкидланади ёки инкор қилинади. Тилда муҳокамалар гап орқали ифдаланади. Бир ёки бир неча муҳокама воситаси б-н янги муҳокама олиш имконини берадиган тафаккур шакли ақлий хулоса деб аталади. Бундай усул б-н мавжуд билимларга таяниб, янги билимлар ҳосил қилинади. 19-а. ва 20-а. бошида билиш тўғрисидаги таълимотда эмпиризм, эмпириокритицизм, идеализм, иллюзионизм, позитивизм, прагматизм, реализм, сенсуализм, скептицизм каби кўпдан-кўп йўналишлар пайдо бўлди.

БИЛИШ УСУЛЛАРИ — билиш жараёнининг тамайли, қонун-қондаси, талаблар тизими, услуб ва воситаси. Қад. файлар билиш методларига катта эътибор беришган (Аристотель). Ўрта Осиё мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, Ибн Сино) билиш жараёнида усулнинг тутган ўрни ва аҳамиятини кенг ёритиб берганлар. Ушбу муаммо Янги даврга келиб, мустақил ўрганила бошланди. 17–18-а. файлари — Ф.Бэкон, Р.Декарт ва б.лар бу муаммога катта эътибор бериб, унинг яратувчанлик аҳамиятини таъкидлашган. Билиш жараёнида эмпирик ва ақлий услублардан қайси бирининг устуворлиги муаммоси илмларни эмпиризм (Бэкон) ва рационализм (Р. Декарт) йўналишларга буриб юборди. Фан тараққиёти илмий билиш усулларини юзага келтирди. Билиш, ўз навбатида, икки поғона-эмпирик ва наза-рий услубларга бўлинади. Кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш ва б.лар эмпирик билиш усуллари сифатида ўрганилади. Назарий билиш методлари деганда, мавҳумийлик, расмийлаштириш, компьютерда моделлаштириш ва ҳ.к.лар тушунилади. Лекин, ҳоз. кунгача билиш усуллари ривожини фан

тараққийетидан анча орқада қолган (Ж. Берналь). Ҳар қандай усулнинг бир қанча жумладан: объектив моҳияти, операционал, қадриятлар жиҳатлари мавжуд. Биринчи жиҳатда, усул наз-я бўлиб, у орқали, нарсанинг жиҳатлари ва моҳиятида билиш ётади, яъни, бу ҳолда, усул наз-я б-н тенглаштирилиб, амалиётда у объектларни билишга қаратилган. Операционал жиҳат асосида субъектнинг компетентлиги, қобилияти ётади. Унинг ушбу томони назарияни қоида, тамойиллар тизимига айлантира боришга асосланган. Қадриятлик жиҳати эса усулнинг самарадорлиги, аниқлиги, тушунарлилиги, ишончилиги каби хусусиятларни ташкил этади. Замоनावий фанларининг ривож турли хил усулларнинг шаклланишига асос солди. Фан усулларини, турли асосларга кўра, сифат ва миқдор, моҳият ва формал, тарихий, мантиқий ва бошқа усуллар сифатида таснифлаш мумкин.

БИОСФЕРА (юн. bios—ҳаёт ва sphaîra—қатлам) — Ернинг ҳаётга макон бўлган тирик организмлар тарқалган жойи, қисми. Бу атамани австриялик геолог Эдуард Зюс биринчи марта 1875 й. ернинг жонли қобиғи, деб таърифлаган. Кейинчалик (жонли) тирик организмларнинг сайёрада тарқалишининг бутун соҳаси В.И. Вернадский томонидан Б., яъни, ҳаётнинг ягона бир бутунлиги жойлашган алоҳида макон сифатида таърифланади. Б. ўз-ўзидан ривожланувчи энг улкан экологик тизим сифатида коинотда нодир ҳодисадир. Вернадскийнинг талқинига кўра, «жонли модда» (материя) бу — ўзига хос бир қанча хусусияти бўлган тирекликка (жонга) эга модда. Айни замонда, геологик жараёнларда қатнашадиган организмлар мажмуидир. Б., бир томондан, тирик модданинг фаолияти, иккинчи томондан эса, планетар экология тизими сифатида органик ҳаётнинг табиий платформасидир. Инсон эса унинг чўққиси. Б. атмосферанинг куйи қисмини, гидросфера ва литосферанинг устки қисмини ўз ичига олади. Инсоният жамияти юзага келиб, фан ва техника тараққий топгач, Б. ноосферага ўтади.

БИОЭТИКА — ҳозирги замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири — инсон ҳаётини энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди. Шу б-н бирга, инсон ҳаётини сақлаш муаммосини яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳоз. замон фанида Б. тирик мавжудотлар, шу б-н бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг ахлоқий регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат б-н узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил этиш асосида, табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Б.нинг маданий негизини ташкил этади. Б., социал масалалар б-н биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Б. мақсадларидан бири — шахсни турли ҳолатларга солиш имко-

ниятларини яратувчи, инсон хатти-ҳаракати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади. Б. муаммоларини ишлаб чиқишда фай.лар, ҳуқуқшунослар, социологлар, тиббиёт ходимлари ва социал этиклар қатнашмоқда. Биоэтик муаммонинг долзарблашуви, илмий техник тараққийёт, биотехнология, ирсият технологиясини ривожланиши б-н боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни мақсадга мувофиқ ва тез ўзгартиришда, инсонга катта қувват берди. Табиий эволюция жараёнлари учун илгари миллионлаб йиллар керак бўлса, энди инсон бу жараёнларни қисқа вақт ичида амалга ошириши мумкин бўлди. Ирсият технологияси ва биотехнология инсон тақдирига бевосита аралашиб, ирсиятни дастурлаштириш, турли тирик организмлар, ирсият асосида янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалаларини кўтариб чиқди. Натижада, инсониятнинг ривожланишини, физиологик жиҳатдан қайта ўқиш имкониятларини, диний ва умуман, умуминсоний ахлоқ нуқтаи-назаридан таҳлил этиш муаммоларини келтириб чиқарди. Ирсиятга қандай маънавий мезонларга кўра, қайси идеалларга, қайси қадриятларга асосланиб, аралашиб муаммолари Б.нинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

БИРЛАШТИРУВЧИ (конъюнктив) ҳукмлар) — икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг «ва» «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий боғловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмлар. Мас., «Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийлар математика фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар».

БИХЕВИОРИЗМ (инг. Behaviour — хулқ) — психологияда кенг тарқалган фалсафий оқим. 19-а. охири ва 20-а. бошида вужудга келган. Унга Э. Торндайк асос солган. Фал-ий асоси—*прагматизм*. Б. вакиллари эмпирик психологияга ва унинг интроспектив (ўзини ўзи кузатиш) методига қарши курашдилар, эмпирикларни субъективизмда айбладилар. Бихевиористлар психология, фал.га эмас (эмпирикларга қарама — қарши), балки табиатшунослик фанларига таяниб кузатиш, тажриба ўтказиш, субъектив методдан объектив методга кўчиш лозим, деган гояларни илгари сурдилар. Б. инсонлар ва ҳайвонлар руҳий дунёсини ўрганиш бевосита ҳиссий органлар ёрдами б-н акс эттириладиган нарсалар ва ҳодисаларга йўналтирилиши керак, деган позицияда туради. Б.нинг наз-ясига кўра, психология фанининг предметни психикани эмас, балки инсон ва ҳайвонлар хулқини ўрганишдан иборат. Б. хулқ деганда организмнинг фақат ташқи муҳитдаги қўзғовчиларга нисбатан қайтарадиган жавоб реакциялари йиғиндисини тушунади. Мазкур наз-яга кўра, психологиянинг

бош вазифаси фақат ташқи таъсир б-н унга қайта-риладиган реакциялар ўртасидаги тенг маъноли боғланишларни аниқлашдан иборатдир. Б. онгнинг инсон хулқидаги ролини ва уни илмий жиҳатдан ўрганишни текширишни инкор қилади.

БОБУР Заҳириддин Муҳаммад (1483.14.2, Андижон — 1530.26.12, Ҳиндистон, Агра ш.) — Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи, олим, темурийлар сулоласининг намояндаларидан бири. Умар Шайх Мирзонинг тўнғич ўғли, Амир Темурнинг набираси. Шайбонийхон Самарқандни эгаллагандан кейин Б. мажбуран она юртини тарк этиб, ўз яқин ёронлари ва аскарлари б-н Қобулга келади. 1526 й.да эса Шимолий Ҳиндистонда ўз давлатига асос солди. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 й. мобайнида ҳукмронлик қилди. Б.нинг Ҳиндистонда эришган буюк ютуғи шундаки, у, биринчидан, марказлашган давлат барпо этган бўлса, иккинчидан, таназулга учраган илм-фан ва маданиятни тиклаш учун уринди. Б. туркий қавм вакили бўлганлиги учун ҳам туркийзабон адабиётнинг Ҳиндистонда ҳам ривожига катта ёрдам кўрсатди. Ўзи ҳам асарларини туркий тилда битди. Ҳатто, фарзандлари Ҳумоюн, Комрон Мирзолар ҳам форсий б-н бир қаторда туркий — чигатой тилда ижод этишган. Б. йирик давлат арбоби бўлиши б-н бирга етук адиб сифатида ҳам сермахсул ижод қилган. Айниқса, «Бобурнома» асарида Урта Осиё ва Ҳиндистон тарихига оид бой маълумотлар тўплаган. Ушбу асар бугунги кунда ҳам бу давр тарихини ўрганиш учун ноёб манба ҳисобланади. Б. Ҳиндистонда тўрт йилдан ошиқроқ вақт яшаб ижод этди ва тахтни ўз ўғли Ҳумоюнга топширди. У Ҳиндистон халқи тарихида бунёдкор подшоҳ сифатида ном қолдирди.

БОДЕН (Bodin) Жая (1530,Анте—1596, Лан) — француз сиёсий мутафаккири, ҳуқуқшуноси, абсолютизм идеологиди. Тулузада ҳуқуқ муаммоларини ўргангач, Парижга келиб, сиёсий фаолият б-н шуғулланган. Унинг сиёсий фаолияти Францияда авж олган диний урушлар даврига тўғри келди. Б. 1576 й.да Блуадаги Бош штатларда учинчи табақа депутати бўлди. Айни пайтда мамлакатни сиёсий инқироздан олиб чиқиш йўллари хусусида бош қотирди. Б.нинг «Республика ҳақида олти китоб» (1576) асари айнан шу масалаларга бағишланган. Н.Макиавелли каби Б. ҳам давлат абсолютизми тарафдори. Шу сабабдан ҳам у давлат манфаатларини ўзга, хусусан, дин манфаатларидан устун қўяди. Манфаатлар ичида энг асосийси мулк б-н боғлиқ манфаатлардир. Бундай манфаатлар оилада жам бўлади. Демак, оила — давлат сиёсатининг асоси бўлмоғи зарур. Давлат оила манфаатларини ҳимоя қилганидагина ижтимоий-сиёсий тузум барқарорлигини таъминлайди, бунинг учун эса у, энг аввало, хусусий

мулкчиликни муҳофаза этмоғи даркор. Оила ва хусусий мулкчиликни ҳимоя қилмоғи учун давлатни меросхўр монарх бошқариши керак, лекин унинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланган бўлиши шарт. Мас., монарх ҳуқуқнинг мутлақ манбаи бўлса-да, халқ розилигисиз янги солиқлар жорий эта олмайди. Кейинчалик Б. «Етти киши диалоги» (1593) китобида бу мулоҳазаларга яна қайтади ва халқнинг ҳукмдорни қатл этиш ҳуқуқини эътироф қилади. Б.нинг сиёсий қарашлари нафақат Франция, балки бутун Европа фойдалари ва сиёсатшуносларига катта таъсир кўрсатган.

БОГАЙ (Batille) (Жерри) (1897—1962) — француз файласуфи, ёзувчи ва иқтисодчи. Франция миллий кутубхонаси ходими (1924). «Dokuments» (1928-30), «Critique» (1946) ва б. журналлар муҳаррири. Б. фаллий ижодининг асосини Гегел фал.сини ўрганиш ва тарғиб қилиш ташкил этади.

БОКЛЬ (Buckle) (Генри Томас) (1821—1862) — инглиз тарихчиси ва позитивист-социологиди, социологиянинг географик мактаби намояндасиди. Асосий асари: «Англия цивилизацияси тарихи» (1857—1861). Б. тарихни теологик талқин этишни танқид қилиб, тарихий жараён қонуниятларини очиб беришни ва бир қанча мамлакатлар мисолида уларнинг амалиётини кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. У Кантга эргашиб, ақлий жараённи тарихий тараққиётнинг асосий факт омили деб ҳисоблайди ва ахлоқий жараённинг мавжудлигини инкор этади. Айрим халқларнинг тарихий тараққиёти хусусиятларини табиий омилиларни (ландшафт, тупроқ, иқлим ва озиқ-овқат) таъсири б-н изоҳлайди.

БОНАВЕНТУРА (Bonaventura) Жовани Фиданца (1221—1274) — мистик файласуф. Августин ғоялари намояндасиди, францискан ордени генерали, кардинал. Парижда ўқитувчилик қилган. Б. ўз замонасининг илғор ғояларига қарши чиқди, Р. Бэкон асарларини эълон қилишни тақиқлади, неоплатонизм ва мистик руҳдаги худони мушоҳада қилишнинг шартлари, босқичлари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди, яъни, тақводорлик б-н ҳаёт кечиришни ҳамда ибодат қилишни Б. ҳақиқатни билишнинг асосий шarti деб ҳисоблади. Ҳақиқатни мушоҳада қилишнинг олий босқичи, унингча, экстаз, яъни гайритабиий ҳолатда хуружга келиб, зикр тушишда намоён бўлади.

БОРЛИҚ — олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган фалсафий категория. Мифология, дин ва натурфал.да мавжудликнинг манбаи нима, деган муаммони ҳал этишга уринишлар бўлган. Фал. ҳақиқий Б.ни англаш ва уни идрок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Парменид Б.

тушунчасининг турли жиҳатларини тадқиқ этди, унга хос бўлган муҳим хусусиятлар сифатида яхлитлик, ҳақиқийлик, эзгулик ва гўзалликни кўрсатди. Ўрта асрларда Б. диний позициядан туриб ўрганилди: ҳақиқий Б. Худодир; олам мустақил эмас, йўқликдан яралган, агар Худо ғамхўрлик қилмаса номнишонсиз йўқолиб кетади. Уйғониш даври фал.си Б.ни табиат сифатида талқин этди: бир томондан, Б. мустақил, иккинчи томондан, у яратувчи ва хўжайинлик қилувчига муҳтождир. Собик иттифоқда устувор бўлган Б. тушунчаси моддийлик б-н айнилаштирилди ва мутлақлаштирилиб, «онг» тушунчасига қарама-қарши қўйилди. Янги замон фал.сида Б.нинг тўрт шакли бир-биридан фарқлана бошланди: табиий Б., ижтимоий Б., маънавий Б., инсон Б. и. 20- а.да Б. тушунчасини янгича талқин этиш Хайдеггер номи б-н боғлиқ. У Б.га поэтик тафаккур нуқтаи назардан қарашни таклиф этди. Б. нарсалар ва инсон конкрет Б.нинг абадий катиф этилишидир. Ҳоз. замон фал.сида Б.нинг муқобил тушунчаси — йўқлик ҳам атрофлича ўрганилмоқда.

БОТИН (араб.—яширин) — асосий фалсафий тушунчалардан бири. Зоҳирнинг муқобили.

1. **Б. зоҳир каби** Аллоҳнинг исмларидан бири бўлиб, ушбу маънода у барча сиру асрор яширин нарсаларни билгувчиси, шунингдек, барча халойиқ ва уларнинг ваҳму тасаввуридан яшириндир. Ҳеч бир кўз уни кўришга ва ҳеч қандай ваҳму хаёл уни қамраб олишга қодир эмас.

2. **Б. аҳли:** илоҳий сиру асрордан воқиф бўлган орифлар.

3. **Б. илми** (илм ул-ботин): ботиншунослик, инсон қалбининг аҳволини билиб олиш «тахлия» ва ундан кейин «тахлия»дан иборат. Ушбу илми тариқат ва ҳақиқат илми ва тасаввуф илми деб ҳам атайдилар. Тахлия, яъни, бўшатмоқ, тасаввуф ва фал. атамаси сифатида ишлатиб, ботинни (ички дунёни) ёмон ахлоқ ва ёвуз хислатлардан бўшатиб, Тангридан бандани узоқлаштирувчи нарсалардан ўзини тийишдир. Тахлия, (безатмоқ, ясамоқ) фал.да ақлнинг амалий кучи мартабаларидан бири бўлиб, нафсни олий сифатлар ва эзгу хислатлар б-н бе-заҳдан иборатдир.

4. **Б. етти имомга ишонувчи исмоилий шиаларидан бир гуруҳи** бўлиб, илоҳий исмлар ва сифатларга шак-шубҳа кўзи б-н қарайдилар. Уларча ҳар бир зоҳирнинг Б.и бор. Қуръон оятларининг зоҳирий (юзаки) маъносини эмас, балки ботиний, яъни, ички маъноси англаб олиш керак. Бу эса фақат таъвил (яъни, Қуръон оятларини асл маъносидан узоқлаштириб изоҳлаш) орқали муяссар бўлади. Носир Хусрав Балхийнинг айтишича, Қуръонни таъвилсиз қабул қилган кишининг, дин бўйича, ўнг кўзи кўр бўлади.

Шу йўсинда ботиния раҳбарлари ҳар бир оятни ўз истакларича таъвил қилиб, улардан ўзлари кўзлаган мақсадларини чиқариб олишлари мумкин бўларди. Уларча, асосий мақсад шариатнинг зоҳири эмас, балки унинг ботиний маъноси ва ички мазмунидир. Шариатнинг зоҳири (намоз, рўза, закот, ҳаж) оддий ва оми одамлар учундир, аммо юксак билим даражасига эришганлар учун шариат таклифлардан озод бўладилар. Улар учун ибохат (барча нарсаларнинг мубоҳлиги, яъни, раволиги) эълон қилинади. Жомийнинг ёзишича, улар шариатга итоат қилишни авомуннос вазифаси деб билиб, ўзларини шариатга бўйсунтиришдан озод деб билдилар.

Ботиний шиалар илоҳий исмлар ва сифатларни (яратувчининг исмлари ва сифатларини) ақли аввало (биринчи ақл), яъни уларнинг таъбирича, биринчи марта адамдан (йўқликдан) яратилган қаламга нисбат бериб, коинот ишларини ақли фаёл (ўнинчи ақл) бошқаради деб ишонадилар. Уларча, Яратувчи биринчи ақлни яратгандан кейин хилқат (яратиш) ишларига аралашмаган. Шу сабабли уларни Абу Ҳомид Фаззолий ва Шаҳристоний «Муаттила», яъни илоҳий иродани тўхтаб қолишига ишонувчилар, деб номлаганлар.

Исмоилий шиалари, ботинийлар ва қарматийлар хавориждан сўнг ислом дунёсида юзага келган эдилар. Улар ҳокимиятни қурол ишлатиш, қон тўкиш ва террорчиликдан фойдаланиш йўллари б-н қўлга киритишга ишонганликлари учун мусулмон жамоалари учун оғир мусибатларга сабаб бўлдилар. Абу Райҳон Беруний «Ал-Осорул боқия анил қуронил холия» китобида, Хожа Низом ул-мулк «Сиёсатнома»да, Ал-Богдодий «Ал-фарқу байнал фиروق» китобида улар олиб борган террорчилик фаолиятлари ҳақида муфассал маълумот бериб ўтганлар. Уларга кўра, қарматийлар каъбага ҳужум қилиб, минглаб ҳожиларни қатл этгандан кейин ал-Ҳажарул асвад (қора тош)ни ўпириб олиб кетиб неча йилларгача, сақлаб қолдилар.

Тарихи Рашидий муаллифи ёзишича, ботинийлар 48 та дин ва давлат арбоблари, жумладан, салжуқийларнинг бош вазири Хожа Низом ул-мулк, унинг икки ўғли Аҳмад ва Фаҳр-ул-мулк, шунингдек, аббосий халифаларидан Ар-Рашид билло ва Ал-Мустаршид биллони террор қилдилар. Салжуқийлар томонидан Мусил ва Ҳалабнинг ҳокими этиб тайинланган ва Европаликларни Ҳалабдан ҳайдаб чиқарган Сунқур ал-Бурсуқийни (1126 й) масжид-да ўлдирдилар.

Ботинийлар Мовароуннаҳрда игво тарқатиб, тинчликни бузганликлари учун сомонийлар султони Нуҳ ибн Наср томонидан қатли омм қилиндилар. Уларнинг машҳур раҳбарларидан бири Ақоша Балх шаҳрида дорга осиб ўлдирилди.

Буюк имом Абу Мансур Мотуридий ботинийлар ва қарматийларга қарши қураш олиб бориб, «Қарматийларга раддия», «Таъвилот ул-аҳлис-сунна» ва б. китоблари б-н уларни ғоявий томондан синдирди ва улар тарқатган фикрларнинг асоссизлигини исботлаб берди.

БОТИНИЙЛИК ВА ЗОҲИРИЙЛИК — инсоннинг ички, қалб, кўнглидаги ҳиссиётлари ва уларни сиртқи томондан, ташқи кўринишда ифодаланиши. Инсон ташқи томонидан ғариб, ночор кўринса-да, унинг Б. ҳиссиёти, қалби, кўнгли ниҳоятда нозик ва маънавий бой бўлиши мумкин. Ёки аксинча, сиртдан қараганда, кам-кўстсиз, салобатли кўринган киши ҳиссиётсиз, қалби кўр бўлиши мумкин. Б. инсонга илоҳий бахш этилган неъмат, у буюк кишиларнинг зоҳирий фаолиятларида ёрқин ифодасини топган.

БОР (Bohr) Нильс Хенрек Давид (1885—1962) — Даниялик физик. Дания ФА аъзоси (1918), Копенгаген ун-ти проф. (1916) ва шу ун-т наз-ий физика и-ти. бўлими бошлиғи (1920), Квант наз-ясини яратувчиларидан бири. Б. Планкнинг квант наз-яси ва Резерфорд таълимоти асосида қурилган атом модели яратувчиси сифатида машҳур. Б.нинг илмий қизиқишлари физика б-н фал.нинг гутааш соҳасида, физик наз-яларнинг тушунчавий аппарати доирасида бўлиб, уларга умумметодологик нуқтаи назаридан туриб ёндашган. Б. квант механикасининг ривожидagi методологик қийинчиликларни бартараф қилиш, уни изоҳлаб бериш учун қўшимчалик принципни — қўшимча тасвирлаш усулини илгари сурган ва ривожлантирган. Бу принципни билишнинг турли соҳаларида татбиқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаган. Б. атом физикаси ривожининг ижтимоий-сиёсий оқибатларидан ниҳоятда ташвишланган. У уруш хавфини бартараф қилиш мақсадида атом қуроли устидан қаттиқ халқаро назорат ўрнатишни даъват қилган. Нобель мукофоти лауреати (1922).

БОШЛЯР (Bachelard) Гастон (1884—1962) — франциялик файласуф, эстетик. Унинг «интеграл рационализм» қарашларида Берханнынг ўзига яраша қарам-қаршиликлардан чекланмаган мотивдаги фал-си, психоаналитика (айниқса, Юнг томонидан талқин қилинган варианты) ва анъанавий эпистемология кўшилиб кетган. Б. ўз мавқеини ҳоз. фал-ий мактабларнинг кўпчилигига қарши қўяди. Унинг машҳур асарларидан бири «Фалсафа эмас» (1940). Бир вақтнинг ўзида бу ном «фандаги янги руҳни» акс эттиради (Евклид геометрияси эмас, Ньютон физикаси эмас, «Лавузье» хилида эмас). Б. тафаккур эпистемологиясини фан тараққиётининг тарихий йўналишларини ўрганиш сифатида билади. Илмий билишни характери жиҳатидан Б. уч хил диалектикага ажра-

тади: ички, ташқи ва у ёки бунинг йиғмаси. Соф аксиоматика нуқтаи назаридан (энг аввало математик) «ички диалектика» жой эгаллайди, яъни ақл ўз ичида бўлакларда кўринади, бунинг натижаси илгари ўйланмаган.

БОЭЦИЙ ((Boethius) Аниций) Манлий (тахм. 480, Рим — 524, Павия) — Рим христиан файласуфи, давлат арбоби, қомусий олим, ўрта асрлар схоластикасининг асосчиларидан бири. Католик черкови уни Северин номи б-н авлиё деб эълон қилган. Аницийлар аристократик сулоласи вакили Б. Равеннада остготлар қироли Теодорих саройида магистр — оффиций (биринчи министр) лавозимида хизмат қилган. Теодорих 493 й. Византия кўмагида Римни бошиб олгач, 526 й. гача «готлар ва италияликлар қироли» сифатида ҳукмронлик қилган. У ўз саройига Рим олимлари ва ёзувчиларини, жумладан, Б.ни ҳам жалб этган. 5-а. охири 6-а. 1-ярми маданиятидаги энг муҳим жиҳат остготлар Италияси ва вестготлар Испанияси маданий ҳаётини жонлантириб юборган антик меросини ўрганишга жиддий киришиш б-н боғлиқ эди. Шундай бир даврда Б.нинг ижодий, илмий фаолияти тўсатдан тўхтатилган. Барча соҳаларда, айтиқса, антик меросни ўрганиб, тарғиб қилиш борасида муваффақият қозонаётган Б., ўзи англамаган ҳолда, рақиблар орттиради. Душманлари уни Византия саройи б-н яқинлашиб, Теодорих давлатига хиёнат қилишда айблайди. Шундан сўнг Б. қамоққа олиниб, кейинроқ қатл этилади. Б. антик дунё ва ўрта асрлар ўртасида воситачи, кўприк вазифасини бажарган. У «сўнгги римлик ва биринчи схоласт» эди. Шу боисдан ҳам Б. «схоластиканинг отаси» деб аталади. Б. ўз даврининг энг маълумотли кишиларидан бири бўлган. Афинада таълим олганлиги сабабли у юнон фанлари ва фал.сини яхши билган. Б. неоплатонизмнинг Александрия йўналиши вакили бўлган. Теологик асарларида христианлик ғояларини тарғиб этган. Аристотель, Никомах, Порфирий, Евклид асарларидан таржималар қилган, уларга шарҳлар ёзган. Б. соф маърифатчилик ғояларига асосланган асарлар б-н бир қаторда теологияга доир рисоалар битган. Асосий асарлари: «Арифметикадан ўғитлар», «Муסיқадан ўғитлар», «Порфирийга шарҳлар», «Категорик силлогизм тўғрисида», «Мантиқий бўлиш ҳақида», «Қандай қилиб Троица уч эмас, ягона Худо», «Гипотетик силлогизм тўғрисида», «Евтихий ва Нестройга қарши» ва б. Унинг қамоқдалик чоғида ёзган, жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган «Фалсафадан таскин топиш ҳақида» асари кўплаб тилларга таржима қилинган.

БРАХМА — Ведалар адабиётида Худонинг яратиш қудрати ато этилган буюк фаришта. Б.га моддий коинотни, ундаги барча тирик ва нотирик мавжу-

дотлар б-н бирга, яратиш вазифаси юклатилган. У 100 й. умр кўради. Унинг бир кунни Кальпа деб аталади ва ҳар бири тўрт югадан иборат минг давр давом этади. Бу тўрт юга: Сатъя-юга, Трета-юга, Двапара-юга ва Кали-юга деб аталади. Сатъя-юга 1.728.000 й., Трета-юга 1.296.000 й., Двапара-юга 864000 й. ва Кали-юга 432000 й. давом этади. Б.нинг туни ҳам минг калпа давом этади. Б.нинг 100 й.лик умри Ердаги вақт ҳисоби бўйича 311 триллион 40 миллион й.га тенг. Шундан кейин Б. ўзи яратган коинот б-н бирга яна мавҳумлик ҳолатига ўтади.

БРАХМАН — қадимги ҳинд фалсафасига оид категория бўлиб, Худо маъносиди тушунилади. Веданта фал-ий мактаби таълимотида Б. шахсий қиёфага эга бўлмаган борлиқнинг асосини ташкил этади. Б. абадий, чексиз, аморф замон ва макондан ташқарида. У — мутлақ ҳақиқат, дейди Шанкара. Раманужага кўра эса, Б. шахс аниқ қиёфада (Вишну, Шива ва б. худолар қиёфасида) гавдаланади. Моддий дунё Б.нинг кўриниши бўлиб, у реалдир. Б. субстанция, моддий дунё эса атрибутдир.

БРАХМАНИЗМ — қадимги ҳинд дини. Номи *ведалар* таркибидаги илоҳий трактатлар — *брахман*лардан келиб чиққан. Веда дини асосида мил. ав. 1-минг й.ликнинг 1-ярмида вужудга келган. Б. Брахман худосининг мавжудлиги, унга эътиқод тамойилларини эътироф этиш ва амал қилишни тарғиб этган диний оқим. Ҳиндларнинг қад. эпослари Маҳабхарата ва Рамаяналарда, муқаддас китоблар саналмиш *Упанишадлар*да, Араньякиларда брахман ҳақида таълимотлар келтирилади. Брахман шахссиз, ноҳисмий, сифатсиз моҳият бўлиб, ҳамма нарсанинг асосида ётади, деб таъкидлашган. Б. давлати бу — Худонинг ердаги макони. Уни инсон қиёфасида худолар бошқаради. Б.да жамият табақаларга бўлинади, деб кўрсатилади. Б.да қад. ведавийлик Худолари — Индра, Агни, Варуна, Сурья ўз аҳамиятини йўқотган. Унинг ўрнига биринчи ўринга Брахма, Шива ва Вишну худолари қўйилади. Б. Ҳиндистонда мил.ав. 5—4-а.ларга қадар мавжуд бўлган, кейинчалик унинг ўрнига *буддизм* дини юзага келди.

БРЕДЛИИ (Breadly) Фрэнсис Герберт (1846. 30.01, Крапем — 1924. 18.9, Оксфорд) — инглиз идеалист файласуфи, инглиз неогегелчилигининг етакчи вакиллари. Б. материя, макон ва замонни фақатгина кўриниш ва ҳодиса сифатида талқин қилган. Реал мавжудлик, Б. фикрича, маънавий «мутлақ» ягона, кенг қамровли, уйғунлашган маънавий тизимдир. Панлогизм ва Гегелнинг диалектик мантиқига қарши бўлган ҳолда, Б. қарама-қаршиликларнинг ички зиддиятчилиги ва бирлиги тамойили турфа хилликнинг зиддиятларсиз бирли-

ги ва яхлитлиги сифатида майдонга чиқувчи «Мутлақ»га хос эмаслигини таъкидлайди. Ички зиддиятчилик реаллик бўлолмайди у фақатгина кўриниш, холос. Б.нинг таъкидлашча, тушунчалар аниқ бўлган кўп хилликни инкор этувчи абстракциялардир. Ҳукм ва ақлий хулосалар эса формал бўлиб, ҳақиқатнинг ўлчови бўлолмайди. Этикада Б. *утилитаризм*, *гедонизм* ва Кант қатъий императиви ригоризмини инкор этган. Уларга нисбатан шахснинг ўз-ўзини камолотга етказиш этикасини қарши қўйган. Б.нинг фикрича, жамият бу — индивидлар йигиндиси эмас, балки камолотига ахлоқ ва дин хизмат қилувчи организмдир. Б.нинг ғоялари инглиз идеалистик фал.сига сезиларли таъсир кўрсатган.

БРИЛЛ (Brill) Абрахам (1874—1948) — америкалик психиатр, руҳий таҳлил назариётчиси, медицина д-ри (1903), Нью-Йорк ун-ти проф-и. Ёшлигида Австриядан АҚШга кўчиб келиб, дастлаб Нью-Йорк шаҳар коллежида таҳсил кўрган. Спинозанинг фал-ий таълимотини чуқур ўрганди. 1903 й. Нью-Йорк шаҳар шифохонасида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. А.Майер раҳбарлигида невропатология ва психиатрияни ўрганди. Сўнгра Юнг ва З.Фрейд б-н яқиндан танишди. Фрейднинг руҳий таҳлил наз-яси б-н қизиқиб қолди. 1908 й. психоаналитикларнинг Зальцбургда бўлиб ўтган биринчи Халқаро Конгрессида фаол қатнашди. 1908-1910 йиллари Б. АҚШда ягона психоаналитик-врач сифатида танилди. Ж.Патнем, С.Желлиффа сингари шогирдлар тайёрлади. Б.1910 й.дан Колумбия ун-тида психоанализ бўйича лекциялар ўқий бошлади. Америка психоаналитик уюшмасининг қатор конгресслари (1920, 1929-1935) ишига бевосита раҳбарлик қилди. У шизофрения, руҳий хасталик туфайли ўз-ўзини ўлдириш, ўткир зехн ва юмор динамикаси масалалари б-н кўпроқ шуғулланди. У ҳозиржавобликни юксак даражада ривожланган цивилизацияли инсоннинг фазилати ва онгли механизм деб таърифлади.

Б. 1913 й. эълон қилган «Психоанализ: унинг наз-яси ва қўлланиши» асари Америкада психоанализ бўйича эълон қилинган биринчи асар бўлиб қолди. У 1933 йили Америка психиатрия уюшмаси қошидаги психоанализ бўлимининг биринчи раиси этиб сайланди. 1947 йили ўзининг шахсий кутубхонасини Нью-Йорк психоаналитик ин-тига совға қилди. Асосий асарлари «Психоанализнинг фундаментал концепцияси» (1921), «Фрейднинг психиатрияга қўшган ҳиссаси» (1944), «Психоаналитик психиатрия бўйича лекциялар» (1946).

БРУНО (Bruno) Жордано (1548, Нола — 1600.17.2, Рим) — итальян файласуфи. 1566—75 йилларда монастир ҳузуридаги мактабда таълим олган. Диндор

унвонига ва фал. илмий даражасига эга. Ўзининг диндорлик фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмаган Б. дин ва черковга қарши чиқишлар қилган. Оқибатда, католик черкови томонидан таъқибга олинган. 1575 й.да монахликдан воз кечиб, Римга қочади, кейин Швеция, Франция, Англия ва Германияда яшайди. Ун-тларда астрономия ва фал.дан маърузалар ўқийди. Ўрта аср схоластик фал.сига, католик черковига қарши асарлар ёзади. 1582 й.да ўзининг биринчи фал-ий «Ғояларнинг сояси ҳақида»ги асарини ёзди. Шундан сўнг 1584 й.да: «Кукун устидаги базм», «Ибтидо ва бирламчи сабаб ҳақида», «Коинот ва олам, чекланмаганлик ҳақида», «Тантана қилган ҳайвонларнинг қувилиши»; 1585 й.да «Печаснинг сири, Килен эшагининг иловаси б-н»; 1591 й.да «Жуда оз ва уч қиррали ўлчов ҳақида», «Сонсиз-саноқсизлик ва ўлчовсизлик ҳақида» ва б. асарлари нашр этилади. Б. 1592 й.да Италияга қайтади. Ўша йили ҳукмрон дин қондаларига хилоф ишлар қилгани учун Венеция инквизициясининг кўрсатмасига мувофиқ қамоққа олинади. Етти йилдан ортиқроқ умрини инквизиция қамоқхоналарида ўтказди. Қамоқхоналарда ундан, ўзининг фал-ий, илмий-табиий ғояларини рад этишни, ёлғон дейишни талаб қиладилар. Б. ўзининг фал-ий эътиқодидан воз кечмайди. Бундан газабланган католик черкови Б.ни тириклигини гулханга ташлайди. Б. фикрига кўра, фал.нинг асосий вазифаси табиат устида турган Худони ёки нариги дунёнинг сирларини эмас, балки табиатнинг ўзини ўрганишдан иборат бўлмоғи зарур. Шунинг учун ҳам, Б. фал.сидаги энг асосий ғоя илоҳийлик ва табиийлик, моддийлик ва идеаллик, тана ва руҳият, ақлийлик ва ҳиссийлик, коинот ва ердаги ҳаётнинг диалектик алоқадорлиги муаммоларини аниқлаб беришдан иборат. Натурфал. ва космология соҳасида Б. бир қатор ғояларни илгари сурдики, улар тўлалигича ўрта аср илоҳиёти ва схоластикаси тамойилларига зид эди. Худди ўша ғоялар уни бидъатчиликда айблаш учун инквизицияга йирик дастак бўлди. Б. коинот ва табиат чексиз-чегарасиз, унинг на боши, на охири бор, деган фикрни илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилди. Ўз фикр-мулоҳазаларини исботлаш учун, Худони чексиз қудратга эга эканлиги, шунинг учун у ҳеч қачон чегараси, охири бор нарсаларни яратмайди, деган далилдан ўринли фойдаланди.

Б. коинотда мавжуд бўлган турли сайёралар, ҳатто, осмон ёриткичлари орасида ҳам ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир борлигини исботлаб беришга уринди. «Коперник қарашларини давом эттириб, ҳар қандай осмон ёриткичининг, ўзини алоҳида бир мутлақ марказ дейиш мумкин. Бу марказ ҳамма жойда бўлиши ҳам, ўз навбатида ҳеч қаерда бўлмаслиги ҳам мумкин. Коинот чексиз-чегарасиз бўлганидек, унинг турли оламлари ҳам чексиз-чегарасиздир», — деб таъкидлайди. Б. ўзи

яратган моддий ва маънавий субстанциянинг бирлиги тўғрисидаги таълимотга суяниб, шундай хулосага келдики, сон-саноқсиз дунёларга ички ҳаракат манбаси вазифасини илоҳий қудрат эмас, балки универсал дунёвий жон бажаради.

Б. Ренессанс даври аъёналарини давом эттириб, билиш жараёнида ҳар қандай обрў-эътиборга сажда қилишга, уни мутлақлаштиришга қарши чиқди.

Б. фай.ларни турли баҳс-мунозараларига сабаб бўлган ҳақиқатни аниқлаш жараёни секинлик б-н амалга ошиши тўғрисидаги фикрни илгари сурди. Ушбу жараёнга инсоннинг ҳис-туйғулари, идроки, фаҳм-фаросати, фикр-мулоҳазалари иштирок этади. Б.ни таъкидлашча, билиш жараёнида ҳиссий босқични аҳамияти унча катта эмас, чунки ҳис-туйғу инсонга ақл кўзғатиш, унга ички стимул бериш учун керак. Ақлни кўзғатиш, ҳиссий қандай такомиллашган бўлишидан қатъий назар, айрим ноаниқликлардан холи эмас. Б. таълимоти янги турдаги дунёқараш сари босилган катта қадам, янги қадам қиёфасини олдиндан тасаввур қилишнинг ёрқин намунаси эди. Унинг муросасиз курашга тўла ҳаёти афсонага айланиб қолди. Унинг ҳаёт йўли ўзи орзу қилган «Қаҳрамонона энтузиазм», ҳаётда фаол бўлишнинг ёрқин намунаси эди. Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган ҳамда илоҳий муҳаббатдан ўзгача ҳузур-ҳаловат оладиган ва ўзининг ҳаёти ҳақида мутлақо ўйламайдиган энтузиазм эди.

БУБЕР (Buber) Мартин (ёки Мардохий) (1878.8.2, Вена—1965.13.6, Иерусалим) — яҳудий илоҳиётчи файласуфи ва ёзувчиси, *иудаизм* вакили. 1933 й. Германиядан Швейцарияга, кейинроқ Фаластинда эмиграцияда бўлган. 90-й.ларда сионизмга келиб қўшилади, бироқ кейинчалик сиёсий сионизмдан қайтиб яҳудий миллий — маданий ҳаракатининг кўзга кўринган мафкуравий йўлбошчиларидан бири бўлган. 2-жаҳон урушидан кейин Б. араб-яҳудий душманлигини, фаластинлик арабларга нисбатан ноинсоний муносабатларни қоралаб чиқди. Б.нинг фал-ий қарашлари экзистенциализмга яқин туради, ундаги бош ғоя— борлик, Худо ва инсон, инсон ва дунё ўртасидаги «мулоқот» (диалог) дан иборат («Мен ва Сен» — «Ich und Du», 1922). Б. «Юнон моногизмига қарши турувчи «Сухбатдош руҳ» асарида қад. Библия аъёналарини тиклашга ҳаракат қилади. Б. пантеистик (Худо б-н табиат бир деб қаровчи) фал-ий оқимнинг хасидизм йўналишига алоҳида эътибор берган. Б.нинг социологик қарашларида анархизмнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этган.

БУДДА (*санскрит*. Буддаҳа—нурланган)—*буддизм* дини асосчиси. Қад. ҳинд афсонасида айтилишича, Б. гўё инсониятни азоб-уқубатлардан халос қилиш учун пайдо бўлган. Б.нинг асли номи Сиддхартха

Гаутама бўлиб, мил.ав. 623-544 й.ларда яшаган. Б. бадавлат хонадонга тааллуқли шахс. Гайритабиий фазилатларга эга бўлганлиги учун ота-онаси уни ташқи дунёдан ажралган ҳолда уйда ўқитувчилар ёллаб ўқитган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Гаутама 29 ёшида уйини тарк этиб, ўрмонларда қаландарона ҳаёт кечириб, 40 ёшга тўлганда Банорас шаҳрида ҳаётнинг сирларини очганлиги учун унга Б., яъни «Нурланган» деган ном беришган.

БУДДИЗМ (*Будда* номидан олинган) — диний — фалсафий таълимот, вужудга келиши жиҳатидан биринчи жаҳон дини. Б. асосчиси—шаҳзода Сиддхартха Гаутама (мил.ав. 567—488 й.) вафотидан сўнг «ҳақиқат нажоткори» — Будда деб атала бошлаган. Ягона таълимот сифатида шаклланган Б. дастлабки асрдаёқ 18 мактабга бўлиниб кетган. Бир неча соборларда уни бирлаштиришга уриниш натижасиз якунланган. Мил. 1- а.да Б. хинаяна (кичик аравача ёки нажот топишнинг тор йўли) ва махаяна (катта аравача ёки нажот топишнинг кенг йўли) оқимларига бўлиниб кетган. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқда вужудга келган Б. кейинчалик Хитой, Тибет, Жанубий-Шарқий Осиё, Япония, Мўғулистон ва б. кенг тарқалган. Кушонийлар даврида Б. Туркистонда ҳам давлат дини мақомига эга бўлган. Ҳоз. даврда Б.га 400 млн.дан зиёд эътиқод қилувчилар ва 1 млн. роҳиблар мавжуд. Б. фал.си ведалар матнлари асосида яратилган. Сиддхартха ўз таълимотининг асосий қоидаларини Банорасдаги тарғиботида «тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган: 1) азоб-уқубат ҳақидаги таълимот; 2) азоб-уқубат сабаблари ҳақидаги таълимот; 3) азоб-уқубатлардан халос бўлиш ҳақидаги таълимот; 4) азоб-уқубатлардан қутқаришнинг нажот йўллари топиш ҳақидаги таълимот. Бу сўнгги таълимот ечими «Нажотнинг олижаноб саккизлик йўли»да ўз ифодасини топган: тақводорлик эътиқоди, қатъияти, сўзи, иши, турмуш тарзи, тақводорликка интилиш, тақводорликни орзу қилиш, тақводорлик фикри-хаёли б-н яшаш. Бу йўлга амал қилган одам оқибатда юксак камолотга эришади, яъни у архатга (чин ҳақиқатни англаб етган авлиёга) айланади ва нирванага ўтади. Б.да нажот бу дунёдан, яъни, сансарадан нирвана (рўшнолик)га ўтишдир. Б.да олам уч босқичли деб таърифланади. Унинг биринчиси энг юқори (арупалока) нирвана. Нирвана — мутлақ осойишталик ҳукм сурадиган олам. У ерда инсон барча турмуш ташвишларидан халос бўлади, унинг ҳаётгий истаклари ҳам, туйғулари ҳам, эҳтирослари ҳам бўлмайди. Нирвана—қайта туғилишлар силсиласининг олис қисми, инсоннинг б. қиёфаларга киришининг тўхташи (яъни жоннинг кўчиб юриши). Ўзга жаҳон динларидан фарқли ўлароқ, Б. талқинича, жон абадий эмас. Иккинчи олам (рупалока) — бодисатва, руҳий мавжудотлар б-н

тўлган жаннат. Унда Амитабха (5 олий будданинг бири, жаннатнинг яратувчиси) ҳукмронлик қилади. Бу оламда руҳ гуноҳидан халос бўлган, лекин энг олий оламга кўтарилмаган авлиёлар яшайдилар. Оламнинг шу қисмидан кишиларга тўғри йўлни кўрсатиш учун Будда таълимоти юборилади, деб ҳисобланади. Учинчи олам (камалока) бу энг қуйи оламдир. Унда одамлар ва ҳайвонлар яшайдилар. Оламнинг бу қисмида руҳ қафасда яшайди. У чангалдан қутулиш ва юқори оламга кўтарилишга ҳаракат қилади. Руҳ юқори оламга ўз-ўзидан эмас, балки одамларнинг савобли ишлари орқалигина кўтарилиши мумкин. Агар одамлар Б.га эътиқод қилсалар, уларнинг жони бир неча қайта туғилишлардан сўнг жаннатга ва ундан сўнг нирванага кўтарилади. Ёмон кишиларнинг руҳлари эса, қуйи дунёда азобланиб қафас ичида юраверади, юқори оламга кўтарилмайдилар. Агар инсон ҳирсий алданишларга берилиб кетса, ундан қутула олмаса, унинг руҳи бир неча қайта туғилишлардан сўнг дўзахга тушади. Б. таълимотига кўра, ўлим инсонни ҳаёт азоб-уқубатларидан халос эта олмайди. Сансаранинг оғир азоб-уқубатларидан фақат узоқ қайта туғилишлардан сўнг архат ҳолатига эришган кишиларгина халос бўлишлари мумкин. Тирик мавжудот қайта туғилиши натижасида нафақат инсоний, айна пайтда, бошқача қиёфада (ҳайвон, ўсимлик, ёмон, руҳ, Худо) ҳам намоён бўлиши мумкин. Гаутама ягона Будда эмас. Бундай Буддалар махаянада 1000 нафарни ташкил этади. Уларнинг энг машҳурлари Гаутама Сиддхартха, яъни, Будданинг асосчиси; Майтерия-келажак Буддаси, у келгусида дунёни бошқараётган ҳоз. Будданинг вориси; Манжушри — Будда — донолик тимсоли; Арибудда — дунёнинг яратувчиси; Амитабха (Амитаба) — жаннатнинг яратувчиси ва ҳукмдори. Махаянанинг ҳоз. даврдаги энг муҳим кўриниши — бу ламаизмдир. У 15-а. охири 16-а. бошларида Тибетда вужудга келган (тибетча «лама» — энг улуғ, олий Будда роҳиби) Будданинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади, гуноҳлардан покланади. 5-а.да Будданинг алоҳида оқими важраяна («олмос аравача») шаклланган. Важраяна фал.сининг характерли жиҳати йога амалиётини ҳисобга олган ҳолда Будданинг барча ғояларини умумлаштиришга интилишдан иборат, Хитойдаги Б. Лао Цзи таълимотига мослашган, *даосизм* б-н ҳамоҳанг ҳолда ривожланган бўлса, Японияда бундай ҳолат *синтоизм* б-н боғлиқ. Ҳоз. даврда Будданинг кўзга кўринган назариётчиси ва фай.и Сузуки ҳисобланади. Будданинг муқаддас матнлари ва манбалари «Лалитавистара» («Будда ҳаёти»), «Трипитака» («Уч сават донолик») ва Винояпитака (ахлоқий метёрлар); б) Суттапитака (дуолар); в) Абхидхаммапитака (диний-фал-ий масалалар баёни), «Дхаммапада» (Будда фикрлари, ғоялари). Б.да Дхармаларнинг норсал-

лиги ёки шунёт (бўшлиқ) ҳақидаги таълимотни Нагаржуна (2 а.) мантиқий равишда асосланган. Б. оила-турмуш, байрамларни ҳам қамраб олиб, ижтимоий ин-тлар тизимини шакллантирган, турмуш тарзига чуқур таъсир кўрсатиб келмоқда. Б.га асосланган маданият ўз фал-си, меъморчилиги, тасвирий санъати, адабиёти, тафаккур шакли б-н ўзига хос руҳият дунёсини шакллантирган. 1950 й.да умумжаҳон Буддистлар биродарлиги ташкил этилган.

БУНЁДКОР ҒОЯЛАР — 1) ижтимоий-фалсафий тушунча; 2) жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

Б.ғ. таъсирида инсон эзгуликка етиш, миллатлар ва давлатлар эса, озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюк тарихий ғалабаларни қўлга киритади. И. Каримов таъкидлаганидек, ўзида гуманизм талабларини акс эттирадиган, инсон камолотига, жамият ривожига, миллат тараққиётига, халқнинг ирода ва интилишларига хизмат қиладиган, уни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар Б.ғ.дир. Улар инсоннинг ички яратувчилик моҳияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одамларни комиллик ва фозиллик сари ундайди, имон-этиқодини мустаҳкамлайди, ҳаётга ижобий мазмун бахш этади. Б.ғ. инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, Б.ғ. ғояшуносликнинг махсус категорияси сифатида таҳлил ва тадқиқотларга муҳтож. Бизда бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш эндигина бошланмоқда. Ҳолбуки, мазкур тушунчанинг тузилиши, уни ташкил этадиган унсурлар, уларнинг намоён бўлиши алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Шу билан бирга, жамият тараққиётининг туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида Б.ғ.нинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар томон сафарбар этиш хусусиятларидан ижобий фойдаланиш масалалари бениҳоя катта аҳамият касб этади. Ватанни севиш, юрт тинчлигини асраш, халқ фаровонлиги йўлида курашиш — Б.ғ.нинг маъно-мазмунини белгилайди. Тарих ҳам, бугунги ҳаётимиз ҳам ўз фарзли мақсадларига эришиш учун юксак ғояларнинг жозиба кучидан фойдаланишга уринувчи ёвуз кучлар ҳамма вақт ҳамма замонларда бўлишини кўрсатади. Кабиҳ ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда Б.ғ. асосидаги этиқод ва дунёқарашнинг аҳамияти беқиёс.

БУРЧ — ахлоқ фалсафасининг фундаментал категорияларидан бири. Бу тушунча, оила ва б. шу каби тузилмаларнинг шахс зиммасига қўйган талаблари-

га нисбатан инсоннинг ахлоқий масъулиятини, мажбуриятини, уларни бажариш ички маънавий зарурият эканлигини англашни ифодалайди. Б.нинг ахлоқий категориялар таркибидаги хусусияти шундаки, бу ахлоқий қадрият манбаи инсон бўлиб, инсоннинг жамиятга, уларнинг турли тузилмаларига муносабатида намоён бўлади. Б. категорияси масъулият, ўзликни англаш, виждон, хулқ каби ахлоқий категория ва тушунчалар б-н боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Чунки Б. инсоннинг ахлоқий қиёфасини тавсифловчи тушунчадир. Б. ўз эрки б-н танлаб олингандагина ахлоқий категория сифатида амал қиладди. Б.нинг энг чуқур негизларидан бири иймон-этиқод бўлиб, бундай сифатга эга инсон Б.ни чуқур англабгина қолмай, унга садоқатли ҳам бўлади. Шунинг учун инсон маънавиятида Б.нинг чуқур ўрин олиши масаласи ахлоқ фал.сининг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолади.

БУТУН ВА ҚИСМ — фалсафий категориялар. Бутун нарса, ҳодиса ва уни ташкил этган қисмларнинг муайян тартибда жойлашган ва ўзаро боғланган ягоналикнинг ифодасидир. Қисм бутун таркибига кирадиган, унинг таркибидагина ўз вазифаси (функцияси)ни бажара оладиган алоҳидаликдир. Ушбу тушунчаларнинг умумлашиши объектив оламдаги хилма-хилликнинг моҳиятан яхлитлиги б-н ифодаланлади. Бироқ улар алоҳида-алоҳида ҳолатда ҳам воқеликдаги бирон-бир реалликни идрок этишга имкон туғдиради. Объектив олам бепоён бўлгани ва у жуда кўп нисбий бутунликлардан ташкил топгани учун бутун бошқа бутунликнинг қисми бўлиши, қисми эса бошқа элементларга нисбатан бутун вазифасини ўташи ҳам мумкин. Мас., Ер шарни ўзи бутунлик бўлиб, бу макондаги бошқа барча нарса, ҳодиса, жараёнлар унинг қисмларидир. Куёш системасига нисбатан Ер қисм бўлса, Галактиканинг эса бир зарраси элементидир. Ер шаридаги нотирик ва тирик жисмлар уни ташкил этган қисм эканлиги ҳақида фикр юритилганда уларни контекст (матн) дан ажратган ҳолда талқин этиш жиддий хатоликларни, ғайриилмий муносабатларни келтириб чиқаради. Чунончи, одамзот тирик табиатдаги ягона бир тур, яъни битта бутунликдир. Уни миллий (этник), ирқий, синфий, диний ва б. тафовутлари шу социал бутунликнинг турлича намоён бўлиши, бинобарин, улар ҳам биологик, ҳам социал мавжудот бўлган одамзот турига нисбатан қисмлардир. Бутун ва система, қисм ва элемент тушунчаларидаги умумийлик б-н бирга тафовутни ҳам англаш муҳимдир. Бутун ҳамма жиҳатидан система тушунчасига тенг. Бироқ, система ўз таркибида нисбатан мустақил бутунликларни ҳам қамраб олади. Сўнгра «бутун» деганда системали ташкилланишдаги ўзига хос бирликка урғу берилса, «система»да хилма-хилликдаги бирлик тушунилади. Агар бутун қисмлардан ташкил

топса, системага структура ва элементлар хосдир. Қисм ўз ҳолича фақат бутун доирасидагина маълум маъно касб этади, у бутуннинг сифат муайянлиги белгиларини ўзида акс эттиради ва мустақил равишда мавжуд бўла олмайди. Элемент эса қисмдан фарқли ўлароқ, ҳар қандай системанинг муайян таркибий қисми бўлиб, материя ривожини ташкилланиши даражасининг нисбатан навбатдаги қуйроқ даражасига ўтиш чегарасини англатади. Элемент системага нисбатан ҳар доим бошқа сифатдаги объект ҳам бўла олади. Мас., ҳоз. ривожланган мамлакатлардаги давлат тузилиши системаси нисбатан мустақил ҳаракат қилувчи тўрт элемент (ҳокимият)дан ташкил топади: қонун чиқарувчи орган, ижроия орган, суд органи ва оммавий ахборот воситалари. Давлат системаси доирасида, бир-бирининг ишларига аралашмай, фақат ўзларига хос функцияларни бажарганлари тақдирдагина бундай давлат системаси ҳаётини, таъсирли ва қудратли бўлади. Мабодо ўша тўрт элементга бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида қаралса ва муносабат билдирилса, уларнинг самарали ишлашига жиддий путур етади. «Бутун-қисм» муносабатларидаги элементларни таҳлил этганда, элементларнинг икки тури борлигини назарда тутиш лозим. Булар бошланғич элементлар ва қисм-элементларидир. Бошланғич элементлар бутун таркибида ўзига хос мустақил бир бутунлик сифатида намоён бўлса, қисм-элементлар фақат бутундан ажралмаган ҳолда гавдаланадилар. Мас., одам танаси бир неча бошланғич элементлардан ташкил топган бир бутун системасидир: бош мия, юрак, асаб тизими ва б. ўзлари бутун таркибидаги мустақил системалар бўлиб, улар бир неча қисм-элементлардан иборат. Б. ва Қ.ни талқин этишда улардан бирининг ролини мутлақлаштирмаслик лозим. Чунончи, бутун қисмлардан иборат ёки бутун қисмларга нисбатан устун дейиш тўғри эмас. Зеро, миқдорий жиҳатдан бутун қисмлар йиғиндисидан каттароқ ҳажмга эга. Бошқача айтганда, қисм бутунсиз, бутун эса қисмсиз бўлмайди. Уларни диалектик бирликда олиб қараш ва муносабат билдирилгандагина тўғри хулосаларга келиш мумкин. Ижтимоий ҳаётда индивид (қисм) манфаатларини жамият (бутун) манфаатларидан устун қўйиш ҳам ва аксинча, жамият манфаатларини индивид манфаатларидан устун қўйиш ҳам ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига жиддий зарар етказиши мумкин. Жамият ва индивид бир вақтнинг ўзида мақсад ва восита сифатида намоён бўлиб, улар бир-бирлари манфаатлари уйғунлиги шароитидагина равнақ топишлари мумкин. Жамият (бутун) индивидларсиз мавжуд бўлмагани каби индивидлар (қисмлар) ҳам жамият бутунсиз яшай олмайди. Жамиятлашган одам инсонийлашган жамият учун курашгандагина иқтисодий ҳаётда Б. ва Қ. категорияларида ўз ифодасини топган фал-ий мазмун ўзини намоён эта олади.

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний (1121.23.9, Риштон — 1197.29.10, Самарқанд)—фиқҳ олими. «Бурҳониддин», яъни «Ислом ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган мутлақ исботи» фахрли унвон соҳиби.

Б.М. Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва б. шаҳарларда ўз падари бузруквори, акалари қўлида, сўнгра мактабда ва Марғилондаги Фур Сиддиқ мадрасасида таҳсил олди. Куръони карим, ҳадиси шариф, тафсир илмини чуқур эгаллади.

Б. М.нинг улуғ фақиҳ бўлиб етишишида шариатнинг асосчилари ва назариётчи мужтаҳидлари Абу Ҳанифа Имом ул-Аъзам, Абу Юсуф ал-Хорижий, Имом Муҳаммад аш-Шайбоний, айниқса, Имом Абул Ҳасан Ал-Қодирий ва унинг «ал-Мухтасар» номли шариатда жуда мўътабар манба саналадиган китобларидаги ҳуқуқий наз-ялар, ғоя ва қарашлар асосий ўрин тутган.

Б. М. 1149 й. ҳаж сафарида бўлди. Қайтаётиб ўз билимларини теранлаштириш мақсадида Мавр шаҳрида фарғоналик олим Тожиддин Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Банандинжийдан ҳадислар тинглайди. Балхга келиб, Абу Шужоъ Умар ибн Муҳаммад ал-Бистомийдан унинг ихтиёрида бўлган барча асарларга ижозат олади. Таҳсил йиллари тугаб, Б.М. етук фақиҳ даражасига етгач, Самарқанд Шайх ул-исломи мансабига тайинланади. Ундан ортиқ асарлар яратади. Шулардан 6 таси бизгача етиб келган бўлиб, сақланганларнинг барчаси фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) масалаларига бағишланган.

Б. М.нинг «Ал-Ҳидоя» асари машхур. «Ал-Ҳидоя» ҳанафий фиқҳининг 4 асрлик ривожига яқун ясади. «Ал-Ҳидоя» 53 китобдан (бўлим) иборат бўлиб, амалий фиқҳнинг (фуруъ ал-фиқҳ) ҳамма жабҳаларини қамраб олади. Асарда исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик, оила ва никоҳ масалалари б-н боғлиқ қоидалар батафсил ёзилган. Унда мулкий ва молиявий муносабатлар, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, судлар ва процессуал масалалар, турмуш ва фаолиятдаги тақиқлашлар ва ижозатлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Бу асар исломдаги суннийлик оқимининг ҳанафийлар мазҳаби кенг тарқалган мамлакатларда амалий қўлланма сифатида кенг фойдаланилади.

14-ада «Ал-Ҳидоя» ҳанафий дунёсида мумтоз асар деб тан олинди. Шу даврдан бошлаб у мадраса тизимида олий фиқҳшунослик маълумотини олишда ёд олиниши лозим бўлган асосий ўқув қўлланма, деб ҳисоблана бошлади. Б.М.нинг бу шоҳ асари араб тилидан форс, инглиз, рус, ўзбек ва б. тилларига таржима қилинди.

Маргинонийлар сулоласи номи б-н боғлиқ му- сулмон фикҳшунослар мактаби нафақат Туркистон ҳудудида, балки бутун ўрта аср араб-мусулмон дунёси ҳуқуқшунослик илмида асрлар бўйича етакчи бўлиб қолишида Б.М. ҳал қилувчи рол ўйнаган. «Ал-Ҳидоя» ўрта асрда ҳам, ҳоз. кунларда ҳам нафақат шариат қомуси, қонунлар чиқариш ибтидоси, балки, умуман, ҳар қандай ҳуқуқий маърифат, таълим ва таҳсилнинг бирламчи ибтидоси, шариатдаги ҳанафия ҳуқуқий мактабига эргашувчи, унга амал қилувчилар учун эмас, балки шариатдаги барча мазҳаблар учун ҳам андоза манбаидир. Б.М. имом, қонуншунос, ҳадисшунослик уламо, Куръонни ёддан билган ва тафсир қилган, ҳуқуқий билимларни тўплаб, уларни яхлит ва бир бутун фан ҳолатига келтирган тадқиқотчидир.

Б.М. тарихда чуқур из қолдирди. Унинг уч ўғли — Жалолиддин Муҳаммад, Низомиддин Умар, Имомуддин Абу Бакр оталаридан сўнг узоқ муддатда навбатма-навбат Самарқанд шайх ул-исломи бўлиб турдилар. Невараси Абдурахим ибн Бакр ал-Маргиноний (вафоти 1253 йдан сўнг) ўзининг фикҳий асари «Ал-Фусул ал-Имодийа» б-н ислом дунёсида шухрат таратди. Эвараси Абдулаввал ибн ал-Маргиноний (вафоти 1411 йдан сўнг) Туркияда машҳур олим ва устоз сифатида танилган. Амир Темур ва темурийлар (1405—1500) даврида Б.М. авлодлари Мовароуннаҳрда узоқ йиллар шайх ул-ислом лавозимини эгаллаб турдилар.

Б.М.нинг ҳуқуқий меросини ўрганиш ҳозирги мустақиллик даврида тарихий хотирани тиклаш, қонунни тўғри тушуниш, талқин этиш ва қўллашда, ҳуқуқий жамият қуриш ишига хизмат қилади. Шу сабабли юртимизда Б. М. меросига катта эътибор берилмоқда, унинг таваллуди кенг нишонланди.

БУХОРИЙ, Имом ал-Бухорий (асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий) (810.21.7, Бухоро — 870.31.8, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи) — машҳур ҳадисшунос олим. Б.нинг атоқли аллома бўлиб етишувида оила, мадраса тарбиясидан ташқари устозларининг ҳам буюк хизматлари бор. «Мен ҳадисларни 1080 муҳаддисдан ёзиб олдим», — деб хотирлаган алломанинг ўзи. Б.нинг устозлари инсоний фазилатлари, адолатли инсонлиги, хотираси мустаҳкамлиги, ривоятнинг тоза, тўғрилиги, ёлғон аралашмагани, иймон-этиқодининг соғломлиги б-н ажралиб турар эди. Б.нинг турли мамлакатлардаги машҳур устозлари, Маккада: Абдуллоҳ ибн Зубайр ал-Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Азрақий, Абдуллоҳ Муқрий, Мадинада: Абдулазиз Увайсий, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Басрада: Абу Осам ан-Набил, Балх-

да: Яҳё ибн Баср, Утайба ибн Саъид, Куфада: Абу Наъим ал-Фазл, Бағдодда: Сариҳ ибн ан-Нувмон, Аҳмад ибн Танбал ва б Шомда: Муҳаммад ал-Форобий, Одам ибн Абу Илс, Мисрда: Аҳмад ибн Шуайб, Аҳмад ибн Солиҳ, Марвада: Аҳмад ибн ал-Ҳасан, Нишопурда: Исҳоқ ибн Иброҳим Роҳвайҳ ал-Хамзамий, Муҳаммад ибн Яҳё Зуҳалий, Яҳё ибн Яҳё Тамимий, Башр ибн ал-Ҳаким ва б. Б. ўзининг буюк асари «Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ»ни 16 йил давомида 600.000 ҳадислар орасидан энг саҳиҳларини ажратиб, ёзиб тугатган. Имом Б.га ҳадисдан сабоқ берган улуғ устозлари ҳам сал ўтмай, ўзларини унга шогирд даражасида эканлигини эътироф эта бошладилар. Устози Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Имом А.га болалик чоғида ҳам, «Сиз (ҳадис) айтиб туринг, бошқалар ёзиб олсин», дер эди. Устози Абдуллоҳ ибн Мунир эса, «Мен ал-Б.нинг шогирдлариданман», дер эди. Замондоши, муҳаддис Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Самарқандий «Икки харамайнда (Макка ва Мадинада), Ҳижозда, Шомда ва Ироқда кўп олимларни кўрдим, лекин, Муҳаммад ибн Исмоилдек (кўп ва саҳиҳ) ҳадис жамлаганни кўрмадим. Ул киши биздан кўра билгувчи-роқ, фақиҳроқ ва талабчанроқдир». Имом А.нинг шогирдлари ҳам сон-саноксиз бўлган. Атоқли муҳаддис Форобий «Биргина «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ул зотдан эшитган кишилар саноғи тўқсон минг киши бўлган», — дейди. Агар Б.нинг бошқа китобларини ҳам ул зотдан эшитганлар қўшилса, саноғига етиш қийин эди. «Ўн саккизга кирганимда (Маккаи мукаррамада) «Қазоё ас-саҳобати ва-т-тобеййн» китобини ёздим», — деб эслайди Б. шогирди Ибн Абу Хотим б-н суҳбатида. Кейин Мадинада Расул алайҳиссаломнинг қабри олдида «Ат-Тарих»ни битдим. Шогирди Ибн Абу Хотимнинг гувоҳлик беришича, Б. ҳадисларни Басрада яшаганида китоб қила бошлаган. Имом А.нинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари суннийлар томонидан эътироф этилган «Сиҳоҳи ситта» (олти саҳиҳ китоб)нинг биринчисидир. Б.нинг бошқа асарлари: «Ат-Тарих ал-кабир», «Ат-Тарих ас-сағир», «Аз-Зуафо ас-сағир» («Заиф ҳадислар ҳақида кичик китоб»), «Ал-Куно» («Ровийларнинг куньялари»), «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Аз-зуафо ал-кабир» («Заиф ҳадислар ҳақида катта китоб»), «Ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир»), «Биррул — волидайн» («Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида»), «Ал-жомеъ ал-кабир», «Ал-Муснад ал-кабир», «Асоми ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китоб ал-Ҳиаа» (Холис совға китоби), «Китоб ал-Илал» («Иллатли ҳадислар китоби»). «Китоб ал-фавойид» («Фойдалар ҳақида»), «Сунан ал-фуқаҳо» («Фақиҳларнинг ҳукмлари»), «Қазоё ас-саҳобати ва-т-тобеййн» («Саҳоба ва тобеййнларнинг қозилик ҳукмлари»), «Халқу афъалул-ибоди» («Обидларнинг феъллари халқ қилингани») ва б.

Б. умри давомида ёзиб олган ва ёд билган 600 000 ҳадисдан энг ишончли саҳиҳларидан 7275 тасини ажратиб, «Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ» китобига киритган. Б.нинг ўзи гувоҳлик беришича, 100 000 ҳадисни ёд билган. Мазкур тўпламда расулуллоҳнинг ҳадиси шарифлари «Иймон», «Таҳорат», «Намоз», «Закот», «Ҳаж», «Никоҳ», «Талоқ», «Савдо-сотиқ китоби», «Ичимликлар», «Ваколат китоби», «Ҳадылар», «Гувоҳликлар китоби», «Сулҳ китоби», «Васият китоби», «Дастлабки яратиш» (Оламнинг пайдо бўлиши), «Жиход», «Малоикалар ҳақида» каби 100 бобга бўлинган. Ҳар бобда мавзуга доир ҳадиси шарифлар ишончли ровийлар исноди (манбаи) б-н келтирилади. «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» шундай бир улкан маънавий ҳазинаки, унда келтирилган саҳиҳ ҳадислар Қуръони карим оятларидан кейин ўз замонасида ва кейинчалик ҳам ислом шариати, калом ва фикҳ илмларида шаръий ҳукмларга асос бўлиб хизмат қилган. «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» тўпламидаги баъзи ҳадислар ҳоз. табиатшунослик илмларининг ҳам асосини ташкил этганини кўрамиз. Мас. «Сув ҳақидаги ҳикматлар» китобида барча ўсимликлар ва жонзотлар сувдан пайдо бўлгани ҳақида қудсий ҳадис келтирилган. Вақф мулклари, меросхўрларнинг ҳақлари, илм-маърифат ўрганиш барча мусулмон эркак ва аёлларга фарзлиги ҳақидаги ҳадиси шарифлар ҳамда муҳим ҳаётий муаммоларда шариат ҳукмлари ва қозиларнинг фатволарига манба бўлган.

«Ал-адаб ал-муфрад» асариди Б. инсон ахлоқи, одоби, маънавий камолотига доир ҳадисларни турли мавзулар бўйича тасниф қилган ва зарур изоҳларни берган. Бу асарда 1322 та ҳадис ва хабарлар 644 бобда жам қилинган. «Адаб дурдоналари» асарининг илк бобларида ота-она олдиди фарзандлик бурчлари, ота-онани рози қилиш, уларнинг ҳақини адо қилиш, ота-она амрига итоат қилиш, ота-она мушрик бўлса ҳам уларга яхшилик қилиш, уларнинг дилини оғритмаслик, ота-она дуоси, қариндош уруғларига меҳр-шафқат, раҳмдиллик, ёш болаларга, аёлларга меҳр-муруватли бўлиш, болалар ва катталар аразлашиб, урушиб қолганида ярантириб қўйиш, иморат қуришда ва бошқа ишларда камтарлик б-н иш тутиш, такаббурлик ва сўқинишнинг ёмонлиги, жабр-зулмининг ёмонлиги, ростгўйлик ва ёлғончилик, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ ишлар, молни тежаш ва кўпайтиришнинг яхшилиги каби инсон маънавий ҳаётига доир муҳим муаммолар ҳақида ҳадиси шарифлар асосида фикр юритилади. Имом Б. ҳаётида нодир асарлар ёзиш б-н бирга жуда кўп ажойиб шогирдлар етиштирди. Булар орасида Абу Исо ат-Термизий, Муслим ибн Ҳажжож каби буюк муҳаддис ва муфассир алломалар бор. У, Нишопурда ат-Термизий б-н бир жойда яшаб, илм ва ижодда ҳамкорлик қилди. Аллома кейинчалик Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида қариндошлари ҳузурда яшайди. Шу ерда 62 ёшда вафот этади. Истиқлол

Имом Бухорий меросини ўрганиш имконини очди. Президент И. Каримов раҳбарлигида бу соҳада ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

БЮРОКРАТИЯ (франц. бюро — девон, юн. кратос — ҳокимият) — расмийликка асосланган бошқарув гуруҳи, маъмурият тизими. Алоҳида моддий ва маънавий имтиёзларга эга маъмурлар гуруҳининг фаолиятида намоён бўлади.

БЎШ ВАҚТ — меҳнатга, заруратларга (уйқу, овқатланиш ва б.) сарфланган вақтдан ташқари вақт бўлиб, куч-қувватни тиклашга, жисмоний ва маънавий тараққиётга сарф қилинади. Б.в. шахснинг ўз устида ишлашига, маданий ҳордиқ чиқаришига, ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатишига, ҳаваскорлик фаолиятига, қизиқишлари бўйича мулоқотига ҳам сарф қилинади. Б.в. пассив ҳордиқ «еч нарса қилмасликни» ҳам ўз ичига олади. Б.в.нинг ижтимоий қадрият сифатидаги салмоғи унинг ҳажми, тизими ва мазмуни б-н ўлчанади. Ривожланган мамлакатларда охириги даврда Б.в. ҳажми ўсиб бормоқда. Бу ўсиш меҳнатда техникадан кенг фойдаланиш, маиший эҳтиёжларга (йўлга, уй ишларига, болалар тарбиясига ва б.) сарфланадиган вақтнинг қисқариб бораётганлиги б-н белгиланади.

«**БХАГАВАД ГИТА**» (санскрит. — Кришна худоси Бхаватнинг қўшиғи) — Ведалар диний-фал-ий таълимотига оид муқаддас китоб. «Б.г.» қад. ҳинд эпоси «Маҳабҳорат» таркибига киритилган. Курукшестра майдонида (жанг бошланишидан аввал), Худонинг олий Шахси Кришна аросатда қолган дўсти Аржуннинг саволларига жавоб бера туриб, унга Ҳақиқат илмини баён этади. «Б.г.»нинг мазмуни ана шу савол-жавобдан иборат. «Б.г.» асосан 5 мавзуни ёритади: Ишвара (худо) ҳақидаги илм; жива (тирик мавжудот)нинг ҳолати ҳақидаги илм; пракрит (табиат) ҳақидаги илм; кала (замон ҳақидаги илм; карма (фаолият) ҳақида илм. Мазкур беш объектнинг кармадан бошқа тўрттаси мангу табиатга эга. Карма, яъни фаолият ўткинчи табиатга эга. «Б.г.» таълимотига кўра, Худо шахс сифатида эга. Ведалар таълимоти биз яшаб турган моддий олам б-н бир вақтнинг ўзида бошқача табиатга эга бўлган олам ҳам мавжудлигини ёритиб, уни руҳий олам, «Худонинг даргоҳи» деб атайди. Тирик мавжудот (жива)лар ҳам сифат жиҳатидан Худо б-н бир хил табиатга эга бўлиб, унинг ажралмас кичик зарралари ҳисобланади. «Б.г.» Худонинг ички қуввати ва кичик зарраси бўлган руҳни «тирик мавжудотнинг ҳақиқий ўзлиги» деб тушунтиради. Руҳ, яъни тирик мавжудот илм ва лаззатга тўла мангу табиатга эга. У ўзининг табиатига зид бўлган моддий оламга яқинлашганда ўзининг моддий фаолияти (карма) натижасида кетма-кет туғилиб, ўлишлар гирдобига ту-

шиб қолади. У қачон ўзининг ҳақиқий руҳий табиатини англаб, руҳий фаолият б-н машғул бўлса, моддий табиат чангалидан озодликка — ўзининг мангу даргоҳи бўлган руҳий оламга қайтади. Бундай имкониятга фақат инсон танасида мавжуд бўлган тирик мавжудотларгина эга бўлган. Кришна бу моддий оламини ўзининг ташқи қувватининг намоён бўлиши деб таърифлаб, унинг 8 унсурдан: ер, сув, олов,

осмон, ифор, хаёл, тафаккур ва сохта ўзликдан таркиб топганини айтади. Руҳий олам Худо шахсининг ички қувватининг намоён бўлишидир ва унинг табиати мангу. Руҳий олам табиатини бу моддий оламда яшаб турган тирик мавжудот фақат тафаккури ёрдамидагина англаб олади. «Б.г.» жаҳоннинг барча тилларига таржима қилинган. Унга 800 га яқин олим ва донишмандлар изоҳ ёзган.

В

ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР — бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча. Жамиятни тубанликка етаклаб, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар (ўзининг шахсий ёки ижтимоий манфаатларини б. ҳисобига қондириш, босқинчилик, талончилик ва б.). В. ғ. инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни тарафқашларга ажратиб, бўлиб ташлашга хизмат қиладиган ғоялар мажмуидир. Ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм ва терроризм мафкуралари мана шундай В. ғ.га киради.

ВАЙШЕШИКА (*санскрит.* вишеш-хусусият, фарқланадиган)–қад. ҳинд фал-ий мактабларидан бири. Асосчиси Канада ҳисобланади. В. асослари Канаданинг «Вайшешика-сутра» (1-минг йилликнинг 1-ярми) асари ва шу асарнинг дастлабки шарҳи-«Падартка-дхарма-санграҳа»да баён этилган. В. 9-14-да Жанубий Ҳиндистонда кенг тарқалган. В. чилар таълимотига кўра, объектив равишда икки хил дунё мавжуд. Биринчиси-ҳиссий дунё, иккинчиси—ноҳиссий дунё. Бу таълимот табиий-илмий тасаввурлар б-н чамбарчас боғлиқ. В.чилар атомистик таълимотни илгари суришган. Ҳиссий дунё асосида атом ётади, улар маконда сон-саноксиз ва абадийдир. Атомлар борлиқнинг асосини ташкил этади. В. фал.сида субстанция сифатларга эга. Сифатлар объектив бўлиб, субстанция сингари абадийдир. Сифатлар бир ёки бир неча субстанцияларга тегишли бўлиб, улар умумий ва хусусий сифатларга бўлинади. Умумий сифатларга миқдор, кўлам, бирикиш, ажралиш, таъм, оғирлик ва б. киради. Хусусий сифатлар бир ҳисмга хос сифатдир. Мас, сув элементининг хусусий сифати со-

вуқлик. Ер элементининг хусусий сифати ҳид ва ҳ.к. Атомлар бўшлиқда акаша (эфир) б-н тўлган ҳолда ҳаракатда бўлади. В. фал.сида сабаб ва оқибат масаласига катта ўрин берилади. В. 3 хил сабаб: 1) моддий сабаб; 2) яратувчи сабаб; 3) тегишли бўлмаган ёки номоддий сабаб ҳақида фикр юритадилар. Улар сабабни оқибатдан ажратиб қўйишган. Атомлар сабабга эга эмас, шунинг учун оқибат бўла олмайди. Билишнинг манбаи мавжуд объектив дунёдир. Ҳақиқий билишнинг 4 тури бор: 1) қабул қилиш; 2) ақлий билиш; 3) хулоса; 4) интуитив билиш. Қабул қилиш, яъни, ҳиссий билиш орқали мураккаб субстанция (ер, сув, ҳаво, олов)лар билинади. Ҳиссий қабул қилинмайдиган абадий субстанциялар (эфир, макон, замон, ақл ва атомлар) мантиқий хулосалар орқали билинади.

ВАЛИУЛЛОҲ Аҳмад Абдураҳим (1703—1762) — 18-асрда Ҳиндистон мусулмонлари ўртасида бошланган диний ислохотчилик ҳаракатининг асосчиси. Руҳонийнинг ўғли. 14 ёшида мусулмонларнинг тўлиқ таълим олувчи курсини тугатиб, нақшбандия таълимотини ўзлаштирган. Отаси асос солган «Раҳимия» мадрасасида фал., илоҳиёт ва мантиқдан дарс берган. Кейинчалик ўз диний илмини ошириш мақсадида Маккага бориб, Макка руҳонийларидан ҳадисларни ўрганади. Ўз ҳаётининг асосий мақсадини Ҳиндистонда мусулмон жамоаларининг макеини мустаҳкамлашда кўрди. У фал. борасида 50 дан ортқ асарлар ёзиб қолдирди. Шулардан бири «Ҳужжат Аллоҳ ул-Балиға» («Муқаммал Аллоҳнинг сўзлари») асаридир. Кенг халқ оммаси Аллоҳнинг сўзларидан воқиф бўлишлари учун Қуръони каримни араб тилидан форс тилига таржима қилгани учун Ҳиндистон руҳонийлари уни динга шак келтиришда айбланди. В. исломни Ҳиндистонга мосламоқчи бўлди. В. фал.-ий қарашларининг марказида ижтимоий ахлоқ масалалари ётади. У ахлоқни икки жиҳатини баҳолайди:

1. Инсоннинг у дунёдаги ҳаёти ҳақидаги ғоя.
2. Инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти ҳақидаги ғоя.

В. фикрича, барча яхшиликларнинг мезони ижтимоий фаровонликдир. Ижтимоий фаровонликнинг асосида эса, адолат ётмоғи лозим. Давлат сиёсати ижтимоий масъулиятни ҳис қилиши керак, акс ҳолда, давлат иқтисодий таназзулга учраши муқаррар. Жамият равнақи сиёсат, иқтисод ва адабга боғлиқ. Шу учта нарса адолатга асосланса, жамият барқарор, фуқаролари эса, фаровон ҳаёт кечирадилар. Жамиятда осойишталик, фаровонлик ҳукм суриши учун жамият тепасида ҳоким турмоғи лозим. Ҳоким халқ томонидан сайланиши керак. В.нинг фал-ий ижтимоий-сиёсий қарашлари бугунги кунда Покистон Ислом Республикасининг давлат сиёсатида муҳим ўрин тутади.

ВАН ЧУН, Чжун Жэнь (27-тахм. 98) — Шарқий Хан давридаги қад. Хитой мутафаккири. В.Ч. мистика ва идеализмни танқид қилади. Унингча, ҳодисалар ва нарсаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини Худо белгиламайди. В.Ч. маълум мақсадга йўлловчи олий куч ҳисобланган «осмон» ҳақидаги таълимотга қатъий қарши чиқди. В.Ч. таълимотига кўра, нарсаларнинг барчаси моддий унсурлар — «ци» дан иборат, ўз манбаи ва бош негизига эга. «Ци» тарқалиб кетса, ҳамма нарса ҳалок ва йўқ бўлади. Инсоннинг ҳиссий идрокларини ва сезгиларини В.Ч. объектив оламни билиш жараёнининг бошланғич пайти деб эълон қилди. У «туғма» билиш мавжудлигини инкор этди. В.Ч.нинг фикрича, тарих даврлар бўйлаб ривожланади, равнақ даврдан кейин таназзул бошланади, сўнгра жараён яна такрорланади. В.Ч. бир қанча фал-ий рисолалар ёзган, шулардан фақат «Танқидий мулоҳазалар» («Лун Хэн») асари бизгача етиб келган.

ВАРВАРЛИК, ваҳшийлик — ибтидоий жамоа тузумининг ёввойилиқдан кейинги ва цивилизациядан олдинги иккинчи даврни ифодалайдиган тушунча. Фанда биринчи марта бу атама Л.Г.Морган томонидан қўлланилган. В. кишилик жамияти тараққиётида чорвачилик ва деҳқончиликнинг бошланиши даври ҳамдир. В.нинг қуйи босқичида уруғчилик гуллаб яшнайдди, юқори босқичида эса, инқирозга учраб, манфаатлар кураши авж олган жамиятга ўтиш даври бошланади. В. ёвузлик, қўполлик, маданиятсизлик маъноларини ҳам англатади. Агрессив сиёсат олиб борган давлат ёки уруш тарафдорларига нисбатан ҳам бу атама ишлатилади.

ВАТАН — она юрт — кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. В. тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода бутун бир халқ, уларнинг аждодлари азалдан истиқомат қилиб келган ҳудуд. Тор маънода киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тугилади. Халқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, руҳий

ва руҳоний, маърифий ва маънавий равнақ топа бориши нагжасида шу халққа мансуб кишилар орасида муштараклик шаклланади. Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг В.дир. Бу ўринда давлат ва В. айна бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси, деганда В.ни тушунамиз, В. деганда Ўзбекистон Республикасини идрок этамиз. В. бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ҳамда ички кечинмалар тушунчаларини ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан В. киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир. Бироқ, киши улғайган сайин, унинг В. ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгайиб боради. Натижада жисми, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий сифатлари бир бўлган авлодлар яшаган ва яшаётган жуғрофий муҳит В.ни ифода этади. Халқ маданияти, анъаналари, урф-одатлари, миллий онг ҳам В. тушунчаси б-н мустақкам боғлиқ. Маълумки, истибдод йилларида ҳукмрон мафкура кишиларимизнинг онгидаги В. тушунчасини бузиб, унинг ўрнига мавҳум, кенг ва умумий В. тушунчасини сингдиromoқчи бўлди. Мас., ўзбек учун гўёки Карелия ҳам, Ёкутистон ҳам Ўзбекистон б-н бир қаторда В. эди. Қолбуки, В. — муайян, аниқ тушунча. Мустақиллик халқимизда ҳақиқий В. ҳиссини, тушунчасини мустақкамламоқда. Навбатдаги долзарб вазифалардан бири ҳар бир фуқаромиз қалбига В.ни севмоқ, В. учун бутун куч-ғайратини бағишлаш, В. номи, мавқеи б-н ғурурланиш хислатларини сингдиришидир.

ВАТАНПАРВАРЛИК — Ватан олдидаги масъулият ва бурчни англаш тушунчаси. В. ниҳоятда серқирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп англашилса, кишиларда В. туйғуси шунча баланд бўлади. Бу жараён чексиздир. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичлари В.нинг янги-янги қирраларини кашф этиб боради. Ҳар бир шахсдаги В. туйғуси жамият тараққиёти б-н узвий боғлиқ. Ҳақиқий В. миллат, Ватан манфаати б-н яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида меҳнат қилиш ҳамда курашишидир.

ВАТАН РАВНАҚИ — миллий истиқлол мафкурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи ғоясини илгари сураб экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир, деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади — Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт қамоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса ватанпарварлик туйғусида намоеън бўлади.

Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш бевоcита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига боғлиқ. Бунда **биринчидан**, ҳозирги ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятнинг бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. **Иккинчидан**, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини оширишда катта аҳамиятга эга. **Учинчидан**, бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. **Тўртинчидан**, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича таълим дастурининг қабул қилиниши ва изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақига хизмат қилади. **Бешинчидан**, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият куриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши Ватан равнақини таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

Ватан равнақи ғояси ҳар бир инсоннинг тақдирида ўз ифодасини топади, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун ҳаммага бирдек масъулият ва мажбурият юклайди. Уни англаш эса инсон камологининг муҳим мезонидир. Бу ғоя ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

ВАҚТ — оламнинг атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва ҳолатлар алмашувининг изчиллигини характерлайди. В. макон б-н чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳар қандай мавжудликнинг асосий шакллари — макон ва вақтдир. В. ўз-ўзича моддий ўзгаришлардан айри ҳолда мавжуд бўлмайди. Худди шу каби, давомийлик касб этмайдиган,

ўтмишдан келажакка ўзгармайдиган моддий тизим ва жараёнларнинг бўлиши мумкин эмас. В. материянинг яшаш шакли сифатида моддий дунёдаги жараёнларнинг узлуксизлигини характерлайди. Обьектив равишда бирин-кетин бўлиб ўтган, бўлаётган ва келгусида бўладиган жараёнлар йиғиндиси дунёнинг узлуксиз яшashi ва ривожланиши асосида этади. В. бир ўлчовли бўлиб, фақат бир томонга, илгарига қараб боради. Шу туфайли, кўп олимлар В.ни материя борлигининг ташқи намоеън бўлиш шакли деб ҳисоблаганлар. Мас., Ньютон абсолют В.нинг ташқи ва нисбий шартларини фарқлаган. Макон б-н В. бирлиги ҳаракатда юзага чиқади. Нисбийлик наз-ясидаги тўрт ўлчовли геометрияда уч ўлчовли макон физик ҳодисаларни текширишнинг асосини ташкил этиб, тўртинчи ўлчов сифатида В. олингандир. В.нинг ялпи умумий хоссаларидан (аниқроғи, моддий системаларидаги замонавий муносабатларидан) унинг материянинг макони ва ҳаракати б-н алоқасини, моддий системалардаги узунлик, ассимметрия, қайтарилмаслик, ноцикллик, узлуклилик б-н узлуксизликнинг бирлиги, боғланганлик, структура муносабатларига қарамликни қайд қилиб ўтмоқ керак. Узлуклилик фақат материянинг конкрет сифат ҳолатларининг мавжудлиги В.ни характерлайдики, бу ҳолатлардан ҳар бири пайдо бўлиб ва ғойиб бўлиб, бошқа шаклларга ўтиб туради. Лекин уларнинг таркибидаги материя элементлари (мас., элементар зарралар) бунда пайдо бўлмасдан ва йўқ бўлмасдан, фақат алоқа шаклларини ўзгартириб, турли жисملарни ташкил этиши мумкин. Ана шу маънода материянинг мавжудлик шакли бўлган В.нинг узлуклилиги нисбий бўлиб, узлуксизлик эса мутлақдир. Бир йўналишлилиги унинг фақат ўтмишдан келажакка қараб ўзгаришини, бу ўзгаришнинг орқага қайтмаслигини билдиради. Шу маънода В.да ўтмишга қараб ҳаракат қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгариш В.нинг келгуси моментлари кетма-кет келиши б-н содир бўлади. Ўзгаришларнинг ўтилган ҳолатларини ёки даврларини (циклларини) мутлақ равишда такрорламайди. Ҳар қандай даврийлик нисбий бўлиб, жараёнларнинг кўпроқ ёки озроқ такрорланишини ифодалайди. Даврларнинг (циклларнинг) ҳар бирида ҳамиша қандайдир янгилик бўлади, шунга кўра В. қайтарилмасдир.

В. чексизлиги моддий дунёнинг яшashi ва ривожланишининг боши йўқ ва охири ҳам бўлмайди, деган хулоса чиқаришга имкон беради. В. тушунчаси фал. тарихида анча баҳсли масалалардан бири ҳисобланган. Беркли, Юм, Мах каби фал.лар В.нинг объектив характерини тан олмайдилар. В.ни индивидуал онгнинг мазмунига боғлайдилар. Кант В.ни ҳиссий мушоҳаданинг априор шакли деса, Гегел мутлақ руҳнинг категорияси (мазмуни) деб ҳисоблайди. 18-19-а.ларда табиёт илми В.нинг объективлиги ҳақида сўзлаб, уни Ньютон сингари материя б-н ҳаракатга

боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мустақил бир нарса деб қаради. Қад. замон натурфай.лари (Демокрит, Эпикур) атомистик қарашларга мувофиқ маконни бўшлиқ (фазо) б-н бирдай қилиб кўрсатиб келганлар. В.ни бир маромда ўтиб борадиган нарса деб қараганлар. Кейинчалик физика фанининг ривожланиши бу тасаввурларни ўзгартирди. Эйнштейннинг нисбийлик наз-ясига кўра, В. ўз-ўзича материядан ажралган ҳолда мавжуд бўлмасдан, балки у б-н универсал алоқадорликда бўлиб, маконнинг нисбий томонлари сифатида юз бериши мумкин. В. ўтиши ва жисмларнинг кўлами мазкур жисмларнинг ҳаракат тезлигига боғлиқ. Тўрт ўлчовли континуумнинг структураси (тизими) ёки геометрик хоссалари (макон-вақт) модда массаларининг тўпланишига ва улар вужудга келтирган тортилиш майдонига қараб ўзгариб туради. В. ҳозирги замон наз-сини яратишида Лобачевский, Риман, Гаусс, Богай, Бутлеров, Федоров, Джинс, Гейзенбург, Леметр, В. Де-Ситтер, Эддингтон каби олимларнинг ғоялари катта рол ўйнади. В.ни соат мазмунида ўлчаш, уни бир хил давомийликдаги ва даврий қайтарилувчи жараёнларини кузатиш ёки амалга оширишга асосланган: узоқроқ В. ўлчаш учун йил қўлланилади. Ернинг юлдузларга нисбатан кунли айланиши юлдуз В.ини белгилайди. Амалда Кўёш В.и (ҳақиқий ва ўртача Кўёш В.и.)дан фойдаланилади. Муайян узунлик учун белгиланган В. маҳаллий В., Гринвич меридиани бўйича маҳаллий ўртача Кўёш В.и эса бутун дунё В.и дейилади. В. ҳисоблашнинг текис тизими — эфемерид В. Ойнинг Ер атрофида айланишини кузатиш б-н назорат қилинади. В. ҳисоблашнинг астрономик кузатишларга бутунлай боғлиқ бўлмаган текис тизими атом секундига асосланади (квант соат). В. ўлчаш ва тўғри сақлашда турли соатлардан фарқланади.

ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД (*араб.* — жисмоний birlik) — Шарқ мамлакатлари, Марказий Осиё, Ҳиндистон халқлари фал-ий қарашларида кенг тарқалган оқим. Асосчиси — араб фай. Муҳиддин Ибн ал-Арабий. В.ул-в. нинг маъно асосий тамойили — «дунё Худо демакдир», яъни бутун борлиқ ягона илоҳий моҳият, ягона илоҳий субстанциядан иборат.

В.ул-в.нинг айрим намояндалари Худони ўргимчакка ўхшатади. Ўргимчак ўздан ип тўқиб чиқарганидек, Худо ҳам ўздан бутун борлиқни чиқариб туради. Ҳамма нарса Худода ифодалангандек, Худо ҳам ҳамма нарсада ифодаланган. Худо бирдан-бир ҳақиқий борлиқ бўлиб, қолган ҳамма нарсалар эса, унинг шуъласи, нуридир. В.ул-в. таълимотига антик давр фал.сида мавжуд бўлган неоплатонизмнинг эманацион таълимоти ҳам сезиларли таъсир ўтказган. В.ул-в. таълимоти кўп мутафаккир сўфийлар ва шоирлар дунёқарашига катта таъсир ўтказиб, уларнинг ижоди учун маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган. Маълум даражада На-

вой ижодида ҳам В.ул-в. ғоялари ўз аксини топган. Ушбу таълимотга кўра, бутун борлиқ Оллоҳнинг нури, жилваси экан, демак, Оллоҳ бутун гўзаллигини, камолотини, куч-қудратини ўзининг тажаллийси (акс этилиш) бўлган борлиқда намоён қилади. Шундай экан, табиат, коинот, шу жумладан, одамзот ҳам Оллоҳ нури таъсирида жилваланади. Худди шу боис, улар ҳурмат — эҳтиромга, сифинишга лойиқдир. Инсонга бўлган муносабат Оллоҳга бўлган муҳаббатни англатади. Бу таълимот энг илғор мутафаккир ва шоирлар учун инсонни, моддий оламни, ундаги реал ҳаётни қадрлашга чақирувчи инсонпарварлик, халқпарварлик, моддий оламдаги ҳаётни қадрлаш ғояларини тарғиб қилишда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилиб келган.

ВАҲДАТ УЛ-МАВЖУД — Шарқ мамлакатлари, Марказий Осиё, Ҳиндистон халқлари фал-ий қарашларида кенг тарқалган оқим. В.ул-м. асосида олам бирлиги, «Худо — дунё демакдир» деган мазмун ётади. В.ул-м. гуруҳидаги пантеистлар Худони инкор қилмаганлари ҳолда, дунёнинг абадийлиги, Худо б-н моддий оламнинг бирлигини эътироф этиб, Худони оламнинг ўзида деб ҳисоблайдилар. Худо б-н моддий олам ўртасидаги чегара инкор этилади. В.ул-м. таълимотининг ғоявий илдизи неоплатонизмга бориб тақалади. Лекин В.ул-м.да натурализм унсурлари кучлироқ. Яъни, В.ул-м. Худони табиатга синдириб, табиатнинг ўзини илоҳийлаштиради. В.ул-м. оқими ҳам Шарқнинг жуда кўп мутафаккирлари, хусусан, табиатшунос олимлар дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатган. В.ул-м. оқими, Шарқ перипатетиклари (Аристотель фал-ий таълимотига эргашувчилар) сингари, муслмон Шарқида табиат тўғрисидаги билимларнинг шаклланиши учун фал-ий асос яратиб берди ва илғор фал-ий фикрлар тараққиётида ижобий рол ўйнади. В.ул-м., айниқса, Ҳиндистонда чуқур илдиз отган бўлиб, дунёнинг бирлигини эътироф қилувчи қад. ҳинд фал.си б-н чамбарчас боғланган. В.ул-м. таълимотининг моҳияти ҳам дунёнинг бирлигини таъкидлашдан иборат. В.ул-м. таълимоти мутафаккирлар учун моддий ва илоҳий олам ўртасидаги муносабатни маълум даражада илмий тушуниш имконини беради. Демак, В.ул-м. ўрта асрлар муслмон Шарқи шароитида илм-фаннинг ривожига б-н боғлиқ бўлиб, унинг равнақ топиши учун хизмат қилди. Мас, Ҳиндистонда яшаб ижод этган ўрта осийлик шоир ва мутафаккир Мирзо Бедилнинг қарашлари кўп жиҳатдан В.ул-м. таълимотига яқин.

ВАҲҶОБИЙЛИК — ақидапараст оқим. Марказий Арабистон ярим оролининг Нажд минтақасида диний ҳаракат сифатида шаклланган бўлиб, унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 18 а.нинг 2-ярмида ўз

ақидасини йирик консерватив дин арбоблари бўлмиш Аҳмад ибн Ханбал ва Ибн Таймия ғоялари асосида яратди. Унинг мафқураси, асосан, Оллоҳнинг ягоналиги, унинг ҳеч қандай шериклари йўқлиги, шу боис, пайғамбарлар, валийлар, муридларга иқтидо қилиш бидъат, деб қарашга йўналтирилган. Муҳаммад Абдулваҳҳобнинг ғоялари Нажд минтақасида саудийлар сулоласи бошлиғи Муҳаммад ибн Сауд томонидан қўллаб-қувватланди ва бунинг натижасида кейинчалик саудийлар оиласининг Арабистон ярим оролидаги уруғ ва қабилаларни ягона давлатга бирлаштиришда сиёсий ҳаракат дастурига айланди. Аммо, ушбу ғоя амалга ошгунга қадар, В. усмоний турклар империясини емиришда Буюк Британия учун, ислом оламини бўлиб ташлашда ва «нифоқ солу ҳукмронлик қил», деган ақида асосида фойдаланганлар. Буюк Британия қироллиги мустамлакалар вазирлиги ўша йиллари мусулмон Шарқи мамлакатларига — араб, форс, турк тилларини мукамал биладиган, ўзини мусулмон деб юрадиган кўплаб жосусларни юборди. Булардан инглиз жосуси Хампер Абдуваҳҳобни ўзининг таъсирига олади. У Абдуваҳҳобни пул ва қуроллар б-н таъминлаб туради. В. феноменига сиёсий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу диний оқим тарафдорлари кескин ақидапарастликка асосланган бўлиб, ҳозирги кунда ўта жангариликка таянган ислом динидаги фундаментал мафқурани амалга оширишдаги «муқаддас уруш» лашкарлари, деб баҳоламоқ лозим. Унинг таъсири остида айрим давлатларда «жиҳод», «мужоҳид» атамалари кўплаб қўлланиладиган бўлиб, ундан кўзланган мақсад нафақат «соф ислом» учун кураш, балки номусулмон халқлар ёхуд мусулмончилик кенг тарқалган, аммо муайян давр ичида ўзга мафқуралар таъсирида бўлган миллат ва элатлар орасида ислом динини мустаҳкамлаш ҳамда ислом ақидаларига хос сиёсий тузумлар барпо этиш йўлида курашдан иборат бўлмоқда.

ВЕБЕР (Weber) Макс (1864—1920) — немис социологи. Дунёқарашига кўра позитивизмга яқин. В. фикрича, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодисанинг моҳияти фақат унинг объектив жиҳатлари б-н эмас, балки, аввало, тадқиқотчи нуқтаи назарига кўра, шу ҳодисанинг маданий жараёнда қандай рол ўйнаши б-н белгиланади. В. фалсафа ва социологияга «идеал тип» тушунчасини олиб кирди. Бу тушунчанинг фанга олиб кирилишини унинг ўзи ижтимоий фанлар фақат алоҳида ҳодисаларни ўргангани сабабли илмий абстракция қилиш зарурати борлиги б-н изоҳлайди. Идеал тип, В. фикрига кўра, борлиқни акс эттирмайди, балки, алоҳида тушунча ва ҳодисаларни тизим ҳолига келтириш воситаси бўлиб хизмат қиладди. Идеал тип тушунчаси, туб моҳиятига кўра, марксизмдаги ижтимоий-иқтисодий формация тушунчасининг муқобили сифатида яратилган эди. В.нинг ижтимоий фал. ва социологиядаги энг катта хизмат-

ларидан бири, унинг асарларида диннинг ижтимоий тараққиётда ўйнаган ролини таҳлил қилиб бериши бўлди. В. дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан, умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритди. В. наз-ясига кўра, бойлик ва бойлик орттиришга интилишни унчалик хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсқинлик қилганлар. Бойликни Худонинг неъматиди, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берди. В. талқинида протестантлик капитализми вужудга келишидаги асосий сабаблардан эди. Динларни таҳлил қилар экан, В. улар саноат капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали бу динлар, В. фикрича, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қиладди. Унинг талқинида протестантлик мазҳаби ҳаётдаги адолатсизликни пассив кузатиб ўтирмай, уни бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради. Асосий асарлари: «Миллий давлат ва халқ хўжалик сиёсати» (1895), «Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи» (1905), «Хўжалик ва жамият» (1920).

ВЕДАЛАР — диний мазмунга эга адабиётлар. Баъзи тахминларга кўра, деярли тўққиз а. (мил.ав.и 1500—600 й) давомида Ҳиндистон ярим оролида яшаб келган қад. халқ ва элатлар томонидан яратилган. Аммо бу даврдан кейин ҳам В.га монанд руҳдаги асарлар яратилганлиги маълум. В.нинг мазмуни, асосан, диний характерга эга бўлса-да, уларда ўша тарихий даврда яшаган қад. халқларнинг маънавий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривож, турмуш тарзи тўғрисида муҳим маълумотлар сақланган. Анъанавий В. манбаларини шартли равишда бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин. Бу дастлаб, қад. Ригведа, яъни мадҳиялар тўплами бўлиб, у 1028 мадҳияни ўзида жамлаган 10 минг шеърдан иборат. Уларда аҳолининг диний тасаввурлари, жумладан, политеистик (кўп худолик) қарашлари ўз ифодасини топган. Мас, Индра-момоқалди роқ ва арийларни душманлардан ҳимоя қилувчи Худо, Сурья-кўёш худоси, Дьяус-фалаклар худоси сифатида гавдаланади.

Ригведадан кейин шаклланган В. Самоведа, Ахчарведа, Ячкурведа киради. Унда оламнинг келиб чиқиши, биринчи жавҳар-субстанция, унинг асосида турли жараёнлар, худолар ва бутун оламнинг вужудга келиши ҳақида содда тасаввурлар шаклланганлигини кўрамиз. Бундай жараёнлар мавҳум ижодий куч-қудрат деб қабул қилинган Праджapati таъсирида рўёбга чиқади. Бундай тасаввурлар,

уларнинг мазмун-моҳияти қандай бўлишидан қатъий назар, кишиларнинг кундалик ҳаётини кузатувлари, тажрибаси ва уларга таянган умумлашмаларнинг натижасидир. Упанишадлар В. адабиётининг сўнгги босқичини ташкил қилади. Баъзи бир ҳинд анъаналарига қараганда, уларнинг миқдори 108 та. Лекин ҳоз. вақтда уларнинг сони 300 га яқин, деган маълумотлар ҳам мавжуд. Упанишадлар мил.ав. 7–6-а.ларда шаклланди. Уларда Брихадаранъяка, Чхандогья, Айтарея, Кена, Кауштаки каби фал-ий йўналишларнинг ўрни сезилиб туради. Упанишадларда оламнинг ягона бир бутун манзараси чизиб берилмаган булса-да, қурбонлик, илк асос руҳий моҳият, ҳаётнинг ўзгариб туриши (самсара), одамларнинг яхши ва ёмон аъмолларига қараб бериладиган насиба (карма), анимистик қарашлар, руҳнинг кўчиб юриши (таносух), ахлоқий меъёр ва мезонлар, инсон тақдири каби қатор масалалар уларнинг назаридан четда қолмаган.

Уларнинг ҳинд жамиятининг маънавий ҳаёти ва мафкурасида юқори мақомни эгаллаб турган брахманларнинг мавқеини сусайтиришга қаратилган жасоратли уринишдир. Упанишадларнинг муаллифлари аксарият ҳолларда жамиятнинг қуйи табақаларидан келиб чиққан кишилар бўлган. Упанишадларнинг Ҳиндистонда кейинги даврларда вужудга келган маънавий-руҳий ва фалсафий жараёнларга таъсири сезиларли бўлди. Айниқса, сансара ва карма ҳақидаги таълимот кўпгина фал-ий йўналишларнинг асосий мавзуга айланиб борди.

ВЕДАНТА (ҳинд. — «ведаларнинг охири») — қадимги ҳинд фалсафий мактабларидан бири. Мазкур таълимотнинг асосчиси ўзидан сўнг «В. сутра» номли асар қолдирган. Бу асар муаллифи донишманд Бадараян ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, мил. ав. 6-а. бошларида яшаб ижод этган. «В. сутра» тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида брахман наз-яси, унинг табиати, оламга ҳамда якка жонга бўлган муносабатлари баён қилинган. Унда жоннинг ҳолати ҳақида фикр юритилади: 1-атман (жон) уй-ғоқлик ҳолатдаги оламнинг онги сифатидаги; 2-атман (жон) уйқу ва туш кўриш ҳолатидаги онг сифатида; 3-атман (жон) чуқур уйқудаги онг сифатида; 4-атман (жон) ҳар қандай ҳис этиш, муносабат, тафаккур, аниқлаш ва баён этиш ҳолатлардан ташқари сифатда. Асарнинг 2-қисмида тажрибавий дунёнинг нореаллиги исботланади. 3-қисмида материя ғояси таҳлил қилинади. Тўртинчи бобида эса бирдан-бир реаллик бу атман бўлиб, бўлинмас, ўзгармас, ҳаракатсиз, ножисм, фақат шунчаки сароб ҳисобланади. Ўрта асрда бу диний-идеалистик оқимнинг асосий намояндалари Шақанкура, Раманурта бўлиб, улар В.га мансуб мактабларни вужудга келтирди. 12–13 а.рларда В. фал.си Шанкара учун

Брахман мутлақ ҳақиқат бўлса, Раманужа учун Брахман аниқ шахс қиёфаси (Вишну, Шива ва ҳ.к.)да гавдаланди. Моддий дунё Брахманнинг кўриниши ва реаллигидир. Моддий дунё Брахманнинг сабаби эмас, оқибатидир. Жисмларнинг, яъни нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқишини Раманужа оламнинг намоен бўлиши деб қарайди. В. фал. кейинги босқичларда ривожланишида, айниқса, Раманужанинг хизматлари катта бўлган.

ВЕНА ТЎГАРАГИ — мантиқий позитивизмнинг ғоявий ва ташкилий ўзаги бўлиб хизмат қилган олимлар гуруҳи бирлашмаси. Ушбу тўгарак 1922 й.да М. Шлик раҳбарлигида Вена ун-тининг индуктив фанлар фал. кафедраси қошида семинар асосида ташкил этилган. В.т. анъанавий фал. имкониятларига шубҳа б-н қаровчи қатор ёш олимларни бирлаштирган бўлиб, улар томонидан илгари сурилган «илмий фал.»нинг ривожланиши дастури позитивизм йўналишида бўлган. В.т.га Р. Карнап, Ф. Васман, Г. Фейгль, О. Нейрат, Г.Ган, В. Крафт, Ф. Кауфман, К. Гедел ва б.лар кирган эдилар. В.т. б-н Берлиндаги Х. Рейхенбахнинг гуруҳи, Ф. Франк (Чехословакия) Э. Кайла (Финляндия), А. Бламберг, Э. Нагель (АҚШ), Й. Йоргенсен (Дания), А. Айэр (Буюк Британия) ва б.лар ҳамкорлик қилган. В.т. маҳизм ғояларини бевосита вориси бўлиб, унинг қатнашчилари махистик позитивизмни билимнинг мантиқий анализ ғоялари б-н синтезлаштириб, унинг асосий қондасини тўлароқ ва аниқроқ шаклда ифодалادилар. Шунингдек, В.т. иштирокчилари Витгенштейннинг бир қанча ғояларини, жумладан, билимнинг мантиқий анализи концепциясини; мантиқ ва математиканинг аналитик характери ҳақидаги таълимотини, «Метафизика»нинг илмий мазмунидан маҳрум қилинган анъанавий фал.ни танқид қилишни ҳам мақсад қилиб олган эдилар. 1929 й.да Карнап, Ган ва Нейрат «Илмий дунёқараш. Вена тўгараги» манифестини эълон қилдилар. Худди мана шу вақтда В.т. ташкилий жиҳатдан узил-кесил расмийлашди. 30-й.лардан бошлаб, дунёнинг турли мамлакатларида бу оқим вакилларининг конгресслари бўлиб ўтади. 30-39-й.лар давомида уларнинг В.т. Рейхенбах гуруҳи б-н биргаликда ташкил этилган «Erkonntnis» («Билиш») журнали нашр эттирилиб турилади. 30-й.нинг охирига келиб В.т.нинг бир қанча арбоблари Венадан АҚШ ва Буюк Британияга жўнаб кетдилар. Шундан сўнг, М. Шликнинг ҳалок бўлиши ва гитлерчилар Германияси томонидан Австриянинг босиб олиниши муносабати б-н В.т. ўз фаолиятини тўхтатади. АҚШда вужудга келган мантиқий эмпиризм оқими В.т.нинг бевосита давомчиси бўлиб қолади.

ВЕРИФИКАЦИЯ (лот. verus — чин, facio — бажараман, аниқлайман, амалга ошираман) — тас-

диқ. 20-ада Вена тўғараги аъзолари (позитивистлар) томонидан таомилга киритилган тушунча. В. принципига кўра, ҳар қандай ҳукм ёки тушунча фақат эмпирик (тажриба) синовдан ўтгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Айрим мулоҳазаларнинг чинлиги эса мантиқий исбот асосида аниқланиши мумкин. Астрология, парапсихология ҳодисалари бир неча бор муҳокама, мулоҳаза қилиниши мумкин, бироқ бу мулоҳазалар фактларга асосланмаса, тажрибада исботланмаса, уни чин деб бўлмайди.

ВЕРНАДСКИЙ Владимир Иванович (1863.12.3, Петербург — 1945.6.1, Москва) — табиатшуноқ олим, генетика, минералогия, геологик кимё, биологик кимё асосчиси, акад.(1912). Украина (1919), Чехословакия (1926), Париж (1928) Фанлар Академиясининг фахрий Президенти. Кўплаб илмий уюшмаларнинг ташкилотчиси ва раҳбари. Фаннинг фал-ий ва методологик муаммоларини ўрганишга салмоқли ҳиссасини қўшган. Фал.нинг илмий тадқиқот учун катта аҳамиятга эга эканлигини ва табиий фанлар методологиясини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Фан тарихи ва наз-ясига оид кўплаб асарлар яратди. Тирик модданинг ҳослик роли, биосфера ва ундаги инсоннинг ўрни, жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги таълимоти муҳим аҳамиятга эга бўлди. В. жонли организмларнинг сайёра бўйлаб тарқалишини биосфера деб атади. Ноосфера деганда В. биосферанинг юқори ривожланиш босқичини, инсон ақлий фаолиятининг асосий омилга айланишини, табиат жараёнлари йўналишларига маълум даражада таъсир кўрсатишини тушунган.

В. одамзотнинг Ер сайёрасида кўпайиб бориши инсондан табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни, атроф-муҳитни асраш, янги энергия манбаларини излаб топшни ва қўллашни талаб қилади, деб таъкидлаган.

ВЕТО (лат. veto — таъқиқлайман) — қадимги Римда вужудга келган давлат ҳуқуқи меъёрларидан бири. Давлат ҳокимияти бирор органи (мас., қонун чиқарувчи ҳокимият, парламентнинг қуйи палатаси) қабул қилган қонун ҳужжатларининг унинг бошқа бир органлари (мас., давлат ёки парламент юқори палатаси бошлиғи) томонидан бекор қилиниши ёки унинг кучга киритилишини тўхтатиш ҳуқуқи. Ҳоз. кунда кўпчилик давлатларда давлат бошлиғига парламент қабул қилган қонунларга нисбатан В. қўйиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, В. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, Россия)нинг БМТ Низомида кўзда тутилган ҳуқуқи, муҳокама этилаётган масала юзасидан бир фикрда бўлиш, яқдиллик қондасини англатади. Улар-

дан бирортаси қарор қабул қилишга розилик бермаса, қарор рад этилган, яъни, унга В. қўйилган ҳисобланади.

ВИВЕКАНАНДА Свами (монахлик исми Нарендрнатха Датта) (1863.12.1, Калькутта — 1902.4.1, Беллур) — ҳинд мутафаккири, диний ислоҳотчиси ва жамоат арбоби.

У 1882 й. Рамакришна б-н учрашади ва ана шу даврдан бошлаб ислоҳ қилинган ҳиндуизмни нафақат Ҳиндистон, балки Осиё, Европа ва Америка мамлакатларида ҳам узлуксиз тарғиб қилиб, унинг ғояларини ривожлантириш б-н машғул бўлади. 1897 й. Ҳиндистонда «Рамакришна миссияси» диний фаоллик марказига айланган диний-ислоҳотчилик жамиятини тузади. Рамакришнадан фарқли тарзда В. Фарбий Европа маданияти б-н яхши таниш эди. Рамакришна каби у ҳам ҳоз. замон кишисининг «халос» бўлишини унинг руҳий-диний амалиётга мурожаат этишига боғлиқ, деб билган ва бу жараёнда ҳинд миллий анъаналарининг аҳамиятига алоҳида эътибор берган, барча динларни маънавий-руҳий жиҳатдан бирлигини эътироф этган ҳолда, ҳиндуизмни барча динларнинг «онаси» деб ҳисоблаган, В. ведантани ҳиндуизмнинг фал-ий асоси деб билган. Мавжуд дунёнинг ҳаёлий эканлигини инкор этган, яратилиш, вужудга келиши Худонинг амри сифатида талқин қилган. Шахс идеали сифатида руҳий зоҳидликни, айни вақтда инсониятга фаол хизмат қилишни ва «дадил ҳиндуизм» ғоясини тарғиб қилган. В.нинг ижтимоий қарашлари негизида ижтимоий тараққиётнинг тўрт босқиччилиги наз-яси етакчи мавқега эга. Унинг фикрича, брахманлар, кшатрийлар, вайшелар, шудралар каби ижтимоий гуруҳлар босқичма-босқич етакчи ўринга чиқадилар. Ҳоз. жамият (яъни 19-а. охири 20-а. бошлари) «вайшелар подшоҳлиги» бўлса, келажак «шудралар подшоҳлиги», яъни ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг ўзаро келишиш даври бўлади. Ижтимоий табақаларнинг келишувини таъминлаш В.нинг бош мақсадларидан бири бўлган.

ВИЖДОН — ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишининг ҳаётида содир бўлаётган ижобий ёки салбий ҳолатларга муносабатида ифодаланади. В. кишининг маънавий етуқлигига боғлиқ. Унинг кундалик фаолиятида, хатти-ҳаракатида, феъл-авторида, оила, миллат, жамият ва ватан олдидаги масъулиятини ҳис этишда намоён бўлади. Ҳар бир қилган ишида одамлар б-н бўлган мулоқотларда фикрларини сарҳисоб қилади. Ноҳақликка, адолатсизликка муросасизлик б-н, қаршилик кўрсатади. Айрим кимсалар В.ни туғма хислат дейдилар. Бироқ В.нинг шаклланиши болаликдан яшаётган муҳитига, оила ва жамиятдаги таълим-тарбияга, яқин атрофидаги одамларнинг маданияти, ахлоқ-оқоби, дунёқарашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ — фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга ишонмаслик ҳуқуқи. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», — деб ёзилган. Республикада «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун қабул қилинган бўлиб унда В.э.нинг мамлакатимиздаги асосий тамойиллари ўз ифодасини топган. В.э. демократиянинг ажралмас таркибий қисмидир; у фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлигини; барча диний конфессияларнинг қонун олдида тенглигини; динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқлигини; диний конфессияларнинг идоралари фақатгина мажбурий йиғимлар тўплаш тақиқланганини; диний идора ишларига давлатнинг аралашмаслигини, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслигини ўз ичига олади. В.э. диндорларнинг диний ҳис-туйғуларини ҳақоратламаган ҳолда диний мутаассиблик, жаҳолатпарастлик, даъват ва низога, экстремизмга, қонуний давлатга қарши диний партия, жамоа, уюшма, ҳаракат ва жамғармалар тузилишига қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш эркинлигини ҳам кафолатлайди. Расмий (қонуний) мақом берилган диний ташкилотларга эга динни тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларидан, матбуотдан фойдаланиш эркинлиги ҳам қонун доирасида кафолатланади. Мас., Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз газета ва журналларига, нашриёт ва кутубхонасига эга бўлиб, уларни тарқатишда алоқа муассасаларидан бемалол фойдаланишмоқда. Ҳоз. даврда мамлакатимизда 15 та диний конфессия-уюшма мавжуд бўлиб, буларнинг энг йириклари ислом, православ ва яҳудийликдир. Булардан мусулмонлар ихтиёрида 1800 га яқин расмий масжид, олий мадраса, Ислом тадқиқот маркази, бир журнал, битта газета, 10 дан зиёд мадраса ишлаб турибди. Бутун Ўзбекистон мусулмонларидан 40 мингга яқини ҳаж зиёратига, бир неча юзлаб диндорлар умра сафарига бемалол бориб келдилар.

ВИКО ((Vico) Жан Баттиста) (23.6.1668 — Неапол 21.1.1744) — 1699 йилдан Неапол проф. (1698), сарой тарихшуноси (1734), тарихий жараёнларнинг объективлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган. «Миллатларнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фаннинг асосланиши» китобида ер юзидаги барча миллатлар тараққиётнинг уч давр доирасида циклик ривожланиб бориши тўғрисидаги тарихий айланма наз-ясини ишлаб чиққан: 1) «Худолар асри» — дин ҳомийларига бўйсунуш даври; 2) «қаҳрамонлар

асри» — аристократик давлат даври; 3) «инсонлар асри» — ваколатли монархия ёки демократик республика даври. Ҳар бир босқич мавжуд жамиятнинг умумий инқирози ва парчаланиб кетиши б-н тамоm бўлиши эътироф этилган. В.нинг тарихийлик наз-яси ҳуқуқ, дин ва санъат масалаларини, ижтимоий ҳаёт шакллариини ўзаро алоқадорликда ва бир бутунликда ёндашган ҳолда тадқиқ қилишга имкон берган.

ВИНДЕЛЬБАНД (Windelband) Вильгельм (1848—1915) — немис файласуфи ва аксиология, неокантчиликнинг Баден мактаби бошлиғи. Фал. тарихи, логика, этика ва қимматдорлар наз-яси соҳасида ижод қилган. В. фал. тарихига оид асарларида («Қадимги фалсафа тарихи», — 1888; «Янги фалсафа тарихи», 1878—1880; «Тарих ва табиёт», 1894) ўтмишнинг фал-ий таълимотини. В. Кант нуқтаи назаридан ёритади. В. Кант фал.сидаги дуализмни йўқотишга ҳаракат қилиб, В. «нараса ўзида»га барҳам беради ва у фал.ни «қадриятлар» тўғрисидаги умумий фан сифатида тушунтиради. В. табиий ва ижтимоий тарихий фанлар услубларининг фарқини асослаб беришга ҳаракат қилади. В.нинг фикрича, табиий фанлар — «номотетик», яъни, умумий қонунларни тадқиқ қилувчи фанлар бўлиб, тарихий фанлар — «идиографик», яъни хусусийлик, айримлик ҳақида ҳикоя қилувчи фанлардир. В. Қонуниятни тарихий билишнинг етакчи тамойили сифатидаги моҳиятини рад этиб, уни «қадриятларга олиб борувчи» расмий тартиб-қоида сифатида тушунади. Фаннинг бўлиниши тўғрисидаги В. таълимоти ўз даврининг фал-ий, социологик ва тарихий асарларини ўрганишга ўзининг сезиларли даражада таъсирини кўрсатди.

ВИТАЛИЗМ (лот.vitalis — ҳаётий) — тирик табиатнинг нотирик табиатдан сифат жиҳатидан фарқли эканлиги тўғрисида, ҳаётий жараёнларни ноорганик олам кучлари ва қонунлари б-н алмаштириб бўлмаслиги, тирик жисмларда нотирикларда бўлмайдиган алоҳида оламларнинг мавжуд эканлиги тўғрисидаги таълимот. Фал.да В.га объектив идеалистик (Платон, Шеллинг ва б.) ҳамда табиий-илмий ёндашувлар мавжуд. В. ҳаётий фаолиятларни табиий-илмий талқин қилиш механизмига қарши бўлиб, тирик мавжудотларнинг тизим сифатида мақсадга мувофиқ, бўлинмаслик ва қандайдир механикага хос бўлмаган тараққиёт ва хулқ-атвор жиҳатларига эга эканлигини эътироф этади. В. учун тирик мавжудотларнинг сифатий ўзига хослигини мутлақлаштириш, улардаги биологик ва кимёвий қонуниятларни инкор этиш, ҳаёт ҳодисаларини материалистик асосда талқин этишга имкон берадиган биологик назарияларга салбий муносабатда бўлиш хосдир. Чунончи, В.нинг йирик вакилларида бири бўлган

Дриш Ч. Дарвиннинг эволюцион наз-ясига ҳамда Г. Менделнинг ирсият концепциясига кескин қарши чиққан.

ВОЛАН Андрей (1530—1610) — Литва буюк княз-лигининг сиёсий арбоби, реформация идеологи, файласуф ва ҳуқуқшунос. В. «Сиёсий ёки фуқаролик эркинлиги» (1572), «Инсон бахти ёки инсоннинг олий фаровонлиги тўғрисида» (1596), «Хукмдор ва унинг шахсий фазилатлари тўғрисида» (1608) каби асарлар муаллифи. В.нинг асарлари Германия ва Францияда бир неча марта нашр этилган. У жамият, давлат ва ҳуқуқнинг табиий равишда келиб чиққанлигини, тарихда кишиларнинг субъектив фаолияти ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини асослашга ҳаракат қилди. У христианлик б-н Уйғониш даврининг ахлоқий идеалларини уйғунлаштиришга уринди. «Хукмдор ва унинг шахсий фазилатлари» асарида инсон ва фуқаронинг идеал образини яратди. В. ахлоқнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ин-тларига катта таъсир кўрсатишини таъкидлади.

ВОЛЬТЕР (Voltaire) (*тахаллуси:* исм шарифи Франсуа Мари Аруэ), (Arouet); (1694.21.11 — Париж — 1778.30.05) — француз ёзувчиси, файласуфи, тарихчиси. Франция ФА аъзоси (1746). В. умрининг охирига қадар ижтимоий ҳаётда жўшқин илмий фаолият намунасини кўрсатди. У қолдирган маънавий мерос Моланднинг тўлиқ нашрида 52 жилдни ташкил қилади. Унинг асосий фал-ий асарлари «Фалсафий мактублар», (1733), «Метафизикадан рисола» (1734), «Ньютон фалсафасининг асослари» (1738), «Микромегас», «Сукрот», «Фалсафадан ён чўнтак луғати» (1764—69), «Беҳабар файласуф» (1766) ва б. «Тарих фалсафийси» атамаси В. томонидан фалсафий адабиётларга киритган. Францияда маърифатпарварлик ҳаракатининг бошланишини тахм. 1718 й б-н белгилаш мумкин. Айнан шу йили Париж театри сахнасида В.нинг машҳур «Эдип» трагедияси кўйилди ва мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Унда эндигина қирол қамоқхонасидан озод қилинган ёш шоир монархия ҳокимияти ва ўзбошимча руҳонийларнинг кирдикорларини очиб беришга жазм қилади. Бу асарнинг мазмунига қараганда, маърифатпарвар кишилар жамиятни таназзулга олиб бораётган кучларга нисбатан танқидий муносабатда бўлишга, зулм ва қабохатлар поёнига етган тақдирда эса жамиятни, ижтимоий ҳаётни ақл-заковат, ижтимоий адолат ва ҳуррият тамойиллари асосида ўзгартириш, ислоҳ қилиш ҳуқуқига эгадирлар. В. ўзининг бутун умрини жамият манфаатларини кўзлашдан йироқ монархия ҳокимияти ва такаббур, ўжар католик клерикализмга қарши курашга бағишлади. Айнан шу вақтда Уйғониш даврида машҳур Мортен ва Рабле бошлаб бер-

ган антиклерикалистик анъаналар, турли хил «либертанлар» — эркин фикрловчилар, жумладан, Бейли, Гассендининг ҳаётбахш таъсири беҳад даражада кучли эди. 1734 й.да француз маърифатпарварлиги янги босқичга кўтарилди. Бунинг бевосита сабаби В. томонидан «Фалсафий мактублар», «Инглиз миллати тўғрисида мактублар» ва «Паскалнинг «Мулоҳазалар»ига изоҳлар» асарларининг чоп этилишидир. В. уларда феодал-абсолютизм тузумининг реал истиқболи йўқ эканлигини яққол ҳис қилади ва унга муқобил ижтимоий тартибда бошқариш тизимини таклиф қилиш устида бош қотиради. Фай. шу б-н биргаликда Англия ҳудудида шаклланган Ж.Локк сенсуализми, Ф.Бэконнинг экспериментал илм-фанга муносабати, И.Ньютоннинг физика ва механика соҳаларига қўшган ҳиссалари, уларнинг илмий-назрий ва амалий аҳамиятини очиб беришга, уларни Францияда кенг тарқалишига алоҳида эътибор қаратади. В. ўзининг фал-ий қарашларида худонинг мавжудлиги борасида янги далил-исботни таклиф қилади. Бу далил, В.нинг таъбирича, аксиоматик характерга эга бўлиб, инсон моҳияти тўғрисидаги тушунчанинг мантиқ нуқтаи назаридан умумлаштириш имкониятига таянади. Бу далил «Мен мавжуд эканман, демак, қандайдир нарса абадийдир» шаклида илгари сурилади. Бу ҳақиқат, В. фикрига кўра, арифметика ва геометриянинг илк асосларига ўхшашидир. У шундай яққол исботга асосланганки, уни ҳеч нарса шубҳа остига ола билмайди. В. Худонинг борлигини рад этувчи моддийончи мутафаккирларнинг фикрига қўшилмайди, уларни оддий механицизмнинг қурбонлари сифатида танқид қилади. Бундай фай.лар табиатдаги барча ҳодисалар математика қонунлари асосида рўй беради, деган алфозда фикр юритадилар. Натижада, супераддитив, яъни математик аниқлик даражасида ҳал қилиб бўлмайдиган сабабларга мурожаат этиш имкониятларига чек қўйилади. Бундай супераддитив ҳодисаларга Худо, охириги сабаб мисол бўла олади. Худо фикран мавжуд экан, уни рад этиш мумкин эмас. Оддий инсон Худонинг зоти хусусиятлари тўғрисида бамаъни фикр юритишга қодир эмас, чунки худо ва инсон ҳар хил объектлардир, яъни Худо чексиз моҳият, инсон эса чекли моҳиятга алоқадордир. В. Локк сенсуализми ва Ньютон натурфал.сига асосланиб, тажрибага таянмаган ҳар қандай метафизикани теология-илоҳиёт деб эълон қилади. Шунга асосланиб, В. Р. Декартнинг абадий руҳ ва туғма ғоялар ҳақидаги қарашларини ҳам теология сифатида талқин қилади. Ҳақиқий фал., В. фикрига кўра, механицизм ва теологиядан мустақил бўлмоғи лозим. Метафизик фикрлаш эҳтимоллик характерида эга бўлиб, ҳақиқатга яқин гипотетик ғояларни илгари суради, эвристик функцияни бажаради, лекин у ҳеч қачон аниқ билимга даъво қилмаслиги лозим. В. орзу қилган жамиятда илоҳиётчилар мақоми бе-

кор қилинади, чунки уларнинг ҳаддидан ошиши оломон фанатизмига асосланган бўлиб, муайян «фирқалар»нинг манфаатларини кўзлайди, жамият манфаатларидан йироқ туради. Эзгулик ва ёмонликнинг ҳақиқий меъёр-ўлчами жамиятнинг истиқболли б-н белгиланар экан, ахлоқ-одоб фал. б-н боғланиши керак. Жамият теологияга эмас, Худога имон-эътиқод қўйган давлат дини ҳисобланган фал.га эҳтиёж сезади. Агар теология «фанатизми фуқаролар ўзаро низоларининг онаси, инсон зотининг душмани» бўлса, фал. эса давлатнинг табиий дини сифатида тартиб ва барқарорлик асоси ва ижтимоий ахлоқнинг ижодкоридир, дейди В. В.нинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва фал-ий қарашлари ўз даврида Францияда шаклланиб келаётган маърифатпарварлик оқимида катта таъсир кўрсатган.

ВОЛЮНТАРИЗМ (лот. «voluntas» — ирода) фал. ва психологиядаги оқим. Бу атама 1883 й.да Ф.Тенниес томонидан илмий муомалага киритилган. В. иродани бирламчи, деб эътироф қилади. Уни мавжудотнинг бош асоси, деб уқтиради. В.нинг етук вакили Шопенгауэр К.нинг ҳодисалар (тасаввурлар) асосида ётган «нарса ўзида»ни бирламчи, ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган «оламий ирода»дир деб даъво қилади. Унинг фикрича, барча тирик вужудларнинг ҳаракатлантирувчи кучи — стхияли инстинктив характерга эга бўлган «яшашга интилиш иродаси»дан иборат. Онгли ирода кўркўрона, инстинктив индивидуал иродага нисбатан ҳосилдир. В.га хос қарашлар узоқ ўтмишда Августин, Дунс Скотт таълимотларида ҳам яққол ифодаланган. Кейинчалик ақл устунлиги ҳақидаги таълимот яратилди. Фихтенинг фикрича, ирода дунёнинг мутлақ ижодий ақидасидир. Гартман нуқтаи назарича эса, ирода барча нарсада мавжуд ва ҳар ерда онсиз таъсир қилади. У атамаларни ироданинг бирлиги деб қарайди. Фал.даги иродани борлиқнинг олий тамойили деб қаровчи В. атамаси тарихий жараённинг объектив қонуни б-н ҳисоблашмайдиган ва амалга оширувчи шахсларнинг субъектив хоҳишлари ва эркин қарорларга мослашувчи ижтимоий-сиёсий амалиётни тавсифлаш учун ҳам ишлатилади.

ВОРИСЛИК — (фалсафий категория); тараққиёт жараёнида янгилик б-н эскилик ўртасидаги объектив зарурий алоқа, инкорни инкор қонунининг энг муҳим белгиларидан бири. В. тамойилига кўра, ҳар қандай илгарилаб ривожланиш жараёнларида ҳаракатнинг ҳар бир юқорироқ шакли унинг қуйи шакллари б-н алоқадор бўлганлигидан, уларни бутунлай инкор қилмайди, балки қулай, мос қисмини ўзига киритиб, бўйсундириб олади. Диалектик тушунилган инкор фақат эскиликни тугатишни эмас, балки олдинги босқичларда қўлга киритилган илғор тараққийпар-

вар рационал нарсани сақлаб, янада ривожлантиришни назарда тутати. Бусиз борлиқда ҳам, билишда ҳам олдинга қараб ҳаракат қилиб бўлмайди. В. жараёнларни тўғри тушуниш фаннинг, санъатнинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш учун, ўтмишнинг илғор, тараққийпарвар ютуқларига нотанқидий муносабат б-н ҳам, барча ўтмиш қадриятларимизни нигилистларча инкор қилиш б-н ҳам муросасиз курашишда муҳим аҳамиятга эгадир.

ВОҚЕЛИК (лот. — *realis*) — ҳақиқий мавжуд, реаллик. В. «ўз-ўзидан» билиш туфайли намоён бўлиши мумкин ҳисобланган ва муайян вақтда рўй берган барча нарса ва ҳодисалардир. В. мавжуд нарсаларга тааллуқли, уларнинг мавжудлиги далил — исботни талаб этмайди. Бунда асосий муаммо нарсаларнинг В.и, реал мавжудлигида эмас, балки биз уни қандай идрок этишимизда, тушунишимиздадир. Мазкур муаммо қуйидаги нуқтаи назарларга кўра ҳал этилиши мумкин: 1. Билиш «ўз-ўзидан моҳият»ни аниқлашга йўналтирилган. В.ни англаш учун уни онг билиш объектига айлантирмоғи лозим. Шу маънода, В. билиш ҳолатидан қатъий назар, мустақил мавжуд, ондан мустақил равишда мавжуд бўлган нарсалар воқелиги, табиатида эга. Билиш В.нинг моҳиятини аниқлаш жараёнидир. 2. В.ни билиш инсонга хос бўлган ҳиссий-трансцендент ҳолат ҳамдир. Бунинг маъноси шуки, В. таъсирида инсонда хилма-хил эмоционал-рецептив ҳолатлар мавжуд бўлади, уларни мавжудлигининг ўзи ҳам В. Мас., кишиларнинг ҳиссий-рецептив тажрибалари, таъсирланиш, чидам, азоб ва ҳ.к. шулар жумласидандир. Мазкур маънода, В. воқеалар тарзида намоён бўлади. Билиш фақат реал мавжуд бўлган нарсаларнинг (В.нинг) моҳиятини тушунишгина эмас, балки, нарсаларнинг инсонга таъсири натижасида ҳосил бўладиган хатти-ҳаракатлар, эмоционал ҳолатларни тушуниш (ниманидир кутиш, олдиндан сезиш, ўзини нимагадир тайёрлаш, ютуқ ва камчиликни ҳис қилиш, ўзи ва б. хатти-ҳаракатлари оқибатларини, ўзи ва б. кайфиятларини билиш) ҳамдир. В. бўлиши кутилган нарсаларни олдиндан сезиш, кўриш, ҳис қилиш тарзида намоён бўлади. Инсоннинг хатти-ҳаракати воқеалар жараёни ёки инсонни билишга йўналтирилган бўлади. В. тушунчаси «борлиқ» тушунчасига яқин, лекин улар орасида муайян фарқ мавжуд: В. аниқликни, мавжуд бўлган ва бўлиши мумкин бўлган алоҳида нарса, предмет, ҳодиса, жараёнларни ифодалайди. Борлиқ эса фал-ий категория бўлиб, бир бутун, яхлит, бир-бири б-н боғланган ва бир-бирини тақозо этадиган оламни ифодалайди.

ВУЖУДИ ВОЖИБ ВА ВУЖУДИ МУМКИН — буюк аллома ва машҳур мутафаккир Абу Наср Форобий томонидан ишлаб чиқилган ва ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ фал.да қўлланилган тушун-

чалар. Улар перипатетик фал. тарафдорлари Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд ва б.лар томонидан борлиқ, яратган (холиқ) ва яратилганларнинг (махлуқ) ўзаро муносабати муаммосини талқин этишда кенг қўламда фойдаланилган. В.в. ва В.м. тушунчаларига кўра, борлиқ, маждудотни иккига — вужуди вожиб (зарурий мавжуд ибтидо) ва вужуди мумкин (имконий мавжуд, нарсалар олами)дан иборат деб фикр-мулоҳаза юритиш лозим. Улар ўртасидаги ўзаро алоқа тасодифий характерга эга бўлмасдан, балки табиат ва мантиқ қонун-қоидаларига зид келмайдиган муайян тартибга бўйсунди. В. в. ягона моҳият сифатида ўзининг ва барча бошқа нарсаларнинг Биринчи сабабидир. У Биринчи сабаб сифатида ўзидан ўзга сабабнинг ҳосиласи бўла олмайди. У барча нарсаларни яратади, лекин ўзи улар томонидан яратилмайди. Унинг зотида, билимида қусур, етишмаслик ёки ноаниқлик ва уни тўлдиришга бирон-бир зарурат йўқ, чунки у етук ва баркамол зотдир. У ҳозир бундай, кейин эса бутунлай бошқача бўлиши мумкин эмас. У мутлақ борлиқ ва мутлақ донишмандлик тимсолидир. Ҳақиқий яратувчанлик функцияси айнан В.в. га хосдир. У доимо яратиш б-н машғул. Унинг баъзан яратиш, баъзан эса бундай фаолиятдан четда туриши В.в. моҳиятига зиддир. В.в. томонидан ўзга нарсаларни яратиш унинг иродаси ва истак-хоҳиши туфайли эмас, унга хос зарурий асосида амалга ошади. В.м. ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага, яъни В.в. га муҳтож борлиқдир. Оламда сабаб-оқибат муносабати ҳукмронлик қилади. Лекин бу муносабат чексиз эмас, унинг интиҳоси пировард натижада Биринчи сабаб — В.в.га бориб тақалади. В. м. Абу Наср Форобийнинг таъбирича, беш даражага бўлинади. Улар ақл, жон, шакл, материя ва осмондан иборат. В. в. ва В. м. ўртасидаги ўзаро сабаб-оқибат муносабатида вақт меъёр ва мезони ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Бунда нафислик даражаси, мартабаси муҳимдир. В. в. нафислиги беқиёс ва бетакрордир. Уни дағал, моддийлаштирилган В.м.га жиҳат ва хоссалари б-н таққослаш ўринсиздир. Шундай экан, В.в. ва В.м. абадийликда бир-биридан фарқланмайди, чунки сабабсиз оқибат бўлмагани каби, оқибатсиз сабабнинг бўлиши ҳам табиат қонунлари ва мантиқ илми асосларига зиддир. Фарзанд туфайли эр-хотин, ота-она бўлганидек, ҳар қандай ҳодиса ҳам оқибатни ярата олиш б-нгина сабаб ҳақомига эга бўла олади. Бундай қиёслаш, Форобийнинг фикрича, В.в. ва В.м.га ҳам бевосита тааллуқлидир. Демак, сабаб сифатида В.в. абадий экан, унинг оқибати саналмиш В.м. ҳам абадийдир. Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд ва бошқалар томонидан борлиқ муаммосини В.в. ва В.м. ўзаро муносабати сифатида бундай тарзда талқин этилиши фал-ий тафаккурга янгича ёндашишга олиб келди.

ВУЛЬГАР МАТЕРИАЛИЗМ (лот. vulgaris — содда, оддий) — материалистик оқимига мансуб фай.лар К.Фогт, Р.Молешотт ва Л.Бюхнернинг фал-ий қарашларини таърифлаш учун Энгельс томонидан киритилган тушунча. Фарб фал.сига мансуб бўлган В.м. оқими 19-а.нинг 1-ярмида табиёт илми ривожланиб, улкан ютуқларга эришилганлиги таъсирида вужудга келди. Жумладан, энергиянинг сақланиш қонуни, Ч. Дарвиннинг эволюцион таълимоти ижтимоий ҳодисаларга тадбиқ қилиниши, мия функцияларини жадал равишда тадқиқ этилиши каби табиий фанларнинг кашфиёт ва ютуқлари аргумент сифатида бутун натурфал.га, жумладан, немис классик фал.сига қарши йўналтирилади. Ижтимоий ҳодисаларни (мас., синфий тафовутларни, халқлар тарихини ўзига хос хусусиятларини ва б.) таҳлил қилишда В.м.да биологизм, натурализм ва эмпиризм нуқтаи назаридан фикр юритилади; гносеология масалаларини эмпирик йўл б-н тадқиқ қилиш, фал.ни табиатшуносликка қарама-қарши қўйиш каби уринишлар ҳам В.м.га хос иш услубидир. Мас., В.м. тарафдорлари онг ва бошқа ижтимоий ҳодисалар фақат физиологик жараённинг натижасидан иборатдир, овқатнинг таркибига, иқлимга ва ҳ.к. боғлиқдир, деб ҳисоблайдилар. Улар физиологик жараёнларни онгнинг сабабчиси деб эътироф қилиб, онг б-н материяни бирдай қилиб кўрсатдилар, фикрни миянинг молда ажратиш чикаришидан иборат жараён деб ҳисоблайдилар. Ушбу оқим яхлит фал-ий анъана сифатида шакллана олмасда, бироқ, социал-дарвинизм, позитивизм ва б. оқимлар б-н 19-а. ўрталарида жамиятда маънавий ва интеллектуал вазиятни маълум даражада атеизм ва стихияли материализм томонга бурилишига таъсир қилди.

ВЮРЦБУРГ МАКТАБИ — фалсафий психологик оқим. 20-а.нинг бошларида Германияда вужудга келган. Мазкур йўналишнинг йирик вакиллари: О.Кюльпе, К.Бюллер, А.Мессер, А.Нарцис ва б. В.м. вакиллари психология тарихида кенг ўрин эгаллаган ассоциатив психологияни танқид қилиб чиқдилар ва синалувчиларни ўзини-ўзи кузатиш методига суянган ҳолда тажрибалар ўтказиш услуби ёрдамида юксак даражада тараққий этган психик жараёнларни механик равишда вужудга келади деб тушунтириш мумкин эмаслигини экспериментал йўл б-н исботлашга ҳаракат қилдилар. Улар психологик тажрибаларни даставвал ўзини-ўзи кузатиш методи ёрдамида ўзлари устида ўтказганлар. Ўзлари устида ўтказган тажрибалари натижаларини атрофлича таҳлил қилиб, фикр юритишни аниқ ўлчаш имконини берадиган фурсатни (муддатни), вақтни (замонни) талаб қилади, деб изоҳлашга уриндилар. Улар тафаккур жараёнининг мазмуни ва моҳиятини зудлик б-н фикр объектига тушириш ва узатиш мум-

кин эмас, чунончи, тафаккур таркибига кирувчи сезгилар, тасаввурлар ва тушунчаларни, шунингдек, яққол тасаввурга эга бўлган элементларни ана шу тарзда зеҳн орқали қамраб олиш имкони йўқ, деган хулосага келдилар. В.м. намояндалари яратган тафаккур функциясининг бирламчилиги ва ўзига хослиги тафаккур руҳнинг алоҳида қобилиятидир деган схоластик таълимотга, руҳнинг алоҳида моддий бўлмаган моҳиятидир, деб таърифловчи таълимотга яқин. Улар тафаккур бу ички ҳаракат (акт)дир деб қарай бошлаганлар. Намояндалар олдида муносабатларни ўрнатиш (қисм, яхлит, тур, жинс) объектнинг нисбати ва ўзаро муносабатларини, ушбу муносабатларнинг конкрет аъзоларини идрок қилишни аниқлаш вазифалари туради. Уларнинг фикрича, тафаккур бу детерминациялашган анъана келтириб чиқарувчи маълум масалаларга боғлиқ. Тафаккурни масала ечиш жараёни деб тушуниш орқали у б-н ақлий фаолият ўртасидаги фарқ аниқлаб берилди ва бу борада олға қадам қўйилди. Масала деб улар sinalувчиларга берилаётган кўрсатмалар, унинг ҳаракат қилиши танловчанлик хусусиятини аниқлаб беради, жумладан, бир гуруҳ ассоциацияларни кучайтириш, иккинчисини тормозлаш эвазига амалга оширилади. Инструкциянинг таъсири остида кўзгатувчилар пайдо бўлганида sinalувчиларда мақсадни тасаввур қилиш юзага кела бошлайди. Кейинчалик мақсадни тасаввур этиш б-н ку-

тилаётган натижа ўртасидаги алоқа мақсад кўзлашни вужудга келтиради. Ҳаракатнинг детерминациялашган анъанаси муҳим шаклларида бири — абстракция. Абстракция ҳолатининг вужудга келишида биринчидан масала таъсири остида кўзгатувчиларнинг бир гуруҳидан, иккинчидан, б.ни идрок қилиш, эсда сақлаб қолиш, англашдан мавҳумлаштириш содир бўлади. Мазкур наз-я вакиллари тафаккурни муносабатларнинг акс этиши б-н боғлаб, уни муносабатларнинг бирламчи қараб чиқиш ёки бирламчи маълумот бериш манбаи сифатида талқин қилдилар. Улар тафаккур тараққиёти масаласини кўтариб чиқиб, олийжаноб иш қилган бўлсалар ҳам ўсишнинг фикрларни фикрларга ўтиш ҳолати б-н тенглаштириб, амалий фаолиятдан тафаккурни мутлақо ажратиб қўйдилар. Мазкур муаммода, гносеологик нуқтаи назардан олиб қаралганда, моддий тушунидан узоқлашиб бораётганлигини англаб олиш унчалик қийин эмас. Вюрцбург мактаби намояндалари тафаккурни алоҳида мустақил билиш фаолияти сифатида аниқ кўрсата билди, бироқ тафаккурни амалиётдан, нутқдан ва ҳиссий образлардан қатъий ажратиб ташладилар. Шунга қарамасдан, В. м. олдига қўйилган кенг кўламдаги илмий гипотезалар, муаммолар тафаккур психологиясининг тараққиётига муайян истиқболлар очиб берди.

Г

ГАДАМЕР (Hadamer) Ханс Георг (1900) — немис файласуфи, герменевтика фалсафасининг асосчиларидан бири. Асосий асари — «Ҳақиқат ва услуб» (1960). Г.М.Хайдеггер экзистенциализми ва Дильтей қарашларига суянган ҳолда феноменологик герменевтикани ишлаб чиқди. Г. матнни тушуниш бизнинг ишончимизни енгиб ўтишни тақозо қилади, дейди. Бу оддий сўзлар ёки риторик иборалар б-н ҳал қилинмайди. Ҳақиқатни излаш ҳиссий туйғуларимизни чеклаб, матнни англашга қаратилган бўлиши керак. Бироқ, герменевтик фал. фақат матнни тушунишгагина эмас, балки уни англашга қаратилган бўлиши керак. Унинг предмети тушунувчидан иборат бўлмай, инсониятнинг универсал билимлари йиғиндисидан иборат бўлиши керак. Г. фикрича, инсон ҳаётининг мавжудлиги билиш, фаолиятда бўлиш, баҳолаш асосида боради. Бу жиҳатдан Г.дан фарқли ўлароқ, билиш шароитини инсон субъектига эмас, балки унинг борлиғига, объектига кўчириш масаласини қўйди. Инсон дунёсини тушунишнинг миқдорий универсал усулига аниқ-

лик киритди. Г.нинг фикрича, инсон воқеликни назий билибгина қолмай, уни ҳаётий-амалий «синовдан» ўтказади. Шунинг учун Г. кўпинча, уни билиш тўғрисида эмас, балки «дунё тажрибаси» тўғрисида гапирди. Кейинги босқич бевосита кечинмалар («ҳаёт тажрибаси») б-н боғлиқдир. «Тарих тажрибаси», «санъат тажрибаси» деб ҳам аталади. Тажрибанинг шаклланиш механизми тилда «жойлашган». Тил инсоннинг дунёга бўлган муносабатини ифода этади. Тушунчагача дунёни ўзлаштиришни «тушунишгача» деб белгилайди. Г. уларни «тушунишгача», «қарашгача», «хайратланишгача», «назарга олмақ», «мўлжалламоқ» атамалари орқали ифодалайди. Бу ерда қатъий, тизимли тушунчалар йўқ деб билади. Г. рефлексор-наз-ий билиш б-н предикативгача бўлган билиш шаклини фарқлайди. Бундай билимнинг асосий шаклини хурофот деб атади. Маърифат фал.си ана шу ҳар хил атамаларни қўллашга барҳам беради. Инсон борлиги ва тафаккурининг асосий тавсифини «тарихийлик» ва унинг маълум макон ва замонда бўлиши, демак, инсон ўзини шу ерда

топишини кўрсатади. Г. тилга эътибор бериб, унга инсон борлигининг реаллашуви сифатида қарайди. Шу б-н бирга, Г. эски герменевтик қарашнинг чекланганлигини кўрсатиб берди. Унда «матн» тушунчаси инсон борлигидан ташқарида текширилган эди. Г. «матн» га инсон «Мен»лигининг рўёбга чиқиш шакли сифатида таъриф берди. Матнга тарихнинг маъноси ва мазмуни, авлодлар мулоқоти сифатида қаради. Г. Суқрат ва Платоннинг диалогига катта аҳамият берди.

ГАЛАКТИКА (юн. Galaktikos — сомон йўли) — Куёш ва юлдузлар мажмуи, юлдузлараро чанг ва газ, атом ва космик заррачалардан иборат муайян таркиб ва қонуниятлар орқали ўзаро чамбарчас боғланган моддий жисм ва заррачалар тизими. Катта телескоплар орқали асримизнинг 70-80 й.ларида 75-80 млн. Г.га ўхшаш туманликлар ёки Г.лар қайд қилинган. Кейинги йилларда космик телескоп, радиотелескоп имкониятидан кенг фойдаланилган ҳолда, 25 млрд. туманлик ва Г.лар мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилмоқда. Куёш системасини ўз таркибига олган бизнинг Г.миз сомон йўли Г.си деб номланиб, у спиралсимон кўринишга эга юлдузлар системасидир. Мана шу сомон йўли Г.сида тахминан, 150 млрд. юлдузлар бўлиб, бу юлдузлар атрофида сон-саноқсиз планеталар, космик объектлар айланма ҳаракат қиладилар. Г.мизнинг умумий диаметри 100 минг ёруғлик йилига тенг бўлиб бу Г. кутб юлдузи ёнидан ўтувчи Г. ўқи атрофида секундида 240 км. тезликда 200 млн. йилда бир марта айланиб чиқади. Буни астрономияда, галактик йил ҳам дейилади. Сомон йўли Г.сига энг яқин қўшни Г.лардан учтасини мусаффо осмонда оддий кўз б-н ҳам илғаш мумкин. Улардан энг ёрқини Г. шакли ва ҳажми жиҳатдан Г.мизга ўхшаш бўлган Андромеда туманлиги ҳамда катта ва кичик Магеллан булутларидир. Сомон йўли Г.сининг диаметри 100 минг ёруғлик йили деб олсак, астрономик ўлчов бирлигига мувофиқ 30,17 парсек деб қабул қилинди. 1 парсек — 3,26 ёруғлик йилига ёки $30,857 \cdot 10^{12}$ км.га тенг. Г.лар орасидаги масофаларни ўлчаш килопарсек (КПС) ва Мегепарсек (МГПС) астрономик ўлчов бирликлари қилиб олинди. 1 КПС — 1000 парсекка ва 1 МГПС — 10 минг килопарсекка тенг деб қабул қилинди. Одатда, Г.лар тўда-тўда бўлиб ўзаро динамик боғлангандир. Бизнинг Г. маҳаллий гуруҳ деб аталадиган Г.лар тўдасига мансубдир. Бу гуруҳнинг таркибида Сомон йўли Г.си (яъни бизнинг Г.миз)дан ташқари Андромеда туманлиги, уч-бурчак юлдуз туркумидаги Г., шунингдек, яна 15 тача кичик эллиптик ва нотўғри Г.лар мавжуддир. Маҳаллий гуруҳ Г.ларнинг энг олисдагиси, Куёш системасидан 480000 парсек масофада бўлиб, гуруҳдан ташқарида мавжуд Г.ларнинг энг яқини эса 1500000 парсекка тенг. Ҳоз. пайтда радиотелескоп ва

космик телескоплар ёрдамида 11—14 млрд. ёруғлик йили масофасидаги космик объектларнинг ўрнини белгилаб кузатиш имконияти вужудга келмоқда. Фаллий ва илмий тафаккур тарихида оламнинг бепеёнлиги ёки чекланганлиги масаласи деярли барча мутафаккирлар ижодида ўз аксини топади. Қад. Шарқ космологиясида осмон Ерга қарама-қарши қўйилди. Улар ўзаро таъсирда бўладилар, деб ҳисоблаганлар. Аристотель таълимоти бўйича эса, моддий борлиқ Ер б-н боғлиқ ҳолда мавжуддир. Оламдаги барча моддий нарса ва ҳодисалар Ер марказидан ўз оғирликларига қараб жойлашади. Демак, энг оғир жисмлар Ер марказида жойлашган бўлиб, у ўз навбатида оламнинг ҳам маркази ҳисобланади. Осмондаги сайёралар, ёритгичлар ва б. нарсалар эфирлардан ташкил топади. Аристотель оламни чекланган тарзда тасаввур қилган. Аристотель таълимотига асосланиб, Мисрдаги Александрия шаҳрида Птоломей оламнинг геоцентрик системасига асосланган астрономик жадвалини ишлаб чиқди. Ўрта аср мусулмон Шарқи мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний Аристотель космогониясига шубҳа билдирди. У моддийлик Ер ҳодисалари б-н чекланмайди, моддийлик мавжудликнинг атрибутив хоссасидир, деган фикрни илгари сурди. У оламни чексиз ҳисоблади геоцентрик таълимотнинг бир қатор камчиликларини кўрсатган ҳолда, гелиоцентрик таълимот гоёларини илгари сурди. Н. Коперник гарчи оламнинг маркази Ер эмас, балки, Куёшдир, деб оламнинг гелиоцентрик наз-ясини яратган бўлса-да, дунёнинг чегаралари тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтира олмади. Н. Коперникнинг издоши Ж. Бруно оламнинг бепеёнлиги тўғрисидаги таълимотни яратди. У ўз нутқларида айтишича, бизга кўриниб турган юлдузларнинг ҳар бири Куёшга ўхшаган нур манбасидир. Улар биздан ниҳоятда олисда жойлашганлигидан митти юлдуз бўлиб кўринади. Оламнинг бепеёнлигига янги давр физикаси намояндалари ўзига хос ёндашдилар. А.Эйнштейн оламнинг чегарасини моддийлик чегараси сифатида олиб, мазкур чегара чизиги ичида моддий жисмлар ва микроразрачалар ўзаро таъсирда бўлади, деб ҳисоблайди. Оламдаги максимал тезлик чегараси моддий олам чегарасини белгилаб берувчи мезон, деб тушунтирди. Ҳар қандай тезлик муайян миқдордаги моддий жисм ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳамда жипслигини таъминлай олади. Агар коинотда максимал тезлик 300 минг км/с бўладиган бўлса, бу тезлик қамраб оладиган моддий борлиқнинг умумий массаси чекланган деб ҳисоблайди. Оламда нур тезлигидан ортиқча тезликда ҳаракат қиладиган заррачаларгина бизга маълум максимал тезлик бирлаштирган моддий нарса ва ҳодисалар оламидан чиқиб кетиши мумкин. Бундан 19,5 млрд. йил олдин бўлиб ўтган жуда катта портлаш оқибатида юз бериши мумкин бўлган нейтронларнинг парчаланишидан юзага ке-

ладиган кичик нейтрон-нейтрино заррачасигина ана шундай тезликка эга бўлиши мумкин. Ҳоз. пайтда дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида нейтрино заррачасини тутиш учун махсус мураккаб лабораторияларни ишга туширганлар. Бу заррачаларни қўлга киритиш коинотимиз сарҳадлари тўғрисидаги тасаввурларни беқиёс даражада кенгайтириши б-н бирга, инсоният учун жуда улкан муаммолардан бири энергия танқислигини муваффақиятли ҳал этишга имкон яратар эди.

ГАЛЕН (Galenus) Клавдий, (129, Пергам, — 199, Рим) — қадимги Рим табиби ва файласуфи. Юнонистон ва Александрияда фал. ва медицинани ўрганган. 169 йилдан бошлаб, Римда императорлар Марк Аврелий ва Луци Вера, кейинчалик, Коммоданинг саройида император хонадонига қаровчи врач бўлган. Г.нинг тарғиботчилиги (ўқитувчилик) ва адабий фаолиятида Уйғониш даврига қадар Европа тиббиётининг ривожланиш йўлининг белгиланиши кўп жиҳатдан тиббиёт ва фал. айнийлиги ҳақидаги фикрлар б-н суғорилган. («Энг яхши врач — энг яхши фай. ҳамдир») Г., асосан, Гиппократ ва Платон ғояларни тарғиб қилган (Гиппократнинг асарларига ёзилган кўплаб шарҳлар, «Гиппократ ва Платоннинг қарашлари ҳақида» рисоласи, «Тимея»ни Платон қисқартирилиши) бўлса-да, Аристотель ғояларини ҳам юксак қадрлаган. Г. фал-ий қарашлари эклектик характерга эга. Логика, физика ва метафизикада Г. Аристотельга ёндашади. Метафизикада у Аристотельнинг «тўртинчи сабаби»га «асбобларга оид» бешинчи сабабни қўшди. Г. «Инсон танаси қисмларининг вазифалари ҳақида» номли физиологик-анатомик асарида диний-мистик таълимотнинг асосларини ёқлаб чиқади. Бироқ бу Г.га экспериментал анатомияда муҳим кашфиётлар қилишга халақит бермайди. Тиббиёт соҳасида Г. томонидан яратилган ўзига хос тизим, яъни яккахудолик ғояларининг илоҳиёт б-н уйғунлашуви унга Ўрта аср тиббиёти ва табиатшунослигида катта обрў келтирди. Г.нинг асарлари ўз давридаёқ араб, сурия, яҳудий тилларига таржима қилинган. Г. номи б-н аталган силлогизмнинг 4-шакли Теофорт ва Евдемга бориб тақалади. Г.нинг номи б-н сақланиб қолган «Фал. тарихи» тахминан 500 йилда ёзилган бўлиб, тиббиёт талабаларига мўлжалланган.

ГАНДИ Моҳандас Карамчанд — (2.10.1869 — 30.1.1948) Ҳиндистонда миллий озодлик кураши раҳбарларидан бири, атоқли мутафаккир, файласуф «Маҳатма» («Буюк қалб») тахаллуси б-н машҳур. Г. номи б-н боғлиқ гандизм таълимоти Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) расмий мафкураси сифатида тан олинган. Ҳиндистон мустақиллигининг ашаддий рақибларидан бири У.Черчилл Г.га «исёнкор фақир» номини берганди. Г. Ҳиндистон тари-

ҳидаги бутун бир давр мазмунини ташкил этади. Г. «сатияграха» («қатъийлик ҳақиқатда», яъни, «куч ишлатмасдан курашиш») ғоясини илгари сурган. Сатияграха таълимотида ахлоқий идеализм ва сиёсий прагматизм бир-бири б-н боғланиб кетган. Г.ни бутун умри бўйи ахлоқ ва сиёсат муносабатлари масаласи ўзига жалб этиб келган. Зўрликка қарши сабр-тоқат, чидамни тан олмаса-да, унга қарши барча воситаларни ишга солиш Г.нинг ахлоқий принципларига мос келмаган. Г. ҲМК лидерларидан фарқли равишда ўз таълимотини халқ орасида тарғиб эта бошлаган. Нотўғри иш қилма, виждонингга қарши борма, адолатсизликда иштирок этма, унга бўйсунма каби даъватлар оммага тушунарли бўлган. Сатияграха ҳар бир шахсга умумий иш иштирокчиси бўлишга имкон бериб, уни сиёсий ҳаёт уммонига тортган. Аҳолиси сиёсий курашда унчалик тажриба орттирмаган, жамоа катта тўсиқлари б-н ажратиб ташланган мамлакатда сатияграха бебаҳо қуролга айланган. У қаршилиқ кўрсатишнинг икки шаклини талаб қилган—ҳамкорлик қилмаслик (давлат хизматидан, биринчи навбатда армия, полицияда хизмат қилишдан бош торттиш, мустамлакачиларнинг «вакиллик органлари»га сайлов ва давлат мактабларини бойкот қилиш, расмий суд муассасаларини хусусий ҳакамлик б-н алмаштириш, давлат мукофотларидан намоийшкорона бош торттиш, чет эл маҳсулотлари ҳамда тижорат фаолиятини бойкот қилиш ва б.) ва фуқаровий бўйсунмаслик, яъни мавжуд қонунларга амал қилишдан бош торттиш. Ҳиндистон икки давлатга бўлиб юборилгач (1947 й.), Г.умрининг охиригача диний бағрикенглик (толерантлик) учун кураш олиб борган. 1948 й. 30 январиди Г. Индус шовинистик-террористик ташкилоти «Раштрия сваям севак сингх» аъзоси Н.Годзе томонидан ўлдирилган. Г. Ҳиндистон тарихида буюк рол ўйнаган шахс, уни бекорга «миллат отаси» деб аташмаган. Унинг сатияграҳаси этник, диний каста, тил, минтақавий тўсиқларни бузиб ташлаганди. Ҳиндистон бирлиги, истиқлол масаласи Г.нинг ҳаёти мазмунини ташкил этган. Ер юзиди «сарвадойя», яъни («умумий фаровонлик жамияти») куриш сатияграха ғоясининг моҳиятини ташкил этган. Унда демократик ва гуманистик кайфиятлар ўз ифодасини топган. Ганди «сарвадойя» учун курашни мустақиллик учун кураш ғоялари б-н боғланган. Иқтисодий соҳада гандизм таълимоти «свадешини», яъни, миллий ишлаб чиқариш дастурини илгари сурган. «Свадешини» доктринасининг уч жиҳати: диний, сиёсий ва иқтисодий ўтмиш мероси ва қадриятларини сақлаб қолиб, уни зўрлик ишлатмаган ҳолда аста-секин янги мазмун б-н бойитишни назарда тутди. Бу ерда ҳозирги замондан қониқмаслик, ўтмишнинг ажойиб бўлганлигига ишонч, келажакни қадриятлар б-н боғлаган ҳолда кўриш, шу б-н бирга радикал, инқилобий

кескин ўзгаришлардан хавфсираш унсурларини кўриш мумкин. Г.нинг зўрлик ишлатмаслик таълимоти турли давлатларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий ҳамкорлик масаласида ҳамон долзарблигича қолмоқда. Айниқса, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, барча муаммоларни музокаралар орқали ҳал этиш, қисқаси, тинч-тотув яшаш тамойилларини англатади. Г. фал.си муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида ҳар қандай урушларни инкор этади. Г. номи бутунги кунда Ҳиндистонда бутун дунёда тинчлик, ижтимоий ҳамкорлик, динлараро бағрикенглик тамойиллари б-н тилга олинади.

ГАРМОНИЯ (юн. *harmoniya* — алоқа, уйғунлик) — муайян бир тизим элементлари, таркибий қисмлари ривожланишининг муайян бир даврида ўзаро мувофиқ, мутаносиб, узвий чамбарчас боғлиқлик ва алоқадорлик ҳолатини англатувчи тушунча. Г.нинг кенг намоён бўлиш шакллари кўп: фалсафада мазмун ва шакл, бутун ва бўлак, система ва элементлар ўртасидаги мутаносибликка нисбатан ишлатилади; муסיқа санъатида кўпчилик ижро этадиган кўшиқлар (хор) ёки куйлардаги уйғунликни билдиради; оилада эр ва хотин ўртасидаги бир-бирига мосликни англатади ва ҳ.к.

ГАРТМАН (Hartman) Эдуард (1842—1906) — немис файласуфи. Иррационализм ва волюнтаризм мактабларининг вакили. У аксиология иборасини фанга киритган. «Онгсизлик фал.си» (1869) асарида, Шопенгауэр сингари, онгсиз руҳий ибтидо борлиқнинг асоси деб ҳисоблайди. Шундай ибтидо идеяси Г.нинг этикасига сингиб кетади. Унинг фикрича, бахт истак ва тилаклардан воз кечишдир. Машаққатсизликка эришиш учун инсоният унинг устидан ҳукмронлик қилувчи уч иллюзиядан: бу дунёдаги бахтдан ҳамда жамиятни ўзгартириш ва такомиллаштириш воситаси б-н эришиладиган бахтдан воз кечиши зарур. Г.нинг ижтимоий тараққиёт натижасида бахтга эришишнинг ҳар қандай имкониятини инкор қилувчи таълимоти фақат фал.-ий маънода эмас, балки ижтимоий-сиёсий маънода ҳам тараққиётга зид таълимот эди.

ГАРТМАН (Hartmann) Николай (1882—1950) — немис файласуфи ва аксиолог. Маргбург, Берлин ун-т.ларининг проф. Г. неокантчиликнинг Маргбург мактабига кўшилди, сўнгра унинг субъектив идеалистик рационалиزم б-н қаноатланмай, ундан узоклашди. Борлиқ ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Г.нинг «ганқидий онтология» деб аталувчи наз-яси марказида борлиқнинг қатламлари: анорганик, органик қатламлар, жон ва руҳ ҳақидаги таълимот туради. Унинг фал.сида агностицизм ва иррационализм хислатлари кўриниб туради. Чун-

ки борлиқнинг ҳамма қатламларига кирувчи асосий шакллари сирли ва билиб бўлмайдиган шакллар деб эълон қилинган. Г. ўз онтологияси асосларида натурфал.ини, объектив руҳ фал.сини, «қадриятлар» наз-яси б-н бирга, этикани, эстетика ва билиш назариясини тузган эди. Г. ғарб қадриятшунослиги ривожига катта таъсир кўрсатган ғоя ва қарашлари б-н танилган. У «Абадий ахлоқий қадриятлар» наз-ясининг муаллифларидан бири. Бу наз-яга кўра, жамиятдаги асосий қадриятлар (мас., яхшилик, инсон қадр, эркинлик ва б.) инсоният мавжуд бўлиб қолар экан ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади. Ҳар бир давр ва давлатда уларни турлича тушуниш, хилма-хил талқин қилиш ҳолатлари рўй беради. Ҳар бир инсон, давлат ва жамият фаолиятининг самараси ва фойдаси ана шу абадий қадриятларга солиштириб аниқланади. Шу маънода қадриятлар маънавий мезонлар сифатида абадийдир. Г.нинг асосий асарлари: «Этика» (1925), «Онтологияни асослашга доир» (1935), «Табиат фалсафаси» (1950), «Эстетика» (1953).

ГЕГЕЛ (Hegel) Георг Вильгельм Фридрих (1770.27.8, Штутгарт, — 1831.14.11, Берлин) — йирик немис файласуфи, немис мумтоз фалсафасининг машҳур вакили. 1788-93 й.ларда Тюбинген ун-ти.да таҳсил олган. Бу ерда фалсафа ва илоҳийни ўрганган. Бернда (1793—96), Франкфурт-Майнда (1797—1800) зодагон оилаларда ўқитувчи, Иена (1801—07), Гейдельберг (1815—18) ун-т.ларида проф., Нююрнберг гимназиясида (1807—16) директор, айни пайтда, «Бамберг газетаси»да муҳаррир, Берлин ун-ти. проф. (1818—28), ректор (1829—30).

Г. таълимотини бутун ғарб фалсафаси ривожининг якуни, деб ҳисобланган бўлса-да, аслида, уни янги давр Европа фалсафаси тараққиётининг сўнгги, юқори босқичи дейиш мумкин.

Г. фал.-ий таълимотида барча табиий ва ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнларнинг тубида «олабий руҳ», «мутлақ ғоя», деб аталмиш мавҳум руҳий ибтидо борлигини асослашга ҳаракат қилган. Мазкур руҳий ибтидо шунинг учун ҳам олабий, мутлақки, унинг мавжудлиги ҳеч қандай бошқа нарсага боғлиқ бўлмай, у табиат ва жамият вужудга келгунича мавжуд бўлган. Бу маънода «олабий», «мутлақ» руҳ тушунчаси «илоҳий онг» тушунчасига ҳамоҳанг ва мутаносибдир. Фай.нинг эътироф этишича, фал.-нинг мазмуни, унинг эҳтиёж ва манфаатлари диннинг эҳтиёж ҳамда манфаатлари б-н тамомила муштарак, умумийдир; динга хос нарса абадий ҳақиқат, Худо ва уни англашдир; фал. динни қай даражада кашф қилса, ўзини шу даражада намоён этади ва аксинча, у қай даражада ўзини намоён этса, динни шу даражада кашф қилади; дин ва фал. ўзаро мутаносибдир. Г.нинг фикрича, агар Худо динда эъти-

қод шаклида тасаввур қилинса, у фал.да мантиқий йўл б-н билинади.

Г.нинг таъкидлашича, Худо барча нарсаларда мавжуд бўлиб, у фақат соф тафаккурдагина ўзининг моҳиятига мутаносиб шаклда мукамал намоён бўлади. Г. фал.сида якун топган мутлақ билим Худонинг инсон тимсолидаги «ўзини ўзи билишдан» бошқа нарса эмас.

Г. таълимотида ривожланиш «триада» — 3 босқичлилиқ (тезис, антитезис ва синтез) шаклида юз беради. Шунга мувофиқ, мазкур фал.нинг марказий тушунчаси — «мутлақ руҳ» диалектик ривожланиш жараёнида уч босқични босиб ўтади: 1. «Мутлақ руҳ»нинг табиат яратилганига қадар бўлган соф тафаккур босқичи. 2. «Мутлақ руҳ»нинг табиатга айланиши. 3. «Мутлақ руҳ»нинг табиатнинг инкори сифатида яна ўзига қайтиши. Г. таълимотига биноан олам руҳий табиатга эга, унинг ривож шунга сабабдан ҳам юз берадики, соф илоҳий тафаккурнинг ички мазмуни, муайян босқичида унга ҳеч ҳам муносиб бўлмаган жисмий борлиқ — табиат шаклига ўтади ва шу боис унинг учун мудҳиш ҳолат — зиддият вужудга келади. Ҳаракат — диалектик ривожланишнинг муҳим тамойили бўлиб, у айна зиддиятнинг маҳсулидир. Худди табиатнинг ўзида руҳнинг ундан, яъни, ўзининг «ўзгача борлиғи — бегоналашуви» яна «ўзига қайтиши» бошланади. Ўз ҳаётининг илк босқичларида ҳали табиат қўйнида бўлган инсон онгининг вужудга келиши (феноменология) натижасида ўз мавжудлигининг ибтидоий ҳолатидан аста-секин узилиб, кўтарила, юксала бошлайди ва у руҳий мавжудот («субъектив руҳ») сифатида ўзининг бундай моҳиятини тегишли (англовчи ва хоҳловчи) хусусияти ва унинг мазмунига мос тарзда пайқамас, ўзлаштирамас экан, ибтидоси қандай бўлса, шундайлигича қолаверади.

«Объектив руҳ»нинг кўринишлари ижтимоий ҳаёт шакллари — ҳуқуқ, ахлоқ, урф-одат ва давлат ҳам худди шундай тадрижийлик жараёнларини босиб ўтади. Бу ерда ҳам бошқа жойлардагидек, учинчи босқич ўздан аввалги иккитасининг омўхтаси (синтези) ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда ҳуқуқий мазмун б-н ахлоқий эътиқоднинг муштарақлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мазкур муштарақлик давлат тимсолида ўзининг олий ифодасини топади.

Худо субъективлик б-н объективликнинг (билувчи ва билувчига боғлиқ бўлмаган моҳиятнинг) бирлигидир. Субстанция (моҳият) ва билувчи (субъект)нинг мутлақ айнанлигини мушоҳада қилиш, тасаввур этиш ва билиш, яъни, «мутлақ руҳ»нинг учта шакли «объектив руҳ»нинг тегишли кўринишларига таянади. Мазкур муштарақлик санъатда «мушоҳада» қилинади, динда эса «тасаввур» этилади, фақат мутлақ илм — фал.да билинади, яъни айна шу ерда пировард мақсадга — инсон чекланган моҳиятнинг чексизликка дахлдор бўлишлигига эришилади.

Илоҳий ақл б-н ана шу муштарақлик Г. фал.сининг сир-синаоти, асл маъносини ташкил этади. Г.нинг фал-ий таълимоти давлат ва тарихни тушуниш соҳаларига катта таъсир кўрсатади. У умумий жаҳон тарихига «оламий руҳ»нинг ўзини ўзи англаш жараёни ва шу б-н бирга «озодликнинг англашдаги тараққиёти» сифатида қарайди. Бироқ озодлик шундан иборатки, инсон ўзининг «мутлақ ғоя» б-н моҳиятан бирлигини билади ва ўзини объектив руҳ ҳосилалари ҳамда унинг хоҳиш-иродаси (давлат ва ҳуқуқ) б-н тенглаштиради. Бу ҳосилалар пировард натижада «мутлақ руҳ» томонидан вужудга келтирилгандир. Озод фуқаро ўзининг умумозоддик б-н жиддий ўхшашлигини англайди, қонун ташқи буйруққа ўхшаб кўринишини унинг ўзи билади.

Г. фал.сида табиат ва тафаккурнинг, айна пайтда, жамият диалектик ривожланишининг пойдор тамойиллари: зиддият, сифат ва миқдор ўзгаришлари, инкорни инкор этиш қонунлари ифодаланган.

Г. таълимоти тизимининг турли соҳаларида Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё халқлари тарихи, фал.си, диний, бадиий ва умуман маънавий дунёси масалалари тегишли тарзда талқин топган. Асосий асарлари: «Руҳ феноменологияси» (1807), «Мантиқ фани» (1812-16), «Фалсафа фанлари энциклопедияси» (1817), «Ҳуқуқ фалсафаси» (1821), «Дин фалсафаси бўйича лекциялар» (1832), «Фалсафа тарихи бўйича лекциялар» (1833-36), «Эстетика бўйича лекциялар» (1835-38), «Тарих фалсафаси бўйича лекциялар» (1837).

ГЕГЕЛЧИЛИК — Гегел вафотидан (1831) сўнг пайдо бўлган фалсафий оқим. Иккита — ўнг (ёки кекса) ва сўл (ёки ёш) оқимлардан иборат. Ўнг гегелчилар (асосий вакиллари Гемель, Генрихе, Гоблер ва б.) Германиядаги мавжуд қузум, шароит ва мафкура манфаатларини ҳимоя қилиб, Гегел фал.нинг энг заиф, ҳаққ томонларини олиб, ундан мутлақ руҳ ҳақидаги ғояни Худо б-н тенглаштирадилар. Гегел фал.сининг энг муҳим ғояларидан бўлган умумий ривожланиш ҳақидаги таълимотни ўз ичига олган диалектик таълимотига эса қарши курашдилар. Кекса гегелчилар Германияда монархия ва черковни очикдан — очик ҳимоя қилдилар. Ёш гегелчилар (Штраус, Бруно Бауэр, Эдгар Бауэр, Руге ва б.) немис либерал буржуазиясининг мафкурачилари сифатида Гегел фал.сидан баъзи атеистик хулосалар чиқариб, христиан дини ва унинг ақидаларининг айрим томонларини танқид қилдилар. Бироқ, ёш гегелчилар ҳам маълум даражада Гегел фал.си таъсирида бўлганлар. Ёш гегелчилардан санъат, фал. ва табиат фанлари ривожидан манфаатдор бўлган радикал ва демократик руҳдаги зиёлиларнинг айримлари, жумладан, Л.Фейербах Гегел фал.сидан алоқасини узиб, материализм томонига ўтган. Унинг

фал.си Гегел фал.сига (идеализмига) бутунлай қарши қаратилган эди. Фейербах Пруссия монархияси тартибсизлиги ва зўравонлигининг душмани эди. У «ахлоқсиз» Пруссия монархиясини тугатиш ва буржуа республикасини барпо этиш тарафдори эди. Бироқ Фейербах монархияга қарши наз-ий, ғоявий соҳада курашди. Дастлаб «ёш гегелчилар» оқимиға мансуб бўлган, собиқ иттифоқдаги тоталитар мафкура асосчилари Маркс ва Энгельс, кейинчалик ўз таълимотларини ишлаб чиқдилар ва уни ҳаётнинг ҳамма соҳаларига татбиқ қилишга даъват этдилар.

ГЕГЕМОНИЗМ — ҳамма соҳада устунлик ва ўз ҳукмиға бўйсундиришни аниқлаш тушунча. Г. моҳиятан дунё барқарорлигиға йўналтирилган ёки бунга хизмат қилиши керак бўлган жаҳон сиёсатиға зид ҳодиса бўлиб, ижтимоий тараққиёт, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради. Баъзи давлатларнинг гегемонликка, ҳамма соҳада устунликка ва ўз ҳукмиға бўйсундиришга даъво б-н чиқиши инсоният тарихининг барча босқичларида ҳар доим ўта салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Гегемонлик ҳеч қачон умумбашарий ривожланиш ишиға хизмат қилмаган. Лекин ҳозирги нозик даврда унинг салбий таъсири янада яққолроқ сезилмоқда. Бугун бутун дунёдаги давлатларнинг сиёсий доиралари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳам Г. дунё тараққиёти учун жиддий хавф-хатар солаётганиға эътиборни қаратишининг сабаби ҳам шунда. Зеро, Г. алоҳида олинган бирон-бир қудратли сиёсий кучнинг манфаатларини устувор даражада бир томонлама таъминлаш мақсадига қаратилгандир. Бу, ўз навбатида, бошқа томонларнинг манфаатларига зид тушади ва уларнинг бир маромда ривожланишиға путур етказди. Бундай адолатсизлик иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан старли имкониятға эга бўлмаган давлатлар, халқларнинг халқаро жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмаслигиға сабаб бўладики, натижада, табиий равишда бундай мамлакатлар халқларида гегемонликка интилган давлатларға нисбатан нафрат ва норозилик ҳис-туйғуси кучаяди ва бундай ҳолат дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланишиға зарар етказди.

ГЕДОНИЗМ (юн. *pedone* — лаззатланиш) — лаззатланиб умр кечириш инсон ҳаётининг асл мазмунини ташкил этиши лозим, деган қарашға асос бўлган ғоя ва турмуш тарзига интилиш. Қад. Юнонистонда Аристин ва Элинури Г.нинг асосчилари ҳисобланади. Янги давр фал.сида бу ғояни Милл ва Бентам томонидан қайтадан тиклашға ҳаракат қилинган. Фал.да Г.ға кўпроқ моддий бойликларға эътибор бериш асосида ҳаёт кечириш деб қаралади. Бу ҳол Г. ғояларини мутолқаштириш шароитида ҳосил бўлади. Аслида эса, кўпинча, гедонистлар инсон учун энг яхши жамият — фаровон, моддий

бойликлар мўл-кўл бўлган давр, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу қараш, айрим ҳолларда, маънавий қадриятларға эътиборни сусайтиради, улар аҳамиятини тўғри аниқлашға халақит беради.

ГЕККЕЛЬ (Haeckel) Эрнст (1834.16.2, Потсдам-1919.9.8 Йена) — Йена университетининг профессори, биология, табиот соҳаларидаги йирик илмий тадқиқотлари б-н табиотшунослик фал.ға катта ҳисса қўшган олим. Унинг табиий-илмий қарашларида, шартли равишда, икки босқич кўзға ташланади. 1860 й.да Ч.Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» асари б-н танишгандан кейин изчил дарвинист сифатида унинг ғоялари тарғиботчисига айланган ва ривожлангирган. Хусусан, биогенетик қонун, филогенез таълимоти, ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида ўз илмий қарашлариға эга бўлган. Бу қарашлар учун уни материалистлар ноизчилликда айблашса, идеалистлар ва илоҳиётчилар эса, материалистликда, даҳрийликда айблаганлар. Ўз қарашларини «монизм» деб атаган Г. машҳур «Дунёвий жумбоқлар» (1899) асарида Б. Спинозанин (1632—1677) пантеистик ғояларига эргашганлигини кўра-миз. Унинг қарашларида табиот ва жамият ривожланиш қонуниятларидаги умумийлик мавжудлигини исботлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Г. ўзи яшаган жамиятнинг муайян камчиликларини танқид қилса ҳам, уни инқилобий йўл б-н ўзгартириш ғояларига қарши турган.

ГЕЛЕН (Gehlen) Арнольд (1904.29.01, Лейпциг — 1976.1, Гамбург) — немис файласуфи, фалсафий антропология асосчиларидан бири. Асосий асарларидан бири «Инсон, унинг табиоти ва дунёдаги ма-вқеи» (1944) да немис фал-ий антропологияси учун муҳим фал-ий-биологик концепцияни ифодалаган. Ҳаётий жараёнлар моддий сабабларға эмас, балки илоҳий кучларға боғлиқ, деб ҳисобловчи витализм, онгсизликнинг аҳамияти устунлик қилиши ҳақидаги бошланғич тезис ва Нишенин инсон ҳақидаги «ҳали аниқланмаган ҳайвонот» қоида-си асосида Г.ни ҳайвонот дунёсига хос хусусиятлар инсоннинг табиотиға ҳам хос бўлган биологик асос учун хизмат қилади, деган хулосаға олиб келади. Г. нуқтаи назарига кўра, инсон «биологик такомиллашмаган» мавжудотдир, чунки у ҳайвоний-биологик тузилмалар каби табиий майл (инстинкт) б-н «мустақамланмаган» ва «ниҳоясига етказилмаган», шунинг учун ҳам, соф табиий мавжуд бўлишликдан олиб боришликдан маҳрумдир. Инсон ўзи учун имконият ва қобилиятларини татбиқ этишда, ўз усулларини топиб боришда табиот томонидан унинг дунёни очиши ва уни табиотда фаолият кўрсатиб боришини белгилаб қўйган. Тарих, жамият ва унинг ин-тлари, Г.нинг фикриға кўра, фақат инсоннинг биологик камчиликларини тўлдирувчи ва унинг ярим инстинкт

ингилишларини амалга оширувчи энг мақбул шакллари сифатида талқин қилинади. Г.нинг инсонга биологик ёндашуви унинг моҳиятини иррационал бузиб талқин қилишга олиб келди, инсон онги ва ижтимоий моҳиятини ҳақиқий, чин маънода тушунишга имкон бермади.

ГЕЛИОЦЕНТРИЗМ, гелиоцентрик система (юн. helios—Қуёш ва лат.centrum—марказ) — оламнинг марказида Қуёш туриши тўғрисидаги таълимот. Геоцентризм ғояси антик даврдаёқ пайдо бўлган. Бу ғояга зид равишда Н. Коперникнинг «Осмон сфераларининг айланиши тўғрисида» (1543) асарида гелиоцентризм ғояси илгари сурилган эди. Коперник наз-яси дастлаб геоцентризм элементларидан холи бўлмаган. Мас., сайёраларнинг бир хил доиравий ҳаракати, коинотнинг ягона маркази (Қуёш) мавжудлиги тўғрисидаги Коперник тасаввурлари шундан далолат беради. Кейинчалик Ж. Бруно, И. Кеплер, Г. Галилей ва б. томонидан бу камчиликлар бартараф этилган. Исаак Ньютон асарларида бутун олам тортишиш қонуни ва механика қонунларининг изоҳлаб берилиши туфайли сайёралар ҳаракатининг хусусиятлари тушунтирилиб берилгач, Г. таълимоти ҳар томонлама асослаб берилди. Шунингдек, Ернинг ҳаракатига доир ишончли маълумотлар, унинг муайян орбита бўйлаб ҳаракатланиши тўғрисидаги далиллар қўлга киритилди. Г. ва геоцентризм ўртасидаги баҳс узоқ давр мобайнида фанда дунёқараш ва мафзуравий муаммо бўлиб келди. Хусусан, католик черкови Г.ни христиан дини ақидаларини инкор этишда айблади ва оқибатда, Коперникнинг асари икки асрдан кўпроқ давр мобайнида (1616—1822) таъқиб этилди. Г. ҳоз. замон астрономия фани ривожига катта аҳамиятга эга бўлди.

ГЕЛЬВЕЦИЙ (Helvetius) Клод Адриан (1715 — Париж — 1771) — француз файласуфи. Ёшлигиданоқ ўз ҳаётини фал. ва адабиётга бағишлаб, Вольтер, Монтескье, Биффон кабилар б-н танишиб, тез орада қомусчилар даврасининг аъзоси бўлиб олди. Г.нинг дастлабки асари — «Ақл ҳақида» устида фал. деярли 20 йил ижод қилди. Унинг бу китоби таъқиқланиб, ўтда куйдирилган. Г.нинг фикрича, бизни ўраб турган олам моддий бўлиб, фазо ва вақтда объектив мавжуд, чексиз, доимо ҳаракатда. Инсон билими ҳиссий, эмпирик асосга эга. Г. билишнинг имконияти чексизлигига ишонади. Фал. билишда чалкашликлар мавжуд, дейди. Унингча, чалкашликлар 2 хил бўлади: биринчиси, табиий чалкашликлар, у жоҳиллик туфайли содир бўлади ва иккинчиси, қўлга киритилган чалкашлик бўлиб, у ёлғон фикрлар туфайли юзага келади. Дунёни изоҳлашда у материя ва ҳаракатнинг бирламчилиги таълимотига суяниб, ҳаракатсиз материя йўқ, ҳамма нарса ҳаракат-

да, ҳамма нарса бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда, дейди. Г. фақат материя ва ҳаракатнинг бирлиги ғоясини илгари сурибгина қолмай, шу б-н бирга материя ва онгнинг бирлиги ғоясини ҳам илгари сурган. Онг материянинг хусусиятидир, дейди. Табиат ва жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишини табиат тараққиёти б-н узвий боғлаб тушунтириш керак, деб таъкидлайди. Г.нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам муҳим прогрессив аҳамиятга эга. Эски, қотиб қолган тартиботларни кескин танқид қилади. Г. таълимотига кўра, барча халқлар ва ирқларнинг ақлий қобилиятлари тенг. У инсон зотининг тенглиги ҳақида гапириб, ирқчилик назариясига қарши чиқади. Г. фаолияти 18-а. Француз инқилобини ғоявий жиҳатдан тайёрлашда катта рол ўйнади.

ГЕНДЕР (инг. gender—уруғ)—инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча. Г. жамиятти социал-жинсий жиҳатдан вертикал стратификация қилишдан фарқли равишда горизонтал стратификация қилишга ёрдам беради. Г. ҳуқуқ-атворнинг социал ўзига хослигини ифода этади. Шаҳвоний майл ва Г. инсон ҳаётининг турли кутбларида жойлашгандир. Шаҳвоний майл биологик омиллар б-н сабабий боғлиқ. Г. эса инсоннинг жинсий мансублигига мувофиқ равишда ўзига хос тарзда социаллашувидир. Инсоният ўз эволюциясида шаҳвоний майлдан Г. томон ингилиб келди. Ҳоз. замон медицинаси чақалоқ туғилмасдан анча илгарироқ унинг қандай жинсга мансублигини билиш имконига эга. Ота-оналар ўғил ёки қизнинг туғилишига турлича муносабат билдиришлари мумкин. Шунингдек, турли халқлар ва маданиятларда ўғил ёки қизга турлича муносабат билдирадилар. Мас., Японияда то 20-а. бошларига қадар янги туғилган ўғил болаларни чақалоқлигиданоқ йўқ қилиш анъанаси мавжуд бўлган, уларни бозорда сотиш, фойда кўриш қийин, деб ҳисоблаганлар. Бошқа халқларда, хусусан, канадалик эскимослар қиз болаларни чақалоқлигидан йўқ қилишга ҳаракат қилганлар. Ислонгача арабларда ҳам шундай ҳолатлар бўлган. Болалар ёшлигиданоқ эркак ёки аёл ролини ўйнай бошлайдилар. Қиз болаларнинг она ролини, ўқитувчи, доктор ролларини ўйнаши, ўғил болаларнинг эса машиналар, конструкциялар б-н қизиқиши бежиз эмас. Болаларнинг ўз жинсига мувофиқ социаллашувида маданий муҳит катта рол ўйнайди. Маданий муҳитгина эркак ва аёлнинг қандай бўлиши зарурлигини белгилайди. Шунингдек, Г. муносабатларнинг бошқа мезонлари ҳам мавжуддир. Одатда, эркаклар ташаббускорлиги, агрессивлиги, ҳукмронлик қилишга мойиллиги, авторитаризми, лидерликка ингилиши, ўз мулоҳазалари ва хатти-ҳаракатларида рационаллиги, монологга ингилиши, ўз «Мен»лигини қарор топтириш учун зўр

бериши, худбинлиги б-н характерланади. Бироқ аёллардаги бундай сифатлар жамоатчилик томонидан қораланади. Аёллар ўз хулқ-атворидаги юмшоқлик, кўнгилчанлик, меҳрибонлик, сабр-тоқатлилиқ, ғам-хўрлик, альтруизм, эмоционаллик, жозибаторлик, мулоқотга интилиши, муросасозлиги, тенглик, одиллик ва эркинликни қадрлаши б-н характерланадилар. Эркаклик ва аёллик тўғрисидаги тасаввурлар турли халқлар маданиятида кескин фарқланади. Бу эса эркак ва аёл ўртасидаги коммуникатив хулқ ва ўзаро муносабатлар характериға кучли таъсир кўрсатади. Мас., иқтисодиёти ривожланган ва протестантизмга мансуб бўлган мамлакатларда хотин-қизлар юқори маълумотга эга бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этадилар. Тараққий этган мамлакатларнинг Г. идеологияси эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тенглик ўрнатишга қаратилган.

ГЕНЕТИКА (юн. *genesis* — келиб чиқишга оид) — организм ирсияти, ўзгарувчанлиги қонуниятлари ҳамда уларни бошқариш методлари тўғрисидаги таълимот. Г.нинг предмети организмларни қайта ҳосил қилиш моҳиятидан иборат. Г. фан сифатида генларнинг мавжудлиги кашф этилганидан кейин (Мендель, 1866) шаклланди. Ирсиятнинг хромосома наз-ясининг яратилиши (Морган, 1910) ва бу наз-янинг генларнинг хромосомаларда жойлашганлигини кўрсатиб берганлиги биологияда Г.нинг қарор топиши йўлида янги қадам бўлди. Ташқи муҳит омиллари таъсири остида ўзгарувчанлик генларнинг туб хоссасидир. 1944 й. оқсил эмас, балки нуклеин кислоталар генетик информациянинг муҳим манбаи эканлиги кўрсатиб берилди. ДНК молекулаларининг физикавий, химиявий ва генетик моҳиятининг Уотсон ва Крик томонидан очиб берилиши (1953) ҳоз. замон молекуляр генетикаси яратилишига олиб келди ва молекуляр биологияга асос солинди. Бу йўналишнинг ривожланишида Н.К. Кольцовнинг асарлари асосий рол ўйнади, чунки уларда хромосома гигант молекула сифатида қараб чиқилган эди. Ривожланиш натижасида генетика аста-секин ўз тадқиқотларида физика, математика, кибернетика, химиядан фойдалана бошлади. Бу ҳам ҳужайра тўғрисидаги таълимотни ўз-ўзини регуляция қилувчи ва ўз-ўзини такрор ҳосил қилувчи тизим тўғрисидаги таълимот сифатида реал мазмун б-н бойишига имкон берди. Регуляциянинг сири организм б-н муҳитнинг диалектик бирлиги асосида турларнинг генетик информацияси янги системаларнинг популяциялардаги танлаш яратадиган программалаштирилмаган ўзгаришлардир. 1926 й. С.С. Четвериков популяциялар Г.сига асос солди. Г. назарияси ва амалиётининг ривожланиш истиқболи ҳужайралардан изоляция қилинган генларни ажратиб олиш юзасидан ҳамда генларнинг кимёвий синтези юзасидан олиб бориладиган ишларга боғлиқ.

Ҳоз. замон Г.си учун характерли нарса шуки, у нафақат табиат, қишлоқ хўжалиги б-н, балки жамият ва инсон танаси тадқиқоти атом энергияси ва химиясидан фойдаланиш, космик биология б-н алоқаси тобора кучайиб бормоқда.

ГЕНЕТИК МЕТОД — табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, ўрганиш услуби. Нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиш Г.м.нинг асосий йўналишидир. Табиат ва жамият тараққиёти қонунларини билиш, инсонларнинг табиий талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиқадиган йўлларни аниқлаш, бу жараёни уларнинг келиб чиқиши б-н боғлаш Г.м.нинг асосий вазифасидир. Олам чексиз ва белоён бўлганлиги сабабли Г.м. тараққиётни тўла тадқиқ қилолмайди. Г.м. — илмий билишнинг бошқа сифати — методлари б-н уйғунлашади.

ГЕНОН (Genon) Рене (1886 — 1951) — француз файласуфи. Ҳиндуизм, ислом ва насроний эзотерик (руҳий — мистик) таълимотларнинг тадқиқотчиси, ягона руҳий анъана мавжудлиги концепциясининг ижодкори. Унинг таълимотиға кўра, анъанавий ғоялар абадийдир. У Франциядан Қоҳираға келиб, ислом динини қабул қилган, Қоҳира ун-тида дарс берган. Асосий асарлари: «Ҳиндуизм таълимотларини ўрганиш учун умумий кириш» (1921), «Шарқ ва ғарб» (1924), «Ҳозирги давр бўҳрони» (1927), «Ведантаға кўра одам ва дунёвий ҳокимлик» (1925), «Руҳий обрў ва дунёвий ҳокимлик» (1929), «Борлиқнинг кўплик ҳолати» (1923), «Дунё шоҳи» (1927), «Ҳоч символизми» (1931), «Миқдорнинг ҳукмдорлиги ва замона зайллари» (1945), «Чексиз кичикларни ҳисоблашнинг бош ғоялари», «Буюк учлик», «Бағишлов хусусидаги қайдлар» (1946), «Муқаддас илмнинг асосий символлари» ва б. Г. ҳиндуизмдаги ва б. динлардаги вақтнинг даврийлиги ғоясини қабул қилган. Шунга кўра, даврнинг боши, яъни «олтин давр»да ҳамма нарса руҳий анъана ғояларига мувофиқ мавжуд бўлади ва ҳар битта нарса ўзининг сифати б-н аниқ бўлади. Инсоний даражада эса бу мувофиқлик инициация (бағишланиш), яъни, яқкаю ягона ичида тўғри руҳий мавжудлик тарзида намоён бўлади. Бу давр охирида борлиқнинг тобора шиддатли моддийлашуви, ажралиши, индивидуаллашуви содир бўлиб, ҳамма нарса ўзининг тўғри ҳолатидан қўзғалиб кетади ва ягона б-н боғлиқлигини йўқотади, натижада, миқдор сифатнинг ўрнини эгаллайди. Ушбу жараён борадиган давр ичида «дунёнинг охириға етиши» (қиёмат, охира) шаклида ҳис этилади. Бунда ўзликни чин ҳақиқатга, эзгуликка бағишловнинг ва чин руҳий анъаналарнинг ўрниға аввало «псевдоинициация» (сохта бағишлов) ва «псевдотрадиция» (сохта анъаначилик) келади, кейин эса «контртрадиция», (традицияға қарама-қаршилиқ) ва «контринициация» (бағиш-

ловга қарама-қаршилик) вужудга келади. Вақтнинг ҳар бир даврига хос бўлган умумий тамойил сўнгги нуқтага қараб тезлашиш б-н содир бўладиган тушишдан иборат бўлиб, бу нуқтада ҳамма чин муносабатлар тескарисига ўтирилиб қолади; насронийлар диний атамаларида бу антихрист (христнинг қарама-қаршиси) деб, «Осмон ҳукмдорлигининг қалбаки шакли» — ҳажвияси деб аталади. Бу ҳолат барқарор ва жуда ўткинчи бўлади, чунки унинг ғоявий асоси йўқ ва бу ягонадан ҳамда энг кўп узоқлашувдан иборат. Бу ҳолатнинг шаклан ғалабаси ялпи иллюзия (хом хаёл) бўлиб, шу маънода «дунёнинг охири хом хаёлларнинг охирига етиш» демакдир. Энг охирги нуқтага етганда, яъни эзгуликка зид, вайронкор кучлар батамом ғалаба қилганидек туюла бошлаганида бутун борлиқ моҳиятини бир дақиқада «қайта тикланиши» содир бўлади, босиб ўтилган бутун манвантара (давр) ичида эришилган барча ижобий натижалар гўё қайтадан ўз ўрнини топади ҳамда булар навбатдаги янги «олтин давр» учун асос бўлади. Шу тариқа даврнинг интиҳоси янги даврнинг ибтидоси б-н туташади. Фақатгина ўзи намоён бўлишининг охирига етган дунё йўқолади. Бу ягонанинг ғалаба қилиш лаҳзаси ва бу ҳолат чекланган йўлни тутганлар учун тушунарли эмас. Ягона бутун борлиқнинг, шу жумладан замон ва маконнинг ҳам маркази бўлиши б-н бирга, бутун моҳиятларнинг чин руҳий маркази ҳамдир ва демак, чин руҳий анъананинг ҳам асосидир.

ГЕНОЦИД (юн. *genos* — насл-насаб ва лот. *caedere* — ўлдириш, йўқ қилиш) — инсониятга қарши қаратилган энг оғир жиноятлардан бири. Аҳолининг айрим гуруҳларини ирқи, миллати, этник ёки диний белгиларига қараб йўқ қилиш, шу гуруҳларни қасддан батамом ёки қисман қириб ташлашни кўзда тутадиган маиший шарт-шароитларни вужудга келтириш, шунингдек, болалар туғилишини чеклашга қаратилган чоралар кўриш. Г. 18—19 а. ларда баъзи Европа давлатлари мустамлакачилик сиёсатида яққол намоён бўлди. Мас., европаликлар Тасмания ороли одамларини ҳайвонларни овлашгани каби қирғин қилганлар, охирги тасманиялик одам 1843 йилда отиб ўлдирилган. Г. 2 — жаҳон уруши йилларида гитлерчилар томонидан аҳолининг яҳудий қатламларига нисбатан оммавий равишда амалга оширилди. Г.га оид жиноятлар, шунингдек, жиноий гуруҳ Пол Пот ва Иенг Сари ҳукмронлиги даврида Кампучия халқига қарши қўлланилди. Геноцид апартеидга хос бўлган айрим хусусиятларни ўз ичига олади. «Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолар тўғрисида» (1948) ги Халқаро конвенция Г.ни содир этишга айбдор деб топилган шахсларга нисбатан халқаро жиноий жавобгарликни белгилайди.

ГЕОГРАФИК ДЕТЕРМИНИЗМ — географик шароитлар (ер ландшафти — тупроғи, иқлими, рельефи, ер ости захиралари, шунингдек, дарё, кўл, денгиз, океанлар ва б.) жамият тараққиётининг бирдан-бир асосий омили, деб қараладиган социологиядаги йўналишлардан бири. Табиий географик шароитларнинг жамият ҳаётида белгиловчи аҳамият касб этиши тўғрисидаги ғоя узоқ тарихга эга. Антик мутафаккирлар Геродот, Демокрит, Гиппократ, Платон, Аристотель ва б. урф-одатлар, ахлоқ, ҳаттоки, бошқариш усулини ҳам шу нуқтаи назардан таҳлил этганлар. Кейинроқ бу ғояни Форобий (9-10-а.), Беруний (10-11-а.), Ибн Халдун (14-а.), Жан Боден (16-а.) ва б. илгари сурганлар. Форобий таълимотига кўра, инсоният жамияти турли халқлардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирларидан тиллари, урф-одатлари, малакалари, хусусиятлари б-н фарқ қиладилар. Уларнинг муҳим хусусиятлари географик муҳитнинг, жумладан, фойдаланадиган суви, ҳавоси, ўсимлик ва шу каби табиий жиқларнинг ўзига хослиги б-н белгиланади. Форобий географик муҳитнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр юритиб, унинг инсон руҳияти—фезлятвори ва характери орқали жамиятга таъсир кўрсатишини таъкидлаган. Форобий инсон руҳиятига географик муҳитнинг таркибий қисмлари бўлган юлдузлар ва осмон жиқлари ҳам таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида мусулмонлар б-н ҳиндларнинг урф-одатлари ўртасидаги фарқларни таҳлил қилиб, уларнинг ўзига хос жиқларини географик омилга боғлаб кўрсатади: «одамлар тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер (одам яшайдиган жой)ларнинг турличалигидан ҳамдир». Кейинроқ шу тарздаги фикрларни Ибн Халдун, Жан Боден ва б. ҳам баён қилганлар. Г.д ғоясининг шаклланиши ҳамда унинг наз-ий жиқатдан асосланиши франц. фай.и Шарл Монтескье (1689—1755) номи б-н боғлиқ. У «иқлим салтанати б. барча салтанатларга нисбатан кучлироқдир», «иссиқ иқлим халқлари қариялар каби кўрқоқ, совуқ иқлим халқлари ёш йигитлар каби жасур бўлади», деб ҳисоблаган эди. 16—18-а. ривожланган бундай таълимотларда давлат ҳамда ижтимоий ҳодисаларнинг табиий асосга эга эканлиги ҳақидаги ғоя диний дунёқарашга қарши қилиб қўйилди. Г.д. таълимоти кейинроқ 19—20-а. немис тадқиқодчилари К.Риттер ва Ф.Ратцел, инглиз олими Г.Т.Бокл, француз олими Э.Реклю, рус олими Д.М.Мечников ва б.нинг асарларида ривожлантирилди. Бу даврга келиб, Г.д.нинг муайян ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларга таъсирини ўрганувчи социологик таълимотлар шаклланди. Немис географи Ф.Ратцел асарларида географик тушунча ва биологик аналогияларни сиёсий идеология соҳасига тат-

биқ этилганлиги яққол намоён бўлади. Унинг таълимотига кўра, у ёки бу мамлакатнинг ривожига асосий омилни — ҳудудини, ҳаётини мақонини, ҳаётини манфаатлари доирасини доимо кенгайтириб туриш лозим. Муаммонинг бундай талқин этилиши геосиёсатни ирқчилик ва фашистик доктриналарга яқинлаштириб қўйди. Умуман олганда, бугунги кунга келиб, Г.д. гоёсини очиқчасига ҳимоя қилувчи тарафдорлари жуда кам бўлса ҳам, лекин бундан жамият тараққиётида географик омилларнинг аҳамияти йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди.

ГЕОГРАФИК МУҲИТ — инсон ҳаёти учун, бевосита ва билвосита зарур бўлган табиат элементлари мажмуаси, ижтимоий муносабатлар кечадиган табиий макон. Г.м. ва «табиий муҳит» тушунчалари мазмунан яқин. Жамиятнинг ривожланиш босқичлари инсоннинг ўзи яшаётган Г.м.ни наз-ий билиши уни амалий ўзгартириш ва ўзлаштириши даражаларига мос келади. Шунинг учун Г.м.га инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий фаолиятларининг асоси ҳамда антропотехнологик таъсири натижаси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган меҳнат фаолияти натижасида Г.м. ижтимоийлашиб, унинг ҳаёт шароитига айланди. Инсоннинг а-лар давомида шаклланган табиий мослашиш хусусиятларининг узилиб қолмаганлиги Г.м.нинг оптималигини кўрсатади. Г.м.ни ўрганишда табиий ва антропоген омилларни ажратиб ўрганиш лозим. Бунда жамиятнинг тадрижий ривожланишига салбий таъсир қилувчи табиий омилларни инсон субъектив фаолият ёрдамида бартараф қилиш масаласи фал-ий муаммо тарзида намоён бўлади.

ГЕОПОЛИТИКА (юн. *geo* — ер, *politika* — давлатни бошқариш санъати) муайян ҳудудий — минтақавий тамойил асосида сиёсатда, иқтисодий ва сиёсий географияда кўпроқ ишлатиладиган атама. Ҳозирги даврга келиб у халқаро, сиёсий ва давлатлараро муносабатларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда Г. атамасини фанга биринчи марта шведиялик сиёсатшунос олим Р.Челлен олиб кирган. Бу атама 1-жаҳон уруши арафасида кенг қўлланила бошлади. Ўша даврда яшаган немис олими Ф.Ретцел (1844—1904) эди. У давлат сиёсати ва мамлакатнинг географик вазияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликнинг қайта қурилишига замин бўладиган янги ижтимоий соҳанинг наз-ий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини аниқлаб берди. Аввал бошданок, юқори мафкуравий имкониятга эга бўлган, Ратцель концепциясида, «алоҳида маконни ҳис этиш» қобилияти мавжуд ва шунинг учун ўз чегараларини тезкор ўзгартиришга (кенгайтиришга) интилаётган халқларга алоҳида тарихий аҳамият берилган. К. Хаусхофер (1869—1946) Г. тушунча-

сини бундай талқин этиш анъанасини давом эттириб, моҳиятан тажовузкорлик табиатига эга бўлган «немис миллати ҳаётини мақони»нинг имкониятдаги зарурияти ҳақидаги гипотезани ишлаб чиқди, унинг экспансионистик, империалистик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратди ва ривожлантирди. Учинчи Рейх раҳнамолари томонидан қурол қилиб олинган Г. назариясининг бу кўриниши, узоқ йиллар давомида, немис геосиёсий мактабларининг академик тадқиқотларини бадном қилиб келди. Америкалик адмирал А.Т. Мэхэн (1840—1914)нинг интеллектуал схемаларида, денгиз ва қуруқликда жойлашган давлатлар ўртасида абадий зиддият мавжудлиги кўрсатилади, шунингдек, океан ва денгиз коммуникациялари ва портлари устидан олиб бориладиган ҳар томонлама назорат давлатга узоқ вақт давомида дунёда геосиёсий устунликни таъминлаб бериши мумкинлиги таъкидланади. 20-а.нинг 80-йилларида жаҳоннинг «биполяр» геосиёсий тузилишининг яққол инқирози ҳамда кейинги тараққиётнинг «кўп векторлик» тенденцияларининг ошиб бориши, Г. гоёсига тамоман янгича ёндашувларнинг пайдо бўлиши, шаклланишига сабаб бўлди. Бу, хусусан, француз генерали П. Галлуанинг «Геосиёсат қудрат манбалари» (1990) асарига ўз аксини топди. Унда, даставвал, Г. географик детерминизм сиёсий география б-н айнан эмаслигига эътибор қаратилган бўлиб, давлатнинг имкониятлари (куч—қудрати) ҳудуди, аҳолиси, географик вазияти, чегараларининг давомийлиги ва конфигурацияси, захираларининг аҳволига ва ҳ.к. (шу жумладан, энг янги оммавий қирғин қуроллари мавжудлиги ҳам) боғлиқлиги эътироф этилади. Г.нинг замонавий талқини, унга ташқи сиёсатда, у ёки бу масала бўйича, устунликка эришиш учун фақат ундан фаол фойдаланибгина қолмасдан, балки ўзича мавжуд бўлган давлатнинг муайян моддий, ижтимоий ва маънавий ресурслари (ёки унинг «геосиёсий потенциали»)нинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилиши б-н анъанавий тушунишдан фарқ қилади.

20-а. охирига келиб дунё сиёсий харитаси ўзгариши б-н бу соҳада ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Аммо дунё бу б-н хавфсизроқ бўлиб қолгани йўқ. Маълумки, дунё харитасида Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор. Унинг ер усти ва ер ости бойликлари, Ғарб ва Шарқ орасидаги алоқалар маркази бўлиш имкониятлари, Марказий Осиёда аҳолиси, ишлаб чиқариш имкониятлари, илмий салоҳияти ва бошқа жиҳатлардан етакчи мамлакат эканлиги ривожланган мамлакатларнинг геосиёсатида Ўзбекистон б-н ҳисоблашиш, у б-н иқтисодий-сиёсий алоқаларни узоқ мақсадни кўзлаб ўрнатиш заруратини туғдирди.

ГЕОЦЕНТРИЗМ (юн. *geo*—Ер ва лот. *centrum* — марказ) — Ер куррасини коинот маркази деб ҳисоблайдиган таълимот. Птоломейнинг геоцентрик

наз-ясига кўра, Ер бутун чексиз коинотнинг маркази ҳисобланади. Уйғониш даврининг йирик олими, илмий астрономиянинг асосчиси Николай Коперник (1473—1543) гелиоцентрик наз-яни илмий жиҳатдан асослаб берди. Бу таълимотга кўра, Коинотнинг маркази — Куёш. Ер ва Куёш ўз ўқи атрофида айланади.

ГЕРДЕР (Herder) Иоганн Готфрид (25.8.1744 — 18.2.1803) — немис маърифатпарвар файласуфи. Г.нинг фал-ий дунёқараши шаклланишига И.Кант, И.Г.Гаман кучли таъсир кўрсатди. Г.нинг фаолияти Германияда маърифатпарварликнинг янги даври бошланганлигидан далолат берди. Бу даврда илк маърифатпарварликнинг рационалистик тамойилларига ишончсизлик, шахс муаммосига, унинг ички оламига қизиқиш кучайди. Бу янги фал-ий-маърифатпарварлик дастурининг асосий ғоялари Г.нинг «Менинг саёҳатим кундаликлари» (1769) да ўз ифодасини топди. У Гётенинг бевосита ёрдамида биология б-н шуғулланди, Спиноза фал.си б-н қизиқди. Г. ижтимоий — фал. муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ эътибор берди. У «Инсоният тарихи фал.сига доир ғоялар» асарида Германия ижтимоий тафаккурида 18-а. охириларигача ҳукм суриб келган тарихнинг теологик манзарасини бартараф этишга ҳаракат қилди. Фай. социал тарихийлик ғояларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди, биринчи бўлиб ижтимоий прогресс ғоясини илгари сурди, бутун жаҳон тарихининг конкрет материаллари асосида ижтимоий ривожланишнинг қонуниятли характерга эга эканлигини кўрсатди. Г.нинг илғор ижтимоий фал-ий қарашлари кейинги давр фай.ларига, хусусан, Гегелга катта таъсир кўрсатди. Г. илғор қарашларини «Гуманистни рағбатлантириш учун мактуб» асарида ривожлантирди. Унда Конфуцийдан тортиб то Марк Аврелий ва Лессинггача бўлган гуманизм тарихини батафсил баён этди. Бунда кишиларни гуманизм руҳида тарбиялаш б-н боғлиқ бўлган ахлоқий масалаларга кўпроқ эътибор берди. Г. «Соф ақлни танқид»ни метатанқид» (1799) асарида Кант б-н жиддий баҳслашди: ҳодисаларни «нарсаси ўзида»дан ажратганлиги учун Кантни танқид қилди. Оламнинг яхлит бирлик сифатида қарор топиши ва ривожланиши тўғрисидаги Г. ғоялари немис фал.сининг ривожига самарали ижобий таъсир кўрсатди.

ГЕРМАН ДУНЁСИ — Европа тарихидаги босқичлардан ва тараққиёт усулларидан бири. Кўпроқ прусс, немис, австриялик айрим олимлар Юнон-Рим яшаш усулига қарши, ёки ундан фарқланадиган тарихни ифодалаш учун ишлатадилар. Унга баҳо беришда Гегель очиқдан-очиқ ирқчилик руҳидаги таълимотни илгари сурди. Унингча, Шарқ халқларида эркинлик бўлмаган. Фақат ягона зўра-

вон-ҳукмдорнинг эркинлиги тан олинган. Бу халқлардаги эркинлик, ҳукмдорнинг зулми, нарсаларнинг кенг қулоқ ёйиши, кўр-кўрона, сўзсиз бўйсунуш халқ руҳига хос бир хусусият бўлган. Юнон-Рим дунёсидаги эркинлик чекланган, фақат айрим кишилар учун бўлган. Агар Юнон дунёсига хос — «гўзал шахслилик» принципи бўлса, рим дунёсига хос бўлган принцип «мавҳум умумийлик»дир. Гегелнинг даъвосича, фақат герман халқларидагина тўлиқ эркинлик бўлган. Бу халқлар ўз тарихий ривожланишларида ислоҳотчилик (реформация) ва 1789 йилги француз инқилоби меваларидан баҳраманд бўлганлар. Фақат уларгина умумий фуқаролик ва сиёсий эркинликка эришганлар. Гегелнинг таъкидлашича, ақлга мувофиқ давлатчилиқни ўрнатган фақат герман халқигина умумжаҳон-тарихий жараённинг ҳақиқий тимсолидир.

ГЕРМЕНЕВТИКА (юн. hermeneutikos — изоҳлаш, талқин этиш)—1) матнларни таҳлил қилиш назарияси ва амалиёти; 2) ҳозирги замон фалсафаси оқимларидан бири бўлиб, тарихий-фалсафий фан доирасида матнларни наз-ий асословчи ва методологик тушунтирувчи соҳа. Г. фан сифатида 18-а. да пайдо бўлди. (Г.Ф.Майер, Х.Вольф, А.Бек, Ф.Нет ва б. асос солган). Г. таҳлил қилишнинг умумий наз-яси сифатида Ф.Шлейермахер, Дильтей (1823—1911) томонидан гуманитар билишнинг методологик асоси сифатида майдонга ташланган. Уларнинг фикрича, Г. адабий ёдгорликлар ва ёзма манбаларнинг ҳаётда намоен бўлишини таҳлил қилади. Бироқ айрим тадқиқотчилар бу йўлдан қониқиш ҳосил қилмасдан, матнни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, Шлейермахер йўлидан бордилар. Бу йўналишни бугунги кунда П. Сциоиди ва б. «адабий герменевтика» сифатида давом эттирмақдалар. Г.ни бир бутун тушунча сифатида матнни имманент тушунишда қўлламоқдалар. Улар матнни тарихий-генетик тушунишдан фарқладилар. Г. матнни ўз-ўзича маъносини ўзгартирмасдан тушуниш, унинг ижтимоий-иқтисодий «сабаби» ёки маданий-тарихий «таъсирини» тушуниш лозимлигини таъкидлайди. Бироқ унинг маъносини аниқлаш «тушуниш» ва «маъно»нинг бирлигини билдирмайди. Шунга кўра, улар тўғрисида кескин мунозара кетди. Г.ни таҳлил қилиш методи сифатида фал. доирасига киритишга қарши чиқдилар. Фал-ий Г.ни анъанавий Г.дан фарқлаш лозим. Бугунги кунда Г.ни феноменология фал.си б-н биргаликда ўрганиляпти. Субъект-объект дихатомиясини майдонга ташлаган классик гносеологияга қарши Гуссерл онг предметдан, предмет онгдан ажралган эмас, деган ғояни илгари сурди. Феноменология нуқтаи назаридан бирламчи бўлган онг, (тафаккур) табиат ҳам, материя ҳам эмас, балки инсоннинг «ҳаётий дунёси»дир. Онг ана шу ҳаётий

дунёнинг таркибий қисми, уни таҳлил қиладиган, тушуниб етадиган томони. Бироқ Гуссерлнинг фикрича, онг рефлексига нисбатан таҳлил қилиш бирламчидир. Ўз-ўзига эътибор бергандагина онг ўз мазмунини таҳлил қилишга киришади. Хайдеггер ўзининг «Борлиқ ва замон» асарида Гуссерлнинг трансцендентал феноменологиясини эркинлаштирди. Унинг инсон борлиги б-н шартланганлигини кўрсатиб берди. Борлиқнинг маъносини (инсон борлигини) ўрганишда, эътибор унинг онтологиясини билишга қаратилган бўлиши керак, дейди. Гуссерл инсон борлиқнинг феноменологиясидир, дейди. У инсон борлиқнинг онтологик ўлчамидир. Бу—инсон борлиқнинг фундаментал таърифи, тушуниш, таҳлил қилиш орқали реаллашади. Шунинг учун инсон борлиги аввал бошдан «герменевтик»дир. Таҳлил қилиш, тушуниш асосида инсон ўз борлиқнинг туб асосини реаллаштириб боради. Г. инсон борлигини, моҳиятини англашнинг шарт-шароити, унинг онтологиясини тушунишнинг методологиясидир. Гадамернинг фикрича, матни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди. Гадамернинг бу фикри адабиёт соҳасидаги герменевтикага кучли таъсир ўтказди. Хабермас Г.нинг универсаллиги ҳақидаги таълимотини майдонга ташлади. У Г.нинг рационал-танқидий томонларини таҳлил қилди. Хабермаснинг фикрича, Г. «ёлғон онг»ни танқид қилишда, коммуникация шаклини бузишга қарши қаратилган қуролдир. Риккер Г.нинг илмий билишдаги ролини кўрсатиб берди. Тушуниш ва англаш бири-бирига қарама-қарши эмас, балки бир-бири б-н узвий боғлиқ, деб ҳисоблади. Шу б-н Гадамер Г.нинг билиш томонини иккинчи ўринга суриб қўйгани учун танқид қилди. Г. кўшимча структурали-семантик таҳлил қилиниши керак, деб ҳисоблади. Риккернинг «Герменевтик система» асари Европа ва Америкада кенг ёйилди. М.М. Бахтин фикрича, тушунишда икки онг, яъни, икки субъект қатнашади. Тушунтиришда эса бир онг, яъни, бир талқин субъекти ўзини намоён қилади. Фарб олимлари учун тарихда «Инжил» матнини тушунтиришда Г. қўл келган. Қуръони карим тафсирилари ҳамда ҳадиси шариф шарҳларига ўзига хос Шарқ Г.си Шарқ халқлари маданияти тарихида илмий-фал-ий ҳодиса сифатида қаралади. Зотан, методологик жиҳатдан тафсириларда нимани қандай тушунтириш аниқ белгилаб олинган. Шу боис, улар фикрвий, луғавий, ақлий, тарихий, мутасаввифларнинг тафсирилари каби турларга бўлинган. «Тафсир» сўзи ҳам луғавий жиҳатдан «тушунтириш», «талқин этиш» маъноларига мос келади.

ГЕРЦЕН Александр Иванович (1812—1870) — рус файласуфи ва адиб. Унинг фал-ий ва ижтимоий қарашлари немис фал.си, айниқса, Гегел таъли-

моти асосида шаклланган. Г. ўз фал.сини шакллантиришда табиётшунослик ютуқларига таянган. Г. фал. табиий фанларсиз ривожланиши мумкин бўлмаганлиги каби табиий фанлар ҳам фал.сиэ ривожланиши мумкин эмас, деган хулосага келади. «Онг, — деб ёзади Герцен, — табиат учун бегона эмас, балки табиат тараққиётининг олий босқичидан иборатдир. Олам—моддий, материя—абдий, оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракат ва ривожланишнинг турлича ҳолатидан иборат». Ўзининг билиш назариясида Г. объектив реаллик инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлиб, инсон уни билишга қодир эканлигини таъкидлайди. Билиш жараёнида эмпирик ва рационал жиҳатлар бирлигини эътироф этди. Ижтимоий-сиёсий қарашларида Г. халқ оммаси тарихда ҳал қилувчи рол ўйнайди, улар моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кучдир, деган хулосага келди. Шахснинг тарихдаги роли унинг ҳаёт қонунларини, халқ эҳтиёжларини тушунишидадир, деб ҳисоблади.

ГЕССЕ (Hesse) Герман (1877—1962) — швейцар — герман ёзувчиси, Нобель мукофоти лауреати (1946), модернизм ва постмодернизмнинг йирик вакили. Г. жаҳон адабиёти ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган истеъдодли адиб ва файдир. Унинг жуда кўплаб халқлар тилига таржима қилинган шеърый ва прозаик асарлари немис халқ оғзаки ижоди, христианлик, руҳий таҳлил ва Шарқ фал.сининг символлари б-н бойитилган бўлиб, уларда ягона ва абдий мавзу — инсоннинг ўз-ўзини излаш жараёнини кенг таҳлил қилди. Г. воқеликни инсонга ёт бўлган ибтидо сифатида тушунди. Унинг фикрича, ана шу воқелик талабларини ҳеч қачон қондирмаслик, уни илоҳийлаштирмаслик ва унга сизинмаслик керак, чунки у тасодифийдир. Ана шу уқубтли воқеликни инкор этиш, биз унга нисбатан кучлироқ эканлигимизни кўрсатиш орқалигина амалга ошиши мумкин. Реал воқеликка қарши норозилик, ўз ички оламига мурожаат қилиш ғояси Г.нинг 1960 й.даги исёнкор ёшларнинг энг севимли адиби, фал-ий мушоҳадаларга бой мутафаккир сифатида шуҳрат қозониши учун замин яратди. Г.нинг фал-ий қарашлари шаклланишига Ницше ва Юнгнинг таълимоти ижобий таъсир кўрсатди. Г. «Демиян» қиссасида маданият муаммоларига мурожаат қилди. Унда Худо ва шайтон, инъ ва янь, онглилик ва онгсизлик муносабатларини таҳлил этди. Г.нинг энг машҳур асарлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: «Романтик қўшиқлар» (шеърлар тўплами, 1901), «Гертруда» (1910), «Филдирак остида» (1906), «Роскальде» (1914), «Сиддхартха» (1922), «Дашт бўриси» (1927), «Шарқ мамлакатларига ҳаж» (1932).

ГЕШТАЛЬТ ПСИХОЛОГИЯ — Германияда вужудга келган психология йўналишларидан бири. Унинг кўзга кўринган намояндалари қаторига Х. Эренфельс, В. Келер, К. Кафка ва б. кирадилар. Гештальтчилар барча мураккаб психик жараёнлар оддий ҳолатлардан, яъни, сезгилардан иборат деб ҳисоблайдилар. Улар ҳар қандай психик жараён ва ҳолат яхлит об-раздан, гештальтдан, яъни яхлит тузилмадан иборат, деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фикрича, ҳар бир психик ҳодисанинг мазмуни унинг таркибига кирувчи қисм ва элементларни биргаликда акс эттиришда кўлам жиҳатдан кенг, мазмун жиҳатдан ранг-барангдир. Гештальтчиларнинг аксиоматик хусусиятга эга бўлган бундай тезислари мазкур таълимот ғоясини очиб беришга хизмат қилади: алоҳида олинган қисм ва элементларнинг йиғиндиси яхлит структура (тузилма) мазмунини белгилаб бера олмайди, аксинча, яхлит тузилма (структура) қисм ва элементлар хусусиятлари ва хоссаларини белгилаб беришга қодирдир. Г.нинг марказий назарияси: ҳар қандай психологик жараёнларнинг бош моҳияти — уларнинг сезгиларига ўхшаш алоҳида элементлари эмас, балки конфигурация, форма ёки гештальтларнинг яхлит яратилишидан иборатдир. Экспериментал тадқиқотнинг бош объекти идрок бўлиб, кейинчалик ундан олинган айрим хулосалар тафаккурни ўрганишга татбиқ қилинган. Г.да тафаккур муаммосини тадқиқ қилиш кенг кўламда олиб борилади. Г.чилар ўтмиш тажрибаларини инкор этиб, ўтмиш тажрибасининг мавжудлиги ўз-ўзича масала ечимини таъминлай олмаслигини таъкидлаб ўтадилар. Г.чилар тафаккур психологиясининг қатор муаммоларини кўтариб чиқдилар: ижодий тафаккурнинг ўзига хослиги, тафаккур жараёнида янгиликнинг вужудга келиши, билимлар б-н тафаккур нисбати, топшириқни ечиш пайтида аста-секин ва бирданига (инсайт йўллари) қўллаш кабилар. Айниқса, топшириқни «функционал» ва «батамом» ечиш ғояси, масалани ечиш тамойилини қидириш, ечишнинг асосий ғоясини топиш, уларни текшириш ва амалга ошириш босқичлари муҳим аҳамиятга эга. Г. намояндалари психиканинг, психик жараёнларнинг яхлит тузилиши ва динамиклиги, серҳаракатлиги тамойилига асосландилар. Шунингдек, муаммоли вазиятда индивиднинг амалий ва наз-ий фаолияти ролини асло тан олмадилар.

ГЁТЕ (Goethe) Иоганн Вольфганг (1749.28.8, Франкфурт-Майн—1832.22.3, Веймар) — немис шоири, табиатшунос ва мутафаккир. Г.нинг фал-ий қарашлари Европа наз-ий тафаккури ривожланишида катта рол ўйнади. Г. назария ва тажрибанинг бирлиги ғоясини ҳимоя қилди. У ривожланиш манбаи унинг ўзида бўлган табиат қонунларининг объектив характериға ишонади. Г. Спиноза концепциясини пан-

теизм руҳида тушунтирган ҳолда, ривожланиш ғояси б-н тўлдиришга ҳаракат қилди. Г. ҳаракатга мавжуд материянинг асосий шакли сифатида қаради. Аммо ҳаракатнинг турли шакллари тушунтира олмаган ҳолда, у гилозоизмга яқин келди, абадий ҳаётий куч — энтелехияни мавжуд деб билди. Жаҳон санъат назарияси ва амалиётининг ривожланишига Г.нинг реалистик эстетикаси ва бадий асарлари катта таъсир кўрсатди.

ГИЛЕМОРФИЗМ (юн. *hyle* ва *morphe*—материя ва шакл) — шакл ва материя таълимотини англатувчи атама. Унинг пайдо бўлиши Аристотелга бориб тақалади. Г. борлиқнинг асосий тамойиллари, шакл ва материяни ифодаловчи таълимот сифатида 19-а.нинг охирларида қўлланила бошланди.

ГИЛОЗОИЗМ (юн. *hyle* ва *zoe* — жисм ва ҳаёт) — оламдаги барча нарсаларни жонли деб ҳисоблайдиган таълимот. Биринчи марта 1678 йилда Кедворт томонидан натурфал-ий концепцияларда, хусусан, қад. Юнон фал.сида, жонли ва жонсиз материя ўртасидаги тафовутни инкор этиш мақсадида қўлланилган. Бу таълимот бўйича оламдаги барча нарсалар хоҳ органик, хоҳ ноорганик бўлишидан қатъи назар жонлидир. Фал. тарихида Г. асосида ёндашув *Фалес*, *Анаксимандр*, *Анаксимен* таълимотларида ҳам учрайди. Г. таълимотига кўра борлиқ бу — ҳаёт, йўқлик эса — ўлим демак. Бу тушунча кейинчалик Фарб Уйғониш даврининг намояндалари Б.Телезио ва Жордано Бруно асарларида қайта тикланган. Бенедикт Спиноза тафаккур материянинг атрибути сифатида табиатдаги барча нарсаларга тааллуқли эканлигини таъкидлаган. Француз фай.лари Дидро, Робинз жон ҳар қандай материяга хос эканлиги ҳақида ёзишган.

ГИПОТЕЗА (юн. *hypothesis* — асос) — ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шакли. Г.ни, авваламбор, билимларнинг мавжуд бўлими шакли сифатида олиб қараш зарур. Чин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунга қадар қўйилган муаммолар, масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар, фаразлар шаклида қурилади ва мавжуд бўлади. Мас., Левкипп ва Демокритнинг жисмларнинг атомлардан ташкил топганлиги ҳақидаги билдирган фикрлари дастлаб гипотетик шаклда бўлиб, энг оддий, кундалик тажрибада минглаб марта кузатиладиган ҳодисалар: қаттиқ жисмнинг суюқликка айланиши, ҳиднинг тарқалиши ва ш.к.ни қилишга асосланган, уларнинг сабабини тушунтиришга қаратилган. «Жисмлар майда, бўлинмас заррачалардан ташкил топмаганда бундай ҳодисалар бўлмас

эди», деган фикр ўзининг маълум бир мантиқий кучига эга. Ҳодисанинг сабаби ҳақидаги фикр дастлаб, одатда, Г. шаклида вужудга келади ва шу маънода у билимлар мавжудлигининг умумий мантиқий шаклларида бири ҳисобланади. Г.ни қуриш, ўрганилаётган ҳодисани тушунтирадиган тахминий фикрларни илгари суришдан иборат бўлади. У қайд этилган фактлар, улар учун характерли бўлган қонуниятлар ҳақидаги ҳукмлар (мулоҳазалар) ёки ҳукмлар тизими тарзида бўлади. Уни ифода қилувчи асосий гап мулоҳазалар тизимини ҳосил қилувчи элемент, деб ҳисобланади. Ана шу гап (мулоҳаза) да, одатда, Г.нинг бош ғояси акс этади. Муҳокама жараёни унинг негизда, атрофида қурилади ва маълум ишчи Г.лар вақтинча қуриладиган, мўлжални тўғри олишга ёрдам берадиган тахминларнинг илгари сурилишига, улар ёрдамида ҳодисанинг янада чуқурроқ тадқиқ қилинишига олиб келади. Г.ларни илгари суришнинг асосий мантиқий воситаси эҳтимолий хулоса чиқариш: аналогия, тўлиқсиз индукция, турли кўринишдаги эҳтимолий силлогизмлар — энг камида битта қондаси бузилган, асослардан бири эҳтимолий ҳукм бўлган силлогизмлар (шартли, айирувчи-қатъий, шартли айирувчи силлогизмлар шаклларида) ҳисобланади. Шунингдек, Г. баъзи ҳолларда қатъий хулоса чиқариш шаклларида ҳамда турли хил хулоса чиқариш усуллариининг кўп қаватли мантиқий қурилмаси тарзида ҳам шакллантирилиши мумкин. Г.да илгари суриладиган мулоҳаза эмпирик материалларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, умумлаштириш, талқин этиш натижасида пайдо бўлади. Ана шунинг учун ҳам Г. ҳар қандай тахмин эмас, балки маълум бир даражада асосланган, ўзининг муайян мантиқий кучига эга мулоҳаза фароздир. Илгари сурилган Г., албатта, асосланиши зарур. Бу бошқичда Г.дан маълум бир натижалар келтирилиб чиқарилади ва улар верификация қилинади, яъни, уларнинг мавжуд фактларга ёки б. ишончли билимларга мувофиқлиги аниқланади. Бу ерда шуни унутмаслик лозимки, Г.ни ишончли, чин билимга айлантириш учун унда илгари сурилган фикрларга етарли асос бўла оладиган миқдордаги натижалар (Г.нинг асосий ғоясидан келиб чиқадиган) йиғиндиси верификация қилиниши керак. Г.нинг чинлигини асослашнинг б. усуллари ҳам мавжуд: 1) Г.ни дедуктив йўл б-н чинлиги аввал исботланган билимлардан мантиқан келтириб чиқариш; 2) асоси ишончли билим бўлмаса, уни тасдиқлаш (бу кўпроқ асослари эҳтимолий ҳукм бўлган силлогизмлар воситасида қурилган Г.ларга тегишли); 3) Г.нинг асосларини ишончли билим олиш учун етарли бўлган миқдорга етказиш (бу Г.тўлиқсиз индукция воситасида қурилган ҳолларга тегишли), Г. рад қилиниши ҳам мумкин. У Г. дан келиб чиқадиган натижаларни фальсификация

қилиш, яъни уларнинг борлиқдаги ҳодисаларнинг мавжуд ҳолатига, фактлар ҳақидаги маълумотларга номувофиқлигини кўрсатиш йўли б-н аниқланади. Маскур мантиқий жараён шартли-қатъий силлогизмнинг инкор модуси тарзида кечади, яъни, натижанинг хатолигини аниқлашдан асоснинг хатолигини кўрсатишга ўтилади. Г.нинг чинлиги ундан келиб чиқадиган натижаларга зид бўлган ҳолатлар аниқлангандагина узил-кесил рад этилади. Мас., Птоломейнинг Ернинг ҳаракатланмайдиган марказ эканлиги ҳақидаги Г.си Коперникнинг гелиоцентрик назария асослаган фактларга зид келганидан кейин рад этилди. Ўрганилаётган ҳодиса ҳақида бир вақтнинг ўзида бир қанча Г.лар илгари сурилиши мумкин. Г. тасдиқланмагунча ўзининг билишдаги аҳамиятини йўқотмайди. Рад этилса, ўрнига бошқа Г. қурилади ва бу ҳол то Г.лардан бирортаси тасдиқланмагунча давом этади. Илгари сурилаётган Г.лар турли хил даражада умумлашган бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ, умумий ва жузъий Г.лар ажралади. Умумий Г. деб табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳақида билдирилган асосли тахминга айтилади. Жузъий (хусусий) Г. айрим фактлар, конкрет предмет ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари ҳақидаги билдирилган асосли тахминий фикрдан иборат. Конкрет жиноятнинг мотиви ҳақидаги суд версияси, археологик қазиларда топилган предметларнинг табиати, қайси даврларга оид эканлиги ҳақидаги тахминлар жузъий Г.га мисол бўлади.

ГИПОТЕТИК-ДЕДУКТИВ НАЗАРИЯ — табиий-илмий билишнинг мантиқий шаклларида бири. Г.д.н. тушунчаси—дедуктив ёки аксиоматик наз-я математика методологиясида конкретлашган эксперимент ва кузатишга таянадиган табиий-илмий билишнинг ўзига хос шаклидир. Умуман дедуктив тизимлар олдида қўйиладиган талаблардан ташқари Г.д.н. унинг қондаларини эмпирик текширишдан ўтказишни таъминлайди. Эмпирик шарҳлар (шарҳланган гаплар) наз-ий тушунчаларнинг аҳамиятини бевосита кузатиловчи белгилар б-н боғлайдиган гаплар орқали берилади.

ГИПОТЕТИК МУЛОҲАЗА — чинлиги номаълум бўлган гипотезалардан ва бошқа билимлардан (асослардан) хулосалар чиқаришга асосланган фикр юритиш усули. Г.м.да хулоса асослардан дедуктив усул асосида келтириб чиқарилгани учун уни баъзан гипотетик-дедуктив мулоҳаза юритиш ёки қисқача — гипотетик-дедуктив усул деб аташади. Г.м.нинг учта тури мавжуд. Биринчи тури, асослар, гипотезалар ва эмпирик умумлашмалардан иборат бўлиб, улар фикрлаш объекти ҳақидаги тасаввурларга зид келмайди, лекин чиқарилган хулоса, барибир, эҳти-

молий тусга эга бўлади. Бу усулдан муҳокама юри-тиш жараёнида, кўпроқ фойдаланилади. Г.м.нинг иккинчи тури хулоса чиқариш асослари қайд этилган фактлар ёки мавжуд наз-ий қоидаларга зид фикрлардан иборат бўлади. Табиийки, улардан чиқадиган хулосалар ҳам маълум бўлган фактларга зид келади. Бундан, одатда, баҳс юритиш жараёнида, оппонент фикрини хато деб кўрсатиш мақсадида фойдаланишади. Г.м.нинг учинчи турида хулоса чиқариш учун асос қилиб, кўпчилик томонидан эътироф этиладиган фикрларга, ишонч-эътиқодга зид бўлган мулоҳазалар олинади. Улардан келиб чиқадиган хулосалар, хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилинганда, ўзининг мантиқий қиймати бўйича турли хил: чин ёки хато бўлиши мумкин. Чунки, кўпчилик эътироф қиладиган, уларнинг ишонч-эътиқодига айланган билимларнинг чинлиги ҳамма вақт ҳам исбот этилавермайди. Улар кундалик тажриба натижаларини индуктив йўл б-н умумлаштириш ёрдамида ҳосил бўлган ва шунинг учун ҳам эҳтимолий мулоҳаза бўлиши мумкин. Г.м. усули антик давр фал.сида таҳлил қилина бошланган. Унга баҳс-мунозара жараёнида рақибни ўз фикридан қайтариш ёки уни қайта кўриб чиқиш, аниқлаштиришга мажбур қиладиган мантиқий усуллардан бири деб қарашган. Г.м., 17—18-а.ларда илмий-наз-ий билишда кенг қўлланила бошланди.

ГЛОБАЛ (умумбашарий) муаммолар (франц. global-энг умумий) — ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир. Г.м. кенг маънода инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади. Г.м. янги жаҳон уруши хавфи, ядро уруши, озон муаммоси, экология, Орол муаммоси ва бларни ўзида мужасамлаштиради. «Рим клуби» вакиллари: «сайёрада инсоннинг назоратсиз жойлашиши», «ижтимоий адолатсизлик», очлик, тўйиб овқатланмаслик, қашшоқлик, ишсизлик, инфляция, хом-ашё тақчиллиги, саводсизлик, жиноят ва гиёҳвандлик, зўравонлик, халқаро терроризм, порахўрлик кабиларни умумбашарий муаммоларнинг кўринишлари деб ҳисобладилар ҳамда уларни ҳал этиш тўғрисида ўз таклифларини бердилар (қ: «Рим клуби»). Г.м. тизимида экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бизнинг замонамизда инсониятга катта хавф-хатар манбаи сифатида баҳоланяпти. Г.м. ечимини топиш, умуминсоний маданият, хусусан, умуминсоний ахлоқ таъминлашга амал қилишни, ошкораликни, ҳамжиҳатликни, инсон ақл-идроқини эзгу ишларга йўналтиришни, шу асосда инсон б-н табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлашга эришишни тақозо этади.

ГНОСЕОЛОГИЯ (юн. gnosis — билим, илм; logos — таълимот, назария) — фалсафанинг таркибий қисми, билиш назарияси, билишнинг умумий қонуниятлари, усуллари тўғрисида баҳс юритувчи фалсафанинг алоҳида соҳаси. Н.Гартманнинг фикрига қараганда, Г. билиш наз-ясининг мантиқий ва психологик жиҳатлари б-н бирга намоён бўладиган метафизик томонини ифодалайди. Гносеологик қарашлар ҳар қандай фал-ий таълимотнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Ана шу фан доирасида дунёни билиш мумкинлиги ҳақидаги йўналиш — гностицизм ва билишни инкор қиладиган таълимотлар — агностицизм масалалари ҳам ўрганилади. (Яна қ. билиш назарияси).

ГНОСТИЦИЗМ (юн. gnosis -билиш) — фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсонгина борлиқдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини билиши мумкинлигини эътироф этувчи фал.ий таълимот. Г. табиат, жамият ҳақидаги билимлар, тушунчалар, ғоялар борлиқнинг инъикоси эканлигини, ўз навбатида, улар борлиққа фаол таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди. Ижтимоий борлиқ, инсон ва улар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришга қаратилган бу таъсир инсоннинг назарий ва амалий фаолияти жараёнида содир бўлишини эътироф этади.

ГОББС (Hobbes) Томас (1588—1679) — инглиз фал-ласуфи. Г.нинг дунёқарашини 17-а. инглиз инқилоби таъсирида шаклланди. Г. фал-ий тизимининг шаклланишига Ф.Бэконнинг фал-ий қарашлари, шунингдек, Галилей, Гессенди, Декарт асарлари ва улар б-н илмий мулоқотлар сезиларли таъсир кўрсатди. Гоббснинг асосий асарлари: «Табиий ва сиёсий қонунлар унсурлари», (1640) «Фалсафий трилогия»: «Фалсафа асослари»; «Тана ҳақида» (1655); «Инсон ҳақида», (1658); «Фуқаролик ҳақида» (1642); «Левиафан» (1651). Бэкон ғояларини давом эттириб, Г. билимни куч, фал.нинг асосий вазифаси — уни ривожлантириш, билимнинг амалий фойдаси «ҳаёт неъматлари миқдорининг кўпайишига имкон бериш» деб ҳисоблади. Лекин Бэкондан фарқли ўлароқ Г. жамиятни, фуқаролик урушлари сабабларини билиш ва уларни бартараф қилиш воситаси сифатида илмий тушунишни илгари сурди. Г. фал. тарихида биринчи бўлиб механистик материализмнинг тугалланган тизimini яратди. Унинг материализми ўша даврнинг табиатшунослиги характери ва талабларига мувофиқ шаклланди. Геометрия ва механика Г. учун илмий тафаккурнинг идеал намуналаридир. Олам — механик ҳаракат қонунларига бўйсундирилган жисмлар мажмуидир. Г.нинг билиш методи рационализм б-н номинализмни сунъий бирлаштиришни ўзида акс эттирди. Яққалиқдан умумийлик-

ка, ҳиссий идрокдан тушунчаларга ўтиш Г. да номиналистик концепция асосида амалга ошади. Бунга кўра, тушунчалар «нарсаларнинг номлари» эди. Г. ижтимоий таълимотида давлатни «сунъий тана» сифатида таърифлади. Унга илоҳий нуқтаи назардан эмас, балки инсоний қурилма сифатида қаради. Давлат ижтимоий шартнома асосида шаклланган. Давлат умумий тинчликни таъминлаш ва хавфсизликни ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинган. Давлат бошлиғига тинчлик ва фаровонликни сақлаш вазифаси юклатилган. «Халқ фаровонлиги, — деб таъкидлайди Г. — давлатнинг олий қонуни бўлмоғи керак». Давлатнинг шакллари масаласида Г. мутлақ монархия тарафдори эди, лекин инқилобий тамойилларга ўрин берди. Унинг ғояси асл маънодаги монархик принцип эмас, балки давлат ҳокимиятининг чекланмаган характеридир. Г. фикрича, ахлоқийлик — табиий қонун асосида ўз-ўзини сақлаш ва эҳтиёжларини қондиришга интилиш демак. Г. асосий ахлоқий тушунчаларни нисбий деб белгилади. Фуқаролар тинчлиги Г. томонидан буюк фаровонлик сифатида қаралганлиги туфайли ахлоқнинг табиий қонунлари фозил фуқаролар истаклари б-н мос тушади. Г. дин халқ оммасига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан олган.

ГОЛБРЕЙ, Галбрейт, Гэлбрейт (Galbraith) Жон Кеннет (15.10.1908 й. Канаданинг Онтарио штати Айона-Стейшн шаҳри) — АҚШнинг иқтисодчи ва публицисти. У ўз фаолиятида, эркин рақобат ва бозор муносабатлари тизимида иқтисодиётнинг етакчилик роли б-н боғлиқ неоклассик мактаби таълимотини танқид остига олди. Шу б-н бирга ўзининг иқтисодий наз-ясини яратишга ҳаракат қилиб, иқтисодиётга сиёсатнинг ҳамда турли ижтимоий ин-тларнинг таъсирини инobatга олиш лозимлигига эътибор қаратди. Давлат иқтисодий секторининг режалаштирилиши — Америка хўжалик ҳаётининг асосий белгиси ҳамда илмий техника тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичи, деб қаради. Кейинчалик Г. капитализмни янада такомиллаштиришга қаратилган янги индустриал жамият наз-ясини яратди. У ўз фаолиятида давлатнинг турли саноат корпорациялари ҳамда иқтисодий ва ижтимоий фаолар б-н ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Г. таълимотининг ўзига хослиги шундаки, у бутун фаолияти давомида жамият ҳаётидаги ижтимоий зиддиятларни бартараф қилиш б-н боғлиқ ички имкониятларни излашга жиддий эътибор қаратади.

ГОЛЬБАХ (Holbach) Поль Анри (1723—1789) — француз файласуфи. Г. 18-а.да Францияда материалистик фал.нинг ривожига катта таъсир кўрсатган. Г.нинг фикрича, материя — нарсаларнинг турлича бирику-

ви, йиғиндисидан иборат. Материя абадий мавжуд бўлиб, йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди, табиатдан бошқа кучга муҳтож эмас. Табиат ҳаракатни ўзидан олган. Ҳаракат, ҳажм, оғирлик зарурий равишда материядан келиб чиққан ва унинг яшаш усулидир. Материянинг абадий ҳаракати табиат қонуни асосида давом этади. У табиатдаги турғунликни ҳам инкор этмаган. Бироқ турғунлик нисбий бўлиб, мутлақ турғунлик йўқ, деб ҳисоблаган. Г. бошқа франц. материалистлари сингари табиатдаги заруриятни эътироф этиб, тасодифиятни рад этган. У дунёда тасодифий ҳодисалар йўқ, деган хулосага келади. Заруриятнинг чексиз ҳукмронлигини тан олган ҳолда фатализмга йўл очиб беради. Унинг фикрича, инсонлар ҳам олдиндан белгилаб қўйилган зарурият орқали фаолият кўрсатадилар. Г. ўзининг билиш назариясида Жон Локкнинг сенсуалистик таълимотига таянган ҳолда унинг иккиламчи сифатлар тўғрисидаги таълимотига қарши чиққан. Ҳар қандай сезгининг манбаи объектив реалликдир, деган ғояни илгари сурди. У Декартнинг туғма ғояларини инкор қилди. Г. фикрича, жон танадан мустақил равишда мавжуд бўлмай, балки тана ва унинг фаолиятига боғлиқдир. У, шунингдек, билиш жараёнида рационал моментнинг ролини инкор этмади. Унинг фикрича, ҳақиқатни билиш учун табиатни ўрганиш зарур. Лекин у нисбий ва мутлақ ҳақиқатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуна олмади, билиш жараёнида амалиётнинг ролини инкор этди. Г. фан ва фал. тарихида маърифатпарвар табиатшунос мутафаккир сифатида муносиб ўрин эгаллади.

ГОМОГЕНЛИК ВА ГЕТЕРОГЕНЛИК (юн. *homogenes* — таркиби, келиб чиқиши жиҳатидан бир хил, бир жинслилик) — нарса ва ҳодисалар, индивидларнинг тузилиши, таркиби, келиб чиқиши, ривожланиши жиҳатидан бир хиллик, бир жинслилик хусусиятларининг барқарор мажмуаси. Табиатшуносликда Г. кимёвий, физикавий, биологик тузилиши жиҳатидан ўхшаш ҳолатлар, таркиблар, қисмлар ўртасидаги муносабатларнинг бир текислиги, муайян қонуниятлар таъсирида сифат ўзгариши юз бериши тушунилади. Шунинг учун Г. биология, физиология, социология, психология каби фанларда тадқиқот бўлиб ҳисобланади. Г. психология фанида умумий ва ижтимоий психологик жиҳатдан ўрганилади. Дифференциал психология, дифференциал психофизиология, психометрика психологик ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар, қонуниятлар, фазилатлар, механизмлар, жараёнлар ўртасида кечадиган умумий ўхшашликлар моҳиятини тадқиқ қилади. Жумладан, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл образлари шаклланишининг ўзига хослиги, ўзаро бир-бирига мувофиқлиги бунга яққол мисолдир. Иккинчи томондан ёш ва жинс хусусиятлари ўзининг келиб

чиқиши, кечиши, ривожланиши б-н нисбатан бир хил, барқарор умумийликка эга. Худди шу боисдан болалар психологияси, ўсмирлар психологияси, аёллар ёки эркаклар психологияси деб уларни табақлаштириш Г.нинг ифодасидир, яъни, улар ўртасида бир хиллик, бир жинсга тааллуқлилиқ бевосита акс этиб туради. Ижтимоий психологик жиҳатдан Г. талқин қилинганда макро ва микромуҳит, муайян вазият, мақом, рол, ижтимоий мақсад ва фикр, онг ҳамда унинг шакллари намоён бўлишида бир хиллик назарда тутилади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатлар орасидаги ўхшашлик, раҳбарлик услублари, лидер ёки раҳбар типлари, шаклланиш қонуниятлари, муомала маромлари ва сирлари, ишлаб чиқариш, фаолиятни амалга ошириш йўллари, ёш ва жинс хусусиятларига мос анъаналар, маросимлар, расм-русумлар шулар жумласига киради. Жамоани бошқаришда Г. қулай шароитлар яратади, ўзаро таъсир ўтказиш усулларини танлаб татбиқ этишда жуда қўл келади. Г. омилкор, оқилона ва одилона муносабатлар ўрнатишнинг муҳим омили ҳисобланади. Гетерогенлик (юнон *heterogenes* — таркиби, келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хиллик, турли жинслилик) — нарса ва ҳодисаларнинг, одамларнинг тузилиши, таркиби, келиб чиқиши, ривожланиши жиҳатидан ҳар хиллик, турли жинслилик хусусиятларининг умумий йиғиндиси ифодасидир. Табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар ўртасидаги турли-туманлик Г.нинг акс этишдир. Биоритмика, психометрика моҳиятидаги тафовутлар, индивидуалликнинг мавжудлиги, қарашлардаги фарқлар Г. ҳукм суришидан далолат беради. Шахсларнинг индивидуал хусусиятлари, жинсий тафовутлардаги ўзига хослик, акс этиришнинг ҳар хиллиги, меҳнат маҳсуллариининг бетакрорлиги Г. ифодаси ҳисобланади. Фаолият, хулқ ва муомаладаги ўзига хослик ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранглигини таъминлайди, ижод, нафосат ва ҳис-туйғунинг хилма-хил кечишига пухта замин яратади. Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги кишилар, жинслар, ёшдаги фарқлар мавжудлиги авлодлар ўртасида ворислик функциясини бажаради. Аралаш жинслар, ҳар хил камолот босқичидаги одамларнинг ҳамкорлик фаолияти ўзининг таъсир ўтказувчанлиги б-н уларда барқарор маънавият таркиб топишига имкон яратилади. Г. нафосат, ахлоқий баркамоллик намунасидир.

ГРАМШИ (Gramsci) Антонио (1891—1937) — йирик назарийчи, файласуф, танқидчи, фашизмга қарши фаол курашчи. Г.ни ўз фал-ий қарашларида механистик фал.нинг наз-ий асосларини қаттиқ танқид қилди. Г.нинг иродасини турма азоблари бука олмади, у турмада ҳам ғоявий курашни давом эттирди. «Турма дафтарлари» деб номланган етти жилдлик китоб ёзиб, унда Италия жамиятининг ривожланиши масалалари бўйича сиёсий, ижтимоий, маданий, фал-ий,

иқтисодий, тархий ва бошқа соҳаларга оид наз-ий қарашларини баён қилди. Г. ўзининг фал-ий қарашларида асосий эътиборни жамият тараққиёти муаммоларига қаратди. Тарихий жараённинг асосий ҳаракатлантурувчи кучи халқ оммаси деб, уларнинг ҳаётидаги юксалишни эса умумий тарихий жараённинг бош мезони деб билди. Г. ғоянинг (фал., санъат, ахлоқ ва х.к.) нисбий мустақиллигини ҳимоя қилди. Ғоялар тарихи, Г.нинг фикрича, бу халқ оммасининг стихияликдан онглиликкача бўлган ҳаракати манзарасидир, мана шу манзарали кўриниш омма фаолиятини, унинг амалий кураши жараёнини акс эттиради.

ГРИГОРИЙ ПАЛАМА (1296—1359) — византиялик илоҳийчи ва черков хизматчиси. Исихазмни системалаштирган. Оламни бошқарувчи ва инсонга тўғри йўл кўрсатувчи Худо моҳиятининг ўзига хослиги (оламдан ташқарида ва олисида эканлиги) ва ўз-ўзидан пайдо бўлиши ғоясини ривожлантирди. Г.П. таълимоти 1351 й. Византия черковининг расмий таълимоти сифатида тан олинган.

ГРОЦИЙ (Grotius) Гуго (1583—1645) — Голландиянинг етук сиёсатшуноси, гуманисти ва ҳуқуқ назарийчиси. Нидерландия инқилобининг идеоларидан бири ҳамда ўз юртининг асл ватанпарвари бўлишига қарамасдан, ортодоксал кальвинистлар томонидан қабул қилинмади. 1621 й. Парижга қочиб кетишга муваффақ бўлди ва «Эркин денгиз», «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида», «Даҳрийларга қарши асл христианча тақводорлик» каби рисоаларини ёзди. Г.нинг фикрича, инсон ҳайвондан ўзининг тинчликка, осойишталикка, ўзаро муомалага бўлган эҳтиёжи б-н ажралиб туради. У ақлга эга бўлгани туфайли ўзининг ана шундай эҳтиёжларини англаб етади ва уларни рўёбга чиқаришга интилади. Ақл ва маънавий эҳтиёжларни қондириш зарурияти инсонларни маълум умумий тамойилларга амал қилишга, улар асосида фаолият кўрсатишга ундайди. Уруш эса кишилар табиатида қадим-қадимдан сақланиб қолган ҳайвонлик хусусиятининг намоён бўлишидир. Г. инсоний ҳуқуқни фуқаровий ва табиий ҳуқуққа бўлди. Фуқаровий ҳуқуқ конкрет тарихий характерга эга бўлиб, сиёсий вазият б-н боғлиқ. Шу боис жамиятдаги ижтимоий тизимнинг ўзгара бориши б-н у ҳам ўзгариб туради. Табиий ҳуқуқ эса инсоннинг табиатидан, табиий эҳтиёжларидан келиб чиқади.

ГУЛХАНИЙ Муҳаммад Шариф (18-а. охири — 19-а. боши) — Қўқонда яшаб ижод этган таниқли шоир ва мутафаккир. Г. асарларида инсон муаммоси, унинг маънавий-руҳий кечинмалари, ижтимоий жараёнларга фаол муносабат ўз ифодасини топди. Унинг асарларида инсон туйғулари ва фазилатларини улуглаш б-н бирга ўз даврининг ноҳақликлари, адолатсиз-

ликларига нисбатан шикоят ва норозиликлар ҳам кўзга ташланади. Г. ижодида «Зарбулмасал» асари етакчи ўрин тутади. Унда Г. ўз даврининг етук фольклоршунос адиби сифатида ўзбек халқининг донишмандлигини акс эттирган масаллардан моҳирона фойдаланди. Шунингдек, асарда халқимизнинг тўрт юзга яқин мақол, матал, нақл намуналаридан, шунингдек, ҳинд халқининг фольклори «Калила ва Димна»дан ижодий фойдаланган. Г. «Зарбулмасал»да мажозий образлар орқали инсоний муносабатларни кенг ёритди, кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни таҳлил қилди. Г.нинг бу асари жаҳон адабиётида ўзбек тили бойликларини намоён этадиган ноёб ёзма ёдгорликдир. «Зарбулмасал» комил инсон шахсини шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

ГУМАНИЗМ (лот. humanus — инсонийлик) —

1) Европа маданияти тараққиётидаги муайян тарихий босқич (Уйғониш даври)га хос фалсафий-амалий тафаккур тарзи; 2) борлиққа муносабат ва уни идрок этиш тизими. 14-16-а.лардаги Европа Ренессанси черков ақидаларининг инсон руҳи устидан мутлақ ҳукмронлигига қарши вужудга келган ҳаракат бўлиб, тафаккурда Г. шаклида намоён бўлди. Г. Августин рад этган «инсоний ўлчамларга биноан яшаш»ни ҳимоя қилди, уни Тангри иродасига зид эмас, балки мувофиқ деб баҳолади. Аксарият Европа олимлари Г.нинг «антропоцентризм» (борлиқ моҳиятининг асосига инсон иродасини қўйиш) ғоясига таянишини эътироф этадилар. Г. ривожини тадқиқотчилар турли босқичларга ажратадилар:

1) илк Г. — 14-а.нинг 30-90 й.лари; 2) Г.нинг юксалиши — 14 а.нинг 1 ярми; 3) бевосита гуманистик талқиндаги неоплатонизмнинг таркиб топиши — 15-а.нинг II ярмидан 16-а. бошларигача; 4) Г. ғоялари мазмунидан чекинишлар ва Г. ҳаракатининг сўниши — 16-а.нинг 2-ярми. Илк гуманистлар инсоннинг ҳаётгӣ эҳтиёжларига эътиборни қаратиб, инсонни борлиқ марказига қўйдилар. Бу даврда инсон ҳақидаги илмларга, айниқса, шеърият ва ахлоқ илмига қизиқиш кучайди. Қад. юн. ва Рим алломалари яратган меросни жиддий ўрганиш кенг тус олди. Бу давр мутафаккирлари ердаги моддий ҳаёт инсон учун берилган, уни эзгулик ва адолатнинг табиий қонунларига мувофиқ равишда тартибга солиш ҳам инсоннинг ўз қўлидадир, деган ғояни илгари сурдилар. 15-а. 2-ярмидан бошлаб гуманистлар бевосита неоплатонизм ғояларининг янгича талқинини ишлаб чиқишга киришдилар. Неоплатониклар инсоннинг тангрига бўлган муносабатини талқин этишда ибтидоий тасаввурларни енгиб ўтиб, борлиқни яхлит тизим сифатида тушундилар. Табиат ва илоҳий моҳиятнинг ўзаро ички боғлиқлигига эътибор бердилар. Улар ўрта асрларга хос таркидунёчилик кайфиятидан юз ўгириб, ёруғ дунё гўзаллигини ило-

ҳийлаштирдилар. Г. даври ижодкорлари ягона ҳаллоқи оламнинг яратувчилиқ маҳоратига ҳавас қилдилар ва ўз фаолиятларида бутун маҳорат ва салоҳиятларини сафарбар этиб, ана шу мукамалликка интилдилар. Г. моҳиятидаги эврилишларга ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатди, охир-оқибатда, Г. ўз ўрнини янги қарашларга бўшатиб бера бошлади. Кенг маънода Г. инсон шахсини борлиқнинг асосига қўйиб, уни улуғлашга йўналтирилган қарашлар мажмуидир. Шу маънода Г. тушунчаси турли тарихий даврлар ва турли ҳудудларда тарқалган турлича таълимотлар ва дунёқараш тизимларига татбиқан ишлатилади ва собиқ совет даврида ўзбек тилига ушбу кенг маънодаги Г. тушунчаси «инсонпарварлик» деб ўгирилган эди. Шу маънода «антик давр гуманизми», «христиан гуманизми», «социалистик гуманизм» каби тушунчалар фанга анча кейин кириб келди.

ГУМАНИСТИК ЭЪТИҚОД — инсон борлигини

улуғловчи, миллийлик б-н умуминсонийликнинг муштараклигини таъминловчи билимлар, ғоялар, назариялар мажмуи. Г.Э. инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини, унинг бутун ҳаётгӣ ориентациясини умуминсоний манфаат томон йўналтириб турувчи, унга янги куч-қувват ато этувчи буюк қудратдир. Г.э. умуминсоний ахлоқий, ҳуқуқий нормаларга, тамойилларга таянади. Г.э. ўзида фақат инсон ҳақ-ҳуқуқларининг энг асосий тамойиллари, нормалари ҳақидаги билимларнигина эмас, балки ўша тамойиллар, нормаларга бўлган садоқатни, унга асосланган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Г.э. инсон онги ва фаолияти орасидаги ўзаро алоқадорликни, билим, хулқ-атвор, хатти-ҳаракатнинг узвий боғлиқлигини ифодалайди. У инсон амалий фаолиятини бошқариб турувчи регулятор бўлиб, инсоний муносабатларда намоён бўлади. Г.э.нинг шаклланиш жараёни, фуқароларни ҳаётдаги позицияси б-н ҳам бевосита боғлиқ. Ҳаётда фаол позицияда туриш, нафақат ўзи, балки турли миллатга мансуб кишилар манфаатини ҳимоя қилиш демакдир. Г.э. мустаҳкамлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич умуминсоний маданият, умуминсоний қадриятларга садоқатдир. Г.э. шаклланганлигининг энг муҳим аломати умуминсоний қадриятларни муқаддас деб билиш ва унга содиқликдир.

ГУРВИЧ **Георгий Давидович** (1894—1965) — француз ва рус социологи, файласуф. Россия ва ғарбий Европа олий ўқув юртларида таҳсил кўрди. Петроград, Томск, Прага ун-тларида дарс берди. Германияда ишлади, сўнг Франциянинг Бордо, Страсбург ун-тларида кафедранинг бошқарди, Н.Гартман, Шелер, Гуссерл ва б. фай.лар б-н ҳамкорлик қилди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари АҚШнинг Гарвард ва Колумбия ун-тларида дарс берди, Нью-Йоркда

Француз социология ин-тининг директори бўлди. Морено, Сорокин, Р.Пацид б-н илмий мулоқотда бўлди. Г. 1949 йилдан умрининг охиригача Сарбонда Э.Дюркгейм асос солган социология кафедрасини бошқарди, «Социологик тадқиқотлар» марказига, «Билиш ва ахлоқ социологияси» лабораториясига, «Социология бўйича халқаро дафтарлар» журнаliga асос солди. Г.нинг машхур асарлари: «Ҳозирги немис фал.сининг анъаналари: Гуссерл, Шелер, Э.Лоск, Н.Гартман, Хайдеггер» (1930), «Францияда ва АҚШда социометрия» (1950), «Социология бўйича рисола» (1-2 т. 1962), «Социология тўғрисида эссе» (1938), «Хуқуқ социологияси» (1942), «Социал хуқуқлар декларацияси» (1944), «Билиш социологиясини тадқиқ этишга кириш» (1948), «Социал детерминизм ва инсон эркинлиги» (1955), «К.Маркс социологияси» (1959), «Прудон. Унинг ҳаёти, унинг иши» (1965) «Диалектика ва социология» (1962), «Социал синфлар тўғрисида тадқиқот. К.Маркснинг социал синфлар ғояси ва ҳозирги давр» (1966) ва б. Г. фал. ва социология тарихи, социологик билиш назарияси ва методологияси, хуқуқ, ахлоқ, билиш социологияси муаммолари б-н шуғулланди. Социологиядаги турли назария ва оқимларни бир-бири б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан ҳам замондошлари унинг наз-ясини «Социологиядаги перманент революция доктринаси» деб атаган эдилар. Унинг фикрича, социология макроғуруҳ ичидаги кишиларнинг ижтимоий микромуносабатларини ўрганиш б-н шуғулланиши керак. Бундай иккиёқлама йўналиш материализм б-н идеализм ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этади, деб ҳисоблади. Г.нинг таъкидлашича, диалектика билиш воситасидир. У эмпирик маълумотлар б-н боғланиши, эмпирик-реал диалектика бўлиши лозим. Диалектика билиш воситаси сифатида, аввало, регулятив функцияни бажаради, инсон олдига вазибалар кўяди, келажакка хавф-хатар соладиган қийинчиликлардан огоҳлантиради, бироқ тайёр жавоблар бермайди. Инсон фаоллигини тушунишда «фатализм», «детерминизм», «эркинлик» тушунчалари муҳим ўрин тутди. Г. эркинликни ҳеч бир чеклашларсиз ихтиёрий ва спонтан ҳаракат сифатида тушунди, фатализмнинг ҳар қандай кўринишини кескин танқид қилди. Бироқ, инсон эркинлиги реал социумда чексиз эмас, у ҳамиша шартлангандир. Г. марксизмни детерминистик концепциянинг бир кўриниши сифатида таҳлил қилди, ўзини марксизмнинг билимдони ва танқидчиси деб ҳисоблади. Унинг фикрича, Маркс Гегелнинг спекулятив идеализмига зид равишда ўзининг «реал гуманистик диалектикасини яратди». Бироқ, Маркс ўз ижодининг охирларида материалистик монизм тамойилини кучайтирди, бу эса йўл кўйиб бўлмайдиган фатализмга олиб келди. Г. одамлар хулқ-атворини универсал детерминлаштирадиган сабаблар йўқ, реал ҳаракатдаги детерминизм тўғрисида

фикр юритиш керак, деб таъкидлади. Г.нинг ижтимоий-фал-ий ва ахлоқий қарашлари ҳозирги замон фал.си ривожда алоҳида ўрин тутди.

ГУРЖИЕВ Г.И. (1877—1949)—таниқли мутафаккир, файласуф. У Арманистонда туғилган, турли Шарқ мамлакатларини кезиб, у ерларда мистицизм, эзотеризм таълимотларини ўрганган. 1910—1918 й.лари Москва ва Петербургда ўз таълимоти бўйича маърузалар ўқиган. 30—40-й.ларда Оврупа ва Америка мамлакатларида мактаблар очган. Г.нинг таълимоти ва таълим услуги Россия ва ғарб мамлакатларида кенг оммани ўзига жалб этган эди, унинг мактабини «ўрмон фал.лари мактаби» деб ҳам атаганлар. Г. ўз дарсларини ҳеч қачон олдиндан белгилаб қўйилган «маросим» ёки «курс» тарзида ўтмаган. Унинг таълим услубидан сўфизмнинг мавлавия оқимига хос бўлган «Рақс» (Самъ) ва турли жисмоний машқлар ўрин олганлиги бежиз эмас. Зеро, европалик олим Р. Лефарт амалга оширган илмий-тарихий изланиш натижаларига кўра, Г. мистик илми Бағдод, Дамашқ, Қуддус, Алеппо, Истамбул, Табриз, Қоҳира, Қониё (Туркия), Машҳад, Қандаҳор (Афғонистон), Пешовар, Жалолобод ва бошқа Шарқ мамлакатларининг сўфий шайхларидан эгаллаган. 20-а. ўрталарида Россия ва ғарб мамлакатларида катта қизиқиш уйғотган бу таълимот сўфийлик таълимоти эди. Р.Лефарт ўз китобида ҳатто сўфийлар Г.ни «Гуржизода» деб атаганлари тўғрисида ёзган. Г. сўфийлик пантеистик таълимотини ғарб муҳитига татбиқ этар экан, унда инсон тараққиёти муаммоларини янгича, ғарб онгига мослаштириб талқин этишга интилди. Ушбу таълимотга кўра, коинот марказини «мутлақлик» ташкил этади. Мутлақликдан бизнинг дунёмизга қараб «ижод нури» таралади. Лекин материя (модда) қаттиқ, зич бўлгани туфайли одам эволюцияси қийинчилик б-н амалга ошади. Шунинг учун, Г.нинг фикрига кўра, одам космосда «ухлоқ автомат» ҳолида мавжуд бўлишга кўпроқ мойилдир. Уни «уйғоштиш»га рационализмнинг кучи етмайди, аксинча, рационализм уни кўпроқ машинага айлантиради, фақат Г. «психотранс мутация» деб атаган мистик тажрибагина «машина»лашган одамни чин инсоний мавжудотга айлантира олади.

ГУССЕРЛЬ (Husserl) Эдмунд (1859.8.4, Просниц, Моравия—1938.27.4, Фрейбург, Брейсгау)—немис файласуфи, феноменологиянинг асосчиси, Ф.Брентано ва К.Штумпфнинг шогирди. В.Гольцано ва неокантчилик таъсирида бўлган Г. ўз таълимотида скептицизм ва релятивизмга қарши чиқди. Г. фикрича, табиат ҳақидаги фанлар маълум бир асосга муҳтож-ки, буни фақат фал. жиддий фан сифатида тушунади, онгнинг феноменлари ҳақидаги фан — феноменология бўлиши мумкин. Декарт рационализими йўлидан бориб, Г., охирги, ўз — ўзидан равшан мантиқий тамойилларни топишга ва шунинг б-н

онгни эмпирик мазмундан тозалашга уринади. Бу тозалаш редукция ёрдамида амалга оширилади. Г. фикрича, фал., аввало, догматик, яъни онгнинг дунёга бўлган муносабатидаги «табиий кўрсатмалардан» келиб чиқадиган тасдиқлардан (таъкидлардан) халос бўлмоғи лозим. Г. ҳар қандай холислик актини оширишни талаб этади. Редукция натижасида, охириги бўлинмас онг бирлиги — интенционаллик ҳамда предметга йўналтирилганлик қоладики, уни, Г., индивидуал белгилардан (психологик, ижтимоий ва ирқий) халос бўлган соф таркибдаги онг сифатида таърифлайди. Интенционаллик тушунчаси ёрдамида, Г., асосий наз-ий — гносеологик — субъект ва объект алоқаси ҳақидаги — масалани ечишга уринади, интенционал борлиқнинг, трансцендент дунёси ва умуминсоний онг имманент дунёсига вакил сифатида, бир вақтнинг ўзида улар ўртасида кўприк бўлиб хизмат этишга чақиради. Г. фикрича, феноменология, бу — интенционал актлар кечинмаси сифатида, соф онг ҳақидаги фан. Г. бу кечинмаларни «моҳиятни кузатилиши (кўриниши)», деб атайди. «Руҳ» ва «материя»нинг бирламчилиги масаласида холисликка талабгор бўлиб, феноменологиядан борлиқ ҳақидаги Х ўринли (ҳолатни) чиқариб ташлашни таклиф этади. «Моҳиятлар»ни қабул этишда, Г. фалсафасида, дастлабки нуқтаи назар Платон идеализми б-н яқинлашади. Онтологик моҳиятга эга бўлган Платон «ғоя»сида мавжудлик хусусияти б-н эмас, балки, «аҳамиятли» (муҳим) томон сифатида кўринади. Г. мустаҳкам пойдевор (асос) яратиш, излаш учун ўз фал.сида тўхтовсиз ўзгартиришларни амалга оширишга мажбур бўлади. Фаолиятининг охириги босқичларида у «ҳаётий дунё» ғоясига мурожаат этиб, ҳаёт фал.си б-н яқинлашади. Ўз давридаги Европадаги маънавий вазиятни инкироз сифатида кўриб, уни сциентизм ҳукмронлиги ва умуман, натуралистик — позитивистик дунёқарашнинг ҳукмронлиги б-н боғлайди. «Ҳаётий дунё» тушунчаси б-н бирга, кейинчалик Г.нинг диққат марказида интерсубъективлик муаммоси турди. Унинг нуқтаи назарига кўра, ҳар қандай билиш мазмунининг эмпирик онг томонидан белгиланиши ва бунинг натижасида билишнинг амалга ошираётган индивид субъектига боғлиқ бўлмаган ҳақиқатнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Унинг кўрсатишича, психологизм эмас, табиётшуносларнинг дунёқарashi даражасига қадар кўтарилган натурализмда бош фал-ий ғоя деб қараладиган тарихийликда намоён бўлади. Г.нинг фикрича, табиётшунослик ва тарихий фанларнинг ўзи асосланишга муҳтождир. Бу асосланишни эса, фақатгина онг феноменлари ҳақидаги жиддий илм деб тан олинishi лозим бўлган фал. феноменологиясигина амалга ошириши мумкин. Г.Декарт бошлаган йўлдан бориб, онгни унинг эмпирик мазмунидан тозалаш орқали аниқ-равшан мантиқий ғояларга етиб боришга интилди. Бундай

тозалаш редукция ёрдамида амалга оширилиши мумкин, деб ҳисоблади. Бунинг учун инсон, аввало, ўз қарашларидаги табиий ишончдан ва ҳар қандай фикрни мутлақлаштиришдан воз кечиши лозим. Редукциялаш натижасида фақат соф ақлга тегишли бўлган имманент (ички мазмун) қолади. Бу эса онгнинг ажралмас элементи бўлган интенционалликни вужудга келтиради. Интенционаллик тушунчаси ёрдамида Г. наз-ий билишнинг субъекти ва объекти ўртасидаги боғланиш ҳақидаги асосий муаммони ечмоқчи бўлди. Бу тушунча субъект ва объект орасидаги кўприк вазифасини бажариши керак эди, яъни, бир вақтнинг ўзида ҳам инсоний ялпи умумий онгнинг имманент дунёсига, ҳам нарсаларнинг трансцендентал дунёсига тегишли бўлиши лозим, эди. Г. қатъий фал-ий асос топиш мақсадида ўз фал-ий қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлди. Кейинги даврларда Г. ҳаёт фал.га анча яқинлашди. Г.нинг дастлабки фал-ий асари пойдеворини математикавий тузилмаларни руҳий жиҳатдан асослашга қаратилган «Арифметика фал.си» (1891) ташкил этади. Бу асарида Г. Худонинг мавжудлигини онтологик жиҳатдан асослашга ҳаракат қилди. Фақат Худонинг ўрнига «соф онг» атамасини ишлатди. «Соф онг» деганда у, билишнинг дастлабки асосларига қараб ҳаракатнинг сўнгги маррасини назарда тутган. Г.нинг соф феноменологияга бағишланган биринчи асари «Тадқиқотлар»дир. Унинг нуқтаи назарига кўра, мазмун б-н тасаввур орасида чегара йўқ. Бунинг оқибатида субъективлик б-н объективлик орасидаги чегара йўқолади, яъни, ҳамма нарса субъективликка айланади, субъективлик эса объектив кўриниш олади. Шунингдек, Г. Кантнинг субъект онгини шакллантирувчи трансценденция дунёси ҳақидаги ғояларига асосланиб, «нарса ўзида» томонидан уйғотилган онг трансцендентал объектларни шакллантиради, деган фикрни олға сурди. Г. феноменология ғояларидан келиб чиқиб, замонавий фанларнинг «метафизик» асосдан узоқлашиб кетган ва бу ишда уларга фатво берган позитивизмни танқид қилади. «Потивизм, — дейди у, — фал.ни гўё бошидан жудо қилди. У фал.нинг фанлар эришган натижаларини таърифлаш ва таснифлашдан анча олдин мавжуд бўлган мавзуларидан ажратди». Шунингдек, Г. табиатшунослик фанларининг вужудга келиши б-н яхлит наз-ий билишнинг ва ҳатто, фал.нинг соҳаларга ажралиб кетганини, фал. энди чин фай. бўлмаганларнинг ҳунарига айланиб қолганини, бу эса ўз навбатида «Европа маънавиятини турли фал-й мактаблар жанггоҳига айлантириб қўйганини» алоҳида таъкидлаган. Бундай фал.ни Г. ўлган файл. деб атади. Унинг фикрича, тирик, ҳаётий фал. қайта туғилаётган метафизика, яъни универсал фал.дир. Шу тариқа Г. редукцияни аниқ фан бўлган математикагагина эмас, фал.га нисбатан ҳам қўлади.

Фалда релятивизм ва скептицизмни қаттиқ танқид остига олган. Г. фикрича, бундай интилишга сабабчи психологизм бўлиб, у ҳар қандай билиш акти, ўз мазмунига кўра, эмпирик онг таркиби б-н белгиланади ва шунинг учун ҳақиқатни билиш субъектга боғлиқ эмаслиги ҳақида гапириш ноўрин, деган эътиқодга асосланади. Г. дунёқарашини Европа фалсифага ўз таъсирини кўрсатди, М.Шелер, Н.Гартман, М.Хайдеггер ва бошқалар унинг шоғирдларидир. Г. феноменологияси экзистенциализм ва герменевтика фалсининг манбаларидан бири бўлиб исботланади.

ГҲОШ Ауробиндо (1872—1950) — Фарб ва Шарқ оламида кенг танилган ҳинд файласуфи. У Аристотель, Данте, Шеллинг, Гёте асарларини аслида ўрганди. Г. Фарб ва Шарқ маданиятини мукамал ўзлаштириш натижасида бу икки хил маданиятнинг ўзаро бирлашадиган, синтези бўла оладиган олий маданият ҳақида хулосалар ясади. Г.нинг фикрича, интеллектуал онг инсон эволюцияси жараёнида олий поғона эмас, балки оралик поғонадир. У йога йўлидан бориб, мистик даражага эришди, кўплаб метафизик асарлар яратди. Булар қаторида энг машҳури «Савитри» асаридир. Унинг «Ўлмас қалбни излаб», «Абадият йўлида» каби асарлари тасаввуф фалсидаги ғоялар б-н ҳамоҳангдир. Г. ҳинд йога таълимотини шакллантирди. Шу маънода уни интеграл веданта (ёки интеграл йога) асосчиси деб тан олганлар. Г. Фарб ва Шарқ маънавиятидаги камчиликларни: Фарб материализмининг ҳамда Шарқ спиритуализми ва таркидунёчилигини четлаб ўтишга ҳаракат қилиб, Фарб ва Шарқни ўзаро келиштирадиган умуминсоний мистик диний дунёқараш тизимини ишлаб чиқди. Шу мақсадда у ведантани ислоҳ қилди, натижада, оламнинг иллюзия эканлиги ғояси ўрнига унинг брахманнинг қуввати (шакти) ғоясини киритди. Шу қувват ёрдамида брахман ўзини намоён этиш имкониятига эга бўлиши ғоясини илгари сурди. Брахман мутлақ реаллиги б-н эмпирик дунё орасида боғловчи ҳалқа бўлиб, Шри А. нуқтаи назарига кўра, «супраментал онг» да брахманнинг дастлабки бирлиги ажралишга дуч келиб, руҳий хилма-хиллик вужудга келади. Борлиқнинг мақсади эса яна манбага қайтмоқдан иборат бўлиб, бу мақсад бутун инсониятни биргаликда озод қилиш орқали амалга ошади. Интеграл йога шу мақсад учун хизмат қилади. Г.нинг «Йоганинг синтези» номли асари шу буюк таълимот мазмунини ифода этади. Г.нинг ёки мистик номи б-н аталган Шри А.ни машҳур ҳинд ёзувчиси Р.Тагор «Ҳинд қалбини ўзида мужассам этган овоз» деб атаган бўлса, машҳур француз ёзувчиси Р.Роллан «Давримизнинг энг ёрқин мутафаккири» деб улуғлади. Г.нинг 30 жилдан ортқ асарлари орасида фал-ий ғоялари салмоқли ўрин тутади.

ГҲҶАЛЛИК — табиат, жамият, санъат ҳодисаси; эстетик категория. Г. ҳиссий таъсир ўтказиш орқали инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига шодлик, завқланишдан тўла маънавий қониқиш ҳосил қилишга имкон яратади. Фойдалилик жамият тараққиёти учун хизмат қилишга мўлжалланган бўлади. Г., Шиллернинг ўринли ибораси б-н айтганда, инсон озодалигининг рамзи сифатида намоён бўлади. Инсон ҳамма ерда ва ҳар қандай шароитда табиатдаги Г.дан завқ олади, онгли ёки англамаган ҳолда севинади, маънавий бойлик ортттиради. Инсон у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг, ижтимоий орзусига мувофиқ келадиган ҳодисаларни Г. сифатида баҳолайди. Ҳамма вақт ҳам табиатга эстетик муносабат ва табиатни Г. қонунлари асосида ўзлаштириш, уни «инсонийлаштириш» табиат ҳодисаларига инсон талаб-эҳтиёжлари, мақсад ва орзуларини татбиқ этиш б-н боғланиб кетган. Инсонда табиатга қандай муносабатда бўлиш туйғуси секин-аста инсон зоти ва табиат ривожланиб боргани сари шаклланиб борган. Ибтидоий санъат манзарали тасвир нималигини билмаган, табиат ҳодисаларининг гўзал ёки хунук эканлигини баҳоламаган. Қад. овчи-мусаввир ўз диққат — эътиборини асосан тирикчилик манбаи бўлган нарсалар, воқеа-ҳодисаларга қаратган эди. Ўша пайтларда инсон фаолиятининг асосий тури бўлган овчилик ўрнига деҳқончиликнинг пайдо бўлиши, инсон атрофидаги табиатни ўзлаштира бошлаши б-н табиат бошқача ижтимоий орзу мезонлари орқали баҳоланади, ўлчанади, инсон учун табиатни гўзал ва хунук томонлари аён бўла бошлайди. Инсон куч-қудратига нисбатан табиат кучларининг қудратлилиги, табиатни эстетик ўзлаштиришнинг илк босқичини белгилаб берди. Дастлабки пайтларда, у ўзида Г. ва фойдалилик томонларининг тенг бўлишини ўзида ифодалади.

Г.ни юксак даражадаги фойдалилик тарзида илрок этиш Г.нинг кўринишларидан фақат биттасини ўз ичига олади. Шу нарса аниқ-равшан бўлиб бормоқдаки, табиатга фақат моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш бутунлай истиқболсиздир. Инсоният ҳозир атроф-муҳитни муҳофаза қилиш заруриятини англаб етмоқда. Санъатдаги Г. кўпқиррали, кўпўлчовли томонларга эга. Улар орасида эстетик идеал (орзу) белгиловчи аҳамият касб этади. Санъат гўзал ва хунук ҳодисаларни акс эттириши мумкин, лекин унинг ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир, чунки у эстетик орзу, яъни, Г.нинг зарурий хоссасини сингдирган тасаввурни ўз ичига олгандир. Санъат ўзининг барча тараққиёт босқичларида эстетик орзу ўзгарувчанлигини, унинг ижтимоий ва миллий жиҳатлардан боғлиқлигини назик дид ва маҳорат б-н ифодалаб беради. Кўп асрлар давомида санъат эстетик орузни рўёбга чиқаришнинг икки асосий йўналишини ишлаб чиқди. Унинг

биринчисини ижобий қаҳрамон образини яратиш орқали эстетик орзуни рўёбга чиқариш йўли ташкил этади. Илғор орзуларга қарама-қарши ҳаёт ҳодисаларини тасвирлаш эстетик орзуни қарор топтиришнинг иккинчи йўлидир. Санъатда Г. унинг ҳаққонийлигидан ажралмаган ҳолда қарор топади. Санъатда бадиий ҳақиқатсиз Г.нинг бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат ва Г. бирлиги санъат тараққиётининг муҳим қонуниятларидан биридир. Санъатдаги Г.ни ҳақли равишда шакл ва мазмун бирлиги б-н боғлаб мушоҳада этадилар. Камолотга, Г.ка интилиш кўп жиҳатдан энг мувофиқ шаклни излаб топш б-н боғлиқ бўлиб, бу шакл нарсанинг мазму-

нига мос келишини тақозо этади. Г. қонунлари бўйича яратиш мутаносиб шакл излаб топишни ўз ичига олади. Шаклнинг мазмунга мос келиши санъатдаги Г.нинг мезонидир. Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, санъатдаги Г. унинг камолот даражаси кўп қиррали, мураккаб тизим бирлигини ифодалайди. Унинг таркибий қисмлари сифатида тасвир объектининг Г.и эстетик орзунинг ҳаққонийлиги ва илғорлиги, воқеликни билишнинг ҳақиқий ва чуқур мазмундор эканлиги бадиий маҳоратнинг юксаклигида намоён бўлади.

Д

ДАВЛАТ — бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилоти. Д. жамиятнинг ҳокимият кучига, шунингдек, ижтимоий неъматлар ҳамда воқиталарни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми ҳисобланади. Ҳар бир Д. бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У тарихий ва маънавий тараққиётнинг ҳосиласи, муайян бир халқнинг ўзига хос маданий ривожининг натижасидир.

Д. жамият ривожининг муайян босқичида юзага келган. Ибтидоий жамиятда оқсоқоллар, уруғ ва қабила бошлиқлари ҳамда диний ҳокимият соҳибларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган. Д. кенг маъноли тушунчадир. Д. — жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синфлар, ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини, ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий ин-т. Д. — ҳокимиятнинг бош ин-ти. Ҳокимият Д. орқали ўз сиёсатини амалга оширади. Д.нинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: 1) Д. ҳокимияти (мажбурлаш, бошқариш аппарати)нинг мавжудлиги; 2) аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги; 3) суверенитет; 4) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун чиқаришга қодирлик); 5) аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун сарфланадиган солиқларни йиғиш; 6) умуминсоний функцияларни (вазифаларни) бажариш, яъни, ҳудудни кўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларни амалга ошириш. Д. қуйидаги асосий вазифаларни адо этади: хўжалик юмушлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мулк дахлсизлигини муҳофаза этиш, назорат қилиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ташқи ало-

қалар, маданий-тарбиявий ишлар, ислохотларни амалга ошириш ва б.

Д. бошқарув шаклига кўра, монархия ва республикага бўлинади. Монархия мутлақ ва чекланган (парламентар) шаклларда бўлади. Республикалар президентлик республикаси ва парламентар республикаларга бўлинади. Д. тузилиш шаклига кўра унитар, федератив, конфедератив Д.лардан иборат. Д. сиёсий режим шаклига кўра демократик, антидемократик, фашистик, тоталитар Д.ларга бўлинади. Д. идоралари: вакиллик, ижроия, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва конституциявий назорат идоралари.

ДАВЛАТ МАФКУРАСИ — муайян давлатда амал қиладиган, баъзан расман белгилаб қўйиладиган ғоявий-наз-ий ва сиёсий қарашлар тизими. Д.м. деганда, давлат томонидан жамият ҳаётини бошқарилишининг, давлат аппарати ишини ташкил этишнинг ғоявий-наз-ий, сиёсий-ҳуқуқий асослари тизими тушунилади.

Мафкуранинг ишлаб чиқилиши, ривожлантирилиши ва ижтимоий онга сингдирилишида давлатнинг роли ниҳоятда каттадир. У ёки бу мафкуранинг Д.м. даражасига кўтарилиши эса, фикр эркинлигининг бўғилишига, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ялпи назорат қилинишига олиб келиши мумкин. Ўз вақтида Германияда фашизм, бир қатор мамлакатларда марксизм-ленинизмнинг Д.м. айланиши натижасида келиб чиққан салбий жараёнлар бунга яққол тасдиқлайди.

ДАВЛАТШОҲ Самарқандий (тулиқ исми: Давлатшоҳ Ибн Алоуддаво Ибн Бахтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий, тахм. 1435—1495) — адабиётшунос олим, тазкиранавис. Отаси Алоуддаво Шохрух Мир-

зонинг амирларидан бўлган ва у б-н бирга кўплаб урушларда қатнашган. Д ҳам дастлаб Шохрух, Абу-саид ва сўнгра султон Ҳусайн Бойқаро олиб борган урушларда қатнашган. Ёши элликка бориб қолганида сарой хизматини тарк этиб, ўзидан илгари ўтган шоир ва адиблар, фузалолар ҳақида китоб ёзишга аҳд қилади. 10—15-а.ларда Урта Осиё ва Хуросонда ҳамда уларга қўшни мамлакатларда яшаб ижод этган шоирлар ва адиблар фаолиятини ўрганишга киришади. Бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-тарихий воқеалар ўз кўлами, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётидагина эмас, балки бутун жаҳон тарихида оламшумул аҳамият касб этган эди.

Д. ўзининг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар зикри») номли асарини яратишда шоир ва адибларнинг девонларини атрофлича ўрганиб чиқди, шу б-н бирга, «Зайн ул-ахбор», «Тарихи Оли Салжуқ», «Сияр ул-мулук», «Тарихи Банокатий», «Нузҳат ул-қулуб», «Ҳадойиқ ас-сеҳр», «Жавоҳир ул-асрор», «Тазкират ул-авлиё» каби тарихий, жўрофий, адабий ҳамда ислом уламолари ҳақидаги асарлар, манбалардан фойдаланди. Тазкиранинг яратилишида Д.га Алишер Навоий алоҳида ғамхўрлик ва раҳнамолик қилган. Навоий Д. ҳамда унинг тазкираси ҳақида, «Мажолис ун-нафойис» асарларида шундай ёзган: «Ва амир Давлатшоҳким, Хуросон мулкининг асил мирзозодалари орасида фазлу дониш зевари б-н баҳраманд, фарқу қаноат тожи б-н сарбаланддур, ҳам. «Тазкират уш-шуаро» отлиғ китоб битибдур, воқеан баса заҳмат тортибдур ва бу тоифани яхши жамъ қилибдур».

«Тазкират уш-шуаро» 1486 й. ёзиб битказилган. Китоб муқаддима, хотима ва «етти қават осмонга ишора» сифатида етти қисмдан иборат. Муқаддимада китобнинг ёзилиш сабаблари айтилган, шунингдек, ўнта машҳур араб шоирлари ҳақида маълумот берилган. Етти қисмда 10—15-а.ларда Ўрта Осиё, Эрон ва Ироқда яшаб ижод этган туркигўй ва форсийзабон шоирлар, адиблар тўғрисида, хотимада эса муаллифга замондош бўлган 60 йирик шоирлар ва фузалолар ҳақида маълумот келтирилган.

Д. тазкирасида ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилган кўплаб шоирлар Шарқ мумтоз шеърини ривожига ва унда ранг-баранг поэтик жанрларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувида муҳим ўрин эгаллаганлар. Қатор адиблар наср ва назм таҳлилига, бадиий маҳорат сирларини, адабиёт илми масалаларини таҳлил этишга оид йирик тадқиқотлар олиб борганлар. Китобда Абу Абдулла Рудакий (860—941), Носир Хусрав (1004—1088), Рашидиддин Ватвот (10—12-а.) Фахриддин Банокатий (1329 й.да в. э.), Хусрав Деҳлавий (1253—1325), Камол Ҳўжандий (1318—1401), Абдурахмон Жомий (1414—1492), Алишер Навоий (1441—1501) каби кўплаб буюк шоир

ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

«Тазкират уш-шуаро»нинг яна бир муҳим ва қимматли томони шундаки, унда шоир, адиб ва фузалолар таржимаи ҳолига оид маълумотлардан ташқари уларнинг ижодида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий, тарихий воқеалар ҳам акс эттирилган. Янги вужудга келган мустақил туркий давлатлар ва улар орасидаги муносабатлар, бекликлар орасидаги ўзаро тўқнашувлар ва уларнинг оддий меҳнаткаш халқ турмушига салбий таъсири, шунингдек, мўғул истилоси муносабати б-н босқинчиларга қарши халқнинг қаҳрамонона кураши, Султон Жалолоддин Мангуберди ва Темур Малик бошчилигида олиб борилган жанглар, Хуросондаги сарбадорлар кураши, temuрийлар марказлашган давлатнинг барпо бўлиши ва б. буюк тарихий воқеалар баёни Д. тазкирасига ўзига хос илмий-тарихий қиммат бахш этади. Китобда туркий халқларнинг янги давлатчилик тизимини такомиллаштириш ишига қўшган улкан ҳиссаларини кўрсатувчи тарихий маълумотлар ҳам мавжуд. Хусусан, йирик давлат арбоби Низомулмулк Тусий, Умар Хайём, шунингдек, Алишер Навоий кабилар ҳаёти б-н боғлиқ воқеалар бунинг далилидир.

«Тазкират уш-шуаро» 10—15-а.лардаги туркий ва форсий адабиёт тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Тазкиранинг форсча варианты 1887 й. Бомбеда, 1901 й. Лондонда, 1958 й. Техронда тўла нашр этилган. Айрим парчалари рус, француз, инглиз, турк, немис ва ҳинд тилларида чоп этилган. Тазкиранинг қисқартирилган ўзбекча нашри тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов таржимаси ва сўзбошиси б-н Тошкентда 1967 й.да амалга оширилди.

ДАВОНИЙ Жалолоддин, (Муҳаммад Асад бин Саъиддин, кўп манбаларда Жалолоддин Асад Козаруний Давоний) (1427—1502) — Яқин ва Ўрта Шарқнинг машҳур файласуфи, қомусий олим. У Эронда Козарун вилоятининг Давон қишлоғида туғилган. Эрон, Ҳиндистон, Ироқнинг кўп шаҳарларига саёҳат қилган, олим ва шоирлар б-н учрашиб, илмнинг турли соҳалари бўйича мунозаралар олиб борган, Д. Мовароуннаҳр олимларининг рисоалари б-н яхши таниш бўлган, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий ва б. асарларини пухта ўрганган. Айниқса, Темур ва temuрийлар даврида яшаган мутафаккирларнинг асарларидан унумли фойдаланган. Д. Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган баъзи олимларнинг рисоаларига шарҳлар ёзган. Д. илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган маҳсулдор олимдир. У фал., ахлоқшунослик, мантиқ, фикҳ, фалакиёт, риёзиёт ва ҳандаса соҳалари бўйича рисоалар ёзган. Д.нинг асосий рисоалари «Ахлоқ Жалолий», «Рисолат-ул-хуруф» (ҳарфлар ҳақида рисола), «Рисолаи ис-

боти вожиб» («Заруриятнинг исботи ҳақида рисола»), «Рисолат ул-муфрадот» («Моддалар ҳақида рисола»), «Рисола дар илм ун-нафс» («Рухшунослик тўғрисида рисола»), «Рисолайи фи тавжиҳ ул-ташбиҳ» («Мажоз талқини ҳақида рисола») «Тариқати тарбият ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»), «Арзнома» ва б.дир. Д. илмий ишлардан ташқари, «Фоний» тахаллуси б-н шеърлар ёзган Унинг шеърлари Эрон ва Ироқда чоп этилган. Д.нинг илмий рисолаларининг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган. Олимнинг форс ва араб тилида битилган рисолалари дунёнинг кўп кутубхоналарида, шу жумладан, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда. Д. рисолаларида фал. ахлоқ, мантиқ, рухшунослик ва бошқа фанларнинг долзарб муаммолари тадқиқ этилган. Айниқса, у борлиқнинг объектив мавжудлиги, табиатни, материяни инсон сезгиси ва ақли б-н билиш мумкинлиги, инсон ва унинг камолоти, илм-фаннинг жамиятдаги ўрни, касб-хунар ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш ҳақида фикр юритди. Олимнинг энг йирик рисоласи «Ахлоқи Жалолӣ» бўлиб, 1470—1471 й. ёзилган ва Фарбий Эрон ҳокими Узун Ҳасанга бағишланган. Асар мусулмон Шарқида жуда машҳур бўлиб, унда муҳим ижтимоий-фал.-ий, сиёсий ва ахлоқий ғоялар илгари сурилган. Хусусан, китобда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий тоифалар, давлат ва уни бошқариш усуллари, жоҳил подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ, хулқ-одоб ва таълим-тарбия масалалари батафсил ёритилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Д.нинг инсонпарварлик ғоялари кейинги даврда яшаган мутафаккирлар дунёқарашини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатди. Бухорода яшаб ижод этган фой. Мирзажон Шерозий (1596 й. вафот этган) унинг асарларига шарҳлар битган. Машҳур фой.лардан бири бўлган Юсуф Қорабоғий (1645 й. вафот этган) ҳам унинг кўп асарларини шарҳлаган. Айниқса, унинг ахлоқшунослик ва педагогика соҳасидаги асарлари Ўрта Осиёда жуда машҳур бўлган. 19-а.да яшаган самарқандлик олим Абу Тоҳир Хўжа ўзининг «Ахлоқи Музаффарий» номли рисоласида Д.нинг Аристотелизм ва неоплатонизм тарафдори деб ҳисоблайди. Ўзбек олими Абдулла Авлоний Д. ижоди б-н яхши таниш бўлган, унинг «Ахлоқи Жалолӣ» асаридаги фикрларидан фойдаланган. Унинг фал.-ий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари Туркистон олимлари дунёқарашининг такомил топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун Д.нинг асарлари 20-а. бошларига қадар Туркистоннинг мактаб ва мадрасаларида қўлланма бўлиб хизмат қилган. Олимнинг инсонпарварлик руҳидаги ғоялари, таълим-тарбия тўғрисидаги қимматли фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

ДАДАИЗМ — модернизмдаги йўналишлардан бири. Унга 1916—1921 й.лари Т.Цар асос солган. Бу оқимда «дада» атамаси муҳим ўрин тутди. «Дада» ҳалдан ташқари плюралистик характерга эга бўлганлиги учун аниқ маънога эга эмасдир. Царнинг фикрича, «дада» ҳеч нарсани англамайди. Д.нинг йирик вакилларидан бири бўлган Г.Гросснинг таъкидлашича, дадаистлар соф нигилистлар бўлиб, ҳамма нарсани осонгина ҳақорат қиладилар, улар учун ҳеч нарса муқаддас эмас эди. Уларнинг симболи Йўқлик, Бўшлиқ, Тешик ва ҳ.к. эди. Д.нинг фундаментал ғоялари негизида онгнинг эркинликка интилиши б-н унинг принципал эрксизлиги ўртасида зиддият муаммоси ётади. Д. вакиллариининг фикрича, онгнинг эрксизлиги рационал логика ва тилнинг тафаккур парвози устидан танҳо ҳукмронлиги оқибатда рўй беради. Шу туфайли, Д. ақлсиз, мантиқсиз, тилсиз эркин фикрлаш ғоясини илгари сурди. Царнинг фикрича, «индивидуалнинг софлиги ақлсиз ҳолатдан кейин қарор топади». Д. тарафдорлари ҳар қандай позитив сиёсий дастурни инкор этдилар. Барча дадаистлар Д. Берлин гуруҳининг «дунёдаги барча ижодкор ва фикрловчи кишиларни радикал коммунизм асосида халқаро бирлаштириш» ғоясига кескин қарши чиқдилар. Дадаистлар фақат бадиий ижоддагина тил ва мантиқнинг танҳо ҳукмронлигини бартараф этиш мумкин, фақат бадиий ижодгина бетакрор индивидуал онгсизликдан озод қилиши керак, деб ҳисоблайдилар.

ДАЛАМБЕР (D'Alembert) Жан Леон (1717—1783) — файласуф ва математик. 18-а. француз маърифатчилиги вакиллариининг бири. Д. Дидронинг сафдоши, Энциклопедияга муҳаррирлик қилган.

Д. инсон билишининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ёзишда асосан Ф.Бэкон ғояларига таянган ҳолда фанларни талқин қилишга уринган. Д. сенсуализм тарафдори ва Декартнинг туғма ғоялар наз-ясининг муҳолифи эди. Д.нинг фикрича, тафаккур модданинг хоссаси эмас, жон (руҳ) эса, моддага боғлиқ бўлмаган мавжудликдир. Д. дуализм маъносида туриб нарсаларни билиш мумкинлигини ҳам инкор этди. Д. принципи физиканинг асосларидандир. Бошқа франциялик маърифатчиларига қарама-қарши ўлароқ, Д. ахлоқ-одоб ижтимоий муҳитга боғлиқ эмасдир, деб даъво қилди. Д. Худони уюштирувчи субстанция, деб эътироф этди. Унинг ноизчил сенсуализми Дидро асарларида, жумладан, «Даламбернинг туши» асарида (1769) танқид қилинган. Асосий асари: «Фалсафа унсурлари» (1759).

ДАЛИЛЛАШ — билиш назарияси ва формал мантиқ тушунчаси; бирор фикр, мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизimini воқеликка бевосита мурожаат қилиш йўли б-н (қузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳ.к. асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган б. муло-

ҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Д. бевосита ёки билвосита бўлади. Бевосита Д. ҳиссий билишга, яъни кўриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали Д. эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган б. мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Д.нинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули наз-ий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, Д.нинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир. Д. жараёнида тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилди ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъатини қай даражада эгаллаганлиги, яъни, нотиклик маҳорати тингловчиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Фактлар ва б. далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради.

ДАНТЕ (Dante) Алигъери (1265—1321) — Италия шоири ва файласуфи. «Илоҳий комедия» асари б-н дунёга машҳур. Бу асарда одам ўлгандан сўнг нариги дунёда дўзах (жаҳаннам), аросат ва жаннатда бўлишини маҳорат б-н баён этилади. Асарда ўрта аср тафаккури, Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Ибн Сино фал-ий қарашлари акс этилган. Шунинг учун Ғарб илоҳиётчилари Д. Ибн Сино йўлидан кетган, деб даъво қиладилар. Д. ўз асарида Ал-Фарғоний асарларидан ҳам кенг фойдаланган. У асарларида Европа гуманизмини бошлаб берди, одамларни бирликка чақирди.

ДАО (хитой — қонун, йўл) — қадимги Хитойда вужудга келган фалсафий мактаб. Асосчиси Лао-цзи (мил.ав. VI а.да яшаган). Лао цзи ва унинг шогирдлари оламнинг моддийлигини, моддий дунё табиий қонуният—Д. асосида тўхтовсиз ва ўзгаришда эканлигини қайд этди. Даоизм вакиллари қад. Хитой фалсафисида биринчи бўлиб моддий дунёдаги ҳамма нарсалар қарама-қаршиликдан иборат эканлигини эътироф этдилар; моддий дунёни билиш мумкинлигини, билиш сезгилардан бошланиб, тафаккур б-н яқунланишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Уларни билишдан мақсад оламнинг моҳиятини, яъни, Д.ни билишдан иборат, деб таъкидлаганлар.

ДАОЦИЗМ — қадимги Хитойда вужудга келган диний — фалсафий таълимот. Унга *Лао Цзи* асос солган. Лао Цзи «Дао», «Ци» таълимотини ишлаб чиққан. Кейинчалик бу таълимотни Д. деб аташган. «Дао» — бу табиий қонун. Жамиятнинг барча аъзолари табиий қонун («дао»)га қатъий бўйсунушлари керак. Кимки «дао» қонунини бузса, табиат ундан албатта ўч олади. «Ци» бу — жисмларнинг илдизи, яъни, борлик. У бешта унсур: ер, сув, олов, ёғоч ва

металлдан ташкил топган. Дунёдаги барча жисмлар бешта унсурнинг турлича бирикишидан юзага келган. Лао Цзи таълимоти кейинчалик қад. Хитойдаги Мао Цзи ва Ван Чунлар ижодига таъсир кўрсатган.

ДАРАЖА — нарса ва ҳодисаларнинг қандай босқичда уюшганлиги ва ривожланганлигининг кўрсаткичи. Мас., материянинг тузилиши Д.ларига анорганик Д. (жонсиз табиат), органик Д. (жонли табиат) ва ижтимоий Д. (жамият)лар киради. Миқёсий тузилиш Д.ларига эса микро Д., макро Д. ва мега Д.лар киради.

ДАРВИН (Darwin) Чарльз Роберт (1809—1882) — инглиз табиатшунос олими, турларнинг табиий танланиш йўли б-н келиб чиқиши тўғрисидаги эволюцион таълимот асосчиси, инглиз натурфайласуфи. Д. таълимотининг шаклланишида унинг «Бигл» кемасида дунё бўйлаб қилган саёҳати даврида (1831—1836) олиб борган илмий тадқиқотлари катта рол ўйнаган. Эволюцион наз-яни яратиш мобайнида Д. зоология, география, геология, палеантология соҳаларида катта ишларни амалга оширди. Д. 1851—1854 й.лар давомида анатомия бўйича 4 жилдлик ишини чоп эттирди ва бу б-н ўз даврининг йирик табиатшунос олимлари қаторидан жой олди. 1854—55 й.дан бошлаб, Д. ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар тараққиётидаги ўзгарувчанлик, ирсият ва ривожланиш б-н боғлиқ маълумотларни тўплаб, турларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги асарини ёзишга киришди. 1859 й.да Д.нинг «Табиий танланиш йўли б-н турларнинг келиб чиқиши» асари босилиб чиқди. Унда олим органик оламнинг эволюцион ривожланиши тўғрисидаги таълимотини асослаб берди. Кейинги асарларида Д. бу наз-яни янада ривожлантирди. Д. ўз таълимотида ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бирлигини исботлади, инсон ва одамсимон маймунлар ўртасидаги генетик умумийликни кўрсатди, жонли табиатдаги эволюциянинг асосий қонун ва механизмларини очиб берди, селекция биологиянинг алоҳида бир соҳаси эканлигини таъкидлади. Д. жонли табиатнинг эволюцион манзарасини ишлаб чиқди, биологик ва илмий тафаккурга органик детерминизм тушунчасини олиб кирди. Д.нинг илғор ғоялари ижтимоий билимлар тизимида янги концепциялар шаклланиши учун асос бўлди, социологияда социал дарвинизм оқими вужудга келди.

ДАРЕНДОРФ (Dahrendorf) Ральф (1929) — Германиянинг йирик социологларидан бири. Ҳоз. замон либерализмининг тарафдорларидан. Конфликтология фани ривожига катта ҳисса қўшган. У ўзининг марксизмга қарши қаратилган «ижтимоий конфликтлар» концепциясида синфларнинг асосий белгиси мулкка бўлган муносабатдангина иборат эмаслиги

ни кўрсатади. 1970 й.лардан бошлаб, у «яхшиланаётган жамият» концепциясини илгари суриб, бунда тараққиёт, асосан, ижтимоий ва маданий тенгсизлик туфайли амалга ошади, деб ҳисоблайди.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ (инг. devolution) — миллий ёки халқаро пул бирлиги курсининг б. мамлакатлар ёки халқаро валюта бирлигига нисбатан қадрсизланиши. Д. валютанинг инфляция натижасида қадрсизланишини, алоҳида мамлакатларда унинг ривожланишининг нотекислигини акс эттиради. Д. хорижий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади, натижада, хорижий маҳсулотлар нархи нисбатан қимматлашади, миллий маҳсулотлар эса нисбатан арзонлашади. Д. Жаҳон валюта фондининг (ЖВФ) асосан ривожланаётган мамлакатлар учун, ҳозирги шароитда эса, Шарқий Европа давлатлари учун ҳам барқарорлаштирувчи дастурларида кўзда тутилган восита ҳисобланади.

ДЕДУКЦИЯ (юн. deductio — хулоса чиқариш) — билиш жараёнида фикрда умумий билимлардан жузъий, алоҳида билимларга қараб йўналиш жараёни. Д. воситасида тадқиқотчи бир синф, бир жинс, бир гуруҳ нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қилади. Инсоннинг билиш тажрибасидан шу нарса маълумки, агар бирон хусусият бир тоифа ёки бир жинсдаги ҳамма нарса ёки ҳодисаларга хос бўлса, бу хусусият шу тоифа ёки жинсга оид ҳар бир нарса ёки ҳодисага ҳам хос бўлади. Д. асосчиси француз ф.и Р.Декартдир. У Ф.Бэкондан фарқли ўлароқ, билишда Д. воситали хулоса чиқаришнинг алоҳида шакли, бунда хулоса умумийдан яккага қараб боради, деган фикрни илгари сурди.

ДЕИЗМ (лот. deus — худо) — маърифатчилик даврида ёйилган диний-фалсафий қараш. Асосчиси — Лорд Чербер. Унга кўра, Худо оламни яратиб, унда иштирок этмайди ва воқеа-ҳодисаларнинг қонуний кечишига аралашмайди. Д. асосида инсон ва Худо орасидаги доимий алоқа мавжудлиги ҳақидаги илоҳий тасаввур ётувчи теизм, Худони табиат б-н айналаштирувчи пантеизм ва Худонинг мавжудлигини инкор қилувчи атеизм (даҳрийлик)га қарама-қарши туради. Д. табиатни ёки ақлни чеклаш ғоясини илгари суради. Дин, деистлар таълимотига кўра, ҳамма одамлар учун умумийдир. Лорд Чербери «Ҳақиқат ҳақида трактат» асарида бу ғояни ривожлантирди. Д.га турли йўналишлар — материализм ва идеализмнинг вакиллари қўшилганлар. Д. 17-а.нинг I ярмида юқори даражада ривожланди. Христианликда фақат ахлоқий таълимотни кўрган англиялик Ж.Толанд, А.Коллиз, М.Тиндал, А.Шефтбери, Г.Болингброк; америкалик Т.Хифферсон, Б.Франк-

ли, И.Аллен деистлар бўлишган. Д. Юм томонидан илгари сурилган, динга кўрқув ва умиддан келиб чиқувчи жараён сифатида қараш ижодкор Худонинг мавжудлигини шубҳа остига қўйди. Францияда Д. ғояларини Вольтер илгари сурди, Руссо ҳам унга яқинлашган. Француз материалистлари Д.нинг танқиди б-н майдонга чиқдилар. Германияда Д. фал.ий рационализм негизда ёйилди (Лейбниц, Лессинг). Д. ғоялари Кантнинг «Фақат ақл доирасидаги дин» асарида илгари сурилган. Ҳоз. замон фал.сида Д. мустақил аҳамиятга эга эмас. Борлиқни исбот қилишда унинг яратувчисини асос қилиб олувчи кўпгина табиатшунослар Д. тарафдорларидир.

ДЕКАДЕНТЛИК (франц. decadence — тушкунлик, инкироз) — тарихий, тарихий-фалсафий ва тарихий-маданий анъаналарда цивилизациялар ҳаётининг даврий жараёнларини тавсифлашда қўлланиладиган тушунча. Д. атамаси Монтезкьенинг асарида кенг қўлланилди. Д. тушунчаси фал. тарихида маданиятлар ва халқларнинг юксалиши, тушкунликка юз тутиши муаммоларини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Д. санъатда, адабиётда, сиёсатда, инсон хатти-ҳаракатларида унинг ҳаётига, дунёга муносабати масаласида ишлатилади. Д.нинг белгилари, кўпинча, ўзбошимчалик, зўрлик б-н боғлиқ бўлади. Сиёсий, эстетик, ахлоқий ва б. ҳодисалар, жараёнларнинг интиҳоси сифатида тарқалган Д. тушунчаси жамиятнинг айни ҳолати унинг ўз-ўзини бузишга олиб келувчи инқилобий зилзилалар б-н алмашинувини англатади. Д. бадиий ижодиётнинг маълум бир даврида шахс, унинг борлиги, фожиаси, ижтимоий ҳалокатни олдидан сеза билишини ҳам ифодалайди. Шу боисдан ҳам Д., кўпинча, тарихий тараққиётнинг маълум даврида санъат ва адабиётда тушкунлик кайфиятни ифодаловчи оқимларнинг умумий номи сифатида қабул қилинган. Унинг наз-яси асосида «санъат-санъат учун» ғояси ўз ифодасини топган. Д. элементлари дастлаб Францияда пайдо бўлган. «Декаденс» номли адабий тўғарак вужудга келган, журнал чоп этилган, бу ном кейинчалик Европага ва Америкага тарқалган. Ижтимоий воқеликдаги зиддиятларнинг кучайиши Д.нинг кенг ёйилишига сабаб бўлган. Д. вакилларининг фикрича, жамият тараққиётидаги ҳар қандай таълимот ғоя, мафкура, ҳаракатнинг барча шакллари қандайдир манфаатга бўйсундирилган. Шунинг учун санъат асарлари ижтимоий муаммоларга аралашмай, шахснинг ички дунёсини тасвирлаши, яъни, санъаткор ўзи хоҳлаганича «ғўзаллик» ижод этиши керак. Бу оқимга мансуб ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, театр арбоблари тушкунликка берилганлар. Лекин улар жамият воқеалигини анча чуқур ва жиддийроқ идрок қиладилар. Улар назарида вужудга келган ҳолатдан қутулиш йўли шахсий кечинмалар дунёсига берилишидир. Д. ижтимоий

ҳаётнинг, даврнинг таъсирига қараб турли оқимларда (символизм, футуризм, кубизм, абстракционизм, сюрреализм) турлича намоён бўлади. Д. назарида, инсон «у дунё» кучлари қўлидаги ожиз ўйинчоқдир. Д. санъатида реал инсон ва унинг тақдорланмас хусусиятлари, психологияси, ҳатто, ташқи қиёфаси ҳам ўзгартириб тасвирланади. Д.нинг бу жиҳати драматургия, театр санъати ва айниқса, тасвирий санъатда яққол кўриниб туради. Д. йўналиши кейинги даврда санъат ва эстетикада асосий ўринлардан бирини эгалламоқда.

ДЕКАРТ (Renatus Cartesius) Ренэ (1596.31.3, Лаэ — 1650.11.2, Стокгольм) — машҳур француз файласуфи ва математиги, рационализмнинг асосчиси. Д.нинг фал-ий қарашлари «Метод ҳақида мулоҳазалар», «Фал.нинг бошланғич асослари», «Метафизика ҳақида мулоҳазалар» каби асарларида баён этилган. Д. томонидан яратилган аналитик геометрия математика фанларининг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Олим механика, оптика, математика, физиология соҳаларида эришган ютуқлари б-н 17-а.нинг буюк тадқиқотчилари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Д. янги замон фал.га ўзининг дуалистик таълимоти б-н катта ҳисса қўшди. Д.нинг бир-бирини рад этмайдиган мустақил субстанция: моддий олам ва руҳий олам қонунларининг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги таълимоти унинг фалсафий қарашларининг пойдевори бўлиб хизмат қилди. Д. космология, космогония, физика, физиологияда моддий субстанциянинг устуворлигига шубҳа билдирмади. Олим сайёраларнинг табиий тарзда ривожланиши, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти ҳақида ғоят эътиборли башоратларни илгари сурди. Психология, гиёеология соҳаларида Д. руҳий субстанцияни барча жараёнларнинг асоси сифатида эътироф этди. Унинг «Мен фикрляпман, демак, мавжудман» — деган ибораси тафаккурни барча нарсаларнинг негизи сифатида қабул қилганлигидан яққол далолат берди.

У физикада материя ва ҳаракат муаммоларини қараб чиқар экан, бутун табиат тизимини механистик нуқтаи назардан талқин этишга ҳаракат қилади. Д. материя деганда, биринчи галда фазонинг муайян қисмини эгаллаган ҳажми тушунди. У чексиз равишда бўлинувчи айрим зарралардан ташкил топган бўлиб, бир-бирдан катта-кичиклиги, тузилиши, механик ҳаракат йўналиши б-н фарқланади. Жисмларнинг ҳиди, ранги, иссиқлиги каби сифатларини Д. нарсаларнинг хоссалари эмас, балки инсон сезгилари, деб таърифлади.

Д.нинг назарида, тирик ва нотирик оламга хос ҳодисалар бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қилмайди, ҳайвонлар ўзига хос машиналардир. Инсон ҳам бундан мустасно эмас. Лекин унинг ҳайвонлардан фарқ қиладиган жиҳати мавжуд: у иккита суб-

станция — тана ва руҳга эга. Бундан ташқари, унда туғма ғоялар мавжуд бўлиб, бундай ҳолни ҳайвонларда учратиш мумкин эмас. Д. материяни ҳажм, ҳаракатни эса, зарраларнинг фазода ўз жойидан силжиб юриши қабилда уқтириб, пировард натижада оламнинг илк асоси, ҳаракат манбаи сифатида биринчи сабабни кўрсатди: худо материя, ҳаракат ва сукунатни яратувчи биринчи негиз, деб эълон қилди. Д. дуализми унинг билиш ва метод тўғрисидаги таълимотининг мавқеини ҳам белгилаб берди. Д.нинг билиш муаммоларини ҳал этишдаги асосий тамойили ҳар қандай ғояга танқидий нуқтаи назардан ёндашишдир. Д. ҳақиқатнинг тўла кафолати йўқ экан, тадқиқотни ҳар қандай билимга шубҳа б-н қарашдан бошлаш лозим; шубҳа воситасида скептицизм устидан ғалабага эришиш мумкин, деган хулосага келди. Фай. барча нарсага шубҳа б-н қарашни ўзига ягона метод қилиб олар экан, унинг фикрича, бу метод ҳар қандай шубҳадан йироқ ҳақиқатга етиб боради. Д. мен ўз шубҳамга шубҳалана олмайман, демак, менинг фикрим ҳар қандай шубҳадан холи бўлган борлиқдир. Фикрнинг мавжудлиги ҳар қандай шубҳадан холи экан, жисмларнинг реал мавжуд эканлигини исботлаб бериш қийин эмас, деган хулосага келади.

Д.нинг фикрича, шубҳа камолот даражасининг кемтиклигидир. Ҳақиқий камолот куч-қудрат тимсолидир. Айнан шундай куч-қудрат инсоннинг ўзида мавжуд эмас, асли у инсон вужудига Худо томонидан киритилган хусусиятдир. Худо мавжуд экан, унинг кароматига шубҳаланиш ўринсиздир, чунки Яратувчи раҳмдил ва қудратлидир. У ўз моҳиятига кўра, бирон-бир кимсани алдашни ўзига мақсад қилиб қўймаган. Унинг инсонларга инъом қилган ақл ва сезгилари бизни доимо алдаб юришга даъват қилинмаган, дейди Фай. Лекин Д. худонинг мавжудлигини исботлашга шубҳа тамойили орқали ёндашди. Д. билимларнинг ягона манбаи бўлган ақлни ёқлаш мақсадида руҳий субстанция негизда азалдан туғма ғоялар борлигини эътироф қилди. Бундай туғма ғояларга Худо, руҳий субстанция, моддий субстанция, миқдор ва жисмларнинг тузилиши, геометрик аксиомалар ва ҳ.к. тўғрисидаги ғоялар кирди. Одамларнинг ҳаётий тажрибаси бу борада муҳим аҳамият касб қилмайди, у бу ғояларнинг туғма характерга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлашдан бошқа вазифани бажаришга қодир эмас.

Фай. билишнинг ибтидоси сифатида интеллектуал интуицияни кўрсатди. О.Бэкон билишнинг ягона методи сифатида индуктив методни тан олган бўлса, Д. назарида, дедуктив методдан афзалроқ метод бўлиши мумкин эмас. Д. рационализмнинг ёрқин намоёндаси сифатида ақлнинг талаб ва тамойиллари асосида ўз методини яратди. У қуйидаги тўртта қоидага амал қилади: 1) билишда ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган аниқлик ва яққолликка эришиш. 2) тадқиқ этилаётган муаммони яхши тушуниб олиш

учун уни қанча қисмга бўлиш талаб қилинса, шунча қисмларга бўлиш. 3) оддий нарсалардан бошлаб, аста-секин энг мураккаб нарсалар томон юқорилаб бориш тартибида фикрлашга амал қилиш; 4) билиш жараёнида объектнинг муҳим жиҳатларини назардан қочирмаслик, уни тўлалигича қамраб олишга интилиш. Д. билишда тафаккурнинг ролини бир-мунча бўрттирган ҳолда дедуктив метод орқали олам тўғрисидаги барча билимларга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлади. У билишда сезгилар ва тажрибанинг аҳамиятини бутунлай рад этмасдан, уларни ақл ва дедукция кўмагида эришилган билимларни қайта, яна бир карра исботлаш воситаси сифатида талқин қилди.

ДЕМАГОГИЯ — ўзининг ғоявий ва сиёсий мазмундаги ғаразли мақсадларига эришиш учун сохта ваъдалар бериш, диққатни ўзига жалб этувчи широрлар ташлаш, хушомадлар қилиш, фактларни бузиб кўрсатиш орқали кишиларни саросимага солиб қўйиш мақсадида уларнинг ҳиссиёти ва кайфиятига таъсир қилиш, принципсизлик асосидаги ғоявий қарашлар ва сиёсий сафсаталар мажмуаси.

ДЕМИУРГ (юн. *demiurgos* — ижтимоий ҳунар б-н эркин шуғулланувчи) — антик мифологияда бутун борлиқни яратувчи Худони ифода этувчи тушунча. Идеалистик фал.да Д. онг, руҳ, идеал ибтидо, оламни яратувчи; диний тасаввурларда Д. «олам ижодкорлари» сифатидаги Худо. Фал.га Д. тушунчаси Платон томонидан киритилди. Унинг фикрича, Д. «коинотнинг отаси ва ижодкоридир». Ҳозирги замон фал.сида Д. атамаси кўпроқ идеал ибтидонини яратувчи, олам ижодкори маъносида қўлланади.

ДЕМОГРАФИЯ (юн. *demos* — халқ, *grapho* — ёзаман) — аҳоли, нуфус ҳақидаги фан. Д. атамасини биринчи марта француз олими Ф.Гийяр қўллаган. Аҳолишунослик наз-ясини ишлаб чиқишга антик даврда Д. ижтимоий, иқтисодий, биологик, географик омиллар, сабаб ва шарт-шароитлар асосида нуфус динамикаси, миграцияси, ўрнашуви, структураси қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар фан ҳисобланади. Қонуниятлар ва хулосалар асосида Д. нуфус наз-яси ва сиёсатини ишлаб чиқади, мамлакат, шаҳар, вилоят, минтақа ва умуман, жаҳон аҳолисининг ўзгариш истиқболларини белгилайди. Демографик жараёнлар ҳолати ижтимоий-иқтисодий, биологик ва жуғрофик омиллар б-н чамбарчас боғлиқ. Д. социология, иқтисод, тарих, ҳуқуқ, этнология, социал гигиена, аҳоли географияси, тиббиёт, геронтология, генетика, статистика каби илмий соҳалар б-н муस्ताҳкам боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Д., биринчи навбатда, социология б-н боғлиқдир. Иккала фанда ҳам асосий ўрганиш объекти битта бўлса-да, тадқиқотлар жараёнида ижтимо-

ий нуқтаи назардан турлича ёндашилади. Социология одамни шахс, индивид, гуруҳ, жамият аъзоси сифатида ўрганиб, шахс ва жамият муносабатларига асосий эътиборни қаратади. Д.эса одамга социал «тана» -(нуфус)нинг ўзига хос «молекула»си сифатида қарайди, унда ҳар бир одам омма орасига сингиб кетади. Д.нинг иқтисодиёт б-н боғлиқлиги меҳнат ресурслари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш ривожига каби масалаларда яққол кўзга ташланади. Демографик қонуниятлар маълум даражада тарихий характерга эга бўлган ҳодиса ва фактларни ўзида акс эттиради. Ҳуқуқий қонунлар б-н Д.нинг боғлиқлик жойи шундаки, улар турли минтақаларда демографик жараёнларга таъсир кўрсатади. Дунёдаги турли этнослар оила, никоҳ, аралаш никоҳ, иккинчи никоҳ, ажралиш, миграция масалаларида ўзига хос анъаналар, урф-одатлар ва қарашларга эга. Оилада нечта фарзанд бўлиши масаласига ҳам муносабат турлича. Шу нуқтаи назардан Д. ва этнология бир-бири б-н боғлиқдир. Социал гигиена, геронтология, тиббиёт нуқтаи назардан эса аҳоли саломатлиги, ўлими, узоқ яшаши, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ўрганилади. Д. да статистика наз-яси тамойиллари кенг қўлланади. Шу асосда, демографик статистика соҳасида аҳолининг жинсий, миллий, жойланиш, маданий, оилавий, социал, тармоқ, касб структураси ўрганилади. Д. урушларнинг аҳоли таркибига таъсири, аҳоли ўртача ёши, ўлим даражаси, унга таъсир қилувчи омиллар, тиббий ўсиш коэффициенти ва б.ни ҳам ўрганади. Д. да нуфус тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Палеодемография маълумотларига асосланган ҳолда қадим замонлардан аҳолининг ўсиш динамикаси ҳақидаги билимлар тўпланади. Д. даги тадқиқотлар аҳоли ва демографик жараёнларга доир дастлабки маълумотларни тўплаш, аҳолишуносликнинг математик наз-яси ва демографик таҳлилидан иборат. Ҳоз. даврда Д. нуфус назарияси асосида ривожланаётган қатор демографик фанларнинг кенг тармоғи тизимини қамраб олади. Бу ҳолат унинг объекти ва предмети, демографик жараёнлар ва демографик ҳодисалар йўналишини белгиловчи омиллар, шарт-шароитларнинг турли-туманлиги б-н боғлиқ.

Ҳоз. даврда халқаро демографик вазиятнинг кескинлашуви, нуфус масаласининг инсоният глобал муаммоларининг ажралмас таркибий қисмига айланганлиги демографик фанларнинг жадал ривожига туртки бермоқда. Ривожланаётган мамлакатлардаги дунёвий миқёс касб эта бошлаган демографик портлаш, иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги демографик таназзул, урбанизация ва халқаро миграция муаммолари глобаллашув жараёни кучайганлигининг далилидир. Ҳоз. даврда демографик муаммолар илмий муаммолар сарҳадларини бузиб ўтиб, инсониятнинг сақланиб қолиши ва ривожланишини белгиловчи умуминсоний муаммолар-

га айланиб бормоқда. Муаммоларни ҳал этиш йўллари, усуллари бир хил эмас, турли минтақаларда турлича ечими мавжуд, баъзиларини ҳал этиш йўллари эса, ҳали ишлаб чиқилмаган. Шу боисдан, демографик фанларнинг амалий тараққиёти ҳоз. замон фанининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

ДЕМОКРАТИЯ (юн. *demos* — халқ ва *kratos* — ҳокимият) — фуқароларнинг озодлиги, тенглиги таъминлангани эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли. Тарихий тараққиёт давомида Д. тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, Д. энг ривожланган давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, ҳар бир давр Д. ни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хосликка эга бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби бир қатор омиллар б-н белгиланади. Д. характери белгиловчи умумий мезонлар бор. Бу Д. таъминловчиси риоя қилиниши, демократик ин-ларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти б-н боғлиқдир. Д. моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс б-н жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Айни пайтда, Д. қабул қилинган қонунлар, амалдаги тартиб-қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм ҳамдир. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда Д. жамиятнинг яшаш тарзига айланиб қолди. Одатда, вакиллик Д.си ва бевосита Д. бир-биридан фарқланади.

Вакиллик Д.да фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа функцияларни бажарувчи органларни сайлайдилар. Фуқаролар бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Бевосита Д. шаклида эса, фуқаролар у ёки бу масалаларни тўғридан-тўғри ўзлари ҳал қиладилар. Сайловлар бевосита демократиянинг намоён бўлиш шаклидир. Д. асосида қизиқиш, интилиш ва манфаатларни мувофиқлаштириш, муроасага келтириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода, Д. жамиятдаги кучларни бирлаштиришга, уни мамлакат тараққиёти учун сафарбар қилишга хизмат қиладди. Ислом Каримов: «Ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл б-н ҳал этиш, музокаралар йўли б-н фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган ҳулосаларга келиш ва ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш, демакки, шарқона Д. таъминловчиси асосида иш юритишдир» — деб ёзди. Д. инсоният бугунги кунга қўллаб келган, ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг оқилона йўли сифатида эътироф этилган.

ДЕМОС (юн. *demos*—халқ) — дастлаб қад. Юнонистонда қариндош-уруғчилик алоқалари ва умумий яшаш жойи асосида шакланган кишилар гуруҳи. Кейинроқ оддий халқ (деҳқонлар ҳамда шаҳар аҳолисининг қуйи қисми, ҳунармандлар, майда савдо аҳли) маъносида ишлатилган. Мил. ав. 8-7-а.ларда аста-секин эркин шаҳар (полис) аҳолисининг аристократиядан мустақил савдо-ҳунармандчилик қатлами пайдо бўлиб, кучая борган. Бу қатлам расман бўлса-да, сиёсий ҳуқуқларга эга эди, сиёсий ҳуқуққа эга бўлган эркин халқ Д. деб аталган. Амалда у қишлоқ ва шаҳар Д.га бўлинган. Шаҳар Д.нинг иқтисодий мустақиллиги кучайиб бориши б-н у полисни бошқариш, бой ва таъсирчан аслзода-эвпатридлар ҳокимиятини чеклаш учун фаол ҳаракат қила бошлаган. Шаҳар Д.и ўз мол-мулки ва тижорат-ҳунармандчилик фаолиятини суистеъмоллардан ҳимоя қиладиган қонунлар ишлаб чиқишни талаб қилган. Қишлоқ Д. ҳам асоратдан қонунчилик йўли б-н ҳимояланишга муҳтож бўлиб, ер участкаларини босиб олишга хотима беришни талаб қилган. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт оқибатида аристократлар орасида ҳам мулкий табақаланиш юз берган. Уларнинг камбағаллашган қисми устахоналар очиш, тижоратни ташкил қилиш б-н шуғуллана бошлаган. Уларнинг манфаатлари шаҳар Д.нинг юқори қатламлари б-н яқинлашган. Натижада, полисларнинг аслзодалар ҳокимияти ағдарилган ва ҳокимият Д.нинг вакиллари қўлига ўтган. Д.нинг манфаатларини изчиллик б-н ҳимоя қилган сиёсатчилар етишиб чиққан. Архаик даврнинг охирида (мил. ав. 6 а.да) қулдорлик демократияси ва олигархияси пайдо бўлган, қонунларнинг ёзма шаклга кириши, хун олишнинг чекланиши, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши, суд ишларининг йўлга қўйилиши ҳам Д. ва эвпатридлар ўртасидаги зиддиятларга хотима беролмаган. Амалга оширилган ислохотлар Д.нинг иқтисодий аҳволига муҳим ўзгариш киритмаган ва унинг сиёсий, илгаригидек, ҳуқуқсиз ҳолатига мутлақо дахл қилмаган. Д.нинг ғалабаси натижасида Афинада демократик республика шаклидаги давлат вужудга келган. Д. таркибига чет элдан кўчиб келганлар (метеклар) ва қулла кирмаган. Мил. ав. 5-6-а.ларга келиб Д. ва метеклар ўртасидаги зиддият кучайган. Метеклар сони афиналиклар сонининг тахм. ярмини ташкил этарди. Улар, асосан, савдо ва ҳунармандчилик б-н шуғулланганлар. Метекларнинг мулкий ҳуқуқлари чеклаб қўйилган, улар мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишдан тўла маҳрум бўлганлар. Мулкий табақаланиш оқибатида Д. асосий қисмининг аҳволи мушкуллашиб, давлат ва бойлардан олинадиган хайрсадақа ҳисобига кун кечирувчи люмпенлар кўпайган. Афиналик ҳар бир фуқаро истаган масаласини халқ йиғинига қўйишга, унда сўзга чиқишга, янги қонун лойиҳасини кун тартибига киритишга ҳақли бўлган. Амалда халқ йиғинида профессионал нотиклар-де-

маоголар сўзга чиққанлар. Д. тинчлик пайтида доимий солиқ тўламаган (у метеклардан олинган). Мил. ав. 6-а. бошларида Д. асосий қисмининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғирлашуви натижасида унинг сиёсий таъсири сусая бошлаган.

ДЕПУТАТ (*лат. deputatus* — жўнатилган, юборилган) — ваколатли ҳокимият органларига аъзо қилиб сайланган шахс. Ўзбекистонда Д.лар сиёсий партиялар, ҳокимият органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан вакил қилинган ва улар номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Д.ликка номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби турли мамлакатларда турлича бўлиб, махсус қонунлар б-н белгилаб қўйилади.

ДЕРРИДА (Derrida) Жак (1930 й. Жазоир) — француз файласуфи. У Гегел, Ницше, Гуссерл, Хайдеггер, Фрейд ғоялари ҳамда адабий авангардчиликдан (Арто, Батий, Бланшо, Клоссовский ва б.) таъсирланган. Д. мумтоз ва ҳоз. давр ғарб фал.сининг етакчи йўналишлари фойдаланиб келган ақлий фаолият шакллари имкониятларининг барҳам топганлиги ҳақидаги масалани ўртага қўяди. У яшаган даврда Европа маданияти ва фал.сига хос муҳим хусусият «логоцентризм»дан иборат қусурларга эга бўлган матнларнинг кенг тарқалганлиги эди. Унинг фикрича, ғарбий Европа метафизикадан халос бўлиш учун матнларни деконструкциялаш шарт. Деконструкциялашда матнлардаги таянч тушунчаларни ва матннинг ўзи б-н айнан бир бўлмаган метафора қисмини, матннинг бошқа матнлар б-н кесишадиган жойларини аниқлаш каби фал-ий тадқиқот амали оширилади. Д.нинг уқдиришича, фал.нинг тили кўп қатламлидир. Шунга кўра, фал. аниқ-равшанликка даъво қила олмайди. Барча категориал фарқланишларнинг таянч нуқтаси иштирок этиш маъносидаги борлиқ тушунчаси бўлгани учун Д. тадқиқоти, аввало, шу тушунчага қаратилган. Д.нинг фикрига кўра, ҳоз. даврнинг ўзигагина тегишли ҳаётийлик йўқ. Унда ўтмишнинг излари бор, кслажак шакллари ҳам унда жо бўлади. Унда «тафовутлар» ва «кечкишлар» мавжуд. Чиндан ҳам ўзидан кейин келадиган иккинчи мавжуд бўлиши учун «биринчи» биринчи бўлади: иккинчи айнан ўзининг кечикиши б-н «биринчининг» имкониятини яратади. Демак, бошланғич ҳодиса ўз-ўзига тенг эмас, ибтидода такрорланиш, нусхаланиш, из, «грамма» ва ҳ.к. лар бор. Бунда ўзига хос тўлдирилиш ва ўрин босиш ҳаракати содир бўладики, булар, ташқаридан қараганда, нимаси б-ндир диалектикани эслади. Ўзича етарли яхлитликка ташқаридан тўлдириш қўшилмайди, балки қайсики нарсада этишмовчилик бўлса, ўшанга қўшилади, зеро, яхлитликка эришилмагани учунгина унга бирон нарса қўшилиши мумкин. Д.нинг фикрига кўра, метафи-

зик тафаккур йўқлик изларини ўчириб ташлашга мойилдир, ваҳоланки, айна шу излар иштирок этиш ҳолатини вужудга келтиради. Лекин буни тушуниш мумкин, зеро, йўқ нарса ҳақида фикр юритиш жуда қийин, чунки ҳар қандай фикрий машқ бу бирон бир нарса (ё жараён)ни айнан ҳозир бошдан кечириш ҳолатидан иборатдир. Айнан шу маънода ҳеч қандай фарқлантириш тажрибаси нақд иштирокчилик фал-ий ғоясини рад эта олмайди. Метафизик фикр чегараларини кўрсатиш учун умумлашган тажриба — матннинг ўзини бошдан кечириш тажрибаси керак бўлади.

Матн гетерономия тамойили «турли қонунчилик» ёхуд, битта йўналтирувчи тамойил йўқлигининг муҳассамидир. Бу шундай тузилмаки, унинг жисмида кўплаб бошқа нарсаларнинг «эмланган» изи кўриниб туради. Бу ҳол, айниқса, матнлардаги узилишни кўрсатадиган сўз-белгиларга, мас., Платонда «фармокон» (бу бир вақтнинг ўзида ҳам ёвузлик, ҳам эзгулик, ҳам захар, ҳам дори маъносида келадиган тушунча), Руссода «ўринни эгаллаш — тўлдириш» (табиат табиий ҳолатига маданиятнинг тажовуз қилиши ва бусиз табиатнинг мавжуд бўла олмаслиги) ва ҳ.к. ларга, айниқса, тегишлидир. Матн «матоси» (жисми) шундай маънолар ўйинидан тўқилади. Мас., Платон диалогида Сукрот — «фармакевс» (сеҳргар мўъжизакор)дир, унинг «фармокон» (захар) б-н ўлдирилиши эса Сукротни «фармокос»га (беҳуда ўлдирилган одамга) айлантиради («Платон атторлиги»). Одатда, санъат соҳасига тегишли бу услуб фал-ий фикрлаш жараёнига айланади. Д. асарларининг энг муҳимлари «Почта очик хати — Сукротдан Фрейдгача ва ундан нарига» (1980 й.) «Психея: ўзгани кашф этиш» (1987) кабилардир. Турли жанрдаги бу асарларда умумий мавзулар куйидаги муаммолардан иборат: руҳ ва жон нима? Кашфиёт қандай қилиб ва ким томонидан содир этилади? Фалсафа ўзи қандай мавжуд бўлади? Кейинги вақтларда Д. «миллий фалсафа» — фал-ий тафаккурдаги миллий фарқ муаммоларига бағишланган семинарларни ҳам олиб борди.

ДЕСТРУКЦИЯ — фалсафий тузилмаларнинг асосларини равшанлаштириш маъносини ифодаловчи тушунча. Хайдеггер фундаментал онт.сида Д. марказий ўринни эгаллайди. Ўтмиш фал-ий билимларини ўзига сингдириб олиш ролини бажаради. Д. олдинги даврдаги фикрларни, энг аввало, антик давр тафаккурида шаклланган ва ҳоз. ҳам белгиловчи аҳамиятга эга бўлиб турган борлиқ концепцияларини ўша олдинги давр тажрибалари нуқтаи назаридан қайта англаш ва қайта ишлаб чиқиш амалиётини англади. Бу б-н Д., бир томондан, анъанани бошлаганлар томонидан бир вақтлар кашф этилган, кейинчалик ноаниқ бўлиб қолган имкониятларни юзага чиқаради (аниқлайди), иккинчи томондан, тафак-

курни борлиқни мустақил ва юксакроқ даражада англаш сари йўналтиради. Бунда тарихий-фал-ий изланиш жараёнига инсон ҳозирги мавжудлигининг ўзи яшаётган даврга тегишли хос маънони излаб топиш имкониятларидан бири, деб қаралади. Д.лашнинг салбий жиҳати шундаки, унинг барча шаклларида ўтмиш сари ҳаракат эмас, балки унинг тарихийлигида ҳукмрон бўлиб турган тарихдан бегоналашув сари йўналганлик бор. Д. соҳасидаги тузилмалар орқали Хайдеггер ҳақиқатни, гарчи антик давр фал-ий матнларида қайд этилмаган ва лекин ўша давр учун хос бўлган кашфиётчилик, очиқ-ошкоралик маъносида тушуниш ҳақидаги хулосага келади. Хайдеггер б-н ундан кейин вужудга келган ва у б-н қисман боғлиқ бўлган янгича нишчечилик «генеологияси»ни, Фуконинг «билим археологияси»ни, Дерриданнинг деконструкциясини, Ф. Везеннинг «дезабструкция» концепциясини таққослаб кўриш мумкин.

ДЕТЕРМИНИЗМ ВА ИНДЕТЕРМИНИЗМ (*лот. determinare* — белгилаш ва *in* — инкор) ҳодисалар фазо ва вақтда ўзаро алоқадорлигининг характери, хусусиятлари ва моҳиятини турлича нуқтаи назардан талқин қилиниши. Д. муайян ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлиқнинг қонуниятли, зарурий ва сабабий равишда рўй беришини, ҳодисаларнинг ҳоз. ҳолати уларнинг аввалги ҳолати б-н узвий тарзда боғлиқ эканлигини эътироф этади. Д. тамойили туфайли, илм-фан, айниқса, табиатшунослик фани табиий ҳодисалар моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлди, оламнинг ягона умумий манзарасини яратишда самарали хизмат қилиб келмоқда, унинг янгидан-янги қирра ва жиҳатларини кашф этмоқда. Классик механиканинг ривожига жараёнлар ўзаро муносабатини талқин қилинишига механистик руҳни олиб келди, чунки унинг амал қилиш қонунлари аксарият илм аҳли томонидан илмий тадқиқотларнинг ҳақиқий намунаси сифатида қабул қилинди. Унга кўра, барча моддий тизимлар ўртасида фақат бир қимматли, яъни, А В схемасидаги қонуниятли алоқа мавжуддир. Агар ҳодисалар ҳолатларнинг амал қилишида мавжуд бўлган шароитлар ўзгармаса, аввалги ҳолат қатъий, муқаррар тарзда келаси ҳолатнинг келтириб чиқарилишини таъминлайди. Бунда Д. француз олими Лаплас номи б-н боғлиқдир. Бу тамойил бир ёқлама динамик қонуниятларнинг моҳияти б-н узвий боғланган. Лекин кўпгина ҳодисаларни, мас., элементар зарралар, микро ва макро жисмларнинг ўзаро муносабатини, демография соҳасида ўғил ва қиз болаларнинг туғилиши, турли соҳаларда жароҳат олиш, ҳуқуқбузарлик ва б. динамикасини оддий Лаплас Д.И воситасида узил-кесил ҳал қилиш мумкин эмас. Демак, реал шароитдан келиб чиққан ҳолда, Д.нинг динамик қонуниятлар орқали ифодалашдан ташқари статистик қону-

ниятларга амал қиладиган б. кўриниши мавжуд эканлигини ҳам эътироф этмоқ лозим. Унга кўра, ҳодисаларнинг аввалги ва ҳозирги ҳолатлари А В кўринишида, яъни, муайян шароитда уларнинг аввалги ва ҳоз. ҳолатини келтириб чиқаради. Бу борада тасодифият ва эҳтимоллик тушунчалари муҳим рол ўйнайди, албатта. Баъзи физик олимлар (Луи де Бройл, Я.П.Терлецкий, Ж.Вижье, Ф.Бопп, Д.Бом ва б.) квант механикасига тааллуқли жараёнлар, аслида, динамик характерга эга, лекин биз вақтинча унинг баъзи «яширин» параметрларидан беҳабармиз, деган хулосага келадилар. Бошқа олимлар эса, мас., Н.Бор, В.Гейзенберг кабилар янги физикада Д.нинг ҳукми тугади, эндиликда И. даври бошланди, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Улар бунга сабаб қилиб квант механикасининг моҳиятан классик механикадан тубдан фарқ қилишини, фазо-вақтнинг элементар зарралар даражасидаги жабҳасида «аввал» ва «ҳозир» деган тушунчаларнинг бундан буёғига қониқарли даражада аниқлаш мумкин эмаслигини муҳим далил сифатида келтирадилар. Биринчидан, квант механикасида рўй берган вазиятни енгил-елли ҳал қилиш ёки уни хаспўшлаб ўтиш ҳеч қандай самара бермайди. Иккинчидан, ҳар бир илмий соҳада унча мос келадиган янги тушунчалар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга моликдир. Учинчидан, зарурият ва тасодифият доим ҳам соф ҳолда учрамаслигини, табиий ва ижтимоий жараёнларда содир бўладиган тасодифий ҳодисалар, пировард натижада, тартибга, заруриятга қараб ўзига йўл очиб олишини эътироф этиш керак. Бунга мисол тариқасида термодинамиканинг иккинчи асосини, айрим оқилда қиз ёки ўғил туғилишининг тасодифий эканлигини, лекин жаҳон миқёсида уларнинг туғилиши нисбати зарурий тарзда 1000—1050 эканлигини олиш мумкин.

ДЕ-ФАКТО (*лот. de facto*—ҳақиқатда, амалда)—халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларда бирор давлатни ёки унинг бирор нарсага нисбатан ҳуқуқини ўша давлатни расман тан олмай, юридик муносабатлар ўрнатмай туриб, эътироф қилиш.

ДЕ-ЮРЕ (*лот. de jure* — ҳуқуқий жиҳатдан, расмий суратда, қонунан) — халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларда бирор янги давлатни, янги ҳукуматни расмий суратда, юридик жиҳатдан тан олишни англатувчи атама.

ДЕҲЛАВИЙ Амир Хисрав (1253, Патёла — 1325.27.9, Деҳли) — форсийзабон адиб, буюк мутафаккир. Унинг отаси Амир Сайфуддин Маҳмуд ўрта осиелик бўлиб, барлос уруғидан, мўғуллар бостириб кириши б-н Ҳиндистонга кўчиб бориб, Султон Эл-тутмиш саройида тез орада нуфузли кишилардан бирига айланади. Д. етти ёшга кирганда, отаси ҳар-

бий жангларида бирида ҳалок бўлади. Д. ижодининг гуллаши Деҳлида бошланади. У Чиштия тариқатининг асосчиси, таниқли олим Низомиддин Авлиё б-н дўстлашиб, улар ўртасидаги алоқа узок вақтгача давом этди.

Д. форсий, арабча ва маҳаллий лаҳжада баракали ижод қилган. У қуйидаги асарларни ёзиб қолдирган: «Тухфат ас-сиғар» (Ёшлик туҳфаси) «Воситат ал-ҳаёт» (Ҳаёт ўртаси), «Ниҳоят ал-камол» (Камолотнинг чегараси). Ўзининг барча асарларида табиат, Ватан, Ҳазрати инсонни куйлади. Д. Низомий Ганжавий яратган «Хамса»га, биринчилардан бўлиб, жавобия тарзида «Маглаъ ал-анвор» («Нурнинг кўтарилиши»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Ойнайи Искандарий», «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат боғи»)дан иборат бешта дoston ёзган.

Д. «Хамса»сини Султон Алоуддин Хилжийга бағишлаган. Д. ўз асарларида ёзишча, мамлакат ривожига, халқнинг ҳаётини фоживий ҳолатга келтирадиган нарса бу диний адоват, мазҳаблар ўртасидаги низолар, диний мутаассибликдан иборатдир. Жавоҳарлаъ Неру Д. нинг ижоди ҳақида ёзади: «Мен унга ўхшаш бирон бир адибни билмайман. У форсийзабон адабиётнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк адиб бўлиб қолди».

ДИАЛЕКТИКА (юн. *dialektike* — суҳбат, мунозара қилиш) — тараққиёт тўғрисидаги таълимот, илмий билиш методларидан бири. Д. қадимда суҳбатлар, мунозаралар, баҳслаш ҳақиқатни очиш йўли ва усули тарзида талқин қилинган. Д. ҳақидаги фал-ий билимлар ривожланиб бориши б-н унинг мазмуни ҳам бойиб борди. Д. борлиқдаги барча нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар ўзаро алоқада, боғланишда, ўзгаришда ва ривожланишда, деб талқин қилувчи таълимот сифатида эътироф этилди. Фалс. тарихида Д. тўғрисида хилма-хил қарашлар бўлган. Антик давр Д.си содда ва стихияли бўлиб, асосан, ҳаётий тажрибага асосланган. Д. атамасини Сократ биринчи бўлиб қўллаган, у Д.ни майевтика (ҳарф яратиш санъати) билан таққослаган. Гераклит умумий ўзгарувчанликнинг универсаллиги, Зеноннинг апориялари, Элей мактаби вакиллариининг ҳаракат ва борлиқ шакллари, Демокритнинг атомлар мавжудлиги ва ҳаракати, Аристотелнинг ўзгарувчанлик муаммосини тараққиёт омили, зиддиятлар, инкор, воқислик, билиш хусусиятлари, мазмун ва шакл, методлар ҳақидаги қарашлари антик Д.га муҳим ҳиссадир. Янги замон Д.си Кант, Фихте, Гегел қарашларида муҳим ўрин тўтади. Д.ни тараққиётнинг умумий назарияси сифатида Гегел асослаб берган. У Аристотелдан кейин Д.ни фан даражасига кўтарган файласуфдир.

Фал. мутахассислари Д.нинг турли хиллари бор деб ҳисоблайдилар. Мас, объектив Д., субъектив Д.,

идеалистик Д., материалистик Д., метафизик Д. ва бошқалар. Д. фалсафий метод ҳамдир. Унга кўра оламда абадий ҳаракат, ўзгариш, доимий алоқадорлик, вақтнинг ортга қайтмаслиги, воқеаларнинг кетма-кетлиги, ривожланиш ва тараққиётда инкор ва воқислик мавжуддир. Д.га асосланган диалектик тафаккур, диалектик дунёқараш, диалектик ёндашув каби тушунчалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Д. фан ва метод сифатида тарихийлик, мантиқийлик каби турли тамойиллар асосида олам, одам ва билим жараёнларини ўрганади, уларнинг доимий ўзгаришини ифодалайди.

ДИАЛЕКТИК МАНТИҚ — инсон тафаккурининг ривожланиши қонуниятлари тўғрисидаги таълимот, мантиқ фанининг алоҳида соҳаси. Д. м. илмига оид билимлар антик давр фай.лари: Гераклит, Платон, Аристотель таълимотларида мавжуд эди. Бироқ ижтимоий тафаккурдаги баъзи чекланишлар туфайли формал мантиқ фикрлаш ва билим жараёнида ҳукмрон мавқени эгаллаб келди. Фақат 17-а.лардан бошлаб табиатшуносликда рўй берган кескин юксалиш натижасида формал мантиқ билиш эҳтиёжларини қондира олмай қолди. Натижада, билиш жараёнида янгича тафаккур методлари ва тамойиллари (Ф. Бэкон, Декарт, Лейбниц ва б.) асослаб берилди бошланди. Немис классик фалсининг шаклланиши б-н Д. фани қарор топа бошлади. Бунда немис фай.лари И. Кант ва Гегелнинг хизматлари каттадир. Д.м. борлиқнинг ривожланиши руҳ, онг ва тафаккурнинг ривожланиши б-н узвий боғлиқлигига таянади. Д.м. таълимотига кўра, тафаккур билишнинг шундай қонунларига асосланадики, унда ташқи ҳолатдан ички ҳолатга, ҳодисалардан моҳиятга, саёзроқ моҳиятдан чуқурроқ моҳиятга, мавҳумликдан конкретликка, нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқатга томон ривожланиш рўй беради.

Д.м.да анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик, тажрибавийлик ва наз-ийлик методи билишнинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган усуллариини ташкил қилади. Д.м. муайян категориялар тизимидан ҳам иборат. Ундаги категориялар инсон билишига хос диалектик хусусиятларни умумлаштирибгина қолмай, эришилган натижалар даражасини ҳам белгилайди. Ҳоз. пайтда Д.м. фанини ривожлантиришга алоҳида эътибор берил-япти.

ДИАЛЕКТИК МАТЕРИАЛИЗМ — собиқ СССРда 1930—80 й.ларда расмий фалсафа сифатида ўқитилган, ҳозир аҳамиятини йўқотган таълимот.

ДИАЛЕКТИК ТЕОЛОГИЯ — ҳозирги замон протестант теологиясининг йўналишларидан бири. Д.т.нинг ватани Германия бўлиб, унинг ғоявий

манбалари — Кьеркегорнинг диний-мистик таълимотидан ва немис экзистенциализмидан иборат. Асосчиси — Карл Барт. У дастлабки реформаторлик теологиясини кальвинизм руҳида (яъни Худо баъзи кишиларнинг тақдирига «халос бўлишни» ва баъзи кишиларнинг тақдирига «қарғишга қолишни» олдиндан ёзиб қўйилганлиги ҳақидаги таълимоти асосланган ҳолда) янгилашни ёқлайди. Д.т. католик фал-си томонидан Худонинг борлигини фал-ий исботлашга, диний эътиқодни «тақводор руҳнинг натижалари»дан келтириб чиқаришга, диний эътиқодни ҳар қандай рационал асослашга қарши чиқди. Д.т., асосан, Германия ва АҚШда кенг тарқалган.

ДИВЕРСИЯ (лат. *diversio* — диққатни бошқа томонга буриш, чалғитиш) — 1) ўт қўйиш, портлатиш, йўқ қилиш ва бошқа усуллар б-н амалга ошириладиган кўпорувчилик ҳаракатлари. Д., одатда, махсус тайёргарлик кўрган кўпорувчилар ёки кўпорувчилар гуруҳи томонидан тинчлик ёки урушлар даврида ўзга давлатлар ёки босқинчилар томонидан босиб олинган ҳудудларда давлатни иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучсизлантириш, аҳолида кўрқув, ишончсизлик, саросималик кайфиятини туғдириш мақсадида амалга оширилади; 2) мафкуравий Д. руҳий-психологик кураш олиб бориш усулларидан бири бўлиб, мамлакатдаги конституцион тузумга, унинг ички ва ташқи сиёсати, ғоявий муҳолифларга қарши радио, телевидение, матбуот воситалари орқали бузғунчилик мақсадида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот.

ДИДРО (Diderot) Дени (1713. 5.10, Лангр — 1784. 31.7, Париж) — француз файласуфи, маърифатчиси, энциклопедистлар раҳбари, ёзувчи, санъат назариётчиси. Д.нинг асарлари: А.Э.К. Шефтсберининг «Қадрият ва эзгулик ҳақида тадқиқот» (1745, Голландия) асарининг эркин муаллифлик таржимаси ва шарҳлари, «Файласуф фикрлари» (1946), «Кўзи очиқларга ибрат бўлиши учун кўзи ожизлар ҳақида мактуб» (1749), «Табиатнинг талқинига оид фикрлар» (1754), Д.Аламбернинг «Дидро б-н суҳбати», «Д.Аламбернинг туши» ва «Суҳбатнинг давоми» (1769) трилогияси, «Материя ва ҳаракатнинг фал-ий асослари» (1770), «Сенека ҳаёти» (1778), «Клавдий ва Нероннинг подшоҳлик тажрибаси» (1782) ва б. Д. бошланғич таълимни — иезуитлар мактабида, сўнгра Париждаги Д.Аркур коллежида олган. Унинг дастлаб ёзган асарлари кескин мунозараларга сабаб бўлиши, антиклерикал ва антимонархик йўналишга эга бўлганлиги б-н характерланади. Бу ҳол, ўз навбатида, уни ҳокимиятга қарши муҳолифатда бўлишига сабаб бўлди. 1746 й.да ёзилган «Фал-ий фикрлар» асари ўша йили Париж парламентининг қарорига бино-

ан (Ламетрининг «Руҳнинг табиий тарихи» асари б-н бирга) ёқиб юборилди. Д. ҳаётининг кейинги 20 й.дан кўпроқ вақтини 35 томлик «Энциклопедия ёки фан, санъат ва ҳунармандчиликнинг изоҳли лугати» ни (1751—1780) яратишга сарфлади. Д. фал-ий таълимотида «биз деярли ҳеч нарсени билмаймиз», деган скептик тезисдан келиб чиқса ҳам, «инсон билимлари тараққий этиб боргани сари» инсоннинг олам тўғрисидаги тасаввурлари тобора адекват бўлиб боради, деган ғояни илгари сурди. Д. коинотда ягона субстанция ички фаолликка ва ўз-ўзини ҳаракатга келтириш имкониятига эга бўлган, мангу материя мавжудлигини эътироф этди. Д. ҳаракатни жуда кенг маънода, умуман, ўзгариш тарзида тушунган. Д.нинг табиат тўғрисидаги қарашларига трансформизм («атрофлагги барча нарсаларнинг тўхтовсиз ўзгариши») хос бўлиб, у Дарвиндан анча аввал биологик тадрижийликнинг мослашувчанлик (адаптацион) механизми ва табиий танлаш ғоясини илгари сурган. Д. «инсон билимларининг манбаи — сезгилар» эканлигини таъкидласа-да, унинг қарашлари сенсуализмдан анча йироқдир. У ҳиссийлик ва рационалликнинг бирлигига асосланган рационалликнинг янги шаклини яратди. Бунда кузатувчи далиллар тўплайди, тафаккур уларни комбинациялаштиради, тажриба комбинациялаш натижаларини текширади.

Д. ахлоқий қарашларида «табиий инсон», «табиий эҳтиёжлар» ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, инсондаги ёмон одатларнинг табиий асосга эга бўлишини кўрсатиб, уларни тарбия ёрдамида оқилона чеклаш кераклигини тўрбатди. Лекин, шу б-н бирга, ижтимоий омилларнинг ахлоқий онга таъсирга эътибор берди: «агар қонунлар яхши бўлса, ахлоқ ҳам яхши бўлади, агар қонунлар ёмон бўлса, ахлоқ ҳам ёмон бўлади», деган фикрни илгари сурди. Бу ҳолда «алоҳида индивидлар бахт-саодатини умумий бахт-саодат б-н боғловчи» қонунлар яхши қонунлар, деб тушунилади. Д. «оқилона эгоизм» ғоясини илгари суриб, «бу дунёда шахсий бахт-саодатимиз учун охир-оқибатда ҳалол инсон бўлишимиз маъқул», деган ҳулосага келди. У инсондаги «табиийлик» ва «оқилона эгоизм»га нисбатан устунроқ бўлган ригористик (қатъий) ахлоқий императив (қонун)нинг зарурлиги ҳақида ҳам фикр юритди.

ДИЛ — жон, қалб, юрак, кўнгиш — Марказий Осиё фалсафий тафаккурида ушбу тушунчалар, деярли, бир хил маънода ишлатилиб, борлиқнинг номоддий асосини ҳамда инсоннинг туб моҳиятини ифодалаш учун хизмат қилиб келган. Тасаввуф фалсафасида, бу тушунчалар б-н бирга, нафс тушунчаси ҳам ишлатилади. Абу Али ибн Синонинг уқтиришича, киши ўз туб моҳиятини зоҳирий нарсалардан

ажрата билиши керак. Нафсни жисмга бирикиб кетган, унинг фаолиятини бошқарувчи теран қувват деб қараш лозим. Форобийнинг фикрича, турли даражаларда инсоннинг борлиққа келиши б-н, даставвал, уни озиқлантирадиган қувват (жон ёки нафс) мавжуд бўлган. Кейинги даража — туйғулар (таъм, ҳид, овоз, кўриш, қувват) ва шу туйғулардан келиб чиқадиган истак ва хоҳишлар (ёки истамаслик, хоҳламаслик) ёки интилувчи қувватдир. Ундан кейин юзага келадигани хаёл қилиш қуввати бўлиб, бу ёрдамида киши ўзи ҳис этган нарсаларни бир-бири б-н бирлаштиради (гуруҳлайди) ёки аксинча, бир-биридан ажратади. Ушбу қувват нотиқа қувватини ҳам келтириб чиқаради. Бу даража ҳозирги давр илмий тилида идрок деб аталади. Ва ниҳоят, кейингиси ақл қувватидир. Бу ёрдамида одам борлиқни билиш, гўзал б-н хунуқни бир-биридан ажратиш, санъат б-н шуғулланиш имконига эга бўлади. Шунингдек, турли орзу-ҳавасларни ўз олдига қўйиш ҳам ақл қуввати даражасига киради. Булар ичида ҳукмрон қувват мавжуд бўлиб, у бларини бошқаради. Бу қувват қалбда (юрақда) бўлади. Б. қувватларнинг ҳам инсон жисмида ўз ўрни бор. Хусусан, нотиқ тилда, ақл қуввати мияда жойлашган бўлади. «Қалб шундай бир аъзоки, — дейди Форобий, — у баданнинг б. ҳеч қандай аъзолари б-н идора қилинмайди. Ундан кейин мия келади. У ҳам асосий аъзо саналади. Лекин унинг ҳукмронлиги биринчи даражали бўлмай, балки иккинчи даражалидир. У барча аъзоларни қалб амрига кўра бошқаради, идора қилади. У фақат қалбгагина хизмат қилади. Д. орқали б. аъзоларга ҳам хизмат қилади. Демак, кишининг туб моҳияти бўлган Д., инсоннинг барча б. қувватларининг манбаи эканлиги келиб чиқади. Шунинг учун ҳам тасаввуф фал.сида комилликка эришмоқ йўлини қалб йўли, деб англашилади. Д.ни поклаш соғлом бўлиш йўли, деб аталган. Д.ни соғлаш иккинчи даражадаги қуйи қувват (нафс)ни олий даражадаги қувватга — қалбга бўйсундириш орқали амалга оширилади. Натижада, нафс ёки қувватлар орасидаги уйғунликка эришилади. Ўзбек тилидаги «қалб» тушунчаси юнонча «анима» ва «псюхе» тушунчаларига мос келади. Д. фаолиятини ўрганиш эса, шунга мувофиқ равишда, «психология», деб аталган. Аристотелнинг «Қалб ҳақида» номли махсус асари бор. Форобий, Ибн Сино қарашлари Аристотель ғояларига ҳамоҳангдир. Ҳинд фал.сида «қалб» тушунчаси «живо» тушунчасига мос келиб, инсон қалби унинг танасига тутқун деб уқдирилади. Жон ёки қалбнинг тана зиндонидан қутулишининг йўли нирвана ҳисобланади. Нирвана туфайли инсон Д.и тана ҳукмронлигидан озод бўлади.

ДИЛЕММА (юн. di — икки марта ва lemma — таҳмин) — фалсафа ва мантиққа оид тушунча. К е н г м а ъ н о д а: қийин ва мураккаб шароитда икки

нохуш имкониятлардан бирини танлаш; т о р м а ъ н о д а: мантиқий хулоса чиқариш шаклидир. Бунда шартли айирувчи хулоса чиқаришда асосларга икки имконият бериледи. Айирувчи ҳукм муқобил характерга эга бўлади. Буни асослардаги ёки хулосадаги шароит бирлаштиради. Д.нинг бир неча турлари бор: Оддий конструктив Д. схемаси: агар А бўлса, С; агар В бўлса, С; А ёки В; демак, С;

Агар яхши ўғит ернинг тузилишини яхшиласа, ҳосил кўпаяди. Агар яхши ўғит ўсимликни озиқлантирса, ҳосил кўпаяди. Яхши ўғит ер тузилишини яхшилайди ёки ўсимликни озиқлантиради. Д е м а к, ҳосил кўпаяди. Математик мантиқда унинг схемаси қуйидагича: А—С, В—С, А—В.

2) Мураккаб конструктив Д. схемаси: Агар А бўлса, В; Агар С бўлса, Д; А ёки С; Демак, В ёки Д;

Агар иссиқхонага ўз вақтида ойна қўйилса, иссиқхона ўсимликлари совуқдан қуримайди. Агар ўсимликларни ўз вақтида озиқлантирилса, иссиқхона ўсимликлари қуримайди. Ёки ўз вақтида ойна қўйиш керак ёки ўз вақтида озиқлантириш керак. Демак, у ҳолда, иссиқхона ўсимликлари совуқдан ёки ўз вақтида озиқлантирмасликдан қуриб қолмайди. Математик мантиқдаги схемаси: А—В; С—Д; А—В; С

3) Оддий деструктив Д. схемаси: агар А бўлса, С; В ҳам, С ҳам эмас. Математик мантиқдаги схемаси А→В; А→С; В→С А

4) Мураккаб деструктив дилемма схемаси: Агар А бўлса, В; Агар С бўлса, Д; В ҳам Д ҳам эмас, Демак, А ҳам, С ҳам эмас. Математик мантиқдаги схемаси: А → В; С → Д; → В Д → А С

ДИЛЬТЕЙ (Dilthey) Вильгельм (1833—1911) — немис файласуфи, психологи ва маданият тарихчиси, Базель, Кил, Берлин университетларининг профессори. Д. «Рух тўғрисидаги фанга кириш. Тарихий ақлни танқид» (1883), «Тасвирий психология» (1894), «Герменевтиканинг вужудга келиши» (1900) сингари асарларида руҳнинг намоён бўлиш жараёнларини тадқиқ этди. Ўз ижодий фаолиятини илоҳиётдан бошлаган Д. идеализмга мурожаат қилди, сўнгра романтикадан руҳнинг умумевропа тарихига ўтди. Д. руҳ тўғрисидаги фаннинг билиш наз-ясига асос солди. У руҳ тўғрисидаги фаннинг мустақил предмет ва методга эга эканлигини исботлади. Д. фикрича, фал.нинг вазифаси фал-ий тизимларни қарор топиш жараёнида тушуниш ва улардан юқори туришдир. Д. ғарбий Европа дунёқарашда инсон табиати намоён бўлишининг уч типини кўрсатди: материализм (позитивизм), объектив идеализм, озодлик идеализми. Уларнинг бирортаси танҳо ҳукмронлик қилишга даъво қилолмайди, деб ҳисоблади. Д. фикрича, инсон ўзининг нима эканлигини билиши учун тарихни фақат руҳ тарихи тарзида тадқиқ этиш керак.

ДИН (*араб.* — ишонч, ишонмоқ) — борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айна вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир. Ибодат объектига кўра — жониворларга, руҳларга, жин-алвасти, бутларга, турли илоҳларга ва Аллоҳга сиғинувчи Д.ий таълимотлар бир-биридан фарқланади. Генезиси ва тарқалишига кўра Д.нинг энг қад., миллий ва жаҳон Д.лари каби шакллари мавжуд. Ҳар бир аниқ Д. ўзига хос сиғиниш объекти ва расм-русум, ибодат, урф-одат ва ақидаларга эга. Д. ва Д.ий таълимотлар илоҳиётчилар (уламолар), атеистлар (Д.ни инкор этувчилар) ва диншунослар томонидан ўрганилган. Д.нинг пайдо бўлиши тўғрисида ягона фикр йўқ. Исломи дини таълимотига кўра, Д. Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айна вақтда, инсонга тўғри, ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир. Дин — ижтимоий-тарихий ҳодиса, кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида биридир, умуминсоний қадриятдир деган ёндашувга кўра, у муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва Д.ий ташкилотларнинг фаолиятида намоён бўладиган олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида усулидир. Д.нинг моҳияти турлича изоҳлансада, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётади. Инсоният тарихида Д. турли шаклларда намоён бўлган. Д.нинг дастлабки кўринишлари *фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик* ва б.дир. Шунингдек, уруғ-қабил Д.лари, миллий Д.лар (иудаизм, ҳиндуийлик, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик), жаҳон Д.лари (буддизм, христианлик, ислом) вужудга келган. Ер қурраида энг кўп тарқалган, жаҳон халқларининг асосий қисми эътиқод қилувчи жаҳон Д.лари: буддавийлик, христианлик ва исломдир. Д. инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб ижтимоий, маънавий, руҳий вазибаларни ҳам бажаради. Хусусан, у аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд этиш учун хизмат қилади. Айна пайтда ҳар бир Д. турли урф-одат, маросим ва байрамлар ёрдамида ўз қавми турмушини тартибга солиш, назорат қилиш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Д. маданий-маънавий омилларнинг умумий силсиласига кирувчи қадрият сифатида эътироф этилди. Виджон эркинлигининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда баён

этилди. Диндорларнинг ўз диний бурчларини тўла адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

ДИНАМИК, ЭҲТИМОЛЛИК-СТАТИСТИК ҚОНУНЛАР — динамик қонун алоҳида олинган (индивидуал) объект хатти-ҳаракатини бошқарадиган, унинг ҳолатларидаги бир хил, муҳим алоқадорликларни аниқлаш имконини берадиган қонундир. Динамик қонунларга қаттиқ жисм ҳаракатининг тезлигини, қуёш тизимидаги сайёралар ҳаракатини аниқлаш имконини берадиган классик механика қонунлари мисол бўла олади. Эҳтимоллик-статистик қонунлар шундай қонунлар сирасига кирадики, улар йирик жамланмалар, бирликлар хатти-ҳаракатларини бошқаради. Алоҳида объект хатти-ҳаракатига доир эҳтимоллик табиатидаги турли хулосалар (фикрлар) чиқаришга ёрдам беради. Квант механикаси, генетика каби фанлар эҳтимоллик-статистик қонунларга асосланган. Д.э.-с. қ. зарурий алоқа ва муносабатларни ифодалайди. Динамик қонунлардан фарқли ўлароқ, эҳтимоллик-статистик қонунларда зарурият яққол тасодифлар б-н бевосита алоқадорликда акс этади.

ДИН ФАЛСАФАСИ — диннинг фалсафий таҳлили, хусусан, диннинг билиш назарияси, мантиғи, фалсафанинг энг қадимги шаклларида бири. Д.ф. масалалари б-н махсус фан-теология кўпроқ шуғулланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари, айниқса, ғарбда теология бўйича илмий даража ҳам берилади. Ҳоз. замон Д.ф.нинг илдишлари 17-а.да вужудга келган «табий дин» тушунчасига бориб тақалади. Расмий диндан фарқли ўлароқ, ўша замонда юзага келган «табий теология» ҳам дин ҳисобланарди. Д.ф.нинг атрофлича баёни Кантнинг «Соф ақл доирасидаги дин», Гегелнинг «Дин фал.си» асарида келтирилган. 17-а.да Д.ф. черков таълимотига ҳамоҳанг бўлган бўлса, 19-а.га келиб христианчилик танқидига айланиб кетди (Шопенгауэр, Фейербах, Ницше). 20-а. Д.ф. кўпроқ диннинг моҳияти хусусидаги муаммоларни тадқиқ этмоқда.

ДИОГЕН ЛАЭРТГИЙ (2-а. охири — 3-а.) — қадимги Юнон фалсафа тарихчиси. Д.Л.нинг йирик тарихий-фал-ий тадқиқотлари бизгача етиб келган. У қад. фал-ий мактаблар ва уларнинг вакиллари тўғрисида қимматли маълумот беради. Д.Л. асари ҳозиргача гурли номлар б-н аталди: мазкур асарнинг 1759 й.ги Париж қўлёзмасида «Фалсафада шуҳрат қозонганларнинг ҳаёт йўли ва фикрлари» деб аталган, бошқа бир қўлёзмада «Фалсафа тарихи» деб номланган. Д.Л. кўплаб илмий манбаларга мурожаат қилган бўлишига қарамай, хилма-хил материалларни қатъий тизимга сола олмаган. Асари Эмпедокл, Пифагор,

стоиклар, Эпикур ҳақида қимматли маълумотлар берди. У асариди Платон ва эпикурчиларга кўпроқ ўрин ажратди. Д.Л. биринчи китобида юнон фал. мактабларини Иония (шарқий Юнонистон) ва Италия (ғарбий Юнонистон) мактабларига ажратди. Д.Л. китобидаги маълумотларнинг кўпчилиги оғзаки бўлганлиги туфайли ҳам қад. дунё фал.сининг ноёб ва қизиқарли ёдгорлиги сифатида жаҳон фал.си тарихида муҳим ўрин тутди.

ДИОГЕН СИНОПЛИК (Diogenes Sinopeus) (мил. ав. тахм. 404—323) — қадимги Юнон файласуфи, *киниклар* мактабининг йирик вакили. *Сукрот* қарашларини ривожлантирган. Д.С. ҳаёт тарзидаги ҳар қандай ортиқчаликни инкор этган ва эҳтиёжларни кескин камайтиришни ўз бурчи деб ҳисоблаган Сукротнинг ўз-ўзини кузатиш ғоясини ички аскетизм ғоясигача ривожлантирди. Д.С. хотинлар ва болаларнинг умумий бўлишини талаб этди ва ҳукмрон ахлоқни эътироф этди, натижада, уятсизлик ва ахлоқсизликнинг рамзи бўлиб қолди. Халқ ичида Д.С. ҳақида турли хил гаплар, латифалар пайдо бўлган. Гўёки, у фал. сифатида бочкада яшаган; буюк Искандарга йўлдан чеккага чиқишни ва қуёшни тўсмасликни айтган; кундузи қўлида чироқ б-н бозор майдонида афиналик кишини излаган, деган ривоятлар мавжуд.

ДИСКУРС (лот. *discursus* — муҳокама) — ҳиссий, бевосита, интуитив, яъни муҳокаматалаб билимдан фарқли ўлароқ, муҳокама орқали, восита б-н ҳосил қилинадиган мантиқий далил — исботли билим демакдир. Ҳақиқатларнинг бевосита (интуитив) ва билвосита (далил — исбот асосида қабул қилинадиган) ҳақиқатларга бўлинишини Платон ва Аристотель асарларида учратиш мумкин. Д. атамаси биринчи марта Фома Аквинский-да учрайди.

ДИҚҚАТ — фалсафа, руҳшунослик тушунчаси; инсон фаолиятининг барча турларини муваффақиятли амалга ошириш ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири. Шахс фаолияти қанчалик мураккаб, машаққатли, масъулиятли бўлса, у Д.га шунчалик юксак талаблар қўяди. Инсоннинг зийраклиги, сезгирлиги, фаросатлилиги, синчковлиги, дилкашлиги, ҳозиржавоблиги унинг турмуш шароити ва шахслараро муносабатида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Д. ақлий фаолиятнинг барча турларида иштирок этади, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳам унинг иштирокида содир бўлади. Онгни муайян бир нуқтага тўплаб, муайян бир объектка фаол қаратилишидан иборат бўлган психик фаолиятга Д. дейлади. Д.нинг вужудга келишида оннинг бир нуқтага тўпланиши онг доирасининг торайишига олиб келади, натижада, онг доираси янада

ёрқинлашади. Оннинг энг торайган, тифизланган ёрқин нуқтаси Д.нинг маркази (фокуси) деб номланади. Худди шу марказ (фокус)га тушган, идрок қилинаётган жисмлар, тасаввур образлари тўла ва аниқ ифодаланади. Д.нинг физиологик асослари тўғрисида мулоҳаза юритганда куйидаги икки таълимотга алоҳида эътибор берилади. Бу таълимотнинг биринчиси (И.П.Павлов) Д.нинг ҳосил бўлишини физиологик жиҳатдан асослашга қаратилгандир: кўзғалиш жараёнининг бош мия ярим шарлар қобиғининг айрим участкаларида тўпланиши натижасида оптимал кўзғалиш ўчоғи ҳосил бўлади ва айни вақтда, манфий индукция қонунига биноан мия қобиғидаги бошқа асаб марказлари маълум даражада тормозланади. Иккинчиси эса А.А.Ухтомскийнинг доминанта наз-ясининг талқинидан иборат. Д.ни куйидаги турларга ажратиш мумкин: ихтиёрсиз, ихтиёрий, ихтиёрийдан кейин, ташқи ва ички фаол (актив) ва суст (пассив). Д.нинг асосий хусусиятлари сифатида унинг кўчувчанлиги, бўлинувчанлиги, қўлами, танловчанлиги, барқарорлиги, жадаллиги, кучи, тақсимланиши, чалғиши, йўналганлиги, тўпланувчанлиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, субъектив кечинмалар Д.нинг объекти ҳисобланади.

ДОБРОЛЮБОВ Николай Александрович (1836 — 1861) — рус адабий танқидчиси, мутафаккири. У Ф.Бэкон, Руссо, Монтескье, Сен-Симон, Фурье, Р.Оуэн, Гегел, Л.Фейербах асарларини кунт б-н ўрганди. Д. кенг тарқалаётган теологик, агностик ва дуалистик йўналишларни танқид қилди. У «Инсоннинг ўз ақлий ва ахлоқий фаолияти нуқтаи назаридан органик тарзда ривожланиши» (1858) асариди вульгар материалистларнинг «инсон руҳи қандайдир нозик материядан иборат», деган фикрини рад этди. Д. ўзининг «Тажрибавий психология асослари» (1858) китобига ёзган тақризида ҳаракатни реал нарсалар, ҳодисалардан ажратиб қарашга бўлган уринишларни ўринсиз деб ҳисоблади. У ҳаракат нарсаларнинг ажралмас атрибутив хоссаси эканлигини таъкидлади. Шу б-н бирга табиатда барча жараёнлар оддийдан мураккабга гомон ривожланиб боришини, бу умумий қонуният эканлигини эътироф этди. Д. ҳаракат кўринишларини бир-биридан фарқлашни, нотирик ва тирик табиат шакллариининг ўзига хослигини кўрсатди.

ДОГМАТИЗМ, ақидапарастлик (юн. *dogma* — фикр, таълимот) — бирор-бир фикр, таълимотга, муайян оқим тарафдорларига, ақидаларга кўр-кўрона ишониш, унга ёпишиб олиш, ҳар қандай шароитда ҳам унинг ўзгаришига йўл қўймасликка ҳаракат қилиш. Муайян ақидани исботсиз кўр-кўрона қабул қилиш

ва унга ишониш Д. тарафдорларининг асосий тамойилидир. Улар амалиёт, илм-фан ютуқлари натижасида ҳақиқат тобора ойдинлашиб, конкретлашиб боришини тўла ҳис қилмайдилар. Уларнинг назарида тушунчалар, наз-ялар, гипотезалар, қонунлар ўзгармайди. Агар биз билишнинг бирор-бир томонини мутлақлаштириб, унга ортиқча баҳо берсак, Д. томон йўл тутган бўламиз. Д.ни ёқловчилар ўз фал-ий қарашлари б-н билишнинг объективлигини, ҳақиқат билишнинг асоси эканлигини ҳамда объектив олам тўғрисида билимнинг ривожланиб, кенгайиб боришини инкор этадилар, бу б-н нисбий ҳақиқатнинг ролини камситиб, мутлақ ҳақиқатни билишнинг бирдан-бир босқичи деб ҳисоблайдилар. Д.нинг хилма-хил шакллари мавжуд: Сиёсат, илмий, диний ва ҳ.к. Улар ижтимоий ҳаётда илм-фан, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ўзига хос тарзда намоён бўлади, ҳар қандай ҳолатда ҳам у муайян гоёни мутлақлаштириб, тараққиётга тўсиқ бўлиб қолаверади.

ДОКТРИНА (лот. doctrina—таълимот)—муайян тизимга келтирилган (одатда, фалсафий, сиёсий ёки мафкуравий характердаги) таълимот, таркибий қисмлари бир-бири б-н чамбарчас боғланган концепция, тамойиллар йиғиндиси. Таълимот, концепция ва назария тушунчаларидан фарқли ўлароқ, Д. истилоҳи, одатда, схоластик ва догматик характерга эга бўлган қарашлар тизимини ифодалашда қўлланилади.

ДОНИШ Аҳмад (1827 — Бухоро — 1897) — шоир, мутафаккир, маърифатпарвар. Бухоро амирлигида яшаб ижод этган. Бухородаги мактаб ва мадрасаларда риёзиёт, фалакиёт, адабиёт, мусиқа, меъморчилик, тарих ва фал. б-н шуғулланган, моҳир хаттот ва таржимон ҳам бўлган. Д. 1857, 1869 ва 1874 й.лари Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари б-н яқиндан танишди. Ўз таасуротлари таъсирида Бухородаги мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Д. фал., тарих, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, хаттотлик масалаларига бағишланган асарлар ёзган. Мас. 1877 й.да «Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла» асарида турли тарихий, адабий, фал-ий масалалар ҳақида фикр юритди. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари «Наводир ул-вақоеъ», «Рисолаи мухтасар аз тарихи салтанати хонадони манғития» каби асарларида ўз аксини топди. Д. давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки халқ манфаатларига хизмат қилиши керак, деган гоёни илгари сурди. Бунинг учун ҳукмдор билимдон, одил ва донишманд бўлмоғи шарт. Мамлакатни идора қилишда, дейди Д. ҳукмдор муҳим давлат ишларини ўз атрофидаги давлат арбоблари б-н маслаҳатлашиб ҳал қилиши лозим. Чунки кўпчиликнинг ақли бир кишининг

ақлига нисбатан кўпроқдир. Д.нинг фикрича, бу хислатлар фақат давлат бошлиғигагина хос бўлмай, унинг атрофидаги барча давлат амалдорларига ҳам хос бўлмоғи шарт. Мамлакатни шундай кишилар бошқарсагина жамиятда тартиб ва интизом ўрнатилади, давлат тараққий қилади.

ДУАЛИЗМ (лот. duo—икки ёқлама) — монизмга қарама-қарши ўлароқ, моддий ва руҳий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот. Фал. тарихида Д.нинг энг йирик вакиллари бири Декарт эди. Декарт икки хил субстанция: материя ва руҳ ёнма-ён равишда мавжуд бўлиб, улар худога бўйсундилар, деб тушунтирди. У чексиз ва абадий бўлган табиат инсон тарафқурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади ва ривожланади, деб ҳисоблади. И.Кант ҳам дуалист бўлиб, унинг фикрича, идеал нарса б-н (инсон онги б-н) бир қаторда ҳодисаларнинг объектив асоси бўлган «нарса ўзида» ҳам мавжуддир, лекин «нарса ўзида»ни билиб бўлмайди. Д. психофизик параллелизм наз-яси учун фал-ий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Д. гностицизмнинг асосий йўналиши бўлиб, бу оқим тарафдорлари моддий ва руҳий дунё ўртасида мустаҳкам чегара мавжуд, деб таъкидлайдилар. Улар таълимотида материя ҳамма вақт ёвузлик тимсолидир. Бундан улар Худо ҳеч маҳал моддий дунёни яратиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

ДУНЁ (араб) — 1) инсонни ўраб олган моддий ва маънавий борлик; 2) космик фазодаги материянинг ҳамма кўринишлари; 3) коинот, юлдузлар олами, 4) Ер шари, Ер, Ер юзи, Ер шаридаги аҳоли; 5) инсоний жамият (жамоа), ижтимоий муҳит, инсон фаолият кўрсатадиган макон, тузум; 6) у ҳаётнинг, предмет ҳодисаларнинг айрим соҳалари, борлиқнинг бирор белгиси б-н бирлашган бўлаги; 7) бутун олам, бутун жаҳон, дунёдаги ҳамма одамлар, барча халқлар; 8) кишининг ички, руҳий ҳаёти ва у б-н боғлиқ ҳодисалар мажмуи; 9) дунёвий, ҳақиқий ҳаёт.

ДУНЁНИНГ ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ — дунё қандай ташкил топган, у қандай ҳаракат қилади ва ривожланади сингари масалаларни ўз ичига оладиган фалсафий тушунча. У турли фанларнинг ютуқлари асосида шаклланган ва дунёнинг ягона образи ҳақида тасаввур берадиган илмий билимлар мажмуидир. Дунёнинг фалсафий, мифологик, диний ва классик илмий манзараси тушунчалари ҳам мавжуд. Дунёнинг диний манзараси оламнинг бевосита Худо томонидан яратилганлигини ва у илоҳий кучлар таъсирида ривожланишини ҳамда иккинчи дунё мавжудлигини эътироф этади. Бир гуруҳ фал.лар Д.и.м.ни ҳақиқий билимлар тизими, объект ҳақидаги

мукаммал концепция сифатида идрок этадилар. Гносеологик нуқтаи назардан Д.и.м. объектив реалликнинг фан томонидан ўзлаштирилган умумий образидир. Методологик нуқтаи назардан Д.и.м. илмий тафаккур ривожланишининг у ёки бу босқичида муайян тушунчалар тизими, концептуал аппарат сифатида тушунилади. Д.и.м. системалаштирилган билимнинг олий даражаларидан биридир. У ўзида барқарор фундаментал тамойиллар ва тасаввур йиғиндисини мужассамлаштириб, фан тараққиёти даражасига мос ягона билим тизимини яратади, айна пайтда, илмий билим ривожининг якуни ва янги билимлар учун наз-ий асос бўлиб хизмат қилади. Д.и.м. моддий оламни ифодаловчи илмий билимлар тизими сифатида намоён бўлади. У икки тамойилга — ягоналик ва тараққиёт тамойилига асосланади. Ягоналик тамойилининг ўзига хос хусусияти 1) Д.и.м. билишнинг наз-ий даражасида намоён бўлиши ва унда табиат ягона бирликни ташкил қилишда намоён бўлади; 2) Д.и.м бир бутунлигининг ва наз-ий билимларнинг асосини инсон тажрибасининг ва оламнинг объектив бир бутунлигини ташкил қилади; 3) инсоннинг объектив олам ҳақидаги бир бутунлик моделини яратиш, унинг фикрлаш фаолияти ва психикаси табиати б-н боғлиқ. Тараққиёт тамойили Д.и.м. мукаммал ўрганиш бир бутунлик ва тараққиёт тамойилларини органик қўшилмаси натижасидир. Д.и.м. ўзига хос билим сифатида фаннинг турли соҳаларидаги хусусий — илмий манзара доирасида шаклланади.

ДУНЁВИЙ ЖОН — неоплатонизм фалсафасидаги марказий тушунчалардан бири; Платон фалсафасидаги коинотнинг бошланғич ҳаракати сифатидаги дунёвий руҳ ҳақидаги таълимотига ўхшаш атама. Ғоявий дунё (танасиз) б-н ҳиссий дунё яратишда боғловчи сифатида намоён бўлади. Д.ж. ҳақидаги таълимот Уйғониш даврида панпсихизм (Ж.Бруно), немис романтизми ва 19-а. идеалистик фал.сида қабул қилинган (Ф.В.Шеллинг, Г.Г.Фехнер. Э.Гартман).

ДУНЁҚАРАШ — фалсафа фанининг энг муҳим категорияларидан бири. Фал.нинг асосини ташкил қилади, олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизимини яратади. Энг муҳими инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётий йўналишини, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Зероки, фал.нинг асоси ҳам соғлом ақл тафаккури ва унинг ривожига мос келадиган Д.ни яратишдир. Бунинг учун инсон, энг аввало, мукаммал билимга эга бўлиши лозим. Фан тарихидан маълумки, ҳоз. замонавий фанлар ривожланмаган пайтда оламга механика нуқтаи назаридан қараш, яъни, механицизм ҳукмрон эди (ўша пайтда, айниқса, Европа фанида ушбу ҳолат рўй берганини кўпчи-

лик биледи). Натижада, оламда рўй берган жонсиз табиатдаги ҳар бир ҳодиса, ҳатто, жонли табиатдаги ўзгариш жараёнларини ҳам механика қонун-қоидалари асосида тушунтириш мумкин дейишди. Бу эса илмда механицизм каби оқимларнинг шаклланишига олиб келди. Ҳатто, Франция фай.и Р.Декарт «ҳайвон-машинадир», деган фикр б-н жонли табиатдаги ҳодисаларни ўша пайтда маълум бўлган механика қонун-қоидалари ёрдамида изоҳлашга уринганлигини айтиш мумкин. Д. тушунчаси б-н «дунё манзараси» тушунчаси ўртасида катта фарқ бор. Агар биз Д.ни умумий тушуниш натижасида инсоннинг илмий-наз-ий ориентацияси деб айтдиган бўлсак, дунёнинг манзарасини эса инсоннинг табиат ҳақида, ижтимоий реаллик тўғрисидаги синтези деб, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқни кузатиш қийин эмас. Шунингдек, барча табиий фанлар дунёнинг илмий манзарасини чизиб берса, ижтимоий фанлар воқеликнинг ижтимоий тарихий манзарасини яратади. Шунингдек, Д. «дунёни тушунтириш», «дунёни ҳис қилиш», «ифодани идрок қилиш» каби тушунчалар б-н яқин маънодош эканлигини айтиш ўринлидир. Д. тушунчаси мафкура тушунчаси б-н алоқадор. Мафкура бизнинг назаримизда меҳнатсеварликка, миллий онг, миллий ғоя, миллий гурурни тарбиялашга, ўз-ўзини англашга, миллатимиз босиб ўтган буюк тарихий тараққиёт йўлига қандай ёндашишлигимизни билишга, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, расм-русумларимизни қайта тиклашга ва янада ривожлантиришга қаратилган, маънавиятни, айниқса, ғояни амалиётда асослайдиган куч деб қарайдиган бўлсак, у пайтда мафкурани Д.дан ташқари алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Зероки, бизнинг миллий истиқлол мафкурамиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, демократик давлат, фуқаролик жамият барпо этишда аниқ мақсад ва йўналишларга таянади. Унинг ёрдамида халқимиз инсон ҳуқуқини ҳимоя қилади, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтира олади, келажаги буюк давлат қуриш йўлида ўзида куч топади. Энг муҳими — истиқлол мафкурамиз, миллий ғоямиз инсонни ҳалол ва пок ҳаёт кечириш, бева-бечоралар, қаровсиз қолган болаларга нисбатан диққат ва эътиборли бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга асосланади. Д. инсониятни ўтмиш мероси, ҳоз. ҳаёт ва бунда шароитлар, тизимларнинг англаш олинган қадриятдир. Д. кишиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, ахлоқ-одоби, маданиятини ўзида мужассамлаштирган тасаввур ва билимлар йиғиндисидир.

ДУНС СКОТТ (Duns Scotus) Иоанн (1266, Шотландия—Кельн, 1308) — ўрта аср христиан схоластикасининг энг йирик вакилларида бири. 1282 й.да францисканлар орденига кирди, Оксфорд ва Париж ун-тларида таълим олди, кейин шу ун-тларда

фал. ва илоҳиётдан дарс берди, Д.С.нинг энг йирик асари Ломбардскийнинг «Сентенций» асарининг 4 китобига шарҳ тарзида ёзилган «Оксфорд асари»дир. Асарларнинг тушунилиши ва қабул қилиниши қийин бўлгани учун унга «Дунс» номини беришган («Дунс» сўзи софист, схоласт деган маъноларни англатади). У «нозик доктор» унвонига ҳам эга бўлган. Д.С.нинг қарашлари Фома Аквинский таълимотига зид бўлган. У фал. ва илоҳиётни бир-биридан кескин ажратади. Унингча, илоҳиёт инсон фаолиятини диний таълимотларни бажаришга қаратувчи билимдир. Фал.ни ёки метафизикани у олий поғонадаги билим, деб ҳисоблади. Фал. ҳамма мавжуд нарсаларни, шу жумладан, Худони ҳам қамраб олувчи борлиқни ўрганadi. Д.С. моҳият ва ҳодисани бир-биридан ажратмади. Унингча, моҳиятнинг ўзида ҳодиса мужассамлашган. Д.С. материя ва шакл муносабатлари масаласини жиддий тадқиқ этди. Материя ўзида актуаллик ҳолатига кириш имкониятига эга ва уч кўринишда бўлади. Шакл фақат нарсанинг хусусийлигини белгилайди. Д.С. материя ва шакл муносабатлари масаласини «шундай» («этостъ») ибораси ёрдамида ҳал қилади. Унингча, агар «бундай» материяга, шаклга тегишли деб қаралса, у ҳолда, уни моҳиятан ақлий билиш мумкин. Универсал шакл ва яқка «шундай» Худо томонидан яратилган моҳиятга тегишли. Яқкалик шаклнинг буткул мавжудлиги. Гарчи «универсалий»лар (умумий тушунчалар) моҳияти масаласида Д.С. изчил бўлмаса ҳам, алоҳидаликнинг моҳияти масаласидаги қарашлари б-н уни номиналистлар сафига киритиш мумкин. Билишнинг вужудга келишида ҳиссий билишга катта ўрин берди. Унингча, ҳиссий билиш алоҳида нарсаларнинг мавжудлигини тасдиқлаш имконини беради. Бу алоҳида нарсалар уларнинг моҳиятини белгиловчи тимсоллар (образлар) орқали билинади. Мавҳумлаштириш нарсаларнинг айрим хусусиятларини умумлаштириш орқали вужудга келади. Инсон ҳақидаги таълимот Д.С. дунёқарашида муҳим ўрин эгаллади. У инсонни ташқи дунёнинг бир қисми ҳисоблагани ҳолда, инсон иродасининг нисбатан мустақил мавжудлигини эътироф этди. Инсон иродаси ҳеч қандай ақлий таърифга боғлиқ эмас ва ўз моҳияти жиҳатидан эркиндир. Шунингдек, Худо ҳам эркиндир. У ўз қудратини бирон нарса б-н ҳам белгиламайдиган ирода орқали амалга оширади. Д.С.нинг таълимотича, дунё қандай бўлса, шундай яратилган. Бунда ҳам Худо иродаси намоён бўлади. Дунёда эзгуликнинг мавжудлиги Худонинг эзгу иродаси туфайлидир. Бу нарса инсон ахлоқига ҳам таллуқли. Худо худди шунини хоҳлагани учун инсон эзгу ишларни амалга оширади.

ДЬЮИ Жон (1859—1952) — АҚШнинг етакчи файласуфи сифатида тан олинган машҳур олим, прагматизмнинг «Чикаго мактаби» асосчиси. Д.Ж.

ўз даврида, ниҳоятда шуҳрат қозонган, уни, ҳатто, «Америка Аристотели» деб ҳам аташади. Д.нинг фал-ий қарашлари И.Кант, айниқса, Гегел фал-ий таълимотлари таъсири остида шаклланган. «Мантикий назария бўйича тадқиқот» (1903), «Биз қандай фикрлаймиз» (1910) асарлари бунинг далилидир. 20-а.нинг 20-й.да Д. идеализмнинг таъсири туфайли прагматизм позициясига ўтади ва бутун умрини шу таълимотни ривожлантириш ва тарғиб қилишга бағишлади, машҳур «Дьюи инструментализм» наз-ясини ишлаб чиқди. Унинг таълимотида агностицизм, дуализм, позитивизм ва экзистенциализм яққол сезилиб туради. Д. таълимотида «тажриба» тушунчаси муҳим ўрин эгаллади. У маҳизмнинг тажриба тўғрисидаги таълимотини қайтадан тикламоқчи бўлди. Оламни билиш эмас, бунинг инсонга кераги ҳам йўқ, инсон учун энг муҳими — ташқи муҳитнинг инсон учун амали аҳамиятини англашдан иборат ҳолос, чунки инсон ҳеч нарса ярата олмайди ва ўзгартира олмайди. Унинг ҳаёти тақдир ва омад, воқелик ва тангри кароматига боғлиқдир, дейди Д. У социологик қарашларида ижтимоий муносабатларда рўй берадиган зиддиятларни ҳамкорлик ва педагогик ислоҳотлар ёрдамида ҳал қилишга чорлайди. Унинг педагогик «экспериментал усули» илмий билимларни эгаллаб олишга зид равишда индивидуал эпчиллик, ташаббускорлик, удабуронликни тарбиялаб, ҳаётда манфаатдорлик, меҳнатда самарадорликни ўстиришга қаратилган.

ДЮРКГЕЙМ (Durkheim) Эмил (1858.15.4., Эпиналь—1917.15.11., Париж) — француз социологи ва файласуфи, классик социология асосчиси, жаҳонда биринчи социология профессори, «Социологик йилнома» (1896—1913) журналининг асосчиси ва ношири. Д.Сорбонна ва Париж ун-тларида социологиядан дарс берди, социологиянинг ўқув предмети, фан ва касб сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшди. «Социология элементлари» (1889), «Ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши тўғрисида» (1893), «Социологик метод қоидалари» (1895), «Ўз жонига суиқасд қилиш» (1897), «Диний ҳаётнинг элементар шакллари» (1912), «Социология ва фалсафа» (1924) сингари асарларида Монтескье, Руссо, О.Конт, И.Кант, Спенсернинг илғор анъаналарини давом эттирди, социология объекти, социал реалликнинг ўзига хослиги, унинг инсонга нисбатан мажбур қилувчи кучга эга эканлигини асослади. Д. позитив социологиянинг назарий-гисси сифатида «социал факт», «социал билиш», «социал бирдамлик», «меҳнат тақсимоти», «ўз жонига суиқасд қилиш» тушунчаларини ишлаб чиқди ва илмий муомалага киритди. Унинг барча асарларида «социал факт» тушунчаси муҳим ўрин эгаллади. Д.нинг таъкидлашича, социал ҳаёт асосини социал фактлар

ташқил этади, уни воқеликнинг на иқтисодий, на психик, на жисмоний омиллари б-н айнанлаштириб бўлмайди: социал фактлар ўзига хос хусусият ва белгиларга эга. Социал фактларнинг энг муҳим белгилари уларнинг объективлиги, индивидга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшашга қодирлиги ва индивидга нисбатан мажбур қилувчи кучга эга эканлигидир. Д. социал фактларни иккига ажратди: 1) морфологик; 2) маънавий, номоддий фактлар. Д. жамият тараққиётида коллектив онгнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, унинг турли шакллари (дин, ахлоқ, ҳуқуқ)ни тадқиқ этди. Д. социологик концепциясининг наз-ий-методологик асосини социологизм тамойили ташқил этади. Д. социологизм тамойилига таяниб, жамиятнинг индивиддан жисмоний ва маънавий жиҳатдан устунлигини кўрсатди. Д. инсон учун индивидуаллик ва социаллик ҳосиллигини, жамиятсиз дин ҳам, ахлоқ ҳам, сиёсат ҳам, иқтисодий и-нтлар ҳам мавжуд бўла олмаслигини, социологизм тамойилига кўра, «социалликни фақат социаллик орқалигина» изоҳлаш лозимлигини таъкидлади. Д. таълимнинг иккинчи наз-ий — методологик тамойили «социал бирдамлик»дир. Бу тамойил Д.нинг меҳнат тақсимооти, дин, сиёсий ҳокимият, жамият иқтисодий и-нтлари шакллари-нинг ўзгариши тўғрисидаги таълимоти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Д.нинг таъкидлашича, жамиятдаги социал бирдамлик даражасининг ўсиб бориши б-н социал тараққиёт рўй беради. У социал бирдамликнинг икки вариантини: а) механик, б) органик бирдамликни фарқлади. Механик бирдамлик архаик жамиятлар учун хос бўлиб, унда кишилар социал жиҳатдан тенг бўладилар, индивидлар ўз қобилиятларини ривожлантириш имконига эга бўлмайдилар, ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекиншиш шафқатсиз жазоланади. Органик бирдамлик саноатлашган жамият учун хос бўлиб, унда инсон фаолияти ва унинг маҳсулини айирбошлаш имконияти жамият аъзолари ўртасидаги алоқадорлик ва узвий боғлиқликни кучайтиради. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим функцияси индивидларни жипслаштиришга, социал организмнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилади. Чунки бундай жамиятда индивидлар ёлғиз ҳолда номукамалдир. Д.нинг фикрича, ижтимоий бирдамликни ривожлантириш учун турли қасаба уюшмалар ташқил этиш лозим. Улар ишлаб чиқаришдан тортиб то маданий ва ахлоқий функцияларни бажариши, меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, шахсни ривожлантириш ва жамиятдаги инқирозларни бартараф этиш учун имконият яратиши керак.

Д.нинг барча асарларида, дин жамият табиий ривожланишининг маҳсулидир, деган ғоя илгари сурилди. Унинг фикрича, диннинг муҳим вазифаси — жамиятни жипслаштириш ва ижтимоий ри-

вожланишга борадиган ғояларни илгари суриш. Д. ахлоқий қадриятларни сақлашда, инсонни тарбиялашда, «позитив бирдамлик»ни қарор топтиришда диннинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Д.нинг «Ўз жонига суиқасд қилиш» асарида ўз жонига суиқасд қилиш, асосан, психологик илдизга эга эканлиги тўғрисидаги концепцияларни кескин рад этиб, ўз жонига суиқасд қилишнинг сабабчиси социал ҳаёт, унинг қадриятли-норматив талаблари, социал алоқаларнинг муайян даражада тезлашуви эканлигини кўрсатди. Д. ўз жонига суиқасд қилишнинг: 1) эгоистик; 2) альтруистик; 3) аномик типларини ажратди. Д. томонидан ишлаб чиқилган ўз жонига суиқасд қилишнинг наз-ий масалалари, уни тадқиқ этиш усуллари ҳоз. вақтда жаҳон социологлари томонидан қўлланилалти. Д. ўздан бой илмий мерос, оригинал социологик наз-я ва катта мактаб қолдирди. Унинг шогирдлари (С.Бугле, Ж.Дави, Мосс ва б.) Д. таълимоти асосида социологияда янги йўналиш яратдилар. Д. ўзининг бетакрор ва оригинал социологик таълимоти б-н жаҳон ижтимоий фал.си ва социологияси ривожига алоҳида ўрин тутди.

ДЮРИНГ (Duhring) Евгений (1833.12.1—1921.21.9) — немис файласуфи, механика профессори. У иқтисодий наз-я, социология, ҳуқуқ, шунингдек, адабиёт тарихи б-н шуғулланган. Д. тафаккурнинг янги усулини қарор топтирувчи «ҳақиқат фал.си» тизimini яратишга ҳаракат қилди. Бироқ унинг тизими метафизика, материализм, позитивизм ва кантчилик унсурлари б-н қоришган эди. Д. фал.ни асосланмаган олий ёки охириги ҳақиқат тўғрисидаги таълимот деб ҳисоблади. Унингча, дунё поёни, сўнги йўқ, аммо абадий ва азалий ўзгармас бирламчи асосга эга. Ҳаракатсиз, тинч ҳолатдан ҳаракатга ўтишни Д. қандайдир механик кучлар, яъни, одадаги материя тушунчаси ёрдамида изоҳламоқчи бўлди. Д. бошланғич ҳаракатнинг мавжудлиги ғоясидан йироқлашди ва шу б-н бирга ҳаракатни материяга боғлашдан ҳам ўзини олиб қочди. Д. вақт, фазо ва материяни бир-бирдан ажралган ҳолда талқин этди. Д.нинг муҳим асарлари: «Фалсафа курси» (1875), «Миллий ва социал иқтисод курси» (1876), «Миллий иқтисод ва социализмнинг танқидий тарихи» (1875). Д. Маркс ва Энгельснинг инқилобий таълимотига қарши чиққан ва тадрижий йўл б-н майда ишлаб чиқариш асосида кооперация йўли б-н жамиятни ривожлантириш ғоясини тарғиб қилган фал. ҳисобланади.

ДЎЗАХ, жаҳаннам — кўпчилик таълимотларга кўра, дин талабларини бажармаган гуноҳдорлар охиратда жазоланадиган жой. Яхудийлик, христианлик, ис-

лом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Қуръонда Д. ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган (6:128; 11:106, 107). Диний ақидага кўра, Д.ни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Д. ичида олов ёниб турадиган даҳшатли чуқурликдир. Д.га маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади, улар қайноқ сув ичишади, у ерда ўсадиган заққум дарахтининг (шайтон бошига ўхшаган) меваси б-н овқатланишади ва б. азоблар чекишади. Қуръонда «қачонки терилари куйиб битиши б-н ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига б. териларни алмаштирамиз» деб қайд этилади. (4:56). Д. азобларидан яна бири ачиштирувчи совуқдир. Д. бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор ўз гуноҳига қараб табақаларда азобланади. Д.нинг етти дарвозаси бор: Ҳовия — энг чуқурликда жойлашган бўлиб, ундан мунофиқлар, Фиръавнга ўхшаган ашаддий кофирлар киради; Жаҳим — мушриклар; Сақар — диндан қайтган муртадлар; Лазо — шайтон Иблис, унинг дўстлари ва мажуслар; Хутама — Аллоҳнинг амрига бўйсунмаган кофир кимсалар; Саир — Аллоҳга ширк келтирган насоролар; Жаҳаннам — гуноҳи кабиралар қилиб, тавбасиз ўтган мусулмонлар кирадиган дарвозалардир. Д.ни Молик исми фаришта бошчилигидаги фаришталар қўриқлайди. Қалбида Аллоҳга имони бўлган бандалар Д.да маълум вақт азоб тортганларидан сўнг, ўша имонлари шарофати б-н Д.дан чиқарилиб, жаннатга киритилади. Фақир-фуқаро,

етим-есирларга раҳм-шафқатлилиқ, мусулмонлар ва инсон боласининг оғирини енгила қилиш кўплаб бандаларнинг Д. ўтидан озод этилишига сабаб бўлади. Аммо, иймонсиз кишилар, кофир ва мушриклар Д.дан чиқмай, доимий азобда қолади.

ДЎСТЛИК — ахлоқий тушунча; ўзаро боғлиқлик, маънавий яқинлик, манфаатлар умумийлиги ва ҳ.к.га асосланган инсонлар ўртасидаги ижобий муносабатни ифодалайди. Д.га қуйидаги хислатлар: шахсий характер, кўнгилчанлик ва индивидуал танлаш, ички яқинлик, барқарорлик хосдир. Д. мазмуни тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради. Фал. тарихида Д.ни кўпроқ ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилган баъзи мутафаккирлар унинг эмоционал жиҳатини алоҳида таъкидлаганлар, бошқалари эса уни манфаатлар умумийлиги ва оқилона эгоизмдан келтириб чиқарганлар. 19-а.нинг охирларида Д. психолог ва социологлар томонидан илк эмпирик тадқиқ этила бошланди. Д.нинг мазмуни ва функциялари ёш ўтиб бориши б-н сезиларли даражада ўзгариб боради. Болалар дўстлиги, ўртоқлик, ҳамкорлик фаолиятига асосланган эмоционал-ҳиссий яқинликни ўзида акс эттиради. Гарчи танлаш ва барқарорлик бола ёши б-н ўзгариб борса-да, «бошқа Мен»га бўлган эҳтиёж ўсмирда ўз-ўзини англашга, ўз кечинмаларини бошқаларники б-н солиштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Д.нинг ахлоқий баҳоси унинг ижтимоий йўналганлиги б-н белгиланади.

Е

ЕВГЕНИКА (юн. eugenes — аслзот) — *Френсис Гальтон* томонидан яратилган ва *Платон*нинг «Давлат» асарига тақаладиган, ҳам жисмоний, ҳам руҳий белгиларга кўра, мукамал белгиларни келтириб чиқарадиган ва ношуд авлод туғилишининг олдини оладиган шароитлар ҳақидаги таълимот. *Ф. Гальтон* ирсий омиллар асосида ҳам жисмонан, ҳам руҳан кучли бўлган, ғоят қобилиятли одамлар туркумини яратиш мумкин, деб ҳисоблаган.

ЕВКЛИД (мл.ав. 3-а.) — қад. юнон мутафаккири ва математиги. Математика, оптика, механика, муסיқага оид асарлар муаллифи. У Александрияда яшаб, ижод этди, шу ерда ўз мактабини яратди. Е. математикага оид «Негизлар» асарида Юнонистонда тўпланган математик билимларни мантиқий системалаштирди. Бу асар б-н математика тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Е.нинг боғланиш, тартиб,

ҳаракат, узлуксиздан иборат аксиомаларга асосланган геометрияси машҳурдир. Е. геометрияси биринчи марта систематик равишда «Негизлар» асарида баён этилган. Мазкур геометриядан фарқли геометрияни, яъни, ноевклид геометрияни Н.И.Лобачевский яратди. Е.нинг «Негизлар» асарида геометрия дедуктив асосда, яъни, аксиоматик усулда баён этилди; биринчи жумлалар исботсиз қабул қилиниб, қолган ҳамма даъволар шу аксиомалардан хулоса тариқасида чиқарилди.

ЕВРОПАМАРКАЗЧИЛИК — Фарб мафкурасининг кўринишларидан бири, Шарқ халқларининг маънавий маданиятини менсимаслик, унинг аҳамиятини инкор этиш, Фарб маданиятини Шарқ маданиятидан устун қўйиш, «Фарб руҳи»ни улуглаш, Фарб халқлари маданиятининг аҳамияти ва ролини мутлақлаштириш. Е. Шарқ халқлари фал-ий меросини

бирёқлама талқин этишга қаратилган анъана сифатида Европа тарихий-фал-ий адабиёти ва шарқшунослигида кенг тарқалган. Бундай таълимотлар Осиё халқларининг бой маънавий меросини, жумладан, ижтимоий-фал-ий фикрлар тарихини сохталаштириш, бузиб кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлиб, уларнинг сиёсий вазифаси Осиёдаги мустамлакачилик урушларини оқлашга, асослашга қаратилган. Адабиётларда Е. ғояси Гегелдан бошланади, деб кўрсатадилар. Гегел (1770—1831) ўзининг «Фалсафа тарихи бўйича маърузалар» асарида фал. тарихини янгича ёритишга ҳаракат қилди. Гегел фал. тарихини икки даврга — грек ва герман даврига ажратди ва фал.ни фақат Фарбий Европа халқлари тафаккурининг ютуғи, деб даъво қилди. У Шарқ дунёсининг муайян қисми (Миср, Эрон, Ҳиндистон, Хитой) ни ўзининг жаҳон тарихи схемасига киритди. Улардаги ижобий фикрларга эътибор берди. Бироқ унга ҳақиқий маданият ва фал-ий мазмундан йироқ бўлган дастлабки босқич сифатида қаради. Гегел: «Фал. тўла маъноси б-н Фарбда бошланди. Бу онг эркинлиги фақатгина Фарбда намоён бўлади», — деб ёзади. «Мутлақ руҳ» назариясини қўллаб-қувватлаган социолог Эрнест Ренан (1823) ислом Шарқи деб аталувчи ҳудудлардаги барча халқлар илм-фанга нафрат б-н қарайдилар, уларни фақат мистика ва дин қизиқтиради, деган ғояни олға сурди. Унинг фикрича, «фал. Шарқ халқлари, хусусан, мусулмонлар учун мутлақо ёт бўлиб қолди. Шарқ халқлари фал-ий таълимот яратишга қодир эмаслар». Франц. социологи А.Гобино (1816-1882) эса «Инсон ирқларининг тенг эмасликлари тўғрисида» номли асарида ижтимоий ривожланишни ирқий хислатлар б-н боғлашга, инсондаги биологик-антропологик белгиларни ижтимоий хусусиятга айлантиришга уриниб кўрди. Унинг фикрича, «ҳар бир осиеликда диний руҳ, илоҳий қудратга интилиш ҳукмрондир». Леви Брюлл ўзининг «Тафаккур ибтидоси» асарида инсон тафаккури тарихини икки даврга ажратди. Биринчи ибтидо, яъни, илмийлик ва мантиқийликдан йироқ тафаккур бўлиб, бу гўё Африка ва Осиё халқларига хосдир. Иккинчиси эса, ҳақиқий илмий ва мантиқий тафаккур бўлиб, Европа халқларига хосдир. У европамарказчилик ғоясини мантиқ далиллари ёрдамида асослашга ҳаракат қилди. Немис фал.и Фридрих Кирхнер (19-а.) ўзининг «Фалсафа тарихи» китобида «Шарқ фал-ий система ярата олмади, у фақат диний системаларнигина яратди», деб таъкидлаган. Умуман, ҳоз.ги замон Е.нинг бир қисми Шарқда диний мутаассибликнинг ҳукмронлигини, шарқликлар диндан бошқа нарсани тасаввур қила олмаслигини айтадилар. Ҳоз. замон мафкураси янги тарихий шароитга мослашиш ва ғоявий курашни кучайтиришда янги

шакллардан фойдаланмоқда. Швейцариялик журналист Лилиан Аберг «Шарқий Осиёнинг руҳи» асарида фарб илм-фан, фал. ва сиёсат б-н, Осиё эса мистика ва дин б-н шугулланиши лозим, деб кўрсатади. Фарбий Германия фал.лари Г. Мейер, Хайдегер, Хиршбергер, Шеллинг кабилар европамарказчилик назариясини давом эттирган ҳолда, Осиё фал.сини умуман дунё фал.си тарихидан чиқариб ташлашни тавсия этадилар. Е. қайси шаклда намоён бўлмасин, қайси рангда ифода қилинмасин, Осиё халқларига қарши қаратилган ғайриилмий, бирёқлама таълимотдир. У шовинистик ва ирқий наз-яга асосланади. Е. ҳар доим мустамлакачилик сиёсатини оқлаш, асослаш учун хизмат қилиб келди, ҳоз. даврда эса мустақиллик, ижтимоий тараққиёт йўлидан ривожланаётган мамлакатлар мафкурасига қарама-қарши қўйилмоқда.

ЕРЕС (юн. *hairesis* — танлаб олиш) — диннинг расмий аҳком ва ақидаларидан турлича чекиниб, унга муҳолифатда бўлиш. Ўзбек тилида бидъат, унинг тарафдори эса, бидъатчи маъносида қўлланади. Диннинг асосий муқаддас китоби, ақида ва талабларни тан олган ҳолда, маълум давр ижтимоий куч ва муайян мамлакат эҳтиёжларини назарда тутиб, унчалик принципиал аҳамиятга эга бўлмаган масалаларда танқидий фикр юритган кишилар бидъатчи ҳисобланган. Е. ўзига хос қаршилиқ, норозилик шакли бўлиб, уни барча динлар тарихида кўриш мумкин (буддизм, ислом, иудаизм ва б.). Бироқ ижтимоий ҳаракат сифатида христианликда ўзини кенгроқ намоён этган. Е. христианликнинг илк босқичларидаёқ шакллана бошлаган. Христианлик ҳукмрон динга айлангач, турли табақалар ва гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилувчи оқимлар кўпая бошлаган. 2-а.да яҳудийлик ва эллин-гностик табиатга эга бўлган Е. (иудеохристианлик, гностицизм) мавжуд эди. 2-а. ўрталаригача Миср ҳам улар таъсирига берилган. Расмий дин нуқтаи назаридан қараганда Кичик Осиё ва Сурия ҳам узоқ вақтлар мобайнида Е. ҳукмронлиги кучайган минтақа ҳисобланган. Христологик муаммолар (арианлар, несторианлар, монофизитлар) асосидаги баҳс-мунозаралар кейинчалик христиан черковининг бўлиниб кетишига замин ҳозирлаган. Несторианлар 484 йили асосий черковдан ажралиб чиққанлар. Исломга қадар уларнинг Самарқандда ҳам ибодатхонаси бўлган. Бу секта ҳозиргача яшамоқда; монофизитлар оқими 5-асрда Византияда шаклланган. Уларнинг фикрича, инсон ва илоҳ табиати Исода намоён бўлади. Инсонийлик хусусиятида илоҳийлиги устун туради. Е.Миср, Сурия, Арманистонда тарқалган ва сиёсий байроқ сифатида хизмат қилган. (Бу оқим 451-й. Халкидон соборида Е. деб эълон

қилинган). Арианлар, несторианлар, монофизитлар ва б. бошланғич Е.ғояси асосида антиринитаризм ётган бўлса, кейинги даврдаги (павликианлар, богомиллар, катарлар, альбигойлар, вальденслар ва б.) дуализмга асосланган. Ўрта а.ларда христианлик асосий, бош мафкура ролини ўйнагани боис барча ижтимоий норозилик ҳаракатлари диний ниқоб остида майдонга чиққан. Баъзи бир Е. ҳурфикрлиги шу даражага етганки, (Феодосий Косой, Давид Динанский) материя яратилмаган, у мангу мавжуд, деган ғоя илгари сурилган. Шу таъйин асосида троика, гуноҳкорлик, сирлар, черковнинг муқаддаслиги, монахлик инкор этилган, мавжуд дунё зулм, шайтон подшолигидир, деб эълон қилинган. Е.га қарши черков ва давлат ҳокимияти ўзига хос салб юриши эълон қилган, еретиклар соборларда қораланган, қувғин остига олинган, жисмонан йўқ қилинган. Е.га қарши 13-а. бошларида католик черкови томонидан инквизиция жорий этилган. Ҳоз.ги христиан черкови Е. деганда расмий черков доғмаларига қарши ғояларни, тушунади. Ҳозирги даврда Е. аввалги аҳамиятини йўқотиб, диний секталарга бўлиниб кетган.

ЕТАКЧИ, лидер (*инг.* leader—сардор, раҳбар) — ижтимоий гуруҳ фаолияти ва ҳатти-ҳаракатини бирлаштириш салоҳиятига эга бўлган шахс. Е. нинг маълум бир типи ижтимоий тузумга, гуруҳнинг хусусиятига ва муайян тарихий вазиятга боғлиқ. Е. муаммоси азалдан кўплаб мутафаккирларни қизиқтириб келган. Геродот, Плутарх каби антик давр тарихчилари таълимотлари марказига буюк етакчилар, айниса, ҳарбий саркардалар (мас., Александр Македонский) фаолиятини қўйганлар. Бошқа бир мутафаккирлар тарих нуқтаи назаридан фаолияти улкан аҳамиятига эга етакчи-арбоблар (мас. Соҳибқирон Амир Темур) тимсолини алоҳида ажратиб кўрсатдилар. Ницше, Тард, Фрейд, Адлер каби мутафаккирлар Е. ва етакчилик фаолиятини узвий боғлиқликда, унинг турли жиҳатларини таҳлил этиб келганлар. Хусусан, машҳур социолог М.Вебер етакчининг анъанавий, легал (қонуний), харизматик типларини кўрсатган эди. Ҳоз.ги пайтда сиёсий Е. муаммолари чуқур таҳлил этилмоқда. Бунда авторитар Е. шахсан ўзи таъсир кўрсатишига демократик Е. нинг эса гуруҳ аъзоларининг ўз-ўзини бошқаришига жалб этиши жиҳатларига эътибор берадилар. Шунингдек, расмий Е. (асосан раҳбар) ва норасмий Е. (шахсий муносабатларга асосланувчи) типларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ — фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қан-

дай шубҳа бўлмаслиги учун баён қилинган фикрни чинлиги аввалдан маълум бўлган, тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза б-н таққослаш. Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта *Г.Лейбниц* таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак. Е.а.қ.нинг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд». Е.а.қ.да тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик б-н муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун бошқа мантиқий қонунлар б-н ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий асос, берилган мулоҳазанинг ўзи эса, мантиқий натижа деб юритилади. Мантиқий асос б-н объектив, ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишлигининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни, объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гуруҳга: эмпирик ва наз-ий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси, асосан, ҳиссий билиш, тажрибага асосланса, иккинчиси ақлий билиш тафаккурга таянади. Эмпирик ва наз-ий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва наз-ий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир. Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегараланган бўлиб, сезгилари берган маълумот эса, ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамадан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли ҳиссий мушоҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам б-н боғлаб туради. Назарий билим эса, эмпирик базиснинг усткурмаси ҳисобланади. Назарий асослашда кенг фойдаланиладиган усул-дедуктив хулоса чиқариш усули, яъни, умумий чин мулоҳазаларга таяниб фикр юритишдир. Берилган мулоҳазани мантиқий усул

орқали бошқа чин мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин бўлса, унда берилган мулоҳаза чин, яъни, асосланган бўлади. Бунда фикрнинг ўртасидаги боғланиш умумийлик, хусусийлик ва яқкалик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. Мас., тўғри тафаккур қонунларининг объектив характерга эга эканлигини, барча илмий қонунларнинг объектив характерга эга эканлиги ҳақидаги умумий чин мулоҳаза ёрдамида асослаш мумкин. Умумий чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек, акси-

омалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади. Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назий фикр юритишга тааллуқли бўлмаган усуллари мавжуддир. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланиш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилади.

Ё

ЁВУЗЛИК — кенг қамровли ва ижтимоий ҳодиса, адолат ва инсонпарварликни бузувчи тамойиллар ва ахлоқий талабларга қарши жиноятни ифода қилувчи фаолият. Ё., ўзининг оқибатига кўра, ижтимоий ёмонлик, мотивига кўра, ахлоқий ёмонликни ифодалайдиган хатти-ҳаракатдир. Ё. эзгуликнинг зидди, ахлоқ мезонларидан биридир. Ё.нинг конкрет мазмуни хилма-хил бўлиши мумкин: қотиллик, ўғрилик, алдамчилик, иккиюзламачилик, сотқинлик, мунофиқлик ва б. Ё.ни, одатда, иккига ажратадилар — ўйлаб қилинган Ё. ёки ўйланмаган Ё. Ё. эзгуликни инкор этибгина қолмай, балки улар ўртасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу кураш абадий кураш сифатида оламни ҳаракатта келтирувчи куч тарзида намоён бўлади. Ё. тушунчасининг яна бир ўзига хос томони шундаки, у инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Бу тушунча ёрдамида инсоннинг тубанлиги, ғайриахлоқий фаолияти баҳоланади. Чунончи, Чингизхон, Гитлер ёки Сталинни ёвуз инсон деган ном б-н аталиши бежиз эмас. Этика фанида ҳозирга қадар Ё. тушунчаси мезоний тушунчалар қаторига киритилмаган, у фақат ёмонликка маънодош тушунча тарзида тақдим этиб келинган. Ё. тушунчасининг кўпгина элементлари ёмонликдан, ёмонликнинг баъзи элементлари Ё.дан жой олишини, «сингиб кетиши»ни инкор этиш қийин. Аммо Ё. ва ёмонлик айнан бир нарса, бир хил тушунчалар эмас. Улар ўртасида қатъий фарқ мавжуд: Ё. иж-

тимоий хусусиятга эга, ёмонлик эса ундай эмас. Ёмонлик, асосан, шахснинг одобига, хулқиға боғлиқ бўлган салбий ҳодиса. Мас., ёлғончилик ёмонликдир, жаҳолат эса — Ё., Чунки ёлғончилик ўткинчи хусусиятга эга. Демак, ёмонликни Ё. б-н айнанлаштириш хатодир. Ё. тушунчаси кишиларни эзгуликни қадрлашга даъват этади.

ЁШ ГЕГЕЛЧИЛАР, (оппозицион сўл гегелчилар) — немис файласуфи Гегел таълимотидан келиб чиқиб, динни инкор этган ҳолда, тарихда шахснинг ўрни ва ролига муҳим омил сифатида катта эътибор берган фалсафий оқим. Мазкур оқимнинг Б. Бауэр, А. Рунге каби намояндалари фаолият кўрсатганлар. Жумладан, немис фай.и Бауэр (1809-1882) Гегелнинг мутлақ ғоя тўғрисидаги қарашларини инкор этиб, ўз-ўзини англашни мутлақлаштирган ва тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида танқидий фикрловчи шахсларнинг ақлий фаолиятини кўрсатган.

ЁШЛАР — ёш хусусиятлари, ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги б-н ажралиб турувчи ижтимоий—демографик гуруҳ. Ҳозирги пайтда 14-16 ёшдан 25-30 ёшгача бўлган кишилар ёшларга мансуб деб ҳисобланади. Ё.нинг алоҳида ижтимоий-руҳий қиёфаси жамиятнинг умумий ҳолати, ижтимоийлашув қонуниятлари, таълим-тарбия имкониятлари б-н белгиланади.

Ж

ЖАВОБ — фалсафий — мантиқий тушунча; предмет ҳақидаги аввалги билимни қўйилган саволга мувофиқ ҳолда аниқлаштирадиган, тўлдирадиган янги ҳукм ва мулоҳазалар. У саволнинг асосини (базасини) ташкил этувчи билимга таянилган ҳолда янги билим олишга имкон беради. Ж.нинг моҳиятини саволда мавжуд бўлган ноаниқликни камайтириш (ёки йўқотиш) ташкил этади. Саволга Ж. қидириш жараёнида, одатда, билимларнинг аниқ соҳаларига мурожаат қилинади. Улар Ж.нинг қидириш соҳаси, деб аталади. Мантиқда Ж.нинг бир қанча турлари: бевосита (тўғри) ва билвосита Ж.лар, тўлиқ ва тўлиқсиз жавоблар, чин ва хато Ж.лар, қисқа ва батафсил Ж.лар, аниқ ва ноаниқ Ж.ларга ажратилади. Бевосита (тўғри) Ж. саволда кўрсатилган номаълум соҳага тааллуқли мулоҳазалар тўпламидан иборат. Мас., «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни) қачон қабул қилинган?» — деган саволга «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни) 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган», — деб берилган Ж. бевосита Ж. ҳисобланади. Билвосита Ж. жавобни қидириш соҳасидан четга чиқиб, қўшимча маълумотларга мурожаат қилиш асосида ҳосил қилинадиган мулоҳазалар тўпламидан иборат бўлиб, бевосита (тўғри) Ж. улардан ҳулоса чиқариш йўли б-н ҳосил қилинади. Мас., «Мантиқ фалсафий фанми?» — деган саволга «Мантиқ тафаккурнинг шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан», — деб бериладиган Ж. билвосита жавоб бўлади. Тўлиқ ва тўлиқсиз Ж.лар Ж.да бериладиган маълумотлар миқдори бўйича фарқ қилинади. Тўлиқ Ж.—ўзида саволнинг барча элементлари (қисмлари) ҳақида маълумотларни мужассамлаштирган мулоҳазалар тўплами, Ж. Тўлиқсиз Ж. — саволни ташкил этувчи элементларнинг бир қисми ҳақидагина маълумотни ифода этган мулоҳазалардан иборат. Мантиқий қиймати бўйича, яъни, борлиққа муносабатига кўра чин ва хато Ж.лар фарқ қилиниши мумкин. Агар Ж. да ифодаланган фикр-мулоҳазалар борлиққа мувофиқ келса, уни адекват ҳолда акс эттирса, у чин жавоб ва аксинча, борлиққа мувофиқ келмаса, адекват тарзда акс эттирмаса, у хато жавоб бўлади. Грамматик шаклига кўра Ж.лар қисқа ёки батафсил бўлади. Қисқа жавоб «ҳа» ёки «йўқ» тарзида бериладиган тасдиқ ёки инкор шаклидаги битта мураккаб сўздан иборат. Батафсил жавоб саволнинг ҳар бир элементни такрорланадиган мулоҳазадир. Ж.нинг аниқ ёки ноаниқ бўлиши саволнинг сифатига, унинг мантиқий структурасига боғлиқ. Савол ва Ж. мантиқан боғланган бўлади, яъни Ж.нинг мазмуни қўйилган саволнинг сифатига боғлиқ. Ж. шунинг учун ҳам

баҳс юритиш жараёнида «саволига яраша Ж.» деган қоида амал қилади. Ноаниқ, кўп маъноли саволларга аниқ Ж. олиш қийин.

Аниқ Ж. мантиқан тўғри қўйилган саволга билдириладиган мулоҳазадан иборат бўлиб, унда ишлатилаётган тушунчалар, сўзларнинг мазмуни ва маъноси аниқ ва равшан бўлади. Ноаниқ Ж.ни ифода этувчи мулоҳазалар икки хил маъноли тушунчалар, сўзларни ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. У, кўпинча, софизмларда учрайди. Мас., «Уюм» софизмида софистнинг «Агар қум уюмидан бир донасини олиб ташланса, уюм сақланадими?» — деган саволига «Ҳа» деб жавоб беришади. Унинг «Яна бир қум донасини олиб ташласак-чи? Унда ҳам қум уюми сақланиб қоладими?» — деган навбатдаги саволига ҳам «Ҳа» жавоби берилади. Бу ҳол, яъни тасдиқловчи Ж. бирорта ҳам қум донаси қолмагунча берилаверади. Бу ерда мантиқий хато «Уюм» тушунчаси мазмунининг ноаниқлигидан келиб чиқади. Мазкур тушунча фақат ўз ҳажмига эга бўлиши б-нгина эмас, балки шакли, кўлам, мазмун ш. к.га ҳам эга. Софист эса, ургуни фақат унинг миқдорига беряпти. Шунинг учун ҳам, Ж., охир-оқибатда, хато бўлиб чиқади.

Бериладиган Ж. тўғри бўлиши учун қуйидаги методологик талабларга риоя қилиш зарур:

1). Ж. аниқ, равшан ва иложи борича, ихчам бўлиши шарт; 2). Ж. мантиқан зиддиятсиз бўлиши зарур; 3). Ж. етарли даражада асосланган бўлиши керак; 4). Ж. саволдаги ноаниқликни камайтириши, иложи борича, тўла бўлиши зарур.

ЖАДИДЧИЛИК (араб. — янги)—19-а. охири — 20-а.нинг биринчи чорагида Марказий Осиё, Қрим, Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матбаа ва демократик тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб чиққан ижтимоий-маърифий ҳаракат. Ж.ни шакллантиришда кўплаб миллат зиёлилари фаол қатнашган. Жамиятни ўрта асрчилик иллатлари, маданий қоқоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан озод қилиш, халқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этиш ҳаракатининг асосий мақсади эди. Туркистондаги Ж. ҳаракатига Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Паҳлавон Нияз Ҳожи, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» ташкилоти раҳбарлари бошчилик қилишган. Бу ҳаракат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, 19-а. бошларида мавжуд бўлган диний ислоҳотчиликдан фарқ қилади. Огаҳий, Нодира, Аҳмад Дониш, Турди, Махмур,

Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар мансуб бўлган авлоднинг қарашлари, асосан, маърифатпарварлик тамойилига таянар эди. Жадидлар эса нафақат маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан бордилар. Ж. ҳаракати ривождаги уч босқични ажратиш мумкин:

I. 19-а.нинг 80-й. охирида мамлакатимизда Ж. ҳаракати пайдо бўлди. Тошкентда Мунавварқори ва Авлоний; Самарқандда А.Мунзим, С.Азизий, Мулла Қилич; Бухорода Жўрабой Махсум; Кўқонда Ҳамза; Наманганда Сўфизода ва Ибрат каби олиму фузалолар мактаб очиш, ноширлик, саводхонликни ошириш борасида муҳим ишларни амалга оширдилар. Бу давр I-жаҳон урушигача давом этди. Бутун мамлакат бўйлаб кўплаб жадид мактаблари фаолият олиб борди. Шунингдек, матбаачилик, ноширлик, илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни миллий асосга кўчиришга интилиш кучайди.

II. I-жаҳон уруши Россия империясидаги аҳволни янада мураккаблаштириб борди, унинг ҳудудида сиёсий ҳаракатлар кучайиб кетди. Бу даврда Ж. ўта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб, унинг ғоялари асосида сиёсий партиялар тузилди.

III. 1917 йил октябрида Россиядаги давлат тўнтарышидан кейин Кўқонда Туркистон Мухторияти тузилди ва орадан бир йил ўтмасдан, большевиклар томонидан зўравонлик б-н йўқ қилинди. Мухторият раҳбарлари, уни эълон қилишда иштирок этган ёки унга хайрихоҳ бўлганлар ҳам бадарға ва қувғин қилинди, қатағонга учради.

Собиқ каттифоқ даврида Ж. ҳаракати ғоявий-мафкуравий жиҳатдан оқланмади, Ж. адабиёти тақиқланди. Гарчи 60-й.дан кейин бу ҳаракат намояндларининг айримлари адабий доираларда тилга олина бошлаган бўлса-да, уларга нисбатан умумий тақиқлар ўзгармай қолаверди. Фақат мустақилликки на бу борада туб ўзгаришлар қилиш учун имконият очди. Биринчидан, Ж. ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида эътироф этилди, унинг миллий озодлик йўлидаги хизматлари тан олинди. Иккинчидан, жадид адабиёти миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида баҳолашиб, ўнлаб китоблар, турли асарлар нашр этила бошланди. Учинчидан, мустақиллик туфайли асарлар давомида орзу қилинган, жадидлар ҳам интилиб келган истиқлол ғоялари амалга ошди. Юртимизда озод ва фаровон ҳаёт, эркин жамият бунёд этиш имкони пайдо бўлди.

ЖАЙНИЗМ (ҳинд. «жинна»—«ғолиб») — эраимиздан аввалги I- минг йиллик ўрталарида қад. Ҳиндистонда юзага келган ва оламнинг асосида икки ибтидо: материя ва жон ётади, деб ҳисоблайдиган таълимот. Ж. таълимотига кўра, инсоннинг асосий мақсади ташқи олам ҳукмронлигидан қутулиш ва камолга эришишдир. Инсон табиати ҳам моддий, ҳам

руҳийдир. Жон бир вақтнинг ўзида нафис жон (жива) ва дағал материя (ажива)нинг бирлигидан иборат. Инсоннинг жони (живаси) қандай бўлса, у ҳам шундай бўлади, бу ҳолат эса карма-нафис материяга боғлиқ. Карма жонни (живани) ўз таъсиридан чиқармайди. Яхши ёки ёвуз кармалар мавжуд. Бу эса инсонларнинг турли шахсий сифатларини белгилайди. Ж. таълимотининг тарафдорлари инсон комилликка эришиши мумкин, бунинг учун инсон ўз кармасига риоя қилиши ва ўз эҳтиросларидан қутулишга интилиши керак. Инсон ёвуз кармадан халос бўлиши учун эзгу ишларни бажариши лозим, деб ҳисоблайдилар. Инсон ўз мақсадига эришиши учун тўғри ишончга, тўғри билимга, камтарона ҳаётга интилиши лозим. Ташқи дунёнинг азоб-уқубатидан халос бўлиш мумкин. Унга ҳеч ким ёрдам бермайди. Инсон ҳар доим кечирини тамойилига амал қилиши, тақдирга тан бериши, ҳалол ва ҳақ бўлиши, ўзини тия билиши ва ўзига нисбатан талабчан бўлиши, ташқи дунёга боғланиб қолмаслиги, сабр тоқатли бўлиши керак. Ж.да дунёнинг тузилиши ва моҳияти ҳақида турли ғоялар илгари сурилган. Бу дунё абадий, у ҳеч ким томонидан яратилмаган ва у йўқ қилиб ташланмайди. Оламда кетма-кетлик тартиби мавжуд: қуйи дунёда жинлар ва гуноҳкорлар яшайди, ўрта дунё — биз яшаб турган дунё, кейингиси — худолар дунёси ва ундан юқорида худоларга ўхшашлар дунёси жойлашган. Инсоният тарихида ўтмиш ҳоз. замон ва келажак мужассамлашган. Инсоният бахтдан бахтсизликка ва аксинча ҳаракат қилади. Мазкур таълимотнинг асосчиси Вардхамана бўлиб, у қаландарона ҳаёт кечирган. Ҳаётининг 13 й. давомида тушида Нирваннинг ёруғ нури унинг йўлини ёритган. Ўшандан бошлаб у ўзини «ғолиб» («жинна») деб таниган. Ж. буддизм сингари ўз даврида ва кейинги даврларда ижтимоий ҳаётда муҳим рол ўйнаган. Ж. таълимотининг раҳбарлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш йўлида турли ташкилотлар, иттифоқлар тузганлар. Ана шундай ташкилотлардан бири «Дигамбар-жайнларнинг бутун Ҳиндистон асоциацияси» ва «Шветамбар жайнларнинг бутун иттифоқи»ни кўрсатиш мумкин.

ЖАМИЯТ (араб. — умумий) — табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча; одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуаси. Ж. ўзида моддийлик ва маънавийликни, объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассамлаштиради. Инсониятнинг улуғ мутафаккирлари доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган Ж.нинг туб моҳиятини билишга, инсоннинг Ж.даги ўрни ва ролини белгилашга, тараққиёт мантиғини англашга ҳаракат қилганлар. Турли тарихий даврларда Ж. моҳияти мифологик, диний таълимотлар орқали изоҳланган.

Ж. моҳиятини илмий-фал-ий билиш, Ж.нинг яхлит илмий манзарасини яратиш инсоният маънавий тараққиётининг буюк ютуғи бўлди. Илмий билимлар ва фал-ий тафаккурнинг ривожланиши б-н жамият моҳиятини илмий асосда ўрганиш имконияти вужудга келган. Гегелнинг фикрича, Ж. фал. орқали ўзлигини англайди. Марказий Осиёдан етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари улғу мутафаккирлар Ж.нинг пайдо бўлиши, моҳияти ва истиқболлари тўғрисида илғор илмий қарашларни илгари сурдилар. Форобийнинг идеал (фозил) Ж.ни барпо этиш тўғрисида ғоялари ижтимоий фал. ривожда муҳим ўрин тутди. Ибн Сино Ж.нинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанлигини, ижтимоий тенгсизлик, табиий ҳолат, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши Ж. тараққиётининг асоси эканлигини кўрсатди. Беруний биринчи бўлиб цивилизацияларнинг пайдо бўлишида табиий-географик омилнинг ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини асослашга ҳаракат қилди, жамият ҳаётида оила, тил ва маданиятнинг аҳамиятини кўрсатди. Марказий осийлик мутафаккирларнинг ижтимоий-фал-ий таълимотлари кейинчалик европалик олимлар томонидан ижодий ривожлантирилди. 19-а. ўрталарига келиб Ж.ни илмий асосда тадқиқ этиш, етилган ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишда фан ютуқларидан фойдаланиш, Ж. истиқболни олдиндан кўриш ҳаётий заруриятга айланди. Фарбий Европанинг Г. Спенсер, Э.Дюркгейм, Гегел, М.Вебер, В.Парето сингари назариячи фай.лари Ж.ни табиий-тарихий жараён, мураккаб ижтимоий система сифатида тадқиқ этдилар ва жаҳон ижтимоий фал.си ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ҳар бир ўзгарган тарихий даврда Ж. моҳиятини янгича идрок этиш, янгича ёндашиш зарурияти пайдо бўлади. Турли тарихий даврда яратилган жамият тўғрисидаги фал-ий таълимотларда давр руҳи, Ж.нинг маънавий салоҳияти ўз аксини топади. Ижтимоий назария ва таълимотлар ҳамиша Ж. дуч келган мураккаб муаммоларни ҳал этиш заруриятидан пайдо бўлади. Ж. илғор фал-ий таълимотлар туфайли олға томон ривожланиши б-н ҳозиргача амал қилиб келган таълимотлар ўрнига илғорроқ таълимотларни яратиш ҳаётий эҳтиёжга айланади. Ж. ғоят мураккаб ижтимоий организмдир. У одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳ.к. муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, дин, давлат, ахлоқ ва ш.к. ижтимоий ин-тларнинг мажмуасидир. Ж.нинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини муҳим, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш ҳам бирдай хатодир. Ж. ҳаётининг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалари бир-бири б-н ўзаро боғлиқ. Уларни бошқариш ва такомиллаштиришда

давлат, Ж. ташкилотлари ва кишиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир тарихий даврда Ж.нинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига мувофиқ равишда сиёсий бошқариш усули шаклланади ва амал қилади. Демократик Ж. иқтисодий бозор муносабатлари воситасида бошқарилади, давлат сиёсати иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Ижтимоий рақобат, манфаатдорлик иқтисодий ривожланишнинг муҳим қонунияти сифатида амал қилади. Демократик давлат Ж. маънавий ҳаётини такомиллаштириш, Ж.нинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилади. Давлат Ж. маънавиятининг ҳомийси сифатида таълим-тарбия соҳасида туб ислохотларни амалга оширади. Юксак маънавият тараққиётининг асоси. Ж. таркибини турли синфлар, социал қатламлар ва гуруҳлар ташкил этади. Ж. ижтимоий таркибининг хилма-хиллиги меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши, мулкчилик турли шаклларининг мавжудлиги б-н боғлиқдир. Демократик Ж. мулкдорлар синфи демократик давлатнинг сиёсий ва ижтимоий таянчи, иқтисодий фаровонликни таъминловчи куч ҳисобланади. Демократик Ж.нинг шаклланиши ва тараққиётини маърифатли-ҳуқуқий давлатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ижтимоий фаровонлик ва ижтимоий тотувлик комил инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик Ж. асосларини яратишга, ҳуқуқий билим ва маданиятни ривожлантиришга боғлиқдир. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш муқаррар равишда сиёсий ҳаётни эркинлаштиришни тақозо этади. Фуқаролик Ж. барпо этиш, демократик ин-тларни ривожлантириш, комил инсон шахсини шакллантириш демократик Ж. тараққиётининг бош мақсадидир.

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ — сиёсий ин-тлар, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари мажмуаси. Давлат Ж.с.т.нинг асосий бўғинини ташкил этади ва ўзига хос ўринга эга. Жамият тараққиётининг турли даврларида давлатнинг Ж.с.т. ўрни турлича бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўзига хос ва ўзига мос Ж.с.т. ҳамда миллий давлатчилик негизларини тиклади. Ўзбекистонда Ж.с.т.нинг асосий тамойилларидан бири, давлат ҳокимиятини идора этишнинг Президентлик бошқаруви амал қилди. Ҳоз. илғор мамлакатларнинг Ж.с.т.га демократик тамойиллар, қонун устуворлиги, муқобил сайлов тизими, кўппартиявийлик, сиёсий ин-тлар хилма-хиллиги хосдир.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — омманинг, аҳоли кўпчилиги қатламининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодалов-

чи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурлари. Ж.ф. ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мафкуравий муассасаларнинг омма онига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ ўзгариб бориши мумкин. У ижтимоий оннинг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади. Ж.ф. ақлий, ҳиссий ва иродавий жиҳатларни узвий бирликда ифодалайди ва турли тарзда намоён бўлади. Биринчидан, воқеаларга маънавий муносабат сифатида. Бунда воқеаларни баҳоловчи фикрлар кенг жамоатчилик томонидан бирор-бир тарзда эътироф этилади. Иккинчидан, ғоявий-амалий муносабат сифатида. Унда ҳиссий ва иродавий истаклар, интилиш ва ниятлар оммалашади, жамоатчиликни амалий фаолиятга ундайди. Учинчидан, амалий муносабат сифатида. Бунда кишилар воқеа ва жараёнларга бўлган муносабатларини ўзларининг оммавий ҳаракатлари б-н намоён этади. Ж. ф.нинг кўпчиликка таяниши унинг таъсир кучини белгилаб беради. Муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш ва талқин этишга асосланувчи плюрализмнинг мавжудлиги жамиятда Ж.ф. ранг-баранглигини белгилаб беради. Бунда маълум ижтимоий гуруҳ орасида кенг тарқалган ва муайян аҳамиятга эга бўлган фикрлар бошқа гуруҳ учун эътиборга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Жамият аъзоларининг барча табақа ва қатламларини бирлаштирувчи Ж.ф.ни шакллантириш ва муттасил сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Кенг халқ оммасининг ижобий муносабатини мақсадга мувофиқ равишда шакллантириш, доимий ўрганиш ва ҳисобга олиш тараққиётни таъминлаш ва оқилона қадам қўйишда кучли омил ҳисобланади.

ЖАННАТ — кўпчилик диний таълимотларга кўра, тақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Яҳудийлик, христианлик, ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Барча динларда Ж.дўзахга қарама-қарши қўйилади. Библия (Қад. Аҳд)да Ж. гўзал боғ сифатида тасвирланади, унда Одам Ато б-н Момо Ҳаво яшагани, улар гуноҳ иш қилиб қўйганларидан кейин Ж.дан қувилгани ҳақида ёзилган. Қуръонда Ж. ҳақида бир неча ерда баён қилинган (47: 15; 55: 46—78; 76: 11—22). Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти даврида имонли ҳолида эзгу ишлар б-н шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан Ж.дан жой берилади. Ж.даги ҳаёт абадий, безаволдир. Ж.дагиларни Аллоҳ турли неъматлар б-н таъминлайди. У ерда ғам-ғусса ва ташвиш йўқ. Одамларнинг яхши кўрган барча нарсаси муҳайё этилади. Қуръонда Ж. дарахтзор, ариқларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва қасал ҳам бўлмайди. Диний таълимотда таъкидланишича, Ж.да ҳавзи Кавсар мавжуд бўлиб, унинг

суви оқ ва муздайлиги ҳамда б. хислатлари таърифланади. Ҳавзи Кавсардан Ж. аҳли сув ичади.

Ислом динига кўра, Ж.нинг 8 та дарвозаси бор. Булар: 1) Пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиқ бандалар ва сахийлар; 2) намозхонлар; 3) закот берувчилар; 4) амри маъруф, наҳйи мункар қилган мўминлар; 5) нафсу шаҳватини жиловлаб юрганлар; 6) ҳаж ва умра қилганлар; 7) Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; 8) тақводорлар ва ота-онасини рози қилганлар кирадиган дарвозалардир. Ж.ни кўриқловчи фаришта «Ризвони жаннат» деб аталади. Ж.да энг олий неъмат Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади.

ЖАНР — санъатнинг тур ва хил тушунчаларини уйғун тарзда акс эттирадиган ва инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини умумлашган ҳолда ифодалайдиган бадиий-эстетик тушунча. Ж. тушунчаси санъатни туркумлаб ўрганиш заруриятидан келиб чиққан. Унда бадиий ҳодисаларнинг муайян турига хос бўлган эстетик умумийлик намоён бўлади. Ж. муаммосини менсимаслик санъат наз-ясини асл фаллий ва социологик ёндашишдан маҳрум этади. Ж. тушунчаси талқини у ёки бу санъат тури ва хили доирасида шаклланган бадиий асарнинг мўтадил кўриниши тарзида қарор топган. Мас., бадиий адабиётнинг турлари сифатида эпос, драма идрок этилса, унинг Ж. (кўриниш) лари тарзида роман, қисса, ҳикоя, дoston, марсия, мадҳия, сонет, трагедия, комедия ва ҳ.к. англанади. Бундай таснифни санъатнинг бошқа турларида ҳам кўриш мумкин: мусаввирларда манзара, тарихий сурат, расм, натюрморт ва б. Ж. кўринишлари қадимдан шаклланган бўлиб, мусиқий ижодда ҳам ўзига хос жанрлар тизими мавжуддир. Санъат турларида Ж. тушунчаси муайян асарнинг мазмуни б-н белгиланади. Воқеликни ўзига хос тарзда тасвирлаш услуги ўша асарнинг жанрини келтириб чиқаради. Мас., драматик турнинг трагедия, комедия, драма каби жанрларга бўлиниши воқеликнинг фожеали, кулгили, драматик томонларини акс эттиришдан келиб чиқади. Ж. мазмуни мураккаб ва кўпқатламлидир. Ж. мазмуни ўз таркибида тур, хил, кўринишнинг ўзига хос мазмундорлигини ҳам ифодалайди. Мас., трагедия жанрида ҳаётнинг фожеали тўқнашувлари ва томонлари акс этиши б-н бирга унда ҳаёт тўқнашувларининг инсон иродаси, интилишлари эътиқодларида намоён бўлиши ифодаланади. Санъаткор воқеликни жанр-эстетик баҳо нуқтаи назари орқали идрок этади ва баҳолайди, ўз бадиий режасини амалга ошириш учун у ёки бу Ж.га мурожаат қилади, муайян мазмунни ўзлаштиради, воқеликка ўз муносабатини билдиради. Ж.лар ўз мазмуни ва хусусиятларига кўра томошабин, ўқувчи, эшитувчининг у ёки бу талаб-эҳтиёжларига мос тарзда таъсир ўтказиши. Трагедия Ж.и ҳис-туйғуга таъсир ўтказишнинг алоҳида тури

сифатида чуқур ўйга толдиради, комедия кулдиради, роман, қисса ўқувчининг фикр-туйғулари ва ҳаёлларига ўзгача таъсир этади. Ж. ижтимоий-тарихий тушунча бўлиб, унинг ривожланиш ва ўзгариш, бирининг йўқолиб, иккинчисининг вужудга келиш жараёнлари соф санъат доирасидан ташқаридаги ижтимоий омилларга боғлиқ. Шу б-н бирга Ж.да санъат тараққиётининг мустақиллиги қонунияти ҳам намоён бўлади. Ж.ларнинг янгиланиб туриши, санъат куч-қудратининг рамзий ифодаси, унинг ҳаётий ва ғоявий мазмундорлиги гаровидир. Бу ҳол буюк санъаткорлар ижодида намоён бўлиб келган ва ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда.

ЖАРАЁН — воқеа ва ҳодисалар ривождаги узлуксизликни ифодаловчи фалсафий тушунча. Ж. социал, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, партиявий, этник-миллий, демографик, ахборот ҳамда илмий ва бошқа соҳаларга бўлиниши мумкин. Миқёсига кўра умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга молик Ж.лар бир-биридан фарқланади. Ижтимоий Ж.лар, одатда, уларни белгиловчи омиллар ва манбаларга нисбатан сабаб ва оқибат сифатида намоён бўлади. Демак, ҳар қандай Ж. шу жумладан, ижтимоий Ж.лар зоҳирий ва ботиний асосларга эга бўлиб, улар, айтиш чоғда, ўзида сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодифият категорияларида ўз ифодасини топадиган муносабатларни англатади. Ижтимоий тараққиётнинг таркибий қисми бўлган Ж.лар жамият кайфиятига таъсири нуқтаи назардан салбий ва ижобий тарзда кўзга ташланади. Ж. инсон омилининг кучи ва қудратига боғлиқ. Уларни бошқариш, мақсад сари йўналтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

ЖАСОРАТ — ахлоқ категорияси; қаҳрамонлик хатти-ҳаракати, инсон комиллигини кўрсатувчи маънавий-ахлоқий ҳодиса. Ж. инсондан жамият ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўта ноқулай шароитларда куч ва имкониятларни тўла сарфлашдир. Қундалик турмушда одатдан ташқари ҳолатлар, қутилмаган хавфли вазиятлар ва таҳдидларда халқ манфаатлари учун ихтиёрий равишда ўз ҳаётини хавф остига қўйган ҳолда ҳалокат олдини олишдир. Ж. фақат уруш ва фавқулодда ҳолатлардагина эмас, балки, бахтсиз ҳодиса туфайли ижтимоий ҳаётда инсон ҳаётига бўлган таҳдидни бартараф этишда ҳам намоён бўлади. Ж. ижтимоий ҳаёт жараёнида қутилмаган ҳолатларда инсондан қатъий ҳаракат ва қарор қабул қилишни тақозо этади. Шу боисдан Ж. моддий ёки маънавий манфаатдорлик эвазига амалга оширилмайди. Инсон ўз ҳаётини, бахт-саодати ва орзу-умидларини жамият учун бағишлаб, ўзининг маънавий хоҳиш-иродасини намоёниш этиш қобилиятига эгадир. Шунинг учун Ж. тарихий шахслар ва алоҳида кишиларнинг қисмати эмас, балки ҳар бир

инсон учун ҳам хос бўлган ахлоқий фазилатдир. Ж.нинг мазмуни кўп ҳолатларда оммавий ҳаракатларнинг бошланишида, умумиллий манфаатларни ҳимоя қилишда биринчи қадам, биринчи қарорларда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Ватан, миллат манфаатларини ҳимоя қилишда инсон улкан вазибаларни бажаришга эришади. Шу боисдан ҳам у Ж. сифатида жамият аъзолари учун намуна хизматини ўтаб, маънавий-ахлоқий қадриятга айланади.

ЖИЛЬСОН (Jilson) Этьен Анри (1884.13.6. Париж, — 1978.19.9, Краван) — француз диний файласуфи, неотомизм оқимининг етакчи намоёнаси. Ж. ақл б-н эътиқоднинг уйғунлашувига, фал. б-н диннинг узвий боғланишига эришиш зарурлиги ҳақидаги Фома Аквинский таълимотини қайта тиклашни ўз тадқиқотининг асосий вазифаси деб билган. У Маритен сингари илоҳий борлиқни экзистенциал изоҳлашни тавсия этган. Бундай изоҳланишда илоҳий борлиқ табиат ва жамият дунёсидаги барча хилма-хил нарсалар пайдо бўлишига олиб келадиган соф мавжудлик акти сифатида намоён бўлади. Билиш наз-ясида Ж. моддий ва руҳий шакллардан ташкил топган нарсаларнинг индивидуал субстанцияларидир, уларни ҳиссий босқичда била олади, деб ҳисоблайдиган бевосита муътадил реализмга риоя қилади. Борлиқни интуитив билишга таянадиган муҳокамада нарсанинг мавжудлигини қайд этиш б-н бир пайтда унинг моҳияти ҳам очилади. Ж.нинг бу умумдунёқараш йўналиши унинг тарихий-фал-ий таҳлил концепциясининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ж.нинг фикрига кўра, турли даврда фал.лар борлиқни ўзига хос талқин этадилар. Шу маънода, тарихчи ўзининг борлиқ сари йўлида ҳеч қачон тўхтатмайдиган абадий фал. б-н иш олиб боради. Шу нуқтаи назардан фал-ий адашувлар дунё ва инсон ҳақидаги нисбий, нотўлиқ тасаввурларни мутлақлаштирилиш натижаси сифатида намоён бўлади. Ж.нинг қарашларига кўра, антик фал.даёқ Платон, Арасту ва неоплатончилар борлиқни билиш соҳасида жуда кўп ишларни амалга оширганлар. Бу билимни патристика намоёндалари ва ўрта асрлар мутафаккирлари томонидан христианлик б-н бирлаштирилишини Ж. фал. б-н илоҳиётчиликнинг бирлиги стратегиясини белгилаб берган самарали қадам деб баҳолади. Ж. ўрта асрлар тафаккурининг чўққисини Фома Аквинский таълимотида кўради. Уйғониш ва Янги давр фал.сининг кейинги ҳолатини у салбий оқибатларга ҳамда фал-ий-теологик донишмандлик б-н фан орасидаги муросанинг бузилишига олиб келган жараён деб қараган. Унинг фикрига кўра, Декарт ва Кант асарларида юзага чиққан фанга сциентистик топиниш (сажда қилиш) позитивизм аънарасида ривожлантирилди ҳамда бу ҳолнинг қарама-қарши қутби бўлган анти-сциентизм ҳам вужудга келди. Булар орасидаги кураш, Ж.нинг уқдиришича, 20-а. Фарб фал.сининг

умумий манзарасидаги энг муҳим хусусият бўлиб, у фақат томизм таъсирининг қайта тикланиши туфайли барҳам топиши мумкин. Ж. ҳоз. давр маданиятининг келажагини диний-ахлоқий қадриятлар таъсирининг қайта тикланиши б-н боғлиқ, деб билган.

ЖИНОЯТ — ахлоқийлик тамойиллари асосида таркиб топган ҳуқуқий талаблар, қонун-қоидалар устувор бўлган фуқаролик жамиятида ушбу меъёрларга менсимасдан муносабатда бўлиш оқибатида шахсий манфаатлар устунлиги ҳамда ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини бузиш натижасида содир этилган ҳодиса. Ахлоқий категория сифатида Ж. тушунчаси кишиларнинг муайян нопок мақсадларини амалга ошириш йўлидаги амалий хатти-ҳаракатлари мажмуасини акс эттиради. Башарият тараққиёти давомида жамият ривожини ва равнақини учун хизмат қилувчи эзгу муддаоларни мақсад қилиб олган ҳодисалар қатори унга зид равишда, баъзан Ж. туркумига кирувчи ҳодисалар ҳам содир этилиб келади. Бу ҳодисалар жамият тараққиётига хизмат қилмайди, балки, уни таназзулга етаклайди. Шу боис жамият аъзолари ҳамда турли ижтимоий ташкилотлар, социал ин-тлар томонидан Ж. ҳодисаси қораланиб келади ва унга қарши кураш олиб борилади. Бу йўлда даставвал Ж.ни келтириб чиқарувчи сабаблар ва мотивларни аниқлаш муҳим. Зеро, ҳар қандай Ж., аввало, ижтимоий ҳодиса сифатида тасодифан рўй бермайди. Ҳаттоки, баъзан эҳтиётсизлик оқибатида тасодифан рўй берган Ж. дея талқин этиладиган ҳодиса ҳам, аслида, муайян ижтимоий илдизларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бу ҳодисанинг шарт-шароитларга боғлиқ сабабларини аниқлашдан, унга қарши кураш кўзланган самарани бермайди. Фақат шундан сўнггина турли усул ва воситалар ёрдамида унга қарши курашиш лозим бўлади. Агар Ж.га қарши кураш олиб борилмаса, бир Ж.нинг иккинчи Ж.ни келтириб чиқариши хавфи ортиб боради. Бу эса, жамият ҳаётида жиноятчилик деб аталмиш ҳодисанинг илдиз отишига олиб келади. Бу ҳолда жамиятнинг маънавий ҳаётига катта путур етади. Ж.чилик туфайли давлат ва жамиятга катта моддий ва маънавий зарар етиши, кишиларнинг тинч-осойишта турмуши издан чиқиши, давлат бошқарувидаги барқарорлик ўрнига беқарор тартибсизликлар рўй бериши мумкин. Бинобарин, Ж. амалдаги ахлоқий, маънавий, ҳуқуқий тамойиллар ҳукмрон бўлган жамият ҳаётига ёт ҳодисадир.

ЖОН — фалсафа тарихида номоддий субстанция, руҳ б-н маънодош тушунча. Қад. қарашларга кўра, инсон ва ҳайвон вужудида (баъзи ўсимлик ҳам) яшовчи, уйқуда ёки ўлим ҳолатида танани тарқ қилувчи алоҳида куч (жоннинг кўчиши ҳақидаги таълимот-метемпсихоз). Космоснинг умумий жонлилиги ҳақидаги таълимот (гиллозоизм, панпсихизм) дунё-

вий жон ҳақидаги таълимот асосидир (Платон, неоплатонизм). Аристотелда жон тирик тананинг фаол ибтидосидир. Динларда инсон жони Худо томонидан яратилган тақдорланмас, абадий маънавий ибтидодир. Пантеистик аверроизмда Ж. якка маънавий субстанция сифатидаги индивидуалликдир (монопсихизм). Декарт дуалистик метафизикасида жон ва танани иккита мустақил субстанция сифатида фарқлади ва уларнинг ўзаро таъсири масаласини психофизик муаммо сифатида муҳокама қилди.

ЖОМИЙ Абдурахмон (1414—1492) — форс-тожик шоири, мутафаккири ва файласуфи. Навоийнинг ус-този ва дўсти. Ж. донишманд ва маданият арбоби эди. Унинг ижоди ва ижтимоий фаолияти ғоят кўпқирралидир. Ж. ўз даври адабиётини юксак поғонага кўтарган улкан шоир. У «Фотиҳат уш-шабоба» («Ёшликнинг очилиши»), «Воситат ул-икд» («Ўрғаликдаги дур»), «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси») деб номланган шеърларни ўз ичига олган уч девоннинг муаллифидир. Шу б-н бирга у «Тухфат ул-аҳрор» («Нуронийлар тухфаси»), «Субҳат ул-аброр» («Тақводорлар тасбеҳи»), «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий» («Искандар донишномаси»), «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжирлар») ҳамда «Саломон ва Абсол» дostonларидан иборат «Ҳафт авранг», «Баҳористон» ва б. асарлар ижодкоридир. Шоир ўз дostonларида ғоят юксак бадиий маҳорат намунаси бўлган хилма-хил образлар силсиласини яратди. Унинг Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо, Саломон ва Абсоли, Искандар ва Флотуни жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган нодир образлардандир. Ж. инсонни улуғлади, Ватан ҳақида қайғурди. Одамлардаги зарарли хулқларни қоралади, фитна ва фужурни, худбинлик ва айёрликни, мунофиқлик ва алдамчиликни, текинхўрлик ва талончиликни кескин танқид остига олди. Шоир бундай иллатларга ўралашиб қолган одамларга ҳалол, виждонли, инсофли, адолатли одамларни, чин инсоний фазилатларни қарама-қарши қилиб қўйди. Шоир ўзининг ҳажвияларида воизлар, зоҳидлар, шайхларнинг, амалдор гумашталарнинг ярамас хулқ-атворларини аёвсиз танқид қилди. Уларнинг бутун фаолиятлари заминида фирибгарлик ва ғаламислик, қабоҳат ва разолат, мунофиқлик ва шуҳратпарастлик каби жирканч иллатлар ётишини фош этди. Ж. б-н Навоий ўртасидаги дўстлик, умуман, буюк шахслар ўртасида бўлган энг ибратли ва энг самимий дўстлик намунасидир. Бу дўстлик икки халқ ўртасидаги асрлар мобайнида мавжуд бўлган аҳиллик ва ҳамкорликнинг ажойиб тимсоли эди. Бу дўстлик ҳаминша мамлакат тақдирини ҳал қиладиган улкан масалаларда ҳам, бадиий ижод масалаларида ҳам намоён бўлди ва ўзининг яхши самараларини берди. Ж. ва Навоий биргаликда мамлакатда кенг қанот

ёйган зулм ва адолатсизликни, ҳокимларнинг ўзбошимчалиги ва разилликларини қоралашди, юртни обод, халқ турмушини яхшилаш ҳақида ўйлашди. Ж.олийжаноб ва илғор фикрларни ифода этувчи шундай юксак сўз санъати намуналарини яратдики, улар дунё маданияти хазинасини бойитди ва жаҳоннинг деярли барча маданий мамлакатларига ёйилди: ярим минг йил мобайнида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Эрон, Кавказ ва Идил бўйларида адабиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келди. Шоирнинг номи ва асарларидан намуналар, Европага ҳам етиб борди. Мас., улуғ мутафаккир ёзувчи Гёте Ж.ни ўзидан юқори қўйиши ва уни «форс классик поэзиянинг порлоқ юлдузи», — деб мадҳ этиши тасодифий эмас, албатта. Ж. барча халқларга, шу жумладан, ўзбек халқига, уларнинг маданиятига чуқур ҳурмат б-н қаради. Ж. қолдирган обидалар — ажойиб асарларни ўзбек халқи жуда яхши билади ва севади. Унинг ўзбек адабиёти тарихида ўз ўрни бор. Ўзбек классик адабиётининг кўзга кўринган деярли барча намоёндалари Ж.ни катта ҳурмат б-н тилга оладилар.

ЖУРЖОНИЙ Мир Саййид Шариф (1339, Астро-бод — 1413, Шероз) — машҳур ўзбек файласуфи ва тилшунос олим. Мирзо Улуғбекнинг устозларидан бири. Дастлабки таълимни Астро-бодда олган. 1365 — 68 й. Ҳиротда машҳур фай. Кутбиддин Муҳаммад ар-Розий ат-Тахтонийдан илм ўрганади. 1368 — 70й. турк фай. Муҳаммад Оқсарой ва Муҳаммад Мулла Фанорийдан фал. ва мантиқ илмларидан сабоқ олиш учун Қоратон шаҳрида яшайди. 1370й. Қоҳирага бориб, 4 йил давомида машҳур мантиқшунос Муборакшоҳ ва Акмалиддин ал-Бобартийлар маърузаларини тинглаб, 1374й. Истамбулда илмий изланишларини давом эттирди. У ердан Ватанга қайтиб, 1387й.гача Шероз мадрасаларида дарс берди. Шероз Амир Темур томонидан фатҳ этилгандан кейин Ж. ҳам бошқа машҳур кишилар қаторида Самарқандга жўнатилган. Бу ерда у 20 й.дан ортиқ вақт яшаб, баракали ижод қилди. Ж. умри давомида 50дан ортиқ асар ёзиб, бу асарлар фаннинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Билиш наз-яси ва мантиққа доир «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Усули мантиқийа» («Мантиқ усули»), «Сугро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсаг дар мантиқ» («Мантиқда ўрта хулоса») каби асарлари бизга етиб келган. Бундан ташқари, Ж. бир қатор машҳур асарларга шарҳ ва ҳошиялар ёзган. Унинг 14-а. фай.и Иззиддин Абдурахмон ал-Ижий (1300—1356)нинг «Мавоқиф фи илм ал-калом» («Калом илмидаги манзиллар»)га ёзган шарҳи замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари учун фал. ва мантиқ бўйича ўзига хос қомус мақомига эга бўлди. Шунингдек, Ибн Синонинг «Ишорот» («Кўрсатмалар») асарига ёзган шарҳи, Насириддин Тусийнинг «Таж-

рид» («Абстракция») асарига шарҳ ёзган шайх Шамсуддин Муҳаммад Исфажоний (1294—1349)га жавоб тариқасида ёзилган ҳошияси диққатга сазовордир.

Ж. дунёқараши ўрта асрлардаги бутун фал.ий масалаларни, чунончи, борлиқ ҳақидаги таълимот, кинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонли ва жонсиз дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, билиш муаммолари, мантиқий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқалари ва б. ни ўз ичига олади. У «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» рисоласида дунёнинг умумий манзарасини яратишга ҳаракат қилди. Мазкур рисоланing 1-бобида вожиб ул-вужуд (Худо) ва мумкин ал-вужуд (моддий олам) ҳақида фикр юритиб, мумкин ул-вужуд биринчи сабаб қимматига кўра вожиб ул-вужуд даражасига кўтарилади, деб таъкидлайди. Табиатдаги ҳаракат ва ўзгаришлар бирор сабаб туфайли фақат макон ва замондагина рўй беради. Ж. бутун борлиқни бир-бирига қонуний равишда боғланган бўлақчалардан иборат ягона тана сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур: олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади. Уч унсурдан иборат бошқа жисмлар, яъни, маъданлар, ўсимлик ва ҳайвонлар эса, мазкур тўрт унсурнинг бир-бирлари б-н қоришишининг ҳосиласи сифатида келиб чиққандир. Тўрт унсур доимо ҳаракатда эканлигидан ўзгарувчан бўлиб, бири иккинчисига айланиб қолиши мумкин. Ж. фал.сида моддийлик гоёларигина эмас, балки диалектик дунёқараш мавжуд. Унингча, атрофдаги дунё ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг кетидан тартиб б-н жойлашиши лозим, чунки бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Ж. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари мантиқий меросининг барча оқимларини таҳлил этиб, уларни янада ривожлантирди. У ўз ижодида мантиқни фал.дан ажратмаган ҳолда, унинг кўпроқ тил ва ҳуқуқ соҳаларида қўлланилишини таъминлади.

Ж.нинг таъкидлашича, наз-ий билимлар ҳаётий тажрибада ҳосил қилинган бошланғич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли б-н киритилади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса деб атади ва унинг уч турини кўрсатиб ўтади: қиёс (силлогизм), истекро (индукция) ва ҳадс (аналогия). Булардан қиёс хулосанинг бош тури ҳисобланиб, наз-ий билимлар ҳосил қилишнинг асосий воситаси сифатида майдонга чиқади. Ж.нинг фикрича, тўла бўлмаган индукция фақат тахминий мулоҳазани вужудга келтиради, шунинг учун, индуктив йўл б-н ҳосил қилинган билимлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Чунки инсон тажрибаси ҳеч вақт тўла мукамалликни бермайди.

Ж.нинг фал-ий қарашлари кейинчалик Улуғбек Академияси вакиллари томонидан ривожлантирилди.

3

ЗАВҚИЙ Убайдулло Солиҳ ўғли (1853—1921) — ўзбек демократ шоири, мутафаккири. Қўқоннинг Шайхон маҳалласида қосиб оиласида туғилган, «Мадрасаи олий» ва «Чалпак» мадрасаларида таълим олган. 1874 й. оилавий қийинчилик туфайли ўқишни тўхтатиб, маҳсидўзлик б-н шуғулланишга мажбур бўлди, лекин адабиёт б-н мустақил шуғулланди, мирзалик қилди, шу даврда Хўжанд, Бухоро, Самарқанд, Ўш, Андижон, Тошкент, Марғилон шаҳарларида бўлди. З. 1900 й.да Кавказ, Кичик Осиё, Миср, Арабистон ва б. мамлакатларга борди. 1903 й.да Қўқонга қайтиб, ўз ижоди б-н шуғулланди. З.нинг ижодий фаолияти мадрасада талабалик йиллариданоқ бошланган. Унинг асарларида халқчиллик руҳи кўпроқ ўрин эгаллаган. З. ўз ижодида Муқимийнинг ҳажвчилик йўлини давом эттириб, ҳажв ва юмор жанрини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди: у жамиятдаги адолатсизликни, амалдорларнинг зўравонлиги ва ўзбошимчалигини, бойлар, савдогар-чайқовчиларнинг қабиҳлиги ва ҳасислигини, айрим шахслар характери ва фаолиятидаги пасткашлик ва ахлоқсизликни, бузуқлик ва очкўзликни, жаҳолатпараст дин пешволарининг мунофиқлигини фош этди. З. муҳаббат мавзусида ҳам лирик асарлар яратди, яхши инсоний фазилатларни улуғлади, ўз даврининг илғор ғоялари учун курашди. Унинг адабий мероси девон ҳолида тўпланган эмас, лирик газал, мухаммаслари, айрим ҳажвий ва юмористик шеърлари 19-а. охири ва 20-а. бошларида тузилган турли қўлёзма, мажмуа ва баёзларга, шунингдек, литографик нашрларга кирган, айримлари матбуотда эълон қилинган. З.нинг ижодий мероси бир неча бор нашр этилди, рус ва б. тилларга таржима қилинди.

ЗАЛКИНД Арон Борисович (1886—1936) — рус файласуфи, врач ва психологи. 1913 й. «Психотерапия» журналида чоп этган мақоласида З.Фрейд ғояларидан психоневрозларни ўрганиш ва даволашда фойдаланиш мумкинлиги ғоясини илгари сурди. Адлернинг индивидуал психология наз-яси б-н қизиқди, жамиятга психоневрологик нуқтани назардан қарашнинг наз-ий асосларини ишлаб чиқди. З. 20-й.лари олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра, ВКП(б) фаолларининг 90% асабий хасталикка гирифтор бўлганлигини, бунинг асосий сабаби уларнинг ўз касбига муносиб эмаслиги ва маданий-интеллектуал қолақлиги эканлигини кўрсатди. 1924 й. эълон қилган «Фрейдизм ва марксизм» мақоласида З.Фрейд ва К.Маркс ғояларининг туташ нуқталарини топишга ҳаракат қилди. З. 1928 йилдан идоралараро педалогия комис-

сиясининг раиси бўлди. 1930 йилдан Психология, педагогия ва психотехника ин-тининг директори лавозимида ишлади, 1932 йили бу лавозимида олинди. З. муҳаррир бўлган «Педагогия» журнали ёпилди. З. «озчиликни ташкил этувчи идеалистик эклектизмда» айбланди. З.нинг асосий асарлари: «Совет жамияти шароитида жинсий масала» (1926), «Жинсий тарбия» (1928).

ЗАЛУССКИЙ Лука (1604—1676) — белорус файласуфи ва педагоги. 1925—1628 й. фал. ва илоҳиётни ўрганди, 1620 й. пезуштлар орденига аъзо бўлди. Вилен Акад.сида фал. ва илоҳиёт бўйича дарс берди. 1652 й. илоҳиёт доктори унвонига эга бўлди. 1640 й. ўз талабаси М.Мнишик номидан «Универсал фалсафий» китобини чоп этди. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Амалий фалсафий» («Этика», «Иқтисод», «Сиёсат»), иккинчи қисми «Назарий фалсафий» («Логика», «Натурфалсафа», «Метафизика») деб аталди. У Аристотелнинг фан таснифидан фойдаланди, бироқ инсон тўғрисидаги фанни биринчи ўринга қўйди, фал.нинг амалий вазифаларига алоҳида урғу берди, фал.нинг ахлоқий фан эканлигини таъкидлади.

ЗАМАҲШАРИЙ (Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замаҳшарий), (1075, Замаҳшар — 1144, Бағдод) — Ўрта осиелик қомусий олим. Дастлабки билимларни отасидан олди. Сўнг Урганч ва Бухоро мадрасаларида ўқишни такомилига етказди. Урганчга келиб, сарой хизматида бўлди. З. ижоди серқирра ва сермаҳсул бўлиб, элликлдан ортиқ йирик асарларнинг муаллифи сифатида бутун дунёга машҳурдир. Унинг қаламига мансуб «Ал-Кашшоф», «Ал-муфассал», «Навобиг ул-калом», «Атбоқ уз-заҳаб», «Мақомот аз-Замаҳшарий», «Муқаддимат ул-адаб», «Ал-муҳамал-арабий ал форсий», «Асос ул-балоға» ва б. асарлари бутун мусулмон оламида кенг тарқалган. «Ал-Кашшоф» асари тўққиз асрдан буён машҳур ислом мадрасаларида Қуръони Каримни ўрганишда асосий қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. З. Хоразмшоҳ Отсизга бағишлаб ёзган «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиётга кириш») ўзбек тили тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. З. фал.ий дунёқарашини, асосан, икки нарса белгилаб берди. Биринчидан, у мўътазалийликка мойиллиги б-н ажралиб турса, иккинчидан, билишда ақл орқали олинган билимларнинг ҳақиқатлигини тан олиб, рационализм тарафдори эканлигини кўрсатди. З. қарашларида ақлий (мантиқий) билиш ҳақиқат мезони сифатида берилди. «Дин беморлар учун яхши

дори, фал. эса, соғлом кишилар (ақли расо) учун озиқдир», «ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи, еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофида айланар», шунинг учун ҳам, «эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, тафаккур ва идрок б-н иш тут», — дея таъкидлайди. З. мероси халқимиз маънавиятини янада юксалтиришда муҳим манбадир. Шу сабабли З. таваллуди 2000 йилда кенг нишонланди, унинг мероси атрофлича ўрганилмоқда.

ЗАРВОНИЙЛИК (зрвана-вақт) — вақтни мавжуд дунёдаги реал нарса ва ҳодисаларни тартибга солиб турувчи, жараёнларнинг кетма-кетлигини таъминловчи, оламдаги барча жисмларни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч сифатида талқин этадиган таълимот. Олий илоҳнинг энг дастлабки мавҳум образи сифатида шаклланган яккахудоликнинг илк тасаввурдаги образи бўлган вақтни Зрвана (Зирвана, Зарвон) деб атаганлар. Илмий адабиётларда дастлабки монотеистик таълимот бўлган бундай қарашларни Зрванизм (Шарқда З.) деб юритилади. Кишилиқ жамияти равнақида табиатдан олдин, табиатни ҳаракатлантирувчи ва табиатдан ташқарида мавжуд, деб эътироф этилган оламнинг ягона субстанцияси орқали тасаввур қилиниши, ҳеч муболағасиз, маънавий баркамолликнинг бошланиши ҳисобланган, ижтимоий тараққиётнинг кейинги йўналишини белгилаб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этган эди. З. таълимоти Моний томонидан ишлаб чиқилган таълимотда изчил химоя қилинган эди.

ЗАРДУШТ (Зардуст, Заратуштра, Зороастр) — дунёда яккахудолик (монотеизм)ни тарғиб этган илк мутафаккирлардан бири. Унинг туғилган вақти тўғрисида бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Абу Райҳон Беруний З.ни Искандардан 258 й. олдин дунёга келган, деган фикрни айтади. Лекин кейинги тадқиқотлар, айниқса, «Авесто»нинг Готлар қисмини, унинг тили ва келтирилган тарихий даврларини чуқур таҳлил қилиш орқали З. мил.ав. 8-а. яшаб ижод этган ва мил.ав. 8-а.нинг охирилари 7-а.нинг бошларида вафот этган, деган хулосага келинмоқда. З.нинг асл номи Магупта бўлиб, мил.ав. 8-а.нинг биринчи чорагида куйи Амударё ҳудудларида ташкил топган қабилалар иттифоқига қарашли Спитама уруғидан чиққан Пуришасп исми кишининг ўғли бўлган. Онаси ана шу уруғга мансуб бўлган Фарохимнинг қизи Дурдова исми аёл бўлган. Ёшлигида отаси уни ўз даврининг оқил одамларидан бири бўлган Барзин қуруш (чўпон)га шогирдликка берди. Барзин қуруш тарбиясида 7 ёшдан то 15 ёшгача бўлиб қабилалар орасида кенг тарқалган, турли соҳа тангриларини мадҳ этувчи яштларни ёд олади. Қабилалар орасидаги зиддиятларнинг асл сабабчиларидан бири кўпхудолик

эканлигини англаб етган 23 ёшли Магупта (З.) бутун оламнинг қудратли ҳукмдори ва дунёвий ақл (руҳ шаклида тасаввур этган) Ахура Маздагагина итоат этиш лозим деган қарорга келади. Ўз гоёсини ўттиз ёшларидан бошлаб, ўз уруғи ва қабиладошлари орасида тарғибот қила бошлайди. Лекин ҳар бир Худого алоҳида ибодат қилиб одатланган кишиларга якка Тангрига сажда қилиш кераклигини сингдириш ниҳоятда мушкул иш эди. З. ўз қабиладошлари томонидан бадарга қилинади. Ўн йил чўлу биёбонлар, тоғу тошлар, турли шаҳару қишлоқларни кезиб яна ўз юртига қайтади. З. ўз қабиладоши, лекин бошқа уругдан чиққан қизга уйланиб, учта ўғил ва учта қиз кўради. Қизлари: Фрини, Трини, Пуричисто, ўғиллари: Иставатр, Уруватр, Хурчитра эканлиги тарихий манбалардан маълум. У уч марта уйланган деган маълумотлар бор. З. яшаган даврлар Арёшайона (тарихда «Катта Хоразм» давлати деб ҳам юритилади) давлатнинг инқирози бошланган давр эди. Дастлаб Арёшайона давлатидан Шимолий Афғонистондаги Бахтар (Авестода «Баҳди») ўлкаси ажралиб чиқади ва ўзини мустақил давлат деб эълон қилади. Мустақил Бахтар давлатининг ҳукмдори Гуштасп (Виштасп) саройига бориб З. кароматларини кўрсатиб, уларга ўз эътиқодини қабул қилдиради. Гуштасп иродаси б-н З. томонидан ижод этилган Гота мадҳиялари кейинчалик шогирдлари томонидан тўпланиб, бир китоб шаклига келтирилди. З. етмиш етти ёшида ўзи томонидан тархи чизилган марказий ибодатхона (оташкада)нинг очилиш маросимида ҳукмдор Аржасп буйруғи б-н Братар Вахш томонидан ўлдирилди.

ЗАРДУШТГИЙЛИК (оташпарастлик, зороастризм) — мил.ав. 8 — 7 а. куйи Амударё ҳудудларида вужудга келган яккахудоликни тарғиб этадиган дин. З. Зардуст томонидан ислоҳ қилиниб, тақомиллаштирилди. З. таълимоти миллоддан олдинги 7-а.да Арёшайона давлати (тарихда Катта Хоразм давлати деб юритилади)нинг инқирозга юз тутган давр вужудга келди. Бу даврда турли худоларга сажда қилувчи қабилалар ўртасидаги зиддиятлар парчаланиб кетаётган жамият (давлат)нинг ички қарама-қаршилигини янада кучайтиришга олиб келган. Мамлакат инқирозининг олдини олиш учун қабилалар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, умумий манфаатлар муштараклигини тарғиб қилувчи муайян мақсадга қаратилган изчил гоёлар яратиш зарурияти вужудга келган. Бундай таълимот, биринчидан, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини сақлаб қолиш учун хизмат қилиши, иккинчидан, уруғ ва қабилавий динлардан устун турувчи ҳамда барча уруғ ва қабилалар манфаатларига мос тушадиган эътиқод шаклини яратиши, учинчидан, ҳар қандай қонли урушлар ва хунрезликларга қарши халқларни осойишталикка чақириши, тўртинчидан,

давлат чегараларидан ташқари кўчманчи чорвадор қабилалар ҳужумига қарши мамлакат ичкарасидаги кучларни жипслаштирувчи ғоялар тизимини шакллантириши зарур эди. Бундай ғоялар тизими эса, ўз даврининг сиёсий ташкилоти бўлган Ар-йашайона давлатининг мафқурасидан бошқа нарса бўлиши лозим эди. Қабилалар ўртасида муштарак манфаатларни шакллантириш учун қабилаларнинг умумий эътиқодини вужудга келтириш зарур эди. Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб инсоният маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши якка худолик (монотеизм)га, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўрқув даҳшати остида сизғинишган бўлса, эндиликда эса 3. одамларга қалби кишиларга меҳр-шафқат б-н тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлимидан кейин мангу фаровон ҳаёт б-н таъминлай оладиган тангри Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди. 3. диний эътиқодда дуализм (икки худолик)ни эмас, яккахудолик (монотеизм)ни тарғиб қилган. 3. дунё — ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, ёлгончилик ва ростғўйлик, ваҳшийлик ва эзгулик, жоҳилик ва шафқатлилик, аҳмоқлик ва ақллилик, паст ва баландлик, олов ва сув, иссиқлик ва совуқлик каби қарши кучлар ўртасида кечадиган аёвсиз кураш майдони сифатида тасаввур қилинади. Оламдаги барча яхшилик, эзгулик, ёруғлик кучларини Ахура Мазда яратади ва бошқаради. Ёмонлик, тубанлик, ёлгончилик ва ҳ.к. кучларнинг ижодкори ва унинг бошқарувчиси қилиб, Анхра Маунйу деб тушунилади. Ахура Мазда ўзининг олтига ёрдамчиси б-н барча ёруғ оламни бошқаради. Бу «Мангу яшашга молик муқаддас руҳлар» Ахура Мазда раҳнамолигида мавжудликнинг турли соҳаларини ўзида мужассам этадилар. Ҳаёт деб аталувчи барча нарсалар: инсонлар, чорва, олов, ер, осмон, сув ва наботот (ўсимликлар) дунёсига ҳомийлик қиладилар. Муқаддас руҳлар («Авесто» битикларида «Амеша Спента деб айтилади) жами олтига бўлиб, улар Муқаддас руҳ Спента Манйу ёрдамида вужудга келтирилади. 1) Воху Ману — эзгу фикр; 2) Аша Вахишта — энг олий ҳақиқат; 3) Спента — муқаддас эътиқод, диёнатга содиқлик (иймон); 4) Хишатра — Варйа — ҳукмронлик хоҳиши; 5) Ҳарватат — яхлитлик; 6) Амеретат — мангулик; Ахура Мазда б-н жами еттита;

Еттита ҳамфикрлар
Еттита ҳамризолар
Еттита ҳамкор ҳукмдор
Фикр ва сўз эгалари
ҳаммасининг ташвиши бир

ҳаммаси ҳам бир уруғдан
Ахура Мазда исмли
Яратгувчи сарбондан

(Авеста. 19-яшт. Гимн Хварно. Душанбе, 1990, 129-бет. Тоҳир Карим таржимаси). 3. таълимотида Анхра Манйу-барча ёмонлик, зулмат кучларнинг тимсоли сифатида у ҳам Жин, Шайтон, Иблис, Алвасти, Жодугар, дев, аждаҳо, Илон ва ҳ.к.ларни яратиб улар ёрдамида одамлар қалбига кўрқув, даҳшат уруғларини сочиб ўзларига тобе қилишга уринадилар. Бушйаста — одамларда ялқовлик, дангасаликни кучайтирувчи, одамлар эрта б-н турмоқчи бўлганида ўзининг узун қўллари б-н бошини ёстиққа босиб яна уйқуга элтувчи иблис қиёфасидаги дев. Гандарва — дарёлар, қўллар, денгиз сувларини бошқарувчи, сув тўфонлари, тошқинлари, кема ҳалокатларини Амударёда дагишларни келтириб чиқарувчи қудратли гавдали, кўрқинчли кўринишдаги қип-қизил кўзи б-н одамлар қалбига даҳшат солувчи иблис қиёфали дев. Мозон девлари узоқ шимол томонда, мангу қаҳратон совуқ ҳукмрон бўлган олис Урал тоғлари орқасида макон тутган, одамлар ҳаётига аралашиб турадиган, уларнинг тақдирларига таъсир кўрсатувчи девлар ва ҳ.к. Одамлар бу икки қудрат ўртасидаги чегарада ҳаёт кечирадилар. Ахура Мазда ўз ёрдамчилари, маъбуд ва маъбудалари, ҳур фаришталари б-н етти қават осмонни ўзларига маскан тутадилар. Анхра Манйу ўз салафлари б-н етти қат ер тагини ўзларига маскан тутадилар. Бу икки ҳукмдор салтанатларининг чегаралари ер юзасидан, одамлар қалбидан ўтказилади. Одамларга бу икки қудратдан бирини танлаш имконияти яратилади. Агар киши, кўпроқ шу бугунги кун ташвиши б-н қоринғамидан нарисини ўйлай олмайдиган, шахсий фарзали манфаат йўлида ёлгончиликдан ҳазар қилмаса, ўлганидан кейин нариги дунёга ишонмаса, бундайлар, албатта, Аҳриман таъсирига учраган одамлар ҳисобланган. Аксинча, бу дунё одамларга синов учун берилган, ҳақиқий ҳаёт ўлгандан кейин, чинвот (қил кўприк) дан кейин бошланишига ишонса, нариги дунёнинг абадий фароғат умр кечирадиган жаннатга интилса, бу дунёда Ахура Мазданинги йўлидан бориш, унга амал қилиши, фақат эзгу фикр, эзгу Калом (сўз) ва эзгу амалларга риоя қилиб яшаши орқалигина эришилади. Ахура Мазда одамларга тўғри йўлни кўрсатиш учун одамлар орасидан энг сарасини Зардуштни ўзига элчи қилиб танлайди. Зардуштга эзгу фикр ва эзгу сўз тайёр ҳолда дунёвий қудратли ақл-Ахура Мазддан юборилади. Бу юборилган эзгу фикр ва эзгу сўзга сидқидилдан ёндашиб, уларга амал қилиш одамларга вазифа қилиб юклатилади. Анхра Манйу эса Мазда йўлидан одамларни қайтариш учун инсонларнинг ичидан бирини танлаб, энг буюк қобилият ато этади. Бу танлаган одами Друғванд («Авесто»да Друж) бўлиб ёлгончиликда, бебурдликда, муболага, ваҳимали гапларни

қиёмига етказиб одамлар қалбига даҳшат уруғини сочишда устаси фаранг бўлиб, 3. таълимотига қарши ташвиқот ишларини олиб боради. 3. таълимотида (Авестонинг готлар қисмида) чорвачиликка асосланган турмуш тарзига қараганда ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзини қарама-қарши қўйиб, кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт тарзи барча ёвузликларнинг манбаси деб қараб, ўз жамиятининг фуқароларини чўл халқлари яшаш тарзида кўпроқ Аҳриман иродаси қонунлаштирилганлигидан огоҳ бўлишга чақиради. 3.да оловга сиғиниш алоҳида аҳамият касб этади. Олов улар учун муқаддас ҳисобланиб, барча ёруғлик, тозалик, эзуликнинг манбаси сифатида қаралган. Ахура Мазданинг қалби қуёши нуридан чиқарилган (олинган) оловнигина улар муқаддас ҳисоблаганлар. Оловнинг манбаларини иккита — биринчиси қуёш, иккинчиси эса Ер ости (жаҳаннам) деб тушунганлар. Қуёш нуридан олинган олов яратувчилик, гуноҳлардан тозаловчи, меҳр ёлқини манбаси сифатида қаралиб, ер қаъридан чиққан олов вулқон, қора булутдан чиққан момақалдироқ, йилдирим (яшин) кўринишида одамлар, ҳайвонлар ва наботот оламига қиргин келтирувчи сифатида қараганлар. Шунинг учун ҳам йилнинг ўзини ҳам Ормузд даври (яъни Наврўздан то Меҳржон байрамигача) ва Аҳриман даврига Меҳржон байрамидан (21 сентябрдан) Наврўз айёми (21 март) гача вақтларга бўлиб тасаввур қилганлар. 3. таълимотида кишилик жамияти жами 12 минг йил умр кўришини, бу даврлар: Ахура Мазда (олтин) даври Қажумарс (Говмард, Гоптшоҳ) дан бошланади. Йима Вивахванд ҳукмронлигининг охириги йилларигача давом этган. Ормузд даврида ижтимоий адолат тўла тикланган замонлар бўлиб одамлар туғилади, лекин ўлим бўлмаган деб ҳисобланади. Бу давр Йима Вивахванд (Жамшид) кибр-ҳавога берилиб, ўзини Тангри ўрнига қўйиб, одамлар унга сажда қилишни ва Сигир гўштини ейишни буюрганидан кейин Аҳриман таъсирига мубтало бўлгунча давом этади. Ахура Мазда Жамшидни абадий умр кўриш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Аҳриман даври тўла адолатсизликлар авж олган давр бўлиб, у ҳам Ахура Мазда даврига тенг уч минг йил давом этади. 3 замонидан бошлаб Ахура Мазда ва Аҳриман ўртасида ҳаёт-мамот кураши даври бошланиб, у ҳам уч минг йил давом этади. 3 ўлимидан сўнг уч минг йил ўтганидан кейин фаровонлик (Ахура Мазда) даври бошланиб, яна уч минг йил давом этиши башорат қилинади ва ҳ.к. 3. да ер, сув, ҳаво, олов мавжудликнинг тўртта асоси сифатида улуғланади. 3.даги бу таълимот греклардаги содда материалистлар (Фалес, Анаксимен, Анаксимандр, Гераклит) нинг фалсий таълимотларига чуқур таъсир қилганлигини кўраемиз. Шунингдек, Ахура Мазда (дунёвий ақл) руҳ образида Сукрот ва Платон фал.сига таъсирини, Аристотель фал.сидаги борлиқнинг тўртта асоси (ер,

сув, ҳаво, олов) тўғрисидаги таълимотининг шаклланишида ҳам 3. ғояларининг катта таъсирини сезишимиз мумкин. 3. нинг ғоявий меросхўрлари сифатида монийлик, митраизм, маздакийлик таълимотлари ҳисобланади. Аршакийлар ва Сосонийлар подшоликлари даврида 3. яна давлат дини даражасига кўтарилди. Араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг энг фидоий зардуштийлар иккинчи марта (биринчиси Искандар Зулқарнайндан қочиб) Ҳиндистонда паноҳ топдилар. Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳри атрофида ва Гужарот штатида ҳозир ҳам 250-300 минг кишидан иборат парслар номи остида зардуштийлар қавми истиқомат қиладилар. Эроннинг жанубий тоғлар орасидаги дараларда ҳам кўп минг кишилик зардуштийлар қавми бор. 3. таълимоти ўзидан кейинги янада ривожланган миллий-минтақавий, жаҳон динлари бўлган яҳудийлик, буддавийлик, христианлик ва ислом эътиқодининг шаклланишида катта аҳамият касб этди. Хусусан, ҳалол, ҳаром, гуноҳ, савоб, жаннат, дўзах, ҳур, фаришта, иблис, шайтон, дев, етти қават осмон, етти қат ер, етти иқлим, дунёвий ақл, дунёвий руҳ, қиёмат, охир замон, қил кўприк, (чинвот), охириги ҳукм ва бошқа бир қатор тушунча ва образлар дастлаб 3.нинг китоби «Авесто»да ишлаб чиқилган эди.

ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ — воқеалар ривожидавомида содир бўладиган ҳодисаларни тавсифлайдиган, объектив оламдаги алоқадорликни ифода этувчи фалсафий категориялар. Фал.нинг б. категориялари сингари 3. ва Т.ларнинг мазмуни ҳамда умумий хусусиятлари ҳақидаги масала ҳозирга қадар ўтган кўплаб фай.ларнинг эътиборини ўзига жалб этган эди. Баъзи фай.лар воқеликдаги нарса, ҳодисалар муайян сабаблар асосида содир бўлар экан, демак, оламда Т. бўлмайди, ҳар қандай ҳодиса маълум сабаблар туфайли юзага келадиган 3.дир, деб қараганлар. Дунёда Т.га ўрин йўқ, мавжудлик ва тараққиётни, биргина 3. белгилайди, деб ҳисоблаганлар. Қад. дунё фал.сининг Левкипп ва Демокрит каби вакиллари янги замон фал.сининг Гольбах, Спиноза каби намояндалари метафизик детерминизм позициясида турганлари ҳолда ана шундай қарашни илгари сурдилар. Левкипп бирон-бир буюм сабабсиз юзага келмайди, аммо у маълум замин, 3. туфайли туғилади, деган эди. Демокрит ва Гольбах назарида ҳам барча ҳодисалар зарурий бўлиб, кишилар табиат қонунаридаги сабабий боғланишларнинг турини тўла билмаганликлари учун Т.ларга ўрин берадилар, ҳодисалар сабаби билинган ҳамон Т.ийлик барҳам топади, бинобарин, у субъектив мазмундаги категориядир, деб ҳисоблаганлар. Олам, ундаги ўзаро муносабат, алоқадорликни, сабабиятни инкор этувчи индетерминистлар табиий ва ижтимоий оламда 3. йўқ, 3. — ақлий фаолиятнинг шакли (И.Кант), тафаккурга хос тушунча (Э.Мах,

К.Пирсон), кишилар ирода ва истагининг намоён бўлиш натижасидир, деб ҳисоблайдилар.

Маълум шароит мавжуд бўлган тақдирда, албатта, юз берадиган ҳодиса ёки воқеа зарурият деб аталади. Зарурият ривожланувчи ҳодисанинг моҳиятидан, ички табиатидан келиб чиқади. Зарурият муайян ҳодиса учун доимий ва барқарордир. Заруриятдан фарқли равишда, тасодифнинг содир бўлиши шарт эмас. У муайян предметнинг моҳиятидан келиб чиқмайди. Тасодиф беқарор ва вақтинчадир, аммо у сабабсиз юз бермайди. З. ва Т. диалектик тарзда ўзаро боғлиқдир: воқеа бир жиҳатдан зарурият бўлса, бошқа жиҳатдан тасодиф ҳам бўлади. З. ва Т. бир-бирига айланиши ҳам мумкин: бир шароитда зарурият бўлган нарса ўзгарган бошқа бир шароитда тасодиф бўлиши мумкин ва аксинча. Тасодиф заруриятни тўлдирди, унинг намоён бўлиш шакли ҳисобланади. Кўп Т.лар орқасида ҳаммиша объектив Зарурият қонунияти яширинган бўлади. Илмий ва амалий фаолиятда З. ва Т.нинг объектив диалектикасани назарда тутиш керак. Фаннинг вазифаси тасодифий воқеалар орасида яшириниб ётган ички заруриятни билишдан иборатдир. Лекин фан тасодифларни ҳам инкор қила олмайди. Тасодифлар мавжуд бўлиб, воқеалик жараёнларининг оқимиға қандайдир таъсир кўрсатар экан, фан уларнинг ҳам тараққиётдаги ролини ҳисобға олиши, инсонни кўнгилсиз тасодифлар таъсиридан ҳимоя қилиши лозим.

Биринчидан, З. ва Т. категориялари соф инсон тафаккуригагина хос, тажриба жараёнида инсон воқеликка киритадиган субъектив тушунчалар эмас, балки оламға хос бўлган муносабат ва алоқадорлик шакллари дир. Иккинчидан, З. ва Т. воқеалар занжиридаги шундай ҳалқаларки, улардан бирисиз иккинчисини тасаввур этиш, бирига ортиқча эътибор бериб, бошқасини эътибордан четда қолдириш сира мумкин эмас. Билиш ва амалий фаолиятда биргина заруриятни тан олиб тасодифни инкор этиш фатализмға олиб келганидек, оламда қонуният ва зарурият амал қилмайди, у фақат турли тасодифлардангина иборат дейиш, гносеологик волюнтаризмға олиб келади. Учинчидан, З.ни сабабий боғланишлар, сабабият тушунчаси б-н айнанлаштириш, тенглаштириш ярамайди ва Т.ни сабабсизликнинг оқибати деб билиш нотўғридир. Сабабий боғланишлар хилма-хил бўлиб, шарт-шароитға кўра, улардан айримлари зарурий ҳодисаларни туғдирса, бошқалари (ташқи, асосий бўлмаган сабаблар.) Т.ий муносабатларни вужудға келтиради.

Демак, З. ва Т., аввало, воқеликдаги айрим нарса, ҳодисалар диалектикасани характерловчи ва айни пайтда, тараққиёт жараёнидаги турли ҳодиса, жараёнлар нисбатини ифодаловчи ўзаро муносабат ва алоқадорлик шакллари дир. Атрофға назар ташлар

эканмиз, табиийки, бир қарашда ҳодисалар тизмасидаги қайси бир ҳодиса зарурий, қайси бири тасодифий эканлигини ажратиш қийин. Кузатиш, амалий тажриба асосида ҳодисаларнинг ички ва ташқи, муҳим ва муҳим бўлмаган томон, белгиларини била бориш туфайли З. ва Т.ни умумий алоқадорлик ҳолатининг ўзига хос шакллари сифатида билиш ва фарқлай олиш мумкин.

З. бу ҳодиса ички элементларининг моҳияти б-н боғлиқ, сабаби ва замини ўзида бўлган воқеалар ривожи жараёнида қонуний ва муқаррар тарзда рўй берадиган ҳодисадир. Жумладан, табиатда тирик организмларнинг модда алмашилиши жараёни ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаёт кечиришини белгиловчи З. дир.

Т. эса ривожланишнинг тадрижий жараёни б-н боғлиқ бўлмаган, асоси ва келиб чиқиш сабаби мазкур ҳодисанинг ички моҳияти, муҳим томони б-н эмас, балки ташқи жараён ва алоқа, омиллар б-н белгиланадиган ҳодисадир. Мас., бирор ўсимлик уруғининг шу турдаги ўсимлик уруғи бўлмаган жойға тушиб қолиши ва унинг янги шароитда униб-ўсиши тасодифийдир. Чунки, уруғни бир жойдан иккинчи бир жойға элтиб қўйилганлиги, уни аввалгиға қараганда бошқачароқ шароитға тушиб қолганлигининг сабаби уруғнинг ўзида ҳам эмас, шунингдек, унинг ички моҳияти б-н ҳам белгиланмайди. Яна мисол: муайян ҳудуддаги ҳосилни дўл ёғиши туфайли нобуд бўлиши, қурғоқчилик сабабли алоҳида хўжаликда рўй берадиган ҳосилсизлик умумийликни англамайдиган Т., айримликдир. Бинобарин, З. ривожланиш жараёнида қатъий изчилликда, муайян тартиб ва шаклда воқеа бўлади. Т. эса айни шароитда рўй бериши ҳам мумкин, рўй бермаслиги ҳам мумкин, ҳатто, рўй берганда айни шу шаклда рўй бериши шарт бўлмаган ҳодисалар муносабатининг ички тартиби б-н изчил алоқадор бўлмаган ҳодисадир.

З.нинг ўзига хос белгиларидан бири унинг умумий характерға эгаллиги, оламда амал қилувчи қонунлари б-н боғлиқликда, воқеликнинг барча соҳаларида ривожланиши муайян изчилигини белгилашлигидир. Табиий ва ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар ўз моҳиятиға кўра зарурий боғланишлар, алоқадорлик туфайли намоён бўлади. Мазкур ҳолатни З. умумийдан ажралмасдир деган қараш тўғри ифодалайди.

Умумийликда ифодаланувчи, умумийликда мавжуд бўладиган З. воқеликнинг асосий томонлари б-н бевосита боғланишда бўлганлиги учун ҳам Т.дан фарқланади. З. ҳодисаларни бир бутунликда, яллит тушунишға, воқеликка хос боғланишларнинг ички қонуниятларини очишға имкон беради. Ҳодисалар ўртасидаги ташқи, номуҳим муносабатларни ифодаловчи Т. эса З.дан фарқли ўлароқ умумий характерға эга эмас, у айримлик тарзда айрим ҳодисалар

орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Т. 3.га нисбатан барқарор бўлмай, балки воқеаларнинг ўткинчи, айрим, хусусий, муҳим бўлмаган томонларини ифодалайди. Бироқ 3. ва Т. ўртасидаги мазкур зиддият уларнинг ўзаро алоқадорлик диалектикасини инкор этмайди.

Бу алоқадорлик, аввало, 3. ва Т.ни соф ҳолда мавжуд бўлмасдан, балки бир воқеанинг бир муносабатда Т. сифатида, иккинчи бир ҳолда 3. сифатида ифодаланишида намоён бўлади. Сўнгра, 3.нинг Т.га айланиши ёки Т.ни 3. б-н алмашиниши ёхуд, 3. тасодифлар орқали ўзига йўл очиши аниқ шартшароитга боғлиқ. Воқеаларнинг зарурий жараёни б-н боғлиқ бўлмаган ва барча жиҳатлари б-н мутлақ характердаги Т. бўлмайди. Ва аксинча, 3.ни тўлдирадиган ифодаланиш шакли ҳисобланган тасодифларсиё «соф» заруриятнинг ўзи ҳам бўлмайди. Тарихий тажриба, фаннинг ривожланиши жараёнида муайян, конкрет шароитда тадқиқотчилар томонидан бирон бир кашфиётнинг очилишини мисолга олайлик: инглиз олими А.Флеминг томонидан пенициллиннинг кашф қилиниши, М.Шлейден ва Т.Шванн томонидан тирик организмларнинг хужайра тузилишидан иборат эканининг исботланиши, Г.Герц томонидан ёруғлик электромагнит наз-ясининг кашф этилиши каби фактлар ҳам зарурий, ҳам Т.дир. Бунинг 3.лиги шундаки, ишлаб жамият ва ижтимоий тафаккурнинг мазкур даврдаги ривожланиш даражаси, ижтимоий эҳтиёж ва талаб, фан тараққиёти соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ўшандай кашфиётларнинг қилинишига шароит ва имконият яратган эди. Унинг Т.лиги шундаки, кашфиётларни ўша номи аталган олимлар томонидан очилганлигидир, ҳолбуки, бу вазифани бошқа тадқиқотчилар ҳам эртами-кечми амалга оширишлари мумкин эди. Демак, 3. ва Т. айрим нарса ва ҳодисаларга нисбатан ҳам, воқеалар тизмасида ҳам муайян бирлик диалектикасида, алоқадорликда мавжуд бўлади. 3. мазкур ҳодиса, жараён ва ҳолатнинг барқарор, ички, такрорланувчи томонини англатса, Т. унинг нисбий, ўткинчи, айрим томони ва шаклини ифодалайди. 3.нинг воқеалар бағрида яширинганлигини ва у ўзига Т.лар орқали йўл очишга эътибор бериб, юзаки қараганда оламда Т.лар ҳукм сураётган бўлиб кўринса ҳам, аслида, бу Т.лар ҳамма вақт ички, яширин қонунларга бўйсунган бўлади. Т. эса бу 3.нинг қўшимчаси ва рўй бериш формасидир.

3. ва Т. алоқадорлигининг яна бир муҳим томони, вазиятга кўра, уларнинг ўзаро ўрин алмашиниши, яъни, 3.нинг Т.га, ва аксинча, ўтиш ҳолатидир. Фалда Т. бўлган жойда 3. бўлмайди, 3. бўлган жойда Т. бўлмайди, деб ҳисоблаш бу категорияларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрмаслик ва уларнинг бир-бирига ўтишини тан олмасликдан иборатдир. Аслида, 3. б-н Т.ни биргаликда, бир-бирини тақозо

этган ҳолатда текшириб ўрганишгина бизга илмий ҳақиқатни билишга имконият беради. Мас., табиий муҳит, иқлим шароити таъсирида тирик организмларда айрим белги, хусусиятларни пайдо бўлишини Т. деб, кейинчалик у белги ирсий сифат белгиларига айланишини 3. деб ҳисоблаш керак.

3. ва Т.нинг бундай ўзаро алоқадорлиги, бир бутунлиги ҳамда ўзаро ўрин алмашиниш ҳолати оламга хос қонунларнинг хусусияти б-н белгиланади. Илмий ва амалий фаолиятда 3. ва Т.нинг диалектикасини назарда тутиш ғоятда муҳимдир. Инсон томонидан табиий ва ижтимоий ҳодисалар системасида зарурий ва Т.ий боғланишларни пайқай билиш, Т.лар орқасида яширинган ички қонуният, 3.ни очиш, оламнинг мураккаб сирларини билишда ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишда амалий аҳамиятга эгадир. Фан томонидан 3.ни билишни асосий мақсад қилиб қўйилганлиги, Т.ларнинг ролини инкор этилаётганлигини англатмайди. Т.лар ҳам объектив воқеликда амал қиладиган маълум ҳодисалар группасида нисбий мустақиллик мавқеига эга бўлган ва муайян 3.ни юзага чиқишини тезлатиши ёки секинлатиши мумкин бўлган алоқадорлик шаклидир. Турли кўринишларда амал қилувчи Т.ларни кузатиш ва тадқиқ этиш, уларнинг ички қонуниятини очиш кишилиқ учун ноқулай бўлган ҳолат ва воқеаларни олдини олиш имкониятини беради. Т.ларни ўрганиш табиат сирларини чуқурроқ очишда, жамият ҳодисаларини янада тўғрроқ тушунишда, уларни мақсадга мувофиқ йўналтиришга ва бошқаришга имконият беради. Жамият тараққиётининг турли босқичларида тасодифлар кишиларга турлича таъсир кўрсатган бўлиши керак. Чунончи, ибтидоий кишининг ҳаёти тасодифларга тўла эди, аммо жамият ва фан ривожланиб бориши б-н одамлар Т.лар ҳукмронлигидан қутула бордилар. Бизнинг шароитимизда амал қиладиган тасодифлар бу — об-ҳаво ноқулайликлари, кўрғоқчилик, сув тошқинлари, зилзила сингари табиий ҳодисалар б-н боғлиқдир. Табиий ва ижтимоий воқеликдаги Т.ларни ўрганиш ҳодисаларнинг зарурий ва қонуний боғланишларининг моҳиятини очишга, олам ҳақида тўлароқ ва илмий ҳақиқатни англашга, Т.лар қаршисида ожиз бўлиб қолмасдан иш кўришга имконият беради. Т.ни илмий тушуниш фан ва амалиёт учун олам ҳодисаларини илмий тарзда билиш ва ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

ЗЕНОН — қадимги Юнон файласуфи, Пармениднинг шогирди ва дўсти. 3.нинг фикрича, жисм борлиқ, ҳажм ва кўламга эга бўлиши зарур. На кўлам, на ҳажмга эга бўлмаган нарсаларнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. У ўз устози сингари борлиқдан ташқарида бирон бир бўшлиқнинг мавжудлигини тан олмади. Борлиқдан ташқарида алоҳида макон йўқ, бўлинишининг охири бор. Кўпликнинг бўлинмас қис-

ми унинг бирлик ўлчовини ташкил этади. Демак, кўплик бўлиниш учун кўпгина бирликлар мавжуд бўлиши керак. Бу ерда кўпликнинг бирликлари бири-бирдан алоҳида бўлиши керак. Акс ҳолда, яхлит массага айланади, унда на бирлик, на кўплик бўлади. Кўплик бирликлар йиғиндисидан иборат. 3. ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида 4 та апория яратган. Булар: 1) Дихотомия; 2) Ахиллес; 3) Ёй; 4) Стадион ёки Стадий.

3. ўз апорияларига жисм борлиги чексиз бўлса-ю, вақт чекланган бўлса, у ҳолда, ҳаракат бошланмайди; вақт чексиз давомийликка эга бўлса, унда жисм чекланган масофани босиб ўтолмайди ва ҳаракат ҳеч қачон тугамайди; макон ва вақт бирликда олинганда ҳам ҳаракат бўлмайди, деган ғояларни илгари сурди. 3. таълимоти антик математика, мантиқ ва диалектиканинг ривожига кучли таъсир кўрсатган.

ЗИДДИЯТ — фалсафа тушунчаси, конфликтологиянинг асосий тушунчаларидан бири; қарама-қаршиликларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, бир-бирини истисно қилувчи нарса ва ҳодисаларнинг томонлари ва тугилган йўллари, йўналишларини, улар ички бирликда ва ўзаро бир-бирига ўтишда киришишида, объектив оламнинг ва билишнинг ўз-ўзидан ҳаракати ва тараққиётида намоён бўлади. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунда 3. категорияси марказий ўринни эгаллайди. 3. тўғрисида фал. тарихида хилма-хил қараш ва наз-ялар бор.

Диалектика тарихида 3.лар концепцияси Гераклитга тааллуқлидир; «абადий вужудга келиш» фақат 3.ларнинг бирлиги сифатидагина мумкин. Бир қарама-қаршиликнинг бошқасига доимий тарзда ўтиб туриши кўринишида фикр этилади; Гераклит қарама-қаршиликлар курашини борлиқнинг умумий қонуни сифатида тушунади. Платон, элейликлар ва Сукротнинг диалектик ғояларини қабул қилиб 3.лар ҳақидаги таълимотини «ягоналик» ва «кўплик», «ҳаракатсизлик» ва «ҳаракат» ва б. тушунчалар диалектикаси орқали ривожлантирди. 3. масаласи ҳоз. замон фал.сида атрофлича ўрганилмоқда. Натижада, фал.нинг махсус йўналиши — *конфликтология* фани шаклланди.

ЗИДДИЯТ ТАМОЙИЛИ — диалектик тамойил; нарсаларнинг реал зиддиятларининг асоси. 3.т. қуйидаги асосий талаблар натижасида шаклланади: а) амалий зиддиятларни аниқлаш, очиш; б) мавжуд зиддиятларнинг қарама-қарши томонларини ҳар томонлама таҳлил қилиш; в) бошқа қарама-қаршиликларни тадқиқ этиш; г) предметдаги қарама-қаршиликлар бирлигининг ҳар бирини алоҳида билиш асосида бошқа предметнинг зиддиятлари тизимида зиддиятнинг ўрнини аниқлаш; д) мавжуд зиддият ривожланиши босқичларини текшириш ва кузатиш;

е) зиддиятни ҳал этиш механизмини жараён сифатида қабул қилиш.

3.т. м а н т и қ д а: ҳеч қандай фикр-мулоҳазалар (тахминлар, фикрлар) ва унинг инкори бир вақтда ҳақиқат бўла олмайди. 3.т.нинг бу таърифи қуйидагиларни англатади; ҳеч қандай гап бир вақтда ҳам ҳақиқий ва ёлгон бўлиши мумкин эмас. Формал мантиқда бу қонун ҳар хил исботланадиган формулалар орқали тасвирланади. Масалан, фикрни ҳисоблаш $1 (A \ \& \ 1 \ A)$ (нотўғри, A ва шунингдек, бир вақтда A эмас); предикатларни ҳисоблашдан $x \ 1 \ [\ A \ (x) \ \& \ 1 \ A \ (x)]$ (ҳеч қандай предмет бир вақтнинг ўзида бир хил хусусиятга эга ва нозга бўлаолмайди); $x \ y \ 1 \ [\ B \ (x,y) \ \& \ 1 \ B \ (x,y)]$ (бир вақтда иккита предмет бир жойда мавжуд ва мавжуд бўлолмайди эмас); 3.т.да адолатли деб топилган наз-я-лар зиддиятсиз деб ҳисобланади; акс ҳолатда наз-я-лар зиддиятли деб ҳисоблашади (зиддиятли наз-ялар ҳеч қандай қимматга эга эмас ва тажрибада қўлланилмайди). Тафаккурдаги диалектик зиддиятни, реал зиддиятларнинг инъикоси сифатида мантиқий зиддиятлардан фарқлаш лозим, чунки улар фикрлар чалкашлигини (чигаллигини) ва изчил эмаслигини ифода этади. Буларни эса, формал мантиқ қонунлари рад этади.

ЗИДДИЯТ ҚОНУНИ — формал мантиқнинг умумий қонунларидан бири. Бу қонунга кура, бир нарса тўғрисида бир-бирини инкор этувчи икки ҳукм айни бир вақтда чин (тўғри, ҳақиқат, ҳақиқий) бўлиши мумкин эмас. Уларнинг бири чин, бири нотўғри, ёки иккаласи ҳам нотўғри бўлиши мумкин. 3.қ.ни биринчи бўлиб, Аристотель таърифлаб берган. Формал мантиқда нозидлик ва учинчиси мустасно қонунлари формал зиддиятларни илмий муҳокама ёки илмий наз-яга киритишга йўл қўймайди. 3.қ. тафаккур ривожига қарама-қарши фикрлар тўқнашувини инкор этмасдан, бир вақтнинг ўзида бир предмет ҳақида икки зид фикрга йўл қўймасликни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, фикрлаш жараёнида вақт, предмет, ҳукм ҳамда хулосаларда нисбат жиҳатидан узвий бирликни талаб этади.

ЗИЗАНИЙ Лаврентий Тустановский (тахм. 1633дан кейин) — украин ва белорус маърифатпарвари, таржимон, *Стефан Зизаний*нинг укаси. Украина, Беларуссиядаги биринчи босма алифбо (Вильно, 1596) ҳамда «Словенский грамматикаси» (1596), «Катехизис» (1627) нинг муаллифи.

ЗИЗАНИЙ Стефан Тустановский (1557—1621) — украин ва белорус маърифатпарвари, ёзувчи, публицист. Лаврентий Зизанийнинг акаси. Брест униясига қарши бўлиб, «Антиуниат» ва «Антикаталог» асарлари муаллифи.

ЗИММЕЛЬ (Zimmel) Георг (1858—1918) — немис файласуфи ва социолог, ҳоз. замон конфликтологияси асосчиларидан бири. З.нинг Спенсер, Ч.Дарвин таъсирида шаклланган ижтимоий-фал-ий қарашлари (ахлоқий ва билиш назариясининг биологик асосланиши; ахлоқ ва ҳақиқатни бир хил, бир-бирига мос келувчи ҳодисалар сифатида тушуниш) 1900 йилларда И.Кант априоризми таъсирида ўзгарди. Кейинчалик З. маданият фал.си масалаларини тадқиқ қилди, ҳаёт фал.сининг кўзга кўринган намояндаларидан бирига айланди. З. ҳаётни ижодий шаклланиш жараёни сифатида тушунди, яъни, чексиз ақлга мувофиқ воситалар фақат ички кечинмалар орқали тўлақонли англаб олинishi мумкин, деб ҳисоблади. Ҳаётнинг бундай кечинмалари, маданиятнинг турли шаклларида мужассамлашади. 1890—1900 й.да З. расмий социология деб аталган ғоявий қарашлар асосчиси сифатида танилди. З. социология предметини тарихнинг ҳар бир реал мазмунида ўзгариб турувчи кишиларнинг ижтимоий ҳаракат шакллари деб тушунди. Шу асосда З.зиддиятларни тадрижий тарзда ҳал қилиш тамойилига катта эътибор берди. Бунда ижтимоий бир томонламаликни индивидларининг ўзаро муносабатлари йиғиндиси деб эътироф этди. З. масалага бундай ёндашиш асосида кичик ижтимоий шакллар (шартнома, ихтилоф, рақобат, авторитар, тобелик, мартаба ва ш.к.) ва ижтимоий муносабатларни таҳлил қилди. З. ўзининг «Пул фал.си» (1900) асарида шахс ва индивидуал эркинликнинг ривожланиш асоси бўлган кишилар ўртасидаги турлича муносабатларнинг такомиллашувида пулнинг ролини социал-психологик жиҳатдан таҳлил қилди. Умуман, З.нинг фал-ий ва социологияга оид асарлари ижтимоий фикр тараққиёти ва ҳоз. замон социологиясида салмоқли ўрин эгаллайди.

ЗОМБАРТ (Zombart) Вернер (1863—1941) — немис социолог, файласуфи, тарихчи ва иқтисодчи. У 1906 йилдан умрининг охиригача Берлин ун-тида профессор лавозимида ишлади. Немис социологик жамиятини ташкил этишда фаол қатнашди. З. даставвал К.Маркс таълимотининг таъсирига берилган бўлса, кейинчалик унга қарши курашди. Неокантчиликнинг Баден мактаби намоюндаси сифатида фактик материаллар асосида капитализмнинг келиб чиқиши ва ривожланишини тадқиқ этди. З. «капитализм» атамасини илмий муомалага киритди, ижтимоий барқарорлик, маданиятнинг оммавийлашуви муаммоларига алоҳида эътибор берди. З. асарларида «капитализм руҳи» (фойда, пулга интилиш) асосий ўрин эгаллади. «Капитализм руҳи» ни европаликларга хос хусусият сифатида талқин этди. З. неокантчилик мавқеидан туриб, тарихнинг олға томон ривожланиши ғоясини инкор этди. Унинг таъкидлашича, хўжалик тарихидаги даврлар бир-биридан қандай

руҳнинг устунлигига қараб фарқланадилар, бироқ хўжалик системаларининг алмашинуви қонуниятли характерга эга эмасдир. Ҳар бир иқтисодий система ўзига мос иқтисодий ин-тларни вужудга келтиради. З. социал-иқтисодий ҳодисаларга хос умумий хусусият сифатида «капитализм руҳи»ни ва уни ўзида намоён этувчи буржуани кўрсатди. Буржуанинг социал-типик хусусиятларини «капитализм руҳи»нинг асосини ташкил этувчи «тадбиркорлик руҳи» ва «мешчанлик руҳи» б-н боғлади. З. «тадбиркорлик руҳи»ни зўрлик воситасида бойлик орттиришга мойиллик б-н, «мешчанлик руҳи»ни эса «тинч» воситалар орқали бойлик орттириш б-н боғлади. З. «капитализм руҳи»ни ўзида намоён этувчи буржуанинг шаклланишидаги икки анъанани кўрсатди. Бунда асосий анъана бир гуруҳ Европа халқларининг бойлик ва тадбиркорликка интилиши ва бунинг оқибатида капитализмнинг фаол шаклланиши; иккинчиси — зўравонликсиз пул кўпайтириш, тежамкорлик, эҳтиёткорлик б-н «мешчанларча савдогарчилик» руҳида бойлик орттириш; бу анъананинг этник асосини яҳудийлар ташкил этади. З. капитализм ғоясини муттасил равишда ўсиб боровчи рационаллик б-н боғлади. Капитализм барқарорлигини эса буржуада «тадбиркорлик» ва «мешчанлик» руҳининг уйғунлашуви б-н боғлади. З.нинг энг муҳим асарлари: «Социализм ва 19-а.да социал ҳаракатлар» (1896), «Капитализм истиқболи» (1932), «Немис социализми» (1934). З. ўзининг сўнги асари («Немис социализми») да тоталитаризмни ёқлади.

ЗОҲИР (*араб.* — сиртқи кўриниш, равшан, бир нарсанинг юзи, ташқи сатҳи, ғолиб) — Шарқ фал.сидаги асосий тушунчалардан бири. З. сўзининг ўзаги мазҳар ҳисобланади. З. зуҳур сўзининг кўплиги З. ботин маъносининг қарама-қаршиси бўлиб, уни сезгилар орқали англаш мумкин. Насафийнинг ёзишича, шубҳасиз, З. ботинга таъсир ўтказгани каби, ботиннинг ҳам З.га таъсири бор. Агар доно шайхнинг тарбияси остида З. тўғриланса, ботин ҳам тўғриланади. З. ва ботин ва ғайбнинг унвони (сарҳади) ҳисобланади.

З., грамматикада замир (олмош) бўлмаган исмдир. Мас., «Отабек келди. У шу ерда», жумлаларида «Отабек» З. исм, «у» эса замир ҳисобланади.

З. усул илмида шундай бир сўзки, унинг биринчи марта ишлатилган маъноси (асл маъноси) б. бирон сўз ёрдамисиз фақат лафзнинг ўзидан маълум бўлади. Мас., Қуёш сўзини эшитиш б-н, осмонда порлаб турган ниҳоят буюк шарни тушунамиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, З. шундай бир сўзки, у биринчи марта ишлатилган аслий маъноси ёки урфий маъноси фақат лафзнинг ўзидан аниқ, анланади, уни ишлатишдан ўзловчининг қасди, нияти нима эканлиги назарда тутилмайди. Негаки, сўзловчи бирон мақсад ёки ниятни ифодаламоқчи

бўлса, албатта, калом (жумла, гап)ни ишлатади. Бу фикр мутааххир олимлар (охирги давр олимлари)-нинг назарига асосланган. Негаки, улар 3. учун унинг маъносини, сўзловчи томонидан бирон-бир мақсадни ифодалаш ниятида ишлатилган бўлмаслиги шарт деб билганлар. Лекин, мутақаддимлар (аввалги давр олимлари) нуқтаи назаридан, 3.да эътибор бериладиган томон фақат ундан назарда тутилган мақсаднинг аниқ бўлишидир. Уларча, 3.да сўзловчи томонидан, назарда тутилган мақсад учун ишлатилмаслиги шарт эмас.

Абузайд Дабусийнинг фикрича, ботин тафаккур орқали тушуниладиган нарса бўлса, 3. ҳеч қандай тафаккурсиз англаб олинадиган нарсани ифодалайди.

Айрим олимлар 3. ва нассни калом жумласидан деб ҳисоблайдилар. Насс очиқ-ойдин каломдан иборат бўлиб, таъвилни қабул қилмайди. Яъни бир маънодан ташқари ундан б. бир маънони чиқариб олиш мумкин эмас. лекин Кашф ул-Баздавийдан маълум бўлишича, 3. ва насс муфрад (бирлик) бўладими ёки мураккаб, яъни, таркиб топган, (уларнинг муфрад ёки мураккаблигига қарамасдан), лафз турларидан ҳисобланади. Унингча, 3. аслий маъносига ёки урфий маънога далолат қилган ҳолларда б. бир маънога далолат қилиш эҳтимолини ҳам ўзида сақлайди.

Шамсул-аймма Сарахсий ўзининг «ал-Усул» китобида 3.га қуйидагидек таъриф берган. «3. шундай бир сўзки, уни эшитиш б-н ҳеч ўйламасдан ундан назарда тутилган мақсадни англаб олиш мумкин». Ушбу масала бухоролик йирик фақиҳ имом Абу Зайд Дабусий «Тақвим ул-адилла» китобида ва самарқандлик олим Абул-Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад «Усул ул-фиқҳ» китобида акс эттирилган.

Абу Ҳомид Ҳазоллий усул илмида шофиъий йўналиши бўйича ёзган «ал-Мустафо» номли китобида айтишича, 3.да таъвилнинг эҳтимоли бўлса ҳам, у таъвилни қабул қилмайди. Абдулазиз Бухорий «Кашф ул-Баздавий»да ҳам шундай фикр билдирган.

Фиқҳий нуқтаи назардан ҳанафий мазҳабида 3. ва нассининг ҳукми шундан иборатки, улардан қатъий ва яқиний суратда келиб чиққан нарсаларга амал қилиш вожиб бўлади. Улардан мажозий маъно эҳтимолини назарда тутиш эътиборга эга эмас, негаки бундай эҳтимоли далилга асосланган бўлмайди. Лекин 3. ва насс бир-бирига қарши турганда нассга таржиҳ берилади, яъни 3.га устун қўйилади.

Абулқосим Самарқандийнинг фикрича 3. назарда тутилган мақсадни очиқ-ойдин ифодалайдиган сўздир, лекин эҳтимолдан холи эмас, мас., амр сўзи (яъни буйруқни ифодаловчи сўз), ижоб (вожиблик)ни билдирса ҳам, ундан назарда тутилган мақсад таҳдид бўлиши ҳам мумкин. Зоҳир бу Аллоҳ-

нинг исмларидан бири ва «зоҳир ул-вужуд» илоҳий исмларнинг тажаллийси (порлаши)дан иборатдир.

Зоҳирийлар: Зоҳирий номи б-н машҳур бўлган Абу Сулаймон Довуд ибн Халафанинг (202—270 ҳ.й) тарафдорлари зоҳирийлар оят ва ҳадисларнинг 3.и-га асосланиб, қиёс ва ҳуқуқий истидлолни инкор қиладилар. Улар қиёс ва умумийлаштириш қоидасини (таъминни) қабул қилмасдан фиқҳ бўйича иш юритадилар ҳуқуқий истидлолни бир томонлама ва шахсий тасаввур деб тушунадилар.

Зоҳирийларнинг ҳуқуқий қарашлари умумий маънода айрим жиҳатлардан ҳанбалий мазҳаби ва аҳли ҳадис йўналиши б-н бир хил эди. Зоҳирийлар шофиъий мазҳабидан ажралиб чиқиб, Андалус (Испания) ва шимолий Африкада фаолият олиб бориб, Ибн Ҳазм каби машҳур вакилларга эга бўлган бўлсалар ҳам V ҳижрий а.га келиб, зоҳирий мазҳаби ўз ўрнини қўлдан берди ва тарфдорлари шофиъий ва моликий мазҳабларига ўтиб кетдилар.

Зоҳирур-ривоя: Имоми Аъзам Ҳанифанинг йирик шогирди имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг «ал-Усул» (Асосий китоблар) номи б-н шуҳрат қозонган б та муҳим фиқҳий асарлари («ал-Мабсут», «аз-Зиёдат», «ал-Жоми ул-кабир», «ал-Жомий ус-сағир», «ас-Сияр ул-кабир», «ас-Сияр ус-сағир»)дан иборат бўлиб, ҳанафий мазҳабининг асосларини изоҳлаб беради. Уларнинг асосий қисми Абу Ҳанифадан ривоят қилинган. Ушбу китобларнинг «Зоҳир ур-ривоя» деб аталганининг сабаби шундан иборатки, улар имом Шайбонийдан ишончли кишилар орқали ривоят қилинган. Мазкур китобларни ўрта осийлик олим ал-Ҳоким аш-Шаҳид (ваф. 334 ҳиж.й) «ал-Кофий» китобида тўплаган, ундан кейин Муҳаммад ибн Абу Саҳл Сарахсий (ваф 490 ҳиж. й) ўзининг «ал-Мабсут» (Муфасссал) китобида шарҳлаган.

ЗҶҮРЛИК НАЗАРИЯСИ — жамиятни итоатда сақлаб туриш ёки куч б-н ўзгартириш фаолиятини амалга оширувчи ишни изоҳлайдиган сиёсий таълимотлардан бири: давлатнинг вужудга келиши ва амал қилиши тўғрисидаги баъзи қарашлар, фикр ва мулоҳазаларга асосланган назария. Давлатнинг келиб чиқиши ва асл табиати ҳақидаги илмий-наз-ий фикр-мулоҳазалар қадимдан турлича ва хилма-хил тарзда талқин этиб келинган. Баъзи бир илоҳиётчилар давлатни илоҳий куч-қудрат рамзи сифатида ўрнатилган Худо муассасаси, идораси, деб таърифлаб, бундай куч бандаларининг идрок-иродаларини маълум чегаралардан чиқиб кетмаслиги учун хизмат қилади, деб уқтирадилар. 19-а.га келиб, давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги турли наз.-ялар яратиш авж олди. Чунки бу даврда ижтимоий муносабатларнинг муайян зиддиятли ҳолатини бартараф этиш ёки уни ўзгартириш учун кураш мақсадида зўрлик ишлатиш нисбатан кучайиб кетган эди. 3.н.га кўра, ижтимоий

тенгсизлик, бировларнинг бошқаларга зўрлик қилиши натижасида пайдо бўлган. Чунончи, Дюринг турли синфларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг бир қисмининг иккинчи қисмига зўрлик қилиши б-н боғлиқ, деган фикрни олға сурган бўлса, австралиялик социолог Л. Гумпилович эса, давлат мағлублар устидан ўрнатилган ғолибларнинг ҳукмронлик ташкилотини, деб ҳисоблайди. Каутский ва унинг тарафдорлари

кучлироқ қабила бошқа қабилаларни асоратга солишини давлатнинг пайдо бўлиши учун ҳал қилувчи сабаб деб ҳисобладилар. Тарихда З.н.ни мустамлакачи ва милитаристик давлатлар раҳбарлари ўзларининг босқинчилик ва зўравонлик сиёсатларини амалга ошириш учун татбиқ этганлар. Бугун эса, диний-экстремистик ва террорчи кучлар ўз қабиҳ мақсадларини оқлаб кўрсатиш учун З.н.дан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

И

ИБН БОЖЖА Абу Бакр Муҳаммад (лот. Авемпас ёки Авемпаче) — Испаниянинг Сарагос шаҳрида 11-аср охирида туғилган. Араб файласуфи, давлат арбоби, шоир ва мусиқачи сифатида тарихга кирган. Илғор фал-ий қарашлари учун қувғинларга учраган ва қамалган. Душманлари томонидан захарлаб ўлдирилган. Психология, медицина, мантиқ, ахлоқ-одоб, астрономия, математика, мусиқа ва фал.га оид рисоалар ёзган.

Фал. соҳасида Форобий изидан бориб, фал.ларни нодонлик ва зулмга асосланган фазилатсиз кишилар шаҳар-давлатларига қарши қўяди. Унинг фикрича, инсонларнинг бахти унинг «фаол ақл» б-н бирлашишига боғлиқ. Бу жараёнда «эманациянинг» (Оллоҳдан нурланиш) аҳамияти катталигини кўрсатиб ўтади. И. Б. ўз фал-ий қарашларида бўлиб, биз яшаётган оламнинг ҳамиша абадийлигини ва чексизлигини таъкидлайди. И.Б.нинг фикрича, ахлоқ инсонга табиатан берилган. Кишининг фаолияти ақл ёрдамида йўналтирилади. Ақл б-н йўналтирилган бундай фаолият эркин фаолият бўлиб, яхши мақсадларга қаратилган бўлади. Инсоннинг ахлоқий камолотга етиши унинг «фаол ақл» б-н бирлашиб бахтга эришиши б-н яқунланади. Инсон ақли доим янги-янги нарсаларни билишга қаратилган бўлади. Ҳар қандай билиш жараёни ақл томонидан мустақил бажарилади. Ақл орқали олинган билим асосий билим ҳисобланади. Инсоннинг барча ҳаракатлари унинг ақли ёрдамида бошқарилади. И.Б.нинг эстетик қарашлари ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг мусиқага оид рисоалари нафақат Шарқда, балки Фарбий Европа мамлакатларида ҳам юксак баҳоланган. Мусиқа соҳасидаги асарларида умумий уйғунлик (универсал гармония) ҳақида ёзади. У мусиқанинг келиб чиқишини инсон тилининг бойлиги, сўзнинг оҳанги, товушлари б-н боғлайди. Товушнинг келиб чиқишини ҳаводаги жисмларнинг тўқнашуви натижасида пайдо бўлишини таъкидлайди. И. Б.нинг «Қалб тўғрисида», «Инсоннинг фаол ақл б-н қўшилиши ҳақида» асарлари буюк мутафаккирлар Ибн

Рушд ва Ибн Туфайл фал-ий қарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

ИБН ДОВУД Авраам (тахм. 1100, Толедо-тахм. 1180, Кордова)-яхудий тарихчиси ва файласуфи. Асосий асари «Ал-ақидат ур-рафия» («Юксак иймон»)да ўз даврининг тараққийпарварлик ғояларини илгари сурди ва Ибн Сино таъсирида *Ибн Жебирол*нинг неоплатонизмига қарши чиқди. И.Д.нинг фал-ий қарашларида, кўпинча, қарама-қаршиликлар бор. Мас., И.Д. диний таълимотига асосланиб, дунё йўқликдан, ҳеч нарсадан яратилган деб ҳисоблайди. Лекин у *фатализм*ни инкор этди ва инсоннинг эркин иродаси ҳақидаги таълимотни яратди. И.Д. ўрта асрнинг тараққийпарвар мутафаккирларига, жумладан, Маймонидга кучли таъсир кўрсатди.

ИБН ЖЕБИРОЛ Соломон (1021, Малага-1070) — яхудий файласуф. Сарагоса (Испания)да яшаган. Араб тилидаги асосий асари — «Ҳаёт манбаи» сақланмаган. Иврит ва лотин тилидаги таржималари маълум. И.Ж. илоҳий иродани дунёнинг яратувчиси сифатида баҳолаб, айна пайтда ирода Аллоҳ эмас, балки унинг ҳаракатдаги кўриниши, деб билган. У илоҳий ирода тамойилини неоплатонизмнинг эманация наз-яси б-н боғлашга интилган. И.Ж. моддий ҳамда руҳий жинсларнинг асосида универсал материя ётади, у моддий ва руҳий шаклга эга, деб, борлиқнинг оригинал наз-ясини ишлаб чиқди. Бироқ И.Ж.нинг борлиқ ҳақидаги маълумоти платоник фал-ий тизим б-н узвий боғлиқ эди. Кейинчалик унинг мероси атрофида кескин кураш авж олди.

ИБН РУШД Абдувалид Муҳаммад (лот. Averroes) (1126—1198й.) — араб файласуфи. Ёшлигида илоҳийёт, фикҳ, араб адабиёти, фал. ва тиб илмларини ўрганган. И.Р. 1153 й.да Марокашга бориб мадраса ташкил этган. 1168—71 й.лари Севилья, 1171—82 й.лари Қурбод қозикалони, 1182—94 й.лари дарбор табиби бўлиб хизмат қилган. 1195 й.и ҳурфикрлили-

ги учун амир ғазабига дучор бўлиб, Марокашга сургун этилган ва ўша ерда 1198 й.да вафот этган, китоблари эса ёқиб юборилган. И.Р.нинг 38 китоби Платон, Аристотель, Форобий ва Ибн Сино асарларининг шарҳидан иборат. И.Р.нинг асосий асари «Таҳофут ут-таҳофут» Ғаззолийнинг «Таҳофут ул-фалосифа» асарига қарши ёзилган бўлиб, унда Шарқ фал.сининг прогрессив томонлари ёқлаб чиқилган. И.Р. ислом динидаги асосий қарашларга зид ҳолда: Ҳаюло (модда) қадим ва абадийдир, зеро, ҳоз. борлиқдан муқаддам бошқа борлиқ ҳам мавжуд бўлган ва ундан кейин ҳам борлиқ бўлажак. Ҳаюло (модда) қадим бўлганлиги сабабли олам ва борлиқ шакллари — ҳаракат, макон ва замон ҳам қадимийдилар, деган фикрни билдиради. Худо оламни ҳеч нарсадан эмас, балки «ҳаюло»га хос бўлган жиҳатларни имкон ҳолида воқеият ҳолига келтириш асосида яратганлигини эътироф этади. Олам беш жисмдан — оғир ҳам енгил, енгил ҳам бўлмаган жисмлардан, яъни доиравий шакл ва кўринишда ҳаракатланиб турадиган фазовий жисмлар ва б. тўрт жисмдан ташкил топади. Бу тўрт жисмлардан биттаси мутлақ оғир бўлиб, доиравий шаклда айланиб турадиган жисмлар маркази бўлган Ердир, қолганлари эса олов, сув, ҳаводир. Оловнинг мутлақ равишда енгиллигининг сабаби шундаки, у доиравий ҳаракатга яқин жойлашган. Олов ва Ер орасида жойлашган жисмлар ўзларида уларга хос барча сифат ва хоссаларни мужассамлаштирган. Унингча, табиатда муайян зарурият ҳукмрон. Ундаги барча нарса-ашёлар ва ҳодисалар бир-бири б-н сабабий алоқада бўлади. Ҳаракат сабаб-оқибатнинг натижасидир. Модда ва шакл жавҳар, аслнинг икки асосий қойдаси саналади. Модда нарсаларнинг муҳим ички асоси бўлиб, шакл эса, уларнинг ташқи қиёфасидир. Нарсаларнинг ички ва ташқи қиёфаси, яъни, модда ва шакл ўртасида чегара йўқ. Демак, Аристотель модда ва шакл тўғрисидаги ўзининг таълимотида воқеий ҳодисаларни бир-бирдан кескин фарқлаб, уларни мустақил жавҳар (субстанция), араз (акциденция) ва имконият (потенция) даражасига кўтарган бўлса, И.Р. эса, улар ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд эканлигини эътироф этади. Аслида, модда ва шакл борлиқда ягона негизга эга. Шакл моддага нисбатан бегона унсур эмас. Модда ўзида барча шаклларни мужассамлаштиради. Шакл ҳеч қачон моддадан ташқарида яшай олмаганидек, ўз навбатида, модда ҳам доимо шакл б-н бирга мавжуд бўлади. Ҳар ҳолда модда ва шакл ўртасидаги муайян фарқ мутлақ бўлмасдан, балки нисбий характерга эгадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, модда воқеликни, шакл эса имкониятни эслатади. Ҳар қандай имконият етарли шарт-шароитлар юзага келган тақдирда муқаррар тарзда воқелик мақомини касб этади. Моддий борлиқ доимо ҳаракат ва ривожланишда давом этаётган, ҳеч кимса томонидан белги-

лаб қўйилмаган воқелик сифатида барча шакл — имкониятларнинг ягона соҳибидир. Моддада рўй бериб турадиган ўзгаришлар оқибатида унда турлитуман миқдорий ва сифатий жараёнлар юзага келадиган ҳолда унинг абадийлигини таъминлайди. И.Р.нинг илмий билиш наз-ясига кўра, воқеликни билиб олиш оддий жонли мушоҳада — ҳис-туйғу, идрок ва сезгилардан бошланади. Инсон ҳиссий қуввати б-н қўлга киритилган илк содда билим ақлий билишнинг асоси ва бошланғич таянч нуқтасини ташкил этади. Бу асоссиз инсон зоти олам асроридан бехабар қолиши аниқ эди. Барча кишилар нимани ўрганиб билсалар, уларнинг ҳаммаси эшитган, кўрган, димоғига етиб борган, таъмини тотган ва ҳис қилган нарсалар туфайли юзага келган. Ақл, аслида, сезгиларда берилмаган руҳий жараёнларни ўз моҳиятидан эркин келиб чиққан тарзда акс эттира олмайди. Нарса-ашёлар аввалига беш сезги аъзолари орқали ҳис этилгандан кейингина, ақлий фаолиятнинг объектига айланади. Жонли мушоҳада етказиб берган маълумотлар ҳар қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Аммо ҳис-туйғулар, сезгиларнинг ҳам ўз чегара ва имконияти бор. Улар орқали эришилмайдиган билим ашёларнинг моҳияти ва муҳим хусусиятлари ҳақида етарли даражада маълумотлар бера олмайди. Бундай тўла ва мукамал билимни ҳосил қилиш учун ақлнинг фаол иштироки зарур бўлади. Ақлий фаолиятнинг ягона мақсад-муддаоси ашё ва ҳодисаларга тааллуқли ички моҳиятни кашф этиш, нарсалар мавжудлигининг қонуниятли қирраларини англашдир. Инсоннинг билиш имкониятлари чексиз. Ақлий билиш жараёни, нарсаларнинг сабаб-оқибатини аниқ белгилаб олиш орқали амалга ошади. Бу жараённи кўр-кўрона рад этиш эса, воқеликни билишни рад этишга олиб келади. Демак, сабаб-оқибатни инкор этиш, пировардида муқаррар тарзда ақлни ҳам инкор этишни тақозо этади. Бу борада у Ғаззолийнинг сабабиятга нисбатан билдирган салбий муносабатини кескин танқид қилади. Мантиқ санъати билишнинг муҳим омили бўлиб, ақл фаолиятини назорат қилиб туради. Сабаб ва ҳаракат заминини қидириш мантиқий мушоҳада юритиш, фал-ий фикрлашни тақозо қилади. Уни чуқур ўрганиш табиатшунослик ва фал. асосларини билиб олишдан аввалроқ амалга ошгани мақсадга мувофиқдир. Инсонда ақл ва ақлий мукамаллик «Фанлар тараққиёти уларнинг аста-секин юқорилаб кўтарилиши» оқибатида камол топади. Ақл ва шуур туфайли инсон моддийликдан маънавий-руҳий абадийлик мақомига кўтарилади. И.Р.нинг ижтимоий-сиёсий фикрлари Платон, Форобий, Ибн Сино таълимотларининг таъсири остида шаклланган. У биринчилардан бўлиб, аёллар қўллигига қарши чиқди ва адолатпарвар жамият барпо этиш тарафдори бўлди. И.Р. фал.си кейинчалик Европа ва Осиё фал.сига ижобий таъсир кўрсатди, хурфикрлиликнинг шакл-

ланишига туртки берди, *аверроизм* мактабининг вужудга келишига сабаб бўлди ва янги давр илгор фалсининг тараққиётига муайян шароит яратиб берди. Асосий асарлари: «Раддияни рад этиш», «Мантиққа тааллуқли ёзишмалар», «Самовий жисмлар ҳаракати ҳақида мушоҳадалар», «Биринчи ҳаракатлантурувчи ҳақида», «Вақт муаммолари», «Рух ҳақидаги фан муаммолари», «Азалий ва вақтинчалик борлиқ ҳақида мушоҳадалар», «Ақл ҳақида мушоҳадалар», «Фалсафа масалалари», «Дин ва фалсафа мувофиқлиги ҳақида» ва б.

ИБН СИНО, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ (лот. Авиценна, 980, Бухоро — 1037, Ҳамадон) — ҳаким, қомусий аллома ва машҳур мутафаккир. Тиббиёт, фалсафа, мантиқ, психология, физиология, ахлоқшунослик, табиатшунослик, педагогика, мусиқашунослик каби соҳаларда қалам тебратган. И.С.дан бизга 280 дан зиёд асарлар мерос бўлиб қолган. Улардан 50 таси тиббиётга, 40 тадан ортиқ табиат ва гуманитар соҳаларга, 3 та рисола мусиқага, 185 таси фал., мантиқ, психология, ахлоқ-одоб ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга тааллуқлидир. И.С. фикрига кўра, барча мавжудотнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб»дир, яъни, Тангридир. Вужуди вожиб — бу биринчи моҳият, жавҳар. Унинг мавжудлиги сабабини бошқа нарсалардан ахтариш ўринсиздир. Чунки, биринчи сабаб унинг натижаси бўлган хилма-хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайдир. Вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ. У мустақил, ягона, моҳиятдир. Унинг зотида камчиликлар ва нуқсонларнинг учраши имкониятдан ташқаридадир. Доимий фаоллик бу биринчи сабабнинг муҳим хусусиятини ташкил қилади. Биринчи сабаб баъзан фаол, баъзан эса суғ бўлиши мумкин эмас. Унинг яратишдан толиқиши, бу фаолиятни амалга оширишни истамаслиги биринчи сабабга зиддир. Истамаслик, маъқул кўрмаслик Яратувчининг қодир, раҳмдил каби сифатларига путур етказди. Вужуди вожибнинг оқибати «вужуди мумкин»дир. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин вақт нуқтаи назаридан фарқланмайди. Улар ўртасидаги фарқ, аслида, нафислик даражаси б-н белгиланади. Ҳаракат вужуди мумкиннинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва осойишталик б-н бирга мавжуд бўлади. Ҳаракат бу ашёлар, ҳодисаларда содир бўладиган ўзгаришдир. Демак, ҳаракат жисмларнинг ўзаро ўрин алмашувигина бўлиб қолмасдан, балки кенг маънода уларнинг ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишидир. Мутафаккир барча фал-ий фанларни икки қисмга: наз-ий ва амалий фал.га бўлади. Назарий фан метафизика (юқори даражадаги фан), математика (ўрта босқичдаги фан) ва физика (фаннинг пастки қатлами)дан иборат. Метафизика мутлақ борлиқ ва унинг умумий ҳолатларини мавҳум категориялар воситасида ўрганади. Илоҳиёт ме-

тафизиканинг таркибий қисми ҳисобланади. Математика жисмларнинг соф миқдорий муносабатларини, физика эса табиатни тадқиқ этади. Амалий фал. сиёсат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, ахлоқ-одобни қамраб олади. И.С. мантиқни ўзининг илмлар таснифига киритмайди, уни билишнинг воситаси, деб ҳисоблайди. Олим илм соҳаларининг таснифини тузар экан, уни воқеий олам ҳодисалари реал шароитдан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этади. И.С.нинг табиий-илмий қарашлари серқиррадир. У жисмларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, алоқадорлик, зарурий ва тасодифий боғланиш тўғрисида муҳим маълумотлар қолдирган. Олим ўзининг «Табиат дурдонаси» асарида кўпчиликка ғайритабиий туюлган сароб, жисмларнинг солиштирма оғирлиги, чақмоқ, момоқалдирак, нур, ёмғир, тоғларнинг емирилиши, электр ҳодисаси ҳақида қимматли маълумотлар берган.

И. С.нинг билиш таълимотида кузатув ва тажриба муҳим ўрин эгаллайди. Олим улар орқали жисм ва моддаларнинг солиштирма оғирлиги, одамларнинг хасталиги ҳолатларини, дори-дармонлар таркиби, меъёри, касалларга даво бўла оладиган миқдори, касалликнинг инқирози ва соғайиш аломатлари каби ўта муҳим муаммоларни комил ишонч билан ҳал этишга жазм қилган. И. С.нинг меросида илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамиятли ўрин эгаллайди. Ахлоқий равнақ инсон зотида ҳосилдир, чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланиб, ҳақиқат б-н ёлғон-яшиқ ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстнинг душмандан фарқини билиб олади. Агар нарсалар, жараёнларнинг моҳиятини билишда интеллектуал етуклик, олимлик салоҳияти муҳим бўлса, ахлоқий камолотга эришиш учун бундай фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Илм ва ахлоқий фазилат муштараклиги инсонни донишманд ва олийжаноб шахсга айлантиради. Ахлоқий равнақ имконияти шубҳасиздир, чунки «ўзгаллик ва ахлоқий камолотга интилиш инсонга хос хусусиятдир». Таълим-тарбия, бошқа кишилар таъсири остида инсон ижобий ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантиради ёки иллатли сифатлар, хусусиятларнинг соҳибига айланади. Бунда одамнинг қуввати қонун кучига эгадир. Ҳар бир инсон томонидан ўзида ижобий ахлоқий фазилатларни камол топтириш қанчалик қийин бўлса, салбий сифатлардан қутилиши ундан ҳам мураккабдир.

И.С.нинг ижтимоий-сиёсий ғоялари унинг амалий фалсафасида кўриб чиқилган. Арасту ва Форобий изидан бориб, инсонни ижтимоий жонзот, деб таърифлайди. Кишиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги улар ҳаётининг ягона таянчидир. Жамиятнинг барқарорлиги унинг аъзолари учун бир хил мазмунга эга бўлган қонун ва адолатли ҳукмнинг мавжудлигига боғлиқдир. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий-фойдали фаолият б-н банд бўлиш-

лари лозим. Бажариладиган вазифаларга қараб, улар мансабдор шахсларга, ишлаб чиқарувчилар, савдосотиқ б-н машғул кишилар ва ҳарбийларга бўлинадилар. И.С.нинг фикрича, ижтимоий адолат жамият аъзоларини зўрма-зўраки тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Барча кишиларнинг шоҳ ва султонларга айланиши ёки ҳамманинг қашшоқлардан иборат бўлиши нореалдир. Бундай вазият табиий ва ижтимоий қонун-қондаларга тубдан зиддир. Жамиятда тенгсизлик ҳукмронлик қилади. Соҳиблар ва гуломларнинг мавжудлиги қонуний ҳолдир. Уни ҳеч қандай куч-қудрат, истак-хоҳиш ўзгартира олмайди, чунки ҳар бир кимса ўзининг меҳнатдаги фаолиятига, сазй-ҳаракатларига қараб орзу-умидига, мақсадига эришади. И.С.нинг табиий-илмий, фал-ий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари ўз даврида муҳим ижобий рол ўйнади ва ундан кейин ижод этган мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатди. И.С.нинг асосий асарлари: «Тиб қонуни», «Китоб аш-шифо», «Китоб ун-нажот», «Китоб ал-инсоф», «Донишномаи Алоий», «Фурозаи табиат», «Тадбири манзил», «Рисолаи ахлоқ», «Рисолаи ишқ» ва бошқалар.

ИБН ТУФАЙЛ (*тахси*. 1110—1185) — Андалусия (Испания) перипатетизмининг йирик вакили. И.Т. Андалусияда фай., табиб, шоир, математик ва астроном сифатида эътибор қозонган Ибн Божжанинг илмий анъаналарини давом эттирган. Унинг «Ҳай ибн Яқзон» асарида Абу Али ибн Синонинг таъсири яққол кўриниб туради. И.Т. Андалусия ҳукмдори Абу Яъқуб Юсуф (1163 — 1184)нинг сарой табиби вазифасини бажарар, математик, фай. ва шоир сифатида қалам тебратар эди. Баъзи маълумотларга қараганда, у муайян вақт мобайнида вазирлик мансабини ҳам эгаллаб турган. И.Т.нинг «Ҳай ибн Яқзон» асари фаройиб шакл-шамойилда ёзилган бўлиб, унда экваторга яқин ҳеч кимса яшамайдиган бир оролда ҳар қандай ғайритабиий сабаб ва таъсирдан холи шароитда, табиий унсурларнинг ўзаро бирлашуви натижасида Ҳайнинг ота-онасиз пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Уни кийик ўз сути б-н боқиб катта қилади. Ҳай аста-секин ўзида мавжуд табиий қобилият кўмагида мураккаб меҳнат ва ов қуролларини ясайди, оловдан фойдаланишни ўрганади, яшаш зарур бўлган барча шароитларни яратиб олади. Ўрта асрлар даврида И.Т.нинг бу асари инсон зотининг шаклланиши ва камол топиши ҳақидаги фал-ий концепция сифатида қабул қилинган эди. Бунда Ҳай дунёқарашининг шаклланишига алоҳида ургу берилган. Муаммонинг қўйилишида Ҳайнинг ҳаёт ва ўлим тўғрисидаги мулоҳазалари туртки вазифасини бажаради. Аста-секин унинг кўз ўнгида тирик ва нотирик табиат ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлиги намоён бўлади. Яратган Тангри эса бу алоқадор-

лик ва бирликнинг сўнги манбаи деб анланади. Бу ҳеч кимсанинг ташвиқи ва таъсирисиз Тангрининг мавжудлиги тўғрисидаги диннинг, диний иймон-этиқоднинг юзага келишидир. Ҳай турли-туман ижтимоий анъаналар таъсирини асло сезмаган ҳолда воқеликни билиш чўққиларини эгаллай боради. Воқелик б-н бевосита танишиш сезги аъзолари кўмагида ашёлар, ҳодисаларнинг турли жиҳатларини билишдан бошланади. Сўнгра у физика соҳаси бўйича маълумотларга эга бўлади. Ҳай аста-секин ҳодисаларнинг ранг-баранглигидан уларни бир-бирини боғлаб турган умумий жиҳатларга етиб боради. Ҳай ҳамма нарсалар хилма-хил бўлиши б-н бирга, улар ўзаро алоқадорликда эканлигини тушуниб олади. Инсоннинг интеллектуал қобилияти, билими тўғрисида мушоҳада қилиб, унинг абадий барҳаёт эканлигига ишонч ҳосил қилади. У Тангри ҳақидаги наз-ий билимлар б-н чегараланмасдан, унинг висолини кўриш олий мақсад, деган фикр-мулоҳазага келади. И.Т., пировард натижада, Қуръони карим таълим берган исломий қадриятларга келади. Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, И.Т.нинг фал-ий схемаси бўйича инсон босиб ўтган йўл ақл тамойилини асос қилиб олган фал-ий мушоҳада йўлидир. Бу йўлнинг афзаллиги шундаки, инсон илоҳий ҳақиқатларни соф ҳолатда, оммага мўлжалланган тимсоллар, символлар шаклида эмас, балки баркамол ақл воситасида эгаллаб боради. Хуллас, И.Т.нинг фикрича, инсон зоти ҳар қандай мисли кўрилмаган вазиятда, экстремал шароитда яшашга мажбур бўлмасин, у барибир ўзининг ижтимоий моҳиятини тарк эта олмайди. Бу моҳият ақл, илм ва Оллоҳ, унинг донишмандлиги б-н узвий боғлиқдир.

ИБН ХАЛДУН Абдурахмон Абу Зайд (1332—1406) — араб энциклопедисти, давлат ва жамоат арбоби. Маданият тарихи, ижтимоий фал., тарих фал.си муаммолари б-н шуғулланган, ўз салоҳияти б-н Шим. Африка мусулмонлари тарихида катта ўрин тутган. Ҳукмдорларнинг устози ва маслаҳатчиси бўлган, адолатли жамият қуришни орзу қилган. «Бутун дунё тарихи», «Тарих фалсафасига кириш» каби тарихий ва фал-ий асарлар ёзган. И.Х. жамият ҳаётига ва тарих фал.сига оид муаммолар б-н шуғулланган. И.Х. жамият тараққиётининг ўзига хос наз-ясини яратди. Жамият тараққиётидаги юксалиш ва инқироз давларини авлодларнинг алмашинуви б-н боғлади. И.Х.нинг фикрича, жамият ҳаёти маълум қонунлар асосида рўй беради. Жамият ҳаётига жуғрофий муҳит, айниқса, иқлим, ижтимоий меҳнат тақсимоти катта таъсир кўрсатади. Жамиятнинг тараққиёт даражаси, маданияти ва бошқариш усули ижтимоий меҳнат тақсимоти, кишиларнинг иқтисодий фаолияти ва аҳоли б-н ҳукмдорлар орасидаги ўзаро алоқадорликка боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Тарихнинг йўналишини цивилизацияларнинг айлан-

ма ҳаракати б-н боғлайди. И.Х. фал.нинг келиб чиқишини маълум объектив сабаблар б-н боғлайди. Бу сабаблардан бири шуки, жамиятнинг маълум босқичида мавжуд бўлган «этиқод асосларини» барбод этувчи салбий фикрлар пайдо бўлади. Шу б-н бир қаторда жамиятда рационалистик усулларга асосланган янги қарашларга зарурият туғилади. Фал. ана шундай зарурият асосида туғилган бўлиб, унинг асосий вазифаси «этиқод асосларини» барбод этувчи фикрларга қарши курашишдан иборатдир. Маълумки, И.Х. даврида «калом» мактаблари кенг ёйилган эди. Унинг фикрича, «калом» мактаблари фал.ни янада ривожлантирди, бунинг натижасида фал. ва «калом» муаммолари бирлашиб кетди. Бундай жараёнлар натижасида фал. ва «калом» ўртасида фарқ қолмади.

И.Х.нинг фал-ий қарашлари Ибн Рушд қарашларига яқин. У Ибн Рушд фал.сини изоҳлаб ҳақиқатни объектив ва рационал хусусиятга эгаллигини, амалий ва сиёсий билимларни бир-бирига зидлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, у билимларни амалий ва сиёсий турларга бўлади. Унинг асарлари фал., мантиқ, математика б-н боғлиқ муаммоларни ҳам ўз ичига олган. Унинг ижтимоий-фал-ий қарашлари машҳур «Ал-Муқаддима» асарида баён этилган. И.Х.нинг ўз ҳаёти ҳақида ёзган айрим асарлари бизгача етиб келган бўлиб, буюк маданий ёдгорликлар сафдан ўрин олган. И.Х. ўз даврида ҳам Янги замонда ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий фикрларининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатган буюк алломадир. Унинг асарлари араб, Ўрта Осиё ва Европа олимлари томонидан турли тилларга таржима қилинган ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

ИДЕАЛ (франц. *ideal*, лот. *idealus* — қиёфа, мезон, мукамаллик) — орзу-интилишнинг олий мақсади. К е н г м а њ н о д а: у ёки бу нарса, ҳодисанинг энг яхши, энг қадрли, энг мукамал ҳолати. (Мас.: «идеал газ», «масалани ҳал қилишнинг идеал йўли»...; т о р м а њ н о д а: шахс (инсон) қобилиятларини ифодаловчи намуна. И. китобий қаҳрамон, кино юлдузи, бирон буюк шахс, конкрет одам (ота, она, устоз...) бўлиши мумкин. И.ни фал-ий тушуниш асосида, кишиларнинг, комил инсонга хос бўлган хислат, хусусиятлари тўғрисидаги фикрларнинг умумлашма томонлари ётади. И. инсон ёки ижтимоий гурӯҳнинг мукамалликка доир сифат, хусусиятлари, хатти-ҳаракати, фаолиятини ифодалайди. И. ахлоқий (шахсга хос мукамаллик, ахлоқий сифатлар), ижтимоий-сиёсий (ижтимоий тузум, жамият), эстетик (гўзал инсон) ва ҳ.к. шаклларда намоён бўлади. Кишилар дунёқарашида, И., ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар, қонунлар, эстетик қадриятлар тарзида намоён бўлади. И. бирон-бир ин-

сонга хос хулқ-атвор, хатти-ҳаракат, фаолият, ижодни намуна тарзида қабул қилишни, ўзи танланган гоя (идея)нинг тўғрилигига ишончни ифодалайди. Орзу-интилишлар, фаолиятнинг турли-туманлиги, индивидда бир қатор И.лар (ижтимоий, эстетик, ахлоқий, диний.)нинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Ижтимоий-сиёсий И. муайян ижтимоий-сиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги гоялар, хатти-ҳаракатлар, интилишларни ифодалайди. Мас., Афлотуннинг И. давлат тўғрисидаги қарашлари, ўрта асрларда Марказий Осиёда марказлашган адолатли давлат барпо этиш гояси, интилаётганимиз — Ўзбекистонда барпо этилажак демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти гоялари шулар жумласидандир. Ҳозирда, ҳаҳон миқёсида, ижтимоий-сиёсий соҳада, И. давлат демократия ва кучли ҳокимият тарзида намоён бўлмоқда. Эстетик И., инсоннинг гўзалликка интилишини ифодаладиган тасаввурлар асосида шаклланади. Мас., табиат гўзаллиги инсонга хос намуна хулқ-атвор, одоб меъёрлари ва намуналарини ифодалайди. Ахлоқий И. кишилар хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатларини, жамоа манфаатлари асосида, муайян тарзда, тартибга солади. «Яхшилик», «ёмонлик» ахлоқий И.нинг моҳиятини очишга ёрдам берадиган таянч тушунчалардир. Жамият тарихида ахлоқий, эстетик И.ни ишлаб чиқишга интилишлар кўп бўлган, лекин, улар ҳар доим ҳам жамият томонидан қабул қилинавермаган. Диний И. ахлоқий И. б-н боғлиқ, унда инсоннинг муайян қиёфаси ифодаланган. Илмий И., илмий изланишларнинг асосини ифодаловчи тамойилларда намоён бўлади. Шахсий И. алоҳида олинган инсон — «мен»нинг мукамаллик даражасини ва унга етишиш йўллари (тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш)ни ифодалайди. Шахсий И.даги мукамаллик даражаси, хилма-хил ижтимоий аҳамиятга молик хислатлардан тортиб, индивидга хос хислатларгача бўлган жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин. И.даги индивидуаллик (алоҳидалик) б-н ижтимоийликнинг ўзаро муносабати жамият учун муҳим аҳамият касб этади. И. тушунчаси, фал.га, И. Кант томонидан, киритилган: бу И. ақлнинг зарурий, юксак намунага тўғри келадиган меъёри. Кантнинг фикрича, И. мақсад қўйиш ва унга эришиш учун интилиш б-н боғлиқдир. Шунинг учун ҳам И. тушунчаси мақсад тарзида қўйилиши мумкин бўлган, ҳодисаларга татбиқан ҳам қўлланиши мумкин. И., регулятив (кишилар фаолиятини йўналтириш) табиатига эга бўлган гоя сифатида, намоён бўлади.

ИДЕАЛИЗМ (юн. *Idea* — гоя, фикр) — энг қадимги ўзига хос фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, тафаккурнинг борлиқ, руҳ ва онг масаласида тафаккур, руҳ ва онгни борлиқнинг ягона асоси деб эътироф этади. И. олам онг, «Мутлақ гоя», «Дунёвий руҳ»нинг ифодаси, гўёки кўланкаси, деб ҳисоб-

лайди. И.га кўра, аслида, бизнинг онгимиз реал мавжуд бўлиб, моддий-ашёвий олам, борлиқ, табиат эса онгининг, сезги, ҳис-туйғу, тасаввур ва тушунчаларнинг ҳосиласидир. Фал-ий И. ўз моҳиятидан келиб чиқиб, икки кўринишда: субъектив И. ва объектив И.да намоён бўлади. Субъектив И. борлиқнинг асоси сифатида алоҳида олинган индивидуум, субъектнинг онги, сезгисини тан олади. У инглиз фай.и ва епископи Ж.Беркли номи б-н боғлиқдир. Унинг фикрича, нарсаларнинг барча сифат ва хоссалари, инсон сезгиларидан ўзга нарса эмас. Бизни қуршаб олган моддий жисмлар объектив, яъни бизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд эмас. Одамларнинг сезги, ҳис-туйғуларигина реал мавжуддир. Мавжуд бўлиш бу — сезгилар томонидан қабул қилиниш. Бундай қараш пировард натижада солипсизмга, яъни, воқеликни акс эттирувчи субъектдан ўзга барча реал нарса-ашёларни, инсон ва инсониятни рад этишга олиб келади. Объектив И. эса, борлиқнинг асоси сифатида индивидуал онг, сезгини эмас, аксинча, мистикалаштирилган, илоҳийлаштирилган онгни, «Универсал ирода», «мутлақ ғоя» кабиларни қабул қилади. Объектив И. тарафдорларининг фикрича, ҳар қандай инсондан мутлақ ғоя мустақил бир тарзда яшайди. И. қад. замонларда вужудга келди. Платон қад. юнон объектив И. ининг ёрқин намоёндаси сифатида эътироф этилади. Платон фал-ий қарашларида доимо ўзгаришда бўлган бу моддий дунёга ўзгармас, абадий, ҳар қандай ҳаракатдан холи бўлган «ҳақиқий борлиқ», руҳий моҳиятлар олами, ғоялар салтанати қарши қўйилади. Ғоялар оламини Платон барча нарсаларнинг ибтидоси, моддий оламни эса, унинг маҳсули деб билади. Унингча, реал жисмлар ғоялар оламининг аксидир. Мас., дарахт, от, сув у дунёдаги мавжуд дарахт, сув, от тўғрисидаги ғояларнинг нишонаси, ҳосиласидир, холос. Платон қад. юнон фал-ий тафаккурида шаклланган сенсуалистик таълимотларни рад этди. Унингча, сезгилар ҳақиқий билимнинг манбаи бўла олмайди, чунки улар ашёвий оламдан бегоналашмаган. Ҳақиқий билимнинг манбаи инсон ўлмас руҳининг хотираларидир. Улар ғоялар оламини мушоҳада қилиш оқибатида юзага келади. Платон фал.сида диалектика баҳс-мунозара жараёнида ишлатиладиган тушунчаларни қиёслаш ва таҳлил қилиш санъати сифатида қаралади. И. фал-ий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихида материализм б-н ёнма-ён кишилар дунёқарашнинг такомилга хизмат қилиб келади. Улар бир-биридан фарқ қилган ҳолда воқеий оламни маънавий забт этиш, билишнинг янгидан-янги метод ва воситаларини кашф этди, инсоннинг фал-ий мавҳум мушоҳада юритиш қобилиятини такомиллаштириб борди. Материализм мавжуд жараёнларнинг моддий жиҳатларига ўз эътиборини кучайтирган бўлса, И. эса, ўз навбатида, руҳ, ғоялар, ақл, маънавий қадриятларнинг инсон ҳаёти-

даги фаоллигини доимо урғулаб келди. И. фал-ий тафаккур тарихида хилма-хил кўринишларда намоён бўлиб туради. У ўз тараққиётида платонизм, пифагоризм, реализм, кабиллизм, спиритуализм, тоғизм ва неотомизм, кантчилик, тасаввуф, эмпирионизм, экзистенциализм, иррационализм каби шакл-шамойилларда яшаб келди. Марксизм фал.сида одат бўйича идеалистик йўналишлар ва уларнинг вакилари эришган ютуқлар, кўп ҳолларда, камситилар, қарашлари соддалаштириллар эди. Идеализм реакцион кучлар тимсолида гавдалантирилларди, у б-н бўлган ҳар қандай алоқа машъум оқибатларга олиб келади, деган фикр-мулоҳазалар билдирилларди, материализм эса илм-фаннинг чароғон йўли, нурли ғоялар салтанати сифатида талқин қилинар эди. Амалда эса бунинг аксини кўрамыз. Юнон фай.и Афлотун баҳс-мунозара маданиятида далиллаш-аргументация соҳасида инсон даҳоси қўл урмаган янги жабҳаларни кашф этди, немис фай.и Гегел инсон тафаккурининг нечоғлиқ мураккаб моҳиятга эга эканлигини, диалектик тарзда фикр юритиш муҳимлигини таҳлил қилиб берди, веналик психиатр З.Фрейд «либидо» таълимоти (жинсий мойиллик таълимоти) асосида онг ва онг ости қатламида содир бўладиган жараёнларни теран таҳлил қилишга муваффақ бўлди. Хуллас, илм-фан ва маданият намоёндаларининг махсус соҳаларида эришган ютуқларини улар дунёқарашини, фал-ий идеалларига зўрма-зўраки тиқиштира бериш доимо ҳам исталган самарани беравермайди, чунки фал. ва махсус соҳалар бир-биридан ўрганиладиган жабҳаси, метод ва воситалари, йўл-йўриқлари, ёндашув талаб ва тамойиллари б-н фарқланиб туради. Шундай экан, тадқиқотчининг ўз фал-ий дунёқарашини материалист ёки идеалист бўлишининг ўзи унинг махсус соҳаларда эришажак ютуқларини олдиндан тўла-тўқис кафолатлаб бера олмайди. У, бундан ташқари, кенг қамровли дунёқараш ва иқтидор соҳиб бўлиши, ўз соҳасини теран англаши, илм-фан истиқболларини кўра билиши, ҳақиқатгагина хизмат қилишга шай туриши муҳим аҳамият касб этади.

ИДЕАЛЛАШТИРИЛГАН ОБЪЕКТ — фан услубияти тушунчаси бўлиб, эмпирик ва наз-ий билимнинг шаклланиши ва амалга ошишининг ўзига хослигини ифодалайди. И.о. — фикрий тузилма бўлиб, идеаллаштириш жараёни орқали, амалга ошади, реалликда нарса ва ҳодисаларга хос бўлмаган хусусиятларни тушунчаларда акс эттиради. (Мас., моддий нуқта — И.о.да жисмнинг катталиги ҳисобга олинмайди ва ҳ.к.). И.о.лар тушунчаларнинг ривожланиши, қўлланиши у ёки бу фаннинг наз-ий даражаси, эмпирик билиш услубларининг аниқлик даражаси тўғрисида таассурот қолдиради. Геометрия, физика каби фанларда И.о. азалдан

қўлланиб келинади, ижтимоий фанларда эса ушбу тушунча, 19-20-а.ларда қўлланила бошланди. Ушбу ёндашувнинг ривожланишига М.Вебер катта ҳисса қўшди. Фан тараққиёти учун идеал нуханинг мавжудлиги, муайян қўллаш вазифасини бажаради, ушбу наз-ий конструкция б-н борлиқни солиштиришга имкон яратади. Турли даражада, И.о., билиш жараёнида, кенг қўлланилади. У замонавий фаннинг йўлланмаси, унинг услубиятидан бири ҳисобланади.

ИДЕАЛЛАШТИРИШ (франц. idealisation, ideal — идеал) — жараён бўлиб, воқеликни ва тажрибада принципиал амалга ошириб бўлмайдиган, лектин реал оламда уларнинг тимсоли бўлган объектларнинг тушунчаларини фикран шакллантиришни ифодалайдиган тушунча. Идеаллаштирилган объектлар, пировард натижада, объектив ашёлар, реал жараёнлар ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида майдонга келади. Мас., И. натижасида ҳосил бўлган математикадаги «нуқта» тушунчасини реал оламда нуқта сифатида, яъни, ўлчовга эга бўлмаган, бирон бир объектни топиш мумкин эмас, чунки ўлчовсиз нарсени ўзи бўлмайди. Худди шу каби ушбу фанни «тўғри чизиқ», «айлана» тушунчалари, физикани эса идеал газ, «мутлақ (абсолют) жисм», «инерция» сингари тушунчалари И. натижасида ҳосил бўлган. И. ёрдамида шаклланган тушунчалардан кейинчалик бу реал объектнинг инъикоси сифатида изланишлар олиб боришда, мулоҳазалар юритишда, реал жараёнлар мавҳум схемаларини тузишда кенг фойдаланиш мумкин. Бу борада И. моделлаштириш усули б-н узвий боғлиқдир. И.нинг натижаси бўлган тасаввурларни ҳосил қилган кишилар уларни худди ҳақиқатан ҳам мавжуд объектив феномен деб ҳисоблайдилар. Булар эса у объект феноменларини янада теранроқ тушуниш учун хизмат қилади. Шу маънода, И. моделлаштириш услуби б-н узвий боғлиқдир. И. илмий ёки ғайри илмий, реал ёки мавҳум бўлади. Илмий, реал И.ни мавҳумдан фарқлайдиган белги шундан иборатки, унда ҳосил этилган идеаллаштириш объектлари, шахслар муайян шароитларда И. тирилган, яъни, реал объектлар атамаларини ишлатиб, талқин этиш мумкин. Мас., коммунизм ҳақидаги таълимот худди ҳақиқий идеалдек тушунилган бўлса ҳам, аслида, у хом хаёл бўлиб чиқди. И.га йўл қўймаслик учун барча объект ва ижтимоий феноменларга, атоқли шахсларга меъёрида, яъни оширмай-тоширмай, кўпиртирмай тавсиф, баҳолар бериш лозим. Хулоса шуки, И.нинг илмий фал.да ўринсиз, асоссиз ҳисобланадиган, айрим нарса, ҳодиса, шахсларга меъёрдан орттириб баҳо бериб, объектив ҳақиқатга путур етказадиган, миқдор ва сифатнинг синтези бўлиш меъёр нисбатларини бузиб тавсифлайдиган зарарли уринишдир.

ИДРОК (лот. perceptio — қабул қилиш) — сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён. У барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар, хоссалар ҳамда инсон онгининг яхлит мазмуни, эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар орқали намоён бўлади ва уларни онгда акс эттиришда иштирок қилади. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар ўз И.ининг мазмуни б-н бир-бирларидан муайян даражада тафовутланадилар, яъни, улар айнан бир хил нарсени ўзининг билим савияси, маслағи, позицияси, дунёқараши, ижтимоий келиб чиқишига биноан турлича И. қиладилар ёки акс эттирадилар. Мас., «илдиз» тушунчасини биологлар ўсимликларнинг моддий асоси сифатида, математиклар сонларнинг илдиз остидаги вазияти тариқасида, шифокорлар бўлса тишнинг илдизи кўринишида, ижтимоий нуқтаи назардан қариндоштурувчилик, умумийлик шаклида кўз ўнгига келтирадилар. Мазкур тушунча баъзи ҳолларда И.нинг аниқлик, тўлиқлилик, равшанлилик, предметлилик, танловчанлик (саралаш) сифатларининг ўрнида қўлланилади. Апперцепция барқарор ва беқарор деб юритилувчи икки турга ажратилади: 1) барқарор апперцепция шахснинг дунёқараши, қатъий маслағи, идеали, позицияси, мотивацияси, қизиқиши, билим савияси, маданий даражаси, хулқ-атвори, маънавияти ва қасбий тайёргарлигига боғлиқ ўта мураккаб тузилишга эга; 2) беқарор апперцепция шахснинг И. қилиш жараёнидаги эмоционал ҳолатига, яъни, унинг кайфияти, руҳланиши, шижоати, стресс, аффектив кўринишдаги ҳис-туйғуларида, уларнинг суръати, давомийлиги, тезлигида ўз ифодасини топади.

И. ўзига вақт (замон), ҳаракат, фазо (макон) шакллари ёрдамида атроф-муҳитнинг, биосферанинг, ижтимоий турмушнинг моҳияти юзасидан ахборотлар қабул қилади. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг яшаш шакли, узлуксиз ҳаракатда бўлиши, муайян объектив вақт бирлигида ҳукм суриши инсон онгида бевосита инъикос қилинади. И. жараёнида унинг феноменлари (юн. «phainomenen» — ноёб, ғайриодатий ҳолат деган маънони англатади) ҳодисаларни акс эттиришда иштирок этади: 1) галлюцинация (лот. «hallucinatio» — алаҳлаш, босинқираш, яъни, йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши); 2) иллюзия (лот. «illyzio»-хато, адашиш, янглишиш деган маъно билдиради); 3) аттракция (французча «attraction» ўзига тортиш, маҳлиё этиш, жалб қилиш маъносини билдиради); 4) яққол кўриниш (русча «ясновидение» — олдиндан яққол кўриш, ғойибдан аниқ хабар олиш демакдир) ҳолати кабилар. И.нинг предметлиги, яхлитлиги, тузилмавийлиги (структуравийлиги), констант-лиги (ўзгармаслиги), англанганлиги, танловчанлиги унинг энг муҳим хусусиятларидир. И. муайян турларга, босқичларга (перцепция, апперцепция,

антиципация — олдиндан пайқаш, рефлексия — тушуниш, англаш, субсенсор, субцептив, сенсомо-тор ва ҳақозо), қонуниятларга, механизмларга эга бўлган билиш жараёнидир.

ИЕРАРХИЯ (юн. hieros—муқаддас ва arche—ҳокимият)—коинотнинг тузилишидан то давлат, жамият, табиат, турли тизимлар ва ташкилотларнинг қуйидан юқорига кўтарилиши ёки юқоридан қуйига, оддийдан мураккаб ёки мураккабдан оддий тузилмаларга етгунча мавжуд зиналар, даражалар, тартиблар йўналиши. Абу Наср Форобий моддий мавжудотларнинг ва илоҳий руҳга яқинлик ва узоқлик даражалари ҳақида бундай дейди: «Бу (оламдаги) мавжудотнинг тартиб ва даражалари аввало қуйидан, энг номукаммалликдан бошланади. Уларнинг энг паст қадрлиси (барча табиат оламига) муштарак бўлган илк моддадир. Унсурлар (сув, тупроқ, ҳаво, олов) бу илк моддадан ҳам қадрлиси саналади». Табиатда мукаммаллик даражаларига кўра, энг қуйидагиси маъданлар, сўнг ўсимликлар, ҳайвонот, қушлар томон камол топиб боради. Табиатда «Тил ва тушунча (онг) соҳиби бўлган тирик зотдан зиёда мукаммал бўлган бирор зот йўқ» *Форобий*. («*Мадина-тул-фозила*»). Шарқ фал.сига кўра, ақлли мавжудотлар орасида жисмга нисбатан руҳ, ақлга нисбатан дил азизроқ ҳисобланади. Руҳлар ҳам комиллик даражаларига кўра, бир неча табақаларни ташкил этади. Энг мукаммал руҳ — «Олий руҳ — Тангри таолодир». Пантеистик таълимотга кўра, Олий Руҳ аввал биринчи осмонга, сўнг иккинчи, учинчи... ва тўққизинчи осмонларга тажаллий этади (шуъла беради). Бу осмонлардан энг юксаги Тангрига яқин биринчи осмондир. Ибн Синонинг энг мураккаб фал-ий асарларидан бири — «Ҳай ибн Яқзон» («Уйғоқ ўғли Тирик») қиссасида инсон ахлоқий, маърифий, маънавий камолотининг босқичлари мажозий сувратлар, тимсолларда тасвирланади. Бу асарда кимсасиз оролда якка қолган чақалоқни кийик-оҳу сут бериб ўстиради. Бола ақли кира бошлагач, атрофидаги табиатни, иқлим шароитини, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини ўргана бошлайди. Сўнг, у ақлий билимлардан руҳий, метафизик билимларга, ундан кейин ладуний, илоҳий илмларни ўрганишга ўтади. Ибн Туфайл ҳам «Ҳай ибн Яқзон» асари фояларидан илҳомланиб, худди шу номда йирик фалсафий асар ёзади ва унда кимсасиз оролда ёлғиз қолган Инсон Худо берган ақл-фаросати ёрдамида оддий билимлардан аста-секин мураккаб, илоҳий илмларни ўргана бошлайди, азиз-авлиё бўлиб етишади. Барча замонларда руҳий покланишни ва юксалишни, Ҳаққа яқинликни истаган одам узлатда, ёлғизликда яшашга интилиши бежиз эмас. Табиат соҳасида И. оддий, ўсимликлар ва кам ҳужайрали жонзотлардан Инсонга қараб, тараққиётни билдиради. Жамиятда, давлат тузилишида И. иқтисод,

хўжалик, саноат, маданият, ҳарбий ва ҳуқуқ ташкилотларида тартиб-интизомга амал қилишни билдиради. Давлат ва жамиятни бошқаришда қишлоқлар туман ҳокимларига, туман ҳокимлари вилоят ҳокимларига, улар республика ҳокимиятига, республика ҳокимияти Президентга ҳисобот беради. И. ҳарбий ташкилотларда ва диний ташкилотларда катта нуфузга эга. Демократия тамойиллари кучайган сари И. тизимидаги барча бошлиқлар турли даражадаги кенгаш аъзолари б-н келишган ҳолда иш юритадиларки, коллектив бошқаришда хатоларга кўп йўл қўйилмайди ва турли табақа ва тоифаларнинг манфаатлари ҳисобга олинади.

ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ — давлат ҳокимиятнинг таркибий қисмларидан бири. Қонунчилик ва суд ҳокимиятларидан холи, мустақил равишда иш олиб боради. И.ҳ. тизимига қуйидан юқоригача ташкил топган ҳукумат идораларидан, соҳалар бўйича ўз фаолиятини олиб борадиган вазирликлардан, хўжалик бошқармаларидан, ижодий характердаги муассасаларидан иборат бўлиб, улар ўзларининг амалий фаолиятларида ваколатли қонун чиқарувчи муассасалар тасдиқлаган қонунлар, фармойишлар, қарорларни жамият ҳаётининг барча соҳаларига бевосита жорий этадилар. И.ҳ. таркибида доимий, ҳамда асосий қисмлар б-н бир қаторда амал қилувчи ижтимоий-иқтисодий тузум табиатига қараб муваққат ва ёрдамчи, кўмакчи қисмлар ҳам ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда олий И.ҳ. — Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат ҳам ҳисобланади ва коллегиял, умумий ваколатли органдир. И.ҳ. турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат кўмиталари ва б., улар якка бошчилик асосида иш олиб боради. Жойларда И.ҳ.ни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. У ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. И.ҳ. тайинлаш ва тасдиқлаш йўли б-н ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек, вакиллик органлари олдида ҳисоб беради. Республика И.ҳ.га Президент бошчилик қилади.

ИЖТИМОИЁТЧИЛИК КОНЦЕПЦИЯСИ — И. к.га бинюан, (Ю.Б.Борев, В.В.Ванслов, С.С.Гольдентрихт, М.С.Каган, Л.Н.Столович, В.И.Тасалов ва б.) эстетика, жумладан, гўзаллик нарса ва буюмларнинг табиий хоссалари қаторига кирмайди, балки улар ижтимоий хоссалар, сифатлардир. Гўзалликни табиат эмас, балки жамият, инсон яратган. Инсонсиз, жамиятсиз эстетика табиатда мавжуд бўла олмайди. У табиат нарса ва ҳодисаларининг ижтимоий-тарихий практика, меҳнат жараёнида «инсоний-лашуви» туфайли вужудга келади.

И.к. эстетиканинг ижтимоий моҳиятини, унинг инсон, жамият ва практика б-н узвий алоқада

бўлган ҳодиса эканлигини таъкидлади, эстетика масаласини инсоннинг фаол—ўзгартирувчилик амалиёти б-н боғлади. Шу б-н бирга, И.к. вакиллари гўзалликнинг табиий асосларини ҳисобга олмаганликлари учун айрим камчиликларга ҳам йўл қўйдилар.

Табиийчилик ва И.к.ларини ихкаласига ҳам хос умумий камчилик шундан иборат эдики, улар эстетикага соф объектив хосса деб қараб, ундаги субъектив томоннинг аҳамиятини ҳисобга олмадилар. Бунга қарама-қарши равишда айрим тадқиқотчилар (мас., А.Нуйкин) эстетикани соф субъектив—руҳий ҳодиса, шахс онги омили, унинг ҳиссий фаолияти кўриниши деб ҳисоблашди. Аммо «психологик» деб аталган бу нуқтаи назар моҳияти эътибори б-н субъектив идеализм хатоларини такрорлади.

60-й.лар мунозаралари эстетика масалаларидаги бирёқламаликлар, хатоларни бартараф эта оладиган янги бир концепция ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо қилди. Бу талаб натижасида аксиологик концепция вужудга келди. Уни И.к.нинг вакиллари ишлаб чиқдилар.

ИЖТИМОЙ БОРЛИҚ ВА ИЖТИМОЙ ОНГ — доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлган жамият ҳаётининг моддий ва маънавий томонларини узвий алоқадорликда ва ўзаро таъсирда эканлигини ифодаловчи, собиқ иттифоқда мутлақлаштирилган фаллий тушунчалар. Ижтимоий борлиқ кишиларнинг амалий фаолиятида яратилган, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи барча нарса, жараён ва ҳодисалар мажмуидан иборат. Ижтимоий онг жамиятни салоҳият даражасини, сиёсий потенциалини белгиловчи фал-ий категория. Ахлоқ, дин, санъат, фан каби маданият тизимида кирувчи ижтимоий онг шакллари мавжуд. Ижтимоий ҳаётни моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу жараённи таъминловчи бош омил тафаккур қобилиятига эга бўлган инсондир. Бинобарин, ижтимоий борлиқсиз ижтимоий онгнинг, ижтимоий онг фаол иштирокисиз жамиятнинг моддий ривожланишини таъминлаб бўлмайди.

ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ — ватан, миллат, халқ ёки айрим ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, улар назарида энг адолатли, мукамал кўринган фаровон жамият қурилишига, бахт-саодатга эришув йўлларига оид ғоя, фикр, таълимот. И.и. ифодачилари айрим давлат ва жамоат арбоблари, мутафаккирлар, файлар, илм-фан ёки санъат кишилари бўлиши мумкин. Қайси ижтимоий ёки тоифа манфаатларини кўзлашига, ҳаётийлиги ва инсониятга нақадар фойдали эканлигига қараб, ижобий, таваққийпарвар ёки бирор гуруҳ ёки мамлакат манфа-

атиға хизмат қилиши мумкин. Қад. юнон фал.сида (Сукрот, Платон, Аристотель, Эпикур ва б.) халқнинг доно вакиллари, донишмандлар бошқарадиган маърифатли давлат, ахлоқий баркамоллик, юнон санъатида эса — жисмоний гўзаллик ва ҳарбий қудрат, қўлларни итоатда сақлаш, Арабистон ярим оролида жоҳилият даврида қабилалар бойлиги, Шарқ фал.сида ва диний-ижтимоий таълимотларида (Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Носир Хусрав, Имом Ғаззолий, Тусий, Ибн Туфайл, Ибн Рушд ва б.) Куръон ва ҳадислар асосидаги адолат, раиятпарварлик, илоҳий илмларга амал қилиш: тасаввуф фал.сида барча ижтимоий иллатлардан покланиб, факр ва фано мақомига эришув И.и. ҳисобланади. Инсоният тарихида яна барча диний эҳтиқод аҳли учун умумий И.и. дан ташқари, бу соҳада ҳар бир мутафаккир ёки санъаткорнинг ўзига хос қарашлари бўлиши мумкин. Абу Наср Форобий «Талхиси навомиси Платон» («Платон қонунлар моҳияти ҳақида»), «Мадина ул-фозила» («Фозил одамлар шаҳри аҳолисининг қарашлари») асарларида турли ижтимоий гуруҳларнинг И.и. чуқур таҳлил этилади. Шарқ ва Ғарбда Уйғониш давларида ижод қилган буюк мутафаккирлар (Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ибн Туфайл, Рафаэл, Леонардо да Винчи, Франческо Петрарка, Франсуа Рабле, Сервантес, Лопе де Вега, Микеланжело, Шекспир, Томас Мор, Томмазо Кампанелла)нинг илмий ва бадиий асарларида уларнинг инсоният бахт-саодати ҳақидаги И.и.лари бутун инсоният учун ҳоз. кунларда ҳам, келажакда ҳам қимматлидир. Абу Наср Форобий «Платон қонунларнинг моҳияти ҳақида» рисоласида юнон донишмандининг фикрларини шарҳлаб, бундай дейди: «Агар инсон илоҳий эзгуликларга (фазилатларга) эришишни умид қилса, ҳаёти қувончли, ҳаёт тарзи эса, жуда гўзал кечади. Гўзал ҳаёт тарзи эса, халқ назарида ҳам, Худо назарида ҳам юксак (эъзозли) бўлади». Платон бу фикрни муфассал ифодалайди, халққа ва Ҳаққа)манзур бўлган ҳаёт тарзи қандай бўлиши кераклигини, ҳар бир ҳолатда бу ҳаёт тарзи ахлоқ ва қонунга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини кўрсатади. У оқиллик ҳақида эслатиб, машаққатдан роҳатни афзал кўриш бемаъни ҳаёт тарзи эканлигини, роҳатдан машаққатни афзал кўриш маъқул ҳаёт тарзи эканлигини тушунтиради. Платон машаққат деб, Шарқ донишмандлари айтган парҳезкорлик, ёмон, гуноҳ ишлардан сақланиш, нафсни тийиш, риёзат чекиб, илм, маърифат ва гўзал фазилатларни ҳосил қилишни назарда тутди. Илм-маърифат олиш баъзиларга машаққатли кўринса, баъзиларга завқ-шавқ беради, обрў, иззат келтиради. Форобий яна бир ўринда Платон фикрларини шарҳлаб, унинг адолатли жамият қуришда давлат, ҳокимиятнинг зарурлиги ҳақидаги ғояларини келтиради. «Илоҳий қонунларни идрок этишга тайёр-

гарлик кўриш ва яна икки гоёни амалга ошириш учун ҳокимиятга муҳтожлик пайдо бўлади. Бу гоёлардан бири — сазъ-ҳаракати, хунарлари ва мақсадлари (адолатли) ҳокимларга қарши бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни (мамлакатни) тозалашдир. Бошқа бир гоё — (Фуқароларга) панд-насиҳат йўли б-н (барча халқ учун) фаровонликка интилиш (зарурлигини тушунтириш) ва одамларнинг илоҳий қонунларни осонликча ва қувонч б-н қабул қилишларини таъминлашдир. Платон ахлоқий фазилатларни қандай ўзлаштириш мумкинлигини тушунтиради, — деб шарҳлайди Форобий. — Адолатли, пок, жасур бўлишга одат қилиш, шу б-н бирга, ёмон қилмишлардан қутулиш учун ҳам маълум муддат ўтиши керак. Бу вақт давомида инсон (тарбия ва маърифат ёрдамида) ўзининг ёмон қилмишларидан воз кеча олади. Агар одамда кучли ғурур (орият) туйғулари бўлмаса, у ҳолда ўша одам ўз руҳини машқ (ва машаққат) ила тарбиялаши зарур. Платон айтадики, «тарбияли одамлар ўз руҳлари учун доимо қувониш, ортиқча қулиш, қаттиқ хафа бўлиш, ортиқча қайғуриш яхши эмаслигини билиши, бу ҳолатларда мўътадиллик доирасидан чиқмасликка ўзларини мажбур қила олишлари керак». Шарқ халқлари, айниқса, исломий тасаввур таълимотида И.и. — футувват — мард, олижаноб, комил-инсон гоёсида равшан акс этди. Алишер Навоийнинг замондоши аллома Хусайн Воиз Кошифий футувватнинг устунлари деб, 12 та фазилатни кўрсатди. У «Футувватномаи султония» асарида комил инсоннинг бурчлари, яъни, мардлик рукнлари — устунларидан 6 таси зоҳирий, 6 таси ботиний эканлигини айтади. «Футувватнинг зоҳирий устунлари қуйидагилар: 1. Тилни ғийбат, ёлгон, бўҳтон ва беҳуда сўзлардан тийиш. Ножўя, номақбул сўзлар, бўҳтон, ғийбатдан қулоқни беркитиш (яъни, эшитмаслик). 3. Кўриш, ножоиз нарсалардан кўзни юмиш. 4. Ҳаром ишлардан, халққа озор беришдан қўлни тортиш. 5. Маън қилинган, ношоиста жойлардан оёқни тортиб, ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган, гал ташиш, (одамларга) зиён-заҳмат ва озорга етаклаган ишларга қадам қўймаслик. 6. Ҳаром овқатлардан оғизни, зинодан аъзони эҳтиёт қилиш. Зино — футувват (мардлик) аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса, футувват риштасини узишдир. Кошифий футувватнинг ботиний рукнлари деб қўйилган шартларни айтади: 1. Саҳоват, яъни (бировлар) тиламасидан аввал бағишламоқ. 2. Тавозуъ, яъни бошқаларни ўзидан афзал билмоқ, барчага камтар бўлиш. 3. Сабр-қаноат. 4. Авф ва марҳамат. Яъни, халққа шафқат кўргизмоқ, одамларнинг гуноҳини кечирмоқ ва иложи борича уларга яхшилик, мурувват б-н муомала қилиш. 5. Ҳавобаландлик ва ғурур (мағрурлик)ни тарк этиш. «Зеро Иблис кибру ҳаво туфайли жаннатдан бадарга бўлди». 6. Кўнгил уйини риёзат супургиси б-н чангу ғубор, чиқиндилардан тозалаб туриш, модомики, кўнгил дунё тааллуқоти — ташвишлари ғалвасидан қутулмас

экан, у дўст (Ҳақ) муҳаббатининг маконига айланмайди. Кошифий бу асарида футувватнинг устунларидан ташқари, қирқ саккизта шартни ҳам айтадики, бу шартлар қаторида — илм, ҳилм (мулоимлик), сидқ, карам, мурувват, шафқат, эҳсон, вафо, ҳаё, таваккул, ғайрат, сабр, нафс поклиги каби фазилатларни эгаллаш талаб этилади. Ҳадиси шарифларда ҳам бу инсоний фазилатлар мақталади. И.и.нинг бу талаблари барча замонларда инсон камолотига хизмат қилувчи қимматли гоёлар бўлиб, бу гоёлар миллий истиқлолга эришилган ҳоз. даврда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ УҚЛАД — ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий хўжалик юритиш тизими. Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш муайян И-и.у.га, мулк шаклига эга бўлади. Ўзбекистон мустаққиликка эришгач, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришди. Бозор иқтисодиёти кўп укладли иқтисодиётга, мулкнинг турли шаклига асосланади. Шу боисдан, Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда бозор муносабатларини қарор топишига, фуқароларнинг турмуш даражасини ўсишига хизмат қилувчи кўп укладли иқтисодиёт, мулкнинг турли шакллари вужудга келди. Улар давлат мулки, нодавлат мулки, хусусий мулк, жамоа (ширкат) мулки, давлат ва халқаро ташкилотларга қарашли юридик ва жисмоний шахслар мулки ва мулкчиликнинг аралаш шаклидир.

ИЖТИМОЙЛАШУВ — инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечириш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиши жараёни. И. жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари фал., социология, ижтимоий психология, педагогика, тарих ва этнография томонидан ўрганилади. И.нинг фал-ий талқинига ижтимоий психология асосчиси Г.Тард пойдевор яратган. Шунингдек, И. муаммолари З.Фрейднинг классик психоанализида, интеракционизмда, Т.Парсонснинг таркибий-функционал таҳлилида тадқиқ этилган. Ҳоз. кунда И. жараёнининг ўзига хос хусусиятлари Чикаго ва Айовадаги символик интеракционизм мактаблари ва «психодрама» йўналиши намоёндалари томонидан ўрганилмоқда. И. — инсон томонидан кишилик маданиятининг, хусусан миллий маданият анъаналарининг ўзлаштириб борилиши жараёни сифатида ҳам талқин этилиши мумкин. Маданий муҳитга мослашиш жараёни сифатида И. инсоннинг бутун умри бўйи давом этади, бироқ бу жараён боланинг икки ёшдан олти ёшгача бўлган даврида

бошланади. Мазкур даврда бола маданий қадриятларни ўрганиш жараёнидан узиб қўйилса, И. жараёни тўхтаб қолади. Инсоннинг маданий анъаналарни ўзлаштириши жараёни унинг индивидуаллигининг шаклланиши б-н ҳамоҳангдир. Шу боис, И. жараёнининг интиҳосида шахс тарихий типининг индивидуал вариантлари юзга келади. Ушбу жараён давомида шахс томонидан ижтимоий ролларнинг ўзлаштирилиши «лаззатланиш — азобланиш» (Фрейд)-тамоийли ёрдамида мувофиқлаштириб борилади. И. жараёни мураккаб механизмга эга. Ушбу механизмнинг руҳий ва ижтимоий-маданий жиҳатлари мавжуд. И. механизмнинг руҳий жиҳати индивид томонидан маълум ижтимоий ролларнинг қабул қилиниши (ёки қабул қилинмаслиги)да намоён бўлади. Унинг ижтимоий-маданий жиҳати эса инсоннинг тил, санъат, дин, ва ш.к. орқали маданий қадриятларни ўзлаштириши жараёнини қамраб олади. И. жараёни ўз босқичларига эга. Бироқ, бу босқичларни аниқлашда турли ёндашувлар асос қилиб олинади. Мас., Ж.Миднинг онтогенетик ёндашуви индивидуал И. босқичларини белгилаб беради. Унинг фикрига кўра, бу босқичлар қуйидагилардан иборат: 1) психогенетик босқичда индивид ўз эҳтиёжларини қондириш йўлларини ўрганади; 2) символик босқичда индивиднинг символлари (образлар, идеаллар ва ш.к.) шаклланади; 3) ақлий-концептуал босқичда индивид символлари системаси унинг фаолиятини бошқарувчи механизмга айланади. Онтогенетик ёндашувдан фарқли ўлароқ, филогенетик ёндашувда (М.Петров) И.нинг тарихий эволюциясига эътибор қаратилади ва қуйидаги босқичларга бўлинади: 1) номинация босқичида исмларнинг аҳамияти катта бўлган; ҳар бир исм ўз мазмунига эга эди ва маълум фаолият тури б-н боғланарди (мас., ҳиндуларда «Кекса Қуёш» исми бургутлар тутиб, қабилла бошлиғига, бош кийимлари ясовчи кишига берган); 2) касбий-қабилавий босқичда маълум мазмунга эга номлар алоҳида индивидларга эмас, балки бирор фаолият тури б-н машғул бўлган оила, уруғ, қабилаларга берилган бошланган (мас., қад. Юнонистонда табиблик қилувчилар ўзларини асклепидлар, темирчилик қилувчилар ўзларини гефестидлар деб атардилар); 3) универсал-мантикий босқичда ижтимоий фаолиятнинг турлари шакллана ва ўзлаштирила бошланди, махсус таълим ин-тлари вужудга келди. И.жараёнини тадқиқ этаётганда ҳам онтогенетик, ҳам филогенетик ёндашувларни инobatга олиш зарур. И. ижтимоий функциялари қуйидагилардан иборат: 1) ижтимоий-тарихий жараён субъектини шакллантиради; 2) маданият ва цивилизация тараққиётида ворисийликни таъминлайди; 3) индивидни ижтимоий муҳитга мослаштириш орқали жамиятнинг тўқнашувларсиз тараққий этишига замин яратади. Бугунги кунда И. муаммоларини ўрганишда фал-ий, социологик, ижтимоий-психологик

ва тарихий-этнографик таҳлил натижасида яратилган услублар ва ёндашувлар комплексидан фойдаланиш тенденцияси юзга келмоқда.

ИЖТИМОЙ МАҚОМ (*лат.* status — ҳолат, аҳвол, мақом) — энг умумий маънода шахснинг ёши, жинси, келиб чиқиши, касби, оилавий аҳволига кўра жамиятда тутган ўрнидир. Одатда туғма (ижтимоий келиб чиқиши, этник гуруҳ ёки миллатга мансублиги ва ҳ.к) ва эришиладиган (маълумоти, малакаси, мартабаси ва ҳ.к.) И. м.лар фарқланади. И. м.ни шахсий, яъни бошланғич гуруҳга мансуб бўлган одамнинг инсоний мавжудот сифатида баҳоланиши б-н боғлиқ бўлган мақомдан фарқлаш лозим. И. м. «икки томонлама» маъно ва таърифга эга бўлиши мумкин. Р.Линтоннинг кўрсатишича, ҳар бир одам муайян И. м. (жамият «зинапоя» (иерархия)сидаги ўрин)га эга бўлибгина қолмай, ўз шахсида бир неча мақомларни мужассамлаштириши мумкин. Айтилик, шахс бир вақтнинг ўзида ота, эр, губернатор, сиёсий партия аъзоси, футбол жамоаси сардори ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Баъзан бу мақомлар бири-бирлари б-н зид келиб қолиши мумкин, у ҳолда муайян ижтимоий ролни бажариб турган шахс бир мақом фойдасига бошқа бирини воз кечишига тўғри келади.

ИЖТИМОЙ МОБИЛЛИК — кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг турли позицияларни эгаллаши, ижтимоий ўрин алмашинувини англатувчи тушунча. Мобиллик кишиларнинг ижтимоий маъқеи даромад даражаси, таъсир доираси ва ҳокимиятга мансублигига қараб вертикал ёки горизонтал мобиллик бўлиши мумкин. Горизонтал И.м. индивидлар ижтимоий ҳолатининг юқорида кўрсатилган ўлчовларига даҳддор бўлмайди. И.м. тушунчаси фанга биринчи бўлиб П.А.Сорокин томонидан киритилган. И.м. жамиятнинг «очиқ» ёки «ёпиқ» эканлигини кўрсатувчи индикатор сифатида (мобиллик индекси) эмпирик кузатилади. Сорокиннинг фикрича, индивидларнинг вертикал ўрин алмашинувида етакчи каналлар бўлиб сиёсий, иқтисодий, профессионал (касбий) ўрин алмашиш, армия, черков сингари ташкилотларда юқори лавозимларни эгаллаш; фойдали никоҳ ити ва ҳ.к. ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВ (*лат.* socialis — ижтимоийлашган) — шахс томонидан муайян маданият анъаналарига хос бўлган фаолият ва хулқ-атвор меъёрини ўзлаштириш, қадриятлар ва тартиб-қоидаларни англаш жараёни. И.м. фал., социология, ижтимоий психология, психология, педагогика, тарих ва этнография каби фанлар томонидан ўрганилади. фал. И.м.ни фақат ижтимоий реализм нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Бу муаммо, биринчи бўлиб иж-

тимой психологиянинг асосчиси Тард (1843—1904) томонидан қўйилган, кейинчалик психоанализ (Фрейд), интеракционизм (Жанс, Виготский), структуравий — функционал (Парсонс) оқимлар номоёндалари томонидан ривожлантирилган. Шахснинг ижтимоий-маданий муҳитга мослашуви деярли бутун ҳаёти давомида амалга ошади. Лекин унинг асл функционал мазмуни умрининг икки ёшидан олти ёшгача бўлган даврига тўғри келади. И.м.да шахснинг жамиятда ўрнатилган тартиб интизомни ўз имкониятлари ва *ижтимоий муҳит* талаблари б-н мувофиқлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоийлашувнинг психологик механизми «тақлид қилиш» (Тард), «ўзини бошқаси б-н идентификациялаш» (Фрейд), «ўзганинг ролини қабул қилиш» (Ж.Г.Мид), «имитация ва идентификация» (Парсонс) б-н боғлиқ. Индивидуал тажриба жараёнида кимнингдир хулқ-атвор нормаси субъект учун намуна вазифасини ўтайди. Шахснинг ижтимоийлашувига унинг оила аъзолари, энг аввало ота-онаси (Фрейд), оилага алоқадор бўлмаган субъектлар (Т.Тернер), вертикал характерга эга бўлган «ўқитувчи-ўқувчи» (Тард) муносабатлари таъсир кўрсатади. Мид таълимотига кўра, субъект томонидан «ўзганинг ролини қабул қилиш» босқичма-босқич амалга ошади. Дастлаб муайян авторитетлар (энг аввало, ота-она, кейинроқ, ҳурматга сазовор бўлган тенгдошлари, обрў-эътиборга эга бўлган катталар: турли атоқли шахслар, шунингдек, бадиий-адабий ва кино қаҳрамонлари) ва ниҳоят, максимал «аҳамиятга эга бўлган ўзга» сифатида — мавҳум «умумлаштирилган ўзга» образининг шаклланиши ва унинг ролини бажаришга интилиш б-н боғлиқ.

Ижтимоийлашув ижтимоий-тарихий жараённинг субъектини шакллантиришда, маданият ва цивилизация тараққиётидаги ворисийликни таъминлашда, индивидларнинг ижтимоий муҳитга мослашуви ва умум аҳамиятга эга бўлган тартиб-қоидаларни ўзлаштирилиши орқали жамиятдаги барқарорликни таъминлашдан иборат. Шахснинг ижтимоийлашувида жамиятдаги мафкуравий жараёнларнинг аҳамияти катта. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий эркинликлар шароитида жамиятда мафкуравий бўшлиқнинг юзага келиши шахснинг И.м.ига ижобий эмас, аксинча салбий таъсир кўрсатиши табиий. Мақсад ва тараққиёт йўналиши аниқ бўлган жамиятда субъектларнинг ижтимоийлашуви фаолроқ амалга ошади. Мафкура, шу жумладан, тарбиявий жараёнлар инсоннинг ички руҳий ҳолатига, маънавий дунёсига, санфаатлари ва интилишларига таъсир этган ҳолдагина унинг ижтимоийлашувида муайян аҳамият касб этиши мумкин. Хусусан, мустақил Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкураси концепциясининг ишлаб чиқилиши, ундаги халқимизни жипслаштирувчи асосий мақсад — «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон

ҳаёт қуриш» ғояси жамият аъзоларининг И.м.ида асосий омилдир.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР — одамлар ўртасидаги турли алоқалар бўлиб, бундай муносабатлар уларнинг биргаликдаги моддий ва маънавий фаолияти натижасида қарор топади. И.м. моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Шу сабабли И.м.дан энг муҳими ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатлардир. Ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамма бошқа И.м.нинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва ҳ.к. муносабатларнинг характерини белгилайди. Барча И.м.нинг ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ эканлигини тушуниш биринчи марта жамият тарихий тараққиётининг қонуниятларини илмий равишда изоҳлашга имкон берди.

ИЖТИМОЙ МУҲИТ — инсон кўриб турган, унинг мавжудлигини, шаклланишини таъминлайдиган моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг жаммуаси. И.м. к е н г м а ъ н о д а (макромуҳит) умуман ижтимоий-иқтисодий тизим ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий муносабатлар ва ин-тлар жаммуи, ижтимоий онг, жамият маданиятини қамраб олади. Т о р м а ъ н о д а (микромуҳит), умуман И.м.нинг таркибий қисми сифатида бевосита инсонни ўраб турган оила, меҳнат, ўқув ва ҳ.к. жамоналар ва гуруҳларни ўз ичига олади. И.м. шахснинг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни чоғда инсон ижодий фаоллиги, фаолияти таъсирида у ҳам ўзгаради ва бу ўзгаришлар жараёнида одамларнинг ўзи ҳам ўзгаради.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҒОЯЛАР — ҳар бир ҳалқ ва умуман башариятининг орзу-умидлари, мақсад муддаоларини ифодаловчи, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этувчи умуминсоний ғоялар.

Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тенглик ва ҳамкорлик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга кучқувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

ИЖТИМОЙ СИНОФЛАР — собиқ иттифоқ давридаги устувор мафкурада тарихан белгиланган ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, ижтимоий бойликлардан ўз улушларини олиш усулларига қараб ажратилдиган кишиларнинг катта-катта гуруҳлари деб талқин қилинар ва синфларга марксча — ленинча ёндашув ҳукмрон эди. Ҳамма ижтимоий муаммоларга синфий ва партиявий нуқтаи-назардан ёндашилган эди. Шўро ҳокимияти йилларида фақат иккита синф,

пролетариат ва деҳқонларнинг мавжудлиги тан олиниб, зиёлилар ижтимоий қатлам ҳисобланган. Бу таълимот ҳоз. ўз кучини йўқотди. Республикамизда босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтилаётганлиги жамиятнинг таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмоқда. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, тадбиркорлар, фермерлар, амалдорлар ва б. тоифаларнинг ижтимоий моҳиятни ўрганиш муҳим вазифадир.

ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ НАЗАРИЯСИ — (*лот. stratum — қатлам ва facio — қилмоқ*) —

ҳозирги замон социологиясининг тушунчаларидан бири. Жамият ижтимоий тузилишининг элементларидан бири бўлиб, ундаги маълум тартибларни кўп ўлчам асосда таснифлаштириш. Стратификация турли белгиларга, шунингдек, гуруҳларнинг жамият тузилишидаги ўрнини аниқ белгилашда қўлланилади. Таснифнинг мезони, жамиятнинг социологик ташхислаштириш ва маълум ижтимоий гуруҳларнинг аниқ мақомини расмийлаштириш ҳисобланади. Бунда энг куйи кўрсаткичлар ва ижтимоий демографик омилларнинг маълум моделларини яратишда фойдаланилади. И. с. н. тушунчаси социологияда моддий бойликларнинг нотекис тақсимланиши, индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳокимиятдаги вазифалари, ижтимоий нуфузи хилма-хиллигини англатади, айниқса, бу жараён ҳозирги саноатлашган жамиятларда ижтимоий гуруҳларнинг вазифалари б-н бевосита боғланган. Жамият ижтимоий тизимига бундай ёндашиш ва уни ўрганишга биринчи бўлиб М. Вебер асос солган. Кейинчалик бу таълимот Парсонс, Шилз, Б. Барбер, К. Дэвис, В. Мур ва б.лар томонидан ривожлантирилган. Жумладан, К. Дэвис ва В. Мур ижтимоий стратификация таълимотининг устунлигига эришиш учун жамият ўз аъзоларини маълум функцияларни бажарадиган турли гуруҳларга бўлади. Ҳар бир гуруҳнинг позицияси ўзига хос қобилият ва тайёргарликни талаб қилади. Жамият, биринчидан, кишилар фаолиятининг самарадорлигини оширишда хизмат қилиши керак, иккинчидан, жамият маълум нотекис тақсимот усулларига ҳам эга бўлиши зарур. Буларнинг барчаси фуқароларни эгаллаб турган мавқеига боғлиқ. Ижтимоий тизимда қўлга киритилган фойда ва унинг тақсимланиши қатламлаштириш (стратификация)ни келтириб чиқаради. Шунинг учун ижтимоий тенгсизлик англаб олинмаган восита сифатида шаклланади. Натижада жамият малакали шахсларни эгаллаб турган мавқеларини кўрсатишни талаб қилади. Ҳар бир жамият содда ёки мураккаб бўлишига қарамастан, кишиларни табақалаштириши учун уларнинг нуфузи ва ҳурмати ҳам маълум нотекисликларга эга бўлиши зарур. Ижтимоий изтироблардан потенциал ҳимоя қилинган жамиятларда И.с.н.нинг чегараси чекланган бўлади. Ижтимоий ларзалари кўпроқ бўлган жа-

миятларда И.с.н.лаштириш кучлироқ бўлади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўзига хос, ўзига мос йўсинда ўтмоқда. Бу биринчи навбатда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва б. орқали аҳолини кескин фарққа эга бўлган гуруҳларга бўлиниб кетишининг олдини олишга интилоқда.

ИЖТИМОЙ СТРУКТУРА — ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, меҳнат тақсимоти, ижтимоий ин-тлар характери б-н белгиланадиган ижтимоий тизим таркибий қисмлари ўртасидаги турғун алоқалар тармоғи. Иқтисодий муносабатлар И.с.нинг қолган таркибий қисмлари ўртасида белгиловчи ролни ўйнайди. Жамиятда унинг синфий таркиби муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг И.с.си унинг касбий, миллий, жинсий, ёш, маданият ва б. белгиларига кўра бўлинишини ҳам қамраб олади. Мустақиллик шароитида мулкчиликка, умуман, иқтисодий жараёнларга демократик ёндашув қарор топаётганлиги туфайли И.с.да ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда.

ИЖТИМОЙ ТАБАҚА — туб мақсад-манфаатлари турлича бўлган одамлар гуруҳларининг ижтимоий синф, табақа қатламларга бўлиниб кетганлиги у ёки бу жамият ижтимоий тизимини келтириб чиқаради. И.т. ижтимоий синф таркибида ёки ўзи мустақил мақомга эга бўлган ҳолда амал қиладиган ижтимоий тизимидаги ўрни, мақоми, салмоғи б-н ижтимоий нодирликни ташкил этади. Жамият моддий ва маънавий бойликларини яратишга қўшган ҳиссалари, улар тақсимотидаги улушлари мезон-ўлчовларига кўра ижтимоий табақа жамият тизимидаги ўз ўрнига ва мақомига эга бўла олади. И.т.лар қаторида зиёлилар, тадбиркорлар, сиёсий элита, хизматчи ходимлар ва ш.к. табақалар ҳар бирининг алоҳидалик, нодирлик, ўзига хос хусусиятларини эътироф этиб, мазкур белги-хусусиятлар башарият тараққиётининг ҳоз. босқичида, умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар устуворлигига амал қилинаётган шароитда тобора ўсиб бораётганлигини эътибордан қочирмаслик мақсадга мувофиқдир.

ИЖТИМОЙ ТАРБИЯ — бутун жамиятга, халққа миллат, табақага кўрсатилган мақсадга мувофиқ тарбиявий таъсир. И.т. ёрдамида фуқароларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ягона мақсад томон йўналтирилади. Худди шунинг учун ҳам И.т. — тарбиявий таъсирнинг ягона дастур асосида амалга ошириладиган онгли қисмдир. И.т. тизимининг самарадорлигини ошириш ушбу жараён ташкилотчилари ва тарғиботчилари, энг аввало, унинг мақсади ва вазифалари, устувор йўналишлари ва соҳалари омиллари ва воситалари, услублари ва усуллари ҳақида

тиниқ тасаввурга эга бўлишига боғлиқ. Чунончи, мамлакатимизда янги жамият қурилаётган ҳоз. шароитда И.т.нинг асосий мақсади инсонпарвар демократик жамият, ҳуқуқий давлат, ягона умуммиллий гоа атрофида фуқароларни бирлаштиришдан иборат. И.т.нинг асосий вазифаси жисмоний бақувват, маданий-маънавий етук, руҳан тетик, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш қобилятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос касб-кор маҳоратини ўзида мужас-самлаштирган баркамол инсонни шакллантиришдан иборатдир. Баркамол инсон шахсини қарор топтириш борасидаги тарбиявий ишлар 5 асосий: ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний йўналишларда амалга оширилади. И.т.нинг асосий йўналишлари орасидаги ўзаро алоқадорлик: ҳуқуқий, сиёсий, ватанпарварлик, умумбашарий, жинсий ва экологик кўринишларда намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам юқорида биз санаб ўтган кўринишлар И.т.нинг таркибий соҳаларидир. И.т.нинг самардорлиги икки омилнинг — иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақтнинг тарбиявий таъсири б-н бевосита боғлиқ. И.т.нинг мақсади ва вазифалари омма онгига фан, адабиёт, матбуот, радио, телевидение, кино, музей, тарғибот ва ташвиқот каби воситалар ёрдамида сингдирилади. И.т. таъсирчанлигини оширишда турли услублар (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усуллар (алоҳида, жамоавий, оммавий)дан оқилона фойдаланиш зарур. И.т. тизимида энг асосий ўринни умумий таълим мактаблари эгаллайди, чунки, эндигина оила ва унинг яловбардорлари бўлмиш ота, она, бобо, момоларнинг индивидуал тарбияси таъсирида бўлган ёш ниҳол, умумий таълим мактабларининг режалаштирилган тарбиявий, яъни мафкуравий таъсир доирасига кирди. Ўша кундан эътиборан, мурғак қалб фаолиятини жамият, миллат манфаати томон буриш учун дастлабки қадам ташланади. Умумий таълим мактабларида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар жамиятнинг бошқа ижтимоий ин-тлари, оила, мактабгача тарбия муассасалари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, турли жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий муассасалар, уюшмалар амалга ошираётган бир бутун, тарбиявий таъсир доирасида бўлиб, ўша мақсадли, онгли фаолиятнинг давомидир. Жамиятнинг турли ижтимоий ин-тлари, аниқ дастур, режа асосида амалга ошираётган тарбиявий ишларининг ҳаммаси яхлит, бир бутун тизимни ташкил этади.

ИЖТИМОЙ ТИЗИМ — кишилар ўртасида тарихий ташкил топган ижтимоий муносабатлар тизими. У муайян ижтимоий алоқа ва муносабатлар тақозо қиладиган давлат шакли, жамиятнинг сиёсий структураси, ҳуқуқий муносабатлар тизими эканлиги б-н характерланади. Ҳар қандай И.т.нинг асоси-

ни ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар тизимида иқтисодиёт, сиёсат, маънавият ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли улар И.т.нинг табиатини, унинг хусусиятларини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

ИЖТИМОЙ ФАЛСАФА (социал фалсафа, жамият фалсафаси) — фалсафанинг кишилик жамиятининг моҳияти, келиб чиқиши, таркиби, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисидаги алоҳида бир соҳаси. И.ф. жамият тўғрисидаги энг умумий билим ва тушунчалар мажмуаси бўлибгина қолмасдан, балки ижтимоий ривожланиш йўлида пайдо бўлган муаммоларни оқилона ҳал этишга, жамият истиқболини олдиндан кўришга имкон беради. И.ф. орқали жамият ўзлигини англайди ва ривожланиш истиқболларини белгилайди. И.ф. жамият ва инсонни тадқиқ этишни эмас, балки ижтимоий-гуманитар фанлар (тарих, социология, психология, антропология, этнография, иқтисодий наз-я ва ҳ.к.)нинг ютуқларига таянган ҳолда жамият тўғрисида фал-ий қарашлар тизимини яратади, ижтимоий воқеа ва жараёнларни илмий билишнинг методологик асосларини ишлаб чиқади. И.ф. жамият тўғрисидаги илмий наз-я социология б-н узвий боғлиқ. И.ф. кишилик жамиятининг энг умумий фал-ий манзарасини яратади, мавҳум фал-ий тушунчалар орқали кишилик жамиятининг туб моҳияти тўғрисида муайян қарашлар тизимини яратади. Социология ўзига хос илмий тушунча ва методлар орқали жамиятни конкрет тадқиқ этишни, ишончли илмий фактларга таяниб мазкур жамият истиқболини олдиндан кўришни, етилган муаммоларни оқилона ҳал этиш учун тавсиялар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Социология ва И.ф.нинг ўзаро муносабати айримликнинг умумийликка бўлган муносабати сингаридир. И.ф. жамиятнинг энг умумий муаммолари хусусида баҳс юритса, социология мазкур жамиятнинг конкрет муаммоларини тадқиқ этиш ва уларни ҳал этишга ёрдам бериш б-н шуғулланади. И.ф. ижтимоий — гуманитар фанларнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади. И.ф. жамиятга яхлит ва бир бутун тизим сифатида қарар экан жамиятнинг айрим соҳаларини тадқиқ этадиган фан вакиллари эътиборини ижтимоий организмнинг нормал ишлаши учун ҳар бир аъзонинг қандай рол ўйнашини, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади нимадан иборат эканлигига қаратади.

Жамият моҳиятини фал-ий идрок этишга ури-нишларни антик дунё фай.лари асарларидаёқ кузатиш мумкин. Кишилик жамиятининг қуйидан юқори-га, оддийликдан мураккабликка томон ривожланиш жараёнида эришган ҳар бир ютуғи унинг ўзлигини фал-ий билишда қўлга киритган самараси бўлган.

Жамият тарихи И.ф.нинг ривожланиш тарихи ҳамдир. Жамият ўз тараққиётида янги босқичга ўтиши б-н И.ф. олдиди жамият моҳиятини янгича тушуниш зарурияти пайдо бўлаверади. Жамият тўғрисидаги фал-ий таълимотлар хилма-хиллиги ижтимоий ҳаётнинг нақадар мураккаб ва кўп ўлчамли эканлигидан далолат беради. 19-а. ўрталарида Фарбий Европа мамлакатларида табиётшунослик соҳасида амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар олимларни жамият тўғрисида ҳам илмий наз-ялар яратишга рағбатлантирди. Буюк француз мутафаккири О.Конт жамият тўғрисидаги фан-социологияга асос солди. И.ф. социология ва б. ижтимоий фанларнинг ютуқларига таяниб ривожланиш имконига эга бўлди. Мамлакатимизда социологиянинг фан сифатида ривожланиши И.ф. тараққиёти учун кенг имкониятлар яратди.

И.ф., биринчидан, жамиятни фал-ий мушоҳада қилишга қаратилган. Унда жамият яхлит ва умумтарихий ривожланишда бўлган жараён сифатида, шу б-н бирга моҳиятан ўрганилади. Инсон борлиги ва ижтимоий жараёнлар умумий алоқадорликда таҳлил этилади. Барча ёндашувлар ва муаммоларнинг диққат марказида инсон б-н жамият ҳамда жамият б-н шахс ўртасидаги мураккаб ва кўпқиррали муносабатлар ётади. Зеро, фал-ий мушоҳададан мақсад охир-оқибат инсон, жамият, борлиқнинг моҳиятини, ўзликни англашдир.

И.ф.нинг ибтидоси фал.нинг ибтидоси б-н ажралмасдир. У фан сифатида икки муҳим муаммони ҳал қилишга қаратилган. Биринчиси, инсон ва унинг фаолияти маҳсули бўлмиш ижтимоий жараёнлардаги моддий ва маънавий ҳодисаларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш б-н ижтимоий ҳаётнинг негизини англаш бўлса, иккинчиси, яхлит бирликда олинган жамиятнинг моҳиятини очишдир. Бу икки вазифанинг узвий бирлиги ижтимоий — фал-ий билимлар тизимининг ўзига хослигини белгилайди. Бундай социологик ва фал-ий ёндашувлар жамиятни англаш жараёнининг ўзига хос жиҳатларини ташкил этади. И.ф. жамиятнинг яхлит илмий-фал-ий манзарасини яратиш б-н наз-ий билимлар тизимига айланади. Худди шу каби, И.ф. таълимот сифатида ҳам маълум мантиққа, узлуксизликка эгадир. Бунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва жиҳатларида намоён бўлувчи моддийлик б-н маънавийлик орасидаги муносабатнинг кўплаб шакллари таҳлил этиш натижасида жамиятнинг муҳим ва моҳиятли асосини аниқлаш масаласи ҳал этилади. Бунда муайян мантиқий изчиллик талаб этилади. Мана шундай мантиқийликнинг ўзи И.ф. ни фал-ий наз-я сифатида тавсифлайди. Улар, авваламбор, ҳар бир қонун ва категорияларни икки томонлама — социологик ҳамда фал-ий талқини б-н боғлиқдир. И.ф. нинг барча қонун ва категориялари ўз мазмуни б-н бир томондан социологик билишнинг таркибий бўғини бўлса, бошқа томондан жамият ҳақидаги фал-ий

таълимотнинг таркибий элементи ҳисобланади. И.ф. ижтимоий фанлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Мураккаб тизимга эга бўлган ижтимоий фанларнинг хусусий йўналишлари ёки махсус тармоқларидан фарқли ўлароқ, И.ф. ижтимоий ҳаётни яхлит ва бир бутун ҳодиса сифатида ўрганади. И.ф. жамият тузилиши ва ривожланишидаги умумийликни очиши, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўрнини кўрсатиб бериши, инсон борлиги ва ижтимоий моҳиятини ёритиши, инсоният тарихининг моҳиятини тушунтириб бериши б-н бошқа хусусий ижтимоий фанлар учун ўзига хос методологик асос вазифасини бажаради. Бу услубий вазифани бажариш ижтимоий фанларнинг фундаментал йўналишлари орқали амалга ошади. Ўз навбатида, И.ф.нинг ўзи ҳам бу фундаментал ижтимоий фанлар тадқиқотлари таянади, уларнинг натижаларини умумлаштириш б-н ўзини услубиёт сифатида такомиллаштириб боради.

И.ф. ижтимоий жараёнларни илмий бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу йўлда ижтимоий тараққиётнинг умумий қонуниятларидан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар тенденцияси ва истиқболини, келажакни илмий башорат қилишга имкон беради. И.ф. мафкура тизимида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мафкура қайси томонга қандай қилиб бориш кераклигини ифодаловчи ғояларнигина эмас, балки нима учун айнан шу томонга ва шундай йўл б-н бориш кераклигини илмий асослаб берувчи наз-яларни ҳам ўз ичига олади. Шундай наз-ялар орасида ижтимоий — фал-ий наз-я марказий, йўналтирувчи, аниқлаштирувчи, умумлаштирувчи ўринни эгаллайди. Уни шакллантириш ва амалга оширишда илмий услубиётга асосланиш, ижобий ижтимоий тажрибадан мақсадга мувофиқ самарали фойдаланиш зарурияти И.ф.ни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади. Бундай тизимни яратишда ижтимоий воқелигимизнинг моҳиятли хусусиятларини фал-ий англаш, шундан келиб чиқиб, долзарб вазифаларни белгилаш, тараққиёт йўли ва истиқболни илмий башорат қилиш муҳим ўрин тутди. Бу йўлдаги вазифаларни наз-ий ишлаб чиқиш эса И.ф.нинг гносеологик, дунёқарашлик, футурологик вазифалари б-н узвий боғлиқдир.

ИЖТИМОЙ ФИКР — жамоатчилик фикри — тараққиётнинг турли муаммолари, хусусиятлари тўғрисида турли хил ижтимоий гуруҳ ёки қатламларга мансуб кишиларнинг муносабатини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган тасаввурлар йиғиндиси. И.ф. ни ўрганиш социологияда кенг қўлланиладиган усулдир. И.ф. ёрдамида жамият тараққиёти б-н боғлиқ бўлган турли масалалар таҳлил этилади, турли ижтимоий қатламларнинг руҳияти, кайфияти, муносабатлари тадқиқ этилади. Натижада ижтимоий тараққиётга оид умумий тенденция аниқланади.

муаммоларнинг ечими топилади, ривожланиш даражасини акс эттирувчи маълумотлар тўпланadi ҳамда хулосалар ҳосил қилинади.

И.ф.ни ўрганиш жамият тараққиётини башорат қилиш учун ҳам замин яратади, чунки И.ф. тараққиётнинг муайян босқичдаги аҳволини ўрганиш б-н бирга унинг йўналиши, тезлиги, характери, келиб чиқадиган оқибатлари тўғрисида хулоса чиқариш учун имкон беради. Натижда тараққиётнинг кейинги даврларида рўй бериши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида башорат қилиш мумкин бўлади.

ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА НАЗАРИЯСИ — фалсафий ва юридик таълимот бўлиб, бундай қарашларга кўра давлат ҳокимиятининг келиб чиқиши жамиятдаги ҳукмдор б-н фуқаро ўртасидаги ўзаро тузилган битим натижаси деб қаралади. Аслида ҳокимиятнинг шартнома асосида келиб чиқиши тўғрисидаги баъзи ғояларнинг пайдо бўлиши қад. даврларга бориб тақалади (дастлабки буддизм, Лао-цзи таълимоти). И.ш.н. тўғрисидаги таълимотнинг нисбатан ривожланган дастлабки асослари Эпикур ва Лукреций қарашларида ифода этилган. И.ш.н.га асосланган баъзи ҳолатлар ўрта аср илоҳиётчилари ва фай.лари қарашларида ҳам учрайди. И.ш.н сўзининг асл мазмуни (давлатнинг келиб чиқилишининг шартнома наз-яси) Ғарбий Европада буржуа муносабатларининг ривожланиши б-н шаклланган. Бу наз-я монархияга қарши курашнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилган. Ҳокимиятнинг келиб чиқиши тўғрисидаги илоҳий наз-яга қарама-қарши ўлароқ, И.ш.н. тарафдорлари халқ суверенитети тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, ҳар қандай ҳокимиятнинг манбаи ва охир оқибатидаги соҳиби халқ оммаси бўлади, деган ғояни олға суриб, эркин ва мустақил индивидлар хоҳиш-иродаси б-н пайдо бўлган давлат уларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг дахлсизлигини ҳимоя қилишини, таъминлашни, уларнинг мустақил ҳаёт, эркинлик ва хусусий мулк б-н таъминлашини талаб этади. И.ш.н.га асос солган киши Гроций ҳисобланади. Ушбу наз-я ривожланиши жараёнида турлича талқин қилинади: консерватор-муҳофазачилик (Гоббс) инқилобий демократия (Руссо), И.ш.н Буюк Британияда Ж. Локк, Ж.Лилбери, Ж.Мильтон, Голландияда Спиноза, Германияда Кант, Фихте, Америкада Пейн, Россияда Радишев қарашларида турли шакл-шамойил ва мазмунда талқин қилинди.

ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМ — ижтимоий жиҳатдан бир хил бўлмаган, жамиятда алоҳида ижтимоий гуруҳлар, уларнинг белгиланиши, синфий бўлиниш ифодаси. И.қ. ижтимоий синфларга нисбатан иккиламчи ижтимоий воқеа ҳисобланади. Шўролар ҳокимияти даврида синфлар орасида бўлгани сингари, И.қ.лар орасидаги тафовутларни йўқотиш ғояси

илгари сурилган. Лекин улар сақланиб қолаверган. Мустақиллик шароитида И.қ.лар ҳам пайдо бўлмоқда. Давлат уларга нисбатан мулкчилик шаклларида қатъий назар, тенг муносабатда бўлмоқда.

ИЖТИМОЙ ҚОНУНИЯТ — объектив мавжуд, такрорланиб турувчи жамият ҳаётидаги воқеалар ёки тарихий жараён босқичлари орасидаги изчил тараққиётни акс эттирувчи барқарор алоқадорлик. 18-а.да И.қ. француз тарихчилари асарларида ишлаб чиқилди (Тьерри, Менье, Гизо). И.қ.нинг тараққиётида Гегель қарашлари ҳам катта аҳамиятга эга. Маркс ва Энгельс ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида қайтарилиб турувчи жараёнларни ҳисобга олиб, ижтимоий — иқтисодий формация наз-ясини яратганлар. Уларнинг наз-ялари, табиийки, капитализмнинг ҳалокатини исбот қилишга қаратилди. Бу, албатта, И.қ.га ишчилар синфи манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилганлиги сабабли содир бўлди. Ҳоз. у қонуниятлар эскирди, ҳақиқий, янги ижтимоий тараққиёт қонунларини кашф этиш вақти келди.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК — Миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири. У турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини ифодалайди. Миллий истиқлол мафқураси тизимида И.қ. ғоясининг мустақкам ўрин эгаллаши дунёда, мамлакатимизда ташкилот ва ижтимоий қатламлар, турли ин-тлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш зарурати б-н изоҳланади. Жамиятдаги тоғувлик ва барқарор тараққиёт турли шахслар ҳамда ижтимоий тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка боғлиқ. Шахснинг манфаатлари миллат ва жамият манфаатларига уйғунлаштирилладиган ҳолдагина юксак тараққиётга эришиш мумкин.

Давлатнинг бош ислоҳотчилик роли, энг аввало, жамиятдаги И.қ.ни таъминлайдиган иқтисодий асосларни, сиёсий вазиятни, маданий муҳитни, ҳуқуқий-қонуний муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятида намён бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш И.қ.нинг зарурий шарт-и сифатида қаралиши керак. Зеро, моҳиятан эркинлик ғояси асосига қурилган И.қ. ана шундай шароитдагина жамият тараққиётининг кафолатига айланади.

ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТ — ҳаракатнинг ўзига хос шаклини, ижтимоий борлиқдаги ҳар қандай ўзгаришлар ва ўзаро алоқаларни ифодаловчи тушунча. И.қ. ижтимоий борлиқнинг атрибутив ва универсал характеристикасидир. И.қ. жамиятдаги моддий ва маънавий жараёнларни қамраб олади. Тарихий тараққиётни материализм нуқтаи назаридан таҳлил этувчи фай.лар моддий жараёнларни ифодаловчи

И.қ.нинг устуворлигини қайд этсалар, уларнинг мухолифлари бўлмиш идеалистлар маънавий жараёнларни ифодаловчи И.қ.нинг ҳал қилувчи родини исботлашга уринадилар. Бироқ моддий ва маънавий жараёни абстракциядагина бир-бирдан ажратиш мумкин. Реал воқеликда улар ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда ўзаро алоқадорликда бўладилар. Жамиятнинг борлиқ шакли сифатида мавжуд бўлишининг асосий шarti ҳам шундан иборат. Бинобарин, И.қ. ҳақида гапирганда нафақат моддий элементлар орасидаги ўзаро алоқадорликни, нафақат идеал реалликдаги ўзгаришларни, балки улар орасидаги турли муносабатларни ҳам назарда тутмоқ зарур.

ИЗОМОРФИЗМ ВА ГОМОМОРФИЗМ (юн. *isos* — бир хил, *homoios* — ўхшаш, *morfhe* — форма, шакл) — мантикий-математик тушунчалар. Турли объектлар ёки тизимлар тузилишидаги бир хиллик ва ўхшашликни англатади. Объект ёки тизимлар улардаги турли унсурлар ёки бажарадиган вазифалар, хусусиятлар ва муносабатлар ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд бўлганда изоморф ҳисобланади. Бундай ҳолларда ана шундай мувофиқлик муносабатидаги тизимлар бошқасига нисбатан изоморф дейилади. Изоморф тизимларга қуйидаги шартлар қўйилади: мас., А тизимига тегишли бўлган а элементига фақат битта элемент мос келиши керак; иккинчидан, А тизимдаги элементлардан бирининг f функцияси ва вазифасига ягона бир f1 функция тўғри келиши керак. Тўлиқ изоморфлик фақат абстракт, идеаллаштирилган объектлар ўртасида бўлиши мумкин. Мас. геометрик фигура б-н унинг формуласи шакли ўртасидаги мувофиқлик. Г. тушунчаси И.нинг умумлашмаси бўлиб, бунда мувофиқлик фақат бир томонга нисбатан бир қимматли бўлади. Гомоморф образ асл нусха тузилишини соддалаштиради, унинг тўлиқ бўлмаган, тахминий тасвири ҳисобланади. Мас., географик карта б-н жой ўртасидаги мувофиқлик муносабати гомоморфдир.

И. ва Г. тушунчалари билиш наз-ясида образ б-н предмет ўртасидаги, наз-я б-н объект ўртасидаги ўхшашликни (мувофиқликни) таҳлил қилганда кенг қўлланилади. Бу тушунчалар, айниқса, математик логика, кибернетикада кенг татбиқ этилади.

ИККИ ЁҚЛАМА ҲАҚИҚАТ НАЗАРИЯСИ — фалсафий ва диний ҳақиқатлар бўлишини ифодаловчи атама. Бунга кўра, фал.даги ҳақиқат илоҳиётда ёлгон бўлиши мумкин ва аксинча. Ўрта асрларда Аристотель фал.сининг ёйилиши б-н И.ё.ҳ.н. пайдо бўлди. Шу даврда Аристотель ғоялари ислом ва христианлик ақидаларига мос келмаслиги аниқланди. Уйғониш даврида И.ё.ҳ.н. кенг ёйилди. Бу наз-я рационализм тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди.

ИЛЛЮЗИЯ (лот. *illysio* — хато, адашиш, янглишиш) — тана аъзоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни нотўғри (ноадекват) идрок қилишдан иборат билиш жараёнининг ҳодисаси. Баъзан психологияда нотўғри (ноадекват) идрок қилишга олиб келувчи қўзғатувчилар конфигурациясининг (лот. «*configuratio*» — ташқи тузилишда ўхшашлик, ўзаро ўхшаш, ёндош жойлашув) ўзи ҳам И. деб аталади. «Адекват» тушунчаси лот. «*adaequatus*», яъни теппа тенг, мутлақо мос, айнан тўғри демакдир. Ҳоз. даврда кўриш идрокни, кузатишнинг энг самаралиси — бу тасвирларнинг икки ўлчовчи ифодаланиши. Иларнинг бир туркуми оптик геометрик И.лар бўлиб, улар асосий тасвир б-н уни қуршаб турган фазовий жойлашувда фарқ қилувчи б. шакллар ўртасида ўлчов (мезон) муносабатининг бузилишида намоён бўлади. Тасвирлар ёруғ фонда қора фонга нисбатан қорароқ туюлади, яъни контраст (франц. *contraste* — кескин қарама-қаршилик) ҳолат маҳсули дейилади. Бошқача сўз б-н айтганда, ёруғлик б-н фон ўртасидаги муносабат ифодасидир. «Фон» тушунчаси французча «*fond*» деб аталиб, асос, негиз, таг маъносини билдиради. Аксарият И.лар кўринадиган ҳаракатлар б-н боғлиқдир, чунончи: 1) қоронгуликда ҳаракатсиз ёруғлик манбаида нурларнинг тартибсиз тарқалиши (ёйилиши); 2) фазовий жиҳатдан яқин жойлашган икки ҳаракатсиз стимулнинг тез суръатлар б-н намоён этиб туриш ҳаракат таассуротини вужудга келтиради (стробоскопик ҳаракат); 3) ҳаракатсиз объектни уни қуршаб турган фонга қарама-қарши йўналишга қўйиш ҳаракат туйғусини пайдо қилади (индукцион ҳаракат) кабилар. И.га мисол тариқасида темир йўл ўртасида туриб узунасига идрок қилсак, ҳар иккала чизиқ бора-бора бир-бири б-н қўшилиб ёки кесишиб кетгандай туюлади, ваҳоланки улар ҳеч қачон бир-бири б-н кесилмайдиган параллел чизиклардир. Кўёшнинг ерга нисбатан муносабати ҳам худди шундай нотўғри идрок қилинади. Сароб ҳодисаси И.нинг яна бир кўринишидир. Идрок ҳодисаси кўрув, эшитув, ҳаракат идроки каби соҳаларга хосдир. Мас., осмондаги самолётнинг, узоқдаги автомобилнинг ҳаракатлари инсон томондан нотўғри идрок қилиниши туфайли «жойдан қўзғалмаётгандай» туюлади. Аллақандай товушларнинг, шарпаларнинг эшитилиши ҳодисаларни эшитиш И.си дейилади. Психологияда кўриш идроки И.нинг олти тури мавжуд эканлиги таърифлаб берилган. И. шахснинг таъсирларга берилувчанлигига, эътиқодига, мавқеига, ўзини-ўзи баҳолаш тизимига ва руҳий хасталикка учрашига, юзага келган вазиятга боғлиқ. Ижтимоий жойлашув, ассоциация, эҳтиёж, тажриба, эмоциоген омил, трансформация, толиқиш, ахборот И. манбаидир.

ИЛМИЙ БАШОРАТ — табиат, жамият, ижтимоий ҳаётда юз бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳодиса, воқеалар, жараёнларни рўёбга чиқишини, содир бўлишини, унинг оқибатларини илмий билимлар асосида олдиндан айтиш ёки кўриш. И.б. Ўрта Осиёда 9-12-а.ларда табиий-илмий билимлар, ижтимоий — фал.ий фикрлар таркиб топган даврлардан бошлаб-боқ вужудга кела бошлаган. Ғарбий Европада бу жараён кечроқ- 15—16-а.да содир бўлган. Қад. замонлар ва ўрта асрларда кенг тарқалган, диний каромат ўрнига кундалик ҳаётий тажриба ҳамда эмпирик (тажрибавий) билимларга суянган башоратлар ҳам бўлган. Бироқ уларга асосланиб, фақат илгарилари ҳам юз берган ва унчалик мураккаб бўлмаган турмуш ёки хўжаликкагина оид бўлган ҳодисаларни башорат қилиш, яъни олдиндан кўриш мумкин бўлган. Илмий башорат эса, аввалдан до-нишмандларга маълум бўлган ҳодисаларни эмас, балки сифат жиҳатидан батамом янги ҳодисаларни ҳам олдиндан айтиб бера оладиган даражага етган. Мас., астрономия, математика, механика, геодезия фанида тўпланган маълумотларга асосланиб. Беруний ўз даврида одамларга ва ўзига маълум бўлган Осиё, Африка, Европа қитъаларидан ташқари яна бир катта қитъа борлигини олдиндан айтган. Бир неча аср ўтгач, европалик сайёҳ Христофор Колумб Америка қитъасини очгач, Беруний башорати тасдиқланган. Ибн Сино касалликни юктирувчи, кўзгатувчи қандайдир кўз илғамас тирик организмлар бўлса керак, деган фаразни олга сурган. 1509—1510 й.да Галилей микроскопни ихтиро қилгач, ундан фойдаланган А.Пастер ва б. биолог олимлар микробларни кашф қилганлар. Натижада Ибн Сионинг илмий фарози ҳақиқатга айланган. Астроном Күёш системасида бор-йўғи тўққизта эмас, балки янги сайёралар бўлса эҳтимол, деб фараз қилганлар. Астроном-математик олимлардан Аверройеснинг математик ҳисоблашлари асосида итальян олими Галилей 1846 й. Нептунни кашф этгач, бу фараз илмий башоратга айланган. Менделеев ўзининг кимёвий элементларга доир даврий системасида атом оғирлиги маълум бўлмаган ҳали ўзи топилмаган элементларга олдиндан «катак»лар қолдирган. Кейинчалик кўплаб кимёгар олимлар буларни кашф қилиб, улар сонини 108 тага етказган. И.б.нинг ҳоз. даврдаги шаклларида бири ижтимоий прогноз деб аталади. Бу таълимот мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ҳам хизмат қилмоқда. И.б. фал-ий категориялардан бири бўлиб, илм-фанга, жумладан фал.га асосланган, лиривард оқибатда ижтимоий прогнозга элтадиган, наз-ий ва амалий жиҳатлардан муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий омилдир.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ — илмий тадқиқотнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, янгиликни топишга қаратилган фаолият, янги натижалар олишда давом

этиш, янги билим ҳосил қилиш. Илмий кашфиёт ўзининг натижавий хулосалари б-н тафаккурда янги уфқлар очишга хизмат қилади. И. и. тадқиқотчининг илм даражаси ижодий жасурлиги, қатъият ила интилишига боғлиқ. Тадқиқотчи ўз замонасининг ил-ғор ғояси б-н қуролланган, мустақил фикрлайдиган, янгиликни ҳис қиладиган бўлгандагина, изла-ниш самарали ва фойдали бўлиши мумкин. И. и. фан олдига, илмни маълум бир ижтимоий мақсад сари ривожлантиришга доир янги вазифа ва масалаларни қўяди. Ҳоз. шароитда И.и. замонавий фан ривожланишининг асосий шакли сифатида майдонга чиқмоқда. Фаннинг тараққиёт даражасини, аҳамия-ти, жамиятни ўрни каби хусусиятларидан И.и.нинг моҳияти намоён бўлади. ҳоз. замон фанида И.и.нинг ўзига хос томонлари, хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

1. Ҳоз. замон фанлари тадқиқот объектида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Фанда мураккаб тизимлар, чи-зиқли бўлмаган жараёнлар ва ўз-ўзидан ташкил бўлиш ҳодисалари кенг ўрганилмоқда, уюшган му-раккабликлар таҳлил қилинмоқда.

2. Фаннинг ушбу объектлари хусусида мураккаб таш-кил этилган ва ўз-ўзидан ривожланувчи тизимлар ҳақидаги тасаввурлар ишлаб чиқилмоқда. Янги объектлар ҳақидаги наз-ий концепциялар, қонун-ларнинг янги синфий кўриниши ишлаб чиқилмоқ-да ва булар асосида, мураккаб объектларнинг чуқур хоссалари ўрганилмоқда.

3. Илмий тушунча, қонун ва наз-яларнинг билиш жараёнидаги ўрни масаласи, улар ҳақидаги тасав-вурларнинг ўзгариши илмий билишнинг табиати ху-сусидаги масалалар тадқиқ қилинмоқда. Бунинг на-тижасида билишнинг эмпирик ва наз-ий босқичла-ри, унинг янги хусусиятлари, тузилиши тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш имкониятини туғил-моқда.

4. Жараён ва ҳодисаларнинг моҳиятини ифодаловчи янги тушунчалар тенгсизлик, беқарорлик, кўп бос-қичлилиқ, мақсад ва мақсадга мувофиқлилиқ, би-фуркация ва ҳ.кларни ва тадқиқ қилиш ўрганиш оламнинг илмий манзараси тўғрисида янги маълу-мотлар олиш имконини беради.

5. И.и.нинг илмий услуб ва шакллари бойиб бор-моқда. Янги услублар, тамойиллар кашф этилмоқда.

6. ЭҲМ И. и.нинг доимо такомиллаштириш ҳисоб-ланади.

7. Воқеликни тадқиқ қилишда математик модел-ларнинг ўрни ортиб бормоқда. Ҳоз. замон фанида математик моделлар тадқиқотнинг асоси ҳисобла-нади.

8. И.и., инсон ҳаётининг фаолиятининг муҳим унсури, таркибий қисми маънавий ҳаётнинг муҳим унсури тарзида намоён бўлмоқда.

9. И. и. кўп ҳолларда ўзининг, фан кадриятини бел-гилувчи, асосий омил тарзида намоён этмоқда.

ИЛМИЙ ИНДУКЦИЯ — эҳтимолий хулоса чиқаришнинг шундай турики, унинг асосларида бирорта белгининг бир синфга мансуб предметларнинг бир қанчасида такрорланиши қайд этилиши б-н бир қаторда, у белгининг сабабий алоқаси ҳақида ҳам маълумот мужассамлашган бўлади ва улар хулосада берилган предметлар синфига нисбатан ҳосил қилинган фикрда ўз аксини топади. Омабоп индукциядан фарқли ўлароқ, И.и. бир синфга мансуб предметларда такрорланувчи белги шунчаки қайд этилиб қолмасдан, балки у ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш, унинг мавжуд бўлиши сабабини аниқлаш учун предметнинг бошқа белгилари б-н бўлган алоқалари, хусусан, сабабий боғланишлари ўрганилади. Ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга, уларни ифода этувчи қонунларни очишга қаратилгани учун ҳам тўлиқсиз индукциянинг бу турини И.и. деб аташади. Маълумки, илмий билиш, фаннинг бош мақсади ўрганилаётган объектни характерлайдиган қонунларни очиш орқали унинг моҳиятини тушунтиришидан иборат. Бу эса, биринчи навбатда, ҳодисанинг ёки унинг белгисининг мавжуд бўлиш сабабини аниқлашни тақозо этади. Сабабий алоқадорлик ҳодисалар ўртасидаги умумий боғланишларнинг б. турлари б-н биргаликда мавжуд. Уни илмий билишда «соф» ҳолда ажратишга ҳамма вақт ҳам осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун сабабий алоқадорликнинг табиатини, хусусиятларини яхши билиш керак. Сабабий алоқадорлик мураккаб таркибига эга. Хусусан, сабаб ҳодиса турли хил шароитларда турли оқибатларни келтириб чиқариши (мас., ҳавонинг намлигининг юқори бўлиши турли хил касалликларнинг сабаби бўлиши) ёки аксинча бир оқибат турли шароитларда ҳар хил сабаблар таъсирида пайдо бўлиши (бадан ҳароратининг кўтарилиши тумовнинг, буйрак касаллигининг, ичак касаллигининг ва ш.к.нинг оқибати бўлиши) мумкин. Шунинг учун сабабий алоқадорликни аниқлаш эмпирик тадқиқотлар натижаларини самарали таҳлил қилишга имкон берувчи тамойилларни қўллашни тақозо этади. Улар сабабий алоқадорликда бўлган ҳодисаларни уларнинг борлиқдаги табиий мавжуд бўлиш шароитидан «ажратиб олиб», махсус билиш шароитларида ўрганишга имкон беради. Хусусан:

1. Оқибатдан аввал келган ҳодиса мураккаб таркибга эга бўлиб, у **a, b, c, d** ва ҳ.к. ҳолатлардан ташкил топган, деб ҳисобланади.
2. Мазкур ҳолатларнинг ҳар бири мустақил ҳолда мавжуд ва б.лари б-н ўзаро таъсирида бўлмайди деб қаралади.
3. Қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тугал тўплами, деб олинади. Бу тамойиллар б-н бир қаторда сабабий алоқадорликни аниқлашнинг б. бир қанча методлари ҳам мавжуд.

ИЛМИЙ ИНДУКЦИЯ МЕТОДЛАРИ — бир гуруҳга мансуб предметларда такрорланадиган муайян белгининг сабабий алоқадорлигини ўзида ифода этган эҳтимолий хулоса чиқариш методлари. И.и.м. қуйидагилар: ўхшашлик методи, тафовут методи, йўлдош ўзгаришлар методи, қолдиқлар методи. Ўхшашлик методи унда ўрганилаётган ҳодисанинг бир қанча кузатилаётган ҳолларни солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниқлаш асосида ҳосил қилинади. Агар ҳодисанинг кузатилаётган ҳоллари учун фақат битта ҳолатгина умумий бўлса, ана шу ҳолат мазкур ҳодисанинг сабабидир. Тафовут методи фақат иккита ҳодисанинг вужудга келган ва келмаган ҳолларини таққослаш асосида ҳодисанинг сабабини аниқлаш усули бўлиб, унда мавжуд ҳоллар бир-биридан фақат битта ҳолат б-н фарқ қилади: бирида у йўқ, иккинчисида — бор ва фақат ана шу ҳолат борлиги учун ҳодиса юзага келади. Шунинг учун ҳам мазкур ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабаби бўлса керак, деб тахмин қилинади, яъни эҳтимолий хулоса ҳосил қилинади. Тафовут методи-га мувофиқ, ҳодиса вужудга келаётган ва вужудга келмаётган ҳоллар улардан аввал келаётган ҳолатларнинг битта ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабабидир. Йўлдош ўзгаришлар методи эса, ҳодисадан аввал келаётган ҳолатлардан бирининг ўзгариши, қолган ҳолатлар ўзгармасдан қолганда, ҳодисанинг ўзгаришига олиб келиши кузатиладиган шароитларда қўлланилади. Йўлдош ўзгаришлар методи-га мувофиқ, бир ҳолатнинг ўзгариши ҳодисанинг ўзгаришига ҳам олиб келса, шу ҳолат кузатилаётган ҳодиса ўзгаришнинг сабабидир. Қолдиқлар методи — бу метод ўрганиш объекти мураккаб ҳодисадан иборат бўлиб, биттасидан б. қисмларнинг сабаблари аниқ бўлганда, ана шу қолган қисмни вужудга келтирувчи сабабни топиш мақсадида қўлланилади. Қолдиқлар методи моҳиятини шундай ифодалаш мумкин: агар ўрганилаётган мураккаб ҳодисани ташкил этувчи ҳодисанинг (ёки ҳодисанинг қисмининг) битта ҳолатдан б. ҳолатлар б-н алоқаси зарурий характерга эга бўлмаса, ана шу қолдиқ ҳолат мазкур ҳодисанинг (ҳодиса қисмининг) сабаби бўлиши мумкин. Илмий индукциянинг б. методлари сингари, қолдиқлар методи ҳам эҳтимолий билим олиш воситаси ҳисобланади. Чиқарилаётган хулосанинг чин бўлиш эҳтимоли, биринчидан, ҳодисадан аввал келиб, унга таъсир ўтказаётган ҳолатлар ҳақидаги билимнинг қай даражада бўлиши, иккинчидан, ҳар бир ҳолат б-н вужудга келаётган мураккаб ҳодиса ўртасидаги алоқадорлик зарурий характерга эга эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилиш, учинчидан, конкрет ҳар бир ҳолат б-н у сабаби бўлиб ҳисобланаётган ҳодиса қисми ўртасидаги алоқадорликнинг тасодифий эмаслигини аниқлаш ва ш.к. омилларни ҳисобга олган ҳолда ортади.

ИМКОНИЯТ — ҳар бир нарса, ҳодисадаги тараққиёт йўналишини ифодаловчи тушунча. И. айни нарса, ҳодисанинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида пайдо бўладиган ва ривожлана оладиган ҳолатидир. И. тушунчаси, бир томондан, бўлажак ҳолатнинг мазмунини ёритишга хизмат қилса, иккинчи томондан эса, ҳодисанинг келиб чиқиш жараёнини очиб берувчи категория ҳисобланади. И. тушунчасининг категория сифатидаги, мавқеи ҳақидаги фикр биринчи марта Г.Ихгейзер (1933) томонидан илгари сурилган. Кейинроқ, Л. Гелен И. тушунчасини категория, деб атайди. И.нинг категория эканлиги Комлах томонидан тан олинган. И. тушунчаси таҳлилининг фал-ий асослари В. Дильтей томонидан ишлаб чиқилган эди. Дильтей бунинг учун «зиддият» тушунчасини киритди. М.Шеллер эса М.Дильтей томонидан киритилган зиддият тушунчасини қўллайди ва зиддиятнинг объектив б-н субъектив ҳиссиётнинг умумий хоссаси, деб ҳисоблайди. И. зиддиятни назарда тутди. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир И. тараққиётда эришилиши мумкин бўлган ҳолат б-н бир қаторда, И.сизликни акс эттиради. И.сизлик, бир томондан И.нинг тескарисини (имконсизликнинг объектив олам қонуниятларига зид келишини, унга мос келмаслигини), иккинчи томондан, нарса, ҳодисалар тараққиётдаги ҳолатни ифодалайди. И. тушунчаси эҳтимоллик тушунчаси б-н боғлиқ. И. турли-туман воқеликни ўзида жо этган (сингдириб олган), ҳам зарурий, ҳам тасодифий алоқадорликлар, хоссаларини қамраб олган, муайян шарт-шароитда албатта рўёбга чиқадиغان эҳтимолликдир. Эҳтимоллик эса, миқдорий метёри бўлиб, муайян И.нинг воқеликка айланишининг яқин-узоқлигини ифодалайди. И.нинг воқеликка айланиши учун юксак даражадаги эҳтимоллик бўлиши керак. Эҳтимоллик — И.ни И.сизликдан фарқлашга ёрдам беради. Эҳтимоллик И.нинг ривожланиш даражаси. И.ларни ҳисобга олмай туриб, оламни билиш мумкин эмас. Борлиқни билиш И.ларни билиш асосига қурилади. И. тушунчаси *воқелик* тушунчаси б-н бевосита алоқадордир. Воқелик И.нинг ифодаланиши шакли саналади. Реал ва мавжум, қайтарилувчи ва қайтарилмас, аҳамиятли (мақсадга мувофиқ) ва аҳамиятсиз (мақсадга номувофиқ) имконият турлари бўлади. Реал И. ҳодиса ва воқеанинг ўз ички қонуниятлари асосида содир бўладиган, одам ва унинг иродаси, истак-хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив мавжуд бўлган реалликдир. Одамзод уни англаб олиши ва ўзининг турли эҳтиёжларини рўёбга чиқаришда фойдалана билиши учун табиат, жамият ва инсон тафаккурига доир қонунлар, қонуниятларни билиб олиши лозим бўлади. Тараққиёт И.ларнинг пайдо бўлиши ва уларни воқеликка айланишидан иборат бўлган узлуксиз жараёндир. И.лар прогрессив ва консерватив, реал, формал ва абстракт шаклларда намоён бўлиши мумкин.

ИМКОНИЯТ ВА ВОҚЕЛИК — оламдаги нарса, ҳодиса ва ҳ.к.лар тараққиётининг давомийлигини, уларнинг бир-бирига ўтиб туришини англатадиган фал-ий категориялар. Ўзгариш, ривожланиш ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, намоён бўлиши жараёнидаги ўзаро боғлиқликни тараққиёт ва ривожланиш деганда биз асосий ва муҳим хусусияти бўлган оламдаги ўзгаришни, янгиланишни, бир шаклдаги нарсаларнинг иккинчиси б-н алмашилишини, қуйи организмларнинг, жисм ва оддий ҳодисаларнинг мураккаброқ шакл ва мазмундагиларига айланиш жараёнини тушунамиз. Табиийки, бу жараёнлар ўз-ўзича, механик тарзда содир бўла бермайди, балки муайян зарурият, қонуният асосида рўёбга чиқади.

Фал.нинг сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл, зарурият ва тасодиф, моҳият ва ҳодиса сингари категориялари воқеликдаги ўзгариш, янгиланиш ҳолатларининг муҳим томонлари, боғланиш ҳолатлари ва асосий тамойилларини ифодаласа, И. б-н В. узлуксиз ривожланиш жараёнидаги нарса ва ҳодисаларнинг, икки хил босқичи, даври, ҳолатини ҳамда бу даврлар ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди.

И. ва В.нинг бошқа категориялар б-н умумийлиги шундаки, булар ҳам мазкур категориялар сингари дунёни акс эттиради ва умумий тарзда амал қилади. Аммо бошқа категориялардан фарқли томони ҳам борки, бу — воқеликдаги ривожланиш ва ўзгариш жараёнининг умумий, муҳим, айрим томон ва тенденцияларини ифодалабгина қолмай, балки ривожланиш жараёнининг ички жиҳатини кўрсатади ва бир бутунлигини очиб, ривожланишнинг қуйи ва юқори босқичлари ўртасидаги диалектик муносабатни ифодалаб беради.

И. бу янги нарса, ҳодиса ва тамойиллар келиб чиқишини ифодаловчи муайян шарт-шароит ва вазият мажмуидир. Нарса ҳамда ҳодисанинг ички табиатига кўра зарурий равишда реаллашиши лозим бўлган, бироқ ҳали юзага чиқмаган В.дир.

В. эса И.нинг нисбатдоши бўлиб реал ҳолат ва мавжуд бўлиб турган ҳодисаларни ифодалайдиган категориядир. В. тушунчаси ўз мазмунига кўра фан ва фал.да икки маънони англатади: биринчидан, оламдаги барча мавжуд нарсалар реалликдан иборат, иккинчидан эса айрим нарса ёки ҳодисаларнинг рўёбга чиқишини англатувчи имкониятнинг юзага чиқмаганлиги маъносини англатади. Иккинчи маънодаги В. умумий оламнинг бир бўлаги сифатида конкрет нарса ва ҳодисалар тарзида намоён бўлиши б-н бирга инсон онгидаги ифодаси ҳамдир. Демак, В. бу олам қонунларининг зарурият асосида рўёбга чиққан И.ини, мавжуд бўлиб турган нарсалар ва ҳодисаларни билдиради.

И. ва В. қарама-қарши томонларнинг бирлиги сифатида диалектик муносабат, ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади, улар бир-бирини ҳам тақозо қилади, ҳам истисно этади. Агар В. амалга ошгунга қадар

И. бўлиб турса, унда янги И. эски В. бағрида аниқ шароитда юзага келади.

И.лар конкрет вазият, шарт-шароит, омиллар б-н боғлиқ бўлиб турли шаклларда рўёбга чиқиши, яъни В.га айланиши мумкин. Шуниси ҳам борки, бир хил И.ни аниқ бир шаклда воқеий бўлади деб қараш нотўғридир. Мас., бу хил экин майдонга, бир хил ишлов бериб, бир хил уруғлик экилишига қарамай, бошқа-бошқа хўжаликларда турлича ҳосил олиниши мумкин. Ёки, организмнинг қувватига боғлиқ равишда бир хил касаллик турли беморларда турлича кечиши мумкин. Демак, мисоллардан кўриниб турибдики, И.ни В.га айланиши ҳар хил омилларга боғлиқ экан.

Амалий фаолиятда доим И.ни В.дан ҳамда И.ни И.сизликдан ажрата билишга ўрганиш керак. Мумкин бўлмайдиган нарсани мумкин бўладиган нарса ёки ҳодиса қилиб кўрсатиш ярамайди ёки аксинча, мумкин бўладиган нарсани мумкин бўлмайдиган нарса қилиб кўрсатиш ҳам В.нинг моҳиятини, И. ва В. диалектикасини нотўғри тушуниш асосида келиб чиқади. Бу ҳол фал.да ғайриилмий қараш ва хулосага олиб келади.

И. ва В. муайян мазмунга эга бўлган олам ҳодисотларининг икки томони, ривожланишнинг бошланиш моменти ва ниҳояси, узлуксиз тараққиёт жараёнининг бир-бири б-н боғлиқ, бир-бирини тавсифлайдиган халқалари, деб аташ м-н. Ривожланиш узлуксиз И.ларнинг вужудга келиши, уларнинг В.га айлана боришидан иборат жараёндр. Бунда И. эндигина қуртак отаётган, рўёбга чиқиши лозим бўлган ҳодиса бўлса, В. эса баъзи ҳолларда ўз умрини тугаллаётган, эскириш жараёнида ўз интиҳосига қараб бораётган ҳодисадир. Бинобарин, И. ва В. олам ривожланиш жараёнида тутган ўрни, тараққиёт даражасига кўра бир нарсани ёки ҳодисани иккинчисидан фарқлантирадиган категориялардир.

В. тараққиёт давомида амалга ошган И. бўлиб, у ўз навбатида янгидан-янги И.ларни вужудга келтирадиган чек-чегарасиз жараёндр. И. ва В. нарса, ҳодиса воқеалар ривожининг икки изчил даражаси, сабабнинг оқибатга томон ҳаракати, табиат, жамият, инсон тафаккурининг сабабли алоқалари намоён бўлишининг икки муқаррар босқичидир. В. кенг ва тор маъноларда тушунилади. Кенг маънода объектив оламнинг ўзида мавжуд бўлган барча турли-туман нарсалар, ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар йиғиндиси тушунилса, тор маънода айрим муайян нарса, ҳодисанинг муайян вақтда ва муайян шароитдаги ҳолати тушунилади. Кенг маънодаги воқелик абадий бўлса, тор маънодаги воқелик ўткинчи, вақтинчаликдир. Воқелик борлиқнинг мавжуд ҳолати бўлса, имконият эса эҳтимоллик б-н муқаррарлик оралиғидаги ҳолатидир, яъни улар ҳали аниқ-равшан В.га айланмаган, аммо объектив оламда юза-

га келиш ва ривожланиш майлини бошидан кечирётган реалликдир. Макро ва микрооламда И. ва В. ўз ички қонунлари асосида бири иккинчисига ўтиб турса, ижтимоий системаларда бу алоқадорлик ўзига хос шаклларда намоён бўлади, зеро, ижтимоий тизимлар ривожидида ақл соҳиби — одамзот иштирок этади. Айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳлар муайян тарихий давр ва шароитда аниқ мақсад сари фаолият кўрсатишлари учун, жамият қонунларининг амал қилишини, яъни И.ни В.га айланишининг ўзига хос хусусиятларини билишлари зарур. Мас., ҳар бир миллатнинг мустақил тараққиёт йўлига тушиб олиши тарихий-тадрижий жараён бўлсада, ана шу қонуниятли жараённи рўёбга чиқариш учун айрим шахслар, ижтимоий гуруҳларнинг миллий эҳтиёжларни англашига, И.ни В.га ўз вақтида айлантира олиш маҳоратларига ҳам боғлиқ бўлади. Агар туб миллий манфаатлар ҳимоячиси бўлган шахслар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар реал И.ни б-н мавжум имконият фарқига бормасалар, уларни бир-бирига аралаштирсалар, турли социал ларзаларга сабабчи бўладилар.

И. ва В. бир-биридан фарқланади албатта, лекин уларни айрим олинган ҳолда мутлақлаштириш ярамайди, уларни бир-биридан ажратиб қўйиш ҳам хатодир. Аммо фал. тарихида И. ва В.ни дунёдан ажратиб, унинг мазмунини инкор этиш, И. ва В. бу фақат руҳнинг, идеянинг, тафаккурнинг маҳсулидир, сезгиларнинг йиғиндисидир, инсон истак-иродасининг кўринишидир деб тушунтиришлар бўлган. Замоनावий фал. И. ва В.ни илмий тушунтириб бу категориялар дунёдаги алоқадорлик ва ривожланишнинг муҳим хусусият, томонларини ифодалайди оламдаги нарсаларнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини, тараққиётнинг оддийдан мураккабга қараб йўналишини, эскилик б-н янгилик ўртасидаги қарама-қарши муносабатларни билдиради, деб ҳисоблайди.

И. ва В. ривожланиш жараёнидаги шундай боғлиқликка, улардан бири иккинчисиз юзага келиши сира мумкин эмас. Биринчиси ўз бағрида зарурий равишда рўёбга чиқиши лозим бўлган В.нинг куртагини яшириб ривожланишнинг ибтидоси ҳисобланади. Иккинчиси эса ҳодисалар ривожланишининг етуклик даражасини англатади, яъни улар бир бутун тараққиёт жараёнининг диалектик қарама-қарши томонларини характерлайди. И. ва В. диалектикасининг муҳим хусусиятларидан яна бири — шароит ҳамда вазиятга кўра И.ни В.га, В.ни И.га ўтиши ҳолатидир. Бунга мисол: табиатда химиявий элементларнинг дастлабки бирикмаларидан ҳаётнинг дастлабки шакллари бўлмиш бир ҳужайрали тирик организмлар келиб чиқиши туфайли кейинроқ булардан ҳаётнинг мураккаб шакллари юзага келди. Бунда ҳам биз И.ни В.га айланиши қонуният эканини кўраемиз.

Олам кўп қиррали, турли ҳодисаларга бой бўлганлиги учун ҳам И.нинг В.га айланиши, турлича содир бўлиши мумкин. Шундай экан, наз-ий ва амалий фаолиятда реал имконият б-н абстракт ёки формал имкониятларни ажрата билиш лозим. Реал И. деб воқеалар ривожининг тадрижий ва қонуний натижаси сифатида, муайян шарт-шароитда шубҳасиз рўёбга чиқадиган И.га айтилади. Мас., табиатдан мисол олсак: уруғлик дондаги ҳар бир ҳужайрада ўсимликка айланиш И.и мавжуд бўлади. Бу реал И. бўлиб маълум шарт-шароит бўйича ва мода алмашилиш нормал кечса, ёруғлик, ҳаво ҳарорати, намлик таъсирида албатта ва шубҳасиз В.га айланади. Абстракт И. бу шундай И.дирки, ўзи табиий ва ижтимоий қонуниятлар б-н боғлиқ бўлади, лекин муайян тарихий шароитда В.га айланиши мумкин бўлади ҳам, бўлмайди ҳам. Мас.: сайёрамизни Галактикадаги бошқа самовий жисмлар б-н тўқнашиб кетиш эҳтимоли бор. Бу ҳол бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Тасодифий алоқа ва муносабатлар б-н характерланадиган ўзи тараққиёт жараёнидан келиб чиқмайдиган ва реал асосга эга бўлмаган И. — формал И. дейилади. Чунончи, ҳоз. даврда ақидапарастлар тарғиб этаётган ислом халифалигини ташкил этиш ғояси ҳақиқатдан йироқ, реал айланиши мумкин бўлмаган формал И.дир. Абстракт И.ларни И.сизлик б-н ҳам айнанлаштириш мумкин эмас. Чунки биринчиси объектив қонуниятлар б-н боғлиқ бўлади, иккинчиси эса мутлақо унга қарама-қарши бўлади. Бинобарин, абстракт И.ларнинг айримларида конкрет шароитга кўра В.га айланиш эҳтимоли бўлади. Жумладан, ўтган бошида коинотга учиш, уни тадқиқ этиш абстракт И. ҳолатида эди, аммо фан ва техника тараққиёти натижасида аср ўрталарида коинотга учиш, сайёраларга қўниш реал И.га айланди. Демак, абстракт ва реал И. ўртасидаги тафовут нисбий бўлиб, ривожланишнинг муайян босқичларида биринчиси иккинчисига айланиши ҳам мумкин экан. Хуллас, табиий ва ижтимоий ҳаётдаги И.ларга бир хил ўлчов б-н ёндашиш, уларни бир хил усулда рўёбга чиқари, деб қараш хатодир. Табиатда И.лар стихияли тарзда, объектив шароитлар бағрида В.га айланиши б-н чегараланади. Жамиятда эса И.нинг В.га айланишида ўзгача мазмун бор, у ҳам бўлса И.ни В. айлантирадиган моддий, ташкилий, сиёсий шароитлардан ташқари маънавий шарт-шароитлар ҳам зарур. Бунга одамнинг онги, иродаси, мақсади, уюшқоқлиги, активлиги ва б. қиради. Мас., бугунги ўтиш даври ижтимоий ривожланиш қонунияти б-н боғлиқ бўлган объектив вазиятлар б-н боғлиқ. Лекин бунга субъектив вазият, яъни фуқаролар фаоллиги, уларнинг туб ўзгаришларга тайёрлиги, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти кабилар қўшилмаса бу иш муваффақияти тез бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳодисаларнинг тенденциясини аниқ-

лашда ва мақсадга мувофиқ йўналтиришда субъектив омилларга ҳам эътибор бериш лозим. Бугунги жамиятимизнинг табиатига кўра биринчидан, турли И.ларнинг В.га айланиши учун прогрессив таъмоиллар, умуммиллий анъаналар, халқаро тажриба, мамлакатимизда демократик ҳаёт барпо этиш каби шарт-шароитлар мавжуд, иккинчидан, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлиги асосида, собиқ иттифоқ даврида имкони бўлмаган янги И.лар вужудга келмоқда ва рўёбга чиқмоқда.

ИММАНЕНТЛИК (лот. *immanens* — бирор нарсанинг ичида бўлиш) — жараён ёки ходисадаги ички мавжуд, ўзида бўлган, бошқа бирор бегонага ўтмаган хусусият. Мас., Спиноза пантеизмида Худо табиатга ички хосдир. (И.дир). Ҳаракат материянинг атрибутидир, унга И.дир. У анъанавий фал.нинг марказий тушунчаларидан бири. И. атамаси мазмуний маъносига кўра, Арастуға бориб тақалади: у ўзининг айнан маъносида, биринчи марта, ўрта аср схоластикасида татбиқ этила бошланди. И.нинг замонавий тушунчасини Кант киритган эди. Трансцендентликдан фарқли ўлароқ, И. бирор нарсанинг ўз-ўзида бўлишини билдиради. Кантнинг фикрича, макон ва замон мавжуд материянинг объектив шакллари эмас, балки киши онгининг шакллари, ҳиссиёт мушоҳадасининг, ҳар қандай тажрибадан олдин, онгда мавжуд бўлган априор шакллари дидир. Кант ақлу идрок категорияларининг ҳаммасини онгининг априор шаклларига чиқариб қўйган эди. Унинг фикрича, табиат — «ўзида нарсалар» эмас, объектив реаллик эмас, балки, онг кашф қилган нарсадир. Кант, «нарсаси ўзида»ни билиб бўлади-ю, бироқ киши онгидан ташқари объектив мавжуд эмас, деб ҳисоблаган. Ушбу анъана Э.Гуссерль феноменологиясида давом этади. Унда И. деганда бевосита онга берилган феноменларнинг алоҳида феноменологик жиҳатдан «тозалаш» қурилмаси назарда тутилади. Постмодернизм фал.сида (Р. Барт, Ж. Деррида, Ю. Кристева, М. Фуко ва б.) И. кенг таҳлил қилинади. Реал воқеликни чексиз ва чегарасиз матнда таърифлаш субъектнинг ўзини англаш позициясининг мустақиллиги, тегишлилиги «трансцендентлигини» йўққа чиқаради, деб тушунилади.

ИММАНЕНТ ФАЛСАФА — субъектив идеализм йўналишларидан бири. В.Шуппе, Р.Шуберт-Зольдерн, М.Кауфман, А.Леклер, И.Ремке, О.Шток, Мартинетти ва б. томонидан ривожлантирилган. И.ф. ғоялари эмпириокритицизмга ҳамоҳанг. И.ф.нинг асосий ғоялари В.Шуппеннинг «Назарий билиш мантиғи» асарида ишлаб чиқилган. Р.Шуберт-Зольдерннинг «Билиш назарияси асослари» ва М.Кауфманнинг «Имманент фалсафа» номли асарларида И.ф. ғоялари солипцизм б-н бирикиб кетади. Шуппеннинг

фикрича, фалда билиш наз-яси, мантиқ ва онтология қўшиб юборилади. Аслида эса фал. индивидуум руҳиятидан айри бўлмоғи керак. Ўз наз-й мантиғида онгни объектив реалликдан ажратиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр-мулоқазаларга асосланган Шуппе объект ва субъектнинг ўзаро алоқадор эканлигини уқдиради. Шундай экан, объектлар онгдан ташқарида мавжуд бўла олмайдилар, бинобарин борлик онгда мавжуддир. Кўриниб турибдики, И.ф. вакиллари онг мазмуни б-н билиш предметини айнан мос деб ҳисоблайдилар. Ушбу хулоса солицизм ғоялари б-н ҳамоҳанг эди. Р.Шуберт-Зольдери бу ҳолатни тан олар экан, айни пайтда гап субъектдан ташқарида объектив реалликнинг мавжуд эмаслиги хусусида бормаетгарлигини таъкидлаб ўтади. И.ф.-нинг ҳақиқат ҳақидаги қарашлари ҳам юқоридаги ғояларга асосланади: онгда мавжуд бўлган фактларгина ҳақиқатдир. Онг томонидан англаб етилмаган нарсалар таассурот олиш имконияти сифатида мавжуддирлар. Ўзга индивидуал «Мен»ларнинг мавжудлигини эса бошқа инсон жисмларини идрок этиш қобилияти ёрдамида билиб олса бўлади.

ИММУНИТЕТ (лот. *Immunitas* — бирон нарсдан халос бўлиш, қутулиш) — организмнинг доимий ички барқарорлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб қолишдан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси. Инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга акс жавоб сифатида орттирган билим ва малакалари асосида И. тизимини ўзида шакллантиради. И. ҳақидаги ана шундай тасаввурлардан келиб чиқиб, инсон онги ва тафаккури, унинг билим савияси б-н боғлиқ бўлган фал-ий И. тизимининг асосий қисмлари қуйидагилардан иборат: 1) воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттирувчи, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи билимлар; 2) шундай билимлар замирида шаклланидиган ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилувчи қадриятлар тизими; 3) Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар. Мафкуравий И. тизими маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий тажовузларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади.

ИМПЕРИЯ (лот. *imperiū* — ҳокимият, ҳукмронлик) — 1) монархияга асосланган давлат бўлиб, унинг тепасида император туради; 2) мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлар устидан ўз ҳукмронлигини куч б-н ўрнатган ва бу ҳукмронликни қат-

тиқ зулм ва эксплуатация тизими ёрдамида ушлаб турган мустамлакачи давлат.

Айрим йирик монархия давлатлари ўрта а.ларда И. деб аталган. Россияда Пётр I давридан (1721й) Шўролар диктатураси ўрнатилганига қадар (1917), Францияда Наполеон I ва Наполеон II даврида, Австрияда 1804-18 й.да, Германияда 1871 й.дан то 1818 й.ги давлат тўнтаришига қадар И. лар ҳукмронлик қилган. Шунингдек, мустамлакалари бўлган йирик давлатлар, мас., Буюк Британия доминион ва мустамлакалари б-н бирга Британия И.сини ташкил этган.

ИМОН (араб. аман — ишонч ва эътиқод) — мураккаб тафаккур тарзи ва кучли хотирага эга инсон онги ва руҳиясининг нодир ҳодисаси. Муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишончдан иборат шахсдаги алоҳида руҳий ҳолат. И. инсон онги ва руҳиясига синган, ундан мустаҳкам ўрин олган ғоя ва дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир.

И. оламни, ундан одам ўз ўрни ва мақомини билиш, жамиятлашган одам — инсон сифатида намоён бўла олишининг зарур шартидир. И. туфайли одам руҳи эзгуликни қарор топтириш томон йўналиш олиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг инсонийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай ғоя, дунёқараш инсон И. ва эътиқоди (ихлоси) ҳамда одамлар уюшмалари (давлати, сиёсий партиялари, жамоалари ва б.) маслағига айлангандагина ҳаракатлантирувчи моддий ва руҳий куч сифатида намоён бўлади.

И. марказида муайян дунёқараш, оламга, одамга ва уларнинг турли уюшмаларига муносабат белгилаш ётса-да, аммо, умуминсоний ахлоқий қадриятлар — сўз б-н иш (амал) бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалол-поклик, виждонлилик, садоқат, муҳаббат, тил ва дил бирлиги, ватанпарвар, шунингдек, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар имонлилик шартлари ҳисобланади. Ишонч б-н И. тушунчалари одатий (кундалик) онгда кўпинча бир маънода қўлланилади. Наз-й онгда улар ўртасидаги яқинликдан ташқари тафовут борлиги эътиборга олинади. Ишонч одамлар ва уларнинг уюшмалари ўртасидаги ахлоқий руҳий ҳолат сифатида ўзаро муносабатлар инсоний тус олишига хизмат қилади. И. муҳити қарор топган жойда кўп муаммолар осонроқ, беозорроқ ҳал бўлади, одамларнинг кўп вақти ва қуввати беҳуда сарфланмайди. И.сизлик ва шубҳаланиш муҳитида инсон шахс сифатида шаклланиши қийинлашади.

И.ишончга нисбатан чуқур фал-ий мазмунга эга. У дунёқараш б-н узвий боғлиқ бўлгани сабабли, алоҳида нодир руҳий ҳолат сифатида намоён бўла-

ди. Бунингсиз И. қувватли, юзаки, сохта, ўткинчи бўлиши мумкин. Ҳоз. даврда ҳар бир мамлакатда ва бутун дунёда диний дунёқараш б-н бирга илмий-фал-ий дунёқараш ҳам мавжуд бўлиб, айрим одамларда диний онг устивор бўлиб, улар И.ни диний ақидалар ҳақлигига ишонч асосида шаклланган, баъзи кишиларда илмий ҳақиқатларга ишонч устивор бўлгани сабабли, уларда И. фал-ий дунёқараш негизида намоён бўлади. Кишилар ўзи ҳақиқат деб билган, эътиқод қўйган дин орқали шу дунёда ўзидан яхши ном қолдириш ва нариги дунёда жаннат хузур-ҳаловатларига эришиш мақсадида И. эгаси бўла олишига, буни турли ибодатлар, расм-русумлар, урф-одат ва маросимлар йўли б-н бажаришга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам одатий онгда фақат диндор одамгина И.ли бўла олади, деган ғоя муқимлашиб қолган.

Таниқли исломшунос Анри Мец мусулмон илоҳиётида И. тушунчаси бошқа бир қатор тушунчалар б-н қўшиб изоҳланишига эътиборни қаратади. Унинг тадқиқотидан маълум бўлишича, ислом илоҳиётчилари узоқ тортишувлардан кейин И. уч унсур (элемент) дан ташкил топиши тўғрисидаги умумий ҳулосага келганлар. Бунга кўра: а) ички ҳис-туйғу б-н Аллоҳнинг ягоналигига комил ишонч, эътиқод; б) сўзда истиғфор (икрор) қилмоқ; в) эзгу ишлар б-н қалб ва сўз амрини исботламоқ (амал). Демак, мусулмон И.и ишонч (эътиқод), икрорлик ва амалдан иборат алоҳида руҳий ҳолатдир. Қуръони каримда И.ли инсонларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади: улар мўмин, ювош, итоаткор, қуруқсўзликдан қочувчи, поклик, ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, шартномаларига риоя этувчи, ибодатига амал қилувчи ва шунинг учун жаннат ворислари бўлган кишилардир.

Илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда И тушунчаси б-н «эътиқод» тушунчасини айнанлаштириш учрайди, ҳатто эътиқодни И.дан устун қўйиш ҳоллари мавжуд. Аслида эътиқод одам онги, аҳволи руҳияси б-н боғланиб кетадиган, оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларга алоҳида муносабатни қарор топтирадиган маънавий-руҳий ҳолатдир. Муайян ғоя, дунёқарашга ҳис-ҳаяжонли ёндашув маъносида эътиқод И.га яқин туради, шунинг учун ҳам баъзан эътиқодни И. тушунчасининг синоними ёки уни тўлдирувчи тушунча маъносида ҳам қўллайдилар. Собиқ иттифоқ фал.сида И. тушунчаси тадқиқ этилмас эди. Ҳозирча замонавий фал.да ҳам у алоҳида тадқиқот объекти бўлгани йўқ, уни ўрганиш, таҳлил этиш ниҳоятда муҳим.

ИМПИЧМЕНТ (инг. Impachment—танбеҳ бериш, айблаш) — бир қатор мамлакатларда олий мартабали давлат лавозимидаги шахсларнинг содир қилган хатолари, жиноятлари учун жавобгарликка тор-

тишнинг алоҳида тартиби. И.га кўра, одатда жавобгарликка тортиш масаласини (мас., АҚШ, Буюк Британия, Япония ва ҳ.к.) қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг қуйи палатаси (парламент, конгресс, давлат думаси.) ҳал қилади, ишни кўриб чиқиш ва тегишли жазо бериш эса юқори палата ваколатига киради.

ИНАУГУРАЦИЯ (лот. inauguration — бағишламоқ, жалб қилмоқ) — Қад. Римда бошланган, ҳоз. кунда ҳам кўпчилик мамлакатларда давом этаётган олий давлат лавозимини бажаришга киришишга расман бағишланган тантанали маросим. Одатда И.га кўплаб меҳмонлар, жумладан, чет эл давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро нуфузли ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилади.

ИНВЕРСИЯ (лот. inversio — қайта қурмоқ) — лингвистикада гапни ташкил қилувчи оддий сўз тартиби ва ибораларни ўзгартирмоқ. Одатда гапдаги у ёки бу элементни ажратишда ва гапга алоҳида урғу беришда ишлатилади.

ИНВЕКТИВА (лот. invektiva (oratio) — махсус нутқ) — у ёки бу шахсга қарши айтилган қатъий фикр, ҳаракатловчи нутқ, жазава. Кўпроқ риторикада қўлланиладиган тушунча.

ИНДИВИДУАЛИЗМ (лот. individuum—бўлинмас) — инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалиги, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодаловчи фал-ий ахлоқий тамойил. И.нинг маънавий, наз-й жиҳатларини ўз ичига оладиган концептуал ва реал ҳаётини позицияни акс эттирувчи амалий жиҳатлари мавжуд. И.нинг наз-ий талқини асосида шахснинг жамиятдаги автономияси ва унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади. Аксарият ҳолларда И. инсон табиатининг ўзида яширинган деб ҳисобланади. И.нинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарама-қарши қўйиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйишни ифодаловчи тамойил сифатида хусусий мулкнинг пайдо бўлиши б-н бир пайтда шаклланган. И.нинг энг қадимий наз-й ифодаси киниклар таълимотидир. Ушбу мактабнинг Антисфен, Диоген Синопский, Кратет каби вакилларининг фикрича, моҳиятан сохта бўлган ижтимоий алоқалар, маданий кўникмаларнинг барчасига барҳам бериш зарур. Индивид маънан фақат ўзигагина таяниши мумкин. Анъанавий ватанпарварлик ахлоқига зид равишда ўзларини «дунё фуқаролари»-космополитлар деб эълон қилган киниклар ҳар қандай жамиятда ўз билганларича, ўз қонунлари б-н яшамоқ ғоясини илгари сурдилар, ҳар қандай ахлоқий чегараларни инкор этдилар. Бунда шахс автономиясини асос-

лашга интилиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Киниклар фаолиятида И.нинг амалиётда ҳам намоён бўлган. Мас., ўзига нисбатан «жамоаси, уйи, ватани йўқ» деган формулани қўллашни яхши кўрган, бочкада кишилар берган садақа ҳисобига кун кечирган Диоген ташқи таъсирлардан бундай мустақил ҳолда яшашни олий бахт, деб ҳисоблаган эди. Уйғониш даврида И. концепция сифатида шаклланди. Маърифатпарварлар (Гоббс, Гельвеций, Гольбах) эса, И.ни инсон фаоллиги, айниқса тадбиркорлик фаолиятининг универсал ўлчови сифатида эътироф этдилар. Уларнинг фикрича, ҳатто яхшилик қилиш замирида ҳам ўз манфаатларини тўғри англаш ёки «оқилона худбинлик» (Гольбах) ётади. Кант инсон табиатига хос бўлган худбинликни «ўта кетган бадбахлик» деб ҳисоблаб, ўз фойдаси, манфаати, мақсадларини кўзлайдиганларни «ахлоқий эгоист» деб атаган эди. Шопенгауэр ҳар бир инсоннинг ўзига хос яшаши учун ирода унинг И.нинг асоси деб ҳисоблаган бўлса, Чернишевский умумий иш муваффақиятидан охир оқибатда индивиднинг шахсий манфаатлари ҳам ютишидан келиб чиққан ҳолда, шахсий фойдани умумий ишга ўз хоҳиши б-н бўйсиндириш ғоясини илгари сурган ва буни «оқилона эгоизм» деб номлаган эди. Шунингдек, И. Штирнер ва Ницше, Сартр, Бергсон ва Ясперс қарашларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ҳоз. даврда оммавий бир хиллик ҳукмрон бўлиб бораётган, кишилар дунёқарашини бошқариш, уларнинг ҳулқига муайян стандарт қолипларни сингдириш йўлидаги уринишлар тобора авж олаётган ва кенг миқёс касб этаётган бир пайтда И. ўзининг ҳам наз-ий, ҳам амалий кўринишида ана шу ҳодисаларга ўзига хос жавоб реакцияси сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, дунёнинг турли минтақаларида тоталитар режимлар ҳукмронлиги давом этаётган, сциентистик, техницистик ёндашувлар инсон шахси ривожига қарши қаратилган деб талқин қилинаётган бир пайтда И.ни ўзига хос исён сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бу исён нигилизм, скептицизм, цинизм кўринишларида намоён бўлмоқда. Айни пайтда И. тарихда бўлгани каби, ҳозир ҳам волонтаризм, анархизм, эгоизм, авторитаризм каби кескин кўринишларда ҳам намоён бўлмоқда.

ИНДИРА ГАНДИ — ҳинд сиёсатчиси, Жавоҳарлаъл Неру сиёсатининг изчил давомчиси. 1917 й. 19 ноябрда Оллоҳобод шаҳрида дунёга келган. Унинг дунёқарашининг шаклланишида отаси Жавоҳарлаъл Нерунинг хизмати катта бўлган. 1938 й. И.Г. Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясига аъзо бўлади. 1966 й.и январь ойида Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг парламент фракциясининг раҳ-

бари этиб сайлангач, Ҳиндистон Бош вазири этиб тайинланди. Мазкур лавозимда 1977 й.нинг март-гача ишлади. 1980 й. парламент сайловида Ҳиндистон Миллий Конгресси оппозицион партиясига галаба қозонди. 1980 й.нинг 14 январиди И.Г. яна Бош вазир лавозимига сайланади. И.Г. давлатни бошқаришда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожиди бета-раф сиёсатни олиб боради. Ташқи сиёсатда бета-рафлик, ҳарбий блокларга қўшилмаслик, ядро қуроолларини чеклаш сиёсатини олиб бориб, тинчликсевар давлат раҳбари бўлиб танилди. И.Г. 1984 й. октябр ойида террористлар қўлида халок бўлди. У бир неча асар, мақола ва нутқлар тўпламларининг муаллифи, ҳоз. ҳинд зиёлилари дунёқарашига катта таъсир кўрсатган сиёсий арбобдир.

ИНДУКТИВ МАНТИҚ — хусусийликдан умумийликка қараб хулосалар чиқаришнинг (индукция) мантиқий жараёнлари б-н шуғулланувчи соҳа. Анъанавий индуктивизм вакиллари (Ф.Бэкон, Ж. Милль) нуқтаи назаридан И.м.нинг вазифаси айрим эмпирик ҳодисалардан умумий наз-ий билим олиш жараёнларини анализ қилишдир. Бироқ, мантиқ тарихида И.м. илмининг бошқа концепцияси ҳам мавжуд бўлиб, бу концепция унинг вазифаларини гипотетика дедуктив усул доирасидаги илмий даъволарни текширишнинг мантиқий мезонларини таҳлил қилиш б-н чеклаб қўяди. Бу концепциянинг янги илмий-наз-ий қоидалар ҳосил қилиш учун индуктив методларнинг етарли эмаслиги тўғрисида ўз асоси бор, чунки мазкур қоидаларни ифодалаш янги фикрий мазмунни узвий бўлакларга бўлиб, янги илмий абстракциялар тузишни назарда тутлади. Бу концепциянинг маҳдудлиги-умуман илмий билим олиш жараёнларини мантиқий тадқиқ қилишдан, яъни уларни индивидуал онгнинг хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ва билиш жараёнларнинг объектив мазмуни б-н белгиланадиган ижтимоий жараёнлар сифатида таҳлил қилишдан ғайриқонуний бош тортишдан иборат. Ҳоз. замон И.м. ўз тадқиқот соҳасини кенгайтирмоқда ва фақат хусусийликдан умумийликка қараб хулоса чиқаришларни эмас, балки текшириладиган билимнинг чинлигини, ҳақиқатлиги бизга маълум бўлган билимлар асосида ишончли тарзда аниқлаш мумкин бўлмайдиган ва фақатгина биринчи билим сўнгги билимлар б-н тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслигини, агар тасдиқланса, қай даражада тасдиқланишини белгилаш мумкин бўлган. Умуман, барча мантиқий муносабатларни ҳам қараб чиқилмоқда. Ҳоз. замон И.м.нинг марказий тушунчаларидан бири *тасдиқланиш даражаси* тушунчаси бўлиб, бу тушунча одатда мавжуд эмпирик билимларда гипотезанинг эҳтимоллиги си-

фатида шарҳланади. И.м. шу б-н эҳтимоллар наз-яси усулларидан фойдаланади ва эҳтимолли мантикқа айланади.

ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ (лат. *inductio* — ягона асосга келтириш) — эмпирик умумлаштириш шаклида содир бўладиган бирорта белгининг маълум бир гуруҳга мансуб предметларда такрорланишини кузатиш асосида, шу белгининг мазкур гуруҳга тегишли барча предметларга хослиги ҳақида хулоса чиқариш усули. И. х.ч. билвосита хулоса чиқариш ҳисобланиб, унинг асослари иккита ва ундан ортиқ мулоҳазалардан ташкил топган бўлади. Улар, одатда, якка предмет ёки предметлар гуруҳининг бир қисмини ифода қиладилар. Хулосада эса, бир мантиқий гуруҳга мансуб предметларнинг барчасига нисбатан умумий ҳукм тарзидаги фикр ҳосил қилинади. И.х.ч.да яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқаси кузатилади. Айрим фактларни ифодалайдиган, жузъий характерга эга бўлган билимлар умумий билимларни ҳосил қилиш учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. Такрорланиб турувчи турғун алоқалар, одатда, предметларнинг муҳим зарурий алоқаларидан иборат бўлгани учун, бу умумий билимлар қонуниятларни ифода қилади. Асослардаги якка ва жузъий фактлар ҳақидаги билимлар эса ана шу қонуниятларнинг намоён бўлишини қайд этади. И.х.ч.нинг асосларида кузатиш ва тажриба натижалари ифодаланган бўлиб, улар бирорта S гуруҳига тааллуқли F_1, F_2, \dots, F_n ҳодисаларда P белгисининг турғун ҳолда такрорланиши ҳақидаги ахборотни қайд қилади. Хулосада шу белгининг предметларнинг бутун гуруҳга хослиги ҳақида фикр ҳосил қилинади. Тажрибада кўп марталаб такрорланган предметнинг турғун алоқалари сабабиятни, заруриятни ифода қиладиган умумийликдан иборат бўлиб, у И.х.ч.да асослардан хулосага ўтиш учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. И.х.ч.нинг билишдаги бош вазифаси жузъий ҳолни умумийлаштириш, яъни айрим фактларга хос хусусиятни гуруҳга тааллуқли барча предметларга хос хусусият даражасига кўтариш (генерализация қилиш) асосида умумий билим ҳосил қилишдан иборат. Ўз мазмуни ва билишдаги аҳамиятига кўра бу билимлар кундалик тажрибани умумлаштириш негизида ҳосил қилинадиган энг оддий умумлашмалардан тортиб, то эмпирик ва наз-ий қонунлар, гипотезалар, илмий наз-ялар даражасигача етган билимлар бўлиши мумкин. Илмий билиш тарихи фаннинг турли хил соҳаларида қилинган кашфиётлар, мас., электр, магнетизм, оптикага оид жуда кўп сабабий алоқадорликлар, қонуниятлар уларнинг айнан индуктив йўл б-н ўрнатилганини тасдиқлайди. Индукция асосида ҳосил қилинган хулосаларнинг мантиқий қиймати, эҳтимоллий ёки зарурий бўлиши ўтказилган тажрибанинг ха-

рактерига боғлиқ. Мантикда эҳтимоллик тушунчаси тажриба асосида чиқарилган хулосанинг ноаниқлигини, қўшимча текширишлар ўтказиш зарурлигини англатади. Шунга қарамасдан, тажриба билимнинг муҳим воситаси бўлиб қолади. И.х.ч.да тўлиқ ва тўлиқсиз индукциялар фарқ қилинади. Тўлиқ индукция И.х.ч.нинг шундай турики, унда бирорта белгининг маълум бир гуруҳга мансуб ҳар бир предметга хослигини аниқлаш асосида, шу белгининг берилган гуруҳ предметлари учун умумий белги эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, унда берилган гуруҳга мансуб барча предметлар бирма-бир ўрганилиб чиқилиши, улар ҳақида якка ҳукмлар ҳосил қилиниши ва асослар сифатида қабул қилиниши зарур. Тўлиқ индукциянинг яна бир муҳим хусусияти — бу унинг асослари ҳам, хулосаси ҳам аниқ, текширилган, эҳтимолдан холи фикрларни акс эттиргани учун улар қатъий ҳукмлар орқали ифодаланadi. Тўлиқсиз индукция шундай эҳтимоллий хулоса чиқариш турики, унда бирорта белгининг бир мантиқий гуруҳга тегишли предметларнинг бир қисмига (бир нечтасига) хослигини (ёки хос эмаслигини) аниқлаш асосида, шу белгининг берилган гуруҳга мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳақида хулоса чиқарилади. Тўлиқсиз индукцияда фикримиз худди тўлиқ индукциядагидек, жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка, камроқ умумийлашган билимдан кўпроқ умумийлашган билимга қараб ҳаракат қилади. Лекин унда тўлиқ индукциядан фарқли ўлароқ, хулоса кузатиш, тажриба давомида қайд этилмаган, ўрганилмаган предметларга ҳам тегишли давомида қайд этилмаган, ўрганилмаган предметларга ҳам тегишли бўлади. Тўлиқсиз индукциянинг эвристик моҳияти айнан ана шундadir. Тўлиқсиз индукцияда хулосавий билимнинг эмпирик асоси тўлиқ аниқланмайди, ана шунинг учун ҳам ундаги амалга оширилган умумлаштириш тўлиқсиз бўлади. Хусусан, унда берилган мантиқий гуруҳга мансуб предметларнинг барчаси эмас, фақат F дан f_n гача бўлган қисмати ўрганилади, холос. Ана шу ўрганилган предметларга бирорта P белгининг хослиги (хос эмаслиги) кузатилса, унинг ўрганилаётган синфга мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳақида эҳтимоллий тарздаги хулоса чиқарилади. Бу хулоса ихтиёрий равишда ҳосил қилинмайди ва тасодифий характерга эга эмас, албатта. Жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка ўтиш, яъни синфга тегишли айрим предметлар ҳақидаги билимдан гуруҳга тегишли барча предметлар ҳақидаги билимга ўтиш мантиқан асослангандир.

Тўлиқсиз И. х. ч. га хос хусусиятлардан бири асослардан хулосанинг мантиқан келиб чиқишининг кучсиз бўлишидир. Бу камчиликни бартараф этиш учун бир қанча методологик талабларга риоя қилиш зарур.

Бу маълум бир даражада хулосанинг чин бўлиши эҳти-молининг ортишига имконият яратади. Улар қуйида-гилардан иборат:

1. Экстенсив методдан фойдаланиш, яъни ўргани-лаётган предметлар сонини ошириш. Бу бир оз бўлса ҳам хулосанинг чин бўлиши эҳтимолини ортиради.
2. Тажриба натижаларининг сифат жиҳатидан хил-ма-хил бўлишига эришиш, яъни бир хил шароитда такрорланадиган белгиларнигина эмас, балки тур-ли хил соҳалар, ҳолатларда такрорланадиган ўхшаш белгиларни ҳам қайд этиш муҳимдир.
3. Тажриба натижаларининг кучли бўлиши, «бехос-дан» аниқланиши омиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга.
4. Кейинги иккита методологик талаб тўлиқсиз ин-дукцияда эмпирик материалларни танлаб олишни тақозо этади.

ИНДУКЦИЯ (лот. *inductio*—йўқламок) —бир неча якка ёки айрим ҳукмлардан умумий ҳукмга ўтиш ёки айрим воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш асоси-да умумий қонун ва қоидалар яратиш жараёнини қамраб олувчи илмий-фал-ий метод Ф. Бекон фал-сафасининг асосий мазмунини ташкил этади. Унга кўра, мас., темир электр токини ўтказди, мис электр токини ўтказиш имкониятига эга, қумуш-нинг ҳам худди шундай хусусияти мавжуд ва ҳ.к. Юқоридаги ҳукмлардан: «Металларнинг ҳаммаси электр токини ўтказди», — деган янги умумий ҳукм хулоса чиқади. Ёхуд, Ўзбекистон Миллий ун-ти талабалари ёзги сессияга ҳозирлик кўрмоқдалар. Тошкент шаҳридаги бошқа олий ўқув юрти тала-балари ҳам ёзги сессияга тайёргарлик кўрмоқда-лар. Демак, Тошкент шаҳрининг барча олий ўқув юрти талабалари ёзги сессияга қунт б-н тайёрлан-моқдалар деган хулоса чиқарилади.

ИНКВИЗИЦИЯ (лот. *inquisitio* — текширув, қиди-рув) — католик черковининг эркин фикрларга, папа ҳокимияти ғоявий душманларига қарши курашиш мақсадида 13-а.да тузилган махсус суд муассасаси. Дастлаб бевосита Рим папаси тасарруфида бўлган, 1231 й.дан эътиборан доминиканлар орденига топ-ширилган. У христианликнинг софлигини сақлаш ғоясини мутлақлаштирган, шу сабабли ақидапараст-ликка йўл қўйган. И. инсониятнинг ғоявий эркин-лигига қарши қатор жиноятларни содир этган. Кўплаб олим, ёзувчи, зиёлилар мавжуд сиёсий ти-зим ва черков доктринасининг ғоявий мухолифла-ри сифатида И. қурбони бўлган. Мас., 1600 й. Ж. Бруно, 1619 й. Л. Ванини ўтда қуйдирилган. Инкви-зиторлар сўроқ пайтида оғир жазо ва қийноқларни қўллаган. Бу даврда жосуслик, айғоқчилик, игво-гарлик, ғоявий сотқинлик низоҳатда авж олган. Жа-зога тортилганларнинг мол-мулки черковнинг хусу-сий мулкига айлантирилгани учун ҳам, И. черковга

катта даромад келтириб турган. И. Ғарбий Европа-нинг жуда кўп мамлакатларига, кейинчалик Аме-рикага ёйилган. 1480 й.и Испанияда алоҳида И. суд маҳкамаси таъсис этилган. Олий инквизитор Торк-вемада 18 йиллик хизмати даврида 10220 кишини гулханда қуйдирган. Унинг жиноятдан 114000 оила зарар кўрган. И. ғоявий-сиёсий тизим сифати-да 19-а. бошларигача фаолият кўрсатган. И. судлари фаолияти 1835 й.да Папанинг буйруғи б-н тўхта-тилган. И.нинг айрим диний ва сиёсий функцияла-ри муқаддас конгрегация зиммасига ўтказилган. Бу конгрегация 1949й. коммунистлар ва уларни қувват-лаганларни ғоявий душманлар сифатида черковдан четлаштириш тўғрисида махсус декрет чиқарган (ушбу декрет 1959 й.да тасдиқланган). У Ватиканда 1965 й.гача Муқаддас диний канцелярия конгрега-цияси номидан иш юритиб, черков фаолиятдан норози ғоявий мухолифларни католик черковидан чиқарган. 1965 й.да у Диний таълимот конгрегация-си номи б-н қайта ташкил қилинган.

ИНКОР — муайян воқеа, ҳодиса, фикрнинг ногў-ри ёки ёлғонлигини исботлаш жараёни. И. ҳар қан-дай тараққиётнинг зарурий ва муҳим элементи ҳисобланади. Табиатда, жамиятда ва инсон тафак-курида ҳар қандай эски ҳолат И. этилади ва унинг ўрнини янгиси эгаллайди. Лекин бу жараёнда янги ҳолат эски ҳолатни ижобий томонларини сақлаб қолади. Эскининг И. этилиши натижасида янгининг ривожланиши содир бўлади, яъни бир сифатдан б. сифатга ўтилади. И. нарсанинг ички ривожланиши-нинг натижасидир. Ана шундай И. натижасида ри-вожланиш давом этади. И. ҳар бир ҳодиса ва жараён учун конкрет характерга эгадир. И. эскини бутун-лай, тўлалигича ва мутлақ рад этиш бўлмасдан, балки эскини янги б-н боғлаб турувчи ҳолатдир, у янги б-н эски ўртасидаги ворисликни характерлай-ди. И. тараққиётнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига боришини ифодалайди. Ижтимоий ҳаётда ҳам эскининг янги томонидан инкор қилиниши та-рихий жараён сифатида содир бўлади. И. тушунчаси мантиқда ҳам катта аҳамиятга эга. И. туфайли бир мулоҳазадан иккинчи бир мулоҳаза келиб чиқади, бир фикрни иккинчи бир фикр рад этади. Мантиқ-да фикрлаш ва мулоҳазалар кураши натижасида ҳақиқат юзага чиқади.

ИНКОРНИ-ИНКОР — табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти жараёнининг моҳиятини очиб беради. Доимо ривожланишда бўлган нарсалар, ҳоди-салар, шунингдек, инсон билимлари, тушунчалари ворислик тамойилига асосланади. И.-и. борлиқдаги ривожланиш, ҳар қандай янгилик эскининг зами-нида, унинг ижобий хусусиятларини юқори бос-қичда барқарорлаштириб, ўзида қолиш, салбий жи-

ҳатларини рад этиш асосида содир бўладиган жараёнлар. Мана шу жараённинг такомиллашувини тақозо этаётган нарса ва ҳодисалар биринчи инкор бўлса, уни рад этаётган, юқорилаб бораётган нарса ва ҳодисалар иккинчи инкордир. Тараққиёт, ривожланиш шу тарзда узлуксиз давом этади. Бу қонуният бўлиб, тараққиёт шартини И.-и. қонунидир.

ИНОЯТХОН Ҳазрат (1882—1927) — ҳиндистонлик файласуф, сўфий. Ҳиндистонда ҳинд мумтоз мусиқасини қайта жонланттирган, вина мусиқа асбобида чалишнинг устаси бўлган, улуг санъаткор сифатида танилган. И. Ҳ. Ҳайдаробод суфийларидан Чиштия тариқати таълимини олган. Бу мактабда самоғ маҳфиллари ўтказилиб, бундай ҳолат И.Ҳ. нинг буюк мусиқий санъат устаси бўлиб етишувига катта таъсир кўрсатган. Бир қанча йиллик таълимдан сўнг ўзининг пери-муршиди Шайх Маданийнинг ҳидоятига мувофиқ, Шарқ ва Фарбда тасаввуф гоёлари-ни тарғиб қилишга киришилади. 1910 й.дан бошлаб, у Америка, Европа мамлакатлари, жумладан, Россияда ҳам маърузалар ўқий бошлайди. И. ўз маърузаларида сўфийлик борлиқнинг уйғунлиги ҳақидаги таълимот эканлигини, уйғунлик қонунларининг бузилиши инқирозга олиб боришини ва ҳар қачон инқироз яқинлашганида Худо Зардушт, Будда, Мусо, Исо ва Муҳаммад каби зотларни элчи қилиб юбориб, одамларни борлиқ б-н уйғун яшашга чақирганини тушунтиришга ҳаракат қилган ва ўз мусиқаси орқали ана шу уйғунлиқни англаштиришга интилган. 1913 й.да И. бошлаб берган бу фаолият инсонларни маънавий муҳаббат, уйғунлик ва гўзаллик байроғи остида бирлаштиришга қаратилган эди.

ИНСОН — ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория. И. тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиш зарур. Таъкидлаш зарурки, энг аввало И. б. мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили борлиги б-н ажралиб туради. Айниқса, тил унинг ажодлари ва авлодлари орасидаги ворисийлик, алоқадорлик вазифасини бажаради. И. наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи дастурлар худди шу тил орқали ажодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан И.нинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат И.нинг инсонийлигини белгилловчи энг муҳим хусусият, маданият эканлигини ифодалайди. Шунингдек, И.нинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эгаллиги ҳам ана шундай хусусиятлардан

бири ҳисобланади. Инсон ҳаётида меҳнат асосий рол ўйнайди. Меҳнат туфайли И. ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўз-ўзини ўзгартиради. И. организмнинг соф физиологик функциялари, қўл ва оёқларнинг, бош ва бармоқларнинг, тоғайлар, пайлар, суяк ва мускулларнинг тараққий этиши ҳам бевоқифа меҳнат б-н боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат И.нинг нафақат жисмоний, балки маънавий, маданий тараққиёти учун ҳам асосий шарт-шароит вазифасини бажарди. Меҳнат туфайли И. табиатга таъсир этди. Бунинг учун эса меҳнат қуроли ясаб, ушбу қуролини узлуксиз такомиллаштириб борди. И., америкалик олим Б.Франклин айтганидек, меҳнат қуролини яратувчи жонзоддир.

Оилавий муносабатлар ва ахлоқий нормалар. И. ҳайвондан фарқ қилувчи энг муҳим хусусиятлардан биридир. Мас., қадим замонлардан буён ҳайвонларга хос қуйидаги қилиқлар, одатлар мутлақо таъқиқланди:

— ўзининг яқин қавм-қариндоши б-н жинсий алоқада бўлиш;

— энг яқин кишисига қўл кўтариш, танига жароҳат етказиш;

— ўзининг яқин кишиларига суиқасд қилиш.

Бундай номақбул қилиқлар ҳайвонларга хос бўлгани учун ҳам қаттиқ қораланган. Қад. ахлоқий нормалар, турган гапки, ҳали такомиллашмаган, ўта оддий эди. Шунга қарамадан, бундай нормалар инсонийликнинг энг оддий кўринишлари пайдо бўлаётганидан далолат берарди. Улар аста-секин ривожланиб, умум-инсоний қадриятларнинг вужудга келиши учун замин яратди. Кўриниб турибдики, антропосоциогенез туфайли И. ахлоқий мавжудот сифатида ҳам шаклланди, биологик мавжудотнинг ижтимоий мавжудотга айланиши жараёни содир бўлди. Оддий ахлоқий нормалар ёрдамида ибтидоий жамоа ўз аъзоларини барчага мақбул бўлган тартиб ва интизомларни бажаришга мажбур қилди. Худди шу ҳолат И.нинг ҳайвондан узил-кесил ажралиб чиққанлигидан далолат берарди. Ўз навбатида, ушбу воқеа ижтимоий ҳолатнинг биологик ҳолат устидан қилган буюк ғалабаси эди. Одамнинг меҳнат қилишни, меҳнат қуролини ясашни ўргангани, ахлоқий нормаларга риоя эта бошлагани улкан неолитик инқилоб эди. Бундай неолитик инқилоб туфайли одам аста-секин ижтимоийлашиб борди. Одамнинг дастлабки ажлоди ов қилиб, териб-тергилаб яшашга асосланган фаолиятдан ишлаб чиқарувчанликка, яратувчанликка асосланган турмуш тарзига (деҳқончилик, чорвачилик, қосибчилик ва б.) ўта бошлади. Худди шу ҳолат одам ижтимоий-тарихий мавжудот бўлиб шаклланаётганидан, муҳассамланаётганидан далолат берарди. Бугунги кунда файллар инсон учта буюк қудрат — тана, руҳият ва маънавиятнинг йиғиндиси эканлигини уқдирмоқ-

далар. Инсоннинг биологик ҳолати деганда унинг танасида содир бўладиган морфофизиологик, генетик, миясида рўй берадиган электро-химик ўзгаришлар, унинг ёши, ирқи ва жинсини ифодаловчи аломатлар тушунилади. Инсоннинг руҳий ҳолати ҳақида фикр юритганда унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, кечинмалари, иродаси, темпераменти англанади. Инсоннинг маънавияти жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар натижасида шаклланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, малакалар йиғиндиси дур. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар инсоннинг мураккаб, бир бутун биосоциал жонзот эканлигидан далолат беради.

ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР НАЗАРИЯСИ — Фарбий Европа ва АҚШ социологиясида 20-а.нинг 20-й.ларида ишлаб чиқилган социологик наз-ялардан бири. И.м.н. йирик корхоналарда кишилар фаолиятини бошқаришнинг умумий тамойиллари ва вазифаларини ўзига хос тарзда талқин этди. Бу наз-я саноат социологияси, меҳнат социологияси сингари соҳаларнинг ривожланиши б-н бир вақтда рўй берди. И.м.н. шаклланишига ҳоз. замон корхоналаридаги техник тараққиётнинг талаблари кучли таъсир кўрсатди. Саноат меҳнатининг мураккаблашуви, қатор соҳаларда ақлий ва жисмоний меҳнатнинг уйғунлашуви меҳнатга онгли муносабатда бўладиган, ўз маҳорати ва малакасини муттасил равишда такомиллаштириб борадиган ходимни тарбиялаш вазифасини кўйди. Инсоний муносабатлар дастури ходимларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлган қатор тадбирларни ўз ичига олади. Булар орасида ходимларнинг иш шариоитини, дам олиш ва бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлашга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутди. Корхона раҳбарлари, тадбиркорлар томонидан бундай тадбирларнинг амалга оширилиши меҳнат ва меҳнатга муносабат муаммолари бўйича эмпирик тадқиқотларнинг кенг ривожланишига олиб келди. Ҳоз. замон саноат ишлаб чиқаришининг ҳаётий эҳтиёжлари, саноат корхоналари ходимларининг меҳнатга ижобий ва салбий муносабатини белгилайдиган омиллар, меҳнат жамоалари шаклланишининг қонуниятлари ва жамоанинг шахсга таъсири, ходимлар ташаббускорлигини ривожлантиришда, бошқаришни демократиялаштириш жараёнларининг роли, самарали раҳбарлик қилишнинг шакллари ва усуллари сингари муаммоларни ҳал этиш ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатди.

ИНСОНПАРВАРЛИК, гуманизм — одамларга меҳр-муҳаббат б-н қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлан-

тиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари б-н суғорилган дунёқараш. Инсоннинг, инсонни севишнинг сабаби, боислари, инсон бахти, бахтиёр яшаш учун зарур бўлган адолат ҳақидаги орзулар қад. халқларнинг оғзаки ижодида, мифологик, диний, фал-ий қарашларида юзага чиқа бошлаган. Инсон ҳақидаги ҳоз. ранг-баранг ва фундаментал қарашларнинг шаклланишида буларнинг хизмати катта. Қад. кишилар наздида олийжаноб, жасур, қаҳрамонлик кўрсатишга тайёр кишиларнинг маънавияти И. б-н йўғрилган. Эр-Хубби Туронда, Гермес юнонларда, Агни ригведа (дини) да бунга мисол бўла олади. Ислом таълимотига кўра, инсон Оллоҳ яратган махлуқлар орасида энг қарамлидир. Инсон Яратувчининг ердаги халифаси, яъни, Аллоҳ буюрган яхши амалларни амалга оширувчиси. Инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори мартабали зот. Шарқда футувват ҳаракати И.нинг ёрқин намунаси дур. Футувват Ҳотами Тойни инсонпарвар кишининг умумлашган образига айлангирди. Фарб гуманистлари И. инсоннинг ички ва ташқи гўзаллигидан деб билдилар. Уларнинг фикрича, одамда жисмоний ва маънавий ибтидолар уйғунлашганда инсоннинг топган лаззати, бахти ахлоқий қимматга эга бўлади. И. Кант таълимотига кўра, инсон восита эмас, балки мақсад бўлиши лозим. И.нинг мақсади инсон ҳаёти давомида ўз салоҳиятини тўла намоён қилиб, жамиятда ўзига муносиб ўринга эга бўлиш учун максимал шароит яратиш, ҳамда бунга тўсқинлик қилувчи ғояларнинг пуч эканлигини фош қилиш, ғов бўлувчи омилларни бартараф этишдир. И. инсон кадр-қимматини ҳимоя этиш ва эркин ҳуқуқини талаб қилишдир. Инсон нафақат табиий офат, ижтимоий ин-тлар тазйиқидан, ҳатто ўз ҳавои нафси, таназзулга олиб борувчи майллардан ҳимоя этилиши учун И. тақозо этилади. У инсон маънавиятида муҳитнинг тарбиявий таъсири ва илм-маърифат орқали жой олади. Таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар ус-туворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви-га қаратилган.

ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШ — ҳозирги замондаги хилма-хил усулларда олиб бориладиган мафкуравий тарғибот ва ташвиқот, ғоя ва онг муносабати ҳақида гап кетар экан, қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур: 1) муайян ғоя инсон томонидан қабул қилинмаслиги мумкин; 2) муайян ғоя шахс онгида фақат ахборот сифатида сақланиб қолиши, яъни кераксиз буюм каби, инсон онгининг бир четида «чанг босиб» ўтавериши мумкин. Биринчи ҳолатда ғоя инсон онгида ҳеч қан-

дай из қолдирмайди. Иккинчи ҳолатда эса у шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ғоя фақат инсон қалбини эгаллаган, маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айланган тақдирдагина ҳаракатга давват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, фаолият дастурига айланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда мафкуравий курашнинг бош мақсади инсон қалбини забт этиш орқали унинг онгини эгаллаш бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроқлар Ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — инсон эркинликлари, бурч ва мажбурияти б-н боғлиқ қарашларни акс эттирувчи тушунча. У миллий истиқлол ғоясининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Инсоният ўз тараққиёти жараёнида И.ҳ.га оид бўлган махсус қонунчилик тизимини яратган. Бу тизим ўз тараққиётида учта катта босқични босиб ўтган. Биринчи босқич 1789 й.ги Франция инқилобининг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганидан бошланиб, 1. Жаҳон урушигача бўлган (1914 й.) даврни ўз ичига олади. Бу даврда шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги, шахс дахлсизлиги, хусусий мулкка эгаллик, сайлаш ва сайланиш каби шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар б-н боғлиқ масалалар тартибга солинган. Иккинчи босқичда (1914—1950 й.лар) инсонларнинг турли ғоя ва ҳаракатлар таъсирида меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий ёрдам олиш б-н боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик ривожланган. Учинчи босқич 20-а.нинг 2-ярмидан бугунги кунларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда тинч яшаш, атроф-муҳит тозаллигига эришиш, ахборот олиш ҳуқуқи б-н боғлиқ масалалар фаол муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш йўллари қидирилмоқда. Бу даврда И.ҳ. соҳасида халқаро қонунчилик тизими шаклланди. БМТ томонидан етмишга яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан бир юз олтмишдан зиёд, ЮНЕСКО да етмишдан ортиқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини томонидан ўттиздан кўпроқ И.ҳ. га тааллуқли халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳоз. пайтда И.ҳ. бўйича 400 яқин халқаро ҳужжат мавжуд.

ИНСОФ — инсоннинг муайян жамиятда амал қилаётган ахлоқ меъёри нуқтаи назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва ахлоқий баҳолаши. И. виж-

донли одамнинг ёки маълум жамоанинг жамиятга ёки б. кишиларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маънавий жавобгарлик ҳиссидир. Агар киши бирор ишни тўғри бажарса, унда ички қониқиш пайдо бўлади, агар билиб нотўғри ишга қўл урса, бу И. сизлик саналади.

Муайян кишининг хоҳ шахсий, хоҳ ижтимоий хулқ-атворида учраган ҳар қандай сохталик, мунофиқликни жамоа И.сизлик сифатида қаттиқ қоралайди. И. кишининг жамият олдида, теварак-атрофидаги кишилар олдида ўз хатти-ҳаракати учун маънавий масъулиятини ҳис этишнинг ифодасидир.

ИНСТРУМЕНТАЛИЗМ — ақл (мантиқий, ахлоқий) айни вақтда ўзгарган шароитга мослашиш воситаси (инструменти) ҳамдир, деган қараш; прагматизмнинг методологик тушунчаси. И. томонидан ишлаб чиқилган принциплар прагматизм доирасидан ташқарига чиқди ва унга яқин бўлган операционализм, социал бихевиоризм йўналишларига кириб борди. И.га кўра, Индивидларнинг ҳаёт фаолияти «узлуксизлик тамойилининг» амал қилишига бўйсунгандир. Шу муносабат б-н билиш ва иш-ҳаракат ўртасидаги чегара йўқолади. Тушунча, ғоялар, наз-ялар фақат восита, қурол ва инструментлар И. тушунчасининг ўзаги сифатида функционал концепцияси ҳам шундан келиб чиқди. Субъектнинг оламга бўлган муносабати амалий, манфаатлидир. И. да наз-ий ва қадриятли фаолият ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф этилди. Ҳақиқат ва қадрият сари йўл моҳиятан бир нарсадир. И. интеллектнинг вазифаси инсонга хавф-хатарга тўла ва беқарор дунёда нормал яшаш имконини яратишдир, деб ҳисоблайди.

ИНСТРУМЕНТАЛ ЛЕГИТИМЛИК — сиёсий ҳокимият легитимлигининг турларидан бири. И.л.га асосланган ҳокимиятда давлат бошқаруви профессионал кадрлар қўлида бўлади. Бундай шароитда қонунларни амалга оширувчи ёки ҳокимиятни ижро этувчи шахсларни (кадрларни) танлашда ўзига хос йўл тугилади. Яъни, Конституцияда ушбу масалага оид қаттиқ меъёрий талаблар мавжуд бўладик, бу — ҳукумат ишларида моҳир мутахассисларнинг тўпланишига шароит яратади ва пировард натижада давлатнинг халқ олдида ҳақиқий нуфузини оширади.

ИНТЕГРАЦИЯ (лат. integer — бутун) — 1) айрим қисм ва элементларни бир бутунга бирлаштириш; 2) турли мамлакатларнинг бирлашмалари, тор доирадаги иқтисодий-сиёсий гуруҳлар қўшилиши. И.нинг шакллари турличадир: илмий, сиёсий, маданий, халқаро ва ҳ.к. Мас., И. иқтисодда хўжалик

ҳаётини яқинлаштиришнинг олий шакли бўлиб, бунга халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш объектив равишда сабаб бўлади. И. турли мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувида ва уларнинг корхоналари, тармоқлари ва ҳатто миллий иқтисодиётнинг ягона хўжалик организмга бирлашувида намоён бўлади. И. жараёнларнинг ривожланиши натижасида Европа Иттифоқи, Марказий Осиёда И.А.Каримов ташаббуси б-н «Туркистон — умумий уйимиз» ғоялари ва амалиётининг вужудга келиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

ИНТЕЛЛЕКТ (*лот.* Intellectus — ақл, идрок, зеҳн) — к е н г м а ъ н о д а: кишининг воқеа-ҳодиса моҳиятини тўладигича билишига асосланган ва у орқали намоён бўладиган фаолияти; т о р м а ъ н о д а: инсоннинг тафаккур, фикр юритиш салоҳиятини назарда тутати. И.кишилардаги ақл, идрок, заковат, маънавий жиҳатдан етуқлик даражасини ҳам изоҳлайди; тасаввур, идрок, синчковлик орқали жамланган материални билиш усуллари (таққослаш, абстракция, тушунча, ҳукм ва.ҳ.к.) орқали асосли билимга эга бўлиш ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиб чиқиш қобилияти деб ҳам қаралади. Тафаккур тарихида И. тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар турлича бўлган. Ўрта асрларда И. иродага бўйсунадими ёки ирода И.гами, деган мунозаралар авжга чиққан. Ўша даврларда И. билишнинг энг юқори — илоҳий билиш усули сифатида инсон тафаккурига қарама-қарши қўйилган. Биринчи нуқтаи назар тарафдорлари Дунс Скот, Уильям Оккам бўлса, иккинчи ғоя тарафдорларидан бири Фома Аквинскийдир. Ҳоз. замон фал.сида И. ҳам, ирода ҳам мавжуд ҳолатга асосланган ҳолда намоён бўлади ёки И. маънавиятга тааллуқли бўлганлиги учун руҳий ҳолат маҳсули бўлиб, иродадан устун туради, деган тасаввурлар мавжуд.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛИЗМ (*лот.* Intellectus — ақл) — фал-ий таълимот бўлиб, интеллект воситаси б-н билишни биринчи ўрнига суради ва уни ҳиссий билишдан ҳамда амалиётдан метафизикларча ажратиб қўяди. Антик фал.нинг бир гуруҳ вакиллари (элеатлар, Платончилар) И. ҳиссий билишнинг ҳақиқатлигини инкор этувчи, фақат интеллектуал билишни бирдан-бир ишончли билим деб ҳисобловчи таълимот эканлигини эътироф этади. Янги фал.да И. сенсуализмнинг бир ёқламалигига қарши чиқади (Декарт, Картизиан, қисман спинозоизм). Ҳоз. замон фал.сида эса, И. агностизм юки остида қолган бўлиб, бундай йўлни мантиқий позитивизм томонидан амалга оширилмоқда. Умуман, И. таълимотга кўра ҳиссий ва интеллектуал билишнинг бирлиги эътироф қилинади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РЕСУРС — инсонларда билим, ҳаётий тажриба ва идрок ҳамда зеҳн асосида авало ўз ақлий-омилкорлик салоҳиятини, инсон турмуш тарзини турли йўналиш ва шаклларда янада бойитиш, унинг янги қирраларини очиш, мукамаллаштириш имкониятлари-ресурсларининг мавжудлиги. Инсон бош мия қобиғида ўн тўрт миллиарддан ошиқ нейронлар жойлашган. Уларнинг вазифаси инсон фаолиятини ҳар томонлама, тўла бошқаришдан иборат. Кишининг қилаётган ҳар бир ҳаракати, унинг қандайлигидан қатъий назар нейронлар фаолиятининг маҳсулидир. Бу жаҳон тиббиётида чуқур ўрганилган ва тўла тан олинган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, инсоннинг интеллектуал ўзлигини намоён қилиш имкониятлари-ресурслар жуда ҳам беқиёсдир. Лекин, инсон шу мавжуд интеллектуал имкониятлардан, яъни ресурслардан бор йўғи 4-4,5 фоизидангина фойдаланади. Шундан тўла 4% маълумотини кишилар 8-11 ёшгача оладилар ва умрнинг охирига қадар қолган 0,5%гина қабул қилиш имкониятига эга. Табиатдан иқтидорли кишилар ўша қолган 0,5%ни 11 ёшдан кейинги умр йўлига тўғри тақсимлай олиш имкониятига эга бўлганлар бўлиб ҳисобланади. Тиббий билимлар нуқтаи назаридан инсон бош миясининг физиологик таҳлили маълумотларига қараганда, одам миясидаги интеллектуал куч, атом ядросидаги беқиёс кучга тенг. Гап уни қандай ривожлантириш ва қай даражада ишлата билишдадир. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бешикдаги ҳар бир гўдак — бир даҳо ёки бўлғуси даҳо бўлиши мумкин. Бироқ, ҳамма гап ушбу «даҳо»ларни даҳолар даражасига етказиб тарбиялашдадир. Даҳоларни тарбиялашнинг сермашаққатлилиги натижаси бўлса керакки, бугунги кундаги илм-фан хулосаси ва ҳисоб-китобига кўра инсоният тарихида атиги 400га яқин киши даҳолар сифатида улуғланган, холос.

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ (*лот.* Intellegere — билимли бўлиш) — ижтимоий тизимда муайян ўринга эга бўлган, асосан ақлий меҳнат фаолияти б-н шуғулланидиган зиёлилар ижтимоий табақаси. Ақлий, ижодий меҳнат соҳасини асосий касб тарзида танланган одамлар гуруҳи қадимдан ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида алоҳида ижтимоий табақа сифатида шакллана бошлаган ва бу жараён ўрта а.лардан янги даврга ўтиш даврида асосан тугалланган. И.га мансуб одамлар аввал эркин билим олиш орқали ақлий меҳнат фаолиятларини бошлаган бўлсалар, кейинчалик ўқув юртларда билим олиш б-н бирга меҳнат касб-корларини муайян тизимга туширишга ҳам эришганлар. И.га мансуб бўлганлар одатда барча ижтимоий гуруҳлардан келиб чиққан бўлиши мумкин. Лекин И. ижтимоий табақасининг ўзини ўзи такрорий вужудга келти-

риш (қайта ишлаб чиқариш) ҳоз. даврда ўзига хос жараён сифатида амал қилмоқда. «Компьютер асри», «янги технологиялар асри», «ахборот асри» атамалари б-н нисбат берилаётган ҳоз. даврда амал қилинаётган илмий-техник инқилоб жараёнлари И. ижтимоий табақасининг жамият ҳаёти барча жабҳаларида эгаллаб бораётган ўта муҳим ўрни ва аҳамиятини янада оширмоқда. Шу маънода ривожланган мамлакатлар ижтимоий тизимининг тобора И.лашиб (зиёлилашиб) бораётганлигини, унинг миқдор ва сифат даражалари тобора ошиб бораётганлигини ҳоз. давр жаҳон цивилизациясининг муштарак қонунияти деб эътироф этилмоқда.

ИНТЕЛЛИГИБЕЛ ва **СЕНСИБЕЛ** (лот. intelligibilis — ақл, фаросат) — фақат ақл б-н пайқаладиган объектни билдиради. Интеллигибел атамаси б-н Сенсибел (лот. sensibilis — ҳиссиёт) атамаси жуфт категорияни ташкил этади. Сенсибел атамаси ёрдамида эса ҳиссиёт б-н пайқаладиган объект ифодаланади. Билиш объектларининг И. ва С. бўлинишлари тўғрисида, биринчи бор, Платон айтган. Интеллигибел хусусиятларига айнанлик, барқарорлик кирса, Сенсибелнинг асосий хусусияти ўзгарувчанликдир. Кантнинг фикрича, ақл, фаросатта берилган, имконият ҳиссиётларга умуман берилмаган трансцендент гоғлар соф Интеллигибел хусусиятга эга ва улар ҳақида мулоҳаза юригиш, уларни ички предикатлари орқали аниқлаш ҳақида бизда ҳеч қандай асос йўқ. Шунинг учун улар фақат хаёлий буюмлар ҳисобланади. Сенсибел объектни билиш эса «имманент» тушунчаси б-н ифодаланади.

ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ (лот. Interior — ички) — ташқи ижтимоий воқеликни ўзида ўзлаштириш орқали, инсон психологияси ички тузилишининг шаклланишидир. Ушбу тушунча, француз психологлари — Пьер Жоне, Пиаж, Анри Валлон томонидан фанга киритилган бўлиб, психоанализда, индивидлар муносабати, тузилмасини инсон психикасига ўтишини ва онгсизликни (индивидуал ёки жамоа), уларнинг қайсиси, ўз навбатида, онгнинг ички режасини ташкил қилишини билдиради. Виготский фикрича, И — индивид томонидан, унинг инсоний қадриятларни ўзлаштириши натижасида, ўзида асл инсон психикасини шакллантиришидир.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ, байналмилалчилик (лот. inter — аро, natio — халқ) — турли миллат, ирқдаги кишиларнинг халқаро бирдамлигини ифодаловчи тушунча. Бу тушунча К.Маркс томонидан ўйлаб топилмаган, у томонидан фанга киритилмаган, фақат собиқ Иттифоқ даврида мутлақлаштирилган эди. Аслида эса И. тарихий тараққиётнинг маълум бос-

қичида, миллатларнинг келиб чиқиши ва миллатлараро муносабатлар натижасида муомалага киритилган тушунчалардир. Миллатларнинг келиб чиқиши гўёки капиталистик муносабатлар б-н боғлиқ, деган наз-яга асосланган И. тушунчасининг келиб чиқишига мустамлака халқларнинг миллий озодлик курашига қарши олиб борилган шафқатсиз зулми сабаб бўлди, деб тушунтирадilar. И.нинг туб моҳиятини инсонпарварлик, толерантлик гоғлари, халқаро ҳамдўстлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби умуминсоний ахлоқий тамойиллар ташкил қилади. И.ни гўёки буржуа давлатларининг келиб чиқиши б-н боғлаб кўрсатиш масалага нотўғри ёндашиш демакдир. Тарих сабоқларига кўра, халқаро ҳамдўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари жаҳон халқларининг турмуш тарзида ҳамиша мавжуд бўлган. И. гоғси эса, Платон, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Низомий, Навоий ва б. алломаларнинг асарларида атрофлича баён этилган. И. тушунчасини синфий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан таърифлаш унинг умуминсоний моҳиятини сохталаштиришга олиб келади. И. гоғлари ва тамойилларининг узлуксиз ривожланиб бориши демократик умуминсоний қадриятлар таъсирининг кучая бориши, жаҳонда халқаро толерантликнинг барқарорлиги б-н боғлиқдир.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ (лот. interpretatio — тушунтириш, изоҳлаб бериш) — 1. Бирор нарсанинг маъносини, туб моҳиятини очиб бериш, тушунтириш. Термин сифатида адлия ишларида (мас., адвокат ёки судья томонидан қонунни И. қилиш), санъатда ва б. баъзи соҳаларда қўлланилади; 2. Математика, логика, фанлар методологияси, билиш наз-ясида—муайян табиий-илмий ёки абстракт дедуктив наз-я-нинг элементи (ифода, формула, символ ва б)га бирор усул б-н бериладиган маънолар мажмуи. И. тушунчаси илмий наз-яларни улар татбиқ қилинадиган соҳалари б-н қиёслашда, наз-ялар қурилишининг турли усулларини таърифлашда, наз-ялар ўртасидаги нисбатнинг билиш жараёнидаги ўзгаришларни ифодалашда муҳим рол ўйнайди.

ИНТРОВЕРТИВЛИК (лот. intro — ички, vertere — бурилиш, мурожаат қилмоқ) — инсоннинг ички оламига мурожаат қилиш; шахснинг ички олами, қарашлари, ҳиссиётларига қаратилган психологик характеристика ва ўз-ўзида чуқурлашмоқ. И. тушунчаси Кант, Гегель, Юнг томонидан киритилган.

ИНТРОЕКЦИЯ (лот. intro — ички, iacere — солмоқ) — 1) билиш наз-ясида Авенариус томонидан киритилган тушунча. Унингча, индивид онгида объектлар ҳақидаги образларни идрок қилишидир;

2) психологияда бошқа-бошқа шахсларнинг қарашлари, мотивларининг индивид ички дунёсида идрок қилиниши, идентификацияга ҳам асос бўлади. И.нинг қарама-қаршиси проекциядир. Психоанализга И. тушунчасини Ш.Ференци киритган (Венгрия). И. бу ерда психологик механизм сифатида, «Олий-мен», виждон ва хусусиятларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

ИНТУИТИВИЗМ (лат. Intuitio — диққат б-н кузатмоқ) — моддий ва маънавий борлиқни, тажриба ва тафаккурга таянмаган ҳолда, фақат интуиция ёрдамида билиш мумкин, деб даъво қилувчи фал-ий оқим. И. онгни ижтимоий амалиёт ва тафаккурга алоқаси бўлмаган алоҳида бир хусусият, деб ҳисоблайди. И. асосчилари Платон, Демокрит, 19-а.дан бошлаб Гегель, Фейербах, З.Фрейд, Ф.Шеллинг, Э.Гартман, 20-а.да эса А.Бергсон, Э.Гуссерл ва б.дир. И. тарафдорлари интуицияни мутлақ қимматга, ўзгармас моҳиятга эга деб қарайдилар.

И. умумий ахлоқий тушунчалар ўз-ўзидан, исботсиз қабул қилинадиган интуиция б-н англанадиган ҳолат, деб тушунади. 20-а.да И. иррационализмнинг бир тури сифатида намоён бўлди. И. асосан икки шаклда намоён бўлган. 1) интеллектуалликка қарши шаклда, яъни интуиция ва интеллектни қарама-қарши қўйиш; 2) интуиция ва интеллектни бирлаштириш (Н.О.Лосский, С.Л.Франк, Е.Н.Трубецкой, француз неотомистлари Э.Жильсон, Маритен, маълум даражада Э.Гуссерл ва феноменология мактаби вакиллари: М.Шиллер, Н.Гартман ва б.). А.Бергсон таълимотига кўра, интуиция ва мантикий тафаккур бир-бирига зид, чунки интуиция субъект б-н объектнинг қўшилиши натижасида, уларнинг ўртасидаги зиддиятнинг ечилиши, барта раф этилишидан келиб чиқади. Экзистенциализм (Марсель) тарафдорларининг фикрига кўра, интуиция ҳиссиёт дунёсини тарқ этиб, маънавий соҳанинг (диний, мистик) «тажриба»сига асосланади. И. ғоялари дастлаб 17-18-а.ларда неоплатончиларнинг (Р.Прайс, Р.Кэдворт, С.Кларк) Кембридж мактаби томонидан системалаштирилди. Сўнгра ушбу таълимот Европа ва АҚШда кенг тарқалган. И. бир гуруҳ ахлоқшунослар томонидан ривожлантирилган. Уларнинг фикрича, энг умумий ахлоқий тушунчалар (мас., яхшилик ва ёмонлик) «нодир» характерга эга бўлиб, уларга ҳеч қандай б. сифатни нисбат бериб бўлмайди, ҳаттоки улар тўғрисида шубҳаланиб ҳам бўлмайди, чунки улар «ўз-ўзидан маълум» тушунчалар деб ҳисобланади. Ушбу таълимотга кўра, ахлоқий тушунчалар, мутлақ характерга эга бўлиб, фан ва ижтимоий ҳаёт томонидан исбот талаб қилмайди.

ИНТУИЦИЯ (лат. Intuitus — синчиклаб қарайман) — ҳақиқатни мантикий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб олиш қобилияти. Фал. тарихида И. тушунчаси турлича ифодаланган. Қад. фал-ий қарашларда И. билишнинг алоҳида шакли деб ҳисобланган. Мас., Платон таълимотига кўра, билишнинг объекти — ғоялар дунёсидир, моддий дунё, предметлар тўғрисидаги тасаввурларимиз эса ҳиссий билиш орқали ҳосил бўлади. Ҳиссий билиш, Платоннинг фикрича, ҳақиқат эмас, чунки у орқали кишилар ғояни эмас, балки моддий предметларни сезадилар, улар тўғрисидаги тасаввурга эга бўладилар. Ҳақиқатни билиш, унингча, фақат соф тафаккур орқали содир бўлади. Қад. Шарқ фал.сида И. пайғамбарларга, авлиёларга хос бўлган махсус билиш усули сифатида талқин этилган. Декарт таълимотида билишнинг бирдан-бир тўғри йўли рационализмга асосланган дедуктив усулдир. У дин ва схоластик фал. ўрнига киши ақлини, илмий билимини олға қўяди. Декартнинг фикрича, исботнинг дедуктив шакли аксиомаларга асосланади, аксиомалар эса, ҳеч қандай исботсиз соф интуитив тарзда пайқалади. Спиноза И.ни билишнинг «учинчи хили», нарсаларнинг моҳиятини қамраб олувчи энг ишончли билиш деб ҳисоблаган. Ҳоз. замон фал.сининг айрим вакиллари (Бергсон, Фрейд) И.ни бутун ижодий фаолиятни белгиловчи яширин, қоронғу, онгсиз, бошланғич ижод, деб қарайди. Бу б-н улар И.ни интеллектга қарама-қарши қўйиб, нарсалар моҳиятига кириб бориш асло мумкин эмас, деган ғояни илгари сурадилар. Ҳоз. замон фал.сининг айрим вакиллари И. ни бевосита билим деб, воситаланган билим б-н диалектик тарзда боғланган жонли мушоҳада деб қарайди ва И.ни ақлдан устун турадиган, мистик билиш қобилияти деб талқин этишни рад қилади. И. ҳақиқатни пайқашнинг оддий йўлларида принципал оғиш эмас, у мазкур оддий йўлларнинг юз беришининг мантикий шакли ва амалиёти б-н воситаланган қонуниятли шаклидир. Ҳақиқатни гўёки «тўсатдан» пайқаш замирида жамғарилган тажриба, илгари ҳосил қилинган билим ётади. И.нинг психологик механизми кам ўрганилган, лекин мавжуд тажрибавий маълумотлар унинг замирида индивиднинг атрофидаги муҳит б-н информация, сигналли ўзаро таъсир жараёнида бевосита анланган маҳсул б-н бир қаторда ёрдамчи (англанмаган) маҳсулни акс эттириш қобилияти бор, деб ҳисоблашга имкон беради. Бироқ, муайян шароитда амалиёт натижасининг мазкур (илгари анланмаган) қисмини индивид томонидан англаш имконияти туғилади ва бундай интуитив билиш натижалари вақти келиб амалиётда текшириб кўрилади ҳамда мантикий равишда исбот қилинади.

ИНФОРМАТИКА — жамият, табиат ва техник қурилмалардаги ахборотларнинг барча турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш. У ҳоз. замонда энг тез ривожланаётган илмий соҳа бўлиб, ўзида математика, физика, техника, кибернетикани бирлаштиради. Ахборот соҳаларини автоматлаштириш усулларининг зудлик б-н ўсишига, компьютерларнинг яратишга фан ва жамиятни компьютерлаштиришга олиб келди. Бу, ўз навбатида, келажак «информацион жамияти» фал-ий социологик ва футурологик концепциясининг вужудга келишига сабаб бўлди. 1948 й.да ҳоз. замон кибернетикасининг отаси, Америка математиги Норберт Винер «Кибернетика ёки ҳайвон ва машинада бошқарув ва алоқа» асарида кибернетика фани жонли организмлар ва алоқа ҳақидаги фан сифатида «ахборот — узоқни кўра билиш» эканлигини исботлади. И. ҳал қилинмаган фал-ий масалалар, хусусан «информация» тушунчасининг предмети ҳақидаги соҳа, у барча моддий объектлар, жонли ва ўзини-ўзи бошқара олувчиларнинг хусусиятларини ёки фақат онгли мавжудотлар хусусиятини ва б. муаммолар пайдо бўлишини олдиндан айтди.

ИНФОРМАЦИОН ЖАМИЯТ — жамиятда информация, (ахборот), билим ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган социологик-фал-ий ва футурологик концепция. И.ж. постиндустриал жамият назариясининг бошқача талқиндир. И.ж. концепциясининг асосчиси Б.Тоффлер жамиятни турли босқичларга бўлиб ўрганишни таклиф этади. Биринчи босқич индустриал жамиятгача бўлган давр. Бунда асосий бойлик ер ва бевосита табиатдан олинган захиралар ҳисобланади. Бу қишлоқ хўжалик цивилизацияси деб ҳам аталади. Иккинчи босқич саноат ёки индустриал цивилизация деб юритилади. Бунда асосий бойлик ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади. Постиндустриал жамиятда капитал, меҳнат ўз. ўрнини информация ва билимга бўшатиб беради, натижада технология, бошқариш, сиёсат, турмуш ва иқтисодда туб ўзгаришлар юз беради. Жамиятда социал инфорацион бирлашма ва уюшмалар вужудга келади. Анъанавий гигант корпорация ўрнига кичик иқтисодий бирлашмалар, уйдаги шахсий фаолият «электрон коттежлар» келажак инсон яшашининг моделини ташкил этади. Улар И.ж.нинг умумий структурасини ташкил этади. «Инфра — сфера», «техно — сфера» ва б. инсон борлигининг «сфералари» бўлиб қолади (Тоффлер). «Телекомпьютер» энергетикага асосланган «глобал электрон цивилизация» пайдо бўлади (Ж. Пелтон). «Компьютер инқилоби аста-секин анъанавий китоб чоп этиш электрон китоб б-н алмашади. Ишсизлик мафқураси ишдан

холи, хурсандчилик қилиш мафқураси б-н алмашади (Х.Эванс). Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бевосита микроэлектрон инқилобга боғлиқ деб кўрсатдилар. Тоффлер ва Ж. Мартин фикрича, демократиянинг келажаги электрон технологиясининг кенг тарқалиши б-н боғлиқ. Телекоммуникатив «кабел тармоғи» фуқароларнинг ҳокимият б-н икки томонлама алоқада бўлишини таъминлайди. Натижада, сиёсий масалаларни ҳал қилишда бевосита фуқаролар фикрини ҳисобга олишга имкон беради. Жамиятни технологик талқин қилиш И.ж. зиддиятларни бартараф этиб, одамларни бегоналашув ва ғайриинсонийликдан холи қилади, деб кўрсатадилар. Фал-даги гуманистик концепция тарафдорлари бу қарашларнинг бирёқламачилигини кўрсатиб бермоқдалар, технологик детерминизм инсон моҳиятини ва унинг мураккаб муносабатларини очиб беришга қодир эмас деган фикрни майдонга ташламоқдалар.

ИНФОРМАЦИЯ (лот. informatio — таништириш, тушунтириш, тасаввур этиш, хабардорлик) — 1) бирон хил ишнинг ҳолати тўғрисида, у ёки бу нарса ҳодиса ҳақидаги маълумотларни кишилар томонидан узатиб туриш, хабардор қилиш; 2) ахборот олиш натижасида камайтирилган, бартараф этилган ноаниқлик; 3) бошқариш б-н биргаликдаги хабарлар; 4) ҳар қандай объект ва жараёндаги (жонсиз ва жонли табиатни) турли-туманликнинг акс этиш, эшиттириш ёки кўрсатиш. И.ни бўлмиш хабар, ахборот сифатида тушуниш 20-а.нинг ўрталаригача сақланиб қолган. Оммавий ва б. алоқалар, техник воситаларининг ривожланиб бориши сабабли (телефон, телеграф, радио, телевидение ва ш.к.) ва айниқса, узатиладиган маълумотларнинг ортиб бориши б-н хабар қилиш, ахборотларни узатиш учун керакли шароитларни яхшилаш зарурияти юзага келади. И.нинг миқдор тушунчаси ана шу тариқа жорий этилади ва бу тушунча ахборот устида сўз борган воқеанинг эҳтимолли даражасига тескари пропорционал миқдор сифатида белгиланади. И. илмий тушунчасининг ишлаб чиқилиши оламнинг моддий бирлигининг янги жиҳатини очиб беради. Илгарлари бутунлай турлича бўлиб кўринган жараёнлар: алоқанинг техник каналлари бўйича ахборотлар беришга, асаб тизимининг ишлаши, ҳисоблаш машиналарининг иши, бошқарувнинг хилма-хил жараёнлари ва ҳ.к. И.ни узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари б-н боғлиқдир. И. тушунчаси бунда физикадаги энергия тушунчасига ўхшаш ролни ўйнайди, чунки физикадаги энергия тушунчаси ҳам умумий нуқтаи назардан турли физик жараёнларни тасвирлашга имкон беради. И. тушунчасидаги икки нуқтаи назарни фарқ қилиб қарамоқ керак. Биринчидан, И. тизимини уюштириш меъёридан иборат-

дир. И. учун бўлган математик ифода тескари белги б-н олинган энтропия учун бўлган ифодага айнан тенгдир. Тизим энтропияси унинг тартибга солинмаган даражасини ифодаси. И. уни уюштириш метёрини беради. Шу тариха тушунилган И. тизимнинг ўз-ўзича жараёнининг ички ҳолатини ташкил этади. Бинобарин, уни структурали И. деб аташ мумкин бўлади. Структурали И.дан ҳаминиша икки жараёнининг муносабати б-н боғланган нисбий И.ни фарқлаш зарур.

ИНФРАСТРУКТУРА (инфратузилма) (лот. *infra* — паст, остда, тубан ва *structura* — тузилиш, жойлашиш) — ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат қилувчи корхоналар, ташкилотларнинг (автомобил йўллари, каналларни, портларни, кўприк, аэродром, омбор, темир йўл, алоқа, сув б-н таъминлаш, маиший ва маданий хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарни қуриш ва б.) мажмуаси англашилади. 20-а.нинг 40-йилларида пайдо бўлиб, халқ хўжалигининг айрим соҳаларини ифодалаш учун ишлатилган тушунча. И. тушунчаси ҳарбий соҳада кенг ишлатиладиган, фронт орқасида ташкил қилинган, унинг ҳаракатини бевосита таъминловчи (ўқ-дорилар, озиқ-овқат омборлари, б. ҳарбий, техника қуруллари, воситалари базаси, аэродромлар, ракеталарни учуриш учун мослаштирилган майдон ва майдончалар бош иморатлар, омборлар, полигон ва майдонларни объектловни ўз ичига олади. Иқтисод фанларида И.ни икки гуруҳга бўладилар: ишлаб чиқарувчи соҳани ва ноишлаб чиқарувчи (ижтимоий таъминот) соҳаларнинг иқтисодий-молиявий соҳаларни ўрганувчилар. Биринчи гуруҳга бевосита ишлаб чиқариш И.си киради(авто,темир йўллар, сув б-н таъминлаш, канализация, омборлар, техника воситалари ва б.), иккинчи гуруҳга эса кадрлар тайёрлаш, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш ва б. соҳалар киради. Ижтимоий соҳада, жумладан, таълим тизимида ҳам ўзининг И.си мавжуд(мактаблар, дарсликларни чоп этувчи корхоналар,маиший хизмат ташкилотлари ва б.).Ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт даражаси ва сифати унинг И.си қай даражада ривожланганлиги ва унинг фаолиятининг сифати б-н белгиланади.

ИНЪИКОС — нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришни ифодалайдиган тушунча. Бу категория фалда муҳим ўринга эга бўлиб, онг, тафаккур ва билиш жараёнини тушунтиришга хизмат қилади. И. борлиқнинг барча ҳодисаларига хос умумий хусусиятидир. Зеро, уларнинг барчаси таъсирлашувади ва ўзгаришда. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг бир-бирида акс этиши ҳар-

хил эканлиги, инъикоснинг турли даражаларини фарқлаш имконини беради. Авваламбор, тирик б-н жонсиз табиат ҳодисаларидаги И.ни фарқлаш мумкин. Жонсиз нарсаларда б. ҳодисалар таъсирида қолган излар, таъсирга мос ўзгаришлар И.дир. Нотирик табиатдаги И. ўз навбатида турли кўринишларда намоён бўлади. Мисол сифатида механик таъсир излари (қошга қўйилган қалам изи), физик ўзгаришлар (жисмларнинг иссиқдан кенгайиши ёки совуқдан торайиши), химиявий реакциялар (занглаш, ёниш, емирилиш каби)ни кўрсатиш мумкин. Бундай И. таъсирининг оддий акс этишидир. Тирик табиатдаги И. оддий акс этишдан кескин фарқ қилади. Энг содда организмлар ва ўсимликлардаги оддий таъсирланишдан тортиб, асаб тизимига эга бўлган организмлардаги сезиш ва идроклашгача бўлган психик И. тирик табиатдаги акс таъсир кўрсатиш, ўзини ҳимоялаш ва мослашуви кабиларда намоён бўлади. Тирик табиатдаги олий — ижтимоий ҳаёт И.дир. Бундай И.ни юқори даражада ташкилланган тизимлар фаолиги б-н фарқланади ҳамда биологик модда алмашунивидан тортиб, онгли, ижодий, ўзгартирувчан фаолиятгача кўриш мумкин. Психик И. организмларда асаб тизими ҳамда бош миянинг эволюцияси б-н бирга келиб чиққан ва ривожланган. Психик И. яъни сезиш ва идроклаш ёрдамида организмнинг фаолиятини тартибга солиш таъминланади. Психик И. (тасаввур билим) мазмуни куйидагилар б-н белгиланади: акс этишнинг нисбийлиги, яъни нимани ва қандай И. этилишига мос даражада фарқланиши; акс этилаётган нарсалар ёки хусусиятларнинг миқдори жиҳати; И. объектнинг тузилиши; И. этилаётган ҳодиса б-н унинг акси орасидаги мувофиқлик, ўхшашлик тури; ҳиссий образнинг предметлиги, фикрларнинг предмет маъносини акс этиши; И.нинг қадрилиги; акснинг ҳодисага айнанлиги. Психик И.нинг шакли муайён нарсага хос мазмунининг мавжудлиги, ифодаланиши ҳамда ўзгариш усулидир.

Психик И.объектив ва субъектив жиҳатларига эга. И. мазмунининг моддий ташувчилари (электр токи, электромагнит тўлқинлари ва ш.к.), хоссалари (узлуксиз сигналлар тебраниши каби), ахборот узатиш услуги (табиий ёки сунъий тиллар ёрдамида) унинг объектив жиҳатларидир. Гоявий образлар эса И.нинг субъектив жиҳатидир. Инсон билими ана шу образлар, тасаввур, тушунча ва фикрлардан иборат. Бироқ, инсон билимини психик И.дан сифат жиҳатидан фарқловчи томони ҳам бор. Бу унинг ижтимоийлигидир. Айнан ижтимоий-маданий муҳитдаги индивиднинг психик И.и. — ҳис қилиш ва идроклаши — рационал оқлай билишга, тафаккурлаш ва англашга айланишини таъминлайди. Ақл И.нинг энг олий шакли бўлиб, унда бевосита ва билвосита,

илгари ва айнан шу муддатда акс этган билим намоён бўлади.

ИНҚИЛОБ (*араб.* — ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ), — табиат, жамият ёки тафаккур ривожда рўй берадиган туб сифат ўзгариши, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш жараёни, собиқ иттифоқда мутлақлаштирилган тушунча. И. ижтимоий, сиёсий, геологик, илмий-техника, маданий соҳалар моҳиятини англаувчи таянч сифат ўзгаришларини белгилайдиган атама тарзида қўлланилади. И. жамият тараққиётининг босқичма-босқичлиги, тадрижийдаги ҳолатидан кескин сифат ўзгаришларига ўтиш жараёнларини англатади. И. б-н тадрижийлик (эволюция) ўзаро нисбатлари масаласи ижтимоий тафаккурнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоси бўлиб, жуда узоқ муддат давомида шиддатли содир бўлаётган баҳс-тортишувлар мавзуини ташкил этади. И. ни инкор этаётган гуруҳ мақомлари тобора мустақамланиб бораётганлиги ҳоз. инсоният тараққиётида амал қилаётган умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар устуворлиги қонунияти моҳиятидан келиб чиқаётган зарурат бўлиб, қарама-қарши туриш (барбод қилиш)дан ҳар томонлама ҳамкорлик (яратувчанлик) қилиш афзалликларини ифода этади. Демак, Ер юзида истиқомат қилаётган барча одамларнинг истиқбол тақдири муштараклашган ҳоз. даврда мавжуд муаммоларни ислоҳотлар ўтказиш йўлида улар ечимини топиш И. б-н ислоҳот ўзаро нисбатида ислоҳотларга мойиллик устун даражада амал қилмоқда.

ИНҚИРОЗ — маълум бир воқеликнинг табиат ва жамият тараққиёти объектив қонуниятларига зид келиб қолиши, ўз даврида прогрессив ҳисобланган жараёнларнинг вақт ўтиши б-н янгича талабларга жавоб бера олмаслиги туфайли юз берадиган ҳодиса. У жамият ҳаёти, турмуш тарзининг барча соҳаларини қамраб олиши мумкин. И.ни келтириб чиқарувчи сабаблар турлича бўлади. Айтайлик, маълум бир тузумлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аввал бошданок тараққиётнинг объектив қонуниятларини инкор қилган ҳолда амал қиладилар. Бу ҳолат эса, ўз навбатида мазкур тузум ва муносабатлар ривожда таназзул ҳолатининг рўй беришига сабаб бўлади. Шу б-н бирга, ўз вақтида прогрессив рол ўйнаган тузумлар, амал қилган муносабатлар вақт ўтиши б-н тараққиётга ғов бўлиб қолиши, тараққиётнинг янгича талабларига жавоб бера олмаслиги мумкин бўлади. Бу ҳол ҳам табиий тарзда И. ҳолатларини келтириб чиқаради. Иқтисодий И. жамият объектив қонуниятларига зид бўлган иқтисодий фаолият замирида юз берадиган бўлса, маънавий ва руҳий И. инсон камолотининг маъна-

вий ва руҳий жиҳатларига номутаносиб бўлган жараёнларга, воқеа ва ҳодисаларга боғлиқ бўлади. Жамиятда кечаётган айрим соҳалардаги И.ли ҳолатларнинг олди олинмас, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий. И. миқёс жиҳатидан жамиятни ёки айрим бир шахсни ҳам қамраб олиши ва айни вақтда қатъий иқтисодий, сиёсий маънавий-мафкуравий чоралар ишлаб чиқилиши б-н И.ли ҳолатларнинг олди олинishi мумкин бўлади. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий И.нинг олдини олишда жамият тараққиётига хос бўлган объектив қонуниятлардан четлашмаслик муҳим шарт бўлса, маънавий-руҳий таназзулнинг олдини олиш учун эса, ҳар бир жамият аъзосида маънавий покланиш мезонларини яратиш, руҳий-ахлоқий камолот тамойилларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

ИОНИЯ ФАЛСАФАСИ — Милет мактаби ҳамда Гераклит таълимоти назарда тутилади. И.ф. дейилишига сабаб шуки, дастлабки бу фал-ий фикр Иония денгизи қирғоғида жойлашган Милет шаҳрида, мил. ав. 7—6-а.ларда вужудга келган. Даставвал, Қад. Юнонистондаги ижтимоий муносабатлар Иония оролида пайдо бўла бошлади. Бу ерда ишлаб чиқариш, савдо муносабатлари ҳамда маънавий маданият тез тараққий эта бошлади. Милет шаҳри бу даврда Юнонистон б-н Эрон, Миср, Вавилон ва Қора денгиз мамлакатлари ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларнинг маркази эди. И.ф., умуман олганда, кузатувчанлик табиатига эга эди. Афсонавий тимсолларнинг кўплиги, антропоморфизм, пантеизм унсурларининг мавжудлиги, мажозий ибораларни қўлланилиши, ахлоқий муаммоларга кенг ўрин берилиши —буларнинг ҳаммаси, И.ф.нинг муҳим хусусиятини белгилайди. Унинг вакиллари ҳамма нарсаларнинг ибтидоси руҳ эмас, балки бирон-бир жисмининг шакли, деган фикрда эдилар. Улар монист бўлиб, борлиқнинг асосида битта, ягона нарса ётади, деб фикр юритганлар. И.ф.да мифологик тимсоллар мавжуд бўлишига қарамасдан, у рационалистик руҳ б-н суғорилган эди. Зероки, уларда, сув, тупроқ, ҳаво, олов, логос, зарурият каби тушунчалар қўлланилган. И.ф., ҳокимият учун зодагонларга қарши кураш олиб бораётган, шаҳар савдогар ва хунармандларининг дунёқарашидир. И.ф. антик Юнонистоннинг ижтимоий-фал-ий фикри ривожда муҳим аҳамият касб этган. Милет мактабининг йирик вакиллари — Фалес, Анаксимен, Анаксимандр ҳамда Гераклитлар И.ф.ини янги ғоялар б-н бойитдилар.

ИРОДА (*араб.* — хоҳиш, истак, мақсад) — инсоннинг маълум мақсад йўлидаги ўз хатти-ҳаракатини

онгли равишда йўналтириб туриши, шу йўлдаги қатъиятлилиги, мавжуд тўсиқларни енга олишга қодир бўлган рухий-маънавий салоҳияти. И. инсон фаолиятининг муҳим хусусияти, унинг ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. И.ли одамда мақсад ва фаолият изчиллиги кузатилади. Олдинга қўйилган мақсадга эришишга бўлган ишонч И.нинг муҳим кучи, бош мезонидир. Зеро, қатъий ишонч мақсад йўлидаги қийинчиликларни енгишга руҳий асос яратади. И.ни Оллоҳга ва шахсга боғлиқ деб ҳам талқин қиладилар. Шу маънода Оллоҳ И.си ва банданинг И. деган тушунчалар вужудга келган. Оллоҳ И.си инсон И.сига нисбатан анча кенг, ундан устун тушунчадир. Оллоҳ И.си табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларининг ўзига хос меъёрини, мувозанатини белгиловчи куч сифатида қаралади. Ҳар бир жамият тараққиёти, унинг илғор ғояларини амалга ошиши мазкур жамият аъзоларининг И.сига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Шу нуқтаи назардан, халқ ва миллат И.сини, шакллантиришга, И. тарбиясига аждоқларимиз азалдан алоҳида эътибор б-н қараган. И.ли бўлишни эътиқодли бўлиш б-н чамбарчас боғлаб, чунки маълум бир қарашлар, таълимотлар, эътиқодларнинг ғоявий асосини яратиб беради. Эътиқоднинг заиф ёки мустаҳкамлиги, умуминсоний ва миллий манфаатларга мос келиши ёки келмаслиги ҳам И.нинг мустаҳкам бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

ИРОДА ЭРКИНЛИГИ — инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилиши. Унинг маълум мақсадга қаратилган иродавий фаолиятининг манбаи — объектив оламдан ҳамда дунёни ўзгартиришга қаратилган ва табиатнинг объектив қонунарига таянадиган предмет-амалий фаолиятдан иборат. И.э. масаласида фал. ва психологияда, дунёвий ва диний таълимотлар орасида кўп алардан буён мунозара давом этиб келади. Мас., фатализм тарафдорлари кишиларнинг барча хатти-ҳаракатларини фақат ташқи кучлар белгилайди, деб фикр юритадилар, волонтаризм тарафдорлари инсон ўз хатти-ҳаракатларида мутлақо эркин, бундай эркинлик ташқи кучларга боғлиқ эмас, деган мулоҳазага келадилар. Дин эса, умуман эркин, жумладан И.э. ни Худо белгилайди, одамнинг қисмати, тақдири Яратувчининг иродасига боғлиқ, у олдиндан белгилаб қўйилган, дейди. Айрим диний таълимотларда инсон И.э.га эгадир, у ўз гуноҳлари учун жавобгардир, деган ғоялар ҳам учрайди.

Дунёвий фал. шахснинг фаолияти объектив шароитларга боғлиқдир ва шу б-н бирга, бундай ҳолатда қайси йўлни танлаш кишининг ўзига ҳам боғлиқ, деб ҳисоблайди. Демак, субъектнинг ички шароитлари (эҳтиёжлари, қизиқишлари, истакла-

ри, билими ва ҳ.к) призмаси орқали акс эттирилган объектив олам унинг учун турли мақсадларни ўз олдига қўйиш, қарорлар қабул қилиш, эркин ҳаракат қилиш имкониятини яратиб беради. Бунда фақат субъектнинг истакларига қараб танлаб олинадиган ирода эмас, балки объектив заруриятга мувофиқ тўғри танлаб олинадиган иродагина эркиндир.

Ҳар қандай ҳаракат ёки фаолиятнинг иродали характери шундан иборатки, унда инсон ўз мақсадига эришиши учун ташқи ёки ички тўсиқларни енгишга тўғри келади. Иродали ишнинг бошланғич омили маълум мақсадни олдига қўйиб, аввало уни англаб олишдан, сўнгра эса ҳаракатни бошлашга қарор қабул қилишдан, ишни амалга ошириш учун мақсадга мувофиқ усулларни танлаб олишдан иборат. Муайян бир ишнинг И.э. асосида тавсифланиши учун ҳал қилувчи нарса ушбу иш юзасидан қабул қилинган қарорнинг бажарилишидир. И.э.ни инсонга табиат бахш этган эмас. Энг зарур ва керакли мақсадларни танлай билиш, тўғри қарорлар қабул қилиш, уларни бажариш, бошлаган ишни охирига етказиш ва бундай ҳолатларни бажарилишида И.э.ни шакллантириш, албатта, мана шу руҳдаги ва йўналишдаги билимлар, тажриба, тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг натижасидир.

ИРОНИЯ (юн. *Eigoneia* — кесатиш, атайлаб ўхшатиш) — суҳбат олиб боришнинг бошланғич усули. Бундай усулга кўра, суҳбатни олиб бораётган одам атайлаб мавзун билмасликка олиб, ёки билган ва ўйлаган нарсасини атайлаб тескарисини баён қилган (бирок буни тинглаётган ҳамсуҳбати сезиб туриши керак). И. Суқрот И.си, романтик И., экзистенциал И.га бўлинади. Суқрот И.сига кўра, ўзини доно ва билимдон билган оломоннинг оми ва билимсиз эканлигини ўзларига сездирмаслик учун, донишманд ҳам ўзини суҳбат бошланишида улар сингари билимсиз оми қилиб кўрсатишидир. Бирок, суҳбат жараёнида омма ўзини билимсизлигини тушуниб боради ва донишманд суҳбатдоши б-н бирга ҳақ йўлни ахтаришга киришади. Романтик И. орқали инсон ўзига ишонмаслик, ирода бўшлиги холатларини турли йўллар б-н пардалаб кўрсатиш ҳаракат қилинади. Кьеркегор наз-ясига кўра, экзистенциал И. христианларга хос туйғу бўлиб, эстетик ҳолатлардан ахлоқий даражаларга ўтиш жараёнида инсоннинг ўзида ўзликни англаш имкониятлари мавжудлигини англамаслик ҳолатидир.

ИРРАЦИОНАЛИЗМ (лот. *irrationalis* — ақлсиз, онгсиз) — фалсафий атама бўлиб, икки маънода ишлатилади: биринчиси, билиш мумкин эмас деган маъно бўлиб, муҳолифи бўлган фал-ий тамойил ху-

сусида кетади. Чунки биринчи маъно «агностицизм» атамасида кўрилиши ўз аксини топади. Фақат ақл ёрдамида билимга эга бўлиш тамойилининг қарама-қарши томонидир. И. билишнинг ноақлий (ёки ақлдан қуйи ёки юқори) босқичлари ҳам мавжудлигини тан олади ва шу босқичлар мазмунининг таҳлилига алоҳида эътибор беради. Шу маънода И. ақлий фаолият соҳаси чекланган деб ҳисоблайди. И. инсон руҳий фаолиятининг рационаллик доирасидан ташқарига чиқувчи хилма-хил жиҳатларини биринчи ўринга суралган турли хилдаги фал-ий тизим ва йўналишларни ўзида бирлаштиради. Мас., иродани (волюнтаризм), интуицияни (интуизм), онгсизликни (психоанализ) ва ҳ.к. Барча динларнинг мистик йўналишлари И. (норационал) табиатга эга: ислом динида бу тасаввуф бўлса, Ҳиндистонда шакланган динларда йога, Хитойда эса Дзен буддизмдир. Диний догматика ва диннинг расмий жиҳатлари (шакллари) эса рационал табиатга эга. Шу маънода И. ўз табиатига кўра жуда қадимийдир. Фақат 17–18-а.ларга келиб унинг рационализм томони олдинги ўринга чиқиб олди ва 19-а. охирларига қадар ҳукмронлик қилиб келди. Ҳоз. давр фани рационалликка асослангандир. Билишнинг рационалликдан (интеллектуалликдан) бошқа юқори шакллари мавжудлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар энг қад. манбалардан бири бўлган ҳинд фал-ий меросида батафсил баён этилган. Унда энг олий ҳақиқатда ривож топган ақл ёрдамида ҳам эришиб бўлмаслигини, унга эришиш учун олий реалликка сингиб, у б-н уйғунлашиб кетиш кераклиги каби ғоялар олға сурилган. Бундай сингиб кетиш натижасида инсон онги ёришади, дейилади. Тасаввуфда буни «ишроқ», яъни Ҳаққа (Оллоҳ висолига) етишиш дейилади. 20-а.нинг йирик мистик ҳинд фай.и А.Ҳош ақл инсон табиатини тубдан ўзгартира олмайди», — деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ақл турли тизим, доктриналарни яратишдан нарига ўта олмайди, ваҳоланки, бу тизимларда ифода этилган ғояларнинг ўзи нисбий ҳақиқат ва тўлиқ эмасдир. Ҳаёт эса ҳар қандай формула ва тизимларни четлаб ўтади, у инсон интеллектининг иродасига бўйсунмайдиган беқийс мураккаб ва чексиз яширин имкониятларга тўлиқдир. А.Ҳош онг эволюциясининг ақлдан юқори ва ақлдан қуйи кўп поғоналари мавжудлигини ва ҳоз. давр Европо иррационалистик фал-ий оқимлари, хусусан, психоанализ онгнинг ақлдан б. шакллари урганиш учун эндигина илк қадамлар қўяётганини кўрсатиб берди. Унинг фикрига кўра, инсон билиш мумкин бўлган ҳақиқатнинг «қора ярим сферик қисми» ҳам бор. Психоанализ «онгсизлик соҳаси» деб ўрганаётган, одамнинг жинсий қувватларини ифодалайдиган, бу соҳадан бошқа ақлдан юқори (супраментал) онг соҳаси мавжудлиги

ҳамда бу соҳанинг ўзи ҳам турли даражаларга бўлиниши ғоясини олдинга суради.

ИРФОН — билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш, тушуниш ва билим маъноларида қўлланилади. Бу калиманинг муодили (тенгдоши) юнонча сўз «сирли» ва «ғайбли» маъносини англатади. И. сўзи умумий маънода, юзаки илмга қарши ўлароқ, бир нарсани аниқ ва ҳар томонлама билиб олишни ифодалайди. Мас., «фалон киши ориф шоирдир» деганда, у бу соҳада юзаки маълумотларга қаноат қилмай, тасаввуф, адабиёт, шеър ва б. фанларга оид кўп маълумотларни қамраб олгани билдирилади. И. илоҳий илмлардан бири сифатида, Ҳақнинг зоти, унинг исмлари ва сифатларини ишроқ (кўнгил ёруғлиги) орқали билиб олишга қаратилган илм ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда аҳлуллоҳ (худони қидирувчилар) ҳақни таниб олиш учун танлаган йўл И.ий деб аталади.

Э.Табарий И.ни қуйидагича таърифлайди: И. инсон ўз нафсини поклаш, риёзат чекиш, сиғиниш, зикр қилиш, хилватда ўтириш ва жазабага берилиш б-н сайру сулук босқичларидан ўтиб, Худо ва табиат ортидаги кучлар б-н алоқа ўрнатиш ва шу йўсинда унинг қалби илҳом ва ишроқ манбаига айлангандан кейин қатъий ва шубҳасиз ҳақиқатга эришишидан иборатдир.

«Ирфоний атамалар ва таъбирлар қомуси» номли китобда «Гулшани роз шарҳи»дан олиб берилган маълумотларга кўра: ҳақни таниш икки йўл орқали муяссар бўлади: биринчиси асардан муассир (таъсир ўтказувчи)га, феълдан сифатга ва сифатлардан зотга (ҳақ зотиға) истидлол қилиш орқали. Бу йўл эса олимларга хосдир. Иккинчиси кўнгилни поклаб тафаккурни (ақлни, фикрни) ва шунингдек, руҳни, ҳақдан бошқа барча нарсалардан ажратиш орқали. Бу йўл пайғамбарлар, набийлар, авлиёлар ва орифларга хос йўл. Бу йўл, яъни кашф (маънавий оламлар ва ички олам ҳақиқатлари солиққа маълум бўлиши — Ш.Ж.) ва шухуд (ҳақни кўриш) фақат мажзуби мутлаққа (ҳақ томонидан жазб этилиб, унинг ишқида фано бўлгани туфайли ўзига келмайдиган кишига — Ш.Ж.) насиб этилади. Бошқа кишилар эса қалбий ва руҳий тоат ва ибодат орқали ушбу маърифатга эришишлари мумкин. Дунёнинг яралишидан мақсад ҳам ушбу шухудий маърифат (ҳақни таниб олиш ва уни кўра билиш — Ш.Ж.) ҳисобланади. (Деҳхудо, Луғатнома, 135-жузъ. 1346 ҳ.й.).

Тасаввуф ва И. тушунчалари бир-бирига яқин бўлгани учун баъзан бир маънода ҳам ишлатилади. Айримларнинг фикрига кўра, тасаввуф И.нинг бир бўлими ва унинг кўринишларидан биридир, яъни тасаввуфдан илова, бошқача йўл-йўриқ ва

мазҳабларни ҳам ўз ичига олади. Унга биноан бир киши сўфий бўлиб ориф бўлмаслиги ҳам мумкин ёки бир киши юзаки суратда тасаввуф тариқасида туриб, И.дан ҳеч қандай баҳра олмаслиги ҳам мумкин. Баъзан эса ориф сўзи дарвиш ва сўфийга нисбатан юксакроқ маънода ҳам ишлатилган. Баъзилар И.ни тасаввуфнинг илмий ва зеҳний томони ва тасаввуфни эса, И.нинг амалий томони деб билганлар.

Сўфий ақидасининг асоси «бир» бўлиши керак: «бир» дейиш, «бир»ни қидириш ва кузатиш асосида, ягона ва мутлақ зотдан бошқа бирон нарса борасида ўйламаслиги зарур. Тасаввуф ва И. қоидаларига биноан, сўфий ва ҳақиқий ориф, ҳақиқий инсон ўрнида туриши лозим. Инсонларни севиш, уларнинг хизматида бўлиш, айна ҳолда худонинг борлиги ва бирлигини унутмаслик, сўфийларнинг асосий ақидасидир.

ИРҚ (араб. — илдиз) — кишиларнинг ташқи қиёфаси, гавдаси, келиб чиқишидаги ўхшашликларга қараб, ажратилган гуруҳлар. Ер юзиде яшаётган барча одамлар келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши, анатомик тузилиши ва физиологик имкониятлари жиҳатидан битта биологик тур — homo sapiens (оқил одам) га мансубдир. Лекин улар Ер юзиде жойлашган минтақалари, иқлим шароитлари, жуғрофий омиллар, озиқ-овқат истеъмоли хусусиятларига кўра илм-фанда учта йирик И.га ажратилади. Булар 1) негроид; 2) европоид; 3) монголоид И. лари бўлиб, ўзаро таналар ва кўзларининг ранги ва тузилиши, калла суякларининг шакли, бўлақларининг узун-қисқалиги б-н фарқланадилар. Учта йирик И.нинг номларини улар таналари рангига қараб: 1) негроидларни қора танлилар; 2) европоидларни оқ танлилар; 3) монголоидларни сариқ танлилар деб аташ одат бўлиб қолган. Лекин мана шу табиий белги туфайли қора ва сариқ танлиларни оқ танлилар томондан камситиш, уларни жисмоний ва руҳий заифликда айблаш, ҳақоратлаш, И.ий фарқларнинг маънавий ва маърифат соҳаларига ҳал қилувчи омил сифатида қараш ирқчилик тамойилларининг асосини ташкил этади. И.лар ўртасидаги фарқ иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг юксак тараққиёт даражасига кўтарилиш имкониятлари бир хил эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

ИРҚЧИЛИК — одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларга мансублиги б-н оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини

биологик — ирқий белгилар б-н боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму-қўст ва норасо ирқларга ажратадилар. Унга кўра, олий ирқлар хўжайинлик қилиши, қолганлар уларга хизмат қилиши, бўйсунуши шарт. И. таълимоти б. халқларга нисбатан босқинчилик, талончилик, мустамлакачилик сиёсатини асослашга ҳаракат қилади. И. таълимоти б-н қуролланган фашистлар Германияси «олий герман ирқи» ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида жаҳон урушини бошлагани бунга яққол мисолдир. Ҳоз. ҳам реакцион мафкурага асосланган кайфиятдаги гуруҳлар, уларнинг назариётчилари И. ғояларини тарғиб этиб, «қолоқ» халқларнинг гўё мустақил ривожланишга руҳий тайёр эмасликларини даъво қилмоқдалар. Дунёнинг турли минтақаларидаги бундай қарашлар ва ҳаракатлар халқлар озодлигини бўғишга, улар устидан ҳукмронлик ўрнатишга интилиш натижасидир. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг баъзи империяча фикрловчи сиёсатдонлар ва уларнинг назариётчилари қарашларида ҳам И. кайфиятлари пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Бундай қарашларнинг асоссиз эканини ҳаёт кўрсатмоқда.

Тарихий тараққиёт давомида ирқларнинг аралашуви, ирқий белгиларнинг ўзгариши содир бўлиб келган ва у ҳозир ҳам давом этмоқда. Барча ирқлар маданий тараққиётга бирдек қобилиятлидирлар. Ирқий камситиш илмий жиҳатдан ўринсиздир. И. инсониятга қарши жиноятдир. ЎзР Конституциясида барча ирқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган. Бу қоида жаҳон ҳамжамиятининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига жавоб беради ва И.ни инкор этади.

ИСБОТ — далил, асос, бирон-бир даъвонинг чинлигини ёки ёлғонлигини асослаб бериш. И. таянадиган ва улардан мантиқий равишда тезис келиб чиқадиган ҳукмлар И.нинг далиллари (асослари) деб аталади. Далиллар чин деб қабул қилинади, аммо уларнинг И.и тезисга таянмаслиги лозим, йўқса, И.да мужмаллик деб аталадиган хато келиб чиқади. Тезиснинг чинлигини аниқлаб берувчи И. оддийгина, И. деб аталади. Тезиснинг ёлғонлигини аниқлаб берувчи И. эса раддия деб аталади. И. бевосита, яъни бир қатор ҳулосалардан иборат, бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳулосаларнинг асослари далиллар ёки улардан келтириб чиқариладиган қоидалар ёинки, қўшимча фаразлар ёрдамида амалга ошириладиган И.дир. Бу — сўнгги И. қуйидагича тузилади: фаразлар ёрдамида, айрим қоидалар И. этилади, сўнг, бу қоидаларнинг И.и махсус қоидалар ёрдамида ўзгартирилиб (фаразларсиз), дастлабки И.шаклига солинади И.да хатолар бўлиши мумкин, бу хатолар ё тезисни сохталаштириш-

дан, ё асоссиз, ё худ хато далилларни қабул қилишдан ёинки, И.нинг нотўғри усулидан келиб чиқади. Хатоси бўлган И. асоссиз ҳисобланади. Бироқ, И.нинг асоссизлигининг очилиши ҳали тезиснинг ёлғонлигининг И.и дегани эмас. Тезиснинг чинлигини ишончли далиллар б-н эмас, балки, бирон-бир эҳтимоллик б-н аниқлаб берувчи И.лар ҳам бўлиши мумкин. И. фанининг тараққиёт даражасига ҳам боғлиқдир. 19-а.нинг охириларигача атом борлиқнинг энг кичик бўлинмас заррачаси деб И. қилиб келинган эди. Фаннинг кейинги тараққиёти бундай И.ни рад этди. Борлиқ каби атом ҳам чексиз майда заррачалардан иборат эканлиги, атом ичидаги ҳар қандай майда заррача ҳам чексиз майда заррачаларга янада бўлиниши мумкинлиги фанда И.ланди. Шунинг учун ҳам И. қилишда ўрганилаётган масаланинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб бориш талаб этилади.

ИСБОТЛАШ — бир ҳукмнинг чинлигини у б-н боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амал. У тезис, аргументлар (асослар), И. усули-демонстрациядан таркиб топган. Тезис-чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у И.нинг марказий-фигураси ҳисобланади; бутун диққат-этибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан ёки ҳодисаларнинг сабабини кўрсатувчи мулоҳазалардан ва ш.к.дан иборат бўлади. Аргументлар-тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд қилувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда б. эмпирик ва наз-ий умумлашмалар хизмат қилади. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим. Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, И.ни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида кўп марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни И. зарур эмас. Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин. И. усули-демонстрация тезис б-н аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади. И.нинг икки тури мавжуд: бевосита И. билвосита И.. Бевосита И.да тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар б-н асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда яқка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан,

мас., қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Апологик И.да антitezис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва шу тарзда тезиснинг чинлиги исботланади. Мас., «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм чин бўлса, «Моддий предметлар структурасиз мавжуд» деган фикр (антитезисдан келиб чиққан натижа) ҳам чин бўлади. Маълумки, моддий предметлар структурасиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган фикрнинг чинлиги асосланади. Айирувчи И.да тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги б. аъзоларининг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Мас., «жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган» деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаган»лиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган» деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи И. айирувчи-қатъий силлогизмнинг инкор этиб тасдиқловчи модуси бўйича қурилган.

ИСБОТЛАШ ВА РАД ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ — фикр юритиш жараёнида исботлаш ёки рад этишда хатога йўл қўйиш зарур бўлган амаллар. Тезис, аргумент ва исботлаш усули қоидалари қуйидагича таснифланади:

I. Тезисга алоқадор қоидалар:

1. Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.
2. Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгартирмаслиги керак.

II. Аргументларга нисбатан қоидалар:

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.
2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.
3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

III. Исботлаш усулининг қоидаси:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

И. ва р.э. қ.нинг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Бу хатоликлар уч турга бўлинади:

I. Исботланаётган тезисга алоқдор хатоликлар

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қонданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан б. тезис б-н алмаштирилади ва бу янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайтирилиши ёки кенгайтирилиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган деб таъкидлаш тезиснинг алмашилишига сабаб бўлади. Бундай хатога кўпинча атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

2. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашилиши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодоловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Мас., «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

IV. Аргумент (асос) ларга тааллуқли хатолар.

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланган ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилади. Мас., қад. юнон фал.и Фалес ўз таълимотини ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботланмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиш» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантиқий хатога йўл қўйилади. Мас., «Сўзнинг қудрати фикр б-н ўлчанади» деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз б-н ўлчанади» деб исботласак, юқорида айтилган хатога йўл қўйилади.

I. Исботлаш усули (демонстрация) б-н боғлиқ хатолар.

1. «Ёлгон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади.

Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Мас., «А шахс ёмон одам» деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар б-н асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантиқий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши б-н боғлиқ бўлган хатолар:

1) Делуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар.

2) Индуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. «Булар шошиб умумлаштириш» ва ундан кейин, «демак, шунинг учун» деб аталувчи хатоликлардир. Мас., бир-икки талабанинг дарсга масъулиятсизлик б-н муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талабалар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир.

3) Аналогияда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «ёлгон аналогия» б-н боғлиқ хатолардир. Унда тасодифий белги зарурий таққослаб бўлмайдиган ҳодисалар ўзаро таққосланиши натижасида фикрда чалкашлиklar юзага келади.

ИСИХАЗМ (юн. — hesychia-осойишталик, кечмоқ) — Византияда 4—7-а.ларда пайдо бўлган гоёвий оқим (Григорий Синати, Нил Сорский); тор маънода — Григорий Паламанинг диний — фал-ий таълимоти. Кенг маънода — этик-аскетик таълимот бўлиб, унинг мазмуни кўз ёши тўкиш ва онгни тайёрлаш орқали қалбни тозалаш ва у орқали инсоннинг Худо б-н бирлашилиши мумкин эканлиги ҳақидадир; Йога методи б-н баъзи ташқи ўхшашликка эга бўлган психофизик назорат тизимини ўз ичига олади ва инсонни осойишта ҳаёт кечиршига ундайди.

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА ФАЛСАФАСИ — ислом ва унинг тарихига, фалсафасига муносабатда ҳам, шу дин намояндалари, арбоблари, уламолари ва илоҳийчилари ўртасида турлича қарашлар, талқинлар мавжуд. И. т.ни илмий-фал-ий англаш учун Арабистон ярим оролидаги 7-а. бошларигача ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлган маъқул. Арабистонда Минай ва Сабай подшоликларида мил.ав. 800-й.ларда Минай ва Сабай ёзувлари бўлганлиги ҳам ўша давр маданий ҳаёти ривожланганидан далолатдир. Арабистон ярим оролининг

Шимолий-Ғарбий қирғоғида, Фаластин чегарасида мил.ав. 6-5-аларда Сурияни ҳам ўз ичига олган Набитай подшолиги бўлган. Мил. 3-а.ида эса Кимёр давлати шакллангани маълум. Марказий Арабистонда Кинда қабиласи ўз подшолигини ўрнатиб, бирлашиш ҳаракатини вужудга келтирди. 25 уруғдан иборат ва анча тарқоқ, мурасасиз яшайётган Курайш қабилаларининг бир қисми Маккада бирлашиб, давлат ташкил этишда Қусай алоҳида рол ўйнади. У 5-а. бошларида Макка шаҳар маркази Дор ан-Надвада Курайш қабилалари оқсоқолларининг маслаҳат кенгашини ташкил этди. Уруш эълон қилинганда бу ерга Курайш қабиласи байроғи тикиларди. Исломгача бадавий (кўчманчи) арабларда уруғ руҳи ёки оила дини етакчи бўлган. Бадавийлар араб халқ оғзаки ва ёзма адабиётининг асосчилари эдилар. Шунинг учун Жанубий арабларнинг лаҳжа (диалект)лари йўқ бўлиб кетди, аммо шим. арабларининг лаҳжалари сақланиб, у Қуръон тили сифатида ҳамон яшаб келмоқда. 7-а. бошигача кўчманчилар яшайдиган саҳроларда кўпхудочилиқ сақланган бўлса, ўтроқ аҳоли яшайдиган жойлар ҳар томонлама ташқи таъсирга учраган эди. Макка шаҳрида бўладиган катта бозорларга савдо-сотик учун на фақат кўп худочиликка ишонувчилар, шу б-н бирга христиан ва яҳудий динларидаги яккахудога сиғинувчилар ҳам келишарди. Исломнинг вужудга келиши, араблар орасида ваҳдониятга асосланган диннинг қарор топиши, араб қабилаларининг яккахудо — Аллоҳ ғояси атрофда бирлашиши Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад (с.а.в.) номи б-н чамбарчас боғлиқ. 6-а.нинг охири ва 7-а.нинг бошларида, айниқса, Ҳижоз араблари яккахудочиликка ўтишга маълум маънода руҳан тайёр эдилар. Бироқ, барибир, бир қадриятнинг қалдрисланиши ҳали одамлар онига сингмаган ғояни қадриятга айланиб, уларнинг қалбида ўрин олиши учун ҳаётини шундай эзгу ишга бағишлаган жасоратли ва ташкилотчи бир шахс керак эди.

Муҳаммад (с.а.в.) (670—632) ана шундай шахс сифатида нафақат араблар дунёсида, балки бутун мусулмон оламида янги цивилизацияга асос солди. 40 ёшидан бошлаб у Аллоҳдан келган ваҳийларни ўз қабиладошларига етказди. Биринчи бўлиб Биби Хадича, кейин амакиваччасининг ўғли Ҳайдар (Али), асранди ўғли Зайд ибн Хорис исломга кирди. Абу Бакр, аз-Зубайр, Талҳа, Саъд ибн Абу Ваққос, Абд ар-Раҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон каби Макка зодагонларининг исломга ўтиб, Аллоҳга калима келтириши катта аҳамиятга молик бўлди. Бироқ, Маккадаги бошқа қабиладошлари Муҳаммад (с.а.в.) тарғиботларига тиш-тирноқлари

б-н қарши чиқдилар. Муҳаммад (с.а.в.) даставвал мадиналикларни бирлаштириш чораларини излади ва топди. Мадинадаги иккита асосий қабила — авс ва ҳазражлар доимо олишиб келардилар. Бу олишувнинг давом этиши асло мумкин эмасди. Муҳаммад (с.а.в.) нинг худди диний руҳи каби тиниқ сиёсий онги натижасида мусулмон жамоаси Низоми юзага келди. Бунга кўра, ансор (мадиналиклар) ва муҳожир (маккалик) лар ягона бир жамоа (умма) бўлиб, бунга ўз эътиқодларига келган ҳолда яҳудийлар ва мушрикийлар ҳам кирар эдилар. Умма теократик (диний руҳдаги) сиёсий ташкилот бўлиб, Муҳаммад (с.а.в.) унинг ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ҳарбий раҳбари бўлди. Натижада, қарама-қарши манфаатлар барҳам топиб, барча жанжалли масалаларни ҳал этиш Аллоҳнинг расули (элчиси) Муҳаммад (с.а.в.) ихтиёрига ўтди. Этник зиддиятларни ҳал этиш йўли топилгач, Муҳаммад (с.а.в.) янги диннинг расм-русумларини шакллантира бошлади. Аввало, Каъбага ҳаж қилиш, таҳорат қилиш, намоз ўқиш, рўза тутиш расм-русумлари ишлаб чиқилди. Биринчи масжид қурилиб, унда мусулмонлар намозни Қуддуси шариф (Иерусалим) га қараб ўқидилар. 1,5 й. ўтгач, мусулмонлар нигоҳи Маккага қаратилди.

Ваҳдониятга ўтиш араб қабилалари ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва уларни Аллоҳ ва унинг қудрати ғояси атрофида бирлашиши, жамиятда маънавийтни қарор топтириш, қудратли ислом давлатини барпо этиш мумкинлигини Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг озгина тарафдорлари равшан тасаввур этсалар-да, аммо араб жамоатчилигини бунга ишонтитириш учун кенг ташвиқот-тарғибот ишларини йўлга қўйиш б-н бирга, айна чоғда моддий ва ҳарбий қудрат ҳам керак эди. Мадиналиклар мусулмончиликни аста-секин қабул этдилар. Маккаликлар учун куч ишлатмасдан бунга эришиш амри маҳол эди. 624 й.да Бадра, 625 й.да Уҳуд тоғи этагида бўлган жанглар маккаликларни бўйсундириш у ёқда турсин, аксинча, уларнинг ғазабларини ошириб юборди. 626 й.да маккаликлар мадиналикларга қарши катта куч б-н ҳарбий юриш бошлаб, Мадинани қамал қилдилар. Бироқ, маккаликлар ўз ниятларига эриша олмай, орқага қайтдилар. Шундан сўнг мадиналикларнинг обрўи ошиб, бадавийлар ҳам Исломга кира бошладилар. Макка мушриклари эса Муҳаммад (с.а.в.) бошлиқ мусулмонлар б-н тенглик асосида музокара олиб боришга мажбур бўлдилар. Худайбия битимида кўра, маккаликлар мадиналикларнинг Каъба зиёратига келишларига рухсат бердилар. Мадиналиклар эса Макка савдо қарвонларига ҳужум қилмайдиган бўлдилар. 632 й. Муҳаммад (с.а.в.) оила аъзолари б-н бирга Каъбага

биринчи марта ҳаж зиёратига келди ва бу ҳол Мак-канинг мусулмон оламининг диний маркази сифатидаги мавқеини узил-кесил мустаҳкамлади. Ҳаждан қайтгач, ўзини жуда чарчоқ, ҳолсиз сезган Муҳаммад (с.а.в.) уч ой ўтгач 632 й. 8 июнда ўпка шабадалаши (плеврит) касаллиги б-н вафот этди. Муҳаммад (с.а.в.) қазо қилгач, Макка ва Мадина уламолари ижмо (келишув) йўли б-н салтанат бошлиғи — ҳалифа издошни белгилаш тамойилига амал қилиб, унинг энг яқин сафдоши, дўсти ва қайно-таси Абу Бакр (р.а.) га ҳокимиятни топширдилар. Ундан сўнг Умар (р.а.), Усмон (р.а.) ва ниҳоят пайғамбарнинг қариндоши, куёви Ҳайдар (Али) (р.а.) дастлабки араб давлатини бошқардилар. Тўрт ёрларнинг фақат биттаси — Абу Бакр (р.а.) ўз ажали б-н ўлди, қолганлари ўлдирилди. Муҳаммад (с.а.в.) даврида бошланган арабларни мусулмончи-ликка киритиш жараёни халифалар даврида, кейинчалик уммавийлар, аббосийлар ҳукмронлигида бошқа халқларни ҳам исломни қабул қилиши шиорлари остида давом этди.

Ислом дини дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан бирга, аста-секин унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқишга эътибор кучая бошлади. Натижада, IX—X асрларга келиб Қуръонга асосланган махсус ислом илмлари, яъни исломни турли томонлама мустаҳкамлаш ва уни талқин этишга қаратилган махсус диний илмлар шакллана бошлади. М-н, қуръондан сўнгги манбаи ҳисобланмиш ҳадислар, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг насиҳат, сўз, ривоятларни тўплашга қаратилган махсус йўналиш — ҳадисшунослик ривожланди. Бу жараёнда қадимий анъаналарга бой бўлган Марказий Осиёдан етишиб чиққан алломалар Ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Насафий, Ал-Марғиноний, Кубро, Нақшбанд, Яссавий ва б. қатга ҳисса қўшдилар. Ислом илмлари ичида авваламбор илоҳиёт фалсафаси калом, сўнг ҳадисшунослик, фикҳ — ҳуқуқшунослик, Қуръон тафсири муҳим ўрин эгаллаган ва асосан диний масалаларни ҳал этишга қаратилган эди. Калом ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафаси, диний ақидаларни асослайди, унинг илмий тамойилларига таянади. Ватандошимиз Мотуридий калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган, мотуридия мактабини яратган. IX—X асрларга келиб қадимги юнон илмий меросини ислом Яқин Шарқда ёйилиши натижасида уни турлича талқин этиш, масалан, мутазилийлар таълимоти, каломни янада ривожлантиришга интилиш кучайди. Бу жараён исломда машшойиунлар ва табиийунлар (Арасту фал-си ва табиатни ўрганишга аҳд қилганлар) фал-й қарашлари шаклланди. Қад. юнон

фал.сида сиёсат ва фалсафа қарама-қарши деб қаралса, ислом фал-да улар уйғунликда қаралади. Ислом ва унинг фал-сида тасаввуф алоҳида ўрин тутди. Бунда айниқса кубровия, яссавия, нақшбандия тариқатлари фалсафасини ўрганиш муҳим. И.т. ва ф. Ўзбекистонда ўрганилмоқда. Бу борада Тошкент ислом университети, унинг «И.т. ва ф.» факультетини кўрсатиш м-н.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ — Қуръон ва ҳадисларни ўз манфаатлари йўлида нотўғри талқин этувчи, замонга мос ижтиҳодларни қабул қилмаган илк исломга нотўғри тушунча билан қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган (шартли ибора, чунки фундаментализм ислом ақидаларига зид тушунча) атама. Аслида, «фундаментализм» сўзи 20-а. бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охири пайтларда жаҳон матбуотларида мутаассиб ислом жангариларини ҳам фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. И. ф. турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар б-н қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, олий ўқув юр-лари, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш б-н шуғулланади. И. ф. учун умумий бўлган ғоялар — гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, ва ниҳоят, уларнинг таъбири б-н айтганда, исломда «ширк» (бутпарастлик)ка барҳам беришидир. Азиз-авлиёлар қабрларини эъзозлаш, мас., Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчиларининг руҳи-покларини ҳурматлаш ҳам И.ф. талқинида ширкка кириди. Транспорт ва коммуникация воситаларининг тараққиёти юз бераётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳоз. даврда И. ф. вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террористик ҳаракатлар бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканлигини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозим эканлигини яққол кўрсатмоқда. Бундай руҳдаги ўзбошимча гуруҳларнинг қарашларини ҳақиқий ислом олами қабул қилмайди.

ИСЛОҲОТ — 1) мавжуд ижтимоий тузум асосларига путур етказмасдан ижтимоий ҳаётнинг бирон-

бир соҳасини ўзгартириш, қайта қуриш; 2) ҳар қандай янгиликни жорий этиш.

И. ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, етилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш воситасидир.

ИСМОИЛИЙЛИК — диний сиёсий оқим. 8-ада исломдаги шиалик мазҳабининг бўлиниши натижасида вужудга келган. 10-11-а.ларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Шиа оқимининг баъзи тарафдорлари халифалик тахтини эгаллаган Аббосийлар б-н маълум даражада келишиб иш тутганликлари туфайли уларга қарши курашни давом эттириш тарафдорлари бўлган бир гуруҳ шиалар имом Жаъфар ас- Содиқнинг катта ўғли Исмоил (мазҳаб Исмоил номи б-н аталган) атрофига жипслашадилар. Исмоил тарафдорлари унинг вафотидан кейин ўғли Ибн Муҳаммад Исмоилни имом деб тан олдилар. 10—12-а.ларда халифаликда кутарилган жуда кўп қўзғолонлар ва тахт учун курашларда И. оқими диний ниқоб бўлиб хизмат қилди. Анъанавий ислом тарафдорлари томонидан шаккок таълим сифатида таъқиб қилинишига қарамай ҳозиргача у сақланиб қолган. Ҳоз. даврда И. Эронда, Озарбайжонда, айрим Яқин Шарқ мамлакатларида, Тожикистон (Тоғли Бадахшонда) аҳолиси орасида тарқаган. И. ҳоз. гоъвий раҳнамоси Оғохон IVдир. У Швецарияда истиқомат қилади. Ўрта асрдаёқ И. (10—13-а.лар) ўзида кўҳна мумтоз фал-ий тафаккурини намоён этган. Бу ҳолат оламни билиш ва инсон моҳиятини англаш муаммоларига қаратилган бўлиб, мусулмон Шарқининг маънавий маданияти ҳамда фал-ий — ижтимоий фикрлар ривожланишига сезиларли ҳисса қўшган. Юз йилликлар мобайнида И.да жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Дастлаб И. шиаликнинг бир оқими сифатида вужудга келган бўлсада, 10-а.га келиб у фал-ий-ижтимоий таълимотга айланди. 1090 й. Эронда И. давлати ташкил топгач бу таълимот диний сиёсий аҳамиятга эга бўлган йўналишга айланди ва сиёсий мақсадларни ифодалади. Форс шоири, машҳур фай. ва илоҳиётчи Муҳаммад ал-Ғаззолий И. тарафдорларини «Ҳақиқат изловчилар» деб атаган. 1256 й. Эронда И. давлати мўғуллар томонидан ағдариб ташлангач, бу таълимот диний фал-ий таълимотга айланди ва ҳоз. кунга қадар шу ҳолатда сақланиб келмоқда. И. таълимотининг асоси 2 қисмдан иборат: зоҳирий (ташқи), ботиний (ички). Зоҳирий асос шиаларнинг умумий таълимотидан кам фарқ қилади. Ботиний асосга кўра мутлоқ Худо ўзидан қуйи бўлган етгита поғонани ажратади, яъни дунёвий руҳ, дунёвий жон, дунёвий билим, бирламчи материя, вақт, фазо ва комил инсон. И. таълимотига кўра, ўзида дунёвий ақлни акс эттирган

нотиқ Пайғамбар бўлиб, у Худо таълимотини инсонларга етказиб беради. Пайғамбарнинг ёрдамчиси Сомит унинг таълимотидаги ботиний мазмунни кенг оммага тушунтириб берувчи киши ҳисобланади. И.нинг шариат ва ҳақиқат тўғрисидаги фикрлари анъанавий ислом тарафдорлари фикридан кескин фарқ қилади. И. фикрига кўра, шариат қонунлари ва ислом фарзлари худо томонидан ўйлаб топилган деб ҳисобланади. И. шариат қонунларини бекор қилишга бир неча бор уринганлар. 1164 й. Эрон ҳукмдори Ҳасан ибн Сабоҳ томонидан И. давлатининг ўша пайтдаги пойтахти Аламут шаҳрида тўпланган умумхалқ фикрига кўра Ислом фарзлари ва шариат қонунларини расмий тарзда бекор қилганлар. И. Исломнинг фарзлари бўлмиш закот, ҳаж, рўза каби асосий тамойилларини кундалик турмуш б-н боғлиқ бўлган тартиблар б-н алмаштиришга ҳаракат қилганлар. И. фикрича закот бошқаларни моддий рағбатлантириш эмас, аксинча уларга илм ва маънавий озуқа тарқатиш манбаи ҳисобланган. И. кўра, исломнинг асоси ягона Аллоҳга эътиқод этиш ҳақиқий ишонч, илм ва ҳақиқатга эришишдир. И.нинг фикрича, шариат қонунлари эътиқоднинг асоси ягона Аллоҳга эътиқод этиш ҳақиқий ишонч, илм ва ҳақиқатга эришишдир. Шу сабаб Исмоилийлар шариат қонунларини эътиқоднинг асоси сифатида тан олмайдилар. И. диний ақидалар шариат қонунларига ишониш ўрнига илм-фан, инсон ақлининг буюклигига ишонишни қўядилар. Шариат қонунларини, илмий қонунлар ва ақлий билим б-н ўзгартиришни ёқлаб чиққанлар.

ИСТИБДОД МАФКУРАСИ — босиб олинган халқ ёки юртни турли йўл ва воситалар б-н тутқунликда сақлаб қолишга қаратилган гоъвий-наз-ий қарашлар тизими. Истибдод бирон-бир давлат ўзининг иқтисодий, сиёсий, маданий, геостратегик ва б. тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда б. халқ ёки давлатни босиб олишга интилан, босиб олган, унинг маданияти, тили, урф-одатларини йўқ қилишга, барча соҳаларда ўз ҳаётий меъёрларини, қарашларини зўрлик б-н жорий этишга ҳаракат қилган жойда юзага келади. И.м. эса ана шундай тафаккур тарзи ва амалиётнинг тўғри эканини ҳар томонлама асослашга, тушунтиришга, адолатли деб баҳолашга ва кенг халқ оммаси онгига сингдиришга қаратилган бўлади. Инсоният босиб ўтган тарихий йўлга назар ташлар эканмиз, И.м. ирқчилик, фашизм, шовинизм каби кўринишларда намоён бўлганини кўрамиз. Улар бир-бирларидан айрим жиҳатларига кўра фарқлансалар-да, моҳиятан тўқиб чиқарилган, ҳеч қандай илмий заминга эга бўлмаган, у ёки бу мезонлар асосида эрксизлик гоъси-

ни асослашга қаратилгандир. Афсуски, инсонийликка хилоф бўлган, башариятнинг келажагига, унинг бир бутунлигига хавф соладиган бундай мафкура шакллари дунёнинг турли бурчакларида янги минг й.ликда ҳам ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қилимоқда.

ИСТИҚЛОЛ (*араб.* — кўтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш) — ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити. Ўзбекистон 1991 й.нинг 31 августида ўз И.ини қўлга киритиб, жаҳон майдонига чиқиб қаддини ростлади. И.нинг барча маъноларини амалга ошириб бўлганидан кейингина мустақилликка тўла эришиши мумкин. Мустақиллик тушунчаси кўпинча сиёсий мустақиллик маъносига қўлланади. И.га эришган кўпгина давлатлар ҳали иқтисодий жиҳатдан қарамликдан тамоман қўтила олмаган бўлиши мумкин. И. сўзи бошқаларга тобеъ бўлмай, ўз эрки б-н яшаш, ўзини-ўзи идора қилиш, эркинлик маъносини билдиради. Мустақиллик эса ихтиёри ўзида бўлган, тобеъ эмаслик, қарам эмаслик, ўзганинг ёрдамсиз ва раҳномолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган, деган маъноларни билдиради. И. ўзаро ҳурмат, бири-бирини тан олиш, бири-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқароларининг ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниши, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демакдир. Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири б-н боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир. И. — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳияти. И. бизга ўзлимизни англади. Инсон ўзининг инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшашнинг мазмун-моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди. Ўзлигини англаган киши оламнинг бор ранг-баранглиги б-н бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлиги, шу аснода инсон қадр-қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Маърифатга муҳтожлигини, хурофот ва жаҳолат ҳаёт кушандаси, манқуртлик, ўзлигини ва оламни унутиш эканлигига тобора кўпроқ ишонади. Демак, бевосита ички бир даъват ва қувват б-н маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — И.нинг мўъжизаси. И. ҳуррият деган сўзлар, бутун жозибаси б-н бирга беқиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсатмоқда. У дунёқарашларимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти б-н англашни дунё-

га кенгроқ ва теранроқ назар б-н қарашни, бу кўҳна оламда шўро тизимидан бошқа давлатлар тизими ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадр-қимматини ҳимоя қиладиган ўзга ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан, И.нинг буюк моҳияти беқиёс қадрият эканлиги тушунилади. Мустамақкачиликнинг кишилиқ тарихидаги фожиаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқтидоридан маҳрум этганида. И. ана шу фожианинг аччиқ мазмунини очиб берди. Мустақиллик инсон имкониятларини кенгайтириб, унинг яратувчанлик иқтидорини ва бунёдкорлик қобилиятини янада кучайтирди. Энди одамлар реал воқеликка, ўз ҳаётини қутилмаган, бутунлай янги изга солишга эҳтиёж сезишмоқда. Улар яшаш ҳуқуқи, ўз оиласи дахлсизлиги ва истиқбол хусусида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолишди. И.га интилган Ўзбекистон халқи мустақилликка эришди. Мамлакат раҳбариятининг оқилона, шахдам ва матонат б-н ҳаракат қилиши туфайли Ўзбекистон И. йўлига дадиллик б-н чиқди. Энди Ўзбекистон И. кун тартибига қўйган энг мураккаб масалани ҳал этиши даркор. У ҳам бўлса, И. берган кенг имкониятлардан фойдаланиб, мустақил Ўзбекистонни илғор давлатга айлантириш.

ИСТИҚЛОЛ ФАЛСАФАСИ — мустақил ривожланишни таъминлашга қаратилган ғоявий-наз-ий қарашлар тизими. У истибдод мафкураси ва амалиётга қарши, озодликка интилиш зарурати туфайли пайдо бўлади. Миллий И.ф. Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакиллариининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу идеалларини, олийжаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Бу жараён халқимизнинг манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш б-н боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаати ҳар бир фуқаро манфаатлари б-н узвий боғланган. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлигига боғлиқ. Фуқароси бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, И.ф.нинг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжи-

ҳатлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий И. ф.нинг моҳиятини ташкил этади. И. ф.си ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурчи ва масъулиятни қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. И. ф. қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади: қонун устуворлиги; инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик; турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар б-н баҳамжиҳат яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятларини ўрганиш. И. ф.нинг наз-ий жиҳатлари И.А.Каримовнинг асарларида атрофлича ёритиб берилган. Миллий И. ф. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги илмий, наз-ий, фал-ий, тарихий қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи, барча тоифа кишиларни шу мақсад йўлида бирлаштирувчи маънавий омил ҳисобланади.

Шўролар замонида фалсафа фақат синфий бўлади, у миллий бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланар эди. Миллий фалсафа хусусида ҳатто сўз ҳам юритилмас эди. Бунинг натижасида ўзбек миллатининг миллий онги, дунёқараши, миллий ғурури, ифтихори анчагина сустлаштириб юборилган эди. Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистоннинг И.ф.ни наз-ий жиҳатдан ишлаб чиқиш, уни халқ орасида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, ҳар бир фуқаро онгига мустақилликнинг мазмун ва моҳиятини сингдириш, истиқлол йўлига мос ва хос ўзбек миллий фал.сини илмий асосда яратиш каби ўта муҳим масалалар пайдо бўлди. Бу фалсафа бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч-эътиқодини акс эттиради. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажакини яратишга сафарбар этади. Миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларимизнинг қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради.

ИУДАИЗМ (яхудийлик) — яҳудийлар орасида тарқалган дин. И. мил.ав. 2-минг йилликда Шим. Арабистонда яшаган кўчманчи яҳудий қабилаларининг политеистик эътиқодлари ва маросимлари асосида вужудга келган. Мил.ав. 13-а.да яҳудийлар Фаластинни босиб олганларидан сўнг, деҳқончилик б-н шуғулланувчи маҳаллий халқларнинг диний тасаввурлари

асосига бойиган. Мил.ав. 10-а. бошларида қад. яҳудийлар давлатининг шаклланишида асосий рол ўйнайдиган ва дастлабки подшоҳлар сулоласига асос солинган. Иуда қабиласининг (шундан иудаизм термини олинган) худоси Яхвега сиғиниш оқибатида бутун оламни бошқаришга даъво қилувчи ягона давлат динига айланган. Монотеистик тасаввурлар И.да фақат мил. 1-а.да тўла шаклланган. И. илк давлатлариданоқ исроилликлар «худо томонидан танлаб олинган» халқ, деган ғояни олға сурди. Мил.ав. 8-а.дан эътиборан яҳудийлар давлатининг босиб олиниши хавфи кучайган шароитда эса, И.да «илоҳий халоскор» (мессия)нинг келиши ҳақидаги тасаввурлар мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Бундай тасаввурлар Мусога нозил бўлган китоб (Тора-Таврот) деб ном олган, кўп асрлар давомида вужудга келган ва мил.ав. 444 й.да яратилган қўлёзмада ўз ифодасини топган. И. тарихининг қад. даври («Библия даври») мил. ав. 2-а.да Библия (яхудий муқаддас ёзувларининг тўплами — христианликдаги «Қадимий аҳд»)нинг вужудга келиши б-н тугайди. И. тарихининг ундан кейинги даври 19-а. бошларигача давом этади ва бу раввин-талмуд даври деб аталади. Бу даврда раввинлар (яхудий қонуншунослари) Тора (Таврот)ни яҳудийларнинг қад. замон ҳаёт шароитларига мослаб талқин этилиши жараёнида, библиядан сўнг иккинчи ўринда турадиган яҳудийлик эътиқодининг манбаи Талмуд (мил. 3-5-а.ларида) вужудга келади. Талмудга нариги дунё, ўлгандан сўнг тирилишга ишониш ва охиратда ҳар кимнинг қилмишига яраша ажрим топиши каби янги диний ғоялар киритилади, шунингдек, унда яхшилик ва ёмонлик худолари ҳақидаги тасаввурлар берилади. Бундай ғоялар политеистик диний тасаввурларнинг Талмудда акс этиши И.нинг монотеистик дин эканлигини шубҳа остига қолдиради. Талмуд ғоят кенг диний маросимчилик тизимини қонунлаштиради, диндорнинг хулқ-авторига хос 613 кўрсатма ва қоида белгилаб берди. И.нинг ортодоксал ёки анъанавий ҳисобланган шакли шу даврда вужудга келди. И. ривожланишидаги кейинги даври 19-а.дан Фарбий Европа мамлакатларида яҳудийларнинг янгича ҳуқуқ эмансипацияси б-н ўзаро алоқадорликда содир бўлди. Яҳудийликнинг дастлабки янгича кўриниши — ислоҳ қилинган И. намоён бўлади. И. ислоҳчилари мессия ҳақидаги ақида яҳудийларнинг Фаластинга қайтиши ҳамда яҳудий давлатининг тикланиши ҳақидаги тасаввурлар б-н боғлиқлигидан воз кечиб, улар И.ни универсал ахлоқий таълимот, деб эълон қиладилар. И.га хос кўп маросимлардан воз кечиб, яҳудийлик сиғинишини протестантизмга бирмунча яқинлаштирадилар. 20-а.нинг 30-й.ларида Фарбда И.нинг реконструкцио-

низм деб ном олган янги йўналиши вужудга келди. И. ўз позициясини мустақамлаш мақсадида реконструкционизмни шахснинг миллий мансублигини белгилаб берадиган «яхудийлар цивилизацияси» деб, эълон қилади.

ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМАСЛИК — халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бир давлатнинг бошқа бир давлат ишларига аралашмаслиги. Ҳар бир мустақил давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий — сиёсий ва маданий тузилишига, ўз ҳудудига, чегаралари, аҳолиси ва б. атрибутларга эга бўлиши лозим. Ушбу белгиларнинг мавжудлиги муайян давлатнинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилайди. Агар давлат бу белгиларга эга бўлса-ю, аммо ички ёки ташқи сиёсатини мустақил олиб бора олмаса, бу унинг суверен давлат сифатидаги моҳиятини йўққа чиқаради. И.и.а. тамойили давлатнинг ўз ҳудуди доирасида амалга оширилади ва бутун фаолиятида тўла мустақиллигини англатади. Бунда давлатнинг ички ҳуқуқлари ва вазифалари доирасига таллуқли бўлган барча масалаларда ўз сиёсатини ўзи белгилаши тамойили амал қилади. Мас., жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳ.к. борасида бир давлат бошқаси б-н ҳамкорлик қилиши мумкин. Аммо бу ҳолда ҳам бир давлат иккинчисининг И.и.а. тамойили ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бу тамойилга кўра, ҳар бир мустақил давлат халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ёки бўлмаслиги, халқаро шартномаларда қатнашиши ёки қатнашмаслиги, тарафдор бўлиши ёки бетараф қолиши каби масалаларни ўзи мустақил ҳал қилиши лозим.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР — 1) ишчи кучи; 2) ишлаб чиқариш воситалари, улар ўз навбатида а) меҳнат предметлари, б) меҳнат қуролларидан таркиб топган; 3) ишлаб чиқариш малакаси, тажриба, малака, фан ва ҳ.к.ларни ўз ичига қамраб олади. Собиқ иттифоқда устивор бўлган марксизмда, И.ч.к.нинг ривожланишига ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириши сабабчи деб ҳисобланар эди. Ишлаб чиқариш воситаларининг муттасил ривожланиб бориши эса, меҳнат қуролларининг меҳнат жараёнида такомиллашиб туриши асосида рўй беради. Эндиликда меҳнат қуроллари махсус ташкил этилган лабораториялар, илмий-экспериментал базаларда такомиллаштирилиши зарур бўлиб қолди. Бу эса, меҳнат қуролларининг такомиллашувида фаннинг ҳал қилувчи рол ўйнаётганлигидан, пировардида эса, И.ч.к. тараққиётининг асосий манбаси ва ҳал қилувчи омилига айланганлигидан да-

рак беради. Илгари ишлаб чиқариш усулининг харақтерини белгилаб берувчи омил ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари, деб олиниб, унга қараб тақсимот ва айирбошлаш шакллариининг йўналиши ҳам ўзгариб боради, деб тушунтирилар эди. Ҳоз. пайтда бевосита ишлаб чиқариш жараёни б-н тўқнаш келиб, ўзининг жисмоний меҳнатини сарфлаб кун кўраётган аҳолининг салмоғи ривожланган Фарб мамлакатларида камайиб бормоқда Мас., 20-а.нинг охирига келиб АҚШда аҳолининг ишга яроқли қисмининг саноатда 18-19% ни, қишлоқ ҳўжалигида 2,5-3%ни ташкил этаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, аҳолининг қолган мутлоқ кўпчилик қисми эса бевосита ишлаб чиқаришдан ташқари фаолият кўрсатади. Ишга яроқли аҳолининг ўз меҳнатидан манфаатдорлик даражасини оширмасдан туриб, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини таъминлаш мутлақо мумкин эмас. Бу эса мулкчилик турли шакллариининг қарор топиши орқалигина шахснинг эркинлигини ва ижтимоий тараққиётнинг юқори суръатини таъминлашга сабаб бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ — моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнида кишилар ўртасида қарор топган муносабатлар, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли. Ишлаб чиқаришда кишилар табиат ва бир-бирлари б-н маълум муносабатда бўладилар. Жамият тараққиётининг илк босқичида меҳнат қуроллари мукаммаллашмаган, оддий бўлган даврларда кишилар биргалашиб меҳнат қилганлар, табиат ҳодисаларига қарши курашганлар. Ишлаб чиқариш тараққиётида, меҳнат тақсимоли вужудга келиши б-н кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам кенгайди, чуқурлашади. И.ч.м. кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг барча шакллариини қамраб олади. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатда мулкчилик шакллари ҳал қилувчи рол ўйнайди. И.ч.м. мулкчиликнинг муайян шакллариига асосланади. Бу эса И.ч.м.нинг муҳим томонини, асосини ташкил этади.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш б-н боғлиқ жараёнларни ифодаловчи тушунча. И.э.даги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига беҳуда аралашувини чеклашдан иборат. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатлар яратилмоқда. И.э. жараёнида кичик, ўрта

ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мулкдорлар синфини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. У ишсизлик даражасининг пасайиши, барқарорлик ва фаровонлик кафолати бўлиб хизмат қилади. И.э. ташқи иқтисодий фаолиятни, валюта бозорини эркинлаштириш б-н чамбарчас боғлиқ. Бу мамлакат иқтисодиётига хориж сармояларининг янада кўпроқ жалб этилиши, янги техника ва технологияларнинг кириб келишига йўл очади. Бу жараёнлар, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ўсиши ва Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ортишида муҳим ўрин тутади. Бу эса, И.э. тўғрисидаги қарашларда назарда тутилганидек, кишиларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имкониятини яратиб беришни тақозо этади.

ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ — меҳнат, ишлаб чиқариш ва моддий жараёнларда намоён бўладиган маданият шакли; ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида муҳим бўлган иқтисодий муносабатларнинг маданий ҳолати. Унинг икки асосий шаклини кузатиш м-н., шахсий И.м. ва ижтимоий И.м. алоҳида кишига тегишли И.м. шахсий жамият, миллий ва шу каби ижтимоий субъектларга тегишли И.м. ижтимоий хусусиятга эга, деб ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатнинг табиий-ресурслар, ҳом-ашёга бойлиги, географик жойлашуви ва табиий қулайлиги б-н биргаликда иқтисодий муносабатлар маълум тамойилларга, меъёрларга асосланган ҳолда тартибга солинган бўлиши лозим. Жамиятнинг иқтисодий салоҳияти, уни ташкил этувчи субъектларнинг иқтисодий раванқини ташкил этувчи иқтисодий субъектларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Ҳар қандай жамият иқтисодий фаолият қатнашчиларини нима қилиш, қандай ҳаракат қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини муайян тамойиллар, меъёрлар ёрдамида бошқариб боради. Ана шу тамойилларнинг қай даражада ишлаб чиқилганлиги, унга иқтисодий фаолият қатнашчиларининг қай даражада амал қилишига жамиятнинг И.м.и таъсир этади. Иқтисодий фаолият юритиб фойда олаётган тадбиркорнинг қонунларга бўйсунуши, даромад солиғини яширмай, вақтида тўлаши, харидор олдида маҳсулот ўз сифати юзасидан масъулият ҳуқуқий масъулият дейилади. Бу мажбурий кўринишга эга. Лекин шундай ҳолатлар борки, баъзи ишлар ҳеч қандай мажбурловсиз, ихтиёрий равишда бажарилади. Мас., фирма ўз фойдасидан СПИДга қарши курашишга, турли хайрия мақсадларига, экология муаммоларини ҳал этишга маблағ ажратади. Бу унинг

ижтимоий масъулиятли эканидан далолат беради. Ташкилотларда амал қиладиган этика меъёрлари ҳам И. м. ҳолатидан далолат беради. Ташкилот аъзосининг ўғирлик, ташмачилик, қаллоблик, порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш каби иллатлардан узоқ бўлиши унинг иқтисодий жиҳатдан маданиятли эканини кўрсатади. И.м., айниқса, рақобат курашида яққол намоён бўлади. Рақобатчини ҳурмат қилиш, фирром рақобат йўлларида фойдаланмаслик, истеъмолчи қизиқишларини ҳурмат қилиш ва б.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ҳар қандай иқтисодий масала ва мақсадларни мустақил бошқаларга қарам бўлмасдан ҳал этиш. Иқтисодий жараёнларнинг ҳар қандай қатнашчиси иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлгандагина оптимал натижага эришиши таъминланади. И.м. бозор иқтисодиётига хос тушунчадир. И.м. ташкилотнинг рақобатбардошли бўлишини, ўз мақсадларини амалга ошириб боришини таъминлайди, фаолият турини, хомашёни, бозорни, ҳамкорларни эркин танлаш имкониятларини юзага келтиради. И.м. бозор қонунлари, жумладан талаб ва таклиф асосида иқтисодий ўсишни таъминлайди, фойдани максималлаштириш имконини яратади. И.м. бор жойда мулк шакллари хилма-хил бўлади ва эркин ривожланади, яъни иқтисодий плюрализм юз беради. И.м.ни микро ва макро даражада бўлиши мумкин. Микроиқтисодий даражадаги И.м. бу — уй хўжалиги, яқка тадбиркор, фирма ёки ташкилотнинг мустақил фаолият юритиши мустақил балансга эга бўлишидир. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда иқтисодий субъектлар эркин, мустақил фаолият юритадилар. Уларнинг фаолияти давлат томонидан турли қонун ва меъёрий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солиб турилади. Макроиқтисодий даражадаги И.м. деганда эса, бирор-бир жамият, давлат ёки миллий иқтисодиётнинг бошқа давлатларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмасдан эркин фаолият юритишини тушунамиз. Макроиқтисодий даражадаги мустақиллик мустамлакачиликни қоралайди. Давлат ўз иқтисодий эҳтиёжларини эркин қондириб боради. Иқтисодий ўсиш, инфляция, ишсизлик каби муаммоларни мустақил ҳал этади. И.м. иқтисодий автаркизмдан кескин фарқ қилади. Жамият ўз қобилига ўралиб, танҳо ўз эҳтиёжларини ҳал эта олмаслиги тарихан исботланган. Бозор иқтисодиёти шароитида жамият турли халқаро ташкилотлар таркибига мустақил, тенг ҳуқуқли қатнашчи сифатида ўз мақсадларини амалга ошириб боради. Бундан ташқари, муайян соҳалардаги И.м. ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Мас., Ўзбекистонда дон маҳсулотларига бўлган

эҳтиёжни ҳисобга олиб, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида «дон мустақиллиги»га эришиш асосий мақсад қилиб олинди. Натижада, айнан бир маҳсулот тури бўйича бошқа мамлакатларга боғлиқлик, қарамлик муаммоси бартараф этилди. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида И.м.ни тўлиқ ва доимий таъминлашнинг иложи йўқ, лекин жамият бунга имконият даражасида эришишга интилиб боради.

ИҚТИСОД ФАЛСАФАСИ — иқтисодиётнинг фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ, таҳлил ва талқин этилиши. Бунда, иқтисодий омиллар б-н фал. орасидаги алоқадорликни ўрганишга алоҳида урғу берилади.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМ ИЖТИМОИЙ ҲАМ ИСТИҚЛОЛ — америкалик иқтисодчи, социолог, сиёсий арбоб У.Росту томонидан тақлиф этилган назария. У жамият тараққиётида технологик ривожланишнинг турлича ривожланиши б-н фарқланадиган беш босқични ажратиш кўрсатган: 1) «анъанавий жамият» — иқтисодиётда примитив қишлоқ хўжалиги ҳукмрон, фан ва техникаси (Ньютонгача) даражада, ижтимоий структураси ва ҳокимият иерархия тарзида бўлган аграр жамият; 2) «ўтқинчи жамият» — «силжиш» (киши бошига капитал маблағлар сарфининг ошиши, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ошиши, янги хилдаги ишбилармон одамларнинг пайдо бўлиши) шароитларининг шаклланиши; 3) «силжиш» босқичи (take-off) — «саноат инқилоби», ишлаб чиқариш методларининг ўзгариши, индустрлаштиришга ўтиш; 4) «етуклик даври» — саноатнинг гуркираб ўсиши, индустрлаштиришнинг тугалланиши, капитал маблағлар сарфининг, миллий даромаднинг кескин ўсиши, шаҳар аҳолисининг 60-90 фоизгача ўсиши, иш б-н бандлик структурасининг ўзгариши; 5) «оммавий истеъмолнинг юксак даражаси» даврида — жамиятнинг асосий муаммоси ишлаб чиқариш эмас, истеъмол муаммолари ҳамда саноатнинг асосий соҳалари анъанавий соҳалар эмас, балки хизмат кўрсатиш ва оммавий истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўлиб қолади.

ЙОГА (*санскрит.* — боғланиш, бирикиш, қўшилиш) — инсон индивидуал руҳининг мутлақ руҳ б-н қўшилишини назарда тутган диний — фал-ий таълимотдир. Й.чилар инсон руҳининг худо б-н қўшилиб кетишини инсон ҳаётининг олий мақсади, «ҳаёт мақсади» деб билишган. Й.чиларнинг фикрича, руҳи худога сингиб кетиши учун инсон ўзини ташқи оламда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалардан олиб қочади, бутун фикри-зикрини худога қара-

тиб, ўз ичига фарқ бўлиб кетиши лозим. Улар учун ташқи олам ҳақиқий борлиқ бўлмай, балки алдамчи дунёдир. Й.чиларнинг фикрича, бу мақсадга инсон Й. яратган психофизик таълимот талаблари, яъни мураккаб машқлар жисмоний ва тананинг турли ҳолатларга қира олиши орқали эришилади. Нафас олишга эътибор бериш, овқатланиш, профилактика ва тегишли ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш таълимотнинг асосий тамойилларидир. Унга кўра, инсоннинг кўринмас ҳаётий қуввати ўралиб ётган илон сингари орқа умуртқа поғонасининг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, анъанавий ҳинд тиббиётида айтилишича, инсоннинг марказий асаб тизимида жойлашган дейилади. Маълум психо-физик машқлар бажарилганда, бу ҳаётий куч уйқудан уйғониб, инсон умуртқа поғонасининг қуйи қисмидан юқори қисмига кўтарилиб, инсонда ғайри табиий куч ҳосил бўлади. Натижада, индивидуал руҳнинг мутлақ руҳ б-н қўшилиши жараёни рўй беради. Й.лар амалиётида кўпроқ жисмоний ҳаракатлар эмас, балки тана ҳолатларининг тизими ташкил этади. Айрим тажрибали Й.лар тана аъзоларининг муайян физиологик функциясини тўхтатиб, бошқа аъзоларининг функциясини кучайтириш б-н қисқа муддатга ўзини ўлик ҳолатга солиши мумкин. Бунда нафас олиш аъзолари тўхтайди, яъни гўёки клиник ўлим содир бўлади. Улар идеал мутаносибликда ҳаракат қилиб, инсон танасининг нормал ишлашини таъминламоғи лозим. Й.лар идеал соғломликка эришиш йўлини ўргатадилар. Табиат қонунларини бузган кишиларни Й.лар «бхоги»лар, яъни ёмонлар деб аташади. Қувонч келтирувчи шарафли фаолият реал мақсадни кўзлайди. Й. таълимотида тўртта асосий йўналиш мавжуд. Карма — Й. меҳнат ва ҳаракат йўли б-н озод бўлиш усули. Бу таълимотга кўра, бу дунёдаги ҳаёт у дунёдаги ҳаётни белгилайди. Табиат инсон ёрдамига муҳтож. Рожа Й. ахлоқий, жисмоний ва руҳий машқлар йўли б-н азоб-уқубатдан қутулиш усулидир. Хатха Й. кунт ва чидамлик бирлиги бўлиб, «кучли йога» ёки куч орқали жоннинг бу дунёдаги машаққатлардан халос этиш усулидир. Хатха Й.да кўпроқ жисмоний тарбияга катта эътибор берилади. Бу усул орқали амалга ошириладиган машқлар инсон умрини узайтиришга, гўзаллик, соғлиққа эришишга, турли касалликлардан фориғ бўлишга олиб келади. Жанана Й. билиш усули орқали жонни халос этиш. Билмаслик парчалангач, инсон жони эркинликка эришади. Инсон коинотнинг бир зарраси. Ўзингни билсанг, коинотни, яратувчини ҳам биласан, деган фикрга амал қилинади. Ҳоз. кунда баъзи шифохоналарда беморларни даволашда Й.ларнинг психико-физик машқлар усулидан кенг фойдаланилмоқда.

К

КАБАНИС (Cabanis) Пьер Жан Жорж — француз файласуфи, врач, Кондильякнинг шогирди. У Локкнинг сенсуалистик таълимоти б-н материализмни қўшишга ҳаракат қилган. Худди инсоннинг бошқа аъзолари махсус функцияни бажаргани сингари инсоннинг бош мияси ҳам фикр ишлаб чиқиш вазифасини бажаради, деб ҳисоблайди. К. айна вақтда врач, физиолог, фай. сифатида инсонни физиологик жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор берди. У табиат эволюцияси ғоясини қўллаб-қувватлаб, инсон ўз табиий ривожланишида катта ўзгаришларга дуч келганлигини қайд этди. К. ўзининг билиш наз-ясида барча тушунчалар ҳиссий билиш натижаси эканлигини, сезгиларсиз инсон теварак-атроф тўғрисида, ҳатто ўзи тўғрисида ҳам бирон-бир тасаввурга эга бўла олмамлигини таъкидлади. У тиббиёт инсоннинг такомиллаштиришни муҳим воситаларидан бири, деб ҳисоблади. К. ижтимоий ҳаётни инсон ахлоқий табиатининг асосидир, деб ҳисоблади. 18-а. француз материалистларига нисбатан К.нинг фал-ий таълимоти изчил ва тугал эмас эди. Бу эсанинг қарашларини турлича талқин этишга олиб келди.

КАББАЛА (яҳуд.-анъана) — диний ҳикматларни авлоддан авлодга бериш. Яҳудийларда ёзувда баён этилган қонунлар пайдо бўлгунига қадар шаклланган ва амал қилинган. К.тор маънода — мистик характердаги асарлар тўплами, энг дастлабки диний асар Чецирлар китоби бўлиб, 8 ёки 9 а.ларга тўғри келади. Энг кейингиси эса Зогар китобидир; у 1200 йилларда яратилган. К. оламнинг инсоф (юн. — бирламчи асос)дан вужудга келганлигини тарғиб этади. Инсофдан 10 сефиротлар (сон, шакл, нур) келиб чиққан. Ниҳоят сефиротлардан ер олами ва ер одами, Адама — Кодмон (биринчи инсон) ташкил топган. Инсон ўз ривожланишининг сўнггида ана шу намунага эришмоғи керак. Бирламчи оламдан бриа (шакл олами), пецира (фаришталар олами), асиа (ашёлар олами) вужудга келади. Инсон ўз ақли, жони, ҳаётий кучи б-н ҳар уччала салтанатга мансуб бўлиши керак. К. жоннинг кўчиши ғоясини илгари суради. У уйғониш даври фал.сига кучли таъсир кўрсатди. Ўзларини сеҳрлар деб ҳисоблаган каббалистлар Чецерлар китобига таяниб, сеҳрли тумор ва шакллар шифобахш хусусиятга эга, деган тушунчага бордилар. К.ларни тадқиқ этиш каббалистика деб аталади.

КАЛОМ — (араб.-нутқ, жумла, гап, сўз) исломда муайян мантиқий далилларга таяниб диний таълимотни асослашга ҳаракат қилувчи наз-ий илоҳиёт.

К. турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши б-н боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. «Ҳақ» ислом йўли тизими 10-а.га келиб ишлаб чиқилди ва бунини ал-Ашъарий (873-935) ва ал-Мотуридий (870-944) амалга оширдилар. Шундан сўнг К. улар асос солган икки мактабни англатувчи атамага айланди. Ашъария К.и асосан шофийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридия К. ҳанафия доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва хусусан, Мовароннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди.

КАЛЬВИН (Calvin) Жан (10.7.1509. Нойон, Франция — 27.5.1564, Женева) — кальвинизм асосчиси, илоҳиётчи, ҳуқуқшунос, 1533 й. Лютер ғоялари таъсирида католицизмдан юз ўгириб протестантлик ҳаракатига қўшилган. «Христиан динидаги кўрсатмалар» номли асосий асарида Лютер, Цвингли ва б. реформаторларнинг ғояларини ўзига хос тарзда тизимга солган. У «кўрсатмалар»ни бутун ҳаёти давомида кенгайтириб ва такомиллаштириб борган, айниқса, бутун протестант теологияси асоси бўлган «Мутлоқ азалий тақдир» таълимотини изчил тарзда ривожлантирган. К.нинг фикрича, Худо оламни яратгунга қадар барчанинг тақдирини белгилаб қўйган, инсоннинг ҳеч бир ҳаракати бунини ўзгартира олмайди. Касбий фаолиятдаги ютуқлар эса худо томонидан танланганликнинг оқибатидир. Протестантларнинг таъқиби остида К. Франциядан кетишга мажбур бўлган. 1536 йилдан Женевада яшаган, реформацион ҳаракатни бошқарган ва қатъий ахлоқий қоидаларни жорий қилишга ҳаракат қилган. Табалларининг кескинлигидан норози бўлган женеваликлар 1538 йили уни қувғин остига олишган. Орадан уч йил ўтиб эса у ҳурмат б-н қайтарилган ва черков диктаторига айланган. К. бошчилик қилган пасторлар консисторияси дунёвий ҳокимиятни ҳам ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлган. К. томонидан ишлаб чиқилган «Черков тартиблари»га мутаносиб тарзда черковни ташкил қилишнинг янги шакли қабул қилинган. Дунёвий аскетизмни жорий қилиш учун қатор ислохотлар ўтказган. К.нинг «Черков тартиблари» кўплаб давлатларда кальвинистик жамоалар ташкил бўлишига асос бўлиб хизмат қилган.

КАМПАНЕЛЛА (Campanella) Томмазо (тахаллуси; асли исми; Жованни Доменико) (1568.5.9, Стило, Калабрия — 1639.21.5, Париж) — италиялик хаёлпараст фай. Уйғониш даври фал.сининг машҳур намояндаси. Илмга ташналик уни ўспиринлик пайтида доминикан орденига бошлаб борди. Лекин бу

муҳитга хос схоластик анъаналар уни қониқтирмайди. Натижада у узоқ изланишлардан сўнг Бернардино Телезио (1509-1588) натурфал-ий анъаналарига мурожаат қилади. Монастир томонидан уюштирилган таъқиб ва таъйиқлар туфайли К.Т. аввалига Римда, сунгра эса Флоренция ва Падуяда жон сақлашга мажбур бўлади. Кўп вақт ўтмасдан у диний бидъатда қораланиб, ҳибсга олинади. К.Т. бир қанча йиллардан кейин қамоқдан озод этилади. Ўз ватанининг аччиқ қисматидан қайғуриб юрган ёш фай. Испания ҳукмронлигига қарши уюштирилган фитнага раҳбарлик қилади. Фитна фош этилади. Уни ўлим жазоси кутар эди. У ўзини ақли ожиз қилиб кўрсатиши туфайли ҳукмдан қутилиб қолди ва ўлим жазоси 27 йиллик қамоқ б-н алмаштирилди. Қамоқнинг оғир шароитлари К.Т.нинг иродасини бука олмади. К.Т.нинг қаламига «Сезгилар воситасида иботланган фалсафа», «Куёш шаҳри», «Метафизика», «Галилейни ҳимоя қилиш», «Мағлуб бўлган атеизм», «Табиат фал.сафасидан қисқа тўплам» каби асарлар мансубдир. К.Т. фанлар, уларнинг йўналишларини ўзгартириш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Фандаги қад. ва ўрта асрлар анъаналарига танқидий тарзда ёндашмоқ зарур. Рационал, яъни ақлни асос қилиб олган фал. буюк кашфиётлар даври эришган ютуқлар даражасидан келиб чиқиши лозим. Илмий тадқиқотларни амалга оширишга кенг йўл очиб бериш мақсадга мувофиқдир, деган фикрларни олға суради. К.Т. схоластик илоҳиётнинг ҳақиқатга яқка ҳокимликка эга бўлиш даъвосини рад этади. У «икки ҳақиқат» концепциясига таяниб, иккита илоҳий китоблар мавжуд бўлиб, улар табиат ва муқаддас китобдан иборатдир. Табиат тўғрисидаги жонли китобни ҳар бир инсон ақл ва сезгилар орқали билиб боради. Табиатни билиш фал. ва махсус фанларнинг вазифасидир. Муқаддас китобга келсак, у жонли табиат тўғрисидаги китобдан фарқ қилмайди, лекин у аслида одамларнинг кундалик содда идрокига, онгига мўлжалланган. Бу иккита китоб худо томонидан ҳар хил мақсадни кўзлаб яратилган. Агар биринчи китоб табиат, инсон ақл-заковати олдида оламни билиш чексиз имкониятларини маҳлиё қилса, иккинчи китоб эса, ўз олдида имон-эътиқодга одамларни чорлашни ягона мақсад қилиб қўяди. Бу китоблар бир-бирига мутлақо зид эмас. Муқаддас китоб ўз олдида табиат қонунларини ёритиб беришни мақсад қилиб қўймайди. У оддий одамларга ўта содда қилиб яширин, ботиний ҳақиқатлар тўғрисида маълумот етказиб беради. Унинг тили метафорик тил бўлиб, уни тўғридан-тўғри фал. ва фан соҳаларига жўнгина ҳавола қилиш маъқул эмас, деб таъкидлайди К.Т. Унинг таълимотига кўра, табиатни билиш бевосита табиатга мурожаат қилишни тақозо этади. Янги фактлар, маълумотлар оламнинг эски манзарасига сиғишавермайди. Улар янги методни қўллашни талаб қилади. «Ав-

валги тадқиқотчилар т а б и а т н и, фай.ни эмас, улар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганишга бел боғлаганлар. Мен ҳеч вақт улардан биронтасининг кузатувлар б-н машғул бўлганлигини, табиатни тадқиқ этиш мақсадида далаларга, денгиз соҳилларига, тоғларга равона бўлганлигини кўрмаганман», — деб ёзади К.Т. Бу фай.да Худо ва табиат нисбати масаласи ҳам ўзига хос бир тарзда ҳал қилинганлигини кўрамиз. Унга кўра, биринчи донишмандлик ва биринчи ақл мавжуддир. Биринчи донишмандлик борлиқнинг манбаидир, биринчи ақл эса яхлит борлиқни сақлашга ғамхўрлик қилади. Олам гармония ва тартибга интилишга бўйсунди. У биринчи ўринга доимо мақсадли ибтидони қўяди, чунки у санъат орқали яратилган барча нарсаларнинг ҳақиқий сабаби ҳисобланади. Иссиқ, совуқ, материя, фазо каби физикавий ибтидолар эса мақсадга эришиш воситаларидан бошқа нарса эмас. Ҳаракатдаги табиат ҳеч нарсани мақсадсиз қилмайди. Унда ҳеч қандай ортиқча ёки етишмаган жиҳат учрамайди. Бундан кўринадики, фалсафасида табиатда ҳукмронлик қиладиган қонуният, зарурият борлиқнинг мақсадга йўналтирилганлигини англатади. Табиатда амал қиладиган қонунлар осмони фалакка кўчирилади ва яратган худонинг донишмандлиги, иродаси ва қудрати б-н қиёсланади. Шундай қилиб, К. фал.да зарурият, тақдир, гармония борлиқнинг объектив қонуналаридан бошқа нарса эмас. Ўзининг билиш назариясида К.Б. Телезионинг сенуалистик ғояларини давом эттирди ва ривожлантирди. У инсоннинг билиш фаолияти негизига «ҳаётий руҳ»ни жойлайди. Бу руҳ сезги аъзолари воситасида бизни қуршаб турган олам ашёларини акс эттиради. К. билишни сезгилардан келтириб чиқаради. Ҳатто мантикий хулоса ҳам ўхшаш нарсани ўхшаш нарсада ҳис қилишдан бошқа нарса эмас. Шундай экан, дунёда қанча миқдор, сифат, ўхшаш нарсалар, ҳолатлар, сабаблар, ранглар бўлса, шунча ҳукмсиллогизмларнинг учраши табиий ҳолдир. Демак, ҳис қилиш, сезиш аслида нарсалар тўғрисидаги ҳукмларнинг айнан ўзидир. Универсаллар, умумий тушунчалар — бир-бирига ўхшаш нарсаларнинг инсон онгида умумлаштирилиши натижасида пайдо бўлади. Умумий тушунчаларни бевосита билиб бўлмайди. Улар реал ашёлар ва ҳодисалар хоссалари асосида пайдо бўлади. Ҳар қандай мавҳум тушунчалар, жумладан математик атамалар пировард натижада мавжуд нарсаларнинг реал хосса-хусусиятларига таянади ва буни ҳиссий идрокимиз асослаб беради. К.Т. сенсуалистик наз-яни ишлаб чиқиш жараёнида билимнинг тўғри ёки нотўғрилигини, белгилаб олиш, ҳақиқат мезони муаммоларига дуч келади. У умумий тарзда ҳақиқатни инсон билимининг нарсалар моҳиятига мутаносиб келиши, деб таърифлайди. К.Т.га кўра, «ҳақиқат бу нарса моҳиятининг ўзидир». Ҳиссий яққолик ҳақиқатнинг яго-

на мезони сифатида эътироф этилади. К.Т.нинг ижтимоий идеали, унинг орзу-умидлари, адолатли жамият ва давлат тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳаёлийдир. У инсониятнинг «беозор табиий ҳолатга қайтиш»ни орзу қилади, одамларнинг тенгсизлигидан нолийди, хусусий мулкни қоралайди, хусусий манфаатлар гирдобни фирибгарликни, пулга сажда қилиш иллатларини келтириб чиқаради, деган хулосага келади. Хусусий мулкни бекор қилиш, ҳамма нарсалар — барчаники, шиори остида инсоният ҳақиқий бахт-саодатга эришади, деб умид қилади.

КАМЮ (Camus) Альбер (1913—1960) — француз ёзувчиси ва файласуфи, атеистик экзистенциализм вакили, Нобель мукофотининг соҳиби (1957). К.нинг қарашлари Кьеркегор, Ницше, Достоевский ҳамда немис экзистенциалист фай.лари таъсири остида шаклланди. К. фал.сининг марказий мавзуси-инсон яшашининг маъноси ҳақидаги, «ҳаёт яшашга арзийдими» деган масаладан иборат. К. жамиятнинг бюрократча тузилишига киритилган замонавий индивидни ўрганади, яшаш маъноси хусусида ҳар қандай ўй-хаёлдан маҳрум қилинган зиёлининг маънавий ҳаёти зиддиятларини таҳлил қиларди, инсоннинг яшashi беҳуда, деган хулосага келади ва «беҳудалик» категориясини ўз фал.сининг бош тамойили қилиб қўяди. Инсон ҳаётининг бемаънолиги, К.да, Сизифнинг афсонавий образини гавдалантиради: маккорлиги учун жазога тортилган Сизиф катта тошни думалатиб, тоққа чиқаради ва тоғ чўққисига чиқай деганда тош яна юмалаб пастга тушади ҳамда унинг бу иши тўхтовсиз такрорланаверади. Инсон бундай бемаъноликка чидай олмасдан, «исён кўтаради»; ана шундан бошлаб, вақт-вақти б-н, «исёнлар», инқилоблар кўтарилиб, улардан, инсон, ўзининг «сизифча аҳволи»дан қутулиш учун стихияли равишда нажот излайди. К. «уюштирилган» «тайёрланган» инқилобни ўз тушунчасига зид, деб ҳисоблайди, шунингдек, инқилоб унинг ўзини вужудга келтирган вазиятдан ҳақиқатан қутулиш йўлини кўрсатиши мумкин, деган ҳар қандай умидни лучга чиқаради. К.нинг руҳий кайфияти — «беҳуда» дунёда нажотсиз ёлғизликда қолган, замонавий жамиятнинг шафқатсизлигини ўзича ифодалаган инсон кайфиятидир. Асосий асарлари: «Сизиф ҳақида афсона» (1942), «Бегона» (1942), «Исёнчи» (1951).

КАНТ (Cant) Иммануил (1724.22.4. — Кёнигсберг — 1804.12.2.) — машҳур немис файласуфи, йирик табиатшунос олими. Олимнинг «Умумий табиий тарих ва осмон наз-яси» асари ва унда илгари сурилган Куёш тизимининг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий башорати ўша даврдаги тадқиқотчилар муҳитига ўта ижобий таъсир кўрсатади. Унинг таъкидлашича, Куёш тизими фазода тарқоқ ҳолда жойлашган ма-

терия зарраларининг ўзаро яқинлашувидан вужудга келган. Бу тарқоқ зарралар тадрижий жараёнлар оқибатида жипслашган, оқибатда метеоритлар, фазовий сайёралар аста-секин пайдо бўла бошлаган. К. ривожланиш тамойилларини барча табиий жараёнларга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратади. Олим куёш тизимининг шаклланиши тўғрисидаги умумий наз-яси б-н чегараланиб қолмасдан, курраи-замин тарихига тааллуқли махсус масалаларнинг ечимини топиш б-н ҳам яқиндан қизиқади. У курраи-замин тарихида денгиз сувининг кўтарилиши ва қайтиши масаласига тўхталиб, улар туфайли Ернинг кечаю-кундуз айланиш тезлиги кескинлашади, деган хулосага келади. Шунингдек, К. «Фалсафада манфий ўлчамлар тушунчасини киритиш тажрибаси» (1763), «Ҳиссий ва ақлий олам шакли ва тамойиллари ҳақида» (1770), «Соф ақлни танқид» (1781), «Келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай метафизикага пролегоменлар» (1783), «Муҳокама танқиди» (1790), «Хуқуқ фанининг метафизик асослари», «Амалий ақлнинг танқиди», «Хулқ-атворнинг метафизик асослари» (1788) каби асарларнинг муаллифидир. К.нинг «танқидий фалсафа»си 18-а.нинг 80-й.нинг бошида шаклланди. Бу таълимот унинг «Соф ақл танқиди», «Амалий ақлнинг танқиди», «Муҳокама этиш қобилиятининг танқиди» каби асарларида ўз ифодасини топган. К. бу асарларида ўзининг билиш таълимотини, ахлоқ-одоб, эстетика, табиатда мақсадга мувофиқлик муааммоларини ёритиб беради. Уларнинг асосини «нарсa ўзида», «нарсa биз учун» ва «ҳодиса» тўғрисидаги концепция ташкил этади. Унинг фикрича, бизнинг онгимизга, ҳиссиётимизга, тафаккуримизга боғлиқ бўлмаган нарсалар олами, салтанати мавжуддир. Уни фай. «нарсa ўзида» сифатида таърифлайди. К.нинг таъкидлашича, билиш жараёни «нарсa ўзида»нинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсири остида ҳис-туйғунинг уйғонишидан бошланади. Ҳис-туйғулар, тушунча ва ҳукмлар ўз ҳолича «нарсa ўзида» тўғрисида муайян наз-ий билим беришга қодир эмас. Лекин ишончли билим йўқ экан, деган хулосага келмаслик керак. Математика ва табиатшунослик айнан шундай ишончли билим манбаидир. Бу фанлар эришган ҳақиқатлар энг умумий ва зарурий характерга эгадир. Аммо, улар қанчалик даражада ишончли ва мартабали бўлмасин, «нарсa ўзида» ҳақидаги ҳақиқий билим бўла олмайди. Бизнинг тафаккуримиз томонидан шаклланган тушунчалар «нарсa ўзида»ни қай даражада тўғри ёки нотўғри акс эттира олади, деган саволга тайин жавоб йўқ, дейди К. Демак, «ўзида нарсалар»ни инсон зоти томонидан билиб олиш имконияти мавжуд эмас. «Нарса ўзида»нинг ташқи кўриниши, яққол сезиладиган жиҳатларини, яъни ҳодисани билиб олишга қодирмиз. Эмпирик билиш равнақи эса, уни билишга бизни яқинлаштирмайди. Агностицизм К. нинг

билиш наз-ясининг асосидир. Гап шундаки, инсон объектни ўз табиатига кўра, ҳодиса ва моҳият нуқтаи назаридан ўрганеди. Демак, бу жараён аниқ даражада бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Ҳодисадан моҳиятга ўтиш зиддиятли жараёндир. Сезги берган илк маълумотлар тўғридан-тўғри тафаккур «лаборатория»сига қабул қилинавермайди. Лекин, К.нинг таъкидлашича, шундай субъект борки, унинг учун билимнинг даражаси бўлмайди. «Ҳозир» ва «кейин», ҳодиса ва моҳият тушунчалари унга нисбатан ишлатилмайди. Унинг билими доимо тўлиқ ва ҳақиқийдир. Бу субъект Худодир. К. гарчанд диний эътиқод манфаатларини кўзлаб билимни чеғаралаб қўйган бўлса-да, у шу б-н биргаликда ахлоқ-одобни эътиқоддан мустақил эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилади. Ахлоқ динга эмас, аксинча, ҳар қандай дин ахлоққа асосланмоғи лозим, деган хулосага келади. К.нинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари тизимида ахлоқий қонун ёхуд «шартсиз императив»нинг аҳамияти сезиларлидир. Бу қонунга кўра, эзгу-тилак, хайрли иш шахсий манфаатни кўзлаб эмас, беғараз амалга оширилиши лозим. Ҳар бир инсон танлаб олган ахлоқий меъёр барча учун шарт ҳисобланган ахлоқ-одоб, хулқ-атвор намунаси сифатида амал қилмоғи лозим. Ахлоқ, қонунга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ила бажо келтирилган саъй-ҳаракат ахлоққа монандир. К.нинг эстетик қарашлари ҳам ўзига хосдир. Эстетик баҳонинг ўзига хослиги шундан иборатки, эстетик ҳукм тушунчаларга асосланмасдан, балки эстетик объектнинг шакл-шамойилларини мушоҳада қилишдек махсус завққа боғлиқ бўлади. Бу маънода ҳар қандай эстетик ҳукм субъектив характерга эга. Кант эстетика соҳасида инсонга завқ-шавқ бағишлайдиган ёқимлилиқ тушунчасини ҳам ўзига хос бир тарзда таърифлайди.

Ёқимлилиқ — бу объектнинг билиш қувватига мутаносиб келиши. Ёқимлилиқ объектни билиш имкониятларига нисбатан қиёсланса, баҳолаш орқали вужудга келади. Борди-ю, улар бир-бирига нисбатан мутаносиб келса, эстетик объект ёқимли, аксинча эса, ёқимсиз, деб баҳоланади. Фикримизнинг эстетик предмети «мақсадимиз мақсадга мувофиқлик» сифатида тушунилади. Эстетик ҳукм «Бу предмет гўзалдир» каби умуминсоний маъно касб этади. К.нинг ижтимоий-сиёсий идеалида эркинлик муҳим мавқега эга. Сиёсий эркинликнинг асосий шарт — бу жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги. Лекин, К.нинг таъкидлашича, тенглик насл-насабга алоқадор барча имтиёзларни рад этади. Лекин у айрим кишиларнинг мулкдаги, жисмоний, маънавий-интеллектуал тенгсизлигини бартараф эта олмайди, қолаверса, бартараф этиши шарт ҳам эмас. Кишиларни мутлақ тенгликда сақлашга уриниш ижтимоий адолатсизликдан бошқа нарса эмас. «Буюк тенгсизлик»ка амал қилган тақдирдагина адолат салтанати тантана қилади. Эркинликнинг асосий шар-

ти фуқаронинг мустақиллиги, яъни унинг мулкка эга бўлишидир. К. орзу қилган идеал жамият ҳолати — бу жамият аъзолари ўртасидаги тинч-тотувлик, давлатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлилик. Лекин бу ҳолат аслида келажакда юзга келиши мумкин бўлган ижтимоий имконият. Реал жамиятда эса тинч-тотувлик, ҳамжиҳатлик эмас, аксинча, кураш, беқарорлик, бетоқатлик ҳукм суради. К.нинг ижтимоий-фал-ий қарашлари, айниқса, унинг этик-ахлоқий ва эстетик идеали баъзи схематизмдан холи бўлмаса-да, немис классик фал.нинг шаклланиши ва ривожига ўз ҳиссасини қўшганлиги шубҳасиздир.

КАНТЧИЛИК — 19-а.нинг 60-й.ларида Германияда Марбург мактабининг вакиллари томонидан янги, наз-ий жиҳатдан мураккаб фалсафий таълимот шаклида ташкил топди. 1865 йилда О.Либманнинг «Кантчилик ва тақлидгўйлар» асариде «Кантчиликка қайтиш» шиори б-н, Фридрих Альберт Ланге эса «Ишчи савол», сўнгра «материализм тарихи» асарлари б-н К. фал-ий мактабига асос солдилар. К. таълимотининг моҳияти кишиларнинг ахлоқий онгини ўстириш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахсий гурурни ўстириш, маданиятни такомиллаштириш ва шундай йўллар б-н одамлар эътиборини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалардан маънавий-ахлоқий тикланишга, барча ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ахлоқий алоқаларини мустақамлашга қаратилган эди. К.нинг иккинчи босқичи 20-а.нинг бошларида Баден мактаби вакиллари В.Виндельбанд ва Г.Риккерт фал-ий- сиёсий фаолиятида давом этди. Баден мактаби вакиллари Марбург мактаби вакилларида фарқли ўлароқ, ўзларининг наз-ий-амалий фаолиятида марксизмга, айниқса, унинг тарихини материалистик тушуниш наз-ясига қарши фаол курашдилар. Виндельбанд ва Риккерт таълимотига кўра, фал.нинг инсоният олдидаги бурчи ва вазифаси оламни инқилобий йўл б-н ўзгартиришдан иборат эмас, балки «инсон дунёсини» яратишдан иборатдир. Шу боис фал. дунёқараш ҳақидаги таълимот эмас, балки билишнинг илмий мантиғидир. Шунинг учун ҳам Баден мактаби вакиллари қадриятларни билишни, асосий фал-ий муаммо деб ҳисоблаган. Лекин К.нинг «нарса ўзида» ғояси қадриятларни билишга тўсқинлик қилар эди. Шунинг учун ҳам Риккерт олимнинг ушбу ғоясини рад этиб, «ҳар қандай мавжудлик индивиднинг аниқ, равшан тасаввуридир», деган фикрни олға суради, чунки унинг учун «ҳар қандай мавжудотнинг борлиги ондаги борлиқ деб қадрланиши керак». К. 20-а.нинг 20-й.ларига келиб ўзининг таъсирини йўқотди. Тарихий зарурият бошқа Фарб фал-ий таълимотларини олға сурди. (мас: экзистенциализм, иррационализм ва б.). Лекин К. олға сурган фал-ий ғоя ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу борада Баден

мактаби намояндалари олға сурган қадриятлар фал-си ҳоз. даврда ўзининг тарафдорлари сонини оширмақда.

КАРМА (*санскрит*. ахлоқий қонун) — ахлоқий қувватни сақловчи қонун. К. қонунининг характери ва тартиботи *Ригведада* учрайди. К. қонунига биноан ахлоқий дунёда ҳеч бир номаълум ёки тасодифий нарса йўқ. Нима эксак, шуни ўриб оламиз. Яхши уруғ яхши ҳосил келтирса, ёмон уруғ ёмон ҳосил келтиради, дейилади К.да. К. қонунини четлаб ўтиш бамисоли ўз соясидан сакраб ўтишдек сазъ-ҳаракатдир. Инсоннинг яхши бўлиши қурбонлик қилиш орқали эмас, балки яхши ишлар туфайлигина амалга ошади. Инсон — эрк маҳсули. К. наз-яси одамларга, худоларга, ҳайвонларга, ўсимликларга тааллуқлидир. Упонишадларда келтирилишича, биз К.дан ижтимоий хизмат туфайли қутилишимиз йўлида ҳаракат қилар эканмиз, К. қонуни таъсирида бўламиз. Ўз манфаатимизни ўйлаб, меҳнат қилсак эркинликка эришамиз. Бизни қора тақдир эзмайди, балки ўтмишимиз эзади. Азоб-уқубат бу гуноҳимиз учун тўловдир, дейилади. Инсон нафақат табиатнинг маҳсули, балки у ўз К.си ила улғувордир. К. қонуни инсоннинг қуйи табиатини бошқаради, лекин унинг руҳий ибтидосига тааллуқлилиги йўқ. К. космик ва психологик жиҳатларга эга. Ҳар бир хатти-ҳаракат табиий оқибатга эга ва айни пайтда у инсон қалбида муайян из қолдиради. К. кўр, онгсиз ибтидо бўлиб, бутун коинотни бошқаради. К. тамойили муғлақ Брахманнинг борлиғига тўғри келмайди. К.нинг ахлоқий қонуни «муғлақ»нинг табиатини ифодалайди. К. худонинг ўзгармас ҳаракатларига боғлиқ. У реаллик табиатини ифодалайди. Фақат К. наз-яси бизга руҳий дунё ҳақида тўғри тушунча беради. Эркинлик ва К. реалликнинг икки жиҳатидир. Илоҳийлик қонунда ифодаланса ҳам қонунлар худо эмас. Ҳаёт ва ахлоқ-одоб борасида К. наз-ясидан қимматлироқ қонун йўқ, дейилади. К. келажакка умид боғлайди, ўтмишга эса тобе бўлишга даъват этади.

КАРИМОВ Ислон Абдуғаниевич (1938 йил, Самарқанд) — Ўзбекистон Республикаси Президенти, ЎзФА академиги, мустақиллик фалсафаси ва миллий истиқлол ғоясининг асосчиси. Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида истиқлолга эришиши ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб бориши бевосита Ислон Каримов номи б-н боғлиқ. Унинг ташаббуси б-н собиқ Иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Олий Кенгашнинг II сессияси 1990 й. 20 июнда «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилди ва 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон парламентининг тарихий VI сессиясида И.Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Ислон Каримов раҳбар-

лигида Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли танланди, «Тараққиётнинг ўзбек модели» концепцияси, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди, ёш мустақил давлат ҳаётида туб ислохотлар даври бошланди. Тарихан қисқа муддатда янги демократик тузум асослари яратилди, миллий давлатчилик қайта тикланди, кўппартиявийлик тизими шаклланди, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда, юртдошларимиз онги ва шуурида истиқлол маънавияти такомиллашиб бормоқда. Бу даврда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди (1992 йил 2 март), деярли барча нуфузли халқаро ташкилотлар ва минтақавий уюшмаларга қабул қилинди, жаҳондаги кўплаб давлатлар б-н дипломатик алоқалар ўрнатилди, дунё мамлакатлари б-н ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Мамлакатимиз ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақа мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, Орол денгизи муаммоларини комплекс ҳал этишга қаратилган бир қатор ташаббуслари б-н халқаро майдонда юксак нуфузга эга бўлди. Ислон Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», (1992), «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993), «Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997), «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» (2001) каби ўнлаб асарларида фал-ий қарашлари баён қилинган, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг долзарб масалалари тадқиқ этилган, уларни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

КАРНАП (Сагнар) Рудольф — (1891.5.18, Рондорф, Рейн — 1970.16.9, Санта-Мария, АҚШ) — немис-америка файласуфи. Мантикий позитивизмнинг етакчи вакилларида бири. Вена, Прага ун-тларида дарс берган (1925—1935), 1936-52 йилларда Чикаго, Калифорния ун-тда проф. (1954). К.нинг ижодий йўли уч босқичга бўлинади. Биринчи даврда К. Вена тўғрагида қатнашиб, логик эмпиризмнинг ғояларини ишлаб чиқишда иштирок этади. У бир қатор неопозитивистик концепциялар (физикализм ва б.)ни илгари суради, фал.нинг дунёқараши характерини инкор этади. Иккинчи даврда К. фан логикаси, жумладан, тушунчалар ва наз-ялар ўртасидаги соф синтактик алоқалар таҳлилидан иборат, деган тезисни олға суради. Учинчи даврда Карнап «фаннинг бир хил шаклга келтирилган тили»ни яратиш б-н шуғулланиб, соф синтактик муҳокаманинг ўзи етарли эмас, семантикани, яъни тил ва у баён этаётган

предметлар соҳаси ўртасидаги муносабатни ҳам эътиборга олиш зарур, деган хулосага келади. Ҳаётининг сўнги йилларида К. ижодининг биринчи даврига хос кўп фикрларидан қайтиб, логик системаларни яратишнинг асоси бўлган «кўз илғамайдиған моддий объектлар»нинг мавжудлигини ёқлаб чиқди. Лекин билиш диалетикасини тушуниб етмаганлиги унга бу табиий-илмий майлни ривожлантиришга имкон бермади.

КАРТЕЗИАНЧИЛИК (*Cartesius* — Декарт номи-нинг латинча транскрипцияси) — Декартнинг ва хусусан унинг издошларининг таълимоти бўлиб у 17-18-а.даги фал. ва табиатшуносликдаги ўзига хос йўналишдир. Ортодоксал К. дуалистик хусусият б-н характерланади: олам икки мустақил субстанциялардан иборат бўлиб, улардан бири катта кўлам б-н изоҳланса, иккинчиси фикрлаш «*res cogitans*» хусусиятига эгадир. Рационалистик математик (геометрик) усулни ривожлантириш К.га хосдир. Картезиан физикаси Ньютон физикасидан фарқли ўлароқ маконни (фазони) бўшлиқдан иборат деб ҳисоблайди ва уни «моддийлаштиради», яъни моддий нарсалар б-н «тўлдиради». Ҳаракатни «қуюн» тушунчаси б-н ифодалайди. К.ни ривожланишида икки қарама-қарши йўналишни кўрсатиш мумкин: материалистик монизмга хос (Х.Де Руа, Б.Спиноза) ва идеалистик окказионализмга (А.Гейлинкс, Н.Мал Бранш) хос йўналишлар.

КАРЬЕРА — кишиларнинг ишлаб чиқариш, мулк, ижтимоий, сиёсий ёки бошқа соҳаларда мансаб лавозимга кўтарилишидир. К.нинг характери, типи, суръати мавжуд ижтимоий муносабатларга, унга эришиш учун жамият яратиб берадиган имконияларга, шунингдек, конкрет индивиднинг ҳаётий вазиятига, шахсий қобилиятига, собитқадамлиги, саботматонатига, оилавий аҳволига, саломатлигига боғлиқдир. К. таълим, касбга тайёрлаш, кишиларнинг меҳнат малакаларини ошириш, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, илмий ва бошқа фаолият соҳаларида энг қобилиятли кишиларни социал танлаш (селекция) механизми мавжуд бўлишини тақозо этади. Шунга мувофиқ равишда конкрет индивидлар К.нинг таълим, меҳнат, сиёсий, илмий ва бошқа типларини рўёбга чиқарадилар. Кўпинча шахсий К. рақибларни шафқатсиз равишда бостириш ва улоқтириб ташлаш ҳисобига эришилади. Шу боисдан ҳам ахлоқий онгда К. деганда кишиларнинг кўз ўнгида ахлоқсизлик, карьеризм намоён бўлади; бу йўлда энг яхши инсоний фазилатлар қурбон қилинади. Ижтимоий амалиёт, илмий-техник тараққиёт К.га ибтидоий тенглик ва салбий муносабатда бўлишдан воз кечишни талаб этади. Очиқ ва ҳалол мусобақа асосида кишиларнинг ўқиш ва меҳнат соҳасидаги энг истеъдоддиларини танлаш ва уларнинг ижтимоий

иерархиянинг энг юқори босқичларига кўтарилишлари учун шароит яратиш зарурдир.

КАССИРЕР (*Cassirer*) Эрнст (28.5.1874, Бреслау, Польша — 13.4.1945 Нью-Йорк) — Марбург мактаби неокантчилик фалсафасининг тарафдорларидан бири, немис идеалистик фалсафасининг намояндаси. Гамбург ун-тининг проф. ва ректори, 1933 йилдан эмиграцияда. Асосий асарлари: «Субстанция тушунчаси ва функция тушунчаси», «Символик шакллар фалсафаси» ва б. К. мантиқ, фал. тарихи, маданият фал.си соҳасига катта эътибор берган. Маълумки, К.гача борлиқ ва тафаккурни бир-бирига қарама-қарши қўйиш усули кенг ёйилган эди. У эса, анъанавий тамойиллардан воз кечиб, унинг ўрнига асосий трансцендент усулни, яъни объектив оламга эмас, балки уни ўрганишнинг шаклларига эътиборни қаратди. К. аниқ фанларнинг фал-ий муаммолари б-н шуғулланиб, тушунчалар ёки функциялар наз-ясини яратди. Кантнинг «нарсасида» гоёсини инкор этиб, унинг ўрнига тажриба олами яратувчиси тушунчаларини тақлиф этди. Тажриба учун материал фикр, тушунча орқали яратилади, бунинг натижасида макон ва замон ҳам тушунчага айланади. Демак, нарсалар билишнинг объекти бўла олмайдилар, чунки билишгача уларни ўрганиш мумкин эмас. Ўтган а.нинг 30-й.лардан сўнг маданият фал.си б-н шуғулланиб, «маданият феноменологияси» наз-ясини яратди. К.нинг фикрича, ягона «маданият дунёси» мавжуд бўлиб, «амалий ақл» гоёлари регулятив (яъни тартибга солувчи) эмас, конститутив (яъни яратувчи, дунёни яратувчи) тамойилларга айланади. Улар олий қадриятларни ташкил этадилар. «Символ» тушунчаси К. фал.сида марказий ўрин тутди. Унинг фикрича, инсоннинг маданият дунёси унинг символик фаолиятининг натижасидир. Бу маънода символ инсонда туғма мавжуд бўлган хусусият ҳисобланади. Бу хусусият афсона, санъат ва фан тили орқали ифодаланadi. Афсона, санъат, фан ва б. инсоннинг маънавий шаклланиши усуллари ҳисобланади ва объектив оламнинг бирламчи қатламини ташкил этади. Маданиятнинг турли шакллари ҳисобланган тил, дин, фан, санъат, тарих ва б. К.нинг фикрича, «символик шакллар» бўлиб, улар бир-бирига ўхшамаган мустақил ҳамда бир-бирини ўрнини боса олмайдиған ҳодисалардир. К.нинг маданият фал.си инсонни «символлар яратувчи мавжудот» деб қарайди. К. Лейбниц, Кант, Декарт каби бир қатор фал. алломалар ҳақида ҳам асарлар яратган.

КАСТА (*португ. casta* — ирқ, қавм, табақа) — муайян касб б-н шуғулланadиган, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари тартиб-қоидалари б-н ўзгалардан ажралиб турадиган ва алоҳида яшайдиган ижтимоий гуруҳ. К.га мансублик насл-насабга

қараб белгиланган. Никоҳда ҳам куёв ёки келин фақат шу гуруҳ ичидан танланган. Касб, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос қолдирилган. К. тизими поғона — иерархия тартибда, кишиларнинг муқаррар тенгсизлиги, олий ва паст табақаларга бўлиниши асосида қурилган бўлиб, шу нуқтаи назардан қуйи К.га мансуб одамлар «хор» ва «хазар қилинадиганлар» ҳисобланган. К.ларга бўлиниш дин (брахманизм, ҳиндуизм) томонидан муқаддаслаштирилган. Ҳиндуизм кишиларнинг ижтимоий тенгсизлигини оқлайди ва абдийлаштиради, руҳнинг ўлмаслиги ва кўчиб айланиб юриши (сансара таълимоти) қайта туғилиши (карма таълимоти), гуноҳ ишлар учун жавоб берилиши, жаннат ва дўзах каби ақидаларни ўз ичига олади. Ҳиндуизм таълимоти жамиятнинг табақаларга бўлинишини акс эттирувчи савоб ва жазо (карма) қонуниятига асосан, инсон ҳаётида тўртта асосий мақсад бор, деб тушунтиради: дхарма-оила ва жамиятда диний талабларни бажариш, артха-фойдали ишлар қилиш, зарур неъматларга эга бўлиш; кама-муҳаббат туйғуларига эришиш; моқша-ўзгариш занжиринан бутунлай озод бўлиши. Ҳиндуизмда одамларнинг табақаланиши тўрт хил бўлган: брахманлар (руҳонийлар); кшатрийлар (ҳарбийлар); вайшийлар (савдогарлар, хунармандлар); шудрийлар (паст табақа). Мустақил Ҳиндистон Республикаси тузилганидан кейин янги ҳукумат кишиларнинг қайси табақа ёки гуруҳга мансублигидан қатъий назар, уларнинг ҳаммасини қонун олдида тенг ҳуқуқли ҳисоблади. К.нинг пайдо бўлиши этник гуруҳларнинг ўзаро алоқа жараёнлари тараққиёти, ижтимоий меҳнат тақсимотининг келиб чиқиши, ижтимоий гуруҳларнинг таркиб топиши жараёнлари б-н боғлиқ.

КАТАРСИС (юн. Katharsis—тозаланиш, покланиш, янгиланиш) — руҳий покланиш, дунёвий ёмонликлардан қалбни тозалаш. Биринчилар қаторида К. амалини мусиқа воситасида қалб (вужуд)ни поклаб олиш лозимлигини Пифагор илгари сурган эди. Ундан кейин олов воситасида покланиш лозимлигини Гераклит тарғиб қила бошлади. Платон эса, К. жараёнини янада такомиллаштириб, инсон руҳининг танасидан халос бўлишида инсоний эҳтирослардан, лаззатланишлардан, роҳат-фароғатдан юз ўгиришида унинг покланиши содир бўлади, деб уқтирган эди. К. тушунчасини бутун бир тизимли таълимот даражасига кўтарган киши Аристотелдир. У ўзининг «Поэтика» асари (бизгача етиб келмаган қисми)да К. таълимотига алоҳида тўхталиб, биринчи навбатда мусиқанинг улкан тарбияловчи ва инсон руҳини тозаловчи аҳамиятини юқори баҳолайди. Мусиқа эшитган сари инсон руҳи енгиллашади ва у зарарли унсурлардан покланади деб уқтиради Аристотель. Аристотель қад. юнон фожиа асарлари (Эсхил, Софокл, Эврипид) ҳам инсон вужудини қуй-

қалардан, қусурлардан, ёмон ва даҳшатли ўй-хаёллардан тозалаб, унга ҳузур-ҳаловат бағишловга қодир эканликларини таъкидлайди. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» рисоласида Аристотелнинг К. таълимотига муҳим тўлдиришлар қўшиб, фозил одамлар камол топишларида камчилик, нуқсонлардан фориғ бўлиш (покланиш) улкан аҳамият касб этишини кўрсатди, унда мусиқанинг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлайди ва мусиқа назариясига оид ўзининг машҳур рисоласини яратади. К. таълимоти Фарб фал.сига нисбатан Шарқ (Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Арабистон) фал.сида чуқурроқ ва кенгроқ ўрин эгаллаганлигини буддавийлик ва ислом фал-ий асосларида кўриш мумкин.

КАТЕГОРИЯЛАР (юн. kategoria — белги, изоҳлаш) — фалсафий тафаккур учун ниҳоятда муҳим, оламдаги ўзгариш, ривожланиш, алоқадорлик ва узвий боғлиқликка хос умумий жиҳатларнинг инъикоси; нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хослиги, ўхшашлиги ва фарқларини барқарорлиги ва ўзгаришини англатувчи, билишнинг асосини ташкил этувчи энг умумий тушунчалар. Маълумки, ҳар бир фан иккинчи бир фандан ўзининг тадқиқот объектининг хусусиятига, унда ишлатилаётган тизимининг ўзига хослигига қараб фарқланади. Тушунчалар тизими эса ҳар бир фаннинг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини кўрсатади. Мас., масса, оғирлик, тезлик, тезланиш, атом, ядро, электр, магнитизм, ёруғлик, лазер, энергия ва ҳ.к. физикага тегишли бўлиб, унинг мазмунини белгилайди. Натурал сон, мавҳум сон, комплекс сон, ўзгармас миқдор, ўзгарувчан миқдор, интеграл, дифференциал, теорема, вектор ҳисоб, тензор ҳисоб ва ҳ.к. математиканинг ривожланиш босқичларини белгилайди. Фал.нинг ҳам ўз тушунчалари бўлиб, ўзининг умумий характери ва мазмунга эгаллиги б-н ажралиб туради. Мас., олам, ҳаракат, макон, вақт, миқдор, меъёр, сакраш, зиддият, қарама-қаршилик, эркинлик, тафовут, айният, инкор, борлик, ворислик, сабаб, оқибат, зарурият, тасодиф, имконият, онг, воқелик, бутун, қисм, моҳият, ҳодиса, мазмун, айримлик, қонун, умумийлик, диалектика, метафизика, ва ҳ.к. Фал.да ўрганиладиган К.нинг бошқа аниқ фанлар К.идан фарқи шундаки, улар воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида муносабат ва алоқаларинигина ифодаламасдан, балки бутун олам, инсон ҳаёти ва тафаккур оламига ҳам хос умумий белгилар, алоқалар, хусусиятлар ва муносабатларни акс эттиради. Демак, фал-ий К. оламдаги барча ҳодиса, жараёнларга хос умумий, муҳим томонлар, хусусиятлар, муносабатларни ифодаловчи, кенг маъноли ва чуқур мазмунли илмий тушунчалардир. Фал-ий К. воқеликни чуқур ва мукамал акс эттириши, оламнинг барча соҳаларида амал қилиши б-н од-

дий тушунчалардан фарқланади. Шу туфайли ҳар бир конкрет фан ўзи ўрганаётган соҳанинг хусусияти ва белгиларини очишда фал-ий К.га мурожаат этади. Шу маънода К.нинг келиб чиқиши ва моҳиятини тўғри тушуниш фал. учун ҳам, барча фанлар учун ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Уларни фал. тарихида биринчи бўлиб, Аристотель ўзининг «Категориялар» асарида таърифлаб берди ва К.ларни объектив воқеликнинг умумлашган инъикоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилди. Аристотель фикрича қуйидаги К.лар мавжуд: моҳият (субстанция), миқдор, сифат, муносабат, ўрин, вақт, ҳолат, мавқе, ҳаракат, азоб-укубат. Бу туркумлаштириш ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Аристотель «Метафизика» асарида «моҳият», «ҳолат» ва «муносабат» К.ларини ҳам изоҳлаган. Умуман, К.ларни фал. тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Аристотель бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиқлик санъати) фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда қўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо у давр фал.нинг қонунлари, К.лар ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар тизими сифатида шакллантирилмаган эди. Ҳатто юнон олими Сукротни ҳам ана шундай, ҳали гўёки шаклланмаган фан б-н шуғуллангани ва ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган ҳам эдилар. Бу ҳол Сукротнинг шогирди Арастунинг мазкур фанни аниқ тизим тарзида ифодалашга киришиши учун туртки бўлган. Олим фал.нинг қонун ва К.ларини илк мартда тизимлаштирган, таърифлаган ва фал.ни фан даражасига кўтарган. Ўша даврдан бошлаб фал. ўз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва Ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

17-19-а.ларга келиб, фал-ий К.лар таҳлилида янги давр вужудга келади. Хусусан, И.Кант қарашларида К.лар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхшилик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланган. Кантдан фарқли ўлароқ, Гегель эса мантиқий К.ларни: «борлиқ» (сифат, миқдор, меъёр) «моҳият» (асос, ҳодиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют гоё) тарзида изоҳлаган. Фал. фанининг К.лари ҳақида турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатида қуйидаги тавсифлари бор: 1) оламнинг инъикоси; 2) нарса ва ҳодиса-

ларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши б-н ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий-мантиқий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар К.лар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қўшиладилар. Бу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва б. фал.нинг шундай К.ларидир.

Фал.да ўз хусусиятларига кўра, «жуфт К.лар» деб аталадиган; умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар бор. Улар нарса ва ҳодисаларни муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фал. К.лари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Оламни билиш жараёнида илмий тушунчалар, К. бир йўла шаклланмаган. Шубҳасиз, инсон ўз амалий фаолиятида оламдаги ҳодиса ва нарсаларга хос сирларни, хусусиятларни ва белгиларни билиши, улардаги жузъий ва умумий томонларни ажрата бориши асосида «меъёр», «миқдор», «сифат», «зиддият», «инкор», «сабаб», «оқибат», «зарурият» ва «тасодиф», «имконият» ва «воқелик», «шакл» ва «мазмун», «моҳият» ва «ҳодиса» сингари қатор К. шакллланган. Бинобарин К. инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари б-н бўлган амалий алоқаларида воқеликнинг моҳиятини билишнинг натижасидир. Фал. тарихида К.ни биринчи бўлиб Аристотель илмий таърифлаган ва фал-ий тизим элементлари сифатида тавсифлаган, дея эътироф этилади. Тарихда уларга турлича қараш мавжуд. Мас., И. Кант К. инсон онгида оламни билишга қадар ҳам мавжуд эди ва улар ёрдамида инсон табиий, ижтимоий ҳодисаларга таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаган. Ҳоз. замон неопозитивистлари ҳам мазкур қарашларни такрорлаб: К. субъектнинг ҳиссиёти б-н боғлиқ тушунчалардир, уларнинг инсондан ташқаридаги оламга бевосита дахли йўқ, дейдилар. Гегель фикрича К. оламдан ташқарида турган дунёвий руҳнинг такомилли, ўз-ўзини англаш моменти, яъни мутлақ гоёнинг маҳсулидир. Аслида К. бир томондан инсон тафаккури маҳсули, иккинчи томондан эса оламнинг киши миясида акс этиш натижаси ва шу асосда инсон онгини реалликка яқинлашиши ва дунёни билиш воситасидир. К. ҳамма вақт узлуксиз тараққиёт жараёнида бўлган воқеликнинг инъикоси бўлиб, ўзгарувчан ва ўзаро алоқадорлик хусусиятида намоён бўлади. К. диалектикаси шундаки, маъ-

лум шароитларда бир категория иккинчисини келтириб чиқаради: тасодиф заруриятга, айримлик умумийликка, миқдор сифатга айланиши бунинг мисолидир. Ҳар қандай К. бошқа К. б-н уйғунликда ва ички алоқадорликдагина мавжуд бўла олади. Маълумки ўзаро алоқадорлик фақат К.гагина хос бўлмай бутун оламга хосдир. Зотан, К. ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муносабатни англатадиган фал. қонунлари: қарама-қаршиликларнинг бирлиги қонуни зиддият, қарама-қаршилик К.ининг муносабатини характерлаш б-н айна пайтда шакл ва мазмун, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик сингари К.нинг мазмунини ва моҳиятини англашга имконият беради. Демак улар К. б-н мантиқан ўзаро узвий боғлиқ, мазмунан бир-бирини тўлдиради. Билишнинг умумий қонунларини англамай туриб К.нинг моҳият-мазмунини тушуниш мумкин эмас. Улар воқеликка хос умумий хусусиятлар, алоқадорлик, ўзаро муносабатларни ифодалаш б-н бирга, оламнинг яшаш ва тараққиёт диалектикасини ифодалаб беради ҳамда дунёни илмий билишда наз-ий ҳамда методологик аҳамиятини намоён қилади.

Биринчидан, К.лар инсонни табиат, жамият ҳодисалари моҳияти ва қонуниятини билиш жараёнидаги эришган билимлари ҳисобланади, иккинчидан, улар воқеликни яна ҳам чуқурроқ билиш ва унинг сирлари ҳамда қонуниятларини очишда қўлланиладиган муҳим илмий воситалар ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб ёки мутлақлаштириб юбориш нотўғри. Зеро оламнинг ўзи бир бутун, кўп қиррали муносабатларда мавжуд бўлганидек, К. ҳам ўзаро алоқадорликда мавжуддир. Умумийликсиз айримлик, мазмунсиз шакл, сабабсиз оқибат бўлмаганидек, шу умумийлик бағрида айна пайтда ҳодиса, жараённинг хусусиятларини характерловчи мазмун ҳам, унга қараганда чуқурроқ сифат муайянигини ифодаловчи моҳият ҳам, предмет ҳодисанинг келиб чиқишини белгиловчи, имконият, сабаб, зарурият ҳам яширинган бўлади. Фаннинг вазифаси конкрет вазиятларда уларни бир-биридан айира билиш ҳамда умумий бир бутунликда тадқиқ этиб воқеликнинг хусусият ва белгиларини очишдир.

Умуман олганда, К. қуйидаги хусусиятларни ўз ичига қамраб олади:

- а) К. оламдаги муносабат, боғланишларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга бўлган фал-ий тушунчадир;
- б) К. моддий оламдаги ҳаётни тавсифлагани ҳолда, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда бўлади, бир-бирини тақозо этади, белгилайди ёки бўлмаса юзага келтиради;
- в) К. объектив мазмунга эга. Ҳар бир К. воқелик туфайли рўёбга чиқади, воқеликда намоён бўлади, воқелик мавжудлигининг ўзига хос хусусиятлари,

томонлари, белгиларини ифодаловчи тушунчалар сифатида инсон тафаккурида акс этади;

г) К. умумий тушунчалар сифатида инсоннинг табиий-ижтимоий ҳодисалар моҳиятини билишга қаратилган билиш жараёни тарихининг натижалари ва яна воқеликни чуқурроқ била боришининг илмий воситаларидир;

д) К. фал.нинг ўзи сингари, барча фанлар учун илмий тадқиқот ва амалий фаолиятда методологик аҳамиятга эга бўлган илмий тушунчалар ҳисобланади;

е) К. наз-яда, илмий билиш жараёнидагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзига хос рол ўйнайди ва ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Уларнинг ўзаро боғланиш ва намоён бўлиш хусусиятларини билиш ҳаётда, фан ва амалиётда муҳим натижаларга олиб келади.

Ҳоз. замон фал.сида ҳам К.лар, уларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари каби масалалар катта аҳамиятга эга. Кўплаб фал-ий оқимлар (экзистенциализм, фрейдизм, неопозитивизм, иррационализм ва ҳ.к.) ва фал-ий мактабларда (Ницше Ф., А.Шопенгауэр) баркамол инсон (супермен) образини яратишга интилиш (Ф.Ницше), ўзлик дунёси ва мен дунёси, яъни ирода ва тасаввурдаги дунёлар ҳақида фикр юритиш (А.Шопенгауэр) характерлидир. Ҳоз. кунда инсон ва унинг фаолияти, жамият, табиат б-н алоқадор тушунчалар тизимини ишлаб чиқиш б-н, илму фан ривожидида катта аҳамият касб этадиган умумий тушунчаларнинг аҳамиятини кўрсатишга доир ишлар устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

КАТОЛИКЛИК, католицизм (юн. *catolicos* — умумий, жаҳон, коинотга оид) — христианликда православлик ва протестантлик каби кенг тарқалган асосий диний оқимлардан бири. К. диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида асосан 1054 йилдаги черковлар бўлинишидан кейин вужудга келган. К. протестантликдан фарқли ўлароқ фақат муқаддас ёзув (Библия)ни эмас, балки муқаддас ривоятни ҳам ўз таълимотининг манбаи сифатида эътироф этадиган ғоялар таъсирида шаклланди. Унга кўра, Рим папаси Исонинг ердаги ноиби, унинг ҳокимияти эса жаҳон ибодатхоналари ҳокимиятидан юқори ҳисобланади. Шунингдек, Биби Марямни бениҳоя улуглаш, унинг илоҳий тарзда ҳомиладор бўлганини, Исонинг вақтинча осмонга кўтарилиб кетганини эътироф этиш К.га хос бўлган хусусиятлардир. Айна пайтда К. ўрта аср фал.и Фома Аквинскийнинг диний-илоҳий қарашларига асосланади. К. черкови ўзининг ягона маркази — Ватикан давлатига эга, унинг бирдан-бир бошлиғи эса Рим папасидир. К.да асрлар давомида ибодат лотин тилида олиб борилган, уларни иккинчи Ватикан собори (1962—1965) миллий тилларда ўтказишга рухсат берган. Ва-

тиканнинг халқаро сиёсатдаги ўрни кўп миллионлик К. жамоасининг мавжудлигига асосланган. Ватикан жаҳоннинг 116 давлати б-н дипломатик алоқалар ўрнатган. Унинг тахминан 2 мингга яқин монахлик орденлари бўлиб, улардан энг йириги иезуитлар, францисканлар, салезианцлар, капуцинлар, бенедиктлар, доминиканлардир. 1993 йилги маълумотга кўра, дунёдаги католикларнинг умумий сони 800 миллиондан зиёд бўлиб, улар асосан Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Болтиқбўйи мамлакатларида, Австралия ҳамда Латин Америкаси давлатларида яшайди. Ватикан «Адженция Интернационале Фидес» (АИФ) номили информაციон агентлигига ва турли тилларда нашр этиладиган юздан ортиқ газета ва журналларига эга. Шунингдек, Ватиканнинг 32 тилда эшиттиришлар олиб борадиган радиоси ҳам бор.

КАУТСКИЙ (Kautsky) Карл (1854.16.10. Прага — 1938.17.10. Амстердам) — немис тарихчиси ва иқтисодчиси. Германия социал-демократияси назариётчиси К.К.нинг фал-ий қарашлари зиддиятли бўлиб, муайян даврларда лассалчилик ва марксизм қарашларига оғиб турган. У 1883—1917 й.ларда немис социал-демократиясининг «Die neue Zeit» фал-ий наз-ий журнали муҳаррири бўлган. Бу даврда «К.Маркснинг иқтисодий таълимоти», «Томас Мор ва унинг утопияси», «Эрфурт программасига шарҳлар» каби асарларида марксизмни ёқлаб чиққан. Шу б-н бирга «Бернштейн ва социал-демократик дастур» асарига давлат ва пролетариат диктатураси хусусидаги марксистик қарашларга қарши чиққан. К.К. «Славянлар ва инқилоб», «Рус инқилобининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва келажиги», «Ҳокимиятга йўл» каби асарларида тарихий тараққиётни объектив таҳлил этишга интилади. Биринчи жаҳон уруши бошланиши б-н К.К. тарихда зўрлик ғоясини қоралай бошлайди ва инқилобий марксизмдан батамом юз ўгиради. У марксизмнинг монополистик капитализм даврида синфий зиддиятларнинг ўсиб бориш ғояси ҳақидаги пролетар инқилоби тамоёйилларини инкор этади. К.К. ижтимоий зиддиятларнинг кучайиб бориши пролетар инқилобига муқаррар олиб келиши ҳақидаги ғояларни ҳам кескин танқид қилади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жамиятдаги бир қатор муаммоларни, шу жумладан, синфий муаммоларни ҳам ҳал этишга имконият яратади деб ҳисоблайди. У жамият тараққиёти маънавий маърифий муносабатларнинг қарор топишига олиб келади деб таъкидлайди. Шу боисдан, К.К. октябр тўнтаришини большевикларнинг ноқонуний фаолияти деб баҳолади. К.К. жамият ҳаётида диннинг ўрни алоҳида эканлигини эътироф этади. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай жамиятда дин муҳим маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва-

зифани бажаради. Шу сабабдан, давлат ва сиёсий тартиблар динга ижобий муносабатда бўлмоқлари шарт. К.К. давлатнинг диндан, мактабнинг черковдан ажратилиши динни маънавий маданият сифатида инкор этилишини англатади, дейди.

КАФКА Франц (1883—1924) — австриялик ёзувчи, файласуф. К.нинг «Жараён» (1915), «Қаср» (1922) романлари унга катта шон-шухрат келтирди. Бу асарларида бевафо дунё олдида инсоннинг фожео-на ожизлиги мотивларини поэтик шаклда ифодалади. К. Худонинг тарихий вазифалари (миллат, давлат, черков)ни сиғиниш объектига айлантиришдан иборат бўлган инсоний хусусиятларини танқид қилди; худога етишиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Бу йўлдаги ҳар қандай уриниш худо қудратини емиришга олиб келади, худонинг олдида бегуноҳ кишилар бўлмайди деб, ҳисоблади.

КВАЗАРЛАР — юлдузсимон самовий объектлар. К. тўғрисида, хусусан, уларнинг физикавий табиати ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар галактикамиздан ташқарида биз кузатиш имкониятига эга бўлган барча объектлар К.дир деб ҳисоблашса, бошқа гуруҳ тадқиқотчилар К. галактикамиз таркибига кирувчи объектлардир, дейишади. Энг ёруғ К. 13-юлдуз катталигида, аммо абсолют равшанлиги бўйича улкан галактикалардан ҳам бир неча ўнлаб марта равшанроқдир. К.нинг равшанлик даражаси доимо ўзгариб туради. Коинотда ҳозиргача кузатилган бундай объектларнинг сони ниҳоятда кўп. Уларни ҳисоблаш энг замонавий, илғаш қуввати ўта юқори бўлган электрон ҳисоблаш машиналари орқали амалга оширилади. К.нинг радионурланиш хусусиятлари радиогалактикаларнинг нурланишига ўхшаш. Хусусан, кўпчилик К. радиогалактикалардаги каби кўшалок кўринишга эга эканлиги маълум. Улардаги нурланиш энергиясининг катта қисми инфракизил диапазонга мос келади. Коинотда К. тенг тақсимлангандай кўринса ҳам, аслида нотекис жойлашган.

КВАНТ МЕХАНИКАСИ — атом қобиғидаги микросозарларнинг ҳаракат қонуниятларини ифода этадиган замонавий физиканинг соҳаси ва наз-ий асоси бўлиб, асосан зарра, уларнинг ўзаро таъсири, бир-бирларига айланиши, атом ва унинг ядросида бўладиган ҳодисаларни ўрганувчи фандир. Рентген нурлари (1895), радиоактивлик (Беккерел, 1898), электрон (Томсон, 1897), радий (Пьер ва Мария Кюрилар, 1898) каби кашфиётларнинг очилиши атом ва ядро физикасини ўрганишни бошлаб берди. 1900 йилда инсониятга маълум бўлган иссиқлик нурланиши атом характерида эга эканлигини, атрофга нурланиш Квант, (бўлак-бўлак) бўлиб тарқалишини немис олими М.Планк биринчи марта

аниқлашга муваффақ бўлди. Кейинроқ атом ядросидаги асосий зарра — протон (Резерфорд, 1911)нинг топилиши ва яна кўпгина кашфиётларни аниқлаш. Борнинг атом моделини изоҳлаш ва эксперимент натижаларини наз-ий жиҳатдан асослаш ҳамда ядро-родаги ҳодисаларни тушунтириш туфайли бир гуруҳ олимлар меҳнати натижасида 1926 й.да К.м. яратилди. Ҳоз. замон физикасининг наз-ий ва амалий асоси сифатида К.м. атом, ядро ва унинг таркибидаги 400дан ортиқ микроразрачаларни ўрганишда катта ишлар қилмоқда. Кучли ўзаро тортишувчи заррачалар-адронларнинг кварклардан иборатлиги (кварк-глюон теорияси зарра), унинг Ста «мафтун зарралар» деб аталган кўринишларининг аниқланиши, глобал, глюон каби зарраларнинг мавжудлиги ва б. кўпгина физикавий ҳодисаларнинг тушунтириш зарурлиги К.м. қиладиган «иш»ларнинг кўплигидан дарак беради ҳамда тинчлик мақсадларида атом энергиясидан фойдаланиш истиқболларини белгилайди. Квант статистикаси, тўлқин механикаси, майдоннинг Квант наз-яси, Квант электродинимикасини ўзида мужассамлаштирувчи К.м.нинг вужудга келиши табиатшунослик фанлари ва техникасининг ривожига баракали таъсир кўрсатмоқда.

КИБЕРНЕТИКА (юн. kubernetik — бошқариш санъати) — умумий нуқтаи назардан техник қурилмалар, тирик организмлар ва инсон организми тузилмаларини бошқариш жараёнлари ва тизимлари тўғрисидаги фан. К. тўғрисидаги дастлабки қарашлар Винер асарларида учрайди. К.ни пайдо бўлиши техникавий ва табиий билимлар, радиоэлектроника соҳаларида автоматик тартиблаштириш, тез ҳаракат қилувчи ҳисоблаш мосламаларини бошқариш дастурини тузиш ишлари б-н боғлиқдир. Модда ва энергияни қайта ўзгартирувчи қурилмалардан фарқли ўлароқ, К. учун ахборотларни қайта ишлаш характерлидир. Ўзини ўзи ташкил қилувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи тизимларнинг тузилиши масаласи К.нинг марказий масалаларидан биридир. Тирик табиатнинг эволюцион жараёнлари ўта мураккабдир. Шунинг учун К. техник қурилмаларни бошқариш функцияларини ўрганишда уларни тирик организмларни бошқариш функцияларига ўхшашлигидан келиб чиқади. Ҳоз. замон К.си ишлаб чиқаришни автоматлаштириш инсоннинг ақлий меҳнати турларини, биологик системаларни бошқаришни, гормон системаларини, нерв ва ирсият системаларини моделлаштириш, тиббиёт апаратураларини янги турларини яратиш соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Ҳоз. замон К.си иқтисодий ахборотларни моделлаштириш, иқтисодий изланишларни дастурлаштириш ишларига чуқур кириб бормоқда. К. фанларни ўзаро алоқадорлик ва уларни таснифлаш, инъикос наз-яси ва материя ҳаракатининг шакллари тўғрисидаги фал-ий билимларни янада бойитишга хизмат қил-

моқда. Лекин, К. ҳар қанча ривожланмасин, машина инсон ўрнини эгаллай олмайди. ЎзРФА Кибернетика ин-ти олимлари бу соҳада кўплаб ижобий натижаларга эришди.

КИНИКЛАР (юн. Киносарг, Афинадаги тепалик номидан олинган) — қадимги Юнонистондаги суқротчилик фал-ий мактабларидан бири. К.нинг асосчилари ва вакиллари Антисфен, Диоген Синопский Суқрот йўлидан бориб фаолият кўрсатганлар. К.лар унинг қарашларини ўта радикаллаштириб ўзларини «дунё фуқаролари» деб ҳисоблаб, гоёвий муҳолифлари б-н бўлган тортишувларда жанжаллар чиқаришга мойил бўлишган. Улар ҳар қандай жамиятда унинг қонунлари б-н эмас, балки ўз қонунлари б-н яшаш мажбуриятини олишган. Шунинг учун ҳам Платон Диогенни «Ақлдан озган Суқрот» деб атаган. Диоген мамнуният б-н «жамоасиз, уйсиз, ватансиз» деган тавқи-лаънат шиорини ўзича қўллайди. К.лар жисмоний ва маънавий қашшоқликнинг барча кўринишларини бойликдан афзал деб билганлар. Қашшоқликнигина эмас, балки ҳақоратомуз ҳаёт кечиришлик улар учун энг мақбул ижобий ҳолат сифатида қабул қилинган. Эллин бўлгунча варвар, инсон бўлгунча ҳайвон бўлиш афзал, деган ақидаларни ўз дунёқарашларининг марказий тушунчаларига айлантиришган. К.лар фал.си кейинчалик стоиклар ва христиан аскетизми учун манбалардан бирига айланган.

КЛАССИФИКАЦИЯ (лот. classis—тасниф)— инсоннинг билиш фаолиятида муҳим рол ўйнавчи фикр юритиш операцияларидан бири К. ҳисобланади. Бир туркум ичидаги нарсаларнинг бирига ўхшашлигига ва б. туркумдаги нарсалардан фарқ қилишига қараб, нарсаларни туркумларга ажратиш тизими К. (тасниф) деб аталади. Фан оламига буюк ҳисса бўлиб қўшилган Д.И. Менделеевнинг «Элементларнинг даврий системаси» К. учун ёрқин мисолдир. Бунда олим элементларни атом оғирлиги ортиб боришига, кимёвий сифатларининг бир типлигига ва бошқа белги ҳамда аломатларига қараб тартиб б-н жойлаштириб чиққан. Фанда нарса ва ҳодисаларнинг табиатини ифодаловчи муайян белги, аломат асосида қилинган тизимини К. деб аташ қабул қилинган. Табиий К.га зоология фанидаги ҳайвонлар К.си (судралиб юрувчилар, сут эмизувчилар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, паррандалар, қушлар ва ҳ.к.), ботаникадаги ўсимликлар К.си (бир йиллик, кўп йиллик, буталар, дарахтлар, ўтлар, илдиздан кўпаяувчилар, игна барглилар, тиканли ўсимликлар, дук-кақлилар, маданий ўсимликлар, дон ўсимликлари, сабзавотлар, полиз ўсимликлари ва б.) каби қатор мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Мабодо К.га асос қилиб олинган белги, нарса ва ҳодисалар табиатни ифодаламас, бундай К. сунъий К. деб ата-

лади. Ижтимоий ҳаётимизда К.нинг мазкур тури доимо қўлланиб туради. Мас., кутубхонадаги китоблар мазмунига, форматига, ноёблиги ва шунга ўхшаш белгиларга қараб тоқчалар ва пештоқчаларга терилади. Ўқувчиларнинг ва талабаларнинг алифбе тартиби б-н тузилган рўйхати ёки уларнинг ёш хусусиятлари (табақалари), жинсий белгилари, улгуришлари, қизиқишлари, иқтидорлари, салоҳиятлари, ўқув мотивлари ва касбий тайёргарлик даражаларини назарда тутиб туркумларга ажратиш ҳам сунъий К.га мисол бўла олади. Лекин ижтимоий туркум ва фан оламида оддий К.лаш ҳолатидан тез-тез фойдаланилади. Жумладан, адабиёт, тарих, география, филология, психология-гуманитар фанлари; фал., иқтисод, политология, маънавият асослари, маданиятшунослик- ижтимоий фанлар; математика, физика, биология, химия, табиий-математика каби фанлар. Худди шундай асосга суяниб психология соҳалари ҳам К. қилинади. Инженерлик (муҳандислик), авиация, космос психологияси, меҳнат психологияси, патопсихология, олигофренопсихология, сурдо психология, тифлопсихология махсус психология, болалар, ўсмирлар, катта ёшдагилар психологияси герантопсихология (кексалик психологияси) — ёш даврлар психологияси; нейропсихология, психоформология, психотерапия, психогигиена, психопрофилактика, медицина (тиббий) психологияси, суд иши психологияси, криминал психология, пенитенциар (судланганлар) психологияси-юридик психология ва б. психология фанида психик ҳолатлар, билиш жараёнлари, шахснинг индивидуал типология хусусиятлари, ички регуляцияси ҳам К. қилинади. Акс эттириш характериға ва рецепторларнинг ўрнига қараб, сезгилар уч гуруҳга бўлинади; экстероцептив, интероцептив, проприоцептив сезгилар. Классик бўлинишга биноан сезгилар қуйдагича К. қилинади: кўриш, эшитиш, маза, ҳид, органик, ҳаракат ва ҳ.к. Таълим тизимида мураккаб билишлар қулайроқ йўл б-н ўзлаштириш учун К.дан кенг қўламда фойдаланилади. Мас., от, сифат, феъл, сон-сўз туркумлари ўзбек тили проза, поэзия, драма, комедия, трагедия-адабий жанрлар (филология); бриз, муссон, пассат-шамоллар (география) ва б. К. инсон текширадиган объектларнинг муайян тартибини топишда, ўрганиши зарур бўлган нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолда текширишда, ўзлаштирамоқчи бўлган материалларни пухта эса қолдиришда муҳим рол ўйнайди.

КОГЕН (Cohen) Герман (4.7.1842, Косвич — 4.4.1918, Берлин) — неокантчиликнинг *Марбург мактаби* раҳбари. И.Кантнинг «соф идрок танқиди» ҳисобланган трансценденталь синтези тушунчасини соф мантикий тушунчага айлантириб, Кантнинг идрокнинг регулятив ғоялари таълимотиға асосланган ҳолда К. «нарса ўзидани» билишдан муста-

қил ва ундан ташқарида амал қилувчи сифатида эмас, тафаккурнинг мақсадга йўналтирилган ғояси сифатида қарайди. Инсон тафаккурининг энг ёрқин модели К. фикрича математика ҳисобланади ва у табиий фанларнинг асоси бўлганидек, ҳуқуқ ҳақидаги таълимот, руҳият ҳақидаги фанларнинг ҳам негизидир. Кант учун характерли ҳисобланган амалий ақлни, наз-ий ақлга нисбатан устунлигини эътироф этиб, К. мантиқан ахлоқнинг фанга нисбатан белгилувчи эканлигини таъкидлайди ва ахлоқшуносликка инсон иродасининг мантиқи сифатида қарайди. Динда (ўзи иудаизм тарафдори бўлса-да) Кант изидан бориб, ахлоқий талқин беради. Наз-ий билиш ва ҳуқуқ, фан ва ҳуқуқий давлат К. фикрича, маданиятнинг негизи ва шахс эркинлигининг асосий шарти бўлиб, тарихий тараққиётнинг муҳим мақсади ҳисобланади.

КОГНИТИВЛИК (лат. cognitio — билим, билиш) — 1. Ҳоз. замон ғарб фан социологиясида, фал.си билиш наз-ясида айнан билимга оид (фанни белгилувчи ёки у б-н ўзаро таъсирдаги ижтимоий томондан фарқли) томонни ифодалаш учун ишлатиладиган атама. 2. К. ёки билишга мувофиқ, ҳодисани билиш имкониятини ифодаловчи тушунча. 3. Мақсадга эришиш б-н боғлиқ бўлган объектлар тўғрисидаги илмий ғоя ва ахборотлар ва ҳ.к.

КОИНОТ (юн. космос) — инсон яшаб турган Ер сайёрасини ўраб турувчи осмон jisмлари тизимини номланиши. К.нинг чегараси ва ниҳояси галактика б-н боғлиқ, чунки галактика миллиардга яқин юлдузларни ўз ичига олади. К. объектлари ва космик системаларни келиб чиқиши ёки эволюциясини яхлит ҳолда космология ўрганади. Космология эса космик объектларни туғилиши ҳақидаги таълимотлар мажмуидир. Ҳоз. замон фани К. ҳақида турли гипотеза ва илмий нуқтаи назарга эга. Илмий нуқтаи назардан К. бундан миллиард йил аввал буюк портлаш натижасида юзага келган. Катта портлашда газсимон модда мавжуд эди. У ўта зичлашиб ва сийраклашиб турар эди. Портлаш натижасида турли зичликдаги бўлақлар пайдо бўлди. К. jisмлари, юлдуз тизимлари бир-биридан узоқлашаётган ва яқинлашаётган тизимни ташкил қилади. Юлдуз тўдалари биргаликда галактикани ҳосил қилади. Галактикалар мажмуаси эса метагалактика дейилади. Галактикада қўшни юлдузлар орасидаги масофа бир неча ёруғлик йилига тенгдир. Галактикамиз жуда улкан бўлиб, уни баъзи қисмлари ўрганилган холос. Космология фанининг объекти К.дир. К. деб галактиканинг ҳам наз-ий, ҳам амалий жиҳатдан шу бугун ўрганилиши мумкин бўлган қисми тушунилади. Мас., 18—19 а.да Куёш тизими космологияни ўрганиладиган объект бўлган бўлса, 20-а. экспериментал техника ри-

вожланиши туфайли бу сфера жуда кенгайиб кетди. 20-а.нинг биринчи ярмида К. деб юлдузлар тизими бўлган галактика тушуниланган. Ҳоз. эса галактикалар тўплами, яъни, метагалактика космологиянинг объектидир. Галактика таркибида юлдуз тўдалари, газ ва чангдан иборат туманликлар бўлиб, улар ягона мураккаб тизимни ҳосил қилади. Галактикамиз узунаси 500 минг, кўндалангига 100 минг ёруғлик йилига тенг масофани эгаллайди. Галактикадан ташқари 100 миллиарддан тортиб, бир неча юз миллиарддан ортиқ юлдузларни ўз ичига қамраб олувчи космик тизимлар ҳам бор. Улардан бизга яқинроғи Андромеда туманлигидир. Радиоастрономия юзага келиши б-н галактикалар ва б. тизимларни ўрганиш тезлашди.

КОЛЛЕКТИВ (лот. *collectivus*) — туркийзабон халқларда, жумладан, ўзбекларда азалдан ижтимоий birlik — жамоани англатиб келган. Одамларнинг жамоа бўлиб яшаш заруриятини Суқрот, Платон, Аристотель, Марказий Осиё мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ва ш.к. алломалар илмий асослаб берганлар. Айниқса, буюк фай. олим Абу Наср Форобий ўзининг асарларида жамоа бўлиб яшашга табиий мойиллик инсон турмуш тарзининг мазмунини ташкил этишини уқтиради. Форобий бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилган: «Ҳар бир инсон ўз табиати б-н шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди». Жамоа одамлар мақсад-манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарурлиги, меҳнат ва маиший ҳаётининг фаолиятлари йўналганлиги заминидан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларини тақозо этишидан вужудга келади. Одамларнинг фаолият турларига мутаносиб тарзда меҳнат, таълим-тарбия, маиший ҳаёт, бадий ижод, ҳарбий, жисмоний тарбия, спорт, оила каби доираларда жамоалар вужудга келиши ва самарали амал қилиши мумкин. Жамоалар мўътадил ёки муваққат уюшмалар тарзида фаолият кўрсатиб, мўлжал қилинган мақсад-манфаатлар ва қутилган маънавий-ахлоқий қадриятлар яратиш орқали самаралар келтиради, инсон фаровонлиги, иқтисодий ва сиё-

сий барқарорлиги, истиқбол бахт-саодати йўлида омилкор хизмат қилади.

КОЛЛЕКТИВИЗМ — жамоатчилик руҳини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ҳар бир жамоа ижтимоий бирлиги мажмуи заминидан вужудга келади. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва инсон меҳнат фаолиятининг йўналишларида амал қиладиган жамоачилик ақидаларининг яккахонлик (индивидуализм), лоқайдлик (бефарқлик), худбинлик (эгоцентризм) ҳолатларидан афзал эканлигини намойиш этади. Оила, меҳнат жамоаларида, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларида яқка инсон бошқа б-н бирлашгандагина мўлжал қилинган мақсад ва кўзланган самараларга эриша олиши мумкинлиги жамоачилик руҳи шаклланишининг бош омиллини ташкил этади, ҳаётининг талаб-эҳтиёжлар, ахлоқий қонун-қоидалар даражасида амал қилади. К. қавмларни элат, элатни халқ, халқни миллат қиладиган энг муҳим омиллардан бири бўлиб, айрим халқларнинг объектив тарихий-миллий шарт-шароитлари туфайли юксак маънавий-ғоявий мулк сифатида қарор топган. Жумладан, жамоатчилик руҳи ўзбекларда асрлар давомида ўта мураккаб ва машаққатли меҳнатга асосланган. Суғориладиган деҳқончилик, пахта етиштириш технологияси, бетўхтов ташқи босқинчилик туфайли бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорлик қилиш, елкадошлик, ўзаро ёрдам кўрсатиш, беғараз «ҳашар» қилиб қўмаклашиб юбориш каби инсоний хислат-фазилятлар мажмуаларида шаклланган бўлиб, ўзига хос хусусиятларда намоён бўлади.

КОНТРКУЛЬТУРА — ҳозирги замон социологияси ва публицистика соҳаларида кенг ишлатиладиган, ижтимоий-маданий кўрсатмалар, қадриятларнинг маълум бир йўналиш мажмуаси, жамият тараққиётида амал қилиб келаётган умуминсоний маданиятга қарши бўлган қадриятлар комплексини англатувчи тушунчалар. 20 а. 60—70-й.ларида К. тушунчаси «исёнчи» (ғалаёнчи) ижтимоий гуруҳлар ва талабалар қатламларининг, турли туман «коммуна»ларнинг ўзига хос идеологиянинг талқини сифатида шаклланди. К. маданиятни қўпол равишда, инжиқлик б-н рад этсада, у бу даврда мешчанлик, худбинликларнинг стихияли исёнини, «оммавий жамият», «оммавий маданият» қадрият ва йўналишларининг технократик варианты сифатида акс эттиради. К.нинг шахсий манфаатпарастларнинг моддий тўкин-сочинликка эришиб, бойлик тўплашга, ҳаётининг ютуқларга ўчилиги; ўз ахлоқий қоидаларига қаттиқ берилиб амал қилишлиги, социал конформизм ва б., шунингдек, фаннинг «мутлақ» даъвосига гўёки К. томонидан рад этиладиган «оммавий турмуш тарзи»нинг вужудга келишида айбдормиш. К. инсон олдида сиртқи таъсирлар натижасида эмас, балки ички таъсирлар натижасида вужудга келадиган, ўзини-

ўзи намоён қила оладиган ҳамда бошқа кишиларнинг таъмагирлик қизиқишларидан «ҳақиқий» эркин бўладиган, «жазоланмайдиган» жамият барпо этиш учун жонбозлик кўрсатмоқда. К. альтернатив қадрият тизимида табиатга алоҳида ўрин ажратади, бошланишнинг муқаддаслиги ундан деб қараб, табиийликнинг ва софликнинг манбаи ҳисоблаб, уни «урбанизациялашган-саноатлашган» саҳродаги сунъийлик ва жазолашнинг гавдаланиши сифатида қарайди.

КОМИЛ ИНСОН — ижтимоий тараққиётнинг асосий ғояларидан бири. К.и. ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни, жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятти бахт-саодатли қилишдан иборат бўлиб келган. Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода буюк юнон фай. Суқротнинг: «Ўзинг-ўзингни бил», — деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабинини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. К.и. ғоясини миллий истиқлол ғоясидан ажратиб бўлмайди. Бошқача айтганда, К.и.нинг моҳияти, аввало жамиятти баркамол қилиш йўлидаги сазъ-ҳаракатларда намоён бўлади. К.и. ва жамият муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни кўриш мумкин. Биринчиси, К.и.нинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. К.и. ғоясининг мавжудлиги ва у б-н боғлиқ амалиёт жамият ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Зеро, биз ҳар қандай жамиятти унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси жамиятнинг характери, унинг К.и. қилиб тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни, эркинлик, мустақиллик К.и. ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда К.и.ни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташқилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган. Зеро, баркамол авлод келажаги учун қайғурмаган халқ, миллат ва давлатнинг истиқболи бўлмайди.

КОМИЛЛИК — инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи

тушунча. К.нинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан саҳий, танбалга нисбатан сергайрат, қўрқоқча нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди. Инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий қадриятдир. К.нинг яна бир жиҳати ватанга, миллатга, эл-юртга садоқат б-н хизмат қилишдир. Ватанни севмаган, миллати тарихи ва тақдирига лоқайд қарайдиган инсоннинг комиллиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. К. инсоний фазилатларнинг уйғунлигини ифодалайди. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи б-н амалий фаолияти, тили б-н дили бирдай бўлиши К.нинг мезонларидир.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ (*тахаллуси*; асл исми Паҳлавон Муҳаммаднӣз Абдулла Охунд ўғли) (1825 — Хива — 1899) — маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, санъаткор, хаттот, таржимон ва давлат арбоби. 19-а. Хива адабий ҳаракатчилигининг кўзга кўринган вакилларида бири. Дастлабки билимини ўз отаси Абдулла Охунддан олади. Кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиб саводини чиқаради, шоир Огаҳий ва Хива хони Саид Муҳаммаднинг назарига тушади. К.Х. хон саройида хаттот, мирзабоши ва девонбегилик лавозимларида хизмат қилади. «Камол», «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд», «Тилло соат» каби асарларида анъанавий ишқ-муҳаббат, май-махуб, тинч-тотув яшаш, айниқса маърифатпарварлик ғояларини юксак руҳ б-н қуйлади. К.Х. нинг ижтимоий-фал-ий қарашларида комил инсон ғояси алоҳида аҳамиятга эга. Инсон камолотини унинг қўлида мавжуд бўлган моддий бойлик эмас, балки унинг ақлий, ахлоқий, маънавий етуклиги белгилайди, деб эътироф этади. Шоирнинг фикрича, инсоннинг камолотга интилиши, ақлий етуклиги маърифат б-н, тарбия воситасида рўёбга чиқарилади. К.Х.нинг комил инсон концепциясида маърифатпарвар ва адолатли подшо ҳақидаги орзумидлари ҳам етакчи ўринни эгаллайди. У кишиларни маънавий баркамоллика даъват этиш б-н бирга улардаги салбий ахлоқий иллатларни аёвсиз танқид қилади. К.Х. ўн йилча саройда хаттотлик қилиб ўз атрофига кўпгина истеъдодли ёшларни тўплади, бу соҳада 50 га яқин хаттотларни етиштириб чиқарди. К.Х. мусиқа соҳасида ҳам чуқур билимга эга бўлиб, ўша пайтда Хоразмда кенг тарқалган чолғу асбобларини, жумладан, танбур чалишни жуда яхши ўзлаштириб олган эди. У «Танбур чизиқлари» деб аталувчи Хоразм нотасини яратди ва ўзи ҳам кўплаб куйлар басталади. К.Х.нинг бу соҳадаги ишини ўғли Муҳаммадрасул Мирзо давом эттирди. К.Х. форс-тожик ва араб тилини мукаммал билгани учун 1865

й да Бархурдор ибн Маҳмуд Туркман Мумтознинг «Матбуъ ул-қулуб» (бу асар айрим манбаларда «Маҳ-филоро» — «Мажлисга зийнат берувчи» деб ҳам юритилади) асарини ҳамда 1869-70 й.ларда Фах-риддин Али Сафийнинг «Латойиф ат — тавойиф» асарини форс тилидан узбек тилига таржима қилди. К.Х. Мунис Огаҳий томонидан тугалланмай қолган тарихчи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарини ҳам таржима қилган.

КОМПЛЕКС (лот. боғланиш) — психология нуқтаи назаридан таърифланишича, алоҳида руҳий жараёнларнинг муштарак бутунлигини ташкил этиш учун бирикиши. Юнг фикрича, К. инсоннинг ичидаги англаб олинмаган жараён ҳисобланиб автоном характерга эга. К. бошқа бир К.гагина сифат жиҳатидан қиёсланади. Бу ўринда уни таркиб этувчи қисмларини назардан четда қолдиради. К. таркиби жиҳатдан индивидуал психология ва психоанализда таърифланишича, ўзаро боғланган бир қанча аффектлардан иборат. Гуруҳлар, жамоалар томонидан номақбул ҳисобланган аффектлар комплекс ҳолатида онг остида қарор топади ва шароит вужудга келган пайтларда индивид онгида ўзини намоён этади. К. онг остидаги мураккаб тузилма сифатида инсон руҳиятига умрбод хавф солиб туриши мумкин.

КОНВЕНЦИОНАЛИЗМ (лот. conventio—шартнома, битим) — математика, физика ва б. табиий-илмий концепцияга кўра, илмий тушунчалар ва наз-ялар объектив оламнинг инъикоси эмас, балки олимлар ўртасидаги битим, келишувнинг маҳсули. Бундай битимлар ўзининг соддалиги, қулайлиги б-н бошқа шартномалардан ажралиб туради. К.нинг илмий-наз-ий тамойилларини А.Пуанкаре ишлаб чиққан. К.нинг элементларини позитивизм, прагматизм ва операциялизмда ҳам кўриш мумкин. Мах, Авенариус, Карнап, Айдукевич каби фай.лар ҳам К. тарафдорлари эдилар.

КОНВЕРГЕНЦИЯ (лот. convergo — яқинлашиш, ўхшашлик) — сиёсий ғоя ва концепция сифатида 20-а.нинг 2 — ярмида ғарб мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, унинг марказида сиёсий тузумлари турли-туман мамлакатлар ва сиёсий гуруҳлар пировардида ўзаро ўхшашлик сари боришади, деган фикрда бўлган. 21-а., айниқса, иқтисодий соҳада глобаллашиш, тўғрироғи, мамлакатлар иқтисодий тараққиёти моделларида бир-бирига айнанликнинг кучайиш тенденцияси К. наз-ясида бирмунча ҳаётий ҳақиқат борлигидан дарак бермоқда. Бугун сиёсий тараққиёт моделлари ҳар хил бўлган давлатлар иқтисодий ва технологик жиҳатларида ўхшаш томонлар яққол кўзга ташланмоқда. 20-а.нинг 50-й.ларида мутлақо бошқа тарихий даврда вужудга келган бу наз-я

бугунги умумжаҳон демократик ривожланиш даврида батамом янги имкониятларни қўлга киритди. Сиёсий йўналишдан қатъий назар ҳоз. шароитда тараққиётнинг ўзига хос йўллари танилаб олган давлатларнинг ягона умумпланетар иқтисодий маконда бу борада бир-бири б-н яқинлашишини бугун табиий бир ҳол деб ҳисоблаш жоиз. Демак, бугун К. сифат жиҳатдан батамом бошқача шакл ва йўналишда бориши мумкин. Давлатлар, тизимлар ўртасида тобора кучайиб бораётган хусусийликка интилиш уларнинг ҳўжалик амалиётида уйғунлик чуқурлашишига ҳеч қандай монелик қилмайди. Шундай экан, бугун К. наз-ясининг қандайдир таназзулга юз тутганлиги эмас, балки унинг янги шароитда янгича намоён бўлаётганлигини ҳақида сўз юритиш жоиз.

КОНДИЛЬЯК (Condillac) Этьен Бонво Де (1715-1780) — француз файласуфи. Сенсуализм асосчиси, ассоциатив психологиянинг таниқли вакили, француз академиясининг аъзоси. К. Декартнинг туғма ғоялар тўғрисидаги наз-ясини танқид қилди, барча психик жараёнлар (хотира, тафаккур, ирода) нинг ҳиссий сезгининг ўзгарган шакли эканлигини иш-ботлашга ҳаракат қилди. Сезгилар билишнинг ягона манбаидир, деган ғояни илгари сурди. К.нинг фикрича, сезгилар ташқи предметлар томонидан келтириб чиқарилади. К.нинг ижоди 18-а. француз материализмига кучли таъсир кўрсатди. К. мантиқ барча белгилар учун, шунингдек, математика учун ҳам, умумий грамматика, деб таърифлади. К. ўздан бой илмий мерос қолдирди. Унинг энг йирик асарлари: «Инсон билимларининг келиб чиқиши тўғрисида тажриба» (1746), «Системалар тўғрисида рисола» (1749), «Сезгилар тўғрисида рисола» (1754), «Логика» (1780) ва б. 18-19-а.ларда Ғарбий Европанинг ижтимоий-фал-ий тафаккурига ижобий таъсир кўрсатди.

КОНДОРСЕ (Condorcet) Жан Антуан (1743—1794) — француз файласуфи, математик, сиёсий арбоб. У 16 ёшидаёқ ўзининг математика масалаларини таҳлил қилиш бўйича биринчи ишини эълон қилди. 26 ёшида эса Париж фанлар академиясига аъзо бўлди ва 1773 й. унинг биринчи котиби этиб сайланди.

К. иқтисодий масалаларда физиократлар (Тюрго) тарафдори. К. динни деизм ва буржуа маърифатчилиги нуқтаи назаридан танқид қилган, бидъат-хурофотлардан воз кечишга ва илмий билимларни ривожлантиришга даъват этган. «Инсон ақли тараққийсининг тарихий манзараси эскизи» (1794) асаридан тарихга ақл маҳсули деб қарашни ривожлантирган, буржуа тузумини ақллилик ва «табиийлик» чўққиси деб эълон қилган. К. тасодифий аломатларга асосланиб, тарихни 10 даврга бўлган, капиталистик тузумнинг бениҳоя тараққий қилиши ғоясини

асослаб бермоқчи бўлган. К. сиёсий кенгликни ҳимоя қилган.

КОНКРЕТЛИК (*лот.* *concretus* — реал, мавжуд) умумий, мавжум белги ва хусусиятларни якка, ёлғиз объектларга татбиқ этиш б-н ифодаланадиган фикр юритиш операцияси. К. инсоннинг барча фаолиятларида фаол иштирок этади. Воқелик қанчалик конкрет (яққол) шаклда ифодаланса, инсон уни шунчалик осон англаб этади. Ўзининг генетик келиб чиқишига қараганда, кишилар даставвал тева-рак-атрофни конкрет белгиларга асосланиб, конкрет ҳолда акс эттирадидлар, яққол образларга суяниб, тасаввур қилиш имкониятига эга бўладилар. Шу боисдан ҳоз. кунда К. белгиси инсоният учун энг яқин белги бўлиб ҳисобланади. Чунки конкрет воқелик кишини руҳий зўр беришдан, иродавий тенгликдан ва стресс ҳолатдан фориғ қилади. Шунинг учун бўлса керак, одам энг мураккаб қонун ҳамда тушунчаларни К. даражасига айлантиришга интилади. Мас., инсон «қиймат» тушунчасини «одамнинг қадр-қиймати», «товарнинг қиймати» шаклида конкретлаштиради ва б. Психология фанида мазкур фикр юритиш операциясига қуйидагича таъриф берилди: К. ҳодисаларни ички боғланиш ва муносабатлардан қатъий назар, бир томонлама таъкиллашдан иборат фикр юритиш операциясидир. Жаҳон психологлари тадқиқотларининг қўрсатишига қараганда, К. одатда 2 хил вазифани бажаради: мас., инсон «қора» деган тушунчани (сўзни) ишлатган пайтида кўз олдида сақич, асфальт, кўмир каби қора рангдаги нарсалар ва ҳайвонларни гавдалантириши мумкин. Шунингдек, шахс «ҳаракат» деган иборани ишлатса, одамни, машинани, ҳайвонларни, сув ва самолёт кабиларни тасаввур қила олади. Кейинчалик эса ҳаракат тушунчасининг қўлами кенгайиб боради, чунончи физик ҳаракат, кимёвий, биологик, ижтимоий ва б. ҳаракатларни назарда тутди; 2) мас., кишилар кетмон, белкурак, паншахани деҳқончилик асбобларига; игна, бигиз, ангишвона ва тикув машинасини тикув асбобларига; дола, атиргул, бинафша, бульданежни гулга; дафтар, ручка, чизгични ўқув қуролларига киритадилар. Демак, бу мисолларда К. операцияси умумий ва якка белгилари кам бўлган умумийликни очишда вужудга келади. Умуман, К. абстракциянинг контраст ҳолати бўлиб, инсон билиш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

КОНСЕРВАТИЗМ (*лот.* *conserv* — сақлаб қолмоқ) — ижтимоий ҳаётнинг мавжуд ҳолатини, тартиб ва қоидаларини, эскиликни сақлаб қолиш ва янгиликка, ўзгаришга қаршилик қилиш. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин. Сиёсий К. мавжуд сиёсий тузумни ўзгартирмай сақлаб қолишга тарафдорликдир. Жамият тараққиё-

ти табиий равишда сиёсий тузумнинг ҳам такомиллашиб, янгилашиб боришини тақозо этади. Шундай экан, мавжуд ҳолатни давр талаби асосида ўзгартиришга қаршилик қилиш ва эскириб қолган усуллардан воз кеча олмаслик тараққиётга тўсқинлик қилади. Бу нафақат сиёсатда, балки ишлаб чиқариш, фан ва таълим, маданият ва санъатда ҳам қолоқликка олиб келади. Шунинг учун ҳам К. ижтимоий ҳаётга салбий таъсир ўтказувчи ҳолатдир. Ўзбекистондаги янгилашни жараёни ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги туб ислохотлар К.дан холи бўлишга ундайди. Зеро, ўзгариб, ривожланиб бораётган дунёда давомли ислохотлар ва ўзгаришларсиз ривожланган мамлакатлар сафидан жой олиш. Кундалик ҳаётимизда баъзи ҳолларда учраши мумкин бўлган К.дан холи бўлиш, амалга ошириладиган ишларимизда муваффақият қозониш, янгиликлардан фойдаланиб, янада самарали фаолият юритиш имконини беради.

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ (*лот.* *constituo* — ўрнатиш) — жамият ҳаётини қабул қилинган қоида ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ифода этувчи тамойил. К. ғояси фақат жамиятнинг қонуний-ҳуқуқий асосларига таяниб қолмасдан, балки ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий тамойилларнинг уйғунлигини ҳам ифодалайди. Бошқача айтганда, давлат тузуми, унинг таркибий тузилиши, жамиятдаги умумий қонун-қоида ва талабларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнлари, инсонларнинг маънавий камолати, юксак ахлоқийлиги б-н уйғунлашган ҳолда мамлакатнинг Асосий қонуни — Конституцияда акс этиши К. ғоясининг моҳиятини намоён қилади. Бунда жамият аъзоларининг К.ини, демократик ўзгартиришларни амалга оширишнинг тарихий заруратини англабгина қолмай, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик ва фаровонлик асоси, деб билишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ғояни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади. Зеро, қабул қилинган қонунлар сони эмас, балки уларнинг ҳеч бир истисносиз ижро этилиши муҳим. Шунинг учун ҳам, бир томондан, К. ҳуқуқий маданиятнинг намоён бўлиши, иккинчи томондан, ҳуқуқий маданият ривожини сифатида майдонга чиқади. Ҳақиқий К. қонунлар устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, ижтимоий-сиёсий кафолатлар характери, уларнинг умуминсоний тамойилларга мослиги б-н белгиланади. Чинакам демократияга интиладиган жамият ўз халқи манфаатларини, уларнинг ор-номуси, қадр-қимматини, эркинликларини К. ғояларига асосан муҳофаза қилишга қодир бўлган тақдирдагина кучли, қудратли бўлган давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини қуради. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда К. ғоясига асос-

ланган давлат тузумининг демократик тамойиллари шаклланди. 1992 й. 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Бозор муносабатларига ўтиш, эркин демократик жамият қуришнинг ҳоз. босқичида, тараққиётнинг ўзбек моделига мос бўлган қонуний-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш механизмлари вужудга келди.

КОНТЕКСТ (*лот.*) — ёзма ёки оғзаки *нутқ*, *матн* (текст) нинг нисбатан тугалланган бўлаги. Кўпроқ ёзма нутқнинг ўз ичига кирган сўз ёки иборалар маъносини белгилашга имкон берадиган, тугал фикрни ифодалай оладиган парчаси. К.нинг умумий мазмунига қараб ундаги айрим сўзлар, иборалар ва билимларнинг маъносини аниқлаш мумкин.

КОНТ (**Conte**) **Огюст** (19.1.1798, Монпелье — 5.9.1857) — *позитивизм* фалсафасининг ва социологиянинг асосчиси. Сен-Симоннинг котиби бўлган (1818-24). Асосий асарлари: «Позитив фалсафа курси» (6 жилдли) «Позитив сиёсат тизими», «Субъектив синтез». К. фал.ни ҳаёт б-н боғлаш, воқеа ва ҳодисаларни аниқ таҳлил қилиш тарафдори бўлган. Унингча, тадқиқотчининг вазифаси биз сезгилар б-н нимани билсак, шуни тавсиф қилиш ва умумлаштириш бўлиши керак. Мутлақ билимга эга бўлиш мумкин эмас. К. ўз асарларида фанлар таснифига катта аҳамият берган. У фанларни шу вақтгача табиатшуносликда ҳукмрон бўлган инсон ақлининг турли қобилиятларига қараб тасниф қилиш тамойилига қарши чиқади. Унингча, ҳамма фанлар чуқур ички алоқаларни бирлаштиради. Табиатшуносликнинг илоҳиёт б-н ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳамма фанлар умумийлик ва соддаликнинг турлича даражасига эга. Шунинг учун уларнинг камайиб бориш даражасига қараб жойлаштириш, тасниф қилиш керак: математика ва механика, жонсиз жисмлар ҳақидаги фанлар, жонли жисмлар ҳақидаги фанлар (бунга социология ҳам кирилади). К. социологик қарашларида жамиятни тафаккур шакллари воситасида ривожланиб борувчи бир организм деб ҳисоблаган. Жамият ўз ривожланиш жараёнида 3 босқични босиб ўтади: 1. **Илоҳиёт босқичи**. Бу босқичда одамлар ҳамма ҳодисаларни диний нуқтаи назардан ғайритабиий кучларнинг таъсири воситасида изоҳлайдилар. 2. **Метафизик босқич**. Бу босқичда одамлар ҳамма ҳодисаларни турли моҳият ва сабабларнинг таъсири б-н изоҳлайдилар. 3. **Позитив босқич**. Бу босқичда ҳамма нарсалар фан нуқтаи назаридан изоҳланади. К. инсоният жамияти ривожининг бу босқичларини ҳар томонлама таҳлил қилади. Биринчи босқичда тасаввурлар ҳукмрон бўлиб, билим жуда чекланган. Одамлар ҳодиса ва нарсаларнинг мавжудлигини худолар ва руҳларнинг мавжудлиги б-н боғлайди. Бунда

нуфуз ва монархия ҳукмрон. Метафизик босқич моҳиятларнинг намоён бўлиши сифатидаги турли кучларнинг фаолияти б-н характерланади. Бу босқичда нуфузлар обрўсига путур ета бошлайди. Инсонда худбинлик (эгоизм) кучайиб, жамият б-н алоқаси сусяяди. Сезгининг аҳамияти пасайиб, ақлники ортиб боради. Бу босқичда монархия ўрнига халқ ҳокимияти ўрнатишга интилиш юзага келади. Учинчи — юқори босқичда жамият математика, астрономия, физика, химия, биология, социология (социал физика) фанлари берадиган ижобий билимлар асосида қайта қурилади. Позитив (фойда, ижобий) фанлар табиат ва жамият қонунлари тартибини аниқлаш б-н шуғулланади. Фан ва фал. табиат ва жамият қонунларини билиб олиши зарур. Бу босқичда олдинги босқичларда мавжуд бўлган наз-я ва амалиёт ўртасидаги ажралиш тугатилади. Жамият тараққиётини белгилайдиган асос — бу билим тараққиётидир. К. «инсонийлик дини» деб аталувчи дин яратиш тарафдори бўлган. Позитивизм ғоялари 19-а. табиатшунослари томонидан қўллаб-қувватланди. Ж. Милл ва Г.Спенсерлар К.нинг издошлари бўлганлар.

КОНФЕДЕРАЦИЯ (*лот. confoederatio* — уюшма, иттифоқ, бирлашма) — амалиётда асосан икки йўналишда қўлланилади: 1) давлат уюшмаси шакли; 2) у ёки бу жамоат ташкилотлари уюшмаси шакли. Тарихий-миллий хусусиятларни инобатга олиш натижасида вужудга келтириладиган конфедератив давлат қурилишида битта давлат атрофида бирлашган давлатлар ҳар бири ўз суверенитетини тўла сақлаб қолган ҳолда мустақил амал қиладиган давлат ҳокимияти ва кундалик ҳаётни бошқариш муассаса-идораларига эга бўладилар. Лекин конфедератив давлат уюшмаси доирасида аниқ мақсад йўналишларида давлатлар ҳар бири фаолиятларини мувофиқлаштириб туришга хизмат қиладиган махсус орган тузадилар. Бундай мувофиқлаштирувчи конфедератив органлар одатда мудофаа ва ташқи сиёсат соҳаларида тузилиб, амал қилади. Ҳоз.мавжуд бўлган давлат уюшмалари орасида фақат битта мамлакат-Швейцария К. номи б-н юритилади. Лекин конфедератив давлатлар сони истиқболда кўпайиб бориши мумкин. К. атамаси касаба уюшмалар, тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар, банк-молия тизими ва ш.к. ташкилотлар ва бирлашмаларга ҳам нисбатан қўлланилади ва «касаба уюшмалар К.си», «агросоаноат К.», «ишлаб чиқарувчилар К.» каби категория-тушунчаларда ўрин эгаллайди.

КОНФЛИКТ (*лот. conflictus* — ихтилоф, тўқнашув, низо) — ҳаётий зиддиятлар, инсонларнинг истак ва интилишлари, ҳис-туйғулари ва эҳтирослари, ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларидаги қарама-қарши-

ликлар, кучли, драматик тўқнашувлар, келишмовчиликлар; кишиларнинг онги ва дунёқарашларидаги, кайфияти ва феъл-атворидаги қарама-қаршиликлар, келишмовчилик ва зиддиятларни санъатда, илмий ва бадий адабиётда ифодалаш шакли. К. жамият тараққиётининг муайян ижтимоий кучлари ва анъаналарининг тўқнашуви асосида юзага келади ва ечилади. Анъанавий маънодаги тенглик ва тенгсизлик, адолат ва адолатсизлик, тўғри ва эгри, рост ва ёлғон, яхшилик ва ёмонлик, маърифат ва хурофот, зулмат ва нур, эскилик ва янгилик каби кўплаб қарама-қарши ва зид ҳодисалар тарзида намоён бўлади. Реалистик санъатда К. реал муҳитда унинг ўзига хос қарама-қарши ва зиддиятли ғояларни ўзида ифодаланадиган турли-туман образлар воситасида тасвирланади. Шу жиҳатдан қараганда бадий образларни ҳаракатга келтирадиган бадий асарга ҳаёт бахш этадиган, унинг қизиқарли, таъсирчан, ҳаётий бўлишини таъминлайдиган омилдир. Бадий асарга асос қилиб олинган К.нинг хусусиятига қараб, бадий образлар — ҳаракатлар орасидаги муносабатлар, воқеа-ҳодисалар ҳам турли хил тарзда кечади. Асар сюжетининг ривожланиб, ўзгариб боришини таъмин этади. Бадий асарда К. унда илгари сурилган фикрлар, ғоялар, қарашлар тасвир объекти қилиб олинган масалалар моҳиятидан келиб чиқиб, ҳар хил мураккаб ёки содда бўлиши ҳам мумкин. Бадий асар унинг жанрига қараб кучли ёки кучсиз очиқдан-очиқ, бевосита ёки билвосита, «яширин» ифодаланиши мумкин. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари, Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» фожиаси ва б. асарларда бадий образларнинг, ҳаракатларнинг тўлақонлигини, таъсирчанлигини ва шу б-н бирга бу асарларнинг юксак ғоявий-бадий қимматини таъминлашга ёрдам берган. Драматик асарларда К. айниқса ёрқин ифода топишни тақозо этади. Ҳаракатларро келишмовчиликлар, можаролар тобора ўсиб, ривожланиб, оқибатда асло келишиб бўлмайдиган даражада зиддиятли ҳолат касб этади ва айрим ҳолларда бундай драматик ҳолат фожиалар б-н ҳам тугайди. Бадий асарда кўплаб К.ли ҳолатлар, воқеалар турли хил образларга, персонажларга юкланган бўлиши табиий, аммо шу К.ларнинг барчаси одатда асардаги асосий воқеаларнинг ривожи, тўқнашуви ва ечилишини бадий акс эттиришни таъминлашга хизмат қилади. Собиқ шўролар даври адабиёти ва санъатида жамият ҳаётини фақат ёрқин буёқларда ижобий қилиб бўяб кўрсатиш, ижтимоий К.ни хаспўшлаш, ижобий ҳодисаларни атайлаб бўрттириб ёки сусайтириб тасвирлаш кабиларга ружу қилинди, натижада 40-й. охири ва 50-й.ларда адабиёт ва санъатда «Конфликтсизлик наз-яси» деб аталган наз-я ҳукм сурди. Бу наз-я тарафдорлари шўролар жамиятида ўткир ижтимоий зиддиятлар,

келишиб бўлмайдиган можаролар асло йўқ, фақат шунчаки енгил-елпи, йўл-йўлакай, кучли ижтимоий хавф касб этмайдиган майда чуйда қарама-қаршиликлар бор, холос деб адабиёт ва санъатда шўролар жамияти ҳаёти зиддиятларсиз тасвирланиши керак деган талабни илгари сурдилар. 60-й.ларга келиб бу наз-я кенг тарқалмаган бўлсада, барибир унинг таъсири, оқибати кейинги йиллардаги шўролар адабиётида ҳам сезилиб турди. К. сизлик бадий асарни ҳаётийлигига путур етказди, унинг ғоявий бадий бўш бўлишга олиб боради. Натижада, адабиёт ва санъатда сохта «ижобий қаҳрамонлар» пайдо бўлди, характерлар уларнинг ҳолати илдиздаги табиий, реал ҳолатларидан узиб олиб бўяб-безаб «яратилган» сохта ва юзаки шароитда кўрсатиш, салбий қаҳрамонларни атайлаб салбийлаштириш ва натижада асарда ижобий қаҳрамон ғалабаси б-н яқунлаш каби ғайритабиий, ҳаётий бўлмаган ёлғон, сохта асарлар яратилди. Эндиликда ҳаётни К.ларсиз ёки бор К.ларни бўяб, сусайтириб, тасвирлаш ғояларига қарши ўлароқ жамият ҳаётини реал тасвирлайдиган асарлар яратилмоқда.

КОНФЛИКТОЛОГИЯ (лат. *conflictus* — тўқнашув) — можаролар моҳиятини ўрганиш ва улар муаммоларининг ечимига қаратилган оптимал таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақидаги билим соҳаси. К. ижтимоий тараққиёт, ижтимоий-сиёсий бошқариш, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштириш ва мутаносиблаштириш зарурияти сиёсатшунослик, сиёсий руҳиятшунослик, социология фанлари оралиғида вужудга келди. Ҳоз. даврда шакллантирилган К. билим соҳаси сиёсатшунослик ва социология фанлари эришган ютуқларга суянган ҳолда, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатлар жараёнларида келиб чиқаётган тўқнашув-можароларни тинчлик б-н гуруҳларро, давлатларро, миллатларро, жамоаларро, халқаро миқёсларда келишув-муроса йўли б-н бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиб амалиётга киритишга муваффақ бўлган. Тўқнашувлар доимий ҳаракатда бўлиб, тўқнашув вазиятлардан келиб чиқади ва шу вазият табиатига кўра, уларни секин-аста «совутиб» йўққа чиқариш ёки «ёқилғи сепиб» алангалатиш имкониятларидан фойдаланадиган ижтимоий ёки сиёсий кучлар жамиятда доим мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам К.нинг асосий стратегик вазифасини «аланга олиб бўлган» тўқнашув-можароларнинг ечимини излаб топишгагина эмас, балки келиб чиқиши кутилаётган ҳар қандай келишмовчиликларнинг олдини олишни илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларига уларни жорий қилиш механизмларини белгилаб беришдан иборатдир.

КОНФОРМИЗМ (лат. *conformis* — ўхшашлик, мос келишлик, мослашувчанлик) — шахснинг хулқ-атворини ва фикр-мулоҳазасини бошқа одамларнинг талабларига, хулқига мос тушиши учун уларга мослаштиришга қаратилган мойиллиги. Ушбу тушунча психология фанида 2 хил мазмунда: 1) шахс хулқ-атворининг гуруҳ ёки жамоа б-н ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан мос келиши; 2) шахс хулқ-атворининг гуруҳ ёки жамоа б-н ташқи томондангина мос бўлиб, ички томондан эса унинг тутган йўлига қарама-қарши фикрда қолиши қўлланилади. К.нинг биринчи кўриниши гуруҳ ёки жамоанинг қатъий фикрига, шахс томонидан хайрхоҳликка эришиш, ҳамда жазодан ёки санкциядан қочиш мақсадида намойишкорона тобелигининг акс этишидир. Унинг иккинчи кўриниши индивиднинг атроф-муҳитдаги баҳолаш тизимига нисбатан ўз ички муносабатининг ўзгариши туфайли индивидуал қурилмасини қайтадан таҳлил қилишда бевосита намоён бўлишидир. Лекин ички (шахсий) К. ҳамиша ҳам гуруҳ қонун-қоидаларга, ижтимоий меъёрларга ихтиёрсиз равишда риоя қилишни билдирмайди, чунки у ташқи (оммавий) кўриниш б-н узвий алоқага эга. Кўпинча К.нинг ҳар иккала шакли функционал жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлиб, гуруҳ (жамоавий) фикри (қарор) б-н шахсий (индивидуал) фикр ўртасидаги низоли вазиятни онгли равишда ҳал этишнинг ўзига хос услуги (усули) сифатида хизмат қилади. Бу ўринда якка шахснинг гуруҳга ёки жамоа б-н бевосита боғлиқлиги унинг аъзолари фикрий устуворлиги ҳақчил ёки келишув йўлини қидиришни тақозо этади, натижада ўз хулқ-атворини бегона, одатланмаган мезонларга асосланган ҳолда қайта ташкил этади. Жаҳон психологиясининг (С.Аш, Р.Кратчфилд) амалий тадқиқотларига кўра, К.нинг даражаси (кўрсаткичи) бир қатор омиллар мажмуаси б-н аниқланади: 1) гуруҳ таъсир ўтказилувчи шахснинг муайян тавсифлари (жинси, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, интеллект, таъсирланувчанлиги ва б.); 2) таъсир ўтказишнинг манбаи ҳисобланмиш гуруҳнинг хусусиятлари (таъсир кўлами, кўпчиликнинг яқдиллиги, умумий фикрдан фарқланувчи гуруҳ аъзоларининг миқдори ва б.); 3) шахс б-н гуруҳ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари (индивиднинг гуруҳдаги статуси, рағбат, мукофот олишда гуруҳ б-н якка шахснинг ўзаро боғлиқлиги даражаси, лидерлик кўриниши, мойиллик); 4) кўйилган муаммо (топшириқ)нинг мазмуни, унга нисбатан инсоннинг қизиқиши, уни ечишга лаёқатлилиги, индивиднинг билим савияси кўлами ва б. Одатдаги турмуш шароитида К. «мослашувчанлик» маъносига қўлланилади. Бунда К.нинг мезони атроф-муҳит талабларига индивиднинг мослашувчанлиги б-н айнан бир хил эканлиги тушунилади. Натижада, шахс гуруҳ тазйиқи остида ўзаро муносабатларини амалга оширувчи,

ташқи кучларга ҳамиша тобе инсон сифатида тасаввур қилинади. Шахслараро муносабатларда унинг мустақил фикрлаши, қарор қабул қилиши, онгли хатти-ҳаракати, дунёқарashi, маслағи инobatга олинмайди. Худди шу боисдан ҳоз. замон олимлари гуруҳ тазйиқиға индивид томонидан 3 хил муносабат билдирилиши ғоясини илгари сурмоқдалар. Булар қаторига, биринчидан, индивиднинг таъсирланувчанлиги, яъни ҳеч қандай можаросиз (низоларсиз), онгсиз равишда гуруҳ фикрини қабул қилиши. Иккинчидан, ичдан норози бўлган ҳолда онгли равишда ташқи кўринишдаги яқдиллик аломати, ифодаси. Учинчидан, жамоавий ўзини ўзи аниқлаш (шахснинг жамоа б-н онгли бирдамлиги, унинг қадриятлари, меъёрлари, маслақлари ва идеалларини индивид томонидан қабул қилиш) ҳамда фаол ҳимоя қилиш ва б.

КОНФУЦИЙ (Кун-цзи, мил.ав. 551—479) — қадимги Хитой мутафаккири, сиёсий арбоб, конфуцийчиликнинг асосчиси. Лу князлигида амалдор бўлиб хизмат қилган. Хитойда биринчи марта хусусий мактаб очган. К.нинг асосий қарашлари «Сухбатлар ва мулоҳазалар» («Лунь юй») китобида баён этилган. Бу китобда унинг шоғирдлари ва издошлари ёзиб олган ҳикмат ва сухбатлардан иборат. Осмон — куч, Олий ҳақиқат, адолат, ердаги одамларнинг ҳам сабабчисидир. К. тақдир — сабаб, деб таълим беради. К. ўзининг ахлоқий қарашида ҳамма нарса меъёрида бўлиши кераклигини таъкидлайди. Жамият осмон қонуни б-н яшаши керак, чунки осмон ўз табиати б-н яхшиликдир, у ҳамма вақт яхшиликка интилади. «Одам ҳайвонми ёки фаришта?» — деган саволга К. ҳар иккиси ҳам — деган жавобни беради, ҳамда бу нуқтаи назарни исботлашга ҳаракат қилади. Одамлар табиатан бир, фақат тарбия туфайли улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. К.нинг олий инсон, аёл, мард киши тўғрисидаги концепциясига мувофиқ, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатгўй, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик, иззат-ҳурмат каби фазилатлар б-н юксак камолотга етишуви мумкин. Унинг бу фикрлари «олий» ва «паст» табақа тўғрисидаги нуқтаи назарга зид бўлиб, умуминсонийлиги б-н ажралиб туради. Шу маънода К.нинг бундай қарашлари нафақат Хитой фал.си, балки умуман жаҳон фал-ий фикрлар хазинасига қўшилган бебаҳо бойлик, дейиш мумкин. К.нинг фал-ий-ахлоқий таълимоти муайян жамиятдаги мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилишга қаратилган, яъни жамиятда осмондан юборилган жень (инсонпарварлик) қонуни амал қилиши, ўзининг жамиятдаги даражасига қараб иш тутиши лозим. Ушбу ғоялар Хитойда конфуцийчиликни шаклланишига сабаб бўлади. К.нинг фал-ий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфа-

си, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради. К. фикрича, оламдаги ҳамма мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ. Шунинг учун одамларнинг «олижаноблиги» ёки «тубанлиги», «олий» ёки «паст» табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди. Бундай ғоя, шубҳасиз, мавжуд тузумни сақлашга қаратилган эди. К.нинг қарашлари кейинчалик жаҳон фал.сида ахлоқий тамойиллар ривожига, адолат, биродарлик, эркинлик ғоялари такомлида муҳим ўрин тутган. К. ғоялари Хитой тарихига жуда катта таъсир кўрсатди ва мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида из қолдирди.

КОНФУЦИЙЧИЛИК — қадимги Хитойда келиб чиққан ахлоқий-сиёсий таълимот. Асосчиси Конфуций. Асосий манбалари: «Луньюй», «Ли цзи», «Мэн цзи», «Сюнцзи» матнлари. Конфуцийнинг фикрича, инсон тақдирини «осмон» белгилайди ва одамларнинг «нажиб» ва «паст» кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди. Кичик каттага, пастда турувчи юқорида турувчига сўзсиз итоат қилмоғи лозим. К. жамиятни ижтимоий ларзалардан асраб қолишга интилган амалдорларнинг қарашлари ва манфаатларини акс эттиради. К.нинг мақсади — халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдир. К. қоидасига кўра, жамиятда осмондан юборилган жень (инсонпарварлик) қонуни амал қилади. Бу қонунни ўрганиб олиш учун инсон ли (этикет) га — ижтимоий ахлоқ меъёрлари, қоидаларига, анъанавий маросимларга амал қилиши, ўзининг жамиятдаги даражасига қараб иш тутishi зарур.

К. коҳинлик, мистикадан ҳоли бўлиб, унда диний маросимлар асосан ажодлар руҳига сиғинишни ташкил этади, ибодатлари ҳам анчайин қулай бўлиб, у оилавий доирада ўтказилади, бинобарин, тарбияда оиланинг мақоми ошади. К.да фал.ий асос мавжуд, у ҳам бўлса нарсаларда икки ибтидо: ли — оқилона ижодий куч ва ци — ожиз (заиф) материя бор деб таълим беради. Биринчи ибтидо инсонда ижобий фазилат — яхшиликка интилиш пайдо қилади, иккинчи ибтидо эса салбий сифат — ҳиссий васнасаларга итоат қилишни вужудга келтиради. К.нинг «ли» тушунчаси тартиб, қоида, деган маъноларни ҳам англатади. Ли бўлмаса тартиб йўқ, демак жамият тараққиёти бўлмайди. Бу таълимот кишилар хулқини, қоида ва қонунларини осмон белгилайди, одамнинг жамиятдаги ҳолатини ҳам олдиндан яратиб қўяди, шу сабабли ҳар бир одам тақдирга тан бериши лозимлигини, акс ҳолда тартибсизлик ва ахлоқнинг инқироzi муқаррар бўлиб қолишини эътироф этиб, ахлоқнинг илоҳий манбаини асослашга уринган. К.да ахлоқий тамойиллар — ҳукмронлик — тобелик муносабатларига асосланган. Ёши ва ижтимоий аҳволига кўра кичик

бўлганлар катталарга қатъий бўйсинмоқлари лозим. Шунинг учун ҳам К. отани, амалдорни, самонинг ердаги фарзанди бўлган подшоҳни иззат-ҳурмат қилиш, унга хизмат қилиш ва бўйсунишни эса ҳаётнинг мақсади деб тушунтирган. Бу таълимотнинг бош тамойили — инсонпарварлик бўлсада, ammo уларнинг қарашларича, инсонпарварлик фақат аслзода, оқсуякларга хос фазилат бўлиб, оддий одамлар ростгўйлик, яхшилик, олижаноблик, маърифат, жасурлик нима эканлигини билмайди. Ахлоқий тарбиянининг зарурлигини эътироф этсада, К. умуман олганда мулкдорларнинг ҳукмдорлигини, аристократларнинг имтиёзларини сақлаш ва мустаҳкамлашни, эзилувчилар ва эзувчиларни ўзаро келиштиришни мақсад қилиб қўйган таълимот эди. Худди шу нарса К.нинг жуда узоқ даврда (1911) Хитойдаги расмий ахлоқ бўлиб келганлигини асосан белгилаб берди.

КОРРЕЛЯЦИЯ (лот. *correlatio*-нисбат, ашё ва тушунчаларнинг ўзаро муносабати) — бу тамойил қадимий бўлиб, ундан Арасту, Гиппократ, ўз тадқиқотларида, кенг фойдаланишган. Ўрта а.ларга келиб, биология фанининг ривожланиши б-н, у янада такомиллаштирила бошланди. К. К.Кювье, Ф.Гальтон, О.Браве, К.Пауссларнинг ишларида, математик статистикада қўлланилган. Н.И.Вавилов ўз ишларида К.нинг билиш жараёнидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтди. ҳоз. даврда, К. математикадаги эҳтимоллар наз-ясида тортиб, биология, геология, география, кибернетикагача, шунингдек б. фанларда кенг фойдаланилмоқда. Турли фанларда, мураккаб нарса ва ҳодисаларнинг ўрганилиши туфайли, К.вий боғланишлар тўғрисида, турли таърифлар, маълумотлар пайдо бўла бошлади (оддий К., мураккаб К. ва ҳ.к). Оддий К.да одамнинг бўйи ва оғирлиги ўртасидаги боғланишни келтириш мумкин. Фал.ий адабиётда К.вий боғланишларни функционал боғланишлар б-н айнан бир, деган фикрлар учраб туради. Лекин, бу нотўғри. К.вий боғланишлар ўз хусусиятларга эга (ўртача миқдорни аниқлашда кенг қўлланилади). Функционал боғланишлар динамика хусусиятга эга бўлса, К.вий боғланишлар статистик аҳамиятга эгадир. Шаклга нисбатан К. чизиқли, эгри чизиқли йўналишга қараб, тўғри ва тескари бўлиши мумкин. Метеорология, гидрогеология ва бошқа фанларда, К.вий усул орқали, олинган натижалар жадвал ёрдамида ифодаланади ва улардан наз-ий хулосалар чиқарилади.

Иқтисодиётда, математик-статистик усулларнинг қўлланилиши натижасида, К.нинг аҳамияти ошиб бормоқда.

КОСМИЗМ (юн. *kosmos* — тартибли олам) — коинот ҳақидаги билимлар ва инсоннинг дунё фуқароси эканлиги тўғрисидаги қарашларга (киник-

лар, стоиклар, Кант, Мамардашвили) асосланувчи фал-ий дунёқараш. Фалда К. тушунчаси қад. юнонларнинг тартибли олам ҳақидаги тасаввурлари б-н боғлиқ. Пифагор коинотни универсум сифатида тушунишни таклиф этган бўлса, Гераклит коинотнинг тузилиши ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Платон назарида коинот Хаосга (тартибсизликка) қарши турувчи борлиқнинг тартибли қисмидир. Гностицизм тарафдорлари коинотни ёвуз демиург томонидан яратилганини эътироф этадилар. Геродот эса «коинот» тушунчасидан коинот қоидаларига мувофиқ тарзда бунёд этилган давлат тузумини ифодалаш учун фойдаланарди. Ўрта асрларда ижод этган Коперник ва Бруно коинот ҳақидаги қарашларни онгли мавжудотлар яшайдиган дунёларнинг кўплиги ҳақидаги таълимот б-н бойитдилар. Каббала ва теософияда К. олам ҳақидаги билимлар системасини ифодалайди. Фанда К. ҳақидаги таълимот оламнинг эволюцияси тўғрисидаги наз-яларга асосланади (мас., Кант ва Лапласнинг Куёш системасининг чанглар конденсациясидан таркиб топганлиги тўғрисидаги концепциялари, А.Фридманнинг кенгайиб боровчи олам ҳақидаги наз-яси, Э.Хабблнинг ўзаро узоклашиб боровчи галактикалар тўғрисидаги наз-яси, А.Эйнштейннинг нисбийлик наз-яси ва б.). Ҳоз. даврда Коинот ҳақидаги илмий тасаввурлар буюк портлаш наз-ясига таянади.

КОСМОЛОГИЯ — коинот ҳақидаги таълимот. К.нинг наз-ий заминини асосий физик наз-ялар (нисбийликнинг умумий наз-яси, майдонлар наз-яси ва б.) эмпирик асосини галактикадан ташқари астрономия ташкил этади. К.нинг умумий хулосалари муҳим илмий ва фал-ий аҳамиятга эга. Илк космологик тасаввурлар Демокрит, Пифагор Аристотельларнинг таълимотларида учрайди. Геоцентрик ва Гелиоцентрик наз-ялар ҳам коинотни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳоз. К.нинг пайдо бўлиши А.Эйнштейннинг тортилиш релятивистик наз-ясининг вужудга келиши ва галактикадан ташқари коинот жисмларини ўрганадиган астрономиянинг пайдо бўлиши б-н боғлиқдир. А.Фридманнинг (20-а.нинг 20-й.) тадқиқотларида вақт бўйича ўзгарувчи коинот модели яратилади. Ҳоз. вақтда Г.Гемов томонидан «қайноқ» Коинот моделлари илгари сурилган ва асосий эътибор коинот физикасига қаратилмоқда. Зарраларнинг ҳолати ва Коинот кенгайишининг турли босқичларида юз берадиган физик жараёнлар К.да ўрганилади. Тортилиш қонуни б-н бирга термодинамика қонунларига, ядро физикаси ва элементар заррачалар физикаси маълумотларига катта эътибор берилмоқда. Галактика атрофдаги зарраларнинг антизаррачалардан кўп миқдордалиги ва макон-вақт топологияси масалалари ҳоз. К.да кўпроқ ўрганилмоқда.

КОСМОПОЛИТИЗМ (юн. kosmopolites—жаҳон фуқароси)— Қад. Юнонистон шаҳар-полисларга бўлиниб кетган даврларда уларнинг барчасини ягона давлат уюшмасига бирлаштиришга ва ўзига хос «жаҳон давлати» барпо этиб, одамларни «жаҳон фуқаролиги» мақомида яшаш руҳида қовуштиришга интилиш ғояси сифатида шакллана бошлаган. Кейинчалик, Рим империяси ташкил топгандан кейин бу ғоя янада кенгроқ тарғиб этила бошланди, унинг бағрида фуқаролик мақоми юксак даражага кўтарилди, «жаҳон фуқаролиги» қадрли ортди. К. ғояси Европа феодал тарқоқлигига қарама-қарши ўлароқ, буржуа К. кўринишида, уйғониш даврида (Данте, Рабле, Сервантес), ундан кейин француз буржуа инқилоби арафасида маърифатпарварлик таълимотида (Волтер, Дидро, Голбах, Геллций, Руссо), шахсни феодал қарамликдан озод қилиш ғояларида (Лессинг, Гёте, Шиллер, Кант, Фихте) кенг ўрин эгаллаган эди. Ҳоз. даврда ҳам К. ғояларини илгари суриб, барча одамлар истиқбол тақдири бирлигини рўкҳач қилган ҳолда «жаҳон фуқаролиги» томон ривожланиш зарурлигини уқтираётган тадқиқотчилар, сиёсий арбоблар, халқаро ташкилотлар мавжуд. К. ватанпарварлик, миллийлик (тарих, тил, маданият) омилларини менсимаслиги, хатто уларни инкор этиши б-н амалдаги байналмилаллик руҳига зид равишда ҳаракатга ундайди. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий-этник ўзига хослик омиллари орқали истиқболда тарих синовидан ўтган жаҳон халқлари ўзаро бирлиги, ҳар томонлама ҳамкорлиги сифат даражасига кўтарилиши К. ғоясидан байналмилаллик ғояси афзал эканлигини кўрсатиши мумкин, зеро БМТ, бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятлари мазкур йўналишда самарали натижаларга эришмоқдалар.

КОСМОС (юн. kosmos — коинот) — бу бутун бир олам, бутун бир борлиқ, Ер, Куёш системаси, бизнинг ва бошқа галактикаларнинг (сомон йўллари) ва ҳаракат қилувчи бутун борлиқнинг мажмуидир. Ҳоз. даврда К. бутун объектив реаликни, бутун борлиқни, чексиз дунёни умумий ва бир бутун тарзда акс эттирадиган тушунчадир (қар. Коинот).

КОШИЙ Камолиддин Абдураззоқ (ёки Кошоний-Самарқандий (18-а.) — тасаввуф фалсафасининг йирик вакилларида бири. К.нинг «Китоб ал-истилоҳот» асари тасаввуфга доир терминларнинг мукаммал қомуси ҳисобланади. Форс тилида ёзилган бу асарда машҳур Ҳирот донишманди Абдуллоҳ Ансорий (1006-88)нинг «Манозил ас-сойирин ила-л-Ҳақ» («Ҳаққа интилувчиларнинг манзиллари») асарида учрайдиган муҳим терминлар — тасаввуф фалсафасига мувофиқ тарзда изоҳланади. Абдуллоҳ Ансорий қувваи ҳофизаси ўткирлиги жиҳатидан Имом

ал-Бухорийга яқинроқ эди, у ёшлик чоғларидаёқ уч юз минг ҳадисни, юз минг асноди б-н ёд билар эди, муҳаддисликдан кейин сўфий мақомига етди. У «Манозил ас-соирийн ила-л-Ҳақ» асарида Ҳаққа етиш, яқинлашиш йўлида босиб ўтиш зарур бўлган тавба, таваккул, сидқ хавф ва ражо каби манзилларнинг маъно ва моҳиятини талқин этади. К. юқоридаги асарида Абдуллоҳ Ансорийнинг мана шу китобида тилга олинган маънавий етуклик манзилларини муфассал шарҳлайди. Тасаввуф терминларининг ботиний маънолари ҳозиргача яхши ўрганилмаган. К.нинг бу асари 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмида сўфийлик истилоҳларига изоҳлар берилади (Мас., май-маърифат, зулф-Ҳақнинг жамолини тўсиб турган ҳаёт қарама-қаршиликлари...). Асарнинг 2 қисмида эса сўфийлик тариқатига кирган солиқнинг маърифат, ҳақиқатга етишдаги ҳол илми босқичлари Ансорий китобидаги тартиб б-н изоҳлаб берилади. ЎзФАнинг Беруний номли Шарқшунослик ин-тида К. вафотидан 50 й. ўтганидан кейин (1381) оққа кўчирилган нодир нусхаси сақланади (инв. № 508—П). Бу асарнинг яна 5та қўлёзмаси собиқ СССР Фанлар академияси Шарқшунослик ин-тининг Санкт-Петербург бўлимида сақланади. Асарнинг 1-қисми 1845-й.да Калькуттада олмон шарқшуноси А.Шпренгер томонидан инглиз тилида нашр этилган. Тасаввуф фал.сида ўзак масала ҳисобланган қалбни поклаш, уни бу дунё ҳаётидаги турли ўткинчи ташвишлар (бойлик, обрў, мансаб, ғараз каби), тааллуқотлардан тозалаш ҳақида сўз боради. Бу китобнинг 1839 йилда котиб Сайид Боқир ибн Жаъфархўжа томонидан кўчирилган қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №8419ў1). К.нинг «Рисола фи қазо вал-қадар» асарида ўрта асрларда тараққий этган калом илмида муҳим муаммолардан бири ҳисобланган қазо ва қадар (тақдир, барча яхши ва ёмон ишлар азалдан инсон пешонасига ёзилганлиги) масаласи ҳақида фикр юритилади. Ислом фал.даги бу муаммога муносабат билдирган уламолар бир-биридан фарқланувчи турли гуруҳлар, оқимларга бўлиниб кетган. Чунончи, ал-ашъария оқими тарафдорлари (ал-Ашъарий, Ибн Фуруқ, Абу Исҳоқ ал-Исфарионий, Аш-Шаҳристоний, Фаҳриддин Розий) муътазила издошлари бўлиб, буларнинг фикрича, шариат қоидаларига кўр-кўрона тақлид қилмай, ақл ва илм нури б-н тақдирни ўзгартириш мумкин. Уларнинг фикрича, яна хаёлга, тасаввурга келган нарса тафаккурга кўчиши мумкин. Қадарийлар эса инсон ўз хатти-ҳаракатларида ирода эркинлигига эга деб ҳисоблайдилар. Қадарийларнинг бу фикри Куръон оятларига ҳам мувофиқ келади. Ирода эркинлигини ҳозирги вақтда бутун дунё мусулмонлари эътироф қилади. Бу эътироф эса одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларига масъулиятини оширади. К.нинг рисоласида мана шу фалъий муаммолар талқин этилади.

КОШИФИЙ (*тахаллуси*; асл исми Камолиддин Хусайн Воиз) (тахм.1440-1450, Сабзавор — 1504-1505, Ҳирот) — Ўрта Осиё ва Хуросонда ахлоқшунослик тараққиётига муносиб ҳисса қўшган машҳур мутафаккир. К. Нишопур, Машҳад шаҳарларида яшаган. 1470 й.да у Абдураҳмон Жомийнинг хоҳиши б-н Ҳиротга кўчиб келди ва бу ерда у нақшбандлик тариқатини қабул қилди. К. қолган бутун умрини Ҳиротда ўтказган. Ҳиротда катта олим ва мударрис бўлиб етишди, бутун умрини илм-фан ва насру назм равнақиға бағишлайди. Навоий ва Жомий К. б-н дўстона алоқада бўлдилар, унинг илм-фанга қўшган ҳиссасини юксак баҳоладилар. «Мавлоно Хусайн Воиз — «Кошифий» тахаллус қилур, Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, Ҳирот шаҳридадур ва Мавлоно Зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай, хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутаййин ва машҳур ишлари бор...» — деган эди Навоий унинг ҳақида. Ҳақиқатдан К. илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган. У воизлик санъатини пухта эгаллаш б-н бир қаторда иншо, илоҳиёт, фалакиёт, адабиёт, ахлоқшунослик, педагогика, фал. ва б. соҳаларда самарали ишлар қилган. У «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолайи Ҳотамия», «Анвори Суҳайли», «Махзан ул-иншо», «Футувватномаи султоний» ва б. рисолаларида ижтимоий-сиёсий, педагогик ва маънавий-ахлоқий фикрларни илгари суради. Уларда К.нинг хурфикрлик ғоялари яққол кўзга ташланади. Ушбу асарларда у давлатни оқилона бошқариш, ҳокимларнинг ўз фуқароларига муносабати, таълим-тарбия, илм-фан, ҳулқ-одоб қоидаларини эгаллаш ҳақида ўзининг инсонпарварлик ғояларини илгари суради. Бу борада, айниқса, унинг асосий асари ҳисобланган «Ахлоқи Муҳсиний» муҳим аҳамиятга эга. Рисола 1495 й. ёзилган бўлиб, унда олим давлат ва уни бошқариш йўллари таҳлил қилади, кўпроқ адолатли ва адолатсиз ҳукмдорларнинг фаолиятига эътибор беради. Айниқса, рисолада ахлоқ масалаларига кенг ўрин берилган бўлиб унда К. кишиларни одил, саховатли, доно, мард, шижоаткор, иффатли, ҳақиқатгўй бўлишга чақиради, ярамас иллатларни қаттиқ танқид қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи К. бой-зодагон оиласига мансуб бўлса ҳам, оддий халқ тақдирига бефарқ қарамади. Ўз асарларида халққа ғамхўрлик қилишни, уларни ҳақсизлик ва ўзбошимчаликдан муҳофаза қилишни кўрқмасдан ҳукмдорлардан талаб қилди. К. шоҳларни софдил, сахий ва адолати бўлишга даъват қилди. У илм-фан равнақи тарафдори эди, доимо билим ва касб-ҳунар эгаллаш зарурлигини уқтирди, жодиллик, тамагарлик, текинхўрлик ва ахлоқсизликнинг ҳар қандай кўринишини қоралади. Шунинг учун ҳам унинг маънавий-ахлоқий ғоялари кейинги а.ларда яшаган мутафаккирларга самарали таъсир

кўрсатди. «Ахлоқи Муҳсиний» асари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан кенг шуҳрат қозонди. У бир неча бор қайта кўчирилди, бошқа тилларга таржима қилинди. 1853 йилда машҳур ўзбек шоири Огаҳий томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинди. Эрон олими Абдурахим Набухийнинг хабар беришича, олий ўқув юртларда ҳозир ҳам К.нинг «Ахлоқи Муҳсиний» асари педагогика ва ахлоқшунослик бўйича асосий манба сифатида талабаларга тавсия этилади. Унинг «Анвори Суҳайли» асари эса Эронда таҳсил кўраётган англиз талабалари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳиндистонда ушбу асар кўп йиллар мобайнида давлат муассасаларига хизматга кирувчилар учун қўлланма бўлиб хизмат қилган. К.нинг «Ахлоқи Муҳсиний» рисоласи 1979-й. октябр тўнтаришига қадар Туркистон мадрасаларида талабалар томонидан мутолаа қилинган. Олим ва адибнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга бой ғоялари, маънавий-ахлоқий қарашлари ҳоз. мустақиллик шароитида ҳам баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

КРЕАЦИОНИЗМ (лат. creatio — яратиш) — дунёни Худо томонидан илоҳий қудрат орқали йўқдан бор қилиниши тўғрисидаги диний таълимот. Теистик динлар ҳисобланган иудаизм, христианлик, ислом учун айниқса характерли.

КРИШНА — ведалар таълимотига кўра, Худонинг Олий Шахси, барча экспансия ва аватараларнинг манбаи. К. ведалар таълимотининг асосий мазмуни «Бхагават-Гита» асарида Худо томонидан беш минг йил аввал Курўкшета жанг майдонида баён этилган. Бошқа барча муқаддас диний китоблардан фарқли ўлароқ, «Бхагават-Гита»да К. бутун борлиқни яратувчиси, унинг мавжудлигини таъминлаб турувчиси ва ҳатто Худонинг Олий Шахси деб эълон қилинди. Бошқа ҳеч бир шахс, ҳеч қачон ўзини Худонинг Олий Шахси деб эълон қилмаган. К. — Ведаларнинг мазмуни ва мақсади асос қилиб олинган. Ведалар таълимоти биз яшаб турган моддий олам б-н бир вақтнинг ўзида бошқача табиатга эга бўлган олам ҳам мавжудлигини таъкидлаб, уни руҳий олам, «Худонинг даргоҳи» деб атайди. К. бу моддий оламни ташқи қувватини намоён бўлиши деб таърифлаб, унинг саккиз унсурдан: ер, сув, олов, осмон, ифор, хаёл, тафаккур ва сохта ўзликдан таркиб топганини айтади. Руҳий олам Худо Шахсининг ички қувватидан иборат бўлиб, тирик мавжудотлар ҳам, ана ўша ички қувватга мансуб ва улар моддий табиатдан устун бўлиб уни бошқариш қудратига эга. Худонинг ички қуввати лаззат ва илмга тўла. Худонинг Олий Шахси К. абадий мавжуд бўлган руҳий ва реал мавжудод, лекин у ўткинчи — табиатга эга бўлган моддий оламда фаолият кўрсатиш учун ўзининг ҳар хил аватара ва экспансияларини намоён этади. Худ-

ди шунинг учун ҳам, Худо шахсининг сон-саноксиз номлари мавжуд: Иегова, Христос, Рама, Вишну, Нарайана ва б. Аслида руҳий табиатга эга бўлган, моддий оламдаги ҳар хил таналар асл ҳолатига қайтишлари учун К.нинг шахсини англаб етишлари зарур. Тирик мавжудот бундай имкониятга фақат инсон танасида эга бўлади. Чунки К. моддий оламдаги 8400000 турли мавжудотлар ичида фақат инсон танасини илм ўрганишга лойиқ қобилият б-н яратган. К.ни англаб етган инсон албатта унга боғланиб қолади ва унинг мангу даргоҳига кўтарилади. 70-й.ларда Ведалар таълимотини ғарбий давлат халқларига кенг тарқатишга муваффақ бўлган ҳинд тарғиботчиси Илоҳий Ҳазрат Свами Прабхупаданинг фаолияти натижасида кришнаитлар ҳаракати ҳоз. ғарбий давлатларда кенг ривожланиб, анъанавий христиан, ислом динларидан кейинги оммавий диний ҳаракатга айланган. К.ни Худонинг Олий Шахси эканини тан олиб, унга эътиқод қилувчилар бутун жаҳон бўйлаб «Халқаро К.ни англаш жамияти»га бирикканлар. Бу жамиятнинг марказлари дунёнинг қарийб барча давлатларида ташкил қилинган. Ўзбекистонда бундай марказлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида фаолият кўрсатапти.

КРИШНАМУРТИ Жидду (1895—1897)—ҳиндистонлик мутафаккир ва шоир. У 1909 й. ўз отаси хизмат қиладиган теософия жамиятининг аъзоларини ўзининг беҳосдан «ҳол» га тушиб қолиши қобилияти б-н лол қолдирган эди. К. теософия жамияти раҳбари А.Безант қўл остида тарбия олди. Теософия жамияти уни жаҳон устози, бутун инсониятни қаровчиси бўладиган зот деб ишонишган. Турли мамлакатларнинг ўн минглаб одамлари уни янги Пайғамбар деб эътиқод қилиб бораётган бир вақтда К. бу ролдан воз кечди. Чунки, унинг фикрига кўра, ташкиллашган эътиқод ҳақиқатга ҳар бир одам «ўз шахсидан эркин тошиб чиқиб» интуитив ёришув оқибатида эришиши мумкин. Шу маънода ҳар қандай фал-ий ва диний таълимот ҳақ йўлидаги тўсиқдан бошқа нарса эмас. «Менга сизнинг эътиқодингиз керак эмас, — дейди К. — Мен сизларни ҳеч нимага ўргатмайман. Ҳар бирингиз ўзингизга устоз бўлинг ва ўзингизга шогирд бўлинг. Токи биз ҳаётдан (яшашдан) кўрқар эканмиз, ўлимдан ҳам кўрқамиз. Тўлиқ мукамал яшамоқ учун унга тегишли ҳамма нарсадан сиз қадарлайдиган нарсадан, ҳам сизни хафа қиладиган ҳамма нарсадан ҳам воз кечмоғингиз керак дейди у. Гўзаллик ва муҳаббат ичра яшайдиган одам ўлимдан кўрқмайди, чунки севмоқ — ўлмоқ демакдир ва фақат шундагина сиз яшайсиз. К. дунёсидаги барча билимлардаги қотиб қолишга (стабилликка) қарши чиқади. У ўз шогирдларини эслаб қолишга эмас, балки билимни ҳосил қилишда биргалашиб қатнашувга чақиради; ҳақиқат-

ни чинакам тушунмоқ учун, унинг фикрига кўра, ақл доирасидан ташқарига чиқиш керак. Зеро ақл ўлимдан кўрқанидан дин ва фал-ий символлар ва умуман, ҳар қандай бошқа шартли «фаолият» орқасига яширинади. Унинг (бундай ақлнинг) фаолияти ўрнига шахснинг энг теран эркин моҳияти қаъридан етиб келадиган «фаоллик»ка интилиш керак. К.нинг бу ғоялари Шарқ анъанавий мистик фал-ий тафаккури руҳиятида бўлиб, тасаввуф (суфизм) б-н айнан муштаракдир.

КСЕНОФАН колофонлик (Xenophanes, мил.ав. 565-473) — қадимги юнон файласуфи, шоир. Элей мактабининг асосчиси. «Табиат ҳақида» асарида кўпхудоликка қарши чиқади. У антропоморфизмга қарши чиқиб, мифологияни рад этишга ҳаракат қилди. К. биринчи бўлиб, худолар инсонларнинг ижоди, деган фикрни айтган. Лекин ягона Худо мавжуд бўлиб, у на қиёфага эга, на фикрлайди, унинг ўзи нигоҳ, тафаккур ва эшитишдир. У ақл қуввати ила дунёдаги ҳодисаларни умумий тарзда идрок этади ва бошқаради К.нинг фикрича, Худо ҳамма нарсаларнинг дастлабки асосидир. Худо пайдо бўлмаган ва кўчма сифатга эга эмас. К.нинг Худо ҳақидаги қарашлари пантеизмнинг содда кўринишидир. Унинг фикрича, борлиқ яхлит, чексиз ва сокин. К. фал.си кейинчалик Парменид ва Зенонлар томонидан ривожлантирилди.

КУБРАВИА, Кубравийлик — тасаввуф фалсафасининг энг муҳим йўналишларидан бири. К. тасаввуф фал.сининг бошқа йўналишлардан нафақат инсонни руҳий-маънавий камолотга олиб боровчи йўналиш эканлиги б-н, балки инсон руҳий-маънавий оламининг шаклланиши жараёнини билишга эътиборни қаратгани б-н тубдан фарқ қилади. Унда инсон фақат илоҳиёт сирларини билишга интилувчи, ўзини бутунлай унутиб қўйган мавжудот эмас, балки ўзини қайта қуриш учун реал имкониятларга эга бўлган бунёдкор сифатида талқин қилинади. К. туфайли тасаввуф чинакам наз-ий асоси бўлган фал-ий дунёқарашга айланди, амалий-ахлоқий урф-одатлари, турмуш тарзи, хусусан таркидунёчилик, зоҳидлик доирасидан чиқиб, ҳақиқий инсон фал.си томон буриб юборилди. Бошқачароқ қилиб айтганимизда, тасаввуфга К. инсон муаммосини олиб кирди. Ўз навбатида К.да тасаввуф ваҳдати вужуд таълимоти ва футувват ғоялари б-н чамбарчас боғланди. Унинг диний-фал-ий, хусусан, инсон тўғрисидаги қарашларининг шаклланишида мусулмон маданий ва маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган суннийлик ғояларининг таъсири сезиларли Шунингдек, К. да шиалик ғояларига ҳам ҳурмат б-н қаралади. Суннийлик ва шиалик орасида вужудга келган турли можароларни бартараф этишга ҳаракат қилинади. 12-13-а. К. тариқати нафақат Мо-

вароуннаҳр ва Хуросон, балки Ҳиндистон, Ироқ, Кашмир минтақаларида ҳам кенг тарқалди. Кейинчалик К. тариқатидан фирдавсия (асосчиси Бадриддин Фирдавсий), нурия (асосчиси Абдурахмон ал-Исфароиний), рукния (асосчиси Рукниддин ибн Шарафиддин), ҳамадония (асосчиси Мир Сайид Али Ҳамадоний), игтишошия (асосчиси Исҳоқ ал-Хутталоний), нурбахшия (асосчиси Абдулло Нурбахш) каби турли шохобчалар ажралиб чиқди ва алоҳида тариқат даражасига кўтарилди. К. биринчилардан бўлиб, сўфийлар дунёқарашда узок вақтлар ҳукмронлик қилган илоҳий ҳақиқатни инсон фақат фонийлик, яъни буткул ўзлигини йўқотган беҳудлик ҳолатида, беҳуш, девона бўлган пайтидагина билишга қодир, деган ғояга қарши чиқди. Кубро илоҳий қадриятни билишда Жунайд Бағдодий (вафоти 910 й.) асос солган «саҳв», яъни «хушёрлик» йўлини янада ривожлантирди. Худди шунинг учун ҳам бутун олам, жумладан инсон олами сирларини билиш учун ҳам ахлоқий-зоҳирий, ҳам ботиний — важдий билимларни эгаллаш зарур эканлигини таъкидлади. К.да илк марта «офоқ ва анфус» наз-ясини тасаввуф фал.сига татбиқ этди. Ушбу наз-яга кўра, олам бир бутун («олами Кабир») бўлиб, илоҳий олам (олами Кубро) ва инсон олами («Олами сағир») бирлигидан иборат. Илоҳий олам б-н инсон олами ўзаро диалектик алоқадор. Шунинг учун ҳам инсон онги ва фаолиятида бўладиган ўзгаришлар, шубҳасиз, бутун олам (олами Кубро) б-н чамбарчас боғлиқ. К. таълимотига кўра, ҳар бир инсон ўзига хос кичик олам (олами Суғро) бўлиб, унда бутун оламининг (олами Кубро) барча хусусиятлари ўз аксини топади. Оламни яхлит, тўла тасаввур қилмоқ учун, яъни «олами Кубро»нинг турли-туман хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмоқ учун нафақат илоҳий олам, балки инсон оламининг ҳам сирли сифатларини билмоқ даркор. Инсон агар у тинимсиз изланса, илоҳий оламининг ҳам, инсон оламининг ҳам сиру-сифатларини билиб олади. Оламининг бирлигини билишга, энг аввало, олами кабир, яъни илоҳий оламининг сиру-асрорларини билиб олиш лозим. Илоҳий сифатларни инсон камолот пиллапояларидан кўтарилиб, аста-секин эгаллайди. Лекин бундай мураккаб йўлни босиб ўтиш учун ҳар қандай шогирдга пиру-комил, ҳақиқий устоз раҳнамолик қилиши зарур. Чунки, Аллоҳ васли томон интилаётган шогирд босиб ўтиши зарур бўлган мураккаб йўлда, яъни зикру, хилват, муроқаб ва мушоҳада чоғида унинг бошида турли халёллар чарх уриб, қалбини ҳар хил ҳис-туйғулар қамраб олиши мумкин. Ана шундай пайтда унга мурийд раҳнамолик қилмаса, мурийд шайтон йўлга кириши ҳеч гап эмас. Инсон илоҳий олам сирларини кўзи б-н кўра олмайди, қулоғи б-н эшита олмайди, балки руҳиятида, маънавиятида бўладиган ўзгаришларни ўта хушёрлик б-н ақл-фаросат

ёрдамида таҳлил қилиш орқали эришади. К.да илоҳий оламни билишда интуитив тафаккур муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳар томонлама исботлашга ҳаракат қилинади. К.даги «латоиф» наз-ясида инсонни руҳий ҳолатида бўладиган ўзгаришлар, турли ҳис-туйғулар, кечинмалар, ҳаяжонларнинг вужудга келиши ва уларни ўзаро алмашиниб туриши турли шакллар ва рангларда намоён бўлади. Бу наз-яга кўра, инсон руҳий ҳолатида бўладиган ўзгаришлар турли шакллар (нуқта, доғ, доира) ҳамда турли рангларда намоён бўлади. Ҳар бир шакл, ҳар бир рангда маълум маъно яширинган бўлади. Хусусан, доира-фалакни айланиб туришни ифодаласа, доғ-дунё тимсолидир, нуқта эса, ваҳдатдир. Доира ўз ўқи атрофида айланиб тургани учун, нуқта томон узлуксиз интилади. Шунинг учун ҳам нуқта моҳиятини англаш орқали инсон илоҳий олам моҳиятини идрок этади. Доира, доғ ва нуқта ҳолатларининг ўзгариб туриши турли рангларнинг алмашиниб туришида ҳам намоён бўлади. Уз навбатиди, рангларнинг алмашиниб туриши инсон руҳий ҳолатини характерлайди. К.нинг таълимотига мувофиқ, оқ, сариқ, зангори, яшил, кўк, қизил, қора ранглар инсон руҳий камолоти даражаларини ифодалайди. Оқ ранг — исломни, сариқ ранг — иймонни, зангори ранг — эҳсонни, яшил ранг — ишонччи, кўк ранг — тўлиқ ишонччи, қизил ранг — ирфонни, қора ранг — ҳаяжонни (ҳайратни) англатади. К.нинг таълимотича, инсон Худо васлига етмоғи учун нафақат руҳан пок, балки маънавий етук ҳам бўлмоғи зарур. Бунинг учун эса ҳар бир мурид, ҳар бир солиқ қуйидаги ўн ахлоқий талабни бажармоғи даркор. 1) тавба — ҳар бир қилинган кичик хато ёки гуноҳ учун дарҳол Худодан кечирим сўраш, пушаймон қилиш; 2) зуҳд — тақво, парҳез демак. Тавба қилган кишининг ҳаромдан ҳазар қилиши, Оллоҳдан қўрқиб, маън этилган ишларни қилмаслиги; 3) таваккул-қундалиқ амалий фаолиятида ёлғиз Оллоҳга суяниш, ўз ихтиёрини Худога топшириш. 4) қаноат б-н озга рози бўлиб, кўпдан воз кечиш; 5) узлат-бошқалардан ажралиб, якка ўтириш; 6) таважжуҳ — бутун вужуд б-н Худога сизгинмоқ; Яратганга юзланиб, ундан мадад сўраш, Аллоҳга қалбдан интилиш; 7) сабр — бошга тушган оғир аҳволдан нолимасдан, турли азоб-изтиробларга чидаш; 8) мувоқабат — Тангри борлигининг денгизига шўнғиб, илоҳий оламни кузатмоқ, илоҳий оламга — хаёлан сайр қилмоқ; 9) зикр — дилда ҳам, тилда ҳам Худони ёд айламоқ; 10) ризо — Тангри иродасига қаршилик кўрсатмасдан, тақдир ҳукмига бўйсунуш. К. таълимотига мувофиқ, инсон руҳий-маънавий камолотга эришувининг энг муҳим шартларидан бири — умрни зое кетказмаслик, беҳуда ишларга сарф қилмасликдир. Инсон умри жуда тез ўтиб кетадиган, тарих учун арзимас бир фурсатдир. Шунинг учун ҳам, ўлим ва охиратдан кўра

яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ. Инсон маънавий қиёфасини безаб турадиган энг муҳим безак тавозе, энг хунуги бахилликдир. Яхши хулқ яхшилик устига яхшилик олиб келса, ҳасадгўйлик ёмонлик устига ёмонлик қўшади. Доимий саъй-ҳаракатда бўлган киши ҳамиша зафарларга эришаверса, лоқайд, дангаса эса, муваффақиятсизликларга гирифтор бўлаверади. К.нинг таъкидлашича, инсоннинг маънавий етуклиги ўз нафсини тия билиш б-н ҳам ўлчанади. Ўзини-ўзи тарбиялай олган ва турли шаҳватлардан ўзини тия олган киши энг қудратли инсондир. К.таълимоти мусулмон фал.си, олам ва одам тўғрисидаги фал-ий фикрлар тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди (яна қ. Нажмиддин Кубро).

КУЗАТИШ — илмий билишнинг амалий методлари туркумидан бири. У энг қад. тадқиқот воситаси ҳисобланиб, узоқ ўтмишдан то ҳоз. давргача илмий изла-нувчиларнинг асосий таъширув қуролиларидан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда. Мазкур методнинг объектив (ташқи) ва субъектив (ички, ўзини-ўзи, яъни интроспекция йўналиш) К. турлари мавжуд. К. орқали табиат ҳодисалари, одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, асаб тизимининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти ва ҳ.к. ўрганилади. Ҳатто ташқи К.да: иш устидаги кайфиятини, фикрнинг муайян объектга йўналтирилганини, ташқи ўзгаришлар таъсирига берилмаслигини, қиёфадаги ўзгаришларни, кўздаги ғайритабиийликни, шунингдек синчковлик, теранлик, термулиш каби руҳий ҳолатларни кузатиб, тафаккур жараёнидаги ўзгариш-ни аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, қўлнинг титраши, асабийлашиш, нутқнинг бузилиши, ҳиссиётнинг беқарорлашуви ҳам инсон руҳиятидаги ўзгаришлардан маълумот беради. Психология фанида ўзини ўзи К.дан (интроспекциядан) ҳам фойдаланилади. Чет эл психологиясида ўзини ўзи К.нинг инсон руҳиятини ўрганишдаги ролини ифодаловчи илмий-амалий материаллар тўпланган. Лекин инсон турли вазиятларда ўзини ўзи бир хил бошқара олмаганлиги туфайли бу методнинг илмий аҳамияти маълум даражада пасаяди. К. методининг технологияси: 1) воқелик содир бўлишини, атроф-муҳитни, инсон шахсини К. муайян қисмларга, йўналишларга ажратиш; 2) К.нинг кўлами, хусусияти ва ўзига хослигини аниқлаш, яъни унинг нималарга қаратилишини белгилаб олиш; 3) К. жараёнида барча ҳолат, аломат ва ташқи қиёфа, кўринишининг ўзига хослигини қайд қилиш; 4) К. давомида тўпланган омилар, маълумотларни математик статистика методлари ёрдами б-н ҳисоблаб чиқиш. К.нинг мақсади (кузати-лувчи вазиятга ишонч ҳосил қилиш), объекти (гуруҳ, табиат, ҳайвонот олами, муомала жараёни, шахснинг фаолияти), предмети (руҳий ҳолат, ҳодиса,

жараён, сифат, фазилат, хислат), нутқ актлари, новербал нутқ ифодаси, вегетатив реакциянинг кўриши ўрганишнинг асосий таркибларидир. К.нинг турлари (системали, эпизодли, дала шароитли, лабораториявий, табиий, хронологияли, даврий, бир мартали) воситалари (Ф.Гилбертнинг «Иш куни фотографияси», А.К.Гостев хронокартаси), шакллари (аралашиб яшириш К., кузатилувчининг психологик қиёфасини яратиш, аралашиб ошкора К., хулқ-атвор портретини таҳлил қилиш ва ҳ.к.) мавжуд. К. жараёнида Р.Бейлзанинг интракция методикасини (баҳс, мунозара кезида ўзаро таъсир ўтказиш имкониятини аниқлаш учун) қўллаш ижобий натижалар беради. К. табиий жараёнларни ўрганишда нарсалар моҳияти, К. мақсадига кўра оддий, визуал ва илмий, муайян техник воситалар кўмагида амалга оширилади.

КУЛГИЛИЛИК — инсоннинг воқеа ва ҳодисаларга ўзига хос муносабатларидан бири. Дунёга кулгули нигоҳ б-н қарашдир. Бундай қарашни мавжуд воқелик ва унинг беўхшов томонлари ташкил этади. К. воқелик муайян сифат ҳолатининг бузилишидир. Барча тадқиқотчилар бир овоздан К. категориясининг мураккаблиги ва унинг тушунчалар тизимини англаб, инъикос этиш жуда қийинлигидан нолийдилар ва огоҳлантирадилар. Масала шундаки, кулги кўзгайдиган ҳодисаларнинг бениҳоят кўплиги, энг муҳими, К. кўлами ҳамда чегарасининг ўта ҳаракатчан, кўнимсиз, ўзгарувчан бўлиши натижасида нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулги кўзгайдик, нима, қачон, қачон, қаерда, қандай шароитда кулгини тўхтатади ёки умуман кулгига олиб келмайди, деган саволга бир мазмунда жавоб топиб бўлмайди. К. таърифига, илмий тушунчасига нисбатан ишлаб чиқилган нуқтаи назарлар, фикр-мулоҳазаларнинг ўта хилма-хиллиги, ранго-ранглиги шундан келиб чиққандир. К.га нисбатан мавжуд бўлган қарашларнинг хилма-хиллиги, табиийки, нафақат нарса, ҳодиса б-н боғланибгина қолмай, балки унинг ижтимоий алоқадорлиги, гўзаллик ва К. тушунчаларининг у ёки бу талқини б-н ҳам боғланганлигидадир. К. тушунчаси талқинининг ҳар бири одатдагидек ўзининг аниқ, оқил маъзига эга бўлади, К. бўлган баъзи томонларини очиб беради, лекин шу б-н бирга, воқеанинг бир томонини бўрттириб, ҳаддан ташқари ошириб юборадида, кейин уни К.нинг мутлақ қондасига айлантиради. К. б. эстетик ҳодисалар сингари фақат объектив жиҳатга эга бўлмай, балки субъектив томонларни ҳам ўзида бирлаштиради. К.нинг субъектив томони кенг маънодаги мutoйиба (юмор) туйғусидир. (Мольер юмор туйғусини инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган хусусият, деб атаган эди). К.нинг субъектив томони бўлган мutoйиба туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиш натижасида хилма-хил кулгили беўх-

шовликларни кўриб, англаб, уларга кулги б-н жавоб бериш қобилияти ифодасидир. Бу туйғу жуда мураккаб ақлий туйғу бўлиб, унда шахс ўзининг бутун борлиги б-н намоён бўлади, унинг ҳис-туйғу ва ақлий маданияти, орзу-умидларининг табиатини намоёиш этди. Кулги муайян даражада ўз манбаи ва ўз намоёндаси б-н бирга яхлит бирликни ташкил этади. Бевосита К. б-н боғлиқ бўлган кулги, инсоннинг ташқи кўриниши б-н унинг асл моҳияти ўртасидаги номувофиқлик зиддияти, амалдаги воқелик б-н юксак нафосатли орзуларга мос келиши керак бўлган воқелик ўртасидаги муҳим тафовутлар, беўхшовликлар, келишмовчиликларни табиий англаш натижасида вужудга келади. Баъзи одамлар ўзининг пасткаш, жоҳил, лоқайд, худбин моҳиятини ташқи виқор, олифталик, такаббурлик б-н «безаб» кўрсатмоқчи бўлади. Бундай одамларни учратганда ҳам кулиш мумкин. Кулишимиз манбаи одамдаги моҳият б-н кўриниши ўртасидаги беўхшовлик бўлса, қувонишимиз сабаби мазкур ҳақиқатни англашимиздан, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш қобилиятимиз мавжудлигидан келиб чиқади. Кулги ўз табиати жиҳатидан демократик мазмунга эга бўлиб, у барча одамларни бир-бирига қовуштириб бараварлаштиради, чунки кулишаётган одамлар ўзаро тенглашадилар. Кулги эскилик б-н курашнинг омилкор воситасигина бўлибгина қолмай, балки инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсоли ҳамдир. К. ўзининг барча хилма-хил кўринишлари, бойлиги б-н санъатнинг меъморчиликдан бошқа деярли ҳамма турларида намоён бўлади, лекин ўзининг энг тўла бўлган ифодасини комедияда топади. Кулгининг комедияда ўйнайдиган махсус роли кўп жиҳатлардан унинг ўзига хос ижтимоий бурч-вазифаларида ўз ифодасини топади. Комедия, биринчи навбатда, бадий танқид ва ўз-ўзини танқид қилишнинг ўзига хос шаклидир. Комедияларнинг асосан танқидий йўналганлигини кўпинча ўта соддалаштириб, комедия ёмон хулқ, ёмон одам, ёмон ҳодисаларни тўғридан-тўғри, бевосита тузатишга, яхшилашга олиб келади, деб тушунадилар ва тушунтирадилар. К.нинг бадий шакллари орасида масхара (сатира) алоҳида ўринга эга. Умумнафосат маънода масхара воқеликни бадий тасвирлаш тури бўлиб, унда ҳаётнинг салбий ҳодисалари устидан кулиш-бундай ҳодисалар асосида юксак инсоний орзуларга зид эканлигини бўрттириб кўрсатиш мақсади ётади. Масхара санъати ҳар хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Унга лирика ҳам, эпос ҳам, драма ҳам ёт эмас. Шунинг б-н бирга ифода кучининг ўзига хос мақсадлари ва воситалари б-н фарқланадиган санъатнинг ўзига хос алоҳида турини ташкил қилади. Масхара марказида доим ҳаётнинг салбий воқеа ҳодисалари жойлашган бўлиб, буни фош қилиш кучи уларга қарши қаратилган бўлади. Масхара кенг ҳажмли комедия турларидандир. Атоқли

ёзувчилар Петроний, Ювенал, Свифт, Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Булгаков, Саид Аҳмад ва б.нинг асарларида масхара умумбашарий муаммоларни кўтариш даражасига чиқади ва бу томондан фожеа б-н яқинлашади. Масхара бадиий умумлаштиришнинг алоҳида тури сифатида мумкин қадар кенг мушоҳадаларга интилади. Шу боисдан масхара объекти бўлган кимсалар гоҳида йирик рамзий умумлашмалар даражасига кўтарилади. Масхара мазмунининг хусусияти, унинг муболаға (гипербола) ва ғаройибот ҳажви (гротеск) каби кескин бўрттириш воситаларидан келиб чиқади. Кулгили санъат турлари ва хиллари орасида ҳазил туйғуси (юмор) ҳам алоҳида ўринга эга. Унинг бирон-бир К. тури амал қила олмайди, у энг буюк қадрият сифатини ташкил этиб, унга мойиллик кўрсатган одамлар, одатда, барча улуғворлик, ахлоқлилик, олижаноблик ҳис-туйғуларининг нақадар буюк ва қадрли фазилатлар эканлигини ҳам чуқур англайдилар. Ҳаёт икир-чикирлари, камчиликларини танқид қилаётган ижодкор ҳазил туйғусининг юксак сифат даражасида намоён бўлиши ҳамда шахс маънавий юксаклигининг кўрсаткичи деб инсоннинг нуқсонлар, кулгили томонларини фақат б.дагина эмас, балки ўзида ҳам топа билиш ва кўра билиш қобилиятини кўрсатади. Ҳазил туйғуси ўзида танқид б-н ўз-ўзини танқидни узвий боғлайди. У воқеликка ҳиссий муносабатнинг алоҳида шакли сифатида масхарали комедия асарининг таркибий қисми ва ифода воситаси бурчини ҳам адо этиши мумкин. К.нинг барча шакллари улар қанчалик эркин намоён бўлиб борса, шунчалик кўп аҳамият касб этадилар. Ривожланган ҳазил туйғуси, ҳаётнинг кулгили томонларини нозик илғаб олиш ва фаҳмлаш қобилияти ривож борган сари шахснинг маънавий руҳий соғломлиги ҳамда баркамоллиги кўрсаткичи бўлиб бораверади.

КУН (Kuhn) Томас Сетюзл (1922 й) — Америка тарихчиси ва файласуфи, фан фалсафасидаги тарихий-эволюцион қарашларнинг пешқадамларидан бири. У ўзининг «Илмий инқилоб структураси» асарига фаннинг тарихий-мантиқий динамикасини кўрсатиб берди. К. мантиқий эмпиризм ва танқидий рационализм ҳақида фикр юритади. У муаммонинг марказига фал. б-н тарих фанини қўяди. Тарих фани эволюцияси асосида эпистемология концепцияси туради, деб кўрсатди. У Поппернинг «Фан билим тизими бўлиб, маълум методологик ва мантиқий усулларга асосланади», деган фикридан воз кечиб, унинг ўрнига илмий жамоатчилик фаолиятини қўйиш керак, дейди. Бу шуни кўрсатдики, мантиқий-методологик омил тарихийликдан устун туриш ҳолати ўз аҳамиятини йўқотиб боради, илмий жамоатчиликнинг фикри эса, устун даражада ривожланади, парадигмалар пайдо бўлади. К. янги парадигмаларнинг алмашуви фанда инқилобий ўзгариш-

ларга олиб келишини кўрсатди, нормал (расмона) фаннинг шаклланиш концепциясини яратди. Ҳар бир парадигма ўз стандартининг рационаллигини белгилайди, натижада формал мантиқ доирасидан чиқиб кетади. Илмийлик ва ноилмийлик чегарасини ҳар бир парадигманинг ўзи белгилайди, бу эса илмий жамоатчиликнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Фан фактларни наз-я асосида таҳлил қилади, фактлардан наз-ий ҳукм чиқаради, у фактларнинг ичига, моҳиятига қариб боради. Шунга кўра, парадигмаларнинг ўзгариши амалиёт б-н мутаносиб эмас, деб кўрсатади. К. илмий билим объектив эканини тан олган ҳолда, илмий ҳақиқатнинг нисбий эканлигини таъкидлади. Фан раванқини фақат нормал фан кўлами, ундаги муаммоларни ҳал қилишни таъминлайди. К. фандаги узлуксизлик б-н узилишни, нисбийлик б-н мутлақликни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, илмий билишнинг мантиғига етарлича эътибор бермади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ — Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган концепцияси. У давлатчилик борасидаги тараққиёт йўлимизни ҳам акс эттиради. Ўзбекистон ўз мустақил давлатчилигини қўлга киритганидан сўнг жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва республикаимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, одил, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни стратегик вазифа қилиб белгилади. Ушбу вазифани амалга оширишда кучли давлатдан — кучли жамият сари бориш концепцияси амалий ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб борган сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳалларнинг нуфузи ва мавқеининг ортиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши кучли жамият асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамиятни бошқариш борасидаги вазифа (функция)лар икки йўналишда қайта тақсимлаб борилади. Биринчиси — давлат марказий идораларининг айрим ҳуқуқ ва вазифалари маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказилади. Иккинчиси — жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва масъулиятини ошириб, давлат ваколатларининг бир қисмини улар зиммасига ўтказилади. Мамлакатимизда бошқарув, жамоатчилик б-н алоқадор вазифаларни ўз зиммасига оладиган бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар, турли жамғармалар вужудга келди ҳамда улар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда.

Айниқса, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалланинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Республикамизда жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортаётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

КЪЁРКЕГОР (Kierkegaard) Сёрен (1813.5.5. — Копенгаген — 1855.11.11) — даниялик файласуф ва теолог. К. Гегелнинг ақл «тизим»ига қарши чиқади ва ўзининг экзистенция тўғрисидаги фикрини баён қилади. Маълумки, Гегель ҳамма нарса тушунчада ифодаланади, инсон борлиги ҳам тушунчада тўлиқ ўз ифодасини топади, деб кўрсатган эди. К. бу фикрга қарши инсон «экзистенция»сини тушунча б-н ифодалаб бўлмайди, ундан доим «сирганиб» чиқиб кетади, дейди. Унингча, инсоннинг ички дунёсини, ўзлигини билишга илмий методни қўллаб бўлмайди. Яшаш — бу «ички» дунё бўлиб, инсоннинг бетакрорлигини кўрсатади. Бу йўлни К. Гегелнинг мавҳум диалектикасига қарши қўяди ва уни «Экзистенциал диалектика» деб атади. У ҳақиқий мавжудлик томон илгариллаб боришнинг уч асосий босқичини кўрсатди: эстетик, ахлоқий ва диний экзистенция. Биринчи босқич заминда яшашга ва ҳузур-ҳаловатга қизиқиш, инсон эҳтиёжини (ташқи дунёдан) қондириш ётади. Бунда яшаш йўлини танлаш энг оддий шаклда бўлади, чунки объект инсон ҳис-туйғуларини қондириш асосида танланади. Иккинчи, ахлоқий босқичда инсон ўзини ўзи англайди, ўз масъулиятини ҳис қилади. Бироқ, инсонда ақл, ахлоқий қоидаларга асосан шаклланади. Буларнинг барчасини, яъни яшашнинг моҳияти ва маъносини

инсон диний босқичда ҳис қила олади. Инсон азоб чекиш эвазига яшаётганини билади, дейди К. Унинг таълимоти 20-а. экзистенциализм фалсафига наз-ий асос бўлди.

КўПАРТИЯВИЙЛИК — 1) жамиятда бир неча сиёсий партияларнинг мавжудлиги; 2) жамиятнинг эркинлиги демократлашув ва сиёсий хилма-хиллик даражасининг муҳим кўрсаткичи. Мазкур тамойил жамиятда турли партияларнинг эркин фаолияти учун ижтимоий-ҳуқуқий шарт-шароит яратишни кўзда тутди. Бундай шароитда партиялар ўз дастур ва сиёсатларини конституция асосида амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бу борада жаҳондаги илғор мамлакатларнинг тажрибаси қатта аҳамиятга эга. Жамиятнинг пешқадам ва фаол аъзоларидан ташкил топган сиёсий партиялар ушбу мамлакатлар ҳаётида ўзига хос мавқега эга. Бу уларнинг жамиятни эркинлаштириш, сиёсий плюрализм муҳитини шакллантиришдаги фаолиятида яққол кўзга ташланиб туради. К. тоталитар давлатлар учун ёт бўлса, демократик жамият ҳаёт тарзининг ажралмас таркибий қисмидир. Муайян мамлакатдаги сиёсий эркинлик ва инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги даражаси ҳам ана шу тамойилга нисбатан аниқланади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин К. тамойилни амалга ошириш учун имконият яратилди. Ўзбекистон Конституциясида ва Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунида К.нинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган. Мамлакатимизда мавжуд бўлган Ўзбекистон халқ демократик партияси, Алолат социал демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва Миллий тикланиш партияси ана шу асосда фаолият юритадилар.

Л

ЛАБРИОЛА (Labriols) Антонио (1843.12.7, Кассино — 1904.2.2, Рим) — италиян файласуфи. Италия социалистик партиясининг асосчиларидан бири. Л. позитивизм нуқтаи назаридан Маркс таълимотини таҳлил қилди, унинг табиат ва жамиятни материалистик тушуниш наз-ясини кескин танқид қилди. Л. фикрича, тарихий материализм табиатшунослик б-н узвий алоқада бўлмай турли «материя метафизикаси» бўла олмайди. Инсон фақат тарих субъектигина бўлиб қолмасдан, балки унинг ижодкори ҳамдир. Л.нинг таъкидлашича, борлик усули охириқабатдагина онга нисбатан бирламчидир. Жамиятнинг иқтисодий анатомияси — жамият умумий манзарасининг фақат бир қисмидир. Л. талқинида

марксизм фақат метод сифатида, ҳаракат орқали оламни билиш усули сифатида қадрлидир. Тарих субъекти ўзи учун яшаш муҳитини ишлаб чиқариш воситаларини шакллантиради, бу б-н ўзини ҳам яратди. Л.нинг ижтимоий фал-ий қарашлари унинг асарларида ўз ифодасини топди. Унинг энг асосий асарлари: «Тарихий материализм тўғрисида» (1897), «Тарихий материалистик тушуниш очерклари» (1925).

ЛАКАТОС (Lakatos) Импе (1922—1974) — фан тарихчиси, фан методологияси ва фалсафаси соҳасида тарихий мактаб етакчиларидан бири. 1958 й.дан Англияда яшайди. Бу ерда унга К. Поппер ва Д. Поппоялари таъсир қилади. Л. билимнинг ўзгариш жара-

ёнларини мантиқий — меъёрий қайта қуриш ва фаннинг эмпирик тарихини батафсил ўрганиш асосида илмий наз-я тараққиёти мантигини яратишни ўз тадқиқотларининг мақсади деб билди. У давтаввал ўзининг дедуктив фикрий тажриба мантиги вариантини таклиф қилди. Шу вариантини 17–19-а.ларда математика тараққиётини қайта лойиҳалашда қўллади. У ўз саъй-ҳаракатларининг натижаси сифатида бетакрор мантиқий — меъёрий лойиҳалашни илмий — тадқиқот методологиясини ишлаб чиқди. Л. методологияси етук фан тараққиётини ўзаро боғланган наз-яларнинг узлуксиз ўрин алмашуви деб қарайди. Бу узлуксизлик илмий тадқиқотда қайси йўл ўта истиқболли («ижобий эвристика») эканини, қайси йўлни четлаб ўтиш лозим («негатив эвристика») лигини белгилаб берувчи меъёрлар томонидан тақозо этилади. Л. фикрига кўра, тадқиқот режалари тараққиётида икки асосий босқичларни, яъни янги (истиқболли) ва эски (имкониятлари тугаган) босқичларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Янги босқичда «ижобий эвристика» эмпирик ва наз-ий мазмунни кенгайтирувчи илмий тахминлар (гипотеза)нинг олға сурилишида фаоллик қилади, бироқ кейин тадқиқот режалари тараққиёти кескин секинлашади, унинг «ижобий эвристикаси» кашфиётчилик қудратини йўқотади ва натижада фақат мавжуд ҳолатга алоқадор тахминий фикрлар сони ортиб кетади. Л. билим тараққиётига оид Поппер ва Кун таълимотларини бир қатор камчиликларини бартараф этган бўлса-да, ўз таълимотининг мантиқий—меъёрий характерини илмий билимлар ўзгариши ва ривожланишининг мураккаб ва кўп қиррали реал жараёнига мослай олмади. Унинг таълимоти барча илм соҳалари учун яроқли умумий методология бўла олмайди.

ЛАМАРК (Lamarck) Жан Батист (1744.1.8, Базенген, Пикардия — 1829.18.12, Париж) — француз табиатшуноси, органик оламнинг узлуксиз ривожланиш таълимотининг асосчиси. Л.нинг эволюцион ғоялари фақат 19-а.нинг иккинчи ярмида, олим наз-ясини «Зоология философияси» (*Philosophie zoologique*), «Умуртқасизларнинг табиий тарихи» (*Historie naturelle des animaux sans vertebres*) ва б. асарларида баён қилгандан кейин унинг ихтироси оламшумул аҳамиятга эга эканлиги тан олинди. Сабаби, Л.Чарлз Дарвиннинг эволюцион наз-ясига асос солганлиги яққол аниқланди. Л. ўз замонаси табиат илми натижаларини умумлаштириб, ташқи муҳитнинг ўзгариши организмларда янги хоссаларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва бу хоссалар наслдан-наслга ўтиб туради, деган қонидани маъқуллади. Олимнинг нуқтаи назарича, тирик нарса махсус моддий «флюидлар» ёрдами б-н нотирик нарсдан пайдо бўлади, шуниси ҳам борки, аввал энг оддий шакллар ташкил топиб, сўнгра улардан аста-секин мураккаброқ

шакллар ривожланиб чиқади. Л.нинг эволюциясида ташқи муҳитнинг ва ирсиятнинг роли ҳақидаги ғоясидан Дарвин ўзининг эволюцион наз-ясида фойдаланди.

ЛАМЕТРИ (Lametrie) Жюльен Офре Де (23.12.1709, Сео-Мало — 1751 й. Берлин) — француз файласуфи, врач. Ёшлигиданоқ диншунослик ва тиббиёт фанлари б-н шуғулланган. Ҳарбий хизматда полк врачлари лавозимида ишлаган. Оғир безгак касаллигига дучор бўлгач, зеҳни ўткир инсон, олим ўзининг касаллигини кузатиш жараёнида физика ва фал. фанларини ўрганишга қизиққан, инсоннинг руҳий ҳолати унинг жисмоний вужудига боғлиқ, деган хулосага келган. Унинг биринчи илмий асари «Жон тўғрисида рисола» (1745) ана шу кузатишларга асосланган эди. Ушбу асари учун дин пешволари назорати остига тушган, асари ёқиб юборилган, ўзи эса парламент қарорига биноан мамлакатдан Голландияга сургун қилинган. Бу ерда Л. ўз номини яшириб, «Инсон-машина» (1747) асарини нашр этган. Ушбу китоб ҳам ёқиб юборилган. Пруссия қироли Фридрих II нинг таклифи б-н Берлинга кўчиб келган ва умрининг охиригача шу ерда яшаган. Маълумотларга кўра, Германияда Л.ни жуда яхши қабул қилишган ва унга қулай шароит яратиш берилган. Берлинда у «Инсон-ўсимлик» (1748) ва «Эпикур системаси» (1751) асарларини ёзган. Л. 1751 й.да даволаш усулидан ўзида синаб кўриш оқибатида вафот этган. Француз олимлари орасида биринчи бўлиб, механистик материализм фал.си тизимини кашф этган. Ҳаракатдаги моддий субстанцияни ҳодисалар, жумладан онгнинг асоси деб билган. У Декартнинг ҳайвонларда ҳиссий сезиш хусусияти йўқ, чунки, улар оддийгина автомат шаклида яратилган мавжудотдир, деган фикрини рад этиб, «инсон ва ҳайвон табиат маҳсулидир, чунки улар табиатнинг бир хил тупроғидан яратилган», — деган хулосага келган. Инсон эса ҳайвондан ўзининг кўпроқ эҳтиёжи ва шу боис, ақлининг кўплиги б-н фарқ қилади, дейди. Унинг ушбу фикри асосида — эҳтиёж танадаги ақл ўлчови, деган хулоса ётар эди. Л.нинг механистик фал.си, айниқса, унинг инсонни ўз-ўзидан ҳаракатга келадиган соат механизмлари каби ишлайдиган мавжудотдир, деган фикрларида намоён бўлади. Л. ўзининг сўнги асарларида эволюцион наз-я ғояларини кашф этиб, ўсимликлар ва жониворлар дунёлари материясининг узоқ й.лар давомида ривожланиш натижасида ташкил топган деган хулосага келган. Л. оламни билиш тўғрисида сенсуализм наз-ясини ривожлантирган. Унинг фикрича, ташқи дунё инсоннинг «мия экраниди» акс этади. Унинг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик ғояларини кузатиш мумкин. Л. фикрича, инсон доимо хузур-ҳаловатга интилади, бу эса унинг олий хислатидир. У ижтимоий манфаатларнинг жамият-

даги ролига ҳам катта эътибор берган. Ижтимоий тараққиёт омиллари сифатида машҳур шахсларнинг фаолиятларига ҳамда маърифатпарварликка катта эътибор берган. Л.нинг фал-ий таълимоти Франциянинг қомусий олимлари Д. Дидро П.Гольбах ва К.Гелвецийларнинг фал-ий қарашларига катта таъсир кўрсатган.

ЛАО — ЦЗИ, асл исми Ли Эр (хитой. «кекса муаллим») — Қадимги Хитой мутафаккири. Мил.ав. 6-а. бошларида яшаган. Л.Ц. даосизм таълимотига асос солган. Л.Ц. табиатни ягона борлиқ деб эътироф этган. Унинг фикрича, инсон табиатни ҳаракат манбааларини кўзга кўринмас, ўз ҳис-туйғулари б-н билиб бўлмайдиган шаклсиз абадий майда заррачалар — дао б-н боғлаган. Шу боис, дао табиатдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асоси, сабабчи-си деб билган. Даонинг хусусиятлари тўғрисида фикр юритар экан, Л.Ц. унда иссиқлик ва совуқлик, ёруғлик ва қоронғулик, юмшоқлик ва қаттиқлик, узоқлик ва яқинлик, баландлик ва пастлик, яхшилик ва ёмонлик, ҳаракатчанлик ва ҳаракатсизлик каби қатор чексиз аломатлар мавжуд эканлигини эътироф этади. Салбий хусусиятлар даога нисбатан ёмон ҳаракатлар, қаршиликлар мавжуд бўлгандагина юзга чиқади. Мас., бахтсизлик инсон ҳаётида даога нисбатан қаршилик кўрсатилганда, унинг нормал фаолияти бузилгандагина рўй беради. Дао таълимотида диалектика элементлари мавжуд: табиат ва жамиятда барча нарсалар ўзгариб туради, доимо ҳаракат ва тараққиётда бўлади. Табиат ва жамиятда тараққиёт маълум босқичга эришгач, улардаги нарсалар ўзининг аксига айланади. Бинобарин, бахтдан сўнг бахтсизлик даврлари келади. Кишилар жамиятда рўй бераётган адолатсизлик, қонунбузарлик, зулм ва адоватларга бефарқ қараб, тақдирга тан беришлари лозим, дейди Л.Ц. Дао таълимотидаги асосий тушунчаларга «Цзи-Сань» (ўзининг табиийлигини сақлаш, ўз-ўзидан юз берадиган ҳолат) ва «У Вэй» (фаолиятсизлик, шахсий мақсадни кўзлаб ҳаракат қилмаслик)лар киради. Ушбу қоидаларга риоя қилишни дао ҳар бир инсондан талаб қилади. Инсон дао таълимотига риоя қилса, унда «Сюань тун» («Кўнгилдаги бирлашиш»), жамиятда тенгликни, бахтли ҳаётни, гўзал келажакни, узоқ умрни, ҳатто абадийликни инсониятга инъом этади. Л.Ц. таълимотича, инсонлар учун ҳаёт ва ўлимни бир-бирига қарама-қарши қўйиш одатдан эмас. Шу боис, улар ўзларида универсал ижобий хусусиятларга эгадирлар. Макро ва микрокосмос бирлиги туфайли улар ҳаёт жараёнида ижобийлик хусусиятлари эвазига абадийликка, мавҳум ҳаётга ўтадилар. Лекин бундай фикрдан руҳнинг абадий мавжуд бўлиши мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди. Инсон ўлгандан сўнг унинг руҳи ҳам танаси б-н бирга ўлади, дейди Л.Ц. Ҳоз. даврда дао-будда-конфуциан оқимлари яхлит

таълимот сифатида мавжуд. Бугунги Хитойда даога итоат қилувчилар уюшмаси мавжуд. Уларнинг фаоллари Тайвань, Гонконг ва чет элда хитой эмигрантлари орасида кўп учрайдилар.

ЛАПЛАС (Laplace) Пьер Симон, Маркиз (28.3.1749, Бомон-ан-Оже, Кальвадос — 5.3.1827, Париж) — француз математиги ва астрономи. Планеталар ўртача ҳаракатланиш доимийлигини биринчи бор исботлаган ва Куёш тизимидаги сайёраларнинг вужудга келиши наз-ясини яратади. Унинг наз-яси И.Кантнинг наз-ясидан фарқ қилади. Л. наз-яси бўйича Куёш тизимидаги сайёралар газга тўйинган туманликларнинг айланиши илк органик бирикмаларнинг ҳосил бўлиши натижасидир. Кант эса космик чанглари хаотик айланиши космик булутларни ҳосил қилади, деган гипотезани илгари суради. (И.Кант Табиий тарих ва осмон жисмлари наз-яси, 1755).

ЛАФАРГ (Lafargue) Поль (15.01.1842, Сантьяго, Куба — 25.02.1911, Париж) — халқаро ишчилар ҳаракатининг арбоби, марксизм ғояларини тарғиб қилишда кўзга кўринган шахс, К.Маркс ва Ф.Энгельс б-н яқиндан таниш бўлган. Маркснинг қизи Лаурага уйланган. 1851 й. Л. оиласи Кубадан Францияга қайтади. Л. Париждаги тиббий академияда таълим олишни бошлаган, лекин ишчиларнинг инқилобий ҳаракатларида қатнашганлиги учун 1865 йилда бир гуруҳ талабалар қаторида академиядан ҳайдалган. 1866 йилда у Лондонга келади ва ўша вақтдан бошлаб К.Маркс б-н яқиндан танишиб, I Интернационалнинг Бош Кенгашига аъзо қилиб сайланади. Л. К.Маркс ва Ф.Энгельс таъсири остида Прудонизм ва позивитизмдан қутулиб марксизм таълимоти тарафдори бўлади. 1868 йилда Лондонда тиббиёт факультетини тугатиб Францияга қайтади ва Бордо ишчилар коммунаси аъзоларининг инқилобий ҳаракатига раҳбарлик қилади. Коммуна мағлубиятидан сўнг, Испанияга қочиб кетади ва у ерда ҳам I Интернационал ғояларини тарғиб қилади, тез орада Испаниядан Лондонга кетишга мажбур бўлади. Л. 1870 й.да Лондонда яшаса ҳам Францияда социалистик ҳаракат ривожига ва ишчилар партиясини ташкил этишда фаол қатнашади. 1880 йилда К.Маркс ва Ф.Энгельс ёрдамида Ж. Гед б-н ушбу партиянинг дастурини ишлаб чиқади, унга раҳбарлик қилади. Л. ўзининг «Ишчи партия ва капиталистик давлат», «Эволюция ва революция» каби мақолаларида марксизм таълимотига тўла ўтганлигини кўрсатади ва ўша даврда авж олиб бораётган Прудон таълимотига қарши курашади. Бундан ташқари Л. «К.Маркснинг иқтисодий детерминизми», «Билиш муаммолари» каби йирик асарларида неоканчилик таълимотига қарши курашади. Л.нинг фал-ий қарашларида Кант ва Гегелнинг фал-ий меросларини таҳлил қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

ЛЕБОН (Le Bon) Гюстав (1841—1931) — француз психологи, антропологи, археологи. Социологияда психологик йўналиш асосчиларидан бири. Асосий асарлари: «Материя эволюцияси» (1886), «Омма психологияси» (1895), «Революция психологияси», «Оломон психологияси», «Куч эволюцияси» (1907), «Социализм психологияси» (1908) ва б. Л. асарларида оммавий психика ва халқлар психологияси муаммоларини ҳал этишга кўпроқ эътибор берди. Ижтимоий тарихий жараёнга қонуниятли аниқ бир мақсадга қаратилган жараён ва ҳодисалар сифатида қаради. Бу қонуниятли жараён у ёки бу халқ вакилларида умумий, ўхшаш белгиларни шакллантиради. Ана шундай белгилардан бири «халқ руҳи», унинг ҳис-туйғуси, эътиқоди, тафаккури, муассасалари, санъати вужудга келади. Халқ руҳи анча барқарор бўлиб, муайян ижтимоий-тарихий тажриба б-н узвий боғлиқдир. Л. «Оломон психикаси» муаммосини таҳлил қилар экан, унинг қуйидаги хусусиятларини таъкидлади. Улар асосан эмоционаллиги, умумий ғоя б-н боғланганлиги, масъулият ҳиссининг йўқолганлиги, тоқатсизлик, ақидапарастлик, импульсивлик, лидерлар орқасидан эргашишга тайёрлик б-н тавсифланади. Оломон ичидаги индивид индивидуал ибтидонини йўқотганлиги ва унинг хулқ-атворида онгсиз мотивларнинг устуңлик қилиши б-н характерланади. Оломон ичида «оломон руҳининг яхлит бирлиги қонуни» амал қилади, индивидуал рациал ибтидо бостирилади. Л. цивилизация тарихини элитаризм позициясидан баҳолади ва унинг истиқболларини олдиндан айтишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, маданият ютуқлари аристократларнинг фаолиятига боғлиқдир. Аристократлар оммага ғояларни сингдириш, таъкидлаш, такрорлаш ва юктириш орқали маданият яратадилар. Л. демократия ва тенглик ғояларига қарши чиқди. Л.нинг фикрича, саноат, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва шаҳарларнинг ўсиши ижтимоий ҳаётнинг тобора кўпроқ оммага боғлиқ бўлишига олиб келади. Жамият омма асрига қадам кўяди, унда «омманинг онгсиз фаолияти» етакчилик қилади. Л.нинг наз-ий ва методологик позицияси социализм ва социалистик ғояларни кескин танқид қилишида яққол намоён бўлди. У социализмни ҳаётга ноқобил кишилар жамияти, деб таърифлади. Л. социалистларнинг ҳокимиятга келишини тинч ёки қуролли тўнтариш б-н боғлади. Социалистик тузумнинг қарор топиши иқтисодий устидан давлатнинг танҳо ҳукмронлик қилиши, иқтисодий қолоқлик ва таназул б-н боғлади. Л. социализм анархияга ва диктатурага олиб келади, деб ҳисоблади. Л.нинг ижодий фаолияти публицистик характерга эга бўлишига қарамай, оммавий жамият ва оммавий маданият концепциясини яратишга туртки берди. З.Фрейд дунёқарашининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

ЛЕВИ-БРЮЛЬ (Levy-Bruhl) Люсьен (10.4.1857, Париж — 13.3.1939, Париж) француз файласуфи, Э.Дюркгеймнинг социология мактабига яқин бўлган руҳшунос-позитивист. Ўзининг ибтидоий «мантиқийликка қадар» бўлган тафаккур наз-яси б-н анча машхур бўлган. Ибтидоий даврдаги одамлар ҳам худди ҳоз. давр одамлари каби мантиқий фикрлаш қобилиятига эга эканлиги тўғрисидаги Тайлор ва б. эволюционистларнинг фикрига қарама-қарши ўлароқ, Л.Б. «қуйи жамиятларда жамоа тасавури» устувор бўлади ва у ривожланган жамиятлардаги тафаккур тарзидан тубдан фарқ қилади, деган фикрни илгари суради. «Мантиқийликка қадар бўлган тафаккур», Л.Б.нинг фикрича, айнийликнинг, қарама-қаршиликнинг мантиқий қонунлари б-н эмас, даҳлдорлик қонунлари б-н бошқарилади. Л.Б. турли ижтимоий тизимларга турлича тафаккур тарзи хослигини таъкидлаб, айни вақтда «мантиқийликка қадар» тафаккур тарзи фақат қолақ халқларгагина хос эмаслигини эътироф этади. Шу б-н бирга «ибтидоий даврдаги» инсон ҳам шахсий ҳаёти ва тажрибаси доирасида ҳоз. давр одамидек фикрлаши ва фаолият кўрсатишини ва ўз навбатида ривожланган халқлардаги мавжуд дин, ахлоқ каби ижтимоий онг шаклларида «мантиқийликка қадар» бўлган тафаккур тарзи таъсири сезилиб туришини таъкидлаб ўтади. Л.Б.нинг «мантиқийликка қадар» тафаккур тарзи наз-яси Э.Дюркгейм мактаби томонидан танқид қилинган. Аммо Л.Б.нинг қарашлари айрим нуқсонлари, жумладан, бир ёқламалигига қарамасдан тафаккур психологиясида тарихий ўзгаришларни таъкид этишга интилиш сифатида эътиборга моликдир.

ЛЕВКИПП (мил.ав. 500—440) — қадимги юнон файласуфи. Тахминларга кўра, Л. Милет шаҳрида туғилган. Қулдорлик демократияси тарафдорлари қаторида аристократларнинг муваффақиятли кўзголонидан кейин у Милет шаҳрини тарк қилишга мажбур бўлган. У Элея шаҳрига келиб, Парменид ва Ксенофаннинг шогирди бўлган. Л. илмий меросидан деярли ҳеч нима қолмаган. Бироқ, Г. Дильсинг маълумотига кўра, унинг тахм. икки асари мавжуд. Улардан бири «Буюк диакосмос ва ақл ҳақида»дир. Узоқ давр Элея шаҳрида яшагач, Абдерга кетиб, у ерда Демокритнинг ва эҳтимол Протагорнинг шогирди бўлган. Л. атомистлик фал.нинг асосий тамойилларини илгари суради. У нарсаларнинг доимий ўзгариши ва пайдо бўлишини кўриб, чексиз шаклга эга бўлган доимий ҳаракатдаги элемент — атомларнинг мавжудлигини тан олган. Л. «мавжудлик номавжудлик демакдир, зеро уларнинг ҳар иккиси нарсалар пайдо бўлишининг сабабидир» — деган фикрни баён этади. Атомларнинг моҳиятини жипсликда билиб, улар бўшлиқда ҳаракат қилувчи мавжудликдир, бўшлиқ эса номавжудлик бўлиб, у мавжудликдан

ҳеч ҳам фарқ қилмайди, деб эътироф қилади. Бунда борлиқ ҳақидаги атомистик таълимотнинг тамойиллари ифодаланган. Л. ва Демокрит таълимоти ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги файлар томонидан эътироф қилинган.

ЛЕГИТИМ ҲОКИМИЯТ (лот. «legitimus» — қонунийлашган ёки қонунийлаштирилган) — немис социологи Ж. Вебер фикрига кўра, «қонунийлашган» ёки «қонунийлаштирилган» сиёсий ҳокимият, қонунларга асосланган ёки Конституцион деган маънони англатмасдан, сиёсий ҳокимиятнинг табиий равишда шаклланиши, яъни ташкил этилган ҳукуматнинг халқ томонидан маълум давр мобайнида тан олинishi ва қонуний ҳокимиятга айланиши демакдир. Л.лик ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашга ва ижтимоий ривожланишга шароит яратади. Муайян режимнинг Л.лиги қанчалик кучайса, мамлакатдаги осойишталик ва барқарорликни сақлаш учун давлатнинг куч унсурлари бўлган ички ишлар қўшинлари ва армияга эҳтиёж шунчалик камаяди. Сиёсий ва ижтимоий барқарорлик шароитида эса хавфсизлик соҳасига сарфланадиган маблағлар жамиятнинг соғлиқни сақлаш, алоқа хизмати, транспорт, таълим тизими каби қатор соҳалари эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиши ва мамлакат аҳолиси турмушини янада юксалтиришга хизмат қилиши мумкин бўладики, бу — ижтимоий тараққиётни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

ЛЕЙБНИЦ (Leibniz) Готфрид Вилгельм (1.6.1646, Лейпциг—14.11.1716, Ганновер) — йирик немис олими, файласуфи, математик, физик, ҳуқуқшунос, тарихчи, тилшунос ва ихтирочи. У Лейпциг, Йена ун-тларида ҳуқуқшунослик ва фалдан таълим олган. Кенг наз-ий ва амалий фаолият б-н шуғулланган. У Ньютондан мутлақо беҳабар тарзда интеграл ва дифференциал ҳисоблашни кашф қилган. Катта рақамлар б-н ишлаш машинасини яратган. Шунингдек, иқтисод масалалари, муҳандислик фаолияти б-н шуғулланган, тарихий ва сиёсий мақолалар ёзган. Л. Берлин Фанлар Академияси лойиҳасини ишлаб чиққан ва унинг биринчи президенти бўлган. Л. фал-ий таълимотининг мағзини «монадология», яъни монадалар ҳақидаги таълимот ташкил этади. Л. таъкидлайдики, сон-саноксиз субстанциялар мавжуддир, чунки ҳар бир нарса субстанциядир. Нарсалар ва субстанциялар борлиқнинг «якка» нарсалари, яъни монадаларидир. Лекин монада борлиқнинг моддий якка нарсалари эмас, балки руҳий субстанциядир. Монада-мустақил якка, фаол. Ўзининг дастлабки сифатлари б-н фаол ҳаракат қилувчи, сифат жиҳатдан бир-бирига ўхшаш монадалар бўлиши мумкин эмас. Л.нинг фикрича, монадалар ўз ривожланиш даражаларига қараб уч турли бўлади. Пассив қабул қилиш қобилиятига эга бўлган

монадалар энг қуйи поғонани ташкил қилади. Улар фақат айрим тасаввурларни шакллантириш қобилиятига эга. Монадаларнинг кейинги ривожланиш даражасига хос хусусият-бу сезиш қобилиятига эга бўлиш ва аниқ тасаввурлар яратиш. Монадаларнинг учинчи ривожланиш даражаси бу онга эга бўлишдир. Булар ўз-ўзини англай оладиган инсонларнинг жонидир. Л. янги давр фал.сида биринчи марта универсал ривожланиш ғоясини илгари сурган. Унинг таълимотича, ҳар бир монада ривожланиш ва ҳаракатнинг манбаидир, чунки улар фаол кучга эга. Л. дунёни бир бутун ҳолда тасаввур қилиб, бутун дунёнинг узлуксиз ривожланиш жараёнида эканлигини, у аста-секин энг мукамал ривожланишга қараб боришини таъкидлайди. Дунёнинг бундай поғона-поғона камолотга қараб бориши, уни билиб олувчи инсон руҳида ўзининг чўққисига эришади. Билиш наз-ясида Л. асосан рационалист. Лекин у эмпиризм ва рационализмнинг айрим камчиликларини бартараф қилишга уринган. У эмпиризмнинг илгари сезиларда бўлмаган нарса ақлда ҳам мавжуд эмас, деган қоидасини қабул қилади. Лекин бу қоидага «ақлнинг ўзидан ташқари», деган иборани қўшимча қилади. Шундай қилиб, у Декаратнинг туғма ғояларининг мавжудлиги ҳақидаги фикрини инкор қилиб, фикрловчи туғма қобилиятнинг мавжудлигини эътироф этади. Ҳиссий билиш Л.да билишнинг қуйи босқичи ҳисобланиб, у ақлий билиш учун замин ҳозирлайди. Фақат ақлий билишгина дунёда мавжуд бўлган умумийлик ва зарурийликнинг тўлиқ тасаввурини беради. Л. «зарурийлик» тушунчасини ишлаб чиқишда ҳам муҳим фикрларни баён қилган. Заруриятни Л. тасодиғга қарама-қарши қўйди. Зарурият субъектив кўринишга эга бўлмай, ҳодисаларни объектив алоқасидир. Л. ижтимоий масалаларга оид тугалланган бир тизимга солинган асарлар ёзган эмас. Бу масалага оид унинг фикрлари «Теодиция» (Худони оқлаш) номли рисоласида баён қилинган. Унда ўзининг машҳур оптимистик наз-ясини баён қилади. У айтадики, гарчи дунёмиз кўп нуқсонларга, ёвузликларга эга бўлса ҳам, барибир бошқа дунёлар ичида афзали ва тақомиллашгани.

ЛЕНИН (Ульянов) Владимир Ильич (1870. 22.04 — 1924.21.01) — собиқ иттифоқда сунъий тарзда доҳий даражасига кўтарилган, большевизм назариётчиси, партия ташкилотчиси. Л. харизматик лидер сифатида фал.ни Россиянинг озодлик ҳаракати учун бўйсундиришга ҳаракат қилди. Радикализм, зиёлиларга ишончсизлик, кенг авом халқнинг, йўқсулларнинг ҳукрон доирага қарши ҳаракатини қўллаб-қувватлаш — Л.нинг шахси ва фаолиятига хос хусусиятдир. У қатор асарларида инқилобий тўнтаришни мутлақлаштирди, ун ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иллатларни даволашнинг ягона воситаси деб билди. Фал.га синфийлик ва партия-

вийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, пролетар диктатураси ва сиёсий зўравонликка сифиниш унинг фаолиятига хос характерли хусусиятлардир. «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» (1922) асарида гўёки илмий фал. диннинг мавжудлиги б-н муроса қила олмаслигини таъкидлади. Немис фал.и Гегелнинг асарлари бўйича ёзган консептлари («Фал. дафтарлари»)да Гегелнинг идеалистик фал.ий тизимини бирёқлама кескин танқид қилди. «Материализм ва эмпириокритицизм» (1909) асарида эса 20-а. бошларида табиётшунослик фанлари эришган ютуқларни бирёқлама таҳлил этди. Л. ижтимоий-сиёсий қарашлари ва фаолияти йўқсуллар синфини яратувчи куч сифатида улуғлаш, мулкдорлар синфини аёвсиз йўқ қилиш тусини олди. У мамлакатни зўравонлик б-н бошқаришга, сиёсий қатағон методларини қўлади. Л. ташкил этган ва раҳбарлик қилган большевизмнинг тарих саҳнасида пайдо бўлиши Россиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат ва кучларнинг фожеали интеллектуал мағлубияти бўлди. Бунинг натижасида сталинизмнинг сиёсий ҳокимиятга келиши ва Л. ғояларини зўрлик б-н ҳаётга татбиқ этилиши собиқ иттифоқда ижтимоий ҳаётда кўплаб салбий оқибатлар б-н бирга фал.нинг тор, синфий доирада тушуниш ва ақидапарастликка айланиб қолишига олиб келди.

ЛЕНИНИЗМ — 20-а. бошларида Россияда вужудга келган ғоявий оқим; унинг томонидан гўёки марксизмни Россия шаронитига мослаштириш асосида сиёсий ҳокимиятни зўравонлик б-н қўлга олиш ва бошқаришга доир қарашлар тизими; собиқ иттифоқда давлатнинг расмий идеологияси даражасига кўтарилган сиёсий мафкура шакли.

ЛЕССИНГ (Lessing) Готхольд Эфраим (1729—1781) — немис маърифатпарвар файласуфи, драматург, танқидчи ва санъат назарийчиси. Л. ўзининг бутун фаолиятини немис халқи учун унинг маданиятини эркин, демократик ривожланиши ва феодал реакциясининг сиёсати ва мафкурасига ҳарши қаратган эди. Л. «Одамзодни тарбиялаш» (1780) фал.ий асарида ҳар қандай мажбур қилишлардан холи бўлган, диний маърифатли ақлга бутунлай ўрин бўшатиб берадиган жамиятни орзу қилган эди. Л. нинг дунёқараши Германиядаги маърифатчилик ҳаракатининг зиддиятларини ифодалаган эди. «Доно Натан» фал.ий драмасида Л. дин эркинлиги ғояси б-н бирга қурфикрлиликни ҳам тарғиб этади, халқларни дўст бўлиб яшашга даъват этади. Л. ўз асарларида санъатнинг турли шакллари ва жанрларидаги ижодиётнинг объектив қонунларини аниқлаб беришга интилади, аммо бу қонунларнинг тарихий характерини кўра олмади. Л. санъатнинг, айниқса театрнинг ахлоқий-тарбиявий ролини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, сийқа ахлоқгўйликка қарши чиққан. Л.нинг

драматик ижодиёти немис классик адабиётини бошлаб берган, унинг эстетик қарашлари адабиётнинг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

ЛИБЕРАЛИЗМ (лот. liberalis — эркинлик) — ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи наз-я, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим. Л. ғояси, ўзининг маъно-моҳиятига кўра, муроса фал.си бўлиб, волюнтаризм, субъективизм, догматизм, радикализм ва абсолютизмнинг ҳар қандай кўри-нишларини рад қилади. Шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, умуминсоний ахлоқий қадриятлар ва миллий маънавий асосларга таяниш, ғоялар эркинлиги тамойилларининг тарихий тараққиётга мос ўзгариши, ижтимоий-сиёсий тизимда кескин зиддиятга бормаслик Л.га хос хусусиятлардир. Л. учун бир хил андозадаги, қатъий белгилаб қўйилган ахлоқий меъёр ва қонун-қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун Л. ғояси жамият сиёсий тизимини динамик ўзгартиришни зўравонликсиз амалга оширадиган куч ва имкониятларни топишга интилиш б-н характерланади. Л. асосий тамойили-ҳуқуқлар, имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинликни таъминлашдир. Л. эркинлик рақобатлашаётган ғояларнинг барчасига ривожланиш учун имконият яратади. Демак, Л., бир томондан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига, иккинчи томондан, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёр ва қадриятларига асосланиши б-н ўзининг умуминсоний моҳиятини намоён қилади. Жамият ривожланиши б-н Л. ғоялари ҳам ўзгариб бормоқда, уларнинг мақсад ва вазифаларида ички бирлик вужудга келаётир. Улар ҳоз. даврда неолиберализм шаклида намоён бўлмоқда. 20-а.нинг сўнгги ўн йиллигида дунёнинг қарама-қарши тизимларга бўлиниш жараёнининг барҳам топиши б-н Л. ғояларида ҳам ўзига хос йўналишлар пайдо бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши Л. ғояларининг янги тамойиллар б-н бойиганини кўрсатмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг ҳаётга жорий этилиши Ўзбекистондаги Л. ғояларининг миллий хусусиятларини намоён қилади. Замонавий Л. ўзгаришлардан, сиёсий қарашлардаги радикализмдан воз кечиш, муқобил ғояларнинг мавқеини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, халқаро муносабатларда сиёсий плюрализм тамойилларига амал қилиш, сайлов тизимини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш, турли шаклдаги ҳокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг фуқаролар томонидан назорат қилинишига эришиш каби мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда бозор

муносабатларига ўтиш дарида бу вазибаларнинг изчил амалга оширилишида Л. ўзининг ижобий, ҳаётий мазмунини намойиш қилмоқда, чунки, гоилар эркинлиги ижтимоий-сиёсий ҳаёт эркинлигининг асосидир.

ЛИНГВИСТИК ФАЛСАФА — аналитик фалсафа йўналишларидан бири бўлиб, 20-а. ғарб мамлакатларида, хусусан, Англия ва АҚШ да кенг тарқалди. Фал.да биринчи бор табиий тилни таҳлил қилиш методи инглиз ф.и Мур томонидан ишлаб чиқилди. Л.ф.нинг наз-ий манбаларидан бири Витгенштейннинг тил тўғрисидаги таълимоти ҳисобланади. Тил фал.сини ўрганиш 18-адан бошланди. Немис олими В. Гумбольдт (1767-1835) нинг фикрича, тил ўзига хос реаллик бўлиб, ўзини ўзи ривожлантиради, ўзини ўзи яратади. Муайян халқ тили фал.га ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки халқнинг характерини ҳам белгилайди, деб хулоса чиқарди. Гегель ҳам тилнинг инсон онги ва тафаккурини шакллантиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади. 19-а.да тил тўғрисида илгари сурилган фал-ий фикрлар 20-а. тил фал.сининг ривожланишида наз-ий манба бўлиб хизмат қилди. 20-а. фал.си тил реалликни ифода этибгина қолмай, балки маълум маънода ўша реалликни яратади, деган хулосага келди. Л.ф.га кўра, сўзни ишлатиш б-н предметларни яратиш ёки уни ҳаётдан чиқариб юбориш мумкин. «Айтмоқ маълум маънода яратиш, тузиш», демакдир. Бироқ, бу тезис тўғри талқин қилишни талаб қилади. Реаллик тилга нисбатан ўзининг мураккаблиги б-н ажралиб туради. Биринчидан, биз грамматик жиҳатдан таҳлил қилган сўзлар реалликка қай даражада мос келади? Мавжуд сўзларнинг тўғрилигига қандай кафолат берилади? Сўзлар мавжуд объектни қай даражада тўғри акс эттирди? Бу масалада Л.ф.га мавжудлик муаммоси тўғрисидаги тушунчани олиб келди. Бунда грамматик ва мантиқий қоидаларга мос келадиган гап (ҳукм), тушунча мавжудликни қай даражада тўғри ифодалайди, деган муаммони ҳал қилишга киришилди. Иккинчидан, тил луғавий тизимнинг кўп ва озлиги, унинг бой ва камбағаллигини билдирса, тафаккурнинг ривожланишини таъминласа-да, бироқ унинг акси ҳам бўлиши мумкин. Тилнинг луғавий бойлиги кўп бўлса-да, унинг мазмуни фикрни тўғри ва чуқур ифодаламаслиги, тафаккурнинг ривожланиш даражасига мос келмаслиги ҳам мумкин. Тил ўзлаштирилади, бироқ у тафаккур ривожланишига таъсир этмаслиги мумкин. Бугунги кунда зиёлилар ишлатиладиган сўзларни тўла ўзлаштириб олган. Бироқ уларнинг ҳаммасини ҳам бир хилда ақлди деб бўлмайти. Бугунги кунда инсоннинг «ҳаётий дунёси» тушунчаси мавжуд (Э.Гуссерль). Бундай сўзлар тўпланими субъект «ўзиники» деб билади. Бунга одам ўзини эркин ҳис қилади ва уларни бемалол қўллайди. Ҳам-

ма нарса унга тушунарли ва яқин бўлади. Инсоннинг ҳаёти дунёсидан ташқари жуда кўп нарсалар бор. Уни инсон билиши, ўрганиши, аммо кундалик турмушида ишлатмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, тилнинг умумий ҳажми ҳар бир субъект учун (алоҳида шахс, бир гуруҳ одамлар, халқ, миллат учун) икки қисмга бўлинади. Бир қисми жонли ҳаётга, кундалик турмушга тегишли. Бошқа қисми ундан ташқарида қолади. Инсон биринчисини ўзиники сифатида ҳис қилади, иккинчисига эса, гарчи уни моҳирона даражада билса ҳам, ўзиники деб қараши қийин. Ҳоз. кунда инсон информация оқимини ўзлаштиришга ўзиники қилиб олишга қийналяпти. Тилнинг ана шу инсон ҳаёти дунёсидан ташқаридаги қисми тобора ортиб бораляпти. Шундай хулоса келиб чиқадикки, тил кўлами тафаккур кўламидан бир неча бор кенг тафаккур жараён сифатида субъектнинг бевосита жонли бойлигидир. Ҳоз. замон фал.си тилни таҳлил қилишда унинг тузилиш жиҳатини қараб чиқади. Бугунги кунда тилшуносликда структурали Лингвистика соҳаси пайдо бўлди. Бу соҳага Ф.Де Соссюр (1857—1913) асос солди. Бу соҳанинг пайдо бўлиши тилшунослик фанида туб ўзгариш ясади. Бу билимларнинг турли соҳаларига кучли таъсир ўтказди. Уларнинг ривожланишига йўл очиб берди. Унинг таълимоти тилнинг борлиқдаги аҳамиятини қайта баҳолашга даъват этди. Ижтимоий жараёнларда шахснинг социаллашуви тилнинг стандартлари, қоидалари, схемалари орқали ифодаланган. Энг асосийси — умумий тил ҳаётнинг барча соҳаларига кириб боради ва ўз таъсирини ўтказди. Тил ҳаётий масалага айланади. Натижада эркин фикрловчи шахслар ҳам ўз фикрини маълум қоидаларга мослаштиришга мажбур бўладилар. Л.ф. позитивизмдан фарқли ўлароқ. Сунъий, символик тилга эмас, балки табиий тилга эътибор беради ва уни таҳлил қилади. Бу фал.да тарихнинг моҳияти деб аталади. Биз тарих моҳиятини аниқлаш б-н тарихнинг мавжуд бўлиши чегарасини аниқлаймиз. Замонавий фал., 19-а. фал.сидан фарқли ўлароқ ўтишнинг бугун ва келажак б-н алоқаси асосида кафолатли тараққиётни кўрсата беради.

ЛОГИКА, мантиқ (*юн.* logos — фикр, сўз, қонун) — к е н г м а ъ н о д а: оламдаги қонуний, зарурий боғланиш ва алоқалар, тартиб ва изчиллик, тафаккуримизнинг ички алоқалорлиги, тадрижий фикрланишини, турли фикрлар ўртасидаги мантиқий боғланишлар; т о р м а ъ н о д а: фикрнинг тузилишини, унинг конкрет шакллари, чин (тўғри) билимга эришининг шарт-шароитлари ва қонун-қоидаларини ўрганувчи махсус фал-ий фан. Объектив оламни билиш ҳиссий билишдан, яъни сезги, идрок ва тасаввурдан бошланади. Бироқ, ҳиссий билиш бизга нарса ва ҳодисаларнинг ташқи томонлари, зоҳирий боғланишлари тўғрисида маъ-

лумот бериш б-н чекланиб, уларнинг ички, ботиний боғланиш ва ривожланиш қонунларини очиб бера олмайди. Бу вазифани тафаккур адо этади. Тафаккур воқеликни умумлаштириб ва мавҳумлаштириб, муайян мантиқий шаклларда (тушунча, ҳукм ва хулосалар) ҳамда улар ўртасидаги алоқалар маълум мантиқий қонун-қоидаларни вужудга келтирадики, тўғри, аниқ, изчил, зиддиятлардан холи фикрлаш ана шу қонун-қоидаларга амал қилишни тақозо этади. Л. фани мана шу қонунлар б-н шугулланади. Бу қонунлар амалиёти натижасида вужудга келган билимлар исботланади ёки рад этилади, уларнинг тўғрилиги ёки хатолиги тасдиқланади, ёки инкор этилади. Айтиш лозимки тафаккурни Л.дан ташқари фал., физиология, психология, формал Л. математик (символик) Л. диалектика, кибернетика фанлари ҳам ўз предмети нуқтаи назардан ўрланади. Грамматика ҳам Л. фанига яқин. Тушунча ва ҳукмларнинг ифодаланиш структурасини аниқлашда грамматиканинг роли катта. Бироқ юқорида тилга олинган фанларнинг ҳар бири тафаккурга ўз нуқтаи назаридан ёндошади, унинг турли қирраларини очиб беришга қаратилган. Л.нинг ана шу ғоят тармоқланиб кетган турлари орасида инсон тафаккурининг энг оддий (элементар) қонун-қоидалари б-н қуроллантирадиган, уни тўғри фикрлашнинг тамойиллари б-н таништирадиган муҳим тармоғи формал Л. бўлиб, у тарихий келиб чиқиши назарда тутилиб, классик, анъанавий (традицион) Л., оммавийлиги нуқтаи назардан эса умумий Л. деб ҳам юритилади. Диалектик Л. диалектик қонунларини билиш жараёнига, хусусан, ақлий билиш процессига тадбиқ этиш маҳсулидир. Диалектик Л. тафаккур ва унинг шакллари, тамойилларини тараққиётдаги объектив оламнинг инъикоси деб қараб, уларни ҳам доимий ўзгаришда, ривожланишда, деб тушунтиради. Тафаккур шакллари ўртасидаги ўзаро боғланиш, уларнинг бир-бирига ўтиб бориши ва ривожланишини диалектик универсал қонунларнинг амал қилиши нуқтаи назаридан изоҳлаб беради. Формал Л. эса фикрнинг ўзгариш ва ривожланишида эмас, балки шаклланган, ҳаракатсиз ҳолда мавҳумлаштириб олиб, унинг тузилишини шакл жиҳатидан, тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса) ўртасидаги муносабатни маълум қонунлар айният, зиддият, учинчиси истисно, етарли асос қонунлари нуқтаи назаридан ўрланади. Шу боисдан формал Л. қонунлари тафаккурнинг умумий методи бўла олмайди. Формал усул тафаккур шакллариининг барча томонларини очиб беришга ожизлик қилади. Диалектик Л. тафаккурнинг умумий қонунларини, тафаккур шакллариининг тараққиётини ўргатади. Л. фанининг вазифалари, унинг предметдан келиб чиқади. Л. инсон тафаккурининг «чархланиш»ига кўмаклашади, унинг изчил зиддиятлардан холи ва асос-эътиборли бўлишини таъминлайди Л. ни пухта

ўзлаштириш кишида ўз тафаккури ва ўзгалар тафаккурига талабчан бўлиш, танқидий қараш ҳиссини шакллантиради. Бу эса ғоят катта амалий ва илмий-наз-ий аҳамиятга моликдир. Грамматикани, яъни тил қоидалари ҳақидаги махсус фанни ўрганмай туриб ҳам инсон сўзлашишини бинойидек ўзлаштириб олгани сингари, Л. фани асосларини эгалламай туриб ҳам бемалол мантиқий фикр юритиш мумкин. Шу б-н бирга грамматикани ўрганиш нутқимиз қадр-қимматини қанчалик кучайтирса, мантиқ илмини махсус ўрганиш ҳам тафаккуримиз куч-қудратини шунчалик қадрини ошириши мумкин. Шу маънода Л.нинг таълим — тарбия жараёнидаги роли ғоят катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Аввало ўқитувчининг мантиқий жиҳатидан тайёргарлиги унга дарсни ва таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил этишда, мантиқ усуллардан самарали фойдалана олишда, ўз нутқини асосли бўлишини таъминлашда, ўқитувчиларни мустақил фикрлашга ўрганишда ғоят қўл келади. Ўқитувчи ҳар қандай фикрловчи шахс олдида қуйилажак асосий мантиқий талаблар — фикрни аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосли, исботли ифодалаш талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув материални ўқитувчи маънавий мулкига айлантира бориши керак. Л. фани асосларини ўзлаштириб олиш ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг мунозара юритиш маданиятини шакллантиради. У ҳақиқатни аниқлаш, уни ёқлаб чиқиш, асослаш учун мантиқий қонун-қоидалардан фойдалана билиш, ўзгалар фикрини мантиқий таҳлил қила олиш, ўз фикрини ихчам, лўнда ва энг муҳими ишонарли, асосли қилиб баён этишга ўргатади. Л. фани кишида тафаккурни ривожлантиради, унда умумий тушунчалар, категориялар б-н иш кўриш кўникмаларини ҳосил қилади. Бу эса, бугунги илмий-техника жараёнидаги илдам одим отиб бораётган шароитда илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий-наз-ий маълумотларни самарали таҳлил қилишда муҳим рол ўйнайди.

ЛОГИСТИКА (юн. логос — сўз, мулоҳаза, тушунча, ақл) — оламни билишга қаратилган фаолият, инсон тафаккури шакллари ва усуллари ҳақидаги фан; инсоннинг тўғри (мантиқий) фикрлаш лаёқати. Қад. замонларда тафаккур, яъни оламни билишга қаратилган фикрлаш қандайдир мажбур этувчи куч, яъни қонун-қоидаларга бўйсунуш, аввалги билим кейинги билим учун асос бўлиши маълум бўлган. Сукрот, Демокрит, Платон бу ҳолатга амал қилганлар. Аристотель тафаккурни, яъни фикрлашни белгилловчи қонун-қоидаларни махсус тадқиқот этиш Л. фанининг предмети, деб билган. У фикр-мулоҳазаларнинг мазмунини истисно қилган ҳолда уларнинг шаклига алоҳида эътибор берди ва махсус фан Л.га асос солди. Аристотель инсон мулоҳазаларидаги тушунчалар ўрнига аниқ мазмунли ҳарфларни

қўйди. Чунончи, шартли мулоҳазада, «Агар барча В — С ва барча А — В бўлса, у ҳолда барча А — С бўлади», — дейди. Бу б-н Аристотель мазмунига кўра ҳар хил мулоҳазаларнинг натижаси тўғри бўлиши фақат асос мулоҳазаларнинг чин бўлишига боғлиқ бўлмай, яна уларнинг ўзаро муносабатларига, бирлашиш усулига, яъни мулоҳазаларнинг шаклига ҳам боғлиқ бўлишлигини намойиш этди. Аристотель чин асослардан чин хулосаларга ўтишнинг тамойилларини ҳам таърифлаб берди. Бу тамойиллар кейинчалик айният, зиддият, учинчиси истисно қонунлари деб таърифланади. Чин асослар чин хулосаларни кафолатлайдиган ҳолатларнинг турлари дедукция ва индукция ҳам Демокрит ва Аристотель изоҳлаган муаммолар эди. Қад. жамиятда Шарқ мамлакатлари заминида ҳам мантиқшуносликка оид қарашлар бўлган. Мас., мил.ав. 7-ада яшаган Дигнага ва Дхарманирти ҳинд мантиқ илмига асос солдилар. Шарқда Форобий (873-950), Ибн Сино (980-1037), кейинроқ Насриддин Тусий, Тафтазоний, Миршариф Журжоний, Турсун Андижоний ва б. ҳам бу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Форобий ўз асарларида Л. га оид билимлар тизимини тўла ҳолда баён қилиб берди, бу фанда араб атамаларини кенг қўлади ва изоҳлаб берди. Форобийнинг бу соҳадаги қарашлари яқин ва Ўрта Шарқда, шунингдек, Ўрта Осиёда мантиқ фанининг ривожланиши учун шароит яратди ҳамда кейинги таълимотларга катта таъсир ўтказди. 17-18-а.ларида Европада индукцияга қизиқиш кучайди. Инглиз ф.и Ф.Бэкон (1561-1625) биринчилардан бўлиб индукцияни наз-ий жиҳатдан тушунишга уринди. Ф.Бэкон, Гоббс, Ж.Локк, Кондильяк, Ж.Беркли, Д.Юм уни билиш ва ақлий хулоса чиқаришнинг афзал усул деб ҳисоблайдилар. Рационализм вакиллари Р.Декарт, Б.Спиноза, Г.Лейбниц эса дедукцияга оид мулоҳазалар билдирадидилар. Янги замонда Европада мантиқ илми соҳасида мавжуд бўлган йўналишларни немис мантиқшуноси Вольф муросага келтирмоқчи бўлди. И.Кант ва Гегел эса метафизик усулнинг чекланганлигини танқид қилдилар. Улар моҳиятли муносабатларни ўрганишга онгли ёндашиш воситаларини ишлаб чиқиш вазифасини қўйдилар. Гегел Л. соҳасига ривожланиш ва ўзаро алоқадорлик ғоясини киритишда беқийёс ишлар қилди. У инсон фикрининг ҳодисадан моҳият сари ҳаракати наз-яси ҳақидаги фан-диалектик Л.га асос солди. Ҳоз. вақтда Л. кўп тармоқли наз-ий фан бўлиб қолди. Унинг муҳим, етук соҳаси формал Л.дир. Формал Л. тафаккур шакллари (формалари) ва тўғри фикрлаш қонунлари ҳақидаги фандир. Янги замонда формал Л. математикалаштирилди. Л. муаммоларини ҳал қилишда математик усуллардан кенг фойдаланиш бошланди. Г.Лейбницнинг бу соҳадаги ғоялари Ж.Буль, О. де Морган, У.Жевонс, Э.Шредер, П.С.Порецкий, Пирс, Фреге, Ж.Певано. Рас-

сел томонидан давом эттирилган. Натижада математик Л. яратилди. 20-а.нинг 20-30-й.ида Я.Лукасевич, Э.Пост, К.Льюис, С.Яськовский, Д.Веб, Л.Брауэр, А.Гейтинг, А.А.Марков, А.Н.Колмогоров, Г.Райхенбарг ва б.нинг илмий ишларида формал Л.нинг ноқлассик бўлимларига асос солинди. Кўп маъноли Л., модаллик, эҳтимолликлар, интуитив, конструктив ва б. Л.лар шулар жумласидандир. Ҳоз. формал Л. тараққиётини икки йўналишдан бормоқда: 1) ноқлассик Л.нинг янги тизимлари (императив) баҳолаш, саволлар, замон-вақт, индуктив Л.си, мантиқий оқибат Л.сини яратиш; 2) формал Л.ни тадбиқ этиш қўламини кенгайтириш. Бу йўналишдан олинган муҳим натижа компьютер техникаси бўлди. У руҳшунослик, лингвистика, бошқарув наз-яси, педагогика, ҳуқуқшунослик ва ахлоқшуносликда кенг қўлланилмоқда. Ҳоз. даврда оламни билиш ва мулоқот қилиш услубиятини Л. тамойиллари ва қонунларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қадимда асос солинган фан — Л. бугун ҳақиқатни излаш воситаси сифатида методологик аҳамият касб этмоқда.

ЛОГОС (юн. *logos* — сўз, тушунча, фикр, ақл, қонун) — асосан антик ва ўрта асрлар фалсафасида қўлланилиб келинган тушунча. Бу тушунча қадимдан бошлаб ҳар хил маъно касб этиб келган. Гераклитда Л. антик дунёқараш учун ғоят муҳим ҳисобланган меъёр ғоясини билдиради. Л. аслида сўз, лексин у ҳар қандай сўз бўлибгина қолмасдан, балки ақл меъёрига мос келадиган тушунчадир. Унинг ўзи «Менга эмас, Л.га қулоқ солиб, ҳамма нарсалар бир бутунликни ташкил этишини доноларча тан олиш» ҳақида фикр юритади. Донолик эса ҳақиқатни сўзлаш ва табиатга қулоқ осиб, унинг б-н ҳамоҳанг бир муносабатда иш тутишдир. Айнан шу ҳамоҳанглик «дунёвий тартиб», «меъёр», баъзан эса нарсаларнинг ўзаро мутаносиблиги тўғрисидаги оаълимот маъноларини билдиради. Л.нинг кўпқирралигини эътироф этган ҳолда, унинг Гераклит руҳида қарайдиган бўлсак, объектив Л. — бу асло йўқ бўлмайдиган, абадий ва ўзгармас тартиб, ашёлардаги умумийлик ва алоҳидалик бирлиги, ўзгарувчан жараёнлардаги меъёр Л. — бу энг умумий моддий негиз бўлмиш оловнинг ўзининг хилма-хил ҳолатларига нисбатан муносабатни, алоҳидаликдан кўпликни, кўпликдан алоҳидаликни келтириб чиқариш йўли — воситаси. Гераклитнинг фикрича, «маҳсулотларнинг олтинга, олтиннинг эса маҳсулотларга алмашинуви каби, ҳамма нарса оловга, олов эса ҳамма нарсага алмашилади». Л. ашёлар, ҳодисалар ўзгаришини таъминловчи ҳаракатланувчи кучдир. Бу ўзгаришлар жараёни ашёлар ва ҳодисалар ички табиатига хос ўзаро кураш орқали амалга ошиб боради. Шундай экан, Л. улардаги кураш ва гармонияни ифодалайди. Қонуният ва зару-

рийат чегарасидан четга чиқиш мумкин эмас. Л. адолат ва ҳақиқат б-н боғлиқ. Тасодифиятга ўрин йўқ. Ҳамма нарса зарурийат салтанатига бўйсунди. У ўзида олов ва илоҳийлик бирлигига даъво этувчи олов ҳисобланади. «Олов-логос» табиат меъёригина бўлиб қолмасдан, балки у инсонга, унинг руҳига ҳам таллуқлидир. У ўзида моддий-ашёвий ва психологикақлий жиҳатларни жамлаган. Руҳ-қарама-қаршилиқлар бирлиги, совуқ ва иссиқ мижор бирлиги. Руҳдаги совуқлик таназзулнинг ибтидосидир. Ундаги қуруқлик, олов эса унинг Л. дир. Л.га хос хусусият — бу барча нарсаларнинг ўзгаришда бўлиши. Гераклит космосда нарсалар барқарор равишда мавжуд эканлигини эътироф этади, лекин бу жараён нисбийдир, чунки олам доимо янгилашиб туради. Л. ахлоқодоб муаммоларида ҳам устувор тамойилдир. Одамлар ўзаро тенг бўлиб туғилдилар, лекин амалда тенг бўла олмадилар. Улардаги мавжуд тенгсизлик манфаатлар тенгсизлигининг оқибатидир. Аксарият кишилар Л.га амал қилиб яшамадилар, аксинча, ўзлари билганича иш тутадилар. Бундай одамларнинг ҳаёти «болалар ўйини»ни эслатади. Инсоннинг бахт-саодати нафси қондиришда эмас, аксинча, логос талабидан келиб чиқиб, фикр юритиш, ҳақиқатни излаш, табиатга монанд иш тутишдан иборатдир.

Арасту назарида Л. ички Л. (ҳозирча айтилмаган фикр) ва ташқи Л. (айтилган фикр) тарзида амал қилади. Стоиклар (кинйалик Зенон, ассалик Клеанф, Аристипп) ҳам ички ва ташқи Л.ни эътироф этадилар. Лекин Л. ҳамма нарсаларда ҳозир бўлиб, уларнинг ривожини таъминлайдиган омилдир. Гегель фал.да Л. объективлик тушунчаси ўрнида ишлатилади. У «олабий ақл» маъносидан талқин қилинади. Л. ҳоз. замон фал-ий тафаккури тараққиётида кам қўлланилади.

ЛОГИЦИЗМ — математикани асослашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу йўналиш бутун математикани Л.дан иборат қилиб қўйишга интилади. Гарчи, бу ғояни илгари Лейбниц айтган бўлса-да, фақат ўтган асрнинг охирида уни Фреге амалга оширишга уриниб кўрди. Фреге ўз олдига қуйидаги вазифани қуйган эди: 1) математиканинг бошланғич тушунчаларини фақатгина Л. терминларини аниқлаш; 2) фақатгина Л. тамойилларига асосланиб ва фақат мантикий исботларни татбиқ этиб, математика тамойилларини исботлаш. Бу йўлда ундан кейин олиб борилган ишлар (Рассел ва Уайтхед 1910—13; Рамсей, 1926, Куайн, 1940) уларнинг конкрет натижалари қанчалик қимматга эга бўлишига қарамай, мазкур дастурни амалга оширишга имкон бермади. Бу эса Л.нинг принципаал жиҳатдан нотўғри методологик дастури-математиканинг объектив оламга ва уни ўрганиш ва вазифаларига боғлиқ эмаслиги ҳақидаги даъво б-н боғлиқдир. Математик

Л.нинг ривожини, аксинча, математиканинг энг фундаментал бўлимларни (мас., арифметиканинг) Л.га элтиб тақаб бўлмайдиган деган хулосага олиб келди (Гёдел теоремаси).

ЛОКК (Locke) Жон (1632.29.8, Рингтон — 1704.28.10, Отс Эссекс) — Ўрта асрлар инглиз файласуфи. Англияда адвокат оиласида туғилган. Граф Шефтеберининг шахсий вақти бўлган. У б-н хорижда муҳожирликда бўлган. 1688-1689-й.лар инқилобидан кейин Англияга қайтган. Унинг ҳаёти Англиядаги иккинчи шарафли инқилоб ва ундан кейинги даврларга тўғри келади. Унинг асосий асарлари: «Инсон билими ҳақида тажриба» (1660), «Давлатни бошқариш ҳақида икки рисола» (1660), «Дин эркинлиги ҳақида хатлар» (1685—1692), «Тарбия ҳақида айрим фикрлар» (1663). Локк ўзининг фал-ий асарларида асосий эътиборни билиш наз-ясига қаратади. «Инсон ҳақида тажриба» асарида у фал.нинг вазифасини бизнинг онгимиздаги ифлосликларни чиқариб ташловчи ахлат тозаловчига ўхшатади. Эмпирик сифатидаги Л.нинг билиш таълимотининг тамойиллари: илгари сезгиларда мавжуд бўлмаган нарса мавжуд эмас; ҳар қандай билим тажрибадан бошланади, тажрибанинг ўзи эса сезгилардан бошланади, инсоннинг онги туғилганда «тоза тахта»га ўхшайди. Декартнинг «туғма ғоялар» ҳақидаги таълимотини танқид қилиб, бизнинг ҳар қандай билимларимиз — математик, мантикий, фал-ий ва б. туғма эмас, дейди. Туғма ахлоқий нормалар эмас. Ғояларнинг ягона манбаи тажриба. Тажриба ташқи ва ички тажрибадан иборат. Ташқи тажриба бу бизнинг сезгиларимиз бўлмиш кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билим, тери орқали сезишлардан иборат. Ички тажриба — ўз шахсий фаолияти ҳақидаги ғоялар, инсон тафаккурнинг турли ҳаракатлари. Бизнинг руҳий кечинмаларимиз — бу ҳис — туйғуларимиздир. Л. фикрича, ғоялар, сезгилар икки тоифага бўлинади: 1) бирламчи сифатлар ҳақидаги ғоялар. Бирламчи сифатлар — бу жисмларга хос сифатлар. Улардан ажралмас сифатлар кўлам, ҳаракат, сукунат, шакл, сон, зичликдан иборатдир. Улар жисмларнинг ўзида мавжуд. Шунинг учун улар ҳақиқий мавжуд сифатлар. Иккиламчи сифатлар нарсаларнинг ўзида мавжуд эмас. Улар ҳамма вақт ўзгарувчан, бизнинг онгимиз орқали ўтадилар. Булар ранг, товуш, таъм, ҳид ва ҳ.к. Улар сезги аъзоларининг маълум фаолиятини келтириб чиқарувчи бирламчи сифатларнинг хусусиятлари туфайли вужудга келади. Бирламчи ва иккиламчи сифатлар ўртасида шундай умумийлик мавжуд. Л.нинг таълимотича, аниқлиги жиҳатидан билишнинг интуитив, намоийш бўлувчи ва сезилувчи (сенсетив) турлари мавжуддир. Интуитив билиш — бу ўз-ўзидан аниқ ҳақиқатлар, мас., «оқ-қора эмас». Намоийший билиш (демонстратив)- бу хулосалар, исботлаш, дедуктив би-

лишдир. Бу иккала восита олинадиган билим шубҳасиздир. Билишнинг учинчи тури сезгилар орқали олинади. Айрим нарсаларни ҳис қилиш орқали олинади. Л. ижтимоий-сиёсий қарашларида сиёсатшунослик тарихида биринчи марта олий ҳокимият, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал органларга бўлиниши кераклигини таъкидлайди. Фақат бир-бирдан мустақил шароитдагина шахс ҳуқуқини таъминлаш мумкин. Л. черковни давлатдан ажратиш тарафдори бўлган.

ЛОМОНОСОВ Михаил Васильевич (1711.11.8, Архангельск — 1765.4.4, Санкт-Петербург) — рус олими. Тарих, механика, металлургия, физика, шеърят, тилшунослик каби соҳаларда танилган. Л. баъзилар томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётган айрим бидъат ва хурофотларни рад этади. Л. материя деганда модда (жисм)ни тушунди. Унинг таъбирича, материя элементларнинг муайян йиғиндисидан иборатдир. Бу энг майда зарралар доимо ҳаракатдадир. Жисмлар юзасининг ишқаланиши оқибатида зарралар ҳаракати ошиб боради, ҳаракатнинг миқдоран ўсиши ўз навбатида иссиқлик миқдорини оширади. Ҳаракатни бундай талқин этиш фанга тасодифан кириб қолган теплород, флогистон каби тасавурларни бекор қилинишига олиб келди. Олим моддалар ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини кашф этди ва табиат қонунларининг инвариант характер (ҳамма жой ва йўналишда бир хил маъно — мазмун)га эга эканлигига алоҳида эътибор қаратган. Табиатдаги барча ўзгаришлар олам яратилгандан кейингина амал қила бошлаган. Ҳаракат, ривожланишнинг охири йўқ, аммо уларнинг бошланиш нуқтаси, ибтидоси мавжуддир.

Л. билиш наз-ясида табиатни билиш қийин, лекин бу жараён ғоят даражада фойдали деб ҳисоблаган. Воқеликни билишдан мақсад ҳақиқатга эришишдир. Унга эришишнинг синалган воситаси — бу тажриба ва кузатув. Л. нарса ва ҳодисаларни билишда комплекс нуқтаи назардан туриб ёндашишни доимо талаб қилиб келган, чунки уларнинг хосса-хусусиятлари ва жиҳатлари кўп қиррали ва йўналишлидир. Уларни ҳар хил фан соҳаларига таянган ҳолда тадқиқ этиш кутилган натижани беради. Бу эса барча фан соҳалари намояндalари ўртасида ўзаро илмий ҳамкорликни тақозо қилади. Л. қарашлари 18-а.нинг 2-ярмида ижод этган рус маърифатпарварлари А.С.Аничков, Я.П.Козельский, С.Е.Десницкийларнинг ижти-мой-фал-ий қарашлар шаклланишига таъсир кўрсатди.

ЛОССКИЙ Николай Онуфриевич (1870—1965) — рус идеалист файласуфи, персонализм вакили; Петербург ун-тининг проф.и. 1922 й. чет элга жўнатилди ва 1945 й.гача Чехословакияда яшади. 1945—50 й.лар ичида Нью-Йоркдаги Рус маънавий Акаде-

миясининг фал. проф.и лавозимида ишлади. Л. борлиқ ҳақидаги ўзининг объектив-идеалистик таълимотини яратди. Унинг фикрича, фал.нинг энг асосий масаласи — «оламни бир бутун билиш наз-яси» ва уни энг аввало диний тажриба асосида ўрганишидир: гайри оламий ибтидо (худо) б-н боғланган «субстанцииал фаоллар» (Лейбницнинг монадасига ўхшаш тушунча) воқеликнинг моҳиятини ташкил этади. Худди ана шу «фаоллар» моддий ва психик жараёнларнинг бутун хилма-хиллигини вужудга келтиради. Психологияда Л. имманент мактабига яқин туради. Предметлар ҳиссий, мистик ёки интеллектуал интуиция воситаси б-н билинади (бу сўнггисига Л., Бергсондан фарқли ўлароқ, фаросатни ҳам киритади). «Мен» б-н моддий дунё ўртасидаги муносабат масаласининг ҳар қандай тарзда қўйилишини аслда ноқонуний деб ҳисобловчи ва онг б-н мазмуннинг билувчилик ишини фақат субъект доирасида бир-бирдан фарқ қилдирувчи Л. субъектив идеализм доирасидан чиқмаган эди. Л. фикрича, рус фал.сининг асосий чегараси унинг одоб-ахлоқ хусусиятлари, «диний реалистик», «синтетик» (ҳодисаларни ўзаро боғланган ҳолда текшириш) деб ҳисоблайди. Л. рус фал.сининг ривожланишида материалист файласуфларнинг аҳамиятини пасайтиради. Асосий асарлари: «Интуитивизмни асослаш» (1906), «Фалсафага кириш» (1911), «Олам-органик яхлитликдир» (1917), «Ҳиссий интеллектуал ва мистик интуиция» (1938), «Рус фал.сининг тарихи» (1915), «Достоевский ва унинг христианча дунёқараши» (1953) ва б.

ЛУКАЧ (Lukacs) Дьердь (1885—1971) — венгер файласуфи, сиёсий арбоби. Фал-ий билимни Будапешт, Берлин, Гейдельберг ун-тларида олди. Унинг дунёқараши Зиммел ва М.Вебернинг ғоялари таъсирида шаклланди, сўнг Гегель ва К.Маркс асарларини ўрганди. 1945 й. Венгрияга қайтиб, Будапешт ун-тида фал. ва эстетика проф.ри лавозимида ишлади. 1949 й.дан Венгрия фанлари академиясининг аъзоси бўлди. Унинг асосий асарлари: «Жон ва шакллар» (1911), «Роман наз-яси» (1914—1916), «Париж ва синфий онг» (1923), «Тарихий роман» (1936), Адабий наз-я ва марксизм (1937), «Ёш Гегель ва капиталистик жамият муаммолари» (1948), «Реализм тарихига доир» (1939), «Экзистенциализм ёки марксизм» (1948), «Ақлнинг емирилиши. Шеллингдан Гитлергача бўлган иррационализм йўли» (1954), «Ижтимоий борлиқ онтологиясига доир» ва б. Л.нинг «Тарих ва синфий онг» асари, Мерло Понтининг фикрича, узоқ йиллар давомида Фарба катта шуҳрат қозонган ва у Фарб марксизми номини олган. Л.нинг буюмлаштириш наз-яси 20-а.да Маркс диалектикасини фал-ий идрок этишга дастлабки уриниш бўлган. Унда 20-а.да ижтимоий жараён энг муҳим белгилари ўз ифодасини топди: жамиятшунос-

ликнинг социал борлиқ эволюцияси тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслиги, оламнинг кенг қамровда рационаллашиб бораётганлиги ва классик типдаги метафизика ва онтологиянинг кераксиз бўлиб қолаётганлиги ва ҳ.к. Л. «ашёвий» категориясини илмий муомалага киритар эка, социал реалликнинг М. Вебер томонидан қилинган таҳлилини шахссиз иқтисодий жараёнлар б-н боғлади. Л.нинг фикрича, нарсаларнинг «ашёвийлашуви» инсон борлигига жиддий таҳдид сола бошлади, инсон ҳаётининг ўзи ҳам буюмлашди, шахс буюмлашди, товарга айланди. Тафаккурнинг алоҳида типи — буюмлашган тафаккур шаклланди. Фан олимларнинг объектив ҳақиқатни билишга интилиши эмас, балки рационаллашган предметларни минимал даражада билиш б-н чеклана бошлади.

ЛУКРЕЦИЙ (Lucretius) Кар Тит (мил.ав. 96—55-й.)— қадимги Рим файласуфи, шоири ва мутафаккири, «Нарсалар ҳақида» дostonининг муаллифи. Бу дostonи ўз жанрига кўра қад. юнон фал-ий эпосини давом эттирган, мазмунига кўра, Эпикурнинг материалистик тизимига яқинлашди. Дostonнинг биринчи китобига киришда инсониятни оламни бошқараётган эътиқод ва Худолардан қутқарган, ўлим олдида кўрқувдан халос қилган Эпикур таълимотини кўкларга кўтаради. Табиатни билиш ишончсизликни бартараф қилувчи ягона воситадир. Унинг асосида эпикуризм этикасининг асосий муаммоси — жоннинг ўлими ҳақидаги таълимот туради. Ахлоқий жиҳат дostonнинг алоҳида қисмларга киришларда ва махсус экскурсларда илгари сурилган. Лекин, фал-ий тизимнинг ахлоқ-одоб ва табиат соҳаларига оид қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабат Л.да Эпикурга қараганда бошқачароқ. Агар материалистик фал. ва у б-н боғланган сенсуалистик билиш наз-яси Эпикурда этикага бўйсундирилган бўлса, Л. учун табиат ҳодисаларини атомистик тушунтириш уни яратишга имкон берадиган олам манзараси эстетик қадрият бўлиб қолади. У Эпикур изидан бориб, оламни тушунтириб, доимий биринчи асослар орқали унинг шакллари ва бўёқларини бутун бойлигида кўради ва бу туганмас турли-туманлик унутилади, ўз қонуниятида охиригача тушунилган бир бутунлик сифатида намоён бўлади. Табиат ҳақидаги баёнларни Л. ўз-таълимотида физик асосларга доимо мурожаат қилиб тузган. Оламни илоҳий бошқаришни инкор қилиб, Л. Эпикур каби худоларнинг мавжудлигини инкор этмайди. Худолар майда атомлардан иборат, дейди.

ЛУРИЯ Александр Романович (1902—1977) — рус психологи, файласуфи, гносеология назариётчиси, педагогика фанлари (1937) ва медицина фанлари (1943) доктори, МДУ профессори. Россия, АҚШ Фанлар Академиясининг аъзоси. Л. Қозон давлат ун-

тининг ижтимоий фанлар ф-тида ва Москва медицина ин-тида таҳсил олди. 20-й.нинг бошларида З.Фрейд, Адлер ва Юнгнинг руҳий таҳлил наз-ялари б-н қизиқди. 1922-й. Қозон психоаналитик ассоциациясига асос солди ва уни бошқарди. 1925 йили Москвага кўчиб келди ва Рус психоаналитик жамиятининг илмий котиби бўлиб ишлади. Шу йили «Психоанализ монистик психология тизими сифатида» мақоласини чоп этди. 1924—1926-й.лари Виготский б-н ҳамкорликда психиканинг ривожланиш муаммолари бўйича тадқиқот олиб борди, инсон психикасининг маданий-тарихий фаолияти ва ривожланиши наз-ясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Нейропсихология ва нейролингвистика муаммоларини ўрганди. 1969-1972-й.лари илмий психология халқаро иттифоқининг вице-президенти бўлди. Л.нинг энг муҳим асарлари: «Хулқ-атвор тарихи бўйича этюдлар. Маймун. Примитив. Бола (1930, Виготский б-н ҳамкорликда); «Инсоннинг зиддиятли табиати» (1932), «Инсон мияси ва психик жараёнлар» (1—2 том, 1963—1970); «Нейропсихология асослари» (1973), «Билиш жараёнларининг тарихий ривожланиши тўғрисида» (1974); «Босиб ўтилган йўл босқичлари. Илмий таржимаи ҳол» (1982) ва б.

ЛУТФИЙ (1366 — Ҳирот — 1465) — улуг ўзбек шоири ва мутафаккири, жаҳон адабиётининг буюк вакилларида бири. Ёшлиқдан мактаб ва мадрасаларда дунёвий билимларни, Шарқ тиллари, халқ оғзаки ижоди ва адабиётини пухта ўрганган, туркий ва форс тилларида ижод қилган. Л.нинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ўз замондошлари ва кейинги ёзувчилар асарларида айрим маълумотлар келтирилган. Бироқ бу манбалар ва Л.нинг бизгача етиб келган асарлари унинг таржимаи ҳолини тўла тиклаш учун етарли маълумот бера олмайди. Л. ўзининг узок йиллик умри давомида Хуросон ва Мо-вароуннаҳрдаги кўплаб ижтимоий — тарихий ва сиёсий воқеалар гувоҳи бўлган. Темурийлар империясининг вужудга келиши ва парчаланиб кетиши, ўзаро урушлар ва уларнинг оғир оқибатлари, шунингдек, фан ва ҳунармандчилик, адабиёт ва санъат, маданият соҳаларида эришилган улкан ютуқлар-ҳаммаси шоир ижоди учун баракали ва бой манба бўлиб хизмат қилган эди. Л. ўзининг бой ва гўзал лирикаси, дostonлари б-н ўзбек адабиётининг шаклланиши ва ривожланишига, ўзбек адабий тилининг тараққий этишига, юксак маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг кенг ёйилишига, эл-юртнинг осойишталиги, жаҳолат ва бадбинликни қоралашга муҳим ҳисса қўшди, адабиёт ихлосмандларининг бадий-эстетик туйғуларини, уларда гўзал ахлоқий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берди. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида келтирилишича, Мавлоно Л. йигитлигида дунёвий илмлар-

ни ўрганган ва сўнгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбонийдан тасаввуф бўйича таълим олган. Бироқ шоир тасаввуфга тамомила берилиб кетмаган, уни тарғиб қилувчи диний-мистик шоирга айланмаган, аксинча дунёвий билимлар ва қоидаларни тарғиб этувчи «форсий ва туркийда назирини йўқ» забардаст шоир бўлиб етишган. Л.нинг бой лирик меросидан ташқари унинг эпик дostonлар ёзгани ҳам маълум. У 1411-й.да «Гул ва Наврўз» дostonини яратган, шунингдек, кейинчалик Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли тарихий китобини таржима қилган ва унинг асосида ўзбек тилида 10 минг байтдан зиёдроқ маснавий-дoston ёзган. Л.нинг «Гул ва Наврўз» дostonи Темур давлати парчаланиб кетиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда шаҳзодалар ва амирнинг амалдорлар ўртасида тахт учун қонли курашлар авжига чиққан бир шароитда яратилди. Шоир бу асарни Амир Темурнинг набираларидан бири Искандар Мирзонинг топшириғи б-н ёзган. Искандар Мирзо у вақтда Форс ва Исфаҳон ҳокими бўлган ҳамда маърифатпарварлиги б-н бошқа темурий шаҳзодалардан ажралиб турган. Гул б-н Наврўз мавзусида ёзилган асарлар Лутфийгача ҳам бўлган ва улар шоирнинг мазкур асарининг ёзилишида маълум даражада муҳим ўрин тутган. Л.нинг «Гул ва Наврўз» дostonининг етакчи мавзуси севги-муҳаббатдир. Бу туйғу асар қаҳрамонлари — Гул б-н Наврўз образларида ўзаро самимият, вафодорлик ва садоқат, мардлик ва жасорат, эзгулик ва адолат, халқпарварлик ва инсонпарварлик каби олижаноб фазилатларни тараннум этади. Севги уларга куч-қувват, жасорат бағишлайди, қийнчиликлар ва хавф-хатарни улар бир-бирига бўлган самимий муҳаббат туйғули мардона энгиб ўтадилар ва оғир, мураккаб саргузаштларни бошдан кечириб, охир-оқибатда бир-бирларига етишадилар. Шу б-н бирга дostonда ёвузлик ва адолатсизликни ўзида мужассам этган қатор образлар воситасида шоир ўша даврга хос бўлган ижтимоий-сиёсий можароларни, зулм ва зўравонликни ҳам юксак бадиий маҳорат б-н тасвирлаган. Л. мазкур дostonда маърифатпарвар ҳукмдор бошчилигида марказлашган ҳокимиятни вужудга келтириш, эл-юртни бемаъни ва мақсадсиз қонли тўқнашувлардан қутқариб, тинч ва осойишта турмушни қарор топтириш, адолат ва инсонпарварлик ғояларини илгари суради. Л. ижодий меросидан бизгача унинг «Гул ва Наврўз» дostonидан ташқари яна туркий тилда битилган шеърлар девони ҳам етиб келган. Девон ғазал, туюқ, қитъа, рубоий, қасида каби жанрдаги асарлардан тuzилган. Л. лирикаси тилининг содда ва равлонлиги, бадиий образларининг ўзига хос, гўзал, оригинал ва жозибadorлиги, уларда илгари сурилган ғоялар ва мотивларнинг умуминсоний қадриятлар б-н ҳамоҳанглиги, миллий бўёқларнинг кучлилиги ва ёрқинлиги б-н Алишер Навоийгача бўлган туркий шеърининг гўзал

намунаси ҳисобланади. Л. ўз шеърларида, аввало ҳаётни ва инсонни улуғлайди, севги ва садоқатни, вафони, меҳр-оқибатни шарафлайди. Ҳаётдан завқ олиб яшаш, адолатли, мурувватли ва саховатли бўлиш, гарибларга, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, бу дунёнинг барча гўзалликларидан баҳраманд бўлиш кераклигини нозик ва нафис бадиий образлар воситасида куйлайди. Шарқ мумтоз адабиётига хос бўлган анъанавий мавзу-ёр васфи, ишқ-муҳаббатни, садоқатни, вафони улуғлаш Л. лирикасининг ҳам асосий мавзуларидан биридир. Шу б-н бирга, Л. лирикасида турмушдаги баъзи бир зиддиятлар, камчилик ва нуқсонлар, айрим амиру амалдорлар ва нопок дин пешволари, айш-ишратга берилган нодонлар, босқинчилик б-н кун кўрувчи шахслар қаттиқ танқид қилинади. Ошиқининг маъшугадан зорланиши, нолиши ва шикоятни ҳам, аксарият ҳолларда, шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларидан келиб чиқадиган кайфият тарзида гавдаланади: Турбатимнинг тошига мундоқ битингким: «Лутфий кул — Тош бағирлик ёр учун фарсуда бўлгон хок эрур». Баъзан эса шоир, жабр-ситам тортиб эзилган, мулки талон тарож бўлган жафокаш, камбағал-қашшоқ, мискин ва бенаво кишиларнинг оғир ва бефайз турмушидан ачиниб, очкўз ва инсофсиз амалдорлардан нолийди:

«Айттимки: бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил!
Айтурки: бизнинг даврда ул расм қолибдур.»

Л. ижодининг бадиий-маънавий қиммати фақат туркий адабиётлар доирасидагина эмас, балки бутун жаҳон адабиёти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Л. форсийда ҳам асарлар битган, аммо улар шоирнинг «Зафарнома» таржимаси каби бизгача етиб келмаган. Л. ижоди ҳақида Алишер Навоий «туркийда шуҳрати кўпрак эди» дейди ва тарихчи Хондамир эса «Мавлоно Л. сўз лутфида ягонаи даврон эди, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган эди», деб ёзади. Шоир Паҳлавон Маҳмуд Л.ни шоирлар қавмининг устоди ва «маликулкалом.» деб шарафлайди. Л. Алишер Навоийга устозлик қилган, ўзидан кейинги давр туркий шеърини ривожига ҳам катта ва муҳим таъсир кўрсатган. Л. асарлари қайта-қайта нашр этилган, «Гул ва Наврўз» дostonи асосида мусиқали драма яратилган. Унинг ғазалларига куйлар басталаниб, хонандалар ижодидан муносиб ўрин олган.

ЛЮТАР (Luther) Жан-Франсуа (1924) — француз файласуфи, «Социализм ва варварлик» журналида ҳамкорлик қилган. Унинг тадқиқотлари санъат назарияси, дискурс (мантиққа асосланиш)нинг турли шакллари фрейдмарксизм муаммоларига қаратилган. У сиёсий иқтисод негизига истаклар ва уларнинг ўзгариши етишини кўрсатишга ҳаракат қилди. Унинг «Дискурс, фигура», «Беихтиёр-ундовчи

механизмлар», «Либерал экономика» каби асарлари бор.

ЛЮТЕР (Luther) Мартин (1483.10.1, Саксония — 1546.18.2) — Германиядаги бюргер реформациясининг арбоби, немис протестантизмнинг асосчиси, Эрфурт ун-тини (1505) тугатган. Эркин санъат магистри даражасини олиб, ўргана бошлаган ҳуқуқшуносликни ташлаб, Августин монастирига ишга киради ва ўрта аср илоҳиётини чуқур ўрганишга киришади. 1508 й дан Виттенберг ун-тида дарс бера бошлайди. 1512 й. илоҳиёт доктори унвонини олади. Л. ўз таълимоти б-н чиқиш қила бошлайди, ўз даври учун кескин фикрлар билдиради. Германияда католик черковига қарши ижтимоий ҳаракат кучайган шароитда Л. ўзининг 95 тезиси б-н индугенцияга қарши чиқди. Католик черковининг асосий ақидаларини инкор этувчи бу тезислар унинг янги диний таълимотининг асосий қоидаларини ташкил қилади. Л. ўзининг янги гоялари б-н черков ва руҳонийларнинг жамиятдаги ҳукмрон мавқеини инкор этиб, «руҳни халос этиш»нинг ягона йўли бевосита Худо ато этган христианлик динига эътиқод қилишдир, деб эълон қилган. Агар бу фикрлар 1537 й. 31 октябрдаги унинг тезисларида баён этилган бўлса, кейинчалик унинг бу соҳадаги қарашлари «Христианнинг эркинлиги ҳақида», «Черковнинг бобиллик асири ҳақида» ва б. асарларида ривожлантирилди. Л. бундай қарашлари учун Рим папаси томонидан даҳрийликда айбланди. Л. Римга, черков судига боришдан бош тортди.

1519 й. Лейпцигга папа вакили Экко б-н бўлган баҳсда очиқдан-очиқ оловга ёқилган чех реформатори Ян Гуснинг таълимоти тарафдори эканлигини эътироф этди. Л. 1520 й. папанинг вилласини ёқиб юбориб, жамоатчилик олдида черков ишидан ўзининг четлашганлигини эътироф этди. Л. ўз асарларида папа зўравонлигидан қутлиш учун, худога хизмат қилиш фақат биргина руҳонийларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак, балки бутун христианларнинг вазифаси уларнинг дунёвий муассасалари, дунёвий ҳокимиятларининг иши бўлиши керак деб

тушунди. Унинг бу гояси «умумий муқаддаслик» таълимотининг келиб чиқишига олиб келди. Лекин бу давр фаолияти узоққа чўзилмади. Чунки, Германияда 1520—1521 йилларда Реформация ҳаракати кучайиб кетди.

Л. фикрига кўра, инсон ўз «қалби», «руҳи»ни фақат динга бўлган ишончи, эътиқоди орқали озод қилиши мумкин. Бу инсонга бевосита Худо томонидан инъом этилади. Л. «муқаддас ёзув»ларнинг обрўйини қайта тиклади. «Муқаддас ёзув» Инжилни ҳаммага тушунарли бўлиши учун ўзининг 15 йиллик ҳаётини уни немис тилига таржима қилишга бағишлади. Л. ҳар бир христиан «муқаддас ёзув»ларни ўзича талқин этиш мумкин деб ҳисоблайди. Лютер христианлар б-н христиан бўлмаганлар ўртасида принципиал фарқ йўқ деб тушунади. Л. руҳонийларнинг асосий вазифаси кишиларни худога итоат эттириш деб билди. Диний хизматда монахликни идеал нарса деб ҳисобламади. Ҳар бир инсон ўз вазифасига масъулият б-н қарашни керак, инсон ер ҳайдайди, ҳунармандчилик маҳсулоти ишлаб чиқарадими, болалар тарбиялайдими, давлатни бошқарадими, қандай бўлишдан қатъий назар, ўз касби, ҳунари, мутахассислигига масъулият б-н қарашни керак. Агар деҳқон, ҳунарманд, савдогар, ўқитувчи, монах ўз фаолиятини яхшироқ бажарса, бу Худо хоҳишига жуда ҳам тўғри келади. Л. ўз қарашларида дунёвий фаолиятга нисбатан диний-ахлоқий нуқтаи назардан бўлса ҳам ўз муносабатини тубдан ўзгартирди. Меҳнатни улуғлаш нуқтаи назарида турди. Л. қарашларининг яна бир аҳамияти шундаки, унинг Реформация таълимотида диний-ахлоқий қадриятлар асос қилиб олинган. Бу гоя Германияда эркин тадбиркорлик маданиятининг қарор топиши ва ривожланишига муҳим таъсир қилди. Лекин Л. Реформацияни адолат ва тенглик учун кураш деб тушунишга бутунлай қарши эди. Л.нинг диний ақидаларига қарамасдан, у Уйғониш даврининг буюк вакили сифатида майдонга чиқди. Шунинг учун ҳам у Германия тарихида бу даврнинг буюк кишиларидан бири деб қаралади.

М

МАБЛИ (Mably) Габриэл Банно Де (1709-1785) — француз сиёсий мутафаккири ва тарихчиси, жамиятнинг барча жабҳаларини тубдан қайта қуриш тарғиботчиси. Унинг ижтимоий-сиёсий тафаккури асосларини «ижтимоий-жамоат шартномаси» ва «табиий ҳуқуқ» наз-ялари ташкил этади. М. фикрича, хусусийлик инсон бошига тушган барча бало-қазо-

ларнинг асосий манбаи ва бош сабабчисидир. Лекин у, хусусий мулкчиликни бутунлай тугатиш мумкин эмаслигини англаган ҳолда мулккий тенгсизликни истеъмолни чеклаш ва зебу зийнатга мойилликни бартараф этиш воситасида юмшатиш мумкин, деб тушунади. М. ақл-заковат қонун-қоидаларидан келиб чиқадиган «умумий мулкчилик афзалликлари»ни та-

рғиб қилиш дастлабки мавқеидан хусусий мулкчиликни чеклаб ижтимоий тенгликка яқинлаша бориш наз-ясига томон бўлган жараёнларни асослаб беришга уринади. У халқни олий ҳокимият соҳиби эканлигини уқдириб, мавжуд тузумни ўзгартиришга унинг ҳуқуқи борлигини илмий асослашга уринар экан, зўравонлик ва мустабидлик тартиб-отларига қарши қаратилган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракат, жумладан, инқилоблар ва фуқаролик урушлари содир бўлишини табиий ҳолат деб билади. М.нинг фикр-мулоҳазалари унинг кичик замондошлари, айниқса, атоқли француз маърифатпарвар фай.лари илмий ва амалий фаолиятига маълум даражада таъсир ўтказди, унинг вафотидан бироз кейин амалга оширилган Буюк француз буржуа инқилобининг ғоявий-мафкуравий етилишида М. ғояларининг ўрни ва аҳамияти кўриниб туради.

МАВЖУДЛИК (лат. *existio* — мавжудман сўзидан олинган) — фалсафадаги борлиқ тушунчасининг синоними. Фал. тарихида, одатда мавжуд нарсаларнинг тафаккур ёрдамида акс эттириладиган ички моҳиятидан фарқли ўлароқ, тажриба асосида эришиладиган, уларнинг ташқи томонларини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатилиб келинган. Амалий эмпиризм (Локк, Юм) ҳар қандай билимнинг мавжудлигини тан олган. Янги давр рационализи (Декарт, Спиноза, Фихте, Гегель), М. тушунчасини талқин этишда борлиқ ва тафаккурнинг айнанлиги таълимотидан келиб чиқади. М. бу ерда моҳият эътибори б-н қандайдир ақл б-н боғлиқ рационаллик сифатида талқин этилади. Бу нуқтаи назарларни бирлаштиришга уриниш Лейбниц ва Кант таълимотларида кўринади. Лейбниц икки хилдаги ҳақиқатни тан олади: ақлнинг абадий ҳақиқатлари ва фактлар ҳақиқати. Лейбницнинг фикрича, улар ўртасидаги фарқ фақат инсон ақли чегараси (охир) учун мавжуд, оламий ақлда бу фарқ йўқ. Кант «мавжудлик»нинг онтологик аҳамиятини тан олади. «Нарса ўзида»ни, мантиқий хулосалар орқали келтириб чиқариб бўлмайди, ақл фақат расмий алоқаларни, ҳиссиёт эса унга ашё етказишини ҳисобга олсак, М.ни ҳеч бир ҳиссий ҳодисалардан мантиқий келтириб чиқариш мумкин эмас. М., умуман олганда, янги категория мазмунида Кьеркегор қарашларида талқин этилади. У М.ни бевосита аңлаш мумкин бўлган инсон борлиғи сифатида тушунилишини рационализмга (Гегель) қарама — қарши қўяди. М., Кьеркегор фикрича, бу — алоҳидалик, шахсиятлик, интиҳоликдир. Интиҳоли М. ўз тақдири ва тарихига эга бўлиб, тарих тушунчаси интиҳоликдан, М.нинг қайтарилмаслиги ҳамда тақдирдан ажралмаслигидир. XX асрда М.ни кьеркегорча тушуниш экзистенциализмда (Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Марсель ва ҳ.к.) қайтадан кўриб

чиқилган унда марказий ўринни эгаллайди. Экзистенциализмда М. инсоннинг ўз чегарасидан чиқувчи, вазиятнинг трансценденталликка нисбатан бир ҳолати сифатида талқин этилади. Инсон ақли етиши мумкин бўлмаган М. б-н трансценденталлик ўртасидаги алоқа унинг охири экзистенциализмга кўра, М. фактининг ўзида топилади. М.нинг охири, ўлим, ҳаёт туташининг эмпирик факти эмас, балки бутун инсон ҳаётига кириб борувчи, М. таркибини белгиловчи, бошланғич ҳолатдир. Мана шундан экзистенциализмни таърифловчи ва унда қизиқиш уйғотадиган ҳолатлар (қайғу, кўрқув, айбдорлик ҳиссиёти ва ҳ.к.) унинг табиатини очиб беради ва бу ҳолатлар буюмларнинг моҳиятидан, уларнинг ҳозир мавжуд бўлишидан келиб чиқади. М. ва моҳият ўртасидаги тафовутни фарқлаш, фал. тарихида биринчи бўлиб, вериалик Гильом томонидан кўрсатилган. Шуниси эътиборга лойиқки, Гильом бу фикрларга Ибн Сино таълимоти таъсири остида келади. Ибн Сино борлиқнинг икки аҳамияти мавжудлигини кўрсатади: 1. Буюмлар маъносини аниқлаган ҳолда, уларни оддийгина мавжудлигини ифода қилиш; 2. Борлиқ субстанция сифатида қаралади, бунда унинг акциденцияси, иккиламчи хусусиятлари эътиборга олинмайди. Ф. Аквинский фал.сида М. ва моҳият, икки борлиқ (буюмлар ва субстанция) аввали сифатида намоён бўлади. Борлиқни фаолият деб тушуниб, Фома энг буюк воқелик худо ва худонинг моҳияти унинг ўзининг мавжудлигида амалга ошади деб ҳисоблайди. Бошқа барча яратилган оламда моҳият ва М. ўзаро мос келмайди. М. моҳиятнинг идеаллик чегарасидир.

20-а. бошларида, Фарбий Европа мамлакатларида тарқалган экзистенциализм (Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Марсель ва ҳ.к.) фал.сида М., нарсаларнинг моҳиятидан юқори турадиган, пайқаб бўлмайдиган, инсоннинг билиши ва амалиёти эриша олмайдиган тушунча сифатида, таърифланади. Аслида эса, нарса ва ҳодисалар моҳиятини уларнинг мавжудлигидан, яъни борлигидан ажратиб бўлмайди. Ана шу маънода, М. борлиқ тушунчасининг синоними ҳисобланади.

МАВЗУ — муайян асар ёки тадқиқот номи, уни илмий, наз-ий, бадийий йўналишининг ифодаси; идрок этиш хусусиятлари ва мақсадни белгилаш маҳорати масалалари, бадийий идрок этиш хусусиятлари, маҳорати масалалари б-н чамбарчас боғлиқ тушунча. М. кўп маъноли тушунча. Воқеа-ҳодисалар мажмуи, иқтисодий, ахлоқий, фал-ий, руҳий муаммолар маъносини белгилаш мавзу атамаси б-н изоҳланади. М. тушунчаси кўп ҳолларда акс эттирилган ҳаётий ҳодисалар доирасини белгилаш учун ишлатилади. Муайян асар мавзуи воқеа-ҳодисалар доирасидан танлаб олиб, уларни мушоҳада этиб, баҳолаб бўлингандан кейин вужудга келади. Шубҳа-

сиз, М. табиатидан асар ёки тадқиқот қиймати ҳам келиб чиқади. Адабиёт ва санъатнинг кўпгина турларида М. сюжет орқали, илмий-фал-ий тадқиқотларда эса мисол ва далилларга асосланиб фикр юриштиш ёки хулоса чиқариш асосида намоён бўлади. Сюжет асарда тасвирланган воқеа ҳодисаларнинг кетма-кет баён қилинишидир. Сюжет мазмун ва шаклга алоқадор ҳолда намоён бўлади. Бадий адабиёт ва санъат асарларининг, илмий тадқиқотларнинг кенг кўламли, кўп йўналишли турлари бир вақтда бир неча М.ларни ўз ичига олади. Бундай асар ва тадқиқотларда муаллиф режасининг асосий юкини кўтарадиган бош М. б-н бир қаторда ёрдамчи мавзулар ҳам бўлиб, улар бош М. мазмунининг янада тўла, ёрқин очилишига хизмат қилади. Фал-да номзодлик ва докторлик ишларида М. танлаш ниҳоятда муҳим. Зеро М. гоҳида тадқиқотчининг бутун умри давомида олиб борадиган илмий ишлари йўналишини белгилаб беради.

МАГИЯ («шомон» сўзининг тунгус тилидаги маъноси — сеҳргарлик) — реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида бажариладиган *ритуал* — урф-одатлар мажмуаси. М. тотемизм ва анимизм б-н бир вақтда пайдо бўлиб, у орқали кишилар ўз тотемлари — ота-боболарининг руҳлар б-н хаёлан боғланишини амалга ошириб келганлар. М. ўтмишда пайдо бўлиб, асрлар давомида ривожланишда давом этиб келган. Одатда афсунгарлик урф-одатлари б-н махсус одамлар — шомонлар шугулланганлар. Улар орасида, айниқса, узоқ ўтмишда аёллар кўп бўлган. Одамлар шаманлар ва афсунгарларнинг руҳлар б-н мулоқотда бўлиши, уларга жамоанинг умид ва ниятларини етказиши, марҳумлар иродасини бўйсундириш қобилиятига эга эканликларига чуқур ишонганлар. Шаманлар, одатда, маълум ритуал ҳаракатлар орқали овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли б-н ногоралар ва кўнғироқлар овозлари остида жазавани авж нуқтасига етказиш б-н афсунгарлик қилишган. Томошабинлар ҳам баъзан ўзларини йўқотиш даражасига етиб, маросим иштирокчилари бўлиб қолишарди. Одатда шаман маросим охирида ўздан кетиб, ҳеч нарсани сезмай қоларди. Илоҳий кучлар дунёси б-н бундай боғланиш йўли ҳаётда номаълум, олдиндан билиб бўлмайдиган шароитлардан келиб чиққан. Шунингдек, афсунгарлик одамлар онгини мустаҳкамлашда катта рол ўйнади. Бу эса диний онгининг шаклланиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин. Афсунгарлик қуйидагиларга бўлинади: 1) зарар келтирувчи ёвуз афсунгарлик. Мақсади кимгадир зарар етказишдан иборат; 2) ҳарбий афсунгарлик. Душманга қарши, мас., қуроласлаҳаларни сеҳрлаш; 3) севги афсунгарлиги; 4) тиббий афсунгарлик. Ундан даволаш мақсадида фойда-

ланиш; 5) об-ҳаво афсунгарлиги. Бу сеҳргарлик туридан ёмғир ёғдириш ёки об-ҳавони ўзгартириш мақсадида фойдаланилган. Сеҳргарлик ҳозирда ҳам турли халқларда сақланиб қолган.

МАДАНИЙ ИСЛОҲОТ — жамиятнинг бир сифат ҳолатидан юксакроқ янги сифат ҳолатига ўтиш жараёнларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт соҳалари б-н бир қаторда маданий ҳаёт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар ва қайта қуришлар содир этилиши жараёни. Тарихий тараққиёт жараёни, цивилизациянинг муайян босқичида маърифатпарварлик ҳаракатлари (Франция, Англия, АҚШ, Голландия, Бельгия, Германия ва б.), маданий инқилоб, маданий мухторият, илмий-маданий мухторият гоълари, миллий озодлик ҳаракатлари бағрида шаклланган маданий тараққиёт воситасида миллий озодликка эришиш учун бўлган саъй-ҳаракатларни (гандизм, жадидчилик) М.и. тамойилини шакллантириш босқичлари сифатида баҳолаш мумкин. Бунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга ошириладиган туб ислоҳотлар маданий ҳаёт моҳият-мазмунига сингдирилиб, у б-н мутаносиблик касб этиши объектив тараққиёт қонунияти сифатида ўз ифодасини топади. Асосан, иқтисодий-ижтимоий заминнинг моҳиятан туб ўзгариши объектив равишда маданий ҳаёт асосларини ҳам тубдан ўзгартириш ва қайта қуришни тақозо этади. М.и. таълимоти, асосан, социал-демократик, социалистик ва коммунистик партиялар дастурлари асосида амалга оширилиши (собиқ СССР ва унинг иттифоқчилари) муайян натижалар б-н биргаликда катта фожиали оқибатларга олиб келди: маданий ҳаёт тизимининг асосий яратувчи ижтимоий кучи бўлган зиёлилар табақаси қирғин қилинди, ёки мажбурий муҳожирликка маҳкум этилди, маданий мерос «синфий кураш» ниқоби остида барбод қилинди. Бугун башариятнинг умумцивилизация тараққиёт қонуниятлари амал қилаётган шароитда маданий ҳаёт жабҳаларидаги туб ўзгаришлар инқилобий эмас, балки тадрижий тарзда рўй бермоқда.

МАДАНИЙ МЕРОС — авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурӣ, диний ва руҳий қарашларда халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

Ҳар бир давр ўзига хос бўлган М.м.ни яратади ва келажак авлодга қолдиради. Мас., қад. юнон маданиятини оладиган бўлсак, ўша даврнинг фани адабиёти ва санъати соҳасидаги нодир асарлари инсониятни ҳозиргача ҳайратга солиб келмоқда. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиёда ўрта асрларда Уйғониш даври бошланди, дунёвий ва илоҳий илмлар ривож топди. Фаннинг турли соҳаларида улкан ишлар қилинди. Жаҳонга

донги кетган алломалар Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳаким ат-Термизий, имом Бухорий, Замахшарий, Марғиноний, Мотрудий, Улугбек, Навоий, Бехзодлар табиий-илмий, ижтимоий-фал-ий ва диний қарашлари, бадиий ижодлари б-н тарихда чуқур из қолдирдилар. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон худудидан моддий бойлик бўлмиш осори-атиқалар, ёдгорликлар, маданий обидалар кўплаб топилади. Самарқанд, Бухоро, Кўқон, Термиз, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида сақланаётган ёдгорликлар, масжиду-мадрасалар, мақбаралар жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган саёҳатчиларни лол қолдирмоқда. Ҳар бир даврнинг маънавий ва моддий маданияти ўша тузумдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий аҳволини белгилайди. Маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқлар кейинги даврда янги жамият томонидан ўзлаштирилади, қайта ишланади ва янги мазмун б-н тўлдирилади, шароитга тўғри келмайдигани инкор қилинади.

М.м.ни тўғри тушунишда тадрижийлик, ворисчилик қонуни муҳим аҳамиятга эга. Зероки, тадрижийликсиз турли босқичлардаги тараққиётни, улар орасидаги алоқадорликни тушуниш қийин. Муайян даврдаги маданият ва унинг ютуқлари тўғридан-тўғри ўзлаштирилмайди, балки уни ўрганиб кераклиси сақланиб қолинади ва уни ривожлантирилади, кейинги авлод учун авайлаб сақланади. Лекин, иккинчи томондан ҳар бир ижтимоий тузумдан кейингисига фақат М.м.нинг ижобийлари ўтади, дейиш ҳам бир ёқламаликка олиб келади. Унинг кейинги даврларга тўғри келмайдиган, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи томонлари ҳам ўтиши мумкин. Бунда эскилик б-н янгилик, турғунлик б-н тараққиёт ўртасидаги зиддият пайдо бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир тарихий даврнинг маданияти ўтган даврлар маданий меросини ўзлаштиради, яъни ворислик алоқасида бўлади. Лекин ана шу М.м.нинг ҳамма соҳалари ҳам янги ижтимоий тузумга ҳамма вақт тўғри келавермайди. Бу ҳолда ўтмиш маданий бойликларни танқидий ўрганилиб, янги жамиятда янада ривожлантирилади.

Шўролар истибдоди даврида маданий меросга, айниқса, миллий республикалар М.м.сига, умуман олганда, салбий муносабатда бўлинди. Маданият ва М.м.га фақат синфий ва партиявий тамойиллар нуқтаи назаридан қаралди. Ўтмишда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг ижоди ва дунёқараши атеизм мезонлари б-н ўлчанди ва динийликда айбланди, Аҳмад Яссавий, буюк давлат арбоби ва маданият ҳомийси Амир Темур, жадидчиларнинг тарих олдидаги хизматлари қораланди ва уларнинг маданият, илм-фан соҳасидаги улкан ишлари тан олинмади.

Асримизнинг 30—40 й.ларида миллий маданият-миз ва меросимизни тиклашга уринган буюк ватан-

дошларимиз таъқибга учради, қатағон қилиниб, сургун қилинди, уларнинг талайгина қисми шахид бўлдилар.

Республикамиз мустақиллика эришгач, бундай ноҳақсизликларга чек қўйилди. Ҳоз. вақтда Шўролар даврида тақиқлаб қўйилган урф-одат, маросим ва анъаналар, миллий байрамлар қайта тикланди, ўзбек тили давлат тили мақомини олди, ислом дини маданиятимизнинг таркибий қисмига айланди, тарихимиз қайта ўрганилиб чиқилмоқда. Ўтмишда миллий маданиятимиз равнақига қайта катта ҳисса қўшган буюк сиймоларнинг номлари тикланиб, абадийлаштирилмоқда, юбилейлар ўтказилмоқда. Хуллас, миллий маданий меросимизни халқ мулкига айлантириш борасида кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати туфайлидир.

МАДАНИЯТ (*араб.* — мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия қўрган) — табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули. М. алоҳида индивиднинг ҳаёт фаолияти (шахсий маданият), ижтимоий гуруҳнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттиради. Дастлаб М. тушунчаси инсоннинг табиатга мақсадга мувофиқ таъсири (ерни ишлаш ва ҳ.к), ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш ва ўқитиш маъноларини ифодалаган. Кейинчалик М. тушунчаси орқали цивилизация б-н боғлиқ мазмун тушунила бошланди. Уйғониш даврида М. етуклиги деганда инсоннинг гуманистик ғоялари, кейинроқ, маърифатчилик ғояларига мувофиқликни тушуна бошладилар. Жамиятдан ташқарида М. мавжуд эмас. Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш М.га таъсир этади ва М. бу муносабатларнинг қандай натижаларга олиб келишидан хабар беради. Шу боисдан М. нафақат ўтмишга ёки бугунга, шу б-н бирга келажакка муносабатдир. М. инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичи. Инсоният ўзи ҳам пировард натижада М. маҳсулидир. Маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади. М.нинг ижодкори, энг аввало, халқ. Халқ М.ида авлодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб, маданиятли киши бўлиб етишиш қийин. Худди шунингдек, М. ривожиди профессионал ижодкорлар ва санъаткорлар ҳам катта ўрин тутадилар. Улар туфайли М.да янги оқимлар, ижод турлари, бадиий эстетик қарашлар юзага келади. М. ўз моҳиятига кўра, моддий ва маънавийга бўлинади.

МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИ — маданиятнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари ва истиқболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганувчи фалсафий фан. М. фал. бағридан фан сифатида ажралиб чиққани учун ҳам

улар ўртасида узвий боғлиқлик бор. Хусусан, фал-ий қонунлар ва категорияларни билиш маданият ривожланиши муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан туғри ечиш учун замин яратади. Айни пайтда М.ф. маданиятнинг хилма-хил кўринишларини конкрет таҳлил қилиш асосида фал-ий қонунлар ва тушунчаларнинг мазмунан бойиши, фал.нинг ижтимоий амалиёт б-н алоқасининг кенгайиши ва чуқурлашишига, у илгари сураётган хулосалар ва ҳодаларнинг конкретлашувига хизмат қилади. М.ф. ижтимоий тараққиётнинг субъектив томонларига, кишилар фаолияти б-н боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Шу б-н бирга у маданий жараёнлардаги типиклик, қонуниятлилик, моҳиятлиликини тадқиқ қилишини ҳам таъкидлаш зарур. М.ф. ўз предмети доирасини маданият б-н чегаралайди. Маданият эса қанчалик кенг талқин қилинганида ҳам бутун жамиятни қамраб ололмайди. М.ф. бошқа фанлар маълумотларидан фойдаланиш б-н бирга ўзининг эмпирик материалларини йиғади ва таҳлил қилади. М.ф. ижтимоий-гуманитар фанлар б-н ўзаро таъсирда бўлиб, уларнинг категорияларидан фаол фойдаланади. Мас., фал. фанидан «фаолият», «тараққиёт», «ворислик», «бошқарув» каби категорияларни қабул қилиб олиб, ўзининг «маданий фаолият», «маданий тараққиёт», «маданий ворислик», «маданиятни бошқарув» каби категорияларни ишлаб чиқади. М. наз-ий таҳлил объекти сифатида жуда қадимий илмизга эга. Шарқда Будда, Конфуций, Зардушт, Ғарбда антик фал. намояндалари қарашлари бунга мисол бўла олади. Аммо узоқ вақт маданиятшуносликка оид тадқиқотлар фал., тарих, антропология каби фанларнинг таркибий қисми сифатида ривожланиб келди.

18—19-а.лар оралиғини М.ф.нинг фан сифатида шаклланишида муҳим босқич дейиш мумкин, чунки бу даврда М.га муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, И.Кант учун М. тараққиёти аввало ахлоқ тараққиёти бўлса, Гегел учун фал. тараққиёти асосий ҳисобланади. Умуман олганда, немис классик фал.си М.ни жамият ва индивиднинг маънавий ва сиёсий ривожланишининг умумий шакли сифатида қараган. Қизиғи шундаки, улар маданиятнинг турли типлари ва шакллариини инсон маданий эволюциясининг тарихий босқичлари сифатида таҳлил этганлар. Бугунги кунда маданиятнинг моҳиятини таҳлил қилишга йўналтирилган бир қатор ёндашувларни ажратиш мумкин. Натуралистик ёндашувда маданият инсон табиати ривожланишининг оддий давоми, инсон табиати эволюциясининг якуний босқичи, классик ёндашув вакиллари маданият инсон ва жамият маънавий ҳаёти б-н айнанлаштирилади, у табиатдан ташқаридаги, ғайритабиий ҳодиса сифатида талқин қилинади. Аксиологик ёндашув қадриятларга нисбатангина маданият тушунчасини қўллаш мумкин-

лиги ғоясини илгари сурса, фаолиятли ёндашув маданиятини инсон ҳаётий фаолиятининг ўзига хос усули, фаолият, унинг манбалари ва натижаларининг диалектик бирлиги сифатида қарайди. Юқоридаги нисбатан кенг тарқалган ёндашувлардан ташқари, семиотик, структуралистик, постмодернистик, антропологик (гуманистик) каби ёндашувларни ҳам ажратиш мумкин. Бу ёндашувлар ўзаро таъсирда бўлади, бир-бирини тўлдирди, баъзан бир-бири б-н боғланиб ҳам кетади. Мас., фаолиятли-қадриятли ёндашувнинг юзага келганини кўрсатиш мумкин. Шундай бўлса-да, маданият моҳиятини тушунишга кўмаклашувчи ягона, универсал ёндашувни ишлаб чиқишга эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Ижтимоий тараққиёт ҳар қандай фаннинг тадқиқот предмети ва вазифалари доираси, ўрганадиган муаммолари кўламига ўзгартиришлар киритиши, янгидан-янги вазифаларни қўйиши мумкин. Бу М.ф.га ҳам тегишлидир.

МАЖЛИСИЙ — ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаси, XVI а.нинг сўнгги чорагида Хоразмда туғилиб, кейинчалик Ҳиротда яшаган. Дастлаб Ғарибий тахаллусини қўллаган. Султон Хусайн Бойқаро мажлисларида иштирок этгач, Мажлисий тахаллусини танлаган. Бу маълумотлар Хусайн Қулихон Аъзам Обидийнинг «Тазкираи наштари ишқ» асарига баён қилинган. М. Ҳиротдан Бухорога кўчиб келган ва Убайдуллохон саройида хизмат қилган. М.дан бизгача баъзи тазкираларда сақланиб қолган ғазал, байтлари ва «Қиссаи Сайфулмулук» номли фал-ий-ахлоқий дostonи етиб келган.

«Қиссаи Сайфулмулук» М.нинг бизгача маълум бўлган асосий асари бўлиб, дoston улуг туркий мутафаккирлар Мавлоно Лutfийнинг «Гул ва Наврўз», Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonлари каби ишқий саргузаштни тараннум этувчи фал-ий-ахлоқий ғояларни ўзида мужассам этган ёдгорликлардан биридир.

МАЗДАКИЙЛИК — диний-фалсафий таълимot. Асосчиси Маздак (470—529). Маздак халқ оммасининг зардуштийлик қоҳинлари ва зодагонларига қарши курашини бошқарган. Бу ҳаракат таъсирини сусайтириш мақсадида Эрон шоҳи Кубод I (488—531) Маздакни қўллаб —қувватлаган. Маздак Кубод I ҳукмронлиги даврида аввал оташгоҳларнинг бирида қоҳин, кейинчалик бутун Эрон бўйича бош қоҳин бўлган. Қоҳин ва амалдорларнинг иқтисодий, сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлгандан сўнг, Кубод I Маздак б-н алоқани узган. Маздак таълимotига биноан, оламда бўладиган жараёнлар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи эзгулик, ёруғлик манбаи б-н кўркўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғилик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан муқаррар

ғалабаси б-н тугалланади. М. моҳиятан зардуштийлик дини эволюцияси жараёнидаги босқичларидан бири. Шунинг учун зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто, айниқса, унинг кейинги қисми кичик Авесто М.да ҳам илоҳий ҳисобланган. Унда яхшилик, яратувчилик, эзгулик тимсоли, шоҳсулоласининг ҳомийси. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда «яхшилик» тимсоли-Ахурамазда ёвузлик тимсоли-Ахриман устидан пировард натижада ғалаба қозониши, шундан кейин ўликлар тирилиб, дунё барча нопок ва ғаразли нарсалардан холи, ерда битта подшолик, битта халқ бўладиган умумий роҳат-фароғат замони келишига умид боғланади. Бундай ғоялар зардуштийликнинг узоқ вақт халқ орасида эътибор қозонишига сабаб бўлган. Араблар Эрон ва Туронни босиб олишгач, М. кўринишидаги зардуштийликка эътиқод қилувчиларни зўрлик б-н исломга киритганлар. Ўз эътиқодидан воз кечмаганларни ўлдирганлар, қувғин остига олганлар. Шу боис маздакийларнинг бир қисми ўз эътиқодига содиқ қолиш мақсадида Ҳиндистонга қочиб кетишга мажбур бўлишган. Бу таълимот маздакийлар ҳаракатининг мафкураси сифатида хизмат қилган. Маздак ва унинг маслақдошлари ўз курашларида халқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик, ҳурлик йўлида олиб борган ҳаракатларига раҳнамолик қилгани учун уларнинг маслақдошлари кўпайиб борган. М.да ёвузлик-бойликка ҳирс қўйиш ва ўта камбағаллик қораланади. М. ҳаракати 529 й. бостирилади ва Маздак қатл этилади. Маздакийлар ҳаракати бостирилган бўлса ҳам (XI а.), М. таълимоти кейинги асрлар давомида Марказий Осиёда, Эрон ва Озарбойжонда ижтимоий зулмга қарши, кейинроқ эса, Ўрта Осиёга ислом тарқалгач, араблар истилосига қарши (Муқанна, Бобак қўзғолонлари) курашда халқ оммасини бирлаштирувчи асосий ғоялардан бири бўлиб хизмат қилган.

МАЗМУН ВА ШАКЛ — оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда муҳим ўрин тутадиган категориялар. Мазмун бу муайян нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ўзига хос сифати хусусиятлари, муҳим белгилари ва элементларининг йиғиндисини англатса, шакл мазмуннинг мавжудлик усули, нарса ва ҳодисаларнинг ички ва ташқи тузилишини ифода этади. Мас., нарса ва жисмнинг мазмуни моддийлигида ва ҳаракатда эканлигидадир. Худди шундай атомнинг М.и унинг таркибидagi 30 дан ортиқ манфий, мусбат ва ноль зарядли элементар зарралар, уларнинг резонанслари, электрон майдон кабиларнинг шунчаки механик бирлигидангина иборат эмас. Айни пайтда уларнинг ҳаракати муайян майдонлар орқали бир-бирига таъсир ва акс таъсир кўрсатишини ҳам билдиради. Атомнинг шакли унинг таркибига кирувчи элементар зарраларнинг жойланиш тартиби, зарралар ва май-

дон орасидаги муносабат асосида юзага келувчи алоқалар, боғланишнинг хусусияти б-н белгиланади. Шунингдек, ҳар қандай бадий асарнинг М.и унда акс эттирилган воқеа орқали ғоя ва образлар тизимини билдирса, шакли шу асарнинг тузилиши, тили, ҳамда ҳикоя, роман ва ш.к. тарзида ифодаланади.

М. ва Ш. оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларнинг мавжудлигини ифодалаш воситаси бўлиб, ҳар икки категориянинг бирлиги оламнинг аниқ кўринишларидан иборат бўлади. М.га эга бўлмаган нарса ва ҳодисалар бўлмаганидек, шаклсиз жисм ва жараён ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, биринчидан олам ва унинг аниқ кўринишлари инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлганидек, оламга хос муҳим муносабат, нарсаларнинг мавжудлик шакли сифатида М. ва Ш. категориялари ҳам мавжуддир. Иккинчидан, воқеликдаги ҳар бир жисм, нарса, ҳодиса М. ва Ш.нинг бирлиги ва бусбутунлиги тарзида, муайян структуранинг йиғиндисини сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади. Учинчидан, оламдаги жисм, воқеа, жараёнлардан ажралган, мустақил М. ва Ш. бўлмайди. Фал. тарихида, М. ва Ш. масаласига турлича ёндашиш, уларнинг бирлиги, воқеликда тутган ўрни, билиш жараёнидаги ролини ҳар хил изоҳлашлар бўлган. Файлардан айримлари Ш. ва М.нинг мавжудлигини инкор этсалар, бошқалари Ш. ва М.нинг ўзаро бирлигини англамаганлар. Жумладан, Аристотель мрамардан ҳайкал йўнаётган ҳайкалтарошни кузатар экан, Ш. М.дан бўлак ва мустақил мавжуд бўлади, унга мазмун ташқаридан киритилади ва шу туфайли, мрамар жонланади деган хулосага келди. У яна нарса пассив, шакл эса фаол куч, Ш. барча ҳодисалаган. И.Кант эса М. ва Ш.ни фақат инсон ақли, тафаккурининг маҳсули, натижаси деб тушунди. Гегель М. ва Ш. диалектикасини тан олган бўлса ҳам лекин М. ҳам, Ш. ҳам мутлақ ғоя ривожланишининг босқичлари, турли кўринишлардаги ифодасидир, деган фикр юритган. Ҳоз. замон фал.си вакилларидан бири физик олим Э. Шредингернинг фикрича, воқеликда нарсалардан мустақил Ш.ларгина мавжуд, жумладан, «элементар» зарраларнинг моддийликка алоқаси йўқ, улар ҳар қачонгидай, соф Ш., оламда Ш.дан бўлак ҳеч нима бўлиши мумкин эмас.

М. ва Ш.нинг ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлиши, оламнинг муайян томонларини ифодаловчи зарурий муносабатлар бирлигига асосланади. М. ва Ш. оламнинг барча соҳаларида, табиатда, микро ва макро-дунёда, ижтимоий ҳаётда ҳамда тафаккур жараёнида кенг амал қилади.

М. ва Ш.нинг бирлиги уларнинг айнанлигини билдирмайди. Улар орасида ўзаро диалектик муносабат мавжудки, бу бирлик бир томондан нарса, ҳодисаларга хос ички тараққиёт тамойилини билдирса, иккинчидан, қарама-қаршиликларнинг ўзига хос ифодаси сифатида нарсалардаги зиддиятни

ва зиддиятли томонлар муносабатини англатади. Бундай муносабатда М.нинг ўзгарувчанлиги ва фаол характерга эга эканлиги намоён бўлади. Эски Ш. қобилигида янги М. вужудга келади ва натижада унга мувофиқ Ш. ҳам ўзгаради. Демак маълум чегарагача Ш. М.га мос келади, сўнгра эса бу мувофиқлик бузилади: янги М. ва янги Ш. бирлигига эга бўлган янги нарса ёки ҳодиса пайдо бўлади. Бу табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг тўхтовсиз ривожланиб, янгилиги туришида М. ва Ш. ўртасидаги муносабатнинг ифодасини тўғри англаш имконини беради.

М. б-н Ш. алоқадорлигидаги қонуният шундаки: ривожланиш жараёни буларнинг ўзаро мувофиқлиги асосида содир бўлади. Шунинг учун ҳам М.нинг ўзгариши дарҳол унга мос келадиган Ш.нинг ўзгаришига олиб келади ва ҳар иккаласи бир-бирига мос бўлиб қолади. М. ва Ш. диалектикасида нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг йўналишидаги М.нинг бирламчилиги ва фаоллиги, Ш.нинг пассивлигини билдирмайди. Ш. ҳам ўз имконияти чегарасида М.га у ёки бу тарзда таъсир кўрсатади, ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради. Чунончи, меҳнат қуролларининг шаклини ўзгариши кишилар амалий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади ёки бирон-бир самолётнинг тезлиги унинг техник қурилишига боғлиқ бўлиши б-н айна пайтда ташқи шакли, қанот тузилишига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда, техника тараққиётида станоклар, машиналар, қурилмалар, меҳнат қуроллари, заводларнинг ички ва ташқи кўринишлари мақсадга мувофиқ Ш.ларда бўлишига эътибор берилишининг сабаби ана шунда. М. ва Ш.нинг умумий мувофиқлик қонуниятида ўзаро мосликка интилиши ҳеч қачон мутлақ уйғунликни англатмайди. Улар ўртасидаги мосликнинг вақти-вақти б-н бузилиб туриши М. ва Ш. уйғунлигидаги асосий ҳолатдир. Ш.нинг фаоллиги аниқ шароитга кўра турлича намоён бўлади. М. ҳамиша эски Ш.ни тўла инкор этмасдан ўзига мувофиқлаштиришга интилади. Яна шу жиҳатини ҳам айтиб ўтиш керакки бир М. бир неча Ш.ларда ҳам намоён бўлиши мумкин. М. ва Ш.нинг бирлик муносабатини нотўғри тушуниб, уларни бир-бирдан ажратиб қўйиш, катта хато бўлиб аниқ ҳолат ва вазиятга етарли баҳо бера олмаслик, назда ақидапарастликка, амалий фаолиятда эса Ш.бозликка олиб келиши мумкин. Бу борада М. ва Ш. бирлигини тўғри тушуниш мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

МАЙЕВТИКА, Мэевтика (юн. maieutike—ишонтириш санъати) — ишонтириш натижасида, кўпинча суҳбат юритиш орқали мақсадга эришиш санъати. Мас., Суқрот суҳбат юритиш ва ҳар доим янги ва янги саволларни қўйиш б-н бошқаларни ҳақиқатни топишга (қидиришга) қизиқтирган. Одатда шу каби суҳбатлар саволларга жавоб топишда ёрдам

берарди. Мас.: «Яхши деганимиз нима?» (бу ерда яхши сўзининг маъноси яхшилик, ҳақиқат ёки одоб-ахлоқ). М.да суҳбатдошлар ҳар доим ҳам қаноатланидиган натижага эришмасдилар. Суқрот фикрича, бу инсондаги тўғри билимнинг яширинган (кўрилмаган) томонларини аниқлаш учун моҳирлик б-н берилган саволлар ёрдамида рўйга чиқариш санъатидир.

МАЙМОНИД (Maimonides) Монсейбен Маймон (1135.30.3, Кордова-1204.13.12, Фустат, Қоҳира яқинида) — ўрта аср яҳудий файласуфи, Аристотелчи, теолог ва шифокор. Кордовада иудаизм руҳида таълим-тарбия олган. 1148 й. яҳудийларнинг Ал-Мохадлар уруғлари таъқиб қилинган, Испаниядан кетган ва Марокаш, Фаластинда яшаган, кейинчалик 1165 й. Мисрда 1187 й. султон Салоҳиддиннинг шифокори бўлган. 1190 й. Мисрда араб тилида «Мунқиз мин аз-залал» («Адашишдан қутқарувчи») фал-ий асари нашр этилган. Кейинчалик бу асар яҳудий ва лот. тилларига таржима этилиб, рус тилида эса 1960 С.Н. Григоряннинг «Ўрта Осиё ва Эрон фал.си тарихидан» асарида ўрин олди. М. фал.сининг асоси-яҳудий теологиясининг аристотелчилик б-н синтездан иборат; М. Тавротни ва яҳудийликнинг айрим ақидаларини «кўтаринки руҳ б-н» талқин қилиш йўли орқали дин ва фал.ни бирлаштиришга уринди. М.нинг катта хизмати шундаки, Талмудни изоҳлашда тушуниши қийин бўлган мушкул тушунчаларни тартибга солиб берди. М. фикрича, яҳудийлар дини борлиқ ҳақиқатини аниқ ва равшан ифодалаб беради. Билимнинг бундай бекам-му-кўст бўлгани яҳудийлар томонидан атеизмда ғазаб ва гинага учради. М.нинг фикрича, инсоннинг пировард мақсади олий ҳақиқатни оқилона асослаб беришдир. М. ўзининг рационалистик ғоялари учун руҳонийлар томонидан таъқиб қилинди. М.нинг «Иккиланувчиларнинг пири» («Морэ Невухия») асари Ғарбий Европада кенг тарқалиб, кейинги давр схоластикасига катта таъсир кўрсатган.

МАЙЯВАДИ — ҳиндуизмдаги фалсафий оқим. Бу таълимотга мувофиқ, Мутлақ Ҳақиқат ўзининг энг юқори кўринишида шахссиз, ҳеч қандай қиёфага эга бўлмай, тирик мавжудот ҳам сифат жиҳатдан Мутлақ Ҳақиқат б-н бир, яъни руҳий қиёфага эга эмас. Тирик мавжудот ўлгандан кейин Худонинг борлигига қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзи Худодир, лекин ҳозир моддий ҳаётда, худди кўза ичидаги ҳаво ташқаридаги ҳаводан кўзанинг танаси б-н ажралиб тургани ва кўза сингандан кейин ҳавога қўшилиб, бир бўлиб кетиши сингари, моддий тана ўлгандан кейин, инсоннинг ҳақиқий ўзлиги бўлган руҳ ҳам Худога қўшилиб, Худо б-н бир бутун бўлиб кетади. Шунинг учун ҳар қандай ўлим ҳам тирик мавжудот-

нинг Худо б-н қўшилишига олиб келади, деган хулосага олиб келувчи таълимот. М. таълимотиға амал қилувчилар асосан Ҳиндистонда макон топган.

МАКИАВЕЛЛИ (Machiavelli) Никколо ди Бернардо (1469.3.5. — Флоренция — 1527.22.6.) — италиялик жамоат арбоби, сиёсий мутафаккир, ёзувчи, тарихчи, ҳарбий назарийчи. Флоренцияда камбағаллашиб қолган патрициан оиласида таваллуд топган. М. Флоренция республикасида 14 йил давомида ўнлар Кенгашининг котиби бўлиб, муҳим дипломатик вазифаларни бажарган. Сиёсий тўнтаришдан кейин Медичи оиласи ҳокимиятни қайта эгаллагач, М.ни ҳокимиятга қарши фитнада гумонсираб ишдан четлаштирган ва Флоренцияга яқин бўлган мулкига бадарға қилинган. Бунинг давомида М. баракали ижод қилди. Унинг теологик қарашларига зид ҳолда давлат масаласига дунёвий нуқтаи назардан ёндошган; ижтимоий тараққиёт қонуनларини тарихий маълумотларга, реал фактларга асосланиб тушунтиришга ҳаракат қилган. М. республикани давлатчиликнинг энг маъқул шакли деб ҳисоблаган, чунки у бошқарувнинг энг мақсадга мувофиқ шакли бўлиб, ҳар бир фуқарони давлатнинг тақдири учун масъул қилиб қўяди. Аммо республика бошқарув шакли доим ҳам мумкин эмас, чунки агар халқда фуқароликнинг яхши, эзгу сифатлари ҳар томонлама ривожланмаган бўлса, эркин сиёсий ташкилотларни сақлаб бўлмайди. М. учун сиёсий идеал бўлган Рим республикаси ўзининг қудратига римликларда республикачилар руҳини тарбиялаганлигининг натижасида эришганди деб таъкидлайди. М. Италия шароитида яқка ҳукмдорлик ўрнатиш тарафдори бўлди. Унингча, кучли ҳукмдоргина миллий жиҳатдан бирлашган ягона мустақил италян давлатини туза олади. М. ўзининг машҳур «Давлатпаноҳ» асарига халқда фуқаролик хислатлари камол топмаган шароитда кучли давлат барпо этишнинг усулларини баён этади. М.нинг фикрича, давлат асосини ҳар қандай ахлоқий тамойиллардан холи бўлган зўрлик ташкил этади. Шунинг учун, сиёсий мақсадга эришишда ва давлатни мустаҳкамлашда хиёнат, сурбетлик, ҳатто зарур пайтда куч ишлатиш каби турли воситалардан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайди. Ахлоқ қонуनларини назар-писанд қилмайдиган бундай сиёсат кейинчалик **макиавеллизм** деб атала бошланган. Асосий асарлари: «Тит Ливийнинг биринчи декадасига доир мулоҳазалар» (1513), «Давлатпаноҳ» (1513), «Флоренция тарихи» (1520-1525), «Ҳарбий санъат ҳақида» (1520).

МАКОН ВА ЗАМОН (Фазо ва вақт) — *олам* мавжудлигининг умумий шакллари. М. ва З. дунёнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун фал.нинг асосий тушунчаларидан бўлиб қисобанади. Табиатшунослик, хусусан, физиканинг ривожланиши б-н М. ва З.

ҳақидаги таълимот чуқурлашиб ва такомиллашиб борди. М. ва З. ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда астрономия, айниқса космология муҳим роль ўйнади. М. ва З. ҳақидаги илмий тасаввурлар материя, *ҳаракат*, ўзаро таъсир тушунчалари б-н боғлиқ ҳолда ривожланди. Фал-ий фикр тарихида М. ва З. муаммоси турли фал-ий таълимотларда баҳс ва мунозаралар учун асосий мавзу бўлиб келган. Баъзи файллар М. ва З.нинг объектив характериани тан олишмаган бўлса (идеалистлар), бошқа бирлари эса уларни индивидуал онгнинг мазмунига қарам ҳодисалар, дея талқин этишга уринганлар. *Кант*нинг фикрича, М. ва З. инсон томонидан борлиқни равшанроқ кўриш учун кўзойнак сингари ўйлаб топилган тушунчалардир. *Гегель* эса, М. ва З. ни абсолют руҳнинг категориялари, деб тушунтиришга уринган. Бу борада машҳур физик олим И.Ньютон фикрлари ҳам характерлидир. Унинг М. ва З. концепциясига кўра, макон абсолют бўлиб чексиз кўламга эга. Шунинг учун у ўзида барча материяни сиғдира олади ва турли жараёнларга боғлиқ эмас. Ньютон концепциясига кўра, замон ҳам абсолют бўлиб турли ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечадиган тенг даврийликки, унда барча нарсалар пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туради. Бошқача қилиб айтганда, Ньютон М. ва З. ни бир-биридан ажралган ва материя б-н ҳаракатга боғлиқ, бўлмаган мустақил бир нарсалар деб тушунади. Фал-ий фикр тараққиётининг турли даврларида М. ва З. муаммоси табиатшунос файлларни бефарқ қолдирмаган. Қад. замон фал.сида (Демокрит, Эпикур) табиатшунослар ўзларининг атомистик таълимотларида маконни бўшлиқ б-н айнанлаштириб, уни мутлақ ва ҳаракатсиз деб тушунишган эди. Амалда маконни бундай тушуниш 20-а.га қадар давом этди. Замонни эса, бир маромда ўтиб борадиган нарса, деб, қараб келинди. Фақат 20-а. бошларида табиётшунослик фанларида рўй берган катта муваффақиятлар М. ва З. тўғрисидаги фал-ий тасаввурларни кескин ўзгартирди. Хусусан, Эйнштейннинг нисбийлик наз-яси туфайли М. ва З. ўз-ўзича ажралган ҳолда эмас, балки улар бир-бири б-н узвий алоҳадорликда мавжуд бўлиши асослаб берилди.

Макон нарсаларнинг кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, *замон* ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди. Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, ҳажмга эга. Макон — вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса маконнинг муайян нуқта-сида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Макон нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган маъносида ишлатилади. М. ва З.ни тушуниш бўйича субстанция ва

реляцион ёндошишлар мавжуд. Субстанциион концепция тарафдорлари маконни нарсалар яшайдиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса макон ичига жойлаштирилган. Макон ўзига нарсаларни сиедирувчи субстанция. Ҳеч нарса ийўқ, яъни нарсалар солинмаган макон ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар макон ўлчамига эга, дейишади. Ҳеч нарса ийўқ маконнинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир ҳовли одамларни кўз олдингизга келтиринг. Илгари Ньютон физикасига кўра, одамлар чиқиб кетиши б-н ҳовли бўш қолади, ана шу субстанцииал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, одамлар чиқиб кетиши б-н ҳовли ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

М. ва З. оламнинг миқдорий ва сифатий жиҳатларини ифодалашига қараб, метрик, топологик хусусиятларга эга. М. ва З.нинг метрик хусусиятлари оламнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятлардир. Уларга кўлам, бир жинслик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар кирди. М. ва З.нинг топологик хусусиятлари эса, оламнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узлуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, тартибланганлик сингари хусусиятлар кирди. Замоннинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлик каби хусусиятлар қўшилади. Замон (вақт)нинг метрик ўзгаришлари борлиқ тузилишларни жилдий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Мас., бир боғланган тизимнинг кўп боғланган тизимга ўтиши макон топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни маконнинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай маконда катта идишнинг ичига кичик идишни сиедириш керак бўлади. Ўлчам даражаси кўп бўлган тизим ўлчов даражаси кам бўлган тизимга нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, М. ва З. метрик хусусиятларининг кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Мас., фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгариша, бир боғланган макон кўп боғланган маконга айланиши мумкин. Ҳоз. замон фанида М. ва З.нинг турли хусусиятларини ўрганиш давом этмоқда.

МАЛЬБРАНШ Никола (1638.6.8 — Париж — 1715.13.10) — француз идеалист файласуфи, окказионализм етакчиларидан бири. М. картезианлик таълимотини Августиннинг анъанавий христиан фал-си б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. «Ҳақиқатнинг тагига етиш» номли 2 жилддан иборат асар ёзган (1674—75). Фикрловчи руҳ ва бепоён материя ўртасидаги мутлақ чегараланишдан келиб чиққан

ҳолда, бу икки субстанциянинг турли-туманлиги сабабли ўз-ўзидан бир-бирларига таъсир этолмайди, бундай таъсир этиш эса, Худонинг иродаси б-н бўлади деган фикрни илгари сурган. М. билишнинг тўрт хил йўлини унинг объектларига мутаносиб тарзда фарқлаган: предметларнинг ўзлари орқали (Худо борлигини билиш); буюмлар гоёси орқали (жисмларни билиш); ички сезиш орқали (ўз руҳиятини ва соф руҳларни билиш). М.нинг фикрича, моддий жисмлар тўғрисида инсон аниқ ва ёрқин билимларга эга бўлиши мумкин экан. Инсонларнинг ўз руҳияти, бошқаларнинг руҳияти, Худо тўғрисидаги билимлари хира ва аниқ эмас. Бу ўз навбатида идрок соҳаси эмас, балки эътиқод соҳаси ҳисобланади. Ҳоллар табиатини англашда М. платонизмга яқин туради. Спиноза таълимотига фарқли ўлароқ М. учун Худо дунёда эмас, дунё Худода мужассамлашган.

МАЛЬТУС (Malthus) Томас Роберт (1776—1834) — инглиз иқтисодчиси, руҳоний. Кембриж ун-тининг Жезус коллежини тугатган (1788). 1805—1834 йилларда Ост-Индия компаниясининг коллежида янги тарих ва сиёсий иқтисод кафедрасининг проф.и. М. «Аҳолишуносликнинг қонуниятлари тўғрисида тажрибалар» (1798 й.) номли асарида аҳолининг геометрик прогрессия бўйича, озиқ-овқат маҳсулотлари арифметик прогрессия бўйича кўпайиб бориши тўғрисидаги қонунни кашф этди. М. бундай қарашларига турли давр ва минтақаларда турлича ёндашилиб, ҳар хил баҳо берилган. М. ва унинг қонуни ўз вақтида энг реакцион буржуа социолог, у яратган қонун эса, ғайриилмий деб танқид қилинар эди. Сўнгги пайтларда бундай қарашларга қатор ўзгаришлар киритилди. (қ.: *Мальтусчилик*). Жаҳон миқёсида глобал муаммоларнинг инсоният келажагига таҳдиди тобора кучайиб бориши ва мазкур глобал муаммоларнинг келиб чиқишида демографик омилнинг роли тўғрисидаги инкор этиб бўлмас илмий ҳақиқатга эътиборнинг қаратилиши М. қонунининг аҳамиятини чуқурроқ англаш заруриятини яратди.

МАЛЬТУСЧИЛИК — табиий туғилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг кескин кўпайиб кетиши инсониятни умумий инқирозга олиб келувчи омил эканига ташвиш билдирувчи кишиларнинг илмий, сиёсий, фал-ий, иқтисодий ва ҳ.к. қарашлари.

20-а.да Фарбда кенг ёйилган неомальтусчилик (янги мальтусчилик) қарашлари, асосан, қолақ маълакатларнинг инқирозига илмий техника тараққиети ютуқларини ўзлаштириб олишга ҳалақит берувчи омиллардан бири сифатида баҳо берувчи қарашлардан иборатдир. М. 20-а.нинг 70-йилларидан бошлаб чуқур таҳлил қилиниши оқибатида илмий характер қасб эта бошлади. Ж.Форрестернинг 1971 йилда Рим клубига тавсия қилган ҳисоботида («Дунё динамикаси» деб номланади) вужудга кел-

ган глобал муаммолар бири-бири б-н чамбарчас боғлиқ бўлган бешта компонент ва улар ўртасидаги мураккаб ўзаро боғланишларни илмий таҳлил қилиш инсоният ҳақиқатан ҳам умуминқироз олдида турганлигини кўрсатиб берган эди. Бу бешта компонент: 1) инсоният томонидан ўзлаштириб олинган жуғрофий майдон; 2) сарфланаётган сармоя миқдори; 3) технология даражаси; 4) табиий хом-ашё захираларининг умумий миқдори; 5) аҳоли ўсишининг суръати — давримизда вужудга келган жаҳоншумул муаммонинг анатомияси (ички тизимини) ёритиб беришга хизмат қилган эди. М. сайёрамиз табиати хом-ашё захиралари табиий мувозанатни сақлаган ҳолда 8,5 млрд. кишининг эҳтиёжини қондириши мумкин деб чиқди. Агар сайёрамиз аҳолиси миқдори 8,5 млрд. кишидан ошиб кетса, таранг тортилган табиий мувозанат занжирлари бирин-кетин узила бошлайди. Бу эса инсоният цивилизациясининг умумий инқирозини вужудга келтиради, деб огоҳлантирди. Аҳолининг бу миқдор чегарасини босиб ўтиш 6 млрд.дан ошиб ўтган Ер юзи аҳолиси учун унчалик ҳам кўп қолган эмас. Тўғри, кейинги ҳисоботларда (Д.Медоус. «Ўсиш чегаралари» номли ҳисобот. 1972 йил) бу кўрсаткич 11,5 млрд. кишигача белгиланди. Лекин бу фурсат ҳам тарихан унчалик узоқ эмас.

МАМАРДАШВИЛИ Мераб Константинович (1930—1990) — файласуф, фалсафа фанлари доктори, профессор. Россиянинг «Фал. муаммолари», Чехословакиянинг «Тинчлик ва социализм муаммолари» журналларида, Халқаро ишчилар ҳаракати ин-тида ишлаган. 1968-1974 йилларда «Фал. муаммолари» журнали бош муҳаррири ўринбосари. 1974 йилда М. коммунистик мафкура талабларига жавоб бермагани боис қувғин қилинади. 1974—1980 йилларда Москванинг турли олий ўқув юргларида фал.дан маърузалар ўқийди, уларнинг катта қисми таъқиқлаб қўйилади, 1980 йилдан М. Грузия ФА Фал. ин-тида оддий илмий ходим лавозимида ишлайди. М. фал.сининг бош мавзуи онг феномени, унинг инсон ҳаёти ва маданий ҳаётдаги ўрни б-н боғлиқ. У онгни борлиқ асослари муштарак космологик ҳодиса сифатида тадқиқ этади. М.нинг илк асарлари 20-а.нинг 50-йилларида Москва Давлат ун-тининг фал. ф-тида фаолият кўрсатган мантиқ тўғараги б-н боғлиқ. Тўғарак, асосан, тафаккур табиатини ўрганишга интилар, уни ривожланувчи органик бирлик сифатида тадқиқ этар эди. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш мақсадида ўзига хос генетик мантиқ ишлаб чиқилганди. Тўғарак қатнашчиларининг фикрларига кўра, ушбу генетик мантиқ тафаккур моҳиятини ўрганиш воситаси вазифасини ўтамоғи даркор эди. Тафаккурни тадқиқ этишда М, изчил картезианча нуқтаи-назарни танлади. У тафаккурни онгнинг ўзига хос ҳолати сифатида талқин этди. Шу вақтдан эъти-

боран «онг» категорияси М. илмий изланишларининг марказида бўлди. М. таъбирига кўра, онг феноменига доир позитив наз-я яратиб бўлмайди. Чунки онг интенционал характерга эга, унинг маҳсуллари илғаб бўлмайди. Масаланинг ечимини М. тилдаги шакллари, символик шакллари ўрганишга қаратилган метаназ-яни шакллантириш б-н боғлайди. Ушбу шакллар ёрдамида онгнинг у ёки бу таркиби аниқланиши, илғаниши мумкин. Ушбу вазифани М. онг таркибига доир фал-ий фаразларни аниқлаш ва таснифлаш, онгни тарихий-фал-ий тасвирлаш вазифаси деб атади. М. фал.нинг жамият ҳаётидаги ўрни, унинг моҳияти хусусида ҳам эътиборли мулоҳазалар билдиради. Унинг фикрича, фал. очик маданий шакл бўлиб, унда фикр устидан фикрий тажриба амалга оширилади. Ушбу тажриба ниҳоятда тафаккурнинг янги имкониятлари кашф этилади. Фал.нинг реал майдони фал-ий мулоҳазалар континууми(чексизлиги, бепоёнлиги)дан иборат. Унинг турлича талқин этилиши турли фал-ий таълимотлар ва тизимларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

МАНАС — қирғиз халқ эпоси. Асар уч қисмдан иборат: «Манас», «Спетеј», «Сейтек». М. эпосини тўплаш ва текшириш ишлари 19-а.нинг ўрталаридан бошланган. 1850 йили қозоқ маърифатпарвар олими Чўқон Валихонов «Манас»нинг «Кўкатојнинг оши» деган бир эпизодини, турколог В.В. Радлов эса тўлиқ ҳолда Санкт Петербургда 1865 йилда қирғиз ва немис тилларида нашр эттирган. Қирғизистон ФА нинг қўлғазмалар фондида манасчи оқинлардан ёзиб олинган эпоснинг ўн уч варианты сақланмоқда. М. эпосида қирғиз халқининг ўтмиш ҳаёти, тарихий кечмиши, урф-одатлари, бошқа халқлар б-н муносабатлари, феодал давлатнинг ўзига хос томонлари акс этган. Эпоснинг асосий мазмуни қирғиз уруғларини бирлаштириш, халқнинг чет эл босқичиларига ва ички душманга қарши курашдан иборат. Асардаги Манас, Хоникей, Сирғоқ, Қумай, Семитеј, Кулгура, Сейтек, Ойчурек, Бакај каби ижобий қаҳрамонларнинг жанговар фаолиятлари халқ ор-номусини сақлашга, халқ бахт-саодати учун курашга бағишланган. Қирғиз халқининг манфаатларини ҳимоя қилувчи баҳодир Манас вақеалар марказида турган етакчи образдир. Эпоснинг «Семетеј» ва «Сейтек» қисмларида Манаснинг болалари ва неваралари ҳақидаги воқеалар тасвирланган. Асар характерларга бой ва жозибадор. «Манас» эпосининг 1 ва 2-қисмини Миртемир ўзбек тилига ўтирган (1964—1973 й).

МАНТИҚ (араб. нутқ, сўз, сўзлашиш) — юнон тилидаги «фикр», «сўз», «қонун» маъносини англатадиган «логика» иборасининг араб тилидаги ифодаси (қ.: *Логика*).

МАНТИҚИЙ ПОЗИТИВИЗМ — 20-асрнинг 20-йилларида Вена тўғараги аъзолари (Р.Карнап, О.Нейрат, Ф.Франк, Г.Фейль, Х.Рейхенбах ва б.)нинг таъсири остида шаклланган. Неопозитивизмнинг алоҳида кўриниши. М.п. субъектив-идеалистик анъаналарнинг вориси сифатида шаклланган таълимотдир. Шунингдек, у эски позитивизмга хос бўлган билиш жараёнига психологик ва биологик ёндашишлардаги кўпгина қусурлардан воз кечиб, субъектив эмпиризм б-н мантиқий таҳлил қилиш методини ўзаро омухта қилишга уринади. Бундай қарашлар, аслида 20-а. фанидаги математик ифодаларга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши тенденцияси б-н боғлиқ бўлган дунёни англашда белги-символ воситалари ролининг тобора ошиб бориши жараёнида тиллар ва ифода услубиятига кўпроқ қарам бўлиш б-н белгиланади. Бу жараёни М.п. тарафдорлари кўпроқ субъектнинг ички ҳолати, кечинмалари ва интеллектуал имкониятлари б-н боғлашга уринадилар. Белги-символ воситалари б-н билиш жарёнидаги тил хусусиятларини М.п. намоёндалари мутлақлаштирадилар. «Мен гапирадиган ва тушунадиган тилнинг чегараси, аслида, менинг дунёмнинг чегарасини белгилаб беради» (Витгенштейн). Уларнинг фикрича, том маънодаги илмий фал. фақат илмий тилни мантиқан таҳлил қилишдан иборат. Бу эса ўз навбатида бир томондан «метафизика» (яъни анъанавий фал-ий мушоҳада)га барҳам беришга қаратилиши зарур. Бошқа томондан эса илмий билимларнинг бевосита илмий далилларини ажратиб олиш мақсадидаги мантиқий тузилишини аниқлашдан иборат.

20-а. 30-й.ларининг 2-ярмида фашизм хавфидан қочиб кўпгина олимлар, мутафаккирлар АҚШни ўзларига қароргоҳ қилганларидан сўнг, М.п. мантиқий эмпиризм кўринишида кенг тарқала бошлади. Лекин, М.п. қарашлари эволюциясидаги муҳим босқич бўлган Вена тўғарагига хос фал.ни тилнинг мантиқий таҳлили томон йўналтиришга уринганлар. Бунда тилнинг синтактик таҳлили б-н чекланиб қолмасдан балки, шу б-н бирга семантик жиҳатдан таҳлил қилинишига ҳам асосий эътиборни қаратадилар. Лекин, М.п. кейинчалик субъект онги, иродаси, шунингдек, тили (тафаккурнинг моддий ифодаси сифати)дан ташқаридаги объектив реаликнинг мавжудлигини эътироф этишга мажбур бўлганидан сўнг, қарашларида бир қадар ўзгаришлар юз берди. Гарчи, фанларнинг фал-ий таҳлилида 20-а.нинг 20-30-й.ларида катта муваффақиятга эришган бу таълимот 50—60-й.ларда чуқур инқирозни бошидан кечирди ва Фарбдаги илгор фал-ий таълимот сифатидаги мавқеини йўқотди. 20-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб, умуман, мустақил фал-ий таълимот сифатидаги мавқеи ҳам йўққа чиқди. М.п. таълимоти гносеологик жараёнда тил ва ифоданинг илмий тадқиқот соҳасидаги ўрнига алоҳида эътибор бериш за-

рурлиги ҳақидаги ғоянинг фал-ий тафаккур тараққиётида муқим ўрнашиб қолишига муҳим ҳисса қўшганлиги б-н ажралиб туради.

МАНТИҚИЙ РАДДИЯ — тезиснинг асоссизлигини исботлаш. М.р. тезисга, аргументга ёки демонстрацияга қарши қаратилган булади. Шунга мувофиқ М.р.нинг уч усули мавжуд: 1) тезисни рад этиш; 2) аргументларни танқид қилиш; 3) демонстрациянинг асоссизлигини исботлаш. Тезис қуйидаги уч усулда рад этилади: 1) далиллар орқали — бу энг тўғри рад этиш усули. Бунда тезисда зид келадиган далиллар келтирилади. Мас., «Венерада органик ҳаёт бўлиши мумкин» деган тезисни рад этиш учун Венера сайёраси сатҳида иссиқлик 470—480 даража, босим 97—98 атмосфера бирлигига эга эканлигини кўрсатувчи маълумотларни келтириш кифоя. Бундай шароитда органик ҳаётнинг бўлмаслиги равшан. 2) тезисдан келиб чиқувчи хулосаларнинг нотўғри (зиддиятли) эканлигини аниқлаш; 3) антитезисни исботлаш йўли б-н тезис рад этилади. Антитезис чин бўлса, тезис нотўғрилиги ўз-ўзидан мантиқан келиб чиқади. М.р.нинг яна бир усули — бу тезисни асослаш учун илгари сурилган аргументлар нотўғрилиги ёки асоссизлиги исботлаб берилади. Рад этишнинг учинчи усули — исботлаш жараёни (демонстрация)нинг асоссизлигини аниқлашдан. Демонстрация жараёнидаги хатоларни аниқлаш б-н тезис рад этилмайди, фақат унинг исботи асоссиз эканлиги кўрсатилади. М.р.нинг юқорида санаб ўтилган уч усули қўшиб амалга оширилиши ҳам яхши самара беради.

МАНТИҚИЙ ХАТОЛАР — мулоҳаза жараёнида нотўғри фикр юритиш натижалари. М.х. шу мулоҳазада у ёки бу тасдиқни нотўғри талқин қилиш ёки ундан нотўғри фойдаланиш (мас, бирор шароитда тўғри бўлган ҳукмнинг мутлақ ҳақиқат сифатида талқин қилиниши); мулоҳаза давомида мантиқ қонунларининг бузилиши; аслида бу мулоҳазага таллуқли бўлмаган ҳукми хулоса, деб қабул қилиш оқибатида вужудга келади. Мантиқий хатолар атайлаб ёки билмасдан қилиниши (паралогизмлар) мумкин.

МАНТИҚИЙ ХУЛОСА — муҳокама жараёнига асос ҳукмлардан, ёки бир нечтасига таяниб, янги ҳукм чиқариш. Мас., «Ўсимликларда фотосинтез ҳодисаси кечади». Демак, «ялпиз-ўсимлик» ва унда (ялпизда) фотосинтез ҳодисаси кечади, деган мантиқий хулоса чиқариш мумкин. Тимсоллар мантиқида хулосага қатийроқ таъриф берилади ва у «аксиома, асос ва аввал исботланган формула (теорема)лардан иборат фикрлар кетма-кетлиги», — деб изоҳланади. Бу кетма-кетлик сўнгидаги формула олдингилар мазмундан муайян аксиоматик тизимда қабул қилинган

хулоса қилиш қоидаларига кўра чиқарилади ва шу ҳукм мантиқий хулоса бўлади. Ҳар бир формал тизим ўз аксиомалари ва хулоса чиқариш қоидаларига эга бўлгани учун ҳар бир тизимдаги хулосалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Тимсоллар мантиқидаги хулосага формал тизимга хос бўлган қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Тизим алифбоси ўз пропозиционал ўзгарувчилар, деб аталадиган тимсолларнинг чексиз мажмуини қамраб олади:

$P, g, z, s, \dots, p1, g1, z1, s1, \dots$

$P2, g2, z2, s2, \dots$

Уларга қуйидаги тўрт тимсол қўшилади:

(.) \rightarrow , $-$ (чап ва) ўнг қавслар импликация белгиси ва инкор белгиси. Формула тузиш қоидалари:

- 1) ҳар қандай пропозиционал ўзгарувчи формула;
- 2) агар А ва В формула бўлса, (А-В) ҳам формула;
- 3) агар А формула бўлса, А ҳам формула.

Аксиома сифатида қуйидаги формулаларни қабул қилиш мумкин:

А) $s-(h-s)\$$

Б) $(s-(p-g)) -((s-p)-(s-g))$;

В) $(-p-g)-(g-p)\$$

Бу тизимнинг хулоса чиқариш қоидалари сифатида қуйидагилар қабул қилинади:

1) Алмаштириш қоида: агар А формуласи таркибидаги муайян ўзгарувчини С формуласига алмаштириш орқали А ни олиш мумкин бўлса, А дан А1 чиқади.

2) Ажратиш қоида. (А-В) ва А каби формулалардан В формуласи чиқади. Энди хулоса тушунчасини аниқлаш мумкин. А1...А11 формулалари кетма-кетлиги Ани Г1...Г11 асосдан келтириб чиқариш хулосаси дейилади. Бундай силсиладаги ҳар бир формула тизим аксиомаларидан бири ёки Г1...Г11 асослардан бири ёхуд улардан олдинги формулалардан мазкур тизимдаги хулоса чиқариш қоидаларига кўра олинган бўлади ва А формуласи ушбу кетма-кетликнинг сўнгги формуласи бўлади.

МАНТРА — инсон ақлини ҳар хил фикрлардан озод қилиш учун қўлланиладиган трансцендент, яъни илоҳий товушлар бирикмаси. М. сўзи қадимий санскрит тилидан олинган. «Манас» — «ақл» ва «трая» — «озод қилиш» сўзларининг бирикмаси бўлиб, «ақлни озод қилиш» маъносини англатади. М.лар ёрдамида инсон ақлий фаолиятини руҳий табиатга тааллуқли ҳодисалар ҳақида ўйлашга жалб қилиб, руҳий фаолиятга айлантиради. Ақл-тафаккури руҳий фаолият б-н банд бўлган кишининг амалиётга ҳам руҳий фаолиятдир. Руҳ ўзи қамалган танани ҳиссиётлар, ақл ва тафаккур орқали бошқариб туради. Моддий вужуд ўзгарувчан ва ўткинчи табиатга эга, яъни пайдо бўлади (туғилади) ва вақт ўтиши б-н йўқолади (ўлади). Руҳий табиатга эга «жон» ақл, тафаккур ёрдамида ўткинчи танани ўзига қиёслаб, унга боғланиб қолиши натижасида ўзи-

ни тана деб ҳисоблайди. Мана шу ғофиллиги сабабли бу моддий оламда танаси б-н боғлиқ бўлган ҳар хил азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Аслида руҳга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мана шу азоб-уқубатлардан бира тўла қутулишнинг ягона йўли руҳий табиатга эга бўлган мангу жонни тана тутқунлигидан озод қилишдир. Жонни озодликка чиқариш ақлни моддий танага боғлиқ бўлган ўй-фикрлардан озод қилиш орқали бошланади. Ақл ўз табиатига кўра бетиним, уни бир лаҳза ҳам ўйлашдан, ҳаракатдан тўхтатиб бўлмайди. Ақл фаолиятини ўзгартириш жараёни «йога» деб аталади. Йога жараёнида ҳар хил мантралар қўлланилади. Руҳий фаолият тирик мавжудотнинг азалий табиий ҳолати бўлгани учун унга ҳақиқий лаззат бахш этади. Йога турларига қараб М.лар ҳар хил бўлиши мумкин. М.ларнинг энг кўп тарқалгани «АУМ» бирикмасидир. Бу товуш деярли барча йога тизимларида ишлатилади. Аммо, йога ҳақидаги энг қадимий битиклардан бири маха мантра, яъни «буква мантра» деб аталади. Биз яшаб турган даврда ақлни озод қилиш учун шу М.ни қўллаш тавсия этилган. М. қуйидаги товушлардан иборат: «Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна, Кришна, Харе Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе». Бу М.ни мунтазам такрорлаб юриш ёрдамида инсон турмуш гашвишларидан чарчаган ақлининг тиниқлигига, қалбининг осойишталигига ва руҳий ҳаловатга эришиши мумкин, дейилади М.га доир адабиётларда.

МАНФААТ — индивид ёки ижтимоий гуруҳ фаолиятини, хулқини белгилайдиган асосий омил. Индивид ёки ижтимоий гуруҳ М.и, аввало, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, ишлаб чиқаришдаги ўрни ва мавқеи б-н белгиланади. Аслида, М. жуда мураккаб таркиб ва тизимга эга бўлиб, турли давр ва вазиятларда унинг турли кўринишлари муҳим ўрин тутади. М. турлари бир неча белгилар асосида тасниф қилинади. М., субъектига кўра, шахс, гуруҳ ва жамият М.ларига бўлинади. М., қайси эҳтиёжларни қондириш б-н боғлиқлигини ҳисобга олиб, моддий ва маънавий М.ларга бўлинади. Маънавий М.лар эса ўз навбатида, сиёсий, руҳий, ахлоқий ва бошқа турларга бўлинади. М.лар шаклланиши уларни, муайян эҳтиёжларни қондириш б-н боғлиқ тарзда, вужудга келишини кўрсатади. Субъект ўз М.ларини қанчалик чуқур англаса, уларни рўёбга чиқариш учун шунчалик қулай имконият туғилади. М.ларни чуқур англаб етмаслик шахс ёки гуруҳнинг ўз М.ларига зид фаолият юритишларига сабаб бўлиши мумкин. М.ларни англаш даражаси эса шахс ва ижтимоий гуруҳнинг маънавий тараққиёти даражасига боғлиқдир. М. б-н яқин ва турдош ҳодиса эҳтиёждир. Эҳтиётсиз М. бўлиши мумкин эмас. Улар ўртасида кўп ўхшашлик ва умумийлик б-н бир қаторда тафовутлар ҳам мавжуд. Эҳтиёжлар бевосита объектга

йўналтирилган бўлса, м.лар шу эҳтиёжларни қондириш воситалари, жамиятда амал қилаётган тақсимот тамойилларини ҳам ўз ичига олади. Эҳтиёж ва М. ўртасида тафовутдан ташқари зиддият ҳам бўлиши мумкин. Мас., гиёҳванд кишининг эҳтиёжини наркотик модда қондиради, аммо у ўша гиёҳванд М.ларига зид. Индивид ва ижтимоий гуруҳ фаолиятининг негизида М. ётгани учун шу фаолиятни ўрганувчи ахлоқшунослик, ижтимоий фал., сиёсатшунослик, иқтисодий наз-я каби фанлар М. категориясига мурожаат қиладилар. М.нинг умумий жиҳатлари, шаклланиш, ривожланиш ва қондирилиш қонуниятлари ижтимоий фал. фанида ўрганилади. Фал. тарихида М. моҳиятини талқин қилишда турлича ёндашувлар бўлган. 20-а.нинг иккинчи ярмида М.нинг онтологик жиҳатларини тушунтиришда икки хил нуқтаи назар пайдо бўлди. Улардан бирига кўра, М. объектив ҳодисадир, иккинчисига кўра эса у субъектив ҳодиса. Биринчи қараш вакиллари иккинчи қараш тарафдорларини субъективизмда айбласа, иккинчи қараш тарафдорлари уларни вулгарлик ва метафизикада айблашади. Узоқ давом этган бу тортишув айтарли самара бермади. 90-й.ларнинг бошларида бир қатор олимлар М.ни объектив воқелик б-н боғлиқ бўлган субъектив, яъни объектив-субъектив воқелик б-н боғлиқ бўлган объектив-субъектив ҳодиса, деб талқин қилишни таклиф қилдилар. Бу ёндашув кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилди. Жаҳон фал.сида мавжуд бўлган индивид ва гуруҳлар фаолияти негизида уларнинг М.лари ётади, деган қонидани индивид ва гуруҳлар фаолияти негизида уларнинг анланган М.лари ётади, деб аниқлаштириш ва М.нинг фаолиятга ўтказадиган таъсир кучи унинг анланган даражасига боғлиқ, деб тўлдириш мақсадга мувофиқ. Шу б-н бирга субъектлар ўз М.ларига зид ҳаракат қилишлари ҳам мумкинлигини эътироф этиш лозим. Бундай ҳол М. мутлақо чекланмаганда ёки бевосита М.дан кўра олийроқ мақсад бўлганда юз беради. Мас., ўзи оч юрган она зўрга топган овқатини ўзи емай боласига бериши унинг М.ларига зид, аммо турнинг олий манфаатларига мувофиқдир.

МАНҚУРТЛИК — ўзлигини англашдан маҳрум бўлган инсон, жамиятнинг хусусияти; кундалик турмушда ўз тарихини билмайдиган одамларга нисбатан қўлланиладиган тушунча. Одатда бу сўз кишилар томонидан ота-она, қариндошларига бемехр, «онасини ҳам соғинмайдиган» (А.Орипов) миллатга бемехр одамларга қарата айтилади. Манқурт сўзи ҳаддан ташқари ғайриинсонийлик даражасини кўрсатувчи тушунча сифатида намоён бўлади. Ҳоз. давримиздаги долзарб муаммолардан бири — ўзлигини яхши англайдиган маънавий баркамол авлодни, миллий манқуртликдан холи бўлган замонавий инсонларни тарбиялашдир.

МАРБУРГ МАКТАБИ — Кант таълимотини трансцендентал-мантиқий талқин этувчи янги кантчилик фалсафасининг йўналиши. М.м. вакиллариининг фикрига кўра, ақл ўз-ўзидан, мустақил ривожланиш имкониятига эга бўлгани туфайли илмий билимлар умумий ва зарурий характерга эга. Кантга хос бўлган дуализм М.м. вакиллари томонидан изчил идеалистик позиция ёрдамида бартараф этилади: билиш инсон руҳиятидан ажратиб талқин қилинади, билиш предмети предмет ҳақидаги тушунча б-н тенглаштирилади, борлиқ эса тушунчалар орасидаги соф муносабатлар йиғиндисидан иборат, деб таърифланади. М.м.нинг асосий вакиллари Коген, Наторп ва Кассирер билиш предметини ҳар қандай билишдан йироқ бўлган субстанция сифатида эмас, тажриба давомида шаклланувчи объект сифатида тасаввур қиладилар. Фал.нинг асосий мақсади, Наторпнинг фикрига кўра, турли объектларни вужудга келтириш мақсадида ижодий фаолият кўрсатишдан иборатдир. Ушбу объектлар моҳиятан маданият объектлари бўлгани туфайли тафаккурни маданиятнинг ижодкори деб ифодалаш мумкин. М.м. вакиллари «нарсга ўзида» ғоясидан воз кечганлари сабабли тафаккурнинг фаоллигини бўрттириб кўрсата бошладилар. Бирок, тафаккурнинг ролини ҳаддан зиёд ошириб, субъективизмга берилиб кетмаслик учун борлиқ, тафаккур ва ахлоқнинг сабабчиси, асосини Худо (Коген) ва Логос (Наторп) номи б-н боғлайдилар. М.м. нафақат билишни, балки маданиятни, жумладан ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик элементларни ҳам трансцендентал-мантиқий таҳлил қиладилар. Жамият тўғрисида фикр юритганда, М.м. вакиллари инсонни юридик шахс сифатида ўрганадилар. Башарти олий юридик шахс давлат экан, инсон унинг қонунларига бўйсунмоғи даркор. М.м. ғоялари ахлоқий социализм концепциясига асос қилиб олинган.

МАРГИНАЛЛИК (лот. *marginalis* — чеккада, чеграда туриш) — бирор шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, қатламга мансуб бўлмасдан улар ораллигида ўрин эгаллаб туриш. Бундай ижтимоий ҳолатга тушиб қолган одам ёки гуруҳнинг руҳига, мақомига, жамият тизимида турган ўрнига муайян таъсир ўтказиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий хулқ-атвори йўналишларида аниқ ифода топган. М. кўпроқ қолоқ мамлакатлар ижтимоий тизимига хос ҳодиса бўлиб, айрим ҳолларда жамият тараққиётига, унинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига доимий хавф-хатар туғдириб туради. Мас., Ҳиндистон, Бангладеш, Бирма, Шри — Ланка ва бир қатор Африка давлатлари ижтимоий тизимида маргинал қатламлар таъсир кучига эга бўлиб, давлат тўнтаришлари, миллий-этник тўқнашув-можаролар, уюшган жиноятчилик ва шу сингари беқарорлик ҳамда тартибсизлик ҳолатларнинг келиб чиқиши ва ифода топишида асосий ижтимоий замин

бўлиб хизмат қилганлар. М. деганда мамалакат аҳолиси маълум бир қисмининг «аросатда қолган», ўз ижтимоий гуруҳидан бегоналашган, лекин янги бирор ижтимоий гуруҳга қўшилиб ўз ижтимоий мақомини ўрната олмаган, шунинг учун ҳам тайин бир ҳақ-ҳуқуқ эгаси бўла олмаган «ижтимоий беқарор» гуруҳни кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин.

МАРИТЕН (Maritain) Жак (18.11.1889—29.04.1973) — неоготизм оқимиға мансуб француз диний фалсафаси вакили. У 1906 й.да католик динини қабул қилган. Янги давр фал.сини М. фал-ий тафаккур инқирози ва тубанлашуви, деб баҳоланган эди. Лютер, Декарт ва Руссо, унинг фикрича, эътиқод тафаккур ва ҳиссиёт соҳаси, субъективизм тантанасининг сабабчилари бўлиб, улардан кейин ахлоқий ва ижтимоий бошбошдоқлик ҳукмрон бўлади. Бу ҳолни бартираф этишнинг ягона йўли эса, унингча ўрта асрлардаги «тафаккур тиниқлиги» ва объективликка қайтишда эди. Интуитивизмни танқид қилар экан, М. «эътиқод ва ақлни, теология ва фал.ни яраштиришга» уринади. Нью-Йоркда М. «цивилизация» номи б-н «Сиёсий фал» бўйича нашрларнинг махсус туркумини ташкил қилди. Бу туркумда у капиталга асосланган муносабатларни «христиан демократияси» нуқтаи назаридан танқид қилган асарларни босиб чиқаради. М. ўзининг санъатшунослик ва педагогикага доир асарлари б-н ҳам танилган.

МАРК АВРЕЛИЙ (Marcus Aurelius) Антонин (121—180) — 161 йилдан Рим императори, файласуф-стоик, афоризмлар шаклида ёзилган «Ўзим тўғримда ўзим» деган рисоланинг муаллифи. Мазкур рисолада М.А. ижтимоий-сиёсий ҳаёт, моддий ва маънавий олам, ахлоқ-одоб муаммолари ҳақида ўзининг фиркмулоҳазаларини қисқача баён қилиб ёзиб қолдирган. Унинг дунёқарашидаги амалиётчилик устуворлиги мулоҳаза объекти бўлган муаммоларга ярим ишонч, ярим илоҳийлик қарашлари б-н қоришиб кетганлиги изчил стоикдан бошқа фал-ий ақидаларга, хусусан, Эпикур таълимотига, янги аристотелчилик (перипатетик) ғояларига, киниклар қарашларига мойиллик аломатлари б-н аралаш ҳолда ифода топган. Ўзи яшаган тарихий даврда содир бўлаётган барча воқеҳодисаларни М.А. илоҳий куч-қувватнинг ифодаси бўлган табиат инъикоси сифатида талқин этиб, унинг илоҳ-табиат мутаносиблигидаги оқил, фаол, моддий хислатларга эга бўлган ибтидо бутун оламни қамраб олган ва ундаги барча қисм-бўлақларни ягона марказга бирлаштириб турувчи куч-қудрага эгадир. М.А. қарашларида унинг диний ишонч-эътиқод асослари ҳам оламни илоҳ деб тан олишда намоён бўлади, шунинг учун ҳам у бошқа ҳар бир одамнинг ҳам олам куч-қудрати б-н ҳамкорлик қилиши объектив зарурият эканлигини уқдиради. Инсондан холис бўлган ташқи олам б-н унга тўла итоат этадиган шахсий

ички олам ўртасида муайян фарқлар мавжудлигини уқдириб, М.А. инсон ўзининг бахт-саодатига ўз хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, қарашларини умумтабиат қонуниятларига амал қилиб намоён бўладиган ва инъикос этиладиган ташқи оламга ҳамоҳанг бўлишига етишгандагина эриша олади. М.А. қарашларида стоиклик доирасидан чиқиб, айрим ҳолларда инсон ақл-заковати илоҳий келиб чиқадиган ёки унинг ички илоҳий руҳи б-н тенглашадиган куч-қудратга эга бўлишини тан олади.

МАК-ЛЮЭН (Mc Luhan) Хербер Марилалл (1911.21.7, Эдмонтон, Канада — 1980.31.12, Торонто) — канадалик файласуф ва социолог, публицист. У фал. тарихи, ижтимоий коммуникал наз-я-си, психофизиология, педагогика, маданият-шунослик ва адабиёт бўйича илмий ишлари тадқиқотлари б-н машҳур. М., шунингдек, ўзининг фал. тарихи бўйича илмий тадқиқотлари б-н таниш бўлиб, технологик детерминизм концепциясини тарифлаб берган. М. маданият фанининг предмети, коммуникатив функцияларини ривожлантирди, (алоқа воситалари) тил, йўл, пул, муҳр, илм, компьютер, телевидение каби ҳодисаларни изоҳлаб бу фан таркибига киритди. М. бўйича тарихий даврнинг ўзлаштирилиши алоқа ва алоқа қилиш воситаларининг ривожланиши б-н белгиланади. Ахборот ва алоқа воситалари келажакада инсоннинг сезги аъзоларининг «технологик давомчиси» сифатида ҳаёт тарзини радикал равишда ўзгартирди. Шундай қилиб, оғзаки нутқ таъсирининг устуворлиги асосида инсон ва жамият бирлигининг бўлинмаслиги таъминланади, мифологик яхлит тафаккур шакллантирилади. Замонавий «электроника» М. фикрича, инсоннинг марказий асаб тизимини ҳар томонлама глобал даражага етказиш ва янгилашини таъминлайди.

МАРКСИЗМ — 19-а.нинг 40-й.ларида Германияда шаклланган, немис иқтисодчиси ва файласуфи К. Маркс (1818—1883 й.) номи б-н аталган фалсафий, ижтимоий-иқтисодий қарашлар тизими. Унинг шаклланишида 19-а.нинг Европада, айниқса Англия, Франция ва Германияда тобора авж олиб бораётган ҳаракатлар ва уларни фал-ий, сиёсий ва иқтисодий наз-ялар асосида нотўғри таҳлил қилиш муҳим рол ўйнайди. М. ўша давр жамиятининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларига хос зиддият, адолатсизлик ва бошқа муаммоларни фақат, ушбу жамиятнинг социалистик жамият б-н алмаштириш, унинг камчиликларини, биринчи навбатда синфий кураш туфайлигина ҳал қилиш мумкин деган утопик ғояга асосланар эди. М. фал-ий ва ижтимоий иқтисодий наз-ялар тарихида «капитализм», «синфий кураш», «пролетариат диктатураси», «коммунизм» каби қатор янги категорияларни сунъий ра-

вишда ишлаб чиқдилар ва уларнинг асосида пролетариатнинг (яъни ишчилар синфи) тарихий вазифаси буржуазия, яъни капиталистик жамиятдан социализм жамиятига пролетариат диктатурасига ўтишни ягона синфий кураш йўли б-н амалга оширишдан иборат деган ғай миллинотўғри хулосага келдилар. М. моҳиятида асосий ўринни эгаллаган ғоя-бу табиатда қарама-қаршилиқлар кураши, жамиятда эса синфий кураш тараққиёт моҳиятини ва йўналишини белгилайди деган ғайриилмий қарашдан иборат. Унинг ижтимоий-иқтисодий формациялар тўғрисидаги хулосаси ҳам ушбу сохта ғоя асосида яратилган эди. Ҳоз. даврда М.га нисбатан хилма-хил қараш айниқса, танқидий ёндашиш ниҳоятда кучайган. Шу б-н бирга ҳали ҳам бундай қарашлар ортидан борадиган, уларни тарғиб қиладиган оқим — неомарксизм ҳам сақланиб қолмоқда.

МАРКС (Marx) Карл (1818—1883) — адвокат оила-сида туғилган, Бонн ва Берлин унисверситетларида ўқиган. 1841—1843 йилларда М. дунёқарашида кескин бурилишлар даври бўлди: Гегель фал.сига доир танқидий фикрлар шакллана борди ва Фейербах фал.сининг таъсири кучая бошлади. У ўзининг «Гегель ҳуқуқ фалсафасининг танқидига доир» асарига Гегелнинг фикрига қарама-қарши ўлароқ, давлат жамият тақдирини белгилай олмайди, балки жамият тақдирини иқтисодий муносабатлар белгилайди, бунда пролетариат жаҳоншумул-тарихий миссияни ўтайди деган ғайриилмий хулосага келди. Бу ғоя М.нинг келгуси илмий ва сиёсий фаолиятида асосий рол ўйнади. 1844 йилдан бошлаб М. бу ғояни ўз сафдоши Ф. Энгельс 40 йил давомида, ҳамкорликда тадқиқ ва тарғиб қилди. М.нинг 1852 йил 5 мартда Вейдемейерга ёзган хати М. таълимотининг туб моҳиятини очиб беради. Унда синфлар, синфий курашнинг, пролетариат диктатураси ва синфсиз жамиятга ўтиш тўғрисидаги ғайриилмий қарашлари таърифланган.

20-а.да собиқ СССР ва унга иттифоқдош бўлган давлатларда М. таълимотига ўзгармас қарашлар тизими сифатида ортиқча баҳо берилиб, ҳатто у томонидан айtilган фикрлар охириги ҳақиқат мезони сифатида қаралиб, қатор мамлакатлар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларининг туб асосларига айлантирилди. М. томонидан илгари сурилган тарихни материалистик тушуниш қоидалари инсониятнинг умумий манфаатларига зид келаётганлиги, тарихий жараёнларни тушунишда бир томонлама талқин қилинишга йўл очиб бераётганлиги аён бўлиб бормоқда. Тарихий жараёнларни тушунишда М. томонидан илгари сурилган формацион қоидаларни барча халқлар тарихини ўрганишда бирдай қўллаб бўлмаслиги яққол кўринди. М. дунёқараши, собиқ «социалистик лагер» деб аталмиш бутун бир систе-

манинг мафкурасига айлантирилган эди. Ҳоз. бу қарашлар, ғоялар эскириб қолди.

МАРКУЗЕ (Marcuse) Герберт (19.07.1898 — 29.07.1979) — асли германиялик бўлган Америка файласуфи ва социологи. Адорно ва Хоркхаймер б-н биргаликда Франкфурт ижтимоий тадқиқотлар ин-ти ва «жамиятнинг танқидий наз-яси»га асос солган. М. дунёқарашининг шаклланишига Гегель ва Фрейд, шунингдек, Хайдеггер фал.си кучли таъсир ўтказган. М. айни пайтда Маркс фал.си б-н мунтазам қизиқиб борган ва бу фал-ий тизимнинг қатор категория ва тушунчаларини Франкфурт мактаби руҳида таҳлил қилишга уринган. М.нинг фикрига кўра, фан ва техника тараққиёти ҳоз. капиталистик жамиятдаги ҳукмрон синфларга эҳтиёжлар мурвати орқали ижтимоий-танқидий муносабатлари сўндирилган «бир ўлчамли одам»ларни яратиш имкони-ни беради. Ўз онгига сингдирилган сохта эҳтиёжлар таъсирида ишчилар синфи истеъмолчилар пойғасига қўшилади ва ўзининг инқилобчилик ролини йўқотади. Бундай шароитда инқилобий ташаббус жамиятдаги «аутсайдер»лар, яъни, люмпенлар, майда миллиатлар, ишсизлар ва бошқалар қўлига ўтиб кетади, шунингдек, радикал ёшлар, талабалар ва гуманитар зиёлилар ҳам бу ташаббусни ўз қўлларига олиши мумкин. М. фикрича, жаҳон миқёсида инқилобий ташаббусни камбағал мамлакатларнинг қашшоқ аҳолиси ҳам қўлга олиши ва ривожланган мамлакатларга қарши кураш бошлаши мумкин. Ривожланган мамлакатлар сафига М. социалистик давлатларни ҳам киритган эди. М.га муносабат турли тизимга оид мамлакатларда турлича бўлган. Саноати ривожланган Ғарб мамлакатларида уни сўл инқилобчиликда айблашса, социалистик давлатлар ва коммунистик йўналишдаги партияларнинг вакиллари уни оппортунизм ва ревизионизмда айбланган эдилар. М.нинг энг машҳур асарлари: «Гегель онтологияси» (1931), «Ақл ва инқилоб» (1940), «Эрос ва тамаддун» (1955).

МАРОСИМ — шахс, гуруҳ ва жамият ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни нишонлаш шакли. Тарихан М. диний тизимларда вужудга келган. Уларда индивиднинг ижтимоий тизим б-н алоқалари ифодаланган. Ҳоз. жамиятда М. асосан, маиший турмуш, сиёсий, ижтимоий тизимлар ҳаётида намоён бўлади. М. таркиби одатда тимсолий ҳаракатларнинг қатъий белгиланган пайдарпайлигидан иборат бўлиб, рақслар, кўшиқлар, расмлар, предметлар, матнлардан ташкил топади. М.нинг қуйидаги асосий турлари фарқланади: диний М. фуқаролик М.лари, этник М., сиёсий М., дипломатик М. М. турлари кўпинча бири-бири б-н қўшилиб, аралашиб кетади. Улар орасида диний маросимлар энг аввал шаклланган бўлиб, маросимнинг бошқа турлари аста-секин улар ора-

сидан ажралиб чиққан ва ўзининг дастлабки хусусиятларини йўқота бошлаган. М. ўзининг дастлабки функцияларидан ташқари, қўшимча функцияларни ҳам бажара бошлаган. М.ни ўтказиш индивид ва гуруҳ ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашдан ташқари унинг миқёси, унга сарф қилинган харажатлар ҳажми М. субъектининг ижтимоий мавқеи, бойлиги, даромади тўғрисида ҳам гувоҳлик бера бошлади. Натижада одамлар қадим замонлардан бошлаб М.ни фақат эътиқод ёки зарурат туфайли эмас, ўз мавқелари, бойликларини кўз-кўз қилиш, сохта обрў орттириш мақсадида ҳам бажара бошладилар. Бу ҳол, айниқса, ўрта асрларда авж олиб кетди. Мас., «Бобурнома»да Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи Оқбегимнинг никоҳ тўйи маросимида олтиндан писталар ва кумушдан бодомлар ясалиб, меҳмонларга тортиқ қилингани баён қилинади. Хуллас, М.ларни ўтказишда ҳаддан ортиқ дабдабозлик, расмиятчилик ва шу қабилар уларнинг кадр-қимматини туширади.

МАРСЕЛЬ (Marcel) Габриэль Онопоре (1889.7.12, — Париж — 1973.9.10.) — француз файласуфи, христиан экзистенциализмининг асосчиси. Унинг фикрича, фал.да марказий ўринни «неосократизм» эгаллайди ва у одоб муаммолари б-н шуғулланиши лозим. М. инсоннинг деперсоналлик ва сциентик интилишини муайян томонга йўналтирилиши б-н онгда рационализм ва маърифатнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Унинг ҳисоблашича, борлиқ ва инсониятдаги махфий (сирли) сезгининг йўқолганлиги фақат инсоннинг ўз ҳаётига онгли равишда муносабати б-н юзага чиқади. М. фал.сининг энг аҳамиятли жиҳати ички эркинлик, танлаш, жавобгарлик муаммоларини ёритиб берганлигидир. Лекин Сартдан фарқли ўлароқ, М. ҳақиқий чегарани тан олади ва шу чегарага шахснинг эркинлиги йўлиқади: инсонни «ҳамма нарса» учун сўроққа тутиш мумкин эмас. У ўзини бутунлай рўёбга чиқара олмайди. М.нинг фикрича, трансцендентликка, худога ишонч индивид озодлигининг ўзгариб боришидир. М. динга муножаат этиб, ахлоқ талаблари бошқа экзистенциалистларнинг шахсга қўйган талабларининг ригоризминини юмшатишга қаратган эди. М. фикрига кўра, конкрет шароитда инсоннинг ҳаракати субъектив ва ноилождир. Инсоннинг ажралмас бойлиги бу — унинг эмоционал ҳиссиёт дунёси. М.нинг сиёсий қарашлари ўзининг консервативлиги б-н ажралиб турарди. Асосий асарлари: «Метафизика кундалиги» (1925), «Ното viator» (1944), «Борлиқ ва молик бўлишлик» (1929), «Одамлар одамийликка қарши» (1951), «Доноликнинг охири» (1954), «Инсон муаммо сифатида» (1955), «Файласуф ва олам» (мартузлар, 1964), «Доноликнинг фожиавийлигини ҳимоялаш» (1968).

МАСЛЮУ (Maslow) Абрахим Харольд (1908.1.4, Нью-Йорк — 1970.8.6, Калифорния) — йирик америкалик инсоншунос олим. Гуманистик психологиянинг етакчиларидан бири. Америка гуманистик психология ассоциациясининг асосчиси. Шахс наз-ясининг гуманистик концепцияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшган тадқиқотчилардан бири М. ўзининг персонологиясида инсон бисотида мавжуд бўлган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўллари излаб топишга, психологик соғлом инсон тўғрисида яхлит қарашлар тизимини яратишга ҳаракат қилган. Ушбу қарашлар тизими М. нинг энг асосий асарлари: «Инсоний мотивациялар наз-яси» (1954), «Мотивация ва шахс» (1954), «Дин, қадриятлар ва кечинмалар чўққиси» (1964), «Бошқаришнинг психологик услуги» (1965), «Борлиқ психологияси» (1969), «Фан психологияси» (1969), «Мотивация ва индивидуальлик» (1970), «Инсон табиатининг энг олий интилишлари» (1971)да ишлаб чиқилган. М.нинг фикрига мувофиқ, «инсоннинг ўзлигини англаши» ҳоз. замон инсоншунослигининг ўта долзарб муаммолардан биридир. Инсоннинг ўз-ўзини англаши унинг мавжуд бўлган барча қобилятлари, истеъдодлари, малакаларидан бири, яъни унда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш йўллари излаб топишга ёрдам беради. М. «Инсон табиатининг энг олий интилишлари» номли асарида шахснинг ўзлигини англашга қаратилган 8 та йўналишни, ушбу мураккаб жараён томон олиб борувчи инсон ҳулқ-атворининг 8 типини аниқлаб берди. М. инсон ўзлигини англаш борасидаги фикр-мулоҳазалари у яратган шахс наз-ясининг энг баланд чўққиси эди. М. инсонни ўзлигини англаш жараёнининг ўта долзарблиги тўғрисида фикр юритганда қуйидагиларни назарда тутди. Чунончи, ўзлигини англаш деганда, инсонда мавжуд бўлган барча имкониятларни ягона мақсад — ўзлигини билишга бўйсунган олишни тушунади. Инсон баъзан ўз атрофида, ёнгинасида содир бўлаётган воқеаларни, жараёнларни тезда илғаб олавермайди. Бефарқлик, эътиборсизлик халқнинг кундалик фаолиятида ҳукмронлик қилади. Баъзан эса тўсатдан унинг зийраклиги, сезгирлиги ошиб кетади. Худди шу ҳолатни М. инсоннинг ўзлигини англаши, деб тушунтиради. Агар инсон ўзлигини англашни ҳаётдан турли лаззатларни танлаб олиш деб тушунса, унда ҳар бир танлов, кишини яна улғайиши, ўсиши учун қилинган туртки, деб тушунмоқ зарур. Лекин ҳаётда бундай танлов инсоннинг улғайиши б-н унга қилинган таҳдид, тараққиёт б-н инқироз ўртасида тебраниб туради. Бошқача айтганда, ҳаётдаги ҳар қандай танловнинг ижобий ва салбий томонлари бўлади. Шунинг учун, М. айтганидек, ҳаётни ҳар бир лаҳзасида инсон ўз қалбига қулоқ солишни билмаса, ўзлугига таянмаса, ҳаётдан ўзи учун зарур бўлган лаззатни ололмайди. Инсоннинг ўзлуги потенциал им-

кониятлардан тўлароқ фойдаланиш борасидаги саъй-ҳаракатидир. Ўз-ўзини англаш жараёнининг энг муҳим моменти-инсон ўзининг хатти-ҳаракати учун масъулиятни доимо ҳис қилиб туришидир. Бундай масъулиятни, М.нинг фикрича, инсон ҳамшиша ўзидан излаши зарур.

МАСЪУЛИЯТ — ижтимоий аҳамиятли бурч ва вазифаларнинг бажарилишига, оқибатига хатти-ҳаракат негизида ётган ахлоқий тамойилларга амал қилинишига муайян қимса ёки социал гуруҳнинг жавобгарлигини билдирадиган фал-ий-ахлоқий категория. М. бурчнинг муайян кишилар томонидан амалга оширилиши жамиятнинг тўлақонли аъзоси қилиб етказишга бурчли. Оилада ва мактабда тарбия ва таълимни тегишли даражада таъкил этишга, таълим ва тарбиянинг самарали бўлишини таъминлашга ота-она, белгиланган ўқитувчилар масъул. Бурчдан фарқли ўлароқ М. куйидаги жиҳатларга эга бўлади: ёш авлодни жамиятга тайёрлаш жамият аъзоларининг бурчи, аммо тарбия ва таълимга ота-она ва муаллимлар жавобгар; вазифани бажаришга фақат салоҳиятли мутахассислар масъул; кишилар ҳамма нарсага эмас, ўзига топширилган ишга масъул. М.сизлик одоб илмида меъёридан оғиш тарзида баҳоланади ва бунинг учун маънавий ва моддий жавоб берилади. Ахлоқда оғишлар, хусусан, девидент хулқ табиати, кўп ҳолларда, масъулият нуқтаи назаридан баҳоланади. Чунончи, ўз хулқининг низомига мос келиш-келмаслигини баҳолаш бу хулқнинг оқибати жамиятга қанчалик моддий ёки маънавий зарар келтиришини аниқлаш б-н боғлиқ. Демак, М.нинг туб боиси ижтимоий манфаатлар б-н белгиланади.

МАТЕМАТИКАЛАШТИРИШ — фанлар тараққиёти мантиқига, ишлаб чиқариш эҳтиёжини, иқтисодий ёки бошқаришнинг оптимал вариантларини аниқлаш заруриятига хизмат қиладиган математик таҳлил усулларидан бири. Ҳар бир нарса ва ҳодиса маълум бир сифатларга эга бўлиши б-н бирга унинг бир қанча миқдорий қийматлари ҳам мавжудки, ривожланиш жараёнида уларнинг ўзгариш тартиби ва доирасини ўрганишга тўғри келади. Бу эса математика ва унинг методларисиз мумкин эмас. М.нинг асосий сабабларидан бири — табиий, ижтимоий-гуманитар, техник фанлар ривожини натижа-сида ҳосил бўлган информацияни бирор-бир тарзда мантиқий жиҳатдан тартибга келтириш зарурияти. Эмпирик дунёдан олинган информациялар уммонида «ғарқ» бўлмаслик учун математик моделлардан фойдаланиш заруригини кўпгина тадқиқотчи олимлар эътироф этмоқдалар. М.нинг яна бир сири шундаки, унинг тушунчалари, тенгламалари, функциялари объектив оламнинг умумлашган образи ва моделлари бўлиб, воқеликни теранроқ,

мукамалроқ акс эттиришга ёрдам беради. Бунинг ёрқин мисолини инсон ақл-заковати б-н яратилган электрон ҳисоблаш машиналари — компьютерлар фаолиятида яққол кузатиш мумкин. Объектив олам, нарса ва ҳодисаларни илмий билишда, улар ҳақида янги маълумотлар олишда, рўй бермаган ҳодисаларни башорат қилишда математиканинг роли ниҳоятда катта.

МАТЕРИАЛИЗМ (лот. *materiactos*-моддий) — ягона борлиқнинг икки қутблари-руҳий (ғоявий) ва моддий қутбларидан бирини, айнан, моддий борлиқни асосий (бирламчи) деб қараб, бошқасини (руҳий, ғоявий, борлиқни) моддий борлиқдан келиб чиққан борлиқ деб ҳисоблайдиган фалсафий концепция. Идеализм, монизм, дуализм сингари М.га оид фал-ий йўналиш жуда қадим даврлардаёқ мавжуд бўлган, деган қарашлар мавжуд. Хусусан, ҳинд фай.и С. Радхакришнанинг кўрсатишига қараганда М.нинг куртаклари Ригведа гимналаридаяқ мавжуд бўлган.

Европада М. 17—18-а.ларда, айниқса, Гоббс, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Гольбах ва бошқаларнинг қарашларида ривож топди. Лекин Европа М.и ўзининг энг юксак даражасига 19-а.нинг ўрталарида кўтарилди, бу давр сохта диалектик М.ининг асосчилари К.Маркс (1818—1883) ва Ф. Энгельс (1820—1895) лардир. Тоталитар социализм даврида Европа М. Демокрит ва Эпикурдан бошлаб то ҳозирга қадар тобора ривож топиб келган ва ниҳоят марксча диалектик ва тарихий М.да ўзининг ривожини топган деган нотўғри нуқтаи назар олдинга сурилиб келган эди. Ваҳоланки, Демокрит даврида М. тушунчасининг ўзи ҳам йўқ эди. Бундан ташқари асосийси шундаки, Демокрит даврида ва ундан кейинги Р. Декартга қадар ўтган давр мобайнида Европа фай.ларининг икки лагерга: М. ва идеализмга қатъий бўлиниши содир бўлмаган. «Фақатгина механистик қарашлари мавжуд бўлганлиги учун фаннинг ҳоз. намоёндалари ўзларини Демокритнинг ва айниқса, Эпикурнинг издошлари деб ҳисоблашлари мумкин, — деган эди бу ҳақда Р.Генон, — ҳақиқат эса шундаки, М. картезиан дуализмининг икки томонларидан биттасини, айнан муаллиф (яъни Декарт) ўз механистик концепциясини қўллаган томонинигина ўзида ифода этади. Ана шу ердан бошлаб М. томонига табиий равишда ўтиб кетмоқ учун б. томонини назардан соқит қилиш ёки инкор этиш етарли бўлади. Шу маънода Декартни Европа М.ининг пойдевор тошини қўйиб берган фай. дейиш мумкин. Декарт ғояларини танқидий ўрганган немис фай.и Г.В.Лейбниц Декарт ва унинг шогирдларининг ўз табиатида кўра нарсаларнинг фақат ташқи кўринишинигина ҳисобга оладиган, чин моҳияти қандайлигини эса тушунтириб беришга ярамайдиган механистик физикасининг ноқислигини

кўрсатиб берган эди. Шу маънода механистик концепциянинг ўзи ҳам юзаки ва чекланган эди. Файлларни очиқ ва узул-кесил иккига ажратиб олишдек ғайриилмий қараш марксизмдан, хусусан, Ф.Энгельснинг «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсининг охири» (1886) номли асаридан, шу асарда фал.нинг асосий масаласини кўрсатиб берилишидан бошланади. Аслида эса, М. ҳам б. фал-ий «... изм» лар қатори, муайян жиҳат ёки ғояни М.да материя, моддийликни мутлақлаштиришдан вужудга келган қарашлар тизимидир. Уни ҳолисона талқин қилиш бундай фал-ий қарашларга илмий ёндашишнинг асосидир.

МАТЕРИЯ — борлиқдаги моддий нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг умумий хусусиятларини ифодаловчи фалсафий тушунча. Обьектив реалликдаги турли хил нарсалар, ҳодисалар умумий хоссаларининг мавжудлиги, уларнинг моҳияти нимадан иборат, деган масалалар инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Моддий оламдаги нарсалар, ҳодисалар асосида ётувчи бирламчи негизни, *субстанцияни* ахтариш фал.да М. тушунчасининг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келди. Моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар турли-туман бўлиб, ўзига хос ва умумий хоссаларга эга. Уларнинг моҳиятини белгиловчи умумий хоссалар, биринчидан, обьектив реаллик сифатида инсон онгига боғлиқ бўлган ҳолда мавжудлиги, уларни яратиб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмаслиги, иккинчидан, ҳар қандай нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлиши, яъни улар доимо ҳаракатда, фазо ва вақтда яшайди, учинчидан, инсон ўзинининг наз-ий ва амалий фаолияти жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос ва умумий хоссаларини, уларнинг моҳиятини билиб бориш мумкинлигидир. Борлиқнинг моддий шаклига хос бўлган, унинг моҳиятини белгиловчи мана шу умумий хусусиятлар энг умумий фал-ий тушунча М.да ўз ифодасини топади.

МАТРИАРХАТ (лат. mater-она ва юн. arche-ҳокимият) — оналар ҳуқуқи, гинекократия. Уруғчилик тузумининг иккинчи босқичида аёл ҳукмрон мавқега эга бўлиб, мулк ва мансаблар она уруғи тамойили асосида мерос бўлиб ўтган. Никоҳдан сўнг эр хотин жамоасига ўтиб яшаган (матрилокал никоҳ) ёхуд эр-хотин ўз жамоаларида яшаб туришган. Мас., жамоа ишлаб чиқаришда аёл устувор мавқега эгаллиги (авлод тарбияси, жамоа хўжалиги ва оилани юритиш сингари муҳим ҳаётий вазифалар) ва жамоанинг ижтимоий ҳаёти (унинг ишларини бошқариш, жамоа аъзолари муносабатларининг тартиботи, диний маросимларни ўтказиш ва ш. к.). Илмий тадқиқотларнинг шоҳидлик беришича, М. даври айрим халқларда бўлмаган. М. атамаси биринчи марта

Бахофен томонидан қад. классик афсоналарни таҳлил қилиш орқали фанга киритилган. Жануби-Шарқий Осиёдаги минангқабау ва микронезларнинг айрим гуруҳларида ҳозир ҳам М. қолдиқларини кузатиш мумкин.

МАФКУРА (араб. — фикрлар мажмуи) — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-наз-ий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболги ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли-туман М.лар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккири ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. М. муайян диний, фал-ий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. М.лар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, *бунёдкор ғояларга* асосланган М. ижтимоий — иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган М. бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай М. ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади. Собиқ иттифоқ даврида М.га умуминсоний қараш шаклланмаган, бунга йўл қўйилмаган эди. Унга тўғри ва холисона баҳо бериш имкони мустақиллик туфайли очилди. Президент И.Каримовнинг асарлари, жумладан, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири ва «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида М.га чуқур илмий таъриф берилган.

МАФКУРА ЭВОЛЮЦИЯСИ — муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-наз-ий қарашлар тизимининг вужудга келиши, ривожланиши ва интиҳога етиши жараёнини ифодаловчи тушунча. Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади. Мазкур миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, идеологлари ижтимоий онгдаги орзу-интилиш ва руҳи-

ятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ва дастурлар яратадилар. Ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали бу ғоялар онгга ва руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Мафкура, вақти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушсалар ҳам, *мафкуравий мерос* сифатида янги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хизмат қиладиган, балки ўз моҳиятига кўра ғайриинсоний бўлган мафкура шакллари ҳам тегишлидир.

МАФКУРА ЯККАҲОКИМЛИГИ — муайян давлат, жамият ёки бир гуруҳ давлатларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилишини ифодалайдиган тушунча. М. я.нинг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир мафкуравий тизим ягона илмий, энг адолатли, жамиятдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон қилинади. Узининг моҳияти ёки бирон-бир жиҳати б-н ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралари сифатида қаралади. Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шаклланади, жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, «яккаҳокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки у яккаҳукмронлик ўрнатиш баробарида, ўзини бойитиб борадиган манба — фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Собиқ иттифоқ даврида етмиш йилдан зиёд яккаҳукмронлик қилган коммунистик мафкуранинг таназзули бунинг яққол исботидир». (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 19-бет).

Тарихда яккаҳукмронликка интилувчи мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли ақидапарастликдир. Бундай мафкуралар Осиё ва Европа давлатлари тарихида муайян даврларда ҳукмронлик қилган. Ўрта асрларда Фарбдаги ақидапарастлик мафкураси (инквизиция) ҳурфикрлик ривожига, жамият тараққиётига тўсқинлик қилди. Юзлаб алломалар, ақлзаковат соҳиблари унинг қурбонига айланди. Бундай салбий анъана коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди, кўплаб моддий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлди. Фарбда юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари кўр-кўрона инкор этилди, генетика ва кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар «реакцион» ва «сохта» деб эълон қилинди. Психология, социология, культурология, семиотика, био-

ника, информатика наз-яси, эргономика каби фан соҳалари етарли даражада ривожлана олмади. Аксарият миллий қадриятлар, урф-одат, анъаналар эскилик сарқити деб эълон қилинди. Натижада кўплаб маданият дурдоналари исиз йўқолиб кетди. XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизм ҳам ана шундай ҳукмрон мафкура даражасини эгаллаган эди. Унинг оқибатида дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфатлар ёғилди. Миллий истиқлол ғояси мамлакатимизда бирон-бир мафкуранинг мутлақлашуви, яккаҳоким ақидага айланишига йўл қўймайди. У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижтимоий ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафкураларнинг хилма-хиллигига таянган ҳолда, жамиятнинг самарали ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

МАФКУРАВИЙ БЕҚАРОРЛИК — кишилиқ жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафкураларнинг алмашиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. Мафкуравий беқарорлик, асосан, муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, М.б.ни — муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат деб ҳам аташ мумкин. Жамиятнинг янгиланиш босқичларида, одатда, эски тизим, эски турмуш тарзи б-н биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий бўшлиқни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва М. б. ҳамоҳанг, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли фарзли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтардилар. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Том маънодаги М.б.ана шунда пайдо бўлади. Юзага чиққан турли бегона, ёт мафкуралар б-н янгидан шаклланаётган миллий мафкура ўртасида муросасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг ўзаро вақтинчалик муваффақиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай беқарорлик ижтимоий ҳаётта катта салбий таъсир кўрсатади.

МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚ — жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий муҳит тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши. Бундай шароитда фуқаролар онги ва фаолиятида турли миш-мишлар, сафсаталар устуворлик қила бошлайди. Кишилар хатти-ҳаракатини бўшанглик, лоқайдлик, бефарқлик эгаллаб олади. Руҳиятда ҳеч нарсага аралашмаслик

кайфияти устун келади. Қаерда шундай ҳолат юз берса, ўша ерда М.б. ҳукмрон бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов огоҳлантирганидек, «...шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзуинтилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз» (И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000, 7-бет). Шунинг учун ҳам фуқаролар онги ва фаолиятида М.б.нинг содир бўлишига йўл қўйиш асло мумкин эмас. Бугун ҳеч кимга сир эмас, фуқаролар ҳулқ-атворида, хатти-ҳаракатида «рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ тустайли содир бўлмоқда» (И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000, 8-бет).

МАФКУРАВИЙ ВАЗИЯТ — муайян минтақа ёхуд мамлакат ҳаётида мафкураларнинг ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги муносабатлар б-н боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи. 20-а.нинг 90-йилларига келиб, жаҳонда социализм лагери барҳам топди. Дунё сиёсий харитасида ўзларининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олган ўнлаб суверен давлатлар пайдо бўлди. Айни пайтда социалистик ғоялар ҳукмрон бўлиб келган ҳудудни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш б-н боғлиқ вазият юзага келди. Бу вазият буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидларда намоён бўлмоқда. Бундай вазиятда фақатгина гучли, ҳалқ иродасини ўзида акс эттирган ғояларгина мамлакатни, жамиятни ёт ғоялар таъсиридан, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қила олади. М.в. ўз характери, ҳаракатлантирувчи кучлари ва юзага келиш сабабларига кўра қулай ёки ижобий, ноқулай ёки салбий тусга эга бўлади. Агар мамлакатда миллийлик руҳи б-н суғорилган, халқнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттирадиган, жамиятнинг турли қатламларини бир мақсад томон йўналтирадиган ғоялар ҳукмронлик қилса, у ҳолда бундай мамлакатда қулай ёки ижобий М.в. вужудга келган ҳисобланади. Турли хил мафкуралар мавжуд бўлса-да, улар жамиятни ягона умуммиллий мақсадга йўналтирмаса, халқ бегона ғоя ва мафкуралар тазйиқидан холи бўлмаса, бу мафкуралар кишиларнинг орзуистакларини юзаки акс эттирса, у ҳолда мамлакатда ноқулай, салбий, таъбир жоиз бўлса, хатарли М.в. вужудга келади. Бундай ҳолатда мамлакат парокандаликка учраб, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиши ва боши берк кўчага кириб қолиши мумкин. Ёш мустақил давлатлар учун М.в. масаласи жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бундай давлатларнинг келажаги, тараққиёт йўли ана шундай М.в.нинг қандайлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, М.в.

жамиятда янги мафкуранинг шаклланиши, ривожланиши ва халқ онига сингдирилиши борасида амалга оширилаётган ишларни, муайян ҳудуд ёки минтақадаги хилма-хил мафкураларнинг ҳукмронлик учун бўлган ўзаро курашларини ҳам англитишини унутмаслик зарур. Айни пайтда М.в. янги, шаклланаётган мафкура б-н ўз «вазифа» бажариб бўлган ёки адо эта олмаган мафкура, ёки унинг қолдиқлари ўртасида мurosасиз кураш боришини ҳам ифодалайди.

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ — ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви б-н характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши б-н ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. М.ж.г.да бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналмингаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркoбизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон — бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис — яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири — турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар б-н чирмашиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видео-кассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг

тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётининг муҳим омилига айланади.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ — шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-наз-ий қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммунитет (лот. *immunitas* — озод бўлиш, қутилиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет — киши организмнинг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Юқоридагидан фарқли ўлароқ инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, М.и.ни шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин. М.и. тизимининг асосий ва биринчи элементи — бу, билим. Аммо, билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар, албатта. Шундай экан, М.и. тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойитиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар, ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари б-н узвий боғлиқ бўлмоғи керак. М.и. тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланидиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустақкам бўлади. Бир сўз б-н айтганда, қадриятлар тизими М.и.нинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустақкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Аммо билимлар ва қадриятлар тизими мавжудлигининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент М.и.нинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими б-н боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият гоҳ ошкора, гоҳ

пинҳона мафкуравий тазйиқларга дучор бўлаверади.

МАФКУРАВИЙ МАРКАЗЛАР — муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалардир. Ўзининг характери, мақсадига қараб маълум партия, гуруҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат М.м. ядросини ташкил этиши мумкин. М.м. ўз ҳаракат дастури, мафкурани тарғиб қилиш воситалари, усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар муҳим ўрин тутади. М.м. ўз фаолиятларини яширин ва ошкора йўл б-н амалга оширадилар. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, айрим М.м., масалан, фашизм ўз мақсадларини ошкора эълон қилиб, зўравонлик йўли б-н сингдирган. Мафкурани яширин йўл б-н тарғиб қилишда вайрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр б-н омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида эътибор берилган. Бугунги кунда уларга қарши соғлом мафкурани тарғиб қилишда таълим-тарбия даргоҳлари, илмий, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти муҳим ўрин тутади. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мафкуравий тарбиянинг самарали йўлларини тадқиқ этиш, турли мафкуравий таҳдидлар хавфнинг олдини олишнинг илмий наз-ий асосларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Шунингдек, жамоатчилик фикри, аҳоли турли қатламларининг руҳияти, интилишлари, қизиқишлари, қарашларини турли социологик тадқиқотлар, анкета-сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли зарарли ғояларни тарқатадиган М.м.га қарши курашдаги муҳим воситалардан биридир.

МАФКУРАВИЙ МАҚСАД — ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиш иродасини ифода этувчи тушунча. Мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватладиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодалайдиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий М.м.ларни фарқлаш лозим. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Халқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан улугвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат. Пировард

натижага эришишнинг йўллари, воситалари ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб чиқади. Ташқи ёки геосиёсий М.м.лар ўз мазмун ва моҳиятига кўра давлатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустақамлашга йўналтирилган бўлиб, бундай мақсадлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса — ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафкуравий таъйиқ ўтказишга қаратилган бўлса — салбий характер касб этади.

МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР — ғоявий беқарорликка чек қуйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш б-н боғлиқ масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади. Дунёда ранг-баранг дунёқарашлар, гурли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айримлари бир-бирига муғлақо зиддир. Ғоялар, мафкуралар кураши натижасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қиргинлар, фожеалар юз бераётган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг тақдири кўп жиҳатдан М.м.нинг қандай ҳал қилинишига ҳам боғлиқ. М.м. ичида мафкуравий хавф, таҳдидни бартараф этиш муҳим наз-ий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳоз. кунда жиддий мафкуравий хавф сифатида диний экстремизм, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилишга асосланган ғоявий қарашлар тизими ва амалиётини кўрсатиш мумкин. Бу хавф ва таҳдидларни бартараф этиш масаласи ҳам мафкуравий муаммолар доирасига кириди. Жумладан, Ўзбекистон ҳам бугун муайян М.м.ни ҳал қилиш йўлида самарали ишларни олиб бормоқда. Бу, аввало, мустабид мафкура асоратларини бартараф этиш, миллий тараққиётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафкурани шакллантириш б-н боғлиқдир. Зеро, И. Каримов ўқтиргани каби, «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас».

МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ (*лот. pluralis* — хилма-хиллик, ранг-баранглик) — ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча. Мамлакатда илғор ғоялар, мафкура-

лар қанча кўп бўлса, яъни М.п. ҳукмрон бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қилади. М.п. ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини умумий тарзда рўёбга чиқишига шароит яратди. У муқаррар суратда кўппартиявийлик тизimini тақозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоен қилади.

МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН — одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони. Одатда «полигон» деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролининг узлуксиз такомиллашиш борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олинishi керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъкул» йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради. Президентимиз таъкидлаганлари каби, ҳоз. давр ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир. Хусусан, мамлакатимиз ичида ўзларининг зарарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиш, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган ваҳобийлар, «ҳизб ут таҳрир»чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин. Бугунги кунда мафкура полигонларида муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзларининг гаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-

катта ҳудудларни, айниқса бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усулидир.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА — ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий — тарбиявий, маънавий — мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. М.п. ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади. М. п. тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик б-н чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда, доимий ва собит қадамлик б-н иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам М.п.нинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади. Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими М. п.ни амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига синдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртақлару дostonлар, кўшиқлару рақслар, турли ўриниш ва мазмундаги маънавий—маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллари дидир.

МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ — муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига синдириш, зарарли маънавий—мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш б-н боғлиқ фаолият мажмуи. М.с.ни мафкуравий вазибаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазибалар муайян мамлакат ёки халқнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқалардаги маъқеи, тараққиёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустақил Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкурасини яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустақамлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Одатда ички ҳамда ташқи М.с. бир-биридан фарқланади. Ички М. с. мамлакат, халқнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги бир босқичга

кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазибаларини ўтайди. Ташқи М.с., ўз халқи ва мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузини мустақамлаш, мустақил тараққиётнинг халқаро муносабатлар б-н боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона мафкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. М. с.нинг самарадорлиги унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гуруҳлар, синфлар ва қатламлар манфаатларининг ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилса, М.с. шунчалик самарали бўлади.

МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ — муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-наз-ний қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. М.т. ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатта нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик б-н фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бугунги кунда М.т. деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини синдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Миллий истиқлол ғояси ўзининг мазмун-моҳияти б-н ана шу каби мафкуравий тажовузларга қарши тура оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада барча фуқароларнинг огоҳлиги, фаоллиги, эзгу ғояларга хизмат қилишга тайёрлиги катта аҳамият касб этади.

МАФКУРАВИЙ ТАМОЙИЛЛАР — ҳар қандай мафкуранинг тарбиявий қудрати, унинг таъсирчанлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклигига асосланиши б-н белгиланади. Миллий мафкура эса жамият аъзоларининг миллат манфаатлари, орзу-умидлари, истак-хоҳишларини ўзида муҷассамлаштиради. Миллий мафкура, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, қуйидаги тамойилларга асосланади. Биринчидан, мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати

деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илгор дунёқараши ва тафаккурига асосланади. Иккинчидан, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фозилларнинг илмий меросига асосланади. Учинчидан, жамият мафкураси шу жамиятнинг фуқароси бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, фуқароларнинг бежавонлиги, тинч-омон, фаровон яшашини таъминлаш учун куч-гайрат манбаи бўлмоғи лозим. (И.Каримов. Адолатли жамият сари. Тошкент, 1998, 11—13-бетлар). Миллий истиқлол мафкураси юрт тинчлиги, Ватан равнақи, фуқаролар эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънавий етук, замонасининг фан ва техника ютуқларини ўзида қамраб олган илгор касб-кор маҳоратига эга бўлган баркамол инсон шахсини шакллантириш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувликка эришиш, диний бағрикенглик каби тамойилларга асосланади (Қаранг: И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000, 19-бет).

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ — инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар б-н қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам оу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ҳоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги оғирбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига оушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўзбекистон шароитида М.т.нинг асосий вазифаси — халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, ва айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. М.т. жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими М.т.ни олиб борувчи асосий бўғин-

дир, зеро мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, таълим тизими орқали амалга оширилади.

МАФКУРАВИЙ ТАСАВВУР — мафкуравий таъсирнинг инсон онгидаги инъикоси. Бундай инъикос турли шаклларда ўз ифодасини топади ва инсон хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ушбу мафкуравий образлар инсоннинг кундалик амалий фаолиятида ўз ифодасини топади. М.т. ижтимоий онгнинг муҳим элементи бўлиб, мафкуравий фаолиятнинг таъноси ва мазмунини ижтимоий воқеаликнинг ҳаёлий образи б-н боғлайди. Айни пайтда мафкуравий фаолият, ҳаёлий образлар б-н яқиндан иш қўриш, ўзаро алоқадорлик механизмини яратиш имконини беради. М.т. ижтимоий муҳитнинг таъсири остида одамлар кўрсатган турли-туман фаолият туфайли ҳосил бўлади. Бундай ҳолат жамиятда ҳамиша маълум бир мақсад томон йўналтирилган мафкуравий система мавжуд эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида, худди шу ҳолат мафкуравий тасаввур жамиятда мавжуд бўлган мафкуравий система: мафкуравий институтлар, мафкуравий муассасалар маҳсули эканлигини инкор этмайди. М.т. ҳосил бўлишида жамиятда мавжуд бўлган турли синфлар, табақалар, гуруҳларнинг ижтимоий тажрибаси ҳам катта аҳамиятга эга. Айни пайтда М.т. бошқа мафкуравий муассасаларнинг зарарли таърибот ва ташвиқотларидан ҳимоя қилувчи «буфер» вазифасини ҳам бажаради.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД — ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини қўрқитув, зўрлик йўли б-н бошқаларга тиқиштириш. М.т. жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, жожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси. Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик жамият қурилаётган ҳоз. шароитда фуқаролар онги ва фаолиятига сиёсий экстремизм, диний ва фундаментализм, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар М.т. шаклида намоён бўлаётир. Айниқса, ўрта аср халифалигини қайта ўрнатиш ғояси ҳамда халқаро террорчилик ва диний экстремизм марказлари орқали моддий-ғоявий таъминланаётган ақидапарастлар мафкураси бугун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик учун катта хавф бўлиб турибди (Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар — Тошкент, 2000, 26-бет).

МАФКУРАВИЙ ТАЪСИР — мафкуравий жараённинг энг муҳим структуравий компонентларидан

биридир. М.т. икки асосий — тўғри, бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита шакллар ёрдамида амалга оширилади. М.т. самарадорлиги мафкуравий таъсир объекти ва субъектига боғлиқ бўлади. Чунончи, М.т. самарадорлиги М.т. ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) маълумот даражаси, маданий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида М.т. ўтказиётган идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотчилар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура ходимларининг профессионал маҳоратига, уларнинг инсоний фазилатлари, хислатларига боғлиқ бўлади. М.т. ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий савияси қанча баланд бўлса, мафкуравий таъсир самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ўз навбатида, М.т. самарадорлиги унинг объекти б-н унинг субъекти орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмнинг мустақамлигига боғлиқ. Бундай ўзаро алоқадорлик механизмнинг мазмунида бир-бирига ўргатиш, бир-бирдан ўрганиш, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд принципи ётмоғи даркор. Бундай ҳолатда ҳар бир киши М.т. доирасига тушади ва ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.

МАФКУРАВИЙ ТИЗИМ — мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юрглари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари (иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат, матбуот, радио, телевидение, кино, музей ва ҳ.к.), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усулларининг (алоҳида, жамоавий, оммавий) яхлит бир бутун уюшмаси. Шунингдек, М.т. мафкуравий таъсир йўналишлари (ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий) ва унинг асосий соҳаларини (меҳнат, жисмоний, эстетик, экологик, жинсий ва ҳоказо) ҳам ўзига қамраб олади. М.т. бир бутун яхлит уюшма бўлиб, доимо ўзгариб туради. Ушбу тизим самарадорлиги мафкуравий таъсир жараёнининг узлуксизлигига, табақалашганлигига, комплекс ёндашувга боғлиқ. Мафкуравий ишлар таъсирчанлиги, ҳозиржавоблигини оширишда аҳоли турли табақаларининг ўзига хос миллий-психологик, регионал, касб-кор, ёшлик хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК (БАҒРИКЕНГЛИК) — хилма-хил қараш, интилиш, ёндашувга

эга бўлган ва турли мафкуравий позицияда турувчи кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишини, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. 1995 й. 16.11. Парижда ЮНЕСКО нинг йигирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» Ер юзидаги барча мамлакатларда мафкуравий бағрикенгликни шакллантиришнинг умумназ-ий асосидир. М.т. гоёси жамиятда асрлар давомида шаклланиб келган бунёдкор гоёлар, эзгу ниятлар ва мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун замин тайёрлаб беради. Ҳоз. даврда М.т. гоёси жамиятдаги барча қатлам, ижтимоий гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутуди ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустақамлашнинг муҳим шартини ҳисобланади. Ўзбекистон халқи дунёвий давлат, эркин фуқаролик жамияти қурмоқда. Барпо этилаётган жамиятимизнинг сиёсий — ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва кўпчилик томонидан қўллаб — қувватланаётган бугунги кунда, эзгу мақсадларга йўналтирилган мафкура фаолияти учун бир хил шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий таъсирлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча. М.х.ни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пиروвард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган гоёлар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустақамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий имунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади. М.х.ка ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради. Бугунги кунда, турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонда янги жамият қуришга тўсқинлик қилиш учун ғаразли ниятларига эришишда мамлакатимиз фуқароларидан «қурол» сифатида фойдаланишга интилишларида М.х. учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрашимиз. Шунингдек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий беқарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказди. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизликни таъминловчи ички омил — жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, М.х. халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-

маърифий тадбирлар тизими М.х.ни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимиз М.х.и илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс М.х.ни таъминлаш — давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

МАФКУРАНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ — миллатлар ва давлатлар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсад-муддаолари ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар мажмуи. Ҳар қандай мафкура: а) муайян ғояни одамларнинг онгига ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; г) уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш; д) аҳолини, айниқса ҳаётга кириб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишдек бир қатор вазифаларни бажаради. Юксак ғояларга асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар ўз соҳибларини тараққиётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа халқлар ёки гуруҳлар ҳисобига қондиришини ният қилган мафкуралар охир оқибат барбод бўлади, ўз тарафдорларини таназзул ва ҳалокатга дучор этади.

МАФКУРАВИЙ ҚУРОЛЛАР — фуқаролар онгига сингдириш омиллари (иш вақти, кейинги бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат матбуот, радио, телевидение, кино, музей, тарғибот ва ташвиқот муассасалари ва ҳоказо), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усуллари (алоҳида, жамоавий, оммавий) мажмуаси. М.қ. геополитик мақсадлар, геополитик сиёсатнинг ҳам таъсирчан воситаси эканлигини унутмаслик даркор. Дунёнинг мафкуравий манзараси тубдан ўзгарган, жаҳонда ғоявий-мафкуравий зиддиятлар кескинлашиб бораётган, мафкуравий полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ бўлиб бораётган бир пайтда «жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатлар соҳасида демократик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик тамойилларини қарор топтириш учун курашмоқда. Бундай шароитда зўравонлик қилиш, ҳарбий куч ишлатиш ва ҳатто иқтисодий исканжага олиш қатъий қораланиши аниқ. Лекин ўз гаразли мақсадларига етишни кўзлаётган турли кучлар геополитиканинг энг таъсирчан воситаси сифатида М.қ.дан кенг фойдаланмоқда, одамлар онгига таъсир ўтказишнинг тубан ва мак-

кор усулларини қўлламоқда» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, 2000, 24-бет). Шунинг учун ҳам мафкуравий жараёнларнинг ҳар бир ташкилотчиси, ҳар бир тарғиботчиси М.қ. ёрдамида амалга оширилаётган ижтимоий тарбия механизмининг моҳияти, мазмуни ва шаклларини тиниқ тасаввур қилиши лозим.

МАХИЗМ — 19-асрнинг иккинчи ярмида шакланган, австриялик физик ва файласуф Эрнст Мах (1838—1916) номи б-н боғлиқ билиш жараёнида тажрибавий усулларни қатъиян рад этган фалсафий оқим. М. асос солган субъектив фал-ий наз-яда тажриба тушунчасини зарурият, сабабият, моҳият имконият каби умумметодологик категорияларидан «тозалаб» оламни тушинишида «бетараф элементлар», ёки сезгиларга асосланишга ундайди. М. таълимотида умумий фал-ий тушунчалар тажрибага сиртдан «мажбурий» ҳолда киритилган «оприор операциялар» (фаросат тушунчалари)дир. М. наз-ясининг давомини рус файласуфи А.А. Богдановнинг «Эмпириомонизм» таълимотида ҳам кўриш мумкин. М.ни ва эмпириомонизмни В. Ленин ва Г. Плехановлар танқид қиладилар. М. таълимотини гносеологияда мавжуд субъект б-н объектнинг ўзаро муносабатини ёритишга қаратилган илмий ҳаракатлардан бири, деб ҳисоблаш лозим.

МАХМУР (асл исми Маҳмуд) 18 аср. охири — 1844 ўзбек шоири. М. Қўқондаги Мадрасаи Мирда таҳсил олган. М. шеърларига ихлос Рўдакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Жомий, Навоий, Фузулий, Сойиб Табризий ва бошқа мутафаккир шоирлар ижодий меросини ўрганиш жараёнида шаклланган. Унинг ўзи гувоҳ бўлган жамият ҳаётида кечаётган ранг-баранг воқеа-ҳодисалар эса унга ижод учун бой материал берган. М. ўзининг «Муножот ба даргоҳи қози ул-ҳожот» мухаммасида сарой маддоҳлари кирдикорларини фош этади, зулм ва зўравонлигини қоралайди. «Таърифи вилояти Қурама», «Ҳапалак» шеърларида хон ва амирлар зулми остида харобага айланган қишлоқлар, аҳолининг аянчли аҳволи ва оғир турмушини бадий умуллаштириб тасвирлайди. М. ижодидан бизнинг давримизгача кўплаб ҳажвиялар етиб келган бўлиб, уларнинг замондошларига бағишланган: «Дар ҳажви Хўжа Мир Асад», «Ғазали қози Муҳаммадражаб», «Дар сифати Ҳаким Туробийи Ҳазор халта», «Дар ҳажви домла Атои Аштий». М.нинг ҳажвий шеърлари девони бизнинг давримизгача етиб келган ва нашр этилган. Шоирнинг лирик шеърларида ҳаёт гўзаллиги ва нафосати, муҳаббат ва садоқат ғоялари куйланади. М. Ҳофиз, Жомий, Сойиб Табризий ғазалларига му-

хаммаслар ҳам боғлаган. Унинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган асарлари бадий адабиётда демократик ғояларининг кенг ёйилишида, маънавий турмушдаги, жамият ҳаётидаги камчилик ва нуқсонларга, ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизликка нисбатан танқидий қарашларнинг кучайишида муҳим ўрин тутди.

МАХТУМҚУЛИ, (тахаллуси Фироғий, (1733—1793) буюк туркман шоири ва мутафаккири, туркман адабий тилининг асосчиси. Туркменистоннинг Қора Қалъа туман Ҳожи Гавшон қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этган. Отаси — шоир Давлатмамад Озодий (1700—1760) ўқитувчи бўлган. М. ўзининг дастлабки шеърларидаёқ она халқининг оғир қисмати, жамиятдаги тартибсизликлар ижтимоий адолатсизликларни фош этишга интилди. «Насихат», «Чақириқ», «Қолмас», «Бахши» ва бошқа бир қатор шеърларида шоир халқни, унинг мард ўғлонларини ватан озодлиги, эркин ва осойишта турмушни таъминлаш йўлида курашга чорлайди. Урушлар туфайли яқинларидан айрилган, зўрлик б-н эрга бериб юборилган севгилиси Менглихол висолдан бенасиб бўлган М. ўз даври ҳаётининг энг муҳим ижтимоий воқеаларини ўз асарларида ёритди. «Кўз ёшлари», «Шикоят», «Кунлар», «Тақдир», «Абдулла», «Йигитлар султони», «Синглимга» ва б. кўплаб шеърларида ўша жамиятдаги адолатсизликларни, зўравонликни, таъмагирлик, жаҳолат каби иллатларни фош этди. Юксак инсоний фазилатларга эга бўлган комил инсон тарбияси М. ижодида етакчи ғоялардан бири. Унинг кўплаб шеърлари одоб-ахлоқ ва маънавиятни юксалтиришга панд-насихат мавзуларига бағишланган. М. шеърятта халқ тили намуналарини дадил олиб кирди, туркман адабий тилини халқ тилига яқинлаштирди, бадий образларга, мақол ва маталларга, ҳикматларга ранг-баранг оҳангларга бой адабий-бадий мерос қолдиради. М.нинг илғор ижтимоий-фалсафий қарашлари унинг ўзидан кейинги маърифатпарвар шоирлар ижоди учун муҳим аҳамият касб этди. М. асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

МАШРАБ Бобораҳим Мулла Вали ўғли (1640, Наманган — 1711, Балх) — оташқалб шоир ва тасаввуфнинг машҳур намояндаси. М. касиб-бўзчи оила-сида таваллуд топди. Отасининг вафотидан кейин оилани тебратиш она гарданига тушади. М. ёшлик чоғларидан бошлаб илмлар сир-асроридан боҳабар бўлишга интилади, Наманганда шухрат топган Мулло Бозор Охунд-Хўжа Убайдулло ҳузурига бориб, ундан форс тилини ўрганади, илоҳиёт, диний-тасаввуфий таълимотлар тарихи, моҳияти ва мазмуни б-н қизиқади. Шу б-н бирга Шарқнинг машҳур шоирлари Саъдий, Навоий, Бедил кабиларнинг

шеърятига ихлос қўяди ва улардан илҳомланиб шеърлар машқ қилади. Бир қанча йил Қошғарда Офоқ Хожага мурид бўлади. У пирнинг гўзал канизакларидан бирига севги-муҳаббат изҳор қилганлиги туфайли Офоқ Хожа томонидан жазоланади ва бу даргоҳдан қувилади. М.нинг сарсон-саргардонлик йиллари бошланади. Унинг ҳаёти Балхда ўзининг сўнгги нуқтасига етади: у 1711 йили Маҳмудбий Қатағон ҳукми ва уламоларнинг фатвоси б-н дорга осилади. М. тасаввуфий қарашларига кўра, бу олам яратганнинг зуҳури. Ҳар бир нарса Тангри вужудининг шаҳодатидир. Барча эзгулик, мурувват ва саховат Аллоҳдандир. Унга чин дилдан эътиқод қилган одамлар инсон зотига ҳурмат бажо келтирмоғи, уни табаррук мавжудот деб билмоғи лозим. Аксинча, улар кечаю-кундуз қанчалик Қуръонни тиловат қилмасинлар, ўз муддаоларига ета олмайдилар. Инсоннинг дилига озор етказган кимса ҳеч қачон Ҳақнинг ишқиди олов бўлиб ёна олмайди. Ҳақ таоло дили танг, бағритош бандаларнинг саъй-ҳаракатларига ризолик билдирмайди. Мутафаккир тасавуфиди ишқ водийси солиқ аҳлининг маскани саналади. Лекин маърифат водийси бепоён-дир. Унда хилма-хил динлар, диний мазҳаб вакиллари ёнма-ён яшаб, ўзларининг кундалик зарур ишлари ва эътиқоди б-н бўладилар. Улар учун икки жаҳон рамзий маъно касб этади. Имон эса ишқадир. М. ҳаётга теранроқ кириб борар экан, унда илдиз отган ахлоқий тубанлик, нохушликларнинг шоҳиди бўлади. У бу тушкунликдан қутилиш йўллари ва нажот тадбирларни излайди. М. бу нажотни заминдан эмас, илоҳий ишқдан ахтариш лозим, деган ягона хулосага келади. Лекин, унинг фикрича, афсуски, жамият аҳлининг бир қисми ўзи ўзи б-н овора: бу дорул-фано дунё (ўткинчи дунё) ҳузур-ҳаловатлари ташвишида «ғарқ» бўлган, молу-мулкка ортиқча ихлос қўйган. Унинг бор куч-ғайрати, меҳр-ишқи бойлик орттириш, ейиш ва ичишдан лаззатланишдан иборат бўлиб қолган, маънавий-руҳий эҳтиёжлар ҳаётдан қувғин қилинган. Ҳасрат-надоматда кун кечираётган етим-есирлар, қашшоқларнинг ҳолидан хабар олиш, оғирини энгил қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Мурувват ва саховат анқонинг уруғига айланган. Инсоннинг дурдонага айланиши авваламбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у «эски работ» деб аталмиш бу дунё машмашаларининг асири бўлиб қолмасдан, дил савдосини доимо бир нуқтага, яъни яратган Ҳақ висолига етишиш, унинг дийдорини кўришга муяссар бўлишга қаратмоғи лозим. Инсон ўзининг боридан бегона, унинг жамолига парвона бўлиб, қийинчиликлар уммони-га чўмса, азоб-уқубатларни пеш қилмаса, заҳар-заққум ютса, кишилар ўртасидаги низолардан, кундалик ҳаёт икир-чикирларидан юқорироқ кўтарила олсагина садафга дурдона бўлиб жойлашиши мумкин. Ҳаққа етишишда руҳ ва тан ўртасидаги мавжуд

зиддиятни бартараф этиш муҳим масаладир. Бу биринчи галда инсон табиатини нафс балосидан, нохушликлардан халос қилиш, маънавиятдан баҳраманд бўлиш, ишқ гулзорида девоналик даражасига етишиш орқали эришилади. Бунда инсон ориф даражасига кўтарилса, у Ҳақни кўз б-н кўрмай туриб, қалб кўзгусида ғайритабиий бир ҳолатда кўра бошлайди, эшитмай туриб, эшита болайди. Бу аслида мистик жазава, зикр воситасида рўй беради, деб ишонадилар мутасаввифлар. Кўнглини кенг тутиб маънавиятимизга назар ташласак, Бобораҳим Мулла Вали ўғли М. Ҳам буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий каби мутафаккирлар сафидан «ломакон» дан салоҳиятли ўрин олган тасаввуфий шеърят чўлпони эканлигига чексиз ишонч ҳосил қиламиз. Асосий асарлари: «Мабдайи нур», «Девони Машраб».

МАЪАРИЙ, (973 — Маъаррат ан-Нуъмон ш., Сурия — 1057) — араб мутафаккири ва шоири; асл исми ал-Маъаррий Абулғало Аҳмад ибн Абдулла ибн Сулаймон ат-Танухий. Ёшлигиданоқ кўзи ожиз бўлиб қолган. М. ўзини Мутанаббининг шогирди деб ҳисоблаган ва унинг «Аҳмад мўъжизаси» деб аталган девонига шарҳ ёзган. М. қарашларида пантеистик ғоялар б-н бирга стихияли-материалистик ва атеистик тамойиллар мавжуд. М. «Лузум мо лам ялзам» («Лозим бўлмаганнинг лозимлиги») асарида инсонпарвар файсифатида ижтимоий адолатсизлик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. У адолатсизликни умуман борлиққа хос деб, уни Худонинг иродасига боғлаган. М. фикрича, яшашдан мақсад инсонга хизмат қилишдир. «Рисолат ул-ғуфрон» («Авф тўғрисида рисола») ва «Рисолат ул-малоика» («Фаришталар ҳақидаги рисола») асарларида руҳ ўлмаслиги ҳақидаги ғояга ва охираат ҳақидаги диний тасаввурларга шубҳа б-н қаради. Ер табиий тараққиёт натижасида пайдо бўлган, деб фараз қилди. Бу фикрларни у ўша мураккаб тилда баён қилишга ҳаракат қилган.

МАЪНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ижтимоий шаклдаги онгни яратиш, ишлаб чиқариш. Инсон фаолияти икки йўналишида намоён бўлади: моддий ишлаб чиқариш ва М.и.ч. М.и.ч. йўналтирилган фаолият, яъни маънавий фаолият икки хил кўринишга эга: маънавий бойликлар яратиш (маънавий ишлаб чиқариш) ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, истеъмол қилиш. М.и.ч. жараёнида маънавий қадриятлар яратилади ва ривожлантирилади. М.и.ч.нинг муҳим белгиларидан бири унинг борлиқни наз-ий, рационал билишга ва айна пайтда янги маънавий қадриятлар ишлаб чиқишга қаратилганлигида. Бу жараёнда инсон бир томондан ўз онгини ўстиради, ривожлантиради, бойитади. Иккинчи томондан эса,

одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи ғоялар, билимлар, наз-ялар, бадиий образлар ва бошқа маънавий қадриятлар ишлаб чиқаради. М.и.ч. ўзининг кўлами, инсонлар ҳаётида тутган ўрни бўйича моддий ишлаб чиқаришдан қолишмайди. Диалектик ва тарихий материализм М.и.ч.ни моддий ишлаб чиқаришнинг ҳосиласи, инъикоси, деб қарар, яъни унга иккинчи даражали ўрин ажратган эди. Ҳолбуки, моддий ишлаб чиқаришни маънавий билимларсиз, малака ва кўникмаларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Моддий ва М.и.ч. жараёнини бир-бирдан ажратиш, бир-бирига қарши қўйиш мутлақо нотўғри ёндошув белгисидир. Улар бир-бири б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, айна бир жараённинг икки томонидир. Узвий боғлиқлик уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини инкор қилмайди. М.и.ч., аввало, халқ ижодига асосланади. Илмий, бадиий, ахлоқий ва б. қадриятларнинг асосида халқ ижоди ётади. Халқ ижоди намуналари, деб аталадиган, бадиий, мусиқий асарларни бутун халқ ёки этник гуруҳ биргаликда яратмайди. Бу асарларни халқ орасидан етишиб чиққан қобилиятли, истеъдодли оқинлар, бахшилар, чолғучилар, кўшиқчилар яратади. Бу асарлар авлоддан-авлодга ўтган сари сайқал топиб, гўзаллашиб боради. Мас., «Алпомиш» достони ўзбек халқи ижоди намунаси экани уни яратишда бутун ўзбек халқи тенг иштирок этганини билдирмайди. Бу ўлмас асарни халқ бахшилари яратди. Бахшилар дostonни халқ орасида юрган ўланлар ва ҳикоятлар асосида, халқнинг эҳтиёжлари, орзу-умидлари ва армонларини назарда тутиб яратди. Халқ ижоди намуналари аноним характерга эга, яъни уларни яратган инсонларнинг исми-шарифлари кўрсатилмайди. Баъзи ҳолларда, алоҳида истеъдод эгаси бўлган бахши, оқин, чолғучи, кўшиқчининг номларини эъзозлаб халқ ёдда тутди. Мас., Пўлкан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли ва бошқалар. Жамият ривожланиб, меҳнат тақсимооти кучайган сари М.и.ч. соҳасида ихтисослашув кучаяди. Энди санъат, фал., ахлоқ, фан, дин, ҳуқуқ каби онг шакллари алоҳида ривожланади. Айна пайтда уларнинг ҳар бири турли жанр, оқим, йўналишларга бўлина бошлайди. М.и.ч. маҳсулининг яна бир хусусияти шундаки, моддий ишлаб чиқариш натижалари истеъмол жараёнида ўзларининг қийматини йўқотса (эскирган кийим, ейган овқат ва ҳ.к.), М.и.ч. маҳсули истеъмол жараёнида ўз қийматини йўқотмайди, балки қанчалик кўп одам баҳраманд бўлса, (бадиий асарни қанчалик кўп одам ўқиса, мусиқани қанчалик кўп одам тингласа) уларнинг қиймати шунчалик ортиб боради. М.и.ч. жараёнида ворисийлик кўзга яққол ташланади. Янги билимлар, ғоялар, бадиий асарлар ўтмиш давр ютуқлари асосида ва уларнинг бевосита давоми сифатида майдонга келади. М.и.ч. ижод устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Моддий ишлаб чиқаришда ҳам

ижод элементи мавжуд, ammo бу жараён ижодсиз ҳам эски андозалар, технологиялар, ёндошувлар асосида амалга оширилиши мумкин. М.и.ч.ни эса ижодсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

МАЪНАВИЯТ — инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими. Инсон М.ини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб, умрининг охиригача шакллантиради ва ривожлантириб боради. Инсоннинг ўз м.ини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади, ривожланади. Шу маънода М. инсоннинг онглилигини, қобилиятини ва интилишларини ҳам ўз ичига олади. М. инсоннинг ботиний дунёсини ўзида ифода этувчи тушунча. Инсон ботиний дунёсини, гавҳар тўла тубсиз денгизга қиёслаш мумкин. М. инсоннинг руҳияти, ўзи-ўзининг англаши, дид-фаросати, адолатни разилликдан, яхшиликдан, ёмонликни, гўзалликни хунуқликдан, оқилликни жоҳилликдан ажрата билиш қобилияти, ақл-заковати, уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиш ва интилиши. М.нинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўзлигини қайси даражада англашида, ўзининг оила ва жамиятдаги ўрнини тушунишида Ватан ва миллатга муносабатида намоён бўлади.

МАЪНО — сўзга алоқадор ҳодиса бўлиб, у ифодаланаётган предмет, ҳодиса ёки уларнинг белгиси, хусусиятларини англатади. М.га яқин атама мазмун бўлиб, у нутқ ёки тилда сўзлар б-н ифодаланади ҳамда М. ларнинг ўзаро боғланишида ҳосил бўлади. Сўз М.га, жумла ёки гап эса мазмунга эга бўлади. М.нинг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки, у ўзида фақат айнан шу нарса-ҳодиса, белги ёки хусусиятни ифодалайди. Бир неча М.ларни ифодалайдиган шакли бир хил сўзларни омонимлар, деб юритилади. Мас., «ўт» сўзи ўзбек тилида ёнаётган оловни, ўсимликни, «ўтмоқ» феълнинг буйруқ майлини, одам ёки ҳайвонларнинг ички аъзосини билдиради. Буларнинг барчаси алоҳида М. бўлиб, «ўт» сўзи кўп М.ли эканидан далолат беради. Айни бир М.ни бир неча сўз б-н ҳам ифодалаш мумкин. Мас., аскар, жангчи, солдат сўзлари айни бир шахсга нисбатан қўлланиши мумкин. Бу ҳодиса тилшуносликда *синонимия* аталади. Сўзлар тор ёки кенг М.да қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, контекста, оҳангга ва урғуга боғлиқ равишда сўзнинг М.си ўзгариши мумкин. Сўз М.сининг кўлами ва ўзгаришини тилшуносликнинг семиология соҳаси ўрғанади, мантиқ илми сўзларда ифодаланадиган тушунчалар М. доирасини қатъий чегаралашни тақозо қилади. Бу вазифа б-н шуғулланадиган мантиқ соҳаси мантиқий семантикадир.

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК — ёки маърифатчилик ҳаракати жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаларида ўрнатилган ижтимоий-сиёсий зулмкорлик сиёсатига қарама-қарши ўлароқ шаклланган ижтимоий-фалсафий ва оммавий — демократик ҳаракатлар сифатида амал қилади. Унинг мақсади муайян жамият ҳаётини фал-ий-ғоявий ва маънавий-маърифий зўравонликдан, жаҳолатпарастликдан озод этиб, эркин тафаккур, илғор маънавий-маърифий тизим орқали тараққиётнинг барча зарур моддий ва маънавий жабҳаларига тадбиқ этишдир. М. ҳаракатининг Францияда бошланиши жамиятнинг туб ўзгаришлар учун етилганлигидан далолат беради. «Маърифатпарварлик» атамаси биринчи бор буюк инглиз шоири Ж.Милтоннинг «Йўқотилган жаннат» достонида қўлланган бўлса ҳам, уни феодал — мутлақ подшолик тартиблари беъманилик чўққисига кўтарилган Франция заминидан амалиётга киритди. Шунинг учун ҳам М. ҳаракатининг тарихий чегаралари «Қуёш қироли» номини олган ва «Давлат бу — мен» дейишгача бориб етган Людовик XIVнинг (1775) вафотидан бошлаб Буюк француз буржуа инқилобигача (1789) бўлган тарихий даврни қамраб олади. М. атамаси худди шу даврга нисбат берилди.

М. ғоясининг фал-ий асоси ҳис-туйғу (сенсуализм) ва иккиасллик (дуализм) қарашларидан иборат бўлиб, биринчиси М. ҳаракатининг бошланиш даврида, иккинчиси кейинги йиллардаги ривожланиш жараёнларида кўпроқ аҳамият касб этган. М. ҳаракатига Де Сент-Эвремон, А.Буленвиле, Бейл, Мелье каби таниқли маънавий арбоблари асос солган бўлиб, кейинги йилларда Вольтер, Монтескье, Кондильяк, Ламетри, Гольбах, Дидро, Гельвеций, Руссо, Бюффон каби забардаст тафаккур эгалари кенг қўламда давом эттирдилар ва М. тамойилларини бутун Оврупо бўйлаб кенг тарқалишига ва оммалашувига муваффақ бўлдилар. М. ғоялари «маърифат асри»дан кейин ҳам кенг тарқалиб, ижтимоий-сиёсий, миллий-озодлик ҳаракатларининг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Марказий Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳаракатларини ғоявий-маърифий тайёрлаб берган ва уларни миллий мустақилликка руҳлантириб турган маърифатпарварлар орасида Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Аҳмад Дониш, М.Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Авлоний каби сиймоларни эътироф этиш лозим. Ўзбекистонда М.нинг ғоявий асосларини яратган, миллат озодлиги ва юрт фаровонлиги йўлида мардона курашган, бу йўлда кўп қурбонлар берган жадидлар ҳаракати озод ва обод Ватан қуриш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлидаги миллий-озодлик курашининг ёрқин ифодаси эди.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК — умуммиллий, умумдавлат манфаатларини ҳисобга олмай, уларга зарар келтиривчи, тор маҳаллий манфаатлар доирасида фаолият юритиш. М. ўрта асрлардаги индустриал ривожланишгача бўлган жамиятларга хос бўлиб, халқлар бирликка эришмаган, уруғ-аймоқчилик тартиблари халқни ташкил қилган уруғ-қабилавий гуруҳларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқе, мақомларини иерархик усулда, аслда қадимги ва ўрта асрдаги миллий тарқоқлик даврига хос бўлса-да, у ёки бу шаклларда ҳоз. замон жамиятларида, айниқса миллий манфаатларнинг устунлигини англашни таъминловчи миллий онгга, бирликка эришмаган халқларда кўпроқ сақланиб қолган. Собиқ СССРдаги тоталитар тузуми М. илдиз отиши учун қулай шароит яратди. Мулк давлат тасарруфига олиниб ягона марказдан бошқариш моддий ва бошқа бойликларни юқоридан тақсимлашни тақазо қилди. Мустабид тузум парчаланиб, асоратга тушган халқлар эндиликда ўз миллий давлатларини туздилар, янги жамият қуришга киришдилар. Мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топмоқда, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш устувор ва долзарб бўлиб қолди. Ана шундай бир шароитда М. ўзининг бутун салбий хусусиятлари б-н яққол кўриниб қолди. М. этник-минтақавий фикр юритишнинг бир кўриниши бўлиб, миллий ўзлигини англашдан минтақавий ўзлигини англаш устунлик қилган шароитларда илдиз отади. М. тамойилининг кучайиши минтақаларнинг ўзини ўзи чегаралаб қўйишга, таркиб топган хўжалик алоқалари кучсизланиши ва парчаланишига, бинобарин, минтақанинг иқтисодий жиҳатдан таназзулга олиб келиши мумкин. М. давлатнинг яхлитлигига реал хавф туғдиради. У ғаразли мақсаддаги озиқ берадиган муҳит бўлиши, миллатлараро ва этник можароларни келтириб чиқариш, ташқи кучларнинг жуғрофий-сиёсий мақсадлари йўлида восита сифатида фойдаланилиши мумкин. Мустақил Ўзбекистонда умуминсонийлик ва миллийлик кучайиб, ҳуқуқий, демократик жамият асослари мустаҳкамланиб, турли соҳа, тармоқдаги субъектларнинг эркинлиги ошиб, М. барҳам топмоқда.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ, Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кошғарий (11-а.да яшаган. Туғилган ва вафот этган йили номаълум) — туркшунослик илми ривожига катта ҳисса қўшган йирик мутафаккир. У Баласоғунда туғилди, шу ерда таҳсил кўрди. Мавжуд маълумотларга қараганда, М.К. илмнинг турли соҳалари, хусусан, араб ва турк тиллари, форс адабиёти б-н шуғулланиб, уларни пухта эгаллаган эди. Айниқса, М. К.нинг туркий тилларни ўрганишдаги хизмати беқиёсдир. У тил соҳасида ўзининг машҳур асарини ёзишдан олдин жуда катта ҳудудда яшаган туркий халқларнинг тили, урф-одади, турмуш тарзи, касбкори, оғзаки ижоди ҳақида

бир неча йиллар мобайнида маълумот тўплади. М.К. туркий тилларни ўрганишга бағишланган 2 та асар ёзиб қолдирган. Шулардан бири «Жавоҳир уннаҳв фий луғотит турк» (Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) қоидалари) номи б-н юритилган. Лекин бу асар шу вақтгача топилгани йўқ.

Унинг бизгача етиб келган машҳур асари «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони»), деб аталади. Асар туркий қабила ва халқларнинг тили, лексикаси, фонетикаси, морфология ва диалектологияси ҳақида бой материал беради. «Девони луғотит турк» китоби фақат луғатшунослик, тилшуносликка бағишланган рисола бўлибгина қолмасдан, у ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисида ҳам маълумот беради. Девонга кирган қимматли ва ибратормуз ҳикматларда таълим-тарбия, хулқ-одоб, илмфан тўғрисида қимматли фикрлар мавжуд. М. К. ўз китобида инсонларга яхшилик қилиш, ўзаро ҳурмат, меҳр-шафқатли бўлиш, ўзгаларга хайр-эҳсон қилиш каби фазилатлар ҳақида батафсил сўз юритади. У аввало яқинларга, айниқса, қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга яхшилик қилиш, сўнгра бошқаларга яхшилик қилиш лозимлигини уқтиради. «Халққа яхшилик қил, — дейди мутафаккир, — яхшиликни сув тагига ташласанг-да, сув устида кўрасан». М.К.нинг илмий мероси ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

МЕДИТАЦИЯ (лот. meditatio—фикрлаш) — ақлнинг бутун фаолиятини муайян бир нарсада жамлаш ҳолати. Бу жараён муроқабача деб ҳам аталади. Ақл инсоннинг барча ҳис-туйғулари фаолиятини бошқариб турувчи субстанция ҳисобланади. Агар инсоннинг ақли муайян бирор нарса (объект) ҳақидаги ўйлар б-н машғул бўлса, ақл бошқараётган ҳис-туйғулар ҳам, ўзларининг бошқа ҳаракатларини тарк этиб, шу жараён б-н банд бўлади. Муроқабача жараёнида инсон ўзининг ҳиссиётлари орқали тасаввур қилиш мумкин бўлган объект (қиёфа) бўлиши март. М. б-н, асосан, йоглар шуғулланадилар. Муроқабача қилиш объектлари, яъни йог олдида қўйган мақсадларига мувофиқ жараён ҳар хил бўлади: дхян-йога, карма-йога, бхакти йога ва ҳ.к.

МЕЛИОРИЗМ (лот. melior — энг яхши) — фалсафий йўналиш; мақсад нуқтаи назаридан оптимизмга яқин туради. 19 а.да инглиз адабаси Ж.Элиот ва француз фай.и Ж.Телли томонидан муомалага киритилган. Мазкур оқимнинг вакиллари фақат кишиларнинг индивидуал камолоти ҳамда умумий маърифатни юқори даражага кўтариш йўли б-нгина жамият ҳаётини ва бутун дунёни яхшилаш ҳамда мукаммаллаштириш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

МЕЛЬЕ (Meslier) ЖАН (1664—1729) — француз файласуфи ва дин арбоби. М.Ж. «Васият» рисоласида

Франция феодал абсолют монархия тузуми тартиб-қоидаларининг туб моҳиятини фош қилади. Бундай тузум муқаррар тарзда барбод этилиши, унинг ўрнига ижтимоий тенглик ва адолатга асосланган янги жамият барпо этилиши зарурлигини уқдиради.

МЕНТАЛИТЕТ (лот. «mens» — ақл, идрок) — жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти. М. ўзига хос миллий анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар, диний эътиқод ва иримларни ҳам қамраб олади. Истибод даврида М. масалалари илмий нуқтаи назардан талқин қилинмас эди, чунки маълум миллатни ўрта, илғор ва салоҳиятли, бошқа миллат ва элатларнинг эса қолоқ ва норасо қилиб кўрсатиш сиёсатига М. наз-яси моҳиятан зид эди. Жамиятнинг, миллатнинг, маълум бир жамиятнинг ёки шахснинг М.ини ўрганиш, унга жиддий ёндашишни талаб қилади. Уни ўрганиш учун жуда кўп омиллар эътиборга олинishi ва б. миллатлар б-н қиёсланиши, ушбу миллат яшаб турган шарт-шароит, тарихий давр, унинг ўтмиши, миллатнинг руҳияти ва б. бир қатор жиҳатлар инobatга олинishi лозим. Миллий М. таҳлилига, расмий кўрсаткичлар асосида ёндошиб бўлмайди. Ўзбек миллати М.ининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар б-н бойитди. Асрлар давомида ўзбек халқи муҳим савдо-сотиқ, илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик марказлари, халқлар ва мамлакатларни бир-бири б-н боғлаб турган йўллар чорраҳасида яшагани сабабли, унинг М.и тараққий этиб борган.

МЕРИНГ (Mehring) Франц (27.2.1846, Шлаве—29.1.1919, Берлин) — немис файласуфи, тарихчи ва адабий танқидчиси. М. ижодида И.Кант фал.сига алоҳида эътибор қаратилган. Табиий-илмий фанлар, дарвинизм масалаларига доир қатор мақолалар ёзган. Гартман, Шопенгауэр, Ницшеларнинг ижодига танқидий муносабатда бўлган.

МЕРИТОКРАТИЯ (лот. meritus — муносиб ва kratus — ҳокимият) — М. Янг томонидан муомалага киритилган тушунча. «Меритократиянинг кўтаринчилиги» (1870) антиутопик асарига Янг масхарабозча янги олигархиянинг келажакда ҳокимиятни эгаллаши ва у кейинчалик барбод бўлишини кўрсатган эди. М. тарафдорлари халқ ичидан чиққан зийрак, интеллектуал ва чаққон вакиллардан сайланиши б-н ўзининг ҳукмронлигини оқлардилар. Ижтимоий фикрлардаги неоконсерватизм йўналишининг вакиллари дастлаб АҚШда (Белл, Бжезинский, М.Платнер ва б.) бу истилоҳга ҳақиқий маъно киритиб ва

М. апологетик, социологик ва политологик концепциясидан иборат лойиҳасини яратишга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрича, М. концепцияси янги интеллектуал элитанинг сиёсий ва иқтисодий имтиёзларини оқлашга йўналтирилган ва бутун жамиятнинг ободонлигига жуда катта ҳисса қўшади. Бу концепция модернизациялашган элитавий наз-яни тақдим этиш б-н зиёдиларнинг жамиятни бошқарувда даъвогар бўлишини асослаб беришга уринади.

МЕРЛО-ПОНТИ (Merleau-Ponty) Морис (14.3.1908., Рошфор — Сюр-Мер, 4.5.1961, Париж) — француз идеалист-файласуфи. М.П.жадаллаштириш тушунчасини атрофлича изоҳлашга уринди. Жадаллаштириш сўзи, унинг фикрича, бу фақат онгли равишда таърифлаб бериш эмас, балки инсониятнинг бутун оламга бўлган муносабатини таърифлаб беришдир. Шунга боғлиқ ҳолда у онггача, яъни «жисмга оид» экзистенция борлиги ғоясини илгари сурди. Субъект б-н объектнинг чамбарчас алоқадорлиги ғоясини қаттиқ туриб ҳимоя қиларкан, М.П. фал.да «учинчи йўл» тутишга уринади. Амалда эса идрокнинг бевосита маълумотларини ҳақиқий реаллик деб даъво қилиш субъектив идеализмни билдиради. Инсоннинг борлиги — бу ўзининг экзистенциясини рўёбга чиқармоқ ва маълум бўлмаган оламни очмоқдир. У субъектнинг олам б-н туганмас суҳбати асосида амалга ошади. Субъект ва олам бир «феноменал майдон»нинг иккита қутбларидир ва унда субъект ҳар доим вазиятга боғлиқ ҳолда боғланган ва шунинг учун ҳам унинг қобилиятлари охиригача ва тўғри аниқланиши мумкин эмас.

МЕТАМАНТИҚ (юн. meta — кейин, орқасидан, logika — логика) — мантиқ доирасидан чиқувчи логистика. 19–20 а. ўртасида дедуктив фанлар (хусусан, математика)нинг асосларини тадқиқ этиш муносабати б-н пайдо бўлган. Бу тадқиқотларнинг ихтисослашиши б-н метамантиқ синтактик ва семантик тармоқларга бўлинди. Ҳисоблашнинг соф структура хусусиятларини ўрганадиган синтактик метамантиққа исбот наз-яси (ёки метаматика) ҳамда тушунчаларни аниқлаш наз-яси киради. Семантик метамантиқ маъно наз-яси б-н референция (мазмун) наз-ясига ажралади. Улардан формаллашган тиллардаги ҳақиқат тушунчасини ўрганиш асосида моделлар наз-яси деб аталадиган мустақил алгебретик мазмун наз-яси келиб чиқди.

МЕТАФИЗИКА (грек. meta ta physica — физикадан кейин). Фал. тарихида биринчи марта қадимги Юнон файласуфи Аристотелнинг асарларидан бир қисмига нисбатан мил. ав. I асрда Ликон (Лицей) мактаби раҳбари, Аристотель асарларини шарҳловчи — муҳаррир Родослик Андроникос томонидан илмий муомалага киритилган. Ҳозирги даврда М.ни олам

моҳияти ёки ҳар қандай воқеликнинг асослари, борлиқ намоеън бўлишининг моҳияти тўғрисидаги фан ёки фалсафа методи, деб қараш кенг тарқалган. Фал. тарихида уч хил: «антик» М., «эски» ёки «механистик» М., «янги» М. каби шакллари мавжуд. Антик М. учун «Воқелик нима?», «У қандай мавжуд бўлади? — каби саволлар асосийдир. XVII—XIX аср механистик М. эса оламнинг ўзгармаслиги, механик қонунлар устиворлиги, борлиқнинг абадийлиги тамойилларига эътибор кучайди. У «Онтология» билан айнанлаштирила бошланди. Янги М. эскисидан фарқли олам, нарсаларнинг умумий алоқадорлигини, улар тараққиётини инкор қилмайди, зеро бу ҳозирги буюк кашфиётлар даврида абсурддир. Ҳоз. замонда М. уч асосий маънога эга: 1) М. умумий ҳодисалар, нарсаларнинг асоси (Аристотел), билишнинг объекти ва субъектини ифодаловчи (М. Хайдеггер) тушунча; 2) М. борлиқ ҳақидаги фан — онтология бўлиб, махсус фалсафий фан, назария ва билиш мантиғи унга кирмайди; 3) М. билиш тафаккур ва ҳаракатни фалсафий тушуниш маъносиди диалектикага қарама-қарши қўйилади ва шу маънода антидиалектика ҳақида сўз боради. Собик иттифоқда М. «ўлик ва қуруқ» метод сифатида қаралди, етарлича ўрганилмади. Аслида М.нинг ҳам илмий изланишлар ва фал. да ўз ўрни, аҳамияти бор. Афсуски, бизда ҳалигача М.га хос тушунча ва тамойиллар ўрганилмаган. М.ни доимо ҳам диалектика билан қарама-қарши қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

МЕТАФИЛОСОФИЯ, метафалсафа (юн. meta — «кейин» ва «философия» сўзларидан) — фалсафанинг ўз-ўзини билиши жараёнини ифодаловчи ва ҳар қандай фал-ий муаммо устида мулоҳаза юриши учун замин тайёрловчи фал-ий билим наз-яси. М.ни фалсафа фал.си деб ҳам юритадилар. Ушбу терминни илк бор Г. Струве қўллаган, 1890 й.да «Фал.га кириш» номли асариди М.ни шакллантириш заруриятини асослаб берди. М. фал.нинг асосий негизларини, ундаги абадий ва маълум даврга хос муаммоларнинг табиатини, фал.нинг асосий функцияларини, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга интилади. М. моҳиятини англаб етиш учун фал.нинг турли замонлардаги талқинидан бохабар бўлмоқ даркор. Чунки фал.нинг ўтмишдаги талқинлари М. учун замин тайёрлайди. М. фал.нинг мураккаб фан эканлигини қайд этади. У серқирра ҳодисадир.

М. фал.нинг ўзга жиҳатларини ҳам тилга олади. Унда фал. санъат, трансцендентал билим, гуманитар билим сифатида ҳам талқин этилади.

МЕТОДОЛОГИЯ — 1) бирон фанда татбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи; 2) илмий билим ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таъ-

лимот. Илмий билим методларининг наз-ий асоси ривожланиб бораётган фаннинг эҳтиёжлари тақозоси б-н юзага келган бўлиб, у табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ҳодисаларини тўғри объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларини очишга имкон беради. Илмий билим масаласида усул муаммоси б-н энг қадимги фал.да Аристотель шугулланган. Биринчи марта фанни усул тизими асосида ўрганиш масаласини Ф. Бэкон илгари сурган. Р. Декарт ва И. Кантлар ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратганлар. Гегель методологияга муҳим ҳисса қўшди. У биринчи бўлиб фал-ий методнинг ўзига хос характериға, унинг аниқ фанлар методларидан фарқ қилишиға ва бу методлардан иборат эмас эканлиғига эътибор берган эди. Илмий билиш жараёнида ҳар бир фан конкрет тадқиқот объектга эга экан, ўзининг махсус усулларини ишлаб чиқиши зарур. Лекин баъзи бир фанлар бири-бириға яқин бўлгани учун уларнинг тушунча ва қонунлари ҳам бир-бириға яқиндир. Демак, билимда хусусийлик ва умумийлик вазифасини бажарувчи усуллар ҳам мавжуддир. Кўпчилик фанларда қўлланадиган усуллар умумий усул дейилади. Умумий усул қўлланиши доирасига кўра умумий, лекин ўз махсус вазифасига эга. Бунга анализ ва синтез умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштиришни кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, билим жараёнида илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва энг умумий усуллари мавжуд бўлиб, улар ўзаро бир-бири боғлиқ. Диалектик усул реал оламни илмий билишнинг энг умумий усули бўлиб, у барча фанлар учун методологиядир. Диалектик усул хусусий фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиб, уларнинг усуллари б-н биргаликда ривожланади, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Ҳоз. замон жиҳатидан салмоғининг ошиб бориши б-н тавсифланади. Илмий тараққиёти шароитида илмий билим фаолиятининг шакллари ва усуллари, тартиб-қоидалари, мантиқи ва тузилмаси фанда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш имкониятини яратмоқда.

МЕРТОН (Merton) Роберт Кинг (05.07.1910 й.) — америкалик социолог, тузилмавий-функционал таҳлил мактабининг вакили. Бу наз-яға у «дисфункция» тушунчасини олиб кирди, «очиқ» ва «латент» (яширин) функцияларни фарқлаш лозимлигини таклиф қилди. М. «ўрта даража наз-я»сини ишлаб чиқади. М. фикрича, «ўрта даража наз-я»си эмпирик тадқиқотларни умумий социологик наз-я б-н боғлаш керак. Аномия наз-яси ҳам М. томонидан ишлаб чиқилган социологик таҳлил йўналишини кўрсатувчи мисол сифатида қаралиши мумкин. Бу Дюркгейм наз-ясидан олинган бўлиб, ахлоқий қадриятлар емирилиши ва идеаллар вакууми б-н характерланадиган ўзига хос ахлоқий-руҳий ҳолатни ифодалай-

ди. Аномия сабабларини М. АҚШ да ҳукмрон бўлган индивидуалистик «меъёр-мақсадлар» (бойликка, ҳокимиятга, муваффақиятга интилиш) ва бу мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиш мумкин бўлган воситалар ўртасидаги зиддиятдан ахтаради. Бу воситалар М. хулосасига кўра, америкаликларнинг аксариятини ўз мақсадларига қонуний йўл б-н эришиш имкониятидан маҳрум қилади. Мана шу зиддият жиноятчилик ва исёнкорликнинг ўсишига, бефарқлик, ҳаётдан кўнгил қолиши каби ҳолатларга олиб келади. Бу зиддиятни М. бутун индустриал жамият учун хос бўлган ҳодиса сифатида талкин қилади. М. АҚШ да оммавий аҳборот воситалари, шунингдек, билиш ва фан социологияси бўйича эмпирик тадқиқотлар ўтказган.

МЕТРОПОЛИЯ (юн. *meter* — она ва *polis* — шаҳар) — ўзга мамлакатларни босиб олиб, уларни ўз мустамлакасига айлантирган, улар устидан иқтисодий, сиёсий ҳукмронлик ўрнатган давлат.

МЕХАНИЦИЗМ — объектив реалликдаги барча нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини механика қонунлари б-н изоҳловчи дунёқараш. 18-а.ларда классик механика шаклланиб, ривожланиб механика қонунлари мутлақлаштириб, оламнинг механик тасвири вужудга келади. М. таълимотига кўра, табиатдаги барча нарсалар атомлардан тортиб, планеталаргача ўзгармас унсурлардан таркиб топган механик тизимдан иборат, бу унсурларнинг ҳаракати механика қонунлари б-н белгиланади.

МЕЪЁР — объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатлари ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайдиган фалсафий тушунча; меъёрий қоида — амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатлар. М. тушунчаси қад. Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистондаги фал-ий қарашларда шакллана бошлаган. Марказий Осиё мутафаккирлари (Ибн Сино, Беруний ва ш.к.) ҳам ушбу атамдан табиий-фал-ий асарларида фойдаланганлар. Улар ўз асарларида табиий ва маънавий руҳий М.га оид фикр-мулоҳазаларни билдирганлар. М.ни, фал-ий категория сифатида асосан Гегель ўз фал.сида қайд этган. Ҳар қандай объектнинг сифати муайян миқдор (моддий тизимларнинг хусусиятлари, унсурлари, сони ва ҳ.к.) б-н узвий боғлиқлиги б-н белгиланади. Уларнинг талабларига риоя қилиш кундалик турмушимизда ҳамда билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. Мас., «Таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак», деган қоидага риоя этилиш тушунчага бериладиган таърифнинг мантиқан тўғри бўлишини таъминлайдиган шартлардан биридир. Агар бу қоида

талаби бузилса, тушунчага бериладиган таъриф ҳаддан ташқари кенг (мас., «Фан — билимлар системаси») ёки ҳаддан ташқари тор (мас., «Фан — гоёларда ифода этилган билимлар системаси») бўлиб қолади. Гапда ифодаланган М.лар ҳукми (мулоҳазани) ифода қилиши ҳам, қилмаслиги ҳам мумкин. Мас., «Урушни тарғиб қилиш қатъиян ман қилинади», деган гап — норматив фикр, ҳукми (мулоҳазани) ифода этмайди. «Саидов Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга», деган фикр эса М. (меъёрий қоида) ҳақидаги ҳукм (мулоҳаза) ҳисобланади (бунда М. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат қилиш ҳуқуқига эга», деган фикрдан иборат); шунинг учун ҳам у мантиқий қийматга эга, яъни чин фикрни ифода этади. Демак, М. ҳақидаги ҳукмлар (норматив ҳукмлар) бошқа ҳукмлар сингари мантиқий қийматга эга, яъни чин ёки хато фикрни ифода этадилар. М.лар илмий билишда қоидаларни методларни, ҳуқуқий соҳада — ҳуқуқий норматив ҳужжатларни (мас., қонунларни, кодексларни, буйруқларни ва ш. к.ни), ахлоқ-одоб М.ларини ва б. соҳалардаги норматив фикрларни ифода қиладилар. Уларнинг билишдаги ва амалиётдаги аҳамияти ана шу б-н белгиланади. М. доирасида миқдор ўзгаришларининг чегараси мавжуд. Ушбу чегара (миқдор ўзгаришлари, унсурларининг катта-кичиклиги, дискретлиги, даврийлиги, боғланиш тартиби, тузилиши, ҳаракати ва ҳ.к.) дан ҳатлаб ўтилганда, объект бошқа шаклни олиши мумкин. М. объектнинг сифат ўзгаришлари, ўз навбатида, миқдорий ўзгаришларга олиб келади. М. мусиқада ритм, гармония, архитектурада ансамбль ва ҳ.к. асосини ташкил этади. Жамиятда М. категорияси муҳим илмий-наз-ий ва амалий аҳамиятга эга.

МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ — меҳнат фаолиятининг ихтисослашуви. Шу туфайли меҳнат фаолияти турлитуман ва ўзаро боғлиқ. Бозор иқтисоди шароитида макроиқтисодиётга тааллуқли бўлган ижтимоий, шахсий секторлардаги корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришишни тақозо этади. Бу асосан, мавжуд ишчи кучидан оқилона фойдаланиш эвазига эришилади. Бу, ўз навбатида, кўпинча ҳар хил бажарилиши зарур бўлган ишларнинг айрим ижрочилар ўртасида тўғри тақсимланишига, яъни уларнинг малакасига, тажрибасига ва зукколигига яраша иш б-н тенг таъмин этилишига боғлиқ. Бу масалани мақсадли ҳал қилиш учун, биринчи навбатда меҳнатни ишлаб чиқаришда пухта ўйлаб, оқилона тақсимлаши лозим бўлади. Бу ташкилий масала М. т. деб аталади. М. т.нинг устун жиҳатларидан бири шундаки, бунда ишчи ишнинг маълум бир турида чуқур ихтисос топади, шу иш бажарилиш техникасини ва тартибни пухта эгаллаб олади, зарур кўникмаларни касб этади, иш усули ва услубларини янада

такомиллаштиради. Бунда махсус асбоб ва ускуналар ишлатилади. Бундан ташқари, М.т.да ходимларни иш жараёнига тайёрлаш ҳам осонроқ бўлади. Ишлаб чиқаришда М.т.нинг 3 тури мавжуд: умумий М.т., хусусий М.т., қисман (айрим) М.т. Корхоналарда М.т.нинг шакллари: 1) касбий М.т.; 2) операцион М.т.; 3) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида банд бўлган ишчилар ўртасидаги босқичли М.т.; 4) функционал М.т.

МЕҲНАТ ЭСТЕТИКАСИ — эстетик категория сифатида инсоннинг ижтимоий ва индивидуал ишлаб чиқариш жараёнида гўзалликка нисбатан муносабатларини ифодалайди. Инсон меҳнатининг эстетик хусусиятлари илк бор Суқрот суҳбатларида, Аристотелнинг «Поэтика»си, Витрувининг «Меъморилик ҳақида ўн китоб» асарларида тадқиқ этилган. Европанинг индустриал тараққиёт даврига хос М. э. муаммолари И. Кант томонидан фал-ий таҳлил этилган. Шу б-н бирга классик эстетикада ишлаб чиқариш эстетикаси амалий эстетика сифатида қарор топган. М. э. жамият моддий неъматларини ишлаб чиқариш шароитлари ва унинг натижаларини эстетик ўзлаштириш жараёнини англатади. Илмий-техника тараққиёти ишлаб чиқариш жараёнларини эстетик таъминлаш заруриятини туғдирди. Натижада М. э.да янги тармоқ — дизайн ажралиб чиқди. М.э. моддий-бадий маданиятнинг конкрет шакли, меҳнатни нафосат қонунлари асосида ташкил этишдир. М.э. ишлаб чиқариш жараёнларида ходимларнинг иш муҳитини эстетик безаш, меҳнат маҳсулотларини бадий жиҳозлаш, гўзаллик тамойиллари асосида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган фаолиятни ўз ичига олади. М.э. санъат наз-яси б-н диалектик боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида гўзаллик қонуниятларини қарор топишига, эстетик дид ва туйғуни шакллантиришга хизмат қилади. М.э. жамият маънавиятининг ажралмас қисми сифатида инсонни ҳар томонлама баркамол ўсишида зарурий тарбия воситаси ҳамдир.

МИД (Mead) Жорж Герберт (1893—1931) — америкалик файласуф, социолог ва руҳшунос. Жеймс ва Дьюи прагматизми ҳамда натурализмнинг кўзга кўринган вакили. М. онгни индивиднинг ташқи муҳитга мослашиш қуроли, деб изоҳлаган. Одамларнинг гуруҳлардаги ўзаро ҳаракати сунъий объектлар дунёси — рамзларнинг вужудга келишига олиб келади. Ижтимоийлашув жараёнида индивидлар рамзларнинг аҳамиятини эгаллайдилар ва улар ёрдамида ўз ҳаракатларини онгли равишда йўналтиришга ўрганадилар. Шу тариқа улар ўз ҳаракатларини янада кенгроқ «ижтимоий ҳаракатга» олиб келиб қўшадилар. Шахснинг ривожланиши — бу ўз хулқи, хатти-ҳаракатини ҳамкори ҳаракатларига мослаштириш, гуруҳ ҳаётида унга ажратилган

«ролни» қабул қилишидир. Жамият эса, индивидда ўзи тўғрисида маълум бир тасаввур шакллантира бориб ва унинг хатти-ҳаракатларини зарур томонга йўналтира бориб, гўёки унга ичдан киради боради. Индивидда ривожланган «Мен» вужудга келиши б-н ташқи ижтимоий назорат ички томонга йўналади, ўз-ўзини ҳаракати тузилмасида ўз ролини бажара оладиган масъул шахста айланади. М.нинг ижтимоий концепцияси ижтимоий психология, социологиянинг (шахс, ижтимоийлашув, ижтимоий назорат муаммолари) кейинги ривожига кучли таъсир кўрсатди. Бу концепция рамзий интеракционизм (Г. Блумер, Т. Кун, И. Гофман, А. Стросс, Т. Шабутани ва б.) номи б-н танилган йўналишга асос бўлади. Ижтимоий феноменология вакиллари, хусусан, Шюц ғояларини янада ривожлантирган эди, шу сабабдан, бир қатор тадқиқотчилар М.нинг ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини бир томондан ижтимоий феноменологияга яқин деб ҳисоблайдилар.

МИКРО, МАКРО, МЕГА ДУНЁЛАР — олам шу уч дунёлар сифатида намоён бўлади. У моддий табиатга эга. У дунё эса, боқий бўлиб, моддий эмас. Моддий дунё, шартли равишда, молекуладан бошлаб, катта жисмлар (мас., қум, тош, ер, сайёра, Куёш, ҳашарот, ҳайвон, одам)ни макродунёга, молекуладан кичик зарралар (мас., атом, ядро, оддий зарра ва ҳ.к.)ни микродунёга киритиш мумкин. Микродунёни ташкил этувчи объектларнинг катталиги сантиметрнинг миллиарддан бир улуши атрофида. Узоқ-узоқлардаги объектлар — галактика, метагалактикалар, пульсерлар, квазарлар-мегадунё таркибига киради. Микро ва макродунёлар ҳаракат қонуниятлари орасида муҳим фарқ бор. Мас., макродунёда объектлар узлуксиз, узлукли ва узлуксиз микродунёдаги нарсаларни ифодалайди. Макродунёдаги ноорганик жисмлар термодинамика, оптика, классик механиканинг қонунларига бўйсунди, микродунёда квант механиканинг статистик қонуниятлари ҳукмрон. Дунёни «макро» ва «микро» соҳаларига ажратиш чегараси Планк доимийси б-н ифодаланади. Кўпинча, ёруғлик тезлигига яқин тезлик б-н ҳаракатланаётган объектлар микродунё объектлари ҳисобланади. Макродунё қонуниятларини микродунё ҳодисаларига татиқ қилиш мумкин эмас. Бу эса классик физика соҳасининг чегараланганлигини исботлаб, янги физик наз-яларнинг (нисбийлик наз-яси, квант механика, элементар зарралар физикаси) пайдо бўлишига олиб келди. М.м.д.ни билишнинг ўзига хос хусусиятларини мутлақлаштириш, микродунёнинг объективлигини ва билиш мумкинлигини инкор этишга олиб келади. Мегадунёни билишда метафизика ва космогония муҳим воситадир.

МИКРОКОСМОС ВА МАКРОКОСМОС — кичик олам ва катта олам. М. ва М. энг қад. таълимотлардан. Даставвал қад. Шарқда вужудга келган. Арабларда Микрокосм — олами суғро, макрокосм эса олами кубро деб аталган. Қад. ҳинд Ведаларидаги пуруша, Хитой фал.сидаги Пан-Гу М. ва М. ҳақидаги фал-ий тасаввурларнинг илк куртаклари ҳисобланади. Қад. Шарқ мифологияси ва кейинроқ юнон мифологиясида ҳам М. ва М. муносабатлари ифодаланган. М. ва М. ҳақидаги изчил ва батафсил тасаввурлар илк бор «Авесто» да учрайди. Бу асарнинг бизгача етиб келмаган бобларида М. ва М. ҳақидаги тушунчалар нисбатан батафсил баён қилинган. М. ва М. ҳақидаги ибтидоий илмий тасаввурлар Анаксимен, Гераклит, аполлониялик Диоген ва Демокрит томонидан баён қилинган. Микрокосмосни инсон сифатида тасаввур қилиш Демокрит томонидан бошлаб берилди. Бу таълимот кейинроқ Платон ва айниқса, стоиклар томонидан ривожлантирилди. Баъзи фал-ий тизимда микрокосмос макрокосмос асоси тарзида талқин қилинса, бошқаларида аксинча дейилади. Сенека фал.сида, оламда Худо қандай мавқега эга бўлса, инсон танасида рух ҳам шундай мавқега эга, оламда материя қандай ўрин эгалласа, инсоннинг танаси ҳам шундай ўрин тутайди, деб талқин қилинган. Қад. юнон фал.сида Макрокосмос ўрганиш микрокосмосни аглаш б-н баробар дейилади. («Ўзингни ўрган»). Антик даврдан кейин ҳам араб фал.сида М. ва М. (олами суғро ва олами кубро) ҳақидаги таълимотта вақти-вақти б-н мурожаат қилиб турилди. Бу муаммога Николай Кузанский, Бёме ва Парацельс фал.сида кенгроқ ўрин берилди. Кеплер ва Гассенди томонидан амалга оширилган олам манзарасини чизишга янгича ёндошув М. ва М. тўғрисидаги таълимотта зид келиб қолди ва у Фарбда унутила бошлади. Кейинроқ, Лейбниц фал-ий тизимида бу масалага янада кенг ўрин берилди. М. ва М. ҳақидаги муаммо Шарқ фал.сида Абу Наср Форобий ижодида катта ўрин эгаллади. «Муаллими соний» унвонини олган бу улкан фал. М. ва М. ҳақидаги Платон ва Аристотел фикрларини шарҳлабгина қолмай, уларнинг анъаналарини давом эттирди ва янги ғоялар б-н бойитди. Аристотел асарларида коинот макрокосм, одам эса микрокосм, деб талқин қилинади. Форобий асарларида эса коинот макрокосмос инсон эса микрокосмос деб аталади. Сиртдан қараганда, Форобий ишлатган атамалар Аристотель атамаларининг таржимасига ўхшайди. Аслида ундай эмас. Форобий атамалари макрокосм ва микрокосмнинг айнан таржимасидай туюлса ҳам, бу икки ҳодиса ўртасидаги муносабат Форобий томонидан янгича изоҳланади. Аристотель микрокосмда макрокосмнинг инъикос этишини тавсифланган ва микрокосмнинг моҳияти ўша макрокосмнинг инъикоси эканлигини баён қилган бўлса, Форобий талқинида микрокосм, яъни олами суғро макро-

косм — олами кубронинг оддий инъикоси эмас, балки жавҳаридир. Инъикос б-н жавҳар ўртасида катта тафовут бор. Форобий ёндошувида одам оламнинг мағзи, гултожи, мақсади сифатида талқин қилинади. Аристотел эса уни оддий инъикос, деб атайди. М. ва М. тўғрисидаги қарашлар ҳозир ўз ҳам аҳамиятига эга.

МИЛЛАТ — тил, маънавият, миллий ўзликнинг англаш, руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар б-н боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги. М. маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, кишиларнинг маънавий-руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. У инсоният дунёга келиши ва тараққиётнинг маҳсулидир. М.нинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар М. абадийлигини таъминлашнинг охириги имконияти эмас. Улар М. тараққиёти учун зарурий шарт ҳисобланади. М.нинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. М.ларнинг ички-руҳий салоҳияти, яратувчилик қобиляти, матонати, тинимсиз меҳнати, тadbиркорлиги ва ўзига хослигини ривожлантириш асосида ҳоз. замон цивилизацияси юзага келган. Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида уч мингта яқин миллат бўлиб инсониятнинг ўрта ҳисоб б-н 96 %ини бирлаштиради. Қолган 4 % элат ва қабилалардир. Ҳар бир М. нуфузи бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгача боради. М.лар беш йирик гуруҳга бўлинадилар: А) Буюк М.лар: хитойликлар, аҳоли сони 1 миллиард икки юз эллик миллиондан ортиқ, ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар — ҳар бири юз миллиондан икки юз, уч юз миллионгача аҳолига эга. Б) Катта миллатлар — 50 миллиондан 100 миллионгача — инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва б. В) Йирик миллатлар — 10 миллиондан 50 миллионгача — ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва б. Г) ўрта миллатлар — бир миллиондан ўн миллионгача; Д) Кичик М. бир неча ўн мингдан бир миллионгача. Жаҳондаги 27 М. Ер юзи аҳолисининг қарийб 75 %ини ташкил қилади.

МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ — шахснинг бошқа халқларга уларнинг вакиллари б-н бавосита ёки бевосита мулоқот, муносабатида намоён бўлувчи маданияти. М.м.м. инсоннинг умумий маданиятининг таркибий қисмидир. М.м.м. миллатлараро муносабат жараёнида намоён бўлади. Бу жараёнда у ўз миллатининг вакили сифатида ижтимоий ролда чиқади. Натижада шахс иж-

тимоийлашув жараёнида ўз халқи узоқ тарихий ривожланиш жараёнида тўплаган маънавий қадриятлар, одоб-ахлоқ, муомала маданияти, мезонларини ўзлаштиради. Икки миллат-икки маданият — икки тилга мансуб кишилар орасида юзага келувчи мулоқотда ана шу фарқлар намоён бўлади. Бу — объектив ҳолат. Агарда икки суҳбатдан бир-бирига яқин, фаол борди-келди қилиб келаётган халқлар вакиллардан (мас., ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва ҳ.к.) бўлса, фарқлар асосан тилда бўлади. Бир-биридан жуғрофий узоқда яшаган миллатлар вакиллари орасидаги мулоқотда бир-бирини англаш мураккаброқ кечади. Улар нафақат бир-бирларининг тилларига тушунмайдилар, балки имо-ишораларнинг ҳам миллийлиги туфайли бир-бирларининг хатти-ҳаракатларини «нотўғри ўқийди»лар. Бу эса баъзан ноўрингина кудуратларга тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Мас., лотин америкаликлар, Европа халқлари вакиллари мулоқот пайтида суҳбатдошининг кўзларига тик қараб турадилар, осийликларда эса суҳбатдошнинг кўзига тик қараб туриш (кўзни лўқ қилиб туриш) беадаблик, назокатсизликни англатади. Демак, Фарб ва Шарқ халқлари суҳбат чоғида кўзлар ҳаракати йўналишини турлича талқин қиладилар.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшашини, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан, бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, ҳолос. Бундай шароитда бутун дунёда М.т.ни таъминлаш учун, уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда бунини доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси М.т.ни таъминлашга бир ёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқаришини кўрсатди. Хусусан, давлатга ўз номини берган (титул) миллат б-н ўша жойда яшайдиган б. миллат ва элат вакиллари орасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Мамлакатимиз Конституциясида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», — деб таъкид-

ланиши, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса барча фуқароларга ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулоти-нинг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқининг берилиши белгилаб қўйилганлиги ана шу бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир. «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Конституциямизда белгилаб қўйилган ушбу қоида ҳам ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Республикамизда миллий-маданий эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим механизмига айланган 120 га яқин миллий-маданий марказ фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Бундан буён ҳам қўлга киритилган ютуқларни янада мустақамлаш, мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсадларидан биридир.

МИЛЛАТЧИЛИК — маҳдудлик ва мумтозликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи б-н йўғрилган наз-я ва амалиёт. М. ижтимоий воқелик ва унда кечаётган жараёнлар миллат тарихий тараққиётнинг бош субъекти, миллий муносабатлар эса ижтимоий муносабатларнинг асосий тури деган нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳолана бошлаган макон ва замонда шаклланади. М. тушунчасига юқоридаги каби тус бериш кенг тарқалган бўлсада, унинг қамров доирасини турлича талқин қилиш ҳоллари мавжудлигини таъкидлаш зарур. Мас., собиқ иттифоқ даврида М. тушунчаси атайин сохталаштирилган ва миллийликнинг ҳар қандай кўриниши М. сифатида баҳоланган эди. Ҳоз. даврда айрим тадқиқотларда «миллатпарастлик», «миллатпарварлик» ва «миллатчилик» тушунчаларини мазмунан фарқлаш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, миллатпарастлик «миллатларнинг тенглигини инкор этиш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, ўз миллатига сажда қилиш, унга ҳолис баҳо бермаслик, камчиликлар ва нуқсонларини сезмаслик», миллатпарварлик эса «миллатларнинг тенглигини тан олиш, барча ирқ ва миллатларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш, ўз миллатига, унинг тили, маданиятига бефарқ бўлмаслик» тарзида талқин қилинади. Фарб ижтимоий фикрида М. тушунчасига позитив мазмун бериш кенг тарқалган. Хусусан, М.ни миллий давлатларнинг шаклланиши империяларнинг барбод бўлиш жараёнида шаклланган сиёсий принцип сифатида талқин қилиш бунга мисол бўла ола-

ди. Бугунги кунда айрим этносларнинг иқтисодий, сиёсий ва б. кўринишлардаги салбий ташқи таъсирларга жавоб реакцияси сифатида чиқадиған ҳаракатларни ҳам, шу жумладан, кўпгина халқларнинг чуқурлашиб бораётган интеграция ва дунё миқёсидаги интернационаллашув жараёнига қаршилиқ кўрсатиш йўлидаги уринишлари ҳам аксарият ҳолларда М. деб баҳоланади. Бундай талқин бизнинг фал-ий адабиётларимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу жараёни совет даврида ҳаддан ташқари кенг ва салбий талқин қилинган М. тушунчасини «оқлаш» га уриниш деб баҳолаш мумкин. Аммо жиддий таҳлил қилинса, бундай ёндашувда — озодликка интилаётган, ўзлигини сақлаб қолиш учун курашаётган миллатларнинг ҳаракати М. сифатида баҳоланаётганини кўрамиз. Аслида эса, бундай ҳаракатлар, кураш жараёнида рўй берадиган айрим оғишларни инobatга олмаганда, моҳиятан истибодни тугатишга ўз миллатининг озодлигини, ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилгандир. М. хилма-хил мазмун ва шаклда намoён бўлиши мумкин. Хусусан, катта ёки кичик миллатларнинг М.ини, б. миллатларни ассимиляция қилишга қаратилган ёки миллий маҳдудликка йўналтирилган М.дан фарқлаш лозим. Шунингдек, миллий келишмовчиликлар ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлувчи тажовузкор М. б-н бир қаторда ундан ҳам хавфлироқ бўлган яширин, нозиклашган М. ҳам мавжуд. Орий қавмига мансуб бўлмаган халқларни жисмонан йўқ қилиб ташлашдек мақсадни кўзлаган национал-социализм (фашизм)да ўзининг энг мудҳиш қиёфасини намoён этган ҳолда М. ирқчилик б-н қўшилиб кетганини кўрамиз. М.нинг турли ижтимоий қатламларга тортилиши мумкин бўлган примитив кўриниши маиший М.дир. Ўзига хос этно-ижтимоий бирлик бўлган миллат ва улар ўртасидаги муносабатлар мавжуд бўлар экан, маиший М. у ёки бу даражада сақланиб қолаверади, дейиш мумкин. Тарихий тажриба ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кўпайиб кетиши, ижтимоий адолатсизликнинг илдиз oтиши шарoитида унинг жиддий ўсишидан далолат беради. Қандай шаклда бўлмасин, М. ортида моҳият эътибори б-н ўзга халқлар ва маданиятларни камситиш, уларга менсимаслик б-н муносабатда бўлиш туйғулари ётади. Бундай қарашлар аксарият ҳолларда миллатнинг тарихий ривожланиши давомида рўй берган (баъзан рўй бермаган) адолатсизликларда ҳам муайян халқларни айбдор қилишга уринишлар б-н омухта ҳолда юз кўрсатади. Умуман олганда, М. бир томондан, бошқа миллатлар б-н турли соҳалардаги айирбошлаш жараёнидан маҳрум қилиб, миллатнинг маънавий қашшоқлашувиға сабаб бўлса, иккинчи томондан, ўзаро келишмовчиликлар учун замин яратади. М. туйғулари бутун миллатни қамраб олган ва давлат структуралари томонидан бундай кайфият-

лар қўллаб қувватланган пайтда эса у миллатлараро муносабатларнинг таранг ҳолатда сақланишига, ўзаро ишончсизлик туйғуларининг илдиз oтишига, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг чўзилиб кетишига ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади.

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК — муайян миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий қадриятларига, манфаатларига асосланган, жамият ижтимоий-тарихий натижасида шаклланган давлатнинг бир шакли. Бирор ҳудудда мутлоқ кўпчиликни ташкил қилган миллий халқро ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш учун бирлашиб, ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатни вужудга келтирадилар. Умумдавлат уни ташкил қилган миллатнинг дунёқарошига, анъаналарига, руҳиятига мос келади. Давлатчилик тарихан таркиб топган ҳодиса бўлиб, халқнинг ижтимоий ҳаётидан, тақдиридан ўсиб чиқади. Шунинг учун давлат миллатта хоҳлаган шаклда бериладиган ташқи ҳодиса эмас, миллатнинг «тана тузилишига» туғма-органик хос бўлган табиий-тарихий ҳодисадир. Шунинг учун турли минтақа ва даврларда бу анъаналар ўзига хос. К.Каутский М.д.ни давлатнинг классик шакли деб ҳисобланган эди. Янги даврда миллий давлатларнинг қарор топиши миллатни жипслаштириб, ривожланишининг янги даражасини вужудга келтирди, миллий хусусиятларни янада мустақкам ва барқарор қилди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ўз давлатчилигидан марҳум бўлган миллат ривожидида миллий емирилиш, парокандалик жараёнлари устун бўла бошлайди. У ўзининг миллий давлатини тиклашга эришсагина ижтимоий ва миллий тараққиётнинг истиқболи йўлларини танлай олади. Миллат ўз қадриятларини сақлаб қолишни, хоҳлар экан, М.д. учун курашади. У миллий тенгликнинг ўзларининг мустақил давлатларини тузмас эканлар, улар ўртасида мустақкам дўстлик бўлиши мумкин эмас, дейди. Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати натижасида Марказий Осиё халқлари ҳам миллий давлатларидан маҳрум бўлдилар. Уларнинг миллий манфаатларига зид бўлган босқинчи давлат Марказий Осиё халқларининг миллий тараққиётини таъминламади, СССР даврида эса миллатларни аралаштириб йўқ қилиб юбориш йўли тутилди ва тутқун халқлар ўзларининг миллий қадриятларидан узоқлашдилар, бегоналашдилар. Тутқун халқларнинг, жумладан, Ўзбекистон халқининг мустақилликка эришиб М.д.ни шакллантириши миллатимиз тақдирда ҳал қилувчи тарихий ҳодиса бўлди. Минг йиллар давомида шаклланган, халқимиз менталитетига мос бўлган М.д. анъаналарига асосланиб, мустақил миллий давлат пойдевори қурилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатсиз миллат бўлмайди, деган қоидадан ҳар бир миллат ўзининг алоҳида мус-

тақил давлатини қуриши керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Ер юзида 2000 га яқин миллий халқ мавжуд бўлиб, давлатлар эса 200 та атрофидадир. Муайян бир ҳудудда асрлар давомида аралаш яшаган айрим миллатларнинг давлатлари ички ва ташқи шароитларга мос ҳолда ягона бўлган, давлатчилик анъаналари бир бўлиши мумкин. Миллат ва давлатнинг тўла мос келиши идеал ҳодиса бўлиб, табиий-тарихий шароит б-н изоҳланади. Давлатнинг бир ҳудудида ўрта ва кичик миллатларнинг жипс яшаши автоном республика ёки бошқа давлатчилик тузилмаларига мос келиши, уларнинг миллий, иқтисодий, маънавий тараққиётларига янада қулайроқ шароит туғдириши мумкин.

Миллий давлат унга ном берган миллат учунгина эмас, давлатда яшовчи барча халқлар, миллий гуруҳлар тақдири учун тарих олдида масъулдир.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ — мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари Ислом Каримов асарларида асосланган таълимот. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш;
- халқимизни туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўташ;
- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизimini ўзида мужассам этиш;
- ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш;
- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-этиқоднинг манбаи бўлиш;
- Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиш;
- мамлакатимиз аҳолиси онги ва қалбида «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган туйғуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш;
- турли миллат, қатлам, дин вакиллари, сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен — ижтимоий ҳодиса мазмунига эга бўлиш;
- бирон-бир дунёқарашни мутлақлаштирмаслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гуруҳ қўлида сиёсий қуролга айланмаслик;
- ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиш;
- субъективизм, волюнтаризм каби иллатлардан холи ва жамоатчиликнинг холис фикрига таянувчи объектив мафкура бўлиш;
- сўз б-н ишни, наз-я б-н ҳаётни бирлаштира олиш;

— давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган ғоя, манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиш, яъни янгича вазиятга тез мослашадиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиш.

Миллий истиқлол ғояси ана шу қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина жамият ҳаётида етакчи маънавий-маърифий омилга айланиши ва кутилаётган муҳим вазифаларни бажара олиши мумкин.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНING АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

— амал қилиши жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бунда унинг мафкура сифатидаги умумий ва хусусий тамойилларини кўрсатиш мумкин. Миллий истиқлол мафкурасининг умуман мафкура тушунчасига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, амал қилиш тамойиллари бўлиши табиий. Бу борада унга ижтимоий воқеликнинг инъикоси экани, жамият тараққиётининг муайян босқичига мос келиш, ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш, амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот тизими сифатида намоён бўлиш каби умумий тамойиллар ҳосидир. Шу б-н бирга, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий ҳодиса сифатида қуйидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш тамойилларига ҳам эга:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш;
 - давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;
 - қонун устуворлигини таъминлаш;
 - демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш;
 - миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
 - халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;
 - иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш;
 - давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлигига таяниш;
 - виждон эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш;
 - ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги жараёниларига хизмат қилиши.
- Мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири б-н чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг республикамизда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-

муддаоларини ўзида мужассам этиши б-н белгиланади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИННИҒ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ — Президент Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган бўлиб, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён қилинган. Уларнинг энг асосий жиҳати — бу хусусиятларнинг умуминсоний мазмун-моҳиятида тўла-тўқис ўз аксини топгани б-н белгиланади. Шу маънода миллий истиқлол мафкураси:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэтироф этилган талабларга, умумбашарий тамойилларга ва миллий манфаатларга мос келади;

— халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг чуқур тарихий ва бой маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

— юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари сафарбар қилувчи, уларни бу йўлда уюштирувчи маънавий омил сифатида моҳиятга эга эканини ифодалайди;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимиз, эртанги кунга бўлган ишончимизга қўл жиҳатдан боғлиқдир;

— миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида ҳар бир фуқаро онгига Ватаннинг муқаддаслигини сингдиришга хизмат қилади;

— жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги каби демократик тамойилларга риоя қилган ҳолда маърифий йўл б-н сингдирилади.

Миллий истиқлол мафкураси яхлит тизим бўлганидан унинг барча хусусиятлари ўзро алоқадорликда ва узвий боғлиқликда намоён бўлади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИҒ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ — халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқадиган ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси б-н уни тўлдириб, фуқароларимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялардир. Ушбу ғояларнинг мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари Президент Ислом Каримов асарларида ўз ифодасини топган.

Булар қуйидагилардир:

- Ватан равнақи;
- юрт тинчлиги;
- халқ фаровонлиги;
- комил инсон;
- ижтимоий ҳамкорлик;
- миллатлараро ҳамжиҳатлик;
- диний бағрикенглик.

М.и.м.а.ғ. маърифатли дунёда эътироф этилган умумий қонун-қоидалар ва халқаро андозалар, умуминсоний тамойиллар ва қадриятларнинг устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай амал қилиш, демократия ва гуманизм каби тамойилларнинг талабларига тўла-тўқис мос келади. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялари турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен, ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон-бир ғоя мутлақлаштирилмайди ёки мавжуд ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айланттирилмайди. М. и. м. а. ғ., ўз мазмун моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг — бутун халқнинг умумий манфаатларини ифодалайди. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-маънунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. М. и. м.нинг бош ғоясида озодлик тушунчаси устувор ва етакчи ўринда, Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишлар, амалий фаолият ва ёруғ келажак асоси эканлигидан далолат беради. М. и. м. а. ғ. халқнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фал.си, жозибаси б-н бош ғояни миллат қалби ва онгига чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади. Ватан равнақига хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўлолмайди. Жамиятда тadbirkorлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлат иқтисодий қудрати ортаётгани, халқ маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлади. Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир шахсни ўзи-

нинг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари б-н уйғунлаштириб яшашга даъват этади: юрт тинчлиги — бебаҳо неъмат, улуг саодатдир, у барқарор тараққиёт гарови. Тинчликка қарши кучлар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамisha низо-адоват, уруш ва қирғинлар домига тортиб келган. М. и. м.нинг асосий мақсади — ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш. Комил инсон эса чуқур билимли, озод, эркин фикр қилувчи маълумотга эга киши; ижтимоий ҳамкорлик хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамият тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустақкам қафолати вужудга келади. Жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни келтириб чиқарадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳамкорлик ғояси бу табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиради; миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг қафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя бир жамиятда яшаб ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир; динлараро бағрикенглик (толерантлик) ғояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Қадим-қадимдан дин аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, ўзаро бир-бирини англаш, бағрикенгликка даъват этади. Ҳоз. замонда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутди.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИНГ БОШ ҒОЯСИ — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Улар «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қуйидагича таърифланган: «Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган Мустақиллик, Озодлик, Ватан ободлиги,

шахснинг эркинлиги ва фаровон ҳаёт тушунчалари, юксак қадриятларни ўзида мужассам этади. М. и. м. б.ғ.да озодлик сўзининг устувор ва етакчи ўринда туриши мустақиллик барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажакимизнинг асоси эканидан далолат беради. М. и. м. б.ғ. узвий равишда унинг маъно моҳиятини тўлдирадиган, халқимиз, жамиятимиз ҳаётида ҳақиқий байроқ бўлишига хизмат қиладиган, жамиятимизнинг бугунги тақдири ва келажакига боғлиқ бўлган туб манфаатларимизни ақс эттирадиган бир қанча ғояларни тақозо қилади».

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ — мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар, ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотлар б-н узвий боғлиқдир. М. и. м. и. а. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён этилган:

— бу мафкура оила ва фуқарони муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга эришишга чорлайди;

— ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти б-н шуғулланмасин, ўз манфаатини халқ ва Ватан манфаатлари б-н уйғун ҳолда кўришга даъват этади;

— мулкдор одамлар жамият ичида, халқ орасида фақат бойлиги б-н эмас, балки юксак маънавий фазилатлари б-н ҳам ажралиб туриши зарурлиги, шахсий ва оилавий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кимнинг ўз қўлида, деган ҳаёт ҳақиқатини замонавий дунёқараш сифатида шакллантиради;

— «Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги — бутун жамиятнинг фаровонлиги» ғоясини илгари суради.

Булардан ташқари, мулкнинг хилма-хиллиги, иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш, бу соҳадаги плюрализмни ва соғлом рақобатни янада юксак даражада ривожлантириш ҳам М. и. м. и. а. қаторига киради. Шу б-н бирга, миллий истиқлол мафкураси бу соҳаларда ана шу тамойилларнинг қадрланиши ва мустақкамланиши ҳамда фуқароларимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланиши учун хизмат қилади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИННИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ — ҳар қандай мафкура муайян мақсадларга хизмат қилади, бу йўлда хилма-хил вазифаларни бажаради. Бу мақсад ва вазифалар пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усулларини белгилайди. Маълумки, мафкуранинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:

— одамларни муайян ғояга ишонтириш;

- шу ғоя атрофида уюштириш;
- ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш;
- кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Ана шу умумий жиҳатлардан ташқари, миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос мақсад ва вазифалари ҳам бор. Президентимиз Ислон Каримов алоҳида таъкидлагани каби, «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, ажодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир». Ушбу мақсад бир-бири б-н ўзаро боғлиқликда намоён бўладиган бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири мустақил ва эркин тафаккурни шакллантиришдир. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончи ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқлардан, қуликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлмайди». Миллий истиқлол мафкурасининг яна бир вазифаси жамиятда соғлом маънавий муҳит яратишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, ҳурфикрли, мутелик ва жураъатсизликдан холи инсонни тарбиялаш вазифаси б-н боғлиқ. Фақат ҳурфикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонгина мутелик ва жураъатсизликдан холи бўлади. Ана шундай инсонгина озод ва обод Ватанни барпо этади, эркин ва фаровон ҳаётни ярата олади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ — унинг умуминсоний мазмунидан келиб чиқади. Президент Ислон Каримов асарлари асосида тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида мафкурамиз таянадиган қуйидаги умумбашарий тамойил ва қоидалар кўрсатилган:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар б-н баҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикентлик;

- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳ.к.

Ушбу қадриятлар асосида шаклланган истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларни миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади. Шу б-н бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, дин ва қатлам вакиллари умуний мақсад-муддаоларини ифодалайди, халқимиз ўтмиши ва келажagini бир-бири б-н боғлайди, унинг асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса мазкур мафкуранинг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.

МИЛЛИЙ ИФТИХОР — инсоннинг онг ва фаолиятида, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, тарихи, дини, тили, қадриятлари қанчалик ўрнашиб олганлигини ифодалайди. М. и. миллий ғурурнинг юқори босқичи, чўққисидир. Худди шунинг учун ҳам М. и. миллатни яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, ифтихор руҳий-маънавий фазилатдир. Худди шу фазилат туфайли кишилар ўзларининг тарихий birlikларини — уруғ-аймоқчилик, қон-қардошлик, яқинликларини ифодалайди.

МИЛЛИЙ КАЛОНДИМОҒЛИК — миллий такаббурлик, миллий манманлик, миллий кеккайиш каби ғайриинсонийлик. Қаерда М. к. бўлса, ўша ерда унга қарама-қарши ўлароқ миллатчилик ривожланади. М. к. кўпмиллатли мамлакатда миллатларни бир-бирига яқинлаштирмайди, балки улар орасига адоват уруғини сочади, турли низоларни келиб чиқишга сабаб бўлади. М. к.нинг юқори босқичи — миллатчилик. Агар М. к. баргараф этилмаса, миллатчиликни вужудга келтиради. М. к. миллий аламзадаликни келтириб чиқаришини зинҳор унутмаслик керак.

МИЛЛИЙЛИК — ўз миллатини улуғлаш ва унинг манфаатини ҳимоя қилиш, миллий ғурур ва миллий нафсоният туйғулари, ўз тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари, расм-русумлари, байрам-сайиллари, бир сўз б-н айтганда, маданий-маънавий қадриятларни қадрлаш, ўзи туғилиб вояга етган диёрини ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, мусалфо осмони б-н фахрланиш туйғуси. М. бир миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этник бар-

қарорлигини таъминловчи буюк қудратдир. М.да миллий ва байналмиллий қадриятлар уйғунлашади. Ушбу уйғунлик инсоннинг ижтимоий қиёфасида ифодасини топади. М.да миллий ўзига хослик, яъни миллий мансублик устуворлик қилади. Инсон ижтимоий қиёфасидаги турли миллий туйғуларда, ҳис-ҳаяжонларда, кайфиятларда, тасаввурларда намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам М. инсондаги барча табиий ҳис-туйғулар, белги ва хусусиятлар, кайфият ва тасаввурларнинг йиғиндисидир. М. тушунчаси миллат тушунчаси б-н узвий боғлиқ. Ҳар қандай миллатнинг шаклланиши, узоқ тарихга эга бўлиши б-н бир вақтда миллатларнинг ўзаро фарқ қиладиган жиҳатлари бўлади. Бундай хусусиятлар миллий руҳиятда ўз ифодасини топади. Чунончи, ўзбек, рус, украин, беларус, инглиз, француз миллатларининг бирини иккинчисидан фарқ қилувчи хусусиятлари (мас., ўтроқлиги, кўпболали оилаларнинг устунлиги, оилавий барқарорлик, қишлоқ аҳолисининг кўплиги ва ҳ.к.) б-н бири иккинчисидан ажралиб туради. М., энг аввало, миллий ғурурда ўз ифодасини топади.

МИЛЛИЙ МАНФААТ — миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, руҳияти, анъана ва қадриятлари тизимидир. Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар б-н бирга, уларни яратиш, таъминлашни белгилувчи ижтимоий тизимга, муносабатлар ва тамойилларга асосланган бўлади. Улар муайян миллат ва халққа мансуб алоҳида кишилар, ёки бирор бир давлат фуқароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари б-н узвий боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода у умумий манфаатлар мажмуидир. Манфаатлар халқлар орасидаги ҳар қандай фаолиятдаги кураш, рақобат ёки ҳамкорлик асосида ётади. Унинг таъсирчанлик қудрати ҳам шунда. Миллат ёки мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволини инъикос этар экан, у миллий тараққиёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. Миллий манфаатнинг намоён бўлишида унинг умуминсоний манфаатлар б-н уйғунлигига эришишга ёрдам берувчи ижтимоий механизмда умумбашарий қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. У миллий эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлик б-н бутун дунёдаги инсон тараққиёт йўлидаги мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

МИЛЛИЙ МАСАЛА — миллий зулм ва зўравончиликнинг тугатилиши, миллатлар ўртасида тенг

ҳуқуқли муносабатларнинг ўрнатилиши, уларнинг эркин, ҳар томонлама ривожланиши учун шароитнинг яратилиши б-н боғлиқ муаммолар йиғиндиси. Миллатларнинг шакллани бориши б-н М.м. ҳам пайдо бўлган, мазмуни эса турли давр ва шароитларда ўзгариб у ёки бу тарзда ҳал қилина борган. Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай этник birlikнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник birlikни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир. Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ва халқлар вакиллари-нинг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. М.м. миллатлараро тизимда ҳам, давлат ичидаги миллий муносабатларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳар иккала кўринишда ҳам ижтимоий тараққиёт жараёнида вужудга келадиган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, мафкуравий ва бошқа соҳалардаги барча мураккаб масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилади. Миллий давлатнинг қарор топиши М.м.нинг дастлабки ҳал қилиниши б-н бир қаторда ички (полиэтник давлатларда) ва ташқи муносабатларда янги миллий муаммоларни келтириб чиқарган. Ўрта асрларда ва янги даврда М.м. миллатларни миллий зулмдан қутқариш масаласи б-н боғлиқ бўлган бўлса кейин миллий мустақилликка эришиш муаммосига айланди. Маълумки, 20-а. бошларида бутун дунё Германия, Буюк Британия, АҚШ, Италия, Испания, Португалия, Россия ва б. йирик колониал давлатлар ўртасида бўлиб олинган эди. Мустамлакачилик тизимининг емирилиши М.м.нинг мазмунига ўзгаришлар киритди, миллатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш учун сиёсий асос яратилди. М.м.нинг мазмунини, моҳиятини тўла тушуниш миллатнинг моҳиятини тушунишни тақозо қилади. Миллат маълум руҳий birlikка эга, ўз-ўзини англаган гуруҳнинг тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий бирлиги бўлиб, дунёни ўзига хос қабул қилиш асосида миллий қадриятлар яратган, уларни ўзига хос шаклда ифодаланган, бу миллий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг серқирралигини, сермазмунлигини ифодалайди ва инсониятнинг бойлиги сифатида ривожланиб бориши керак. Бу жараёнга тўсиқ бўлувчи барча нарса М.м. вужудга келтиради. М.м. ҳал қилишга уринишнинг бир қанча йўллари инсоният тажрибасида кўринган. 16-19- а.ларда колониализмга қарши миллий-озодлик ҳаракати авж олган даврда миллийлик тамойили масалани ҳал қилишнинг асоси деб ҳисобланди. Бу қарашга кўра

ҳар қандай шароитда ҳар бир миллат ўз мустақил давлатига эга бўлиши б-н М.м. ҳал бўлади деб ҳисобланади. Миллийлик тамойили тарқоқлик ва миллий зулмга қарши курашда ижобий рол ўйнади. Кейинчалик М.м. халқаро масалага айланди. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи М.м. ни ҳал қилишнинг умумэъгиброф этилган тамойилидир. Бу б. миллатлар б-н муносабат шаклининг танланишини (ягона давлат таркибига ихтиёрий қўшилиш, автономия, федерация ва суверен давлат ташкил қилиш), шунингдек, сиёсий тузум, бошқариш шакллари б-н боғлиқ барча масалаларни мустақил тарзда ҳал қилишни англатади. Ўзбекистон 1991 й. мустақилликка эришди. Унга тоталитар тузумдан М.м. да ҳам оғир мерос қолди. Кўп миллатли Ўзбекистоннинг ички ҳаётида ҳам маънавият ва б. муаммолар б-н боғлиқ ҳал қилиниши зарур М.м. йиғилиб қолган эди. Ўзбекистон давлати бу масалани жаҳон тан олган демократия тамойилларини устувор ҳисоблаш асосида ёзмоқда ва уларга оғишмай амал қилиб келмоқда.

МИЛЛИЙ МАФКУРА — миллатнинг этнососоциал бирлик сифатида мавжудлиги ва ривожланиши, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-наз-ий қарашлар тизими. М. м. ни фақат бир миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушуниш тўғри эмас. У муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси ҳам бўлиши мумкин. Миллий нафақат муайян этник бирлик, балки «давлат» маъносини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади. Мас., «миллий даромад», «миллий қуроли кучлар» бирикмаларида у айнан «давлат» сўзининг маънодоши сифатида ишлатилмоқда. Миллат худудий, иқтисодий, сиёсий ва этник алоқалар (маданият, тил, ўз-ўзини англаш) умумийлиги замирида юзага келадиган этнососоциал бирликдир. Шунинг учун ҳам миллий мафкуранинг таърифида ана шу хусусият ўз ифодасини топган. М. м.нинг бундай хусусияти Президент И.Каримов асарларида билдирилган фикрларда бевосита ўз ифодасини топган. Юртбошимизнинг мафкуравий таҳдидлар юзасидан билдирган мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Зеро, мусулмон халифалигини, ёки янги бир кўринишдаги собиқ иттифоқни тиклаш, тарихимизни сохталаштириш, турли гайриилмий талқинлар ёрдамида алоҳида ўзбек миллати йўқ деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилаётган мафкуралар айнан бизнинг миллат сифатида мавжудлигимиз, ривожланишимиз, жаҳон халқлари ўртасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўлишимизга қарши қаратилгандир. «Лекин, биз ўзимизни ҳаминиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу б-н фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор», — деб ёзади И.А. Каримов. (И.А. Каримов. Ўз келажаги-

мизни ўз қўлимиз б-н қурмоқдамиз. Т., Ўзбекистон, 1999, 15-бет).

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (лот. mens — ақл, тафаккур, фикрлаш тарзи) — миллий онг ва фаолият характерини ифодоловчи тушунча. М.м. миллатнинг анъаналари, маданияти, ижтимоий структураси ва турмуш тарзи асосида шаклланади. Ўз навбатида миллий анъаналар, маданият ва турмуш тарзига акс таъсир кўрсатади. М.м.ни ташкил этувчи компоненталар онгсиз равишда шаклланади ҳамда аجدодлардан авлодларга ўтиб боради. Унинг икки томони мавжуд: М.м.нинг консерватив томони аجدодлардан авлодларга ўзгаришсиз ўтиб боради ва миллий анъаналарнинг мустаҳкамлигини таъминлайди; М.м.нинг ўзгарувчан томони эса миллий тараққиётнинг асосини ташкил этади. М.м. ижтимоий ин-тлар ва ижтимоий-иқтисодий муҳитга қараганда секинроқ ўзгаради. Шу боис айрим ҳолларда ижтимоий-сиёсий янгилашниларга тўсиқ вазифасини ўташи ҳам мумкин. М.м.нинг ўзгартирилиши миллат ривожини учун замин яратади.

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР — бутун жаҳонда мавжуд 200 дан зиёд мамлакатларда 2000 га яқин миллат, элат ва қабилалар яшайдилар. Улар 5 ярим мингдан ортиқ тилларда сўзлашадилар. Бу тилларнинг 2000 тасидан кўпроғи ўз ёзувига эга эмас. Миллий жараёнларнинг энг характерли томони шундаки, инсоният ақл-заковати юксалган сайин ўзаро «ассимиляциялашиш» томон эмас, балки ўзларининг «мен»лигини намойиш қилиш, тасдиқлаш сари жадал суръатлар б-н ҳаракат қилмоқда. Ҳали жаҳонда мавжуд бирорта миллат, ёки элатлар, улар энг кам сонли бўлишларидан қатъий назар, ихтиёрий равишда бошқа миллатлар билан қўшилиб кетган эмас, аксинча, айрим миллатлар қашшоқликнинг оғир кулфатларини ўз бошларидан кечиршига мажбур бўлсалар-да озодлик, эркинлик каби қадриятлардан воз кечмаганлар. Улар озод, мустақил яшаб, ўз урф-одат, анъана ва қадриятларини муқаддас билиб, фидойлик кўрсатиб келганлар. М.м. деганда турли миллат ва элатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда содир бўладиган ўзаро алоқалар мажмуини тушунмоқ керак. Бундай алоқалар, кўп миллатлар яшайдиган айрим бир мамлакат ички ҳаётида ёхуд турли мамлакатларда яшайдиган миллатлар ўртасида амалга ошади. Бугунги кунда жаҳонда аҳолисининг таркиби фақат биргина миллатдан таркиб топган мамлакатни ёки давлатни топиш қийин. Худди шунинг учун ҳам мамлакатлар, давлатлар ўртасида амалга ошириладиган турли соҳалардаги алоқаларда уларда яшаётган миллатларнинг дўстона муносабатлари ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Ана шу омил қанчалик

мустақкам бўлса, давлатлар ўртасида олиб борилган турли соҳалардаги алоқалар ҳам шу даражада мустақкам бўлади ва ҳар икки томон кутаётган натижаларни беради. Кўп миллатли мамлакатларда М.м.ни уйғунлаштириш шу мамлакатда барқарорлик ва тараққиётнинг кафолати, унинг истиқболли таъминловчи асосий омилдир. Чунки ҳар қандай давлатда миллий низолар ва зиддиятлар ўша давлатда барқарорликнинг барбод бўлишига ва охир-оқибатда емирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай мамлакатда, жумладан мустақил Ўзбекистонда ҳам М.м.ни уйғунлаштириб бориш, давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Собиқ Шўролар тузумининг фожеаси шунда эдики, ўз манфаатларини миллий манфаатлар ҳисобига амалга ошириб келди. Яъни, миллий омилнинг кучи, қудратини назар-писанд қилмадилар ва синфий манфаатларни қондириш орқали ўз ҳукмронлигини абадийлаштироқчи бўлдилар. Улар зўравонлик б-н турли миллатларни «яқинлаштириш» орқали «ягона совет халқи»ни вужудга келтириш ва кейинги босқичда бутун ер юзиде бир ёки айрим бир «юксак» миллатларни шакллантириш ҳамда уларнинг ҳукмронлигини ташкил этишни мақсад қилган эдилар. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари собиқ совет давлатини емирди ва бутун бир тузумнинг барбод бўлишини тезлаштириб юборди. Албатта, бу жараёнда зўравонликка асосланган наз-я ва унинг амалга оширилиши асосий омил бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда бу масалага жуда катта эътибор берилмоқда, республикада 130 га яқин миллий-маданий марказлар мавжуд, барча миллатлар учун тенг имкониятлар яратилган.

МИЛЛИЙ ОНГ — миллатнинг мавжудлиги унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи б-н боғлиқ омил. У миллатнинг шаклланиши, тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. М.о. миллатнинг ўзи б-н бирга шаклланиб боради. Унинг б.дан фарқ қилувчи, фақат ўзига тааллуқли бўлган манфаатлари ва мақсадлари шаклланиши миллий онгни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам М.о. миллат б-н параллел равишда узоқ тарихий даврда, унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий салоҳияти таъсирида ривожланади. Шундай қилиб, М.о. деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи б-н боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад, йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар, фикрлар тизимига айтилади. М.о.га таъриф берганда, миллатнинг онглилиги даражасига эътибор бериш б-н бирга, унинг фаоллиги даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни, миллат-

нинг манфаатлари ва мақсадларини ифода этирувчи онг бўлса-ю, уни амалга оширувчи ҳаракат бўлмаса, миллатнинг онги, амалда ўз ифодасини топа олмайди. Шу маънода М.о. миллат манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаоллигининг даражаси ҳамдир. М.о. миллий манфаатлар сифатида, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради. Худди шу жараёнда миллатга хос бўлган хусусиятлар шаклланади. Ўша хусусиятлар миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Бундай ўзига хос хусусиятлар, ўз навбатида, миллий манфаат ва мақсадларни шаклланишида етакчи омил вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти М.о.да ўз ифодасини топади. М.о. ривожининг маънавий асосларини миллий тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, қадриятлар, миллий тарбия, таълим тизими кабилар ташкил қилади. Мана шу майдан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали ўзини англайди. Мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин М.о. ривожланиши учун катта имкониятлар вужудга келди.

МИЛЛИЙ ФАЛСАФА — миллатнинг ҳис-туйғулари, мақсад-интилишлари, дунёқараши ва маънавий-руҳий ҳолати ҳамда кечинмаларини ўзида мужассамлаштирган тушунча. Фалсафа умуминсоний фан бўлсада, унда миллийлик тамойили ҳам яққол намоён бўлади. Халқимизнинг М.ф.си тарихи олисга, «Авесто» замонларига бориб тақалади. М.ф. тарихий ҳодиса, миллат тараққиётида ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилади. Миллат тараққиётида маънавий ва моддий омиллар зарур ва шартлиги каби М.ф. ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам мустақил давлатимизни тараққий қилган давлатлар қаторига олиб чиқишда М.ф.нинг тутган ўрни беқиёсдир. М.ф.нинг ўзига хос хусусиятларини билиш, айнаи вақтда, жамиятда мавжуд бўлган қатор муаммоларни ҳал қилишга, миллат ижтимоий-сиёсий ҳаёти жараёнларини ўзига хослигини аниқлаш ва уларга тўғри муносабатда бўлишга имкон яратади. М.ф. шу сабабли кўп ҳолларда миллат ва жамият тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланиб жамият ҳолатини сифат жиҳатидан ўзига хос тарзда ўзгартириш имконига эга бўлади. М.ф.сини яратган халқлар инсоният тафаккури ривожиде катта ўрин тутган фалсафий мактабларни шакллантирганлар. Хитой фал.си, Юнон фал.си, француз фал.фаси, немис фал.фаси ва ҳоказо. Ўзбек халқининг м.фал.си тарихининг кўплаб синовларини ортда қолдириб келажак учун, миллат равнақи учун муҳим аҳамият касб этган омил бўлиб келмоқда.

МИЛЛИЙ ҰЗ-ҰЗИНИ АНГЛАШ — ҳар бир миллат (элат) нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, яғона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига М.ў.-ў.а. дейилади. М.ў.-ў.а. миллий шаклланиш жараёнининг юқори босқичи. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши заминида давлат атрофига бирлашиши мумкин. М.ў.-ў.а. — мураккаб жараён. Бу жараён миллат вакилларининг умуммиллий манфаатларини устувор қўя билиш малакаси б-н бевосита боғлиқдир. М.ў.-ў.а. миллий ондан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг яғона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони. Ўз навбатида, миллий онгини ривожланиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига кўтареди. Миллий онг миллатнинг ўзига хослигининг муҳим белгиси бўлса, М. ў.-ў. а. миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ички туртки берувчи маънавий-руҳий салоҳиятдир. М.ў.-ў.а. реал моддий куч сифатида, миллат шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, орномуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар юзга келганда янада яққолроқ намоён бўлади. Шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилганда миллат вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар, яғона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар. Шундай қилиб, М.ў.-ў.а. миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ҒОЯ — миллатнинг ўтмиши, бутуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

М.ғ. ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941—1945 йилларда) фашистлар босиб олган Францияда «Қаршилиқ кўрсатиш» ғоясининг М.ғ. даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши б-н ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади.

У ёки бу ғоянинг М.ғ. сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати б-н бевосита боғлиқдир. Зеро, ана шу икки негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин.

Том маънодаги М.ғ. охир-оқибатда, озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қилади. Шу маънода, ҳар қандай М.ғ.да умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо, аниқ бир миллат ёки умуман, инсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар ҳам бор. Айтайлик, «Миллий яраш» ғояси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, «Манфаатли ҳамкорлик» ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ ўз тарихининг *бурилиш* нуқталарида, аввало, мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади. Мамлакатимиз учун М.ғ. ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи мафкураларнинг шаклланишига шароит туғилиши мумкин. Шундай экан, миллат, жамиятнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотлар ўз аҳамиятини йўқотади, мустақиллик йўлида ғов пайдо бўлади. Баъзи Собиқ иттифоқ давлатларида жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши турувчи кучларга бўлиниб кетгани ёки айрим қўшни мамлакатларда маҳаллийчилик заминида жамиятни бўлиб юборишга уринишлар ҳам катта сабоқ бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бизда ана шундай бўлинишларнинг олди олинди. Бугунги кунда ана шу натижаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тоғувликни сақлаб қолиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бунинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, жамиятнинг барча қатламлари, ҳар бир аъзоси учун бирдай қадрли бўлган М.ғ. ва унга ишончни шакллантиришдир.

МИЛЛИЙ ҒУРУП — 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклландиган ажодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори б-н фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш. Соғлом М.ғ. ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо қилади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши

миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий М.ғ.ни миллатпарастликдан фарқ қила олади, бошқа миллат вакилларининг иззат нафси ва гурурини камситмайди. Мустақиллик кишилар М.ғ.ини ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун б-н бойитмоқда. Бундай шароитда Ватанимиз мустақиллигидан фахрланиш, мамлакатимизда озод, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, универсал технологиялардан фойдаланиш М.ғ.ни оширадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларни ўзларида соғлом М.ғ. туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

МИЛЛЬ (Mill) Жон Стюарт (1806.2.05. Лондон.—1873.8.05. Авиньон) — инглиз файласуфи, психологи, социолог ва иқтисодчи. Ўзининг индуктив ва дедуктив мантиқ тизими б-н машҳур. Асосий асари «Силлогистик ва индуктив мантиқ тизими». Инглиз фалсафасидаги мумтоз эмпиризм анъаналарини давом эттирган, уни позитивизм даражасигача ривожлантирган. М. Конт сингари, 19-а.нинг энг таниқли позитивистларидан ҳисобланади. М. таълимотига кўра, фалсафанинг асосини руҳиятшунослик (психология) ташкил этади. Унга кўра, реал тарзда фақат сезгилар ва бўлажак сезгилар тўғрисидаги тасаввурлар мавжуддир. Тушунчалар — шунчалик сўз атамалари, холос. М. Аристотель силлогизмининг инкор этган. Унингча, ташқи олам — ўхшаш сезгиларнинг доимий имкониятидир. Билишнинг асосий манбаи тажриба, билишнинг мумкин бўлган ягона усули—индукциядир; айнан у мантиқий хулосани ва математика аксиомаларининг асосини ташкил этади. М. табиат (дарвоқе, у тарих фанини ҳам «табиат тўғрисидаги фанлар» қаторига қўшган) ва руҳ тўғрисидаги фанлар (*moral sciences*) — психология, жамият тўғрисидаги фан «этология»ни фарқлаган ва биринчи марта табиат тўғрисидаги экспериментал фаннинг батафсил наз-ясини ва тавсифлаш услубини ишлаб чиққан. М.га кўра, этиканинг вазифаси индивид ва жамият муносабатларини қониқарли муроасага келтириш йўлидаги ижтимоий ўзгартиришларни амалга оширишдир. Ахлоқий қадриятлар туғма, интуитив (ғайриақлий) ёки априор (тажрибага дахлсиз), абадий ва ўзгармас эмас, балки тажриба маҳсули ва ўзгарувчандир. М.нинг фикрича, ахлоқий фаолиятнинг олий мақсади ҳамманинг бахтли бўлишига ёрдам беришдир. (*Эвдемонизм, Утилитаризм*).

МИЛЛС (Mills) Чарльз Райт (1916—1962) — америкалик социолог ва публицист. 1939 й. Техас ун-

тини фал. ва социология ихтисослиги бўйича битирган, прагматизм социологиясидан докторлик диссертацияси ёқлаган. Унинг илк асарлари билишнинг социологик концепциялари, маданият мантиқи ва тилини ўрганишга бағишланган. М. кейинчалик эмпирик тадқиқотлар олиб бориб, кичик бизнес ва шаҳар ҳаёти муаммолари б-н шуғулланади. Ўз фаолиятининг навбатдаги босқичида М. эмпирик социологиянинг америкача анъаналарига қарши чиқади. М. концепцияларига Веблен ҳамда Вебернинг ғоялари кучли таъсир кўрсатган. М. америкача неомарксизмнинг йирик вакили, «янги социология» («Радикал социологиясининг кўриниши»)нинг ижодкори. М. позициясига кўра марксизм б-н либерализм ўртасида туради. М. ижодида асосий муаммолар: 1) ҳукмрон элита ва жамиятда интеллектуалларнинг роли; 2) маданият ва социал структура. М. социал танқид нуқтаи назаридан фикр юритганда Америка жамиятини ички имкониятларидан махрум, келажаги йўқ, таназзул ҳолатида деб баҳолайди. М. назарида ҳоз. даврда таркиб топган социал структура инсоний қадриятлар (эркинлик, ижод, фикрлаш қобилияти)нинг асосини бузади. М.нинг асосий асарлари: «Кичик бизнес ва фуқаро фаровонлиги» (1946); «Характер ва социал структура» (1953); «Иккинчи жаҳон урушининг сабаблари» (1958); «Социологик хаёл» (1959);

МИМЕСИС (*юн.*—тақлид қилиш, нусха кўчириш) — антик давр эстетикасида мусаввир бадиий ижодининг асосий тамойилидир. Санъатнинг ҳамма турлари М.га асосланади, деган фикрдан келиб чиққан ҳолда антик давр мутафаккирлари бу тушунчани турлича изоҳлаганлар. Мас., пифагорчилар мусиқани осмон қобиклари ҳамоҳанглигига тақлид қилиш асосида ҳосил бўлади, деб тушунганлар. Демокрит санъатни кенг маънода инсоннинг ҳайвонот дунёсига тақлид қилиш натижасида ҳосил бўлади, тўқиш-ўргимчакларга уйсозлик-қалдирғочларга, қўшиқ айтиш қушларга тақлид қилишдир, деб ҳисоблаган. М. тўғрисидаги батафсил таълимот асосан Платон ва Аристотель томонидан ишлаб чиқилган. Платон ҳар қандай ижоднинг асосини тақлид ташкил этади, деб тушунтирган. Мас., шеърят ҳақиқатга ва фаровонликка тақлид қилиш ифодасидир. Лекин кўп ҳолларда санъат нарса ва ҳодисаларга тақлид қилиш б-н чекланиб қолади ва шу сабабдан санъат номукамалдир. М. тўғрисидаги яхлит эстетик концепция Аристотелга тегишлидир. Бу концепция воқеликни яхлит акс эттиришни ҳам, ижодий мулоҳазага юритиш жараёнини ҳам, воқеликни ифодалаштиришни ҳам ўз ичига олган. Сўнгги антик давр мусаввирлари М.ни Аристотелча тушуниш жиҳатларига эътибор қаратганлар. Тасвирий санъатнинг эллинистик давридаги наз-яси ва амалиётида шундай анъаналар, хусусан иллюзор-нату-

ралистик тасвирлаш анъаналари ҳукм сурган (мас., Мироннинг «Бузоқча» асари). Ўрта асрларда санъатдаги М. ўрнини қиёфали-белгили нарсалар эгаллай бошлаган, «М» тушунчаси эса янги маъно б-н бойитилган. М. тўғрисидаги концепциянинг кейинги давридаги ривожланиши тақлид қилиш наз-яси б-н қўшилиб кетган.

МИРХОНД Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий (1433—1498 24.2.) — ўрта асрлар тарихнавислик мактабининг энг кузга кўринган намояндаларидан бири. Ота-боболари асли бухоролик бўлиб, фикҳ илмида замонасининг етук олимлари сифатида машҳур бўлган. Улардан бири Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий (тахм. 1300 й.да вафот этган) фикҳ илмида пешқадам олим бўлганлиги боис тож аш-шариъа (шариат тожи) номи б-н машҳур бўлган ва Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур «Ал-Ҳидоя» асарига шарҳ ёзган. Бу шарҳ «Виқоя ар-ривоят фи масоил ал-ҳидоя» («Ҳидоя масалаларини ҳимоя қилувчи ривоятлар») деб аталади. Улардан яна бири Убайдулла ибн Маъсуд ал-Маҳбубий (1346 й.и вафот этган) тож аш-шариъаи соний (иккинчи шариат тожи) номи б-н машҳур бўлган ва «Шарҳ ал-виқоя», «Ан-ниҳоя мухтасар ал-виқоя» номли машҳур китоблар ёзиб қолдирган. Маҳбубийнинг отаси Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, темурийлар даврида Балхга келиб қолган ва ўша ерда вафот этган. Маҳбубий 1433 й. Балхда туғилган, лекин умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказган. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Набираси Хондамир «Хулосат ул-ахбор» китобида унинг ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад йигитлик чоғларида (турли) илмларни таҳсил этиш ва нафис фазилатларни камолига етказиш йўлида тиришқоқлик ва зўр меҳнат қилди... қисқа вақт ичида билимдонликда замон фозилларининг пешқадами бўлиб олди. У (кўпроқ) тарих илмини касб қилди ва жаҳон аҳволи ҳамда осоратиқаларни таҳқиқ қилишга киришди. Олижаноб хотирини тез фурсат ичида бу фанни эгаллашдан фориғ қилди, аммо феълу атвори маишат аҳли б-н қўшилишга йўл бермади, завқу-шавққа берилмади... дарс бериш ва амру маърифатга иштиёқ унинг равшан хотиридан асло кўринмади. Аммо (бу ҳол)... орзу ва омонликнинг қиблагоҳи, яъни олижаноб, Султон (Ҳусайн) ҳазратлари яқин дўстининг (Амир Алишер Навоийнинг) ҳузурларига боргунча ва унинг ҳар турли навозиш, марҳамат, илтифот ҳамда мурувватларини топмагунларича давом этди. Навоий Маҳбубийга ўзининг «Ихлосия» хонақоҳисидан бир ҳужра ажратиб, ундан бир тарихий асар ёзиб беришни илтимос қилган. Маҳбубий бу асарни форс тилида 1495—1496 й.ларда ёзиб тамомлаган. Асар

номи «Равзат ус-сафо-фи сийрат ал-анбиё ва -л-мулук-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») бўлиб, унда дунёнинг «яратилиши»дан то 1523 й.га қадар Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган. Асар мураккаб услубда ёзилган. У ҳозирча ўша давр тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар учун нодир манба вазифасини ўтаб келмоқда. «Равзат ус-сафо» муқаддима, хотима ва етти жилдан (163 ва-рақ) иборат: 1) Дунёнинг «яратилиши» дан то сосоний Яздигард III (632—651) давригача ўтган тарихий воқеалар; 2) Муҳаммад пайғамбар ва хулафои Рошидин даврида бўлиб ўтган воқеалар; 3) ўн икки имом тарихи; Уммавия ва Аббосия халифалари; 4) Аббосийлар б-н замондош сулолалар; 5) Чингизхон ва унинг авлоди; 6) Амир Темур ва унинг замонидан то Султон Абу Саид ўлимигача (1469 й) бўлиб ўтган воқеалар; 7) Султон Ҳусайн ва авлодининг тарихи (1523 й.гача). Бу жилд ва хотима Маҳбубийнинг набираси Хондамир томонидан ёзилган мазкур асар Европада кўп вақтларгача тадқиқотчилар учун Эрон ва Ўрта Осиё тарихи бўйича ягона манба бўлиб хизмат қилган. 19-асрнинг бошларида Хива хони Элтузархон фармониغا биноан тарихчи ва шоир Мунис (1778—1827) бу асарни ўзбек тилига таржима қилишга киришган. 2-жилдини таржима қилаётган вақтида вафот этган. «Равзат ус-сафо» 1905 й. тарихчи ва хаттот Муҳаммад Шариф Девон томонидан ўзбекчага таржима қилинган. Ана шу нусха ЎЗР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

МИСТИКА, мистицизм (*юн.* *mystika* — сирли ма-росимлар, сирли) — одамларнинг ғайритабиий кучлар ва ҳодисалар б-н руҳий алоқада бўлиш, турли хил воситалар орқали борлиқнинг яширин сир-асроридан воқиф бўлиш ғояси ётади. Унинг асосий сабаби-воқеий оламни осонликча билиб олишнинг мушкуллиги, табиий ҳодисалар ва руҳий жараёнларни инсон томонидан бошқаришнинг қийинлиги. Натижада моддий ва руҳий ҳодисалар яширин моҳиятнинг рамзи, тимсоли деб қаралади, ҳатто муайян тарихий шароитларда яратилган ҳарфларга, табиатда учрайдиган зоҳирий ўхшашликка, мас., салибнинг баъзи ашёларда учрашишга, бутларнинг «ийғлаши» кабиларга ғайритабиий тус бериш, уларни илоҳийлаштириш шулар жумласидандир. Марказий Осиё илк ўрта асрлар даврининг буюк аллома ва машҳур мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар фолбинлик, азоймхонлик, сёҳрарлик, астрология, алхимия фарибгарликнинг ерқин намунаси деб баҳолаганлар, уларни қўллаб-қувватлаганларни танқид қилганлар ҳамда табиат сир-асрорини тажриба ва кузатувнинг қудратли воси-

таси орқалигина очиб бериш мумкинлиги гоёси-ни астойдил ҳимоя қилганлар. Астрономия, математика, мусиқа ривожига ўз даврида самарали таъсир этган қад. юнон фай.и Пифагор тахм. мил.ав. 580—500 й. ва пифагорчилар таълимоти ҳам холи эмас эди. Унда барча нарсалар сонларга қиёсланади, сонлар ва уларнинг хосса ва хусусиятларидан гармоник нисбатлар келтириб чиқарилади. Сонлар унсурларини нарса-ашёлар унсурларининг асоси, деб уқтирилади. Сонлар М.си, уларга ғайритабиий мақом ато этиш П. фал.сига хос хусусиятдир. 1 сонлар қаторининг асосини ташкил қилади. Пифагор айниқса, ўрта ўлчамларга, яъни пропорцияларга алоҳида эътибор б-н қарайди. Ўн (декада) ни сонлар ичида энг мукамал сон, деб қабул қилиб, унга илоҳий аҳамият беради. Лекин шунга қарамасдан, математика, астрономия ва мусиқа соҳаларининг тараққиётини Пифагор ва пифагорчиларсиз кўз олдига келтириш мумкин эмас.

МИТРА — (Меҳр) тарихий-адабий «Авесто» ёдгорлигидаги энг қадимги илоҳий образ. Мил. ав. II минг йилликкача шаклланган. М. образи дастлаб Урал-Иртиш ҳудудларида истиқомат қилган арий (орий) қабилаларининг умумий эътиқод объекти сифатида вужудга келган. Бунга Аркаим куёш ибодатхонаси ҳам фикримизга далил бўла олади. Қабилалар ўртасида сув ҳавзалари ёки ўтлоқларни таллашиш оқибатида вужудга келган келишмовчиликларни баргараф этувчи маъбуд қиёфасида гавдаланган. Куёш тимсолидаги М.га қасамёд қилиш орқали ўзаро келишувга эришилган. Бу шартнома шартларига риоя қилиш ҳар бир уруғ ёки қабила учун мажбурий ҳисобланган. Қасамёдни бузган томон илоҳ Митра (Меҳржон) томонидан қиёматда, албатта, қаттиқ жазоланишига шубҳа қилмаганлар. М. тимсоли кейинчалик Зардушт томонидан яратилган готлар (гоҳлар ёки гаталар) да (мадҳиялар) олий илоҳ Аҳура Маздага ибодат қилиш буюрилганда Митра Мазданинг нуруни оламга ёювчи куёшни оқ от минган ҳолда ҳар куни Шарқдан — Ғарбга томон элтувчи маъбуд қиёфасида намоён бўлади. Аҳура Мазданинг энг яқин маъбудларидан бирига ва ҳатто Аҳура Мазданинг энг севикли қизи маъбуда Ардвиге Сура Анахитанинг қайлиғига айлантрилади. Митра 25 декабрда улугвор тоғ қоясидан туғилган. М. саждага қилиш кейинчалик жуда кўп халқларга кенг тарқалган. Жумладан, Рим легионерларининг яширин ибодат қилиш объектларига ҳам айланган эди. Бу эса илк масиҳийликнинг Европада тарқалишида кучли рақобатчи ҳам ҳисобланган (Исо Масиҳнинг туғилган куни ҳам 25 декабрь эканлиги тасодифий бўлмаса керак). Митраизм, митрополит, мир тушунчаларининг илк илдизи айнан Митра (Меҳр) образига бориб тақалиши фикримизни тасдиқлайди.

МИТРАИЗМ — қадимги динлардан бири бўлиб, дастлаб Марказий Осиёнинг Шимолий Ҳудудлари (Волга — Иртиш дарёлари ҳавзаси)да пайдо бўлган политеизмдан (кўпхудоликдан) — монотеизмга (яккахудоликка) ўсиб ўтишдаги илк босқич ҳисобланади. «Авесто» китобида Митра ҳақидаги тасаввурлар милоддан олдинги III—II минг йилликларда мавжуд эди. Кейинчалик ўз ўрнини зардуштийликка бўшатиб беришга мажбур бўлди. М.нинг қайта тиррилиши эрамизнинг 1-2 а.ларидан бошланади. Олд Осиё ва Рим империяси ҳудудларига кенг тарқалган. М.да адолат, ижтимоий тенглик гоёларининг ифодаланиши жамиятдаги куйи табақалар манфатларига мос тушар эди. Эрамизнинг 2 а.ларидан Рим императорлари М.га ҳомийлик қилдилар. 2-4 а.лар М. христианликка қарши турувчи асосий динлардан бирига айланди. Шу б-н бирга масиҳийлик ҳам М.дан энг муҳим элементларни қўшлаб ўзлаштириб олди. М. милодий 4—5 а.ларда Европада масиҳийликнинг ғалабаси ва 7—8 а.ларда исломнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг ёйиши натижасида ўз-ўзидан барҳам топа бошлади. М. тарафдорларини Яқин Шарқда 12-13 а.ларда ҳам учратиш мумкин бўлган.

МИФ (юн. *mifhos* — афсона, ривоят, ҳикоят) — ибтидоий давр кишилари онги ва тушунчасида инсон, табиат, жамият ва коинотнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ воқеалар, шунингдек, табиат ва жамият ҳодисаларининг акс этиши. Ибтидоий инсонлар табиат ва жамиятда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларнинг асл сабабларини тўғри англаб етмаганлар ва уларга қандайдир ташқи қудрат ифодаси деб қараганлар. Мас., яшин ва момақалдирак, ёнгин, тўфон, довул, зилзилалар, Куёш, Ойнинг тутилиши, думли юлдузнинг учиши ва ш.к. ибтидоий одамлар тасаввурида ғайритабиий таассурот қолдирган. Ибтидоий кишиларнинг табиат кучлари олдидаги бундай ожизлиги, уларнинг сир-асрорларини билмасликлари оқибатида Ой, Куёш ва юлдузларга, айрим ҳолларда олов, сув, қушлар ва ҳайвонларга, тоғ-тош ва ҳоказоларга жонли, муқаддас нарсалар деб қараш ва уларга сизиниш, топиниш ҳоллари урфга айланган. Бундай ҳодисаларни ибтидоий кишилар, одатда 2 тоифага, яъни дўст ва душман кучларга, яхши-ёмонга, оқ ва қорага бўлиб тасаввур этганлар. Ана шундай тасаввурлар маҳсули бўлган М.да табиат ва жамият ҳодисалари, шунингдек, ғайритабиий ҳодисалар афсонавий қаҳрамонлар, девлар, аждаҳо, қушлар, баҳайбат ҳайвонлар, жин, пари ва ҳоказоларнинг образлари тимсолида умумлаштирилиб тасвирланган. Бундан ташқари, уларда ибтидоий инсоннинг ўзига хос ожиз томонлари б-н бирга улкан жасорати ва қаҳрамонликлари, айниқса, яхшилик ва эзгуликнинг ёмонлик ва ёвузлик устидан, ёруғликнинг зулмат устидан ғалабасига

бўлган чуқур ишонч туйғулари, олижаноб мақсад ва интилишлари ўз ифодасини топган. Ўзининг ғоявий-бадий мукамаллиги ва чуқур инсонпарварлик йўналишлари б-н муҳим ва қимматли маданий-маърифий қадриятлар қаторидан мустақкам ўрин эгаллаган М. намуналари мавжуд. Улар қадшумер-аккадларнинг «Гилгамиш» ҳақида эпоси, Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», ҳиндларнинг «Маҳабҳорот», «Рамаяна» «Панча-тантра» («Калила ва Димна») тибет-мўғулларнинг «Гэсэр», Марказий Осиё халқларининг «Гўрўғли», «Алпомиш», «Манас», «Қирқ қиз» ҳамда Гершасп Элибек, Каюмарс, Жамшид, Эрхубби, Тўмарис, Широқ, Сиёвуш, Рустам ва б. ҳақидаги афсоналари, қалмиқларнинг «Жангар», қадимги исландларнинг «Эдда», грузинларнинг «Амираниани» ва бошқа кўплаб фольклор асарларидир.

МИФОЛОГИЯ (юн. *mifhos* — ривоят, афсона; *logos* — сўз, тушунча, таълимот) — 1) мифлар мажмуи; 2) мифларни ўрганувчи фан. М/ ижтимоий онг шаклларида бири ва кишиларнинг табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини англашда илк босқич ҳисобланади. Ибтидоий жамоа даврларида, асосан, дунё мифологик образлар орқали тасаввур қилинган. Мифологик образлар орқали дунёни англаш жараёни ўз олдига дунёнинг ибтидоси ва интиҳоси тўғрисидаги тасаввурларни қамраб олишни мақсад қилиб қўя олмайди. Бундай тасаввурларнинг туб асосида эса кишиларнинг теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларининг ўта саёзлиги ва ўзларининг тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда табиий муҳитдан ажратиб тушунмаганликлари ётади. Мифологик тасаввурлар дунёни мифологик образлар орқали англаш жараёни сифатида объект б-н субъект ўртасида, ижтимоийлик б-н табиийлик ўртасидаги муносабатларнинг ўта содда ифодаси бўлиб, ўз навбатида тотемизм, фетишизм, анимизм, шомонизм, афсунгарлик ва бошқа қатор шаклларда намоён бўлади. Ҳар қандай мифлар одатда ўзида иккита аспектни мужассамлаштиради. **Диохроник** аспект — унда ўтмиш воқеа ва ҳодисалари тўғрисида баён қилишни ва шунингдек, **синхроник** — ҳозирги ва келгуси замон воқеа ва ҳодисалари тўғрисида баён қилиб беришни ўз олдига вазифа қилиб белгилаб мифларнинг мазмуни ибтидоий кишининг онги учун ўта реал деб ҳисобланган. Чунки унда (мифларда) ажлодлари томонидан ўзлашган тажрибалар ўз ифодасини топади ва сажда қилиш объектига айланади. Мифлар ва маросимлар ибтидоий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланиб, улар ўз навбатида наз-я б-н амалий тажрибаларнинг яхлитлигини ўзларида мужассамлаштиради. Мифлар дунёни ғайритабиий образлар орқали тасаввур этадиган диний дунёқарашнинг ҳам дастлабки кўриниши бўлиб, у эса кишиларда абст-

ракт тафаккурнинг, фантазиянинг шаклланаётганлигидан дарак беради. Дунёни мифологик образлар орқали англаш жараёнига бўлган ёндашишларда бир-бирига зид бўлган иккита йўналишларни учратишимиз мумкин. Мас, 18-а. француз маърифатпарварлари Б.Фонтенел, Вольтер, Дидро, Монтескье ва б. мифларни кишиларнинг ваҳшийлик, ёввойилик даври б-н боғлиқ ҳолда тушунтиришга интилганлар. Улар мифларнинг инсоният маънавияти ривожигаги муҳим ролини инкор этишга уринганлар. Мифларга халқларнинг маънавий тараққиёти учун асос сифатида баҳо берувчи романтизм руҳидаги қарашлар Гердер томонидан асос солинган илмий концепцияда ўз ифодасини топади. 19-а.нинг 2-ярмида ўзаро кураш олиб борувчи концепцияларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзларининг бир томонламалиги б-н мифларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаганлар. 20-а. бадий адабиётида мифологик образлардан унумли фойдаланиш орқали халқларнинг муайян даврдаги ҳолати, ички дунёси, маънавий такомил босқичларини тўлароқ баён қилишга интилиш кучайди. Хусусан, ҳар бир халқнинг ўзига хос дунёни англаш жараёни, айнан мифологик образлар орқали дунёнинг акс эттирилишидан бошланиши ҳақидаги хулосалар кенг эътироф этилмоқда. Ўзбек халқи ҳам ўзининг қадимий мифологик образлари орқали дунёни англаш жараёнидаги ўзига хослик миллий тафаккуримизнинг шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Энг қадимги мифологик образлар Пархат, Ардахива, Франхрасйон (Афросиёб) образлари б-н боғлиқ асотирлар бугунги кунда ҳам миллий ўзлигимизни англашда муҳим аҳамият касб этаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

МИҚДОР ВА СИФАТ — моддий оламнинг муҳим томонларини акс эттирувчи фалсафа категориялари. Оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгариб, ривожланиб боради, бу жараёнларда нарсалар доимо пайдо бўлади, ўзгариб туради. Лекин бундан улар муайян мавжудлик шаклига эга эмас, мутлақ беқарор ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, деган хулоса келиб чиқмайди. Нарса қанчалик ўзгармасин, маълум вақтгача бошқача ҳолатда эмас, худди ўз ҳолатида, сифат жиҳатдан муайян предмет бўлиб қолаверади. Нарса ва ҳодисаларнинг сифат муайянлиги уларни барқарор қилади, уларни чегаралаб қўяди ва оламнинг бениҳоя хилма-хиллигини вужудга келтиради. Сифат нарсанинг муҳим муайянлигидир. У яхлит нарса б-н боғлиқ бўлиб, уни тамомила қамраб олади ва ундан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли, сифат тушунчаси нарсанинг борлиги б-н боғланади. Бирон нарсанинг б. нарса б-н муносабатларида унинг турли хоссалари намоён бўлади; ана шу маънода предмет ва ҳодисаларнинг кўп сифатлилиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Барча пред-

метлар сифат муайянлиги б-н бир қаторда миқдор муайянлиги (муайян катталиқ, сон, ҳажм, жараёнларнинг юзага келиш сурати, хоссаларнинг ривожланиш даражаси ва ҳ.к.)га ҳам эгадир. М. нарсанинг шундай муайянлигидирки, шу тўғрисида уни реал равишда (ёки фикран) бир жинсли қисмларга бўлиш ва бу қисмларни бир бутун қилиб тўплаш мумкин. Қисмлар ёки предметларнинг бир жинслиги (ўхшашлиги, монандлиги) миқдорнинг фарқ белгисидир. Бир-бирига ўхшамайдиган предметлар ўртасидаги тафовутлар сифат характериға, бир-бирига ўхшаш предметлар ўртасидаги тафовутлар эса, миқдор характерларига эгадир. Сифат — нарса ва ҳодисаларнинг муайянлигини таъминлайдиган, уларға барқарорлиқ бағишлайдиган хосса, хусусият ва белгилар йиғиндисидир. Сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. Сифат кенг маънода нарса ва ҳодисаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънони аниқламайди. Миқдор предмет ва ҳодисаларнинг ҳажми, қўлами, ўлчами, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва ш.к. б-н характерланадиган муайянлиқдир. М. ва С.нинг бирлиги ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёр деганда сифат ўзгариши содир бўлиши учун талаб қилинадиган миқдорий бирлик тушунилади. Сифатдан фарқли ўлароқ, миқдор предметнинг борлиги б-н унчалик маҳкам боғлиқ эмасдир; миқдор ўзгаришлар предметнинг бирданига йўқ бўлишига ёки муҳим ўзгаришига олиб бормаёди. Фақат ҳар бир предмет учун муайян чегараға етгач, миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини юзага келтиради. Ана шу маънода миқдор муайянлиги сифат муайянлигидан фарқ қилиб, предметларнинг табиатиға ташқи муносабат б-н характерланади. Ҳеч бир предмет фақат сифат ёки фақат миқдор томонға эга бўлмайди. Ҳар бир предмет муайян сифат ва миқдор бирлигидан иборат (меъёр); у сифат катталиги жиҳатидан (миқдор) ва миқдор жиҳатидан муайян сифатдир. Меъёрнинг бузилиши предмет ёки ҳодисанинг ўзгаришиға, унинг б. предмет ёки ҳодисаға айланишиға олиб келади.

МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА ЎТИШ ҚОНУНИ — фалсафанинг асосий қонунларидан бири бўлиб, у табиат, жамият ва тафаккур тараққиётида амал қилади. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисаларда сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёр бузилади ва сакраш йўли б-н туб сифат ўзгаришларига олиб келади. Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суратда, хоссанинг ўзгаришиға олиб келади. Аммо хоссанинг ўзгариши ҳар доим ҳам сифатнинг ўзгаришиға таъсир этмайди. Сифат предметнинг

доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифодалайди. Нарса ва ҳодисалар сифат муайянлиги б-н бирға миқдорий томонлари б-н ҳам фарқ қилади.

Миқдор ўзгаришлари албатта сифат ўзгаришиға олиб боради, бунинг учун эса янги сифатға ўтиш учун миқдор ўзгаришларининг муайян меъёри талаб қилинади. Борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар учун миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир.

Миқдор ва сифат ўзгаришлари ўзаро алоқадор бўлиб, бир-бирини тақозо қилиб туради. Миқдор ўзгаришлари ҳам нарса ва ҳодисаларнинг ўзгаришидир. Бироқ миқдор ўзгаришлари б-н сифат ўзгаришлари нарса ва ҳодисаларнинг бутунлай ўзгаришидан иборат бўлса, миқдор ўзгаришлари маълум қилинади, чегарада нарса ва ҳодисаларнинг бутунлигини сақлаб, уларнинг мавжуд ҳолатини ўзгартрмайди. Маълум босқичға етганда миқдор ўзгаришлари меъёридан ўтади ва оқибатда янги сифат ўзгаришларига айланади. Мас., сувни 100° гача қиздирсак, буғ ҳолатиға ўтади. Бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатиға ўтиш табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонунидир. Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш жамият ҳаётининг барча соҳалари тараққиётида ҳам рўй беради. Ушбу қонун амал қилиши натижасида кишилиқ жамияти бир даврдан иккинчи даврга янада ривожланганроқ ва мукамалроқ босқичға томон равнақ топиб боради. Миқдор ўзгаришлари орқали вужудға келган янги сифат албатта қотиб қолмайди; у янги қонуният асосидаги сифат ва миқдор ўзгаришларига айланади. Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш сакраш орқали содир бўлади. Сакраш узлуксиз ривожланишнинг узилиши, тезлашган шаклидир. Узилиш чоғида эски сифат тубдан ўзгариб, янги сифат вужудға келади. Вужудға келган янги сифат мос равишда янги миқдор ўзгаришларни юзага келтиради. Янги миқдор ўзгаришлари ривожланиб бориб, яна янги сифат ўзгаришиға айланади. Узлуклилик б-н узлуксизлик ўзаро шу тариқа боғланган бўлиб, ривожланиш жараёнининг чексиз равишда содир бўлишини таъминлайди. Эски сифатдан янги сифатға портлаш йўли б-н ҳам ўтиш мумкин. Бундай сакраш ёрдамида сифат ўзгариши рўй бериши табиат ва жамиятдаги кўпгина ҳодисаларға хосдир. Портлаш йўли б-н рўй берадиган ўтишнинг портлашсиз бўладиган ўтишдан фарқи шундаки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг табиати, сифати тез суръатлар б-н ўзгаради (Мас., ураннынг парчаланиши). Эски сифатдан янги сифатға портлаш йўли орқали ўтиш ягона йўл эмас. Сифат ўзгаришиға янги сифат элементларининг аста-секин йиғила бориши эски сифат элементларининг тадрижий тарзда йўқ қилиш йўли б-н эришиши мумкин. Бундай йўл янги сифатға ўтиш жараёни тадрижий равишда содир бўлади. Мас., ижтимоий ҳаётда тил узоқ давом этган тарихий тарақ-

қиётнинг маҳсулидир. Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатидан янги сифатга ўтиш турли шаклларида содир бўлади. Тез содир бўладиган сакрашлар б-н аста-секин миқдор ўзгаришлари йўли б-н бўладиган сакрашларнинг бир-биридан фарқ қилишини ҳисобга олиш лозим. Тез сакраш шундай хусусиятларга эгаки, бунда эски хусусиятлар бирданига тугатилади ва сўнгра янгиси бунёд этилади. Иккинчидан, у бехосдан, тез ва қисқа вақт ичида содир бўлади. Тез сакрашга ижтимоий ҳаётда баъзи даврларда эски ижтимоий тузумни тугатиб янги тузумни ўрнатиш учун уринишлар мисол бўла олади. Шу б-н бирга, жамият тараққиётида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали ҳам туб сифат ўзгаришларига эришиш мумкин. Биринчи ҳолда жамият ҳаётида нотинчлик, халқнинг осойишта турмушининг бузилиши, тўс-тўполонлар, қирғинбарот урушлар рўй бериши натижасида кўплаб қурбонлар содир бўлиши табиий. Иккинчи ҳолда эса янги сифат ўзгаришларига эришиш ақлзаковат ёрдамида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида изчил ислохотлар ва янгиланиш йўлидан бориш орқали мумкин бўлади. Ўз-ўзидан равшанки, бу йўл давлат ва фуқароларнинг манфаатларига мос тушади ва бинобарин, у прогрессив ҳисобланади. Чунки аста-секин миқдор ўзгаришлари йўли б-н содир бўладиган сакрашлар эскини бир йўла тугатиш эмас, балки узоқ давом этган эски сифатни янги сифатга айлантириш б-н ифодаланади. Демак, диалектиканинг ушбу қонунининг мазмун-моҳиятини тўғри англаш ва амалиётда ҳам тўғри татбиқ этиш катта амалий ва наз-ий аҳамиятга эгадир.

МОДЕЛЛАШТИРИШ — борлиқни билвосита ўрганишга асосланган илмий усулдир. Бунда бирон объектнинг хусусиятларини уларни ўрганиш учун махсус равишда тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилиш тушунилади. М. асосида тадқиқ қилаётган объект б-н унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ётади. М. усули илмий тадқиқот жараёнини энгиллаштиради, объектнинг ўрнини бевосита тадқиқ этиш мумкин бўлмаган, қиммат бўлгани, жуда узоқ вақт талаб қиладиган ва ҳ.к. вақтда моделга эҳтиёж пайдо бўлади. Мас., йирик физик Н. Борнинг атом модели атомнинг мураккаб хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Ҳар бир конкрет ҳолда модел унинг объект б-н мувофиқлик даражаси етарли равишда қатъий белгиланган тақдирда ўз ролини бажара олади. Бундай мувофиқликни белгилаш б-н «ўхшашлик наз-яси» шуғулланади ва бу наз-я баъзи бир «ўхшашлик критериялари»ни ишлаб чиқади. Моделнинг ва унда гавдалантирилдиган объектни томонларининг табиатига қараб «физик», «математик» ва бошқа

моделлар ажратилади. Табиийки, бу моделлар бир-биридан фарқ қилади. Ушбу моделларнинг «тўлиқ» ёки «жузъий» бўлиши объектнинг баъзи хоссаларида ёки у бажарадиган функцияларда намоён бўлади. Ҳоз. вақтда электрон мосламаларидаги М. кенг расм бўлиб қолди. Бу хилдаги «моделлар»нинг асосий фазилати уларнинг универсаллиги, қулайлиги, табиатдаги объектлар бажарадиган функцияларнинг ўхшашлигига асосланган моделлар методи кибернетиканинг асосларидан биридир. Илмий техника тадқиқотида М. умуман илмий билим усулларида биридир, холос. Ҳиссий ва мантиқий моделларнинг тизими М. процессининг турли бўлимларида тадқиқ этиладиги, унинг ютуқлари, шундай қилиб М. нинг илмий-техника наз-яси ва амалиёти асосида ётади. Бу сўнги ҳол, ўз навбатида диалектик билим наз-ясини янада ривожлантириш ва конкретлаштириш учун жуда муҳимдир.

МОДАЛ ҲУКМЛАР — субъект ва предикатнинг ўзаро муносабатини кучли (зарурий) ёки қатъий бўлмаган, кучсиз (эҳтимол) тасдиқ ёки инкор шаклида баён қилинган фикр. Атрибутив ва муносабат ҳукмлари, шунингдек, улардан ташкил топган мураккаб ҳукмлар ассерторик (лот, assero — тасдиқлайман) ёки воқелик ҳукмлари тушунилади. Уларда предикатда кўрсатилган белгининг субъектда бор ёки йўқлиги ҳақида фикр билдирилади. Ассерторик (воқелик) ҳукмларга шарт, зарур, мумкин каби модал тушунчалар (операторлар)ни киритиш орқали М.ҳ. ҳосил қилинади. Мас., «Инсон абадий яшамайди» ассерторик ҳукми «Инсон абадий яшаши мумкин эмас», деб баён қилинганда М.ҳ. кўринишида ифодаланади. Бу ҳукм аввалгисига нисбатан кучли «Укам инглиз тилини ўрганади» ҳукмига нисбатан, «Укам инглиз тилини ўрганиши мумкин» ҳукми кучсиз тасдиқ ҳукм ҳисобланади. Бу ҳукмлардан биринчиси ассерторик, иккинчиси М.ҳ.га мисолдир. М.ҳ. модал мантиқда ўрганилади. Унда алетик (зарурий), эпистемик (энг ишончли билим), деонтик (мажбурийлик), аксиологик (баҳолаш) ва вақт модаллигини ифодаловчи ҳукмлар таҳлил қилинган. М.ҳ.ни ифодалаш учун турли модал операторлардан фойдаланилади. Мас., алетик М.ҳ.да қуйидаги модал операторлардан фойдаланилади.

- « □ А » — зарурийдир.
- « △ А » — А тасодифийдир.
- « ◇ А » — А бўлиши мумкин
- « ∟ А » — А бўлиши мумкин эмас.

Баъзан «Lp» — p бўлиши мумкин белгиларидан ҳам фойдаланилади. Зарурий М.ҳ. турли фанларнинг, шу жумладан, мантиқ қонунларини ва улардан келиб чиқадиган ҳолатларни ифодалайди. Мас., «Бугун бўлақдан катта», «Ҳар бир фуқаро қонунларга бўйсунуши шарт». Қонунларга зид бўлган, уларни ва улар-

дан келиб чиқадиган турли ҳолатларни инкор этувчи ҳукмлар ноимконийлик ҳукмлари дейилади. Мас., «Симоб дарёсининг бўлиши мумкин эмас». Қонунлар ва улардан келиб чиқадиган ҳолатларга зид бўлмаган, қонунларни ҳам, уларнинг оқибатларини ҳам ифодаламайдиган ҳукмлар тасодифий ҳукмлар дейилади. Мас., «Баъзи ҳудудларда денгиз кўпигининг тошқини бўлиши тасодифийдир». Имконийлик ҳукмлари деб, қонунлар ва уларнинг оқибатларига зид бўлмаган фикрларга айтилади. Мас., «Марсда ҳаёт бўлиши мумкин». Модал тушунчаларнинг умумий характери улардан ҳамма соҳаларда фойдаланиш имконини беради.

МОДУС (лат. *modus* — ўлчов, усул) — фалсафий тушунча бўлиб, 17-18 а.ларда Европада, хусусан, янги замон фал.сида ишлатилган. М. нарсалар атрибутидан кўра, унинг ўзига хос ўткинчи хусусиятларига эътиборни қаратиш заруратини англатади. Спиноза ўзининг фал.-ий «Ахлоқ» асарида субстанциядаги ҳамма ўткинчи ҳолатлар уни вужудга келтирган сабабга қараганда ўзидан-ўзи давом этиб туради, деб таъкидлайди ва уни М. деб атайди. М.да нарсалар ва уларнинг ўткинчи сифатлари ифодаланади. Ягона, абдий ва бениҳоя моддий субстанция ана шу нарсаларда акс этади.

МОНАДА (юн. *monas* — ягона) — қатор фалсафий таълимотларда борлиқнинг тузилишини ташкил этувчи элементларни ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча. Антик давр фал.сида бу тушунча Платон Академияси, пифагорчилар ғоялари асосида дунёни бошланғич негизлари тамойили сифатида шаклланди. Янги давр фал.си тушунчасига М.Николай Кузанский ва Бруноларнинг пантеистик талқинида киритилди. Брунода М. микрокосмос ва макрокосмоснинг ягоналиги тамойилига мутаносиб тарзда чексиз коинотни ўзиде акс эттиради. 17-а.да испан файласуф-схоласти Суарес, инглиз платонисти Мор, немис натурфайласуфи Ф.М. Гельмонтларнинг қарашларида ҳам М. тушунчаси муҳим рол ўйнаган. Лейбниц фал.сида М.лар реал мавжуд оламнинг асосларидир. Энди унинг моҳияти тубдан ўзгарди. М. мустақил мавжуд руҳининг моҳиятидир. Оламдаги барча нарсалар ягона негизга эга бўлмасдан, балки чексиз М.ларга бўйсунди.

МОНАРХ — монархия шаклидаги давлат бошлиғи, давлатнинг яқка ҳукмдори бўлган подшо, қирол, шоҳ. Ҳокимият унга одатда мерос бўлиб ўтади.

МОНАРХИЯ (юн. *monarchia*-яккаҳокимлик) — давлатни бошқариш шаклларида бири. Ҳокимият бир кишининг қўлида (одатда ҳокимият унга мерос шак-

лида ўтади) бўлган давлат тузуми ва шундай давлатнинг ўзи. Унинг чекланмаган, абсолют (ҳокими мутлақ) ва чекланган, конституцион (монарх ҳокимияти парламент томонидан қонун йўли б-н чекланган) каби турлари мавжуд (Мас., Буюк Британия, Испания, Швеция.) Баъзи мамлакатларда теократик М. шакли ҳам мавжуд (монарх айни пайтда диний бошлиқ ҳам ҳисобланади).

МОНИЗМ — фалсафада муайян ибтидо — моддий ёки руҳий субстанцияни эътироф этиш тамойили. Шунга кўра, изчил материалистлар монистик материалистлар, идеалистлар эса монистик идеалистлар деб аталадилар. Унинг зидди дуализм деб эътироф этилади (қаранг: *Декарт*).

МОНИЙ Ибн Фатак (216 — Ктесифон — 277) — монизм таълимотининг асосчиси; наққош ва рассом. Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон бўйлаб сафар қилиб, зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик каби турли диний таълимотлар б-н танишади. 240 й.дан бошлаб М. ўзининг мустақил таълимотини Эронда тарғиб қила бошлайди. Бироқ зардуштий қоҳинлари бу таълимотга кескин қарши чиқадилар. Шундан сўнг, М. асосан Марказий Осиё ерларида, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатади. М. 273 й.да Эронга қайтади ва Шоҳ Баҳром I нинг топшириғи б-н 275 й. хибсага олиниб, зиндонбанд қилинади ва 277 й.да қатл этилади. Дунё — зиё ва зулматнинг абдий кураш майдони, инсоннинг вазифаси эса, ёвузликни узил-кесил йўқ қилиш учун эзгуликка кўмаклашишдир. Бу ғоя М. ахлоқий таълимотининг асосини ташкил этади. М. ўз замонидаги билимларнинг ҳамма соҳаларини қамраб олишга уринган ва уларни ўз натурфал.си нўқтаи назардан талқин этиб, инсонларни ахлоқий ва инсонсеварлик воситаси б-н ҳаётга яқинлаштиришга ҳаракат қилган. М.нинг таълимотига кўра, жамият кишиларнинг икки категориясидан иборат. Биринчи категория — мумтоз зодагонлар (қашшоқликда яшовчи аслзодалар). Улар меҳнаткашлар қаноатландирган миқдорда моддий неъматлар олиб, зоҳидларча ҳаёт кечиришлари лозим. Иккинчи категория — меҳнаткашлар жамоаси ва савдогарлар бўлиб, улар юксак ахлоқий ҳаёт кечиришлари, ҳеч кимни (инсонни ҳам, ҳайвонларни ҳам) ўлдирмасликлари, гўштли таомлар ейишдан ўзларини тийишлари б-н зиё ҳамда эзгулик кучларининг ғалаба қилишига кўмаклашишлари лозим. М. турли дунёни эътироф этади: бири кишилар реал тарзда яшайдиган дунё бўлиб, унда адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради, инсон камолотга эриша олмайди; иккинчи дунё — «ихё дунёси» деб аталади. Бу дунё «абдий мўъжизакор» бўлиб, гўё унинг илоҳий қобиғи олмосдан ясалган, у ҳеч қачон емирилмайди ва ёвуз ниятли бирор душман унда мавжуд

бўлмайди. «Шобурақон», «Канз ул-ихё» («Тирилганлар хазинаси»), «Жабборлар ҳақида», «Силар китоби», «Авангелион», «Кефалак», «Бунгохик», («Бунгоҳанг») китоблари унинг қаламига мансубдир. М. таълимоти ўлимадан кейин кенг тарқалади. У 8-ада Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланади. Аммо кейинчалик монийлик ислом дини таъқибига учради ва аста-секин Европа ва Осиё мамлакатларида барҳам топди. 14-а.га келиб бу диний таълимот Хитойда ҳам тақиқланди. М. ўрта аср Шарқ шеърлятида машхур наққош ва рассом сифатида доимо тилга олинган.

МОНОПОЛИЯ — 1) иқтисодда: бирон-бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг аксарият қисмини ўзи реализация қилиш ҳуқуқига эга бўлган йирик корхона ёки корхоналар мажмуаси; 2) ижтимоий маънода: айрим кишиларнинг ёки гуруҳларнинг фикрлари, ғоя ва мафқураларининг мутлақлаштирилиши. Ижтимоий фикрдаги М. турли салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан, жамият аъзоларининг кўпчилигининг хоҳиш-истагига зид ҳолда бирон шахс, гуруҳ, оқим ёки партиянинг фикри бошқалар учун қонун даражасига кўтарилади. Натижада бу ҳодиса кишилардаги хилма-хил фикрлаш эркинлигини бўғиб қўяди, бунинг ўрнига баъзи қарашлар ҳукмронлиги ўрнатилади. Собиқ Иттифоқ тузуми даврида коммунистик мафкура ҳукмронлигининг ўрнатилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу мафкура ўзгача фикрловчи гуруҳлар фаолиятига тўсқинлик қилди, яккапартиявийлик тамойилига таянган ижтимоий-сиёсий тузум ўрнатилишига олиб келди. Натижада кўплаб ўз фикрига эга бўлган шахслар «ўзгача фикрловчи» киши сифатида таъқиб остига олинди. Ижод эркинлиги, сиёсий *плюрализм*, демократия каби умуминсоний қадриятлар топталди. Бу ҳол, албатта, жамият аъзолари онгида катта норозилик кайфиятини уйғотди. Оқибатда, бу ҳол ижтимоий фикрнинг монополлашуви асосига қурилган совет тузумининг емирилишига олиб келди. Бинобарин, ижтимоий-сиёсий фикрда М. бутун жамият тараққиёти талабларига зид ҳодисадир.

МОНОТЕИЗМ (юн. monas—якка, theos—худо) — якка худолик. Дастлаб руҳлар, фетишлар, тотемлар ва ҳ.к. ларга эътиқод ва сиғиниш кўринишида бўлган динлар кишилик жамияти тарихида миллатлар шаклланаётган даврларида илоҳларга сиғиниш кўринишини ола бошлаган. Дастлаб табиат ва жамиятда содир бўлувчи ҳодисаларнинг ҳар бири ўз илоҳлари томонидан бошқаришига ишонч-эътиқод вужудга келган (мас., қад. юнонларда, ҳиндларда ва ҳ.к.). Кейинчалик барча худоларга хос бўлган хусусиятлар якка худога нисбат берилди бошлади ва натижа-

да ягона худо ёки илоҳга эътиқод шаклланди. Кишилик жамияти ривожининг энг қадимги, дастлабки даврида политеистик, яъни кўп худоликка эътиқод пайдо бўлган эди. Инсоният жамиятининг ривожланиб бориши б-н кишиларнинг диний тасаввурлари ҳам ўзгариб якка худолик таълимотига асосланган монотеистик динлар вужудга келган. Миллоддан олдинги VII асрда шаклланган буддизм, VI-V асрларда Марказий Осиёда шаклланган зардуштийлик, эрамининг I асрида шаклланган христианлик ҳамда VII асрда пайдо бўлган ислом дини яккахудолик динларига мисол бўлади. Бу диний таълимотларда олам ва одам ибтидоси, борлиқдаги барча нарсаларнинг, яъни, табиат, жамият, инсон, уларнинг мавжудлиги ва ўзгариши, инсон онги ва тақдири бизни ўраб турган моддий оламдан ташқарида бўлган ягона қудратли куч — Худога боғлаб талқин этилади.

МОРЕЛЛИ (Morelly) (18-ада яшаб ижод этган)— «Ақлий коммунизм» деб аталувчи оқимнинг собитқадам вакили. Асосий асари: «Табиат кодекси» (1755 й.). Бу асар жамоа мулки ҳукм сурадиган жамият тамойилларини асослашга бағишланган. М. ўзининг наз-ий тизимларида ақлга (рационализмга) асосланади. Оқилона ижтимоий тартиботни нооқилона тузумга қарама-қарши қўяди. Ўз замонаси тузумини у нооқилона, янглишлар натижаси деб баҳолайди. Оқилона тузумни М. ишлаб чиқаришни ва тақсимотни тартибга соладиган ягона хўжалик коммунаси тарзида тасаввур қилади. М. табиат ва ақлнинг амрига мувофиқ келадиган жамиятнинг уч асосий қонунини ифодалаб берган. Улар: 1) хусусий мулкни бекор қилиш; 2) «яшаш ҳуқуқи» ва «меҳнат қилиш ҳуқуқи»; 3) барча фуқароларнинг меҳнат қилишга мажбурлигидир. М. кўпол тенглаштириш коммунизмининг типик вакилидир.

МОРЕНО (Moreno) Жекоб (1892 й. туғилган) — америкалик психиатр ва социолог, социометриянинг асосчиси. Муҳим асарлари: «Ким тирик қолади?» (1934), «Социометрия асослари» (1954). Социолог сифатида М. кичик ижтимоий гуруҳлар, мактаб ёшидаги болалар, қўшинлар, муассаса хизматчилари, самолёт экипажи ва бларнинг хатти-ҳаракатидаги психологик жиҳатларни ўрганади (микросоциология). М. асосий эътиборни одамлар ўртасида вужудга келадиган эмоционал муносабатларга, мас., бир-бирига нисбатан симпатия ва антипатия ёки бефарқлик ҳис-туйғуларига қаратаркан, кишиларнинг бу эмоцияларини, қизиқишларини ижтимоий тараққиётнинг бирламчи ва ҳал қилувчи омили сифатида тасвирлашга уринади. АҚШда капитализм кризисини англаб этган М. барча социал проблемаларни ҳал этишнинг асо-

сий воситаси — одамлар орасидаги муносабатларни, группаларнинг уюшувини уларнинг қизиқишларига ва симпатияларига мувофиқ тартибга солишдан иборат, деб ҳисоблайди. Америка жамиятини «жипслаштириш» юзасидан М. таклиф этган тадбирлар унинг хусусий мулкка, монополиялар ҳукмронлигига, дахл қилмайди.

МОРРИС (Morris) Чарлз (1901 й. туғилган) — америкалик файласуф; прагматизм ғояларини, логик эмпиризмни синчиклаб ўрганиб, уларнинг баъзи бир қоидаларини ишлаб чиқди ва уларни бойитди. Ўзининг асарларида бихевиоризм қоидаларига асосланиб, инсоннинг ижтимоий ва биологик хатти-ҳаракатини қараб чиқишга уринди. М.Пирснинг ғояларини ривожлантириб, янги фан — семиотиканинг асосий тушунчаларини ва негизларини (асосларини) биринчилардан бўлиб аниқ ифодалаб берди. Шунинг учун М. белгилар наз-яси тўғрисидаги семантика фанининг асосчиларидан бири саналади. Асосий асарлари: «Белгилар наз-ясининг асослари» (1938), «Белгилар, тил ва хатти-ҳаракат» (1946), «Инсон ҳимматининг хилма-хиллиги» (1956).

МОР (More) Томас (1478.7.2 — 1535.7.7) — инглиз гуманисти, давлат арбоби ва ёзувчиси, хаёлий (утопизм) фал.си вакилларида бири. Лондонда суд амалдори оиласида туғилди. М. дунёқарашининг шаклланиши ва ижодий фаолияти Англияда янги дворянлар табақаси — жентриларнинг тарих сахна-сига келиши, давлат абсолютизмнинг ўрнатилиши даврига тўғри келди. М. 1492—1494 й.ларда Оксфорд ун-тида таҳсил олди. Оксфорддан сўнг М.нинг дунёқарашига Эразм Роттердамский ҳам катта таъсир кўрсатди. Библия матнларини чуқур ўрганган М. уз мулоҳазаларини 1516 й.да «Давлатнинг энг яхши тузуми тўғрисида ва янги Утопия ороли ҳақида ба-ғоят фойдали, ҳам мароқли, ҳам олтин китоб» номли асариде баён этади. Китоб икки қисмдан иборат. Унинг ҳажман каттароқ бўлган ва дастлаб ёзилган иккинчи қисмида хаёлий (утопик) турмуш тарзи хусусида ҳикоя қилинса, кейинроқ битилган қисмида Англия ҳаёти танқидий кўз б-н ёритилди. Китоб муаллифнинг мавжуд ижтимоий ва маънавий воқеликка нақадар салбий муносабатда бўлганини намоён этади.

Асарнинг ўша даврда катта обрўга эга бўлган Эразм Роттердамский томонидан нашр этилиши, муаллиф мулоҳазаларининг саёҳатчи Рафаил Готлодей тилидан ифодаланиши М.га муваффақият келтирди. М. 1525 й.да Ланкастер герцоглигининг канцлери лавозимига тайинланди. Ушбу лавозимда ишлаб юрган кезлари у Англия қироли Генрих VIII эътиборини қозонди ва 1529 й.да энг юқори

давлат лавозими — Англия лорд-канцлери курсисини эгаллади. Лекин 1532 й.да унинг тақдирини тубдан ўзгартирган воқеалар содир бўла бошлайди. Ўша йили католик черковининг мислсиз бойликлари ва обрў-эътиборини эгаллашни ният қилган Англия қироли Генрих VIII черков ислоҳотларини бошлаб юборди. Христиан-католик дунёсининг маънавий яхлитлиги тимсоли бўлган М. лютерлик ислоҳотларга кескин қарши чиқди. Ўз ахлоқий тамойилларидан ва эътиқодидан воз кеча олмаган мутафаккирни 1532 й.да лорд-канцлер лавозимидан четлаштирадилар. Қирол Генрих VIII уни хиёнат қилганликда айблайди ва 1534 й.да Тауэрдаги камоқхонага зиндонбанд этади. Бир йил ўтгач, М.нинг боши танасидан жудо қилинди. Ордан уч аср ўтганидан кейин 1886 й.да ноҳақ зулм кўрган мутафаккир католик черкови томонидан авлиёлар сафига киритилди ва 1935 й.да бу ҳол қонунийлаштирилди. М.нинг ижодиёти гуманистик ахлоқий идеалнинг, инсон қадр-қиммати ва унинг эркинлиги ҳақидаги таълимотнинг ёрқин ифодаси эди. Унинг фожеали ўлими Флоренциядаги Платон академияси томонидан эълон қилинган олтин аср ҳақидаги орзу-умидлар барбод этилганидан, Эразм Роттердамскийнинг «христианча гуманизми»нинг чилпарчин бўлганидан далолат беради.

МОТИВ (лот. *moteo* — ҳаракатлантираман, француз. *motiv* — ундовчи сабаб) шахсни ақлий, амалий ҳаракатга ва хулқ-атворни амалга оширишга ундовчи, муайян эҳтиёжларни қондириш б-н узвий боғлиқ майл ёки сабабият. М.ларнинг асосий функцияси инсонни ҳаракатга ундовчи сабаблар, ички турткилар вазифасидан иборат. Одамни фаолиятга ундовчи асосий сабаб унинг эҳтиёжларидир. Бинобарин, хатти-ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи шахснинг англашилган хусусияти ҳисобланувчи, эҳтиёжни акс эттиришнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички туртки мотив. Хатти-ҳаракат ва фаолият М.ларининг мажмуаси мотивация дей.илади. М.лар эҳтиёж негизиде вужудга келади, ривожланади ва шаклланади. М. мазкур негизде ўсиб, барқарорлашиб бориб, эҳтиёжнинг мустақамланишига ёрдам беради. Эҳтиёжларнинг барқарорлашуви мотивациянинг самарали шаклланишини таъминлашга хизмат қилади. Одатда инсон фаолияти ва ҳаракатига таъсир ўтказувчи жараёнда ўзаро боғлиқ равишда эҳтиёж томонидан М. ва мақсад аниқланади. Ҳаракат фаолиятнинг таркиби бўлганлиги туфайли фаолиятнинг мақсади ва М.и орқали бошқарилади. Лекин «мотив-фаолият», «мақсад-ҳаракат», «шароит-операция» ҳолатлари ўртасида қатъий алоқа ҳукм сурмайди. Баъзан М. тушунчасини «установка», «эмоция», «мақсад» каби атамалар б-н алмаштириш ҳоллари учраб туради.

Гоҳо М. туртки, қўзғовчи, ундовчи сингари истилоҳлар б-н айнанлаштирилади. М.лар эҳтиёжнинг ифодачиси, ҳаракат ва фаолиятнинг бошқарувчиси бўлганлиги сабабли уларни шахснинг динамик хусусияти таркибига киритиш мумкин. Худди шу боисдан М.лар шахснинг йўналганлиги, мақсадга интилганлиги б-н узвий алоқададирлар. Йўналганлик М.га нисбатан кенгроқ қўламга эга бўлган тушунча ҳисобланади ва ўз навбатида М.нинг шаклланишига ёрдам беради.

МОТУРИДИЙ Абу Мансур ас-Самарқандий (тахм. 944—945 й. да вафот этган) ислом дунёсида «Ҳидоят йўлининг имоми», «Мутакаллимлар имоми» мартабасига муяссар бўлган, калом илмининг Самарқанд мактабини яратган машҳур аллома. У ўз устозлари Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Иёзий, Наср ибн Яҳё ал Балхий ва Муҳаммад ибн ал-Фазл каби зукко алломалардан ислом илоҳиёти сир-асрорларини ўрганди, мустақил ижод йўлига кириб борди. Абу Тоҳирхўжа (вафоти 1874 й.)нинг фикрича, имом М. Али ар Рустуғфаний, Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Абд ал-Карим ибн Мусо ал-Паздавий каби иқтидорли шоғирдларни вояга етказди. М. асарларида Аллоҳ, инсон ва илм масалалари етакчи ўринга эга. М. илоҳиёт соҳасини шарҳлашда кенг табиатли, гина-кудуратлардан йироқ, кек сақламайдиган, диний бегоҳатликка ўрин қолдирмайдиган, шу б-н бирга ўта эҳтиёткор мутафаккирдир. М. ўз мулоҳазаларида ўзгалар ғоялари, нуқтаи назарларини ҳолисона текшириб қўришга эринмайдиган ва ўз қарашларига мақбул келадиган диний ва дунёвий қарашларни қабул қилишни мақсадга мувофиқ билладиган инсон эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, билим икки хил кўринишда намоён бўлади. Биринчиси — Аллоҳнинг билими («ал-илм биллоҳ»). Унинг илми мутлақ ҳақиқатдир. Иккинчи кўриниши эса Аллоҳ тўғрисидаги билимларимизга тааллуқли. У «илм оллоҳ» деб юритилади. Аллоҳ, олам ва инсонни билиш бир-бирига туташ нуқталарга эга. Улар ақл, ҳиссий мушоҳада ва хабарлар орқали билинади. Хабарлар оддий, биринчи шахслардан бевосита етиб келган хабар («мутавотир хабар») ва пайғамбар томонидан етказилган хабар кўринишларига эгадир. Бунда илоҳий-ваҳий, пайғамбардан етиб келган хабарларнинг мавқеи юксакдир. Хабар б-н биргаликда жонли мушоҳаданинг аҳамияти муҳим. М.га кўра, ақл, айниқса, наз-ий билим («илму-н-назар»)нинг мақоми қудратлидир. Ақлнинг сезгилар б-н ўзаро муносабати тасодифий эмас. Бешта сезги аъзолари ва ички туйғу ақл учун гўёки хизматкор, оддий тушунча (идрок) бўла оладиган даражада яратилганлиги М. наздида кучли далилдир. Ақл ҳам ўз навбатида улар устидан назоратчи-кузатувчидир. У жонли мушоҳада ва хабарнинг

муайян вазиятда тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашда энг юқори мартабали ҳакам вазифасини бажаради. У буюк неъмат, унга ҳеч қандай нарса тенг кела олмайди. Унинг ҳукмига барча нарсалар бўйсунди, унинг олдида ўтмиш, ҳоз. замон ва келажак барабардир. Ақл туфайли олам ва Аллоҳни таниш нақадар муҳим бўлмасин, у ўзига хос камчиликка ҳам эга. М.нинг таъкидлашича, унинг биз кутмаган тирқишидан имон-эътиқод учун нохуш ҳисобланган шубҳа кириб келишга уринади. Шундай вазиятда инсон ихтиёрида ягона йўл қолади. Бу йўл — Аллоҳнинг илми. У инсон учун беҳад аҳамиятли, чунки, уни сон-саноксиз шубҳалардан асраб қолади, деб таъкидлайди М. М.га нисбатан баъзан ишлатилаётган рационализм ва сенсуализм каби ибораларни қўллаш ўринсиз. Аллома билимнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида ақл ва сезгиларнинг бир-бири б-н узвий алоқада бўлишини билишнинг муҳим тамойили сифатида қабул қилади. Машҳур илоҳиётчи аллома М. бу соҳага янги усул ва ғояларни олиб кирди. Диний бегоҳатлик, мутаассиблик анъаналарига диний донишмандликни қарама-қарши қўйди, ақли мўминларни бир-биридан узоқлаштирадиган фисқу фасодларга жавобан ақлий етукликни таклиф қилди. Диний такаббурлик, барча муаммоларни ҳал этишга ягона даъвогарлик, имон-эътиқодга ҳакамлик, ундан муайян сиёсий мақсадларни кўзлаш М.нинг диний ва дунёвий қарашларига тубдан зиддир. Собиқ иттифоқ даврида М.нинг ижодини ўрганиш таъқиқланган эди. Фақат истиқлол йилларидагина М. меросини ўрганиш имкони очилди. Президент И. Каримовнинг жонбозлиги туфайли М. номи қайта тикланди, таваллуд кунини кенг нишонланди, асарларини чоп этиш, ғояларини тарғиб қилиш мумкин бўлди. М.нинг асосий асарлари: «Китоб ат-тавҳид», «Китоб таъвилот ал-Қуръон», «Китоб баён ва умм ал-муътазила», «Китоб ал-мақомат», «Китоб ал-жадал» ва бошқалар.

МО-ЦЗИ — қадимги Хитой фалсафий мактабларидан бири бўлиб, унга Мо-цзи исмли донишманд асос солган. Бу мактаб икки аср яшади, холос. М. таълимоти бўйича осмон — ҳокимлик рамзи. Унинг намунаси — инсонпарвар шахс бўлмоғи лозим. Катта давлат кичик давлатга ҳужум қилмаслиги, қудратли оила ожиз, кичкина оилага зуғум ўтказмасликка, кучли кучсизни таламаслиги, муғомбир соддадилни алдамаслиги, таниқли танилмаганнинг устидан кулмаслиги керак. Осмон кишиларнинг бир-бирларига ёрдам беришларини хоҳлайди. Шунингдек, у ҳокимлар давлатни бошқаришга катта аҳамият бериб, ерда тартибот, адолат ҳукм сурмоғини истайди. М.лар ҳам жамиятда адолат ҳукм суриши, кишилар бир-бирига ўзаро дўстона муносабатда бўлишига даъват этганлар. Улар табиат инсонга фа-

қат ижобий муносабатда эканлигини кўрсатганлар. М. ва унинг издошлари Конфуций илгари сурган тақдири азал ғоясини рад этганлар. Осмон ҳеч кимни алоҳида ажратиб тақдирламайди. Кишилар эркин. Осмон фақат инсонлар бир-бирларини яхши кўришларини истайди. М.чилар, шунингдек, инсон нафақат ўз яқинларини, балки бегоналарни ҳам севиш керак, дейдилар. Бу б-н улар, «умуммуҳаббат» ғоясини илгари суришган. Халқ — бебаҳо бойлик. Осмон иродаси ва инсон иродаси ҳамоҳанг. М.чилар ҳар қандай урушга қарши бўлганлар, ҳар қандай низоларни уруш йўли б-н эмас, балки келишув, музокара йўли б-н ҳал этиш тарафдори бўлганлар. М. ва унинг издошлари олиб борган сиёсат нафақат ўз даврида, балки ундан кейин ҳам кўп юз йиллар давомида ахлоқ-одобнинг намунаси сифатда қаралди.

МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА — оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ички, муҳим жиҳатлари ҳамда юзаки, ташқи томонларини ифодалайдиган фалсафий категориялар. М. бу нарса, буюм, жараёнларнинг ички, муҳим, асосий, зарурий, барқарор алоқалари, томонлари муносабатларининг йиғиндисини англатади. Ҳ. эса, моҳиятнинг ташқи ифодаси, намоён бўлиши, нарса ва жараёнларнинг юзаки, нисбатан ўзгарувчан томонларини билдиради. Зеро, оламда янқа ҳужайрали тирик организмлардан тортиб, инсонгача бўлган қанчадан-қанча шакллари (ҳодисалар) борки, уларнинг бир қарашда пайқаш мумкин бўлмаган ички умумий томони, барчасига хос модда алмашинуви (моҳияти) мавжуд. Маълум М.га эга бўлмаган жисм, жараён бўлмаганидек, муайян ҳодисада ифодаланмаган М. ҳам бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, М. ва Ҳ. оламдаги нарса, жараёнларга хос ташқи ва ички томонларнинг бирлигидан иборат. Фал.да М. ва Ҳ. масаласига турлича, идеалистик, материалистик ва метафизик қарашлар мавжуд. Жумладан, олам, унинг Ҳ.лари турли ғоялар ёки сезгилар йиғиндисидан иборат деб талқин этувчилар наздида М. ва Ҳ. объектив характерга эга эмас, дейилади. Бошқалар эса бутун воқелик руҳий бошланғичга асосланади, Ҳ.лар моҳияти абсолют идеядан келиб чиқади (Гегель), М. алоҳида идеал заминдир, у Ҳ.лардан айрим ҳолда мавжуд бўлади, деб қарайдилар. Агностицизм М. б-н Ҳ.ни ажратиб ташлайди, М.га билиб бўлмас «нарсa ўзида» тартибида қарайди. Иккинчи томондан айрим фай.лар нарсалар М.ига руҳий мазмун берадилар ва бу мазмунни моддий жисмларга нисбатан бирламчи, деб ҳисоблайдилар (Платоннинг умумий М.лар ғоявий олами, Гегелнинг табиат М.нинг ифодаси сифатидаги мутлоқ ғояси) фай.ларнинг баъзи вакиллари предметларда М. б-н Ҳ.ни ажратиб кўрсатишни соф субъектив жараён деб ҳисоблайдилар (Дьюи, Лью-

ис), М.нинг объективлигини инкор этадилар, Ҳ.ни эса сезгилар б-н бир қилиб қўядилар (Мах феноменализми). Субъектив идеализмнинг вакилларида Ж.Беркли, Д.Юм ва И.Кант сингарилар реаллик сезгилар комплексидан иборат экан, демак, М. ва Ҳ. ҳам инсон ақлий фаолиятининг натижаси деб қарайдилар. И.Кант назарида, М. ва Ҳ. ўзаро бирига алоқаси бўлмаган, икки мустақил субстанция бўлиб, инсон билиш жараёнида бу «нарсa ўзида»ни ҳеч қачон билиши мумкин эмас. Кант Ҳ.ларни билишнинг ҳиссий ва рационал моментлари ўртасидаги бирлик, боғланишнинг ҳосиласидир деб эътироф этади. Бундай қарашларни, ҳоз. замон фал.сидаги неопозитивизм, прагматизм оқимлари ҳам тарғиб қилмоқда. Бу оқимларнинг намояндалари Уайтхед, Карнап, Рассел, Шиллер кабилар Кант қарашларини давом эттирмоқдалар. Табиёт ва тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, М. ва Ҳ. оламнинг мавжудлик ҳолатлари сифатида бир нарсанинг ўзаро узвий боғлиқ икки томонидир. Бир-бирдан мустасно ва алоқасиз Ҳ.лар ҳам, М.лар ҳам бўлмайди. Ҳ. М.га кўра мазмунан кенг бўлиб, ҳар бир нарса ва жараёнга хос индивидуалликни ифодалайди. М. эса чуқур алоқаларни, Ҳ.ларнинг ўзаро муносабати ва алоқадорлигидан келиб чиқувчи умумийликни англатади. М. ва Ҳ. тушунчалари ҳаммиша ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Оламда ҳеч қандай М. йўқки, у зоҳирда намоён бўлмасин ва билиб олинмасин. Шунингдек, ҳеч қандай Ҳ. йўқки, у М. ҳақида бирор-бир тўла ахборотни ўз ичига олмасин. Лекин М. б-н Ҳ.нинг бирлиги уларнинг бир-бирига тўла ва мутлақ мос келишини билдирмайди. М. ҳамда Ҳ. замирида яширинган бўлади, у нақадар чуқур бўлса, уни наз-яда билиш шу қадар оғир кечади. Агар ҳодисаларнинг юз бериш шакли б-н М. и бир-бирига мос келганда эди, у вақтда ҳар қандай фан ориқча бўлиб қолган бўлур эди. М. ни фақат абстракт тафаккур ва тадқиқ қилинувчи жараён наз-ясини яратиш асосидагина билиш мумкин. Бу ҳол билишнинг ҳиссий босқичдан ақлий босқичга сифатий сакрашдан иборат бўлиб, нарсалардаги асосий ва ҳал қилувчи нарсани очиб бериш, уларнинг тараққиёти қонунларини ифодалаш б-н боғлиқ. М. ни билиш жараёнида Ҳ. нинг ташқи қиёфасини тасвирлашдан уни изоҳлашга, сабаблари ва негизини очиб беришга ўтиш содир бўлади. М.ни билиш мезонларидан бири келажакдаги воқеаларни уларнинг ўзгаришининг муайян қонунлари асосида олдиндан кўриш мумкинлигидир. Материянинг янги структуравий даражалари асосида М.га теранроқ ўтиш содир бўлади. Инсон фикри Ҳ.дан М.га томон, айтилик, биринчи тартибдаги М.дан иккинчи тартибдаги М.га ва ҳ.к.ларга томон чексиз чуқурлашиб бо-раверади. М. б-н Ҳ.нинг ўзаро муносабатида бирлик ва хилма-хиллик диалектикаси очилади. Айни бир

М.нинг ўзи турли кўринишларга эга бўлиши мумкин. Худди шунингдек, етарли мураккаб Ҳ. материянинг турли структуравий даражаларига оид бир неча М.нинг ифода шакли бўлиши мумкин. М. Ҳ.га нисбатан барқарордир. Ҳ.да эса жамиятга нисбатан ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик ҳосдир. Лекин, пировард натижада оламдаги барча тизимлар ва жараёнларнинг М.лари ҳам табиатнинг умумий тарихий тараққиётига мувофиқ равишда ўзгариб туради. М. б-н Ҳ.нинг қарама-қаршилиги нисбийдир. Қонунлар ва чуқур муносабатларнинг ҳиссий идрок этиладиган Ҳ.га нисбатан биринчи даражадаги М.нинг юз бериши бўлади. Бу М. ҳам ўз навбатида материя структурасидаги янада чуқурроқ М.нинг ифодаси бўлади ва ҳ.к. Ҳар қандай фан ўзи тадқиқ қилаётган Ҳ.лар М.ини очиб берган ва фақат Ҳ.лар соҳасида эмас, балки М.лар соҳасида ҳам уларнинг келажакдаги ўзгаришларини олдиндан кўришга қодир бўлган тақдирдагина етукликка ва камолотга эришади. Ҳар қандай моҳият Ҳ. орқали зоҳир бўлади, Ҳ. М.га асосланади. Билиш жараёнида ҳақиқат ва унга эришиш Ҳ.дан М.га ёки биринчи даражали М.дан ундан чуқурроқ тартибдаги М.га қараб боради. Шуни ҳам айтиш керакки, фақат айрим Ҳ.ларни кузатиш асосида чиқарилган хулосалар ҳамиша илмий ҳақиқат бўлавериши мумкин эмас. Чунки воқеаларнинг юзаки кўриниши, ҳамма вақт ҳам унинг М.ини тўла ифодамай беради. Олайлик, бир вақтлар фанда оламнинг маркази Ер, Куёш ва бошқа сайёралар унинг атрофида айланади, деган геоцентрик наз-я кўп асрлар ҳукм суриб келди. Птоломейнинг бу наз-яси коинот ҳаракатини юзаки кузатиш натижаси эди. Кейинчалик 16-а.да Н.Коперникнинг гелиоцентрик наз-яси пайдо бўлдики, бунда Куёш системасининг маркази Куёш бўлиб, бошқа планеталар ва Ер Куёш атрофида айланади, деган фикр олға сурилди. Бу фикр кейинроқ И.Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни б-н ҳамда И.Кеплернинг барча планеталарнинг Куёш теварагида ҳаракат қилиш қонунларини кашф этилиши б-н янада чуқурлаштирилди ва исботланди. Бу энди юзаки кузатиш эмас, балки чуқур таҳлил қилиб, коинот ҳаракатининг М.ини англаш асосида тузилган наз-я бўлди. Ҳ. М.ни ҳеч қачон тўлалигича қамраб ололмайди, фақат айрим томонларинигина акс эттиради, холос. Шунинг учун Ҳ.ларнинг оддий мазмунига ҳамма вақт ҳам М.мос келавермайди. Агар нарсаларнинг намоён бўлиш шакли б-н М.и бевосита мос келадиган бўлса, у ҳолда ҳар қандай билиш жараёни керак эмас бўлур эди.

М. ва Ҳ. диалектикасида М. белгиловчи бўлса, Ҳ. эса М. нисбатан тез ўзгарувчандир. Конкрет шароитларда воқеаларнинг йўналишига кўра бир М. турли Ҳ.ларда турли шаклда намоён бўлиши ҳам мумкин. Мас., бугунги дунёдаги аксарият сиёсий ҳоки-

мият парламентар ёки президентлик республикаси, конституцион давлат тузилиши ва б. шаклларда кўринишга эга. Уларнинг туб моҳияти жамиятнинг бошқаришдан иборатдир. Оламда номухим, зоҳирий, юзаки томонлар тез-тез йўқолиб туради, улар М.дан фарқли ўлароқ маҳкам жойлашмаган бўлади, мустақкам сақланмайди. Ҳ.нинг бундай тез ўзгарувчанлиги М.ни конкрет шароитга мослашишини, аниқ тарзда ифодаланишини билдиради. М.нинг нисбий турғунлиги ва мустақиллиги унинг бутунлай ўзгармаслигини билдирмайди. Ички ва ташқи омилларнинг таъсирида ҳам М. ўзгаради ва у нарсанинг ёки Ҳ.нинг қуйидан мураккаб сари ривожланиш жараёнини ифодалайди. Фақат Ҳ.ларгина ўткинчи, ҳаракатчан, оқувчан, шартли чегаралар б-нгина ажралган эмас, балки нарсаларнинг М.лари ҳам шундайдир. Бу жараённи тўғри илмий тушуниш — воқеалар занжирида М. ва Ҳ.ни ажрата билиш, юзаки, ташқи кўринишга қараб айрим Ҳ.лар асосидагина хулоса чиқармасдан, уларнинг намоён бўлиш моҳиятини очиш фан ва амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Хуллас, оламдаги нарса ва воқеалар ўрганилар экан, чуқур мазмунга эга бўлган М. юзада ётмаслигини, у ҳодисалар орқали намоён бўлишини, ҳар бир Ҳ. ортида эса муҳим боғланишлар яширинганлигини эътиборда тутиш зарур. Бунда М. ва Ҳ.ни узвий алоқадорликда олиб ўрганиш лозим, фақат шундагина олам ҳақида ҳақиқатга, ҳақиқий билимга эришиш мумкин. Бу, айниқса, ҳозирги оламда мураккаб жараёнлар кечаётган даврда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

МУАММО — жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган масала. Шунинг учун ҳам, М.ни қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, янгича ечиш усули, методларини қидиришни тақозо этади. Қандай М.ларни илгари суришни, уни муҳокама қилишнинг характерини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради. М.ни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В.Гейзенберг айтганидек, М.ни ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. М.ни тўғри қўйиш учун М.ли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун М.ни ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак. М.ларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва иқтидори муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам одатда кўп ҳолларда янги М.лар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлар томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. М.ли

вазиятни таҳлил қилишга турли хил муносабатда ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил М.лар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи М.лар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий характерга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири б-н боғланиб кетган мана шундай жузъий М.лар ҳал қилингандан кейингина асосий М.ни аниқроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади. М.ларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. М.ни тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил М.лар ичидан энг муҳими ва тўғриси танилаб олишни билдиради. М.ни танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналишини ва хусусиятларини белгилаб беради. Охир-оқибатда қайси М.ни қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлиқ. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари б-н уларни ҳал қилиш воситалари ўрта-сидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади. Шу асосда билиш олди-га аниқ вазифалар қўйилади. Илмий М. одатда, маълум бир наз-я доирасида вужудга келади. Наз-я кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган М.ни умумий ҳолда белгилаш ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир М. маълум бир наз-я ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса, М. мавжуд наз-яни модификация қилишни, М.ни ечишга мослаштиришни талаб қилади. М.ни ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар қуйидагилардан иборат:

- а) мавжуд наз-ялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш;
- б) М.ни ҳал қилиш ғоялари ва методологияларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;
- в) М.ни ҳал қилиш типини, мақсадини, олинган натижани текшириш йўллари белгилаш;
- г) М.нинг негизи б-н уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин М.ни ечишга бевосита киришилади. Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, М.нинг ечилиши нисбий характерга эга. Бошқача айтганда, М.нинг мутлақ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги М.лар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд М.ни бошқача талқин қилишни тақозо этади. Мас., И.Ньютон бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини

ўқдириб ўтган эди. А.Эйнштейннинг нисбийлик наз-яси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қилади ва бу муаммо ҳақидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради. Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргача тўла очиб берилмаган. Баъзи ҳолларда М.ларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Мас., рак касалининг сабабини ўрганиш б-н боғлиқ М. ҳозиргача тўла ҳал бўлмаган. Бу албатта, айрим М.лар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни биширмайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни кўрсатади, холос ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундайди. Демак, М. ҳал қилилмагунча илмий изланиш давом этади.

МУЛК — иқтисодий категория бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва кишилар ўртасидаги муносабатларда ифодаланади. М. шакллари ривожини ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти б-н белгиланади. Жамият тарихида М.нинг икки асосий шакли — ижтимоий ва хусусий шакллари мавжуд. Бир шаклнинг бошқа шаклдан фарқи жамиятнинг иқтисодий камолоти даражасига, ишчи кучларининг ишлаб чиқариш воситалари б-н уйғунлашишига боғлиқ. Ишлаб чиқариш усуллариининг алмашилиши М. шакллариининг алмашилишига олиб келади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг М. шакллари кўпайди. Давлат М., жамоа-кооператив М., касаба уюшмалари М., диний ташкилотлар М., маҳалла М., хусусий М., шахсий М. ва ҳ.к. М.ка эгалик ҳисси давлат тузумини мустақамлашга хизмат қилади.

МУЛОҲАЗА — кишининг нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар ҳақидаги фикри ёки ҳукми. Фикр ёки ҳукм — тафаккурий фаолият тури, одам мияси ва онгининг маҳсули. Бироқ, М., онгининг ён-атрофга, борлиққа муносабати натижасида туғилади. Шунинг учун М.нинг тўғри ёки нотўғрилиги унинг мавжудликни, борлиқни қандай акс эттириши орқали аниқланади. М. интуиция б-н ҳам боғлиқ. Интуицияда инсон нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатларнинг қандай кечишини олдиндан билиши, фаҳмлаши мумкин. Бироқ, унинг тагида ижтимоий амалиёт, катта ҳаётий тажриба ётади. Шунинг учун интуиция ҳам, худди онг каби, кишининг узоқ йиллик изланишлари ва амалий тажрибаси маҳсули сифатида. М.ни юзага келтиради. Мантиқшуносликда М. қуйидагича тасниф қилинади: 1) тасдиқловчи ёки инкор этувчи М., 2) яқка, жузъий ва умумий М.; 3) шартли, фарқловчи ва қатъий М.; 4) эҳтимолий, мавжудий ва зарурий М. Агар фикр ҳолатнинг, нарсанинг маълум бир сифатларини тан олишга қаратилган бўлса, у тасдиқловчи М., агар фикр бу сифатларни

рад этишга йўналтирилган бўлса, инкор қилувчи М. дейилади. Нарса, воқеа ва ҳолатлар ўзларининг якка, жузъий ва умумий хусусиятларига эга. Якка хусусият айнан шу нарсага тааллуқли, айнан шу ҳолатда намоён бўлади. Агар бу хусусият бошқа нарсаларга воқеа, ҳодиса ва ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлса, у гуруҳга, тоифага, туркумга хос бўлган жузъий хусусиятларни юзага келтиради. Агар бу хусусият бир гуруҳ, тоифа, туркум доирасидан чиқиб, бошқа гуруҳ, тоифа ва туркумларга ҳам тааллуқли бўлса, у ҳар хил доираларга оид умумий хусусиятга айланади. Бу хусусиятлар ўз кўринишларига мос М.ни уйғотади. Шартли М. фикрни бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар б-н шартли тарзда, боғланиб келишидан ҳосил бўлади. Мас., у истаган ин-тга кириши мумкин эди. Унда М. воқеа-ҳодисаларни бўлақларга ажратиш натижасида ҳосил бўлади. Мас., у ё яхши билими туфайли, ё яхши хотираси туфайли аъло баҳо олган. Қатъий М. нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар ҳақида чиқариладиган якуний фикр, ҳукм ҳисобланади. Эҳтимолий М. нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатларнинг ёки улардаги маълум бир хислатларнинг бўлиш ёки бўлмаслик эҳтимолидан келиб чиқиб билдириладиган фикрдир. Мавжудий М. ана шу нарса ва ҳолатларнинг ёки улардаги маълум бир хусусиятларнинг борлигини тан олган фикрдир. Зарурий М. эса улардаги маълум бир хусусиятларнинг ҳар қандай ҳолатда сақланишини эътироф этадиган фикр ҳисобланади. М., субъектив нуқтаи назардан — шахсий, гуруҳий, кўриниши нуқтаи назардан — субъектив ва объектив, мавзулари нуқтаи назардан — илмий, бадий, диний, фал-ий ва б.ларга бўлиниши мумкин. М.ни фал-нинг билиш наз-яси ва матншунослик соҳалари кенг тадқиқ этади.

МУЛОҲАЗАЛАР МАНТИҒИ — классик (мумтоз) мантиқнинг энг оддий бўлими ҳисобланиб, ўрганиш объектини мулоҳазалар устидаги амаллар ташкил этади. Мулоҳаза эса, чин ёки хато деб баҳоланадиган гапдан иборат. Таркибига кўра оддий ва мураккаб мулоҳазалар фарқ қилинади. Оддий мулоҳаза деб уни ташкил этувчи қисмлар мулоҳаза бўла олмайдиган фикрга айтилади. У, одатда, қисмларга (бошқа мулоҳазаларга) бўлинмайдиган мантиқий объект деб қабул қилинади. Мас., «Форобий ўрта асрнинг буюк мутафаккиридир», деган мулоҳаза оддий мулоҳазадан иборат. Оддий мулоҳазалардан мантиқий боғламалар (конъюнкция, кучли ва кучсиз дизъюнкциялар, импликация, эквиваленция ва инкор) ёрдамида мураккаб мулоҳазаларнинг мантиқий қиймати (чин ёки хатолиги) уларни ташкил этаётган оддий мулоҳазаларнинг мантиқий қийматига ва мантиқий боғлама маъносига боғлиқ. Мураккаб мулоҳазаларнинг структураси М.м. тили деб аталадиган махсус формалашган тил ёрдамида таҳ-

лил қилинади. Формулалар унда муҳим ўрин эгаллайди. М. м. формулаларини индуктив йўл б-н аниқлаш қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратишни тақозо этади: 1) ҳар қандай пропозиционал ўзгарувчи формуладир; 2) агар р-формула бўлса, унда (р эмас) ҳам формуладир; 3) агар р ва q-формулар бўлса, $r \wedge q$, $r \vee q$, $r \supset q$ (\supset — кучли дизъюнкцияни билдиради), $r \rightarrow q$, $r \leftrightarrow q$ лар ҳам формулалар ҳисобланади. Қайд этилган қоидалар у ёки бу ифоданинг М.м. формуласи эканлигини аниқлаш учун етарли ва зарурдир. М.м.даги мавжуд формулаларни учта турга ажратиш мумкин. 1). Бажарилувчи ёки нейтрал формулаларни ташкил этувчи пропозиционал ўзгарувчиларнинг қандай қийматлар бирлашмасидан иборат бўлишига боғлиқ ҳолда улар чин ёки хато бўлиши мумкин. Қуйидаги формулалар унга мисол бўлади: $(r \wedge q) \rightarrow r$; $(r \vee q) \wedge \neg q$. 1) Айнан чин формулалар таркибидаги пропозиционал ўзгарувчиларнинг қандай қийматларга эга бўлишидан қатъий назар, доимо чин бўлади. Мас., қуйидаги ифодалар айнан чин формулалардир.

$P \rightarrow (p \vee r)$; $\neg (p \rightarrow q) \rightarrow (p \wedge \neg q)$. Айнан чин формулалар мантиқ қонунларини ифода этадилар. Уларни қидириб топиш М.м.нинг асосий вазифаларидан бирини ташкил этади. Бирорта формуланинг айнан чинлигини исботлаш юритиладиган муҳокамани тўғри деб ҳисоблаш учун етарли асос бўла олади, чунки у формула мазкур муҳокаманинг формалашган ифодасидир. 2). Айнан хато формулалар таркибидаги пропозиционал ўзгарувчилар чин қийматларининг ҳар қандай тўпламида фақат хато бўлади. Қуйидаги ифодалар айнан хато формулаларга мисолдир: $p \wedge \neg p$; $\neg ((r \wedge q) \rightarrow (q \wedge r))$.

Улар айнан чин формулаларнинг инкоридан иборат бўлиб, муҳокамадаги мантиқий зиддиятларни ифода қиладилар.

М.м.да ихтиёрий формуланинг мавжуд турлардан қайси бирига тегишли эканлигини унинг мантиқий қийматини (чин ёки хатолигини) топиш орқали аниқлаш мумкин. Формулалар қийматини аниқлаш йўлларида бири жадвал ёки матрица усулидир. Унинг моҳиятини формула қийматини (чин ёки хатолигини) унинг таркибидаги пропозиционал ўзгарувчилар қиймати ва уларни ўзаро боғлаб турадиган мантиқий функторларнинг (конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эквиваленция, инкор) жадвали ёрдамида аниқланган семантик маънолари б-н боғлиқ ҳолда топиш ташкил этади. Бу М.м.нинг жадвал усули шаклида, натурал (табиий) хулоса чиқариш тизими (ёки аксиоматик тизим) сифатида қурилиш мумкинлигини кўрсатади. Натурал хулоса чиқариш тизими (НХЧТ) шаклидаги М.м. табиий муҳокама юритишга яқин турган хулоса чиқариш қоидалари асосида қурилади. Хулоса чиқариш қоидаларидан фойдаланиш муҳокаманинг тўғри қурилишини таъминлайди. Улар чин хулосаларга эришиш-

нинг зарурий шарти бўлса-да, лекин етарли эмас, НХЧТ бўйича хулоса чиқаришда чин натижаларга эришиш учун асосли (исботловчи) муҳокама юриштиш талабларига ҳам риоя этиш зарур. Формаллашган тизимда исботлаш деганда формулаларнинг муайян бир изчиллиги тушуниб, унда, одатда, ортиқча мулоҳазалар чиқариб ташлангандан кейин, хулоса айнан чин формула (теорема)дан иборат бўлиб қолади. Исботлашда чин асослардан чин хулоса чиқади; хулоса хато бўлганда, асосларнинг чин бўлиши мумкин эмас, деган фикр назарда тутилади. НХЧТнинг асосий, мантиқий хусусиятлари унинг зиддиятсизлиги ва тўлалигидан иборат. Системанинг зиддиятсизлиги ундаги ҳар бир формуланинг айнан чин ифода эканлигини, яъни унда A ва \bar{A} ни исботлаб бўлмаслигини билдиради. Тизимнинг тўлаллиги эса, унинг ўзида мантиқ қонунларини мужасамлантирган ҳар бир формулани (теоремани) исботлаш учун етарли мантиқий воситаларга эгаллигини англатади. Аксиоматик тизим тарзида қурилган М.м. тилга оид қисм б-н бир қаторда ўз ичига тизимда аксиомалар функциясини бажарувчи айнан чин формулаларни ҳам олади. Бошқа барча формулалар, улар фақат тизим аксиомаларидан келиб чиқсагина ёки таъриф ёрдамида киритилсагина, қабул қилинади. М.м.ни аксиоматик тизим тарзида қуришда турли хил аксиомалар ва бошланғич мантиқий символлардан фойдаланиш мумкин. Аксиоматик тизимлар бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, охиروқибатда дедуктив нуқтаи назардан эквивалентдирлар. Бошқача айтганда, бир тизимга мансуб ҳар қандай теорема, бошқа тизимнинг ҳам теоремаси бўла олади.

МУНАВВАРҚОРИ Абдурашидхонов (1878—1931)—адиб, муҳаррир, маърифатпарвар, жамоат арбоби, Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида ўқиган, сўнгра таҳсилни Бухорода давом эттирган. М. 19-а.нинг охиридан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок эта бошлади. 1901 й. ўз ҳовлисида, кейинчалик Тошкентнинг турли даҳаларида жадид мактабларини очади. Бу мактаблар учун 1907 й.да «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликларини яратади. «Тажвид ул-Қуръон», «Ер юзи» сингари қўлланмаларни тузиб нашр этади. Болалар учун қатор шеърий ва нарий ҳикоялар ёзади. 1909 й. Тошкентда «Жамияти хайрия» уюшмасини тузади ва «Турон» номли жамиятни очади. М. 1906 й. дастлабки ўзбек матбуоти намуналаридан бири «Хуршид» газетасини нашр этади. Кейинчалик «Нажот», «Кенгаш» газеталарида бош муҳаррир, «Садои Туркистон»да эса бўлим муҳаррири бўлиб хизмат қилди. М. 1917 феврал инқилобидан кейин Туркистонда демократик миллий давлатчилиكنи тузиш ғоясини илгари сурди. У Қўқонда ташкил топган Туркистон мухториятини

қўллаб-қувватлади. 1918 й.нинг апрелида Туркистон халқ дорулфунунининг асосчиси бўлди ва унинг ректори этиб сайланди. Унинг саъй-ҳаракати б-н 1918 й. 2 июнда дорилмуаллимин иш бошлайди. У 1918 й.да «Турк ўчоғи» илмий-маърифий жамиятини ташкил этади. М. «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» яширин ташкилотларига раҳбарлик қилди. У 1929 й.да қамоққа олинди ва 1931 й.да истибод қурбони бўлди. Истиқлол туфайли унинг номи қайта тикланди, асарлари чоп этилиб, меросини ўрганиш учун кенг имконият очилди.

МУНИС Хоразмий (асл исми Шермуҳаммад Авазбий ўғли, 1778 — Хива — 1829) — ўзбек маърифатпарвар шоири, тарихчи ва таржимон. Отаси Авазбий Хива хони саройида бош мироб бўлган, фан ва маданият арбобларини қўллаб-қувватлаган. М. Хива мадрасаларида, шунингдек, даврнинг машҳур олими Саидшонхўжа ҳузурда таълим олган. Араб, форс тилларини пухта ўрганган. Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Бедил, Ҳофиз, Лутфий, Навоий каби мутафаккир шоирлар ижодидан баҳраманд бўлган. 1800 й.да М.нинг отаси вафот этгач, Хива хони Аваз Иноқ уни саройга котибликка таклиф этади, сўнг отаси ўрнига бош мироб қилиб тайинлади. Саройда М. давлат арбоблари, машҳур олимлар, шоирлар, санъаткорлар б-н мунтазам мулоқотда бўлиб турди. Шоир дастлабки шеърларини 1804 й.да «Девони Мунис» китобига жам этади. Шу йили хат санъатига бағишланган салмоқли «Саводи таълим» номли шеърий асарини ёзди. 1806 й.да Хива хони Элтузархон М.га Хива хонлиги тарихи ҳақида китоб ёзишни топширади. Ўша йили хон фожиали ҳалок бўлади, унинг ўрнига Муҳаммад Раҳимхон тахтга ўтиради (1806—1825). 1815 й.да М. 17 минг мисрага яқин шеърларни ўз ичига олган янги девон тартиб беради ва уни «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») деб номлайди. Девонга шоир ўзининг кейинги йилларда яратган шеърларини ҳам киритиб, 1820 й.да ниҳоясига етказди. Девон М.нинг асосий бадиий мероси ҳисобланади. Унда жамланган ғазал, мухаммас, қасида, рубоий, қитъа ва бошқа жанрларга оид асарлар жами 80 минг мисрадан ортиқ. Бир қатор шеърларида шоир айрим маҳаллий амалдорлар ва ақилапараст шайхларнинг кирдикорларини фош этса, бошқаларида шоҳларни адолатга чорлайди, зулм ва зўравонликни қоралайди, оддий заҳматкаш халқнинг ночор турмушига ачинади, кишиларни ҳақгўй, адолатли, ўзаро ҳамкор ва садоқатли бўлишга ундайди («Сўз», «Шуаро», «Адолат», «Рўза», «Рамазон», «Ийд», «Абас», «Бу замон ичра», «Эй фалак» ва б.). М. Хива хонлари тарихига оид «Фирдавс ул-иқбол» асари устидаги ишларини давом эттиради. 1819 й. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Сафо боғи») ки-

тобини таржима қилишга киришади. М. «Равзат ус-сафо»нинг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилади. Унинг вафотидан кейин бу ишни ҳамда унинг «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асарини (1812 й.дан 1825 й.гача бўлган воқеалар баёнини) шогирди ва жияни Муҳаммадризо Огаҳий (1809—1874) охирига етказди.

МУНОФИҚЛИК — ахлоқий категория, муайян инсон фаолиятида қатъий ахлоқий тамойилларнинг шаклланмаганлиги, унинг маънавий-руҳий жиҳатдан барқарор эмаслиги, феъл-атворида ижобий ахлоқий меъёрлар камол топмаганлиги ва амалий фаолиятида бу борада ўзига хос номутаносиблик мавжудлигининг ифодаси. М.га аввало, шахснинг ўзи, қолаверса, жамият учун катта хавф туғдирувчи иллат сифатида қарамоқ керак. Ҳадисларда ҳам М. кечирилиб бўлмас иллат сифатида қораланади. М.нинг келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири тарбиядаги нуқсонлар, ёшлар тарбиясига бўлган эътиборсизликдир. Халқимиз мунофиққа нисбатан «Дили бошқа-ю, тили бошқа» деган нақлни қўлайди.

МУНЬЕ (Mounier) Эммануэль (1905—1950) — француз файласуфи, француз персонализмининг асосчиси ва етакчиси, «Espit» журнали ташкилотчиси. М. шахснинг мутлақ қадриятларини эътироф этишни ўз наз-яси асосига қўяди, шахс тушунчасини индивид тушунчасидан кескин фарқлайди: индивид инсоний «Мен»дан ажралган, ўз қобигига ўралашиб қолган, ўзининг ички олами б-н овора инсондир; шахс эса ўзида мунтазам равишда фаолликни рўёбга чиқарадиган юксак маънавий моҳиятдир. Ўз ўзини реаллаштиришга, трансцендетликка бундай интилиш шахс томонидан индивидуал «ўзлиги»ни инкор этишдир. М.нинг персонализми католик модернизмни христиан социализми нуқтаи назаридан танқид қилади. М. ижтимоий-сиёсий масалада капитализм ва колониализмга, фашизмнинг юзага келишига қарши чиқди, тинчлик тарафдори сифатида инсониятнинг эркинлиги ва озодлигини маънавий янгилашишида кўради. М. айни вақтда марксизмнинг синфий кураш таълимотига қарши персоналистик ва жамоавий маънавий инқилоб ғоясини илгари сурди.

М.нинг асосий асарлари: «Персоналистик ва коммуитар инқилоб» (Мақолалар тўплами, 1935); «Капиталистик мулкчиликдан инсоният мулкчилиги сари» (1939); «Характер тўғрисида трактат» (1946); «Экзистенциализмга кириш» (1946); «Персонализм» (1949).

МУРАККАБ ҲУКМЛАР — терминлари бирдан ортиқ бўлган ҳукмлар. М.ҳ. «ва», «ёки», «агар унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал

терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига кўра, М.ҳнинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

МУР (Moore) Жорж Эдуард (1873.4.11, Лондон — 1958.24.10, Кембриж) — инглиз файласуфи, нео-реализм вакиллари. «Минд» журналининг бош муҳаррири (1921—47). Беркли таълимотига ва инглиз мутлақ идеализмига қарши бўлган. «Идеализмни рад этиш» (1903) мақоласида сезгини таҳлил этиб, унинг икки жиҳатини — «онг» ва «объект» томонларини аниқ фарқлаб кўрсатган. Инъикос наз-ясини рад этиб, билишдаги бевоситаликнинг элементларини мутлақлаштирган. Шотланд мактаби таъсири остида «соғлом фикр» мушоҳадаларининг ҳақиқат бўла олишини эътироф этган ва бу масалаларни тадқиқ қилишни кундалик тил муаммоларини таҳлил қилиш б-н биргалликда олиб борган. М. ғоялари лингвистик фал.нинг манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. М.нинг ахлоқий концепцияси индивидуаллик хусусиятини касб этган ҳолда, «эзгулик»ни объектив, рационал тушунча, деб қараган ахлоқий натурализмни танқид қилишга асосланади. М.нинг фикрича, эзгулик асос бўлувчи ахлоқий категория бўлиб, унинг мазмуни фақат интуиция ёрдамидагина аниқланилади.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК — кучли давлатлар томонидан зўрлик б-н эгалланган мамлакат ёки ҳудудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш ғояси асосидаги ўзга халқ ёки мамлакатларни босиб олиш, талаш сиёсати. Тарихдан М.нинг империяларнинг шаклланиши ва ўзга давлатларни босиб олиши б-н боғлиқ эканлиги маълум.

20-а. бошига келиб, деярли бутун дунё йирик мустамлакачи давлатлар (Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Испания, Нидерландия, Португалия, АҚШ, Япония, Россия) томонидан босиб олинган эди. Мустамлака мамлакатлар б-н бир қаторда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан заиф ва қарам бўлган ярим мустамлакалар ҳам мавжуд эди. Ҳукмрон кучлар ва уларнинг монополистик бирлашмалари мустамлака ва қарам мамлакатлардан хом ашё манбаи, даромад олиш бозори, сармоя қўйиш соҳаси, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар ҳамда янги жойларни эгаллаб олиш учун таянч майдони сифатида фойдаландилар. Мустамлака ва қарам ўлкаларнинг халқларини эксплуатация қилиш ва эзиш ҳисобига мустамлакачилар катта даромадга эга бўлди. Қарам ўлкалар эса аграр хом ашё етиштириладиган бир томонлама ишлаб чи-

қаришга асосланган қолақ иқтисодиёт б-н қолавердилар.

Мустамлакачи давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олишга бўлган интилиши 1914—1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқишга олиб келди. Уруш оғриқларидан азият чекаётган халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари кучайиб борди. Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945)дан сўнг эса, жаҳон М. тизимининг тез емирилиши ва қулаши бошланди. Мас., «Африка йили» деб ном олган 1961 йилда Африканинг 21 та давлати мустақилликка эришган эди. Ўтган даврда мустамлакачиларнинг қаттиқ қаршиликларига қарамай, кўплаб мустамлака ва қарам давлатлар озодликни қўлга киритдилар ва ўзларининг сиёсий ҳамда иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаб бормоқдалар. М. барҳам топган ҳоз. шароитда, реакцион мустамлакачи кучлар ҳали ҳам турли усуллар ва шаклларда ўзларининг иқтисодий ва сиёсий мавқеларини сақлаб қолишга интилоқдалар. Ўзбек халқи ҳам ўз бошидан М.нинг аянчли даврини ўтказди. Аввал Россия империяси, сўнг собиқ совет империясининг М. сиёсати мамлакатимиз тараққиёти учун тўсиқ бўлиб келди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган бўлсада, қўлга киритилган истиқлолни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Зеро, ўз таъсир доирасини сақлаб қолмоқчи ёки қарам қилишни орзу қилаётган мустамлакачи кайфиятдаги сиёсий кучлар ватанимиз бойликлариغا, халқимиз озодлигига кўз олайтиришни қўймаптилар. Ўз манфаатларига эришиш йўлида ҳар қандай усул ва найранглардан фойдаланувчи, М. гоёлари б-н қуролланган кучларнинг асл қиёфасини очиб ташлаш, уларга қарши мафкуравий имунитетни шакллантиришда миллий истиқлол гоёсининг имкониятларидан тўла фойдаланиш давр талабидир.

МУСТАҚИЛЛИК — 1) Тазйиқдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида М. атамаси одатда истиқлол сўзи б-н яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараёни акс эттиради. М. «ихтиёри ўзида бўлган, тобе эмаслик, қарам бўлмаслик, ўзганинг ёрдамсиз ва раҳнамолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган» маъноларни билдиради. Мамлакатимиз 1990 й. 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг II сессиясида «Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинган. Унда ўзбек халқи давлатчилиги тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида республикамизнинг давлат М.и эълон қилинди. Олий Кенгашнинг 1991 й. 31 августда навбатдан ташқари VI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақил-

лиги тўғрисида Баёнот» берилди. Ўзбекистон Республикасининг давлат М.ининг асосий ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, у 1992 й. 8 декабрда Олий Кенгашнинг 12-қақриқ 11-сессиясида қабул қилинган. Унинг нафақат иқтисодий М.и, балки сиёсий, маънавий тараққиётнинг илмий-наз-ий ва амалий жиҳатларини таъминловчи тамойиллар Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган. М. йилларида шаклланиш йўлига кирган миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб, уларни умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда илғор, тараққийпарвар гоёлар б-н бойитиб, мамлакатимиз ўз олдида қўйган эзгу мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттиради. Унинг воситасида ҳар бир давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади. Мамлакатимиз М.ининг бугунги бош стратегик мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бунда қуйидаги бир қатор соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда:

Иқтисодий соҳада барча соҳа ва тармоқларда эркинлаштириш жараёнини изчиллик б-н амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.

Сиёсий соҳада жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини ошириш — мамлакатимизда амалга оширилаётган бу борадаги ислохотларнинг энг асосий йўналишларидир.

Ижтимоий соҳада жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳоз. шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш асосий тамойиллардан бири бўлиб қолаверади.

Маънавий соҳада илм-фан ютуқларини амалий ишлар б-н бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик асосий вазифалардир.

М. нафақат жамият ва давлат ҳаётининг асосий мезони, балки ҳар бир инсон, фуқаро умрининг мазмунини ҳам белгилайди. Ана шу маънода у нафақат имконият, балки юксак масъулиятдир.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ — мустақиллик кунини нишонлаш. М. ҳар бир халқнинг азалий ва муқаддас орзуси. Шунинг учун М. кунини барча озод, эркин, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз қонуний ўрнига эга бўлган халқлар томонидан энг улуғ миллий байрам сифатида нишонланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам 1991 й. 31 августда ўз давлат м.ини қўлга киритди. 1 сентябр М. кунини — М.б. деб эълон қилинди. Бугун у Ўзбекистонда энг муқаддас, энг улуғ миллий байрам. М.б. Ўзбекистон Республикасининг 1992 й. 3 июлда қабул қилинган «Байрам кунлари ҳақида»ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 й. 21 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддасига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида нишонланадиган байрам (дам олиш) кунлари қаторидан ўрин олди. М.б. бутун халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва кўтаринки руҳ б-н кенг нишонланади. Айни шу кунини эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинади, келажак сари дадил одимлар белгиланади. Давлатимизнинг олий мукофотлари берилади.

МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯСИ — мустамлакачилик асолатида бўлган миллат ва халқларни, уларга мансуб бўлган илғор кишиларни озодликка, ўз эркини қўлга киритишга ундайдиган ғоя. Ана шу ғоя асосида улар эзгулик ва озодлик учун курашга отландилар, ана шу йўлда жон фидо қиладилар. Бу борада замон, давр ва ҳудуднинг ўзгариши воқеалар жараёнини ўзгартирмайди, яъни жамият тараққиётининг ҳар бир даврида М.ғ. асосан бир хил тамойилларга (эрк ва озодлик учун курашга) таянган фаолият учун маънавий омил бўлган. Мас., милотдан илгари македониялик Искандар ёки ўрта асрларда Чингизхон босқинидан сўнгги истибоддан қутулиш учун халқимизнинг кураши ана шундай тамойилларни акс эттиради. М.ғ. асосидаги кураш ниҳоясида истиқлолга эришилганидан сўнг бу ғоя ушбу мустақилликни мустақкамлаш, авайлаб-асраш йўлидаги маънавий омилга айланади.

МУТАКАЛЛИМЛАР — ислом дини фалсафаси калом илми тарафдорлари. М. ислом дини йўналишида вужудга келган турли муҳолиф таълимотлар, хусусан, мўътазила таълимотига қарши кураш жараёнида вужудга келиб, ислом ақидаларини наз-ий-фалсафий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган.

МУТЛАҚ ВА НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ — билиш категориялари. Ҳақиқатни кашф этиш ёки илмий ҳақиқатга эришиш билиш жараёнининг асосий вазифасидир. Инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келиши, уни тўғри акс эттиришидан иборат бўлган ҳақиқат объектив, оддий, илмий, тарихий бўлиши б-н бир қаторда мутлақ ва нисбий шаклда

намоён бўлади. Чунки инсон дунёдаги нарса ва ҳодисаларни бирданга эмас, балки аста-секин билади. Инсон ҳамма вақт борлиқни, табиатни, жамиятни, охиригача билиш томон яқинлашиб боради. Лекин у олам, нарса ва ҳодисаларни тўла-тўқис билиш даражасига эриша олмайди, уларни бутунлай қамраб ололмайди. Билиш билмасликдан билишга, мукамал бўлмаган билимларнинг мукамаллашиб, тўла бўлмаган ва чала билимларнинг тўла ва аниқ билимлар бўла боришини акс эттирувчи чексиз жараёндир. Ана шу жараёнда ҳақиқат муаммоси ўз мазмунига кўра мутлақ ва нисбий шаклда намоён бўлади. М. ҳ. деб инсоннинг объектив дунё тўғрисидаги тўла ва келгусида рад этилмайдиган билимларига айтилади. Мас., модданинг сақланиш қонуни, энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланиши ёхуд дунёдаги нарсаларнинг бизга маълум бўлган химиявий элементлардан таркиб топганлиги, ирсият ва ўзгаришчанлик, табиий танланиш қонунлари, Қуёш тизими сайёраларининг ҳаракат қилиши, жамиятнинг доимо олға қараб, илгарилаб тараққий қилиб бориши кабилар М. ҳ.га мисол бўла олади. Н. ҳ. инсоннинг объектив дунё тўғрисидаги тўла ва аниқ бўлмаган, унинг тахминан тўғри акс эттирадиган, инсоният билимининг сўнгги тараққиёти жараёнида аниқланиши, чуқурлашиши асосида тобора тўла-роқ, аниқроқ бўладиган билимларнинг жамига айтилади. Мас., элементар заррачалар тўғрисидаги билимлар Н.ҳ., чунки улар аниқланиб, ривожланиб бормоқда. Коинот тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам баъзилари тасдиқланиши ёки баъзилари рад этилиши мумкин. Шунинг учун бу билимларимиз ҳам Н.ҳ.дир.

МУШОҲАДА (араб. — гувоҳ бўлиш, кузатиш) — билишга оид тушунча; инсонни ташқи олам б-н бевосита боғловчи маънавий-ҳиссий фаолият; оламни бевосита (кўз, қулоқ, бурун, тана б-н) идрок қилиш жараёни. М. идрок этиш ва кузатиш жараёни шаклланган маъно ва тасаввур самарасидир. Фалда М. куйидаги турларларга ажратилади: 1. Сизгилар б-н қабул қилиш; 2. Умуман идрок тарзида мушоҳада қилиш; 3. Борлиқни тажрибада тушунчаларга мурожаат қилмай ўзлаштириш. М.нинг бошқа маънодаги сезгилар б-н боғлиқ бўлмаган, маъноли ғояни, қадриятни ва ҳақиқий буюмларни англаш тарзида талқини куйидагича: а) мантикий ва математика тусидаги соф М.; Платонча М., яъни ғоянинг бевосита шаклланишининг ички жараёни; б) одоб тамойиллари ва меъёрларини эгаллаш сифатидаги; в) мутлақ ақл-заковат б-н М. қилиш. Демак, М. инсоннинг ташқи оламини англашда, одам ва олам ҳақида тўғри дунёқарашни шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Фақат уни ўринсиз, амалиётдан ажраган ўй-хаёллар б-н аралаштириб бўлмайди.

МУҲАББАТ (араб. «севиш» ва «севилиш») — ахлоқшунослик, руҳшунослик, санъатшунослик ва педагогика фанларига алоқадор тушунча. М. севгининг икки субъектда бирдай намоён бўлиши. М.ни фақат ишқ, севиш, ёқтириш (яхши кўриш) маъносидагина талқин қилиш бирёқламалиқдир. Мифологияда эзгулик йўлидаги жасорат ва қаҳрамонлик манбаи М.дир, деган дунёқараш ётади. Қад. ҳинд ва юнон фал.сида М. самовий ҳодиса деб тавсифланган. М. диний дунёқарашда ўзига хос талқин этилади. Христианликда душманни севиш, шу йўл б-н инсонлар орасидаги бегоналикка барҳам бериш ақидаси илгари сурилган. Ҳалоскор Исони севган киши бошқаларни ҳам сева олади. Исломда Аллоҳга, иймонли кишиларга М. гоёси устувор гоёлардан ҳисобланади. Ислом анъаналари ўзида кўпгина умумбашарий қадриятларни бирлаштиргани учун инсоннинг Аллоҳга ва б. инсонга М.ни унинг моҳияти б-н боғлаб тавсифлайди. Алишер Навоий наздида М. ҳар қандай ғараздан холи меҳр кўрсатишда фидоийликдир. М. ўрта асрлар фал.сида билиш жараёнининг ибтидоси ва шартидир. Мас., Авлиё Августиннинг фикрича, инсон қанчалик севса, шунчалик била боради. М. буюм ва кишиларни англаб олишга йўл очади. Инсон моҳиятини, унинг маънавиятини мукамал ўрганиш натижасида М.ни фал-ий тушунишнинг янги қирралари очилмоқда.

МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ (571.21.4, Макка — 632.8.6, Мадина) — диний талқинга кўра сўнгги пайғамбар (ислом ва бошқа китоб тушган асосий диний таълимотларга кўра), Аллоҳнинг элчиси (расулуллоҳ), тавҳиднинг (якка худоликнинг) асосчиси. Ислом олимлари ва тарихчиларининг маълумотларида пайғамбар туғилиши ва вафоти ҳақида фарқлар бор. Бу саналар адабиётларда турлича келади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Фил воқеаси»нинг биринчи йили, рабиъ ул-аввал ойининг 12-куни, душанба тонгида, Макка шаҳрида Қурайш қабиласи, ҳошимийлар уруғидан бўлган Абдуллоҳ оиласида дунёга келган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг насаби Иброҳим (а.с.)нинг тўнғич ўғли Исмоил (а.с.)га бориб тақалади. Исмоил 21 ёшида журҳум қабиласидан миллати араб бўлган Аммора исмли қизга уйланади ва араблашади. Исмоил ўғилларидан аднонийлар, улардан мударийлар, улардан қурайшийлар авлоди тарқалади. Муҳаммад (с.а.в.) 25 ёшга тўлганида Хадичага уйланади. Муҳаммад (с.а.в.) 40 ёшга етганида Ҳиро тоғида биринчи ваҳий (Жаброил воситачи) тушади ва Қуръоннинг ilk оятлари (қаранг: Қуръони карим) нозил бўлади. Янги динга биринчи бўлиб аёллардан Хадича, эркаклардан Абу Бакр (р.а.), болалардан Али ибн Абу Толиб, асранди ўғли Зайд қирадилар. Кейин-

роқ, Макканинг нуфузли кишилари: Зубайр, Талҳа, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффонлар динни қабул қиладилар. Амир Ҳамза б-н Умар (р.а.)нинг иймон келтириши исломни қувватлантиради. Муҳаммад (с.а.в.) тарғиботининг бешинчи йили мусулмонлар сони 300 тага етади. Мавжуд ижтимоий шароитда мусулмонлар сафини ортгани сари, уларга қаршилик ҳам кучайиб боради. Бунинг натижасида кўп саҳобалар Ҳабашистон (Эфиопия)даги Нажоший ҳузурига кўчиб борадилар. Тарғиботнинг ўнинчи йили Муҳаммад (с.а.в.)нинг аёли Хадича ва амакиси Абу Толиб оламдан ўтади. Асосий таянчидан маҳрум бўлган пайғамбар ва унинг биродарларига Макка бутпарастлари томонидан тазйиқ кучаяди. Мил. 622 й.и пайғамбар ўз сафдошлари б-н Мадинага кўчиб ўтади. (Исломнинг ҳижрий санаси мана шу вақтдан бошланади). Ҳижрат қилган мусулмонлар — муҳожирлар, кутиб олган мадиналиклар — ансорлар (ёрдамчилар) деб аталган. Пайғамбар бошчилигида Мадинанинг Қўбо даҳасида масжид қурилган. Кейинроқ, Мадина шаҳрида ҳам масжид бино қилинган. Шу ерда Қибла тайин қилиниб, мусулмонлар Маккага (Каъбага) қараб намоз ўқий бошлайдилар. Ҳижратнинг 2-й.и жиҳод фарз қилинди. Муҳаммад (с.а.в.) иштирок этмай, лашкар юборган жанглар «сураййа» деб номланган. Мусулмонлар қарийб 20 ғазот ва 50 сураййа жангида бўлганлар. Пайғамбар чет қабилаларга юриш уюштирганда аёлларни, кексаларни, болаларни ўлдирмай, фақат қурол б-н қарши чиққан бутпарастлар б-н курашишни буюрган. Бу амалга Асри саодат (пайғамбар яшаган давр) ва Хулафои Рошидин (дастлабки тўрт халифа) даврида риоя қилинди, холос. Ҳижратнинг 8-йили Муҳаммад (с.а.в.) ўн минг нафар лашкар б-н Маккага юриш қилди ва уни жангсиз қўлга олади. Ҳижратнинг 9-йили исломий ҳаж фарз қилинди. Ҳижратнинг 10-йили зул-ҳижжа ойида пайғамбар исломий ҳаж фарзини адо этади. Ислом тарихида буни «Водо ҳажжи» деб атайдилар. Муҳаммад (с.а.в.) хутба ўқиб, ўзининг умри тугаётганлигидан, рисолат ниҳоясига етганлигидан одамларни воқиф этади. Уч ойдан сўнг (632 й) ҳижратнинг 11-йили рабиъ ул-аввал ойининг 1-куни пайғамбар оламдан ўтади. Муҳаммад (с.а.в.) Арабистон ярим оролида ўз таълимотини тўлиқ ёйди. Ислом манбаларида таъкидланишича, Муҳаммад (с.а.в.) жуда оддий ҳаёти б-н кишиларга ибрат бўлди. Яъни, оддий араб оиласида туғилган Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадман холос, деб шахсни илоҳийлаштирувчиларга, кўпхудоликка қарши бўлди, умматларни яккахудоликка чақирди. Ислом олимлари, теологларнинг эътирофига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) энг комил инсон дейилади.

МУҲАММАД НАХШАБИЙ — Хуросон ва Моваруннаҳрда иккинчи Наср ибн Аҳмад Сомоний (914–943) даврида фаолият олиб борган файласуф ва давлат арбоби. Уша даврда Бухоро йирик маданий ва илмий марказлардан бирига айланган эди. Сарой аъёнлари орасида таниқли фай., ўзининг билими ва қобилияти б-н вазирлик мақомига кўтарилган Муҳаммад бинни Аҳмад Нахшабий ҳам бор эди. У қарматийларнинг диний-сиёсий таълимотини қабул қилган ва унинг Мовароуннаҳрдаги раҳбарларидан бирига айланган эди. Қарматийлик таълимоти ерга жамоа эгаллигини, умумий (қуллардан ташқари) тенглик ғояларини тарғиб қилар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва зиёлилар орасида кенг тарқалган эди. Ибн Сино, Рудакий, Умар Хайём, Носир Хусрав каби машҳур алломалар ҳам бу таълимот таъсирида бўлганлар. Аббосий халифалар сиёсати, мавжуд маҳаллий тартиблардан безган халқ озодлик ва тенгликка эришиш йўлини ана шу ҳаракатда кўради. Бу ҳаракат нуфузи шу даражага етадики, амирлар, вазирлар ҳатто Наср ибн Аҳмад ҳам унга мойиллик билдиради. Бу ҳақда Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида шундай ёзган: «... Хуросон амири (Наср ибн Аҳмад) уни ўзига яқин тутарди. М.Н. ҳам ўз сўзини унга ўтказарди. Наср ибн Аҳмад уни ҳурматлар, бир лаҳза ҳам усиз туролмасди. Охири М.Н. Наср ибн Аҳмадни ўз мазҳабига даъват этади. У вазирлик мақомига кўтарилади. Подшоҳ ҳам унинг айтганидан чиқмасди...». Аммо қарматийлар мавқеи ва М.Ннинг нуфузи ортиб бораётганидан ташвишга тушган айрим сарой аъёнлари ва мутаассиб руҳонийлар фитна уюштирадilar. Нахшабий ва унинг тарафдорларини шиаликда айблайдилар. Чунки қарматийлик ҳаракати исмоилийлик мазҳабининг бир тармоғи ҳисобланар эди. Бундан фойдаланган валиаҳд Нуҳ ибн Наср ҳокимиятни қулга олади. У ўз отасини зиндонга ташлайди. М.Н. ва унга ҳамфикр кишилар эса қатл этилади. Халқ ва лашкар орасидаги қарматий мазҳаб кишиларнинг барчаси битта-битта тугиб ўлдирилади, мол-мулкларини талон-торож этилади.

МУҲАММАД РАҲИМХОН — иккинчи тахаллуси Феруз, асл исми Бобожон тўра бўлиб, 1844 йили Наврўз айёмида Хоразм хони Сайид Муҳаммадхон хонадонидан таваллуд топади. Бобожон тўра 1863 йили отаси Сайид Муҳаммадхон вафотидан кейин ўн тўққиз ёшида унинг ўрнига Хоразм хонлигини қабул қилади ва тарихнавис Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида кўрсатилишича, Хоразмда салтанатни қирқ етти йилу саккиз ой, йигирма кун бошқарган. М.Р. бошланғич маълумотни хусусий муаллимдан олади ва бироз муҳлат мадрасада таҳсил кўради. Давлатни бошқариш ва ҳуқуқий илмларни унга ўз замонасининг кўзга кўринган ҳуқуқшунослари ўргатадилар. М.Р. II давлат арбоби бўлиши б-н бирга мумтоз шеърят-

да из қолдирган шоир эди. У «Феруз» — саодатли, толели тахаллуси б-н шеърлар ва ғазаллар ёзган. М.Р. хон сифатида Хоразм тахтига ўтирганда атиги ўн тўққиз ёшда эди. У Хоразмни мустақил равишда ўн йил бошқарди. 1873 й.и Россия империяси Хива хонлигини босиб олиб ўз вассалига айлантирди. М.Р. Соний хонлик замонида Хоразм давлатини мустақамлаш, ободончилик ишларини амалга ошириш ва маърифатни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. М.Р. хонлик даврида Хоразм давлатининг Россия империясига вассал бўлиб қолганлиги ҳақида фикр юритганда айрим собиқ иттифоқнинг тарихчилари ҳақиқатни бузиб кўрсатганликларини таъкидлаш лозим. Жумладан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида ёзилган тарихда чор истилочилари Хива остоналарига бостириб келган пайтида М.Р. Хивани ташлаб «қочишга» улгурган эди, деб ёзганлар. Аслида бу Хоразм давлатини 47 йил бошқарган хоннинг фаолиятига тўхмат. М.Р. шоир сифатида ўзидан бой мерос қолдирди. Унинг ғазаллари ҳалигача қўшиқ қилиб айтилади ва тафаккуримизни бойитиб туради. М.Р. II 1910 й.нинг 15 августида 66 ёшида Хивада вафот этган.

МУҚИМИЙ Муҳаммад Аминхўжа (1850 — Кўқон—1903.25.5) — 19 асрнинг охири ва 20 асрнинг бошларидаги ўзбек миллий адабиётининг энг йирик намояндalarидан бири, лирик шоир ва забардаст ҳажвчи. Муҳаммад Аминхўжа Кўқоннинг Бегвачча маҳалласида Мирзахўжа Мирфозил ўғли оиласида туғилган. Новвойлик б-н оила тебратувчи Мирзахўжа фарзандининг хат-савод чиқаришига жиддий эътибор берган бўлса, шеърятга иштиёқ ва қобилиятининг шаклланишида онаси Ойшабинининг ўрни бе-ниҳоя каттадир. Туғма истеъдод соҳибаси бўлган бу аёл жуда кўплаб эртак қўшиқларни ёд билган, таъсирчан ва ифодали сўзлаб бериш қобилиятига эга бўлган. Онадаги бу фазилят, шубҳасиз, М.га ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Маҳалла мактаби ва «Ҳоким ойм» мадрасасида таълим олган М. 1872—73 й.ларда Бухорога бориб, «Меҳтар ойм» мадрасасида таҳсилни давом эттиради. 1876 й.да уни битириб Кўқонга қайтади. Шоирнинг илғор дунёқарши, фаровон ҳаёт ва озод жамият, инсоф ва адолат, баркамол инсон ва инсонийлик, иймон-этиқод ва эрк ҳақидаги орзу-интилишлари б-н мустамақла шароити, мавжуд адолатсиз тузум, зўравонлик ҳукмрон бўлган замона ўртасидаги жиддий зиддият М. ижодида воқеликка нисбатан кескин танқидий муносабатнинг узил-кесил шаклланишига олиб келди. Шоир ўзбек адабиёти тарихида ижтимоий-сиёсий ҳажвиятнинг асосчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Унинг «Танобчилар», «Воқсаи хўр Ашурбой ҳожи», «Московчи бой таърифиди» каби ҳажвияларида мустамақла тузум даврининг ҳаётий

мавзулари — жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, табақаланиш, ҳукмрон адолатсизлик каби жиддий масалалар таҳлил этилади. Шоир меросидаги «Вексил», «Дар мазаммати замона», «Уруғ», «Ляхтин», «Додхоҳим», «Тўй» каби ҳажвиялар муаллифнинг замонадаги жиддий ижтимоий мавзуларни танқидий таҳлил этиш масаласига катта эътибор берганлигини тасдиқлайди. М.нинг тўрт қисмдан иборат «Саёҳатнома» асари муаллифнинг сафар ҳисоботи ёки тор шахсий кечинмалари мажмуаси бўлиб қолмаган, аксинча, у ўша мустамлака тузум ва ижтимоий ҳаётнинг қатор муҳим муаммоларини танқидий назар б-н таҳлил этувчи бадиий асардир. Халқчил шоир ўша мустамлака тузум устидан «Дунё курулгон дор экан!» — дея кескин ҳукм чиқаради. Бу б-н бирга асарда муаллифнинг ватанпарварлик туйғулари, она юртига садоқат ва ифтихор ҳислари аниқ сезилиб туради.

МУЪТАЗИЛИЙЛАР (*ар.* — ажралганлар) — ислом илоҳиёти қобигида суннийликка маълум даражада муҳолиф сифатида ажралиб чиққан оқим. Йирик ислом илоҳиётчиси Ҳасан Басрий ўз шогирдларига дарс бераётганида улардан бири Восил ибн Ато (699—748) устози фикрига зид саволлар бергани ва эътирозлари учун «Восил эътазала анно», яъни «Восил биздан ажралиб чиқди», деб эълон қилган. Шундан кейин, бу оқимни мўътазила, оқими ва унинг тарафдорларини эса, М. деб атаганлар. Аббосий халифалардан Маъмун, Муъта-сима ва Восиқ ҳукмронлиги даврида М.таълимоти расмий эътиқод сифатида тан олинган. Лекин халифа Мутаваккил даврида у тақиқланган ва М. даҳрийликда айбланиб, таъқиб остига олинган. 9-10-а.ларда М.нинг кўзга кўринган мактаблари Басра ва Бағдодда бўлган. М.нинг антик фал. ҳамда мантикий услуб ва тушунчаларни илоҳиётга татбиқ қилиб, ақидапарастликни инкор қилишга уринганлар. Куръон ва сунна таълимотларини ақл-идрокка мос талқин этишни илоҳиёт асосларидан бири, деб эътироф этганлар. Улар ислом мафкурасига

рационалистик унсурларни киритишга уринганлар. М. билимнинг асоси деб ҳиссий тажриба ва анъанавий билимлардан ташқари учинчи бир мезон — ақлни эътироф этганлар. Ақлни билишнинг мезони деб, унга юқори мақом беришдан М.нинг мақсади илмий ва фал-ий масалаларни ўрганишга эътиборни жалб қилиш бўлган. Уларнинг таъкидлашича, «Дин — беморлар учун яхши даводир. Фал. эса — соғломлар озуқасидир». М. таълимотидаги муҳим ғоялардан бири — инсон иродаси эркинлиги масаласидир. Улар инсон ўз хатти-ҳаракатларида мутлақо эркиндир, деб таъкидлайдилар. Инсоннинг эркин иродаси туфайли Аллоҳ унинг савоб ишлари учун мукофотлайди ва гуноҳ ишлари учун жазолайди. Бу унинг иродасини намоён бўлиши эмас, балки одиллигининг зарурий тарзда намоён бўлишидир. Бу Аллоҳнинг ўзи яратган мавжудотларига нисбатан бўлган мажбурияти. Демак, инсон эркин, Аллоҳ эса, маълум даражада мутлақ эркин эмас. Бу эса, оқибатда тақдир ҳақидаги ақидани шубҳа остига кўяди. М. таълимотидаги муҳим томонлардан яна бири — бу Худога бериладиган турли сифатларга эътироз билдиришидир. Биринчидан, улар айрим илоҳиётчиларнинг Худони антропоморфизм (одам сифатида) руҳида талқин қилиб, унга одамга хос сифатларни беришларига қарши чиққанлар. Иккинчидан, улар Худога хос хусусиятлар (сезиш, кўриш, эшитиш, хотира ва ҳ.к.)ни инкор қилиб, уни соф, танасиз, руҳ сифатида талқин қилганлар. Улар Худони умумлашган, шахссиз моҳият сифатида талқин этади. М.нинг атомистик таълимотига кўра, олам Худо томонидан ҳар дақиқада бошқарилиб туриладиган кўзга кўринмайдиган заррачалардан таркиб топган. Муқаддас китоб — Куръонни М. абадий мавжуд эмас, балки Аллоҳ томонидан яратилган, деб ҳисоблаганлар. М. ислом мафкураси қо-биғида вужудга келган хурфиқрликнинг кўринишларидан биридир. Шунинг учун М.нинг пайдо бўлиши турли фал-ий таълимотларни, айниқса, антик давр фал.сини кенг ўрганиш учун йўл очиб берди.

Н

НАВРЎЗ (*форс.* — янги кун) — Туркистон, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий анъанавий янги йил байрами. Шамсий тақвим ҳисобида йилнинг биринчи кuni бўлиб, баҳорги кун ва туннинг тенглигига, яъни 21-22 мартга тўғри келади. Н.ни байрам сифатида нишонлаш аҳмонийлар даври (милоддан аввалги 6-5-а.)дан бошланган деб ҳисобла-

нади. Н. байрамининг пайдо бўлиши тўғрисида ривоятлар кўп. Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида уни шоҳ Жамшид номи б-н боғлайди. Абу Райҳон Беруний «Осор ул-боқия» китобида маълумот беришича, байрам фарвардиннинг олтинчи кунига қадар давом этган. Сосоний подшолари 6 кунда 6 тоифа халқни қабул этганлар ва тортиқлар

улашганлар. Н. байрами кунни маҳбусларни озод қилиш анъанаси ҳам бўлган. Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» китобида ёзилишича, Н. байрами ўтказишнинг махсус тартиб-қоидаси бўлган. Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар б-н безаш, отаона, яқин кишилар б-н дийдорлашиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш кабилар халқ орасида кенг одат тусига кирган. Бошқа халқлар сингари, ўзбеклар ҳам бу кунни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши сифатида қувонч б-н қарши олганлар. Тожик ва Эрон халқларида Н. байрами дастурхонига номи «С» ҳарфидан бошланадиган етти хил таом қўйиш (ҳафтсин) одати бор. Н. байрамини нишонлаш учун бир неча кун илгари тайёргарлик кўрилган. Одатда Н. байрамидан 15 кун олдин бугдой ёки арпа ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан Н. байрами кунлари сумалак тайёрланган. Ёшлар Н. байрамини кечаси б-н ухламасдан эртақ ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулги б-н кутиб олишган. Н. байрамининг биринчи кунни отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар ўтказилган. Ёшлар баҳор ҳақида қўшиқ айтганлар. Агар Н. байрами арафасида бирор киши вафот этса, дафн этиш кечиктирилган. Н. байрамида совуқ маросимлар ўтказилмаган. Наврўз байрамида кўкат чучвараси, ялпиз сомса каби тансиқ таомлар пиширилган. Н. байрами янги йил байрамигина бўлиб қолмай, у аввало, меҳнат байрами, деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам бўлган. Шўро даврида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжонда Н. халқларнинг тарихий қадриятлари сифатида давлат томонидан эътиборга олинмади. 1990 й.дан бошлаб, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан, 21 март — Н. миллий халқ байрами сифатида белгиланиб, дам олиш кунни деб эълон қилинди. Наврўз кунларида турли оммавий ўйинлар, пойга мусобақалари, боғларда сайиллар, майдонлар, концерт заллари ва театрларда санъаткорлар, шоирлар, ёзувчиларнинг чиқишлари бўлади, отаоналардан, қариндош-уруғлардан хабар олинади, ёру биродарларни кўришга меҳмонга борилади. Наврўз кунлари гина-кудуратлар унутилиб, кишилар яхшиликка интиладилар, етим-есирларга ва ногиронларга ёрдам бериб, марҳумлар қабрларини зиёрат қилиб, тартибга соладилар.

НАГАРЖУНА (2-а.) — таниқли ҳинд мутафаккири, буддизмнинг Мадхьямика мактабининг асосчиси. Фай. ўз таълимотини «Ўрта таълим Қарика» номли асарида баён қилган. Унда буддизм оқимларидан бири бўлган вайбхашикани, нъяя ва санхья номли қад. ҳинд фал-ий таълимотларини қаттиқ танқид остига олган. Ўзидан аввал ва ўз давридаги барча фал-ий мактабларнинг оламдаги сабабий боғлиқлик тўғрисидаги қарашларини чалқаш фикрлардан иборат, дейди. Жумладан, қад. ҳинд фал-ий мактабларидан бири санхьяда оламда ҳамма нарса саба-

бий боғланишда, сабаб ўз оқибатига эга, оқибат сабабнинг ичида яширинган, деган таълимотга қарши Н. айтадики, агар оқибат ўз сабабининг айнан ўзи бўлса, унда сабаб ва оқибат ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шунинг учун оқибатнинг келиб чиқиши бу сабабнинг оддий иккига кўпайишидан иборатдир. Бутун олам ўз-ўзича чексиз қайтарилишдан иборат бўлиб, ҳажм жиҳатдан фарқ қилмайдиган оддий айниятдир. Шунингдек, нъяяларнинг нарсалар бошқасидан пайдо бўлади, яъни оқибат ва сабаб бошқа-бошқадир деган таълимотига ҳам қарши чиқиб, пайдо бўлиш тўғрисидаги таълимот сабаб ва оқибатни ажралишга олиб келади ва улар ўртасидаги боғлиқликни йўққа чиқаради, дейди. Унинг фикрича, жисмлар сабабсиз, тасодифан пайдо бўлади. Шунингдек, Н. ўз даврида мавжуд фал-ий чалқашликлардан иборат деб ҳисоблаб, ўз фал.сини ўрта йўл деб атади. Н. оламнинг реал борлигини, сабабий боғланишларни рад этди. Унинг таълимотига кейинроқ буддизмнинг оқимлари бўлган йогачария, дзен-буддизм, тантризмлар эргашдилар.

НАЖМИДДИН КУБРО, Аҳмад ибн Умар Абул-Жанноб Нажм-ад-дин ал-Кубро ал-Хоразмий (1145—Хоразм—1221) — тасаввуф оламининг забардаст алломаларидан бири. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳот ул-унс» асарида ёзишича, Н.К. болалик чоғлариданоқ илм истаб, Мисрга боради ва у ерда Рузбехон Ваззон ал-Мисрий исмли таниқли сўфийдан илоҳиёт сирларини ўрганади. Рузбехон Ваззон ўз ўғлидек севиб, унга меҳр-мурувват кўрсатади, ҳатто ўз қизига уйлантиради. Кейинчалик Н.К. тасаввуф борасида ўз илмини ошириш мақсадида Табрэзга бориб, тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни ўрганади. Сўнг эса Н.К. Хоразмга қайтиб, тасаввуф илмини тарғиб қилиш ва шогирдлар тайёрлаш б-н машғул бўлади. Тасаввуфда Кубравия тариқатига асос солади. Кубравия тариқати Хуросон, Ҳиндистонда ҳам кенг тарқалган. Мутасаввиф олим қатта обрўга эга бўлса ҳам, фақирона, камтарона ҳаёт кечирган. Ўз она-Ватанининг фидойи, жасур мард ўғлони бўлган. Мўғул босқинчилари Хоразмни забт этишга киришганда у ўзининг минглаб шогирдлари б-н сўнгги нафаси қолгунча душманга қарши курашиб, мардларча ҳалок бўлади. Н. К. асарлари: «Фавойиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол», «Ал-усул ал-ашара» ва б. (қ. Кубравия)

НАЖМИДДИН НАСАФИЙ, Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий (1068—1142) — қомусий олим, фақих, шоир, Мотуридия калом мактабининг машҳур вакили, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг устози. Н.Н. фаннинг турли соҳаларига оид 100 дан ортиқ асар ёзган. Айниқса, у фал. ва ислом дини масалаларига доир асарлари б-н кенг шуҳрат қозонган. Шулардан 10 га

яқини бизгача етиб келган. «Манзумот ан-Насафийа фи-л-хилофият» («Келишмовчиликлар ҳақида ан-Насафий манзумаси») китобида мазҳаблар ва улар ўртасидаги мунозарали масалалар ҳақида фикр юритилган. Н.Н.нинг ислом қонуншунослигига оид «Ақоид ан-Насафий» асарига Амир Темур даврида яшаган машҳур олим Саъдуддин Тафтазоний шарҳ ёзган. Мазкур асар Бухорода Субҳонқулихон даврида номаълум котиб томонидан кўчирилган (1702) ва форс-тожик тилига таржима қилинган. Насафлик алломанинг «Китоб ал-қанд фи таърих Самарқанд» («Самарқанд тарихидан ширин китоб») номли асари уз даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Унда Самарқанд тарихи, унинг суғорилиши ва атрофидаги қишлоқлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Айни пайтда, унда Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ан-Насафий ал-Майтманоний, Тоҳир ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Суфий, ал-Хидр ибн Муҳаммад ан-Насафий сингари машҳур ҳадисшунос ва фикршуносларнинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар келтирилган. Мазкур асарнинг бир қисми 1906 й. рус тилида, бошқа қисми эса 1955 й. Теҳронда форс тилида чоп этилган. Н.Н.нинг яна бир асари «Ужалат ан-Нахшабий ли дайфи-ҳи ал-Мағрибий» («Нахшабийнинг Мағрибдан келган меҳмон учун шошилинич ёзган китоби») мағриблик олим Абу Ҳорун Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Ағматий ал-Қаҳтаныйга бағишлаб ёзилган. Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий Самарқанднинг Чокардица қабристонига дафн қилинган.

НАЗАРИЯ — амалиёт синовларидан муваффақиятли ўтган, маълум бир тизимга киритилган илмий қарашлар мажмуи; тушунчалар ва ҳукмлар каби воқеликнинг инсон онгидаги инъикоси. Тушунча ва ҳукмдан фарқли ўлароқ, Н. алоҳида фикр ёки ғоя эмас, балки воқеликнинг бирон соҳаси ҳақидаги ғоялар тизимидир. Шунингдек, Н. ўзида фақат ғоялар тизимини мужассамлаштириш б-н чегараланиб қолмайди, балки ўша тизим ичидаги ва остидаги тизимларни ҳам бирлаштиради. Бошқача айтганда, Н. фақат ғоялар тизими эмас, балки ғоялар тизимининг йиғиндиси ҳамдир. Билимлар ғояга, ғоялар наз-яга айланиши учун қуйидаги уч босқични босиб ўтади: 1. Билишнинг турли усуллари (кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент, моделлаштириш) ёрдамида янги билимлар ҳосил қилинади. Турли ахборотлар билим даражасига кўтариллади. 2. Ҳосил қилинган билимлар асосида (анализ ва синтез, индукция ва дедукция, гипотеза) янги ғоялар вужудга келади. 3. Янги ғоялар маълум бир тизимга солинган (идеаллаштириш, формаллаштириш, редукция ва аксиомаллаштириш), янги наз-яга айланади. Неопозитивизмнинг вакили Б. Рассел билувчи субъектни иккига ажратади: 1) табиий ҳодисалар тадқиқот этилганда тадқиқотчи-субъект билиш жараёнида бутун инсоният номидан ва унинг вакили сифатида

қатнашади. Бундай шароитда субъект томонидан қилинган кашфиётлар ёки чиқарилган хулосалар бутун инсониятнинг манфаатларига мос келганлиги учун ҳақиқат деб эълон қилинади. 2) ижтимоий ҳодисалар ўрганилаётган жараёнда эса, субъект бутун инсоният номидан қатнаша олмайди, балки у биринчи навбатда ўз синфи, миллати, дини, минтақаси, мамлакати, ирқи ва ҳ.к.ларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳақиқатнинг объективлигига путур еткази, деб ҳисоблади. Б. Рассел ижтимоий воқеликни билишнинг ягона мезони умуминсоний манфаатларга мос тушишлик даражаси деб кўрсатди. У субъект ижтимоий ҳодисаларни ўрганаётганда биринчи навбатда умуминсоният манфаатларини ҳимоя қилиш ва умуминсониятнинг вакили сифатида бу жараёнда қатнашиши зарурлигини таъкидлади. Субъект ижтимоий жараёнларни билишда инсониятнинг муштарак манфаатларига зид келмаган тақдирдагина у ўз синфи, миллати, жамияти ва ҳ.к.лар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақлидир, дейди. Б. Расселнинг бундай қарашлари 1955 й. Женева шаҳрида машҳур «Пагуош манифести»да эълон қилиниб, кейинчалик бу қақриқ «Янгича сиёсий тафаккур», деб эътироф этилди.

НАЛБАНДЯН Микаэл Лазаревич (2.11.1829, Нахичеван — 31.3.1866, Камишин) — арман файласуфи, ёзувчи, шоир ва публицист, танқидчи, адабиёт назарийчиси. Н. 1855—1858 й.да Москва университетининг медицина ф-тида таҳсил олган. Н. 1857—1862 й.ларда бир қанча Европа мамлакатларида, Туркия ва Ҳиндистонда бўлган. Константинополда «Мега» журнали қошида «Ёшлар партияси»ни тuzиб, Арманистоннинг миллий-озодлик ҳаракатига бошчилик қилган. 1862 й. қамоққа олиниб Петропавловск қалъасига юборилган. 3 йиллик қамоқдан сўнг сил касали б-н оғриган Н. Камишинга сургун қилинган. Н. ўз умрини Арманистонни Россия империяси зулмидан озод қилишга, она юртида эркин мустақил давлат барпо этишга бағишлаган. Антропологик либерализм нуқтаи назаридан Н. фал.нинг муҳим негизи сифатида тарих ва табиий фанларни эътироф этган. 1862 й. «Деҳқончилик ҳақ йўл» номли публицистик китобида 1861 йилги Россиядаги ислохотни кескин танқид остига олган. У барча мавжудликнинг асосий тамойили деб қараган ривожланиш ва ҳаракатга механистик, содаллаштирилган қарашларни инкор этган. Табиат ва жамият ҳаёти ҳаракат, ҳаракат эса курашдир, деб билган. Н. миллий ўзига хосликни ривожлантириш миллатларни бир-биридан ажратмайди, балки яқинлаштиради, деб ҳисоблаган. У ирқчиликни, космополитизмни ва миллатчиликни танқид қилган. «Кундалик», «Арман ёзуви ҳақида сўз», «Танқид» каби асарларида миллий-озодлик ғоялари, арман адабий тили масалаларига алоҳида эътибор берган.

«НАРСА ҶИДА» ВА «НАРСА БИЗ УЧУН» — илк бор И.Кант томонидан фалсафий тафаккур соҳасига олиб киритилган тушунчалар. И.Кант фикрича, улар борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг маъно-мазмунини чуқур ва атрофлича англаб олиш, ундан инсон ўз манфаати йўлида оқилона фойдаланиб бориши мумкинлигини англатувчи фал-ий тушунчалар. «Нарса ҷида» борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўзига хос хусусиятларга ва муайян тузилишга эга бўлиб, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив тарзда мавжудлигини ифодалайди. «Нарса биз учун» — объектив реалликдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларни, уларнинг тузилишини, ўзига хос хусусиятларини инсон билиб, ўрганиб бориши ва ўз мақсадларини рўёбга чиқариш жараёнида улардан онгли равишда фойдаланиб боришини англатади. И.Кант билиш наз-ясида «нарса ҷида» бўлиб, унинг моҳиятини тўлиқ англаш, билиб олиш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Олам унинг назарида чексиз ва бепоён, дунёдаги нарсаларнинг мазмун-моҳияти ҳам ана шундай чегарасиз ва чексиз, одам эса уларни тўла-тўқис ва мутлақ ҳақиқат даражасида билиб ололмайди. Шу маънода инсон билими тугал эмас, у «нарса ҷида»нинг мазмун-моҳиятини, очилмаган қирраларини кашф қилиш б-н машғул бўлмоғи лозим. И. Кантнинг бу қарашлари асосан «Соф ақлни танқид» китобининг мазмунини ташкил этади ва ҳоз. замон гносеологисияда ҳам ўрганилади (яна қаранг: И.Кант)

НАРШАҶИЙ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаҳонгир ибн Закариё (899 — Бухоро шаҳри яқинидаги Наршаҳ қишлоғи — 959) — таниқли олим ва тарихчи. Н.нинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. У 943-944 й.ларда араб тилида машҳур «Бухоро тарихи» («Тарихи Бухоро») асарини ёзиб қолдирган. Н.нинг бу асарини 1128 й. асли қувалик тарихчи Абу Наср ал-Қубавий қисқартириб, арабчадан форсчага ўгириб, воқеалар тафсилотини баён қилган. Унинг қайта кўчирилган нусхаси бизгача етиб келган. Н.нинг «Бухоро тарихи» асари Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида ислом динининг тарқалиши, 9-11-а.даги Бухоро ва унга яқин шаҳар-қишлоқлар аҳолисининг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётига оид маълумотлар берувчи муҳим тарихий манбадир. Асарнинг бир неча таржима нусхалари бизгача етиб келган ва уларнинг айримлари Ўз ФА Шарқшунослик ин-т.ининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Унинг сўнгги ўзбекча нашри 1991 й. А. Расулов таржимасида «Камалак» нашриёти томонидан «Мерос» туркумида кўп нусхада чоп этилди.

НАСАФИЙ Абулбаракот, Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий — атоқли муҳаддис, 13-14 а.ларда яшаб ижод қилган фикҳ илми билимдони. У Муҳаммад ибн Абдус-Сат-

тор ал-Кардарийнинг шогирди. Н. «Ал-Вофи фи ал-фуруъ», «Канз ун-Насафия», «Ал-мустасфи шарҳ ул-фикҳ ун-нофеъ», «Ал-манор ал-анвор фи ал-усул ал-фикҳ» каби асарлар муаллифи. «Канз уд-дақоик» асари қонуншунослик асослари, ҳанафий ва шофеий мазҳабларининг ўзига хос жиҳатларига бағишланган. Асар Насруллоҳ бин Муҳаммад бин Жаммод ал-Ирди Кирмоний томонидан форс тилига таржима қилинган. Н. ҳаётининг сўнгги йилларида Бағдодда мударрислик қилган. Асарларининг асл қўлёзма нусхалари ЎзФА Шарқшунослик ин-тининг Қўлёзмалар жамғармасида сақланади.

НАСАФИЙ Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий Насафий (961- Насаф -1041) — фақих ва ҳадисшунос, тарихчи ва филолог. У турли мавзулардаги 10 дан ортиқ китоб, жумладан, «Насаф ва Кеш тарихи» номли 2 жилдли муфассал асар муаллифи. Бу китоб бизгача етиб келмаган. Ас-Самъонийнинг ёзишича, бу асарда 10—12 а.ларда Насаф ва Кешда яшаган машҳур олим, шоир ва дин арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар бўлган. Муаллиф уларни 80 тоифага бўлиб таърифлаган. Ас-Самъонийнинг ўзи «Нафас ва Кеш тарихи» китобидан унумли фойдаланган, асарида ундан парчалар келтирган. Шунингдек, Н.нинг 18 устози ва 8 шогирди ҳақида маълумот берган. Н. Хуросон ва Мо-вароуннаҳрнинг турли шаҳарлари бўйлаб кўплаб сафарлар қилган, Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаган. 987 й.да, яъни 26 ёшида Насафнинг жомеъ масжидида ваъзлар ўқиган. Умрининг охирларида Насафнинг бош воизи вазифасида бўлган.

Н. Самарқанд тарихи ҳақида ҳамда ва адабиётшуносликка оид «Китоб аш-шеър ва-ш-шуаро» («Шеърят ва шоирлар ҳақида китоб») номли асарлар ҳам ёзган. Бу асарлар унинг улкан истеъдоди ва билим доирасидан далолат беради.

НАСАФИЙ Абул Муъин, Абул Муъин ибн Муҳаммад ибн Муътаид ибн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий (1027 — Насаф — 1114) — калом мактабининг атоқли намояндаларидан, йирик фикҳшунос олим. Унинг қатта бобоси Макхул ан-Насафий (ваф. 930 й.) ал-Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлган. Н. узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда яшаб, ижод этди. «Ал-ламъа фи усул ал-фикҳ», «Баҳр ал-калом фи илм ал-калом», «Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом», «Ат-тамҳийд ли-қавоъид ат-тавҳид фи илм ал-калом», «Ал-олим вал-мутаъаллим», «Ийзоҳ ал-маҳажатий ли-кавн ал-ақд ҳужжатан», «Шарҳ ал-Жомий ал-кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ», «Маноҳиж ал-аиммати фил фуруъ», «Муътақидот» каби асарлари калом илмининг турли масалаларига бағишланган. Н.нинг «Баҳр ал-калом фи илм ал-калом» асари калом илми бўйича

мотурудия мактабининг асосий манбаларидан бири. Асарнинг қўлёзма нусхалари Дубай, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва Искандария шаҳарлари кутубхоналарида сақланади. Асар 1886 й. Бағдодда, 1908 й. Қоҳирада чоп этилган ва бир қанча шарҳлар битилган. Н. машҳур асарларидан бири «Табсират ал-адилла» («Далиллар тилга кирганда») Имом Мотурудий ва Самарқанд калом илми мактаби ҳақида маълумот беради. Н.нинг калом илмига оид «Китоб ат-тамҳийд ли-қавоъид ат-тавҳийд» асарининг 1273 й.да кўчирилган нусхаси ЎзФА Ш.и.да сақланмоқда.

НАСАФИЙ АЗИЗИДДИН (1240, Қарши—1300, Абркўх)— машҳур файласуф ва шоир. Ешлик йиллари Насаф (ҳоз. Қарши)да кечган. Сўнгра Бухорога бориб, кўп йиллар илм ўрганган. Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Саъдиддин Муҳаммад ибн ал-Муайяд Ҳамавийдан (1191—1252) тасаввуф сирларини ўрганган. Айни пайтда тиб илмидан сабоқ олган ва табиблик қилган. Элхонийларнинг Бухорога ҳужумидан сўнг (1273) у Исфаҳон, Шероз шаҳарларига сафар қилган. Ўзининг чуқур билими ва қобилияти туфайли шайхлик мартабасига эришган. Н.А. тасаввуф ва фал.га оид «Мақсад ул-ақсо» («Сўнги мақсад»), «Танзил ул-арвоҳ», «Кашф ул-ҳақойиқ», («Ҳақиқатлар кашфи»), «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Китоб ул-инсон ал-комил фи маърифат ал-вофир», «Манозил ус-соирин» («Йўловчилар кўналғаси»), «Маблаъ ва маъод» («Манба ва унга қайтиш»), «Усул ва фуруъ» («Илдизлар ва шохлар») каби асарлар яратган. У ўз асарларида тасаввуф ахлоқи тамойилларини тарғиб қилган. У баркамол инсонга шундай таъриф беради: «Билгилки, баркамол инсон деб шариад ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора б-н айтгайин. Билгилки, инсон шундай инсондирким, унда кўйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Н.А.нинг мазкур таърифидан келиб чиқадиган хулоса шуки, баркамол инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши фазилатларни эгаллаб борган инсон ана шундай мартабага кўтарила олади. Бунинг учун эса, риёзат чекиб тариқат мақомларини босиб ўтиш зарур. Н.А. асарлари ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган. 1665 й. А.Мюллер унинг «Мақсад ал-ақсо» («Сўнги мақсад») асарини лотин тилида нашр этган эди. 1953 й.да Ф.Мейер шайхнинг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотини эълон қилди. 60-йилларда М.Моле Н.А.нинг «Инсонни комил» асарини Парижда, А.Махдавий «Кашф ул-ҳақойиқ» асарини Техронда нашр этдилар. Рус олими А.Е.Бертельс «Зубдат ал-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») асарининг танқидий матнини тайёрлади. Н.А. асарларининг қўлёзма нусхалари бугунги кунда Лондон,

Лейден, Вена, Техрон, Калькутта, Истанбул, Санкт-Петербург, Душанбе шаҳарларидаги кутубхоналарда, ЎзФА Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда. Бу нусхалар фай. олимнинг бутун жаҳонда катта шуҳрат қозонганидан далолатдир.

НАТУРФАЛСАФА (лат. *natura*—табиат) — табиат ҳодисаларини, табиатни инсонга ва инсонни табиатга бўлган муносабатларини тушунтириш ва изоҳлаш, мажмуа. Инсоннинг табиат ҳақидаги ўй-фикрлари ҳам шу доирага киради. Бу, ўз навбатида, субстанция, куч, фазо, моддият, вақт, ҳаёт, табиат қонуни, ривожланиш каби сўзларни тушуниб олишга ёрдам беради. Н. мифологик характерга эга бўлган космогониядан келиб чиқиб, фал.нинг пайдо бўлишидан анча илгари мавжуд эди. Илмий асосланган космология ва космогония Н.нинг бугунги кўринишидир. *Philosophia naturalis* кўринишидаги тушунча қад. римлик фай. Сенека Луций Анней асарларида учрайди. Баъзи манбаларда Н.нинг дастлабки ижодкорлари иониялик фай.лар бўлган. Улар материя ва унинг атомистик тузилиши, ноорганик ва органик дунё нисбати, куч ва модда нисбати, коинотнинг математик гармонияси каби масалаларни ечишга уринганлар. Бугунги кунда уларнинг хизмати масаланинг ечилиши эмас, балки масалани кўйилиши фал. тарихи учун қимматлидир. Кейинчалик перипатетиклар ва стоиклар мактаблари томонидан асосда ҳатто фантастика ётувчи Н.га айлантирилди. Табиий фанлар ривожланиши б-н бу фал. Фома Аквинский ва Улуғ Альберт каби мутафаккирлар томонидан схоластик мактабларда ривожлантирилди. Табиий фанлар соҳасида кузатув ва тажриба қандай аҳамият касб этса, Н.да ҳам ундан юксакроқ аҳамият касб этади (Альберт Саксонский, Рожер Бэкон, Николай Реземский ва қатор физик-оқкамчилар). Ўрта асрлар охирларида уни механицизмга, айниқса ноорганик механизмга яқинлаштирдилар (Ж. Бруно, Парацельс, Г. Галилей). Табиий фанларнинг тадқиқот усуллари триумфал ҳолда барча соҳаларга кириб бораётганлиги Н.га қанот берди (Леонардо да Винчи, Николай Коперник, Иоганн Кеплер, Рене Декарт). Коинот Н.си Коперник, Кеплер ва Ньютон томонидан асосланди. Мас. И.Ньютон Н.ни назарий математик-дедуктив таълимот деб тушунди (*natural philosophy*-табиат ҳақидаги аниқ фан). 1786 й. И.Кант «Табиатшуносликнинг метафизикавий бошланиши» асарида механистик табиатшунослик концепциясини биринчи бўлиб танқид қилди. 1790 й. эса, «тафаккурлаш қобилияти танқиди» асарида органик Н.ни (биологик тузилишлар тушунчалари апаратини) танқид қилди. Романтизм Н.си тушунчаларини ўзaro бир-бирига яқин ҳолда Гегель ва Шопенгауэр ишлаб чиқдилар. Н.нинг материалистик йўналишини Бюхнер, Молешот ва блар ишлаб чиқдилар. Органик дунё сфераси тизимида Н.ни Гёте

ва К.Г. Карус махсус қараб чиқдилар. Табиий фанларнинг ўсиши б-н юзага келган романтизм ва идеализмни ўзаро чапиштириб юборган спекулятив Н. 19-а.да материализмга ҳам ўтишга улгурди. Айни ўша сабабларга кўра, метафизика каби ўзини-ўзи йўқотди ҳам. Иоганнес Мюллер, Гельмгольд каби табиатшунослар табиатшунослик тамойиллари танқидий наз-ясини Н. эканлигини айтиб ўтдилар. Дарвин ва Геккелнинг табиий-илмий тадқиқотлари натижасида Н.нинг алоҳида шакли қарор топди. 20-а. бошларида Вильгелм Оствальда ноорганик Н.ни, Рейнке, Дриш, Паладьи ва б.лар органик Н.ни қайта туздилар. Унинг Оствальд тузган йўналиши олимни физикавий манзарасини оламни сабабий-механистик манзарасини, органик манзарасини тузишга имкон яратди. Нисбийлик наз-ясини яратилиши б-н Н. маъвум кўринишга эга бўлди. Н. ҳоз. даврда табиий фанларни назарий, танқидий билиш наз-яси сифатида тан олинмоқда.

НАҚШБАНДИЙЛИК ТАРИҚАТИ — тасаввуфий-фалсафий таълимот. Н. т. «Хожагон» номи б-н ҳам машҳур бўлиб, бу ном Абдухолиқ Фиждувоний (1220 да вафот этган) таълимоти б-н чамбарчас боғлиқдир. У Мовароуннаҳр ва Хуросонда машҳур сўфий Юсуф Ҳамадонийдан таълим олади. Кейинчалик Хожагон таълимотига асос солади. Фиждувоний муридлар ва дарвишлар учун ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларини ишлаб чиқади. Унинг бу хулқ-одоб қоидаларини Фахруддин Али ас-Сафийнинг «Рашаҳот айн-ул-ҳаёт» рисоласида келтирилади. У ўғлига мурожаат қилиб шундай дейди: «Эй писарак (ўғилча), сенга насиҳат қилиб айтаманким, илм-маърифат, ахлоқ-одоб, тақво учун ҳамиша саъйи ҳаракат қил, вақтида намозингни ўқи, лекин имомлик ва муаззинлик қилма, ўзингдан кейин қимматбаҳо асар ва таълифот ёзиб қолдир, суннат ва жамоат аҳли мулозамати учун интил, фикҳ ва ҳадис илмларини тўхтовсиз ўрганиб бор, ҳаргиз шуҳратталаб бўлма, чунки шуҳратталабликдан доимо офат келади, мансабга муқайяд бўлиб қолма, (мансабпараст бўлма), доимо гумномликка ҳаракат қил (камтар бўл, маъносиди), подшоҳ ва ҳукмдорлардан, зўравонлардан, қози ва амалдорлардан ўзингни узоқда сақла, хонақоҳ қурма ва хонақоҳларда яшама, кўп самоъ қилма (қўшиқ-мусиқага берилма), чунки кўп самоъга берилиш кишилар орасида нифоқ туғдиради, ҳаддан зиёд самоъ дилларни вайрон этади, лекин самоъни инкор ҳам қилма, кам гапир, кам е, оз ухла, ўз хилватингда бўлиб, аҳоли ила кам суҳбат қил, бойлар ҳамда омийлар ила суҳбатдош бўлма, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, нашадан (тарёқ) парҳез қил, иложи бўлса, уйланма (хотин олма), чунки аёл туфайли толиби мол дунё бўлиб қоласан, молпараст ва дунёпараст бўласан, ҳадеб хандон ташлаб кулаверма, қаҳ-қаҳ отиб кулиш дилни вайрон этади, ҳар бир

кишига меҳр шафқат кўзи б-н боқ (меҳрибон бўл), ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб, уни таҳқир этма, зоҳиринг (ташқи кўринишинг) оройишига кўп аҳамият берма, чунки бундай аъмолдан ботининг (ички кўринишинг) расво бўлади, халойиқ ила мужодалага борма, бировдан асло бирор нарса тама қилма, бировни хизматга буюрма (хизматкор тутма), машойихларга моли жонинг б-н сидқидилдан хизмат қил, мол-дунёга мағрур бўлма, ўшанда дилинг ором олади, мол-дунё туфайли доимо дилинг вайрон, кўзинг гирён бўлади, аъмолинг доимо холис, рафиқинг дарвиш, моюнг фақр, хонанг масжид, мунисинг ҳамиша Ҳақ субҳонаҳу бўлғай». Фиждувонийнинг юқоридаги ахлоқ-одобга оид панд-насихатлари, ибратли сўзлари, қонун-қоидалари кейинчалик нақшбандийлик сулукига аъзо бўлган дарвиш ва муридлар учун ҳам асосий ахлоқий мезон, қоида бўлиб қолди. Н. т. тарафдорлари тўртта қоидага: яъни шариат қонун-қоидаларига, тариқатнинг мистик йўлига, маърифат ва ҳақиқат, яъни Аллоҳ васлига эришишга тўла амал қиладилар. Ҳамадоний, Фиждувоний ва Нақшбандлар Хожагон-нақшбандийлик тариқатининг 11 та қоидаси ёки одобини ишлаб чиққанлар, улардан 4 таси Юсуф Ҳамадонийга, яна 4 таси Абдулхолиқ Фиждувонийга, қолган 3 таси Баҳовуддин Нақшбандга мансуб бўлиб, рашаҳа (қатра) деб аталади.

1. Хуш дар дам. Зикр вақтида ҳар бир чиқаётган нафас ҳушёрлик б-н чиқмоғи, ғафлатга тушмаслик лозим, ҳар нафас олиб чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш даркор.
2. Назар бар қадам. Солик ёки дарвиш шаҳарда юрадим, қишлоқда ёки саҳродами ҳар бир қадамига назар солиш, огоҳ бўлиб юрмоғи, фикри бўлинмаслиги лозим.
3. Сафар дар ватан. Тариқат аъзосининг ёмон одатдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга йўналишини билдиради. Булардан ташқари, мурид ўз муридидини топгандан сўнг саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқ кўрилади.
4. Хилват дар анжуман. Зоҳиран халқ б-н, ботинан Ҳақ б-н бўлиш демақдир. Солик халқ орасида юрса ҳам, бир лаҳза бўлса ҳам қалбида Аллоҳни эсдан чиқармаслиги лозим.
5. Ёд кард. Эслаш — Аллоҳни ёд этиш, яъни тинмай калимайи тавҳидни зикр қилиш.
6. Бозгашт. Зикрдан кейин солик «Илоҳи, анта мақсуди ва ризока матлуби», яъни Аллоҳим, мақсадим сенсан, талабим истагим сенинг ризолигингдир, дейди.
7. Нигоҳдошт. Қалбдаги фикр ва хотираларни муроқабат қилиш. Нафй ва исбот зикрининг маъносини ўйлаб, бошқа нарса ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилинади.
8. Ёддошт. Ҳар лаҳза Ҳақдан хабардор бўлишни билдиради.

9. Вукуфи замоний. Дарвиш доимо ўз ҳолидан хабардор бўлиши, вақтидан унумли фойдаланиши, шукр ва тавба қилиши даркор.

10. Вукуфи ададий. Солик шайх берган зикр вазифасини саногига риоя қилиши, зоҳирда ҳам инсон ўзини муайян санок ва вақт б-н назорат қилиши муҳимдир, зероки бу ҳол солиқнинг тартиб-интизомга риоя қилишида муҳим аҳамиятга эга.

11. Вукуфи қалбий. Қалбнинг Ҳақдан хабардор бўлиши, яъни инсон кўнгли Аллоҳдан бошқа нарсани ўйламаслиги лозим. Бу зикрнинг юқори поғонасини билдиради.

Юқорида зикр қилинган ахлоқ-одоб қоидаларига нақшбандийлик тариқатини танлаган ҳар бир мурид сўзсиз равишда амал қилиши талаб қилинади. Зероки, улар ушбу таълимотнинг моҳияти ва мазмунини ташкил қилади.

Н.т. чуқур бунёдкорлик руҳи б-н суғорилган. Зероки, бу таълимот «Дил ба ёру даст ба кор» шиорини ўзига қоида қилиб олган. Унда нафақат имон-этиқод, илоҳий қоидалар, балки дунёвий ғоялар, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб қоидалари мужассамлашган.

Ҳоз. вақтда жамиятимизда миллий ғоя ва мафкура ни кишилар онгига ва турмуш тарзига сингдириш, уни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Маънавиятимизни юксалтиришда нақшбандийликда илгари сурилган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрилик, софдиллик, ўзгаларга ёрдам бериш, саҳийлик, имонли ва этиқодли бўлиш, меҳр-шафқат каби хулқ-одоб қоидалари, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Бу қоидалар кишиларни мутаассиблик ва ақидапарастлик, таркидунёчиликка берилмасликдан бу дунё ишларида фаол қатнашишга, эзгулик ва хайрли ишлар қилишга даъват этади.

НЕЖОН (Naigeon) Жак Андре (1738-1810) — француз файласуфи, маърифатчиларнинг кичик вакилларидан, Гольбахнинг котиби ва яқин маслакдоши. Унинг дунёқараши Д.Дидронинг таъсирида шаклланган. Дидро Н.ни ўзининг «Энциклопедия» асарига жалб қилган эди. Гольбахнинг «Табиат системаси», «Христианликни фош этиш», «Муқаддас юкумлик», «Чўнтак илоҳиёти» каби асарларини тайёрлашда фаол қатнашган. Н. чет элда яширин босмахонага раҳбарлик қилиб, Гольбах, Монтен, Руссо ва Дидронинг қатор асарларни нашр эттирган. Н. «Аскар-файласуф» номли китобини 1768 й.да аноним ҳолда нашр этди. Китобда диний қарашларни кескин танқид қилди, христианликка қарши даҳрийлик йўналишини кучайтирди. Француз буржуа инқилоби даврида Н. ўз қарашларини очиқ баён қилиш имкониятига эга бўлди. У 1790 й.да Миллий мажлис адресига «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» ҳақида кескин эътироз билдирди. Ин-

сон ҳуқуқларини ишлаб чиқишда ақлли қонунчиларнинг вазифаларига энг кучли хавф инсоннинг табиий ҳуқуқларини илоҳий кучлар б-н, ахлоқни дин б-н боғлаш эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. Н. черковга қарши фикрлар билдириш б-н бир қаторда тўла диний эркинлик бўлишини ҳам талаб қилган эди. Н. «Системали энциклопедия»нинг катта қисмини тайёрлашга раҳбарлик қилди, «Қадимги ва янги давр фал.си» қисмини бошқарди. Н. унда «Буланже», «Бэкон», «Дидро», «Компанелла», «Кардано», «Коллинз», «Кондильяк», «Мелье», «Мирабо», «Толанд», «Фатализм», «Фрере» каби мақолаларни ёзган. Бу мақолаларида у даҳрийлик масалаларига катта эътибор берган. Француз инқилоби маълумиятидан сўнг ҳам Н. ўз эътиқодига содиқ қолди, мафкурадаги реакцияон ҳаракатларга қарши кураш олиб борди, маърифатпарварлик идеаллари учун ўз кучи ва ақлий фаолиятини бағишлади.

НЕМИС МИЛЛИЙ ФАЛСАФАСИ — Германияда 18-19-асрларда миллий тараққиёт асосида вужудга келган жаҳон фалсафасининг таркибий қисми. Бу фал. Ғарбий Европада кенг тарқалган маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори босқичи бўлди. 18–19-а. бошларида рўй берган чуқур ижтимоий-иқтисодий воқеалар фал-ий тафаккурнинг тубдан янгиланиши учун кучли туртки берди. Н.м.ф. эса ана шу туб ўзгаришларнинг инъикоси сифатида пайдо бўлди. Н.м.ф.нинг буюк намояндalари бўлган И. Кант, И.Фихте, Ф. Шеллинг, Г.Гегель кабилар жаҳон тарихи ва тараққиётини тезлаштириш учун хизмат қилган Франциядаги воқеаларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари амалга оширган вазифаларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқдилар. Уларнинг ёрдамида фал. фанида тарих, тараққиёт, фуқаролик жамияти, би-лиш субъектининг фаоллиги каби муаммолар янги-ча талқин этила бошлади. Н.м.ф. немис халқи тараққиётига хос бўлган туб бурилишлар даврида пайдо бўлди. Унда, бир томондан, немис воқелиги, иккинчи томондан, Европа воқелиги ўзининг яққол ифодасини топди. Франция, Англия каби мамлакатларда жамият ривожини йўлида миллатни бирлаштириш ғоясига асосланган маърифатпарварлик ҳаракати иқтисодий жиҳатдан қоқоқ, сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган Германияни ҳам миллий тараққиёт учун бирлашишга даъват этди. Натижада французлар ёки инглизлардек тараққий этишни орзу қилган немис халқи орасидан ҳам бирин-кетин миллат тақдирини ўз тақдиридан устун қўядиган маърифатпарвар кучлар етишиб чиқа бошлади. Н.м.ф. ўз даврининг тўсқинлик қилувчи кучларига французлардек қатъият б-н курашиш даражасига кўтарила олмаган бўлса-да, бироқ немисларга хос муросасозлик қобилигида тарқоқ ҳолдаги немис ерларини ягона кучли немис давлатига бирлаштириш ғоясига асосланган немис миллий мафкурасига айланди.

Н.м.ф. туб ўзгаришлар даврининг мурасасоз таълимотидир. Унинг пайдо бўлиши илғор фал-ий таълимотларнинг жамият тараққиётидаги туб бурилиш даврларида яратилиши тўғрисидаги фикрларни тасдиқлади. Зеро, унда хилма-хил вазиятларда ечимини кутаётган муаммоларга ёндашувнинг оқилона йўли—воқелик тараққиётига мос равишда умумий ривожланишлар наз-яси бўлган диалектика таълимотига асос солинди. Натижада, Н.м.ф. томонидан ишлаб чиқилган диалектик метод, диалектик мантиқ тараққиётнинг қонуний жараён эканлиги тўғрисидаги таълимот сифатида шу давргача фал-ий тафаккур ривожининг энг катта ютуқларидан бири бўлди. Н.м.ф. намояндалари ўз даврининг табиётшунослиги фанлари эришган ютуқларни чуқур ўзлаштирдилар ва уларга таяниб илмий фал-ий хулосалар чиқардилар. 18-19-а. бошларида оламнинг илмий манзараси табиатшунос тадқиқотчиларни қониқтирмаётганлиги боис диалектик тафаккур юритиш усулларида ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эҳтиёж сезила бошлаган эди. Н.м.ф. эса, ана шу вазифани адо этганлиги учун ҳам жаҳон фал.си тарихида муносиб ўрин эгаллади.

НЕОКАНТЧИЛИК — 18—19-асрларда вужудга келган, Кант таълимотини бир ёқлама идеалистик талқин қилишдан келиб чиққан баъзи фалсафий муаммоларни ҳал этишга қаратилган фалсафий оқим. Н. Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалди, тараққиёт даври 1890—1920 й.ларга тўғри келди. Ш.Ренувье, О.Гамелен, Л.Брюнсвик, О.Либман, И.Мюллер, Г.Гельмгольц, Г.Риккерт кабиларнинг қарашлари «Кантга қайтиш» шиори остида пайдо бўлган. Ўз даврида «Кантчилик жамияти» нашрига ҳам эга бўлган. Неокантчилар Кантнинг билимларимиз тажрибадан холи (априор) қоидасига таяниб, фанни тафаккурда маълум қоидалар бўйича ҳосил қилинган тушунчалар тизими, деб билдилар. Тафаккурда билишнинг бирдан-бир манбаи сифатида қарайдилар, барча мантиқий ва илмий категорияларни унинг маҳсули ҳисоблайдилар. Уларнинг эътироф этишича, ахлоқий муносабатлар жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

НЕОПЛАТОНИЗМ — милодий 3—4-асрларидаги антик тафаккурнинг фалсафий йўналиши. Н. Шарқ таълимотларини Юнон фал.си б-н бириктиришга интилган. У Платон, Аристотель, пифагорчилар, орфистлар, Миср дини ва ҳиндуизм фал.сининг синтези натижасида вужудга келган. Н. ижтимоий ҳаракат сифатида бир неча мактабларига эга. Асосчиси Аммоний Саккас (242 й. в.э.) Александрия мактабини ташкил этди, бироқ ўз таълимотини бирор асарда баён қилмаган. Н.нинг асл давомчиси Плотин 244 й.да Рим мактабига асос солди. Унинг ғояларини 270 й.дан шогирди Порфирий давом эттирган.

Порфирийнинг шогирди Ямвлих Сирияда ўз мактабини ташкил қилди. Унинг «Мистериялар ҳақида» Н. Худо оламнинг ўзида мавжудлиги тўғрисидаги ғоялар б-н бойитилди. Ямвлихнинг шогирди Эдесей 4-а.да Бергам мактабига асос солди. Унинг мактабида асосан мифология муаммоларига эътибор бериларди. Император Юлиан ҳам шу мактаб вакилларидан ҳисобланган. Афина мактабида (5-а.) Н.нинг Сириан ва Прокл каби намояндалари ижод қилдилар. Мил. 529 й.да император Юстиниан томонидан барча фал-ий мактаблар фаолиятининг тақиқланиши Н. ривожига ҳам чек қўйди. Н. Византияда икки бора (1076, 1351 й.ларда) черков томонидан тақиқланди. Н.нинг асосий фал-ий мазмуни Платоннинг «Яхлитлик-Ақл-Жон» триадаси талқини б-н боғлиқ. Борлиқ иерархиясининг энг юқори нуқтасида Яхлитлик туради. Яхлитлик барча моҳиятларнинг моҳияти бўлиб, ақлни вужудга келтиради. Ақл (нус) жонни (петохе) юзага келтиради. Жон икки кўринишда мавжуд: қуйи жон ва олий жон. Қуйи жон материяга интилиб яшайди. Олий жон эса худолар томонидан яратилади. Материянинг зичлашиб бориши олий жоннинг яхлитликдан йироқлашишига ва материя б-н ўралиб қолишига олиб келади. Ақл ва жоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларигина олий жонни материя исканжасидан халос этади. Н. христиан таълимотининг юзага келишига, теологиянинг ривожланишига катта таъсир ўтказди. Н. бутун Европа анъаналарининг шаклланишига, араб ва яҳудийлар фал.си ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

НЕОПОЗИТИВИЗМ (лот. positivus — ижобий, neos—янги) — Ғарбда кенг тарқалган фалсафий йўналиш. Н. фал-ий тафаккурда тажрибанинг «позитив» — ижобий натижаларини қарши қўяди. Унинг диққат марказида турган муаммо — бу фал. ва фаннинг ўзаро муносабати масаласи. Унингча, воқелик тўғрисидаги билим айрим фанлар ёки уларнинг «синтетик» бирлигининг реал натижаси сифатида қўлга киритилади. Бунда воқеликнинг муайян жабҳасини тадқиқ этишга даъво қилувчи фал. мустақил фан бўла олмайди. Унинг ўша тадқиқот объекти йўқлиги туфайли яшаш ҳуқуқидан маҳрумдир. Лекин шу б-н бир қаторда Н. фал-ий тафаккур ишлаб чиққан барча восита ва услублардан фойдаланади. Н.да сўнги вақтда мантиқий ва лингвистик позитивизм кўринишлари юзага келди. Мантиқий позитивизм, (М.Шлик, Р.Карнап, Г.Райхенбах ва б.) мантиқий эмпиризм фал.сида мавжуд бўлган психологизм ва биологизмни улоқтириб ташлайди, математика ва мантиқ асосларининг априор-аналитик характерини эътироф этади. Уни илмий фикрларни эмпирик тарзда англаб олиш яқиндан қизиқтиради. Мантиқий позитивизмга кўра, ҳатто билиш наз-яси фал.нинг мавзуи бўла олмайди, чунки у дунёқараш

характерига эга. Фал. фан эмас, балки сунъий ва табиий тилларни таҳлил этувчи фаолият туридир, холос. Унинг вазифаси фанни мафкуравий эҳтиёжлар, тилдан нотўғри фойдаланиш оқибатида кириб келган фикр-мулоҳазалар, муаммолар, тушунча ва иборалардан тозалаш ва уларни идеал тарзда уқтириб бера оладиган мантиқий моделларни яратишидир. Н.нинг лингвистик таҳлил номини олган кўриниши (Л. Витгенштейн, Ж. Уиздом, Ж. Райл, Ж. Остин ва б.) Фарб мамлакатларида эътиборли мақомга эга. Лингвистик таҳлилга кўра, ҳар қандай фал-ий муаммо табиий тил мантиғини тушунмаслик натижасида вужудга келади. Бундай муаммоларни ҳал этиш тилни таҳлил этиш орқали амалга ошади. Лекин бундай саъй-ҳаракатлар фал-ий муаммоларнинг ечимини излашда асқотмайди, чунки у тил контекстларининг хилма-хиллигини ва уларни бир хил меъёрга келтириш мумкин эмаслигини тушунмасликдан келиб чиқади. Фал-ий муаммолар борасидаги ҳар қандай баҳс-мунозаралар айрим сўз ва иборалар туфайли пайдо бўлади (мас., «билиш», «мавжуд», «ҳақиқий», «гуюлиш» ва б.). Шунга ўхшаш сўзлар ёзув ва нутқда ифода этилган мазмунни сохталаштиришга олиб келади. Н. фал.нинг мақоми, фал. ва фан, тил ва олам, билиш ва уни текшириш (верификация) масалаларида баъзи зиддиятларга дуч келган бўлсада, ўз навбатида қатор ижобий ютуқларга ҳам эришди. Мас., тил-символик воситалар ва ижтимоий жараёнларнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этиш, ахлоқ-одоб, эстетика, инсон фал.си муаммоларига кенг ва теран кириб бориш кабилар шулар жумласидандир. Айниқса, Б.Расселнинг жаҳонда тинчлик, миллатлараро ҳамкорлик, демократия тантанаси учун курашиб келганлиги бунга далилдир.

НЕОРЕАЛИЗМ — немис файласуфлари Брентано, Мейкон ҳамда Шотландия мактаби таъсирида 20-асрнинг бошларида Буюк Британия ва АҚШда вужудга келган фалсафий йўналиш. Мазкур оқимнинг вужудга келиши инглиз фай.и Ж.Э.Мурнинг «Идеализмнинг рад этилиши» (1903) мақоласининг чоп этилиши б-н боғлиқдир. Неореализм ғоялари 1910й. Р.Перри, У.Марвин, Э.Холт, У.Монтего, У.Питкин, Э.Сполдингларни «Олти реалистнинг дастури ва биринчи платформаси»да ҳамда уларнинг 1912 й.да чоп этилган «Янги реализм» номли китобларида баён этилган. Н. инглиз неогегелчилигининг мутлақ идеализми, беркличилик ва прагматизмнинг субъектив идеализмига жавоб тариқасида вужудга келди. Н. мазкур оқимлар томонидан қўллаб-қувватланган борлиқ ва тажрибанинг бир эканлиги ҳақидаги тезисни танқид остига олиб, объектни тажрибадан айри тарзда мавжуд бўлишини таъкидлайди. Гносеологияда Н. «имманентнинг мустақиллиги» наз-ясини шакллантириб, «бевосита билиш» концепциясини ривожлантиради. Онт.да неореализм Мах

тажрибасининг «бетараф элементлар» ғояларига туташувчи мантиқий муносабатлар ва моҳиятларнинг оламнинг «реал» элементлари томонидан тан олиниши б-н тўлдирилган «нейтрал монизм»ни ёқлайди. Натижада Н. объектив мавжудликнинг қуйидаги икки кўринишини тан олади: 1. Рухий ҳолатларнинг фақат вақтинча маконда, замонда ва жисмонан мавжуд бўла олиши. 2. Мантиқий объектларнинг макон ва замондан ташқарида идеал тарзда мавжуд бўлиши. Н. гносеологияда субъектив идеализм ва интуитивизмга мойил бўлса, онт.да объектив идеализмга мойил бўлган. Н.да неогегелчилик томонидан умумий алоқадорлик ва ўз навбатида, нарсаларнинг ўзаро муносабатларидан мустақиллигини мутлақлаштирувчи тушунчага қаратилган «ташқи муносабатлар наз-яси» муҳим ўрин тутди. Мазкур наз-яга Б.Расселнинг илк фал-си ва мантиққа доир асарларидаги қарашлари ҳам таъсир этган. 20-а.нинг 20-йилларига келиб онгни тараққиётнинг кечиккан даражаси сифатида талқин қилувчи «ижодий эволюция» таълимоти ёрдамида объектни билишга нисбатан мустақиллигини асословчи «спекулятив космология» наз-яси Н. ғояларида ривожлантирилган ва бу жараён неореализмни платончилик оқими б-н янада яқинлаштиришга, фан ва динни бирлаштиришга олиб келган. Ҳоз. замон фал.сида Н. мустақил оқим сифатида катта таъсирга эга эмас, лекин турли фал-ий наз-яларнинг муҳим элементи сифатида майдонга чиқади.

НЕОСХОЛАСТИКА — ўрта асрлар схоластикасини қайта тиклашга ҳаракат қилувчи, католицизм фалсафасининг турли оқимларини бирлаштирувчи турли оқимларни ифодаловчи тушунча. Н. 19-а.нинг бошларида (Италияда В.Буцетти ва унинг шогирди С.Сорди, Ж.Корнольд, Испанияда — Х.Бальмес, Германияда 19-а. ўрталарида И.Клойгенлар томонидан томизмнинг қайта тикланиши) пайдо бўлди. 19-а.нинг 2-ярмидан Н. кенг миқёсда ривожланиш палласига кирди. Папа Лев Шнинг Энцикликиси «*Aeterni patris*» (1879) Фома Аквинскийнинг таълимотини католицизмнинг ягона ҳақиқий фал.си деб эълон қилди. Шундан кейин Н. асосан, неотомизм йўлидан борди. Папа Пий Хнинг кўрсатмаси билан нашр этилган «24 томистик тезис»ларда (1914) католик фал.сининг барча бош бўлимларида: онтология, космогония, антропология ва теодиция бўйича асосий қоидалари ифодаланган эди. Испанияда (20-а.нинг 2-ярмидан ГФРда ҳам) фай. С.Суареснинг фикрларидан келиб чиқиб схоластик анъаналар ривож топиб борди. Шундай қилиб, Н. қатъий ва талабчан томизм ва суарезм б-н биргаликда томизмни идеалистик фикрнинг янги оқимлари б-н синтез қилишга ҳаракат қилувчи турли фал-ий мактабларни ҳам ўзларига қўшиб олдилар. (Бельгияда Лувен мактаби, ГФРда пуллах мактаби, «трансцен-

дентал неотомизм» (И.Марешал, И.Б.Лотц, Э.Корет ва б. Н. б-н, шунингдек, платон-августинчилар мактаби (ГФРда И.Гессен, Италияда М.Ф. Шакка) ҳамда францискан анъаналарига суянувчилар (ГФР — И.Мёллер, Т.Барт) ҳам бир қаторда туради. Н. ўрта асрлар методологиясини сақлаб қолган ҳолда ҳоз. замон фал-ий, илмий ва ижтимоий муаммоларни ортодоксал-католик нуқтаи назаридан талқин қилишга ҳаракат қилади, шунингдек, пантеистик, субъектив-иррационалистик ва позитивистик концепциялар б-н баҳс-мунозарага боради.

НЕОТОМИЗМ (янги томизм) — Фома Аквинскийнинг христиан фал.сини тиклашга қаратилган оқим. Унга 1879 й.да папа Лев ХП томонидан асос солинган. Н.нинг дастурий ҳужжати Пий X томонидан 1914 й. эълон қилинган «24 тезис» бўлди. Унда фал.нинг асосий бўлимларига оид қарашлар баён қилинган. Н. моҳиятига кўра, Янги давр ва ҳоз. замон фал.сини черков нуқтаи назарига кўра таҳлил қилиш, унинг зиддиятларини аниқлаш ва томизмни олам ҳақидаги янги илмий қарашларга мослашга қаратилган таълимотдир. Н. томизмнинг барча белгиларини (гносеологик дуализм, ирода эркинлиги, оламнинг кўп босқичлилиги ва ҳ.к.) мерос қилиб олди ва уларга экзистенциализм, структурализм, феноменология, герменевтикадан ўзлашган ғояларни қўшди. Н. жамиятда мулкий табақаланиш, никоҳ, оила, маориф, маданиятга оид муаммоларни ўрганувчи социал, илоҳиётчиликка ҳам катта эътибор беради. Христианлик «буюк ижтимоий умид» сифатида талқин этиладиган сиёсий илоҳиётчилик ҳам Н.нинг муҳим соҳасидир. Бу соҳаларда У.Ассман, Р.Бланкар, Ж.Комблэн, В.Боровой, И.Метц ва бошқалар қалам тебратдилар. «Инқилоб теологияси», «озодлик теологияси» ва «тараққиёт теологияси» га оид масалаларда Г.Гуттэ, Р.Рес, Л.Бофф, М.Вонино, Э.Дюссел, Х.Л.Сегундо, П.Ричард ва б. ўзларининг ҳоз. озодлик ҳаракатларига оид христианлик руҳидаги талқинларини баён қилдилар. Ушбу талқинларнинг барчаси теологияни фал. б-н, энг аввало, интуизицизм, прагматизм б-н қўшиб баён қилиш, католицизмни ҳоз. даврга мослаштиришга уринишлардан иборатдир.

НЕОФАШИЗМ (фашизмнинг янги шакли) — ашаддий жаҳолатпараст, бузғунчи, вайронкор сиёсий оқим. Н. ашаддий босқинчилик, ирқчилик, миллатчилик кайфиятидаги гуруҳларнинг қарашларини ифода этади. У ўзининг ғоявий йўналишини белгилашда 20-а.нинг 20-й.ларидаги Италия фашизми ва 30-40-й.лардаги Германия нацизми ғояларига таянади. Неофашистик партиялар ва гуруҳлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган ва ўзаро манфаатлари мос тушадиган турли марказлар б-н яқин алоқада фаолият юргизади. Н.нинг мафқураси мил-

латчилик, ижтимоий тенгсизлик ва демагогияни қўллайди. Неофашистлар халқаро кескинликни юмшатишга интилувчилар б-н мурасасиз бўлиб, зўравонлик ва қуролланиш пойгасига тарафдорлик қилдилар. Шунингдек, дунёнинг сиёсий кураш майдонида куч ишлатиш, қўпоровчилик ва террордан фойдаланадилар, улар энг аввало, тараққийпарвар ва демократик кучларга қарши курашадилар.

НИГИЛИЗМ (лот. nihil—ҳеч нима, ҳеч қандай) — 1. Ижтимоий ҳаётда шаклланган, одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил ва қонунларни инкор қилувчи нуқтаи назар. 2. Ўтмиш даврлардаги маданий меросни инкор этиш.

НИЗОМУЛМУЛК Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий (1018—1092) — машҳур сиёсий арбоб, илм-фан ҳомийси, «Сиёсатнома» асарининг муаллифи. Н. салжуқийлар давлатининг султони Али Арслон ва унинг ўғли султон Маликшоҳ саройида 30 й.дан ортиқ (1061—1092 й.лар) вазирлик қилиб, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида кенг маълум бўлган «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулук» асарини яратган, «Низомулмулк» тахаллуси б-н шуҳрат қозонган. Н.ни жаҳонга танитган шоҳ асари «Сиёсатнома» унинг ҳаётидан кейин ҳам давлат ҳокимиятини сиёсий маҳорат б-н бошқариш фани сифатида бир неча асрлар давомида Шарқ мадрасаларида ва Ғарб ун-тларида асосий дарслик сифатида ўқитилган. «Сиёсатнома» таркибидаги 50 бобнинг ҳар бири алоҳида сиёсат юритиш соҳасига бағишланган бўлиб, назорат ва амалий йўл-йўриқлар, давлат ҳокимияти механизмининг худди шу соҳа йўналишида амал қилиш восита-усуллари, ибратли ҳаётий ҳикоят орқали баён қилинган. «Сиёсатнома»да баён қилинган фал-ий ва сиёсий фикр-мулоҳазалар, ҳуқуқий ва ахлоқий муаммолар ечимига оид тавсия ва таклифлар ҳоз. кунда ҳам ғоят аҳамиятлидир. Н. бутун ҳаёти давомида илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Унинг ташаббуси билан қурилган «Низомия» мадрасалари илм-маърифат ўчоғига айланди. Н. Абу Ҳомид Ғаззолий, Умар Ҳайём сингари улуг мутафаккирларга алоҳида ғамхўрлик ва меҳр-муруват кўрсатган.

НИКОЛАЙ КОПЕРНИК (1473—1543)—поляк мутафаккири ва астрономи. 1491—1595 й.ларда Краков ун-тида таҳсил олди. Ун-тда астрономия ва математика мактаблари шаклланган эди. Н.К. ушбу мактаблар таъсирида ўз илмий интилишлари ва қизиқишлари доирасини аниқлайди. Н.К. 1495—1504 й.лар Италиянинг Болонья, Падуан, Феррара ун-тларида астрономия ва фал. табиёт ва ҳуқуқ фанларига доир билимларини пухта эгаллайди, қад. юнон тилини ўрганади. 1504 й.да Н.К. Польшага қайтди. «Самовий сфераларнинг айланиши» номли асарида олам-

нинг гелиоцентрик системасини асослади. Н.К.нинг таъкидлашича, Ер оламнинг ўзгармас ва ҳаракатланмас маркази эмас, негаки у ўз ўқи атрофида айланиб туради. Иккинчидан, Ер оламнинг марказида турган Куёш атрофида айланиб тургани боис кун ва тун алмашинади. Шунингдек, осмондаги биз кўриб турган юлдузларнинг ҳолати ўзгармасдек туюлади (аслида биз уларни нуқталардан кузатаётган бўламыз, холос). Ер Куёш атрофида айланиб тургани учун Куёш б. юлдузларга нисбатан ўз ўрнини ўзгартиргандек (яъни ҳаракатлангандек), сайёралар эса ҳалқасимон ҳаракатланаётгандек кўринади. Биз сайёралар ҳаракатини оламнинг марказида турган Куёшдан эмас, унинг атрофида айланиб турган Ердан кузатаётганимиз учун ҳам бу ҳаракат ҳалқасимон шаклда юз бераётгандек гўё. Ер атрофидан эса, фақат унинг йўлдоши Ой айланади, деб хулоса қилади мутафаккир. Н.К. ўз мулоҳазаларини фал-ий таълимот деб атади. Афтидан, бунга мутафаккирнинг қад. юнон пифагорчилари ғоялари б-н танишгани сабаб бўлса керак. Антик дунё файласуфларининг илғор ғоялари ҳам Н.К. эътиборидан четда қолмади. Н.К. гелиоцентризм таълимотига асос солди, бу таълимот ўрта а. дунёқарашида кенг илдиз отган геоцентризмга барҳам берди. Н.К. таълимотининг немис астрономи Иоганн Кеплер ва италян фай. Жордано Бруно томонидан ривожлантирилиши унинг христиан дунёқарашига нақадар зид эканлигини ошкор этди. Натижада 1616 мутафаккирнинг шоҳ асари таъқиқ этилган китоблар қаторига киритилди ва икки асрдан кўпроқ вақт (1822 й.га қадар) эътибордан четлатилиб келинди. Бироқ бундан қатъий назар, Н.К. ғоялари олам ҳақидаги янги қарашларнинг шаклланишида назарий методологик асос вазифасини ўтади.

НИКОЛАЙ КУЗАНСКИЙ (1401—1464) — немис файласуфи, Ренессанс даври диалектикасининг асосчиси, немис кардинали. Н.К. Девентерадаги «Умумий ҳаёт биродарлари» уюшмасида умумий маълумот олгач, ўқишни Гедельберг, Падуан ун-ларида давом эттирди. Сўнг Рим католик черковининг кардинали лавозимларида ишлади. У инг. файласуфи Уильям Оккам таълимоти б-н ҳар томонлама танишди, унинг ижтимоий ва фал-ий дунёқарашида ўша замон ижтимоий онгида содир бўлган секуляризация жараёнининг таъсири сезиларли бўлди. Шунингдек, Н.К. ижодига замонасининг антропоцентрик қарашлари ҳам ўз таъсирини ўтказди. Н.К. Падуан ун-тида ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш жараёнида гуманизм ғоялари б-н батафсил танишди. 1438 й.да теологиядан д-р.лик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзининг «Асослар ҳақида», «Яширинган Худо ҳақида» каби асарларини яратди. Н.К. фал-сида Худо ҳақидаги таълимот марказий ўринни эгаллади. Ўрта аср схоластик аъёналарига асосла-

ниб фикр юритган мутафаккирнинг тушунтиришича, Худо борлиги табиат борлиги ва инсон борлигини шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Лекин Худо «ўзгача» «борлиқ-имконият», «ўзи имконият», энг муҳим «абсолют максимум» эканлигини, олам эса «чекланган максимум»лар чексизлигини кўрсатди. Худо максималлик ва минималликнинг уйғунлашуви эканлигидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни илгари сурди: биринчидан, Худо оламдаги ҳамма нарсада намоён бўлади. Шунинг учун ҳам оламни Худодан ташқарида деб ўйлаш бемаъниликдир; иккинчидан, Худо сабаб ва оқибат бирлигидир, яъни унинг ўзи ҳам яратувчи, ҳам яратувчидир; учинчидан, оламда кўзга кўринадиган нарсаларнинг моҳияти ҳам Худога бориб тақалади. Бундай ҳолат оламнинг бирлигидан далолат беради. Н.К. космологиясининг асосида Ер коинот маркази эмас, деган қоида ётади. Унинг фикрича, Ер ҳам б. сайёраларга ўхшаш табиатга эга бўлиб, доимо ҳаракатланиб туради. Бундай фикр ўрта асрларда узоқ вақтлардан буён ҳукмронлик қилиб келган, коинотни марказида Ер туради. Бошқа сайёралар Ернинг атрофида айланиб туради, деган тасаввурга қарши эди. Табиат борлиги, Н.К.нинг фикрича, бир бутун яхлит организм бўлиб, дунёвий жон томонидан илҳомлантириб турилади. Шунинг учун ҳам бу дунёнинг ҳамма қисмлари бир-бири б-н ўзаро алоқадорликда бўлиб, доимо ҳаракат ҳолатида бўлади. Табиат қарама-қарши кучлар, ҳолатларнинг йиғиндисидан иборатдир. Н.К. фал-сида инсон муаммоси асосий ўринни эгаллади. Н.К. христианликдаги инсон тўғрисидаги ғоялардан юз ўғирди ва бу борада инсонни ўзига хос «кичик олам» деб ҳисоблаган антик фал. ғояларига таянди. «Кичик олам», яъни инсоннинг ўзи ва «катта олам», яъни универсум «максимал олам» — илоҳий мутлақ тушунчаларни муомалага киритди. Унинг тушунтиришича, кичик олам катта оламга, катта олам эса максимал оламга ўхшайди. Н.К. инсонни Худога шунчалик ўхшатадики, натижада инсон илоҳийлаштирилади. Н.К. инсонни «инсонийликнинг Худоси» ёки «инсонлашган Худо» деб атайди. Унинг фикрича, инсон чекланган ва чекланмаган моҳият, чексизлик ва чекланганликнинг диалектик бирлигидан иборатдир. Инсон Худо яратган жамики мавжудотларнинг ҳаммасидан ҳам устун туради. Мавжудотлар ичида фақат фаришталар Худога яқинлашиб борган, холос. «Инсон табиати айлана ичида чизилган кўпбурчакдир, айлана эса илоҳий табиатдир». К.нинг таъкидлашича, инсон микрокосм сифатида табиатни библиш учун зарур бўлган барча табиий қобилиятларга эга. Унинг библиш имкониятлари ақл ёрдамида амалга оширилади. Ақл индивидуаллик маҳсули бўлиб, инсон танасининг тузилиши, унинг вужудга келиши учун асосий шарт вазифасини бажаради. Инсонда уч хил қобилият бўлгани учун ақл ҳам уч хил:

ҳиссиёт (ҳис қилиш, қўзғатиш, тасаввур)га асосланган ақл; идрокка асосланган ақл; фикр-мулоҳазага асосланган ақл. Н.К. ҳиссий билишни ақлнинг энг чекланган қобилияти деб ҳисоблади. Бундай қобилият ҳатто ҳайвонларда ҳам мавжуд. Инсоннинг ҳиссий билиш жараёнининг дастлабки босқичида, воқеалар бир-биридан ажратилади, тасаввурлар тартибга солиш учун зарур бўлади. Лекин ҳар қандай ҳис-туйғу, ҳар қандай тасаввур ёрдамида Худони билиб бўлмайди. Улар табиатни билиш воситасидир, холос. К. табиатни билиш мумкинлигига ҳеч қандай шубҳа билдирмайди. Н.К.нинг таъкидлашича, фикр-мулоҳаза инсоннинг олий билиш қобилиятидир. Билиш жараёни қарама-қарши моментлар бирлигидан, чунончи, билинган табиатни ва билинмаган Худони, ҳис-туйғу ва идрок этишининг чекланган ва ақлнинг энг юқори чекланмаган имкониятларидан иборатдир. Н.К.нинг фикрича, инсон ўзининг билиш борасидаги фаолияти ёрдамида ҳақиқатни аниқлашга қодир. Оламнинг моҳияти тўғрисида озми-кўпми аниқ ёки ноаниқ тасаввурларга эга бўлади. Лекин илоҳиёт ёрдамида бунга эришиб бўлмайди. Чунончи, кенг қамровли оламини билиш фақат иймон-этиқоднинг иши эмас, балки фикр-мулоҳазанинг ишидир.

НИРВАНА (санскрит. — совимоқ, сўнмоқ, ўчмоқ) — буддизм таълимоти бўйича, ҳар қандай борлик, барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт барча мавжудотларга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга қайта туғилиши дунёси (сансара)га боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқубатни чуқурлаштиради. «Борлик гирбоди»дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан кўнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина «нажот йўли»ни топиш мумкин. Илк буддизмда бундай нажотга фақат зоҳидлар ёки монахларгина умид қилиши мумкин эди. Фақат яхшироқ қайта туғилишни умид қилиш, бунинг учун эса, у монахларга мўл-қўл хайр-садақа бериш ҳамда 5 ахлоқий талаб (панча-шила)га амал қилиши керак бўлади. Бу ахлоқий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғирлик қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ичкиликдан ўзини тийиши лозим эди. Буддизм ҳамма нарсанинг асосида билиб бўлмайдиган руҳ — Н. ётади. Дунё реал мавжуд эмас, у фақат кишиларнинг ҳаёлида, билиб бўлмайдиган руҳнинг намоён бўлишида, деб таълим беради Н. таълимоти. Унга кўра, ҳаёт ва турмуш азоб-уқубатларининг сабаби кишиларнинг истаклари ва нафсларида. Азоб-уқубатдан қутулиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафслари-

ни тийишлари, бунда кашф этган ақидаларга амал қилишлари зарур. Буддизм азоб-уқубат тушунчасини мутлақлаштиради, борлиқнинг барча кўринишларини, унинг моҳиятини ҳар қандай ҳаёт тарзини азоб-уқубат деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам буддизм Н.ни борлиқнинг интиҳоси, деб ҳам тушунади. Буддизм таълимотича, жонли мавжудотларнинг ўлиши уни ташкил этган дхарма (элемент, заррача)ларнинг ажралиб кетиш жараёнидир. Бу дхармаларнинг янгидан бирикиши илгари қилинган «савоб ва гуноҳ»лар б-н боғлиқ. Дхарма Н. даражасига етгандагина қайта туғилишларга барҳам берилиб, азоб-уқубатлардан бутунлай халос этилармиш.

НИСБИЙЛИК ПРИНЦИПИ — тинч турган системада ва унга нисбатан тўғри чизиқ бўйича текис ҳаракатланувчан системаларда табиий ҳодисаларнинг бир хил рўй беришини ифодаловчи қонун. Бир-бирига нисбатан тўғри чизиқли текис ҳаракат қилувчи, яъни инерциал системаларда механик ҳаракат қонуни бир хил таърифланади. Шу сабабли, механик тажрибаларга таяниб, тажриба ўтказилаётган лабораториянинг тинч тургани ёки тўғри чизиқли текис ҳаракатланаётганлигини аниқлаб бўлмайди. Бундай хулоса дастлаб Галилей томонидан аниқланган эди. Фанда бу хулоса «Галилей Н.п.», деб юртилади. Бу принципга асосан, бир-бирига нисбатан тўғри чизиқли текис ҳаракат қилаётган системаларда бир хил шароитдаги механик ҳодисалар бир хилда юз беради. Галилейнинг Н.п.га асосан, инерциал системаларнинг бир-биридан афзаллиги йўқ, яъни текис ва тўғри чизиқли ҳаракатланувчи икки саноқ системасидан биринчиси тинч турибди, иккинчиси ҳаракатда ёки иккинчиси тинч турибди деб ҳисоблашимиз мумкин. Демак, ҳаракат ва тинчлик тушунчалари нисбий тушунчалардир. Н.п., математик ҳолда фазо ва вақт ҳақидаги аниқ физикавий таълимотга асосланиши лозим. Классик механикада мутлақ фазо ва мутлақ вақт таълимоти негиз қилиб олинади: фазо ва вақт, материядан қатъий назар, ўз-ўзича мавжуд, ҳеч қандай ҳаракатга боғлиқ эмас, барча системаларда бир хил, жумладан, икки нуқта орасидаги масофа (мас., бирор кесманинг узунлиги) барча системаларда бир хил, икки воқеа орасида ўтган вақт барча системаларда бир хил, бирор системада бир вақтли воқеалар б. системаларда ҳам бир вақтли бўлади, яъни бир вақтликлик тушунчаси мутлақ тушунчадир. Мутлақ фазо ва мутлақ вақт таълимотига асосланган ва Галилей Н.п.га мувофиқ инерциал системаларнинг биридан иккинчисига ўтиш формуллари Галилей алмаштиришлари дейилади. Инерция қонунига мувофиқ, ташқи таъсирсиз (эркин) жисм тинч ҳолатда ёки тўғри чизиқли текис ҳаракатда бўлади. Шу қонунга бўйсунган системалар инерциал системалардир. Демак, бу қонуннинг моҳияти инерциал системаларнинг мав-

жудлигини таъкидлашдан иборат. Модомики, инерциал системаларда механик ҳодисалар бир хил рўй берар экан, классик механикадаги Ньютоннинг иккинчи қонуни — ҳаракат тенгламаси ҳам барча инерциал системаларда бир хил ифодаланади, яъни Галилей алмаштиришларига нисбатан Ньютон тенгламасининг ёзилиш шакли ўзгармас сақланади.

Инерциал системаларда электр, магнит, электромагнит, ёруғлик ва бошқа физикавий ҳодисаларнинг қандай рўй бериши турли тажрибалар (жумладан, Майкельсон тажрибаси)да текширилди. Кўплаб ўтказилган тажрибалардан ҳар қандай физикавий, умуман, ҳар қандай ҳодисанинг инерциал системаларда бир хил рўй бериши аниқланди. Ҳоз. замон физикасида қабул қилинган Н.п. ана шундан иборат. Тажрибалардан яна бир муҳим принцип-бўшлиқда ёруғлик тезлигининг доимийлик принципи аниқланди: ёруғликнинг тарқалиш тезлиги барча инерциал системаларда бир хил, у ёруғлик манбаининг ҳаракатига боғлиқ эмас. Инерциал системаларнинг юқорида кўрсатилган принципларга мувофиқ, бирдан иккинчисига ўтиш формулалари Лоренс алмаштиришлари дейилади. Модомики, инерциал системаларда электромагнит (жумладан ёруғлик) ҳодисалар бир хил рўй берар экан, демак бу ҳодисаларнинг қонуниятларини ифодаловчи Маквелл тенгламалари ҳам барча инерциал системаларда бир хил ифодаланади, яъни Маквелл тенгламаларининг ёзилиш шакли ўзгармасдан (инвариант) сақланади. Н.п.да классик механиканинг ҳаракат тенгламаси Лоренц алмаштиришларига нисбатан инвариант ҳаракат тенгламаси маълумдир.

НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ — ташқи олам предметлари ва ҳодисалари тўғрисидаги билимларимизнинг нисбийлигини ифода этадиган фал-ий тушунча. Н.ҳ. моҳиятан мутлақ ҳақиқатга зиддир. Н.ҳ. субъект онги ва иродасидан ташқаридаги мавжудликни ўзида тавдалантиради. Ана шу объектив мавжудлик кишилар (субъект) онгида икки хил шаклда ақс этади: биринчиси, абсолют (мутлақ) ҳақиқат, иккинчиси нисбий ҳақиқат. Н.ҳ. абсолют ҳақиқат тушунчасига қарама-қарши ўлароқ нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида ўзгартириб, тўлдириб, такомиллаштириб бориладиган билимлар, тасаввурларни мужассамлаштиради. Мас., коинот тўғрисидаги билимларимиз мутасил кенгайиб, тўлдириб боришга муҳтождир. Умуман Н.ҳ. ҳар қандай янгилик нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги нисбий билимларимизнинг ўзгариши, тўлдирилиши ҳисобига амалга ошади. Илмий техника тараққиётининг муайян босқичида шаклланган у ёки бу нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги Н. хулосалар абсолют ҳақиқат сифатида эътироф этилса, лекин, вақт ўтиши б-н нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги чиқарилган бундай хулосалар номукамал

эканлиги аён бўла боради, яъни Н.ҳ. тарзида тасаввур этилади. Ана шу тартибда фал-ий ва илмий тафаккурнинг ривожланиш жараёни рўй беради.

НИЦШЕ (Nietzsche) ФРИДРИХ (1844—1900) — немис файласуфи, иррационализм ва волюнтаризм намояндаси, «ҳаёт фалсафаси»нинг асосчиларидан бири. Н. фал-ий тизими прагматизм ва экзистенциализм каби 20-а. фал-ий йўналишларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Н.Ф. 1864-68 й.ларда Бонн ва Лейпциг университетларида филологияни ўрганди ва 1869 й.дан Базел университетида профессор лавозимида ишлади. Унинг «Муסיқа руҳидан фожиа (трагедия)нинг туғилиши» (1872), «Зардўшт таваллоси» (1883—1884), «Ҳамма учун ва ҳеч ким учун» (1883—1892), «Ҳокимиятга интилиш» (1906) каби йирик ва машҳур асарлари мавжуд. Н. фал.сида «ҳаёт» тушунчаси марказий ўрин эгаллайди ва уни фақат интуитив йўл б-н билиш мумкин бўлган реаллик деб изоҳлайди. Ўз моҳиятига кўра, иррационал бўлган ҳаётий реалликни билишнинг образли-символик усуллари ни илмий билишга қарама-қарши қўйди. Ҳаётни тўғри инъикос эттириш ва ифодалаш воситаси деб санъат асарларини билган Н. фал.сида билишнинг рационал (ақлий) усуллари ўрнини эстетик интуиция ва оламни бадиий-эстетик ўзлаштириш усуллари эгаллади. Н.нинг таъкидлашича, санъат маънавий маданиятнинг муҳим элементи сифатида инсоният тараққиёти илк даврларида жамият ҳаётида фанга нисбатан биринчи даражали рол ўйнаган. Н. фал.сига Шопенгауэр қарашлари ва Дарвиннинг яшаш учун кураш қонуни катта таъсир кўрсатди. Ушбу таълимотлардан келиб чиқиб, у, барча ҳаётий жараёнларни, жумладан, инсон билишини ҳам фақат ҳокимиятга интилишнинг турли шаклда намоён бўлиши, деб тасвирлашга уринди.

НОДИРА (*тахалуси*; исми Моҳларойим, 1792, Андижон — 1842, Кўқон)—ўзбек шоираси. Н. 18-а. охирида Андижонда Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси Раҳмонқули бий оиласида таваллуд топган. Олимхоннинг укаси Умархонга турмушга чиқади. 1810 й.да Олимхоннинг вафотидан сўнг Умархон унинг ўрнига тахт соҳиби бўлади. 1822 й.да Умархон вафот этади. Сарой аҳли Умархон ва Нодиранинг ўғли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон)ни подшоҳ қилиб кўтардилар. Н. тез фурсатда мамлакатни идора қилиш ишларида фаоллик кўрсатади. Н. Умархон даври аъналарини давом эттириб, илм аҳлига, адабиёт ва санъат намояндаларига ҳомийлик қилди, маънавий ҳаётнинг юксалишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Муҳаммад Алихон 21 йил ҳукмронлик қилди. Турли сабабларга кўра, Муҳаммад Алихоннинг руҳонийлар б-н муносабатлари кескинлаша борди. Ундан ҳафсаласи пир бўлган кимсалар Бухоро амири Насруллодан нажот излаб, Маъ-

далихон ўз ўғай оналаридан бирига уйланди, дея миш-мишлар тарқатишди ва Насруллога бу кофирдан Фарғонани қутқариш керак, деб мурожаат қилишди. Насрулло қонли жанглار натижасида Қўқонни забт этди ва Маъдалихон, укаси Султон Маҳмудхон, ўғли Муҳаммад Аминхон, онаси, Н. ва бир қанча аъёнларни қатл эттирди. Н. «Комила» ва «Нодира» тахаллуслари б-н ижод қилиб бутун Фарғона водийсида «Нодираи даврон» номи б-н шуҳрат қозонди. Шоира ижодида инсон учун буюк неъмат ҳисобланган вафодор ёр тимсоли ўзининг ёрқин ифодасини топган. У Алишер Навоий, Абдуқодир Бедил ва б.лар бошлаб берган инсонпарварлик анъаналаридан руҳланиб, инсон зотига хос фазилатларни тараннум этади, унинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилади. Н. ижодида муҳаббат мавзуси ўзига хос эътиборли мақомга эга. Унинг фикрича, одам муҳаббат, меҳр-оқибатни ҳис қила олиш орқали ўзининг инсон эканлигини англай боради, ўзлигини кашф этади. Н. асарларида адолат ва муҳаббат фал.си илгари сурилган. Лекин Н. асарларида бу мавзу янгича талқинга, ички кечинмаларга бой. Н. муҳаббат майдан сархуш бўлиб, ўз севгисини, кулиб боққан бахтини қуйлайди. Ишқ намозига сажда қилиш шеърятда янгича ўхшатиш сифатида шоиранинг ижодида ифодасини топган. Н. учун муҳаббат комилликнинг нишонаси. Ёрга вафодорлик, унинг қадр-қимматига етиш, уни эъозлаш, қалб тўрида авайлаб сақлаш — Н. ғазалларининг мазмун-моҳиятидир. Аммо Н. ижодиётида, айниқса, унинг кейинги даврида тасаввуфий ғояларга мурожаат этганлиги ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Кейинчалик мажозий ишқ-муҳаббат илоҳий ишқни тараннум қилиш воситасига айланади. Оддий иборалар, шеърый шакл-шамойиллар аста-секин теран фал.ий мазмун касб эта боради. Эндиликда «Муҳаббатсиз киши одам эмасдир, гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт. Куйиб, эй Нодира олам элига муҳаббат шевасини ошкор эт» мисраларига янгича урғу бериб, «Манъи муҳаббат на қилурсан менга, рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз» каби изоҳлар беришни маъқул кўради шоира. У энди «ёр лаълининг хуморидан» майхонада дам-бадам май ичади, Яратганга илтижо қилиб, «жамолинг менга муддао субҳу шом, висолинг менга орзу рўзу шаб», — дея хитоб қилади. Н. ўзининг «На гул сайр айла» шеърисида эса, «Аналҳақ можаросини айладинг фони, кел, эй Мансур, истиқболни дор эт», деб ёзади. Демак, Нодира назарида Яратганнинг жамолини кўриш инсон зоти учун ҳар қандай бахтдан афзал. Унга етишиш йўлида жонни фидо айласанг арзийди. Энг муҳими, бу олам ғамини фаромуш айлалаш, май б-н кўнглини шод этиш илоҳий муҳаббат савдосидан ўзга нарса эмас, албатта. Дастлаб Н. шоира, муҳаббат қуйчиси бўлган бўлса, кейинги Н. тасаввурий олам фай.ига айланган. Н.нинг «Фарҳод агар», «Марҳобо», «Кел-

тир шароб», «Шитоб айлаб», «Берай жон висол ичра», «На гул сайр айла», «Келгил, эй ёр» каби шеърлари эл ичра шуҳрат қозонди. Унинг ғазаллари Увайсий, Дилшод Барно, Маҳзуна, Анбар Отин, Саида, Ҳадия Биби, Надима каби шоираларнинг шаклланиши ва камол топишида маънавий гуртки бўлди, маънавий қадриятлар хазинасини ўзининг лирик жўшқинлиги б-н бойитди, янгидан-янги иқтидор соҳибаларини, аёлларни шеърят бўстони-га чорлаб келди.

НОЗИДЛИК ҚОНУНИ (*лот. lex contradictionis*) — айна бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган ўзаро икки зид фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайдиган формал мантиқнинг асосий қонунларидан бири. Бу қонун А-В, В формуласи б-н ифодаланади ва «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди», деб қўйилади. Математик мантиқда бу қонун қуйидаги формула орқали ёзилади: $Vp (p \vee \bar{p})$ (яъни ҳар қандай р мулоҳаза учун р ва р эмас, бир вақтда чин бўлади, деб тасдиқлаш хатодир).

Н.қ.ни юнон мутафаккири Аристотель кашф этган. У: «ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас», — деб таъкидлаган. У Н. қ.нинг онтологик мазмунга ҳам эга эканлигини кўрсатиб берган. У «Метафизика» асарида: «бир буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўлиши мумкин эмас», «бир нарсага айна бир белги ҳам тааллуқли, ҳам тааллуқли эмас бўла олмайди», деб ёзган. Тўғри тафаккур қилиш учун бу қонуннинг ниҳоятда муҳим эканлигини Форобий ва Ибн Синолар ҳам таъкидлашган. Форобий «Нотиқлик санъати» («Риторика») асарида: «Айна бир буюм ҳақида, айна бир вақтда ўзаро зид қарашларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас» — деб ёзган. Тафаккур жараёнида вақт муносабат ва объект бирлигининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади. Агар бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва ҳар хил муносабатда айтилган бўлса, фикрда мантиқий зиддият бўлмайди. Мас., «Талаба А. Форобий асарларини кўрган» ва «Талаба А. Форобий асарларини кўрмаган» каби ҳукмлар ўзаро қарама-қарши бўлишидан қатъий назар чин фикр ҳисобланади. Н.қ. қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин. Ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири чин бўлса, иккинчиси, албатта, хато бўлади. Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъқиқламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида, ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Формал мантиқ илми диалек-

тик зиддиятлар б-н мантиқий зиддиятларни чалкаштириб юбориш мумкин эмаслигини, уларни алмаштириб юбормаслик, бир-биридан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди. Чунки улардан бири тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, бошқаси буюм ва ҳодисалар тараққиётининг ички мантиқини ташкил қиладиган зиддиятдир.

Мантиқий зиддият қонунини билиш ва унга амал қилиш рақибнинг, суҳбатдошнинг фикрларидаги мантиқсизликни аниқлаш, илмий таҳлилни изчил ва чуқур мантиқий асосда олиб бориш имконини беради.

НОМИНАЛИЗМ ВА РЕАЛИЗМ — (лот. номина — исм, ном.) — схоластик фалсафадаги бир-бирига зид оқимлар. Номиналистлар фикрича, универсалийлар ҳақиқатда эмас, балки фақат тафаккурда мавжуд. Ўрта асрларда Н. схоластиканинг реализм б-н мунозараси натижасида келиб чиққан эди. Лекин Н.нинг асосий тезиси қад. юнон файласуфлари Антисфен ва Стоиклар томонидан илгари сурилган бўлиб, улар Платон ғояларини танқид қилган эдилар. Н. Росцелин томонидан асосланганидан кейин мустақил оқимга айланди. У фақат якка нарсаларгина реал мавжуд, универсалийлар эса нарсаларнинг номи, деб таъкидлаган. 14-а.да Н. юксак чўққига кўтарилди. Бу даврнинг буюк номиналисти сифатида У. Оккам майдонга чиқди. У Дунс Скоттнинг билиш предмети сифатида фақат якка индивидуаллик майдонга чиқиши мумкинлиги ҳақидаги ғояларидан фойдаланди. Интуитив билиш уларнинг реал борлигини қайд этади, мавҳум билиш эса предметлар ҳақидаги тушунчалар сифатида майдонга чиқадиган атамалар ўртасидаги муносабатни очиб беради. Н. ўрта аср табиатшунослиги тараққиётига таъсир кўрсатди ва икки ҳақиқат наз-ясининг яратилишига сезиларли ҳисса қўшди. 17-а. фал.сида Гоббс ва Локк Н.нинг умумий тушунчаларидан билиш наз-ясини яратишда фойдаландилар. *Беркли* ва *Юм* ҳам Н.дан умумий объективликни инкор этиш учун фойдаландилар. Ҳоз. замон математик Н. математикани парадоксларсиз ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Реалистлар (*Ансельм Кентерберийский*, *Фома Аквинский*) умумий объектлар, тушунчалар ё алоҳида инсонда, ақлдан ташқарида, бу нарсаларга қадар ёки индивидуал нарсаларнинг ўзларида, уларнинг руҳий асосларини ташкил этган ҳолда мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Черков реализм нуқтаи назаридан, турли ақидаларни, мас., *Одам Атонинг* гуноҳкор бўлганлиги ҳақида афсонани фал-ий асослаш учун фойдаланди.

НОМОТЕТИК МЕТОД (юн. nomothetich — қонун чиқарувчи санъат) — И.Кант таълимотида билишнинг қонунлари ва қоидаларини аниқлашда ақл-

нинг қонун чиқарувчи фаолияти услуги Кант изидан Виндельбанд томонидан киритилган, Риккерт томонидан тўла-тўқис баён этилган табиатшуносликнинг предмети нарсаларнинг борлиги сифатида киритилган, улар умумий қонунлар б-н белгиланган. Табиатшунослик табиат қонунларини очмайди, балки ақлий фаолиятнинг натижаси сифатида «яратди». Н. маданият ҳақидаги фаннинг индивидуаллаштирувчи идеографик методини метафизикларча қарши қўяди. Идеографик метод тарихий фанларга қарама-қарши ўлароқ, фақат такрорланмайдиган фактларни тавсифлаб, табиатшуносликни табиат белгиси остида тушунади, «такрорланувчи ҳодисалар, уларнинг амал қилиш услублари доимо бир хилдир». Бу метод формал-мантиқий тескари муносабатлар қонунда тушунчанинг ҳажми ва мазмунини илмий фикрлаш тартибини соддалаштириб акс эттиради.

НОРМА (лот.—меъёр) — 1) расмийлаштирилган қонун-қоида. Кўпроқ умум томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. Ёки қоидага асосланган дастур, мажбурий деб эътироф этилган тартиб-қоида (мас., ҳуқуқ Н.си); 2) бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўлчами, миқдори, меъёри ёки қатъий белгиланган ўлчов, бирор нарсанинг ўртача миқдори (мас., ишлаб чиқариш Н.си); 3) полиграфияда ҳар бир босма табақ биринчи варагининг пастки чап томони бурчагида бериладиган маълумотлар (босмаҳона буюртмасининг рақами, нашрнинг қисқа номи ёки китоб муаллифи фамилияси). Булардан ташқари, ихтиёрийликка асосланган ахлоқий Н.лар мавжуд (қ. *Меъёр*).

НОСИР ХУСРАВ, Абу Муиниддин ал-Қубодиёний ал-Балхий (1004, Балх яқинидаги Қубодиён қишлоғи — 1088, Бадахшон) — шоир, файласуф, олим Ёшлигидан Қубодиёнда, сўнг Балх ва Марв мадрасаларида ҳандаса, алгебра, мантиқ, нужум, тиббиёт, фал., тарих, фикҳ, илоҳиёт, тасаввуф таълимоти, мусиқа, шеърят каби соҳаларни қунт б-н ўрганди. 1045 й.дан Чоғирбек саройида хизмат қилган. 52-й.да Миср, Шом, Ироқ, Арабистон, Арманистон, Озарбайжон, Ҳиндистонда бўлди. Унинг «Сафарнома» китобида шу саёҳат натижалари ёритилган. Хилма-хил тоифага мансуб кишиларнинг дунёқараши, эътиқоди, мазҳаблари б-н танишди. Шунингдек, *Сукрот*, *Платон*, *Аристотель* каби мутафаккирларнинг бой ва фал-ий меросини ўрганишга киришди. Н.Х. дунёқарашининг шаклланиши ва камол топишида, айниқса, *Форобий*, *Ибн Сино* асарлари самарали таъсир кўрсатган. Н.Х.дан бизга «Зод ул-мусофирин», «Рўшнонома», «Саодатнома»,

«Бўстон ул-уқул», «Жомеъ ул ҳикматайн», «Дин ваҳҳи», «Сафарнома» асарлари, форс ва араб тилларида ёзилган иккита шеърлар девони, қатор рубоийлар етиб келган. Унинг диний-тасаввуфий дунёқарашида Куръони Карим ва ҳадиси шарифнинг зоҳирий талқини эмас, балки ботиний (ички, моҳиятли) томонини очиш муҳим ўрин эгаллади. Унга кўра, Тангри таоло биз яшаб турган оламнинг асл сабабчисидир. Ақл Аллоҳ инъом этган буюк неъмат бўлса-да, Тангри моҳиятини англаб етишга қодир эмас. Инсон зоти бу ақл-заковати орқали унинг ботиний моҳиятини эмас, балки зоҳирий жиҳатларинигина англай олади. Бу олам аслида яратилгандан кулли ақл салтанатидир. Ундан нафси кулл юзага келади. Уз навбатида, нафси кулдан ашёлар олами вужудга келади. Аллоҳнинг ақли б-н яратилган нафси кулл ва ақлни бир-бирига қиёслаб бўлмайди, чунки уларнинг мақом ва мартабаси турлича. Мутлақ вужуднинг даражаси, ривожланиш босқичлари йўқ. У доимо камолот ва етуқли мақомида туради. Инсон ақли эса, аксинча, доимий ҳаракатда бўлади. Лекин инсоннинг баркамол инсон даражасига етишининг чеки йўқ. Айнан шу маънода инсон ўзининг маънавий-руҳий юксалишининг соҳибидир. Мутлақ вужудга етишиш учун шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини бирма-бир босиб ўтиш лозим бўлади. Ана шундагина у мутлақ ҳақиқатга ва мутлақ ҳусн васлига етишишга умидвор бўла олади. Лекин унга ҳис-туйғулар, ҳаётий тажриба, ақл орқали эришиш амри маҳол. Уни қалб кўзи б-н мушоҳада этиш, кўриш мумкин. Бунинг учун эса қалбнинг ўзини ислоҳ қилиш, уни турли-туман иллатлардан поклаш лозим. Инсон ўзини билмасдан, Тангри ва оламни била олмайди. Агар қалб бу борада хиралашса, на мутлақ вужудни, на яратилган оламни ўзида акс эттира олади. Н.Х.нинг ижтимоий-ахлоқий идеали, табиийки, унинг қалб кўзини поклаш ғоясидан келиб чиқади. Ҳар бир инсон ўз олдида маънавий юксалишни ягона мақсад қилиб кўяр экан, илмга талабгор бўлмоғи, ақл ва идрокни такомиллаштириши лозим. Ёмонлик ва эзгулик туғма ҳислат эмас. Ўзига нисбатан лоқайдлик, нодонлик, жоҳиллик, ёмонликка йўлдош бўлса, ахлоқий покланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, истак, хоҳиш эзгуликка қанот бўлади, одамни юксакликка кўтаради. Бундай инсон кишиларнинг ҳузур-ҳаловатига, қайғу-аламлари ва қувончига бефарқ бўла олмайди.

НОУМЕН (юн. nousmenon) — тафаккур, ақл объекти, интеллигибель предмет, яъни фақат ақл б-н, интеллектуал мушоҳада б-н қамраб олинадиган, ҳиссий мушоҳада объекти феноменга қарама-қарши бир нимадир. Кантнинг ақл танқиди фал.сига кўра. Н. тафаккур оламига тегишли бўлиб, у моддий жи-

ҳатдан ҳеч нимадир; Н. — соф ғоя бўлиб, унга ҳеч қандай предмет мос келмайди.

НОЭЗИС (грек. noesis-интуиция) — фикр шакли. У гипотетик, зарурий ёки нарсалар мавжудлигини кўрсатувчи фикр мазмунига тескари ёки қарама-қарши фикр шаклида намоён бўлади. Нозма (грек. noema — фикр) — фикр объекти ва ғоя мазмуни, «ноэзис» терминига зид бўлган фикр. Бу термин Гусерл феноменологиясида қўлланилган. Гусерлда ақлий фаолиятни феноменологик нозматик таҳлили б-н тўлдирилади. Бу эса бизга нозтик таҳлил воситасида билимларимиз шакллари таҳлил қилиш имкониятини беради.

НУТҚ — инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки коммуникация ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни. Н. — ахборот, хабар, маълумот ва янги билим бериш, ақлий топшириқларни ечиш фаолиятдан иборат. Агарда тил алоқа воситаси бўлса, Н. эса айнан ўша алоқа жараёнларининг амалга оширишдир. Н. ривожланиши даврлари: 1) 2 ойдан 11 ойгача; 2) 11 ойдан 19 ойгача; 3) 19 ойдан 3 ёшгача. Н. ривожланишининг хусусиятлари: гудурланиш, парадигматик фонетика, нутқнинг вазиятбоплиги, Н. эгоцентризми. Н.ни вужудга келтирувчи аппарат схемаси: а) Н.нинг анатомик тасвири; б) Н.нинг функционал элементлари; в) Н.нинг эквивалент блок схемаси ва б. Н. вербал ва невербал туркумдан иборат. Новербал Н. турли имо-ишора, мимика, пантомимика, эхологик, сигнификация, дактилогик (бармоқ нутқи) кўринишларга эга. Вербал Н. оғзаки, ёзма, монологик, диалогик, полилогик, ташқи, ички, экспрессив, импрессив, лаконик (йиғиқ), эпик (ёйиқ), аффектив турларга бўлинади. Тилнинг (орфографик, фонетик, морфологик, синтаксистик, орфоэпик, лингвистик, флексив ва б.) қонуниятларига асосланган ҳолда мазмун ва моҳиятни узлуксиз, тадрижий равишда ахборотларга айлантирувчи Н. тури ёзма Н. дейилади. Пауза, мантиқий ургу, темп, тембр, частота, ритмика ва б. ташкилий қисмлар ҳамда механизмларни ўзида мужассамлаштирган, тилнинг барча қоидалари, қонунлари, шартли белгилар сифатида хизмат қилишга асосланувчи Н. тури оғзаки Н. деб аталади. Оғзаки Н. ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, узатилишдаги ихчамлиги, толиқишнинг олдини олиш имконияти мавжудлиги каби хусусиятлари б-н ажралиб туради. Миллат маданияти, маънавияти, фан ва техникаси ютуқлари санъати ва адабий меросини авлодларга етказиб беришда, миллатлараро алоқа ўратишда ёзма Н.нинг аҳамияти чексиздир.

НУТҚ МАДАНИЯТИ — нутқнинг адабий тил меъёру мезонларга асосланган, муайян бир ҳолда мантиқ илми талабларига бўйсунган ҳолда намоён бўлишидир. Нутқ тафаккур ва фикрлашда ўзаро мулоқот ёрдамида фикр алмашиш воситасининг ҳар бир киши (шахс)га хос шакли, кўринишидир. Н. м.нинг асосий хусусияти нутқни илмий, сермазмун, аниқ-равшан, равон, тўғри, таъсирли, бадиий, мантиқий, жарангдор, жозибали баён этишдан иборат. Бунинг учун нутқ, аввало, адабий тил қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Н. м. якка шахслар, чунончи маърузачи, педагог, суҳандон, давлат ва жамоат арбоби, журналист, мухбир в.ҳ.лар нутқлари орқали намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Инсоннинг интеллектуал савияси, миллатнинг менталитети (қ), маънавий бойлиги қанчалик ортиб борса, Н. м. ҳам шуларга муносиб равишда юксалиб боради. Н. м. нутқ сўзлаш, маъруза қилиш, ўзаро мулоқотлар, савол-жавоб, давра суҳбатларида ўзбек адабий тилининг бойликларидан самарали фойдаланиш; ғоявий, мафқуравий, маънавий, тарбиявий жиҳатларни сингдириш, халқ оғзаки ижоди, ҳикматли сўзлар, мақоллар, катталар ўғитларини ўз ўрнида, меъёрида фойдаланиш; нутқ қисқа, аниқ-равшан, теран, мазмунли, кенг қамровли бўлишига, нутқ, маъруза, суҳбат охирида қисқа хулосалар чиқариш; зарурият туғилганда тингловчилар, суҳбатдошлар б-н одоб доирасида, вазминлик асосида баҳслашиш, мунозара қилиш каби хусусиятларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Н. м. нотиқнинг олдида ҳам муайян талаблар қўяди: нотиқ нутқ сўзлашга ўз ёши, иши, лавозими, мавқеи кабиларни ҳисобга олган ҳолда, камтарона кийиниб чиқиши, нутқни бошлашдан олдин тингловчилар б-н самимий саломлашиши; нутқ мавзусига оид лўнда, аниқ-равшан, қисқа жавоблар бериши; билмаганларига узр сўраши; нутқ мавзусига доир бўлмаган саволларга жавоб бермаслик; тингловчиларнинг нафсониятига тегмаслик, ҳар хил ноўрин хатти-ҳаракатларга асло йўл қўймаслиги лозим. Н.м. нотиқни улуғлайди, қадр-қимматини оширади, ижтимоий мавқеини юксалтиради.

НУФУС (*аҳоли*) — муайян ҳудуд, минтақа, мамлакат ёки сайёрамизда яшаётган одамларнинг йиғиндиси (инсоният). Н. алоҳида фан соҳаси бўлган демографиянинг тадқиқот объекти, предмети (қ. Демография). Демография тушунчаси аҳолининг жойлашиши, миқдорий ўсиши, таркибий ўзгаришларининг қонуниятларини тадқиқ қилиш учун 1855 й.да француз олими А.Гийар томонидан муомалага киритилди. Шунингдек, бу фан аҳолининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгаришларни муайян сиёсий мақсадлар б-н мувофиқлаштирувчи демогра-

фик сиёсатнинг наз-ий асосларини, аҳолининг миқдорий ўсиши ва ўзгаришлари тўғрисидаги илмий башорат қилиш усуллари ва ҳ.к.ларни ҳам ўз ичига олади. Демография туғилиш ва ўлим, никоҳ ва ажралишни, саводхонлик даражаси, ижтимоий-синфий структура, аҳолининг миллий, ирқий таркиби, тили, аҳоли миграцияси, урбанизация ва деурбанизация жараёнларининг туб сабабларини ўрганишни ҳам ўз олдида вазифа қилиб қўяди. Фарбда аҳолишунослик фани Н. ўзгаришларини асосан биологик ёки географик омиллар б-н боғлаб тушунтиришга уринадилар. Энг кўп тарқалган қарашлардан бири мальтусчилик бўлиб, унда аҳоли турмуш даражаси пастлигининг туб сабаби сифатида аҳолининг туғилиши ҳисобига стихияли тарздаги кўпайиши кўрсатилди. Шунингдек, географик муҳит (Ш.Монтескье), яъни аҳоли кўпайишига ҳал этувчи таъсир ўтказадиган мўътадил табиий шарт-шароит деб ҳисоблайдиган қарашлар ҳам кенг тарқалган.

Кейинги пайтларда ер шари Н.ининг ўзгаришида ижтимоий омилнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги қарашлар кенг ёйилмоқда. Хусусан, Рим клуби аъзолари (Ж.Форрестер, Д. Мелоус, Месорович-Пестел, Ян Тинберген, А.Кинг ва б.лар) илгари табиий омиллар деб тушунилган факторларнинг ҳам туб асосида ижтимоий омиллар ётишини кўрсатиб бердилар. Мас.: кишилар томонидан ишлаб чиқариш соҳаси доирасига киритилган жўғрофий майдон кенгайишининг асосида, биринчи навбатда, миқдорий жиҳатдан тобора кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга бўлган интилиш ётади. Ўз навбатида, аҳолининг кўпайиши эса сунъий (ижтимоий) муҳитнинг янада мўътадиллашуви, қулайлиги асосида ҳам юз беради. Ер юзи аҳолисининг кўпайиши ҳар доим ҳам бир хил суратда кечмаган. Агар ер юзида илк цивилизациялар даврида мил. олдинги 5-4 минг й.ликларда 25 млн. киши яшаган бўлса, мил.нинг 1-а.и бошларида бу кўрсаткич 230 млн.га етган. Мил.нинг 2-минг й. бошларида 305 млн. кишини ташкил этган бўлса, 1800 й. да эса бу миқдор 911 млн. кишини ташкил этди. 20-а.нинг энг муҳим белгиларидан бири, шубҳасиз, «демографик портлаш» ҳодисасидир. 20-а. ўзидан олдинги а.лардан аҳоли миқдорининг ўта тез суръатлар б-н кўпайиши б-н ажралиб туради. Агар 1900 й.да ер юзи аҳолиси 1652 млн. бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1999 й. (13 октябр) 6 млрд. кишидан ошиб кетди. 21-а.га келиб барча мамлакатларда аҳолининг ўсиш даражаларини ўрганишни ўзида мужассамлаштирувчи демографик сиёсат олиб борилмоқда. Чунки, мамлакатларнинг тараққиётига таъсир этаётган асосий омиллардан бири айнан, аҳолининг табиий кўпайишининг юқори суръати ҳисоблана-

ди. Шунинг учун аҳолининг табиий ўсишини мўтадиллаштиришга қаратилган БМТ қошидаги махсус оилани режалаштириш қўмитаси бир неча ўн йиллардан буён фаолият кўрсатмоқда. 1992 йдан бошлаб БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эътироф этилган мамлакатимиз ҳам оилани режалаштириш қўмитасига аъзо бўлди. Ўзбекистонда ўтказилаётган демографик сиёсатнинг туб мақсади аҳолининг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

НЪЯЯ (*мантиқ*) — қадимги ҳинд фалсафий мактабларидан бири. Мил.ав. 6-2-а.ларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Унга Гаудапада асос солган. Н. таълимотича, олам атомлардан ва жондан ташкил топган. Жон билишнинг субъекти. Н.чиларнинг фикрича, жон бўлинмас субстанциядир. Жон на ибтидога ва на интиҳога эга. Будха (онг) ва манас (жон) замон ва маконда чекланган бўлиб, заррачалардан ташкил топган. Субъект қанча бўлса, жон ҳам шунчадир. Н.чилар асосан оламни билиш масалалари б-н шуғулланганлар. Табиатдаги жисмлар ва ҳодисаларни инсон бешта сезги аъзолари

орқали билади. Ҳиссий билишга тегишли бўлмаган нарса ва ҳодисалар реал эмас. Шунинг учун Браҳма (Худо) ҳам мавжуд эмас. Ҳиссий билиш объектнинг сезги аъзоларимиз б-н боғлиқлигидир. Ҳиссий билиш ҳақиқий билиш, деган эди Гаудапада. Н.чилар фикрича, бешта сезги аъзоларимиздан ташқари олтинчи аъзо ҳам мавжуд: уни манас деб аташади. Манас ҳиссий билиш ва жон ўртасида туради. Гаудапада ҳиссий билишга жараён сифатида қаради. Биринчи ҳиссий билиш бу объект б-н ҳиссиётнинг бирикишидан иборат. Чуқурроқ ҳиссий билиш эса жисм сифатларининг фарқларини аниқлашдир. Жуда чуқур ҳиссий билиш бу жисмларнинг моҳиятини, фарқини аниқлаш ҳисобланади. Ҳиссий билиш 3 босқичдан иборат: 1. Нирвакальпана—бевосита билиш. 2. Савина кальпана—аниқ билиш, қисмларга бўлиб билиш ўз ичига таҳлилни олади. 3. Мантиқий билиш. Буни Н.чилар жараён деб ҳисобладилар. Сабабият ҳар қандай тараққиётнинг бошланишидир. Сабаб ва оқибат реал мавжуд. Сабаб уч хил: моддий, номоддий ва ҳаракат сифатида намоён бўлади. Уларнинг таълимотича, сабаб ва оқибат ўткинчи ва доимо ўзгариб турувчи ҳолатлардир.

О

ОБЪЕКТ (*лот.* object — нарса) — *субъектнинг* билиш ва амалий фаолиятида унга қарама-қарши турадиган нарса. О. фақат объектив реаллик б-н эмас, балки унинг бир қисми бўлган субъект б-н ўзаро таъсирда бўлади. О.нинг ажратилиши жамият томонидан ишлаб чиқилган ва *объектив реаллик* хоссаларини акс эттирадиган амалий ва билиш фаолияти жараёнида рўй беради. О. билиш субъектининг сезгиларига таъсир қилиб қолмай, балки яширин, таҳлил қилинмаган шаклларда майдонга чиқади. О.ни идеал тарзда яратиш субъект томонидан билиш фаолиятининг натижаси сифатида рўй беради. О.ни яратиш вақтида мантиқий операцияларнинг қўлланилиши О.нинг «яратилиши»ни билдирмайди, билиш операцияларининг мазмуни субъект ичидан олинмайди, балки О. томонидан белгиланади. Субъект томонидан ишлаб чиқилган билим доимо О. б-н мувофиқлаштирилади, моддий амалий фаолият орқали текширилади (тажриба, эксперимент). Билишнинг эмпирик даражасидан наз-ий даражасига ҳаракати О.дан четлашишни билдирмайди, балки О.нинг юза қатламидан чуқурроқ қатламга томон ҳаракатланиши сифатида майдонга чиқади.

ОБЪЕКТИВИЗМ — ташқи оламдаги мавжуд предмет ва ҳодисаларни фал-ий таҳлил қилиш, билиш жараёнида субъект хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда баён этиш. О. ташқи олам предмет ва ҳодисалари қандай бўлса, шундай баён қилишдир. Фанда ҳолисликни ёқлаб чиқувчи қарашлар билиш жараёнининг мураккаблигидан келиб чиқувчи, ҳар қандай чекланишларни, бир томонламаликни инкор этишга қаратилгандир. Айниқса, ижтимоий воқеликни билишнинг ўзига хослиги бу масалани фал-ий муаммо даражасига кўтарди. Ижтимоий воқеликни билишда билувчи субъектнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлар б-н боғланиб қолиши билишнинг объективлигига путур етказди. Марксча дунёқарашда О. даражасини синфий манфаатларга мослик даражаси б-н айнийлаштириб, бу масалага ҳам синфий ёндашиш талаб этилган эди. Ижтимоий воқеликни билишда объективлик масаласини неопозитивизм намояндалари, хусусан, Б.Рассел умуминсоний манфаатларга мос келишлик даражаси б-н ўлчаб, уни мезон қилиб олди. Бундай қарашлар 20-а.нинг ўрталарида ижтимоий воқеликка янгича ёндашиш кераклигини ижтимоий заруратга айлантирди ва «Янгича фал-ий тафак-

кур» ҳамда «Янгича сиёсий тафаккур» услубининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Табиий ва ижтимоий воқеликни билиш жараёнида билувчи субъектнинг билим, қобилият ва имкониятлари, хоҳиш-иродаси ва у томонидан ҳимоя қилинаётган муайян ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатлари бевосита иштирок этади. Уларсиз билиш жараёни амалга ошмайди. Демак, тадқиқотчи субъект воқеликни акс эттириш жараёнида кимлар номидан қатнашишига ҳамда у томонидан ҳимоя қилинаётган манфаатлар доирасининг кўламига қараб объективлик даражаси белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда билиш жараёни субъектнинг ақлий, ҳиссий имкониятлари, хоҳиш-иродаси ва у томондан ҳимоя қилинаётган манфаатлар доираси б-н боғлиқ субъектив жараён бўлиб, бу эса бевосита объективликни ўлчаш мезони бўлиб ҳам хизмат қилади.

ОБЪЕКТИВ РЕАЛИК — инсон онгига боғлиқ бўлмаган, ундан ташқаридаги моддий олам. Борлиқнинг моддий шакли бўлган материя ўзининг барча кўринишлари ва хоссалари б-н О. р.ни ташкил этади. О. р.га нафақат табиатдаги нарса, ҳодиса ва жараёнлар, балки табиат ривожининг олий маҳсули бўлган инсон ва жамият ҳам киради. Инсонлар назий ва амалий фаолияти жараёнида моддий ва объективлашган маънавий бойликлар яратади, ўзаро алоқа ва муносабатда бўлади. Буларнинг барчаси ижтимоийлашган О. р.нинг турли шакллари сифатида намоён бўлади.

ОГАҲИЙ (*тахаллуси*; тўлиқ номи Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли, (1809, Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи—1874) — ўзбек шоири, тарихнавис олим, таржимон. О. дунёқарашининг асосида диний ва ижтимоий-фал-ий хурфиқрилиқни ўзига хос уйғунлаштириш, ғоявий манбаларнинг ижобий имкониятларидан фойдаланишга интилиш, реал ҳаётга, табиатга ва замонасининг маънавий оламига мурожаат ва муносабат этади. Шу даврдаги кўплаб маданият вакиллари сингари, О. дунёқарашини ҳам дунёни диний билиш, воқеликни идрок этишда ислом дини дастлабки асос сифатида эътироф этишга асосланган эди. Инсонпарварлик ғояси шоир ижодида катта ўрин тутди. О. ўзининг инсон концепциясида ақлни, илмни асосий фазилат сифатида таъкидлайди, у инсон ва жамият шаклланиши ҳамда ривожланишининг мезонидир. Шоир жамиятда меҳнатнинг ролини тушуниб этишга ҳаракат қилди, меҳнат фаолияти ижтимоий-тарихий ва эстетик қадриятлар жабҳасида яратувчи куч сифатида майдонга чиқади. О.нинг эстетик қарашларида шарқ аристотелизми, тасаввуф эстетикаси, Алишер Навоий мактаби анъаналарини юксак даражада мужассамлашди. Шоир фикрича, энг қимматли қадрият — бу инсонни улуглашдир, инсон илоҳий асоснинг ер-

даги олий даражада намоён бўлиши, бу дунёнинг зийнатидир. О. устози Мунис бошлаб қўйган, ammo, тамомлай олмаган тарихий «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт боғи») асарини тугатди. Бундан ташқари, Хива хонлиги тарихига оид «Риёз уд-давла» («Саодат бўстонлари», 1844) «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар сараси», 1845), «Жомеъ ул-воқеоти Султоний, 1856» («Султонлик воқеалари тўплами»), «Гулшани давлат», («Давлат гулшани» 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол шоҳиди», 1874) асарлар муаллифи. О.нинг тарихий асарлари материалларнинг бойлиги, ишончлилиги ва баён қилиш услубининг равонлиги б-н ажралиб туради. О. 1872 й.да бадий меросини жамлаб «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девонини тузди. О. ижодида таржимачилик фаолияти муҳим ўрин эгаллади. У жаҳон маданиятининг нодир дурдоналари ҳисобланган Саъдийнинг «Гулистон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Кайковуснинг «Қобуснома», Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» сингари бадий, тарихий, ахлоқий, фал-ий, дидактик асарларни ўзбек тилига таржима қилди.

ОДДИЙ ҲУКМЛАР — таркибида мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган ҳукм. Мантиқий эга-субъект (s) фикр қилинаётган нарса ва ҳодисани билдиради. Мантиқий кесим-предикат (P) хос хусусиятни, муносабатни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар ҳисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади. Ҳукмнинг учинчи зарурий элементи мантиқий боғламидир. У субъект ва предикатнинг бир-бири б-н боғлайди, натижада ҳукм ҳосил бўлади. Оддий қатъий ҳукмнинг формуласи қуйидагича ёзилади: s-P.

ОДОБ (*араб.* адаб сўзининг кўплиги) — хулқ-атвор, жамиятда эътироф этилган хулқ меъёри шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва у б. б-н муносабатда намоён бўлади. О. асосида ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари этади. О. кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиш, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига мансуб қоидалар (масалан: ор-номус, шарм-ҳаё, иффат, камтарлик, хушмуомалалик, тароват, фасоҳатларни ўз ичига олади). О., биринчи навбатда оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия ижтимоий-фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади.

ОИЛА — эр-хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар

ва б. қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ; жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи. О.нинг ҳаёти моддий (биологик, ҳўжалик) ва маънавий (ахлоқий, ҳуқуқий, психологик) жараёнлар б-н характерланади. О.—тарихий категория. Унинг шакллари ва функциялари мавжуд ижтимоий муносабатлар характерига, шунингдек, жамиятнинг маданий тараққиёти даражасига боғлиқ. Айна вақтда О. жамият ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатади, қатор функциялар (бола туғиш, уй-рўзғорда меҳнат қилиш, ҳўжалик юритиш, ўз аъзоларининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш, ёш авлодни тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий-эстетик камолотига таъсир кўрсатиш)ни бажаради. Тадқиқотчилар энг қад. даврда тартибсиз жинсий алоқалар ҳукм сурган ва у вақтда О. ҳали бўлмаган, бу алоқалар ўрнини группавий никоҳ эгаллаган, жуфт О. пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Моногамия (бир никоҳли оила)нинг қарор топиши б-н аёллар эркаклар томонидан асоратга солинган. Аёл аста-секин ўз эри-хўжайинининг мулкига, қулига айлана борган. Бойлик орттириш ва уни қонуний ворисларга бериш О.нинг асосий мақсади бўлиб қолган. Марказий Осиёда кенг тарқалган қад. зардуштийликда О. ва никоҳ масаласига муҳим аҳамият берилган. О. ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш тақиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик содир этилса, ундай кишилар таёқ б-н жазоланган. Шу орқали О. мустаҳкамлиги учун курашганлар. Шарқда қадимдан О. муқаддас Ватан ҳисобланган. Унинг мустаҳкамлигининг дарз кетишига йўл қўймаганлар. Шунингдек, «Авесто»да наслнинг поклиги, тозаллигига ҳам алоҳида эътибор берилган. Қариндош-уруғ, ака-уканинг қуда-анда бўлиши қораланган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, О.га бўлган эътибор янада ошди. О. фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси, зарраси, бўғини. О. уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни, болалар тарбиясини ўз ичига олади. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари — никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари ҳисобланади. О. поклик ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак, О. мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина жамиятда барқарорлик вужудга келади.

ОККАМ (Ockham) Уильям (тахм. 1300, Оккам, Суррей графлиги — 1349, Мюнхен) — инглиз файласуфи, номинализм оқимининг йирик вакилларида бири. Оксфорд ва Париж ун-тларида ўқитувчилик қилган. О. фал. ва илоҳиёт ўртасидаги боғлиқликни бутунлай инкор этади. Фал. диний эътиқод ақидала-

рини исбот қилишга қодир эмас. Чунки фал. эътиқоднинг асоси бўлолмайди. Мас., фал. Худонинг мавжудлиги ҳақидаги ақидани исбот эта олмайди, дейди. О.нинг фикрича, Худонинг мавжудлигини ақлий далиллар б-н исботлаб бўлмайди. Илоҳиётнинг муқаддас китоб ҳақиқатидан келиб чиқади. Шу туфайли илоҳиёт ақлнинг ҳақиқатидан келиб чиқувчи фал.га қарама-қаршидир. О. номинализм позициясини ҳимоя қилиб, реализмга қарши асосли далиллар келтиради. О.нинг номиналистик таълимоти бўйича, фақат айрим нарсалар ҳақиқий мавжуддир, умумий тушунчалар эса якка нарсалар асосида тушунтирилади. Инсон билимидан ташқарида ҳеч қандай умумий нарса йўқ. Универсалийлар айрим нарсаларнинг белгиси. Субстанция мустақил мавжуд бўла олмайди. О. учун асосий мақсад—айрим, хусусий нарсаларни билишдир. О. ўз даврининг деярли барча схоластик оқимларига қарши чиқди ва фал.нинг ривожига йўл очди. Унинг машҳур «ҳеч қандай заруриятсиз моҳиятларни кўпайтиришга ҳожат йўқ» иборасини «Оккам тиғи» деб атаганлар. Унинг бу фикри схоластик бачканаликка қарши қаратилган эди. «Оккам тиғи» янги тажрибавий табиатшунослик ривожига йўл очиб берди. О. таълимотидаги илғор фикрлар схоластик қобихқа ўралган эди.

ОККАМИЗМ — схоластик фалсафий оқим. У. Оккам гоёлари таъсирида шаклланган; Англиянинг Кембриж, Франциянинг Париж, Германиянинг Гейдельберг, Лейпциг, Эрфурт, Чехиянинг Прага, Польшанинг Краков ун-тларида кенг тарқалган. О.га илмий билимлар ва фал.нинг илоҳиётдан халос бўлиши учун кураш хос эди. Унда мантиқ, билиш наз-яси, тилшунослик, тажриба ва аналитик усулларга асосланиш, схоластика ва метафизикани танқид муҳим ўрин эгаллаган. О. тарафдорлари атамаларни фал.-ий таҳлил қилишга катта аҳамият берганлиги учун бу таълимот «терминизм» деб ҳам аталади. О. тарафдорлари 13-а.да ҳукмрон бўлган Фома Аквинский ва Иоанн Дунс Скотт системасига қарши кураш олиб бордилар. У.Шервуд, П.Испанский, У.Оккам наз-ясининг фундаментал асосларига тўхталиб, мантиқ фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. О. сиёсий фал. соҳасида дунёвий ҳокимиятнинг диний ҳокимиятдан ажратиш учун курашди. Бу борада Марсилиий Падуанский катта иш қилди. О. оқимининг йирик намоёндалари: Роберт Холкот, Мирекурлик Жан, Отрекурлик Николай, Жан Буридан, Альберт Саксонский ва б. Оккамистларнинг мероси янги замон фал.сига, айниқса Рам, Т.Гоббс, Д.Юм каби фай.лар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатган.

ОККУЛЬТИЗМ (лот. occultus—сирли, яширин, боғтиний) — махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар натижасида айрим инсонларгина била ола-

диган коинотдаги сирли кучлар мавжудлигини эътироф этадиган таълимот. *О.* *глозоизм* ва *пантеизмга* яқин туради. *О.*нинг мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқиши сўнги антик даврдаги эллинлар дини синкретизм б-н боғлиқ. 1—4-а.ларда Александрияда *О.*нинг афсонавий асосчиси Регмас Тримегиста номи б-н боғлиқ адабиётлар тўплами вужудга келади. Шу даврда герметик фанлар ҳисобланмиш алхимия, астрология пайдо бўлди. *О.*да инсоннинг иродавий ҳагги-ҳаракатларига оламга тўғридан-тўғри таъсир эта олиши мумкин бўлган ўзига хос табиат кучлари сифатида қаралади. Христианликни ҳукмрон динга айланиши б-н *О.* таъқиб остига олинган ва яширин фаолиятга ўтган. Европадаги Уйғониш даврида *О.*дунёнинг ўрта асрлар манзараси емирилишига, схоластик англашни баргараф қилишга ва экспериментал табиатшуносликнинг ривожига таъсир кўрсатди. 17-а.ларда табиий фанларнинг ривожига эса *О.*га бўлган ишончни маълум маънода йўққа чиқарди. Дунёвий *О.* жамиятлари шакллана бошлади. Мас., Т. Компанелланинг «Кўёш шаҳри», Ф. Бэконнинг «Янги Атлантида» каби асарларида социал утопия *О.* аънаалари б-н боғлиқ. 19-а.нинг охирларида турли даврлар ва халқлар оккультив ва диний-фал-ий таълимотларни бирлаштириш асосида янги «универсал» динни яратишга уринишлар бўлган. Ҳоз. ҳам *О.* экстрасенсорика, мунажжимлар фаолиятлари ва шу кабилар орқали жамиятда мавжуд.

ОККУПАЦИЯ (лот. *occupatio*-ишғол қилиш) — бирор мамлакат ҳудудини бошқа давлат ёки давлатлар иттифоқи қуролли кучлари томонидан зўравонлик б-н босиб олиниши. Бунда *О.* қилинган давлат ҳокимияти ўз фаолиятини амалда тўхтатади, бу ҳудудни маъмурий бошқариш одатда оккупацион кучлар томонидан амалга оширилади.

ОЛАМ — инсонни ўраб турган дунё ҳақидаги кент қамровли тушунча, маълум маънода воқеликнинг ифодаси. Мас., элементар заррачалар олами тушунчаси одамга маълум бўлган ва ҳали маълум бўлмаган барча элементар заррачаларни қамраб олади. Агар биз яшаётган бутун коинотни элементар заррачалардан ташкил топган деб ҳисобласак, бу тушунча бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Мас., ўсимликлар *О.*и тушунчаси. Бу тушунчага фақатгина ўсимликлар киради, ҳайвонлар ва одамлар бу *О.*дан четда қолади. Шу нуқтаи назардан *О.* тушунчаси нисбий моҳиятга эга. Баъзида *О.* деганда барча нарсаларни, жисмларни, ҳодисаларни қамраб олувчи умумий тизим тушунилади. Бу маънода *О.* космологик *О.* тушунчасига мос келади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз, б. эса коинот маъносидаги *О.*ни чекланган объект сифатида талқин этади. Чексизлик ва чегарасизлик тушунчалари нисбий маънога эга, бир тизимда чексиз ҳисоб-

ланган объект б. тизимда чекли бўлиши мумкин ва аксинча.

*О.*нинг намоён бўлиши шакллари хилма-хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи *О.*ни моддий *О.* дейишади. Айримлар уни жисмоний, яъни физик *О.* деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи дунёни маънавий *О.* дейишади. Айнан шу пайтда биз б-н биргаликда мавжуд бўлган *О.* долзарб *О.* дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган *О.* потенциал *О.* дейилади. Мас., сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз долзарб *О.*га мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишингиз эса потенциал *О.*га мансубдир. *О.*нинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал *О.* дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган *О.* виртуал *О.* деб аталади (виртуал сўзи лот. *virtualis* — эҳтимолдаги). Аниқ маълум бўлган *О.* конкрет *О.* дейилади, хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги *О.* образи абстракт *О.* дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал *О.*га мансуб бўлса, унинг хаёлий режалари виртуал *О.*га, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет *О.*га, келажакка йўлланган орзу-умидлари эса абстракт *О.*га мансубдир. Одам ўз режаларини реал *О.*га асосланиб тузса, потенциал *О.*ининг конкрет реалликка айланиш эҳтимоллиги ошади. Одам *О.*да бошқалардан ажралиб, якка ягона бўлиб эмас, балки ижтимоий ҳаёт кечиради ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жамиятнинг ташкил этади, одамлар жамиятдаги ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, ўй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслакларни б-н биргаликда ижтимоий *О.*ни ташкил этишади. Одамнинг жамиятдаги бошқалар б-н биргаликдаги ижтимоий фаолияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал *О.*ларига боғлиқдир. Индивидуал *О.*, айна пайтда ташқи *О.*ни ҳам, ижтимоий *О.*ни ҳам ўзида акс эттиради, ифодалайди. Булар ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

ОМБУДСМАН — қонун чиқарувчи ҳокимият органининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида қонун 1997 й. 24 апрелда қабул қилинган. Қонунга кўра Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — *О.* мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистонда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколати берилган. Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг

умумэтироф этилган қоидалари тамойиллари ва меъёрларига асосланади. О. ўз ваколатларини давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган ҳолда мустақил амалга оширади ва фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

ОМИЛЛАР (ФАКТОРЛАР) НАЗАРИЯСИ — 18-асрнинг охирларидан бошлаб Фарбда ва Россияда тарқалган назариялардан бири. Унинг асосчилари ва тарғиботчилари немис файласуфи Макс Вебер (1864—1920), италян социологи Гаэтано Моска (1858—1941), рус социологи, тарихчиси ва ҳуқуқшуноси Максим Максимович Ковалевский (1851—1961), рус тарихчиси ва социологи Николай Иванович Карев (1850—1931) лардир. О. н. фал. ва социологияда моддий неъматларнинг жамият ривожланишидаги аҳамиятини инкор этади ҳамда унинг ўрнида кўпдан-кўп тенг ҳуқуқли омилларнинг (иқтисод, ахлоқ, дин, техника, маданият ва б.) ўзаро таъсирини этироф этади. Социологияда *плюрализм*нинг ифодаси бўлганлигидан О.н. ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини, социал меъёрлар ўртасидаги ички алоқаларни рад этади. О.н. тарихда кўпгина субъектив омилларнинг аҳамиятини ошириб юбориши б-н намоён бўлади. Ўзгарган шаклда О.н. фарб фал.си ва социологиясида ҳоз. ҳам мавжуд.

ОММАВИЙ ЖАМИЯТ — ҳозирги замон жамиятининг қатор ўзига хос томонларини ифодаловчи тушунча. Жамият барча соҳаларининг кенг оммавийлашув жараёни тубдан янги меҳнат қуроли — машиналарнинг пайдо бўлишидан бошланган эди. Оммавийлашув иқтисодийёт соҳасида бошланиб, аста-секинлик б-н жамиятнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олди. О.ж. наз-яси илдилари ўрта асрлардаги анъанавий ижтимоий муносабатларга зид равишда шаклланган янги муносабатларга қарши консерватив ғоялар б-н боғлиқдир (Э.Берк, Ж. Де Местр, А.Бональд). Янги тартибларнинг муқаррарлигини англаган француз мутафаккири А.Токвиль (1805—1859) янги жамиятни ундаги эркинлик ва тенглик муносабатлари нуқтаи назаридан тавсифлайди. У ўзининг «Америкада демократия» асарига: «Менинг диққатимни жалб қилган янгилликлар ичида ҳеч қайсиси шароитларнинг умумий тенглиги каби ҳайратлантирган эмас», — деб ёзди. У демократияни гоҳ жамият барча томонларини тенглаштиришга интилиш, гоҳ «халқ», гоҳ бевосита бошқариш шакли сифатида талқин қилди, тенгликни амалга ошириш учун марказлаштириш ва бюрократлаштириш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари устидан буржуа назоратини ўрнатишга олиб келишини кўрсатди. 2-жаҳон урушидан сўнг О.ж. концепцияларининг асосий йўналиши авторитар тенденцияларни танқид қилишга қаратилди. О.ж.ни янгича талқин қилиш ҳоз. замон жамиятидаги муҳим жараёнларни тўғри

тушуниш имконини беради. Оммавийлашув жараёни жамиятнинг барча соҳаларида катта имкониятлар очиб бериши б-н бир қаторда маънавий соҳасида қатор муаммоларни келтириб чиқарганлиги туфайли О.ж. концепциялари ҳам кўпдир. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида кечаётган оммавийлашув жараёнлари, шубҳасиз, ўзининг миқёси, моҳияти ва намоён бўлиш шаклига кўра бир-биридан фарқ қилади. Номоддий ишлаб чиқаришнинг турли кўринишларида эса у ёки бу даражада оммавий фаолиятнинг технологик, ташкилий ва б. таркибий қисмини яратади. Мас., ҳоз. замон фани минглаб одамларни бирлаштирган йирик ташкилотларни қамраб олади. Бу ҳақиқатан ҳам ахборотни (билимни) оммавий, индустриал шаклда ишлаб чиқаришдир. Истеъмол, инсоний муносабатлар, маиший соҳаларда аҳвол бошқача. Уларда оммавийлашув кишилар фаолиятини қатъий расмий ташкил этишни талаб қилмайди. Лекин бунда ҳам ўзига хос кўринишда оммавий фаолият мавжуддир: иштирок этадиган индивидларнинг кўплиги, улар фаолиятининг ўхшашлиги, фаолиятни танлаш имконияти нуқтаи назаридан эркинлиги ва б. оммавийлашув жараёнининг ҳам зинга, ҳам бўйига (горизонтал ва вертикал) чуқурлашиб бориши жамият тараққиётида қонуний, зарурий ҳодиса бўлиб, келгуси жамият ва инсон қиёфасини белгилашда турли имкониятлар яратади.

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ — маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. О.м.ни Фарб маданияти б-н боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Айни пайтда фольклор, халқ маданиятини ҳам О. м. кўринишлари сифатида талқин қилинади. О. м. чуқур ижтимоий ва маданий илдишларга эга. О. м. пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий илдишлари йирик саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. 20-а.да радио, кино, телевидение, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида О.м. ўз ривожланишининг янги босқичга қадам қўйди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш имкониятлари кескин даражада ўсгани б-н характерланади. Таъсир этишининг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситалар ёрдамида оммавий истеъмол маданиятини, интеллектуал фаолият жисмоний меҳнатни ҳар соҳадан сиқиб чиқариш кучайган бир пайтда жисмоний соғлом бўлишга хизмат қиладиган ҳар хил спорт турларини фаол тарғиб қилиш йўли б-н жисмоний баркамол шахсни шакллантиришга уриниш ҳам ана шу жараённинг натижасидир. О. м. халқ маданиятидан фарқли ўлароқ нафақат миллий, балки миллатлараро, байналмилал хусусият касб этиши,

айни пайтда умуман миллийликдан узоқ бўлиши ҳам мумкин. Кўпгина ҳолларда О.м.нинг у ёки бу намунасининг миллий мансублигини фақат унинг тили ёки ижрочисига қараб ажратиш мумкин. Элитар маданият кўпчиликка мўлжалланмагани, тушунарсиз бўлгани б-н ажралиб турар экан, бу унинг ташувчиларини жамиятда алоҳида мавқега эга бўлишларига хизмат қилган. О. м. эса кенг ҳалқ ўртасида машҳур бўлган ўзларининг аниқ муаллифлари б-н ажралиб туради. Халқ маданияти ҳамма вақт муайян конкрет макон б-н боғланган. О. м.да эса бундай локаллик қузатилмайди. У аввал бошданоқ кенг аудиторияга мўлжалланган бўлади. Унда инсонга хос бўлган ҳиссиётлар—муҳаббат, кўркув, муваффақиятга эришишга бўлган интилиш, ғаройиботга ишонч ва шу кабиларга асосланиш устуворлик қилади. Шу йўл б-н О. м. реал ҳаётга қайсидир жиҳатлари б-н ўхшаш бўлган, аммо ундан айни пайтда бир мунча узоқ бўлган ҳаёт манзарасини яратади, қарашлар ва қадриятлар тизимини, ҳулқ моделини шакллантиришга хизмат қилади. О. м. ўзининг мана шу хусусиятлари б-н инсоннинг идеалга бўлган табиий эҳтиёжини қондиришга интилади.

ОНГ — ақл, тафаккур, фалсафадаги марказий категориялардан бири. О. кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги туфайли, фал., психология, психиатрия, физиология, кибернетика, информатика сингари турли фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. О.ни диний тушуниш уни илоҳий ҳодиса, Худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон О.и буюк илоҳий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиши шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши б-н О. ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдиизи жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у одам ва одамнинг яратилганлиги масаласи б-н бевосита боғлиқ. Кимда-ким одам ва одам яратилганлигини тан олар экан, О. ҳам Яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши табиий. О. моддийликнинг миёда инсон танаси фаолияти б-н боғлаб талқин қилинади. Бундай қарашлар ҳам қадимий илдиизларга эга. 18-а.га келиб О.ни бевосита инсон миёси фаолияти б-н боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида О.нинг моҳиятини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам пайдо бўлган. *Фал.* тарихида «Вульгар материализм» деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқарганидек миё ҳам О.ни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида О. идеал эмас, балки моддий ҳодиса, деган хулоса чиқади. Ваҳоланки, саф-

рони кўриш мумкин, аммо О.ни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди. О. тарихи инсоннинг инсон бўлиб шакллана бошлаши тарихи б-н боғлиқ. Узоқ вақт давомида инсон О.и планетар, яъни Ер шари даражасидаги ҳодиса сифатида қараб келинди. Ҳоз. замон фани масалага кенгроқ доирада ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар б-н чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканлигини тобора чуқурроқ исботламоқда. Инсон биологик ва ижтимоий ҳаракатнинг ташувчиси экан, ҳаракат шакллари ўртасидаги узвий алоқадорликни, унинг юқори шакллари қуйи шаклларига боғлиқлигини, таянишини, улардан ўсиб чиқишини унутмаслик лозим. Бошқача айтганда, улар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. О. тарихи Куёш тизими ва унда миллионлаб й.лар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ҳам айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Айни мана шу жиҳатдан олганда, О.нинг шаклланишини космик ҳодиса сифатида қараш ҳам мумкин. О. инъикоснинг олий шаклидир. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ҳеч бўлмаса, иккита объект ва улар ўртасида ўзаро таъсир бўлиши лозим. Бунда функционал фаолият кўрсатувчи миё соҳиби ижтимоий муносабатларга тортилган бўлиши шарт. О. психика инъикосининг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва О. тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, психика ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси ҳақида кетганда ҳам, у О. тушунчасига нисбатан кенг қамровлик касб этишини унутмаслик лозим. З.Фрейд фикрича, психика О.сизлик, О. ости ҳодисаларини ва О.нинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида О. б-н бир қаторда О.сизлик ва О. ости ҳодисалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар О. назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши ҳам характерлидир. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сурат олаётганимизда деярли барча ҳаракатларимиз О.нинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши б-н эса кўпгина ҳаракатларни О.сиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳаларига, йўналишларига, О.нинг фаол тарзда аралашини, яъни қайта ҳолатни ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг О.сизлик соҳасига кўчиши бир томондан О. «юки»нинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, О.нинг асосий куч-қувватини, «диққати»ни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имконият яратади. О.сизлик доирасига О. назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби

ҳодисалар ҳам киради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, О.сизлик О. мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарти дейиш мумкин. О. ости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўғинидир. З.Фрейд фикрича, улар О.сизлик б-н О. ўртасидаги чегаравий соҳадир. «Гап тагида-гап бор, коса тагида-ним коса» нақлида О. остига хос бўлган хусусиятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Негаки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамияти бўлмаган ҳолатлар бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар О. остидан О. сферасига кўчиши мумкин. Мас., бирор жойга бораётганда, асосан, мақсадга томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ҳодисалар ҳам кузатилади, эсда қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, О. ости инсон Оли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси, зарур бўлган ҳолларда цензори сифатида чиқишдек сифатларга эга, дейиш мумкин. О., онтологик маънода, юқори даражада уюшган (ривожланган) материянинг хоссаси субъектив борлиқ сифатида, гносеологик маънода-идеал шакл сифатида тушунилади. Агар объектив реаллик моддий тизимларнинг турли иерархик, яъни олдий, майда бўлақлардан тортиб, то биосфера ва метagalactica даражалардаги воқелик саналса, унда субъектив реаллик-идеал тизимларнинг турли иерархик даражалари, яъни сезги, идрок, тасаввур, тушунча, ҳукм, хулоса, гипотеза, концепция, наз-я, фан, санъат, фал., диң, мифология кабилардан иборат реалликдир. О. таркиби қуйидаги унсурлардан ташкил топади: сезги, идрок, тасаввур, фикр, ҳис-ҳаяжон, ирода. Улар бир бутунликни ташкил этиб, бундан ташқарида, бирга мавжуд бўлмайди. О. ўзаро алоқада бўлган турли унсур (элемент)лардан ташкил топган мураккаб маънавий информацияга эга. О. инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, унда акс эттириладиган объект ҳақидаги муайян билимлар ҳиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим О. тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши О. ривожланишини характерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади. О. тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган кечинмалардир. Уларда инъикос объектига муносабат гавдаланади. Билимларимизнинг чуқурлиги ва кўламлиги, ҳиссиётларимизнинг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги, интилишимиз — иродамизга боғлиқ. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни энгиб ўтишга, кўзлаган мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишга йўл очади. Ирода табиатнинг инъомий эмас, уни тарбиялаш, камол топтириш шахс ҳаётида, унинг жамиятдаги ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иродасизлик энг улфуният ва мақсадларни барбод қилибгина қолмай, ин-

соннинг тўғри йўлдан тойиб кетишига ва жиддий салбий оқибатларнинг келиб чиқишига ҳам олиб келиши мумкин.

О. туфайли билиш ва ҳодисаларни баҳолаш муносабатлари амалга оширилади ва бундан О.нинг асосий билиш ва ҳис-ҳаяжон уйғотувчилик вазифалари келиб чиқади. О. мазмунини, аввало, инсон тажрибаси давомида ҳаммиша тасдиқланиб ва ривожланиб борувчи билимлар тизими ташкил этади. Лекин О. б-н билим бир нарса эмас. Агар билим инсон тажрибаси тасдиқдан ўтган воқелик инъикоси бўлса, О., албатта, воқеликнинг сўзсиз исботланган, ҳақиқий инъикоси бўлмайди. Чунки О. таркибида тахмин, адашиш, алданиш ҳоллари ҳам учрайди, ҳиссиёт О. таркибига узвий равишда киради. Билиш жараёнида ҳақиқатни билиш ҳиссиёт б-н боғлиқ, шунинг учун ҳам фанда фақат ақлий тафаккур б-н қаноатланиб бўлмайди. О.нинг ҳиссий компонентларини қуйидаги даражаларда тасаввур этиш мумкин: а) турли таъсирларга бўлган реакциялар б-н боғлиқ олдий ҳиссиётлар — очлик, чанқаш ва ҳ.к; б) инстинктив-аффеқтив ҳолатлар — олдиндан сезиш, кайфият, стресс, галлюцинация ва ҳоказолар; в) ҳиссиёт — севги, ёқтириш, ёқтирмаслик, нафрат.

Инсонда, ҳайвонлар б-н умумий бўлган ҳиссиётдан ташқари, ижтимоий сабабият б-н боғлиқ ҳиссиёт ҳам мавжуд. Агар О.нинг воқеликни билиш фаолиятидан мақсад — объектни тўғри англаш бўлса, ҳиссиёт орқали инсоннинг объектга, ўз фаолиятига ва ўзга инсонларга муносабати турли ҳиссий шаклларда намоён бўлади. Инсоннинг нафақат нарса ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятларини англаб етиши, балки уларнинг қимматини ҳам баҳолаши, О.нинг аксиологик жиҳатни ўз ичига олганлигини кўрсатади. О.нинг субъектив дунёсида объектив реаллик нафақат қайта ишланади, балки унда инсоннинг фаол амалий фаолиятига тайёргарлик: режалаштириш, танлаш, мақсадга интилиш каби ҳаракатлар ҳам бўлади. Бундан ташқари, О. субъектнинг ўз фикри, ҳиссиёти, фаолиятини назорат қилиб, маънавий дунёсида ва уни ўраб турган объектив реалликда нималар юз бераётганлиги ҳақида ўзига ҳисобот беришни тақозо этади. Шундай қилиб, инсон О. нафақат воқелик объектларига, балки жамият қадриятларига муносабатни, ўз-ўзига муносабатни ҳам, ўз-ўзини англашни ҳам ўз ичига олади. О. инсонда алоқалар, муносабатлар, объектив дунё қонуниятлари тўғрисида умумий билимлар шаклланишига асос бўлади. Инсонга мақсад ва режаларни тузиши, унинг табиат ва ижтимоий муҳитдаги фаолиятини бошқариш, ундаги борлиққа нисбатан эмоционал (ҳиссий), рационал (ақлий) ва амалий муносабатларни бошқариш ва назорат қилишда ёрдам беради.

ОНГНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ — психология фанининг асосий категорияларидан бири. Психологик нуқтаи назардан ижтимоий- тарихий (филогенетик) ва индивидуал (онтогенетик) тараққиётнинг маҳсули бўлиб, психик акс эттиришнинг ва ўзини-ўзи бошқаришнинг юксак даражаси саналади. Онг категорияси амалий жиҳатдан тавсиф қилинганда: а) ҳиссий, ақлий образларнинг узлуксиз равишда ўзгариб турувчи мажмуаси сифатида; б) бевосита субъектнинг олдида унинг «ички тажрибаси» тариқасида; в) амалий фаолият маҳсулини олдиндан сезувчи психологик ҳодиса тарзида англанган. Онг предметга нисбатан фаоллик, йўналганлик, интенцияликдан иборат қуйидаги хусусиятларга эга: а) онг доимо ниманидир тушуниш сифатида; б) рефлексияга нисбатан қобилиятлилик; в) ўзини-ўзи кузатиш, яъни ўзлигини англаш; г) мотивацион қадрий хусусият яққолликнинг ёки равшанликнинг турлича даражаси ёки босқичи эканлиги. Маълумки, ҳар қайси индивиднинг онги ноёб, бетакрор, аммо у ихтиёрий эмас, чунки, биринчи навбатда, махсус тизимда ҳукм сурувчи тузилиш б-н унга боғлиқ бўлган ташқи омиллар, шунингдек, ҳеч қандай алоқаси бўлмаган омиллар б-н шартлангандир. Ўзини-ўзи кузатиш натижаларига кўра, онг психологик ўзига хосликдан маҳрум, чунки индивид олдида яққол психологик функциялар моҳиятини юзага келтирувчи турли ҳолатлар, ҳодисалар намоён бўлади. Онгнинг тузилиши ижтимоий маданий хусусият касб этиб, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида филогенетик тарзда, устувор индивидуалистик ҳамкорлик жараёнида, ишлаб чиқариш амалиёти негизидан ривожланган. Индивид онгнинг тузилиши онтогенезнинг илк даврида боланинг катталар б-н мулоқот жараёнида ижтимоий тажрибани ўзлаштириш натижасида шаклланади. Бундай ўзлаштириш имкониятлари филогенетик — тарихий тараққиёт негизидан ҳам мавжуд.

Шахслараро муносабатда ҳамкорлик фаолияти онг структурасини вужудга келтириб, унинг қуйидаги асосий хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади: а) ижтимоий хусусияти ҳатто символик ва вербал тузилишга эга бўлган белгиларнинг қамраб олинганлиги; б) рефлексияга, яъни ўзини ўзи тушунишга нисбатан қобилиятлилик; г) предметлилик, яъни ҳар қандай психологик ҳолат муайян яққол тасвирларга ва аломатларга эга бўлишлиги ва б.

ОНГСИЗЛИК — онгнинг генетик жиҳатидан талқини. О. бирламчилигини билдириб у ўзига хос хусусиятга эга эканлигини, инсон фаолияти ва ҳатти-ҳаракатида муайян даражада рол ўйнашини тан олишни тақозо этади. Чунки инсон онгнинг юксакроқ шакллари узоқ ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кейинги даврида вужудга келган. Худди шу

боисдан онгнинг пайдо бўлиши тўғрисида мулоҳаза юритилганда ижтимоий борлиқ, ижтимоий тараққиёт, уларга нисбатан муносабат услубий асосий мезонлар вазифасини бажариб келган ва ҳоз. ҳам шундай. Психологик талқинга кўра, О. биринчидан, воқеликдаги ҳодисалар б-н шартланган руҳий жараёнлар, актлар ва ҳолатлар мажмуаси; иккинчидан, ташқи ва ички таъсирларга нисбатан субъектнинг ўзига ҳеч қандай ҳисобот бермаслиги; учинчидан, психик акс эттиришнинг шакли, яъни воқеликнинг образи, тасвири, тимсоли ва унга нисбатан субъектнинг муносабати, рефлексиянинг махсус предмети сифатида вужудга келмаслиги: тўртинчидан, қисмларга ажралмайдиган яхлит структурага эга эканлиги ва б. О.нинг онглиликдан фарқи шуки, у томонидан акс эттириш воқелик субъектнинг кечинмалари, унинг борлиққа муносабати б-н уйғунлашиб кетади. Шунинг учун О.да субъект томонидан амалга оширилувчи ҳатти-ҳаракатлар натижасини ихтиёрий равишда назорат қилиш ва баҳолаш имконияти мавжуд эмас. О. воқелик субъектнинг ўхшашлик, айният сингари мантиқий шакллари асосланиб акс эттирилади. Бу ҳолда бевосита эмоционал ҳис қилиш, эмоционал юқиш ва идентификациялашга дахлдорлик туйғуси орқали турлича ҳодисалар ўзининг тузилиши, моҳияти жиҳатидан ўзига хосликдан қатъи назар бир тизимга бирлаштирилади, психологик объектлар ўртасидаги, у ёки бу хусусиятлар ўртасидаги тафовутлар, мантиқий қарама-қаршиликлар яққол намоён бўлади.

О.да ўтмиш б-н келажак кўпинча бир даврда ҳукм сураётгандай, гўёки улар бирон-бир психик актга бевосита бирлашган тарзда акс эттирилади. О. борлиқни бола томонидан билишнинг илк шаклларида, ибтидоий тафаккурда, интуицияда аффектив ҳолатларда, саросимага тушишда, гипноз ҳолатида, туш кўришда, одатий ҳаракатларда, беихтиёр эшитиб қолишда, шунингдек интилишларда, ҳиссиётда, хулқ-атворда ўз ифодасини топади. Бунинг сабаблари ва оқибатлари шахс томонидан анланмайди. О. намоён бўлишининг қуйидаги шакллари мавжуд: 1) устунлилик ҳолатлари; 2) фаолиятнинг англашилмаган кўзғатувчилари; 3) фаолиятни бажариш усулларининг англашилмовчи регуляторлари (хулқ-атвор стереотиплари ва операцион установақалари); 4) субсенсор идрок қилишнинг вужудга келиши. Психоаналитик таълимотнинг асосчиси Фрейд «онгсизликнинг динамик қисилиши» терминини фанга олиб киради. У О. деб, ижтимоий мейёрлар талаби б-н низоли ҳолат, қарама-қаршилиқ туфайли онгга кира олмаган, амалга ошмай қолган майллар қисилиш механизми ёрдами б-н бегоналашиб, индивид янглиш айтган сўзида, туш кўришда ва б. акс этишини тушунади. Фрейднинг психоанализида ва унинг издошлари қарашларида О.нинг юзага келишини тор маънода, чекланиб тушуниш

унинг динамик жабҳалари шаклланишининг бир томонлама таҳлил б-н шартланганлигидир.

ОНТОЛОГИЯ (юн. *ontos* — борлиқ, *logos* — таълимот) — борлиқ ҳақидаги фалсафий таълимот, фалсафанинг борлиқ тўғрисидаги фундаментал тамойилларини ўрганувчи соҳаси. О. масалалари Шарқда, айниқса бизнинг юртимизда «Авесто» замонларидан бошлаб фал-ий қарашларнинг таркибий қисмига айланган. О. қад. юнон фал.сидаёқ у ёки бу объектларнинг борлиғи, борлиқнинг ўзи ҳақидаги таълимот сифатида ажралиб чиқди. Парменид ҳақиқий билим — бу ҳақиқатан ҳам мавжуд нарсалар ҳақидаги билим, деб ҳисоблади. Борлиқни абадий ва ўзгармас нарса сифатида талқин этди. Оламнинг ўзгариши Элей мактаби томонидан ёлгон ҳодиса сифатида талқин қилинди. Платон илк юнон О.сини ғоялар ҳақидаги таълимотида умумлаштирди. Унинг фикрича, борлиқ нарсалар оламининг турли-туманлиги акс этадиган, ақл орқали эришилладиган шакл ва моҳиятлар-ғоялар йиғиндисидир. Платон борлиқ ва унинг бошланғич асоси ўртасига ҳам муайян чегара қўйди. Ўрта а. мутафаккирлари О.ни теологик муаммолар ечимига мослаштирдилар. О.ни теология б-н айнийлаштириш эллинистик фал.нинг баъзи оқимлари томонидан, яъни стоицизм, гностиклар, неоплатонизм томонидан амалга оширилди. Ўрта аср О.сида борлиқ мавҳум Худо тушунчаси б-н айнийлаштирилади. Янги давр фал.си ўз эътиборини билиш муаммоларига қаратди. 17 а.да аввал Гоклениус (1613), кейинроқ Глауберг (1656), сўнгра эса Христиан Вольф О.ни борлиқ ва нарсаларнинг метафизикаси сифатида талқин қилдилар. И.Кант О.ни мазмунсиз метафизика деб ҳисоблаб, уни ўзининг трансцендентал фал.си б-н алмаштирди. Ундан кейин Гегель О.ни «абсолют руҳ моҳиятининг абстракт таърифи ҳақидаги таълимот» сифатида талқин қилди. Гегелдан сўнг, О.ни алоҳида йўналиш сифатида қараш жуда кам кўзга ташланади. Лекин бу О. муаммолари фал. тарихидан бутунлай чиқиб кетди дегани эмас. Мас., 20-а.га келиб, у қайтадан тикланди. Хусусан, Г. Якоби ва айниқса, Н.Гартман томонидан борлиқнинг предметли фал.си, Хайдеггер ва Ясперс ижодида эса, фундаментал О. сифатида қаралди. Эски ва ҳоз. замон О.нинг бир-биридан фарқи шундаки, биринчиси, бутун оламини инсонга нисбатан талқин қилганида дунёни инсон учун яратилган, унга мослаштирилган деб қарайди. Бундай қарашда инсон дунё тузилишининг асосий мақсади сифатида намоён бўлади. Замонавий О.да эса, воқелик ва олам ниҳоятда кенг маънода ишлатилади. Яъни нафақат моддий борлиқ, балки маънавий борлиқ, руҳият, йўқлик каби тушунчалар ҳам О.нинг таркибий қисми сифатида қаралади. Эски О. воқеликни асосан моддийлик б-н тенглаштирар, абадийликни борлиқнинг олий шакли сифатида ту-

шунтирар эди. Янги О.да бу категориялар б. тушунчалар б-н бирга ҳамда чамбарчас боғлиқликда таҳлил қилинади. Ҳоз. замон табиатшунослигидаги ютуқлар, бугунги кундаги онтологик қарашларнинг кўламини кенгайтириб юборди. Хуллас, О. замонавий фал.нинг таркибий қисми сифатида сақланиб қолмоқда.

ОПТИМИЗМ (лот. *optimus* — энг яхши) — кечаётган воқеа ва ҳодисалар жараёнига нисбатан билдирилган икки хил қарама-қарши фикрлар ёки муносабатларни яхшиликка йўйиш. О. кечаётган воқеа ёки ҳодисанинг порлоқ истиқболга, эзгуликнинг қабоҳат, яхшиликнинг ёмонлик, адолатнинг адолатсизлик, ёруғликнинг қоронғулик, ҳурликнинг зулм устидан албатта ғалаба қилишига кучли ишонидир. Фал. тарихида оптимистик қарашларни билим соҳиблари турлича ифодалаб, тарғиб қилиб келганлар. Бунга ўрта а. Шарқ ва Европа Уйғониш даври инсонпарварлик ғоялари вакиллари, 18-а. француз маърифатпарварлари, 19-а. охири 20-а. бошларининг зиёлилари Фурқат, Аҳмад Дониш, Муқимий, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар ватандошларимизни мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларнинг қарашлари оптимистик руҳ б-н йўғрилган бўлиб, истиқболли келажакка фақат инсон ақлининг эзгу ишларига бўлган қодир ишончи орқалигина эришиш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, улар халқ оммасини ҳаётни севишга, инсон ақл-идрокини қадрлашга, илм-маърифатни эгаллашга чорлаганлар. Тарихий тараққиёт жараёнида оптимистик қарашлар ва уларнинг йўналишлари давр тақозоси ҳамда талабига кўра турлича кўринишларга эга бўлган. Жумладан, диний О., хаёлий О., абстракт О., жамият тараққиётининг эҳтиёжга кўра сиёсий О., бугунги кунда Ўзбекистонга хос бўлган мустақиллик О. шулар жумласида бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий О. деб ифодалаш мумкин. Ижтимоий О. кишиларнинг мавжуд тарихий жараённинг айна вазиятида зарурий ривожланиш қонуниятлари талабларига мос келадиган, жамиятнинг ижтимоий онгини ифодаловчи хоҳиш-иродага эга бўлган аксарият аъзоларнинг маърифатпарвар, инсонпарвар қарашларини намоён этувчи қисмининг ёрқин келажакка томон умид-ишончини, умумий мақсадлари, қарашларини рўёбга чиқариш йўлида ижобий-яратувчилик ҳаракатига чорловчи, етакловчи ҳис-туйғулардир.

Ҳар қандай тарихий жараённинг асосий белгиларидан бири, шунингдек, унинг минтақавий ва миллий ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган О. ижтимоий онг мулки сифатида, ҳар бир шахсга ўзининг шу жамиятга, шу миллий муҳитга, мавжуд ижтимоий сиёсат ва иқтисодийта мансублигини англаб етишга бевосита таъсир этади, шу-

нинг учун у фақат табиий — биологик асосга эга бўлган инстинкт сифатида эмас, балки ижтимоий воқелик сифатида шаклланади ва фаолият кўрсатади. Шу боис, оммавий кундалик онг янги реалистик намоён қилинган оптимистик ғоя ва мафкуравий ҳиссиётлар билан бойиб боради. Хаёлий О. — амалга ошиши мумкин бўлган бесамар орзу, ўй-хаёл, интилишдир (мас., алхимиклар фаолияти, ширакайф кўкнори хаёллари). Диний О. эса бу дунёнинг бевафолиги тўғрисида пессимистик фикрлаш б-н бирга, фақат нариги дунё боқий эканлиги тўғрисида кишиларни ишонтиради ва у дунё роҳати-жаннати умиди б-н фоний дунёда ҳаёт кечиршига ундайди. Реал О. муайян ижтимоий тараққиётнинг кишилар фаровонлиги йўлида олдига қўйган мақсад муродининг амалий ижобати. Мас., Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида олиб бораётган ижтимоий ислохотларнинг бугунги кундаги ижобий натижалари бунинг ёрқин ифодасидир. Бугунги кунда эса, Ўзбекистон халқларининг ҳаётбахш кайфиятининг асосида мустақиллик О.и ётади ва бу амалга оширилаётган жамият-инсон ҳаёти фаровонлиги учун зарурий шарт бўлган барча жабҳалардаги юз бераётган ислохотларнинг ижобий натижаларида, улар амалиётининг кўлами ва фуқароларнинг миллий ўзлигини эркин намоён этиш имкониятларининг мавжудлигида кўринмоқда, ифода этилмоқда.

ОРТЕГА-И-ГАССЕТ (Ortega y Gasset) Хоце (1883—1955) — испан файласуфи, мутафаккири ва жамоат арбоби. Мадрид ун-ти, кейинчалик Лейпциг, Берлин, Марбург ун-тларида ўқиган. 1911—36 й.ларда Мадрид ун-ти фал. кефедрасига раҳбарлик қилган. Маронъон ва Айело б-н «Республика ҳимоялаш иттифоқини» асослаган ва 1931 й. монархияни ағдаришда қатнашган. 1936 й. Испаниядан эмиграцияга кетган. О. фашизмга қарши фаол курашган. 1948 й. Мадридга қайтиб келиб, гуманитар фанлар ин-тини ташкил этган. О.дан 12 жилдлик асарлар тўплами мерос қолди. Улар асосан социал ва бадиий-эстетик муаммоларга бағишланган, испан тасвирий санъати, испан адабиёти ҳақида ёзган. Конкрет йўналишлар негизида санъатнинг умумий масалаларини тадқиқ этган. О. «Шароб ҳақида уч манзара», «Дон-Кихот ҳақида мулоҳазалар», «Трамвайдаги эстетика», «Икки асосий истиора», «Роман ҳақида фикрлар», «Омманинг ғалаёни», «Гётени излаб», «Веласкесга муқаддима», «Одам ато жаннатда» ва б. асарлар муаллифи. Фарбий Европанинг модернистик санъати тараққиётида унинг «Санъатнинг инсонпарварлиги» асари айниқса катга ўрин тутади.

ОРФЕИЗМ — Қадимги Грециянинг мистик шоири Орфейга тегишли деб билишадиган догмалар, фаморий тамойиллар. О. қалб, руҳнинг илоҳийлигини, тананинг нопоклигини таъкидлаган. Улим озод

бўлиш сифатида талқин этилади. О.да келажакдаги ҳаёт масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бу мистик таълимот кўплаб адабий асарларда хусусан, орфик лирикада, ўзининг изини қолдирди. Унинг таъсирини *пифагоризм*да ҳам кўришимиз мумкин. Антик даврнинг сўнгги давригача унинг ахлоқий таъсири сақланиб қолди. Ҳатто Платонда биз О. га хос бўлган ҳаётдаги бегоналашувни, келажак ҳаётни орзу қилишни кўришимиз мумкин. Суқрот ҳам ҳоз. ҳаёт бу ўлим, ўлим эса ҳаётнинг бошланиши бўлиши мумкин, деган тарзда фикр юритганлиги О.нинг таъсиридан дарак беради.

ОРУЭЛЛ (Orwell) Жорж (*тахаллуси*; асл исм-шарифи Эрик Артур Блэр) (1903.25.6, Мотихари, Ҳиндистон — 1950.21.19, Лондон) — инглиз ёзувчиси ва публицисти. 2-жаҳон урушидан кейин Фарб ижтимоий фикрига сезиларли таъсир кўрсатган антиутопия оқимининг вакили. 20-а.нинг 20-й.да майда буржуазия радикализида яқин бўлган. 1936 — 39й.да Испаниядаги фуқаролар урушида иштирок этган. Унга С.Батлер, Ж.Лондон, Д.Лоренслар ижоди сезиларли таъсир этган. Тоталитаризмнинг барча кўришиларига қарши бўлган О.га инглиз шахтёрларининг аянчли аҳволи, Испаниядаги уруш тўғрисидаги танқидий публицистик очерклари анчагина шуҳрат келтирган. Аммо О.нинг адабий ва сиёсий обрўси инқилобий курашларнинг бефойда эканлигини таъкидловчи «Ҳайвонлар фермаси» номли сатираси ҳамда Ж. Бёрнхемнинг «бошқарувчилар инқилоби» концепциясини кескин танқид қилувчи «1984 йил» (1949) антиутопия романи б-н боғлиқ. Романда қўрқув ва даҳшатта, моддий ночорликка асосланувчи, инсон эрки, шахс қадр-қимматини бутунлай топтагувчи, оммани жисмоний ва маънавий мутеликка гирифтор қилишнинг мисли кўрилмаган тизимни вужудга келтирувчи тоталитар жамият қораланган. Субъектив-идеалистик нуқтаи назардан О. бегоналашиш, эркинлик ва зарурият, билимларнинг ҳақиқийлиги, шахс хулқ-атвори ва онгини бошқариш каби муаммоларга асосий эътиборни қаратади. Сиёсатда волонтаризмни асослашга ҳаракат қилади. О.нинг кўплаб образлари, метафора ва афоризмлари Фарб социологлари, политологлари, журналистлари томонидан кенг фойдаланилмоқда.

ОТАР (оташ) — Авесто тилида олов маъносини англатади, аслида энг қадимги яштарда «хвар», кейинчалик «ходар», ундан ҳам кейин эса «отар» шаклида талаффуз қилинган. Хоразм сўзининг этимологияси ҳам «хвар» ва «зам» сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан деб ҳисобланади. Яъни, оташпарастларнинг илк муқаддас олови ёқилган жой, орий (Арйа) халқининг муқаддас ўлкаси сифатида эътироф этилади. Олов (Отар), ўзида ҳақиқатни мужассамлаштирувчи, Ахурамазданинг қалби (куёш) ну-

ридан яратилган фарзанди сифатида муқаддас ҳисобланади. О. ҳақиқат ва ёлгонни ажратиб берувчи энг асосий восита сифатида талқин қилинади. О. (олов)ни муқаддаслаштириш мил. ав. 3-2-минг й.ларда бошланган бўлиб, Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида яшовчи Урал — Олтой тиллар оиласига мансуб овчи қабилаларнинг олов воситасида совуқ минтақаларни ўзлаштирилиши б-н боғлиқ деб ҳисобланади. Кейинчалик олов Митра (Меҳр, қуёш) нури биллур ёки сайқал берилган муз парчаси ёрдамида тўпланиб бир нуқтага туширилиши орқали чиқарилган олов муқаддас ҳисобланган. Бундай маросимлар ўтказиладиган махсус ибодатхоналар қурилган. Олов ёниб турувчи марказлар Хоразмда Ходаркат, Сўғд, Хуросон ва Эронда оташкада дейилган. Оташкада ҳар йили Наврўз кунлари (11-13 март) йилнинг Аҳурамазда даври бошланишидан дарак берувчи маросим Аҳурамазданинг қалб (қуёш) нуридан янги олов чиқариш маросими ўтказилиб, наврўз (янги кун) айёмини тантанали нишонлаганлар. Оташқалардан учтаси жуда машҳур бўлиб, барча оташпарастлар учун муқаддас ҳисобланган. Хоразмда Ходаркат (Қўйқирилган қалъа), Бахди (Балх) шаҳридаги Зардушт томонидан қурдирилган оташкада ва Доро I томонидан қурдирилган Суза шаҳридаги Марказий оташкада муқаддас ҳисобланган. Бошқа шаҳар ва қишлоқлардаги оловхоналар оташгоҳлар деб аталиб, олов учун тутатгични шу ердан олганлар. Ислом дини ёйилганидан кейин оташгоҳлар ўрнида чойхоналар вужудга келди.

ОУЭН (Owen) Роберт (1771, 14.5 — Ньютаун, Уэльс — 1856, 17.11) — инглиз мутафаккири, утопик социализм вакилларида бири. 1781й.дан савдо муассасаларида хизмат қилган. 1800 — 29й.ларда Нью-Ленарк (Шотландия)даги йигирув корхонасида бошқарувчи бўлган. О. ўзининг ижтимоий-фал-ий қарашларини «Жамиятга янги назар ёхуд характерни шакллантириш тўғрисида тажриба» (1812—13) асарида батафсил ёритиб берди. У ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашда 18-а. француз материалистлари изидан борди. Унинг таъкидлашича, инсон шарт-шароитлар маҳсу-

лидир. Инсон характери унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланади. Шахсий камчилик ва нуқсонлар учун одамларнинг ўзлари эмас, балки, жамиятдаги мавжуд ижтимоий тартиб айбдор. Кишиларнинг жиноятлари аслида улар яшаб турган жамиятнинг жиноятларидир. О. ижтимоий ҳаёт шароитларини ўзгартириш, ижтимоий тузумни яхшилаш, шундан кейин одамларнинг хулқ-атвори ҳам ўзгаради, деган ғояни илгари сурди. Француз мутафаккирлари хусусий мулкка асосланган жамият ва инсон эркинликларини намуна сифатида қабул қилган бўлсалар, О. бундай жамият моҳият жиҳатидан феодал жамиятдан фарқланмайди, ижтимоий тенгликка асосланувчи жамиятгина кишилар турмушини фарвон, ўзларини бахтли қилади, деб ҳисоблади. Француз мутафаккирлари айрим табақаларнинг имтиёзларини бекор қилишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, О. эса жамиятда одамлар ўртасида ижтимоий тенглик ўрнатиш шиори б-н чиқди. У хусусий мулкни, жамиятнинг табақавий-синфий тузилишини, меҳнат тақсимотини рақобатчиликнинг ҳукмронлигини кескин танқид қилади; жамиятдаги барча иллатларнинг сабаби кишиларнинг нодон-жоҳиллигида, ўз табиати билмаслигида, деб билди. Шундай экан, инсон табиатига хос хусусиятлар уқиб олинса, одамлар ўртасидаги тенгсизликка барҳам берилади, ҳамма бахт-саодатга эришадилар, барча муаммолар барта-раф этилади, деб ҳисоблади. О. шу мақсадни рўёбга чиқариш учун юксак мавқега эга бўлган кишиларга, ҳукуматларга умид боғлади. Жамиятни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳалари б-н у чор Россияси императори Николай I га ва Франция қиролига мурожаат қилди. Ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган лойиҳасини амалга ошириш учун шахсан намуна кўрсатишга уринди. Бироқ унинг филантропик уринишлари муваффақиятсизлик б-н тугади. Чунки унинг лойиҳалари инсон табиатига, ижтимоий ривожланишнинг табиий-тарихий қонуниятларига зид эди. Тарихий тажриба тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодий эркинликни рағбатлантириш орқали ижтимоий фаровонлик ва тотувликка эришиш мумкинлигини кўрсатди.

П

ПАДУАН МАКТАБИ — фалсафий йўналиш сифатида 14-16- а.ларда пайдо бўлиб, Аристотель асарларини, таълимотларини тарғиботи б-н шуғулланган ва замонавий Италия ун-лари (Подуе, Монтуе, Оперраре, Болонье), марказларида кенг фойдаланилган. Падуан ун-ти профессори Пьетрод Абоно (13-а. охири-14-а. бошлари) Марсили Подуанский

б-н ўзаро яқин бўлган. П.м.нинг йирик намояндлари Андинелло де Аррицо, Паоло Ванетто, Гозтон да Гьене, Николетто Верния, Петро Марко, Антонио Дзимаро, Александро Акилини, Агестино Неора ва б. П.м. намояндалари қарашлари кейинчалик *томизм* ғояларига таъсир кўрсатди. П. м. хурфикрликни тарғиб қилган.

ПАЗДАВИЙ Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ан-Насафий (1009, Насаф яқинидаги Пазда (Базда) қўрғони — 1089, Самарқанд) — ҳадисшунос ва ҳанафий мазҳабининг таниқли фикҳшуноси, Мотуридия мактабининг йирик вакили. П. фикҳ бўйича 6 асар ёзган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Олимнинг «Канз ул вусул ила маърифат ул-усул» асари «Усули Паздавий» номи б-н машҳур. Мусулмон қонунчилиги асослари ҳақидаги бу китоб Шарқда кенг тарқалган, унга кўплаб шарҳлар битилган. Ас-Самъоний олимнинг ўғли ал-Ҳасан ибн Али ал-Паздавийдан сабоқ олганлигини таъкидлайди. Олимнинг биродари Абул Йуср ал-Паздавий ҳам таниқли фикҳшунос бўлган. П.нинг шогирди — Абу Муҳаммад бин Аҳмад ас-Самарқандий эса фикҳ бўйича бир неча китоб ёзган.

ПАЙҒАМБАР (*форс-араб.* — «хабарчи» «Расул») — инсоният тарихидаги жамики динларнинг асосчиларини ифодаловчи тушунча. Плар тарихда кўп бўлган. Баъзи манбаларда уларнинг сони 124 минг дейилади. Қуръони Каримда 25 П. номи зикр этилган. Ислом дини таълимоти бўйича, Плар Аллоҳнинг хабарчи ва элчилари бўлиб, илоҳий таълимот ва дин аҳқомларини ўз умматларига етказишган. Дунёдаги энг сўнгги П. ислом дини асосчиси Муҳаммад (с.а.в.) бўлиб, у киши мелодий 570—632 й.ларда ҳоз. Саудия Арабистони ҳудудида жойлашган мусулмонларнинг икки муқаддас шаҳри Макка ва Мадинада яшаб ўтганлар. Унга 40 ёшида 23 й. мобайнида мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони карим нозил қилинган. Бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг аксарияти асосан Таврот китоби нозил қилинган Мусо алайҳиссалом, Забур китоби нозил қилинган Довуд алайҳиссалом, Инжил китоби нозил қилинган Исо алайҳиссалом ва Муҳаммад (с. а. в.) динига иймон келтирадилар.

ПАНПСИХИЗМ (*грек.* «пан» — ҳамма ва «психика» руҳ) — табиатнинг умумий жонлилиги тўғрисидаги идеалистик тасаввур. П.нинг тарихий шакллари турлича: ибтидоий эътиқодлардан иборат бўлган анимизм ва қадимги юнон натурфал.сидаги гилозоизм шулар жумласидандир.

ПАНТЕИЗМ (*юн. пап* — ҳамма, *theos* — Худо) — Худо б-н оламни айнийлаштирувчи фал-ий таълимот. «Пантеизм» атамасини биринчи бўлиб инглиз файласуфи Ж.Толанд (1705) ҳамда ундан кейин Нидерланд илоҳиётчиси Й.Фай (1709) қўлади. Турли тарихий даврларда эса моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган фал-ий тизимлар ва хилма-хил қарашларларни ўзида акс эттириб келди. П. Шарқ ва ғарб П.га бўлиш анъанаси мавжуд. Абу Наср Форобийнинг борлиқ ва унинг вужудга келиши ҳақида-

ги таълимоти пантеистик характерга эга. Форобийнинг пантеистик қарашларида моддий ибтидо ўзини тангри орқали намоён қилади. Тангрида моддий ибтидо гўёки очиқ-ойдин ифода этилмаган бир шаклда мавжуд бўлади. Кейинчалик у ноаниқлик шаклидан ўзини тўлалигича озод қила боради, кучқувватига яраша тарзда намоён бўла боради. Мутафаккир бу жараёни жўжанинг тухумдан чиқишига қиёслайди. Унинг таъкидлашича, «яратилиш жараёни нарса мавжудлигини сақлашдан иборатдир». Машҳур араб файласуфи Ибн Рушд (Абу-л-Валид Муҳаммад, 1126—1198) Абу Наср Форобийнинг пантеистик қарашларини давом эттириб, Яратгани шаҳар ҳокимига қиёслайди. У «Раддиянинг раддияси» асарида «Коинотни бошқариш шаҳарни бошқаришга ўхшайди. Унда ҳар қандай бошқарув марказдан туриб амалга оширилади. Лекин ҳамма нарса ҳам бевосита ҳукмдор томонидан бажарилавермайди», — деб ёзади. Демак, Э.Ренаннинг таъкидлашича, Форобий тушунган худо «ғилдиракнинг марказига ўхшаб, унинг сиртқи қисмларини ўз ҳолича айланишига монелик қилмайди». Ибн Сино Форобийнинг анъаналарини давом эттириб, «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»нинг ўзаро муносабатида неоплатоник эманация (нурланиш) таълимотига алоҳида эътибор берди. Мутафаккир эманация таълимотига мурожаат қилар экан, уни Яқин Шарқ анъаналарига хос диний-натуралистик тасаввурлар б-н биргаликда ўрганишга ҳаракат қилади. Бунда коинот фалакнинг табиат ва инсон ҳаётини таъминлашдаги роли олимнинг диққат марказида турди. Бундай тасаввурларга кўра, ёруғлик манбаи моҳиятан барча мавжуд ва билиниши зарур ашёларнинг бевосита идрок этилиши мумкин бўлмаган ботиний, яширин, сирли сабабини ташкил этади. Аслида бундай қарашлар тизими пантеистик кайфиятларнинг янада кучайишига олиб келди. Пантеистик анъаналар Фарбада Иоанн Скот Эриугена (тахм. 810—877), Давид Динанский, лотин аверроизми вакили Сигер Брабантский (тахм. 1240—1281), кейинроқ эса Мейстер Экхарт ва б. томонидан давом эттирилди. Эриугена схоластик христиан фал.сида биринчилардан бўлиб Худо ва оламнинг ўзаро муносабати муаммосига мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, воқеликни билишга жазм қилган инсон ақли рўпарасида турган энг муҳим муаммо — бу борлиқ масаласидир. У юнонлар томонидан «фидис» (табиат) деб номланган бўлса, лот. «натура» деб аталди. Борлиқ натура экан, демак, Худо ҳам у б-н айнандир. Оламдаги барча ўзгаришлар жараёнида у нарсаларнинг «ибтидоси, оралиги ва интиҳоси» вазифасини адо этади. Эриугена «Худо ҳамма нарсалардадир... у барча нарсалар моҳияти сифатида барҳаётдир», деган хулосага келди. Мейстер Экхарт (1260—1327)нинг фикрича, Худо ўзга нарсаларга нисбатан ўзига хос универсал ижодий фаоллик сифатида на-

моён бўлади. У Худо ва борлиқ, Яратувчи ва табиат айнанлаштирилди, оламнинг яратилиши аниқ муддатдан ноаниқ абадийликка кўчирилади. Худо барча нарсалар б-н бирга бўлса-да, лекин бирон-бир нарса унинг ўзида мавжуд эканлигини англаб бўлмайди. Бундай хусусият инсон зотида берилган, холос. «Менинг руҳимда шундай куч борки, у Худони идрок эта олади. Худодан бошқа ҳеч қандай нарса менга бунчалик даражада яқин эмас. Худо менинг ўзимга яқинлигимдан кўра яқинроқдир», — дейди Экхарт. Худо б-н инсон руҳи ўртасидаги теран ва ички алоқа ҳар қандай инсонни Худо б-н боғланишга имконият яратиб беради. Бунинг учун эса образ-тимсол ва тушунчаларга таяниб иш кўрадиган оддий билишнинг ўзи етарли эмас. Лекин уни мутлақ илоҳийлик сифатида уқиб бунга мистик интуиция кўмагида эришилади. П.нинг хилма-хил кўринишлари фал-ий тафаккур ривожига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, ҳоз. вақтда унинг персонализм фал.ги мавқеи сезиларлидир.

ПАРАДИГМА (юн. *paradigma*-намуна, ўрнак) — илмий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган илмий наз-я. Позитивист Р.Бергман илмий методологиядаги меъёрни тавсифлаш учун биринчи бўлиб П. тушунчасини қўлади. Лекин америкалик фан тарихчиси Т.Кун ўзининг «Илмий революциялар структураси» асарини эълон қилганидан сўнг П.тушунчаси янгича мазмун ва аҳамият касб этди. Кун илмий революция наз-ясини ишлаб чиқиш жараёнида қатор тушунчаларни тақлиф этди ва бунда П. тушунчасига алоҳида урғу берди. Кун парадигма деганда, маълум давр ичида илмий жамоатчиликка илмий муаммони қўйиш ва ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қиладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий наз-яни тушунди. Куннинг фикрича, П.ларнинг алмашинуви илмий революцияларга олиб келади. Кун фикрича, П. илмий жамоатчилик бирлигини таъминлайди. Илмий жамоат маълум парадигмани эътироф этган олимлардан ташкил топади. П. у ёки бу фан соҳасининг асосий муаммосини ташкил этиб, дарсликлар ва олимларнинг мумтоз (классик) асарларида ўз ифодасини топади. Кун бунга мисол қилиб Аристотель диалектикаси, Птолемей астрономияси, Ньютон механикасини кўрсатди. Илмий намунани, универсал қонуларни конкрет ҳодисаларга татбиқ этиш асосида фан ривожланади. Умумэътироф П.ларнинг шаклланиши фан етуқлигининг белгисидир. П.ларнинг ўзгариши фанда туб ўзгаришни таъминлайди. Янги П. танлаш янги фикрлаш асосидагина эмас, балки қадриятлар нуқтаи назаридан ҳам амалга оширилади. (Яна қ. Кун).

ПАРАДОКС (юн. «пара» — қарши, «доха» — фикр) — соғлом фикрга қарши турадиган, ундан кескин

фарқланадиган одатдан ташқари қутилмаган фикрлар. Мантиқий П. соф мантиқий воситалар б-н ҳал этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликдир. П. ҳақиқий, тўғри мулоҳазаларда учрайди. Илмий ҳақиқат ҳамма вақт парадоксалдир. Икки карра икки — тўрт, Ер Қуёш атрофида айланади сингари муҳокамалар ҳам маълум маънода П.дир. Чунки ҳамма вақт ҳам икки карра икки тўрт бўлавермайди. Чизиқсиз тизимда бошқача ҳолат юз беради. Қад. дунё мутафаккирлари қатор П.ларни ўртага ташлаганлар. Жумладан Зеноннинг «Елғончи», «Уюм», «Ахиллес ва тошбақа», «Ёй» ва б. П.лари машҳурдир. П.ларга узоқ вақтгача қизиқ бемаънилик деб қараб келинди. 19-а. бошларида тўплам наз-ясининг майдонга келиши б-н П. илмий текшириш объектига айланди. П.ни текшириш инсон тафаккуридаги қарама-қарши фикрларни ҳал қилишга ундади. Бу эса мантиқ ва математикада ажойиб кашфиётлар қилишга имкон берди. Ҳоз. кунда П.ларни ҳал қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Инглиз фал.и ва мантиқшуноси Б.Рассел немис олими Н.Кантор наз-ясидаги зиддиятни кўрсатиш учун турли П.ларни келтиради. Тўплам наз-яси асосида «Шаҳар бошлиғи», «Генерал ва сартарош» каби қатор П.лар пайдо бўлган. «Математик импликация парадокси», «ном парадокси» шунингдек, физик, психологик, биологик П. каби турлари мавжуд. Бу П.ларни формал мантиқ қоидалари б-н ҳал этиб бўлмайди. Булар янгича тафаккур усуллари б-н ҳал қилинади. Ноформал мантиқда П.ларни ҳал қилиш усуллари мавжуд. Жумладан, икки қарама-қарши фикрни мустақил таҳлил қилиш усуллари мавжуд. Ёки чексизлик б-н чекланганлик мутлоқлик б-н нисбийликнинг ўзаро муносабати нуқтаи назаридан ҳал қилинади.

ПАРАЦЕЛЬС (Paracelsus) Ауреол Теофраст Бомбаст (1493—1541) — атоқли немис врач, табиатшунос олими ва файласуфи. Феррари ун-тида, шунингдек, немис, француз ўқув масканларида тиббиёт асосларини мукамал ўрганган мутафаккир, тиббиёт ўқитувчиси, даволоччи врач. Немис шоири Гёте «Фауст» асарининг бош қаҳрамонини айнан П.га қиёсан яратган. П. ўзига хос шахс бўлган, демократик қарашлари туфайли тез-тез ҳукумат вакиллари б-н ихтилофларга бориб турган. 1527 й.дан П. Базель ун-тининг проф. лавозимида ишлади. П. фал-ий муаммоларга доир махсус китоб ёзиб қолдирмади. У ўз фал-ий қарашларини тиббиёт, фармацевтика, химия, астрология ва б. соҳа масалаларига бағишланган асарларида ифодалади. П. немис натурфал.сига асос солди. Унинг мулоҳазаларига кўра, одам боласининг соғлом ҳаёт кечиришига кўмаклашишни ният қилган ҳар қандай врач табиатни яхши билиши лозим. Чунки табиат ва инсон ўз таркибига кўра бир-бирига айнан мосдир. Бу ўринда П. юракни Қуёшга, мияни Ойга, жигарни Сатурнга, буйракларни Юпи-

терга ўхшатади. Худди шу тарзда инсон организми б-н ўсимликлар ва минераллар ўртасида, ўсимлик ва минераллар б-н сайёралар ўртасида ўхшашлик мавжуд, деб ҳисоблади. Бундай ибтидоий аналогия негизида П. қадимги физиканинг анъанавий ўрт асосига (тупроқ, сув, ҳаво, олов) яна уч универсал ибтидо — симоб, туз ва олтингугуртни ҳам қўшади. Бунда симоб — руҳга, туз — жисмга, олтингугуртни эса жонга мос, деб ҳисоблайди. Улар орасидаги алоқадорлик инсон организмнинг соғлом ҳаёт кечиришини таъминлайди, ушбу нисбатнинг бузилиши эса турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. П. инсоний микрокосмнинг табиий макрокосмга мувофиқлиги принципага таяниб ҳар қандай касалликни даволловчи дори мавжуд, деб ҳисоблади. П.нинг алхимияга бўлган қизиқиши магияга бўлган қизиқиш б-н уйғунлашиб кетди, тиббиётнинг ўзини табиий магия б-н қиёслади. Макрокосм ва микрокосмнинг ўхшашлиги ҳақидаги мулоҳазаларнинг пировард натижаси ўлароқ, П. бутун табиатнинг жонлилиги тўғрисидаги хулосага келади. П. микрокосм ва макрокосмнинг ўхшашлиги ғоясини илгари суриш билан пантеистик дунёқарашнинг ўзига хос шаклини намоён қилди.

ПАРЛАМЕНТ (франц. *parole* — гапирмоқ, сўзламоқ) — кўпгина мамлакатларда сайлов орқали (баъзи ҳолларда қисман тайинлаш орқали) шаклланидиган қонун чиқарувчи вакиллик органи. Биринчи марта Англияда 13-а.да ижтимоий табақалар вакиллик органи сифатида ташкил топган. П. бир ёки икки (юқори ва куйи) палатали бўлади. Англияда П., АҚШ ва қатор Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, ГФР да Бундестаг, Россияда Давлат Думаси, Финландияда Сейм, Туркияда Буюк миллат мажлиси, Ўзбекистонда Олий Мажлис деб аталади.

ПАРМЕНИД (мл. ав. 6-а.нинг иккинчи ярми — 5-а.нинг боши) — қадимги Элей фалсафий мактабининг йирик вакилларида бири, Ксенофаннинг машҳур шогирди, иқтидорли муаллим ва моҳир нотик, Зеноннинг устози. Бой-бадавлат оилада таваллуд топган, дурустгина таълим олиш имкониятига эга бўлган. Фай.нинг табиий-илмий ва фал-ий қарашлари ўзининг «Табиат ҳақида» достонида ифодасини топган. Достон аллегорик хусусиятга эга бўлиб, унда ўспириннинг ҳақиқатга йўл кўрсатиб берувчи Худо ҳузурига қилган саёҳати тўғрисида ҳикоя қилинади. П.нинг фикрича, ҳақиқий борлиқ ҳар қандай ўзгаришни ва кўпликни рад этувчи борлиқдир. У, аслида, ҳар қандай хилма-хилликка зиддир. П.нинг борлиқ ҳақидаги фикр-мулоҳазалари милетчилар ва Гераклитнинг илк асосларига тубдан қарама-қарши қўйилади. Ҳар қандай фал-ий қараш пировард натижада куйидаги муқобилларнинг бирига жавоб бермоғи лозим. 1) борлиқ мавжуд эмас;

2) борлиқдан ташқари ҳатто йўқлик ҳам мавжуддир; 3) борлиқ ва йўқлик нисбатан бир-биридан фарқланмайди. Биринчи кўриниш элей мактабига, иккинчи кўриниш пифогорчилар мактабига, учинчи кўриниш эса, Гераклитга хосдир. П. Гераклитнинг диалектик ғояларини қабул қилмайди. У борлиқ б-н йўқликнинг бир вақтнинг ўзида айнан ва бир-биридан фарқланувчи жиҳатлар деб даъво қилувчи «мияси говлаган олов»ни кескин тарзда рад этади. «Борлиқ мавжуд, йўқлик эса мавжуд эмас» тезиси ҳеч қандай шубҳага ўрни қолдирмайдиган ҳақиқий асосдир. У бизни қуршаб олган оламнинг ягона эканлигини уқтириб беришга қодир. Йўқликни ҳатто фикрда зиддиятсиз бир тарзда ифодалаб ҳам бўлмайди. П.га кўра, билиш, ўқиб олиш, талқин этишга тааллуқли тушунчадир. Борлиқ вақт нуқтаи назаридан абадийдир. Борлиқнинг пайдо бўлиши ёки унинг йўқ бўлиб кетиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар мантиқ қонун-қоидаларига зиддир. У йўқдан бор бўла олмайди, чунки йўқ нарса мавжуд бўлиш реал имкониятидан маҳрумдир. Бундан ташқари, у бошқа бир нарсдан келиб чиқмайди, чунки борлиқ ягонадир. Борлиқ шу нуқтаи назардан қараганда, вақтда ибтидосиз ва интидосиз бўлсада, фазода у чегаралангандир. У шарсимон шаклда мавжуддир, таркибан бир хилдир, ҳамма жойда марказдан бир хил масофада туради. П. учун пайдо бўлиш, ўзгариш, хилма-хиллик йўқликнинг яққол тимсолидир. Секст-Эмпирикнинг таъкидлашича, Арасту, П. ва унинг издошларини «сукунатчилар» ва «ғайритабиатшунослар» деб атайди, чунки улар ўзларининг фал-ий қарашларида табиат ҳаракатининг манбаи эканлигини рад этадилар. Демак, ўзгаришлар, ҳаракат тўғрисидаги ҳар қандай фикр-мулоҳаза одамларнинг одати туфайли шаклланган оддий кундалик тасаввурлардан бошқа нарса эмас. П. билиш жараёнида жонли мушоҳада, сезги аъзолари маълум роль ўйнаса-да, уни ақлий билиш б-н тенглаштириб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Жонли мушоҳада узоқ борганда шахсий фикр, мулоҳазага олиб келса, ақлий билиш ягона ҳақиқатни ифодалайди. Сезгилар имкониятига ортиқча баҳо бериш кундалик оддий тажриба оқибатидир. Кўп эшитиш, кўриш, сўзамоллик донишмандликнинг ҳақиқий намунаси бўла олмайди. Ҳақиқат ақл орқалигина юзага чиқади. Фай. сезгиларга, ҳиссий тажрибага етарли даражада баҳо бермаган бўлса-да, уларнинг кўмакчилик функциясини бутунлай рад этмайди. Сезгиларнинг мақомини камситиш, уларга ақлни қарама-қарши қўйиш П.нинг борлиқ тўғрисидаги таълимотининг мантиқий давомидир. У нарса-буюмлар, ҳодисалардаги нисбий турғунликни эътироф этади-ю, улардаги тадрижий ўзгаришларни тан олмайди. У билишда ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган бўлса-да, бутун реал жараёнлар тўғрисидаги қарашлари кўп жиҳатдан мифологик хусусиятга эгадир.

Унинг таъкидлашича, коинот марказида Ҳақиқат ва зарурият туради. У сайёралар ва юлдузлар ҳаракатини бошқаради. У барча худолардан аввал Эрос — меҳр-оқибат маъбудасини яратган. Эрос туфайли одамлар ўзаро ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка интиладилар, ўз мақсадларига эришадилар. П.нинг фал-ий қарашлари жаҳон фал-ий тафаккурининг ўзига хос бир кўриниши сифатида эътиборлидир.

ПАРСОНС (Parsons) Толкотт (1902.13.12, Колорадо-Спрингс — 1979.08.05, Мюнхен) — америкалик социолог, Фарбдаги структуравий-функционал социологиянинг энг йирик вакилларида, социал ҳаракат наз-ясининг асосчиси. П. таълимотининг наз-ий манбалари — социологиядаги мумтоз позитивизм (*Конт, Спенсер*)га ва *Э.Дюркгейм* функционализмига, *М.Вебер* социологик таълимотига бориб тақалади. П. инсон борлигининг барча томонларини қамраб оладиган ва хусусий эмпирик вазибаларни бажара олиш асоси бўла оладиган умумий мантиқий-дедуктив наз-ий тизим яратишни ёқлаб чиққан. Инсон хатти-ҳаракати, П. бўйича, ўз-ўзини ташкил этувчи, тартибга солувчи тизимдир ва унинг амал қилиши қуйидаги бир қатор талаблар бажарилишини тақозо қилади: адаптация (муҳитга мослашиш), мақсадга эришишга ҳаракат қилиш, интеграция (уйғунлашув) ва «қадрият намуналари»га амал қилиш, яъни тил, қадриятлар ёрдамида ўзини идора этиш. П. социологик тизимининг асосий тушунчалари «структура», «тартиб», «ҳаракат (хатти-ҳаракат)», «мувозанат»дир.

ПАТЕРНАЛИЗМ (лот. «paternus» — отага тааллуқли) — 1) дастлаб Италияда пайдо бўлган, каттанинг кичикка, қариндошнинг қариндошга, устознинг шогирдга, яқинларга нисбатан ғамхўрлиги асосида фаолият юритишни ифодалаган атама; 2) ижтимоий муносабатларга киришадиган томонлар ўртасидаги мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришга маънавий омил таъсирини ифодалайдиган тушунча. Илк италянча П. тушунчаси асосида иш берувчи б-н иш бажарувчилар ўрталаридаги ўзаро муносабатларда иш берувчилар меҳнат тақсимоти, меҳнат муҳофазаси ва меҳнатга ҳақ тўлашда маҳаллий иш бажарувчиларга нисбатан ўз ҳамюртларига имтиёзли ёндашадиганлари туфайли иш бажарувчилар ҳам меҳнатга элу-юрт манфаатларини кўзлаб муносабатда бўлишлари лозим, деган қараш ётади. Демак, иш берувчиларнинг ўз ҳамюртларига хилма-хил моддий ва маънавий рағбатлантириш воситаларини қўллаётгани учун иш бажарувчилар ҳам муросага келиб, ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизликка қарши бош кўтармасликлари Ватан равнақини таъминлайди. П. ғоясига кўра, жамиятда ўрнатилган ва ҳукм сураётган меҳнат тақсимоти доирасида иш ба-

жарувчилар фақат кўп, арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш б-н жаҳон бозорига кенг ва тез кириб бориб, Ватан шарафини оширишга қаратилган «патерналистик» муносабатлар талабларига жавоб берадиган тартиб-қоидаларга бўйсунушлари лозим. П. ғояси кейинчалик Италия мамлакати доирасидан чиқиб, бошқа ривожланган мамлакатлар ижтимоий ҳаётига ҳам татбиқ этилди. Ҳоз. цивилизациялашган бозор иқтисодиёти муносабатлари шариатида П. ғояси ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларида ҳам намоён бўлмоқда.

ПАТРИСТИКА (лот. «patris» — ота) — 2—8-асрларда христиан руҳонийларининг (черков оталарининг) илоҳий, фал-ий ва сиёсий-социологик қарашлари мажмуини ифода этувчи тушунча. Антик даврнинг инқирози й.ларида гностицизмга қарши кураш жараёнида вужудга келган. П. ҳаракатининг биринчи даври 2—3-а.ларга тўғри келади. 2-а.да яшаган Юстин, Афинагер, Тертуллианлар христианликни энг мукамал дин деб билиб, уни политеизм тарафдорлари хуружларидан ҳамюрт қилганлар. Александриялик Климент, Оригенлар эса христиан дини асосида ўзига хос бўлган фал-ий тизимни яратишга уринганлар. Улар эътиқод ва билим, илоҳиёт б-н фал.нинг уйғунлиги ғоясини илгари сурганлар, христианликнинг пайдо бўлишини антик давр фал.сининг тугаши, деб ҳисоблаганлар. П. Юнон шарқида «капподокийлар тўғраги», (Буюк Василий, Григорий Богосов, Григорий Нисский фаолиятида) фарбда Августин фаолиятида юқори чўққига чиққан. Уларнинг китоблари, «муқаддас ривоятнинг» таркибий қисми сифатида эътироф этилиб келинган. П. ақидаларининг барқарорлашув даври Иоанн Дамаскин фаолияти б-н боғлиқ. У христиан диний таълимотини системалаштирган ва схоластикага асос солган. Ҳоз. даврда католик ва православ илоҳиётчилари шарқий ва ғарбий П.нинг ғояларидан кенг фойдаланиб, уни рад этиб бўлмайдиган нуфузга эга деб ҳисоблайдилар.

ПАЦИФИЗМ (лот. pacificum — яраштирмақ, битиштирмақ) — ҳар қандай урушларга, уларнинг характери ва мақсадларидан қатъий назар (жумладан, адолатли, озодлик урушларига ҳам) қарши курашувчи кишилар ҳаракати. Улар кишиларни қурбон қилишга олиб келадиган ҳар қандай қуроли ҳаракатларни, уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, мақсадларига бутунлай эътибор бермай инсон ахлоқига зид деб қарайдилар ва қоралайдилар.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД (1247—1326) — мутафаккир, шоир, моҳир хунарданд, енгилмас паҳлавон, жавонмардлик ҳаракатининг пешволаридан бири. У ёшлигидан илм-маърифатга интилди, шеърятни севди, ўзидан «Рубоийёт» ва «Канз ул-ҳақойиқ» номли

маснавийни мерос қилиб қолдирди. П.М.нинг дунё-қараши шу даврда кенг тарқалган жавонмардлик ғоялари б-н боғлиқдир. 13-14-а.ларда Хоразм жавонмардлари уч буюк сиймодан — Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуддан маънавий озиқ ва амалий ибрат олдилар, бу таълимотни кенг тарғиб этдилар. Умрини одамлар хизматиға бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар б-н баҳам кўриш, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатида бўлиш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишиларни жавонмардлар, ахийлар деб атаганлар. Уларнинг тарихати — маслаги эса жавонмардлик ёки фугувват деб юритилган. Маълумки, жавонмардликнинг асосини шаҳар ҳунармандлари ташкил этар эди. Бу гуруҳнинг ҳаёт принциплари мардлик ва унинг безағи: марҳамат, шафқат, мурувват, саҳоват, жамоат ва олийжаноблик асосига қурилган. Жавонмардлар элга хизмат қилишни, афтодаларга дастгир бўлишни, муҳтожларга марҳамат, аҳдга вафо қилишни, барчага мурувват кўрсатишни ва бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмасликни ўзлари учун ҳаётий шиор деб билганлар. Жавонмардликнинг юксак ғоялари П.М.нинг рубоиётида ўзининг ёрқин ифодасини топди. П.М. устози Нажмиддин Кубродаги жавонмардлик ғояларининг амалий исботини ўз фаолиятида кўрсатди. Миллат ва Ватан шарафини ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини, озодлигини сақлашга эришиш жавонмардларнинг асосий талабларидан биридир. Манбаларда ёзилишича, П.М. Ҳиндистон сафари пайтида ёнлар тарафида жанг қилиб, подшо Рай Ропой Чўнани ўлимдан қутқаргани учун бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилдириб ватанига олиб келади. П.М. Хива яқинида мўғул босқинчиларига қарши курашиб шаҳид бўлган паҳлавонлар қабри устида улкан мақбара қурдиради. П.М. илгари сурган жавонмардлик ғоялари бугунги кунда ҳам ғоят аҳамиятлидир.

ПЕДАГОГИКА (юн. *país* — бола, *agogos* — раҳбар) — тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати, тарбия ҳақидаги фан. П. тарбия ва таълим соҳасига тегишли билимлар йиғиндиси. П. тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва қонуниятларини, унинг жамият ҳаёти ва шахс тараққиётидаги ролини, таълим жараёнини аниқлаб беради. У тарбия наз-яси, дидактикани ўз ичига олади. П. фал., психология, одам анатомияси ва физиологияси сингари соҳалар б-н боғланган. П. тармоқлари: болалар педагогикаси, профессионал таълим педагогикаси, оила тарбияси п.си, олий ўқув юртлари П.си, ҳарбий П., маданий-оқартув ишлар П.си, дефектология П. тарихи ва б.

ПЕЙН (Paine) Томас (1747.29.1, Теторард, Буюк Британия — 1809.8.6, Нью-Йорк, АҚШ)—таниқли сиёсий арбоб, маърифатпарвар файласуф, радикал демократлар тарафдори. У Англия ва Франция рев-ясининг фаол иштирокчиси. Шим. Америка ва Буюк Британияга қарши миллий озодлик кураши қатнашчиси, 1776 й.да аноним ҳолда «Соғлом ақл зиддиятлари» асарини чоп этади. Бу асар ғояси Англия монархиясига қарши ва Шим. Америкада миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ўзининг «Инсон ҳуқуқлари» (1791) асарида ҳукмрон синфлар ва жамият қатламлари ўртасидаги фарқларни батафсил баён қилиб берган. Барча фуқароларнинг сиёсий тенглиги ва халқлар суверенитетлигини ёқлаган демократияни идеаллаштирди.

ПЕРИПАТЕТИКЛАР МАКТАБИ (юн. *peripatetikos* — сайр ваҳтида бажарилган) — милоддан аввалги 335 йилда Афинанинг шарқий қисмида (Ликейда) ташкил этилган бу мактабда, одатда, Аристотель фал.-сининг мухлислари сайрлар чоғида фалсафа б-н шуғулланишган. П. м. қарийб минг йил давомида (мил. 529 й.га қадар) мавжуд бўлган. Аристотель вафотидан сўнг П.м. аъёналарини сақлаб қолиш ва давом эттиришда, айниқса, ўзининг ботаникага оид асарлари б-н машҳур бўлган Эфеслик Теофраст (мил.ав. 372—287), Аристотель таълимотини ривожлантирган Страбон (тахм. мил.ав. 305—270), Аристотель асарларини нашр эттирган Родослик Андроник (мил.ав. 1-а.), кўплаб Аристотель асарларини холисона шарҳлаган Афродизиялик Александр (2-а. охири 3-а. бошлари) П.м.нинг энг атоқли раҳбарлари бўлганлар. П.м. аристотелчилик аъёналарини давом эттиришда фал. тарихида катта аҳамият касб этади.

ПЕРСОНАЛИЗМ (лот. *persona* — шахс) — ҳоз. замон христиан фал.сидаги инсон концепцияси. П. шахсни бирламчи, ижодий реаллик ва олий маънавий қадрият деб, оламни эса, олий яратувчи куч — Худо ижодий фаоллигининг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди. П. 19-а. охириларида Россия ва АҚШда шаклланди, кейинчалик 20-а. 30-й.ларида Франция ва б. мамлакатларга ёйилди. Россияда П. ғояларини Н.А. Бердяев, А.Шестов, қисман Н.О. Лосский ривожлантирдилар. Америка П.нинг асосчилари Б.Боун, Ж. Гайс ва уларнинг издошлари У. Хайинг, Э.Брайтмен, Ж.Хаунсон эдилар. Ҳоз. вақтда П. сезиларли даражада ўз таъсирини йўқотган, унинг муаммолари феноменология, экзистенциализм, фаллий антропология томонидан ишлаб чиқилмоқда.

ПЕССИМИЗМ (лот. *pessimus* — энг ёмон) — кечаётган воқеа ва ҳодисаларнинг боришига икки хил қарама-қарши фикрлар ёки муносабатларнинг оқибатини самарасиз, тушкунликка йўйиш б-н ифодалаш. *Оптимизм*нинг антоними П. воқеалар ёмон-

лашиб бораяпти, деган қарашларда, тушкунлик кайфиятларида, яхшилик ва адолатнинг тантанасига ишончнинг йўқлигида намоён бўлади. Фал-ий П.нинг йирик вакиллари Шопенгауэр ва Гартман ҳисобланади.

ПИЕТЕТ (лот. *pietas* — тавфиқ) — римликларда худолар ва одамлар ўртасидаги самимий дўстона муносабат. Кейинчалик, бу сўз одамга нисбатан қўлланилиб, тавфиқлилиқ, диёнатлилиқ маъносига ишлатилган. Бундан ташқари, бу сўз ота-она, аждодлар, муассасалар, ўз Ватанига бўлган ҳурмат маъносига ҳам ифодалаган.

ПИЕТИЗМ (лот. *pietas*-очиқ кўнгиллилиқ) — 17—18-асрларда протестантизмнинг оқими. Догматик диний таълимотларга рационалистик нуқтаи назардан қараган. П. динни янгилаш тарафдори эди. Ҳиссиёт б-н фал-ий мистика аъёналарига қайтишни ёқлайди. П. Гёте асарларида ҳам ўз аксини топган, Гердерга ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. П. немис адабиёти ва романтизми ривожига, шахс етуқлиги муаммосига кенг ўрин берган.

ПИКО Делла Мирандола (Pico della Mirandola) Жованни (1463.24.2, Мирандола—1494.17.11, Флоренция) — италиялик гуманист ва файласуф. Теологик аъёналарни, айниқса, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган диний-фал-ий таълимотларни ҳар томонлама ўрганди. Шу жараёнда Падун аверроизмига меҳр қўйди, Париж ва Оксфорд номинализи б-н таништи, Шарқ фал.си, хусусан, Ибн Рушд асарларини синчиклаб ўрганди. П. ватандоши *Марсилио Фичино ташкил қилган тўғарак* ишида фаол қатнашди. Турли диний-фал-ий муаммолар юзасидан бўладиган баҳс-мунозаларда ўз танқидий фикр-мулоҳазалари б-н иштирок этди. Унинг фикрлаш маданияти асосида Платон, неоплатонизм ғоялари ётар эди. Шунингдек, П. дунёқарашининг шаклланишида Аристотель ва машҳур Шарқ фал.и Ибн Рушд фал.сининг ҳам таъсири бор эди. П. томонидан бутун Европа фал.лари Кенгаши олдидан ўтказиладиган мунозара учун ёзилган 900 тезис 1487 й.да «Инсоннинг қадр-қиммати тўғрисидаги нутқ» номи б-н алоҳида китоб шаклида нашр этилди ва жаҳоннинг кўплаб халқлари тилига таржима қилинди. Бу китобда олам ва одам муаммолари, инсоннинг оламдаги ўрнини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, инсон мураккаб микрокосм бўлиб, ўзида ерга хос (тупроқ, сув, олов, ҳаво), ҳайвонга хос, Худога хос элементларни мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам Худо томонидан яратилган инсон ҳайвон даражасида тубанлашиши ҳам, художўйлик ва олижанобликнинг энг юқори пиллапояларига кўтарилиши ҳам мумкин. Инсонни ер б-н осмон орасида воситачи вазифасини бажарувчи

оламдаги жамики мавжудотлардан юқорида турадиган мавжудот деб таърифлайди. Ўзининг «Астрологияга қарши мулоҳазалар» асарида уқтирадики, инсон руҳи шундай мўъжизаки, у ҳатто осмондан ҳам баландроққа кўтарилади. Ерда ундан бошқа буюк-роқ зот йўқ. Инсонда эса унинг ақл-заковатидан ва жонидан азизроқ, улугроқ қудрат йўқ. Инсон руҳи мўъжизасини, унинг эркинлиги, унинг инон-ихтиёри Худонинг қароматига боғлиқ. У Худога бўйсунмоғи даркор. Чунки Худо инсонни яратиб, унга «ҳаётнинг турли-туман куртақларини ўрнатди ва уруғларини сепди». Худо томонидан ато қилинган бундай неъматларни ҳазм қилиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Ана шу жараёнда инсон ер юзидаги пасткашликларнинг энг охири нуқтасигача тубанлашиши, ҳатто ҳайвон даражасига тушиши ҳам, фаришталар даражасидаги ахлоқий юксакликка кўтарилиши ҳам мумкин. П.нинг пантеистик ғояларига кўра, Худо оламга шундай даражада зарурки, олам Худосиз яшай олмайди, Худо ва олам бир бутун ажралмас борлиқдир. Унинг тушунтиришича, олам турли иерархик пиллапоялардан иборат. У фаришталар, самовий заррачалар оламидан иборат. Ҳиссиёт олами ўзидан-ўзи «ҳеч нимадан» пайдо бўлгани йўқ, балки Худонинг ўзи тартибга солиб, «интеграциялаштириб» турган олий танасиз ибтидодан, «хаосдан» вужудга келган. Олам ўзининг мураккаблиги, зиддиятларга тўлаллиги ва уларнинг уйғунлашуви б-н гўзалдир. П. ҳақиқатни излашга ва аниқлашга интилди. Шу боисдан унинг фикр-мулоҳазалари диннинг ўзгармас ақидаларидан холи бўлди, инсонни улуғлади. Натижада унинг ғоялари гуманистик фал.нинг муҳим манбаига айланди.

ПИРРОН (тахм. мил. ав. 365 — 275 й.) — қадимги юнон скептицизмнинг асосчиси. П. Александр Македонскийнинг ҳарбий юришларида қатнашган, ҳеч қандай асар ёзмаган. Унинг фал-ий қарашлари Секст-Эмпирикнинг «Пиррон қоидалари» асарида баён этилган. П. Элида шаҳрида ўз мактабини яратган. Унга Афинанинг фахрий фуқароси унвони берилган. П.нинг қарашларини унинг шогирдлари Тимон ва Евсевия ёзиб қолдирганлар. Тимон устозига учта савол б-н мурожаат этган: «Нарсаларнинг моҳияти нимада? Уларга қандай муносабатда бўлишимиз керак? Бундан қандай хулоса келиб чиқади?» П. Тимоннинг биринчи саволига «биз нарсалар ҳақида бошқасига нисбатан катта эмас, деймиз. Бундан биз нима бўлганда ҳам нарсаларнинг моҳияти ҳақида фикр юритмаганимиз маъқул, деган хулоса келиб чиқади. Бизнинг ҳар қандай мушоҳаданимиз объектив олам б-н алоқада эмас, балки бизнинг субъектив ҳолатимиз б-н боғлиқдир. Учинчи саволга жавоб берар экан, биз ҳар қандай нарсадан холи бўлган руҳий ҳолатга эга бўлишимиз керак, агар ҳаракат қилиш зарурияти пайдо бўлса, урф-одат-

лар, мамлакатнинг қонун-қоидалари б-н иш юришимиз лозим», дейди. П. оламни билиш мумкинлигини инкор этди, донолик фақат Худонинг қўлидади, деб тушунди.

ПЛАНК (Planck) Макс (1858.24.04., Кил — 1947.4.10. Геттинген) — физикада биринчилардан бўлиб квант наз-ясига асос солган машҳур немис олими. М.Планк Максимилиан гимназиясида таълим-тарбия олди, уч йил Мюнхен ун-тида, кейин эса Берлин ун-тида таҳсил кўрди. У, айниқса, Гельмгольц, Кирхгоф ва Клаузиус каби йирик олимларнинг физика соҳасида эришган ютуқларига ўта қизиқиш б-н қарайди. У 1878 йили Берлин ун-тини тамомлагач, Мюнхенга қайтади. Олий ўқув юртида ўқитувчилик қилиш мақсадида имтиҳон топширади ва орадан бир йил ўтгач, термодинамиканинг иккинчи қонунини қайта асослаб беришга бағишлаб докторлик диссертациясини ёқлайди. У Берлин ун-тида қирқ йил мобайнида талабаларга таълим бериш б-н машғул бўлди. 1894 й. Пруссия фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланади, 1902 й.дан эса унинг илмий котиби лавозимини эгаллайди.

П. даврида кўпгина олимлар, жумладан О.Жолли, Г.Кирхгоф, Г.Гельмгольц ва б. физика соҳасида барча асосий наз-я ва илмий тамойиллар ўзининг мантиқий такомилини топди, эндиликда унга таҳлика соладиган хавф-хатарлар йўқ, фан ўзининг хотиржамликка чек қўйди: термодинамика қонунларига, энтропия, эритманинг тўйиниши масалаларига мурожаат қилди. Айниқса, Г.Кирхгоф томонидан 19-а.нинг 50-й.да асослаб берилган иссиқликнинг нурланиши қонуни қониқтирмас эди. Рэлей, Джинс, Лоренц ва б. классик механика қонунларини изидан боришиб, иссиқ жисм ҳар қандай ҳароратдан қатъий назар, спектрнинг ултрабинафша қисмида узлуксиз тарзда электр энергиясини нурлатиб туриши лозим, деган хулосага келган эдилар. П. эса узоқ илмий изланишлар натижасида атом ва молекулалар томонидан электромагнит энергиясининг чиқариши ва ўзида сингдириши узлуксиз тарзда эмас, балки дискрет, узлукли, муайян квант миқдори тарзида рўй беришини башорат қилади. Келажакда бу илмий гипотеза квант наз-ясининг муҳим асосига айланди. Мазкур гипотезани таҳлил қилишда Эйнштейннинг нисбийлик наз-ясига тегаран кириб борди ва Минковскийдан бирмунча аввал релятивистик динамика негизини яратди. Эйнштейннинг таъкидлашича, П. биринчи бўлиб моддий нуқта ҳаракатининг релятивистик қонунини асослаб берди ва квант ҳаракат классик механикадагина эмас, балки нисбийлик наз-ясида ҳам устувор мақомга молик эканлигини кўрсатиб беришга эришди. У ўзининг илмий тадқиқотларида энергия ва инерт массанинг ўзаро узвий боғлиқлигини тегаран таҳлил қилди. Асосий асарлари: «Физикадан лав-

ҳалар», «Физикавий билишнинг янги йўналишлари», «Динамик ва статик қонунлар», «Физика назарияларининг ўзаро муносабати», «Энг янги физиканинг механистик дунёқарашга муносабати», «Илмий ғояларнинг вужудга келиши ва ўзаро бирига таъсири».

ПЛАТОН (мил.ав. 427—347, Афина) — файласуф, санъаткор, шоир ва драматург. Аттика қироли сулоласига қарашли Кодра оиласида туғилган. Онаси Периктиона ҳам ўз даврининг таниқли одамлари—машҳур қонуншунос Салон ва ҳукмдор Критийлар сулоласидан. Маълумотларга кўра, Критий П.нинг Суқрот таълимотини олишига сабабчи бўлган. Устози Суқротнинг фожиали ўлимидан (399) сўнг П. Афинани тарк этади. Авваламбор у Мисрнинг Гелиопол шаҳрида математика, жамиятшунослик, иқтисодиёт ва б. фанларда эришилган ютуқлар б-н яқиндан танишади, сўнгра жанубий Италияга ва Сицилия оролига боради. 12 йиллик ушбу саёҳат давомида илмий ва ҳаётий жиҳатдан фойдали маълумотлар тўплайди. Жан. Италияда пифагорчилар таълимоти б-н яқиндан танишади, айниқса, машҳур Архит фаолияти тажрибасида давлат арбоби учун фаннинг (айниқса математика) қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кузатади. Сицилияда эса, П. Италия ва Юнонда энг машҳур бўлган маданий марказ — Сиракуза шаҳрининг ҳукмдори Дионисийнинг кўп қиррали сиёсий—бошқарув фаолиятини ўргангани ва унинг меросхўри Дион б-н яқиндан танишади. 367 й.да Дионисий I нинг ўрнига Дионисий II тахтга ўтиргандан сўнг ҳукмдор маслаҳатчиси Дион таклифига биноан П. яна Сицилияга келади. Чунки П. учун бўлажак подшо Дионни идеал давлат қуришга тайёрлаш асосий мақсад эди. Лекин П.нинг ушбу мақсади маълум сабабларга кўра рўёбга чиқмади, аммо энг муҳими — ғоя яратилган эди.

П. суҳбат шаклида бадий-фал-ий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг фал-ий қарашлари «Тимей», «Катта Гиппий», «Федон», «Базм», «Филеб», «Федр», мантиқий таълимоти — «Софист», «Театет», «Менон», сиёсий қарашлари эса «Сиёсат», «Қонунлар», «Критий», «Давлат» ва б. асарларида баён этилган. П. фал.сида «ғоялар дунёси ва соялар дунёси» асосий ўринни эгаллайди. Унинг таълимотида кўра, «ғоялар дунёси» бирламчи, «соялар дунёси» эса, иккиламчидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқни ифодалайди, соялар — яъни оламда мавжуд нарсалар — ўзгарувчан бўлгани боис ҳақиқий бўла олмайдилар. Чунки ҳақиқий тараққиёт ғоялар дунёсига хос, ҳақиқий ўзгариш ва тараққиётни ҳамма ҳам билмайди, чунки уларни билиш учун инсон катта ақл, соф тафаккур эгаси бўлиши керак, ўзгарувчан соялар дунёсини билиш учун инсонга ҳиссиёт ва идрок етарлидир. «Ғоялар дунёси» замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангу, абадий ва ўзгармасдир ва

шунинг учун ҳам у ҳақиқий дунёдир. Гўзаллик тушунчаси П. учун «ғоя»ни ифодалашда муҳим рол ўйнайди, чунки ушбу тушунча фақат маънан универсал характерга эга. Гўзаллик аниқ предмет, нарса ва воқеликка нисбатан таққосланган нисбийликдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам гўзалликни инсон ақл б-н англайди, агарда ушбу тушунча бирон нарса ёки воқеликка нисбатан ишлатилса, унда б. инсон учун оддий нарса ёки воқеликка нисбатан келиб чиқиши мумкин. Гўзаллик, эзгулик («умумий манфаат») каби категорияларнинг мантиқий — фал-ий таҳлили «ғоя»нинг инсон ҳиссиётига боғлиқ бўлмаган сабабларни исботлашга қаратилган эди. Чунки мутлақ, универсал гўзаллик ва эзгулик фақат Худога тааллуқли категориялардир. Демак, Худони инсон фақат ақл ёрдами б-н англаб олиши мумкин.

П. таълимотида ижтимоий фал., жамият ва давлат масалалари муҳим аҳамиятга эга. Унинг сиёсий, педагогик ва ахлоқий қарашлари ҳам «ғоя» таълимоти б-н узвий боғлиқ. Унингча, давлат аристократия қўлида бўлиши ва халқни итоат этишга мажбур қилиши лозим. П. ўзининг «идеал давлат» наз-ясида жамиятни уч табақага: давлат арбоблари — фай.лар; соқчилар (ҳарбийлар); деҳқонлар ва ҳунармандларга бўлади. Бундай давлатда донолик, жасорат, бардошли меъёр ва адолат каби тўрт тамойил устувордир. Давлатни бошқарувчи шахслар авваламбор ана шундай сифатларга эга бўлишлари керак. Унинг ахлоқий қарашлари ҳам ушбу принципларни атрофлича исботлашга қаратилган. П. фал. тарихида биринчилар қаторида эмпирик усулга асосланган Демокрит ва унинг сафдошлари яратган кузатувчан фал.га қарши курашади ва фал. фанининг предмети сифатида ақл, тафаккур фаолиятини олға суради. Бу борада инсоннинг билиш жараёнидаги мавжуд зиддиятларни таҳлил қилиб, билишнинг диалектик ривожланиши тўғрисида теран фал-ий таълимот яратди. Шу боис, унинг таълимоти ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. 20-а. машҳур фай.и К.Поппер ибораси б-н айтганда, буюк немис фай.и Гегель П. фал.сининг янгича таърифини берган, холос. П. Шарқ, Марказий Осиёда ҳам машҳур бўлган. Уни «Биринчи устоз» деб улуғлаганлар, унга тақлид қилганлар ва асарларини ўрганганлар.

ПЛАТОН АКАДЕМИЯСИ (Платон мактаби) — Платон томонидан эрамиздан аввалги 385 йиллар атрофида Афинада ташкил этган ва Эрамизнинг б-а. фаолият кўрсатган диний-фалсафий уюшма. П. А. очик ва норасмий характерга эга бўлган ҳамда ўз атрофига диний-фал-ий таълим бўйича ўқувчиларни бирлаштирган. Бу ерда Сукрот услубидаги суҳбатлар ташкил этилган, маърузалар ўқилган ва мунозаралар ўтказилган. П.а.да ахлоқ, сиёсат, фал., табиий фанлар, илоҳиёт фанлари қаторида математикага алоҳида ўрин берилган. Академия аъзолари

ихтиёрий равишда ўзларини уйқудан, жинсий муҳаббатдан ва гўшт истеъмол қилишдан тийганлар. Цицерон даврига келиб эски ва янги Академияга ажралиш юз берган. Кейинчалик (мил. ав. 265-й.дан кейин), эски, ўрта ва янги академия вужудга келган. Эски Академияда Ксенократ, Полеман, Кратетлар фал.да кейинги давр платончилигидаги пифагорчилар анъаналарини қўллаб-қувватлаб, «Тимея» космология наз-ясини ривожлантирганлар. Диалектик мунозаралар техникасини мутлақлаштириш ва уни дунёқараш тамойилига айлантириш ўрта Академия позициясини белгилаб берди (Аркесилай, Лакид, Телеклетлар). Карнеад Епиком ўғли билимнинг мумкин эмаслиги тамойилини мутлоқлаштириб, бу б-н ҳар қандай доғмаларни ишончсиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Унинг бу қарашлари Янги Академияда Карнеад, Полемарх ўғли, Кратет, Клитомаклар томонидан ҳам маъқулланган. Эрамиздан аввалги 86-й.да Сулла томонидан Афинанинг қамал қилиниши чоғида Академия вайрон қилинган, кутубхона ҳам йўқ бўлиб кетган. Аммо мил. ав. 78-й.ларда Антиох Афинада машғулотлар олиб борган. 176-й.гача Марк Аврелий томонидан Афинада 4та фал. кафедраси ташкил этилишига қадар Академиянинг мақоми аниқ бўлмаган. 2-а.нинг охиридан 4-а.нинг бошларигача Академия умумижтимоий фанлардан билим бериш, риторика ва адабиёт бўйича машғулотлар олиб борган. Плутарх (432 й.да вафот этган) даврида неоплатонизм таълимоти Академияда кенг тарғиб этилган. 529 й.да Юстинининг фармони б-н Афинадаги фал-ий мактаблар ёпилганидан сўнг 531 га яқин афиналик неоплатончилар Эрон шоҳаншоҳи Ҳисрав ҳузурига, Дамашққа борганлар ва шу ерда ўз фаолиятларини давом эттирганлар. 15-а.да платончиликнинг тикланиши муносабати б-н К.Медичи 1459 й.и Флоренцияда П. А.ни ташкил этган ва у 1521 й.гача фаолият кўрсатган. Академия ўз фаолияти даврида фал.-нинг кўплаб муаммолари б-н шуғулланган.

ПЛАТОНЧИЛИК (платонизм) — 1) тор маънода — антик фалсафада 1-адан 3-а.га қадар ҳукм сурган йўналиш. 2) кенг маънода — Платон таълимотига асосланган ҳар қандай фал-ий йўналиш. П. асосий хусусияти ҳиссий оламни ғоялар оламига қарши қўйишдан иборат. П.нинг дуалистик системаларида борлиқ йўқликнинг мустақил ибтидоси сифатида таърифланади ва борлиқнинг номоддий ибтидоси б-н биргаликда таҳлил қилинади. Монистик-идеалистик П.да материя борлиқ ибтидосининг бўлиниб кетиши натижасида юзага келган, деб ўқтирилади. Ўрта а.ларда ва янги замонда П. асосан, неоплатонизм намоёндаларининг ижодида ривож топди.

ПЛЕБИСЦИТ (лат. plebs — оддий халқ ва scitum — қарор) — умумхалқ овоз беришининг бир тури. Қад. Римда плебейлар, яъни оддий халқ йиғилишида қарор қабул қилиш «плебисцит» деб аталган. Бундай қарорлар мил. ав. 5-а.дан бошлаб қабул қилина бошлаган. Аммо уларга фақат плебейларгина риоя қилишган. Мил. ав. 287-й.дан бошлаб, П. ҳамма фуқаролар учун мажбурий характерга эга бўлиб қолган. Ҳоз. даврда ҳам П. халқнинг хоҳиш иродасини аниқлаш воситаларидан биридир. Хусусан, халқаро муносабатларда П. баҳсга сабаб бўлаётган ҳудуд ёки унинг бир қисмининг қайси давлатга тегишлилигини халқ орасида овозга қўйиш йўли б-н аниқлаш учун хизмат қилади. Айрим мамлакатларда (мас., Францияда) П.га референдумга нисбатан кенгрок мазмун берилса, баъзи давлатларда (мас., АҚШ) улар бир-биридан фарқланмайдиган тушунчалар сифатида қаралади.

ПЛЕСНЕВ (Plessnev) Хельмут (1892.4.9, Висбаден-1985.17.6, Геттинген) — немис файласуфи, фал-ий антропология асосчиларидан бири. Геттинген ун-ти фал. ва социология проф.и, немис фал. жамият президенти бўлган. Асосий асарлари: «Организмлар ва инсон босқичлари» (1928), «Кулги ва йиғи» (1941). У фал-ий антропологияни махсус илмий-фал-ий предмет сифатида, инсонни эксцентрик мавжудот, у доимо ўз яшаш имкониятлари доирасидан ташқарига чиқишга, ўзини чексиз ўзгартиришлар олиб борувчи, деб ҳисоблайди. Эксцентрик фаолият акти инсонни ўзи, қолаверса уни ўраб турувчи дунёга бўлган муносабати орқали белгиланади.

ПЛЕХАНОВ Георгий Валентинович (1856—1918) — рус демократ публицисти, сиёсатшунос олим. П. кичик дворян оиласида туғилган. Воронежда ҳарбий гимназияни тугатгач, 1874 й.да Петербург Тоғ интига ўқишга кирган, бироқ 1876 й.да ин-тни ташлаб кетишга мажбур бўлган. 1875 й.да унинг инқилобий кураш даври бошланади ва умрининг охиригача бу ҳаракатларда фаол қатнашди. 1880—1917 й.ларда Швейцария, Франция, Италия каби бир қатор Фарбий Европа мамлакатларида муҳожирликда яшашга мажбур бўлди.

«Йўқ қилувчилик», «худоясовчилик», «худоиловчилик», «махизм» каби оқимларга қарши қаттиқ курашди. Феврал инқилобидан сўнг Россияга қайтгач, шовинистик қарашларга берилди, муваққат ҳукуматнинг урушни ғалабагача давом эттириш сиёсатини қўллаб-қувватлади, Октябр воқеаларини ноҳайрихоҳ кутиб олди. П.нинг «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир» (1895), «Материализм тарихига оид очерклар» (1896), «Тарихда шахснинг роли масаласига доир» (1898) каби асарлари ижтимоий фал.нинг муаммоларига бағиш-

ланган. П. фал.си зиддиятлар ва камчиликларга эга эди. Ўз даврининг ҳукмрон мафқурасига айланганлиги боис марксизм фал.сининг кучли таъсири натижасида баъзи масалаларда П. томонидан тарихда субъектив омилнинг ролига етарли баҳо бера олмаганлиги, динга бўлган муносабатни нотўғри ҳал этганлиги, диннинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрнини етарли баҳолай олмаганлиги каби бир қатор хатоликларга йўл қўйилганлигини кўрамиз. Гарчи, баъзи камчиликлар ва хатоликларга эга бўлса-да, П. фал.сини ўрганиш у яшаган даврнинг моҳиятини, бу даврга хос бўлган ижтимоий-маънавий муҳитнинг мураккаблигини, фал-ий фикр ривожига хос жиҳатларни аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

ПЛОТИН (Plotinos) (204—205, Лихополь-269) — қадимги юнон файласуфи, *неоплатонизм* асосчиси. П. 233 й.га қадар ўз эҳтиёжларини қондира оладиган на ўқитувчи, на таълимот топа олди. Ниҳоят Александрияда Аммоний Саккас б-н учрашди ва Ориген, Герений каби шогирдлар қаторида 11 йил давомида ундан таҳсил олди. 243 й.да қад. Эрон ва Турон, ҳинд фал.си б-н яқиндан танишиш мақсадида император Гордиан аъёнлари сафида Эронга йўл олди. Эрондан қайтгач, 244 й.да Римда ўз мактабини ташкил этди ва 254-255 й.ларга қадар шогирдларига фал.дан сабоқ берди. Айни пайтда Платонополь номи остида фай.лар шахри яратиш орзусида яшади. Ўз фал-ий қарашларини П. 256-269 й.ларда қоғозга туширди. Унинг ўлимидан сўнг шогирди Порфирий устоз асарларини тартибга солди ва 54 та трактатга бўлди. П. ўз таълимотини Платон, Аристотель, янги пифагорчилар ва стоикларнинг эътиборли мулоҳазаларини жамлаш орқали шакллантиради. П. таълимотининг асосини «Яхлитлик» ҳақидаги ғоя ташкил этади. Яхлитлик барча моҳиятларнинг моҳияти бўлиб, ақлга мувофиқ эмас. Шу сабабдан у ақлий билишнинг потенциал предмети бўла олмайди. Борлиқдаги ҳар қандай иерархия яхлитликдан келиб чиқади. Борлиқнинг тараққиёти эса ана шу яхлитликнинг қуйига, материяга қараб ҳаракатланишидан иборат. П. назарида, коинот доимий ўзгаришда, борлиқнинг даражалари муттасил бирдан иккинчисига ўтиб туради. Айни пайтда П.нинг Универсуми ўзгармас характерга эга. Ушбу Универсум (Яхлитлик) мутлақ реаллик бўлиб, чек-чегарага эга эмас, бинобарин турли ташқи сабабларсиз исталган ҳолатга ўта олади. Яхлитлик муттасил ўзини сарфлаб туради, бироқ бундан у камайиб ёхуд кичрайиб қолмайди. Ақл (нус) ҳам ана шундай сарфлаш натижасида юзага келади, шу сабабдан ақлнинг шарофати б-н ҳосил бўлган фикрлар ва ғоялар яхлитликка тааллуқлидир. П. Ақлнинг бегоналашуви ҳақидаги фикрларни ҳам илгари суради. Ақл яхлитликдан бегоналашди, деб ҳисоблайди у. П. таълимо-

тида умумолам жони (псюхе) ҳақидаги фикрлар баён этилади. Умумолам жони Ақл маҳсулидир. У ўзининг яхлитликка даҳлдор эканлигини англай олмайди, бироқ унга интилади. Умумолам жони жисмоний ва ҳиссий олам ибтидоси бўлмиш материяни юзага келтиради. П. нинг фикрига кўра, жоннинг икки кўриниши мавжуд. Олий ва қуйи. Қуйи жон табиатдан иборат бўлиб, материяга (зичлик ва зулматта) интилиб яшайди. Олий жон эса худолар инояти б-н яратилади. Материя зичлашиб боргани сайин олий жон яхлитликдан йироқлашади. Аста-секинлик б-н материя уни тўлиқ ўраб, қамраб олади. Бу эса оламда зулмат ва ёвузликнинг устун келишига сабаб бўлади. Ақл ва жоннинг биргаликдаги онгли саъй-ҳаракатларигина Олий жонни материя исканжасидан халос этиши мумкин. Бунинг учун, биринчидан, жон идеал гўзалликка мурожаат этиши лозим. Иккинчидан эса, ахлоқий ҳаёт ва меҳнатдан паноҳ излаши даркор. П. жоннинг кўчиб юриши ҳақидаги доктринани маъқуллайди, ўзининг ахлоқий таълимотини ҳам шу доктрина асосида баён этади. П. ғоялари Макробий ва айниқса Августиннинг шарофати б-н Европа маданиятининг таркибий қисмига айланди. 15-а.да М.Фигино унинг асарларини латин тилига таржима қилди. Ж.Бруно, Ж. Беркли, И.Кант, Г.Гегель, Ф.Шеллинг каби фай.лар П. таълимотидан руҳланиб ижод этганлар.

ПЛУТАРХ (46—120й.лар) — қадимги эллин (юнон) маданиятининг буюк намоёндаларидан бири, машҳур адиб, файласуф ва тарихчи. Рим императорлари Нерон ва Троян даврларида ижод қилган. У ўз даврининг энг, чуқур маълумотли кишиси сифатида замондошлари, зиёлилар, зодагонлар орасида катта ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлган. П.Платон Академиясига мансуб бўлган ва Платон шахсига сиғинган. Император Троян унга ўша даврда ўта нуфузли ҳисобланган «консуляр» фахрий унвонини берган. П. асосан Афинада ўз ижодий фаолиятини амалга оширган бўлса-да, кўп саёҳат қилган, икки марта Римда бўлган, лекин умрининг иккинчи ярмини туғилиб ўсган шаҳарчаси Херонияда ўтказган. П. қолдирган илмий ва адабий мерос икки катта тўпламда — «қиёсий таржимаи ҳоллар» ва «Ахлоқий асарлар»да жамланган. Уларнинг биринчиси П.нинг жаҳон маданияти тарихида буюк ёзувчи ва тарихчи олим сифатида ҳоз. қадар улкан аҳамият касб этишига асос бўлган. Унда ҳаммаси бўлиб 46 та машҳур тарихий шахсларнинг 23 та жуфтланган ҳаётий фаолиятлари баён қилинган. (Жуфтликни битта юнон ва битта рим арбоби ташкил этган, улардан ҳар бирининг алоҳида-алоҳида таржимаи ҳоллари баён қилинганидан кейин улар иккаласининг бир-бирига қиёсий тавсифи берилган. П. ах-

лоқ-одоб, бадиият, санъат, сиёсат, ҳуқуққа оид 80 дан ортиқ рисола ва мақолалар муаллифи бўлиб, улардан бизгача «Ахлоқий асарлар» тўплами етиб келган. П. илмий ва бадиий салоҳиятининг кенг кўламли ва теран фикрли эканлигини тўпламга кирган «Давлат ишлари тўғрисида панд-насиҳатлар», «Болалар тарбияси тўғрисида», «Муסיқа ҳақида», «Аристофан ва Менандрнинг қиёсий қиёфалари», «Қарздор бўлмасликнинг афзалликлари ҳақида», «Аёлларнинг жасоратли фаолиятлари тўғрисида» ва ш.к. асарлари мисолида кўриш мумкин.

ПЛЮРАЛИЗМ — (лотинча — pluralus — кўплик, кўпхиллик, кўпсонлик) — монизмга бутунлай зид бўлган фал-ий таълимот. П. атамаси биринчи бўлиб немис фай-и Х.Вольф томонидан 1712 йили илмий муомалага киритилган. П. ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ҳимоя этувчи сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, диний ва б. ташкилотлар эркинлигини, ўзаро рақобатини ифодалайди; ҳоз. замон реформизмининг асосий ғояларидан биридир. П. бутун борлиқ асосига ёлғиз материяни кўядиган (материалистик монизм) ёки фақат руҳ, ғояни кўядиган (идеалистик монизм) фикрга қарши тушунчадир. П. намоёндалари 18-19-а.ларнинг б. аъъанавий фал-ий таълимотларидан фарқли равишда ўз таълимотларига кенгрок дунёқараш тусини берадилар. Онтологик П. ижтимоий ҳаётда жуда кўп омиллар — иқтисодий, жуғрофий, сиёсий, маънавий омиллар бир хил аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурадилар. Шу боис, П. мантиқ ва билиш наз-яси (гносеология) соҳасига ҳам ўтди. Бу эса бир-бирига зид бўлган барча тадқиқот услубларининг тенг эканлигини эътироф этишга, яъни релятивизм ва конвенционализмга олиб келди. Ахлоқий-ҳуқуқий соҳада П. барча ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга тенг қимматга эга эканлиги эътироф этилди, айримларининг устунроқ қуйилиши эркин танлаш оқибати деб ҳисобланди. Ижтимоий-сиёсий соҳада П. кўппартиялилик, барча сиёсий-ижтимоий гуруҳлар манфаат ва қарашларининг ўзига хослигини билдиради. Сиёсий П. ҳоз. замон демократик жамиятининг муҳим хусусиятларидан бири саналади. Сиёсий П.нинг асосий белгилари: а) ижтимоий қадриятларнинг ҳар хиллиги; б) рақобатчилик ва муҳолифатта йўл бериш орқали ҳаёт ранг-баранглигини таъминлаш; в) жамият таркибий қисмларининг ўзаро тенглиги ва мустақиллиги; г) диктатура ва зўравонликдан воз кечиш, қарама-қаршилик ва можароларни қонун йўли б-н, тинч ҳал қилиш кабиларда намоён бўлади. П. тамойиллари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин, шу боис «иқтисодий плюрализм», «ижтимоий плюрализм», «сиёсий плюрализм» тушунчалари мавжуд. Сиёсий П.сиз

иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда П. бўлмаслиги табиий. Ўз навбатида, сиёсий П. маънавий П.сиз — эски қолип ва ўлчовлардан воз кечишсиз ривожланмайди. Сиёсий П.нинг муҳим кўриниши кўппартиявийликдир. П. ҳоз. замон цивилизациясининг муҳим ютуғидир.

ПЛЮРАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ НАЗАРИЯСИ — инсоният тарихий тараққиётининг узоқ ўтмишидан то ҳоз. қадар узлуксиз равишда такомиллашиб ва ривожланиб келаётган маънавий-ахлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлар маҳсули. Хитой донишманди Конфуций, барча жаҳон динларининг асосчилари ва фидоийлари, зардуштийлик таълимоти ва Моний қонунлари, юнон жамияти демократияси (арсопаг ва архонийлар), Сукрот, Платон, Аристотел таълимотлари, шарқ фал.си П.д.н.нинг ижодкорлари ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб уйғониш даври, Европа маърифатпарварлиги, жадидлар ҳаракати, халқ иродаси, фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий тизимда кўппартиявийлик тамойилининг қарор воситасида кенг ифода топиши ҳам П.д.н.нинг янги тарихий шарт-шароитларда ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. П.д.н.нинг ҳоз. давр тараққиётида кенг ўрин эгаллаб бораётганлиги кўп жиҳатдан А.Токвил, М. Вебер, Ж.К. Гелбайт, Р.Дарендорф, Р. Дал, Д.Истон, Р. Миллс ва б. фай., социолог, политологлар эришган илмий ютуқларнинг амалий (функционал) демократия ифода топишига қўшган ҳиссаларида намоён бўлмоқда. Мас., А.Токвилнинг «Америкада демократия» асари, Р.Дарендорфнинг «Ижтимоий давлатчиликдан цивилизациялашган ҳамжамият сари» рисоласи, Р.Далнинг «Иқтисодий демократияга кириб бориш» китоби, Р.Миллснинг «Хукмдорлик қилаётган элита» асари кабиларда иқтисодий ишлаб чиқариш эркинлиги заминида инсонга муносиб ҳаёт тарзи ва даражасини яратиш гоёси плюралистик демократияга эришишнинг энг самарали йўли эканлиги кўрсатилган. Жамият социал структурасида ўрин эгаллаган барча асосий ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлар туб мақсад-манфаатларини мувофиқлаштириб, уйғунлаштириб уларнинг жамият сиёсий ҳаётида тенг асосларда эркин амал қилишни тақозо этади. Мана шундагина П.д.н. амалий фаолият соҳасига ўтиб, ижобий самаралар бера бошлайди.

ПНЕВМА (юн. *pneuma* — нафас олиш, рух) — қадимги юнон натурфалсафасида нафас олиш ва юрак уришини бошқарувчи. Стоицизмда ҳаётий куч, рух. Христиан теологиясида — илоҳий рух (*pneumatagion*). Пневма тушунчасининг ривожланиши рух соҳасига қарашли тушунчанинг шаклланиши учун муҳимдир.

ПОЗИТИВИЗМ — ғарб мамлакатларида кенг тарқалган фал-ий тафаккурнинг бир кўриниши бўлиб, унинг диққат-эътибор марказида фал. ва фаннинг ўзаро муносабати муаммоси туради. 19-а.нинг 30-40-й.ларида марксизм фал.си ўзини ягона илмий дунёқараш деб даъво қилиб чиққанидан биров олдинроқ Францияда эски фал-ий анъаналардан узил-кесил воз кечиш ва янги илмий фал. яратиш зарурлиги тўғрисида О.Конт баҳс-мунозаралар юритди ва П.фал.сига асос солди. О.Контнинг фикрича, фал.нинг фан б-н ўзаро «даъвогарлик» тарихи шундан далолат берадики, «метафизик», яъни фал-ий муаммоларни илмийлик руҳига мослаштиришга бўлган барча уринишлар беҳуда. Ҳар қандай фан унга ўз ҳукмини ўтказишга жазм қиладиган фал.га муҳтож эмас. У ҳар қандай таянчни ўзидагина топиши мумкин. Анъанавий фал. муаммоларини илмий нуқтаи назардан, яъни тажриба ва ақлий муҳокама кўмагида ҳал қилиб бўлмайди. Метафизика сарқитларини фандан сиқиб чиқариш зарур. Бундай сарқитлардан бири фаннинг ҳодисаларни сабабият тамойили асосида таҳлил қилиши ва уларнинг моҳиятига кириб боришга даъвосидир. Фаннинг вазифаси ҳодисаларнинг «нима учун» эканлигини уқтириб бериш эмас, балки уларнинг «қандай экан»лигини ёритиб беришдан иборатдир. П. ривожланиши жараёнида фандан дунёқарашга бевосита тааллуқли муаммолар бирин-кетин олиб ташлана борди. Буни 19-а. йирик П. вакиллари Ж.С. Милл ва Г. Спенсернинг қарашларида яққол кўрамиз. П. вакиллари таъкидлашича, билиш, тажриба, субъект-объект муносабати, нарса, субстанция, воқеликнинг унсурлари, физиологик ва психологик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари соф метафизик муаммолар бўлиб, улардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. П.нинг ривожланиши натижасида неопозитивизм оқими вужудга келди.

ПОЛИТЕИЗМ (юн. *poly* — кўп, *theo* — худо) — кўпхудолик тўғрисидаги таълимот. Монотеизмнинг акси. Антик даврдаги юнон ва рим динлари П.нинг мумтоз намунаси ҳисобланади. Тарихий тараққиёт якка-худоликни тарғиб этувчи монотеизмни ташкил топишига, ана шундай динларнинг шаклланишига олиб келди.

«ПОЛИТИКА» — Аристотелнинг машҳур асари. «П.» саккиз китобдан иборат асар бўлиб, унда муаллиф замондош бўлган 158 юнон шаҳар-полислари ва қўшни давлатларнинг моҳияти қиёсий таҳлил қилинган ва муҳим хулосалар илгари сурилган. Аристотель «П.» сида таъкидлашича, аҳоли таркибида ўрта табақа устун бўлган ерда ёки иккала қарама-қарши гуруҳ (йўқсиллар ва ўта бадавлат кишилар гуруҳи)дан ҳам устун бўлган ерда давлат тузуми мўътадил-

лик ва барқарор бўлиши мумкин. Бадавлат гуруҳнинг йўқсиллар гуруҳи б-н тил бириктириб, ўрта табақага қарши чиқиши мумкин эмас, чунки ҳеч маҳал улар бир-бирига қул бўлишни истамайдилар, бинобарин, ўрта табақа устун бўлган давлат тузуми оқилонароқ, ундан афзалроқ тузумнинг бўлиши мумкин эмас. «П.» да давлат турлари ва шакллари ҳақида фикр юритилади. Аристотель фикрича, ихчам давлат тузумини ўрнатиш лозимлигини таъкидлади. Сиёсий арбоб давлат тузумини такомиллаштиришга қаратилган фаолият олиб бориши лозим. Агар у давлат тизимининг қандай турлари мавжудлигини билмаса, бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Аристотель «П.» да Сукрот ва Платон томонидан илгари сурилган умумий мулкчилик давлати лойиҳаларини танқидий таҳлил этиб, шундай хулосага келди: Одамлар шахсан ўзлариники бўлган мулк ҳақида кўпроқ қайғурадилар, умумий мулк ҳақида унча қайғурмайдилар. Шунинг учун энг яхшиси мулкчилик хусусий бўлиб, мулкдан фойдаланиш умумий бўлгани маъқулдир. Шундай қилиб, Аристотель «П.»сида мулкчилик муносабатларининг уйғунлашуви давлат тизимининг барқарор амал қилишидаги энг муҳим омилдир, деган хулоса илгари сурилган.

ПОЛИТОЛОГИЯ (юн. polis — шаҳар — давлат, logos — таълимот) давлатни бошқариш санъати тўғрисидаги фан; сиёсат тўғрисидаги таълимот. П. сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш қонуниятлари, бошқарувчилар б-н бошқариладиганлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, сиёсий жараёнлар моҳияти, мазмуни, асосий йўналишлари; жамиятни сиёсий бошқариш маҳорати ва санъати ҳақидаги, ички ва ташқи сиёсатнинг наз-ий ва амалий асослари ҳақидаги фандир (қ. Сиёсатшунослик).

ПОМПОНАЦЦИ (Pomponazzi), Пьетро (1462.16.9, Мантуя— 1525.18.5, Болонья) — италян файласуфи, Уйғониш даврининг йирик вакили. Паадуи, Феррари ва Болонья ун-тларининг фал. ва медицина бўйича проф.и. «Жоннинг ўлмаслиги ҳақида» (1516) асарида икки томонлама ҳақиқат наз-ясига асосланиб, жоннинг ўлмаслигини рационал исботлаш мумкинлигини инкор этди. П.Аристотель фал.-сига асосланиб, Ибн Рушд ва Фома Аквинскийнинг жон ҳақидаги гояларини танқид қилган. Бу нуқтаи назарни ахлоқ ҳақидаги таълимотга татбиқ қилиб, ахлоқий фазилатда инсоннинг қадр-қимматини, унинг нуқсонларида эса жазога маҳкумлигини кўрди. Бу асар ортодоксол схоластика вакиллариининг кескин норозиликка айниқса, сабаб бўлди. П. ушбу китоби Венецияда расман ёқиб юборилди. Ўша давр томизм оқими вакиллари П. китобига қарши асарлар ёздилар. П.нинг кейинги асарлари орасида «Сеҳргарлик ҳақида» (1518), «Ҳимоя» (1519), «Табиий ҳодисаларнинг сабаби ёки сеҳргарлик

ҳақида» (1520), «Тақдир, эркинлик, тақдирни олдиндан илоҳий башорат қилиш ҳақида» (1520) асарларида мўъжиза ва сеҳргарликни кескин рад этди, сирли ҳодисаларни табиий сабаблар б-н тушунтиришни таклиф этди. П. тақдир концепциясини ҳимоя қилиб, стоиклар таълимотига яқин таълимот яратди. 16—17-а.даги Европа ҳурфикрлигига кучли таъсир кўрсатди.

ПОППЕР (Popper) Карл Раймуд (1902—1994) — инглиз файласуфи ва социологи. П. Австрия пойтахти Венада зиёли оиласида туғилган. У танқидий рационализм гояларини ривожлантириб, илмий билишнинг ўсиши наз-ясини яратди. У илмий билимнинг нисбийлигини таъкидлайди ва шу боис ҳар қандай илмий билим ўзининг тахминийлик хусусиятига эгаллигини исботлашга ҳаракат қилди. П. асарларидан энг диққатга сазовори «Очиқ жамият ва унинг душманлари» (1945)дир. Бу асарида П. сиёсат ва тарих фал.сига оид қарашларини баён этди. П.нинг бу китобни ёзишдан мақсади тоталитаризм тўғрисидаги қарашларини чуқурлаштириш ва унга қарши курашнинг самарадорлигини оширишдан иборат эди. Чунки ҳар қандай ёпиқ жамият тоталитар сиёсий тузумнинг маҳсулидир. П.нинг фикрича, инсоният ўз тарихида доимо тоталитар сиёсий тузум б-н курашиб келган. Тоталитар сиёсий тузумнинг назарий пойдевори сифатида тарихийчилик усули ётади. П. тарихийлик (историзм) б-н тарихийчилик (историзмизм) тушунчаларининг ўртасида катта тафовутни кўрди. Агарда тарихийлик тушунчаси инсон ҳаётида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар таснифини ифодаласа, тарихийчилик тушунчаси эса воқеа ва ҳодисаларни хронологик тартибда баён қилиш ўрнига маълум мақсад (шахс, синф, табақалар)га қаратилган доҳиёна башоратларни асослашга қаратилади ва уларни рўёбга чиқаришда манфаатдор ижтимоий сиёсий кучларни инқилобий ҳаракатларга чорлайди. П. ўз кашфиётининг янги илмий метод сифатида қабул қилинишини истамади. Унинг мақсади тарихийчиликка асосланган ҳар қандай башоратлар инсониятни бахтли келажакка олиб келмаслигини атрофлича исботлашдан иборат эди, холос. Унинг фикрича, доимо ўзгарувчи ҳаёт тарихда ҳар қандай башоратларни фош қилиб келган ва шундай бўлиши муқаррар. Шундай экан, инсоният ўзининг келажакини инсонпарварлик принципларига асосланган қоида ва режаларга, дастурларга таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ташкил қилиши зарур. П. очиқ жамиятни бозор иқтисоди (бозор эркинлиги) билан боғлади. П. фикрича, дунёда инсонпарварлик принципларга асосланган ижтимоий тузумни ташкил қилиш учун инсоният бешта энг муҳим вазифани адо этиши зарур:

1. Эркинликни мустаҳкамлаш ва ундан келиб чиқадиган масъулиятни англаш;

2. Дунёда тинчлик ўрнатиш;
3. Қашшоқликка қарши кураш;
4. Демографик «портлаш» га қарши кураш;
5. Зўровонликка қарши таълим-тарбияни жадаллаштириш.

П. ушбу дастурни бутун инсониятга тақдим этган ва агарда жаҳон аҳли уларни рўёбга чиқара олса, дунёда тинчлик, барқарорлик ва эркин ҳаёт мустақам ўрнатилишига ишонган. Унинг ақл-идроққа (рационализм) асосланган фал-ий таълимоти шундай хулосага олиб келган.

ПОСИДОНИЙ (Poseidonios) (мл.ав. тахм. 135, Апамея, Сурия—мл.ав 51, Рим)—қадимги юнон файласуфи, ўрта стоиқларнинг забардаст мутафаккирларидан бири, Годосс мактабининг асосий раҳбари. У ерда Цицерон ва Помпейнинг диалоглари эшитилган. Улар ўз даврларининг қомусий олимлари бўлишган. П. фай., табиатшунос, математик, астроном, географ, тарихчи ва этнограф бўлиб, фал-ий илмий эклектик тизимини яратган. Унинг марказига табиатдан илоҳийлашаган инсонни қўяди. Дуалистик мавқеидан фикр юритиб, руҳнинг танадан мустақил равишда мавжудлигини, шу тариқа инсон ҳаёти ва иррационал оламда ҳиссиётнинг ўрни ва ривожини тасвирлаб берилади. П.нинг фикрлари ўз даври ва унинг кейинги тараққиёти учун жуда катта аҳамият касб этди.

ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ — ижтимоий фалсафа ва социология фанлари доирасида тарихий жараёнга цивилизация ёндашувни ҳамда цивилизация тараққиётининг ҳоз. босқичини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча. П.ж. термини биринчи бўлиб америкалик социолог, футуролог Даниел Белл (1919 й. туғилган) томонидан илмий муомалага киритилган. Белл дастлаб бу тушунча орқали таълимоти номини («Постиндустриал жамиятнинг вужудга келиши. Ижтимоий башоратчиликдаги авантюра», 1973), кейинчалик эса цивилизация реал ривождаги конкрет босқични ифодалаган. Беллнинг фикрича, тарих цивилизацияон ташкилотларнинг бири ўрнини бошқаси изчил равишда эгаллайдиган уч босқичли жараён (анъанавий жамият, индустриал жамият ва П.ж.) сифатида намоён этади. П.ж.га хос хусусиятлар қуйидагилардир:

- 1) иқтисодийнинг товар ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қараб йўналтирилиши ҳамда саноатда илм-фанга асосланган соҳаларнинг устуворлигида;
- 2) назорат қилинадиган технологик тараққиёт истиқболларини режалаштирувчи метатехнологияларни яратиш имкониятини берадиган янгича технологик соҳанинг ташкил этилишида;
- 3) жамиятнинг ижтимоий структурасидаги муносабатларнинг тубдан ўзгаришида, индустриализм дав-

ридаги синфий бўлиниш ўрнига касб-хунарга қараб бўлинишнинг устунлик қилиши, мулкчилик муносабатлари аҳамиятининг ўзгариши оқибатида аввал асосий бўлган меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддият ўрнини ишни билмаслик ва касбий маҳорат ўртасидаги зиддият (конфликт) эгаллайди;

4) жамиятнинг муассаса ва ташкилотлари таркибидан туб сифатий ўзгаришларнинг юз беришида, илмнинг янги технологик жараёнларнинг асоси, шунингдек, ижтимоий ихтилофларнинг бош сабаби сифатида намоён бўлиши; ижтимоий ташкилотлар доирасида семантик ва аксиологик урғунинг ўзгариши — анъанавий жамиятда «армия ва черков», индустриал жамиятда — «фирма ва корпорация» устунлик қилган бўлса, постиндустриал жамиятга келиб, бу жамиятнинг асосий ҳодисаси бўлган илмни вужудга келтирувчи муассаса — ун-тлар устунлик қилади;

5) маданият соҳасининг қайта ташкил этилишида, унинг ташқи шаклий томонини компьютерлаштириш ташкил этса, ички мазмунини биринчи навбатда, интеллектуализм ҳамда шу аснода ҳар бир киши томонидан ўзини илм индустрияси сифатида ташкил этиши белгилайди.

Белл томонидан яратилган П. ж.нинг асосий концепцияси кейинчалик бошқа социолог ва футурологлар томонидан 2 йўналишда ривожлантирилди:

- 1) П. ж. концепциясининг европача моделини ишлаб чиқишга асосланган радикал йўналиш (Ж. Фурастье, Турен);
- 2) П. ж.нинг америкача моделини яратишга йўналтирилган либерал йўналиш (Гэлбрейт, К.Э.Боулдинг, Г.Кан, О.Тоффлер). П. ж. концепциясининг радикал йўналиши — юқори ғоявийлиги ва ижтимоий-маданий муаммоларга махсус қизиқиши б-н характерланса, либерал йўналиш — асосий этиборни амалий тадқиқотларга ҳамда ҳокимият, уруш, бошқарув муассасалари, оила, оммавий коммуникация каби П. ж. доирасида ривожланадиган ижтимоий-сиёсий структуравий ташкилий характердаги ҳодисаларнинг сценар моделларини яратишга қараганда.

ПОСТСТРУКТУРАЛИЗМ (ёки неоструктурализм) — структурализмдан келиб чиққан ва уни қайта кўриб чиқишга қаратилган фалсафий таълимот. Лингвистик структурализм асосчиси Ф.Соссюр ва структурализмнинг йирик вакили Клод Леви-Строс фикрича, анъанавий фал-ий усул ва лингвистик қоидалар ва б. ижтимоий наз-ялар б-н дунёни изоҳлаб бўлмайди. Уларни тубдан қайта кўриб чиқиш керак. П. Ж.Деррида, Фуко ва Лакан таълимотига суянади. Илгариги лингвистик наз-яни «қайта конструкция қилиш асосида, Ж.Деррида феноменология соҳасини, Соссюрнинг лингвистик қарашлари, структурализм ва Лаканнинг руҳий таҳлилини танқидий

таҳлил қилди. Соссюр лингвистик белгиларни термин ва товушда ифодалашнинг бир-биридан фарқини кўрсатди. П. вакиллари ундай терминларнинг бир бутунлиги, бир хиллиги мақсадга мувофиқ эмас, деб кўрсатадилар. Улар б. турлиликдан «сирганиб» чиқиб кетди. Шунинг учун охириги таърифни бериш мумкин эмас, деб кўрсатадилар. П. тарафдорлари структура доирасида статистик жиҳатдан тарихий жараёнда эркин бўла олмайди. Бундай структура ҳокимиятга бўйсунуш ва бўйсундириш муносабатини келтириб чиқаради. П. структурани бутунлай рад этмайди. Балки структурага янгича муносабатда бўлишни талаб этади.

ПОСТПОЗИТИВИЗМ — 20-асрнинг 50—70-йилларида неопозитивизм ғояларини танқид қилиш жараёнида юзага келган Фарб фалсафасининг қатор концепцияларини ифодаловчи истилоҳ. Айни пайтда, ушбу концепциялар моҳиятан мантиқий эмпиризм б-н ҳамоҳангдир. П.нинг асосий йўналишларига К.Поппернинг танқидий рационализи, У. Куайн ва М. Уайтнинг прагматик таҳлили, Д.Армстронг ва Ж. Ж. Смартнинг илмий материализми, П.Фейерабенд ва Р.Рорти концепциялари, ҳозирги замон фал-ий реализмининг турли кўринишлари киради. Айни пайтда, П. термини аниқ таърифга эга эмас. Баъзи фай.лар уни таҳлилий фал. б-н боғласалар, бошқалари мазкур терминга торроқ таъриф берадилар. Неопозитивизм ривожлангани сайин унинг фал.ни тубдан ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ижобий натижа бермаслиги маълум бўла борди. Шунга асосланиб, П. намояндалари метафизика б-н фан тушунчалари орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, деган хулосага келадилар. П.нинг таъкидлашича, позитивизмнинг асосий камчилиги шундан иборатки, у эмпиризм принципининг аҳамиятига, ҳиссийликнинг ролига ортиқча баҳо бериб юборди. Билишнинг дастлабки нуқтаси бевосита қабул қилинган элементлар ёки кузатиш б-н эмас, балки наз-я б-н боғлиқдир, чунки наз-ядан илгари ва ундан ташқарида билишнинг бўлиши мумкин эмас. Ушбу принциплар К.Поппернинг танқидий рационализида ўз ифодасини топди. П. йўналишлари мантиқий позитивизмнинг қатъий талабларидан (мас., эмпирик верификация наз-ясида, фал.ни фаннинг мантиқий методологик таҳлилга айлан-тириш ғоясида) воз кечиб, физикализм ғоялари, илмий реализм концепцияси, редукционистик методология ва ягона фан наз-ясини ривожлантиришга интиладилар. Бунинг учун неопозитивизмнинг таҳлил қилиш усулидан ва муаммоларга лингвистик ёндашувидан фойдаланилади. Бу борада Куайн ижоди алоҳида аҳамият касб этади. У онт.ни фанларнинг ўзига хос проекцияси сифатида таърифлайди. Илмий материализм эса руҳийлик ва жисмонийликнинг айнан мослиги ҳақидаги тезисини ёқлайди.

Онт.ни фан б-н, реалликни эса тил б-н тенглаштириш тенденцияси бутун П. га хос хусусиятдир.

ПОСТУЛАТ (лот. *postulatum*—талаб этиш) бирон бир илмий наз-я доирасида ҳақиқат деб қабул қилинган ва мазкур наз-яда аксиома вазифасини бажарувчи қоида. П. наз-янинг номантиқий (маҳсус) аксиомасидир. Баъзан П. аксиома тушунчасининг синоними сифатида ҳам қўлланди. Лекин бу тушунчаларни айнийлаштириш ярамайди. Аксиома бирор наз-янинг бошланғич тамойили бўлса, П. шу наз-янинг маҳсус-илмий тамойили ҳисобланади. П. тушунчаси қўлланилишига қараб турлича маъно касб этиши мумкин. Мас.: Евклид исботсиз қабул қилинган соф мантиқий қоидаларни аксиома деб, баъзи геометрик қоидалар яратиши мумкин бўлган наз-яларни эса П. деб ҳисобланган.

ПОШШОХОЖА Саййид Подшохожа ибн Абдулваҳобхожа (1480—1547) — ўзбек шоири ва мутафаккири; Хожа тахаллуси б-н ижод қилган. П. дастлаб отаси қўлида, сўнгра Нисо ва Марв мадрасаларида муфассал илм олган. 1508 й.и Нисо ва Обивард вилоятлари Шайбонийлар томонидан забт этилганда Хожа етук шоир ва адиб сифатида танилган эди. Кейинчалик шаҳар ҳокими, Шайхулислом лавозимларида ишлаган.

Хожанинг бизгача Темур Султонга аталган «Мифтоҳ ул-адл» («Адолат калити», 1508—1510 й.лар), Кистанқаро Одилга бағишланган «Гулзор» (1538 й.) фал-ий-ахлоқий асарлари ва Жонибек Султонга аталган «Мақсад ул-атвор» (1514—1520 й.лар) ахлоқий-дидактик достони ҳамда бир неча газаллари етиб келган. Хожа инсонни фақат яхшилик қилиш учун яратилган деб билади ва ундаги салбий иллатларни ақл-заковат ва донолик ёрдамида йўқотиш мумкинлигига ишонади. Хожа зеб-зийнат, бойлик ва мартаба инсонга маънавий фазилат бермайди, деган хулосага келади. Шунинг учун ҳам у ўз қарашларида хон, бек ва катта мол-дунё эгалари бўлган кишиларни инсофли, диёнатли, саховатли бўлишга чақирди, бева-бечоралар, камбағал-қашшоқлар ҳақидан қўрқмайдиган ситамгар, золим, қонхўр, хасис кишиларнинг кирдикорларини фош қилди. Хожа ўз даврининг етук мутафаккири, шоири, дин ва тасаввуф илмларини ҳам чуқур эгаллаган олими эди. Ўша даврда Мовароуннаҳрда кучли оқимга айланган яссавия, қаландария, нақшбандия тариқатлари моҳиятини тўла англаб етган шайхулислом даражасига кўтарилган эди. Хожа ўз фал-ий қарашларида ер юзидаги барча инсонлар дини, жинси, irqи, миллати, тили қандай бўлишидан қатъий назар Худо яратган бандалар, деб билади, одамларни тутган ўрни, мавқеи, мартабаси қанақалигидан қатъий назар Оллоҳ олдида тенг ва жавобгар эканлигини айтади. Шу боис инсон нафсоний ҳавасларга бери-

либ, ўткинчи дунё ташвишларига берилмаслиги, ботиний дунё гамини ҳам ёддан чиқармаслиги керак, деган фикрни олға суради. Бунинг учун инсон ростгўй, ҳалол, диёнатли, инсофли, меҳр-шафқатли, камтар бўлмоғи, б.га яхшилик қилиб меҳроқибат кўрсатиши, дилзорлик, ўғрилик, мунофиқлик каби ярамас иллатларни ақл-фаросат ва қаноат б-н енгиб ўтмоғи керак, деб таъкидлайди. Хожа ўзининг ҳуқуқий қарашларида ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун жамиятни бошқариб борадиган султон, бек ва йирик амалдор шахслар, дин пешволарини инсоф ва диёнатга, тўғрилик ва ҳалолликка даъват этди, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчидан тўғри фойдалансин, деган фикр-ни илгари сурди.

ПРАВОСЛАВИЕ — Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида кенг тарқалган христианликдаги йўналишлардан бири. П. дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлганлиги учун унинг тарихий ривожланиш хусусиятларини ўзида акс эттирган. Бу ҳол П. диний таълимотида ҳам, черковни ташкил этишда ҳам ўз ифодасини топган. П. таълимотининг асосини муқаддас ёзув (библия) ва муқаддас ривоятларга ишонч ташкил этади. П. оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учлик (троица)дан иборат ягона худо эканлиги, нариги дунё тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-уқубатларга дучор қилинган инсониятни нажот топишига имкон берувчи Исо Масиҳнинг халоскорлик миссияси ҳақидаги ақидаларни тан олади. Черковнинг Худо ва одамлар ўртасидаги воситачилик ролига алоҳида эътибор беради. П.да христианларнинг 7 сирли маросими асосий ўрин эгаллайди. Пасха ва постларга катта аҳамият берилади. Католицизмда қабул қилинган айрим ақидалар (муқаддас руҳнинг фақат ота худодангина эмас, балки ўғил худодан ҳам келиб чиқиши, покланиш макони П.да эътироф этилмайди. Баъзи сирли маросимлар башқачароқ ўтказилади. Католицизмдан фарқланадиган яна бир жиҳати шуки, П.да ягона марказ, ягона бошлиқ йўқ, балки 15 мустақил черков мавжуд.

ПРАГМАТИЗМ (юн. pragma—иш, амал) — 19-асрда АҚШда вужудга келган фал-ий оқим. П.нинг асосий ғоялари Ч.Пирс томонидан ишлаб чиқилди. У 20-а.да Фарб мамлакатларида кенг ёйилди, маънавий ҳаётга кучли таъсир кўрсатди. П. асосида И.Кантнинг «Софокл танқиди» асарида илгари сурилган «прагматик ишонч» ғояси ётади. Ч.Пирс П.ни «ҳақиқат қадрини манфаатдорлик б-н белгиловчи таълимот» деб таърифлади. П.нинг асосий ғоялари Ч.Пирснинг «Ишонччи мустаҳкамлаш» (1877) ва «Ғояларимизни қандай қилиб равшанлантириш мумкин» (1878) мақолаларида баён этилган. 19-а. охи-

ригача «прагматик принцип» файл.лар ва жамоатчиликнинг эътиборини ўзига жалб эта олмади, чунки Пирс таълимотнинг гносеологик масалаларини ёритиб, унинг амалий-услубий аҳамиятини атрофлича таҳлил етолмаган эди. Бу вазифани У. Жеймс амалга оширди ва П.ни америкаликларнинг миллий файл.си даражасига кўтарди. Шу б-н бирга П. шимолий америкаликларнинг жанубий америкаликлар устидан ғалабасинигина эмас, балки У. Жеймс ибораси б-н айтганда, АҚШнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда жаҳондаги ғалабаси учун назарий асос яратди. П. ҳақиқатни назарий (гносеологик) масала сифатида тан олмайди. Унингча, ҳақиқат ва амалиёт яхлит ҳолда намоён бўлсагина бирон маънога эга бўлади. Дьюи ибораси б-н айтганда, ҳақиқат ва амалиёт бирлиги индивид манфаатида акс этади. Манфаат тушунчаси эса, ўз навбатида индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани англатади. П. социологияси «буюк шахслар»га сиғиниш (Джеймс), буржуа демократиясини мақтаб, илоҳийлаштириш (бўрттириб кўрсатиш) (Дьюи), ирқчилик, миллатчилик, ҳатто фашистик ижтимоий муносабатларни (Шиллер) ҳимоя қилишгача ўзгариб борди. П.нинг динга нисбатан муносабатида ҳам манфаат «тажрибаси» марказий ўринни эгаллайди. Мас., Дьюининг «инструментализм»ида анъанавий диний тушунчалар рад этилади, диний тушунчалар «натуралистик» тушунчаларга қарама-қарши қўйилади ва натижада инсон назоратидан ташқаридаги кучлар таъсирида пайдо бўладиган тобелик «тажрибаси уни «художўйлик»ка олиб келади. Демак, «назоратдан ташқаридаги кучлар» — бу Худонинг инсонга кўрсатадиган доимий таъсирининг ўзгинасидир. Этикада П. мелиоризмга (ҳаётдаги устивор қоидалар, қонунларнинг такомиллашиб боришига ишониш) таянади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Фарб мамлакатларида П. таълимотининг таъсири кескин сусая бошлади. Ҳозирги даврда АҚШда неопозитивизм ва турли диний таълимотлар кенг тарқалган.

ПРАГМАТИЗМ ЭСТЕТИКАСИ (юн. pragma — иш, ҳаракат) — Фарб эстетикасида 20-асрнинг биринчи ярмида юзага келган ва прагматизм фалсафасига асосланган йўналиш. Прагматизм асосчиси Ч.Пирс (1839—1914), тушунчаларнинг мазмунини унинг амалиётдаги қўлланиши б-н айнийлаштириб кўрсатишга уринган. Ч.Пирс ғоялари эстетик белгиларни тасвирий санъатга киритишга, санъатни қадриятлар тизими сифатида тушунишга, семиотик эстетиканинг кейинги ривожланишига таъсир кўрсатган. Прагматизм фал.сининг намоёнчаси У.Жеймс (1842—1919) ҳисобланади. У «онг оқими» тўғрисидаги таълимотни илгари сурди, бу эса модернизм санъатида кенг қўлланилди. Жеймс 20-а. прагматик эстетиканинг асосий принципини шундай ифодалади: инсон ҳар

қандай фаолиятининг мақсади «ижобий тажриба»-га, яъни ёруғ ва кучли ҳаётӣй кечинмаларга эришишдан иборат. Жеймс фикрича, ижобий тажриба ахлоқий, диний ва эстетик қадриятларни қамраб олиши керак. Прагматик эстетиканинг кейинги босқичи Ж.Дьюи (1859-1952) ва унинг издошлари фаолияти б-н боғлиқ. Улар қадриятлар тўғрисидаги таълимотта аниқ ифодаланган эстетик асосни татбиқ этдилар: эстетика ўзида диний, илмий, ахлоқий қадриятларни мужассамлаштирган энг олий қадрият, деб таърифланади, гўзаллик эса ички боғлиқлик ва бир бутунликка эришган тажрибанинг сифатий кўриниши тарзида талқин этилди. Эстетик тажрибада табиийлик ва ижтимоийлик ўртасидаги алоқани аниқлашга интилган прагматизм тарафдорлари санъатнинг ижтимоий вазифаларини маданий-интегратив воқеа, ижтимоий ахборот воситаси сифатида талқин этадилар. Европа позитивизмидан фарқли равишда прагматизмда субъектнинг фаоллигига алоҳида эътибор берилди. Эстетик билиш жараёнида субъект (томошабин, ўқувчи, тингловчи) ҳар сафар муаллиф ёки ижрочи томонидан ҳавола этилаётган асарни ўз тажрибаси б-н солиштириш, бирлаштириш йўли б-н ўз санъатини ҳосил қилади, деб ҳисоблаганлар.

ПРЕДИКАТЛАР МАНТИФИ — муҳокама юритиш жараёнларини мулоҳазаларнинг ички структурасидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган мантиқий система. У мулоҳазалар мантифини ўз ичига олади. П. м. тили мулоҳазалар мантифи тилига қўшимча символлар киритиши ёрдамида ҳосил қилинади. П. м.га тегишли семиотик категориялардан фойдаланиб, турли хил ифодалар ҳосил қилиш мумкин. Мас., $\forall xP(x)$ ифодаси (у қуйидагича ўқилади: «х Р хоссасига эга деган фикр барча х га тегишлидир») ихтиёрий мулоҳаза схемаси бўлиб, у «Бирорта синфга мансуб барча предметлар Р хоссасига эга», деган маънони англатади. $\exists x P(x)$ ифодаси (у қуйидагича ўқилади: «Р хоссасига эга бўлган х предмети мавжуд») ҳам ихтиёрий мулоҳаза схемаси бўлиб, у «Шундай предмет (ҳеч бўлмаганда битта) мавжудки, у Р хоссасига эга», деган маънони беради. $\forall x \exists y R(x,y)$ ифодаси эса, юқоридагилар сингари ихтиёрий мулоҳаза схемаси бўлиб, «Ҳар қандай х предмети қандайдир у б-н R муносабатида бўлади» (қисқача: «Ҳар қандай х учун у мавжуд: R х ва у га оид»), деб ўқилади. Бошқа предикатга ажралмайдиган предикат элементар предикат деб аталади. Предикатга умумийлик ёки мавжудлик кванторини қўшиб ёзиш квантор б-н боғлаш амали деб аталади.

Квантор б-н боғлаш амали предикатдан мулоҳазани ҳосил қилиш усулидан бири ҳисобланади. Бошқа бир усули — ўзгарувчининг ўрнига ном қўйишдан иборат. Номни ўзгартирувчи ўрнига тўғри қўйиш натижаси чин ифодалардан фақат чин ифо-

даларнинг келиб чиқиши б-н характерланади. Мас., х ўрнига «олим», у ўрнига — «фаннинг бирорта соҳаси», R ўрнига «фаолият кўрсатиш» номларини қўйсақ, «Ҳар бир олим фаннинг бирорта соҳасида фаолият кўрсатади», деган чин мулоҳаза ҳосил бўлади.

Биринчи даражали П. м. учун қуйидаги қоидалар характерлидир:

1. Ўзгарувчи ўрнига қўйилаётган ифодалар ўзгарувчи х аниқланган предметлар соҳасига тегишли бўлиши керак;
2. X ўзгарувчи ўрнига фақат у бўш бўлгандагина ном (ёки индивидуал ўзгарувчи) қўйиш мумкин;
3. Агар муайян ифодадаги х ўрнига ном қўйсақ, уни ана шу ифодадаги бошқа барча х лар ўрнига қўйиш зарур;
4. Ўрнига ном қўйиш натижасида ҳеч бир эркин ўзгарувчи боғланиб қолмаслиги керак.

П.м.нинг асосий қоидалари қаторига мулоҳазалар мантифи бўйича хулоса чиқариш қоидалари, шунингдек кванторларни киритиш ва чиқариш қоидалари ҳам киради. Бу қоидаларга риоя қилинганда чин хулосалар чиқади.

ПРЕДМЕТ — инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектлар дунёсидан ажратиб қаралган маълум бир яхлитликни ифодаловчи тушунча. Ўз вақтида И.Кант П. ва объект ўртасидаги фарқни белгилашга ҳаракат қилган. Билиш жараёнида «материя» П. сифатида олинса, «шакл» П.ни билиш усули сифатида қаралган. Австриялик фай. Р. Амездер 1904 й.да П. ва объектни қарама-қарши қўйиш ҳақидаги таклифни киритган. Лекин умумгносеологик йўналишда бундай қарама-қарши қўйиш нисбий ҳисобланади. П.ни объектдан асосий фарқи шундаки, П. энг муҳим белги ва хусусиятларни ифодалайди.

ПРЕЗИДЕНТ (лат. praesidents — олдинда ўтирувчи) — республика эълон қилинган мамлакатларда халқ томонидан бевосита ёки бавосита сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. П. лавозими 1878 й.и АҚШ-да пайдо бўлди. П.нинг конституциявий мақоми ва ваколати республика типи б-н боғлиқдир. Президентлик республикасида П. айна бир вақтда давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Бундай ҳолларда бош вазир лавозими бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аралаш республикалар ёки ярим президентлик (Франция, Польша) республикаларида П. фақат давлат бошлиғи ҳисоблансада, реал ваколатлари доирасининг кенглиги унга ҳукуматни бошқариш имконини беради. Бундай тизимда Президент умумхалқ томонидан сайланади. Парламентар республика деб аталадиган республикаларда (Италия, Ҳиндистон, ГФР) Президент парламент томонидан ёки парламент аъзоларидан ташкил топган махсус коллегия томонидан сайланади. Бундай

республикаларда Президент фақат давлат бошлиғи ҳисобланади, реал ижроия ҳокимияти эса бош вазир қўлида бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми, Президентни сайлаш тартиби, Президент ваколатига кирадиган масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Барча мамлакатларда Президент халқаро майдонда ўз давлати номидан иш кўриш, шартномаларни имзолаш, ҳукумат ва суд аъзоларини тайинлашда иштирок этиш, фармонлар қабул қилиш, давлат мукофотлари ва унвонларини бериш, авф ҳуқуқини амалга ошириш, фуқаролик масалаларини ечиш, дипломатик миссия раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш каби умумий конституциявий ваколатларга эга.

ПРИГОЖИН Илья Романович (1917й.да туғилган) — бельгиялик физик, химик олим, синергетиканинг асосчиларидан бири. П. физика, химия ва статистик механика соҳасида машҳур Брюссель мактаби ташкилотчиси. Бельгия қироллиги Академияси аъзоси. Брюссель эркин ин-ти проф. и, Техас ун-ти физика ин-ти директори, Россия Академиясининг хориждаги аъзоси (1982). П. махсус тадқиқот ишлари олиб бориш б-н бирга ҳоз. замон фанининг фал-ий муаммоси ва тарихини чуқур ўрганган. Ҳоз. замон табиатшунослигида вақт (замон) муаммоси б-н шуғулланган. 300й.дан буён вақт (замон)-макон координатига сифат жиҳатидан алоқаси бўлмаган геометрик параметр деб, келинган эди. Вақтга бундай қараш, П. фикрича, ўтмиш, ҳоз. ва келажак ўртасида моҳият эътиборан фарқ йўқ, деб қараш доирасида тушунувчи Ньютонча дунёнинг манзарасига оиддир. Вақтнинг қайтиши тушунчаси мумтоз табиатшунослик даражасининг натижаси бўлиб, вақтнинг орқага қайтмаслигининг таркибий қисмидир. Бироқ вақтнинг орқага қайтиши хусусий ҳол бўлса-да, у универсаллаштирилган. П. бу ҳол нисбийлик назарияси квант механикаси вужудга келиши б-н ҳам деярли ўзгармай қолди, деб ёзади. П. вақтнинг орқага қайтмаслигини физик вақт мисолида дунёнинг янги манзараси асосида исботлаб берди. 20-а. фани вақтнинг орқага қайтмаслигини қайтадан кашф этди. П. ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни 20-а.нинг кашф этилган фундаментал ютуқларини, улар тўғрисида қарашларни ўзгартириш, қайта кўриб чиқиш, янги фикрлаш усули асосида таҳлил қилишни кўрсатиб берди. 21-а. бўсағасида пайдо бўлган янги фанлар инсон б-н табиат, инсон б-н инсон ўртасида зиддиятлар асосида эмас, балки улар ўртасида мулоқот, ҳамкорликка қаратилганлигини кўрсатди. П. вақт ўзининг ички хусусиятига кўра плюралистик кўп имкониятли, демократик характерда бўлиб, вақт жиҳатдан ҳам, унинг ташкил топишини ҳам, мавжудлигини ҳам ягона модел б-н ифодалаб бўлмайди. Шу б-н фан янги инсоний сифатларга эга бўлиб

бориб, инсон яшаб қолишининг таъминлаш востасига айланмоқда. П. (олмон физиги Г.Хаен б-н биргаликда) 20-а. 70-й.ларида пайдо бўлган синергетика таълимотининг асосчиси, унга мураккаб тизимнинг ташкил топиши, бутун табиатшуносликдаги глобал эволюциянинг синтези асосида пайдо бўлган таълимот сифатида, борлиқнинг универсал жараёнини ифодаловчи, ўз-ўзини ташкил этиш тизими сифатида қаради. Нобель мукофоти лауреати (1977).

ПРИНЦИП (лат. *principium* — ибтидо, асос, илк сабаб) — 1) турли аҳамиятга эга бўлган фактлар ва билимлар мажмуининг асоси, пойдевори; 2) ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидалари. Антик фал.да П. бошқа нарса ва ҳодисалардан холи равишда мавжуд бўлган субстанция, негиз сифатида талқин берди. Бундай талқин борлиқни яхлит тасаввур қилиш имконини яратди. Борлиқнинг асосий П. сифатида метафорик талқин тарафдорлари сув, ҳаво, апейрон, олов ва б.ни, интеллектуал билим тарафдорлари рақамлар, ҳарфлар ва б.ни, атомистик талқин тарафдорлари атомни, идеалистик талқин тарафдорлари ғояни, субстанционал талқин тарафдорлари фикр ва гапни таҳлил этадилар. П. лар ҳодиса ва нарсаларнинг шаклланишидаги қонуниятни ифодалайди. Янги замон фал.сида ҳам борлиқнинг асосини аниқлаш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Немис файласуфи И. Кант аънчаларига таянган кўплаб файллар воқелиқнинг онтологик асосини конститутив П. деб, бирон бир фаолиятнинг инструментал асосини регулятив П. деб номлайдилар. Билишда П. назарий ва амалий фаолиятда қўлланиладиган қоида сифатида эътироф этилади. Ҳоз. замон фал.си билиш П. ларини иккига бўлади: 1) билишда дастлабки асос вазифасини ўтовчи П.лар туркумига объективлик, системалилик, тарихийлик, диалектик зиддият кирди. 2) тадқиқот жараёнида тўғридан-тўғри қўлланиладиган П. лар туркумига: мавҳумликдан конкретликка бориш, мантиқийлик ва тарихийлик бирлиги ва б. кирди. Бу П. ларнинг ҳар бири императивлар (талаблар) системасидан иборат. Мантиқда П. системанинг марказий тушунчаси сифатида қўлланади. Бу тушунча ўрганилаётган объектнинг истисносиз барча ҳолатлари ва аспектларига тааллуқлидир. Ахлоқда П. эътиқод асоси ҳисобланади.

ПРИСТЛИ (Priestley) Жозеф (1733.13.3, Лидс яқинидаги Филдхед — 1804.6.2, Нортамберленд, Пенсильвания АҚШ) — инглиз олими, фай.и, Ф.Бэкон ва Т.Роббс фал-ий аънчаларининг давомчиси. Черков академиясини тугатгач, руҳоний бўлган. Динлараро бағрикенглик ғояларини ҳимоя қилган, Шимолий Америкада инглиз мустамлакачилигига қарши курашган. Таъқиблар кучайгач, 1794

й.и АҚШга кетишга мажбур бўлган. Лондон Қироллик жамияти (1767), Париж ФА (1772) аъзоси. Петербург ФА (1780)нинг фахрий аъзоси. Илмий билишда эксперимент ва наз-яни уйғунлаштиришни талаб этган, гипотеза яратиш муаммоларига катта эътибор берди. П. деизм тарафдори бўлган, табиат қонуларининг илоҳий ақл маҳсули эканлигини эътироф этган. Социологияда детерминизм принципини ҳимоя қилди, фатализмга қарши чиқди. П. Гартлининг барча руҳий жараёнлар, жумладан, абстракт тафаккур ва ирода ҳам инсоннинг асаб системасидан ўрин олган қиёслаш қонуллари асосида амалга ошади, деган ғоясини ривожлантирди, Шотландия фал. мактабини танқид қилди. П. фанлар тарихи ва илмий изланишлар методологиясига оид бир қанча қимматли илмий-наз-ий тадқиқотлар муаллифи ҳисобланади.

ПРОГНОЗ — бирор-бир ҳодисанинг келажакдаги ҳолати ҳақидаги илмий тадқиқотларга асосланган эҳтимоллий мулоҳаза. П.нинг икки кўриниши мавжуд: табиий-илмий П. ва ижтимоий П. Улар бир-биридан ўзининг характери б-н ажралиб туради. Мас., табиий-илмий П.дан башорат қилинаётган ҳодисанинг вужудга келишини тезлаштириш ёхуд олдини олиш мақсадида фойдаланиш чекланган. Бундай П. лар туркумига метеорологик, гидрологик, геологик (литосфера ҳодисаларига доир), биологик (мас., ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги касалликларга доир), тиббий-биологик (инсон организмидаги касалликларга доир), илмий-техник, космологик, физикохимик П.лар киради. Ижтимоий П.лардан олинган информациялар мақсадга мувофиқ фаолиятда шу қадар кенг қўлланиладики, кишилар ўз хатти-ҳаракатлари б-н башорат қилинаётган ҳодисанинг вужудга келишини беҳосдан тезлаштириб юборишлари ҳам мумкин. Бундай П.лар сарасига фан ва техниканинг умумий тараққиётига доир П.лар, ижтимоий П.лар, иқтисодий П.лар., психологик П.лар, сиёсий П.лар ва б. киради. П.лар ўз мақсадига кўра ҳам фарқ қилади. Айрим П.лар мавжуд тенденцияларнинг оқибатларини аниқлаш мақсадида қилинади. Бундай П.ларда эҳтимоллик меъёри маълум шкалалар ёрдамида қайд этиб чиқилади. Бошқа П.лар эса ҳодисаларнинг кутилган (хоҳланган, кишилар яратган идеалларга мос тушадиган) ҳолати қачон содир бўлишини аниқлашга қаратилади. П. башорат қилинаётган давр давомийлигига қараб жорий (1 ойга қадар), қисқа муддатли (1—5 йил), ўрта муддатли (5—10 йил), узоқ муддатли (10—30 йил), энг узоқ муддатли (30 йилдан ортиқ) П.ларга бўлинади.

ПРОГНОЗЛАШ — бирор-бир ҳодисанинг истиқболларини махсус илмий тадқиқ этиш. Ўз предметига кўра табиий-илмий ва П. жараёнини тафовут-

лаш қабул қилинган. П.да асосий манба вазифасини тажрибадан олинган маълумотлар, башорат қилинаётган ҳодисанинг истиқболга доир аналогияга асосланган баҳолар, маълум тенденциялар экстрополляцияси, ҳодисаларнинг келажакдаги ҳолатига доир моделлар ва б. ўтайди. Уларга мувофиқ тарзда ижтимоий соҳани П.нинг уч асосий услублари синфи мавжуд: 1) субъектив фикр-мулоҳазаларни объективлаштириш мақсадида аҳоли сўровини амалга ошириш; 2) экстраполляция ва интерполлаштириш — башорат қилинаётган жараён кўрсаткичларининг ўзгариб бориши хусусиятларини аниқлаш; 3) моделлаштириш — башорат қилинаётган ҳодисанинг эҳтимоллиги меъёрларини тузиш. П.да индукция, дедукция, аналогиядан, шунингдек, статистика, иқтисодийёт ва социология услубларидан фойдаланилади. П.нинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат: 1) П. мўлжалларини аниқлаш (объект ва предметни, П. мақсади ва вазифаларини, ишчи гипотезалари ва услубларини белгилаш); 2) П. учун маълумот тўплаш; 3) П. учун асос вазифасини ўтайдиган модел тузиш; 4) мавжуд тенденцияларнинг оқибатларини аниқлаш мақсадида башорат қилиш; 5) кутилаётган ҳолатнинг юзага келиши муддатини аниқлаш мақсадида башорат қилиш; 6) олинган натижаларнинг асосланганлиги даражасини аниқлаш; 7) тавсиялар ишлаб чиқиш.

ПРОГНОСТИКА (юн. «prognostike» олдиндан пайқаш, келажакни кўриш, илмий асосда башорат) — бирон бир ҳодисанинг ривожланиш истиқболларини махсус тадқиқ этиш. П. география, физика, астрономия, экология, политология, социология, психология фанларининг тадқиқот вазифаси ҳисобланади. Унинг таркибий қисми бўлган прогнозлаш айрим маълумотлар, натижалар юзасидан олдиндан мулоҳаза билдириш б-н чекланади. Т. прогнозни амалга ошириш йўллари, усуллари, методлари, қонун тўғрисидаги фандир. П. илмий асосга қурилган изланишларнинг методологик асоси ва фойдаланиш воситаларининг йиғиндиси ҳисобланганлиги сабабли у халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли қўлланилиб келинади. П.дан ташқари фанда яна диагностика (юн. diagnostikos билишга, аниқлашга қодир деган маънони билдиради) ҳам фойдаланилади. Диагностика воқеликни бевосита аниқлаш, баҳолаш, даражаси, кўрсаткичи, ҳолати кабиларни белгилаш б-н шуғулланади. Ундан фарқли ўлароқ п. содир бўлмаган ҳодисалар, амалга оширилмаган фаолият натижалари юзасидан илмий омиллар, қонуниятлар, методлар, методикалар, электрон асбоблар ёрдамида олдиндан башорат қилишга асосланади. Жумладан, об-ҳаво маълумоти, иқлим шароити, биосфера ва ноосфера муносабатлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат маҳсулдорлиги, геополитика, мамлакатлараро

алоқалар, цивилизация, фан ва техника тараққиёти юзасидан илмий маълумотларга асосланиб мулоҳазалар билдириш шулар қаторига киради.

ПРОГРЕСС (лот. *progrege* — илгариланма ҳаракат, муваффақият) — қўйдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиш тараққиётни ифодалайди. П. тушунчаси «регресс» тушунчасининг зиддидир. Оламдаги ўзгаришларнинг маълум йўналишда содир бўлиши тўғрисидаги тасаввурлар қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Кўпинча антик муаллифлар тарихни ўзгармайдиган ҳодисаларнинг оддий изчиллигидан иборат, умуман, у қадимги «олтин даврдан» келадиган регрессив жараён (Гесиод, Сенека) ёки бир хил босқичларнинг такрорланиши (Платон, Аристотель, Полибий) тарзида тасвирлаганлар. Христиан тарихшунослиги тарихни муайян йўналишида кечадиган жараён сифатида ўрганади. П. христиан эсхатологиясидан эмас, балки унинг инкор этилишидан келиб чиқди. Энг аввало П. илмий билиш соҳасида кузатилди. Ф.Бэкон ва Р.Декарт ўтмишга, орқага қарайвермаслик керак, илмий билим оламни олға ривожлантиради, деб кўрсатдилар. П. ғояси ижтимоий муносабатлар соҳасига ҳам (Фюрго, Кондорсе) татбиқ этилди. Маърифатпарварлик фал.си П.ни инсон ақлидан келтириб чиқарди. Бошқа рационалистик оқимларга ҳам тарихийлик ёт эди. Айни чоғда Вико ва Руссо тарихий жараённинг зиддиятли характерга эга эканлигини кўрсатдилар. 19-а. бошларидаги романтик тарихшунос маърифатпарварларнинг рационализмга қарши органик эволюция ғоясини, тарихий даврларнинг индивидуаллиги ва беқийёслиги ҳақидаги тезисни олға сурдилар. Лекин бу тарихийлик ўтмишга қаратилган эди. Гегель ўтмишга салбий муносабатни ҳам, сохта тарихийликни ҳам кескин танқид қилди. Тарихий П.ни «мутлақ руҳ»нинг ҳаракати сифатида талқин этди. Унинг тарих фал.си соф маънода «илоҳийликдан» иборат бўлиб қолди. П.нинг собиқ марксча-ленинча концепцияси уни моддий ишлаб чиқариш усули б-н боғлаб тушунтирди. Лекин, бу наз-я ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликни прогресснинг мутлақ асоси деб ҳисоблади. Ижтимоий амалиёт бундай қарашнинг бирёқлама ва хато эканлигини кўрсатди. Албатта, П.да ишлаб чиқариш усулининг роли бор. Аммо, айни чоғда маънавий омилларнинг ролини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

ПРОЛЕТАРИАТ (лот. *Proletarius* — Қадимги Римда йўқсилларга мансуб киши) — қадимги даврда ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган, ёлланиб ишлайдиган кишилар гуруҳи; собиқ марксизмда мутлақлаштирилган сиёсий тушунча. П. Европада санат инқилоби даврида мустақил қатлам сифатида шаклланган. Жамият моддий бойликларини ишлаб

чиқаришда саноатнинг асосий мавқени эгаллай бо-риши, унда банд бўлган ёлланма ишчилар миқдорининг кескин кўпайиб кетиши П.ни жамиятнинг асосий кучларидан бирига айлантирди. П. жамият структурасида миқдор жиҳатидан энг кўп бўлган даврда унинг тарихий вазифини мутлақлаштиришга асосланган марксизм таълимоти кенг тарқалди. Бундай қараш тарафдорлари ушбу таълимотни ўзгармас қоидага айлантириб, реал шароитни ҳолисона таҳлил қилмасдан, уни янги шароитда ривожлантирмадилар, аксинча, эски меъёрлар асосида қайсарлик б-н уни «тасдиқлашда» давом этдилар. Марксистлар ҳокимиятга келган мамлакатларда коллективлаштириш ва хусусий мулкни йўқ қилиш орқали деҳқон ва хунармандларнинг катта қисмини ёлланма ишчиларга айлантирдилар. Ҳоз. замонда бу масала б-н шуғулланувчи олимлар ёлланма ишчиларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитлари, дунёқараш ва орзу-интилишлари, жамият ва унинг неъматларини ишлаб чиқаришдаги мавқелари, жамиятнинг ижтимоий-синфий структураси ўзгариб бораётганини тан оладилар. Синф ва қатламларни марксистик нуқтаи назардан аниқлаш ҳоз. даврдаги реал воқеликка тўғри келмайди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш воситаларига муносабат кишиларни синфларга ажратишнинг ягона ҳал қилувчи белгиси сифатида қаралиши бир томонлама эканлиги аён бўлди. Ҳоз. замон жамиятида шаклланган ўрта синф мулкнинг турли шакллари б-н боғлиқ, ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Кишиларнинг ижтимоий гуруҳларига ҳолисона илмий мезонлар асосида ёндашув марксизмнинг синфлар ва синфий кураш ҳақидаги таълимоти эскирганлигини тасдиқлайди. Хусусан, тараққий топган давлатларда миқдор жиҳатидан мутлақ кўпчиликни ташкил этадиган, жамият асосий бойлигини ишлаб чиқарадиган ва тасарруф қиладиган, юқори турмуш даражасига эга бўлган ўрта синф ўзининг жамиятдаги мавқеи, турмуш шароитларига кўра синфий курашни кескинлаштиришдан эмас, балки жамиятнинг барқарорлигидан, инқилобий ўзгаришлар, тўнтаришлар бўлмаслигидан манфаатдордир. Бундан ташқари ҳоз. замон жамияти ижтимоий табиати ўзгариб, давлат инсоннинг ҳаёт шароитлари тўғрисида кўпроқ гамхўрлик қилмоқда. Ҳоз. замон жамиятининг ижтимоий структураси аҳоли кўпчилик қатламларининг ҳаётий манфаатлари, давлатнинг моҳияти маълум гуруҳларнинг зулм ва зўравонлик қуроли эмас, балки жамият барқарорлигини таъминлаш, қатламлар ўртасидаги келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этишдан иборат бўлишини тақозо қилмоқда.

ПРОКЛ (410, Константинополь — 485, Афина) — қадимги юнон файласуфи, неоплатончилар мактабининг бошлиғи. Антик даврнинг буюк схоласти,

унинг ёрдами б-н неоплатончилар ўзларининг охири энг гуллаб яшнаган даврига эришганлар. П. неоплатончиларнинг эманация (янги бирлашиш, яккаликка, яъни ягона Худога қайтиш) тушунчасига аниқ таърифлар берди ва интеллектуал (априори) тушунчаларини интеллигебель (трансцендентал) тушунчаларидан фарқлашга ҳаракат қилди. У Худо б-н инсон ўртасига фаришталар салтанатини, яъни фаришталар ва девларни қўяди. Унинг ахлоқшунос-лигида бошланғич яккалик, Худо ғояси асосий ўрин тутди. П.нинг асосий асарлари: «Элементлар ҳақидаги теологик таълимот», «Теологик бош асос», «Платоннинг теологияси тўғрисида». Бундан ташқари, у Платон ва Евклид диалоглари учун шарҳлар ёзди, шарҳларда Платончилар Академияси фаолияти ҳам тасвирланган.

ПРОПАГАНДА (лот. ёйиш, тарқатиш) — 1) кенг маънода: ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишидир. П. жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқларини кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) Тор маънода: П. мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолиятдир. П. илмийлик, конкретлилик, объектив-лик, ижтимоий ҳаёт б-н чамбарчас боғлиқлик таъминларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим. П. давлат ва жамият манфаатларини ифода этиб, адолатли жамият қуриш ҳақидаги ғоялар ва мафкураларни омма орасида ёйиш, кишиларга ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатиш воситасидир. П.нинг энг муҳим вазифаси халқаро ва мамлакат ичида юз бераётган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги илғор тенденция ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиш, жамият тараққиётидаги долзарб муаммолар ечимини топиш, тараққиёт кафолатларини белгиловчи таклифларни тарқатишдан иборат. П. маълумотларнинг серқирралиги, янгилиги б-н аҳолини ижтимоий ислохотларни амалга оширишга чорлайди. Янги минг йиллик ибтидосида мафкуравий курашнинг авж олиши П.ни ғоявий-сиёсий таъсир қуролига айлантирмоқда. П. жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олсада, аҳолининг айрим табақалари учун мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин.

Мамлакат миқёсида инсонпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқий поклик, илмий дунёқараш, диний бағрикенглик каби фазилатларни шакллантиришда П. гуманистик аҳамият касб этади.

ПРОТАГОР (эра. ав. 480—410 й.) — қадимги юнон файласуфи, софистлар катта гуруҳининг йирик намояндаси. П. софистлар мактабига асос солган. Ўз таълимотини тарғиб қилиш мақсадида Юнонистон

бўйлаб сафар қилган, кўп марта Афинада бўлган. Руҳонийлар уни даҳрийликда айблаганлар ва таъқиб этганлар. П. ўз таълимоти асосига «Инсон барча нарсаларнинг мезони» деган наз-яни қўяди. П. доимо кучсиз далилни кучли далилга айлантиришни, яъни бирон бир нарсани тасдиқлаш ёки уни рад этиш мақсадида хоҳлаган нарсани олиб исботлашга интилган. П. ўзининг бу субъективистик ва релятивистик таълимотини диний асосда баён этган. «Инсон ҳаётининг қисқалиги туфайли бирон бир нарса ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот бериш қийин. Худо борми ёки йўқми уни билмайман. Инсон ўзининг қисқа умрида бунга жавоб бера олмайди», деб ёзган. П. на объектив, на субъектив элементларни акс эттирмайдиган оқувчан ҳиссиётни тан олган, холос.

ПРОТЕСТАНТИЗМ — христианликдаги уч асосий йўналишдан бири (католицизм ва православие б-н бирга). 16-а.да Европада католикларга қарши қаратилган Реформация даврида вужудга келган, мустақил черков ва секталарни ўз ичига олади. 1526 й.да Шпейер рейхстаги немис лютерчи-князлари талаби б-н ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Аммо, 1529 й.да 2-Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилган. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари ва 5 князь «протест» (норозилик) билдиришди. П. термини шу сўздан келиб чиққан. Эски тартиботларни муқаддаслаштирувчи католиклар черковига қарши кураш бошлаган янги замон зиёлилари бу черковни бутунлай тугатмай, уни «тузатиш», ислох қилишни, ўз манфаатларига мувофиқлаштиришни мақсад қилиб қўйди. П. Худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах (католицизмдаги аърофдан ташқари) ҳақидаги ваҳий ва б. тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этади, шу б-н бирга П. 3 та янги принципни — шахсий эътиқод б-н нажот топиш, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиш мумкинлиги ва Библиянинг олий нуфузи принципларини илгари сурди. П. таълимотида кура, дастлабки гуноҳ инсон феъл-атворини бузди, уни яхшилик қилиш қобилиятидан маҳрум этди, шунинг учун у хайрли ишлар, сирли маросимлар ва аскетизм йўли б-н эмас, балки бандалар гуноҳини сўраб олиш учун ўзини қурбон қилган Исога шахсий эътиқод қилиш йўли б-н охиратда гуноҳлардан озод бўлиши мумкин эмиш. Мумтоз ҳисобланган ва чўқинтирилган ҳар бир христиан ўзини худо б-н ғайритабiiй мулоқотда бўлишига бағишлайди, черков ёки руҳонийларнинг воситачилигисиз ибодат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Чунончи П. да руҳоний б-н қавм ўртасидаги ақидавiiй фарқ тан олинмайди, черков иерархияси рад этилади. П. да руҳоний қавмларнинг тав-

басини қабул қилиш ва гуноҳларидан фориғ этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, у жамоага ҳисоб беради. Рухонийларнинг оила қуриши ман этилмайди. Маросимларни бажаришда ҳам ўзгаришлар юз берди. П. сирли маросимларидан кўпчилигини бекор қилди, самовий ҳузур-ҳаловат тўғрисидаги таълимотни рад этди. Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз — авлиёларга сиғиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга ва бутларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблар, бутлар, ҳайкаллардан холи қилинди, қўнғироклар олиб ташланди. П. черковни дахрийлаштирди, монастыр ва монахликдан ҳам воз кечди. П. да ибодат ниҳоятда соддалаштирилди, ваъз диний таълимотларнинг ягона асоси, деб эълон қилинди, муқаддас ривоятлар рад этилди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни ўрганиш ва шарҳлаш «гуноҳ» ҳисобланмади (католицизмда «гуноҳ» ҳисобланади), балки ҳар бир художўйнинг муҳим бурчи бўлиб қолди. Ҳамманинг тақводорлиги принципи жамоаларнинг демократик асосда тузилишига олиб келди. П.нинг илк шакллари: лютерчилик, цвингличилик, кальвинизм, уни-таризм ва социнчилик, анабаптизм ва меннончилик, англиканчилик эди. Кейинроқ, «сўнги П.» шакллари: баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шаҳидлари, мормонлар ёки «Охират авлиёлари»дир. «Нажот армияси», «Христиан фани» ва б. диний оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг кўпчилиги «диний уйғониш», илк христианлик ва Реформация идеалларига қайтиш шиори остида ташкил топди. Ҳозирги вақтда П. Скандинавия мамлакатларида, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Швейцарияда кенг тақалган. П.нинг жаҳон маркази — АҚШда жойлашган. Бу ерда баптистлар, адвентистлар, Иегова шаҳидлари ва б.нинг штаб-квартираси бор. Ҳозирги П. бирлашишга интилмоқда. П. илоҳиёти христиан идеологиясининг бир кўринишидир.

ПСИХОАНАЛИЗ — руҳий хасталикни даволаш усули ва психологик таълимот. У 20-а. бошларида таниқли немис олими Зигмунд Фрейд (1856-1939) томонидан ишлаб чиқилган. П. асосини инсон хулқининг негизини лаззат олишга интилиши (либидо) айниқса илк болаликда пайдо бўлган сексуал (жинсий) майл ташкил этади, одам хулқини онглилик эмас, балки онгсизлик бошқаради, деган ғоя ташкил этади. З.Фрейд даставвал онглилик, ёлғончилик ва онгсизликдан иборат психиканинг уч босқичини тадқиқ этди. Олдинги икки босқичдан фарқ қилувчи психик даражани (лотинча *instantia* — бевосита яқинлик маъносини англатади) цензура деб атади. Одатда цензура иккита функцияни бажаради: 1) инсон томонидан ўзининг шахсий ҳис-туйғуларини, мулоҳазаларини ва хоҳишларини муҳокама қила-

ди, уларни онгсизлик ҳолатидан сиқиб чиқаради; 2) онгга ёриб киришга интилувчи фаол онгсизликка қаршилик кўрсатади. З.Фрейд шахс тузилишининг янги наз-ясини таклиф этди. Бу наз-я уч хил психик инстанциянинг ҳукм суриши тўғрисидаги фаразни асослашга қаратилди: «У» (Id) — лаззатланиш, роҳатланиш тамойилига боғлиқ бўлган инстинктив майлларни қамраб олади; «Мен» (Ego) — ташқи олам б-н билвосита алоқага киритувчи психологик инстанция; «Мендан юқори» (super-Ego) ўз ичига ижтимоий таъқиқлар, қонун тусига кирган мажбурий тартиб қоидалар ва идеалларни олади. Унинг фикрича, «Мен» (Эго) реаллик тамойилига асосланган ҳолда инсон психикасида ҳаракатланувчи қарама-қарши кучларни мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Фрейднинг кўрсатишича, инсон фаоллиги асосида қадимий авлод-аждодларидан наслий йўл б-н ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши ётади. Инстинктив майллар даставвал жинсий инстинкт ва ўзини ҳимоя қилишга интилиш инстинкти тарзида юзага келади. Лекин жамият шахсни кўп жиҳатдан чеклаб қўяди, унинг инстинктлари ва майлларини «цензурадан» ўтказилади. Бунинг натижасида шахс ўзининг аксарият инстинктларини ва майлларини жиловлашга, таъқиқлашга мажбур бўлади. Инстинктив майллар унинг шахсиятига зид бўлган руҳий ҳолат сифатида онгли ҳаётдан сиқиб чиқарилади, лекин йўқолиб кетмайди, балки онгсизлик соҳасига ўтказиб юборилади. П. таълимотнинг вазибаларидан бири — онгсизлик соҳасидаги «комплекс»ларни аниқлаш ва уларни англашга ёрдамлашишдан иборатдир. П. намояндalари шахснинг ички конфликтларини очиб бериш ва тушунтириш учун «Эдип комплекси» тушунчасини яратдилар. Бунга кўра, ўғил боланинг ўз онасига нисбатан жинсий майли ва отасининг ўлимини исташи («Эдип комплекси»), яқин қариндоши б-н жинсий алоқа қилишга майллиги жазоланишдан қўрқиш ҳисси б-н тўқнашади. П. вакиллари шахснинг бундан кейинги тараққиётини онгсизлик ҳолатига сиқиб чиқарилган инстинктив майлларнинг турлича комплекслар б-н тўқнашуви ташкил этади; инстинктив майллар ўз қуввати ва фаоллигини сақлаган ҳолда инсоният маданияти ва инсон фаолияти маҳсулининг ҳар хил шаклларига ўтиб («сублимациялашиб»), онгсизлик ҳолатида шахснинг хулқ-атворини бошқаришда давом этади, деган хулосага келдилар. П.да онгсизлик б-н онглилик ўртасидаги қарама-қарши муносабатни мутлақлаштириш ҳолатлари учрайди, бунинг натижасида уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имконияти рад этилади.

ПСИХОЛОГИЗМ — 20-а. охириларида Фарб социологиясида вужудга келган оқим. Эмпириоктицизм тарафдорларининг таъкидлашича, психологиянинг, шунингдек, бошқа барча фанларнинг ҳам объекти

маълум усуллар орқали билиб олинган сезгилар ва сезгилар комплексларидан иборатдир. П.нинг таниқли вакиллари: Г.Тард, Ч.Кули, Ж.Мид, У.Мак-Дугал неофрейдизм, структуравий функционал мактаб ва б. учун ижтимоий муносабатлар ва социал структура моҳиятини психик фактлар асосида тушунтиришга ҳаракат қилдилар. П.нинг дастлабки кўпол ва ибтидоий шаклларида генетик омилларнинг роли ҳаддан ташқари бўрттирилди, социал хулқ-атвор гўё инсон психикаси учун азалдан хос бўлган сексуаллик, ваҳшийлик, эффе́ктивлик, ўлимга мойиллик ва ҳ.к. б-н боғлиқ деб ҳисобланди. Шахс хусусияти ёки миллий характери́ни урушлар, ирқий ва синфий конфликтлар сингари социал ҳодисалар б-н боғлашга интилиш бўлди. Кейинчилик П. тарафдорлари генетик ғоялардан воз кечса ҳам жамият, социал система, социал ташкилот сингари ижтимоий ҳодисаларнинг реал мавжудлигини инкор этиш йўлидан бордилар. П. тарафдорлари кишиларнинг бевосита ўзаро таъсирини таҳлил қилиш доирасидан ташқарига чиқмайдилар, кўпроқ «бевосита кузатиладиган хулқ-атвор» тушунчаси б-н иш кўрадилар. П. таҳлил методлари кичик социал гуруҳ ва жамоаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир, бироқ бу метод орқали кенг социал муаммоларни ўрганиб бўлмайди. Ҳоз. замон Ғарб социологиясида П.нинг бирёқлама принципларини бартараф этишга уринишлар бўляпти. Т. Парсонснинг структур функционал таҳлил наз-яси бунга мисол бўлиши мумкин. П.Дюркгейннинг «социологизм»и, М. Вебернинг «институционализм»и таъсирида жиддий ўзгаришларга учради. Ҳоз. пайтда П. социологиядаги алоҳида мактаб эмас, балки социологиядаги методология принциpidир.

ПСИХОЛОГИЯ (юн. *psyche*-жон, *logos*-илм деган маъно англатади) — инсон ва ҳайвонлар психик (руҳий) ҳаётининг қонуниятлари, механизмлари ва фактлари тўғрисидаги фан. Психология ўрганадиган ҳодисалар юз йиллар давомида фал.да руҳ (жон) деб аталди ва унинг бир соҳаси ҳисобланди. 16-адан бошлаб П. фал.дан ажралиб чиқа бошлади. «Психология» сўзи ўзбекча «жон», «руҳ» ҳақидаги фан, таълимот деган маъно англатади. Психик ҳодисалар ички, субъектив тажриба фактларининг (воқеликнинг) намоён бўлишидир. Психика ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларида иборатдир. Инсондаги қувонч ёки қайғу ҳислари, унинг ниманидир эсга тушириши, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш ҳисларининг барчаси шахс ички дунёсининг таркибий қисмларидир, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар ҳисобланади. Субъектив ҳодисаларнинг муҳим хусусияти — уларнинг бевосита субъектга тааллуқли эканлигидадир. Агар инсон ид-

рок қилса, сезса, фикрласа, эсласа, хоҳиш билдирса, бу ҳодисаларни иш даврининг ўзида тушуниб ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, бир қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб тураемиз ҳам. Шунинг учун психологик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда рўёбга чиқиб туради. Образли қилиб айтганда, одамнинг ички дунёсида турли ҳодисалар вужудга келади, кечади, одатда шахс бундай ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларнинг томошабини ҳисобланади. Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жараёнлар, англашилмаган ҳолатлар, хулқ-атвор, психосоматик ҳодисалар, инсон ақл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маънавий маданият маҳсулини яратди. Ҳар қандай фактларда (воқеликда), ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хусусиятларини ажратади, фақат улар орқалигина психикани ўрганиш мумкин.

ПСЮХЕ (юн. руҳ) — қад. юн. фал.да руҳ этимологик маъносига кўра, нафас, ҳаво олмоқ, деган маъноларини англатади. Гомерда П. қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1) «ҳаётбахш куч», у танани охири нафасда тарк этади; 2) танасиз «шарпа», инсон вафотидан сўнг, Аид салтанатида бўлади. Бунга мисол тариқасида «Одиссей», «Иллиада» асарларини кўришимиз мумкин. Янги антигомерчилар концепциясида П. мил.ав. 6-адан бошлаб пифагорчилар афоризмларида кенг тарқалади. П.ни «дев» сифатида билишади, яъни у абадий бўлиб, танадан танага, ўсимликларга кўчиб юради. Титанлар томонидан «қилган гуноҳлари учун «жазо» берилади, «тана» гўё руҳ қабри, унинг мақсади ёмон гуноҳлардан сақланиш. Вақти келганда, П.ни эркин табиати озод бўлиши назарда тутилади.

ПТОЛОМЕЙ Клавдий (тахм. 90-160)-қад. юн. астрономи, геоцентрик наз-я асосчиси. П. сайёраларнинг Ер атрофидаги ҳаракатини асослаб, уларнинг осмондаги вазиятларини олдиндан ҳисоблашга имкон берадиган наз-яни ишлаб чиққан. П. системаси унинг асосий асари «Альмагест» (қад. астрономик билимлар қомуси)да баён этилган. «География» асарида антик дунёга оид географик маълумотлар берилган.

ПУАНКАРЕ (Poincaré) Анри (1854.29.4, Нанси — 1912.17.7, Париж) — француз математиги, Париж ун-ти проф., Париж ФА аъзоси. Математика, физика, дифференциал тенгламалар, топологияга оид ажойиб асарларнинг муаллифи. 1905 й.да А. Эйнштейнга боғлиқ бўлмаган ҳолда нисбийлик наз-ясининг асосий математик тушунчаларини кашф қилди. Умрининг охириги 10 йили давомида П. табиат-

шунослик масалаларига қизиққан ҳолда фаннинг фал-ий муаммолари ва илмий билиш методологиясига оид тадқиқотларига кучли эътибор қаратди. Бу борада унинг фал-ий қарашлари конвенционализм оқимига асос бўлиб хизмат қилди. Чунки П. фан қонунлари реал оламга хос эмас, балки олимлар ўртасидаги ўзаро ўзбошимча битимлардан (конвенциялардан) иборат, деб ҳисоблар эди. Унинг фикрича, бу битимлар ҳодисаларни қулай ва фойдали этиб тасвирлашга хизмат қилмоғи лозим. Ана шу

тарзда П. табиат ва борлиқнинг объектив реаллигини ва уларнинг ривожланиш қонунларининг ҳам объективлигини инкор қилди. Фанда объектив ҳақиқатни инкор этмаган ҳолда П., муайян даражада чекланган билиш орқали инсон ақли математика тилида ифодаланган «табиат уйғунлиги» қонунлари кўринишида тасаввур этди. Бироқ П. фикрича, бу ҳақиқат мақсадни кўрсатувчи лекин ҳеч қачон эришиб бўлмайдиган сабабларга ўхшайди.

Р

РАБИНДРАНАТ ТАГОР — (1861.7.5—Калкутта—1941.7.8.) — машҳур ҳинд мутафаккири, жамоат арбоби, шоир, рассом ва фай. Р.Т. ёшлигиданоқ Шарқ ва Ғарб адабиётини, Ҳиндистон маданий ёдгорликларини, хусусан «Маҳабҳорат», «Рамаёна» каби халқ эпосларини, замондош ёзувчиларнинг асарларини кунт б-н мутолаа қилади, ўзи ҳам шеър ва ҳикоялар ёза бошлайди. Р. Т. 1878 й. ҳуқуқ фанларини ўрганиш ва адвокат бўлиш мақсадида Англияга боради. Аммо у Англияда бир ярим йил истиқомат қилгач, ҳуқуқшунослик соҳасидаги ишидан воз кечиб, ватанига қайтади ва ижодий фаолият б-н машғул бўлади. У 1880—1890 й.ларда бир неча йирик асарлар, шеърӣй тўпламлар ва ҳикоялар нашр эттирди. Р.Т. бу йилларда ёзилган қатор асарларида, жумладан «Ечилган топишмоқ», «Нур ва соялар», «Тож кийиш», «Мохома», «Шубҳа» кабиларда чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлган воқеаларни тасвирлайди, мавжуд тузум тартиби ва мустамаккачиликни қоралайди, халқнинг юксак маънавий қиёфасини очиб беради, зулмни, адолатсизликни танқид қилади, инсонпарварлик ғояларини илгари суради. 1895 й. у «Шадхона» журналининг таъсис этиб, унда ўзининг ўткир сиёсий мавзудаги мақолаларини нашр эта бошлайди. 1901-1902 й.ларда ёзилган «Ҳалокат», «Кўзга тушган қум» каби ижтимоий психологик романларида ижтимоий тартибларнинг адолатсизлиги, инқироз муқаррарлигини ва диний фанатизмнинг реакцион моҳиятини моҳирона кўрсатиб берди. Р.Т. 1901 й. ўзининг маърифатпарварлик ғояларини кенг ёйиш, болаларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида хусусий мактаб очди. Бу мактабда ўқувчилар ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, таълим олишлари мумкин эди. Р.Т. жуда кўп асарлар яратди. У ўз асарларида фал-ий ва диний муаммоларни фан ва табиатшунослик, тил ва адабиёт, этика ва эстетикага тааллуқли масалаларни таҳлил қилади. Р.Т. дунёқарашининг асо-

сида диний-идеалистик оқим — веданта ётади. У фал-ий масалаларга объектив идеализм мавқеидан ёндашди. Р.Т. табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг ўзгарувчанлигини, зиддиятлигини ҳисобга олмоқ кераклигини уқтиради. Р.Т. билиш ҳақида фикр юритиб, билишда дунё киши томонидан қарама-қаршиликда ва бирликда тасаввур этилади, қабул қилинади, дейди. Унинг фикрича, олам ҳаракат ва ҳаракатсизлик, узлуксизлик каби жиҳатларнинг бирлигидан иборатдир. Шунинг учун ҳам билимларимизнинг аниқлиги бизнинг вақт ва фазода тутган ўрнимизга боғлиқ. Р.Т. ғоялари ҳозир ҳам ўз мавқеига эга.

РАДДИЯ — исботни бузишга қаратилган мантиқий амал. Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун Р.ни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Р. ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Р. бирорта масалани муҳокама қилиш яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), б.си унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади. Р. уч хил усул б-н амалга оширилади: 1) тезисни рад этиш; 2) аргументларни рад этиш; 3) демонстрацияни рад этиш. Фактлар орқали рад этиш энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш.

Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу бемаънилик бўлади. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчи истисно қонунига мувофиқ, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Аргументларни рад этиш усулида тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади. Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин. Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиш усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезис чинлигининг, унинг асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади. Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

РАДИКАЛИЗМ (*лот.* radix — илдиз) — сиёсий тузум ва ижтимоий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатлар. Р. эътироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатни билдиради. Тарихда бу атам мўътадил ислохотлар тарафдорларига нисбатан ҳам қўлланган. Мас., Буюк Британияда (1832 й.) «Ислохотлар тўғрисидаги Билл»нинг муҳолифларига нисбатан биринчи марта Р. атамаси қўлланган. Кейинроқ эса утилитаризм асосчиларидан И. Бентам ва унинг издошлари «фал-ий радикаллар», деб аталди. Ҳозир бир қатор сўл сиёсий партияларга нисбатан ҳам Р. тушунчаси қўлланилади. Ўрта асрлар сўнгида ва Янги давр бошланишида Р. демократия шиорлари билан чиқди. Унинг тарафдорлари (Локк, Руссо ва б.) нотабиий ижтимоий муносабатлар ва шароитларни радикал тарзда оқилона тартиблар б-н алмаштириш ғоясини олға сурдилар. Анархистлар эса жамиятдаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг ортиқчалиги, инсон эркини тубдан кенгайтириш лозимлигини ёқлаб чиқдилар. Уларнинг ғоявий раҳнамоси У. Годвин инсон ақл-заковат ва эркинлик рамзидир, шунинг учун унинг эркини чеклаш керак эмас, деган ғояни илгари сурди. Ҳоз. давр Р. и учун хос бўлган хусусиятлардан бири ижтимоий ҳаётнинг ҳам наз-ий, ҳам амалий муаммоларини ҳал қилишда

зўрлик усулидан фойдаланишга мойилликдир. Тинч йўл б-н ҳал қилиш мумкин бўлган оддий муаммоларни ечишда ҳам улар куч ишлатишга майл билдирадилар.

Тарихнинг бурилиш нуқталарида, танглик юз берган ҳолатларда Р. авж олади. Ҳоз. Р. экстремизмнинг назарий манбаи бўлиб, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда зўрлик усуллари ва воситаларидан фойдаланишга интилади.

Ҳоз. пайтда радикал кайфиятлар ва радикал қарашлар ақлий меҳнат б-н шуғулланувчи интеллигенция орасида люмпенлашув кучайган мамлакатларда кўпроқ кузатилади. 20 а. да юз берган илмий-техник тараққиёт туфайли ақлий меҳнат вакиллари миқдорининг кескин ошиши ҳар доим ҳам уларнинг моддий турмуш даражасининг кўтарилиши ва ижтимоий мавқеининг ортиши б-н бирга кечмайди. Айниқса, ижтимоий инқироз ва танглик даврларида зиёлиларнинг люмпенлашуви кучаяди. Бу эса улар орасида радикал кайфиятнинг авж олишига сабаб бўлади. Тарихий тараққиёт шундан гувоҳлик берадики, радикаллар ҳокимият тепасига келган тақдирда ҳам уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этмайди. Етмиш йилдан ортиқроқ ҳукмронликдан кейин большевиклар тарих саҳнасинан улоқтириб ташланди. Собиқ шўролар тузуми ўрнида ташкил топган мустақил давлатлар ҳудудида ривожланишнинг дастлабки босқичида радикал оқимлар пайдо бўла бошлади. Бу оқимлар баъзи мамлакатларда фуқаролар уруштини келтириб чиқарди. Бу мамлакатларнинг кўпчилигида сиёсий Р. диний ниқоб остида фаолият кўрсатди. Улар ислом давлати қуриш, халифаликни қайта тиклаш шиорлари б-н чиқдилар. Диний ақидапарастлик ҳам Р.нинг бир кўриниши ҳисобланади. Диний радикализм ҳам Р.нинг б. кўринишлари каби ўзига мос келмайдиган б. ҳар қандай оқим ва қарашларга нисбатан муросасизликни талаб этади.

РАДХАКРИШНАН Сервапали (1888—1975) — Ҳиндистоннинг таниқли файласуфи, машҳур давлат арбоби. 1909 й.и Мадрасдаги христианлик коллежини тугатиб, шу ерда фалдан дарс берди. Кейинчалик Ҳиндистондаги бир неча ун-тларнинг фал. кафедраларига раҳбарлик қилди. Оксфорд ун-тининг профессори этиб сайланади. 1956 й.дан Москва Давлат ун-тининг фахрий профессори, Ҳиндистон Миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари. Р. 1962—1967 й.ларда Ҳиндистон Президенти этиб сайланган эди. Р.нинг фал-ий таълимоти. «Рабиндранат Тагор фалсафаси», «Озодлик ва маданият», «Ҳиндистон қалби», Шарқ динлари ва Ғарб тафакқури «Маориф, сиёсат ва уруш», «Дин ва жамият» каби асарларида ўз ифодасини топди. Р. руҳнинг бирламчилиги, оламнинг илоҳийлигини исботлаш ва ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. У умумий фал-ий масалаларни Ве-

данта таълимоти асосида талқин этади. Р.нинг фикрича, бутун борлиқнинг ягона асоси Мутлақ руҳдир. Унинг фикрича, мутлақ ўзидан ҳисобсиз оламларни пайдо қилади ва яна ўзига айлантиради. Унинг фикрича, Худо яратган бу олам реал мавжуддир, у ривожланади. «Мутлақ Руҳни (Худони) дин ва илоҳият ёрдамида тушуниши мумкин». Унинг фикрича, дин универсал, умумий характерга эга, дин жамият ҳаёт-мамотини белгилловчи омиллардан биридир, ҳар бир шахс ҳам бутун инсоният ҳам эътиқодга муҳтождир. У фақат диний эътиқодгина ҳаётнинг аниқ йўлини кўрсата олади, дейди. Р. дин миллати, irqдан қатъий назар ҳаммага баробар хизмат қилади, деб динни фан б-н боғлашга уринди. Дин б-н фан бир — бирини тўлдирди, дейди фай. Дин б-н фаннинг фарқи шундаки; дин руҳий ҳолатни, инсоннинг «ички табиатини» ифодаласа, фан «ички табиат» дан ташқаридаги эмпирик ҳолатни ифодалайди. Бироқ, улар орасидаги фарқ нисбийдир, уларнинг ўзаро боғлиқлиги аксинча, мутлақдир «ҳар бир дин инсонга нисбатан ва шахснинг ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаши керак», дейди фай. Р. универсал дин орқали бутун инсоният бир оилга бирлашди деб ҳисоблади. Унинг фал.си универсал дин ҳақидаги ғояларга хизмат қилади. Р. ўзининг ижтимоий — сиёсий қарашларида одил жамият қуришни орзу қилган.

РАЙХ (Reich) Вильгельм (1897.24.3, Галиция 1957.03.11, Люнсбург, АҚШ)-америкалик врач ва психолог, Фрейдист. 1933 й.дан бошлаб АҚШда ўз фаолиятини бошлаган. Р. фикрича, ҳар қандай тоталитар қурилма охир-оқибат сексуал тазйиқ таъсири натижасида келиб чиқиб, у асосий характерни акс эттиради ва оммавий неврозларнинг манбаси бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолларда индивиднинг психологик структураси ижтимоий тизимнинг ҳукмронлиги келиб чиқади. Психик энергиянинг жисмоний реаллигини таъкидлаб, Р. «либидо» тушунчасини узил-кесил кенгайтди ва натурфал.нинг универсал космик ҳаётӣй энергия «оргоне» ҳақидаги таълимотига барҳам берди. 60 й.ларда «Янги сўл қанот» ҳаракатчилари уни ўз мафкурачиси деб эълон қилди. Р.нинг жуда кўп фикрлари Т. Адорно, Э. Фромм асарларида янада такомиллаштирилган. Асосий асарлари: «Фашизмнинг оломон психологияси» («1933») «Характер анализи» (1970), «Организм функцияси» (1972) ва б.

РАССЕЛ (Russel) Бертран (1872.18.5, Треллик, Уэльс-1970.2.2, Пенриндайдрайт) — англиз математики, файласуфи, социолог ва ахлоқшунос, мантиқшунос, жамоат арбоби. Мантиқ соҳасида «Математик тамойиллар» (1910—13) асари, социологияда «Озодлик йўллари: социализм, монархия ва синдикализм» (1918), ахлоқ наз-ясида «Бахтга эришиш»

(1930) каби асарлари Р. га катта шуҳрат келтирди. «Ғарб фал.си тарихи» (1946) асари ҳам машҳур бўлса-да, у Р. га фал.да шуҳрат қозониши учун етарли бўлмади. Р. нинг айниқса, ҳоз. замон математик логикани ривожлантиришдаги хизмати катта. У муносабатлар логикасини ривожлантирди, мантиқий символика тилини янада такомиллаштирди. Р. фал. ўз муаммоларини табиёт илмидан олишини, унинг асосий вазифаси табиёт илми тамойиллари ва тушунчаларини таҳлил қилиш ва тушунтириш асосида тадқиқ этишдан иборатлигини таъкидлади. Инглиз неореализми ва неопозитивизми Р. номи б-н боғлиқ. Унинг қарашлари объектив идеализмдан субъектив идеализмга томон ўзгариб борди. Р. фикрича инсон билишда ҳиссий маълумотларга таяниб иш кўради. *Билиш наз-ясида* Р. материалистик инъикос наз-ясини инкор этиб, скептицизм фал.ни таклиф этди. Диннинг душмани бўлган Р. атеистик маслакни ҳимоя қилган эди. У фанда асосан буюк мантиқшунос олим сифатида машҳур. 1962 йилда Кубада юз берган инқирозни бартараф этишда Н.С. Хрушчев б-н суҳбатдош бўлди ва жаҳонда тинчликни сақлаш, умумий қуролсизланиш ҳаракатининг фаол қатнашчиси сифатида Р. инсоният тараққиёти учун муҳим хизмат қилди. Илмий ишлари Нобель мукофотига (1950) сазовор бўлган.

РАЦИОНАЛИЗМ (лат. rationalis, ratio — ақл) — ақлга одамларнинг билиш ва ҳулқининг асоси, деб қарайдиган фал-ий йўналиш. Р. атамаси 19-а. ўрталарида фал.га кириб келди. Р. аънаналари қад. Юн. фал.ларига бориб тақалади. Мас., Парменид билимни ақл воситасида олинган «ҳақиқий» билимга ва сезгилари орқали олинган билимларга ажратди; ақлга ҳақиқатнинг мезони сифатида қаради. Янги замон табиатшунослигининг тараққиёти натижасида Р. гносеологик қарашлар таркибига кирди. 17—18-а. классик Р. ўрта аср схоластикаси ва диний догматизмга зид равишда (Декарт, Спиноза, Лейбниц) бутун оламнинг сабабий боғланганлиги ғоясини илгари сурди. Р. принципларидан материалистлар (Спиноза) ҳам, идеалистлар (Лейбниц) ҳам фойдаландилар. 17—18-а. Р. инсоннинг фаолияти ва билишда ақлнинг бирламчилиги ғоясини илгари суриши б-н жамиятнинг мафкураси бўлиб қолди. Ақлни улғулаш, мадҳ этиш тенденцияси 18-а. француз материалист (Ламетри, Гельвеций, Дидро, Гольбах) ларига ҳам хос эди. Р. сенсуализмга қарама-қарши ҳолда ҳақиқий илмий билимларни, ҳақиқатнинг асоси ва мезони сифатида намоён бўладиган ақл орқали ҳосил қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Р. илмий билишнинг ягона асосини ақлда деб билади ва бундан ҳиссиётлардан холи (Лейбниц) фикрлаш қобилияти ёки туғма ғоялар (Декарт) мавжудлигини таъкидлайди. Дунёни билишда ҳиссий қабуллаш ролининг камайтирилиши объектив реалликни билиш-

да фикрлар тарқоқлигига олиб келди. 18-а.даги кўплаб рационалистлар оламнинг моҳияти ёки ибтидоисини билиш мумкин эмаслигини (Кантнинг «нараса ўзида»сини) тан олдилар. Билиш жараёни (Гегелдаги каби) ақлнинг ўз-ўзини билишга қаратилиши, объектив оламнинг ривожланиши эса, соф мантиқий, рационалистик жараён сифатида кўрсатилди. 19–20-а. Фарб фал.сида ақлнинг чексиз кучига бўлган ишонч йўқолиб (позитивизм, неопозитивизм ва б.), инсоннинг ҳеч нарса б-н чекланмаган ақлий фаолияти ва ақлнинг куч-қудрати каби идеалларни ҳимоя қилувчи классик рационализм кескин танқид қилинди. Бу танқид иррационализм (фрейдизм, интуитивизм, прагматизм ва экзистенциализм) томонидан ҳамда «чекланган» Р. руҳида олиб борилди. Объектив оламни билишда ақлий ва ҳиссий билишнинг диалектик бирлигини тан олиш б-н боғлиқ бўлган билиш жараёнини таҳлил қилиш асосида Р. ва сенсуализм ўртасидаги зиддиятлар ҳал этила бошланди.

РЕВИЗИОНИЗМ (лат. *Revisio* — тафтиш, қайтадан қараш) 19-а. охирларида вужудга келган оқим бўлиб, ишчиларнинг инқилобий ҳаракатини марксча талқин этиш ғояларини қайтадан кўриб чиқиш ва янги давр талаблари тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувни тарғиб этган. Р. юзаки қараганда, марксизмга зид бўлиб кўринсада, аслида марксизм байроғи остида майдонга чиққан оппортунистик оқимдир. Шунинг учун, Р. коммунистик мафкура шаклланиши ва қарор топиши даврининг маҳсулидир. Коммунистик ҳаракат гоҳ ўнг оппортунизм, гоҳ сўл авантюризм вазифаларини бажарганлиги Р.нинг мафкуравий моҳиятини аниқроқ ифодалайди. Фал.да эса, Р. субъективизм ва эклектицизмдан иборат ғояларни тарғиб қилиш тарафдори бўлиб, омманинг онгли фаолияти, тарихда шахснинг роли масалаларини вульгар материализм позициясида туриб ҳал этишга уринади.

РЕГРЕСС (лат. *regresus* — орқага қайтиш) — ривожланишда орқага кетиш, эски шаклларга қайтиш, тараққиётнинг қуйи даражасига тушиб қолишни англатувчи тушунча. Аслида Р. моҳият эътибори б-н барча системаларга хосдир. Чунки мураккаб системаларнинг емирилиши, Р. мазмунини ташкил этади. Сиёсий ҳаёт, маданият, маориф каби ижтимоий ҳодисалар жамиятда кечаётган жараёнларнинг прогрессив ёки регрессив характердалигини аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди. Мас., жамиятнинг сиёсий омиллар таъсирида Р.га йўл тутишига фашистик режимлар ҳукмронлик қилган мамлакатларни киритиш мумкин. Жамият тараққиётида эскирган шаклларга қайтиш ҳам Р.га мисол бўлади. Р.ив жараёнларни алоҳида олинган инсонлар, уларнинг ҳаёти, хулқи мисолида ҳам кўриш мум-

кин. Хусусан, психологияда Р.ив хулқ деганда индивиднинг ўз ривожланишида олдинги даврларига хос бўлган хулққа қайтиши тушунилади. Р.ив тенденциялар мавжуд бўлса-да, бу унинг инсон ва инсоният ривожига устуворлигини билдирмайди. Зеро, у ёки бу Р.ив жараёнлардан қатъий назар, инсоният ривожига умуман прогрессив характерга эгадир.

РЕДУКЦИОНАЛИЗМ (лат. *reductio* — орқага силжиш, олдинги ҳолатга қайтиш, тўхтаб қолиш) — фал.даги методологик принцип. Унга кўра, материянинг юқори шакллари қуйи шаклларига хос бўлган қонуниятлар асосида тўлиқ тушунтириб берилиши, ёки қуйи шаклларга келтирилиши мумкин. Мас. физик ва кимёвий қонунлар ёрдамида биологик ҳодисалар биологик қонунлар ёрдамида эса, ижтимоий ҳодисаларни тушуниш мумкин. Р. психологияда бихевиоризм кўринишида, физикада-физикани «математикалаштириш», лингвистикада товуш редукцияси ва б. кўринишларда намоён бўлади. Р. ижтимоий психология, биология ва б. фанларда ҳам учрайди. Социологияда Р. инсон турмуш тарзидан ижодий фаолиятнинг ҳамма шакллари чиқариб ташлашга олиб келади. Социологик Р. айниқса гуманитар фанлар доирасида хавфлидир. Социологик Р.нинг шакллари ижтимоийликнинг моҳиятини қандай тушунишга боғлиқ ҳолда фарқланади: ё инсоннинг бутун фаолиятини «социал атомлар» (социал номинализм) каби, индивидларнинг конкрет ўзаро таъсири йўли б-н ёки маълум бир иерархияда инсоннинг ижтимоий яшаш тарзи шакллари, инсонларнинг фаолияти спецификасини бирлаштиришга интилишда намоён бўлади. Психологиядаги Р. психологияни мустақил фан мавқеидан туширади, унинг қонуниятлари ва категорияларини инкор этади. Психологиядаги шахснинг шаклланиш асослари, унинг б-н бирга моделлаштириш, мутлақлаштириш ва б. методлар қаторида Р. илмий билишнинг содда-лаштирилган воситаларини ишлаб чиқиш масаласини ечишга ёрдам беради. Редукционистик ёндашиш илмий билимларнинг бирлиги масаласини ечишда ўз мақсадига эришмаган бўлса-да, у илмда янги белгили воситаларни яратишга ёрдам берди, сунъий расмий тилларни лойиҳалаштиришга қизиқиш уйғотди, шу б-н бир қаторда у компьютер логикаси, кибернетика ва б. соҳаларнинг пайдо бўлиши учун замин яратди. Инженерлик билимларининг ривожланиши ва компьютерлаштиришнинг кенг ёйилиши Р. асосида янги фан соҳаси — синергетика вужудга келди.

РЕИНКАРНАЦИЯ (лат. руҳнинг қайта туғилиши, руҳнинг кўчиши) — инсон руҳининг ўлмаслиги ҳақидаги таълимотлардан бири. Р. ҳақида илк қарашлар мил. ав. минг йиллик охирларида ҳинд ёзма ёд-

горликлари (упанишадлар)да учрайди. Бу таълимот уч шаклда вужудга келди: 1) Упанишадларда таъкидланишича, оламда фақат Худогина мавжуд, Ундан бошқа ҳеч нарса, ҳатто инсон ҳам мавжуд эмасдир. Худо муттасил равишда оламни яратади ва маҳв этади; 2) буддизм таълимотига кўра шахс йўқ, у айрим элементлар йиғиндиси, холос. Буддизм бўйича, шахс эмас, балки «дхарма»ларгина қайта туғилдилар. Одамлар томонидан қилинган ёмонлик қайта туғилиши даврига кўчиб ўтади. Буддизмда ҳалос бўлиш чексиз қайтиш оқимини бартараф этиш, укубатли борлиқ чегараларидан ташқарига чиқишдир; 3) 19-а. охирларида Р. тўғрисидаги таълимотнинг эволюцион теософик модели вужудга келди, у буддизмга ҳос пессимизмни инкор этди ва ижтимоий тараққиёт қадриятларига таянди. Р. оламнинг ўз-ўзини ҳалос этиши, ҳар бир инсоннинг б. тана орқали чексиз ривожланиши сифатида талқин этилди. Ҳар олиш қонунига биноан, инсон ўзининг ҳар сафар қайта туғилишида олдинги ҳаёти даврида қилган қилмишлари учун жавоб беради. Р. тўғрисидаги таълимот вегетарианликда чуқур из қолдирди. Шарқ фал.сида «Таносух» наз-яси (М.Бедил) номи б-н машҳур.

РЕЙХЕНБАХ (Reychenbach) Ханс (26.9.1891. Гамбург — 9.4.1953. Лос-Анжелес) немис файласуфи, мантиқшунос олим., Германияда фашистик тузум ўрнатилгач, аввал Туркияга, кейин АҚШга кетган. Х.Р. — мантиқий позитивизм вакили. Унинг фикрича, ташқи оламни ҳиссий тасаввурлар орқали билиш мумкин бўлса-да, аммо улар тасаввурларга мос келади, деб бўлмайди. Объектив сабабий қонуниятларнинг мавжудлиги ташқи оламнинг реаллигини билдиришини ва уни билиш фаннинг мақсади эканлигини таъкидлаган. Сабабийлик муаммоси, сабабий алоқаларнинг онтологик хусусияти ва мантиқий тузилишини таҳлил қилиш Р. фал-ий ва мантиқий тадқиқотларининг асоси ҳисобланган. Ўзининг айрим илк ишларида сабабийликнинг онтологик моҳиятини унинг тафаккурда субъектив акс этиши б-н аралаш тарзда кўрсатган бўлса ҳам сабабийликни реал ҳодисаларнинг объектив алоқаси деб ҳисоблаган. Билиш наз-ясида тўлиқ исботлаш идеалини рад этиб, ҳар қандай билимни асослаш эҳтимолли мантиқ орқали амалга ошишини мақсадга мувофиқ деб билган.

РЕНЕССАНС (франц. Renaissance — «Уйғониш») — инсоният маънавий тараққиётидаги уйғониш даври. 15-адан эътиборан Европада Р. даври бошланди. Табиийки, ушбу ижтимоий-тарихий жараён Европанинг турли мамлакатларида турлича кечди. Р. даври, мутахассисларнинг фикрига кўра, Европада уч асосий босқични: илк босқични (14-а.), етуклик босқичини (15-а.) ва охишлаб қолган сўнгги босқични (16-а.) босиб ўтди. Р., ўзининг илк босқичида бу-

тун Европани эмас, балки унинг энг ривожланган мамлакатларини қамраб олди. Р. даврининг илк босқичининг излари қадимги Италияга бориб тақалади. Р. гоёлари қадимги Италияда 12-а.даёқ вужудга келган эди. Худди шунинг учун ҳам Р. ўзининг илк босқичида соф «итальянча воқеа» эди. Ўз тараққиётининг етук босқичига у бутун Европага ҳос хусусият касб этди. Бу пайтда Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларида хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг тез ривожланиши бошланди. Кишиларнинг шаҳар томон интилишлари ошиб кетди. Жамият ҳаётида шаҳарларнинг ўрни ва аҳамияти узлуксиз кучайди. Янги иқтисодий муносабатлар қарор топа бошлади. Кишиларнинг турмуш тарзида муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Р. даври ўзига ҳос янги маданиятни яратди. Ушбу маданият нафақат динга, балки илм ва фаннинг илғор ютуқларига таяна бошлади. Илк Р. даврида фаннинг буюк қудратли қадриятлари улуғланди ва янада бойиди. Оқибатда Р. даврида Европанинг ривожланган мамлакатларида инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, бу даврга келиб биринчи китоб нашр этилди, Колумб томонидан Америка кашф этилди, Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очди, Магеллан ўзининг узоқ давом этган саёҳатида асослашиб, Ер куррасининг шарсимон эканлигини исботлади, география ва геодезия фан сифатида эътироф этилди. Математикага символик белгилар қабул қилинди, илмий анатомия ва физиология асосларини фан сифатида ўрганиш бошланди. Химия ва астрономияда йирик ютуқларга эришилди ва ҳ.к. Р. даврига келиб христиан дини ўзининг мафқуравий ҳукмронлик мавқеини йўқота бошлади, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида дин ва черковнинг зўравонлик таъсири барҳам топди. Бундай кескин бурилиш, фақат фан, фал. санъат ва адабиётдагина эмас, балки христиан динининг ўз қобиғида ҳам рўй берди. Яъни Европанинг бир қатор мамлакатларида секуляризация жараёни бошланди. Секуляризация (дин, черков таъсиридан холи бўлиш) жараёни кишилар дунёқарашида диннинг таъсирини камайтириб юборди. Шунингдек, бу жараён ижтимоий турмушнинг б. соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Оқибатда кишиларнинг фикрлаш маданиятида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Табиий, фикрлаш маданиятидаги бундай кескин ўзгариш ўрта а. теократизмига қарши кураш заминидан вужудга келди ва ривожлана бошлади. Эндиликда кишиларнинг фикрлаш маданиятида гуманистик қарашлар устуворлик қила бошлади. Табиий ижтимоий муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларга инсоннинг интеллектуал ақлий имкониятлари нуқтаи назаридан қараш инсоннинг бахтлилиги ёки бахтсизлигининг сабабларини осмондаги илоҳий мўъжизадан эмас, балки у яшаёт-

ган муҳитдан излаш туйғулари қарор топа бошлади. Кишиларнинг фикрлаш маданиятида гуманистик тамойилларнинг устуворлик қилиши, уларнинг антик маданий меросга бўлган қизиқишларини кучайтирди. Бу ҳол ўз навбатида антик фал. намоёндаларининг асарларини ўрганишга бўлган интилишини ҳам кучайтирди. Қад. Юнон фал.лари Платон ва Аристотель фал.си қайта таҳлил қилина бошланди. Неоплатонизм, стоиклар фал.си Эпикур ва Цицерон қарашларига қизиқиш кучайди. Р. энг аввало, антик замоннинг маданий ва фал-ий мероси ҳақида эркин фикр юритиш, ҳар қандай қоидаларни ўзгармас, мутлақ ҳақиқат деб қарашдан воз кечиш инсон бисотида мавжуд бўлган қобилият ва истеъдодни эркин намойиш қилиш учун вужудга келган имконият эди. Худди шунинг учун ҳам барча ижод аҳли «ёпиқ мактаблар» намоёндалари эмас, балки мустақил тадқиқотчи сифатида ҳаракат қила бошладилар, ҳар бир тадқиқотчининг ўзига хос баён қилиш, илмий-фал-ий асарларни ўзига хос талқин қилиш, воқеиликни реал тасвирлаш услублари вужудга келди. Бундай услублар ўтмиш фал-ий адабиётларининг схоластик — бачканаликка асосланган мураккаб баён қилиш услубига зид эди, узоқ даврлар мобайнида ҳукмронлик қилиб келган диний-илоҳий мафкуранинг тор манфаатларидан иборат бидъатларга қарши кураш усули эди. Р. маданиятининг асосий тарғиботчилари ва ташвиқотчилари шаҳар аҳолисининг юқори табақалари-йирик ишбилармонлар, мешчанлар юқори маълумотта эга бўлган зиёлилар эди. Р. даври маданияти инсонпарварлик гоялари б-н йўғрилган ва фал.си инсонни энг олий қадрият эканлигини ҳар томонлама исботлашга уринди. Худди шу даврга келиб ижтимоий муносабатларни баҳолашнинг янги мезони — инсонийлик критерийси вужудга келди. Инсонийлик ажодлар яратган маданий-маънавий меросни ўзлаштириш қобилияти б-н белгиланди, оламни теоцентриқ тушунишдан антропоцентриқ тушунишга ўтилди. Бундай инқилобий ўзгариш, шубҳасиз, ўта мураккаб жараён бўлиб, турли зиддиятларга тўла эди. Хусусан Р. маданиятини шоду-хуррамлик б-н қўллаб-қувватловчи шаҳар аҳолисининг юқори табақалари б-н, унинг ўрта ва пастки қатламлари орасида турли сиёсий зиддиятлар, келишмовчиликлар мавжуд эди. Чунончи, жамиятнинг юқори табақаларидан бири бўлган мешчанлар давлат аппаратини церковни реформация, яъни ислоҳ қилиш ёрдамида товар-пул муносабатларини барқарорлаштироқчи ва уни кенгайтироқчи бўлсалар, аҳолининг ўрта ва паст табақаси вакиллари жамиятни яна ўрта а. тартиботларига риоя қилишга даъват этардилар. Худди шунинг учун ҳам Р. Европанинг турли мамлакатларида турлича шаклларда намоён бўлди. Бундай турли-туманликлар оқибати ўлароқ, Р. маданияти, фал.си б-н реформация, яъни ислоҳ қилиш орасидаги ўзаро

алоқадорлик механизмини баҳолашда, европалик мутахассислар орасида хилма-хил фикр-мулоҳазалар учраб туради. Натижада Р. халқаро, яъни умум-европа аҳамиятига молик воқеа, реформация, яъни ислоҳ қилиш эса бу фақат миллий (немисларга хос) воқеа деб ишонтирмоқчи бўлган қарашлар ҳам пайдо бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан, Р. ва реформация ҳақида бахс-мунозара юритувчиларнинг барчаси бу йирик воқеа орасида умумийлик, ўхшаш томонлари мавжудлигини эътироф этадилар. Бундай умумийлик одамлар турмуш тарзида илдиз ота бошлаган янги маданиятнинг шакллана бошлаганлиги б-н изоҳланади. Р. даври инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлининг энг муҳим даврларидан биридир. Бу давр жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Р. даврида гуманистик гояларни улуғлаган Данте Алигьери (1265—1321й.лар), Падуялик Марсили (1278—1348 й.лар), Франческо Петрарка (1304—1374 й.лар), Джованни Бокаччо (1313—1375 й.лар), Георгиос Гомистес (1360—1425 й.лар), Марсилио Фичино (1422—1495 й.лар), Пико Делло Мирандола (1463—1495 й.лар) каби буюк зотларнинг катта бир сулоласи етишиб чиқди. Илм —фанга эътибор кучайди, амалиёт б-н фан орасидаги чегара ҳам ўзгара бошлади. Инженер ва рассом нафақат ва ўрта а. замонасидагидек «санъаткор», «техник», балки чинакам ижодкор яратувчи даражасига кўтарилди. Кеплер, Галилей, Ковальери сингари ижодкорлар Худо томонидан содир этилган табиий ҳодисаларни ички тузилишидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини билишга интиланларини уларнинг ижодида учратамиз. Инсон тўғрисидаги қарашлар Р. даврида янада юксакликка кўтарилди бошлади. Инсоннинг кадр-қиймати ҳар томонлама оша бошлади. Ўрта а.ларда мавжуд бўлган инсон — Худо орасидаги иттифоқ ҳақидаги қарашларга дарз кетди. Инсон Худодан ажралиб, мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлди. Энди у фалақийдан эмас, балки ўзидан нажот излай бошлади. Ўзининг теранлашиб бораётган ақл-фаросатидан, гўзаллашиб бораётган танасининг имкониятларидан мадад қидиришга тушди. Худди шу боис Р. даври антропоцентризмда гўзалликни улуғлаш тамойили устивор мавқега кўтарилди. Тасвирларда инсоннинг гўзаллигини, айниқса, унинг қиёфасидаги латофатни тасвирлаш ўша давр санъатининг бош мавзусига айланди. Бундай ҳолатни Р. даврнинг машҳур мусаввирлари — Боттичелли, Леонардо да Винчи, Рафаэл асарларида кўриш мумкин.

РЕСУРС (франц. Ressources — зарурат туғилганда фойдаланиш мумкин бўлган бойлик, имконият) — инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун нарсаларнинг мавжуд заҳираси. Р.лар шу пайтгача иқтисодий ва табиий фарқларга бўлиб келинган. Кейинги фан-техника, айниқса, компьютерлашган тур-

муш тарзи тараққийнинг юзага келиши интеллектуал ва жисмоний Р.ларнинг ҳам мавжудлигини эътироф этишни тақозо этади. Интеллектуал ва жисмоний Р.ларнинг мавжудлиги, уларнинг сифати ва миқдорий жиҳатдан салоҳиятининг юқорилик даражаси, инсонийлик фазилатлари нўқтаи назардан баркамоллик хусусиятларининг ошиб бориши б-н, табиий ва иқтисод Р.ларнинг қўлами, ўлчамини аниқлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш меъёрини тўғри белгилай олиш имкониятларини оширади.

РЕФЕРЕНДУМ (лот. referendum — эълон қилиниши лозим бўлган хабар) — алоҳида аҳамиятга эга бўлган давлат масалалари юзасидан умумхалқ фикрини сўраш. Ўз моҳиятига кўра Р. халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясининг 9 — моддасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, умумий овозга (Р.га) қўйилиши белгилаб қўйилган. Р.нинг бутун давлат миқёсида — умуммиллий, федератив тузилишга эга бўлган давлатларнинг субъектлари (республика, штат, провинция, ўлка, округ ва ш.к.) бўлган маҳаллий ва ҳудудий бирликларда ўтказиладиган маъмурий-ҳудудий шакллари фарқланади. Шунингдек, Р.нинг бир қатор турлари ҳам мавжуд. Мас., конституцион ва қонуний Р.лар. Биринчисида конституция лойиҳаси, унга ўзгартиришлар киритиш каби масалалар олиб чиқилса, иккинчисида муайян қонун лойиҳаси ёки амал қилаётган қонун олиб чиқиши мумкин. Ҳуқуқий аҳамиятига кўра маслаҳат (баъзан халқ сўровлари деб ҳам аталади) ва ҳал қилувчи Р.лар янги қарор қабул қилиш, б. органлар, аксарият ҳолларда парламент ихтиёрида қолади. Иккинчи ҳолда эса масаланинг тақдири узил-кесил ҳал қилинади. Бундай Р.нинг қарори тасдиқловчи ёки инкор этувчи характерга эга бўлиши мумкин. Р.да қабул қилинган қарорлар у қабул қилинган ҳудудда олий юридик кучга эга бўлади. Бундай қарор фақат янги Р. ўтказиш йўли б-нгина бекор қилиниши мумкин. Р.лар, шунингдек, мажбурий ва факультатив бўлиши ҳам мумкин. Биринчи гуруҳга конституцияда ўтказилиши белгилаб қўйилган Р.лар кирса, иккинчи гуруҳга давлат орган(лари)нинг ёки сайловчиларнинг хоҳиши б-н ўтказиладиган Р.лар киради. Р.нинг ўтказилиш тартиби, унда қўйиладиган ва қўйиши мумкин бўлмаган масалалар одатда махсус қонун б-н тартибга солинади. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги Қонунда Р. давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда ушбу қонунда республиканинг ҳудуд

дий бир бутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет тўғрисидаги, амнистия, афв этиш тўғрисидаги бир қатор конкрет масалаларни Р.га қўйиш мумкин эмаслиги ҳам белгиланган.

РЕФЛЕКСИЯ (лот. Reflexio — ортга қайтиш, ортга назар) индивид ўз онгида содир бўлаётган ҳодисалар устида фикрлаш жараёнини ифодалайдиган фал-ий тушунча. Бунда р.нинг 3 тури ажратилади: билимлар ва хатти-ҳаракатлар анализини кўриб чиқишга, уларнинг маъноси ва чегаралари ҳақида ўйлашга чорлайдиган элементар Р.; берилган илмга хос услуб ва усулни аниқлашга суянадиган наз-ий илмнинг таҳлили ва танқидини намоён этадиган илмий Р.; борлиқ, тафаккурнинг чегаравий асосларини, инсоннинг маданиятини тўлалигича тушуниш, англаш фал-ий Р.дир. Р. фақат билиш шаклига эмас, балки эвристик тамойил ҳам ҳисобланади: у янги билим манбаи кўринишида ҳам намоён бўлади. Р. ўзига хос муаммо сифатида қад. юн. фал.-сидаёқ муҳокама мавзусига айланган эди. Сўқрот биринчи ўринга ўз-ўзини англаш масаласини қўйиб, унинг предмети сифатида маънавий фаолликни кўрсатган эди. Аристотель ва Платон тафаккур ва Р.ни Демург (яратувчи), объект ва субъект бирлиги бўлган атрибутлар деб уқтирадилар. Р. тушунчаси ўрта а. неоплатонизмида илоҳнинг «ақл энергияси», «ўз-ўзини намоён қилиш» каби талқин этилган. Янги замонда эса р.нинг талқини илмий билимларни асослаш, фал-ий муаммолар б-н боғлиқдир. Р. фанда реал мавжуд билим ва унинг шаклланиш механизмлари таҳлилга йўналтирилган илмий ўз-ўзини билиш шакли сифатида намоён бўлади. Р.-мантиқий ва илмий билиш фаолиятини онгли равишда назорат қилиш усулидир. Р. ижтимоий психологияда ҳақиқатда бошқа индивидлар ёки омма томонидан баҳоланиши ва қабул қилиниши каби ёки амалдаги субъект-шахсни англаш шаклида намоён бўлади. Р.—бу субъектнинг нафақат ўз-ўзини тушуниш ва билиш, балки бошқаларни «рефлексияловчи» объектнинг шахсий хусусиятлари, эмоционал таъсир ва когнитив (билиш б-н боғлиқ) тасаввурлари ҳақида билишини аниқлаш ҳамдир. Ушбу тасаввурларнинг мазмунини ўзаро ҳамкорлик предмети сифатида намоён бўлганда рефлексиянинг алоҳида — предмет — Р. муносабатлари шакли ривожланади. Р. мураккаб жараён сифатида субъектларнинг бир-бирини акс эттиришини характерловчи, камида 6 та ҳолат берилган: ҳақиқатда субъектнинг қандайлиги; субъектнинг ўзини қандай кўриши; субъектнинг б.га қандай кўриниши ва б. субъект томонидан худди шундай ҳолат. Шундай қилиб, Р. бир-бирини ўзига хос хислатларини қайта тиклаш ва қайта таъмирлаш мазмуни бўлган субъектларни бир-бирини акс эттириш жараёнидир. Шу б-н бир қаторда, ушбу ўзаро акс эттиришни ўрганиш ижтимоий психоло-

гияда эксперимент асосида ўтказилиши мумкин ва биргаликда фаолият юргизаётган субъектлар жуфт-лигини ёки ўзаро ҳамкорлик б-н боғланган реал жамғиримий гуруҳларни ўрганиш б-н боғлиқдир. (Д. Холм, Т. Ньюкома, Ч. Кули, Г.М. Андреев ишларида). Психологияда Р.ни системали ўрганиш асосида 1900-1930 й.ларда (И.М.Сеченов, В.М.Бехтеров) бош миянинг иштирокида кечадиган рефлексларни ўрганиш предмети қилиб олган табиий-илмий йўналиш юзага келди. Психофизиологиядаги бу йўналиш рефлексология (лот. Reflexus-акс эттирилган, logos-таълим) номини олди. Психология доирасида вужудга келиб рефлексология, педагогика, психиатрия, социология, маданиятшуносликка кириб келди. Лекин бир қатор эмпирик муваффақиятларга қарамасдан, рефлексология хулқ фаолиятининг қўшимча ҳодисаси сифатида психик жараёнларни маханистик талқинини енга олмади.

РИВОЖЛАНИШ — оламдаги илгариланма ҳаракатни, объектлардаги сифатий ўзгаришларни, борлиқдаги янги шаклларнинг вужудга келишини ифодаловчи фал-ий категория. Р. энг аввало ўзгариш б-н боғлиқ, бироқ ҳар қандай ўзгаришни ҳам Р. деб бўлмади. Фақат эскидан кейин янги сифатнинг юзага келиши б-н боғлиқ ўзгаришигина Р. бўлиши мумкин. Р. оламнинг умумий тавсифи эмас, балки оламдаги моддий ва маънавий системаларнинг хусусиятидир. Конкрет системалардан ташқарида Р. йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу боис олам ҳақида гап борганида ундаги конкрет системаларнинг чексиз тараққиёти назарда тутилади. Антик фал.да Р. ғоялари учрамайди. Чунки Р.нинг муҳим томони шундаки, у замон б-н боғлиқ. Зеро, ҳар қандай Р. маълум вақт давомида содир бўлади. Антик фал. эса замонни циклли жараён сифатида тасаввур этарди. Ушбу тасаввурга мувофиқ, барча ҳодисалар такрорланиб туради, борлиқ ўзининг маълум бир ҳолатига қайтаверади. Албатта, бундай тасаввур Р. ғояларига ўрин қолдирмасди. Христиан динининг вужудга келиши вақтнинг келажакка қараб йўналганлиги ҳақидаги тасаввурларни вужудга келтирди. Фаннинг тараққий этиши эса ушбу тасаввурларни табиат ва жамиятдаги ўзгаришларнинг йўналганлиги ва қайтмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар б-н бойитди. Бунинг натижасида Р.га доир қатор концепциялар юзага келди. Г.Спенсер Р.ни бутун табиатнинг тадрижи б-н боғлади. Унинг фикрича, Р. бир хилликдан кўп хилликка, оддийдан мураккабга қараб борувчи жараёндир. XIX а.нинг иккинчи ярмидан Р.нинг натуралистик концепцияси шакллана бошлади. Ч.Дарвин Р.ни универсал методологик принцип сифатида эмас, жузъий илмий тушунча сифатида талқин этди. Р.нинг антропологик концепциясига кўра, Р.ни «инсон-табиат» ва «инсон-инсон» муносабатларидан изламоқ лозим. Р.нинг яна бир концепцияси —

ижодий эволюционизмда (эмергентизм) Р. янги сифатнинг вужудга келиши тарзида тасаввур этилади. Бу концепция тарафдорларидан бири бўлган Л.Морган ўзининг 1922 й.да чоп этилган «Эмергент эволюция» номли асарида янги сифат системанинг ички иждоий қудрати шарофати б-н вужудга келишини асослаб берди. 20-а.да эса Р.нинг янги концепциялари ривожланди. Улардан бири — мувозанат наз-ясида Р. қуйидаги принциплар асосида содир бўлиши баён этилади. 1) Р. «мувозанат-бузилиш-мувозанат» тарзида содир бўлади; 2) мувозанатнинг энг асосий хусусияти унда зиддиятларнинг йўқлигидир; 3) мувозанат ташқи таъсир остида бузилади; 4) мувозанат ташқи таъсирга мослашиш орқали тикланади; 5) мувозанат мутлақ, бузилиш эса нисбийдир. Бу концепция асосан Л.Ф.Уорд ва Ле Дантек томонидан ривожлантирилди. Конфликт наз-ясида Р.нинг асосий манбаи кишилар, авлодлар, ижтимоий гуруҳлар ва миллатлар ўртасида содир бўладиган конфликт б-н боғланади. Ушбу конфликтнинг бартараф этилиши Р.га олиб келади, деб ҳисобланади. Р.нинг энг муҳим концепцияси диалектикадир. Унга кўра, Р.сифатий ўзгариш б-н боғлиқ бўлиб, унинг уч асосий хусусияти мавжуд: 1) Р. орқага қайтмайди; 2) Р. фақат келажакка йўналгандир; 3) Р. зарурийлик б-н боғлиқ. Ушбу уч хусусият мавжуд бўлганидагина ўзгариш Р. даражасига кўтарилади. Биринчи хусусият бўлмаса ўзгариш ҳар қандай фаолият кўрсатиш жараёни б-н, иккинчи хусусият бўлмаса — ворисийлик ва алоқадорликка эга бўлмаган жараён б-н, учинчи хусусият бўлмаса — тасодифий жараён б-н чекланиб қолади. Р. системаларда мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши жараёнида, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига айланиши, янги сифат томонидан эски сифатнинг инкор этилиши орқали юз беради. Ушбу жараённинг биринчи хусусияти диалектик зиддият қонунида, иккинчи хусусияти миқдорнинг сифатга ўтиши қонунида, учинчи хусусияти диалектик инкор қонунида ўз ифодасини топади. Р. давомида янги сифатнинг вужудга келиши аста-секинлик б-н тадрижий равишда ёки бирдан, қисқа муддатга юз бериши мумкин. Р.нинг биринчи типини эволюцион Р., иккинчи типини революцион Р. дей.-ди. Р.нинг ҳар қандай типиди иждоий, прогрессив сифатлар жамланиб боради. Бироқ айрим ҳолларда янги вужудга келган сифат регрессив характерда бўлиши ҳам мумкин, шунга қарамасдан Р.да умумий прогрессив йўналиш сақланиб қолади.

РИГОРИЗМ (франц. rigorisme, лот. rigor — қатъият, кескин) — маълум принципни хулқ, фикр, айнқиқа ахлоқий муносабатларни қатъият, б-н амалга ошириш. Кантнинг ахлоқий Р.и ҳеч қандай шартсиз мажбурий ахлоқий қонун тусини олиб, одамдан

ҳар қандай ҳолатда ҳам қонунга риоя қилишни талаб этади. Инсон бунда Худога сифиниб ёки одамларга меҳрибонлигидан эмас, балки қонунга бўйсунганидан унга амал қилади. Р. фаолият, ҳулқ-атвор ва фикрда муайян принципга қатъий амал қилишдир. У ҳеч қандай келишувчиликка, танланган йўлдан қайтишга йўл қўймайди.

РИККЕРТ (Rickert) Генрих (25.5.1863, Гданьск—30.7.1936, Гейдельберг), неокантчиликнинг Баден мактаби асосчиларидан бири, немис ф.и.и, қадриятшуноси. Р. неокантчилик нуқтаи назаридан «нараса ўзида»ни инкор қилди, борлиқни субъектнинг онги б-н боғлади. Шу асосда ўзининг билиш назияси учун муҳим ҳисобланган трансцендентлик муаммосини ҳал қилишга уринди. Унинг фикрича, объектив борлиқ субъектга боғлиқ бўлмаган трансцендент (лот. — ташқарига чиққан) реаллик — эътиқод предметидир. (Билиш мумкин эмас, лекин эътиқод қилинади.) Р. фикрича, табиий фанлар умумийликка қаратилган, тарих эса алоҳида, такрорланмайдиган ҳодисалар, воқеалар б-н шуғулланади. Фал. эса қадриятлар ҳақидаги фандир. Р. субъект ва қадриятларнинг маълум муносабатлари асосига қурилган борлиқ ва онг муносабатларини таҳлил қилувчи, қадриятлар ва дунёқараш ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи фал. тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Р. борлиқ б-н бир қаторда мантиқ, эстетика, мистика, этика, эротика, дин каби соҳаларни ва уларга мос келувчи — ҳақиқат, гўзаллик, шахсдан юқори турувчи илоҳийлик, ахлоқийлик, бахт, шахсий илоҳийлик каби қадриятларни ажратиб кўрсатади. Р. умрининг охирида метафизиканинг муаммоларига кўпроқ эътибор берди.

РИТУАЛ (лот. ritualis—маросим, ritus — диний маросим) — фасадан муайян субъектни бирор бир диний қадриятлар тизими б-н боғлиқлигини ифодаси бўлган символик ҳаракатларнинг шаклларида бири. Тарихан Р. ҳаракат тури сифатида культлар тизимидан таркиб топади; ҳоз. замон жамиятида Р.нинг турли хиллари жамиятни сиёсий ва ижтимоий ташкил этиш соҳаларида амал қилиш (фуқаролик маросимларида, расмий тантаналарда, ва б. Р.нинг структурасини қатъий белгиланган кетмакет актлар (ҳаракатлар) ташкил этади, қайсиким махсус кишилар ва гуруҳлар кайфиятини ва ҳиссиётини сафарбар қилувчи қатъий шарт-шароитларда амалга оширувчи махсус воситалар, тавсифлар, матнлардан кенг фойдаланилиши орқали бажарилади. Р.нинг гуруҳ бўлиб амал қилиш шакли индивидуал шаклига нисбатан бирламчидир; ҳар қандай Р. ҳаракатлари шахсни ҳаяжонли-шиддатли руҳий ҳолатларини вужудга келтириш орқали уни маълум ижтимоий-маданий йўналишга солади. Р.нинг сим-

волик аҳамияти, кундалик амалий фаолиятдан алоҳидалиги унинг тантанавор тарзда ўтишлигидадир. Баъзи диний Р.ларда фантастик символик шакллар кўпроқ ўз аксини топади (табиат ва инсоннинг қайта тирилишини ифодалаш ритуаллари, кўриниши ўзга ижтимоий категорияга ўтиш ва ҳ.к.). Р. тизимида муҳим воситачи (медиатор)нинг роли бениҳоя каттадир. Медиатор қурбон ёки қаҳрамон сифатида маълум ва машҳур сўзларни, образларни ишлатиши мумкин. Р. аслида афсонавий мифологик онгнинг моҳиятини ташкил қилади, кейинчалик эса, ҳар хил фал-ий ва бадиий шаклларда намоён бўлган. Замонлар ўтиши б-н ижтимоий муносабат ва нормаларнинг секуляризация қилиниши Р.ни илоҳийлик ва пинҳонийликдан озод қилди, уни ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмига айлантirdи. Ҳоз. байрамлар ва маросимларда ҳам муайян Р.лар бажарилади.

РОДЖЕР БЭЖОН (тахм. 1214-1294) — ўрта аср инглиз файласуфи ва табиатшуноси. Р. Б. 1236-1247 й.ларда Париж университетиде дарс берган. Алхимия ва астрология б-н шуғулланганлиги учун уни Париж яқинидаги монастырга ўтказадилар. 1278 й.да Францисканлар орденининг бошлиғи Асколи буйруғи б-н монастыр турмасига ташланади. Р. Б. фал-ий қарашларига унинг табиий — илмий изланишлари катта таъсир қилган. Р. Б. таълимотича фал-нинг қисмлари: математика, физика ва ахлоқдир. Физика оптика, астрономия, алхимия, медицина, техника билимларини ўз ичига олади. Ўрта а. фал-сининг муҳим масаласи — универсалийлар моҳияти масаласида мўътадил реализм позициясида турди. Унингча, фақат яқка нарсалар мавжуд. Лекин универсалийларнинг нарсалардан олдин мавжудлигини инкор қилди. Р. Б. фикрича, билимнинг уч тури мавжуд: авторитетга ишониш, фикрлаш ва тажриба. Авторитет тафаккурга таянмаса, билим учун етарли эмас. Тафаккур ҳам фақат тажрибага суянса, ишончли бўлади. Бу математикага ҳам тааллуқлидир. Р. Б. билиш аввало ташқи сезгилар воситасида амалга ошади, деб ҳисоблади. Р. Б. илоҳиётни ислоҳ қилишга интилиб, унинг фал.га, илмий билимга қарам эканлигини таъкидлайди. Р. Б. илоҳиёт ва фал., эътиқод ва билим муносабатлари масаласида, улар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга интилди. Унинг фикрича, билим ва эътиқод дастлабки илоҳий кароматнинг маҳсулидир, шунинг учун улар бир-бирига қарама-қарши эмас. Билим эътиқодни мустаҳкамлайди, натижада фал. «христиан билимдонлиги»га айланади. Худо томонидан берилган шубҳасиз ҳақиқатларга асосланиб, фал. барча фанларнинг раҳнамосига айланади. Р. Б.нинг бу таълимоти унинг сиёсий қарашларига ҳам мос эди. Унингча, келажакда ягона ҳақиқий дин бўлган христианликни қабул қилган ҳамма халқлар бир давлатга

бирлашадилар. Бу давлатда диний низолар ва қирғинликлар барҳам топади. Тинчлик ва тартиб ўрна-тилади. Бу давлатнинг энг олий табақаси — жамиятнинг маънавий раҳбарлари бўлмиш руҳонийлар табақасидир. Иккинчиси — давлатнинг ҳарбий ҳимо-ячилари, учинчиси — деҳқонлар ва ҳунармандлар-дир. Руҳонийлар фан асосларини пухта биладиган олимлар вазифасини бажаришлари керак.

РОЗИЙ Абу Бакр Муҳаммад Ибн Закариё (865.28.8 Рай — 925.26.10 Рай) — Шарқнинг энциклопедик олими, табиб ва мутафаккир. Ўрта а. Европасида Разес номи б-н танилиб, табобат соҳасида ўз даври-нинг Жолинуси (Галени) саналган. Урта Осиё, жум-ладан, Бухоро илм аҳллари б-н яқин илмий алоқада бўлган. Р.нинг табобатга оид асарларидан 36 таси бизгача етиб келган. Унинг «Китоб ал-ҳовий фиттиб» («Тиббиётга оид билимлар мажмуаси») номли асари-да қадимги даврдан то Р. замонасигача бўлган наз-ий ва амалий маълумотлар берилган. Унинг «Китоб ал-жударий ва-л-ҳасба» («Чечак ва қизамиқ ҳақида ки-тоб» асарида тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, чечак ва қизамиқ касалликларининг бошқа юкумли касал-ликларидан фарқи ва таърифи берилган. Бундан таш-қари, у ўз даври табобатини ташҳис ва даволашнинг янги усуллари б-н бойитди, жарроҳликда биринчи бўлиб кетгуд (қўй ичагидан тайёрланган ип) ишлат-ди. Р. кимё фанига оид 26 та асар ёзган. Булар орасида «Китоб ул-аср» («Сирлар китоби») ва «Китоб сирр ил-аср» («Сирлар сири китоби») номли асарлари алоҳида ўрин тутди. Хусусан, «Китоб ул-аср»да ўрта а. Шарқ кимёси ўзининг тўла ифодасини топган. Р. инсон ақл-идроқини улуғлаган, одамларни табиат ҳодисаларини ўрганишга ва илм-фанни эгallaб, бахт-ли ҳаёт қуришга, моддий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма лаззатларидан оқилона баҳраманд бўлишга ундаган. Р.нинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, «ортиқча мулк дунёда адолатсизликка олиб келади». Жамият аъзолари учун «ўртача меъёр» бўлиши керак. Р. инсон-нинг қадр-қиммати тўғрисида ҳам фикр юритди. Унинг фикрича, ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати уни жа-миятга қанчалик фойда келтиришига қараб белгила-нади.

РОМАНТИЗМ — бадиий адабиёт ва санъатдаги ижодий методлардан бири. Романтизм, реализм, тан-қидий реализмнинг ҳар бири адабий тараққиёт жа-раёнининг маълум босқичида тарихий зарурият си-фатида юзага келган, бири иккинчисининг туғили-шига замин ҳозирлаган. Шунинг учун бу ижодий методларнинг бир-биридан фарқли белгиларини, ҳар бирига хос хусусиятни билиб олиш бирор тарихий даврда яратилган асарларнинг қандай йўналишда яратилганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ёзувчи ўз даври учун характерли ҳодиса ва ҳаётий

фактларни ажратиб олиб, уларни ўз асарида умум-лаштириб тасвирлар экан, бу ҳодиса ва фактларга ўз муносабатини билдиради, уларни эстетик жиҳат-дан баҳолайди. Ёзувчининг худди ана шу муносаба-ти ва баҳосида унинг қандай тасвирлаш принци-дан, яъни қайси ижодий методдан фойдаланганли-ги ўз ифодасини топади. Чунончи, Р. ҳаётнинг ўзи-дан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзу-умидларни тасвирлаш тамойилига асосланади. Шунинг учун Р. методи асосида яратилган асарларда воқеаликка нис-батан ижодкор эркин муносабатда бўлиш, яъни тас-вирда ҳаётий фактга қараганда бадиий тўқима ус-тунлик қилади, фантазияга, рамзийликка ва мубо-лагага кенг ўрин берилади, юксак характерларни тасвирлаш биринчи планда ўринга қўйилади. Ро-мантик асарларда ёзувчи орзу қилган нарсалар бўрттирилиб тасвирланади, ўзлари яшаб турган ҳаёт-дан норозилиги ифодаланади. Шунинг учун бундай асарларда ёзувчи яшаган давр, ижтимоий муноса-батлар ифодаланиши б-н бирга асар қаҳрамони ҳукмрон гуруҳларга қарши қўйилади. Романтик ёзув-чилар яратган образлар бутунлай ҳаёт ҳақиқатидан узоқ, ундан ажралиб қолмаган бўлсалар ҳам, бироқ бу образлар бевосита ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланган образи бўлмай, балки улар орзу қилган ҳаётнинг инъикосидан иборат. Р. методи асо-сида яратилган асарлардаги образлар романтик об-разлар дейилади. Мас., Алишер Навоий ижодидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун ва б. образлар Р. образлар бўлиб, ёзувчи бу образлар орқали ўзининг илғор қарашларини ифодалаган.

РОСЦЕЛИН (Roscelinus) (*тахм.* 1050-1120) — ўрта аср схоластик фалсафасининг йирик вакили, но-минализм тарафдори. Рейминг шаҳрида ўқиган. Бе-зансан ва Тур шаҳарларида диалектикадан дарс бер-ган. Унинг дунёқараши бизга фақат унинг мухолиф-лари-Ансельм Кентерберийский: Пьер Абеляр, Иоан Солиберийский танқидий қарашлари орқали етиб келган. Р. фикрича, фақат яқка нарсаларгина объек-тив мавжуддирлар. Умумий тушунчалар (универса-лийлар) фақат нарсаларнинг исмларидир. У уни-версалийларни нарсалар б-н бевосита алоқада бўлган «товушлар»дир, деб ҳисоблаб, номинализм пози-циясида турди. Тил бизга «оқлик» сўзини вужудга келтириши имконини беради, ҳақиқатда эса фақат оқ нарсалар мавжуддир. Шунингдек, «одам» сўзи ҳам фақат тилда мавжуддир, ҳақиқатда эса Сукрот, Платон ва б. айрим одамлар мавжуддир. Р. умуман ҳар қандай умумийликни инкор қилади. Улар фақат борликда эмас, инсоннинг онгида ҳам мавжуд эмас-лар. Бу номиналистик диалектикани христиан дини ақидаларига татбиқ этиб, Худонинг мавжудлиги ақидасига қарши чиқади. Шунинг учун Суассон шаҳ-ри черков собори Р.ни шаккокликда айблайди. Чунки у худонинг учланганлиги (троица) ақидасига қара-

ма-қарши «уч худолик» («Третеизм») ҳақидаги ақидани ўртага ташлаганди. Р. номинализм сенсуализм гоёлари б-н суғорилган. Буни Ансельм Кентерберийскийнинг унга қарши чиқишларида кўриш мумкин. У Р.нинг у ёки бу ранг фақат маълум рангга бўялган танани англатади деган фикрига қарши чиқади.

РУҲ — маънавий-руҳий, номоддий ибтидои ифодаловчи фал-ий тушунча. Фал-ий тафаккур тарихида Р. турли методологик позициядан талқин этилди. Хусусан, панлогизм Р.ни мантиқий тушунча сифатида таҳлил қилса, пантеизм тарафдорлари Р.ни оламнинг субстанцияси сифатида ўргандилар. Рационализм Р.нинг муҳим томонини тафаккур ташкил этади, деб уқтирса, иррационализм онгсизлик соҳалари ирода, ҳис-туйғу, тасаввур, интуиция, Р.нинг асосий компоненти сифатида ёритади.

Р. тушунчасининг генезиси ҳам қизиқарли. Ҳинд фал.сида унинг мазмуни брахман ва атман б-н нисбатда очиб берилади. Брахман — объектив, шахсиз руҳий ибтидо бўлиб, унинг «зичланиши» оқибатида олам вужудга келади. Атман эса субъектив руҳий ибтидо, индивидуал «Мен» ни англатади. Қад. Юнонда Р. тушунчаси (нус, пневма ва бошқалар) материянинг айрим белгиларига эга бўлган субстракт сифатида тасаввур этиларди. Платон ва Аристотель фал.сида энг асосий тушунчалардан бири ақл (нусдир. Ақл — Коинотни ҳаракатга келтирувчи қудрат, шакл ясовчи ибтидо, деб таърифланади. Р. тушунчаси системалаштирилган тарзда айниқса, неоплатонизмда, хусусан Плотин асарларида талқин қилинади.

Қад. дунёда Р. космологик, интеллектуалистик ва шахсизлик нуқтаи назаридан талқин этилган бўлса, мусулмон ва христиан адабиётларида у олам ва одамни «йўқ» дан яратган мутлақ Абсолют зот Ирода (Худо) сифатида таърифланади. Янги давр фал.сида Р. рационалистик талқин этилди. Р. Декарт, Б. Спиноза, 18-а. француз материалистлари асарларида Р. фаҳм ва тафаккур б-н айнийлаштирилди. Р.нинг интеллектуал томони, айниқса, немис классик фал.сида ҳар томонлама таҳлил қилинди. Шеллинг бутун табиатни Р. тараққиётининг бир лаҳзаси, деб ҳисобларди. Гегель эса «абсолют Р.» фал.сини яратди, унда Р. ривожланадиган мантиқий категориялар системасига қиёсланди. Р.ни иррационал талқин этган таълимотлар (Ф. Ницше, А. Шопенгауэр, Э. Гартман ва б.) негизида унинг интуитив ва экзистенциалистик таърифи дунёга келди. Чунончи, экзистенциализмда Р. фаҳмга қарши турган қудрат ҳисобланади: Р. ирода экзистенциясидан келиб чиқади, деб уқтиради экзистенциализм. Ўз наз-ясида инсон шахсини биринчи ўринга қўювчи персоналистик экзистенциализм эса Р. таркибига қуйидагиларни киритди: фаҳм, бурч ҳисси, виждон, раҳм-шафқат, ор-номус, адолат, самимият, тавба ва ҳ.к. Неопозитивизмда Р. муаммоси илмий тадқиқотлар соҳасидан ташқарида турган муаммо, деб эълон қилинди. Ҳоз. замон фал.си Р.ни онглилик ва онгсизлик бирлигини ифодаловчи фал-ий категория сифатида талқин этади. Бунда онглиликни англаб етиш учун «онг», онгсизликни англаб етиш учун «интуиция» тушунчаларига таянилади. Бироқ кейинги й.ларда (айниқса, собиқ Иттифоқ даврида) фал.да Р. онг б-н тенглаштирилди.

С

САБАБ ВА ОҚИБАТ — оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири б-н алоқадорлиги, таъсири ва акс таъсирини, воқеликка хос ана шундай муносабатлар жараёнидаги сабаб ва оқибат боғланишини ифодалайдиган категориялар.

Сабаб оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодисани англатади. Оқибат эса ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган, янги ҳодисадир, сабабнинг натижасидир. С. ва О. боғланиши объектив характерга эга бўлиб у нарса, ҳодисалар орасидаги алоқаларда амал қилади. Мас., минг йиллар давомида Ер қуррасидаги иқлимий шароитнинг ўзгариб бориши, ўсимлик ва

ҳайвонот дунёсининг ўзгаришига сабаб бўлди. Ёки қад. замонлардан бошлаб меҳнат қуролларининг тақомиллаштирилиши меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳам, ишлаб чиқаришнинг ривожига ҳам, пировардида эса инсоният тараққиётига ҳам сабаб бўлди. Нарса ва ҳодисалараро С.ий алоқаларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар умумий характерга эга. Табиат ва ижтимоий ҳаётда сабабсиз бирорта ҳодиса ёки воқеа содир бўлиши мумкин эмас. Ернинг Қуёшга нисбатан ҳоз. ҳолатда жойланиши ҳамда Ер шарининг сирт тузилиши ва унинг ҳам Қуёш, ҳам ўз ўқи атрофида айланиши сайёрамизда иқлим шароитини ўзгариб туришига сабабдир. Бинобарин, С.ят ёки С.ий боғланишлар воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларда умумий, қону-

ний, истисносиз амал қилувчи муносабатлардир. С.ий боғланишларни «баҳона» ва «шарт-шароит» сингари тушунчалар б-н алмаштириш мумкин эмас. С. доим воқеа, ҳодисаларга хос ҳамда улар ўртасидаги бевосита, ички муносабатларни билдиради. Баҳона эса С.га нисбатан ташқи туртки холос. С.ни воқеликка айланиши, бирон-бир О.ни келиб чиқиши учун иккинчи даражали таъсир кўрсатувчи бўлади. Мас., I жаҳон уруши бошланиб кетишига герцог Фердинанднинг ўлдирилиши баҳона бўлган. Урушнинг келиб чиқишига ҳақиқий С. аслида муайян давлатлар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашганлиги ҳамда бўлинган дунёни қайтадан бўлиб олишга қаратилган сиёсатнинг юритилиши эди. Ҳар бир С. муайян О.ни келтириб чиқариши учун албатта маълум шарт-шароит зарур бўлади. Лекин, шарт-шароит О.нинг С.ини англамайди. Шарт-шароит — муайян О. туғилишига таъсир кўрсатувчи ҳолат бўлиб, С.ни О.га айланишида ўзига хос роль ўйнайди. С.сиз ёлғиз шарт-шароитнинг ўзи О.ни келтириб чиқармайди.

Фал. тарихида С. ва О. тўғрисида хилма-хил қарашлар бўлган. М-н, баъзи фал.лари наздида С. маълум шарт-шароитлар йиғиндисидангина иборат. Чунончи, инглиз позитивисти Д.Милл: «С. маълум О.ни келиб чиқишини белгилайдиган ижобий ва салбий ҳолатларнинг жами, ҳар хил тасодифларнинг мажмуидир» дейди. Бу фикрнинг баҳсли эканлиги шундаки, С.ни Д.Милл баъзи «ҳолатлар», «тасодиф»ларнинг механик йиғиндисидан иборат деб қараяпти, С.нинг ўз моҳиятига кўра ички, умумий, зарурий алоқадорлик шакли эканлигини эътиборга олмаяпти.

С. боғланишларнинг бундай реал ва умумий жиҳатини инкор этиш, О.нинг С.ини нарса, ҳодисаларнинг ўзидан эмас, балки ташқаридан излаш асосида келиб чиқади. С. ва О. боғланишнинг теологик таълимотларига кўра олам О.ларида худодан, бўлак С. йўқ, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракат яратувчининг амри билан содир бўлади. Бунда сабабият эмас, балки мақсадга мувофиқлик мавжуд бўлиб, нарса, ҳодисаларнинг тартиби азалдан иродаси билан белгиланади.

Оламдаги мослик, ўсимлик ва организмларнинг муҳит, шарт-шароитга мослашганлиги баъзи организмларни муҳитга кўра ҳатто ўз ранги, ташқи қиёфасини ўзгартира олиши, айрим гулларни фақат эрта тонгда очилиши, бир хил касалликларни фасллар, қуёш активлигини ошиши ҳоллари б-н боғлиқ равишда кучайиши каби ҳодисалар С. ва қонунлар ифодасидир. Хусусан, Ч.Дарвин ўзининг эволюцион таълимотини, турларнинг келиб чиқиши ва табиий танланиш жараёнини худди шу мақсадга мувофиқлик ҳодисасини илмий ўрганиш асосида яратган эди.

С. боғланиш масаласини объектив идеалистик тушуниш ҳам бор. Бундай оқим тарафдорлари барча

ҳодисаларнинг туб С. «Фоялар дунёси» (Платон) С. ва О. «Абсолют идея» (Гегель) ривожланиш ҳолатининг маълум шаклини ифодалайди, деб тушунтиради, Субъектив идеалистлар Д.Юм, И.Кант ҳамда махистлар С.иятни сезгилар, идеяларнинг муайян, изчилликдаги боғланиши, инсон зехнига хос хусусият деб тушунтирадилар. Жумладан, Э.Мах Табиатда С. ҳам О. ҳам йўқ; С. ва О. тафаккуримиз маҳсулидир, деб ҳисоблайди. Д.Джинс, Г.Файхингер, Л.Титгенштейнлар С. тушунчаси фақат воқеаларни шарҳлашнинг қулай усули холос, унинг воқелик б-н алоқаси йўқ деб ҳисоблайдилар. С.ий боғланишлар қонуният тарзида олам ва унга хос ўзгаришларнинг моҳиятидан келиб чиқади, ҳамда ундаги алоқадорлик, муносабатнинг ўзига хос шакли сифатида амал қилади. Олам тараққиётидаги боғланишлар С.иятига, умумий қонуниятга бўйсунди, деб ҳисобловчи таълимот фанда детерминизм оқими деб юритилади. Аксинча С.ият ва заруриятни инкор этиб, бу категорияларни воқеликдан ажратган ҳолда тушунтирувчи оқим индетерминизм деб аталади.

Индетерминизм С.ий алоқаларни мутлақо инкор этади ёки уни тафаккурга хос ҳодиса деб ҳисоблайди. Жумладан, айрим ҳоз. замон Фарб физиклари микрооламда ҳам, психик процессларда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам С.ият йўқлигини исботлашга уринмоқдалар. Далил сифатида улар классик механика қонунларини, микропроцессларга ва квант механикасига қўлланилиши мумкин эмас, деб кўрсатмоқдалар. Улар макро ва микро процессларнинг ўзига хос жиҳатини эътиборда тутмаганлари ҳолда, макро жисмнинг фазодаги ҳолати ва тезлигини айни бир вақтни ўзида аниқлаш мумкинлиги масаласини микрозарраларнинг координати ва импульсини бир вақтда чексизлик б-н аниқлаш мумкин эмаслиги масаласига қарши қўймоқдалар. Классик физика қонунларини квант механикасига мос келмаганлиги — микрозарралар оламида С.ий боғланиш йўқлигини билдирмайди. Шу б-н бирга микрозарралар ўз ҳаракатида ҳеч қандай қонуниятга бўйсунмай ҳеч қачон эркин йўналишда бўлмайди. Шунини ҳам ҳисобга олиш зарурдирки, Квант механикаси ўрганадиган микрозарралар классик механика ўрганадиган объектлардан сифат жиҳатидан фарқланди. Буни ҳоз. замон физикасининг далилларига қараб исботлаш мумкин. С. ва О. занжирида биринчи келган ҳодиса С. — ундан сўнг содир бўлган воқеа О. бўлар экан, лекин бундан ҳар қандай кетма-кет келган ҳодисаларнинг биринчиси доим С. иккинчиси доим О. бўлаверди деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Чунончи қуйидаги мисолларда: ёз баҳордан сўнг келади, кундуздан сўнг тун бошланади. Бундан баҳор ёзга С. ёки кечасига кундузи С. деб хулоса чиқариш тамомила ноҳўя бўлар эди. Шу мисоллардаги ҳодисаларнинг асли С. Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишидир. С. ва О. бир-бири б-н ўрин алмаши-

ши, О. б. ҳодисага нисбатан С. ролини ўташи ҳам мумкин. Масаланинг бу жиҳатини ушбу мисолда кўрамиз. Муайян организмнинг бирор қисмини ўзига хос патологиясини ўрганиш, уни даволашнинг йўли ва методларини ишлаб чиқишга С. бўлади. Организмнинг шу касалланган қисмини даволаш О. яна бир бошқа қисмидаги касалликнинг олдини олишга С. бўлади. С. ва О.нинг мазкур ҳолатини характерлаб, С.лар б-н натижалар доимо ўрин алмаштириб турадилар, яъни ҳоз. вақтда С. бўлган нарса б. вақтда натижа бўлади ва аксинча.

Инсон ўз амалиётида С. ва О. алоқасининг муҳим ва номуҳим томонларини, С.ий боғланишларнинг хилма-хиллигини бирданига ажратиб ва билиб олмайти. Шунинг учун кузатиш, билиш, амалий фаолият жараёнида муайян О.нинг келиб чиқишидаги аниқ С.нинг ўрнини ва аҳамиятини англаш, асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи С.ларга ажрата олиш керак. Асосий С. бу ҳодиса ва жараённинг келиб чиқишини заруран белгилайдиган ҳамда унинг энг муҳим хусусиятларини ифодаловчи С.дир. Асосий бўлмаган С. эса воқеа ва ҳодисанинг йўналишини белгиламайдиган, унга айтарлик таъсир кўрсата олмайдиган С.дир. Мисол учун: ижтимоий ривожланишни белгилайдиган асосий С. бу моддий ва маънавий бойликлардир. Географик муҳит ва аҳоли зичлиги ҳам жамият тараққиётига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатади. Воқеалар занжирининг билишда ички ва ташқи С.лар ҳам бир хил рол ўйнамайди. Ички С.лар деб нарса ва ҳодисанинг ўз табиатига хос, ички муайянлик, қарама-қарши томонларнинг бирлигини ифодаланишига айтилади. Ташқи С.лар эса нарса ва ҳодисалараро бир-бирига таъсир ҳолатини билдиради. Маълумки, ички С.лар ҳар қандай ўзгариш ва ривожланишнинг асосини ташкил этади, аммо, ташқи С.лар ўзгаришнинг шарт-шароит ва муҳитини билдиради, холос. Организмнинг нормал шаклланиши ва ўсиши учун ташқи С. ҳисобланган муҳим озук, ҳаво, сув кабилар юзаки қараганда нечоғли, муҳим бўлиб кўринмасин, бироқ организмнинг яшашини, мавжудлигини белгилайдиган асосий С. — модда алмашиниши, яъни ассимиляция ва диссимиляция жараёндир. Кўриниб турибдики, демак, ҳар бир ҳодиса ва процесс турли хил С.ларнинг умумий алоқадорлиги асосида шаклланади ва юзага келади. Воқеа ва ҳодисанинг ҳақиқий моҳиятини билишда асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи С.ларни алмаштириб юбормаслик лозим. С.ларнинг ўрни, аҳамиятини аралаштириб нотўғри тушуниш наз-ий ва амалий фаолиятда гайриилмий натижаларга олиб бориши мумкин.

Шунинг учун билиш жараёнида детерминизм тасвоиларига асосланиш мақсадга мувофиқ. С. ва О. боғланишини илмий тушунишнинг фан ва амалиёт учун аҳамияти тўғри тушунилиб, ҳамма нарсанинг алоқадорлиги, С.лар занжирининг узвийлиги гоёси

туғилган пайдан буён минг йиллар ўтди. Бу С. ва О.лар боғланиш инсон тафаккури тарихида қандай шаклларда тушунилганлигини таққослаб кўриш шакл-шубҳасиз билиш назариясини такомиллашиб борганини яққол кўрсатган бўлур эди. Зеро воқеа ва ҳодисаларга детерминистик нуқтаи назардан ёндошиш оламдаги жараёнларнинг С.ий боғланишларини илмий билиш фалдаги гайриилмий қарашларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эгадир.

САБАБИЯТ (лот. *causa*—сабаб)—ҳодисаларнинг табиий, ижтимоий, объектив генетик алоқасини билдирадиган категория, бунда ҳодисалардан бири (С. деб аталадигани) иккинчисининг (натижа ёки амал) юз беришига сабаб бўлади. Тўлиқ сабаб б-н ўзига хос сабаб бир-биридан фарқ қилади. Тўлиқ сабаб, бу — барча шароитларнинг мажмуи бўлиб, шароитлар мавжуд бўлганда, натижа заруран бошланади. Ўзига хос сабаб, бу — бир қанча шароитлар мажмуи бўлиб, бу шароитларнинг юз бериши (айни вазиятда, натижа бошланишидан олдин бор бўлган ва сабабнинг амал қилиш шартларини ташкил этадиган, кўпгина бошқа шароитлар мавжуд бўлганда) натижанинг юз беришига олиб боради. Маълум бўлишича, тўлиқ сабабни фақат нисбатан оддий ҳоллардагина аниқлаш мумкин, одатда, илмий тадқиқот муайян ҳодисанинг ўзига хос сабабларини очиб беришга қаратилган бўлади. Замонавий фаннинг ривожланиши сабаб-натижа алоқаларининг илгари маълум бўлган шакллари мутлақлаштиришни рад этиб, уларнинг хилма-хил табиатини очиб бермоқда. Бу ҳол замонавий квант физикасида, айниқса, яққол намоён бўлмоқда, чунки унда макроскопик жисмнинг микрообъект б-н ўзаро таъсири натижасининг аниқ қийматли эмаслиги эмпирик факти мавжуд. С.нинг анъанавий тушунчасига кўра, бир хил сабаблар, бир хил шароитда, бир хил оқибатларга олиб келади. Бунинг маъноси шуки, ё биз, микроламда, статистик С. амалга ошаётганлигини ва бир хил шароитда, бир хил микрообъектлар маълум маънода ўзини турлича тутишини эътироф қилмоғимиз лозим ёки макрожисм б-н микрообъектнинг ўзаро таъсири натижасининг аниқ қийматли эмаслиги, материянинг чуқурроқ даражаларида макрожисм ҳолатининг вариациялари б-н изоҳлаб берилади, деб умид қилмоғимиз лозим. Ҳоз. вақтда, бу муаммо мунозарали масалалардан биридир. Лекин олимларнинг кўпчилиги биринчи фикрга мойиллик кўрсатмоқда. Замонавий фанда сабабий боғланишларнинг математик шаклдаги инъикоси муҳим аҳамиятга эгадир. Объект хоссаларига ва инсон билишининг хусусиятларига қараб, С. бир қийматли (динамик) қонунлар шаклида ҳам, статистик қонунлар формасида ҳам ифодаланиши мумкин. Билиш материяга тобора чуқур кириб борган сари, статистик услубларнинг С. категорияси ил-

мий тадқиқотнинг етакчи тушунчаларидан биридир. С. замонавий фал.да детерминизм доирасида кенг ўрганилмоқда.

САВОЛ — билимларимиздаги ноаниқликларни, шубҳаларни йўқотиш ҳамда аниқроқ ва тўлароқ билимлар ҳосил қилишга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган фикрлаш воситаси. С. бир неча муҳим мантиқий хусусиятларга эга. Биринчидан, С.да маълум бир бошланғич билим мужассамланган бўлади. Иккинчидан, С.да мавжуд бўлган билим ноаниқ бўлади. Учинчидан, С.да предмет ҳақида тўлароқ билимга эга бўлиш эҳтиёжи ўз ифодасини топади. С. ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У ўзининг асосига, (datum questions) базасига эга. С.нинг асосини унда мужассамлашган билим (ахборот) ташкил этади. С. ўзининг асосига кўра тўғри ва нотўғри қўйилган С.ларга бўлинади. Асоси чин ва зиддиятсиз билимдан иборат бўлса, С. тўғри қўйилган бўлади. «Миллий ғоя нима?», деган С. бунга мисол бўла олади. Хато ва зиддиятли асосга эга С. эса, нотўғри қўйилган С. ҳисобланади. Мас., «Арвоҳ қандай кун кечиради?» десак, С. нотўғри бўлади. Билишдаги функцияси бўйича аниқловчи ва тўлдирувчи С.ларни ажратиш мумкин. «И. Пригожин ҳақиқатан ҳам синергетиканинг асосчисими?» деган аниқловчи С., «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинган?» тўлдирувчи С. ҳисобланади. Структурасига кўра оддий ва мураккаб С.лар мавжуд. Агар таркибида бошқа С. бўлмаса, оддий С., бўлса — мураккаб С. деб юритилади. Мас., «Сув неча градусда музлайди?» — оддий С., «Ассимиляция ва диссимиляциялар организмнинг мавжуд бўлишида қандай ўрин тутади?» — мураккаб С.дир. Масала — С.нинг алоҳида бир тури бўлиб, уни ҳал қилиш С.нинг асосини мантиқан ўзгартиришни, етишмаётган маълумотлар б-н тўлдиришни, муҳим томонларини ажратишни, муҳим бўлмаганларини чиқариб ташлашни тақозо этади. С.ни тўғри қўйиш учун маълум бир қоидаларга риоя этиш зарур: 1) С. тил талабларига жавоб бериши керак; 2) С. аниқ, равшан, қатъий ҳолда ифода қилинган бўлиши шарт; 3) С.нинг асоси (базиси) чин ҳукмлардан иборат бўлиши керак.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ — фуқаролик ҳуқуқларининг муҳим таркибий қисми бўлиб, муайян конституциявий ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир. С.ҳ. давлат раҳбари, Парламент депутатларини, маҳаллий вакиллик давлат органлари Кенгашлари аъзоларини сайлаш натижасида ҳосил бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мажмуасини англатади. С.ҳ. конституциявий ҳуқуқий ин-тни билдириш б-н бирга, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини ҳам англатади. Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи — фаол С.ҳ.

деб аталади, сайловларда сайланиш ҳуқуқи — пассив С.ҳ. деб аталади. Шунингдек, С.ҳ. тушунчаси ва ибораси икки маънода ишлатилади. Биринчидан, С.ҳ. сайланиб қўйиладиган вакиллик давлат органларини шакллантиришнинг меъёрлар тизимини билдиради. Иккинчидан, фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларни тузишда иштирокини, яъни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини англатади.

САЙИД АҲМАДХОН (1817—1898) — ҳиндистонлик йирик мутафаккир ва маърифатпарвар. Уни отаси Бобурийларнинг яқин кишиларидан эди. Ҳаёти ва фаолиятини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи даври 1833—1837 й.ларни ўз ичига олади. Бу даврда С. А. 18 ва 19-а. миллий озодлик ҳаракатининг таъсири остида бўлганлигини кўриш мумкин. Иккинчи давр (1857—1885) С.А. ҳаёти ва фаолиятининг сермахсул даври ҳисобланади, чунки бу даврда С.А. Ҳиндистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ёқлаб чиқиб, мамлакатда маърифат тарқатиш учун кураш олиб борди. С.А. ҳаётининг учинчи даври (1885—1898)да мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитида унинг фаллий қарашлари шакллана боради. Бу борада унга Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Спиноза, Декарт, Локк, Бэкон, Бедил қарашларининг таъсири сезиларли бўлган. С.А. табиат ва моддий борлиқ масалалари тўғрисида муҳим фикрларни баён қилди. Мас., модда тушунчасининг натурфал-ий таърифини берди. У модданинг бирламчилиги ва объективлигини тан олади, С.А. айрим руҳий ҳолатларни ҳам модда асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилди. У бир неча марта руҳий ҳодисалар, ҳатто руҳнинг ўзини модданинг хусусияти сифатида тушунтириб, «оламда ҳамма нарса моддийдир», — деган хулосага келади. Билиш наз-ясида ҳам қатор илғор фикрларни илгари сурган. «Ақл, — дейди С.А., — инсоннинг ўз мақсадига эришиш ва билим олиш қуролидир». Ижтимоий-сиёсий қарашлари маърифатпарварлик ғоялари б-н йўғрилган эди: у маърифатни мустақилликка эришишнинг асосий омили деб ҳисобларди. С.А. ўз ижоди ва фаолияти давомида миллий туйғуни уйғотиш, ватанпарварликни тарғиб қилиш, диний мутаассибликни енгиб, фан ва маданият чўққиларини эгаллаш учун интилди. Унинг фал-ий қарашлари мамлакатда рационализм ва табиий-илмий билимларнинг ёйилишида катта аҳамиятга эга бўлди.

САКРАШ — табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фал-ий тушунча, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараён. С. миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтишда узлуксизликнинг узлишини билдиради. С. нарса ва ҳодисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тутаб, узилиш содир

бўлиш б-н зарурий равишда юз беради. С. ҳар бир нарса ва ҳодисага хос бўлган миқдорий ўзгаришлар меъёрининг бузилишидан бошланиб, янги сифатнинг вужудга келишигача бўлган жараёни англатади. С. жараёнида эски сифат ўзгариб, рад этиб борилади, унинг ўрнида янги сифат ва миқдор бирлиги б-н тавсифланувчи нарса ва ҳодисалар вужудга келади. Нарса ва ҳодисаларнинг сифат ўзгариши, уларнинг характери, ривожланиш тенденциясига боғлиқдир. Шунга мувофиқ, ҳар бир нарса ва ҳодиса янги сифат ҳолатига ўзига хос усул б-н ўтади. Уларни нисбий маънода икки хилга ажратиш мумкин: кескин, қисқа муддатда ҳамда тадрижий, аста-секинлик б-н бўладиган С.лар. Қисқа муддатда, кескин С.ларда эски сифат бирданига, яхлит ўзгаради. Мас., сувнинг бугга айланиши, ёки унинг кристал ҳолатга айланиши, кимёвий элементларнинг ўзаро бирикиши ёки парчаланиши жараёнида бундай ҳолатни кузатиш мумкин. Тадрижий С.ларда нарса ва ҳодисалар бирданига ўзгариб қолмасдан, уларнинг турли хил унсурларни аста-секинлик б-н ўзгариб боришини кузатиш мумкин. Табиатда ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари тадрижий ривожланиш жараёнида ўзгариб боради. С. бирданига тўсатдан бўладиган ҳолатгина эмас, балки янги сифат унсурлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

С. турлари ўз характерларига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамият тараққиётидаги С.ларнинг ўзига хос томони шуки, бу С.лар эски давр ва ижтимоий тизимдан янгисига ўтадиган ижтимоий жараёнлар ривожланиши орқали амалга ошади. С.ларнинг икки тури мавжуд: портлаш йўли б-н бўладиган С.лар; тадрижий йўл б-н бўладиган С.лар. Биринчи тур С.ларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик б-н юз беради ва қутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, ҳатто салбий ҳолатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. С.нинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин шаклланиши тарзида рўй беради. С. қуйидаги жиҳатларга эга: биринчидан С. тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараён; иккинчидан, С. тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан тури сифат ўзгаришларига ўтиши; учинчидан, С. эскини тутатиш ва янги сифатга мос келадиган ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган номутаносибликларни ҳал қилиш; тўртинчидан, С. оламнинг ривожланиб, илгарилаб бориши.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар

бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида, аниқ С. шаклига эга. Демак, ҳар қандай ўзгариш, ривожланиш миқдор ва сифат ҳамда меъёрий ўзгаришларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган С. жараёнларидан иборат. Оламнинг ҳамма жабҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги б-н алмашилиши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этишга олиб келадиган С. ҳолати ниҳоятда муҳим. Бунда ворислик — эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Аксарият ҳолларда, ҳар қандай С. натижасида эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, балки ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади ва янгиликнинг яшаши учун имконият очилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётни ўзгартиришнинг тадрижий йўлини танлаб олди. Эски ижтимоий ҳаётдан янги ривожланган ижтимоий ҳаётга жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш орқали босқичма-босқич, тадрижий йўл б-н ўтиб бормоқдамиз. Жамиятнинг бундай ривожланиш жараёни инқилобий С.ларни эмас, балки тадрижий С.ни тақозо этади.

САНАТАНА-ДХАРМА — барча тирик мавжудотларнинг азалий асл ҳолатига хос бўлган мангу хислати, вазифаси. Ведалар таълимотида тирик мавжудотларнинг руҳий оламда ўзининг мангу руҳий танасидаги мавжудлик ҳолати уларнинг азалий ҳолати деб белгиланган. Бу ҳолатда тирик мавжудот илм ва лаззатга тўла мангу руҳий танага эга бўлади. Ана шу азалий ҳолатида мавжудотнинг мангу хислати, вазифаси Кришнага садоқат б-н хизмат қилишдан иборат. Моддий оламга тушиб қолган тирик мавжудот ўзининг хизмат қилишдан иборат бўлган С.-д.сини сақлаб қолади, лекин энди у моддий табиат таъсирида адашиб, ўзининг ғофиллиги натижасида Худога эмас, ўзининг моддий танасига, ҳиссиётларига хизмат қила бошлайди. Тирик мавжудотнинг ғофиллик ҳолати то у руҳий ўзлигини англаб етгунга қадар давом этади. Тирик мавжудот руҳий ўзлигини англаб етган заҳоти яна ўзининг С.-д.сини адо этишга киришиб, илм ва лаззатга тўла руҳий танасига эга бўлади. Тирик мавжудот ўзининг руҳий ўзлигини фақат инсон танасида яшаган пайтидагина англаб етиш имкониятига эга бўлади. Инсон ҳаётининг бошқа барча тирик мавжудотлар ҳаётидан афзаллиги ва устунлиги ҳам айнан мана шунда. Инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотнинг вазифаси эса, ана шу нодир имкониятни қўлдан бой бермасликдир. Ведалар таълимотида С.-д. «ҳақиқий дин» деб ҳам юритилади. Инсон ҳаётининг мазму-

ни ва мақсадини белгиловчи илоҳий қонунларга амал қилиб яшаётган киши С.-д.га амал қилаётган киши деб аталади. С.-д.нинг шакллари ҳар хил бўлиши мумкин, аммо хизмат қилишдан иборат мазмуни ўзгармай қолаверади. Худди шунингдек, динлар ҳар хил бўлиши мумкин, аммо Худога хизмат қилишдан иборат бўлган уларнинг ягона мазмуни ўзгармай қолаверади.

САНКХЬЯ (санск.— сон, ҳисоб) — Ведани эътироф этувчи қад. Ҳинддаги брахман фал-ий мактабларидан бири. Мил.ав. 4 а. охири 5 а. бошларида юзга келган бўлиб, асосчиси доишманд Капила ҳисобланади. С. ведаларни билиш манбаларидан бири деб тан олади. С.да сабаб ва оқибат категориясига катта эътибор берилган. Ҳар қандай нарса ва ҳодиса сабаб ва оқибат орқали содир бўлади. Ҳар қандай нарса ва ҳодиса ўзининг оқибатига эга. Оқибат сабабнинг ичиди яширинган бўлади. 1. Саттва-имкониятдаги онг. 2. Рожас- ҳаракат манбаи. 3. Гамас-ҳаракатни тўхтатувчи куч. Бу кучлар турли нарса ва ҳодисаларда муайян даражада мавжуддир. С.чилар фикрича, ҳиссий якка-якка нарсалар мавжуд. Оламда материядан ташқари «пуруша» («онг») ҳам мавжуд. Пуруша субъект, онг, субстанция. Пуруша ҳеч нарса яратишга қодир эмас. Пуруша пассив, пракрити актив. Практик ҳаракат жараёнида Пуруша б-н қўшилиб ўзини билиб олади. Оламда пайдо бўлаётган нарса ва ҳодисалар пракрити ва пуруша бирикишида мавжуддир.

САНЪАТ — ижтимоий онг шаклларида бири, оламни амалий-ҳиссий ўзлаштириш тури. С. инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури б-н яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. С. асариди шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлиб, инсоннинг маҳорати б-н ҳам чамбарчас боғлиқдир. С., кенг маънода, бадий қадриятлар, уларни яратиш, (бадий ижод қилиш) ва истеъмол (бадий идрок этиш) жараёнларини қамраб олади. С. ҳоз. даврга қадар инсоният тараққиёти б-н боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида, Испания, Саҳрои Кабир ва б. бир қатор қад. ўлкаларда учрайдиган петроглифлар (қояларга ўйиб туширилган тасвирлар) ҳоз. давр нуқтаи назаридан ҳам эстетик қимматга эга. С. тарихий тараққиёт жараёнида ҳаммиша ижтимоий эҳтиёжларни қондириб келган. С. ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказди, ижтимоий онгнинг барча шакллари б-н алоқага киришди. С. тараққиёти ёки таназзули ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян кучлар нисбатига, мафкуравий ҳаёт хусусиятларига, жамиятда шахс эгаллаб турган мақоми кабиларга боғлиқдир. С.нинг жамият ҳаётида мустақил равишда амал қилиши ворисийлик қонуниятининг намоён бўлиши б-н ҳам боғлиқ.

Ижтимоий онгнинг б. шаклларида бўлганидек, С.да ҳам билиш ва мафкура бир-бири б-н чирмашиб, ўзаро боғланиб кетган. С.нинг турли кўринишларида билиш ва мафкура ўзаро мутаносибликда амал қилади. С.нинг билиш жараёнидаги вазифаси бадий адабиёт воситасида яққол кўзга ташланади. С. билишнинг алоҳида тури сифатида мушоҳада этилганда, одатда, бадий адабиёт асарларига суянилади. Мусиқанинг билиш-англаш имкониятлари бадий адабиётга нисбатан бироз чекланганлиги маълум. Лекин воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, самимийлик руҳида инъикос этишда мусиқанинг аҳамияти катта, у одамларнинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини, кечинмаларини, ҳис-туйғуларини бетакрор нозик оҳанг-куйларда ифодалайди. Худди шунга ўхшаш вазифани меъморчилик ҳам бажаради. Меъморчиликда давр хусусиятлари ва белгилари, одамларнинг маиший ҳаёти, дид-фаросатлари, умид-орзулари акс этади. С. ўз мавзуи доирасида бўлса ҳам, фан сингари беқиёс билиш имкониятларига эга. Лекин С.нинг бадий билиш-англаш жараёни ўзига хос хусусиятлар доирасида содир бўлади. С. воқеликни бадий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. С. учун инсон бош мавзу бўлиб хизмат қилади. С.да инсон ҳамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. С. нарсаларда, табиат ҳодисаларида инсон учун аҳамиятли бўлган маъно излайди, инсон қалбини поклайди, унинг ҳар томонлама камол топишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

САНЪАТ ТУРЛАРИ — бадий маданият тизимининг таркибий қисми. Санъатда хилма-хил турларнинг вужудга келганлиги узоқ давом этган тарихий тараққиёт ҳосиласидир. Қад-да бадий фаолият турларга бўлинмаган эди. Кейинчалик санъатнинг бир неча турлари қарор топди. С. т. бадий адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва ш.к.лар ўзига хос кўринишда намоён бўлади. С. т.да айримликнинг умумийга бўлган нисбатини кўриш мумкин. Эстетик тафаккурнинг тур ҳосил қилиш манбалари икки йўналишда вужудга келган. Манбанинг биринчи йўналиши воқеликнинг мураккаблиги, кўп қирраллиги кўп томонламалигидир. С. т. бир-бирининг ўрнини боса олмайди: уларнинг ҳар бири мустақил, ўзига хос ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг муайян бир томонини бевосита акс эттиради, ўша тур у ёки бу инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашда б. турларга нисбатан устувор ўрин эгаллайди ва айни пайтда, муайян чекланганлик хусусиятига эга бўлади. Мас., бадий адабиёт ҳаётни кенг ва теран акс эттиришда, инсон руҳий-ақлий томонларини очиб беришда тенги йўқ санъат тури бўлсада, у маълум чекланганликларга эга. Бадий адабиёт инсон ҳис-туйғулари, сезгилари, қирраларини ифодалашда мусиқага, тасвирий санъатга тенг кела олмайди. Ҳатто

адабиёт, музика, тасвирий санъат «қоришмаси»дан вужудга келадиган кино санъати ҳам баъзи жиҳатлари б-н адабиёт, музиканинг ўрнини босолмайди. Шу боис, санъатнинг бир турини бошқасига қарши қўйиш маъқул эмас: санъат турлари тенг асосда ҳаракат қилиб, воқеликни акс эттиришда бир тур бошқа турларга нисбатан устувор даражада намоён бўлишни эътироф этиш оқилонадир. Санъат ҳодисаларнинг аниқ туйғули қиёфасини акс эттириши ёки акс эттирмаслигига қараб тасвири ва тасвирсиз кўринишларга ҳам эгадир. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда ҳаёт манзаралари воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратиш орқали намоён бўлса, адабиёт ва музикада ҳаёт манзаралари фикрлар ва туйғулар оқимини умумлаштириш асосида акс эттирилади. С. т. идрок этиш жиҳатидан ҳам ҳар хил кўринишларга бўлинади; айримлари кўз б-н кўриладиган асарлар бўлиб, томошали санъат турлари деб аталади. Буларга тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, бадийий фото асарлари кирди. Музикани эшитиладиган санъат тури, деймиз. Театр санъати эса ҳам томошали, ҳам эшитиладиган санъат туридир. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил соҳаси бўлиши б-н бирга инсон фаолиятининг бадийий бўлмаган соҳалари б-н ҳам чамбарчас боғлиқ. С. т. хусусий-бадийий бурч-вазифалари б-н бирга, фойдали-амалий бурч-вазифаларини ҳам бажардилар. Мас., ҳарбий музика давлат мадҳияси ёки адабиёт, тасвирий санъат соҳаларининг (байроқ, тамға) ахборот-ҳужжат томонлари шундай хусусиятга эгадир. Ҳозирги давр бадийий маданиятида санъат ва б. соҳалар ўртасидаги чегаралар тобора емирилиб бормоқда ва улар ўртасидаги самарали ҳамкорлик санъат ва фан-техника алоқаларида яққол кўринади.

САРТР (Sartre) Жан Поль (1905.21. Париж-1980.5.4.) — француз файласуфи, экзистенциализм мактабининг йирик вакилларида бири. Э.Гуссерл, М.Хайдеггер қарашларининг издоши. Эколь Нормал Супериор коллежида таҳсил олган (1924—28), Ле-Гавр шаҳри гимназиясида (1931—33), Париждаги лицейда ўқитувчи (1937—39). «Янги давр» журнаliga асос солган (1945). Бу журнал Франциянинг урушдан кейинги ижтимоий сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган. Ижодий фаолияти 1954 й.дан бошланган. С. академик фал-ий усулидан воз кечиб, оммага мўлжалланган адабий асарлар ёзишга ўтган. Ўзининг «Борлиқ ва йўқлик» асарида С. Хайдеггернинг «дасийн» тушунчасига яқин «ўзи учун борлиқ» тушунчасини киритди. Бу тушунча С.нинг фикрича инсон ички олами моҳиятини очиб беради. Бу тушунчани ёритиш учун С. «фаоллик» тушунчасини ҳам ўз фал-ий тизимга киритади. Фаоллик тушунчаси 2 турга ажратади: ишчан фаоллик, суст фаоллик.

Бутун борлиққа ҳаракатнинг ҳар хил турлари мансуб бўлганлиги учун у инсондан ташқаридаги борлиқ деб ҳисоблайди. Инсон ўз фаолиятининг асосида мақсад йўқлиги ва уни амалга оширишда интилганлиги учун инсоннинг ички оламидаги фаолияти ишчан, актив фаолият ҳисобланади. Ишчан фаолиятни С. эркин деб атайди. Унинг табиатидаги эркинликдан фарқ қилади. Табиатдаги эркинлик заруриятга боғлиқ бўлиб, уни англаш натижасида шаклланади. Инсоннинг ички оламидаги эркинлик эса, унинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва фақат айрим вазиятларда намоён бўлади. Бу вазиятларни экзистенциалистлар чегарадош вазият деб атаганлар. Бу ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегарадир. Бундай вазиятларга биз ҳаётимизда ниҳоятда кам тушиб қолишимиз мумкин. Мас., урушда қатнашиш масаласи инсон олдига шундай чегарадош вазиятни қўйди. Бу вазиятда инсон танлашга мажбур бўлади: урушда қатнашиш ёки қочоқлик қилиш. Бу танлашга ҳам, С. фикрича, эркинлик б-н ёндашиши керак. Демак, С. эркинлик шундай чегарадош вазиятларда инсонга ўзининг актив фаолиятини ва асл ички қиёфасини очишга ёрдам беради.

Урушдан кейинги й.ларда С.нинг ахлоқ мавзусига бағишланган асарлари Франция зиёлилари ўртасидаги норозилик ва танқидий қарашларга сабаб бўлди. Буларга қарши С. ўзининг мақолаларида экзистенциализм фал.сининг гоялари ахлоқий қарашларга зид келмаслигини тушунтирди. С.нинг фикрича, инсон чегарадош вазиятда ҳам ўзининг эркинлигини йўқотмайди ва бу йўналишда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Баязан эса, бу ҳаракатлар ахлоқий принципларга зид келиб қолиш ҳам мумкин. Айнан шундай ҳолатни кўпгина танқидчилар ахлоқсизлик деб аташган. Жумладан, ўз замонасининг ғарб тадқиқотчилари томонидан С. таълимоти ахлоқсизликда айбланганлиги учун у масъулият тушунчасини эркин танлаш вазиятидаги аҳамиятини кўрсатади. С. фикрича, инсондаги масъулият инсондаги ахлоқий-маънавий тушунчаларни инкор этиш учун эмас, балки уларни тан олишга даъват этади. Лекин бу масъулият ташқи ҳаётнинг заруриятлари ва эҳтиёжлари натижасида эмас, аксинча, инсоннинг ички, актив фаоллигидан келиб чиқади. Бундай масъулият, С. фикрича, жамият ҳаётининг ижтимоий заруриятларига, қонуниятларига, кўр-кўрона бўйсунушидан эмас, балки ички ирода эркинлиги ва актив фаолиятдан келиб чиқади. С.нинг экзистенциалистик фал-ий қарашлари динсизлик руҳига эга бўлган. Шунинг учун ҳам С. инсоннинг ички олами, борлигини ташқи оламдан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўйган. Уларни бирлаштирувчи илоҳий кучни рад этган. Бундай дунёқараш натижасида С. учун эркин руҳ эмас, балки шахс эркинликка маҳқум қилинган бўлиб чиқади. Мас., С.нинг фикрича, би-

порта шахс қамоқда ўтирса ҳам ички эркинликдан уни ҳеч ким маҳкум қила олмайди. Унга ҳеч ким эркин яшашни, фикр қилишни, эркин ўйлашни, қамоқдан қочиш режасини тузишни ман қила олмайди.

С.нинг машҳур ибораси бўйича, «инсон эркинликка маҳкум этилган». Лекин бу эркинлик инсонга бахт келтирмайди. Инсоннинг шахсий эркинлиги б. одамларнинг эркинлиги б-н тўқнашади, натижада инсон вазият пайдо бўлганда танлашга мажбур бўлади. Бу танлашда шахснинг ички дунёқараши яққол гавдаланади. Мана шу ички оламда инсон ўзининг масъулиятини ҳис қилмоғи керак. Шу масъулиятни амалга оширишда унинг ўзи эркин бўлмоғи лозим.

«Озод йўллар» (1945), «Муҳлат» (1945), «Қалбдаги ўлим» (1949), «Тангри ва Иблис» (1966) каби асарларида унинг фал-ий қарашлари акс этган. Ўз фал.ида М.Хайдеггернинг инсон борлигининг таҳлилига доир қарашларини ривожлантирди. С. ўз қарашларида инсон борлигининг маъноси ва мақсадини кўрсатишга интилди. «Борлиқ ва ҳеч нарса» асарида инсонни борлиқ даҳшатига қарама-қарши қилиб қўйди. Унинг фикрича, фақат ўз қобилиятига ишониш, ўзининг кимлигини англашгина, мавжуд нарсадан ҳеч нарсага айланишга ишонч ҳосил қилдиради.

САТТОРХОН Абдуғаффоров (1843—1902) — тарихчи олим, таржимон, Марказий Осиёда ижтимоий тафаккурни ривожлантириш тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ўзбек маърифатпарвари. С. дастлабки маълумотни бобоси Мўминхўжа Эшон қўлида олди. 1854—62 й.ларда Тошкентдаги «Шукурхон» мадрасида таҳсил кўрди. 1862—1864 й. Чимкент шаҳрида муфтийлик қилди. 1873 й.дан Чимкентда очилган рус-тузем мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. Шундан кейин илм-фан, дунёвий билимнинг толмас тарғиботчиси бўлиб қолади. С. 1876 й. апрел ойида Қўқон шаҳрига қози қилиб тайинланди. Уша йили июл ойида С. Жўрабек, Шермуҳаммад ва Абдулла Ниёзовлар б-н бирга Санкт-Петербургда Шарқшунослар халқаро съездида иштирок этиб, олимлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида гапирди. Санкт-Петербурдан қайтгач, С. қозилик вазифасини давом эттирди ва ўз лавозимидан маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш йўлида фойдаланди, дунёвий билимларни тарғиб этди. С.нинг маърифатпарварлик қарашлари унинг «Мусулмон эшонлар», «Россия истилосига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк» номли рисолаларида ўз аксини топди. С. жамият тараққийотининг асоси илм-фан ва халқнинг маърифатли бўлишида деб билди. С. илм-фаннинг кишилик жамияти тараққийотини таъминловчи асосий воситалардан бири эканлигини таъкидлаш б-н бирга, уни турли миллат ва динга мансуб халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи куч ҳам деб қаради. С. ўз ватан-

дошларини илм-маърифатга чақирди, бунда ислом дини, шариат қонун-қоидалари тарғиботидан моҳирлик б-н фойдаланди.

САХАРОВ Андрей Дмитриевич (1921—1989) — собиқ иттифокда қораланган физик олим. Москва Университетини 1942 йилда тугатган. С. ўта кучли магнит майдонлари ҳосил қилиш учун магнит кумуляцияси ғоясини (1952), импульсли бошқариладиган термоядро реакциясини ҳосил қилиш учун лазердан фойдаланиш ғоясини (1961) илгари суради. С. космологияга оид қатор асарларнинг («Оламнинг барион асимметрияси», «Оламнинг кўп босқичли моделлари», «Оламнинг космологик модели»), майдон наз-яси ва элементар заррачаларга доир илмий ишларнинг муаллифидир. С. ижтимоий фаолияти 1956—1962 й.ларда бошланади. С. «Прогресс, биргалликда тинч ҳаёт кечириш ва интеллектуал эркинлик ҳақидаги мулоҳазалар» номли эссесини ёзди (1968). Унда С. сайёрада тинчликни сақлаб қолиш заруриятини асослаб беради. Фарбада бу китобнинг умумий адади миллионга етди. Кейинги йилларда С. мамлакатдаги сиёсий маҳбуслар ва инсон ҳуқуқларини ёқлаб чиқади. У информация олиш ва тарқатиш ҳуқуқи, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, ўз мамлакатини тарқ этиш ва унга қайтиб келиш эркинлиги, мамлакат ичкарисида яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. 1975 й.да С. ўзининг «Мамлакат ва жаҳон ҳақида» номли китобини нашр эттиради. Ўша йили унга Нобель мукофоти берилади. С. 1980 й.нинг 22 январидан 1987 й. февралигача С. Горький шаҳрига сургун қилинади, умрининг охирида сургундан қайтади. С. АҚШ, Франция, Италия, Нидерландия, Норвегия ФАларининг фахрий аъзоси, жаҳонга таниқли эркинлик учун курашган олим эди. С.нинг ўлимидан сўнг кўплаб илмий-фал-ий асарлари жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган.

СВЕДЕНБОРГ (Swedenborg) Эммануэль (1688,29.1. Стокгольм — 1772,29.3. Лондон) — швед олими, илоҳийтчи-мистик; математика, астрономияга оид қатор асарлар муаллифи. 1734 й.да «Фал. ва минералогия бўйича ишлар» асари нашр қилинган. Унда дунёнинг яратилиш тизимини тушунтиришга ҳаракат қилиб, Декарт, Ньютон, Локк таъсирида аввалги неоплатонизмга яқин бўлган механик концепцияни ривожлантирди, кўплаб асарларида Библиянинг асл моҳиятини талқин қилишга ҳаракат қилган. («Само, руҳлар дунёси ва дўзах ҳақида», 1863). «Нариғи дунё» ва ердаги ҳодисаларнинг аниқ мос келишлари тўғрисидаги таълимотни баён этиб, аксарият ҳолларда черковни қаттиқ танқид остига олган. С. илоҳийтчи И.Кант томонидан танқид қилинган. С. қарашларининг издошлари АҚШ ва Буюк Британияда кўпроқ учраб туради.

СЕКТА (лот. секта-мактаб, таълимот) — диний уюшмалардан бири. С. одатда мавжуд диний йўналишларга қарши муҳолиф ҳаракат сифатида вужудга келган. С.лар ўзига хос ғоя, тамоил, қадрият ва қоидаларни илгари суриш б-н характерланади. Улар маълум диний қоидалар, ахлоқий кодекслар, урф-одатларга амал қилишни тарғиб қилади. Кўпинча бундай қоидалар диний мутассибликка олиб келиши мумкин. С.лар тарихи, қисмати ҳамisha ҳам бир хил бўлавермаган. С.чилик барча йирик динларда ҳам учрайди. Жумладан, христианликда С.лар мил.-нинг 1-2-а.ларидан вужудга кела бошлади. Христианлик ягона, бирлашган дин бўлмаган. Христианликнинг николаитлар, кейинроқ эбионитлар, монотанистлар, донатистлар, агонистиклар каби С.лари вужудга келган. Ўрта а.ларда протестантизм йўналишида анабаптистлар, меннонитлар, баптистлар каби С.лари вужудга келган. Ислом динида эса С.лардан маълум маънода фарқ қилган мазҳаблар мавжуд суннийлик йўналишида, уларнинг ханафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик шакллари; шиъалик йўналишида эса жуда кўп С.лар мавжуддир (қаранг. Шиъалар)

СЕКТАНТЛИК (лот. secta — мактаб, таълимот) — турли диний гуруҳлар, мактаблар, оқимлар, тариқатлар, ташкилий ғоявий бўлинмаларнинг жаҳон динидан ажралиб чиқишини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихида кишиларнинг анъанавий турмуш тарзи ёки қарашларини ўзгартириш, янгилаш ёки эскисини қайта тиклаш мақсадида ўрта а.ларда динни ислоҳ қилиш мақсадида диндорларнинг турли фирқалари ажралиб чиққан ва у С. номини олган: С. ўз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий йўл ва тамойилларнинг мутлоқ ҳақиқат эканлигига ишонтирмоқчи бўлади. Бу ишонч уларни жамиятдан ажралиб чиқишга, ўз қарашларига эга бўлган секта сифатида мустақамланишига олиб келади. Ҳоз. пайтда С. да диний гуруҳлар ва жамоаларнинг сиёсий фаолият олиб бориши характерлидир. Улар диний қадриятларни илк ҳолатида қайта тиклаш, жамиятда диний қонун-қоидаларга асосланган давлат қуриш мақсадида бирлашадилар ва фаолият олиб борадилар. С.га хос бўлган диний экстремизм барқарорлик ва тинчликка катта хавф солиши мумкин.

СЕКСТ — ЭМПИРИК (Sextus Empiricus)(200—250) — қадимги Юнон файласуфи, врач, Геродотнинг шогирди; Александрия ва Афинада яшаган. «Секст» (sextus) лотин тилида «олтинчи», «эмпирик» эса «тажриба» деган маънони англатади. С.-Э қад. Юнон фал.сида машҳур бўлган «ўнта скептик йўллар» (яъни ҳулосалар)ни тасниф қилди. С.-Э.гача скептицизмнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ҳамма машҳур илмларни шубҳа остига қўйган. Фақат С.-Э.

ҳатто ўзининг догматизм бўйича танқидини исботлар тизимининг мутлақ скептицизми, деб аташ мумкин. С.-Э.да скептицизмнинг асосий хусусияти шундаки, у ҳаётнинг ҳамма қувончлари ва азобларига бефарқдир. У бахтга ёки роҳатга эмас, балки инсон ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаганда, ҳеч нарсани яхши кўрмаганда, ҳамма нарсага бефарқ бўлганда, ҳеч нарса учун хавотирланмаганда эришиладиган вазминликка интилади. С.-Э. учун дунёдаги ҳамма нарса бир хил ҳақиқат (чин) ва бир хил ёлғон, энг асосийси моҳият эмас, балки ҳодиса ва нарсалардир. Унинг фикрича, яшашни хоҳламайдиган, ҳамма нарсадан безор бўлган, ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳеч қандай фал.ни ёқтирмайдиган, ҳамма нарсани инкор этадиган ва умуман олганда ёлғиз одамни скептик деб бўлмайди. Ҳаёт ҳодисаларига мувофиқ яшаш керак. Ҳаётнинг ҳақиқий борлиги бўйича эмас, балки бизга туюлаётганидек яшаш лозим. Чунки бизга номаълумдир. Лекин бу туюлаётган муҳит скептик учун шундай каттаки, у унинг бутун ҳаётини ва бутун дунёни эгаллайди. Бошқача қилиб айтганда, турлича яшаш ва фикрлаш мумкин, лекин бунинг фал. учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Скептик ҳаммага ўхшаб қувонади, ҳаммага ўхшаб қайғуради, лекин шу б-н бирга ҳамма нарсага бепарво: ҳеч нарсани яхши ёки ёмон баҳоламайди. Секст «ҳеч нарса тўғри эмас» (яъни ҳеч нарса бошқасига нисбатан тўғри эмас), «балки», «мумкин», «муҳокама қилишдан сақланаман», «мен ҳеч нарсани аниқламаяпман» каби скептик ибораларга катта аҳамият берди. Лекин скептик бу б-н ҳеч қандай муҳокамалардан воз кечмаяпти. Муҳокама қилишдан сақланиши шундан иборатки, у ҳар бир муҳокамани (мулоҳазани) ўзидан гапирмайди, чунки у ўзи мавжудми ёки унга шундай туюлаётгани, буни билмайди. Шундай қилиб, скептик учун энг асосийси бу — фақат бизга берилган ҳодисалар, уларнинг моҳияти эмас. Аммо бу яшашга, ўйлашга, ишлашга ҳеч халақит бермайди. С.-Э.нинг скептицизмида икки томон кузатилади. Биринчиси бу — ҳамма нарсани инкор этиш, иккинчиси — зиддиятнинг формал — мантикий қонун асосида ҳамма нарсани системалаштириш ва схемалаштиришга интилишдир.

СЕКУЛЯРИЗАЦИЯ (лот. saecularis — дунёвийлик) — Уйғониш даврида Европада кенг тарқалган қараш бўлиб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, инсон онги ва фаолиятида дунёвийлик таъсирининг кучайиб бориш жараёнини ифода этади. Рим империяси ва ўрта а.ларда Европада черковнинг якка ҳукронлигига қарши шаклланган бўлиб, давлат б-н черковнинг бир-бирдан ажратилиши, диний ташкилот фаолият доираларининг қисқартирилиши, С.га хос хусусиятлардир. Жамият ҳаётида ўша даврда диний хизматлар ва ибодатларнинг камайиши, фуқаролик ишларини давлат ихтиёрига ўтказилиши

адабиёт, санъат ва ахлоқда дунёвийлик ролининг ошиб бориши С. б-н боғлиқ. С. — ижтимоий муносабатлар ривожини б-н боғлиқ бўлиб, илм-фан ва техниканинг ўсишига тўсиқ бўлган жараёнлар ўрнини янгилик эгаллаши натижасида рўй беради. Жамият ҳаётида дин ролининг пасайиши, айниқса, Уйғониш ва Реформация даврларида яққол кўзга ташланди. Европадаги инқилоблар черков мулкларини давлат фойдасига мусодара қилиши, динни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш, ҳар бир фуқаронинг хоҳлаган динига эътиқод қилиш, яъни виждон эркинлигини таъминлаш каби мақсадларни амалга оширдилар. Янги а. цивилизацияси жаҳон халқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб жамият маънавий ҳаётини тубдан янгиледи. Бугунги кунда жамиятшунос олимлар христиан динининг секуляр ҳолатга тушиши яқин орада барҳам топиши ёки ўз шаклини ўзгартириши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирмоқдалар.

СЕМАНТИК КАТЕГОРИЯЛАР — тил ифодаларининг синфларидан иборат бўлиб, улар бир-бирларидан қандай объектларни акс эттириши б-н фарқ қиладилар. С.к.нинг асосий қаторига гап ва унинг таркибида нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган қисмлари-дескриптив ва мантиқий атамалар киради. Тафаккурнинг мантиқий шаклини ўрганишда семантик категориялар муҳим аҳамиятга эга. Гап ҳукми, саволни ва меъёрни ифода қилиши мумкин. Ҳукми ифода қилувчи гап предметга бирорта белгининг (ҳосса ёки муносабатнинг) хослигини тасдиқлайди ва инкор қилади. У дарак гапдан иборат. Гапда предметларни, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар дескриптив атамалар дейилади. Дескриптив атамалар предметлар номлари ёки терминлар (предметларни, предметлар тўпламини акс эттирувчи ифодалар) ва предикаторларга (предметларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар) бўлинади. Предметларнинг номлари айрим сўзлар ва сўз бирикмалари бўлиб, улар моддий (планета, электр токи) ва идеал (сезги, тафаккур) предметларни ифодалайди. Предмет номи белгидан иборат бўлганлиги учун ўз мазмуни ва маъносига эга. Номнинг мазмуни предметни ифода қилади ва мантиқда денотат деб аталади. Номнинг маъноси эса предметнинг муҳим, умумий белгиларини ифода қилади ва концепт деб аталади. Мас., «Аристотель мантиқ фанининг асосчиси», «Топпика асарининг муаллифи» каби ифодаларнинг мазмуни бир хил, яъни битта предметни ифодалайди, маъноси эса турли хил, яъни фикр келаётган объектнинг ҳар хил белгиларини қайд қилади. Шунингдек, номлар якка («Тошкент шаҳри») ёки умумий («шаҳар») бўлиши мумкин. Бунда якка ном битта предметни, умумий ном эса, предметлар синфини акс эттиради. Предика-

торлар гапда кесим ўрнида келиб, ўзи тааллуқли бўлган номнинг миқдорига боғлиқ ҳолда бир ўринли ёки кўп ўринли бўлиши мумкин. Бунда предметнинг хоссасини ифода қилувчи предикаторлар бир ўринли, улар ўртасидаги муносабатларни ифода қилувчи предикатлар кўп ўринли предикаторлар ҳисобланади. Мас., «Ўзбекистон мустақил республикадир» деган мулоҳазада предикатор бир ўринли, «Ўзбекистон Туркия б-н иқтисодий шартнома тузди» деган фикрда «иқтисодий шартнома тузди» предикатори икки ўринли, «Ўзбекистон Сирдарё ва Амударё ораллигида жойлашган» деган фикрда «ораллигида жойлашган» предикатори уч ўринлидир. Мантиқий атамалар (мантиқий константалар) доимий мантиқий қийматга эга бўлиб, гапда дескриптив атамаларни боғлашда ишлатилади. Улар ўзбек тилида «ва», «ҳам», «ҳамда», «ёки», «ёхуд», «барча», «ҳеч бир», «баъзи», «эмас» каби сўзлар орқали ифодаланади ва турли хил (оддий ва мураккаб) ҳукмлар, мулоҳазаларни ҳосил қилувчи элементлар ҳисобланади. Мас., «Ҳеч бир товар қийматсиз эмас» деган фикрда «ҳеч бир», «эмас» мантиқий атамалар бўлиб, уларсиз дескриптив атамаларни— «товар», «қиймат» сўзларини боғлаб бўлмайди. Мантиқнинг формаллашган тилини яратишда С.к. аниқ таърифланиши ва таснифланиши керак. Бунга С.к.ни аниқ рамзларда акс эттириш орқали эришиш мумкин.

СЕМИОТИКА, семиология (*юн.* *sema* — белги, ишора) — белгили системаларнинг хоссаларини ўрганадиган умумий наз-я. Тил белгиларининг энг содда кўринишлари тизимидан тортиб табиий ва сунъий тил белгилари тизимигача барчасини ўз ичига олади ва тадқиқ этади. Тил тизими, асосан қуйидаги вазифаларини бажаради: 1) хабар етказиш ёки фикрни ифодалаш; 2) алоқа, мулоқот вазифасини ўташ, яъни бериладиган хабарнинг тингловчи ёки ўқувчи томонидан тушунилишини таъминлаш ва унга ҳиссий таъсир этиб ҳаракатга ундаш. Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун тил белгилари тизими муайян ички ташкилий хусусиятларга эга бўлиши зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, С. уч асосий қисмга бўлинади: 1) синтактика белгилар тизимининг ички тузилишини (улар бажарадиган вазифаларидан қатъий назар) ўрганади, белгиларнинг маълум тизим доирасидаги тузилиши қоидаларини аниқлайди; 2) семантика—тил белгиларини маъно англатувчи восита сифатида ва уларнинг талқинлари орасидаги ўзаро муносабатларни ўрганади; 3) прагматика—белгилар тузилишининг улардан фойдаланувчиларга бўлган муносабатини тадқиқ қилади. С. услубияти ривожда бир томондан тил белгиларининг маъно англатувчи воситаларга бойлигини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этса, бошқа томондан, кўзга аниқ ташланиб турадиган ички тузилмаларнинг мавжудлигини тадқиқ этиш

катта ўрин эгаллайди. Бугунги кунда С. икки йўналишда ривожланмоқда: 1) ахборотни ишлаш жараёнини қулай алгоритмлаш имконини берадиган сунъий тилларни яратиш (мас., программалаштирилган тиллар, ҳужжатларни индекслаштирадиган тиллар ва ҳ.к.); 2) табиий тилларда матнларни ишлаш имкониятини берадиган алгоритмлар яратиш (машина таржимаси, автоматик индекслаштириш ва ш.к.). Бу соҳаларда С. кибернетика б-н тобора яқинлашиб бормоқда. С.нинг асосий тамойиллари, биринчи марта америкалик мантиқчи ва математик Ч.С. Пирс томонидан белгиланди ва кейинчалик Америка фай.и Ч.У. Маррис томонидан ривожлантириб, муайян бир тизимга солинди. С. масалалари 20-а.нинг 20-й.ларида поляк мантиқчиларининг Львов-Варшава мактаби вакиллари бўлган Ян Лукасевич, Т. Котарбинский, К. Айдукевич, С. Лесневский, Л. Хвистек, А. Тарскийлар томонидан ҳам тадқиқ этилган. С.нинг тиббиётда симптомология, яъни касаллик белгиларини англатадиган фан тушунчаси ҳам мавжуд. У диагностиканинг муҳим таркибий қисмидир.

СЕНЕКА Луций Анней (*тахм.мил ав.* 4 й. — мил. 65 й.) — Рим стоицизмнинг йирик вакили, император Нероннинг тарбиячиси. Унинг кўп асарлари, хусусан «Луцилийга мактублар» номли энг йирик асари бизгача етиб келган. С. таълимоти ўша даврнинг низо-жанжалларини акс эттиради ва ниҳоятда зиддиятли таълимотдир. С. юнон стоикларининг пантеизм ғоясини сақлаб қолган, яъни оламни бир бутун моддий ва оқилона яхлит деб қараган ҳолда маънавий — ахлоқий муаммоларни ишлаб чиқди. Унинг сўзларига қараганда, бу муаммоларни тўғри хал қилиш орқалигина руҳнинг осойишталиги ва вазминлигига эришилади. Ўзининг индивидуалистик ахлоқий наз-ясини жамият ва давлат вазифалари б-н боғлашга уринди. Шунингдек, С. христианлик мафкурасини ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшган.

СЕН-СИМОН (Saint-Simon) Клод Анри (1760, 17.10.—1825, 19.5.) — француз файласуфи, социолог, утопик социал лойиҳа муаллифи. Франциянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Шимолий Америка мустамлакаларининг Буюк Британияга қарши миллий озодлик курашида иштирок этди. 1789 й.ги Француз революциясининг озодлик, тенглик ва қардошлик шиорларини кенг тарғиб этди. Ўзининг дворянлик ва графлик титулларидан воз кечди. 1797 й.дан бошлаб қизгин илмий фаолият б-н шуғуллана бошлади. Франциянинг Политехника ва Маданият мактабларида маъруза тинглади, илм олиш мақсадида, Англия ва Германияда бўлди. С.-С. ҳаётининг сўнгги йилларида С.С.изм илмий тўғарагини шакллантирди, унда Б.П. Анфантек,

С.А.Базар, О.Родриг сингари файласуфлар иштирок этдилар. О.Конт маълум муддат С.-С.нинг илмий котиби сифатида фаолият кўрсатди. С.-С. ўзидан бой илмий-фал-ий мерос қолдирди. Муҳим асарлари: «Женевалик кишининг замондошларига мактуби» (1802), «Инсон тўғрисидаги фан очерки» (1813—16), «Саноат системаси тўғрисида» (1821), «Саноатчилар катехизиси» (1823—24), «Янги христианлик» (1825). Франция революция орқали ўз мақсадига эриша олмаганлигини кўрган С.-С. қашшоқлик туфайли келиб чиққан ва ижтимоий мулкни мулксизлар ўртасида тенг тақсимлашга интилган революциялар жамиятни парокандалик ва бошбошдоқликка олиб келади, деган хулосага келди. С.-С. келгусида бундай парокандаликларга йўл қўймаслик учун илмий ижтимоий тизим яратишни ва уни ҳаётга татбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу мақсадга эришиш йўли С.-С.нинг фикрича, кўпчилик учун фойдали, қашшоқ синф аҳволини яхшилайдиган жамиятга эга бўлишдир. Бу мақсад С.-С.ни тарихий ривожланиш муаммолари б-н шуғулланишга мажбур этди. У француз мутафаккирлари издан бориб, «социал физика» қонунларини, айниқса, И.Нютоннинг бутун жаҳон тортиш қонунини ижтимоий ҳодисалар моҳиятини тушунишга ҳам татбиқ этиш лозим, деган хулосага келди. Табиат ва жамият ривожланишининг қонуний ва объективлиги ғояси ва инсоният ривожланишининг прогрессивлиги ғояси С.-С. фал-ий қарашларининг туб моҳиятини ташкил этади. С.-С. фикрича, тараққиётнинг бош мезони илмий билимлар, ахлоқ, диннинг ривожланишидир. Унинг яна бир кўрсаткичи жамият аъзолари кўпчилик қисмининг фаровонлиги ва бахтидир. Тарих ижтимоий шаклларнинг қуйи босқичдан олий босқичга томон ривожланишида: теологик; метафизик; позитив босқичлардан ўтди. Келгусидаги жамият ўзида саноат системасини муассамлаштирган ижтимоий идеалдир. Саноат системасига ўтиш универсал тарихий қонуният. С.-С. фикрича, саноат системасининг бош принципи — «ҳар қандай паразитизмни бартараф этиш ва жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама ривожлантиришдир. Бу эса жамият бойлигининг кўпайишига, ишлаб чиқариш системасида банд бўлган барча кишилар (ер эгалари, фабрика эгалари, инженер, ишчи, савдогар ва ҳ.к.)нинг манфатлари учун хизмат қилади. С.-С. ўзининг «саноат системаси»ни «янги христианлик» концепцияси б-н тўлдирди. Оддий халқ ижобий фал. моҳиятини тушуна олмайди, шунинг учун ҳам ижобий (позитив) фал.га диний ҳис-туйғу кучини бериш лозим, деб ҳисоблади. С.-С.нинг тарихий-фал-ий қарашлари тарихий ривожланишнинг маъноси ва унинг ҳаракатлантирувчи кучларини тушунишда олға томон ташланган муҳим қадам бўлди. С.-С. француз энциклопедистлари б-н бирга биринчи бўлиб «граж-

данлик жамияти» ва «давлат» тушунчаларини бир-биридан фарқлади, наз-ий жиҳатдан таҳлил қилди; «индустрлаштириш», «индустириал жамият» атама-ларини илмий муомаллага олиб кирди. У биринчи бўлиб жамият ривожланишида ташкилот ва бошқаришнинг аҳамиятига эътиборни жалб этди. С.-С.нинг ижтимоий фал-ий ғоялари социологик тафаккур ривожига кучли таъсир кўрсатди.

СЕНСУАЛИЗМ (лат. *sensus* — ҳис, сезги) — объект-реалликдаги нарса ва ҳодисалар алоқадорлигини ва ўзига хос хусусиятларини билишда ҳиссий билишнинг ролини муғлақлаштирадиган фал-ий таълимот. Инсоннинг сезгилар (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, бадан сезгиси) воситасида билиши нарса ва ҳодисаларга хос бўлган ташқи хусусият, белгиларни фарқлаш, табиий муҳитга мослашиш ва ҳимояланиш учун ёрдам беради. Ҳиссий билиш маълум даражада бошқа мавжудотларга ҳам хос хусусият. Лекин, инсоннинг ҳиссий билишини улардаги ҳиссий билиш б-н тенглаштириб бўлмайди. Инсоннинг ҳиссий билиши деганда биз ундаги сезгиларни, идрокни, тасаввурни тушунаемиз. Инсон билишининг қуйи даражаси бўлган ҳиссий билишнинг бу шакллари нарса ва ҳодисалар, уларнинг маъно-мазмунини ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Демак, С. билиш ҳақидаги чекланган таълимотдир.

СЕХРГАРЛИК (юн. магия) — оламга (табиат ҳодисалари, одамлар, руҳларга) ғайритабиий йўл б-н таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган хатти-ҳаракатлар, С. бидъатлардан иборат. С. кишиларга, предмет, ҳодисаларга сирли кучларнинг таъсир қилишига ишонишдир. Сирли кучлар моҳиятини Б.К.Малиновский, Ж.Фрейзер, Ж.Делла, Порта, Ж.Кардано, Парацельс ва б. тадқиқ қилганлар. Б.К.Малиновский «Сеҳргарлик, фан ва дин» асарида Тинч океани оролларида яшаётган халқларда қулупнай экишда С.га мурожаат этишини кузатган. Балиқчилар ақула овлашда С.дан фойдаланганлар. Кичкина балиқлар тутишда С. шарт эмас, деб тушунганлар. Б.Малиновскийнинг тасдиқлашича, кишилар ўз кучига ишонмаган тақдирда С.га мурожаат этганлар. С. барча динларда маълум унсур сифатида учрайди. Чунки, кишиларнинг кундалик ҳаёти б-н боғланган. С. ҳуйидаги турларга бўлинади: 1) ишлаб чиқариш С. турли қушлар, балиқ овлаш б-н боғлиқ сеҳргарлик, маҳсулотлар тўплаш сеҳргарлиги, яхши ҳосил олиш, кўплаб чорва, уй ҳайвонларидан фойда олиш; 2) севги С. ҳамма халқларда мавжуд. Йиғит ва қизнинг бир-бирига интилиши б-н боғлиқ ҳолларда қўлланилган. Ўзбеклар уни одатда «иссиқ-совуқ» деб аташади; 3) даволаш С.и касалланган одамни даволаш учун қўлланилган. Баъзи одамлар касалликни, ўлимни сирли равишда юборилган

офат, деб билади. Ҳаётда оққўнғил, қалби пок инсонларга яхшилик тилайдиган кишилар б-н бир қаторда бахил, бировларни кўролмайдиган, бошқаларга ёмонлик тилайдиган, ўзидан бошқани билмайдиган, худбин, шухратпараст одамлар ҳам учрайди. Одатда бошқа бировларнинг ютуғи, фаровон ҳаёти, мансаб поғоналарида кўтарилишини кўра олмайдиган одамлар б.га салбий таъсир қилиш учун С. воситаларидан ҳам фойдаланишга интилади. Табиблар ўз фаолиятларида бугли ҳаммом, қонни чиқариб ташлаш, одамни қайт қилдириш каби усуллардан кенг фойдаланганлар. Бу б-н инсон балоқазодан халос қилинди, деб тушунганлар, Шунингдек, одам танасини касалликлардан тозалашда олов ва сувдан, ачиқ моддалардан ҳам фойдаланишган. Шарқ халқларида касалликни дарахтларга ҳам ўтказиш мумкин, деган ишонч ҳам бўлган. 4. Ҳарбий С. одатда ҳарбий жараёнларда душманга нисбатан қўлланилган. Жанг олдида ўтказилган машқларда душман тасвирига найза санчиш б-н бундай С. амалга оширилган. Урушда қатнашувчининг ўзи соғ-омон қолиш учун туморлар тақиб олишлари ҳам ҳарбий С.га кирилади. Бошқалар хавфидан сақланиш учун тумор, кўзмунчоқ, дўлана тақиш одатлари бўлган. У бошқа диний қарашларда ҳам учрайди.

СИГНАЛ — у ёки бу системаларни ҳаракатга келтирадиган импульс. Электрон системаларда С.лар алоқа электр линияларидан ўтади; тирик системаларда эмоционал мазмунга эга бўлган физиологик ёки психологик С.лар. С.ли импульслар реал ҳодисалардир, лекин улар ўзларининг энергетик ёки моддий кодлари б-н эмас, балки ўзининг маънавий мазмуни б-н таъсир кўрсатадилар. С.нинг жисмоний ташувчилари турлича бўлиши, алмашилиши, бир-бирига ўтиши мумкин, С.ларни маъноси эса аввалгидек қолаверади. С.ни ташувчилар принципал аҳамиятга эга эмас; моддий ёки энергетик кўрсаткичлар эмас, балки С.ларнинг маъноси аҳамиятдир. Ҳар бир С. у ёки бу моддий системани актив иш ҳолатига келтиради. С.лар ахбороти—бу материянинг ўзига хос кўриниши, ахборот-масса ва энергия каби моддий жараёнларининг худди шундай объектив хусусияти. Ахборот наз-ясининг тушунчаларига кўра, С. фақат шу системанинг тизимида тўлиқ мос бўлган ҳолдагина, ушбу системада ташкилий функцияни бажара олади. Ҳар қандай кўзгатувчи, ҳар қандай импульс система учун ташкилий С. бўла олмади. Психологияда С. бирон бир ҳодиса ҳақида қабар бераётган ва моддий системани шу ҳодисага нисбатан йўналтирувчи ҳодиса ёки жараён (ташқи ёки ички, англаб олинмайдиган ёки англаб олинмайдиган) деб қаралади. Анализаторлар ва б. қабул қилаётган системалар характерида кўра С.ларнинг: оптик, акустик, тақил, термик, электромагнит, химик, биоритмик ва б.лар турлари фарқ-

ланади. С. тушунчаси англаш жараёнларини ўрганишда умумий ва инженерлик психологиясида, психофизикада, нейропсихологияда, психофизиологияда кенг қўлланилади. Ижтимоий психологияда С. тушунчаси алоқа (коммуникация) жараёнларини ўрганиш, яъни ижтимоий объектларни (б. одамлар, ўзини, гуруҳлар, ижтимоий жамоаларни ва ҳ. к.) инсонлар томонидан англаш, тушуниш, баҳолаш имконини беради. И.П.Павлов С. лар системаси наз-ясини яратди. Билиш жараёнида ташқи олам инсон томонидан: **энергетик** (нерв уячаси импульсини инсон хаёлида предмет образига айлантириш-С.нинг изоморф акси) ва информацион (инсоннинг олам б-н ўзаро муносабати ва унинг ахборот алмашиш субъекти ва объекти сифатида коинотдаги ўрни, яъни С.ларнинг инсон миясида акс этиши) аспектда акс этирилади. С.лар бир-бири б-н изоморф (маъно жиҳатидан бир хил) таққосланиши б-н реал ҳолда ўтказилиши мумкин.

СИЁСАТ (юн. «politik» — давлатни бошқариш санъати, давлат ёки ижтимоий иш) — давлатни идора этиш услуби, санъати; жамият ва давлат тўғрисидаги фан. С. ўзи табиати, мақсади ва амалга ошириш услублари, манфаатларни ифода этиш даражаси б-н фарқланади. «Холис» ёки «нохолис С.», «демократик С.» ёки «тоталитар С.» ва ш.к. кўринишларда намоён бўлади. С. мамлакатлар, халқлар тараққиётига ҳар хил таъсир кўрсатади. У ижобий ёки салбий рол ўйнаши мумкинлигини собиқ мустабиб тузум тажрибасидан ва айрим давлатлар ҳаётинан билиб олиш мумкин. С. турли-ижтимоий гуруҳлар, кучлар манфаатини ўзаро уйғунлаштириш б-н боғлиқ ҳолда кечади. Акс ҳолда, сиёсий ҳаётда бошбошдоқлик, парокандалик қабилардан иборат сиёсий таназзул ҳолати юзага келиши мумкин.

СИЁСАТШУНОСЛИК — политология сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш қонуниятлари, категориялари тушунчалари; сиёсий ҳаёт оқими, бошқарувчилар б-н бошқариладиганлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, бетўхтов содир этиладиган сиёсий жараёнлар моҳияти, мазмуни, асосий йўналишлари; жамиятни сиёсий бошқариш маҳорати; давлат ҳокимияти ички-ташқи сиёсатини юритишнинг наз-ий-амалий асослари ҳақидаги фан ва билим соҳаси. Сиёсат б-н шуғулланиш жараёнлари давлат ҳокимияти механизмининг шаклланиши б-н бошланган бўлиб, ибтидоий даврлардан бошлаб амал қила бошлаган. Кейинчалик Шарқ давлатчилиги (Миср, Бобил, Шумер, Аккад, Мидия, Форслар давлати, Ассирия, Урарту), Юнон полислари, Рим республикаси, Бақтрия, Хунлар давлати, Парфия, Қушон давлатларида амал қилган ҳокимият технологияси муаммоларини ўрганиш, улар ечимини топишга интилиш, сиёсий билимлар ва уларнинг наз-

ий-методологик асосларини яратиш зарурияти вужудга келди. Жамиятни сиёсий бошқариш ва унинг маҳорати ҳамда санъати тўғрисидаги дастлабки сиёсий ғоялар ва таълимотлар, қонун-қоидалар мажмуи яратилиб, амалиётга киритила бошланди. Хамураппи қонунлари, Ману қонунлари, Авестода ифода этилган жамият сиёсий ҳаётининг тартиб-қоидалари, Ликург, Драконт, Солон қонунлари, Конфуций, Суқрот, Платон, Аристотель сиёсий таълимотлари, Юстиниан кодекслари, Темур тузуқлари, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур сиёсий қарашлари ва Ер куррасининг турли ҳудудларида вужудга келган сиёсий фикр-мулоҳазалар, ғоялар, таълимотлар мажмуи, Европа Уйғониш даври сиёсий мутафаккирлари ишлаб чиққан сиёсий қарашлар ҳозирда шаклланиб, кенг кўламда амал қилаётган С. билим соҳасига манба бўлиб хизмат қилди. С. даставвал сиёсий фал. бағрида, кейин эса сиёсий социология таркибида, қисман, сиёсий тарих, сиёсий таълимотлар тарихи, юриспруденция таркибий қисмлари сифатида тадқиқ ва таҳлил этилиб, ўрганилди ва ўқитилди. Лекин Ер юзида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумлашуви, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг уйғунлашуви натижасида ривожланган мамлакатлар шароитида С.ни алоҳида билим соҳаси сифатида ажратиб ўрганиш ва ўқитишга эҳтиёж сезилди. Шунинг учун ҳам 19-а.нинг охириларида АҚШда, кейинчалик Франция, Италия, Германия, Бельгия, Голландия каби мамлакатларда бу фан ва билим соҳасига алоҳида эътибор берилиб, унинг илмий мактаблари ва илмий-тадқиқот марказлари вужудга кела бошлади. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари натижалари шуни кўрсатдики, ҳар бир мамлакат доирасида ҳам, жаҳон сиёсий донишмандлик ва унинг заминида вужудга келиши мумкин бўлган сиёсий муроса (консенсус) халқаро муносабатларни уйғунлаштириш, халқаро хавфсизликни таъминлашга ва халқаро ҳамкорлик қилишга хизмат қилиши қутилмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда жаҳон ҳамжамияти ҳар қандай катта-кичик урушларнинг олдини олиш механизмларини ишга солиб, барча муаммоларни тинч сиёсий воситаларда ҳал қилиш учун мустаҳкам замин яратишда сиёсий билимларни демократик кадриятлар б-н мутаносиб боғлаган ҳолда ҳар бир инсон сиёсий онги даражасини ва сифатини ошириш зарурлигини англади. БМТ қошида 1949 йилда Сиёсий фанлар халқаро уюшмасининг таъсис этилиши ҳам айнан шу мақсадни кўзлаган эди. Мазкур уюшманинг дастур ва низомида имзолаган ҳар бир БМТ аъзоси бўлган давлат ўзида С. фанини ўқув юртларида ёшларга ўқитиб ўргатиш, журнал ва ўқув қўлланмалари нашр қилиш, илмий-тадқиқий марказларни очиш мажбуриятини олган эди. Ҳозирги кунда БМТга аъзо бўлган барча ривожланган мамлакатлар ўқув юртларида С. энг ну-

фузли ва обрўли ижтимоий фан сифатида кенг ўқитилади ва тарғиб этилади, журналлар, рисо­ лалар, монографиялар нашр қилинади, илмий тадқи­ қот марказлари ишлаб турибди. С.нинг категория­ лари, тушунчалари, қонуниятлари моҳият-мазму­ ни, улар тизими, илмий тадқиқот услублари кенг ва ранг-баранг кўриниш ва шаклларда турли мамла­ катларнинг С. олимлари томонидан ишлаб чиқил­ ган ва амалиётга киритилиши тавсия этилган. С.нинг методологик асосини сиёсий фал. ва сиёсий социо­ логия ташкил этади. Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг С. фани олий таълим тизими­ га киритилди.

Сиёсат б-н шуғулланиш жараёнлари давлат ҳоки­ мияти механизмининг шаклланиши б-н боғлиқдир. Жамиятни сиёсий бошқариш ва унинг маҳорати ҳам­ да санъати тўғрисидаги дастлабки сиёсий ғоялар ва таълимотлар узоқ тарихга эгадир. Хаммурапи қонун­ лари, Ману қонунлари, Авестода ўз ифодасини топ­ ган жамият сиёсий ҳаётининг тартиб-қоидалари, Ликург, Драконий, Солон қонунлари, Конфуций, Суқрот, Платон, Аристотелнинг сиёсий таълимот­ лари, Юстиниан кодекслари, Темур тузуклари, Фо­ робий, Беруний, Ибн-Сино, Улуғбек, Навоий, Бо­ бур сиёсий қарашлари, шунингдек, жаҳоннинг турли ҳудудларида вужудга келган сиёсий таълимотлар, уйғониш даври сиёсий мутафаккирлари ишлаб чиқ­ қан сиёсий қарашлар П. фани учун асос бўла олади. П. даставвал сиёсий фал. бағрида, кейин эса сиёсий социология таркибида, қисман сиёсий тарих, сиё­ сий таълимотлар тарихи, юриспруденция таркибий қисми сифатида шаклланди. Лекин ер юзида ижти­ мий ишлаб чиқаришнинг умумлашуви, ижтимо­ ий-сиёсий муносабатларнинг уйғунлашуви натижа­ сида ривожланган Ғарб мамлакатларида П.ни ало­ ҳида билим сифатида ажратиб ўрганиш ва ривож­ лантириш эҳтиёжи сезилди. Шунинг учун ҳам 19- а.нинг охиригача келиб АҚШ да, кейинчалик Франция, Италия, Германия, Белгия, Голландия каби мамлакатларда П.нинг илмий мактаблари ва илмий-тадқиқот марказлари вужудга кела бошлади. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг аччиқ сабоқлари ҳар бир мамлакат доирасида ҳам, жаҳон сиёсати кўламида ҳам сиёсий донишмандлик зами­ нида вужудга келиши мумкин бўлган сиёсий муро­ са (консенсус)ни халқаро муносабатларга кўчириш­ ни халқаро хавфсизликни таъминлаш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб этди. Шуни ино­ батга олган ҳолда жаҳон ҳамжамияти ҳар қандай катта-кичик урушларнинг олдини олиш механизм­ ларини ишга солиб, барча муаммоларни тинч сиё­ сий воситаларда ҳал қилиш учун мустақкам замин яратишда сиёсий билимларни ривожлантириш зар­ рурлигини ангадилар. 1949 й. БМТ қошида «Сиё­ сий фан халқаро уюшмаси»нинг таъсис этилиши ҳам шу мақсадни кўзлаган эди. Ҳоз. пайтда БМТга

аъзо бўлган барча ривожланган мамлакатларнинг ўқув юртларида П. энг нуфузли ва обрўли ижтимо­ ий фан сифатида кенг ўқитилапти. Бу фан масала­ лари бўйича илмий журналлар, рисо­ лалар, моно­ графиялар нашр қилинапти, илмий-тадқиқот мар­ казлари ишлаб турибди. Шу жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртларида П. фани кенг ўқитилиб, янгидан нашр этилаётган ўқув қўлланмалари ва дарсликлар воситасида ёш авлод сиёсий билимларини ошириш, сиёсий онг даража­ си ва сифатини замон талаблари даражасига кўта­ ришга алоҳида эътибор бериляпти.

СИЁСИЙ ВАЗИЯТ — жамиятнинг сиёсий ҳаётида вужудга келган объектив шарт-шароитлар ва субъек­ тив омиллар йиғиндиси. С.в. нафақат сиёсий жара­ ёнларнинг актуал ҳолатини, балки сиёсий онг ҳола­ тини ҳам ўзида ифода этади. С.в. деганда, бир то­ мондан жамият сиёсий ҳаётининг қиёфаси, унда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар ва б. сиёсий кучларнинг ҳолати, давлат ва сиёсий ин-тларнинг реал имкониятлари, фуқа­ роларнинг сиёсий кайфиятлари англа­ нса, иккинчи томондан, шу даврда мавжуд бўлган сиёсий ғоялар, концепциялар ва наз-ялар тушунилади.

СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР — давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишга хизмат қилади­ ган давлат муассасалари, сиёсий партиялар ва жа­ моат ташкилотлари. С.и. сиёсий ҳаётни ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос шакли бўлиб, жамиятдаги сиёсий алоқалар ва муносабатларнинг узвийлигини таъминлайди. С.и. қатор сиёсий аҳами­ ятга эга вазифаларни бажаради: жамият аъзолари­ нинг турли-туман сиёсий эҳтиёж ва манфаатлари­ ни қондиради, сиёсий муносабатларни мувофиқ­ лаштириб ва назорат қилиб боради, турли сиёсий гуруҳлар ва синфларнинг сиёсий манфаатлари уй­ гунлаштиради. С.и. фаолияти жамиятда қабул қилин­ ган сиёсий норма ва принциплар асосида, жамият­ даги сиёсий тузум ва сиёсий структурага мос ра­ вишда амалга оширилади.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ — сиёсий онг ва сиёсий фаолият бирлигини ифодалайди ва шахс, ижтимо­ ий гуруҳ ёки бутун жамиятнинг ижтимоий тузумга, ҳоқимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва таш­ қи сиёсатга муносабатини акс эттиради. У яхлит система бўлиб, ўзида бир талай компонентлар ва элементларни бирлаштиради. С.м. билиш, баҳолаш, хулқ — атвор ва фаолиятда намоён бўлиш каби уч жиҳатдан иборат. Уларнинг ҳар бири бир неча ком­ понентлардан таркиб топади. Билиш жиҳати ўзида сиёсий билимлар, сиёсий тафаккур, сиёсий хабар­ дорлик, сиёсий онглик каби компонентларни му­ жассамлаштирса, баҳолаш жиҳати сиёсий мулоҳа­

залар, сиёсий кайфиятлар, сиёсий қадриятлар, сиёсий нормалардан ташкил топади. Хулқ-атвор жиҳати ижтимоий-сиёсий дастурларга асосан амалга ошириладиган фаоллик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналмилаллик каби компонентларни қамраб олади. С.м.нинг негизини сиёсий эътиқод ташкил этади. С.м. турли шакл ва даражаларда номоён бўлади. Зеро, С.м. жамият даражасида (фуқаролар сиёсий маданиятини ошириш учун замин яратувчи шарт-шароитларни ўрганиш), ижтимоий гуруҳ даражасида шу гуруҳнинг жамият сиёсий ҳаётига иштирокини таҳлил этиш, шахс даражасида унинг сиёсий ривожланиш жараёнини ва сиёсий фазилатларининг шаклланишини тадқиқ этиш орқали кўриб чиқилиши мумкин.

СИЁСИЙ ОҚИМЛАР — жамият сиёсий ҳаётида содир бўлаётган сиёсий жараёнларда мустақил мақомда ёки бирор сиёсий уюшма таркибида ўзининг алоҳида манфаатларини ифода этувчилар. Жамият ижтимоий тизими қанчалик мураккаб ва ранго-ранг ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлардан ташкил топган бўлса, унда мақсад-манфаатлар хилма-хиллиги шунчалик кенг ва зиддиятли равишда номоён бўлади. Демак, улар туб мақсад-манфаатларни ифодаловчи сиёсий кучлар сифатида ҳар бирига тегишли даражада С.о. вужудга келиб, жамият сиёсий ҳаётида ўрин эгаллайди ва ўзига хос кураш дастури асосида сиёсий фаолият юргизади. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаёти рағнақ топиб ва барқарорлашиб боргани сари мақсад-манфаатлар уйғунлашуви ва муштарақлашуви жараёнлари тезлашиб, С.о. ҳам йирик сиёсий партиялар, ҳаракатлар атрофида жипслаша борадилар ва улар миқдори жамият сиёсий ҳаётида тобора камайиб боради, жамиятни демократиялаштириш даражаси ва сифати қанчалик юқори бўлса, С.о. фаолиятига шунчалик эҳтиёж қолмайди. Ҳоз. умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар устуворлиги қонуни амал қилинаётган даврда ҳар бир мамлакат сиёсий ҳаётида сиёсий кучлар мужассамлашуви (консолидациялашуви)га объектив мойиллик жараёнлари тезлашиб бориш давр талабидир.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ — жамиятда мавжуд бўлган турли гуруҳлар, ёки табақаларнинг сиёсий эҳтиёж ва манфаатларини, интилиш ва орзу-умидларини ифодаловчи сиёсий ин-т. С.п. жамият сиёсий тизимида алоҳида ўрин тутади. У жамиятда турли сиёсий манфаатлар вужудга келиши б-н шакллана бошлаган. Бутунги кунда С.п.лар давлат ҳокимиятини амалга оширишда қулай вазиятни эгаллаш, жамиятнинг сиёсий ҳаётига самарали таъсир кўрсатиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. С.п. жамиятда демократиянинг шаклланганлиги даражасини кўрсатувчи мезон ҳамдир. Тоталитар жамият шароитида одатда бир

С.п. фаолият кўрсатади, шу сабабли барча ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг сиёсий эҳтиёж ва манфаатларини ифодалаш имкони бўлмайди. Инсонпарвар, демократия шароитида турли табақаларнинг сиёсий манфаат ва эҳтиёжларини қондириш зарурияти кучли бўлгани сабабли сиёсий тизимда бир неча С.п.лар фаолият кўрсатадилар.

СИЁСИЙ ТАРБИЯ — ижтимоий тарбиянинг сиёсий онг ва маданиятни шакллантиришга қаратилган муҳим шаклларида бири. С.т. жараёнида шахснинг сиёсий онглилик даражаси орта боради, сиёсий фаоллиги кучаяди. С.т.вий ишларнинг моҳияти шахс онгининг умумий таркибида етакчи ўринга эга бўлган ва муҳим аҳамият касб этадиган сиёсий онгни шакллантиришдан иборат. Айни пайтда турли қарашлар ва ғояларнинг наз-ий жиҳатдан ўзлаштирилиши ҳали инсон ғоявий-сиёсий мавқеининг мустақамлигидан далолат бермайди. Бу ғоялар ва қарашлар эътиқодга айланмоғи лозим, чунки эътиқод шахсни қадриятларга бўйсундиради, ҳаётини позициясини шакллантиради. Шу боисдан, С.т. сиёсий онгни шакллантириш ва сиёсий онглиликни тарбиялаш б-н чекланмасдан, сиёсий билимларнинг шахс сиёсий эътиқодига айланишини, уларнинг сиёсий фаолиятда қўлланишини таъминлашга ҳам имкон беради.

СИЁСИЙ ТАФАККУР — жамиятдаги мавжуд сиёсий муносабатлар, наз-я ва қарашларни ўзида акс эттирувчи сиёсий онг шакли. С. т. жамиятда сиёсий муносабатлар, яъни давлат, ижтимоий табақалар, синфлар, элатлар таркиб топганидан кейин вужудга келади. Жамият ҳаётида ижтимоий меҳнат тақсмоти (яъни ақлий меҳнат кишиларнинг жисмоний меҳнат кишиларидан ажралиб чиқиши) туфайли С.т. шаклланиши учун зарур шароит юзага келади. Алоҳида олинган шахснинг жамиятдаги сиёсий кучлар (кишиларнинг тарихий бирликлари, жамият, давлат, сиёсий ташкилотлар) га бўлган ўзига хос муносабатларнинг шаклланиши орқали ана шу муносабатларнинг сиёсий онгида С. т. бўлиб рўёбга чиқади. С. т., ўз навбатида муайян ижтимоий гуруҳлар синф ва табақаларнинг сиёсий манфаатларини ўзида акс эттиради. С. т. маълум ижтимоий кучларнинг сиёсий манфаатларини тўлароқ акс эттириши туфайли ана шу гуруҳларнинг сиёсий мафкураси шаклланиши мумкин. Б. Рассел томонидан 1955 й.да илгари сурилган «Янгича сиёсий тафаккур» услуби умуминсоний манфаатларнинг бошқа ҳар қандай манфаатлардан устиворлигини эътироф этишга қаратилади. «Янгича сиёсий тафаккур» тамойили дунёнинг янгича фал-ий талқини (тафаккури) дан келиб чиқиб, ижтимоий ҳодисаларга бутунлай янгича баҳо беришга олиб келди. Б. Рассел томонидан илгари сурилган бу тафаккур услуби аслида кишиларни

минтақавий, миллий, синфий, диний, ирқий, ва б. шаклдаги худбинликлардан воз кечишга, уларни умуминсоний қадриятлар атрофида жипслашишга ундайди. Жамият тараққиётининг туб бурилиши даврларида, одатда, кишилар онгига фикрлаш та-мойилини қарор топтириш зарурияти пайдо бўлади. Янгича фикрлаш асосида ётадиган бир қатор омил-лардан бири янгича С.т.дир.

СИЁСИЙ ТИЗИМ — жамиятдаги муайян сиёсий функцияни бажарадиган ижтимоий ин-тлар тизими С.т.нинг икки даражаси мавжуд: мамлакатнинг сиё-сий тизими ва халқаро сиёсат тизими. Биринчиси у ёки бу жамиятнинг сиёсий соҳасини қамраб олса, иккинчиси бутунжаҳон ҳамжамиятини ўз ичига ола-ди. С.т.да ҳал қилувчи бўғин вазифасини давлат ўтай-ди. Чунки давлатсиз ҳеч қандай сиёсий системанинг бўлиши мумкин эмас. С.т.га давлатдан ташқари сиё-сий партиялар, турли ижтимоий-сиёсий ташкилот-лар, сиёсий таъсир кўрсатиш қўмиталари, турли ин-тлар ва зарурий қарор қабул қилиш имконини берувчи механизмлар киради. Ушбу ин-тларни таш-кил этиш тамойиллари жамиятнинг сиёсий тузуми-ни белгилайди.

СИЁСИЙ ЭЪТИҚОД — инсон сиёсий ҳис-туйғу-лари, сиёсий билимлари ва сиёсий хатти-ҳаракат-ларининг ҳосиласи. С.э.нинг энг муҳим хусусияти шахснинг сиёсий ҳокимиятга, давлат ички ва таш-қи сиёсатига муносабатини ифодалашдан иборат. Шунингдек, С.э. шахс сиёсий маданиятининг неги-зини ташкил этади. С.э. шахс онгининг бир-бирига боғлиқ бўлган уч даражасини ўз ичига олади. 1) у қатор сиёсий қоидаларни қамраб оладики, бу қоида-лар бевосита сиёсий мафкурадан келиб чиқади. 2) С.э. шахс қарашларини онгли равишда шу қоидалар б-н таққослаш ҳолатларини ўз ичига олади. 3) Шахс сиёсий мафкура талаблари асосида фаолият кўрс-атишга тайёр бўлганидагина С.э. шаклланади.

СИЛЛОГИЗМ (*юн. syllogismos* — яқунламоқ, хуло-са чиқариш) — хулоса чиқаришнинг шундай шак-лики, унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи — янги қатъий мулоҳаза зару-рий тарзда келиб чиқади. Бунда дастлабки мулоҳа-залардан бири албатта ё умумий тасдиқий мулоҳаза ёки умумий инкор мулоҳаза бўлади. Ҳосил қилин-ган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан ум-умийроқ бўлмайди. Шунга кўра, С.ни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, деб аташа бўлади. С.нинг таркиби хулоса асослари (*praemissae*) ва хулоса (*conclusio*) дан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар терминлар деб аталади. Ху-лосанинг мантиқий эгаси — *s* — кичик термин (*terminus minor*), мантиқий кесими — *P* — катта термин (*terminus major*) деб аталади. Хулоса асосла-

ри учун умумий бўлган, лекин хулосада учрамайди-ган тушунча — *M* — (*terminus medius*) ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига ол-ган мулоҳаза катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мулоҳаза кичик асос деб аталади. С. аксиома-нинг моҳияти қуйидагича: буюм ва ҳодисаларнинг синфи тўғрисида тасдиқлаб ёки инкор этиб баён қилинган фикр шу синф ичига кирувчи барча буюм ва ҳодисаларнинг ҳар бири ёки айрим қисмига ҳам тааллуқли бўлган тасдиқ ёки инкор фикр ҳисобла-нади. С.дан мантиқда, одатда дедуктив хулоса чиқ-аришнинг кўпроқ оддий қатъий С.ни ифода қилиш учун фойдаланилади. С.нинг терминлари ва асосла-рига тааллуқли бўлган қоидалар қуйидагилардан ибо-рат:

1. С.да учта термин: катта, кичик ва ўрта терминлар бўлиши керак. Ўрта термин ҳеч бўлмаганда асослар-дан бирида тўла ҳажмда олинishi керак.
2. Катта ва кичик терминлар асосларда қандай ҳажм-да олинган бўлса, хулосада ҳам шундай ҳажмда бўли-ши керак.
3. Икки инкор ҳукмдан (асосдан) хулоса чиқариб бўлмайди. Асослардан бири инкор ҳукм бўлса, ху-лоса ҳам инкор ҳукм бўлади. Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий ҳукм бўлади.

СИЛЛОГИЗМНИНГ ФИГУРАЛАРИ ВА МОДУС-ЛАРИ — оддий қатъий силлогизмнинг структура-сида ўрта терминнинг жойлашишига қараб силло-гизмнинг тўртта фигураси фарқ қилинади.

I фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати бўлиб келади;

II фигурада ўрта термин катта ва кичик асослар-нинг предикати бўлиб келади;

III фигурада ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти бўлиб келади;

IV фигурада ўрта термин катта асоснинг предика-ти, кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.

Силлогизм фигураларининг ўзига хос модуслари мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри модусларини аниқлашда, тўғри хулоса чиқаришда силлогизм-нинг умумий қоидалари б-н бирга ҳар бир фигу-ранинг махсус қоидаларига ҳам амал қилинади. Фигураларнинг махсус қоидалари силлогизм тер-минларининг ўзига хос боғланиши асосида аниқ-ланади.

Оддий қатъий силлогизмнинг биринчи фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

I фигуранинг тўртта тўғри модуси мавжуд: *A A A*, *E A E*, *A I I*, *E I O*.

Оддий қатъий силлогизмнинг II-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак.

II фигуранинг тўртта тўғри модуси мавжуд: AEE, EAE, AOO, EIO.

Оддий қатъий силлогизмнинг III-фигурасининг битта махсус қондаси бор: кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

III-фигуранинг тўғри модуслари олти: AAI, AII, IAI, EAO, EIO, OAO.

Оддий қатъий силлогизмнинг IV-фигураси қуйидаги махсус қондаларга эга:

1. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукм бўлади.

2. Катта асос тасдиқ ҳукм бўлса, кичик асос умумий ҳукм бўлади.

IV-фигуранинг бешта тўғри модуси мавжуд: AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.

СИМВОЛ (юнон. «symbolon» — рамз, шартли белги, тамға ёки нишон) — ўз табиатига кўра, моддий ёки маънавий ҳодиса бўлиб, муайян мавҳум гоё ёки тушунчани ҳиссий образли — тимсол тарзида ифода этади. С., оддий ёзма ёки товушли тил белгиларидан фарқли ўлароқ, оламнинг у ёки бу ҳодисаси эмас, балки билвосита — ҳиссий ёки мантиқий образ воситасида инсон учун муайян мавҳум тушунча шаклида аке эттиради. Сларнинг моддий исми, у ифода этувчи тушунча ёки мазмунга нисбатан барқарор бўлиб, фақат муайян гоё ёки маънони англатиш учунгина фойдаланилади. Слар, гоҳида, бутун бир сўз гапни ҳам ифода этиши мумкин. Бу нарса Сларнинг такомиллашган кўриниши — иероглифларда ифодаланган. Мас., Хитой иероглифлари шулар жумласига киради. Инсоният тарихида пиктография ёки расмли хат ҳам муҳим ўрин тутади. Сларнинг нарса ва ҳодисаларни қулай ва тежамли ифодалаш хусусияти қад. Рим ва Юнонистонда илк бор илмий тадқиқ этилган бўлиб, стоицизм оқимининг намоёндалари — Луций Анней Сенека, Зенон, Хриссипп ва айниқса, Аристотелнинг ҳиссаи беқиёс бўлган. Шарқ илм — фанида машҳур аждодларимиз — Насириддин Тусий, Абу Али ибн Сино ва б., С. ва белгиларнинг гносеологик имкониятлари хусусида қимматли фикрлар билдиришган. С., белги масаласи, 19-а.нинг иккинчи ярмига келиб, яна кун тартибига қўйила бошланди. Бу жараён, айниқса, математик ёки С.ик логика фанининг шаклланиши б-н бирмунча тезлашди. Математика Сларининг эвристик имкониятлари илмий тафаккур, фан ва техникани тараққий эттириш, инсон билиши чегараларини кенгайтириш вазифаларини ҳал қилиш учун бениҳоя кўл келади. Прагматизмнинг асосчиларидан бири — Чарльз Сандерс Пирс ва бихевиоризм фал.сининг намоёндалари Чарльз Моррис, Ричердс ва Огденларнинг Слар ва белгиларнинг умумий наз-яси — семиотикага асос солганликлари фан тарихида муҳим ўрин тутади. Сларнинг чексиз имкониятларидан ком-

пьютерлаштириш, роботлаштириш, автоматик бошқарув тизимларини вужудга келтириш, оммавий ахборот тизимлари фаолиятини такомиллаштиришда кенг фойдаланилади.

СИМВОЛИЗМ (юн. *symbolon*) — 19-а. охири-20-а. бошларида вужудга келган адабий-фалсафий оқим. С. дастлаб Францияда, ижтимоий ҳаракатлардаги тушкунлик оқибатида вужудга келди. (П.Верман, А.Рембо каби шоирлар, П.Фор ва б.), кейинчалик Европанинг б. мамлакатларига ёйилди. (К.Бельмонт, Д.Мережковский, З.Гиппус, Ф.Сологуб, А.Белий, қисман А.Блок, В. Брюсов, М.Врубель, В.Митерхольд ва б. ижодида кўзга ташланади). Символистар бирор тушунчани, ҳодисани ифодаловчи ёки эслатувчи шартли белгини бадиий ижод асоси ҳисоблаб, мавжуд оламни билиш, тушунишда у восита бўлиб хизмат қилади, деб қарайдилар. С. оқими объектив ҳақиқатни билиш мумкин эмас, деб ҳисобловчи А.Шопенгауэр, Э.Мах ва неокантчилар фал.сига асосланади. С. индивидуализмни, мистицизмни ташвиқ қилди, ҳаёт кўринишларини «нариги дунё»нинг символлари сифатида кўрсатади, бу олам «ҳақиқий дунё»нинг ёлгон кўринишларидан иборат, деб ҳисоблайди. Кўпчилик символист адибларнинг асарлари киноя ва имо-ишораларга тўлиб-тошган, символист шоирлар шаклбозликка берилиб, чуқур мазмунга эга бўлмаган, тушуниш қийин бўлган асарлар, шартли ва умумлаштирилган образлар яратдилар, шеъриятнинг махсус тилини яратишга уриндилар. Адабий оқимнинг номи сифатида С. терминини дастлаб француз шоири Жон Мереас (1856—1910) қўллади ва наз-ий асослаб берди. С. доктринасига кўра, ҳар бир нарсада гоё яширинган, уни санъат, аввало мусиқа, мусиқавий шеъриятгина тушунтира олади, шеърият билимнинг энг олий шакли бўлиб, динга яқин, унинг ижодкори эса илоҳий қудратга эга, оламда ҳамма нарсанинг мазмуни символ орқали англашилади, шоир бу соҳада таржимон вазифасини ўтайди. С. тасвирий санъатда *модерн* услуби б-н узвий боғлиқ бўлиб, символист рассом, ҳайкалтарошлар, уларни ўзлари айтганларидек, асарларида «билиб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган дунёнинг иллюзияларини ифодаладилар», аслида эса тушуниб, фаҳмлаб бўлмайдиган беўхшов асарлар яратдилар. 20-а.да турли-туман бадиий оқимлар (эмпрессионизм, сюрреализм, футуризм ва б.)да С.нинг таъсири бўлди. Символист театр арбоблари шаклбозликка берилиб, мавҳум, схематик образлар орқали инсонни тақдир ва ўлим олдида ожиз қилиб кўрсатдилар. Умуман, символистар санъатни ҳаётдан узоқлаштиришга, ҳаётий ҳақиқатдан кўз юмишга интилдилар, бадиий асарларни реал борлиққа, асар тилини умумжаҳон тилига қарама-қарши қўйдилар.

СИНЕРГЕТИКА — ўз-ўзини бошқариш, ночизиқли ҳодисаларни ўрганиш, ўз-ўзидан ташкил бўлиш наз-яси. Оламни янгича изоҳлашга қаратилган, мураккабликни ўрганадиган, табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби. С. илмий йўналиш сифатида 20-а.нинг 60-70-й.ларидида шаклланди. Унинг шаклланишида Г.Хакен, И.Пригожин, И.Стенгерс, Г.А.Николис, Климотовичларнинг хизмати катта бўлди. С. асосан физика, кимёвий, биологик ҳодисаларнинг ҳамда иқтисодий, техник, ижтимоий жараёнларнинг ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, тартиблиликдан тартибсизлик (хаос)га ўтиши, чизиқли ва чизиқсизлик каби ҳолатларнинг моҳияти ва қонуниятларини изоҳлайди. 20-а.нинг иккинчи ярмида табиий ва ижтимоий фанлардаги ютуқлар натижаси ўлароқ, объект ва субъект, маънавийлик ва моддийлик, тадқиқотчи ва тадқиқот объекти, кузатувчи ва асбоб (прибор), табиат ва жамият, инсон ва табиат, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашув шакллани бошлади. С. ана шундай ёндашув моҳиятини тушунтиришга қаратилган таълимот ва илмий билиш методи сифатида вужудга келди. С. тараққиётнинг эволюцион тамойилини асос қилиб олди. Эволюцияга борлиқнинг умумий қонуни сифатида, инсон б-н табиат ўртасидаги муносабатларнинг ифодаси, деб қарайди. С. тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат б-н барқарор ҳолат ўртасидаги алоқадорликка алоҳида эътибор беради. С. мактабининг асосчиларидан бири И. Пригожин ўзининг «Беқарорлик фалсафаси»да бу ҳақда батафсил тўхталди. Унинг фикрича, шу вақтга қадар беқарорлик тушунчаси салбий маънода ишлатиб келинган ва унинг асл моҳиятига етарли эътибор берилмаган. У беқарорликни борлиқнинг муҳим жиҳати сифатида талқин этади. Мас., маятник ҳаракатига эътибор берсак, унинг бир меъёрда тебранишини кузатиш мумкин, агар маятникни тўхтатсак, дастлабки барқарор ҳолатига қайтади, агар тўнтариб қўйсак, у ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради, бу ҳолат беқарорликдир. С.да беқарорлик ва тартибсизлик категорияларининг ўзаро муносабати ҳам ўрганилади. Ҳар қандай эски система янги система б-н алмашинар экан, аввало беқарорлик, тартибсизлик юз беради. Бундай ҳолатнинг рўй беришида оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. С. янги дунёқараш куртаги сифатида «чизиқсиз» тафаккур тарзидир. Илк бор «чизиқли» ва «чизиқсиз» тушунчалари математикада ишлатилган бўлса, 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб, физика фанида ҳам муваффақиятли қўлланила бошланди. Агар диалектика таълимот сифатида кўпроқ чизиқлилик тафаккурига асосланган бўлса, С. чизиқсизлик тамойилини ёқлайди. Ушбу тамойил тараққиёт олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан кетмай, ҳар бир нарсанинг ички бир хусусияти ва таш-

қи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги ва бетакорор йўлдан боришини кўрсатади.

СИНКРЕТИЗМ (юн. synkretismos — бирлаштириш, қўшиш) — бирон бир ҳодисанинг қисмларга бўлинмаслигини, ривожланмаганлигини ифодаловчи тушунча. Мас., инсоният маданиятининг илк босқичларида мифология, дин, фал. синкретик характерга эга эди; санъатнинг қатор турлари: қўшиқ, мусиқа, театр, рассомлик ва ҳ.к. бир-биридан ажралмаган, яъни синкретик эди. Бола ривожланишининг илк босқичларида психик функцияларнинг бир-бири б-н қўшилганлиги ҳам С.га мисол бўлади. Хилма хил элементларнинг сунъий равишда, ноорганик (нотабий) қўшилиши. Мас., фал.да эклектика С.нинг бир кўринишидир.

СИНТАГМА (юн. syntagma — биргаликда тузилган, бирлаштирилган, уюштирилган) — фан тараққиётида янги босқич. (фақат сунъий ақл, сунъий интеллектгагина тааллуқли эмас).

С. қандайдир бир ёки бир неча фан, илмий йўналиш асосида ҳал қилиб бўлмайдиган ўша мураккаб номунтаосибликни ўзига хос системаси таркибида структуравий тузилишидан, келиб чиқишига кўра маълум масалалар мажмуи ечимини топишга қаратилган махсус билимлар тизими.

1. Муайян вазиятда ургу-маъно бирлигини ифодаловчи бир ёки бир неча сўзлар гуруҳи, бир гапдан ташкил топиши ҳам мумкин.

2. Мураккаб тип ифодаси сифатида морфема — сўзнинг маъно англатувчи қисмларга бўлинмайдиган ўзак, асосан, иккинчи даражали сўзларнинг маълум кўринишидаги (М: аниқловчи□) боғланиши. С. турли соҳаларни механик тарздаги яқинлаштирилишидан эмас, балки улар ичидан аниқ натижалар блокинни методлар шодасини вужудга келтириб муаммоли, ранго-ранг ва ноаниқ бўлган масалалар мажмуини ўзига хос ҳал қилишда фойдаланилади. Бундай муаммолар мажмуининг вужудга келиши ва уларни ҳал этиш зарурати билишнинг ўзига хос тарзда номланишига сабаб бўлиши мумкин. М: сунъий интеллект.

Бизга маълумки мутахассис-олимлар сунъий интеллект (ақл) яратиш жараёнида психология, математика, техник конструкция, лингвистика, ҳатто ижтимоий муаммоларга дуч келади ва мазкур соҳаларни ўрганиш, тадқиқ этиш (моделлаштириш)га эҳтиёж сезадилар.

СИНТЕЗ (юнон. synthesis — қўшилиш, бирикиш) — фалсафа ва турли хил фанларда нарса ва ҳодисаларни яхлит, бутун ҳолда олиб уларнинг (амалиётда ёки билишда) таркибий қисмларини ўзаро бир-бири б-н боғлаб текшириш методи. С. илмий билиш жараёнида анализ б-н боғлиқдир. С. анализ натижа-

сида, фикран бўлинган қисмларни қайтадан тиклаш, уларни бирлаштириш, илгариги яхлитлигини фикран вужудга келтириш усулидир. Тадқиқот жараёнида, анализ, билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи ҳисобланса, С. уни яқунлайди. С. орқали умумий тушунча, муҳокамалар таркиб топади. Энг умумий маънода С., ва у б-н бирга, анализ инсон фаолиятининг туб негизида бор нарса. Одамнинг бош мия фаолияти асосини анализ ва С.лаш ташкил этади, чунки мантиқий фикрлаш анализ ва С.сиз рўёбга чиқиши мумкин эмас. Ҳоз. замон фанида С. оралиқ фанлараро янги фанларнинг пайдо бўлиши намоён бўлмода. Шундай фанлар қаторига биохимия, биофизика, эконометрия, геофизика ва бошқалар кирди. С. услуби б-н фақатгина табиий фанларни эмас, балки техник ва ижтимоий фанларнинг интеграциялашуви натижасида, кибернетика, бионика, семиотика, тизимлар наз-яси яратилди.

СИНТОИЗМ (япон. синто — худолар йўли) — Японияда кенг тарқалган миллий дин. 18-а.да С.ни буддизмдан фарқлаш учун «Синто» атамаси қўлланилди. У буддизмдан кўйлаб маросим ва тасаввурларни мерос қилиб олди. С. 1868 й. расман давлат дини деб эълон қилинди ва у 1945 й.гача шундай мақомга эга бўлди. С. асосини жуда кўп руҳларга сиғиниш ташкил этади. С.га кўра, илоҳиёт б-н одамлар ўртасидаги муносабатлар Амаэрасу (Қуёш маъбудаси)нинг авлоди ва унинг Ердаги вакили император (микадо) орқали амалга ошади. Микадо барча японларнинг яратувчигаси ҳисобланади ва у илоҳийлаштирилади. Япония иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраганидан сўнг Микадонинг илоҳийлиги инкор қилина бошланди. 19-20-а.да бир қанча неосинтоистик секталар пайдо бўлиб, улар буддизмни рад этдилар. С. бир неча қатламлардан иборат: Қуёш маъбудаси Амаэрасудан тарқалган император оиласи аъзолари ўз саройида амал қиладиган сулолавий императорларни илоҳийлаштирувчи С., турли маҳаллий ва умумяпон худоларига топинувчи ибодатхона С.и, маъбуда Амаэрасуга топинувчи уй-рўзғор С.и, давлат тизимига кирмаган табиат объектлари тимсолида гавдаланувчи маҳаллий худолар ва руҳларга топинувчи халқ С.и ва б. Синтоистларнинг муқаддас китоби бўлмаган, аммо диний афсоналар учраб туради. 8-а.да оғзаки диний афсоналар асосида «Кодзика» («Қадимги ишлар тўғрисида ёзувлар») номли диний китоб пайдо бўлди. С. дини 1964 й.да давлатдан ажратилди. Ибодатхона С.и ташкилий жиҳатдан айрим ибодатхоналар ва уларнинг уюшмаларига бўлиниб кетди.

СИСТЕМА (юн. *sistema* — қисмлардан ташкил топган, қўшилган) — яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи фалсафий категория. Кўпинча С.ни энг умумий тарзда элемент-

лар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. С. тушунчаси ўз маъносига кўра «алоқа», «элемент», «бутун», «бирлик», «структура» (элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари б-н боғлиқ. С. антик давр фал.сида тафаккур ва билимнинг энг умумий принципларини излаш жараёнида вужудга келди. Мас., антик фал.да илгари сурилган бутун унинг ўз қисмлари йиғиндисидан каттадир, деган фикр тафаккур тизимини муаммосини ўзида акс эттирган эди. Платоннинг фикрича, «мавжуд бирлик айни бир вақтда ҳам бирлик, ҳам кўплик, ҳам бутун, ҳам қисмдир». Фақат кўпликнинг бирлигидир, яъни С. билиш предмети бўлиши мумкин. Антик фал.да С. тушунчасининг генезиси асосан эпистемологик методологик аҳамиятга эга эди: у тафаккурни ташкил этиш ва билимларни системалаштиришни талаб этарди. 19-а.дан бошлаб С. онтологик ва натуралистик талқин этила бошлади. Системалилик билиш объектларининг хусусияти сифатида қарала бошлади. Эндиликда фақат билимларни системалаштириш тўғрисида эмас, балки билимда объектни худди система сингари яратиш ҳақида фикр юритила бошланди. С. моҳиятини тушунишдаги бундай бурилиш янги муаммоларни келтириб чиқарди. 20-а.да технологиянинг ривожланиши С.ни сунъий-техник ўзлаштиришда янги даврни бошлаб берди. С.ни тадқиқ этиш баробарида лойиҳалаштириш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Бошқариш объектларига ҳам С. сифатида қарала бошланди. «С». атамаси барча касб соҳаларига кириб келди. 20-а. ўрталаридан система умумий наз-ясини тадқиқ этиш ва системали ёндашув соҳаларини ишлаб чиқиш кенг ривожланди. С.ли ёндашувни айрим касб соҳалари бўйича талқин этиш б-н уни кенг маънода талқин этиш ўртасида муайян тафовутлар вужудга кела бошлади. С.га онтологик (натуралистик) ёндашувга кўра, С. билиш объектларининг фундаментал хоссаси сифатида талқин этилапти. Бу ҳолда системали тадқиқ этишнинг асосий вазифалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, алоқалар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Бундай қарашда элемент, алоқа, структуралар табиий ва объектив ҳодиса ҳисобланади. С. ўз ҳаёт қонунларига эга бўлган объект сифатида тасаввур этилади. С. моҳиятини эпистемологик — методологик тушунишга кўра системалилик объектларнинг ўз хоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади.

СИСТЕМАЛИ АНАЛИЗ — мураккаб объектларни тадқиқ этиш ва лойиҳалаштиришда қўлланиладиган метод ва воситалар мажмуаси. С.а. 20-а.нинг 60-й.ларида вужудга келди. Унинг наз-ий ва методологик асоси *системали ёндашув* ва *системанинг* умумий наз-ясидир. С.а., кўпинча, сунъий объектларни тад-

қиқ этишда қўлланилади. Бундай системаларда инсон фаолияти ҳал қилувчи рол ўйнайди. С.а. принципага кўра, жамият олдида пайдо бўлган бирон бир мураккаб муаммо (бошқариш муаммоси)га, энг аввало, қандайдир яхлитлик, система сифатида қараш лозим. Бундай системани бошқариш учун қарор қабул қилишда унинг мақсадини, бу мақсадга эришишнинг муқобил вариантларини аниқлаш лозим. Тадқиқ этилаётган системанинг умумлашган моделини яратиш С.а.ни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади. С.а. кейинги йилларда кенг қўлланиляпти.

СИСТЕМАЛИ ЁНДАШУВ — фанда турли типдаги системаларни тадқиқ этиш ва лойиҳалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган методологик йўналиш. С.ё. — билиш методлари, тадқиқот методлари ва конструкторлик фаолияти методлари ривождаги ўзига хос янги босқич. С.ё. ўз-ўзидан ривожланувчи мураккаб объектларни (кўпдаражали, иерархик, ўз-ўзини ташкил этувчи биологик, психологик, социал ва ҳ.о. системаларни) тадқиқ этишда кенг қўлланади. С.ё.нинг муҳим хусусияти шундаки, фақат тадқиқот объектигина эмас, балки тадқиқот жараёнининг ўзи ҳам мураккаб система сифатида намоён бўлади; унинг асосий вазифаси объект турли моделларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштиришдир. Фан-техника революцияси шароитида С.ё. моҳиятини тўлароқ очишга бўлган эҳтиёж кучаяди. С.ё. системали таҳлилнинг назарий ва методологик асоси ҳисобланади.

СКЕПТИЦИЗМ (юн. *skeptikos* — кўриб чиқаялман, шубҳаланаман) — 4-асрда Юнонистонда юзага келган фалсафий оқим. *Пиррон* асос солган. У ўз таълимотини Суқрот сингари баён қилган: бирон бир асар ёзиб қолдирмаган. У ҳақда шогирди Томмоннинг асарларидан билишимиз мумкин. Скептиклар антик диалектикадек қудратли қуролга эга эдилар. Улар ўз ўтмишдошлари бўлмиш Гераклит, элейликлар, софистлар, Суқрот, Платон, Аристотеллар диалектикасини ўзларича талқин этганлар. Скептиклар фикрича, ҳақиқат субъективдир. Шунинг учун улар ҳақиқатни эҳтимол деб атайдилар. Фал-ий йўналишларнинг ҳар бири ўз йўли б-н эзгуликка эришишга олиб боради. Гарчанд С. таълимоти кўп жиҳатдан билиш жараёнининг мураккаб муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилган бўлса-да, лекин объектив билишга нисбатан умидсизлик б-н қараш ва рад этиши агностицизмга олиб борди.

СОЛИПСИЗМ (лот. *solus* — якка, ягона, *ipse* — ўзим, ўзи) — субъектив-идеалистик назария. Бунга кўра, фақат инсон ва унинг онги мавжуддир; объектив олам, шу жумладан, одамлар ҳам фақат инсоннинг (субъектнинг) онгидагина мавжуд. Прин-

цип жиҳатдан олганда, ҳар қандай субъектив — идеалистик таълимот муқаррар равишда С.га келади. Беркли, Фихте, Брюне, айниқса, Шупне, Р.Шупнерт-Золдерн каби фай.лар бу наз-яга анча яқинлашган эдилар. С. инсон фаолиятини ва илм-фанни ҳар қандай маъно-мазмундан маҳрум этади. Шу сабабли субъектив-идеалистик фай.лар ўта С.дан қочишга уринмоқдалар, бунинг учун улар ғайри субъектив, илоҳий онгнинг мавжудлигини асосий қоида қилиб олмақдалар. Ҳиссий билишни мутлақлаштириш гносеологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

СОЛОВЬЕВ Владимир Сергеевич (1853.16.1— Москва — 1900.31.3) — таниқли рус файласуфи, шоир, публицист ва танқидчи. 1873 й. Москва ун-тини тугатгач, 1874 й. «Ғарб фалсафасининг инқирузи» мавзусида магистрлик, 1880 й. «Абстракт ибтидоларни танқид» мавзусида д-рлик диссертациясини ҳимоя қилган. 80-й.ларда публицист сифатида танилган. Виждон эркинлиги учун диний ва миллий камситишларга қарши курашган. 90-й.лардан фал. ва адабиёт б-н шуғуллана бошлаган. Платон асарларини таржима қилган. Брокгауз ва Ефронларнинг энциклопедик луғатларида фал. бўлимига раҳбарлик қилган. С.нинг дунёқарашида Шеллинг, Гегель, Шопенгауэрларнинг таъсири кучли бўлган. Фал.нинг вазифаси ижтимоий-диний идеални ёқлашдан, инсоният ақлий тараққиётининг мақсади эса фан, фал. ва динни бирга қўшишдан иборат бўлиши керак; эътиқод билишнинг асосий босқичи, ахлоқнинг асоси эса ор-номус, меҳр-шафқат, худога эътиқод қилишдир, деб ҳисоблаган.

СОРОКИН Питирим Александрович (1889—1968) — социолог, рус социологиясида позитивизм асосчиси. С. ўзини эмпирик неопозитивизм ёки танқидий реализм вакили ҳисоблаган, 1906 й. инқилобий фаолияти учун қамалган. 1909 й. Москвадаги психоневрология ин-тига ўқишга кирди. Сўнгра Петербург ун-тининг ҳуқуқшунослик ф-тида таҳсил кўрди. 1914 й. эълон қилган «Жиноят ва жазо, жасорат ва мукофот» асарида ўз даврининг криминология наз-яси ютуқларини умумлаштирди. 1917 й. Петербург ун-тининг приват-доценти унвонини олди. Ўз фаолиятида Э.Дюркгейм ғояларини кенг оммалаштирди. 1920 й. социология кафедрасининг раҳбари этиб сайланди. Ҳуқуқ ва социология бўйича қатор дарслик ва қўлланмалар яратди. С.нинг икки жилдлик «Социология системаси» (1920) асари унга катта шўрат келтирди. 1922 й. Россиядаги илғор зиёлилар оммавий равишда қамоққа олина бошлади. С. оила си б-н чет элга кетишга, дастлаб Прагада, сўнг умрининг охиригача Америкада яшашга мажбур бўлди. Бу даврда «Революция социологияси» (1925), «Социал мобиллик» (1927), «Ҳозирги социологик наз-ялар» (1930—1932), «Жамият, маданият ва шахс»

(1947) «Социал ва маданий динамика» (1937-1941) ва б. асарларини яратди. С. «Социология системаси» асарида социологиянинг беш асосий принципини кўрсатди: 1) социология табиий фанларнинг принципи асосида яратилиши мумкин ва зарур; 2) социология ҳар қандай нормативизмдан воз кечиши лозим; 3) у кузатиш, ўлчаш, текшириш мумкин бўлган ҳодисаларнигина ўрганиши керак; 4) социология фақат фактларга таяниши ва файласуфлик қилишдан бош тортиши лозим; 5) социология аввал бошданок плюралистик фандир. С. социологияни наз-ий ва амалий социологияга ажратди. Наз-ий социология қуйидаги уч бўлимни ўз ичига олади: 1) социал аналитика (социал ўзаро таъсир структураси); 2) социал механика (социал ҳулқ-атвор ва социал циркуляция механизмлари); 3) социал генетика (жамият ривожланишининг асосий тенденциялари). Амалий социология ўзаро таъсирни зарурлик нуқтаи назаридан ўрганеди ва социал реалликни яхшилаш учун амалий тавсиялар беради. С. биринчи бўлиб «социал мобиллик» тушунчасини илмий муомалага киритди ва уни жамиятнинг табиий-нормал ҳолати деб тавсифлади. С. социал мобиллик деганда фақат индивид ва гуруҳларнинг эмас, балки социал объектларнинг ҳам ўрин алмашувини назарда тутди. Мобиллик вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин. Вертикал мобиллик социал юксалиш ва социал тушкунликдир. С. наз-ясида қадрият тушунчаси марказий ўрин эгаллайди. У ўз даври маданиятининг чуқур инқирозга учраганлигини, «ҳиссий» маданиятнинг сўниб бораётганлигини, инсоннинг деградациялашувида унинг айбдор эканлигини кўрсатди.

СОЦИАЛИЗМ — 1) Европа ижтимоий-фалсафий ва сиёсий анъанасидаги ижтимоий тушунчалардан бири; 2) жамият ҳаёти барча соҳаларига давлатнинг кўпроқ аралашувини тақозо этадиган жамиятни ташкил этиш моделларидан бири; либерализмнинг бутунлай зидди; 3) 20-а.да қатор давлатларнинг ўз ижтимоий-иқтисодий тузумини номлаши: «национал-социализм», «социализм» ва б. К.Маркснинг жамиятни революцион асосда қайта қуриш гоёси б-н қўшилганидан кейин сохта ижтимоий мазмун касб этди. Кейинчалик жамиятни социалистик асосда қайта қуриш гоёси зўрлик воситасидан фойдаланиш тўғрисидаги қоида б-н уйғунлашди. С.нинг инқирози коммунистик идеология ва наз-янинг бирёқлама ва тарихан чекланганлиги б-н шартланади.

СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ — индустриал жамиятдаги индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар ўрта-

сида моддий неъматлар, ҳокимият функциялари ва имтиёзларнинг нотекис тақсимланишини ифодалайдиган ижтимоий-фалсафий тушунча. С.с. устуворлигини қарор топтиришга даъво қилувчи жамият ўз аъзолари ўртасида турли ижтимоий мавқе (позиция)-ни тақсимлаши ва уларни шу мавқега мос равишда ўз бурчини бажаришга мажбур қилиши керак. Бунинг учун жамият икки хил даражадаги мотивация б-н шуғулланиши лозим: аввало, ўз аъзоларида муайян ижтимоий мавқени эгаллаш истагини уйғотиши, кейин эса шу позиция б-н боғлиқ мажбуриятларни бажариш истагини мустаҳкамлаши керак. Агар турли позициялар б-н боғлиқ мажбуриятлар бир хилда маъқул бўлса, бир хилдаги қобилият ва талантни талаб этса, бу позицияни эгаллайдиганлар учун ҳеч қандай қизиғи бўлмас эди. Аслида, аҳвол бутунлай бошқача: айрим позициялар шунчаки маъқул бўлиб қолмай, кишилардан махсус қобилият ва тайёргарликни ҳам талаб этади. Шунинг учун ҳам жамият кишиларни юқори позицияни эгаллашга рағбатлантириш учун муайян имтиёзларга эга бўлиши лозим. Иккинчидан, жамият бу имтиёзларни кишиларнинг эгаллаган позициясига мос равишда нотекис тақсимлаши учун ўз ихтиёрида муайян қобилиятларга эга бўлиши ҳам зарур. Имтиёзлар ва уларнинг тақсимланиши ижтимоий тизимнинг таркибий қисми бўлиб қолади ҳамда стратификацияни вужудга келтиради. Шундай қилиб, ижтимоий тенгсизлик беихтиёр (англанмаган ҳолда) шаклландиган восита бўлиб, жамият ана шу восита туфайли малакали шахсларни муҳим позициялар томон йўналтиради. Ҳар қандай жамият оддий ёки мураккаб бўлишидан қатъи назар кишиларни имтиёзи ва обрўсига кўра табақалаштириши ҳамда институтлашган тенгсизлик даражасига эга бўлиши керак. Социал силкинишлардан кўпроқ ҳимояланган жамиятларда С.с.нинг амал қилиш доираси анча чекланган. Агар социал структура жамиятнинг горизонтал кесишни ифодаласа, С.с. жамиятнинг вертикал кесимини акс эттиради.

СОЦИОГЕОГРАФИЯ (лот. «societe» — жамият ва «grapho» — тасвирлайман) — жамиятнинг ҳудудий тақсимланиши, ижтимоий таркиби ҳамда мазкур таркибий жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлиги масалаларини ўрганувчи фан. Жамиятни ижтимоий географик жиҳатлардан тадқиқ этилиши унга нафақат таҳлил нуқтаи назаридан, балки якуний хулосаларга келиш, умумлашмалар қилиш (синтез) талаби билан ёндашувни ҳам тақозо этади. Ижтимоий-иқтисодий муҳитга синтетик ёндашув воқеликнинг ўзаро уйғун амал қилиш хусусиятидан, яъни интеграл моҳиятидан келиб чиқади. Географик ёндашув та-

мойиллари ҳудудий, яхлит, маҳаллий ва глобал шарт-шароитларни пухта ҳисобга олишни тақозо этади. С., асосан, статистика манбаларига, шунингдек, конкрет социологик тадқиқотларнинг ишончли натижаларига, расмий маълумотлар ва ҳужжатларга таяниб иш кўради. Айни вақтда, С. мазкур маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, демографик аҳволнинг территориал ўзига хосликлари, сиёсий-ахлоқий ўзгаришларга доир ҳолатларнинг ҳудудий тақсимланиши масалаларини умумлаштириб ўрганади.

СОЦИОЛОГИЯ (лат. *societas* — жамият, *logos* таълимот) — жамият тўғрисида, ижтимоий муносабатлар социал уюшмаларнинг ривожланиш ва амал қилиш қонунлари тўғрисидаги фан. С. атамаси биринчи бўлиб шу фанга асос солган француз мутафаккири Огюст Конт (1798—1856) томонидан илмий муомалага киритилган. О.Конт жамият тўғрисидаги янги фанни яратиш учун ўз даври фанларининг барча ютуқларини умумлаштирди. У С. асосига жамият ўзига хос мураккабликка эга бўлган организм эканлигини, унинг ҳар бир элементи мазкур система талабларига мос равишда муайян вазифаларни бажариши фактидан келиб чиқди. О.Конт С.нинг предмети глобал жамият фани деб ҳисоблади. Уни ижтимоий системаларнинг алмашинуви эмас, балки система ичидаги элементларнинг ўзгариши кўпроқ қизиқтирди. Конт фикрича, ижтимоий системанинг хоссалари барқарордир. Ижтимоий системанинг барқарорлиги б-н унинг ички элементларидаги ўзгарувчанликни ифодалаш учун Конт социал статика ва социал динамика тушунчаларини қўллади. Контнинг фикрича, социал статиканинг вазифаси социал элементлар ва омиллар ўртасидаги алоқадорликни системали равишда ўрганишдир. Бу эса социал тартибни таъминлашга имкон беради. Социал статика оилани таҳлил қилишдан бошланади. Оила социал организмнинг муҳим ҳужайраси бўлиб, кишиларни социаллаштиради, маданий меросни сақлайди, анъана ва янгиликлар ўртасидаги мувозанатни ўрнатади. Оила б-н бир қаторда социал организм мавжудлигининг зарур шarti меҳнат тақсимотидир. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши асосида ижтимоий турух ва синфлар тобора мураккаблашиб боради, инсон қобилиятлари, бирдамлик ҳисси ва ахлоқи ривожланади. Контнинг фикрича, социал динамика инсоният ривожланишининг умумий қонуниятларини очишга қаратилгандир; ривожланиш қонунлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилади. Конт социал организм барча элементларининг узвий боғлиқлигини

алоҳида таъкидлади, маънавий соҳанинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини асослашга ҳаракат қилди. Жамият тараққиёти онгнинг бир босқичдан янги бир босқичга ўтиши, гўё уч босқич қонун (теологик, метафизик, позитив)нинг амал қилиши сифатида рўй беради. Конт таълимотига кўра, тартиб ва тараққиёт яхлит жамият борлигининг турлича намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳам С.нинг предмети социал организм сифатидаги яхлит жамиятдир. С.нинг предмети бутун ижтимоий ҳодисалар маъмуасини қамраб олади, С.нинг ўзи эса барча ижтимоий фанларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. С.нинг Англияда ривожланиши Герберт Спенсер (1820-1903) номи б-н боғлиқ. У биринчи бўлиб «Социологиянинг асосланиши» асарида С.нинг предмети, вазифалари ва муаммоларини системали равишда баён этди. С.нинг вазифаси энг умумий эволюция қонунлари амал қилишини очиб берадиган типик ҳодисалар, социал фактлар ва жараёнларни ўрганишдир, деб ҳисоблади. Спенсер концепциясида социал ин-тлар алоҳида ўрин тутди. Социал ин-тлар кишиларнинг биргаликдаги ҳаётини ташкил этиш механизмлари бўлиб, ўз табиатига кўра, носоциал бўлган инсонни социал мавжудотга, биргаликда фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлган мавжудотга айлантиради. Спенсернинг социал ин-тлар наз-яси жамиятнинг системали тадқиқ этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Жамиятнинг барча ин-тлари яхлит бир бутунликни ташкил этади, улардан ҳар бирининг аниқ ишлаши бошқасининг нормал ва тўғри ишлашига боғлиқдир. Ҳар қандай жамиятда асосий ин-тларнинг фаолияти бир-бирига мувофиқ равишда рўй беради, акс ҳолда, «социал организм» инқирозга юз тутиши мумкин. Спенсернинг таъкидлашича, давлат ваколатининг кенгайиб бориши жамиятнинг бошқа ин-тларини вазифалари ўртасидаги тенг меҳнат тақсимотини издан чиқариши, социал организмдаги мувозанатни бузиши мумкин. Классик С.нинг шаклланиши ва ривожиди буюк француз социологи Эмиль Дюркгеймнинг асарлари алоҳида ўрин тутди. Унинг асарларида социологизм концепцияси ўзининг тўла ифодасини топди. Дюркгейм «Социология методи» (1899) асарида С.нинг предмети социал фактлар эканлигини кўрсатди. Унинг фикрича, социал фактлар индивидларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, уларга нисбатан мажбур қилувчи кучга эга. Дюркгейм социал жараёнларни ўрганишнинг методологик қоидаларини ишлаб чиқар экан, «социал фактларга худди нарса сифатида қараш лозим», деган широри илгари сурди. Дюркгеймнинг таъкидлашича, С.нинг мақсади объектив кузатиладиган социал фактларни тасвирлаш ва тартибга солишдан иборат

эмасдир. Социал фактларни объектив кузатиш орқали сабабий алоқа ва қонунлар очилади. Социал оламдаги қонунларнинг мавжудлиги худди ана шу қонунларни ўрганувчи фаннинг илмийлигидан далолат беради. Социал ходисаларнинг объектив қонунларини билишга интилиш С.да статистикадан фойдаланишга имкон берди. Дюркгеймнинг муҳим хизматларидан бири унинг С.га «функция» тушунчасини олиб кирганлигидир. Дюркгеймнинг кўрсатишича, меҳнат тақсимотининг асосий функцияси ижтимоий бирданиликни қўллаб-қувватлашдир. Меҳнат тақсимотини жамиятдаги қирватлашқир (механик типидан то органик типигача) шакллантириш механизми сифатида тасвирлади. Дюркгеймнинг С. ривождаги асосий хизмат жамиятнинг қадриятли норматив системаларини таҳлил қилиши ва социал фактларни тадқиқ этишнинг қатъий методларини ишлаб чиққанлигидир.

С.нинг ривожланишига немис социологи Макс Вебер, рус социологи П.А. Сорокин, америкалик олимлар Парсонс, Мертонлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Собиқ совет жамиятида С. мустақил фан сифатида ривожлана олмади. Унга «буржуа фани» сифатида ёт кўз б-н қаралди. Мустабид тузум мафкурасининг инқирозга юз ўгириши ва жамиятни демократлаштириш, миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши б-н жамиятни илмий асосда ўрганиш, унинг истиқболларини олдиндан кўришга ва этилган муаммоларни ҳал этишга имкон берадиган С. фанини ҳар томонлама ривожлантириш имконияти вужудга келди.

СОЦИОЛОГИЯДА ГЕОГРАФИК МАКТАБ —

халқлар ва мамлакатлар тараққиёти уларнинг географик, табиий жойлашувларига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайдиган йўналиш. Маханик географик детерминизм тарафдорлари инсон фаолиятини тўлиқ табиий муҳитга боғланган ва шундан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар. С. г. м. тарафдорлари инсоннинг табиий муҳитни ўзгартириш, табиатни муҳофаза этиш, атроф-муҳит шарт-шароитларини яхшилаш имкониятларини тан олмайдилар. Мазкур оқим таъсирида 20-а. охирларига келиб жаҳондаги энг нуфузли мамлакатлар б. давлатларга сиёсий, иқтисодий ва маънавий тазйиқ кўрсатувчи «ҳаётий зарур макон», «миллий манфаатлар худуди» сингари талабларни илгари сурдилар. Кейинги ўн йилликлар мобайнида мазкур оқимдан социогеография ҳамда ижтимоий экология оқимлари ажралиб чиқди.

СОЦИОЛОГИЯДА ИРҚИЙ-АНТРОПОЛОГИК МАКТАБ —

узоқ шаклланиш тарихига эга бўлиб,

ўз ибтидосини мил.ав. 13-11-а.ларда Миср, Вавилон давлатларидан ҳамда мил.ав. 12 а. мил. 3-а-ларгача бўлган даврлардаги Афина ва Рим давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаёти жараёнларидан бошлайди. Шарқ халқлари тарихида, хусусан, Марказий Осиёда ирқий-антропологик ёндашув моҳияти ўзгача кечган бўлиб, бу ерда одамлар юз тузилиши, тили, танасининг рангига кўра эмас, асосан, эътиқоди, диний мансублиги, миллатига кўра фарқланган. Европада ирқий-антропологик мактаб 19-а. охирларидан 20-а. ўрталарига қадар муҳим ижтимоий мавқе касб этиб келди. Европа ирқий-антропологик мактаби намояндаларининг фикрига кўра, дунёдаги ҳаёт ер юзи аҳолисининг ирқий-антропологик таркибига боғлиқ бўлиб, миллатларнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги тафовутлар тамомилан халқларнинг ирсий ва биологик келиб чиқишларига боғлиқдир. Аҳоли турли табақалари ўртасидаги девиант ҳолатлар (ахлоқий меъёрдан оғишлар) тўлалигича кишиларнинг ирқий ва наслий мансубликларига боғлиқдир. Мазкур мактаб намояндалари кишиларнинг ирқий жиҳатдан кўшилиб кетишлари, бошқа миллат вакиллари билан турмуш қуриш ҳолларига кескин эътироз билдирадилар. Ирқий-антропологик мактаб тарафдорларининг фикрича, бундай ҳол мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти ва маданий яхлитлигига раҳна солади.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР —

социология фан сифатида шаклланигандан бери вужудга келган йўналишлар. Уларнинг баъзилари тобора ривожланмоқда, бошқалари эскириб, тарихий маълумот сифатида аҳамият касб этмоқдалар. Ҳоз. замон социологиясида «Worterbuch der soziologie» китобида кўрсатишича, қуйидаги асосий йўналишлар мавжуд:

1) М а т е м а т и к йўналиш — социологик тадқиқотларда оддий билимларни яққолроқ кўрсатиш учун математик усулларнинг қўлланилиши; (Парето). 2) Ф и з и к а л и с т и к йўналиш (социал физика, социал механика, социал энергетика). Сен-Симон бу йўналишнинг биринчи вакили эди. 19-а.да бу йўналиш *Конт*, *Спенсер* ва *Ж.С.Миллер* томонидан ривожлантирилди. Ижтимоий ҳодисаларни энергетизм нуқтаи назаридан талқин қилиш (*В.Оствальд*) ҳам бу йўналиш ичидаги мактаб яратилишига олиб келган; 3) С о ц и а л б и о л о г и к йўналиш — жамиятни ижтимоий организм сифатида талқин этишга асосланади: ирсият ва ўзгарувчанлик, табиий ва сунъий танлаш, мослашиш, ҳаёт учун кураш бу тафаккур услубининг асосий тушунчаларидир (*Спенсер* ва бошқалар); 4) И ж т и м о и й

антропологик йўналиш ирқлар ва ижтимоий ташкилотлар ўзаро боғлиқлиги муаммолари б-н шуғулланади (*Ж.Гобино ва Ф.Гальтон*); 5) Антропогеографик, ижтимоий географик ва этнологик йўналишлар (*Боден, Монтестье, Гердер, Гумбольдт, Бокль* ва б.); 6) Тарихий-фаллий, универсал-тарихий ва тарихий йўналишлар одамни тарихий мавжудот, ижтимоий ҳодисаларни эса — маданият маҳсули сифатида қарашди. Бу йўналишнинг вакиллари Кондорсе, Сен-Симон, Конт, Пауль Барт, Оппенгеймер, Альфред Вебер, К. Мангейм, Шелер, Трельч ва Фрейер.); 7) Психологик ва социал-психологик йўналишлар ҳамма ижтимоий ҳодисалар рухий томондан белгиланган, шунинг учун ҳам уларни руҳият (психика) орқали билиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. (Тард, Лебон ва б.); 8) Универсалистик йўналишлар — жамиятни антисубъективистик талқини бўлиб, у ижтимоий тартибни бир бутун сифатида кўрилиши заруриятдан келиб чиқадилар. Бу йўналиш Ф. Аквинскийга бориб тақалади, унинг асосий вакили — О.Шпанн; 9) Синфлар н а з-я с и ижтимоий табақаланишни иқтисодий омиллар белгилайдиган манфаатлар б-н тушунтиради (қар.: *Тарихий материализм*). Ўрта табақа (синф) н а з-я л а р и ижтимоий кучлар (бойлар-камбағаллар, мулкдорлар-мулксизлар) тўқнашувлари ижтимоий иерархиядаги ўрта табақаларни йўқолишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашади. (В.Г.Риль ва б.). Ўрта синфни сақлаб қолиш жамият барқарорлигини сақлаб қолиш демакдир; 10) Формал ёки соф социология — социологиянинг предмети ва объектини шакл ва мазмун нуқтаи назаридан талқин қилган ҳолда, унинг вазифаларини аниқлашдан келиб чиқади. Социология эмпирик фан бўлиб, у марказида ўзаро таъсир этадиган ижтимоий алоқалар шакллари ўрганади. (Г.Зиммель ва б.); 11) Феноменологик йўналиш — Гегелнинг «Руҳ феноменологияси»га бориб тақалади. Социологиядаги бу йўналиш фалдан келиб чиққан, айниқса, Гуссерль, Шелер ва Хайдеггерлар томонидан кенг ишланган. Бу йўналиш моҳиятни мушоҳада қилишга, ижтимоий ҳодисалар мушоҳадаси материалларини интуитив билиш ва мантиқлаштиришга ҳаракат қилади; 12) Ижтимоий-иқтисодий йўналиш ўз тадқиқотининг предмети сифатида ўзаро алоқадор бўлган хўжалик (иқтисодиёт) ва жамиятни олади. Бу йўналиш Вебер, Зомбарт, Оппенгеймерлар томонидан ишлаб чиқилган; 13) Маданий-фаллий ва маданий-социологик йўналиш (Винделбанд, Риккертларнинг табиат ва маданият фанларини ажратганликларини кўзда тут-

ган ҳолда) тарихий оламнинг тузилиши тўғрисидаги таълимот доирасида социологиядаги «маданият» тушунчасига алоҳида ўрин беради; 14) Индуктив-аналитик йўналиш эмпирик-статистик метод орқали конкрет тажрибада ҳосил бўладиган материаллар б-н иш кўради. У, айниқса, АҚШда ривожланган. Унинг шиори илгаридан тайёрланган усуллар (масалан, тестлар, анкеталар) ёрдамида конкрет объектлар амалий ишлашдир. Олинган натижалар социогамма ва социографик шартли тасвирларда акс эттирилади. Буларнинг ҳаммасининг асосий мақсади амалиётда қўлланилишдир. Ҳуқуқ, маданият, санъат, адабиёт, хўжалик ва ишлаб чиқариш, техника, меҳнат, оила, молия, педагогик, билим, дин социологияси ва ҳ.к. махсус социология фанлари ҳисобланади. Социология натижаларини амалий тадбиқ этишга қаратилган барча уринишлар ва уларга ижтимоий-ислоҳотчилик ва ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан баҳо беришнинг умумий атамаси амалий социологиядир.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ НАТУРАЛИСТИК ОҚИМ — социология фанига тааллуқли барча амалий муаммоларни аниқ ва табиий фанлар усуллари орқали ечиб бериш мумкин, деган нуқтаи назарни илгари сурадиган қараш вакиллари. Мазкур оқимга муҳолиф бўлган олимлар натурализм ва позитивизм йўналишларини айни бир хил эканлигини асослашга уринадилар, позитивистик ва натуралистик тадқиқот усуллари социология амалиёти учун қўлламасликка чақирадилар. Бундай бирёклама талқиндан фарқ қилувчи реализм оқими намояндалари эса, табиий ҳамда ижтимоий фанлар методларини биргаликда қўллаш фойдали эканлигини ва тадқиқот натижаларининг ишончлилик даражалари ошишини асослайдилар. 19-а. охири 20-а. бошларида натурализмнинг икки йўналиши (социал-биологизм ва социал-механизм оқимлари) фаолият кўрсатди. Ҳоз. замон социологиясида эса натурализмнинг, асосан, методологик ҳамда онтологик йўналишлари амал қиляпти. Бу оқимларнинг намояндалари «илм-фаннинг бирлиги» ғоясини асослаб, табиий фанлар тадқиқот усуллари ижтимоий воқелик моҳиятини талқин этишда устувор аҳамият касб этишини ҳар томонлама асослашга интиладилар.

СОЦИОЛОГИЯДА ОРГАНИК МАКТАБ — 19-а.нинг охири 20-а.нинг бошларида шаклланган, ижтимоий жараёнларни тирик организмларга қиёслаб ўрганувчи, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар моҳиятини биологик қонуниятлар воситасида тадқиқ этувчи социологик йўналиш.

Жамиятни биологик жараёнларга ўхшатишга

бўлган мойиллик О.Конт, Г.Спенсер, Т.Гоббс асарларида сезилиб турса-да, П.Ф.Лилиенфильд, А.Шеффле, Р.Вормс, А.Эспинаслар томонидан жамият организмнинг айнан ўзи деб ҳам талқин этилди. Улар жамиятни сиёсий бошқаришни, яъни ҳокимият функциясини инсоннинг бош қисмига, савдо-тижорат, олди-берди муносабатларини одамнинг қон айланиш хусусиятларига, жамиятнинг ишлаб чиқариш тизимини эса инсоннинг ошқозон-ичак фаолияти билан қиёсладилар.

С. о. м.нинг наз-ий қарашлари илмий асослардан йироқ бўлиб, ижтимоий воқеликка хос бўлган қатор ҳодисалар: «қарама-қаршилиқлар», «этник можаролар», «синфий муносабатлар» илмий тадқиқ этилмай келинди ёки бу ҳодисаларни баъзи ҳолларда жамиятнинг касаллик ҳолати деб юзаки талқин этишга уринилди. С. о. м. тарафдорлари жамият ривожини эволюцион негизларда тараққий этишини асослашга интилдилар.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ ПСИХОЛОГИЗМ — ижтимоий воқеликнинг моҳияти, таркибий тузилмаларини индивидуал психология нуқтаи назардан изоҳлайдиган социологик оқим. С.п.нинг таниқли намояндаси Жордж Хоманс жамият ҳодисалари ижтимоий тартиботлар маҳсули эмас, балки алоҳида шахслар феъл-атворининг мантиғидан келиб чиқади, деб ҳисоблади. Мазкур оқим Э.Дюркгеймнинг ижтимоий ҳодисалар, социал фактлар алоҳида шахсларнинг феъл-атвори, характери, ўзига хослигидан қатъий назар юзага чиқади ва мустақил амал қила олади, деган нуқтаи-назарига зид йўналиш сифатида шаклланди. 20-а.нинг 70-й.ларига қадар жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар моҳиятига баҳо беришда ана шу икки социологик оқим намояндаларининг нуқтаи назарлари долзарб ҳисобланиб келинди. Ҳоз. кунда ижтимоий фаолият мазмуни ва социал тартиботлар мантиғига таъсир кўрсатиш орқали жамиятга самаралироқ таъсир ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳазалар илгари сурилмоқда.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ СУБЪЕКТИВ МЕТОД — тарихий билишни идеалистик талқин қилиш. Бу талқиннинг асосини тарихий билимни тадқиқотчининг ахлоқий идеали б-н детерминлаштириш (белгилаш) ҳақидаги қоида ташкил этади. Народниклар бу методнинг Россиядаги тарафдорлари эдилар. «Социология этикадан алоҳида фан эмас. Унинг асосий ҳақиқатлари—шахсий ахлоқ-одоб ҳақиқатларидир». (П.Л.Лавров). Ана шу маънода тарихий билим табиий-илмий билимга қарама-қарши бўлиб туради. С.с.м. вакилларининг фикрича, социолог ва тарихчининг вазифаси ҳақиқий ахлоқий идеални ишлаб чиқишдан ва унга мувофиқ равишда фактик материални тартибга солиш-

дан иборат. Бу идеал инсониятнинг ўтмишидаги тарихий воқеаларни гуруҳлашнинг бирдан-бир қонуни, ижтимоий ҳаёт қонунидир. С.с.м. назарида ижтимоий фандаги ҳар қандай «ахлоқий идеал» баб-баравар субъектив ва нисбийдир. Унга эришиш объектив зарурият б-н эмас, балки идора б-н белгиланади. Шунинг учун тарихий билимнинг ҳақиқатлик мезонини С.с.м. субъектив-идеалистик нуқтаи назардан қўйиб ҳал этарди. Михайловский «ғаразли фикрлар» дан халос бўлишни, мас., «илмий софдилликда», «сиёсий ахлоқ-одобда», ахлоқий идеал характерда деб биларди. С.с.м.нинг гносеологик асоси — тарихий процессни позитивистик талқин қилишдан иборат (*Позитивизм*). Марксизм тарихий билимнинг объективлигини ва партиявийлиги принципни С.с.м. га қарама-қарши қўяди.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ ФУНКЦИОНАЛ МАКТАБ — ҳозирги замон Ғарб социологиясидаги мактаблардан бири. Малиновский, Рэдклиф-Браун, Мертон, Парсонс, П.Сорокиннинг нуқтаи назарига кўра, жамият ягона, ўзаро алоқадор «социал система», бу системанинг ҳар бир элементи муайян функцияни бажаради. Компонентларининг ўзаро таъсири ва ягона белгиловчи асоснинг йўқлиги бундай системанинг муҳим хусусиятидир. Аммо, ҳақиқатда «руҳий қадриятларнинг типлари» С.ф.м.да системанинг асосий белгиловчи қисми ҳисобланади.

СОЦИОМЕТРИЯ (лот. *societas* — жамият, *metreo* — ўлчайман) — кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини аниқлашда қўлланиладиган метод. Унга америкалик социолог Джон Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатини аниқлаш учун қайси фаолиятда ким б-н бирга қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлари гуруҳдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Бу маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради, холос. Шунинг учун ҳозирги даврда Я.Л. Коломинский ва И.П.Волков томонидан С.нинг модификациялари ишлаб чиқилган. Булар шахсларнинг бир-бирини танлаш мотивларини кенг қўламда ифодалашга имкон беради. Айниқса, С.нинг Я.Л.Коломинский ишлаб чиққан ўзгартирилган тури, болалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар ҳақида тўлароқ ахборот беради. Текширишда, биринчидан, шахслараро муносабатнинг даражаси ва кўлами аниқланади, иккинчидан, қизлар б-н ўғил болалар ўртасидаги кўрсаткичлар таққос-

ланади. Кўрсаткичларга қараб гуруҳдаги ёки қизлар б-н ўғил болалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ўзига хослиги, психологик механизмлари ҳақида хулоса чиқарилади. Шунга асосланиб назарий аҳамиятга молик ғоялар олға сурилади, амалий кўрсатмалар берилади, тавсиялар билдирилади. С. методидан турли ёшда ва жинсдаги, савияси ҳар хил кишилар гуруҳларидаги психологик қонуниятни тадқиқ этишда унумли фойдаланиш мумкин.

СОФИСТИКА (sophist — моҳир, сўзамол донишманд) — 1) Қадимги Юнонистонда мил. олд. 5-асрда шаклланган оқим, софистлар таълимоти; 2) грекча «sophism» — атайлаб турли тушунчаларни ишлатиш орқали керакли маъно-мазмунга, мақсадга эришиш, айёрлик қилиш маъноларини англатган. Софизм оқими ўз даврида фал. ривожда муҳим ўрин тутган, масалан, Сукротга катта таъсир кўрсатган. Антик софизм тарафдорлари асарлари деярли етиб келмаган. Улар «кекса» ва «ёш софистларга ажратиб ўрганилади. «Кекса» софистлар — Протогор, Горгий, Гиплий, Продик, Антифон, «ёш» софистлар — Фралимих, Критий, Алкидам, Линафрон, Полемон ва бошқ. Софистлар ўз фаолиятида билимларни системали ўзлаштириш эмас, балки моҳир нотик бўлиш, баҳс-мунозараларда олган билимларни қай даражада қўллай олишга кўпроқ эътибор берганлар. С. фикрнинг кўчма мазмунини қўллайди, мантик ва релятивизм тамойилларини қўллаб, нутқдан зиддиятларни сиқиб чиқаришга интилади. С. методидан семантик ва мантикий методлардан фойдаланиб, исталган фикрни исботлаш мумкин. С.га фақат салбий қараш ногўғри, у қадимги Европа тафаккур услуби асосларидан бири бўлиб, уни танқид қилиш орқали антик дунёқараш дунёнинг фалсафий концепциясига эришди. С. билимнинг тарихий ва замонавий ривожда ўз аҳамиятига эга.

СПЕНСЕР Герберт (1820.27.4, Дерби — 1903.8.12, Брайтон) — инглиз файласуфи ва социологи, позитивизм кашшофларидан бири. 1837—47й.ларда темир йўл инженери бўлиб хизмат қилган, 1848—53й.ларда «Economist» журнали б-н ҳамкорлик қилган. Социологиядаги органик оқим асосчиси. С. фал.си Огнюст Конт позитивизмининг янада ривожлантиришдан иборат бўлса-да, ўз қарашларини О. Контга боғлиқлигини инкор этган. Юм ва Ж.Миллнинг агностицизми, Шеллингнинг натурфалсафий ғоялари, кантчилик қарашлари ҳам С. га ўз таъсирини ўтказган. Фал. С. фикрича, ҳодисалар қонунларининг энг умумлашган билими бўлиб, ҳусусий фанлардан фақат миқдорий жиҳатдан, яъни билимларнинг умумлашганлиги даражаси б-н ажралиб туради. С. ўз қарашларида дунёни билиш мумкин бўлган ва билиш мумкин бўлмаган дунёларга бўлишдан келиб

чиқади. Билиш наз-ясида С. трансформацион реализм концепциясини ривожлантиради ва сезгиларнинг предметларга ўхшамаслигини, лекин предметлардаги ҳар бир ўзгаришга сезгилар тизимининг маълум ўзгариши мос келишини эътироф этади. С. эмпиризм б-н априоризмни бирлаштиришга ҳарқат қилган. Эволюция сабабларини чуқур таҳлил қилишни хоҳламаган С. эволюционизмни кузатилаётган нарсаларнинг шунчаки баёни, деб тушунади. С. эволюция наз-яси тараққиётида сифат ўзгаришларини тушунтира олмаган. Юқорида таъкидланганидек, С. социологиядаги органик оқим асосчиси сафида жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши тирик организмлар каби бўлиб, жамиятдаги ҳар бир элемент, тирик организм элементлари каби маълум функцияларни бажаради, деб билган. Ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуни, С. фикрича, энг мослашувчан жамиятларнинг яшаш учун курашидир. У социализм душмани бўлиб, революцияни ижтимоий организмдаги «касалик» деб билган. Ахлоқийликни С. манфаат б-н боғлиқ ҳолда қараб, завқланиш манбаи сифатида эътироф этади. Унинг эстетик қарашлари ҳам ўзига хос бўлиб, Кантнинг мақсадсиз мақсадга мувофиқлик принциpidан, Шиллернинг санъатни ўйин деб тушунишидан, ўтмишда нима фойдали бўлса, ўша нарса гўзалдир, деювчи улитаризмдан келиб чиқади. С. этнография, динлар тарихи, психологияга тарихийлик ғояларини олиб кирган. Унинг ғоялари 19-а. охирида оммавийлашган, махизм ва неопозитивизм йўналишларига сезиларли таъсир кўрсатган.

СПИНОЗА Бенедикт (1632—1677) — машҳур нидерланд фай.и. С. эътиқодли яҳудий оиласида тарбияланди, яҳудий диний ўқув юртида таҳсил кўрди. Отасининг ўлиmidан кейин илмий ва фал-ий фаолият б-н шуғулланди. Унинг дўстлари ичида Нидерландия республикачилари ва протестант мазҳабининг аъзолари кўп бўлган. 1656 й.да фал-ий қарашлари учун яҳудийлар жамоаси уни шаккокликда айблаб, ўз жамоаларидан чиқардилар. С. Амстердамдан кетишга мажбур бўлиб, қишлоқда яшайди. Ўз илмий фаолиятини линза силиқлаш ҳунаридан келадиган даромад ҳисобига давом эттирди. С. асосий эътиборини фал-ий муаммоларни ўрганишга қаратди. 1660 й.да Гаага шаҳрига кўчиб келди. Унинг асосий асарлари: «Ақлни такомиллаштириш ҳақида рисола», «Илоҳий — сиёсий рисола» (1670), вафотидан кейин «Сиёсий рисола», «Ахлоқ» асарлари (1675) й.ида чоп этилган. С. фал-ий системасининг асосини субстанция ҳақидаги таълимот ташкил этади. Уни С. ягона, абадий ва чексиз табиат сифатида талқин этди. Субстанция ягона, у ўз-ўзининг сабабчиси, бу ягона субстанция ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож эмас, деб ҳисоблади. Табиат яратувчи ва яратилган табиатга бўлинади.

Яратувчи табиат бу (Худо) — ягона субстанция. Табиат ва Худони бир билиб, табиатдан ташқаридаги, ҳар қандай ғайритабиий олий моҳиятнинг мавжудлигини инкор этди. Субстанция икки ажралмас хусусият (атрибут)га: фикрлаш ва кўламга эга. Субстанцияни унинг ўзидан бошқа бирон нарса ҳаракатга сола олмайди. Якка нарсаларни С. модуслар деб атади. Улар ташқи сабабларга муҳтож. Модуслар ўзаро алоқада, ўзгарувчан, ҳаракатчан бўлиб, яратилган табиатдир. У чексиздир. С. изчил детерминизм ғояларини илгари сурди. Дунёда ҳеч қандай тасодиф йўқ, чунки субстанция ўз мавжудлигини ўзининг ички зарурияти б-н белгилайди. Билиш уч босқичдан иборат: 1. Ҳиссий билиш. 2. Тафаккур ёрдамида билиш. 3. Интуитив билиш. Бу ишончли билишнинг асосидир. С. ирода эркинлигини инкор этди. Инсон-табиатнинг кичик бир бўлаги. У дунёвий сабаб ва оқибатлар занжирининг бир ҳалқаси. Фақат Худогина эркиндир. Инсоннинг хулқ-атвори уч аффе́кт: қувонч, қайғу ва қонқиш орқали бошқарилиб туради. Инсон ўз ҳис-туйғусининг, аффе́ктларининг қулидир. Уларни англаш орқалигина инсон эркин бўлиши мумкин. Жамият ва давлат ижтимоий келишув натижасида вужудга келган. С. муқаддас ҳисобланган Библияни кескин танқид қилди. Лекин, уни даҳрийликда айблаганларини инкор қилиб С. диннинг бу танқидини мутаасиблик ва жаҳолатнинг танқиди деб ҳисоблаган.

СПИРИТУАЛИЗМ (франц. — spiritualisme — руҳий, лат. spiritus — руҳ, қалб) — руҳни материядан ташқарида ва ундан мустақил ҳолда мавжуд бўлган ўзига хос жисмсиз субстанция, борлиқнинг бирламчи асоси, деб ҳисоблайдиган фал-ий таълимот. Спиритуализм Кузен томонидан фал-ий тушунча сифатида муомалага киритилган. 19-20-а.ларда француз ва италиян фал.сининг қатор мактаблари ва йўналишлари С. деб аталган. Ж.Равессон, Ж.Лашелье, В.Джоберти, Л.Лавель каби намояндалари фаолият кўрсатганлар. Барча диний таълимотларни улар спиритуалистик характерга эга, деб ҳисобладилар. Фал.да С. материализмга зид тарзда руҳий асосни эътироф этувчи турли қадимги ва янги давр таълимотларини ўзида ифодалайди.

СТАТИК ВА ДИНАМИК ҚОНУНЛАР — табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги такрорланувчи алоқа ва муносабатларни (барқарор ва ўзгарувчан алоқаларини) ифодаловчи категория. С. ва д.қ. фал-ий тушунча сифатида умумий ва хусусий характерга эга. Динамик қонунларда воқеа ва ҳодисалар тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари қайд этиладики, натижада системаларнинг ўзгариши ҳақида башорат қилиш имкони туғилади. Мас., механикада Динамик қонунлар асосида жисмнинг ҳаракат йўли ва тезлиги ўрганилади, унинг келгусидаги

ҳаракати тенденциялари аниқланади. Динамик қонунлар жисмнинг бошқа жисмларга нисбатан муносабатларини ҳам тадқиқ қилиш имконини беради. Статик қонунлар асосида қилинган башоратлар эҳтимоллик характерига эга бўлади, Чунки, табиат ва жамият воқеа ҳамда ҳодисалардаги тасодифий омиллар ва хусусиятлар воқеалар ривожини олдиндан айтиш имконини бермайди. Статик қонунлар тахминийлик характерида бўлса-да, тасодифий ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг бирдан-бир йўлидир. У моддий оламдаги турли тасодифий ҳодисаларнинг зарурий, такрорланувчи жиҳатларини ифодалайди. Бу қонуният диалектикадаги тасодифларнинг заруриятга айланиши ҳақидаги қарашларни далиллайди. Одатда, С. ва д.қ. асосида моддий оламдаги ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ўрганилади. Улар, айниқса, бир ҳодиса иккинчи бир ҳодисанинг келтириб чиқаришини ифодаланида турли ҳодиса ва воқеалар ўртасидаги алоқадорликни атрофлича ўрнида муҳимдир.

СТАТИСТИК УМУМЛАШТИРИШ — тўлиқсиз индукциянинг алоҳида бир тури бўлиб, илмий индукция сингари, хулоса чиқаришда элиминация қилиш усулига, яъни, кераксиз ҳолатларни муҳокамадан чиқариб ташлаш йўли б-н керакли ҳолатларни ажратиб олишга асосланади. С.у. оммавий тусга эга, кенг кўламда содир бўладиган ҳодисаларни ўрнида қўлланилади. Мас., у иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш, туғилиш ва ўлиш ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шу каби ҳолларда муваффақиятли қўлланилади. Оммавий тусдаги ҳодисаларни ўрганиш тасодифий белгилар, уларнинг мавжуд ҳодисаларда такрорланиши, кўламини аниқлашга ёрдам беради ва шу тариқа сабабий алоқаларни ўрнатишни осонлаштиради. Бундай миқдорий маълумотлар ҳодисалар тараққиётининг нисбатан турғун тенденцияларни ўзида ифода қилгани ҳолда, уларнинг тараққиёт йўналишларини белгилашга, стратегик ва тактик аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишни ташкил қилишга ёрдам беради. Мас., у аҳолига хизмат кўрсатиш, турли хил касалликларнинг тарқалиши, қонунбузарлик каби ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини амалга оширишга имкон беради. Оммавий тусдаги ҳодисалар ҳақида уларни ёппасига қараб чиқиш йўли б-н эмас, балки айримларини танлаб олиб ўрганиш асосида, уларга хос бўлган турғун белгилар, алоқалар, қонуниятларни мантиқан бутун синфга кўчириш орқали хулосалар ҳосил қилинади. Хулоса чиқариш бунда статистик умумлаштириш тарзида содир бўлади. С.у. тўлиқсиз индукция бўйича хулоса чиқаришдан иборат бўлиб, унда асосларда ўрганилаётган ҳодисалар гуруҳида намунада муайян белгининг частотаси ҳақидаги миқдорий ахборот хулосада шу жинсадаги

ҳодисаларнинг бутун синфига кўчирилади. С.у. асосида қайд этилган миқдорий маълумот ўз ичига қуйидагиларни олади: 1) оммавий тусдаги ҳодисаларнинг ўрганилаётган гуруҳи (намуна)ни ташкил этувчи ҳолларнинг умумий сони;

2) тадқиқотчини қизиқтираётган белгининг такрорланаётган ҳоллари миқдори; 3) шу белгининг пайдо бўлиш частотаси. С.у.нинг амалга ошиш схемасини қуриш учун қуйидаги шартли белгилардан фойдаланилади: s — тадқиқ этилаётган ҳодисалар гуруҳи ёки намуна; P — тадқиқотчини қизиқтираётган белги; n — кузатилаётган ҳолларнинг (намуна элементларининг) умумий сони m -р белгиси хос бўлган ҳодисалар (ҳоллар) сони; $f(p)$ — р белгисининг частотаси; K — популяция, яъни оммавий тусдаги ҳодисаларнинг бутун синфи (белги) частотаси ёйиладиган ҳодисалар синфи). S — намунада р белгисининг пайдо бўлиши частотаси m га тенг.

п

Уни $f(p)_{\text{эм}}$ ёзиш мумкин. Мас., автомобиль аварияларининг 100% тадан 17 тасини ҳайдовчининг маст ҳолатда автомобилни бошқариши келтириб чиқаради, деб фараз қилайлик. Унда маст ҳолда ҳайдовчининг автомобилни бошқариши натижасида содир бўлган авария частотаси 17F100 ни, яъни 17% ни ташкил этади. Умумий ҳолда ҳодисаларни статистик тасвирлашда р белгининг пайдо бўлиш частотаси 0 дан 1 гача бўлган интервалдаги қийматни ташкил этади.

$$0 < f(p) < 1.$$

Бунинг сабаби шундаки, статистик намунада (s) р белгининг пайдо бўлган ҳоллар сони (m) кузатилаётган элементлар умумий сонидан (n) доимо кичик бўлади. Бунда $n > m$ бўлгани ҳамда $f(p)$ қиймати $\frac{m}{n}$ га тенг бўлгани учун, у доимо 1 дан кичик, 0 дан катта бўлади. $f(p)_{\text{эм}}$ ифодаси р белгисининг кузатилаётган ҳодисалардан бирортасига ҳам хос эмаслигини англатади. Ундан индуктив умумлаштириш асосида р белгиси бутун К синфига хос эмас, деган «умумий инкор ҳукм» шаклидаги хулоса чиқарилади. $f(p)_{\text{эм}}$ ифодаси эса, р белгисининг кузатилаётган ҳодисаларнинг ҳар бирига, яъни намунага хос умумий хусусият эканлигини билдиради. Уни умумлаштирилиши асосида, яъни р белгисини s дан — намунадан K га — бутун синфга кўчириш (генерализация қилиш) асосида, «р к синфининг ҳар бир ҳодисасига хосдир», деган умумий тасдиқ ҳукм ҳосил қилинади. Юқорида таҳлил қилинган ҳоллардан келиб чиқиб, статистик умумлаштириш умумий схемасини қуйидагича ифодаласа бўлади.

$K > s$

$s < K$

s $f(p)$ га эга

K $f(p)$ га эга

Бу ифода р белгисининг кузатилаётган ҳодисалар синфи — S да f частотаси б-н такрорланишини билдиради. Бу ерда S — намуна K популяциянинг (предметларининг бутун синфининг) ичига кирувчи кичик синф бўлиб, у доимо K дан кичик бўлади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, р белгиси K популяциясида f частотаси б-н учрайди. С.у. тўлиқсиз индукциянинг бир тури бўлгани учун, унинг хулосаси эҳтимолий характерга эга билим бўлади. Хулосанинг чин бўлиши эҳтимолининг қай даражада бўлиши ўрганилган намунанинг популяцияга нисбатан қандай миқдорда бўлишига, репрезентативлигига, яъни популяцияни сифат жиҳатидан қандай гавдалантира олишига боғлиқ. Агар намунанинг хилма-хиллиги популяциянинг хилма-хиллигига қанча кўп мувофиқ келса, репрезентативлик шунча юқори даражада бўлади ва хулосанинг чин бўлиши эҳтимоли ортади. Бошқача айтганда, намунани ташкил этувчи элементлар популяциянинг (бутун синфининг) турли-туман соҳаларининг вакиллари бўлса, унинг барча томонлари, хусусиятларини қамраб олса, хулосанинг чин фикрдан иборат бўлиш эҳтимоли ортади. Демак, ўрганилаётган намунанинг статистик тасвири аниқ бўлиши ва белги частотасининг популяцияга кўчирилиши мантиқан асосланган бўлиши хулосанинг чин фикрга яқин бўлишига, ундан билиш ва амалиётда самарали фойдаланишга имконият яратади.

СТОИКЛАР — милoddан аввалги 4-асрнинг охирида пайдо бўлган қадимги юнон фалсафасидаги мактаблардан бири. Унга Кипр оролидаги Китион шаҳридан бўлган Зенон асос солган. С. номи Стоя Пещеле зали номидан олинган, чунки, Зенон бу ерда биринчи марта мустақил нотик сифатида чиқиш қилган. С. сафига Зеноннинг шогирди Клеанф, Клеанфнинг шогирди Хрисипплар ҳам кирган. Кейинчалик булар сафига Бобилнинг Селевкин шаҳридан Диаген ҳам қўшилган. Диаген римликларни қадимги юнон фал.си б-н таништирган. Цицероннинг ус-този Панетия ва замондоши Посидоний ҳам С.га киради. Римлик С.га Сенека, Эпиктет, Антопин, Арриан, Марк Аврелий, Цицерон, Секст Эмпирик, Д.Лазертский ва бошқаларни ҳам киритиш мумкин. Бизгача С.дан Сенека, Марк Аврелий ва Эпиктетларнинг асарларидан айрим парчалар етиб келган. С.лар фал.си уч асосий қисмга бўлинади: физика (табиат фал.си), логика ва этика. С. физикаси, асосан, Гераклит ва б.ларнинг фал-ий таълимотларидан ташкил топган ва ўзининг оригиналиги б-н ажралиб туради. Унинг асосини белгилайдиган, ҳамма нарсани яратадиган ҳамда барча жойда кенг тарқалган субстанция — ақлли, жаҳоний, жон ёки Худо деб тушунилади. Бутун табиат умумий қонуннинг акс этишидир, уни ўрганиш жуда ҳам муҳим, чунки у айна бир пайтда инсон учун ҳам қонун,

инсон ҳам унга асосланиб яшамоғи керак. С. моддий оламда икки бошланғични: фаол ақл (у Логос, Худо) ва пасив ақл (ёки чексиз субстанция, материя)ни фарқлаганлар. Гераклит ғоялари таъсирида С. бошланғич оловнинг фаол ролини, унинг ҳамма нарсанинг яратувчиси эканлигини қайд қилганлар, лекин улар кейинчалик ҳаво, сув, тупроқнинг ролини ҳам эътироф этганлар. Бу жараёни маълум цикллар орқали содир бўлишини эътироф этганлар. Лекин, охир оқибат космик ёнғин содир бўлади ва олов ўз ўрнига келади, бу чексиз такрорланиб тураверади. Бу жараён илгари ҳам содир бўлган, бундан кейин ҳам чексиз содир бўлаверади, деб тушунганлар. Римлик С. логика ва этикага катта эътибор берганлар. С. билиш назарияси муаммоларига, шунингдек, мантиқий масалаларга кўпроқ ургу беришади. Улар билишда ҳиссий билимга эмас, балки ўзлаштирилган, билиб олинган, онгга айланган билимларга ҳақиқий билим деб қараганлар. С. формал логикани ишлаб чиқишга катта эътибор бердилар, тафаккур шаклларини ўргандилар, айтилган оддий ва мураккаб фикрларга эътиборни қаратдилар, ҳулоса назарияси ва бошқаларни ўргандилар. Лекин, улар таълимотининг асосий қисми бўлган этика, фал. тарихи ва маданият кабилар уларга шон-шўрат келтирди. С.нинг ахлоқий қарашларида *формализм* унсурлари ҳам мавжуд эканлигини И. Кант алоҳида таъкидлаган эди. С. яхши фазилатли бўлиш учун яхшилик қилиш шарт эмас, балки яхшиликни яхши фазилатли бўлиш учун қилиш зарур деб ҳисоблайдилар. Ҳоз. вақтда сўнги С. Сенека, Эпиктет ва Марк Аврелийнинг ғояларига катта қизиқиш б-н қаралмоқда. Уларнинг биринчиси зодагон ва бўлажак император Нероннинг тарбиячиси, иккинчиси кўл, учинчиси эса император бўлган. Улар бизга «ўзи б-н ўзи» фикрлашда жуда қизиқ ғояларни қолдирганлар. Айниқса, сабр-қаноат, кундалик хоҳишларга қарши қаршилик кўрсата олиш соҳасида, Б. Расселнинг қайд қилишича, С. этикаси бизга «ғўр узумни» эслатади: биз бахтли бўла олмаимиз, лекин биз яхши бўлишга ҳаракат қиламиз. Рим С.и ўзининг диний аъёнлари б-н неоплатонизм ва христиан фал.сининг келиб чиқишига таъсир кўрсатди. Уларнинг ахлоқий қарашлари янги замон шахсининг ички, қалбан эркинлиги ҳақидаги ғоялари б-н долзарб бўлиб қолмоқда.

СТРУКТУРА (*лот.* structura—тузилиш) — системанинг тузилиши ва ички формаси, мазкур система элементлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлигини ифодаловчи фалсафий тушунча. С.нинг мазмуни, яъни системаларни ташкил этувчи элементларнинг мажмуи бир-бири б-н ўзаро алоқдорликда намоён бўлди. Системаларнинг моддий

таркиби ягона бўлганда уларнинг С.си элементлар алоқаларининг характерига, уларнинг фазода жойлашуви ва ш.к. ларига қараб турлича бўлиши мумкин. С.даги элементларнинг боғланиши қисм ва бутуннинг ўзаро алоқадорлиги диалектикасига бўйсунди. Элементларни яхлит системага бирлаштирганда унинг хоссалари таркибий компонентлар хоссаларининг йиғиндисидан фарқли бўлиб чиқади. Шу б-н бирга яхлит системанинг ўзининг С.вий муносабатлари система мавжудлигининг умумий қонунига бўйсунувчи компонент элементлар ички хусусиятларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Структуравийлик реал суратда мавжуд барча объектлар ва системаларнинг ажралмас атрибутидир. Ички ўзгаришлар ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қобилияти бўлмаган С.сиз жисмлар оламда бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир моддий объект ички ва ташқи алоқаларнинг битмас-туганмас хилма-хиллигига, турли-туман ҳолатларга айланиш қобилиятига эгадир. Оламда сифат жиҳатдан турли системаларда С.вий тузилишининг, С.вий муносабатларнинг ҳисоб кўп даражалари, типлари мавжуддир. Табиий ва ижтимоий фанларнинг ҳар бирида С.нинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда айни фаннинг предметини ташкил этувчи системаларнинг ўзгариш қонунлари тадқиқ этилади.

СУБСТАНЦИЯ (*лот.* substantio — моҳият) — қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой фалсафаси тарихида бутун мавжудотнинг бош асосини ифодаловчи тушунча. С. тушунчаси субстракт — негиз, конкрет асос маъносини англатади. Тасодифий, вақтинча, ўткинчи хосса тушунчаларидан фарқланади. Бу бош асос муайян ашёлар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши шарт-шароитларини белгилайди. Арастунинг гувоҳлик беришича, Пифагор «миқдор барча нарсаларнинг моҳияти», олам — бу миқдорий ўлчамлар ва уларни ташкил этиш, муносабатларнинг гармоник тизими сифатида талқин қилган. Арастунинг ўзи эса, С. — моҳият, барча категорияларнинг реал асоси, борлиқни С. тушунчасисиз тушунтириб бўлмайди, деб таъкидлайди. Арасту «Категориялар»да «Биринчи моҳият бўлмаганида бошқа нарсаларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас эди», деб ёзади. Биринчи С. (моҳият) бу муайян нарсанинг ягона ва бўлинмас имманент (ички) бевосита индивидуал борлиғидир. Биринчи моҳият ўзгармас, абадий моҳиятдир. Бундай моҳиятнинг мавжудлиги зарурий ва муқаррардир. Арасту таъбирича, иккинчи моҳият биринчи моҳиятсиз юзага келиши мумкин эмас. Мас., инсон якка ва «мана бу» реал мавжуд тирик мавжудот сифатида биринчи моҳиятни ташкил қилади. Иккинчи моҳиятларнинг вазифаси борлиқнинг умумий таъриф-тавсифини таъминлаш

дир. Демак, иккинчи моҳиятлар ўз ҳолича мустақил моҳиятлар туркумини ташкил қила олмайди, чунки уларнинг вазифаси моҳиятнинг турли томонлари, жиҳатларини таҳлил қилишдир, моҳиятнинг ҳолатларини ўзида акс эттиришдир. Фал-ий тафаккур тарихида С.га икки хил ёндашувга дуч келди. Айрим таълимотларда С. субстрактдан фарқланмайди. Мас., Пифагорда сон-миқдор, Гераклитда — олов, Фалесда — сув, Анаксименда — ҳаво, Платонда — ғоялар айна бир вақтда ҳам субстракт, ҳам С. кўринишида намоён бўлади. Левкипп, Демокрит, Эпикур, Лукреций Кар ва Ибн Синода эса, С. ва субстракт бир-биридан фарқланади. Ибн Сино моддий борлиқнинг негизи сифатида сув, ҳаво, олов ва тупроқни эътироф қилади. Ҳар қандай нарса уларнинг ўзаро нисбати ва бирлигидан ташкил топади. С. эса, модда ва жисмнинг бирлигидан иборатдир. Моддасиз шакл, шаклсиз модда эса, объектив борлиқнинг моҳияти бўла олмайди. Р. Декартнинг дуализмига кўра, моддий С. ва руҳий С. параллел тарзда амал қилади. Уларнинг амал қилиш қонунлари бир-биридан мустақилдир, улардан биронтаси иккинчиси устидан ҳукмронлик қила олмайди, чунки уларнинг ҳар бири ўзигагина хос соҳа-жабҳага эга, улардан ташқарида қонунларнинг таъсири чегарланади. Натижада, нима бирламчи-ю, нима унинг ҳосиласи, деган савол ҳам барҳам топади. Шундай қилиб, фал-ий тафаккур тарихида С. муаммоси устида олиб борилган баҳс-мунозаралар моддий ва руҳий жараёнларни чуқурроқ ўрганиш, улар ўртасидаги тафовут ва ўзаро бирликни ҳар томонлама таҳлил этишга томон йўналтирилган.

СУБЪЕКТ (лот. subjectus — асосига қўймоқ) — амалий фаолият ва билим б-н боғлиқ бўлган, объектни билишга қаратилган фаоллик манбаи. С. фал.да турли тарихий босқичларда турлича тушунилиб келинган. Аристотель С. тушунчаси остида индивидуал борлиқ, шаклланмаган субстанция — материяни тушунган. Ўрта асрлар схоластикасида (Ф. Аквинскийда) объект деб яратувчи, табиатдан ташқарида мавжуд деб қаралган Худони тушунилган бўлса, С. деб эса, уни билишга интилувчи, конкрет яратилган нарса ва ҳодисалар тушунилган. С. биринчи марта Р.Декарт (1596 — 1650) фал.сида билиш объектига қарама-қарши турувчи, билувчи нарса ва ҳодисалар сифатида тушунилган. С. тушунчасининг классик мазмуни И.Кант томонидан берилди. Кант фал.сида С. объектга қарама-қарши турувчи билувчи инсон тушунилади. Лекин Кант фал.сида билувчи С. фаолияти С.нинг сезги аъзолари ва унинг имконият даражаси б-н чеклаб қўйилди. Яъни, кишининг сезги аъзолари чекланган имкониятга эга бўлиб, билишимиз керак бўлган объектлар чексиз

ҳисобланади. Шунинг учун, Кант С. ўзининг сезги аъзоларининг чекланган имкониятлари б-н чексиз объектларни ҳеч қачон била олмайди, дея агностицизмга имконият яратиб берди. Гегель эса, ўз фал.сида билиш С.ининг ижтимоий тарихий мазмунини очиб берган эди. Унга кўра билиш С.и пировард натижада мутлақ ғоя бўлиб, инсон онги эса, ана шу мутлақ ғоянинг таркибий қисмига айланади. Бу таълимотда С. б-н объект мутлақ ғоянинг руҳ шакли б-н моддийлашган шакллари орасидаги ўзаро таъсир жараёни, деб тушутирилади. С. табиий ҳодисаларни ўрганаётганда бутун инсоният номидан қатнашади ва умуминсоният манфаатларини ҳимоя қилиб чиқади. С. томонидан қўлга киритилган ютуқлар ҳам ўз навбатида умуминсоният мулкига айланади. Шунинг учун ҳам, у табиий фанларда синфийлик, миллийлик характерида бўлади. Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда эса, С. иштироки ўзига хос хусусиятга эга. Бунда у, биринчи навбатда, ўз миллати, синфи, жамияти, минтақаси, ирқи, дини ва ҳ.к. номидан қатнашади. Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда С. даставвал умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан қатнашиши зарурлиги, умуминсоний манфаатларга зид келмаган тақдирдагина ўз миллати, синфи, жамияти, минтақаси, ирқи, дини ва ҳ.к. ларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли, деган янгича ёндошишни Б.Рассель (1955) ишлаб чиқди ва у ҳоз. пайтда «Янгича сиёсий тафаккур услуби» деб юритила бошланди. Агар «янги-ча сиёсий тафаккур» тамойили инсониятнинг барча гуруҳ ва қатламлари томонидан қабул қилинмас экан, унда жамиятда ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиб бўлмайди. Оқибатда эса, инсониятнинг келажагига хавф солиб турган глобал муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Умуминсоният инқирози муқаррар тус олади. Зеро, бундай вазиятларда С. хоҳиш-истагининг устуворлиги рўй беради. Жамият тараққиётида эса, С. хоҳиш-истагининг бутун жамият истакларига бўйсунishi устувор бўлмоғи лозим.

СУБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ — идеализм шакллари-дан бири, фалсафий таълимот. Идеализм атамаси 18-а.нинг бошларида Лейбниц томонидан қўлланилган. Идеализм икки хил тарихий кўринишга эга: объектив ва субъектив идеализм. Агар объектив идеализм руҳий бошланғични ондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд, деб ҳисобласа, С. и. ондан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳеч қандай реаллик, воқелик йўқ, деб тушунтиради. Объектив идеализм илк марта Платон фал-ий қарашларида системага солинган бўлса, С. и. ўрта асрлар фал.си бўлган схоластик реализмда, янги замоннинг йирик мутафаккирлари — Лейб-

ниц, Кант, Фихте, Шеллинг, фал-ий қарашларида ўз аксини топди. С. и. ўзининг ёрқин ифодасини 18-а. инг. файлари Ж.Беркли ва Д.Юм фал-ий қарашларида ўз аксини топди. Ж.Берклининг «Кўришнинг янги тажриба наз-яси» (1709), «Инсон кўришининг баҳоланиши ҳақида рисола» (1710), «Гилас ва Филонус ўртасидаги уч суҳбат» (1713), «Алсифон» ёки Кичкина файласуф» (1732), «Сейрис ёки фал-ий мушоҳада ва тадқиқотнинг фал-ий занжири» (1744) асарларида С. и. қарашлари баён этилган. Беркли материяни инкор этади. Фақат руҳий борлиқни эътироф этади ва у «ғоя» ва «жон»дан иборат, деб тушунади. У «мен бор, олам бор, Мен йўқ, олам йўқ. Олам менинг сезгиларимни йиғиндисидан иборат», деб тушунди. Д.Юм эса, «Инсон табиати ҳақида рисола», (1730-40), 8 жилдлик «Англия тарихи» (1753-1762), «Эссе» (1741) номли асарларида ўзининг фал-ий қарашларини баён этди. Юм Ж.Берклининг С.и.ини қайта кўриб чиқиб, уни агностицизм ва феноменализм нуқтаи назаридан тушунтирди. Ҳамма нарсанинг асосини тажриба, сезги ташкил қилади, деб билди. Беркли, Юм С.и. 19-20-а.да Э.Мах, Р.Авенариус, К.Персон, П.Дюэма ва б.лар томонидан ривожлантирилди. Ўтган асрнинг 80 й. иккинчи ярми, 90-й.нинг бошларида янгича сиёсий тафаккурнинг шаклланиши бошқа соҳалар каби фал-ий қарама-қаршиликларга ҳам чек қўйди. Материалист ва идеалист деб аталадиган кишиларнинг асосий мақсади инсоният ҳаётини яхшилаш, фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйиш, мавжуд келишмовчиликларни сиёсий йўллар б-н ҳал қилиш, мафкуравий иммунитет масалаларини ўртага ташлади.

СУБЪЕКТИВИЗМ — объектив оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ўзгариб боришини фақат субъект фаолиятига боғлаб тушунтирувчи таълимот. С. субъектнинг назарий ва амалий фаолиятини мутлақлаштириб, табиат ва жамиятдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари объектив тарзда мавжуд эканлигини тан олмайди.

СУВЕРЕНИТЕТ (франц. — олий ҳокимият) — давлат мустақиллигининг умумий ҳамда ажралмас мақоми бўлиб, бошқа давлатлар б-н тенг эканлигини, ички ва ташқи сиёсатда бошқа давлатларга қарам эмаслигини ифодалайдиган сиёсий-ҳуқуқий тушунча. С. давлат мустақиллигини ифодаловчи тушунча сифатида 16-а.да Францияда яшаб ўтган мутафаккир Жан Боден томонидан қўлланган. У давлат С.га абадий, мутлақ, бўлинмас олий қадрият сифатида қаради. Миллат С.нинг таъминланганлиги, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлганлиги б-н белгиланади.

СУД — судлов ишларини амалга оширувчи давлатнинг сиёсий аппарати. У фуқаролик, маъмурий, меҳнат, жиноий ишлар каби судлов ишларини қонун асосида кўриб чиқади. Бизнинг мамлакатимизда С. томонларнинг қонун олдида тенглиги, судловнинг ошкоралиги, ишларнинг давлат тилида олиб борилиши, жавобгарга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар яратилиши, кассация асосида норозилик билдириш ҳуқуқининг ҳимояланиши каби тамойилларга таянади. С. ўз моҳияти б-н аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик ташкилотдир.

СУД ҲОКИМИЯТИ — давлатнинг судлов ишлари билан боғлиқ фаолиятини амалга оширувчи алоҳида ҳокимият шакли. Ўзбекистон Республикасида демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнининг бошланиши давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинишини қатъий белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида С.ҳ.нинг бошқа ҳокимият тизимлари б-н муносабатлари ва унинг асослари ифодаланган. С.ҳ. Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди тизимини ўз ичига олади, қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа ҳаракатлардан мустақил ҳолда иш юритади. С.ҳ. суд ва судьяларнинг мустақиллиги, улар ҳуқуқий дахлсизлигининг кафолатланиши, суд қарорлари бажарилишининг мажбурийлиги, суд фаолиятининг қатъий қонунийлиги, инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият эканлиги каби тамойиллар асосида фаолият олиб боради.

СУННИЙЛАР — Ислом динидаги оқимлардан бири. Муҳаммад (с.а.в.) мусулмонларнинг келажакда бир неча фирқаларга бўлиниб кетишидан ташвишланиб, улардан биттасини — «фирқаи ножиа» (нажотга эришувчи фирқа) деб атаган. Имом Абу Исо ат-Термизий Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда пайғамбар (с.а.в.) шундай дейди:

«Аниқки, Бани Исроил қавмига келган ҳодисанинг айни ўзи менинг умматимга ҳам келади. Бани Исроил қавми етмиш икки фирқага бўлиниб кетган эди, менинг умматим яқин келажакда етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Барчаси залолатга боради, илло биттаси нажотга. Саҳобалар: «Жаннатга борадиган битта фирқа қайси?» — деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мен ва саҳобаларим тутган йўлдагиси», — деб жавоб берди. Юқорида келтирилган ҳадисларнинг мазмуни шунга далолат қилдики, пайғамбар (с.а.в.) баён этган ва нажотига башорат берган ягона фирқа — бу «аҳли сунна вал-жамоа» яъни С. фирқаси. Бу фирқа аҳли ислом ди-

нининг ихлосли, эътиқодли бўйсунувчилари бўлиб, ўзларини Иброҳим (а.с.) миллатидан деб ҳисоблайдилар, Пайғамбар (с.а.в.)нинг шариатига итоат қилдилар. Абдулқоҳир ибн Тоҳир ал-Бағдодий ат-Тамимийнинг «Ал-фарқ байнал-фирақ» китобида «аҳли сунна вал-жамоа» фирқасидан ҳисобланувчи турли тоифа илм аҳллари ҳақида тўла маълумот берилган. «Аҳли сунна вал-жамоа» қаторига «аҳли усул» кишилари ҳам киради. Улар калом илми билимдонлари бўлиб, «мутакаллимийн» дейилади. Мутакаллимлар Оллоҳнинг ваҳдонияти, унинг сифати зотияларининг исботи, Оллоҳ ҳақида айтиш мумкин бўлмаган, бироқ зolimлар томонидан айтилган гапларни рад қилиш, Оллоҳнинг зотий сифатлари б-н фузулий сифатларини, Оллоҳга нима вожиб, нима жоиз ва нима муҳол эканлигини ажратиб бериш, тақдир, ваъда ва ваъийд, Оллоҳнинг исмлари, ҳукмлари ва бошқа нарсалар борасида фикр юритиб, уларни рофизийлар, хорижийлар, жаҳмийя, нажжорийя ва ш.к. фирқаларнинг бидъатларидан ҳимоя қилувчи олимлардир. Улар қаторига «Аҳли фуруълар», яъни шаръий далилларга асосланган ҳолда шарият ҳукмлари, вожиб, мустаҳаб, мубоҳ, макруҳ, мамнуъ ва бошқа масалалар, мас., Оллоҳнинг сифати азалийяси, охиратда Оллоҳни кўз б-н кўриш, қайта тирилиш, маъшарда йиғилиш, қабр азоби, ҳавзи кавсар суви, шафоат ва мағфират борасида фикр юритувчи, Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг халифаликлари ва бошқа саҳобаларнинг ҳақларига фақат сано ва мақтов айтувчи, яхши фикрда бўлувчи, жума намозининг фарз эканлигини тан олувчи, Қуръон ва суннатдан ижтиҳод ва истинбот қилиб ҳукм олишни жоиз билувчи, уч талоқни ва мутъа никоҳни ҳаромлигини тасдиқ этувчи олимлар ҳам кирадилар. Аҳли фуруълар икки гуруҳдир. Биринчиси, аҳли ҳадис, иккинчиси аҳли раъй, яъни ижтиҳод кишиларидир. Аҳли ҳадислар Ҳижоз уламолари бўлиб, улар сирасига: Имом Молик Ибн Анас ал-Асбаҳий ва унинг Яҳё ибн ал-Қаънабий, Яҳё ибн Бакийр, Мусъаб ибн Умайр, Аз-Зубайр, Ибн ал-Қосим, Ибн ал-Ваҳб сингари шогирдлари, Имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофийий ва унинг Исмоил ибн Яҳё ал-Мазаний, Ҳурмула ибн Яҳё, Рабийъ ибн Сулаймон ал-Муродий, Абу Яъқуб ал-Бувайтий, Ҳасан ибн Муҳаммад ибн ас-Сабоҳ аз-Заъфароний, Муҳаммад ибн Абдул-Ҳакам ал-Мисрий, Абу Савр Иброҳим ибн Халид ал-Калбий сингари шогирдлари, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал унинг шогирдлари, Суфён ибн Уйайна, Суфён ас-Саврий ва бошқа имомлар, уламолар кирадилар.

Аҳли раъй (ижтиҳод) уламоларига ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ва унинг асҳоблари Қози Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Имом Зуфар, Абу Мутиъ ал-Балхий, Ибн Саммоъа, Бишр ибн Ал-Мўътамир киради. То-

вус ибн Кайсон, Абдураҳмон ибн Абу Лайло ва унинг шогирдлари, «аҳли сунна вал-жамоа»нинг бошқа уламолари, Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилиб яшаётган барча мусулмонлар ҳам шулар жумласидандирлар. Ривоят илминини яхши билган, ҳадисларнинг саҳиҳини ёки заифини яхши ажратадиган, ҳадис илмини ёлғон, тўқима ҳадислардан ҳимоя қила оладиган муҳаддислар бидъатчи гуруҳларга аралашмай пайғамбар тутган йўлдан борганлар. Ўзини ҳаромдан тийган, Яратганнинг берганига сабр ва шукр қилган, ҳар бир ишини Оллоҳга топшириб, ҳар бир нарсада таваккул қиладиган аҳли тариқат олимлар ҳам «аҳли сунна вал-жамоа» жумласидандирлар. «Аҳли сунна вал-жамоа» фирқаси дин арконларидан ўн беш рукни иттифоқ қилганлар. С.нинг иттифоқича, шаръий далиллари тўртта: Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёс.

СУҚРОТ (мил.ав. 447—Афина—399) — қадимги юнон мумтоз фалсафасининг асосчиси, афиналик биринчи файласуф. Ҳайкалтарош бўлган. Афинанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган. У ўз даврида ҳукмронлик қилиб келаётган Афина демократик тузумига қарши чиқиб, янги худо ҳақидаги ўз фикрини баён қилгани учун Афина руҳонийлари уни даҳрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблайдилар, уни судга тортилишини талаб қилиб чиққанлар. С.га қўйилган айб сиёсий бўлса-да, лекин уни динга қарши чиққанликда айблаган. Айтишларича, С.нинг шогирдлари уни зиндондан озод қилиш ва қочириб юбориш чорасини топганлар. Аммо С. «Афина қонунларини танқид қилсамда, уларни етук эмас деб билсамда, бу қонунларни афиналиклар қабул қилган экан, уларга бўйсунмасликка ҳаққим йўқ. Ёшим бир жойга борганида уларни бузиб, авлодларнинг тавқи-лаънатига қолмай» — деган фикр б-н зиндондан қочиб кетмаган. Устидан чиқарилган ҳукмга эътироз билдирмай, С. ўз ўлимини ихтиёрий равишда танлаб, бир қадаҳ заҳар ичиб ўлади. С. ўз таълимотини оғзаки равишда кўчакўйда, майдонларда, хиёбонларда ўз шогирдлари ва издошлари б-н суҳбатларда баён қилган, лекин биронта ҳам асар ёзмаган. Унинг фал-ий, ахлоқий таълимотларини шогирдлари Ксенофант, Аристофан ва Платонларнинг асарлари орқали билиб олишимиз мумкин. Ксенофант «Суқрот ҳақида эсдаликлар» асарида ўз устози ҳақида илиқ сўзлар айтиб, уни олийжаноб устоз, ахлоқ-одоб борасида ҳаққоний фикр юритган, инсон фазилатларини қадрлашга даъват этган киши сифатида тасвирлайди. Ёшларнинг ахлоқини бузганлиги тўғрисидаги фикрлар сохта ва бўҳтон гаплар эканлигини таъкидлайди. Платон ўз устозини чуқур мулоҳазали, инсонни улғувчи донишманд сифатида гавдалантириб, ўз фал-ий қарашларини «Суқрот» номидаги асарларида баён

этган. С. ўзига қадар ўтган ва ўз давридаги файласуфларнинг табиат борлиқнинг асоси, унинг қонуниятларини ўрганиш керак деган фикрларига қарши чиқиб, инсон муаммосига, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, маънавий фазилатлари, ахлоқ-одобга илмнинг моҳияти масалаларига эътиборни қаратиш лозимлигини уқтиради. С. таълимотича, ахлоқ масалалари фал.нинг марказида турмоғи лозим. Жамият равнақи, тинч ва осойишталикка, фаровон ҳаёт эса ахлоқ-одоб юксак бўлишига боғлиқ. С. инсон билимининг чексизлиги, аммо ҳақиқатнинг нисбийлиги оламнинг бепоёнлигини теран англаган. Унинг «Куч—билимда», «Қанча кўп билсам, шунча кўп билмаслигимни билдим», «Ўз-ўзингни англа» каби фикрлари жаҳон халқларининг ҳикматли сўзлари хазинасидан жой олган. С. қарашлари фал-ий фикр тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

СХОЛАСТИКА — диний фал.нинг асосий йўналишларидан бири. Мазкур таълимот илоҳиётга асосланиб, диний ақидаларга фал-ий ёндашган. С. аслида, ўрта асрларда ғарбий Европада ривожланган. Бироқ кейинчалик, мазкур термин Шарқ фал.сига нисбатан ҳам ишлатила бошланди. С. антик фал.дан, хусусан, Прокл таълимотидан кўп баҳраманд бўлган. 13—14-а.ларда С.да иккиёклама ҳақиқат наз-яси ақл ва иймон уйғунлиги вужудга келди. Ренессанс даврида схоластик анъаналарнинг айрим жиҳатлари янада ривожланди. С.да билимнинг икки томони инсон онги орқали ҳосил бўладиган билим ҳамда мукошафа ва мушоҳада орқали пайдо бўладиган билимни эътироф қилиб, уларни диалектик алоқадорлигини ҳисобга олмайди.

СЦИЕНТИЗМ (лот. scientia — билим, фан) — илмий билим маданиятнинг энг олий қадрияти, деган тасаввур берадиган йўналиш. С. учун илм-фанни мутлақлаштириш, уни фал. ва маданиятнинг бошқа шакллариغا қарама — қарши қилиб қўйиш ва унга барча муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида ёндашиш хос бўлиб олди. С. икки типдаги кўринишга эга: 1) аксиологик кўриниш бўлиб, унда илм-фан — маданиятнинг энг юксак қадрияти деб тушунилади, инсон ўз фаолиятида маданиятнинг фақат шу шаклига таяниши лозим, деган қоида илгари сурилади. Ижтимоий ва маданий тараққиёт, бундай кишиларнинг фикрича, илм-фаннинг ривожланишидан келиб чиқади, 2) методологик жиҳат бўлиб, у аниқ ва табиий фанларни мутлақлаштиради ва уларнинг услубиятини универсал деб ҳисоблайди, бундан эса, ўз навбатида, С. бошқа соҳалар, жумладан, гуманитар фанлар учун ҳам асос ва услуб сифатида хизмат қилиши лозим, деган фикр келиб чиқади. С.га илм-фан имкониятларининг чегараланганлигини, унинг ижобий аҳамиятини ин-

кор этиш, фанга инсон моҳиятига бутунлай зид куч сифатида ёндашиш хосдир. Шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ҳоз. даврда илм-фаннинг ривожланиши, ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг, компьютер техникасининг кириб келиши сциентистик дунёқарашни кучайтириб юборди.

СЎФИЙЛИК — ахлоқий қоидалар, турмуш тарзи талабларининг йиғиндиси сифатида 7-а.нинг охири ва 8-а.нинг бошларида вужудга келди. Сўфийларнинг фикрича, инсон нафсга эрк бермаслиги, уни ўз вақтида жиловлай олиши зарур. Нафсга эрк бермаслик, уни жиловлай олиш маънавий етуклик гаровидир. Нафс ва ғазабнинг кушандаси — билим. Фақат чинакам билим инсонни ҳар қандай номаъқулликлардан ҳоли қилади. Инсон чинакам билимга эга бўлмоғи учун ўзини-ўзи бошқара олиши, турли номақбулликлардан ўзини тия олиши лозим. 9-а. сўфийларидан бири Абу Бакр аш-Шаъбий айтганидек, С. ёлғон гапирмаслиги, ўғирлик ва зино қилмаслиги, рўза тутиб жонини қийнаши, жисмини тоза тутиши, бойликка интилмаслиги, Тангрини улуглаб, доимо тоат-ибодат қилиши зарур. Ана шундай чеклашлар туфайли инсон танаси покланади, ҳиссиёти нозиклашиб, турли ҳайвоний одатлардан тозаланади. С.нинг амалиётига кўра, баркамол инсон ўз нафсини тия оладиган, ақл-заковатни ҳар қандай ҳиссиётдан устун қўя оладиган, қалби яхшилик, эгулик б-н тўла кишидир. Ана шундай одамлар жамиятда қанча кўп бўлса, бу фоний ҳам олам шунча барқарор ва осойишта бўлади. С.нинг илк ахлоқий талаблари, йўл-йўриқлари, турмуш тарзи меъёрларини, мақомотлари ва тариқатларини ҳар томонлама асослаб беришда Зунун Мисрий (796-861), Боязид Бистомий (вафоти 875 й.), Жунайд Бағдодий (вафоти 910 й.), Ҳаким Термизийларнинг хизматлари катта. С. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ҳам ўз даврида кенг тарқалган (яна қ. тасаввуф.)

СЎФИ ОЛЛОЁР (1645 Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Минглар қишлоғи — 1723—24, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида Катта Вахшивор қишлоғи) — тасаввуф таълимотининг йирик вакилларида бири, шоир, жамоат арбоби. Шоирнинг отаси Оллоқули Темурёр ўз даврининг фозил кишиларидан бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларни пухта эгаллаган. 12 ёшида Бухородаги мадрасалардан бирида ҳамда Жўйбори шайхлари даргоҳида таълим олди. С. О. тасаввуфга бағишланган «Махзан ул-магин» («Мустаҳкам хазина»), «Маслак ул-муттақин» («Тақводорлар маслаги»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар муроди»), «Саботул ожизин» («Ожизлар саботи»), «Тухфат ут-толибин» («Толиблар совғаси») каби асарлар муаллифи. Асарлари, асосан, ислом

дини ва тасаввуфнинг қонун-қоидалари ва маросимларига бағишланган. С. О. асарларида бу дунё азоб-уқубатларига чидаш, қийинчиликларга кўни-киш, жаннат ва дўзах ҳақида ёзади. «Маслак ул-муттақин» асарида Оллоҳнинг сифатлари, авлиёларнинг кароматлари, намоз ўқиш, азон айтиш, таҳорат ҳақида, имомлик қилиш қоидалари ҳақида ёзади. Бу асарда, шунингдек, рамазон, қурбон ҳайитини ўтказиш қоидалари, рўза тутиш, закот бериш сабаблари, дафн маросими кабилар ҳақида фикр билдиради. Бу асарда ахлоқий поклик, баданни тоза тутиш, кийим-бош, уй-жойни тоза асраш, либос кийиш, ёввойи ҳайвонларни овлаш, мол сўйишда

қандай қоидаларга амал қилишни айтади. С. О. тасаввуф нуқтаи назаридан қатор ахлоқий қадриятларга ҳам тўхталган. Хусусан, шоир зоҳидларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши ҳақида, ахлоқий ва руҳий поклик ҳақида, сахий, очик юзли, мурувватли, ширинсухан ва хушмуомала бўлиш ҳақида ёзди. Бундай хислатларга эга киши аждарҳони енгиши, уруш-жанжалсиз бировни қўлга олиши, гумроҳларни тўғри йўлга бошлаши мумкин, дейди. С. О. адолатли подшоҳларнинг ўз фуқароларига муносабати, мамлакатда тинчликни мустаҳамлаш ҳақида ҳам қатор фикрлар билдиради. С.О. асарлари комил инсон шахсини тарбиялашда муҳим манбадир.

Т

ТАБИАТ — ғоят хилма-хил шакллари, таркибий қисмлари б-н инсониятни қуршаб турган органик ва анорганик оламлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Инсоният эса ундан пайдо бўлиб, ажралиб чиққан мавжудотдир. Шу боис, унинг бир моҳияти табиий (биологик), иккинчи моҳияти ижтимоийдир. Т. тушунчаси кўпроқ кенг ва қисман тор маъноларда ишлатилади. К е н г м аъ н о д а Т. бутун объектив борлиқ, реал воқелик, турли-туман кўринишлардаги олам. Т о р м аъ н о д а Т. фан, асосан табиий фанлар *табиатшунослик* ўрганадиган объектдир. Т.нинг даражалари 2 хил: бирламчи Т., иккинчи Т.дир. Буларнинг биринчиси инсониятдан ҳоли, мустасно тарзда, соф табиий ҳолда мавжуд бўлган Т.дир; иккинчиси инсоният иштирокида ҳосил этилган табиий неъматлар — тупроқ, сув ҳавзалари ва каналлар, дарахтзорлар, экинзору мевазорлар, аҳоли масканлари — шаҳар, қишлоқ ва б. Т. тушунчаси инсоният жамиятининг ҳаёт фаолияти юз берадиган табиий шароитлар мажмуи сифатида ҳам ишлатилади, ўрганилади. Чунки, бу маънодаги Т. тушунчаси шунчаки (оддий) фан объекти (предмети) сифатида эмас, инсон ва жамиятнинг тарихан ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрни ва бажарадиган функцияси б-н тавсифланади. Демак, Т. тушунчаси биринчи табиий шароитларни эмас, балки ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнида бунёд этиладиган моддий неъматларни ҳам ифодалайди. Бу жиҳатдан у шартли равишда иккиламчи, ёки аксарият ҳолларда иккинчи Т. деб аталади. Бинобарин, инсоннинг ҳаёт фаолияти Т.га нисбатан ўрнатилидиган фаолиятнинг реал пойдевори (негизи)ни ташкил қилади. Шу боисдан жамият тараққиёти жараёнида Т.га бўлган муносабатнинг ўзгариб бориши инсоният ҳаёт фаолиятининг хусусияти, миқёси (кўлами) ва йўналишларини белгилайди. Булар

оқилона йўлдан борса, Т. б-н инсоният ораси бузилмайди ва аксинча. Инсоният фаолияти турларининг такомиллашуви Т.га бўлган фал-ий, яъни назарий, маънавий, маданий муносабатни белгилайди. Инсониятнинг Т.га муносабатлари доим ўзгариб, ривожланиб, гоҳ яхшиланиб, гоҳ ёмонлашиб келмоқда. Мас., ибтидоий жамоа тузумида одамлар Т.ни танги деб ҳисоблардилар. Бу ҳол анимизм деб ном олган динда ўз ифодасини топган. У даврда инсон б-н Т. бир-бирига қарама-қарши қўйилмаган, ибтидоий динларда Т. руҳий ибтидонинг оддий гавдаланиши, ундаги ҳамма нарса ўткинчи деб исботланган. Европада 15-16 а.ларда содир бўлган Уйғониш (Ренессанс) даврида Т. ҳамма табиийлик, уйғунлик ва мукамалликнинг намоён бўлиши сифатида талқин этилган. Бу мавқе кейинчалик табиий ҳуқуқ назариясида ўз ифодасини топган. Аслини олганда Т.ги уйғунлик ва мукамаллик мутлақ эмас, нисбийдир. Т.нинг ўз қонунлари бор. Булар ўзининг таъсири, умумийлик даражаси, хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Мас., яшаш учун кураш қонуни ҳайвонлардан бир-бирининг қушандаси сифатида юз беради; Т.ги қонунлар 3 категорияга бўлинади. Бу қонунларнинг биринчи тури хусусий тор доирадаги қонунлардир; буларга доимий атмосферада босим б-н газ ҳажмининг ўзаро алоқадорлиги, элементларнинг эркин, муайян турдаги тирик организмлар популяциясининг миқдори ва б.лар. Бу популяциянинг иккинчи тури умумий қонунлардир; буларга механиканинг ҳаммага маълум 3 та қонуни, электромагнитизм, табиий танланиш қонунлари кирради. Бу қонунларнинг учинчи тури энг умумий қонунлар бўлиб, булар қаторига энергиянинг сақланиш қонуни, бутун оламнинг тортилиш қонуни, информацияни ўртача ва ўзгартириш қонуни ва б. кирради. Т.ни пухта билиш, ундан самарали фойда-

ланиш учун юқоридаги қонунларни яхши билиш ва уларга амал қилиш тақозо этилади.

ТАБИАТ БОРЛИҒИ — бутун оламнинг намоён бўлиши, хилма-хил шакл ва кўринишдаги борлиқни англатувчи фалсафий тушунча. Т.б.нинг тузилиш даражалари миқёсий-тузилиш ва ташкилий-тузилиш даражасига ажратилади. Т.б.дан объектлар миқёси б-н фарқ қилувчи 3та миқёсий тузилиш даражаларига бўлинади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунё. Микродунё атом миқёсидан кичик бўлган дунёдир. Бу дунёга атом тузилиши ва элементар заррачалар, атом ядроси, кварклар, кернлардан иборат. Бу дунёнинг яхлитлигини ва турғунлигини сақлаб турувчи 2 та фундаментал куч яъни, кучли ва кучсиз ядровий ўзаро таъсирлар мавжуд. Кучли ўзаро таъсирлар атом ядросининг тузилмавий яхлитлигини сақлаб турса, кучсиз ўзаро таъсирлар атом тузилишининг яхлитлигини таъминлайди. Бу молекуларлар тузилишидан тортиб, Ер шарининг яхлитлигини сақлашгача хизмат қилувчи куч электромагнит ўзаро таъсирларидир. Электромагнит ўзаро таъсирлари туфайли молекулалари бирикмалар ва Ердаги барча ҳаётий жараёнлар ўзининг тузилмавий бирикларини сақлайди. Агар электромагнит ўзаро таъсирлари бўлмаганида эди — Куёш нурлари (яъни электромагнит нурланишлари) Ерда етиб келмаган, Ерда ҳаётий жараёнлар шакланмас эди. Ер, унинг табиий йўлдоши Ой ва б. сайёралар Куёш атрофида ҳаракатланади. Бу тизимнинг ва умуман, бутун коинотнинг тузилмавий яхлитлиги эса гравитацион ўзаро таъсирлар туфайли сақланади. Гравитацион ўзаро таъсирлари бириктириб турган дунё — мегадунё деб аталади. Унинг элементлари бир-бири б-н чамбарчас боғлангандир. Ҳоз. мегадунё ҳисобланган коинотимиз бундан 15-20 млрд. йил муқаддам ўта кичик микроскопик объект бўлган, деган тахминлар бор. Шунингдек, микрообъект деб ҳисобланаётган элементар заррача-нейтрон, ўзининг ичида миллиардлаб юлдуз ва галактикаларига эга бўлган бутун бошли Коинот бўлиши ва аксинча, диаметри бир неча миллиард ёруғлик йилига тенг бўлган улкан Коинотимиз ҳам четдан қараган кишига ўта кичик элементар заррача ҳисобланиши ҳам мумкин. Т.б.нинг тузилмавий шаклини уни сифатий ривожланиши нуқтаи-назаридан олиб қарасак, моддий олам бу ҳолда ҳам 3 та даражага ажралади: аорганик дунё (нотирик табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижтимоий дунё (жамият). Улар бир-биридан хилма-хиллиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги б-н фарқ қилади.

Аорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алоқадорликлар ҳукмронлик қилади, шу туфайли нотирик табиатдаги қонуниятлар шу табиат доирасида чекланган бўлиб, тирик дунё-

га нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада деб ҳисобланади. Тирик табиатда, яъни органик дунёда эса биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юқорироқ, фаолроқ ва мураккаброқ тузилган бўлади. Ижтимоий дунё даражасида эса, юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий жараёнлар ҳам иштирок этади. Бундай дунёни тузилиши ниҳоятда мураккаб бўлиб, борлиқ бу даражада ўзининг ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва юқори даражада фаоллигини намоён қилади. Унинг тузилмавий унсури бўлган ҳар бир инсон жамиятга хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва ижтимоий равишда, мақсадга биноан, муайян мўлжалларни олдиндан белгилаган ҳолда ҳаракат қилади. Умуман олганда, Т.б.ни даражаларга ажратиш нисбий бўлиб, ғносеологик аҳамият касб этади.

ТАБИАТШУНОСЛИК — табиат ҳақидаги фанлар тизими, табиий фанлар мажмуи. Ҳоз. замон фан туркумланиши, яъни таснифланишига биноан бутун фан 3 та катта гуруҳга бўлинади. Буларнинг биринчиси Т. ёки *табиийёт*, гоҳо табиий фанлар деб аталади; иккинчиси техник фанлар, учинчиси ижтимоий-гуманитар фанлар дейилади. Т.ка математик, физик, химик, биологик, астрономик, географик ва б. фанлар; техник фанларга саноат, коммуникация, кибернетика, гелиотехника, телемеханика, радиотехника, ва б.; асосий негизини агроаноат ташкил этгани сабабли қишлоқ хўжалик фанлари, ташҳислаш ва даволашда техник приборлар муҳим аҳамиятга айланиб қолганлиги учун тиббиёт фанлари ҳам техник фанларга киради. Ижтимоий-гуманитар фанларга фал., мантиқ, этика, эстетика, маданиятшунослик, диншунослик, педагогика, психология, тарих, археология, сиёсатшунослик, социология, социал экология, демография, этнография ва б. фанлар киради. Т. буларга табиий-илмий далил, ғоя, теорема, аксиома, гипотезалар етказиб беради; фал. эса фанларнинг ҳаммасига методологик асос, назарий дастурлар беради. Т.нинг ўрганиш ва ўргатиш объекти табиатда объектив шароитлар мавжуд, жамиятда эса субъектив омиллар ҳукм суради. Шу сабабли Т. ижтимоий-гуманитар фанлар, техника, технология, жамият интенсив ўзгариб, тараққий этиб тургани боис тез эскириб ва янгилиниб, туради. Т. табиатда юз бериб, рўёбга чиқиб турадиган материя ҳаракатининг механик, физик, химик ва биологик шакллари ўрганади ва ўргатади; уларнинг ҳаракатланиш, ўзгариш, ривожланиш қонунларини очиб беради; унинг узлуксизлигини исботлайди; шундай бўлмаганда эди, зилзила, вулкандар отилиши, ёнғин, тошқин, чигиртка ёпирилиши, қишлоқ хўжалик зараркунандалари воситасида ши-

кастланмас эди. Т. учун фал. ана шундай дунёқарашлик хулосаларини чиқариб беради. Т. ўз мазмуни ва табиий ҳодисаларни ўрганиш услуби жиҳатларидан эмпирик, тажрибавий ва назарий қисмларга бўлинади. Буларнинг бири аналитик, иккинчиси симетрик хусусиятларга эга. Т.нинг объекти анорганик, нотирик ва органик, яъни тирик табиатларга бўлинади. Буларнинг биринчисини фундаментал фанлар, иккинчисини биологик фанлар ўргатади. Фанларни структуралари ва туркумланиши ана шу бўлиниш б-н белгиланади. Т. б-н фал. бир-бирига яқин. Фан ва фал.нинг ёши тахм. 2,5 минг й.дан ортиқроқ даврни ўз ичига олган. Табиий фанларнинг фал.га яқинлиги шунда бўлганки, улар оламнинг табиий-илмий ёки физик манзарасини ишлаб чиқишда, аниқроғи, яратишда қатнашган; ўзининг назарий қисми, чунончи тушунча, категория, наз-я, теорема, аксиома, гипотеза, илмий башорат, ақлий хулосалар б-н фал.га ёндашган; яна ўзининг илмий тадқиқотларини амалга ошириши б-н ҳам фал.га яқинлашган; у фал.нинг тараққиётига бевосита таъсир этган ва этмоқда. Буюк кашфиётлар — энергиянинг сақланиши ҳамда бир турдан иккинчисига айланиши, турларининг келиб чиқиши ҳамда ўзаро кураши, тирик табиатнинг ҳужайравий тузилиши б-н фал.-ий оқимларнинг алмашиб туришга, янгилашиш ва такомиллашишига шароитлар яратган. Т. техник фанлар ва моддий ишлаб чиқариш б-н узвий боғлиқ. Уни ишлаб чиқаришнинг маънавий потенциали, ички, потенциал энергияси деб ҳам ҳисоблайдилар. Энергия эса ишлаб чиқариш моторини ҳаракатга келтирувчи кучдир. Ҳоз. замон Т.гининг марказида 20-а. ўрталаригача физика турар эди. У атом энергиясини очиб, ундан фойдаланиш усулларини топган микроолам «ичи»га, элементар заррачалар орасига кириб олган эди. Ҳоз. физикада 100 дан зиёд шундай заррачалар кашф этилган. 19-а.охирида фақат электрон ва протон маълум эди. Физика Т.нинг бошқа тармоқларининг, чунончи: астрономия, космонавтика, кибернетика, физика, химия, биоэнергия, гелиотехника, аэролаватика ва блар тараққиётини тезлаштириш. Бу физика химиявий боғланишларнинг моҳиятини билишга, космогония бошқа сайёраларга космик кемалар, ҳатто, космонавтлар учишига ёрдам беради. Т.нинг тобора интенсив тараққиёти ҳоз. замон илмий-техник процессини муттасил тезлаштирмоқда; фал.га кўплаб табиий-илмий далиллар етиштириб бермоқда. Т. б-н фал. орасида узвий, диалек-

тик алоқадорлик, иттифоқ, ҳамкорлик мавжуд; бири табиий-илмий далиллар, иккинчиси методологик дастурлар беради.

ТАБОИЙЛАР (араб. — мижоз)- Шарқ фалсафасидаги оқим. Т. олам яратилишида тўрт мижоз (иссиқ мижоз, совуқ мижоз, қуруқ ва ҳўл мижоз)ни асос қилиб оладилар. Т. материяни бирламчи субстанция, ғояни эса унинг атрибути деб биладилар. Т. фикрича, олам абадий бўлиб, табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар тўрт мижознинг ҳаракати ва ривожланиши ҳамда бирлашиши натижасида пайдо бўлади.

ТАВРОТ (қадимги яҳудийча «тора» — қонун) — *иудаизм* диний таълимотининг асоси ва илоҳийлаштирилган манбаи. «Қадимий аҳд»нинг биринчи беш (Борлиқ, Чиқиш, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонун) китобидан иборат. Унинг таркибига кирган ёзувлар оғзаки тарзда мил. ав. 11—6-а.лар ўртасида шаклланган, 5-а.да Фаластинда дастхат қилинган. Яҳудийлик дини мил. ав. 2000-й. ларнинг охирларида Фаластинда вужудга келиб, яккахудолик ғоясини тарғиб қилган диндир. Яҳудийлик миллат дини бўлиб, фақатгина яҳудий халқига хос. Яҳудийликнинг асослари мил.ав. 4—3 а.ларда шаклланди. Иудаизмнинг таълимотига кўра, одамларда яратувчи ягона Худо — Яхве мавжуд. У Т.ни яҳудийларга бериб, улар б-н аҳд тузган. Гўёки яҳудийлар Яхвенинг ер юзидаги халқларнинг «энг мумтози» ва кейинги дунёда берилажак инъомларнинг энг ҳақлисиси, Мусо Яхвенинг элчисиси, Тора (Таврот) Яхве томонидан Мусога берилган муқаддас китоб. Яхве оламларни яратишни якшанбада бошлаб, жума куни тугатди, шанба куни эса дам олди ва яҳудийларга ҳам шу куни дам олишни буюрди. Шунинг учун яҳудийлик динига кўра шанба куни улуғ кун ҳисобланиб, ҳеч қандай меҳнатга қўл урилмайди. Бундан ташқари, яҳудийликда мессия — халоскорнинг келиши ҳақида таълимот ҳам кенг ўрин олган. Унга кўра, охирзамонда Яхве яҳудийлар орасида бир халоскорни чиқаради ва қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) дунёни қайтадан ислоҳ қилган ҳолда кўриш; 2) бутун яҳудийларни Синеон (Қуддус яқиндаги тепалик) атрофида тўплаш; 3) уларнинг барча душманларини жазолаш. Тавротга кўра, Мусо Тур тоғида Яхве б-н учрашганда унга 10 та лавҳани туширди. Уларда ушбу дин асосини ташкил қилган 10 та насиҳат бор эди. 1. Яхведан бошқани илоҳ деб билмаслик; 2. бут, санам ва расмларга сиғинмаслик; 3. бекордан-бекор Худо номи б-н қасам ичмаслик; 4. шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш; 5. ота-онани ҳурмат қилиш; 6. ноҳақ одам ўлдирмаслик; 7. зино қилмаслик; 8. ўғирлик қилмаслик; 9. ёлғон гувоҳлик бермаслик; 10. яқинларининг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

ТАВТОЛОГИЯ (юн. *tavto* — худди ўшанинг ўзи, *lodos* — назария, таълимот) — мантиқ илмида кенг тарқалган оқим бўлиб, муайян мантиқ қонунларини бузиш натижасида фикрлашда ноизчиллик, хатоликларни келтириб чиқаради. Хусусан, тўғри, изчил ва рост фикрлашда талаб қилинадиган мантиқий талаблардан бири тушунчаларни тўғри таърифлашдир. Изчил фикрлаш ва фикрни тўғри, тушунарли ва рост баён қилиб беришда тушунчаларни таърифлаш қоидаларига риоя қилиш лозим. Ана шундай қоидалар орасида таърифда қайтариш бўлмаслиги лозим, деган қоида ҳам бор. Т. айнан ана шу қоида бузиш оқибати ҳисобланади. Ушбу қоидага кўра, таърифланаётган тушунча ўзи б-н эмас, балки бошқа тушунчалар б-н ифодаланиши ва унинг моҳияти очиб берилиши лозим. Шу маънода, «талаба ўқийётган кишидир», «одам инсоний хислатларга эга бўлиши лозим», «тоби қочган одам касалдир» каби таърифларда қайтариқ мавжуд. Мантиқда ана шундай қайтариққа йўл қўйиш Т. деб аталади. Бинобарин, Т. фикрлаш жараёнида аниқланиши лозим бўлган ҳодисадир. Айниқса, илмий фикрлаш ва фикрни баён қилишда Т.га йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас.

ТАЛҚИН — жаҳон адабиётшунослигида мавжуд матнни тушуниш ва тушунтириш жараёнини ифодаловчи тушунча. Русча «толкование», лотинча «интерпретация» сўзлари мазмунига мос келади. Файллар Т.ни герменевтиканинг энг муҳим фал-ий тушунчаларидан бири ҳисоблайдилар. Герменевтика Фарбда дастлаб қад. Юнон шоирларининг асарларини, кейинчалик Инжилни Т. қилиш таълимоти сифатида майдонга келган. Шарқдаги мавжуд «Илми тафсир», «Илми шарҳ»га шарқона герменевтиканинг, матнни муайян тизим асосида Т. қилиш намунаси сифатида қараш мумкин. Т. сўзини ҳар соҳа олимлари ўзларига мос равишда қўллайди. Мусиқашунос ижро этилаётган куйни, актёр драматик образларни, театршунос сахнани, таржимон фикрларни, математик олим формулаларни Т. этади. Шу маънода мазкур истилоҳнинг истеъмол доираси қатъий чегаралаб қўйилган эмас.

ТАНОСУХ — руҳнинг бир жисм (ўлик)дан бошқа жисм (ўсимлик, ҳайвон, инсон)га ўтиши ҳақидаги таълимот. Бу ақида брахманизм, буддизм, монизм, орфизм, пифагоризм, платонизм ва б. таълимотларда мавжуд бўлган. Т. таълимотига кўра, инсоннинг руҳи ўлиmidан кейин қилган амалларига яраша бошқа бир яхшироқ (агар у тўғри ҳаёт кечирган бўлса) ёхуд, аксинча, ёмонроқ бир жисмга ўтади. Т. ё айирувчи, ё бирлаштирувчи бўлади. Бирлаштирувчи Т. маъданлар оламидан бошланиб, ўсимлик ва ҳайвот орқали комил инсон руҳигача тадрижий руҳий

ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Айирувчи Т., ўз навбатида, насх (инсон руҳининг бир танадан б. танага ўтувчи), масх (руҳнинг танасидан ҳайвон жисмига кўчиши), расх (инсонларга кўчиши)га бўлинади. Расмий ислом Т. наз-ясини рад этади, ammo буддизм ва зардуштийлик динлари таъсирида бўлган мусулмон мамлакатларида имомия, нусайрия каби шиа оқимларида Т. наз-ясининг айрим унсурлари кўзга ташланади.

ТАНҚИД — 1) бирор нарсага баҳо бериш мақсадида уни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш; 2) муайян нарса ҳақида салбий фикр билдириш; 3) камчиликларни атрофлича асослаш ва ҳал этиш мақсадида билдириладиган фикр-мулоҳазалар мажмуи. Т.га шу боис тараққиёт омили сифатида қаралади. Т. асосли бўлса, уни эътиборга олиш мавжуд камчиликларнинг олдини олишга, тараққиётга ижобий таъсир этишга олиб келади. Т. манфаатлар уйғунлиги асосида кечади. Манфаатлар уйғунлиги асосида амалга оширилган танқидий мулоҳазалар, кескинлик ва адоватни келтириб чиқармайди. Т. айрим ҳолларда арзимас камчиликларни бўрттириб кўрсатиш, эркин фикр билдириш имконини суиистеъмол қилиш эвазига мавжуд муҳитда кескинликни юзага келтиради. Т. айрим шахс, гуруҳ, жамоага, аниқроғи, улар фаолиятининг натижаларига ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Бунда шахсий манфаатлар б-н миллий манфаатлар уйғунлиги таъминланганлиги танқидий фикрларни умумманфаат нуқтаи назаридан тўлақонли таҳлил қилишга имкон яратади.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ — Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган ва Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ва жамиятни ислоҳ этишининг устувор тамойилларини ифодалайдиган яхлит таълимот ва тадрижий ривожланиш усули.

Жаҳонда янги жамият асосларини барпо этишнинг тайёр андозаси йўқ. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тажрибасини ҳам кўр-кўрона қабул қилиб бўлмайди. Чунки, бир давлат мисолида яхшигина самара берган тараққиёт модели бошқа мамлакатда етарлича натижа бермаслиги ёки аксинча, инқироз жараёнини баттар чуқурлаштириши мумкин.

Шу нақтаи назардан қараганда, иқтисодиётининг таркибий тузилиши, иқлим шароити, табиий ресурслари, халқимиз менталитети, аҳоли таркиби ва ўсишига кўра дунёнинг бирон бир мамлакатига асло ўхшамайдиган Ўзбекистон учун тараққиёт борасида ўзига хос йўл талаб қилинар эди. Тараққиётнинг ўзбек модели ана шундай талабларга жавоб берадиган, Ўзбекистон халқи иродаси билан танлаб олинган, бозор муносабатларига ўтишда, ижтимоий лар-

заларсиз, инқилобий сакрашларсиз, ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий йўлдан боришни тақозо этадиган моделдир.

Бу моделнинг асосий маъно-мазмунини жамиятни ислоҳ этишнинг машҳур беш тамойили белгилайди. Улар: иқтисодиётнинг сиёсат ва мафкурадан холилиги; давлат бош ислоҳотчи; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат юритиш; бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбекистон бугун ана шу тамойиллар асосида бутун ишлаб чиқариш, тақсимот ва ижтимоий тизимини қайта қурмоқда. Бундай мураккаб ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи экани, муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш мустақкам қонунчиликка асосланиши аҳамият касб этмоқда.

ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ — собиқ иттифоқ даврида фалсафанинг таркибий қисми, жамият тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганувчи фан сифатида талқин қилиб келинди, зўрлик б-н ўргатилди. Унда синфий бўлинишнинг сақланиши, синфий кураш, социал революция каби воқеаларнинг қонуний эканлиги ва антогонистик формацияларга хослиги уқтириб келинди. Т.м. жамият тараққиёти, унинг ривожланиш қонунларини бир ёқлама ёки бўрттириб талқин этишдан иборат таълимотдир.

ТАРИХИЙ ХОТИРА — аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши. Инсон ўзининг Т.х.сига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етолмайди. Ўз келажагини тасаввур қила олмайди. Шу сабабдан ҳам И.Каримов гаъкидлагани каби «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т.х. маданий меросни шаклланиши ва ривожланиши учун асосий манба вазифасини бажаради. Худди шунинг учун ҳам, ҳамма замонларда халқнинг, миллатнинг Т.х.ни мустаҳкамлаш юртининг буюк алломалари, давлат арбоблари диққат этиборида бўлган. Абу Наср Форобийнинг тушунтиришича, Т.х. ҳар бир миллат, ҳар бир халқ яратган маънавий бойликлар, умуминсоний маданий мерос б-н бирлашганда, умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилган пайтдагина содир бўлади. Унинг ёзишича: «Одамларнинг бир авлоди ўлиб кетгач, уларнинг жисмлари йўқ бўлиб кетади, аммо руҳлари вужуд (қиёфаси)дан қутулиб, саодатга эришадилар. Сўнг бошқалар уларнинг ўрнини эгаллаб, улар қилган ишларни қиладилар. Бу авлод одамлари ҳам дунёдан ўтгач, худди шундай йўл б-н руҳлари аввалгиларнинг изидан бориб, қиёфалари (фелъ ва фазилатлари), қуввати ва сифати ўхшаш, яқин руҳлар б-н қўшилишлари мумкин. Аммо бир қанча ўхшаш

руҳлар бир-бирлари б-н қўшилганларида ҳар қанча кабир (улкан) бўлсалар ҳам, (жисмсизлиги туфайли) макондан бир-бирини сиқиб чиқармайдилар. Чунки улар ҳеч қачон маконни эгалламайдилар ва руҳларнинг қўшилувлари таналарининг қўшилувидай юз бермайди». Инсоният авлодларининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келган қадриятлар, яъни аждодлар ва авлодларнинг руҳий-маънавий мероси умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилади ва аста-секин Т.х.га айланиб боради. Бошқача айтганимизда, Т.х. инсониятнинг барча аждодлари руҳини, яъни уларнинг фикрлари, гоёлари ва эътиқодлари, орзулари ва истакларини ўзида муҳасамлаштиради. Худди шунинг учун ҳам, инсоннинг руҳий-маънавий етуклиги унинг Т.х.си б-н боғлиқ. Тарих инсон учун буюк хотира вазифасини бажаради.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ — тарихда юз берган бирор ҳодиса ёки воқеаларнинг қачон ва қандай объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида юз берганлигини илмий манбалар асосида аниқ акс эттирган билимлар. Т.х.нинг бузилиши тарих саҳифаларида «оқ доғлар» ва «қора доғлар»нинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса тарихнинг нотўғри ёзилишига сабаб бўлиб, ўтмиш тарихий воқеа ва ҳодисаларни билишда нотўғри ёки бир томонлама қарашларнинг қарор топишига сабаб бўлади.

ТАСАВВУФ — исломдаги диний-фалсафий оқим. 8-ада араб мамлакатларида пайдо бўлган. Бу таълимот ўша даврда савдогарлар ва қосибларнинг манфаатини кўзлаган. Т.нинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишишидир. Худо васлига етишишнинг 4 босқичи бўлиб, булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Сўфий ана шу босқичларни босиб ўтиб ҳақиқатга —Худо васлига етишиши мумкин. Т.да пир-муршид ва мурид ўрнини эгаллайди. Муршид муридга Худо б-н бирлашишнинг мистик йўллари, тариқатнинг қонун-қоидалари, покланиш, нафсни тийиш, ҳалол ва б. хулқ-одоб қоидаларини ўргатади. Умуман олганда, тасаввуф руҳий покланиш бўлиб, унинг назарий ва амалий томонлари мавжуд. Унинг назарий томони таркидунёчилик, яъни аскетизм, мистицизм ва пантеизмдан иборат. Унда Худо васлига етишиш марказий ўринни эгаллайди. Бу эса ботиний йўл б-н, интуиция ва ишроқ б-н амалга ошади.

Т.нинг амалиёт томони солиҳнинг хулқ-одоб қоидаларини бажаришда, энг аввало, Аллоҳга содиқ бўлишда, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмасликда, касб-ҳунар орқали ҳаёт кечиришда, ўзгаларга ёрдам беришда, сахий ва сабр-қаноатли бўлишда, Т.нинг қоидаларини сидқидилдан бажаришда намоён бўлади.

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида турли Т. оқимлари ва мазҳаблари кенг тарқалди. Булар кубравийа, суҳравардийа, мавлавийа, чиштиийа, сафавийа, ҳайдарийа, яссавийа, қодирийа, нақшбандийа, жалолийа, бектошийа, шозалийа, неъматуллохийа, рифоййа ва б.дир. Уларнинг ҳаммаси 35 дан ошиб кетади. Улардан кубравийа, яссавийа, қодирийа ва нақшбандийа, оқимлари Марказий Осиёда кенг тарқалган. Бу оқимлар, айниқса, нақшбандийлик тариқати Кавказ, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Индонезия машҳур бўлиб, ўз ихлосмандларига эга бўлди. Умуман олганда, Т. таълимотидаги ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. (К. ирфон, нақшбандия, кубравия, яссавия ва бошқ.).

ТАСНИФ (*араб.* саралаш, тартибга солиш) — тушунчанинг мантиқий ҳажмини бир неча босқичларга бўлиш ёки ягона бирликка бўйсунувчи тушунчалар мажмуаси. Илмий Т. объектнинг тизимдаги ўрнини аниқлаш мақсадида объект синфлари ўртасидаги қонуний алоқаларни қайд этади. Қатъий амалга оширилган Т. билимнинг илгариги тараққиётига яқун ясайди, айни вақтда унинг тарраққиётида янги тараққиёт босқичини белгилайди. Т. фаннинг эмпирик фактлар тўплашдан назарий синтез томон ривожланишига ёрдам беради. Илмий асосланган Т. фаннинг ривожланиш даражасини кенг акс эттириш баробарида фактлар ва қонуниятларга асосланган ҳолда илмий башорат қилишга ҳам имконият яратади. Асосларнинг кўламига қараб табиий ва сунъий Т.ни ажратиш мумкин. Агар асос сифатида муҳим хусусиятлар олинса, бундай Т. табиий, аксинча бўлса, бу сунъий Т. бўлади (мас., алфавит-предмет кўрсаткичи, кутубхонадаги каталоглар). Т. наз-ясига қад. юнон файласуфи Аристотел, илк уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари — Ал-Киндий, Абу Наср *Форобий*, *Ибн Сино*, Абу Райҳон *Берунийлар* салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, буюк мутафаккир Абу Абдуллоҳ *Хоразмийнинг* «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калити») асари Т. тушунчасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

ТАФАККУР (*араб.* — фикрлаш, ақлий билиш) — предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи. Т. қуйидаги асосий хусусиятларга эга: 1) Унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, Т. бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа б-н белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда,

этиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради. 2) Т. борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. 3) Т. инсоннинг ижодий фаолиятдан иборат. Унда билиш жараёни борлиқда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар-юқори даражада идеаллашган объектлар (мас., абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби тушунчалар)ни яратиш, турли хил формал системаларни қуриш б-н кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади. 4) Т. тил б-н узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда-моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизиқларда) реаллашади. б. кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

ТАФАККУР ШАКЛЛАРИ — фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг тузилиши. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Тафаккур уч шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд. Хусусан, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Мас., «давлат» тушунчасидан ўзининг майдонига, аҳолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. «Илмий наз-я» тушунчасида эса, предметларнинг бирорта соҳасига оид бўлган ва улар ҳақида яхлит тасаввур берадиган, маълум бир метод ёрдамида қурилган тушунчалар системаси ифода этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу тушунчалар мантиқий шаклига кўра бир хилдир: ҳар иккаласида предмет унинг муҳим белгилари орқали фикр қилинган. «Ўз майдонига эгаллиги», «аҳолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларига эгаллиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Худди шунингдек, «предметларнинг бирорта соҳасига алоқадорлиги», «предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга имконият бериши», «маълум бир метод ёрдамида қурилиши», «тушунчалар системаси шаклида бўлиши» илмий наз-янинг муҳим белгилари ҳисобланади. Агар тушунча акс эттираётган предметни А. б-н, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с, ..., п б-н белгиласак, тушунчанинг манти-

қий структурасини А. (а, в, с, ... n) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин. Ҳукмларда предмет б-н унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслиқ факти ҳақида фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклида ифода этилади. Мас., «Темир-металл» деган ҳукмда предмет (темир) б-н унинг хоссаси (металл эканлиги) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ ҳуқуқдан илгари пайдо бўлган» деган ҳукмдан иккита предмет (ахлоқ ва ҳуқуқ) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: улардан предмет ҳақидаги тушунча (s) б-н предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат қайд этилган, яъни P нинг s га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий структурасини (шаклини) s-P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин. Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолларни кузатиш мумкин.

Мас.:

Дарахт — ўсимлик

Терак — дарахт

Терак — ўсимлик

Ва ҳар бир химиявий элемент ўз атом оғирлигига эга.

Мис — химиявий элемент

Мис ўз атом оғирлигига эга

Хулоса чиқариш кўринишлари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантиқий структурага эга. Ҳар иккаласида хулосани ташкил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда-«дарахт», иккинчи мисолда-«химиявий элемент» тушунчаси) орқали боғланган. Юқоридаги келтирилган мисоллардан Т.ш. фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мажуд бўлиши ва ўзига хос қонуниятларга эгалиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам, мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин. Тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал шакллари, унинг асосий структуравий элементлари ҳисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (мас., муаммо, гипотеза, наз-я, го-я, аргументлаш ва ш.к.)да амалга ошади.

ТАФАККУР ҚОНУНЛАРИ — муҳокама юритиш жараёнида фикрлар (фикрлаш элементлари) ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалар, муҳокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талаблар. Муҳокамани тўғри қуриш б-н боғлиқ талабларга муайян принциплари қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур омиллари сифатида амал қилишига эътибор бериш зарур. Мазкур қоидаларнинг бузилиши муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда чин фикрлардан

хато хулоса чиқиши (мас., «Қонун — риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат», «Буйруқ қонун эмас», демак, «Буйруқ риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат эмас») ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (мас., «Барча моддий жисмлар-кимёвий элементлар», «Темир моддий жисм», демак, «Темир-кимёвий элемент») мумкин. Формал мантиқ қонунлари (ёки Т.қ.) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зарурий боғланишлар тушунилади. Т.қ. объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шакланган. Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (ҳукмлар) ҳамда хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди. Т.қ. юзаки қараганда субъектив қонунлардек бўлиб туюлса ҳам, аслини олганда, объектив мазмунга эгадир. Бу қонунлар ҳамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал қилувчи умуминсоний қонунлардир. Уларни бузиш, алмаштириш, ўзгартириш, янгилаш мумкин эмас. Инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири фикрнинг аниқ бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ҳодиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этишини, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ, равшан ифодаланишини таъминлайди. Объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисанинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ҳодисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида ўз ифодасини топган. Т.қ. хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қилади. Т.қ. хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараёнининг зиддиятсизлик хусусиятга эга бўлишигидир. Бу белги объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмайди. Мас., бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўла олмайди ёки инсон — ҳам эътиқодли, ҳам эътиқодсиз бўла олмайди. Фикрда мантиқий зиддиятларнинг мавжуд бўлиши унинг ноаниқ, чалкаш, тушунарсиз бўлишига олиб келади. Буюм ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиш жараёнида иложи борича чин мулоҳазаларни баён қилишга интилади. Юқорида баён қилинган белгилар Т.қ.нинг мазмунини ташкил этади. Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни ай-

нанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни, билиб ёки билмасдан, бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан, бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши б-н боғлиқ бўлади.

ТАФТАЗОНИЙ Муҳаммад ибн Умар Саъдийдин (1322, Ашгабат яқинидаги Тафтазон қишлоғи — 1392. 12.8, Самарқанд) — қомусий олим. Илоҳиёт фанларини, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ илмини ўша даврнинг машҳур олимлари Ал-Ижйи ва мантиқшунос Қутбиддин ар-Розий ат-Тахтонийдан ўрганди. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли мадрасаларида фал. ва мантиқдан дарс берди, кейин эса Амир Темурнинг тақлифига биноан Самарқандга келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб ижод этди. Ислом фал.си, калом, мантиқ, ҳандаса, шеърят ва араб тили грамматикасига оид бир қатор асарлар ёзган. «Таъзиб ал-мантиқ ва-л-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «Ас-саъдия» (13-а. охири — 14-а. 1-ярмида яшаган Котибийнинг мантиққа оид «Аш-Шамсия» рисоласига ёзилган шарҳ), «Ал-Мутаввол» («Кенг талқин»), «Мухтасар ал-маоний» («Қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ҳодий», («Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ал-толибин» («Толиби илмларнинг мақсадлари»), «Рисола фи завое ал-мусаллас» («Учбурчакнинг бурчаклари ҳақида рисола») ва б. асарлар муаллифи. Машҳур асарлари «Тазҳиб ал-мантиқ ва-л-калом» Жалолиддин Давоний ва Курдистонийларнинг шарҳлари орқали, «Мақосид фи илм ал-калом» ёки «Мақосид ат-толибин фи усул ад-дин» («Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари») асари эса Т.нинг ўз шарҳлари б-н бизгача етиб келган. Т. фикрича, инсон хулқ-атворидаги ҳар қандай олижаноблик ва хайрли ишлар ўз моҳиятига кўра Худонинг моҳиятидан келиб чиқади. Нарса, ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар ҳис-туйғу ва билим ўртасидаги воситавий босқичдир. Т. мантиқ тафаккурдаги хатоликлардан халос қиладиган восита, янги билимлар ҳосил қилиш учун замин, деб қаради. Мантиқий билиш шаклларини тасаввур ва тасдиққа бўлди. У «фақат таҳлиллот ва мавҳумот воситасидагина ашёлар ҳақида муайян тушунчалар ҳосил этиш мумкин» деб ҳисоблади. Т.нинг илғор илмий қарашлари Марказий Осиёда ижтимоий-фал-ий тафаккур ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

ТАЪРИФ, д е ф и н и ц и я — муайян термин ёки ундаги тушунчанинг қисқача мазмунини ифодалаш, муҳим белгиларини очиб бериш. Т. турларининг хилма-хиллиги, Т.нинг вазифалари, мантиқий структураси ва ш.к.лар б-н нималарни таърифлаб-аниқ-

лаб берилишига боғлиқ. Реал Т.лар ёрдами б-н предметлар ўзларига хос хоссалари ва муносабатларига қараб ажратилади. Кўп ҳолларда улар жинс ва тур фарқи орқали Т. формасига киради (мас., «Кислород элемент (жинс)дир унинг атом оғирлиги 16 га 2 тенгдир (тур фарқи)»). Т.нинг кенг тарқалган турларидан бири номинал Т.дир. Бундай Т.лар ёрдами б-н фанга, мураккаброқ ифодаларнинг қисқартмалари сифатида янги терминлар киритилиб, уларнинг маъноси изоҳланади. Т.лар вазифасига кўра 3 турга ажратилади: С е м а н т и к Т.ларда аниқланувчи тилнинг бирон ифодасидир, аниқловчи эса бирон предметдир (мас., «бешбурчак» сўзи беш томонли кўлбурчакликни билдиради). С и н т а к с и с Т.ларда аниқланувчи предмет бошқа предметлардан улар б-н ишлаш қоидалари, уни ишлатиш усуллари ва мақсадлари орқали фарқ қилинади (мас., шахмат ўйинида фигуралар уларнинг шахмат тахтасида тутган бошланғич мавқеларини, ўйин давомида улар б-н иш қуриш қоидалари орқали аниқланади). Г е н е т и к таърифларда аниқланувчи предмет унинг ташкил топиш, пайдо бўлиш, тузилиш усулини кўрсатиш орқали ажратиб кўрсатилади. (мас., «Айлана-туташган эгри чизиқ бўлиб, у кесма текислигида тўғри чизиқнинг ҳаракатсиз нуқта атрофидан айланишидан ҳосил бўлади»). Т. фанда катта роль ўйнайди, у ҳар қандай илмий наз-янинг муҳим қисмини ташкил этади. Т.лар ёрдами б-н фанга янги тушунчалар киритилади, узоқ вақт давомида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари қайд этилади, фанда учраб турадиган мураккаб тасвирлар содалаштирилади ва б.

ТАҚДИР, қ и с м а т (*араб.* олдиндан белгиланган ҳаёт йўли) — инсон ҳаёти ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни якка-ягона яратувчи Аллоҳ амрига боғловчи диний тасаввур. У исломнинг суннийлик ва шиалик мазҳабларида расман эътироф этилган. Т. Ислом ва насронийликда (христианликда) яратувчи худонинг ўзига хос қудрати сифатида намоён бўлиб келади. Қуръони Каримнинг Зумра сурасида «У яккаю ягона ва ғолиб Аллоҳдир. У осмонлар ва ерни ҳақ (қонун) б-н яратгандир. У кечани кундузнинг устига ўраб, кундузни кечанинг устига ўрар. У қуёшни ҳам, ойни ҳам (ўз амрига) бўйсундириб қўйгандир. (Уларнинг) ҳар бири маълум муддатгача жорий бўлур. Огоҳ бўлингизки, у қудратли ва бениҳоя мағфиратли зотдир» дейилган. Исломдаги Т. («тақдири азал») каломда кенг талқин этилган. Калом таълимотининг асосчиси ал-Ашъарий «тақдири азал»ни инсон ирода эркинлиги б-н келиштиришга ҳаракат қилган. Исломга кўра, Аллоҳ таоло раҳматидан умидни узиш ва унинг азобларидан хотиржам бўлиш куфрдан бошқа нарса эмасдир. Дунё ва охирадаги ҳар бир нарса

Аллоҳнинг истак-хоҳиши, илми, қазоси, қадари б-н рўй беради. Лекин шу б-н бирга Аллоҳ бу дунёни бир синов сифатида яратган. Шундай экан, унинг берган неъматларига шукур қилмаган ва йўғига қаноат қилган одамларга бўлган Аллоҳнинг ажр-мукофоти ва жазоси ҳам шунга ярашади. Т.га қадарийлар, жабарийлар, муътазиллийлар ва мутакаллимларнинг муносабати ўзига хосдир. Ислондаги илк илоҳиёт оқимларидан бири бўлган қадария мутлақ фатализм тарафдорлари бўлган жабарийларга қарши чиқиб одиллик Аллоҳнинг асосий сифатларидан биридир. Шундай экан, гуноҳ ва савобни у олдиндан белгилаб қўйиши мумкин эмас, ундан фақатгина адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ эса одамларнинг эркин фаолияти б-н боғлиқ, деган фикрда бўлганлар. Муътазиллийларга кўра, яхшилик ва ёмонликка ҳоким бўлган ақлдир. Биронта нарсанинг яхши ёки ёмон бўлиши ақл б-н билинади. Бунинг учун ақл, яъни китоб ва суннанинг диний далилларига ҳеч қандай зарурият йўқ. Аллоҳнинг яхшиликни яратиши ақл нуқтаи назаридан шартдир. Ақл б-н гўзал деб топилган нарсалар фарз, чиркин кўринган нарсалар ҳаромдир. Демак, улар «гуноҳ» ва «куфр» каби нарсаларнинг Аллоҳ иродаси орқали содир бўлишини қабул қилмайдилар. Бу каби чиркинликларни Аллоҳ иродасига зўрма-зўраки тақашни узил-кесил рад қиладилар. Калом аҳли, айниқса, Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий ва унинг издоши Ибн Муҳаммад Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ан-Насафий қадарийлар, жабарийлар ва муътазиллийлар орасида юзага келган кескин ихтилофларни бирмунча юмшатишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг таъкидлашича, Т. б-н одамларнинг баъзи эркин саъй-ҳаракатлари орасида ҳеч қандай бир-бирини рад этадиган, қарама-қарши жиҳатлар йўқ ҳисоб. Албатта, ирода Аллоҳ таолонинг зоти б-н доимий, узвий боғланган азалий бир сифатдир. Лекин шу б-н бирга қулларнинг бу ҳаракатларининг барчаси Аллоҳнинг иродаси, истак-хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири туфайлидир. Улар учун ихтиёрий саъй-ҳаракатлар бор. Бу ҳаракатлар тўлалигича савобга мувофиқ келади ёки Аллоҳ таоло томонидан жазоланади. Демак, қуллар қилган яхши ва гўзал ҳаракатларига Аллоҳнинг ризоси бор, аммо уларнинг ўзгача фаолияти эса охиратда мукофотга эмас, аксинча, жазога лойиқдир.

ТАҚҚОСЛАШ — инсоннинг ижтимоий фаолиятида, билимларнинг ўзлаштирилишида, воқеликни тўлароқ акс эттиришида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар тафовутини, шунингдек, бир-биридан фарқ қиладиган томонлар ўртасидаги ўхшашликни топишдан иборат фикр юритиш жараёни. Т. фикр юритиш операцияси сезгиларимизда ва идрокларимизда ҳали гавдаланмаган ўхшашлик ва тафовутни топиш зару-

рияги вужудга келган пайтда намоён бўлади. Сезги ва идрокимизда даставвал нарсаларнинг ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томони кўзга яққол ташланади. Т. операцияси икки хил йўл б-н амалга ошиши мумкин: амалий (яққол нарсаларни бевосита солиштириш) ва назарий тасаввур қилинаётган образларни ва нарсаларни онгда фикран таққослаш. Агарда инсон икки бойлам юкни қўли б-н кўтариб кўрса, бир неча хил таом мазасини қиёсласа, икки пайкал пахтазор ҳосилдорлигини таққосласа — бу амалий Т. дейилади. Одамлар икки қалам ёки чизғични ёғочга ёки қоғозга солиштирсалар, у аналогик ҳолатда мисол бўла олади. Метр б-н масофани, тарози б-н оғирликни, термометр б-н ҳароратни, телескоп б-н осмон жисмларини ўлчаш пайтида ҳам Т. жараёни вужудга келади. Инсон теварак-атрофидаги нарса ва ҳодисаларнинг барчасини бевосита акс эттириш, қўл б-н пайпаслаш имкониятига эга эмас. Шу боисдан тўпланадиган билимларнинг аксарияти қўл б-н ушлаш, кўз б-н кузатиш эвазига эмас, балки фикр юритиш орқали, мантиқ ёрдамида англашилади. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли аломат ҳамда белгилар назарий Т. асосида ажратилади. Инсон олаётган кенг қўламдаги ахборотлар фарқини фикран Т. ёрдамида англаб етади. Турли ёшдаги кишилар ўз тенгдошлари характерида, қизиқишида, юриш-туришида, муомаласида ва б. хусусиятларида ўхшашлик ва тафовут борлигини топадилар.

ТЕЗИС (юн. thesis — асослаш, тасдиқ, ҳолат, эътироф этиш) — нутқ, нуқтаи-назар, маъруза, хабарлар ва ҳ.к. муҳим, асосий томон, қонун-қоидаларининг қисқартирилган ҳолати. Т. кенг маънода айрим қарашлар системаси, наз-яларнинг баён қилиш жараёнидаги мунозараларда нуқтан назарларни турлича эътироф этилиши кўзда тутилади. Т. мантиқда исбот, далил, аргументлаш талаб этилишининг таъкидланиши. Бу маънода Т. ибораси «назария» иборасининг синоними сифатида (аксиома, таърифлаш ёки исбот талаб қилинмайдиган-постулатлардан фарқли бўлиб) қўлланилади. Гегель фал.сида Т. диалектик ривожланиш жараёни, бошланғич асос-тезис, антитезис ва синтез бирлашуви асосидаги триадан ташкил этувчи илк асос сифатида қаралади. 18-адан илоҳий зотлар ёки тарихий шахслар сиймоларини ўймакор-нақш безакларида тасвирлаш б-н бирга уларга илоҳий ёки фал-ий матнлар ҳам илова этила бошланган.

ТЕЙЯР Де Шарден, Пьер (Teilhard de Chardin) (1881.1.5., Клермон — Феррана, Сарсен 1955.10.4., Нью-Йорк) — француз файласуфи, геология, палеонтология, археология, антропология соҳасида илмий изланишлар олиб борган. Катологик дини-

нинг илоҳиётчиси, «Иезуитлар ордени» (1899) аъзоси, руҳоний (1911), Пекин яқинидан синатропни (1929) топганлардан бири.

Т. христианлик диний ақидаларини тубдан янгилаш ва ҳоз. замон фани асосида ислоҳ қилишни ҳаёт мазмуни деб билди. Янгича фикрлаш, черков ақидаларига қарши чиққанлиги учун Т. ўқитувчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади, фал-ий асарларини нашр этиш тақиқланади ва Франциядан бадарға қилинди. Т. Хитойда 20 йилдан кўпроқ яшашга мажбур бўлди. Палеонтология соҳасидаги тадқиқотлари туфайли қитъани кезиб чиқди. Иккинчи марта Франциядан қувғин қилинганч, умрининг охиригача АҚШ да яшади.

Т. ортодоксал томистик илоҳиётнинг асосий канчилигини унинг турғунлигида деб, эволюцион наз-я асосида босиб ўтишга интилишни танқид қилади. Тавротдаги Одамнинг яратилиши инсониятнинг келиб чиқишга сабаб бўлди, — деган афсона ни рад этди. Т. фикрича, инсон-органик оламнинг кўпминг йиллик эволюцион ривожига маҳсулидир. Т. эволюциянинг сифат жиҳатидан фарқланиши уч босқичи: 1) «ҳаётгача давр» (литосфера); 2) «ҳаёт» (биосфера) ва инсоннинг ноёблиги (феномен); 3) ноосфера турларини кўрсатиб берди. Материализм ва спиритуализмни рад этгани каби дуализмни ҳам рад этган. Т. ўз фал-ий қарашларида «Монизм» нуктаи назарида турди. Т. фикрича, материя ва онгнинг бирликда асосланишнинг сабаби материя руҳий ибтидоининг «қолип» — «андозаси»дир. Физик (тангенсион-лаль) қувватнинг айланиш қонунига кўра, сўниб боришига эволюция жараёнида радиус бўйлаб юксалиб борувчи маънавий руҳий қувват қарши туради. Маънавий-руҳий ибтидо барча мавжудлик табиатидан келиб чиқиб: яхлитлик манбаи сифатида молекула ва атом яширин кўринишига хос. Тирик материяда онг руҳий шаклини олади. Инсонда у «ўз-ўзини англаш» тарзида намоён бўлади. Эволюциянинг ҳаракатлантурувчи кучи Т. фикрича, мақсад сари интилувчи онг (ортогенез) ҳисобланади. Эволюция табиатда ҳамма нарса мақсадга мувофиқ қилиб яратилган бўлиб: пировардида ўзига гортувчи куч-тараққиёт чўққиси — сўнгги Омега — (христианликни рамзий белгиси) Т.да «космогенез» «христогенез»га айлантирилади. Инсоннинг пайдо бўлиши Т. фикрича, эволюциянинг тугалланиши эмас, балки оламнинг такомиллашиб ўсиб бориши калидир. Мавжуд олам ҳозирча такомилга етмаган. Т. ижтимоий қарашларида гуманист ва ўша ҳаёлпараст. Жамият тараққиётига унда ахлоқий ибтидодан-унумягона муҳаббат, ахлоқий туйғунлар диний қобикқа ўралган: «олға» интилиш «юқорига» б-н чатишиб кетади. Т.нинг ижтимоий орзулари «христос»нинг яна қайтиши б-н ўзаро тенглашиб кетади. Т. таълимоти Франция ва б. давлат зиёлилари ораси-

да кенг тарқалди, эътироф этилди. Тейярдизм таълимоти неотомизмга қарши турувчи таъсирчан илоҳиётчилик даражасига кўтарилди.

ТЕЛЕЗИО (Telesio) Бернардино (1509 — Кознец — 1588.2.10. — Уйғониш даври тиббиёт фалсафасининг италиялик вакили. Падуан ун-тини тамомлаган (1535). Неаполь академиясининг асосчиси. Анаксимен, Парменид ҳамда стоицизм натурфилософиясига хос ғояларни давом эттирган, табиатни тажриба асосида ўрганиш тарафдори бўлган. Схоластик аристотеличиликка қарши чиққан. Т. материяни йўқотиб бўлмайди, сифат жиҳатдан бир хил, миқдор жиҳатдан ўзгармас, деб билган. Материя ҳақидаги аънавий қараш бўлган пассивлик ғоясини бартараф этади. Табиатдаги фаол ҳаракатнинг бошланишини, Страбон каби совуқ ва иссиқ стихиясининг қарама-қарши ҳаракати, унинг жонланиши, деб тушунди. Табиат ривожига илоҳий кучнинг бевосита таъсирини инкор этди. Илоҳиётни ақл ва сезгида етарли эмас, деб ҳисоблади. Фал-ий қурилмаларнинг асосида, Т. фикрига кўра, бевосита сезги далиллари туради. Материя нарсаларга тана, оғирлик, иссиқлик ва совуқлик, хусусият ва шакл беради. Моддийлик абадий. Материя ҳеч қачон йўқолмайди, пайдо бўлмайди, балки б. нарсаларга ўтиб туради. Оламда иссиқлик ва совуқлик бир бутундир. Қарама-қарши бошланғичларнинг кураши икки буюк нарсада коинот-Осмон ва Ер ўртасида кўзга ташланади. Осмон бу материя, унда бошланғич иссиқлик ҳаракат қилади. Ер совуқлик ҳолатида. Т. фикрига кўра, макон бир томонлиликка эга, оламда мутлақ бўшлиқ ҳам мавжуд. Макон нарсаларнинг мавжудлик шартини, айти пайта мутлоқ бўшлиқдан ва жисмларга тўлдирилган макондан иборат. Замон эса, ҳаракат ва тананинг ўзгариши б-н боғланган. У табиатнинг Худо томонидан яратилганини эътироф этсада, унинг кейинги тараққиётига илоҳий кучлар аралашмайди, деб тушунди. Иссиқлик, ҳаётинг бошланғичнинг, ҳаракатнинг сабабчиси, ҳаётинг руҳ барча тирик табиатга, инсонга ҳам хос хусусият. Инсон танаси б-н ҳайвонлар танаси ўхшаш қисмлардан ташкил топган, дейди. Лекин, ақлли жон ўзининг барча ҳаракатларида материядан, инсон танасидан эркин эмас, балки табиий руҳнинг ҳаракатига бўйсундирилган. Т.нинг билиш наз-яси материалистик сенсуализмга асосланган. Унингча, ҳақиқат танқидий тажрибадир. Т.нинг этик қарашлари натуралистик характерда бўлиб, у ўз-ўзини сақлашга интилиш ҳар бир инсоннинг ахлоқини белгилайди, деб ўйлаган. Т.нинг сенсуалистик гедонизми зоҳидлик ахлоқига зид бўлган. Т. илоҳиётчилар, схоластиклар томонидан қаттиқ танқидларга учраган. Т. материалист замондошлари ва издошлари, жумладан Т. Кампанелла ва Ж. Брунога жиддий таъсир кўрсатган.

Унинг асосий асари: «Нарсаларни ўз ибтидосига кўра табиати тўғрисида» (1586).

ТЕМПЕРАМЕНТ (лот. temperamentum — аралашма) — шахснинг эмоционал қўзғалувчанлиги ва умумий ҳаракатчанлиги б-н тавсифланган индивидуал хусусиятлар мажмуаси. Т. хусусиятлари деганда, маълум инсон руҳий фаолиятининг динамикасини белгилловчи психиканинг барқарор индивидуал хислатлари тушунилади. Ушбу хусусиятлар турли мазмундаги фаолиятларда, мотивларда ва мақсадларда нисбатан ўзгармайди, шунинг учун Т. турини тавсифловчи тузилмани ҳосил қилади. Т.нинг физиологик асосини асаб системасининг умумий турлари ташкил қилади. Э.Кречмер ва У.Шелдон наз-ясига кўра, маълум одам Т.нинг хусусиятлари ташқи ҳаёт шароитларига ва фаолият талабларига мувофиқлашган бўлиши мумкин. Лекин одамнинг Т.ига боғлиқ бўлган имкониятлар б-н жамият талаблари ўртасида кескин зиддият юзага келади. Т.нинг пайдо бўлишида организмнинг умумий тузилиши эмас, балки асаб системасининг умумий тури асосий рол ўйнайди. Т.нинг психологик хусусиятлари нерв системаси умумий турининг физиологик хусусиятларига кўп жиҳатдан тобедир. Т. тури деганда, муайян одамлар гуруҳи учун умумий бўлган хусусиятларнинг қонуний, зарурий ўзаро боғлиқлиги тушунилади ҳамда бундай субъективликни енгиш имкониятига эга бўлади. Т.нинг дастлабки таснифи Гиппократ томонидан амалга оширилган: сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик. Т. турларининг ҳоз. замон психологик тавсифи куйидаги асосий хусусиятлар б-н аниқланади: 1) сензитивлик; 2) реактивлик; 3) активлик; 4) реактивлик б-н активликнинг ўзаро муносабати; 5) реакция суръати; 6) ҳаракатларнинг силлиқлиги; 7) ригидлик (қотиб қолганлик); 8) экстравертированлик; 9) интравертированлик. Ирсият ва турмуш шароитлари Т.лар ўртасидаги тафовутларнинг сабабчисидир. Гетерозигот (бир хил бўлмаган иккита тухумдан пайдо бўлган) эгизакларга қараганда гозозигот (битта тухумдан пайдо бўлган) эгизаклар Т.лари хусусиятларнинг ўхшашлик даражаси юқори бўлиб, Т.нинг ирсий йўли б-н берилиш имконияти 85% га тенг. Т. айрим хусусиятларининг ҳаёт давомида ўзгаришлари умуман Т. турининг ўзгариши зарурати б-н боғлиқ эмас. Т.ни фаолият талабларига мослаштириш йўллари; 1) одамнинг руҳий хусусиятларига нисбатан фаолиятни танлаш (профессиянал танлаш); 2) инсон олдига қўйиладиган талабларнинг индивидуаллаштирилиши; 3) Т.нинг салбий тарзда намоеъ бўлишини мотивлар ёрдами б-н енгишдан иборатдир. Фаолиятнинг индивидуал услубининг таркиб топиши шартларидан бири Т. хусусиятларини ҳисобга олиш. Индивидуал услуб пайдо бўлиши-

нинг муҳим шартларидан бири бажараётган ишга онгли, ижодий муносабатда бўлиш. Тарбиянинг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, индивидуал услубни таркиб топтириш йўли б-н шахснинг Т.ини фаолиятнинг объектив талабларга мақсадга йўналтирилган равишда мослаштиришдир.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ — Амир Темур (1336-1405) асос солган марказлашган давлат. Т.д. деганда буюк давлат арбоби ва буюк саркарда Амир Темур сулоласи ҳукмронлик қилган тарихий даврни ва унинг тасарруфида бўлган минтақаларни тасаввур этамиз. Т.д. замон ва макон чегараларини белгилаб олиш муҳим методологик аҳамиятга моликдир. Умуман олганда, Т.д. салкам 500 й. Амир Темур ва унинг ворислари томонидан бошқарилиб, асосан, икки тарихий босқични ўз ичига олади. Унинг биринчи босқичи Амир Темур Мовароуннаҳр худудини бирлаштириб, Самарқанд тахтита ўтирган 1370 й.дан бошланиб, 1507 й.да Шайбонийхон томонидан Ҳиротнинг эгалланишини қамраб олади. Иккинчи босқичи эса, Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг чевараси Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1508 й. Афғонистонда мустақил давлат тузиб, у ердан 1526 й.да Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар империясига асос солгандан бошлаб, Баҳодиршоҳ II нинг 1858 й.да инглиз мустамлакачилари томонидан қатл этилишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Т.д.нинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий энг ривожланган даври биринчи босқичда — Амир Темур ҳукмронлиги йилларига, иккинчи босқичда эса Бобурнинг невараси Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Амир Темур тузган улкан давлат қудратини, унинг иқтисодий ва маънавий салоҳиятини ўша давр Оврупо мамлакатлари орасида энг қудратли ва обрўли ҳисобланган Испания ва Франция ҳукмдорлари тан олиб, элчилар юборганлар, яқин иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ўрнатишга тайёр эканликларини билдирганлар. Т.д. халқимизнинг мўғул босқинидан тўла озод бўлган, мустақил давлатчилигини тиклаган, ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этган давридир. Бу даврда мамлакатимизда, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Кеш (ҳоз. Шаҳрисабз) улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Амир Темур ва унинг набираси Улугбек замонида бу борадаги фаолият ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Шаҳар ва қишлоқлар қайта қурилди, йўллар, кўприклар, боғ-роғлар барпо қилинди, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ривожланди. Ватанимиз фани, маданияти, адабиёт ва санъати янада юксалди, атоқли олимлар, шоирлар етишиб чиқдилар. Улугбек ва Навоий, Жомий ва Бобур, Хондамир ва Беҳзод каби юзлаб атоқли кишилар

ана шу даврнинг мевасидирлар. Собиқ иттифоқда бу давр нотўғри талқин қилинди, унинг тарихимиздаги ўрни, халқимиз ўтмиши, маънавий юксалиши учун аҳамияти тўғри акс эттирилмади. Темур вафотидан кейин улкан давлат уюшмаси парчаланиб кета бошлади. Иккинчи босқичда Т.д. (Акбаршоҳ даврида) Шимолий Ҳиндистонда деярли бутун ярим орол ҳудудига эгалик қила бошлади. Салкам 50 й. подшоҳлик қилган Акбаршоҳ давлат тизимини мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ўрнатишга муваффақ бўлди, «келгинди» ҳукмдорлар б-н ҳинд зодагонлари ўрталарида мураса келишув ўрнатилди, энг обрўли ҳинд маликаларидан бирига уйланган Акбаршоҳ истиқбол мақсадларини кўзлаб маҳаллий аҳоли мақсад-манфаатларини ҳам баробар инobatга олиб рўёбга чиқариш сиёсатини кенг қўллади. Натижада, Ҳиндистон феодал тарқоқлик балосидан асосан қутулиб, Акбаршоҳ тузган марказлашган давлат доирасида равнақ топа бошлади. Буюк ҳинд давлат ва жамоат арбоблари (М. Ганди, Ж. Неру) Бобурийлар давлати, хусусан Акбаршоҳ фаолиятига жуда юқори ижобий баҳо берганлар. Акбаршоҳ давридаёқ Ҳиндистон иқтисодиётига кириб ўрнаша бошлаган инглизлар унинг вафотидан кейин аста-секин сиёсий ҳукмронликни ҳам ўз қўлларига ола бошладилар ва ҳарбий куч-қудратларини ишга солиб, жамият парокандалигидан фойдаланиб, 1858 й.да шаклан амал қилаётган Баҳодиршоҳ II ҳокимиятини ағдариб, тўла ҳукмдорликни ўрнатдилар ва Ҳиндистон расман Буюк Британия мустамлакасига айлантирилди.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» — Амир Темурга нисбат бериладиган тарихий-сиёсий рисола. Ушбу рисола 14-15-а.лар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўғуллардан халос қилиши, ҳокимиятни қўлга киритиши, мустақил ва марказлашган давлат тузиши, ўзга мамлакатларга юриш қилиши ҳамда Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб борган ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолияти ҳақида сўз юритилади. У дастлабки пайтда турк тилида ёзилган, кейинчалик б. тилларга, хусусан, форс тилига ўтирилган, яна б. кўп тилларга, хусусан, француз, инг., урду, рус ва эски ўзбек тилларига таржима қилинган. Унинг нусхалари жаҳоннинг кўпгина кутубхоналарида сақланади. Уни мустақиллик даврида чоп этиш имкони яратилди. «Т.т.» 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари ва бу борада ўз яқинлари б-н ўтказган кенгашлари, амирлар б-н олиб борган музокаралари акс этган. «Т. т.»да буюк Соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва қўшни мамлакатларни ўз тасарруфига ўтказиш

борасидаги фаолияти ҳақида муфассал сўз юритилади. Хусусан унда ўша даврда фақат Мовароуннаҳрга эмас, балки Русияга ҳам катта хавф солиб турган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга Амир Темур томонидан қаттиқ зарба берилиши, унинг томонидан Ҳиндистон, Ироқу Шом, Туркистон, Эрон ва Афғонистонни забт этилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Иккинчи қисмда Амир Темурнинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услуби ҳақидаги тузуқлари, яъни йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насиҳатлари ўрин олган. Амир Темур салтанатни бошқаришда 12 та қоидага асосланади. Давлатни бошқаришда у ислом дини ва шариатга, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларни ҳурматини жойига қўяди. «Т. т.»да келтирилишича, Соҳибқирон мамлакатни бошқаришда, энг аввало, олиму фузало, саййидлар, шайхлар ва фозилларга таянади, уларни ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи, деб билади. Булардан ташқари, «Т. т.»да сиёсат, ахлоқ ва ҳуқуққа оид қимматли фикрлар баён қилинган. Унда дўстлик, вафодорлик, инсоф, адолат, иймон ва эътиқод, илм-маърифат, касб-ҳунар ва б. инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади. Риосолада, айниқса, фуқароларнинг шариатга ва қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсунishi лозимлиги масаласига катта эътибор берилади. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳар бир вилоятда қозилар қонунларнинг тўла амал қилиниши, тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини қаттиқ назорат қилиб турганлар, тартиб-бузарларни жазолаганлар. «Т. т.»да юқоридагилардан ташқари, сипоҳийлар ва аскарларни сақлаш ва уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қондаси, вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва б.ларни тақдирлаш тартиблари, уларнинг бир-бирига муомаласи ва б. ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича муфассал маълумот берилади.

ТЕНГЛИК — жамиятдаги барча кишилар, қатлам, партия ва шу қабилаарнинг қонун олдидаги ҳуқуқий масъулияти ва имкониятларининг барабарлигини англатадиган тушунча. Т. таъминланган жамиятда унинг барча аъзолари яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, мулкдор бўлиш, ма-лакали тиббий хизматдан фойдаланиш, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлади. Т.-нинг мантиқий маъноси айният б-н мос келади. Формал мантиқдаги айният қонунига кўра, агар фикрлар бир хил ҳажмга эга бўлсалар тенг фикрлардир, агар билдирилган фикрлар мазмун жиҳатидан ўзгармай қолсалар ҳам, тенг фикрлардир.

ТЕОЛОГИЯ (*лот.* *theo* — худо, *logos* — таълимот) — Худо тўғрисидаги фан, таълимот. Худо, унинг сифатлари, белгилари ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ва ҳимоя қилиш тизими. Т.га муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг ҳақиқатлигини исботлаш б-н бирга, диндорларнинг ҳаёт тарзи ва меъёрлари комплекси ҳам киради. Ўрта асрларда Т.мафкура сифатида жамиятни, давлатни бошқариш ишларида иштирок этган, шу сабабли давлат бошқарувининг теократия шакли ҳам вужудга келган. Т. ўрта аср маданиятининг барча турларини илм-фан, фал. ҳамда ахлоқни ўзида мужассамлаштирган ягона тизим шаклида намоён бўлади. Ўқув юртларида худди шунинг учун ҳам жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари дунёвий илмлар б-н бирга илоҳиёт ўқитилади. Шунингдек, жаҳоннинг баъзи мамлакатларида, жумладан, Миср Араб Республикасида Ал-Азҳар, Тунисда Зайтуна, Ҳиндистонда Алигарх, Покистонда Панжоб, Туркияда Анқара диний ун-лари фаолият кўрсатиб, Т. асосларини кенг тарғиб қилмоқда. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонимизда миллий маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлган ислом маънавиятини тикланиши натижасида Тошкентда Ислом Университети очилди. Бу илм даргоҳида ислом дини б-н бир қаторда барча дунёвий илмлар, хорижий тиллар, компьютер асослари ўргатилади.

ТЕОСОФИЯ (*юн.* *theos* — Худо ва *sophia* — донишмандлик, билиш) — фалсафий таълимот. Т. таълимотига кўра, барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти уларнинг танасини бошқариб турувчи илоҳий жон, руҳнинг фаолияти б-н боғлиқ. Инсон ўзининг юксак заковати ёрдамида аслида ўзининг илоҳий жон эканини, шу жон б-н табиати бир бўлган Худонинг табиатини англаб етиш имкониятига эга бўлган. Худо — ўзининг қуввати б-н бутун борликда мавжуд бўлган энг кичик тирик заррасининг ҳам, энг катта тирик мавжудотнинг ҳам ичида алоҳида мавжуд бўла оладиган, айна пайтда бутун борлиқни назорат қилиб бошқариб турадиган, чексиз қудратга эга бўлган Олий Руҳдир. Жон эса Худо қувватининг ажралмас бўлаги ҳисобланган руҳдир. Алоҳида руҳнинг мавжуд эмаслигига қараб, борлиқ тирик ёки ўлик, жонли ёки жонсиз мавжудотларга бўлинади. Т. илмига асосан, Худо — ягона мутлақ манба; унинг табиати уч турли кўринишда намоён бўлади: бутун борлиқ Худонинг ички ва ташқи қувватидан таркиб топган; Бутун оламни ана шу икки қувватдан таркиб топган икки оламга бўлиш мумкин: руҳий ва моддий олам. Худонинг ички қуввати олий, руҳий қувват, ташқи қуввати эса, қуйи моддий қуввати ҳисобланади. Руҳий қувват моддий қувватидан устун ва уни бошқариб туради. Руҳ ўз хоҳиши б-н

руҳий оламда, ёки моддий оламда яшаши мумкин. Руҳларнинг моддий оламни бошқариш фаолияти аралаш қувват, яъни руҳнинг моддий ҳаётидир. Руҳнинг моддий оламдаги, бир танадан иккинчи танга ўтиб, ривожланиш фаолияти руҳнинг эволюцияси, деб аталади. Инсон тирик мавжудотлар ичида ривожланган онгга эга, шу сабабли руҳ ва модданинг бир биридан фарқини англаб етишга қодир мавжудот. Инсонни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турувчи ягона ҳислати ўзининг руҳ эканини англаб етиши ва ҳаётда ана шу илми асосида яшай олиш қобилиятига эгаллигидан иборат. Инсоният тарихида фақат инсонлар жамиятидагина мавжуд бўлган турли диний-фал-ий таълимотлар замон, макон ва шароитга мос равишда асосан ана шу ягона таълимот, руҳ ва тананинг бир-биридан фарқ қилишини ўрганади.

ТЕРМИЗИЙ Абу Исо Муҳаммад (824 — Термиз — 892) — буюк муҳаддис ва мутафаккир. Имом Бухорийнинг шогирдларидан бири. Т. диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш б-н эгаллаган. У узоқ йиллар Ироқда, Исфажон, Хуросон, Макка ва Мадинада илм олган. Кўп йиллик сафарлари чоғида қироат, баён, фикҳ, тарих, ҳадис каби илмлар бўйича ўз даврининг йирик олимларидан таълим олди. Т.нинг «Ал-Жомий» («Жамловчи»), «Аш-Шамойил ан набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фил-ҳадис» («Ҳадислардаги оғишлар»), «Рисола фил-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Ат-тарих» («Тарих»), «Китоб ул-асмо ва-л-куно» («Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб») каби асарлари бизгача етиб келган. Машҳур асари «Ал-жомий» пайғамбар алайҳиссаломга бағишланган 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан иборатдир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда «Ал-жомий ал-кабир» («Катта тўплам»), «Ал-жомий ус-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Жомий ат-Термизий» («Термизий тўплами»), «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») номи б-н ҳам аталиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манба ҳисобланади. Т.нинг машҳур таълифларидан бири, «Аш-шамойил ан-набавийа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») бўлиб, расулуллоҳнинг сўрат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига олган манбадир. Т.нинг мазкур асарларида илм-фанни эгаллаш, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳақ-ҳуқуқлари, таълим-тарбия, хулқ-одоб қоидалари, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, адолат, инсоф ва б. инсоний қадриятлар баён қилинади. Айна вақтда тубан иллатлардан бўлмиш ёлгон гапириш, тухмат, адоват, зулм, хиёнат, фитна-фасод, таъмагирлик ва

б. қораланади. Т.нинг ахлоқ-одобга оид ибратомуз фикрлари ҳоз. вақтда ҳам ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ. Улар ёшларни тарбиялашда, маънавиятимиз ривожига муҳим ўринни эгаллайди.

ТЕРМИН (лот. terminus — чек, чегара) — 1) фан, техника, санъат ва ш.к.ларнинг муайян тушунчасини қайд этувчи бир маъноли сўз. Т. фан тилининг элементи, у маълумотларини аниқ ва бир маъно б-н билдириш зарурияти тақозоси б-н жорий этилган. Т.ларнинг оддий тилдаги сўзлардан фарқи шуки, уларда эмоционал бўёқ бўлмайди. 2) логикада ҳукмнинг (субъект ва предикат) ёки силлогизмнинг зарур компоненти (хулоса предикати катта Т. деб, силлогизм асосларига кирадиган ва лекин хулосага кирмайдиган тушунча ўрта Т. деб аталади); 3) Қадимги Рим мифологиясида чегаралар ва чегара белгиларининг худоси.

ТЕРРОРИЗМ, террорчилик — зўрлик ва жаҳолат мафкураси; террор б-н амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат. Т. бир неча асрлар олдин шаклланган, географик жиҳатдан барча минтақа ва мамлакатларда учраши мумкин бўлган мураккаб феномендир. Шу боис унинг ижтимоий илдиэлари, маънавий-психологик турткилари ва б. параметрлари бўйича фикру муносабатлар турлича ва баҳслидир. Унга муносабат, баҳолар спектрдан қатъий назар, у жамият тараққиёти, яхлитлиги ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳар доим вайронкорлик йўналишга эга бўлганлиги, эзгуликка зид эканлигини исботлаш унчалик мураккаб эмас. 20-а.нинг охирига келиб, турли-туман ижтимоий сабаб-оқибатлар ва баҳонаю найранглар асосида у халқаро ҳодисага, жараёнга айланди. Т.нинг зўрайиши ва глобал миқёс касб этиши учун муайян сиёсий режим томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар қулай баҳонадир. Лекин бу уни ҳеч қачон оқлай олмайди. Зеро, Т.га унинг ҳаракатга келтираётган манфаатдор шахслар сўзидан эмас, балки конкрет аксилинсоний амалиёти ва оқибатларидан келиб чиқиб баҳо бериш керак. Жаҳон сиёсати, дунё барқарорлигидан манфаатдорлик ҳисси айнан шу хулосани тақозо этмоқда. Т. бугун ошқора сиёсий тус олмоқда. Айрим мамлакатларда эса, у ҳукумат ва унга яқин структуралардан мадад олмақда. Жаҳон сиёсатининг дунё ягоналигини сақлаб келаётган йўналишларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Т. демократик яшаш усули, восита ва услубларга ўз хоҳиш-иродасини қарши қилиб қўймоқда. Унга қарши кураш ҳоз. даврида муқим вазифага айланди.

ТЕХНОКРАТИК НАЗАРИЯ — 20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Америка Қўшма Штатлари Т.Веб-

лен, У.Отборн, С.Чейз, Англияда Г.Уэлс ва бошқалар томонидан асос солинган ва фаол тарғиб қилинган таълимотдир. 30-йилларда АҚШда ва Европанинг бир қанча мамлакатларида Т.н. намояндаларининг махсус жамиятлари таъсис этилган эди. Улар фан ва техника соҳасида содир бўлган буюк силжишларни, янги саноат тўнтаришини техник инқилоб деб шарҳлаб, бу ҳодиса 20-а. 20-йилларида жамият қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, энди жамиятда олимлар, муҳандислар ҳукмронлиги даври бошланиб, ишсизлик, тенгсизлик ўрнини мўл-кўлчилик ва режали ривожланиш эгаллайди, дея тарғиб қилишга киришдилар. Бу наз-янинг моҳияти жамият ишлаб чиқариш муносабатларига путур етмасдан, техника прогресси асосида мамлакатлардаги ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш мумкин, деб исбот қилишга уринишдан ва техник тараққиёт моҳияти ва оқибатларини бўрттириб тасвирлашдан иборат.

ТЕХНОКРАТИЯ (юн. — техника ҳукмронлиги, ҳокимияти) — 1) Т. техник ходимлар ва мутахассисларнинг сиёсий ҳокимияти зарурлигини тан олувчи социологик концепция; 2) Т. — 20-а.нинг 30 й.ларида АҚШ даги ижтимоий ҳаракатнинг номланиши. Т. наз-яси дастлаб Веблен томонидан қўлланган. У «технологик детерминизмга» эътиборни қаратган ҳолда, техник мутахассисларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётга содиқ хизмат қилувчилар, деб билган. Бунинг учун улар бирлашиб, мамлакат саноат ишлаб чиқаришида муҳим бошқарув лавозимларини эгаллаши кераклиги эътироф этилган. А.Берл, А.Фриш кабилар Т. концепциясининг янада ривожланишига ҳисса қўшганлар. Айниқса, Ж.Голбрайтнинг «Янги индустриал жамият», «Иқтисодий наз-ялар ва жамиятнинг мақсади» каби китобларида Т. ғояси атрофлича асослаб берилган.

ТИЗИМ, Система (юн. systeme — қисмлардан иборат, бугун) — ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи. Моддий ва мавҳум Т.лар ажратиб кўрсатилади. Моддий Т.лар: 1) ноорганик табиат Т.лари (табиий, геологик, кимёвий ва б.); 2) тирик Т.лар (содда биологик Т.лар, организмлар, популяциялар, турлар, экотизимлар). Ижтимоий Т.лар барча Т.лардан ажралиб турадилар, энг содда ижтимоий бириклардан тортиб жамиятнинг ижтимоий тузилмасигача бўлган турли-туман қисмлар унга мансубдир. Мавҳум Т.лар ҳам мавжуд бўлиб, унга тушунчалар, тахминлар, наз-ялар, илм, шунингдек, формаллаштирилган, мантиқий Т.лар ҳосдир.

ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ — билиш жараёни ва тадқиқотларда қўлланиладиган усул, кенг маънода ти-

зимли ёндашув услубига баробар тарзда қўлланилади. Тизимли ёндашув, Т.т. воситасида амалга оширилади. Тор маънода — барча воқеа-ҳодисалар, модда-ашёлар, ҳаракат-жараёнлар мураккаб муаммоларнинг ечимларини топиб, ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган методологик воситалар мажмуи. Т.т. қатъий миқдор мезонларига бўйсунмайдиган ноаниқликлардан бирор объектни танлаб қарор ёки ҳукм чиқариш жараёнларида қўлланилади ҳамда энг оқил-оптималь вариант танлаш имкониятини беради. Т.т.нинг илмий-методологик асосларини тизимлар умумий наз-яси ва тизимли ёндашув ташкил этади, лекин Т.т. жараёнида мазкур асосларнинг фақат энг умумий ва бошланғич тасаввурлари ҳамда шарт-шароитлари ишга солинади. Т. т.нинг методологик мақоми ўзига хослиги, бир томондан, у аниқ белгиланган услуб ва амалиёт воситаларига эга бўлса, иккинчи томондан, Т. т.да қатъий бўлмаган ва сифатий фикрлаш, баҳолаш, услублаш сезгиларига асосланган воситаларга эга бўлади. Т.т. фан-техника ва амалий ҳаёт жараёнлари б-н чамбарчас боғлиқ ҳолда ифодаланади.

ТИЛ — инсонлар орасидаги алоқа воситаси, ижтимоий ҳодиса; жамият аъзоларининг фикр ифодаланиши ва ўзаро фикр алмашилиши учун хизмат қиладиган восита. Т. ҳоз. кўриниши даражасига етгунча жуда узоқ эволюцион жараёнларни, яъни инсоннинг ўзининг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнлари б-н тенг даврни босиб ўтган. Илм-фан инсон Т.ининг тарихий тараққиёт боқичларини ўрганиши натижасида шундай хулосага келдики, Т. алоқа воситаси, нутқ сифатида, шубҳасиз, фақат инсон миссининг маҳсулидир. Айрим б. жониворлар, мас., шимпанзе, тўтиқуш, чуқурчиқлар ҳам инсонга хос товушлар чиқариб «гаплашадилар», ҳатто, айрим ҳолларда бутун бошли жумлаларни, ибораларни такрорлайдилар. Бироқ, улар инсон каби гаплашишга қодир эмас. *Тадқиқотларга кўра*, Ер қуррасида яшаётган жонзотларнинг мияси ва муомала воситаси бўлган тили оғзаки нутқни инсончалик юксак даражада ифодалаш имконига эга эмас. Оғзаки нутққа ўрганиш — инсониятнинг эволюцион тараққиётида ҳал қилувчи қадам бўлди. Нутқ қобилияти унга инсон цивилизацияси асосларини қуриш имкониятини яратади. Дастлабки инсон жамоалари оғзаки нутқни биргалликда ҳаракат қилиш, муоффа, умуман фаолиятнинг ҳамма турларида ҳам жиҳатлик кўрсатиш, ҳамкорлик қилиш, буйруқларни ифодалаш мақсадларига қаратганлар ва бундан узоқ вақт самарали фойдаланганлар. У пайтлардаги инсон Т.ининг сўз бойликлари кўп миқдорда бўлма-са-да, давр ўтиши б-н, айниқса, кишилар жамоаларининг бир-бирининг Т.ни бойитиш имкониятлари

туфайли Т. тобора бойиб, такомиллашиб борди. Чинакам оммавий нутқ юзага келтирувчи ҳар бир кишининг нутқий тажрибаси жуда қисқа ва ўткинчи бўлган, яъни вафот этиши б-н унинг тажрибаси ҳам ўлган. Бир кишининг нутқий инсониятнинг умумий муштарак нутқий тажрибаси сифатида авлоддан авлодга ўтиб, аввало оғзаки ва кейинчалик ёзма кўринишларини касб этгунча жуда узоқ замонлар ўтган. Бироқ Т. оғзаки ва ёзма нутқ сифатида тўла шакллангач, у инсоннинг ҳам жисман ва ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда тез тараққий этишини таъминлади. Т. туфайли инсониятнинг ижтимоий ҳаёти, унинг наслининг миқдорий жиҳатдан ўсиши ҳам ақл бовар қилмас даражада илгарилаб кетди. Бир вақтлар тропик ўрмонларда оддий тирикчилик учун жон бериб жон олиб юрган одамзот нутқ шарофати б-н заминнинг яқкаю ягона эгасига айланди. Сон жиҳатдан ҳам ўсди. Дастлабки одамларнинг дастлабки муомала воситалари ва сўзларидан тортиб, Т.нинг бугунги даражасига етгунча инсоният 3 мил. й.дан камроқ масофани босиб ўтди. Шаклланиш, тараққий этиш ва такомиллашиш жараёнларида Т.лар дастлаб, кўпроқ муштараклик ва кенг умумлаштирувчилик вазифасини бажарган, яъни бугунги кунда турли хил Т.ларда гаплашаётган миллат ва элатлар, авваллари бир-бирини тушунадиган бир тилда гаплашганлар, вақт ўтиши б-н турли-туман объектив сабаблар туфайли улар бир-бирларидан узоқлашиб, Т.лари ўзаро фарқланадиган шаклга келган. Т.ларнинг бундай ажралиш (дифференциация) жараёни натижасида кўпчилик учун муштарак алоқа воситаси бўлган бир Т.дан кейинчалик бир неча Т. юзага келган. Ҳоз. тилшуносликда туркий Т.лар деб юритилаётган Т.лар бир-биридан фақат узоқлашиш, ажралиш хусусиятигагина эмас, балки, бир-бирига яқинлашиш, бир-бирини бойитиш хусусиятига ҳам эгадирлар. Турли Т.ларнинг бир-бирига таъсири ва ўзаро яқинлашуви натижасида янги Т.лар вужудга келиши ҳам мумкин. Шу б-н бирга, бирон халқнинг фикр алмашинуви воситаси бўлишдан тўхтаган ва унда гаплашувчиларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки б. тарихий, ижтимоий, маданий сабабларга кўра, муомаладан чиққан Т.лар ҳам мавжуд. Бундай Т.ларни ўлик Т.лар дейилади. Мас., шумер, лотин, қадимги юнон, санскрит ва б.лар. Т.нинг келиб чиқиши ва эволюция боқичлари ҳақида қад. мисрликлар ва хоразмликлар, юнонлар ва ҳиндлар, хитойликлар ва форслар турли хил илмий фаразларни илгари сурганлар. Улардан айримлари, Т. товуш тили сифатида юзага келган десалар, бошқалари Т. дастлаб имо-ишора тили кўринишида бўлган деганлар. Т. одамлар орасида алоқа воситаси сифатида эҳтиёж туфайли табиий суръатда вужудга келган (Платон), ўзаро алоқа қилиш учун тилни одамларнинг ўзлари

яратганлар (Демокрит), тил-илоҳиёт тортиғи (Инжил, Қуръон) каби қарашлар ҳам бўлган. Т., шубҳасиз жамиятда ижтимоий меҳнат, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган муайян жамоа, одамлар гуруҳи ва ёки айрим киши фаолиятини мувофиқлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Физиологик асосига кўра Т. 2-сигнал тизими вазифасида намоён бўлишини И.П. Павлов кашф этди ва уни инсон психикасига ўзига хос кўшимча деб атади. Т. ва тафаккур ўзаро ажралмас ва чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Лекин уларнинг иккови бир нарса эмас. Т. тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш формаси сифатида инсон онгининг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Т. қобигидан ташқарида онгининг қарор топиши мумкин эмас. Т. белгилари, ўз табиатига кўра, шартли бўлса-да, у реал воқеликни билиш жараёни шартларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан Т. муомала воситаси бўлишдан ташқари, билиш воситаси вазифасини ҳам бажаради. Шу б-н бирга у тўпланган билимларни, тажрибаларни қайд қилиш, сақлаш ва авлоддан авлодга ўтказиш воситаси ҳам саналади. Абстракт тафаккур Т. туфайлигина воқе бўлади. Т.нинг мавжудлиги тафаккурнинг умумлаштирувчи фаолиятининг энг зарурий шартидир, Т.сиз бу ҳол мавжуд бўлмас эди. Чунки сўз умумлаштирувчи хусусиятга эга. Т. ўзига хос қонуниятларга эга ва бу қонуниятлар тафаккур қонуналаридан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг нисбатан мустақил ҳодиса эканлигини кўрсатади. Тушунча б-н сўз, мулоҳаза б-н гап айнан бир нарса эмас. Т. ўзининг ички ташкилий томонларига, ўзига хос тизими, тузилмасига эга. Бу тизимдан ташқарида унинг табиатини ва Т. белгиларининг моҳиятини тўғри тушуниб бўлмайди. Табиий Т.дан ташқари сунъий Т.лар ҳам бўлади. Сунъий Т.нинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби одатда, сунъий равишда ишлаб чиқилади. Бунинг биринчи бўлиб 1629 й.да Р. Декарт ишлаб чиққан. Ҳоз. кунда кенг тарқалган халқаро сунъий Т. — Л.Л. Заменгор тузган эсперанто Т.идир. Бу сунъий Т.да 5 млн.дан ортиқ одам гаплашади, юзга яқин журналлар нашр этилади. Сунъий Т. деганда, бу тизимга кирадиган ва машина таржимасида ишлатиладиган воситачининг ахборот тили ва блар ҳам тушунилади. Кейинги йилларда сунъий, формаллашган Т.ларнинг қонуниятларини, уларнинг мантиқий синтаксиси ва семантикасини ўрганишга қизиқиш кучайди. Шу муносабат б-н Т. фақат тилшуносликнинг тадқиқот объектигина бўлиб қолмай, балки мантиқ ва семантиканинг ҳам тадқиқот майдонига айланиши кузатилади. Неопозитивистларнинг фикрича, воқелик ҳақидаги билимларга фақат кундалик ёки аниқ илмий тафаккур орқалигина эришилади, фал. эса фақат Т. таҳлили сифатидагина мавжуд бўлади ва

унда шу тафаккур турларининг натижалари ўз ифодасини топади. Неопозитивистлар нуқтаи назарига қараганда, аналитик-таҳлилий фал. объектив реалликка татбиқ этилмайди, жорий қилинмайди, балки у фақат бевосита тажриба ёки Т. далиллари, маълумотлари б-н чегараланди.

ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ — урушларга йўл қўймаслик, давлатлараро низо ва можароларни сиёсий воситалар б-н ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни тинчлик йўли б-н бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш. Инсоният ирқи, миллати, маданий бойликларига, урф-одатларига буюк ҳурмат б-н қараб келган. Бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувликни қарор топтириш, маданий мерос, осори-атиқалар, урф-одатларни асраб авайлаш, дунё халқларининг илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур. Т.м.да: 1) озодлик, адолат ва демократия тамойилларига асосланган дўстона ва иттифоқ маданияти; 2) зўравонликни қайтарувчи ва низолар пайдо бўлган заҳоти уни бартараф этишга чорлайдиган, муаммоларни мулоқот ва музокаралар йўли б-н ҳал этувчи маданият; 3) ўз жамиятининг ички ривожига унинг барча ҳуқуқини, ҳар кишининг тўла миқёсда ва имкониятларини амалга оширишда тўлиқ иштирокини таъминловчи маданиятга эришишлик гоёси асос қилиб олинishi керак.

ТОЙНБИ (Тоупбее) Арнолд Жозеф — (1889.14.4, Лондон — 1975.22.10, Йорк) — инглиз тарихчиси, файласуфи ва социологи. Лондон ун-ти (1919-24) ва Лондон иқтисод фанлари мактабида (1925—55) проф. Халқаро муносабатлар қироллик ин-ти раҳбарларидан бири (1925—55). «Тарих тадқиқот» 12-ж., (1934-64) асари б-н машҳур. Тадқиқотларида иқтисодий жамоа ҳаётини таҳлил қилган. 1922 й.дан маданият ривожининг умумий тарихига оид илмий иш олиб борган. Асарида таъкидлашча, ҳеч қайси бир халқда алоҳида маданий куртак, эмбрион мавжуд эмас. Маданий юксалиш ва таназзул барча халқларга хос. Лекин бу жараён турли халқларда турли шакл ва кўринишларда юз беради. Маданий тараққиётни ҳеч қандай схема ва жадвалларга солиб бўлмайди. Чунки цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва таназзули турли минтақаларда, турли халқларда турлича кечади. Т. башарият тарихини ўрганишга цивилизация ёндашувининг асосчиси ҳисобланади. Унинг фикрича, тарих ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида цивилизациялар тарихидан иборат. «Тарихни билиш» асарида у инсоният тарихида цивилизация бўлганини кўрсатиб, уларнинг миқдори-

ни 13 тага келтирди. Цивилизациялар орасида Ўрта Осиё цивилизациясига алоҳида ўрин ажратган. Асарда кўрсатилишича, ҳар бир цивилизация ўз тараққиётида бир неча босқичдан ўтади. Улар пайдо бўлиш, ўсиш, таназзул ва барҳам топиш босқичларини бошдан кечирадилар ва ўз ўринларини янги цивилизацияларга бўшагиб берадилар. Т. ижтимоий тараққиётдаги қайтарилишларнинг эмпирик қонунларини асослашга ҳаракат қилди. Цивилизацияларни ривожлантирувчи куч, Т. талқинида ижодий элита ёки озчиликдан иборат. Бу озчилик тарихнинг қақриқларига жавоб берар экан, бефарқ кўпчиликни ўз ортидан эргаштиради. Тарих қақриғига ўз вақтида ва тўғри жавоб бера олган элита кўпчиликнинг олқишларига эришади ва шу тўлқинда у ҳокимият тепасига келади. Вақт ўтиши б-н ҳокимият тепасидаги элита тарих қақриқларига жавоб бера олмай қолади. Энди у жамиятни ўз обрўси б-н эмас, куч ёрдамида бошқаришга ўтади. Бундай элита урушлар, табиий офатлар ёки кўпчиликнинг норозилиги сабабли ҳокимият тепасидан ағдариб ташланади. Т., жамият тараққиётининг асосий сабабларидан бири, деб маънавий юксалишни кўрсатган эди. Инсоният ибтидоий анимистик динлардан оламшумул динларга, улардан эса ягона синкретик динга ўтиш орқали тараққиётга эришади. Т. таълимоти моҳият эътибори б-н европоцентризмга қарши қаратилган эди. Ривожланган Фарб б-н ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятни маънавий янгилиниш, меркантилизм ва моддиюнчилик фал-сидан воз кечиш орқали ҳал қилиш мумкин. Т.нинг фал-ий қарашлари 20-а. 2-ярмидаги ижтимоий фал-ий оқимлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

ТОКВИЛЬ (Тocqueville) Алексис (1805.29.7, Верний — 1859.16.4, Канн) — француз файласуфи, социологи, тарихчи ва сиёсий арбоб. Тираниянинг ва демократияни чеклашнинг ҳар қандай кўринишларига қарши бўлган. «Америкадаги демократия тўғрисида» (1835) асарида жамиятни ундаги озодлик ва тенглик мутаносиблиги нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Асарида Т. демократик ин-тлар фаолияти учун мавжуд хавфни 3 турга бўлган: давлат органлари қўлида сиёсий ҳокимиятнинг ҳаддан ортиқ марказлашуви. Унинг фикрича, бундай ҳолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қатъий назорат остига олиши ва эркинликларни бўғиб қўйиши мумкин; индивидуализм — бу хавф одамларни бир-биридан ажратиши шахсий ҳаёт қобиғига маҳкам ўраб, уларни сиёсий ҳаётга бефарқ қилиб қўйиши мумкин. Бу эса сиёсий деспотиянинг майдонга келиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратади; тўла тенгликка ортиқча интилиш. Бу хавф барча фуқароларни тенг қилиши мумкин,

лекин бу тенглик қашшоқлик асосидаги тенглик бўлади. «Эски тартиб ва революция» (1856) асарида эса жамиятни инқилобий ўзгартиришга уринишларнинг қоралайди. Бундай уринишлар олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларга, кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун у тараққиётнинг эволюцион либерал-демократик йўлини тарғиб қилди. Т. демократик ижтимоий тафаккурнинг кўзга кўринган классикларидан ҳисобланади.

ТОЛАНД Жон (1670.30.12, Лондонерри — 1722.11.12, Патни) — инглиз файласуфи. «Левитлар қабиласи», «Сирли бўлмаган Христианлик» каби китобларида христиан динига ва черковга қарши чиққанлиги учун черков унинг китобларини ёқиш ва ўзини қамаш тўғрисида ҳукм чиқарган. Қочишга муваффақ бўлган. «Серенага хат» номли асосий фал-ий асарида Т. ҳаракат ва маконнинг бирлиги тўғрисидаги таълимотни ривожлантирган. Бу таълимотга кўра, ҳаракат материянинг ажралмас хусусиятидир. Т. механистик материализм позициясида бўлган.

Спинозанинг субстанциялар тўғрисидаги, Ньютоннинг мутлоқ макон тўғрисидаги концепцияларини танқид қилиб, макон ва замоннинг ҳаракатдаги материя б-н узвий боғлиқлиги тўғрисидаги қоида-ни илгари сурган. «Пантеистикон» (1720) китобида материализм ва натуралистик пантеизмни тарғиб қилган. Т. гоёлари 18-а. инглиз ва француз материализми ривожига катта таъсир кўрсатган.

ТОМИЗМ (*лот.* thomos — фома) — фалсафий йўналиш. Католик черковидаги Фома Аквинский таълимотининг таъсири остида шаклланган, илоҳиёт ва фал-ий қарашларнинг яхлит тизими. Т. учун динда ақлий мушоҳада, ақлирасоликка ҳурмат руҳида қарашлар б-н бирга ўта қатъий ортодоксал принципларнинг ўзаро мутаносиблигини вужудга келтиришга уринишлар ўзига хос характерли хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бундай интилишлар Платонга нисбатан Аристотель фал-сига кўпроқ яқин. Т. 13-а.да энди шаклланаётган бир даврда католик черковининг расмий мафкурасига айланган Августин *платонизми* ва *аверриозми* сиқиб чиқариб, *схоластикада* ҳукмрон мавқени эгаллади. 19-а. охирига келиб, Рим католиги ва Ватикан черковларининг расмий таълимоти, деб эълон қилинган Т. фал-си Фарб ун-тлари ва христиан черковларида ҳар томонлама чуқур ўрганилиб ривожлантирила бошланди. 20-а. бошларидан бу фал-ий таълимот расман *неотомизм* деб юритила бошлади. Бу таълимот эътиқод б-н ақлни, рационализм б-н ҳиссий мушоҳадани, жонли мушоҳада б-н амалиёт (практика)ни, ижтимоийлик б-н индивидуализмни ўз ичига қамраб

олувчи универсал таълимот сифатида гавдаланади. Ўз моҳиятига кўра, бу таълимот христиан черкови эътиқодининг чинлиги фал-ий категориялар ва мантиқий қонунлар ҳамда усуллар орқали исботлашга қаратилгандир. Т. фал.сидаги билим (фан)ларнинг таснифланишида метафизика алоҳида ўринни эгаллайди.

ТОТЕМИЗМ (алконгин тилидаги «тотем» — унинг уруғи сўзидан) — ибтидоий жамиятнинг илк динларидан бири. У кишиларнинг маълум гуруҳи б-н ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари ўртасида гайритабiiий алоқа, қон-қардошлик бор, деган эътиқодга асосланади. «Т.» ибораси инглиз саёҳатчиси Дж. Лонг томонидан 1791 й.да илмий муомалага киритилган. Т. батафсилроқ 19-20-а.ларда Дж. Мак Ленан, У. Б. Робертсон-Смит, Фрезер ва б.лар томонидан тадқиқ қилинган. Т.ни тушунтириш ва тадқиқ қилиш хилма-хил анъана ва тамойилларга асосланади. Уларнинг ичида энг оммавийларидан бири (Дюркгейм ва б.). Т.ни диннинг илк шакли деб баён этиш, ҳамда (Леви-Строс ва б.) Т.ни содда ақлий тасниф тизими деб аташ. Руҳшунослик тамойиллари ичида машҳури Фрейднинг руҳий аналитик таҳмини ҳисобланади. Фрейд ибтидоий жамиятнинг илк дини бўлмиш Т. ахлоқий (маданий) чекланишларни — ўлдиришни таъқиқлашни, ўзаро яқин кишиларнинг қон алмашишини (инцест) ишлаб чиқиб, шундан маданиятни яратиш бошланди, деб қайд қилган. Т.да ҳар бир уруғ, қабиланинг ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлиги, айнан шу уруғнинг аждоди бўлган тотемга — ўсимлик ва ҳайвонга боғлиқ, деб қаралган. Ўша даврларда горлардаги ҳайвон, ўсимликнинг сурати тотем руҳларининг макони, табиий суратдаги нарса уруғнинг ҳомийси тарзида қабул қилинган. Шунга кўра, улар тотемнинг ёрдамига муҳтож бўлганлар, унга сеҳр ёрдамида таъсир қилишга уринганлар. Бу б-н тотемнинг янги авлодига «пок йўл» б-н тотем ўтиб қолишига, сеҳр жоду б-н тотемга таъсир қилиб, муқаддаслашган ҳайвон, ўсимликнинг сонини кўпайтиришга, уруғ-қабила фаровонлигини оширишга, тотем кучи б-н уруғ-қабилага келаётган ҳалокатнинг олдини олишга интилганлар. Дастлаб тотем сифатида ҳайвонлар, кўпроқ ов ҳайвонлари эъзозланган. Кейинроқ эса, қариндошлик муносабатлари бошқа ҳайвонларга ҳам ўтган, баъзан ўсимликлар, табиат ҳодисалари: ёмғир, қуёш, шамол ва б.ларга ҳам тарқалган. Тотемистик эътиқод ва маросимлар муайян кўринишда кўп халқларда, айниқса, Австралиядagi қабилаларда сақланиб қолган. Уларнинг одатлари бўйича, тотем уруғи аъзолари ўзаро никоҳ қилиши мумкин эмас. Австралия миллий аҳолисининг ҳар бир қабиласи ҳайвон ёки ўсимлик номини олган уруғларга бўлинади. Уруғ аъзолари ўз тотемини қариндоши,

отаси, акаси, дўсти, деб ҳисоблайди. Марказий Осиёда кенг тарқалган мучал ҳам Т. б-н боғлиқ. Одатда одамларнинг туғилган йилларини мучал б-н айтадилар: муш(сичқон), мор(илон), асп(от) ва б.

I.	Товуқ	1957	1969	1981	1993	2005
II.	Ит	1958	1970	1982	1994	2006
III.	Тўнғиз	1959	1971	1983	1995	2007
IV.	Сичқон	1960	1972	1984	1996	2008
V.	Сигир	1961	1973	1985	1997	2009
VI.	Йўлбарс	1962	1974	1986	1998	2010
VII.	Қуён	1963	1975	1987	1999	2011
VIII.	Балиқ	1964	1976	1988	2000	2012
IX.	Илон	1965	1977	1989	2001	2013
X.	От	1966	1978	1990	2002	2014
XI.	Қўй	1967	1979	1991	2003	2015
XII.	Маймун	1968	1980	1992	2004	2016

Қадимда муқаддаслаштирилган тотемларни ўлдириш, отиш тақиқланган. Мас., ҳиндлар сигир, илон, маймун, фил ва б.ларни эъзозласа, бошқа халқларда арча, мурч, исирик, мусича, қалдирғоч, муллат-ўрғай ва б.лар эъзозланади. Т. унсурлари жаҳон динлари бўлмиш буддавийлик, христианлик, ислом динида ҳам учрайди.

ТОТУВЛИК — жамиятда турли хил ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишиларнинг ўзаро муносабатларида, уларнинг муайян давлат сиёсатида бўлган муносабатларида ҳамфикрлилик тамойили асосидаги умумийликни англатувчи тушунчадир. Т. ижтимоий тараққиётда катта аҳамият касб этади. шу боис инсоният тарихида социал тараққиёт учун курашган кучларнинг асосий эзгу гояларидан бири жамият аҳли ўртасида т.ка эришиши бўлган. Т.ка эришган жамиятда кишилар ўртасида самимият, меҳр-мурувват, оқибат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, аҳиллик каби муносабатлар устивор бўлади. Давлат бошқарувида барча фуқароларнинг манфаатини кўзлаб иш юритиш, табиийки, ижтимоий ҳаётда Т. қарор топишининг муҳим омилдир. Т. тинчлик, барқарорлик, ягона мақсад йўлида миллий бирлашувнинг ҳам муҳим шартидир.

ТОФФЛЕР Олвия (1928) — америкалик социолог, фай. ва публицист-футуролог. Т.нинг асосий фал-ий қарашлари «Келажак балоси» (1970), «Маданиятли истеъмолчилар» (1973), «Экоспазм ҳақида маъруза» (1975), «Учинчи тўлқин» (1980), «Дастлабки битиклар ва истиқболлар» (1983), «Сезгир корпорация» (1985) каби асарларида ўз ифодасини топган. Т. пост-индуриал жамият ҳақидаги концепциялардан бирининг муаллифи. Унинг фикрига кўра, тарихий эволюцияни чизиқли тараққиёт ёрдамида ифодалаб бўлмайди. Чунки, унда ижтимоий зиддиятлар ва тўқнашувларнинг аҳамияти ҳам беқийёсдир. Ушбу зиддият ва тўқнашувлар тартибсиз характерга эга бўлмасдан, балки маълум тартибда, муддат давомида содир бўлади. Ижтимоий тараққиётда 4 соҳа — техно-, соцо-, инфо- ва психосфералар ўзаро алоқада бўладилар. Ушбу алоқадорликда техносферанинг роли айниқса аҳамиятли. Шу сабабдан ҳам жамиятдаги барча ўзгаришлар манбаи технологик инқилоб б-н боғлиқ. Ушбу инқилоб қандай характерда бўлса, унинг асосида вужудга келган цивилизациянинг моҳияти ҳам шундай бўлади. Чунончи, аграр-технологик инқилоб натижасида қишлоқ хўжалиги цивилизацияси дунёга келди. Ушбу цивилизациянинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) ер — иқтисодиёт, оилавий ва сиёсий тизим, маданиятнинг асоси; 2) оддий меҳнат тақсимоти ҳамда унга монанд синфлар ва ижтимоий ҳуқуқларнинг мавжудлиги; 3) авторитар ҳокимият; 4) индивид ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий мақомини белгилаб берувчи мезонларнинг мавжудлиги; 5) марказлаштирилмаган иқтисодиёт. Иккинчи тўлқин шарофати б-н қишлоқ хўжалик цивилизацияси ўрнини индустриал цивилизация эгаллади. Ушбу цивилизацияни ҳаракатга келтирувчи қудрат саноат ишлаб чиқаришда машғул бўлган ходимларнинг қўл кучи бўлди. Индустриал цивилизация инсонни машиналар тизимининг қулига айлантирди. Бунинг натижаси ўлароқ, *оммавий маҳсулот, оммавий тақсимот, оммавий савдо-соғиқ, оммавий маданият* юзага келди. Шунга мувофиқ, индустриал техносферага асосланган ижтимоий соҳа ҳам фабрикавий ишлаб чиқаришга тортилган кишилар ҳаётига мослаштирилди. Жумладан, оила, корпорациялар, таълим, черков, касаба уюшмалари, партиялар, санъат ва ҳатто ҳукумат ҳам бозорга, аноним истеъмолчи эҳтиёжларига бўйсундирилди. Индустриализм ишлаб чиқаришни истеъмолдан ажратиб қўйди, ижтимоий зиддиятлар ва ташвишларга тўла турмуш тарзини вужудга келтирди. Бу ижтимоий иллатларнинг асл сабабчиси индустриализмнинг олти принциpidир (стандартлаштириш, ихтисослаштириш, марказлаштириш, максималлаштириш, жамлаш ва синхронизация). Индустриал цивилизация икки сабабга кўра бундан кейин мавжуд бўла олмайди: 1) биосфера индустриализмнинг тазйиқла-

рига ортиқ бардош бера олмайди; 2) индустриал тараққиётнинг манбаи ҳисобланган энергия манбалари тугаб бормоқда. 20-а.нинг 2-чи ярмида технологик ва ижтимоий ўзгаришларнинг учинчи тўлқини намоён бўла бошлади. Бу ўзгаришларнинг сабаби компьютерлар, лазер техникаси, биотехнология, ген инженерияси, информатика, электроника, телевидеокоммуникация ривожига б-н боғлиқ. Янгиланиб турадиган манбаларга асосланган энергетика вужудга келмоқда. Постиндустриал ишлаб чиқаришда ишчи кучининг эмас, информация, ижодиёт ва интеллектуал технологиянинг аҳамияти орта боради. Энди ишлаб чиқаришнинг асосий хўжайини малака ва информацияга эга бўлган ходимдир. Постиндустриал жамиятнинг вужудга келиши жараёнида ишлаб чиқаришдаги таркибий янгиланишлар, меҳнат мазмуни ва характерининг ўзгариши оқибатида ишсизлик орта боради. Ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларининг кўшилиб кетиши янги ходим типини — ишлаб чиқарувчи истеъмолчини юзага келтиради. Постиндустриал жамиятда асосий эътибор машиналарни ўзгартиришга эмас, кишилар онги ва маданиятини ўзгартиришга қаратилади. Оламни тушуниш, ҳаётдан орқада қолмаслик учун шахс қобилиятларини ривожлантириш, узлуксиз таълим б-н шуғулланиш, кенг миқёсда фикрлашга ўрганиш зарур бўлади. Албатта, иккинчи ва учинчи тўлқинларнинг тўқнашуви зиддиятсиз кечмайди. Қишлоқ хўжалиги ва индустрия цивилизациясидаги зиддиятлар урушлар ва инқилобларга сабаб бўлган бўлса, иккинчи тўлқин тўқнашуви иқтисодий инқирозларга олиб келади. Бу инқироз табиатга нооқилона муносабат, интеллектуал ресурслар учун кураш, информациион портлаш ва ш.к.да ўз ифодасини топади. Учинчи тўлқин, Т.нинг фикрича, бизга маълум бўлган илк инсонпарвар цивилизациянинг юзага келиши б-н ниҳоясига етади.

ТРИАДА (*юн.* — *учлик*) — борлиқ ва тафаккур тараққиётининг уч босқичлигини билдирувчи фал-ий термин. Фал-ий тузилиш усулларидан бири. Антик даврда платончилик ва неоплатончиликда кенг қўлланилган. Платончилик вакиллари борлиқнинг бошланғич учлиги (намуна — демиург — материя) ва уч босқичи (ақл — руҳ — космос) тўғрисидаги таълимотни баён қилганлар. Т. таълимотининг *Плотин, Профирий, Фихте, Шеллинг, Гегель* каби намояндалари бўлган. Т. тамойили немис классик идеализмида кенг ривож топган. Айниқса Гегель Т. ларни тараққиётнинг ҳар қандай жараёнларини ўрганишнинг универсал тизимига айлантирган ва у қуйидагича кўринишга эга бўлган: ТЕЗИС (бошланғич нуқта), АНТИ ТЕЗИС (тезисни инкор этиш, қарама-қарши томонга ўтиш), СИНТЕЗ (қарама-қаршиликларнинг янги бир бутун ҳолга келиши).

ТУЛЬМИН Стивен Эделстон (1922.25.03.) — Америка файласуфи, фан фалсафаси оқими вакили. 20-а.нинг 50-й.ларида Т. неопозитивизмнинг асосий қоидаларини танқид қилди. 60-й.ларнинг бошида Т. «Илмий назариялар асосида ётувчи рационаллик ва тушуниш стандартлари»нинг тарихий шаклланиши ва амал қилиши наз-яси сифатида танилган эпистемиологияга оид ўз қарашларини баён қилади. Унинг фикрига кўра, олим ўзи қабул қилган меъёрларга мос келувчи воқеалар ёки ҳодисаларни тушунарли, деб ҳисоблайди. «Тушуниш матрицалари» (матрицалари)га сиғишмайдиган воқеа-ҳодисалар эса аномалия—меъёрдан чиқиш деб топилади ва уларни бартараф қилиш фанни рағбатлантиради. Илмий билимнинг рационаллиги, Т.га кўра, бу билимларнинг аввал тан олинган тушуниш стандартларига мос келишидан иборат. Илмий наз-ялар — концептуал янгиликларнинг узлуксиз сараланиши жараёни ўзгариши б-н рационаллик меъёрлари ҳам ўзгаради. Т. наз-яларнинг мазмуни деганда, фикрларнинг мантиқий тизимини эмас, балки тушунчаларнинг фанда ўзига хос қарор топишини тушунади. Т.га кўра, фан эволюцияси—тадрижий тараққиёт белгилари Дарвин тасвирлаган биологик эволюция манзарасига ўхшашдир. Оммалашган фикрлар кўришидаги таълимотлар мазмуни биологик турларга ўхшаш ўзгариб турадилар ва ўз навбатида, илмий фаолият усуллари ва мақсадларини ўзгаришига олиб келади; концептуал—таълимот бўладиган янгиликлар танқидий танлаш жараёни б-н тенглаштирилади (биологик мутация ва чагишишга ўхшаш); бу икки жиҳатли жараён муайян шароитлардагина сезиларли ўзгаришларга олиб келади (турларнинг яшаш учун кураши, сақлаиб қолиши ёки қирилиб битишига ўхшаш); интеллектуал муҳит талабларига яхшироқ мослаша олган концептуал вариантларгина қолади. Концептуал популяциялар ривожланиш механизми, Т. фикрига кўра, уларнинг ички илмий (интеллектуал) ва ташқи илмий (ижтимоий, руҳий, иқтисодий ва б.) омиллар б-н ўзаро муносабатидан иборат бўлади. У ёки бу тушунчалар сақлаиб қолишида уларнинг «тушунишни яхшиланишига қўшган ҳиссасининг салмоғи» ҳал қилувчи рол ўйнайди. Т. фаннинг объектив мақсадга йўналган тараққиётини инкор этади, амалда ҳақиқат тушунчасини эпистемиология—билиш наз-ясидан чиқариб ташлайди ёки уни прагматизм ва инструментализм ақидалари б-н алмаштиради.

ТУРДИ, Турдий (асл исми ва тахаллуси, форс-тож шеърларидаги тахаллуси эса Фароғий, (17-а. Бухоро — тахм. 1699—1700, Хўжанд) — ўзбек демократ шоири. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Хон Абдулазиз II даври (1645—80)да саройнинг эътиборли амалдорларидан бўлган. Субҳонқулихон тахтга чиққач, саройдан узоқлаштирилган. Ҳаёти қийинчиликда

ўтган шоир Аштархонийларга қарши 1685—86 й.ларда кўтарилган халқ исёнида фаол иштирок этган. Исён бостирилгач, Т. Жиззаҳга, сўнг Хўжандга бориб кун кечирган. Т.нинг ҳозирча 18 шеър, 5 мухаммас, 12 ғазал, 1 фарди маълум. Т. ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган. Дастлабки шеърларида ишқ-муҳаббат мотивлари кучли. Ҳажвий асарларида ижтимоий зулм қораланади, уруғлар орасидаги низо-ларга чек қўйиш, аҳил ва бирлашиб яшаш ғояси илгари сурилади: «Тор кўнгилик беклар, манман деманг, кенглик қилинг, Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг». Т. «Тарихи асбу инъоми Ҳалимбой оталиқ», «Мухаммаси турки» асарларида замонасидаги шухратпараст ҳукмдорларни танқид қилади: 33 банддан иборат «Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия» (1691) мухаммасида меҳнаткаш халқ ҳаёти акс эттирилган. Т. хонлик тузумини бутунлай инкор этмаган, одил, маърифатпарвар шоҳ тарафдори бўлган. Т. ижоди ҳаётнинг фактларга, теран мулоҳазаларга бойлиги ва услубининг реалистик характери б-н ўзбек адабиёти ривожига самарали таъсир қилди. Т. мероси Маҳмур, Гулханий каби сатирик шоирлар ижодининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

ТУРКИСТОН — қадимий Туронзаминнинг марказий қисми. 9—10-а.ларда «Турон» сўзи б-н юритила бошлаган. Т. атамаси «Турк» ва «стон» сўзларининг қўшилишидан яратилган. «Турк» сўзи қадимда Ўрта Осиёда яшаган туркий халқларнинг умумий номи бўлса, «стон» сўзи мамлакат маъносини билдиради. Т. атамаси илк бор мил. 539 й.да форс манбаларида учрайди. 19-а. 1-ярмида чор Россияси томонидан Т.нинг босиб олишга бевосита киришиши б-н рус адабиётида худудимизга нисбатан Т. атамаси кенг қўлланила бошланди. Ҳозирда Фарбий ва Шарқий Т. атамалари ҳам бор. Фарбий Т. бу мустақил Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг жанубий вилоятларини, Шарқий Т. эса, Хитойнинг туркий-уйғурлар яшайдиган муҳтор вилоятини ўз ичига олади.

ТУРМУШ — кишиларнинг моддий, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлиқни сақлашга бўлган, шунингдек, маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат ижтимоий ҳаётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси. Т. кенг маънода тинчлик, кундалик ҳаёт тарзини англатади. Т. ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари меҳнат, ижтимоий фаолият, кишилар қайфияти ва юриш-туришига таъсир кўрсатади. Одатда Т.нинг ижтимоий, шаҳар, қишлоқ, оилавий ва яқка Т. шакллари фарқланади. Т. ўзаро муносабат нуқтаи назаридан ҳам тасниф қилинади: моддий ва маънавий Т., ижтимоий ва яқка Т. Вақтни сарфлаш нуқтаи назаридан (физиологик эҳтиёжларни қондириш, меҳнат), ижтимоий ҳам-

корлик ва мулоқот жиҳатидан (оила, қўшничилик, ўртоқлик жамоалари) Т. турлари ажратиб кўрсатилади. Т.да ижтимоий зиддиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Жамиятнинг тарихий тараққиёти жараёнида Т. унсурлари ва унинг таркиби ҳам ўзгаради. Урбанизация жараёнлари оқибатида Т.да бўш вақтнинг улуши ортиб боради. Оммавий эҳтиёжларни қондириш ва аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган маиший корхоналар тармоқларининг кенгайтирилиши оилавий ва яқка Т.га таъсир кўрсатади.

ТУРМУШ ТАРЗИ — ижтимоий гуруҳлар, элат, халқ, миллатларнинг кундалик ҳаётини ифодаловчи тушунча. Т.т. турли жиҳатлар фал-ий, социологик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-руҳий ва б. йўналишларни ўз ичига олади. Турмуш ижтимоий ҳодиса сифатида инсон ҳаётининг объектив шарт-шароитлари ҳамда ҳаётий фаолият шакллари, онги ва хулқининг диалектик бирлигини тақозо этади. **Шахс, ижтимоий гуруҳ** Т.т. мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий даврдаги шарт-шароитларнинг бутун мажмуаси б-н белгиланади, бинобарин, Т.т. одамларнинг, ижтимоий-этник бирликларнинг муайян ижтимоий, иқтисодий, маданий шароитларда шаклланган ҳаётий фаолият услуби бўлиб, уларнинг кун кечирини муомаласи, хулқ-атвори ва тафаккур тарзида намоён бўлади. Т.т. ижтимоий категория бўлиб, турмуш даражаси, деб аталадиган иқтисодий категорияга нисбатан кенгдир. «Турмуш даражаси» асосан миқдор кўрсаткичига эга. Т.т.нинг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кўп ҳолатда кишиларнинг ҳаёт кечирини, меҳнати, соғлиги ва ҳатто хулқ-атвори б-н ифодаланади. Маълумки, ижтимоий турмуш, шаҳар ва қишлоқ турмуши, оилавий ва индивидуал турмуш бир-биридан фарқ қилинади. Ўзбек халқида инсонларнинг кундалик амалиёт ишларидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, тўғрилиқ, софдиллик каби ҳодаларга алоҳида эътибор берган. Ўзбек халқидаги бундай фазилатлар миллий одат-анъаналарда, ҳаёт тарзида ва миллатлараро муомала муносабатларида акс этган. Ўзбек миллий Т. т.нинг нисбатан барқарор ҳолатида қуйидаги шакл ва таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) миллий ҳудуд, маданий яшаш шароитлари, иқтисодий асос ва ижтимоий ривожланиш б-н боғлиқ ҳодисалар, 2) миллатнинг табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги; 3) миллат тарихи, ўтмиши; 4) урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, яшаш тарзи, маънавий мероси ва бошқалардаги миллийлик, улар б-н боғлиқ ўзига хос хусусиятлар; 5) миллий тил, миллий маданият ва маънавий туйғулар ва гоёлар ҳамда миллий мафкуралар. Ўзбек халқи Т. т.даги асосий хусусиятлардан бири Шарқ халқларига хос бўлган руҳий-психоло-

гик ҳаёт тарзидир. Халқимиз ҳаётида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Инсон жамоада туғилиб, ўсиб, камолга етар экан, унинг таваллуд топган давридаги расм-русумлари, ирим-сиримлари, тўй-томошалари, ўсмирлик даври урф-одатлари, байрамлари, ҳашар, кўмак юмушлари, дафн ва таъзия маросимлари, хуллас, ҳаётининг барча яхши-ёмон кунларидаги турфа эскирмас ҳодалари жамоанинг фаол иштирокида ўтган. Халқимиз азалдан жамоа бўлиб яшаб, қўни-қўшничилик удумига қатъий риоя қилган. Оилада туғилган ҳар бир гўдакка яхши ният б-н исм қўйилган ва саводини чиқариш учун устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларни ҳунарли ва уй жойли қилиш, ота-оналар ҳаёт фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Кундалик юриш-туриш, салом-алиқдан тортиб, инсонийликнинг барча тамойиллари жамоа назарида бўлган. Муайян халқ, элат ва миллатнинг Т. т. уларнинг яшаш жойлари б-н боғлиқ ҳолда шаклланиб, тараққий қилган.

ТУШУНИШ — объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур тушунча, ҳукмлар ҳосил қилиш ва уларни онгдаги мавжуд билимлар б-н боғлашдан иборат ақлий жараён. Т. иқкита ўзаро уйғунлашган таркиб орқали тавсифланади. 1) қайсидир нарсанинг маъно ва аҳамиятини англаш қобилияти, натижасига эришиш воситаси; 2) таъсирларнинг моҳияти ва қайта яратилган тасаввурларнинг адекватлигига шахснинг ишонч билдириши, ташқи, ички таъсирлар туфайли вужудга келган онгнинг ўзига хос ҳолати. Т.нинг иштирокисиз муомалани давом эттириш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, англашилган хатти-ҳаракатни амалга ошириш ва таъсир ўтказишнинг имкони йўқ. Т. кенг қўламдаги фанлар (психология, филология, философия, социология, тарих) томонидан тадқиқ этилади. Т. муаммоси б-н махсус шуғулланувчи *герменевтика* фани мавжуд. Т.нинг ўзига хос алоҳида хусусияти шундан иборатки, инсон ўзи таҳлил қилаётган нарса ва ҳодисаларнинг ички мураккаб алоқалари, боғланишларини аниқ сезади. Олдин механик равишда ўзлаштирилган, ҳатто маъноси англашилмаган маълумотлар, сабабий боғлиқликлар Т. туфайли мантиқан муайян тартибга, бир хил мантиқий тизимга келтирилиши мумкин. Мас., математик наз-яни далиллаш, формулаларни, табиатшунослик билимларини Т. худди шу тариқа кечади. Инсон ҳодисаларнинг моҳиятини ва ўзаро боғлиқликларини мантиқий воситаларсиз аниқ ҳис қила олади. Бунда ҳодиса индивиднинг мақсади б-н уйғунлашиб кетади, унинг мақсадга мувофиқ акс этишини таъминлайди. Жумладан, бошқа кишининг хулқини, унинг фикри ва ҳаракат мотивини тушуна олади. Ижтимоий маданият, тарихий воқеалар, обидалар, ёзма ёд-

горликлар моҳиятини индивид худди шу аснода тушуниб етади. Ҳайвонлар табиати, ҳодисалар тўғрисидаги таассуротлар б-н ҳозиргисининг ўзаро ўхшашлигини тез Т. имконини беради. Т. психология механизми сифатида қабул қилинган.

ТУШУНТИРИШ — инсоннинг ҳамкорлик фаолиятида билиш жараёнлари объектига кирган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини фикр узатиш, ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланиш, мулоқот, тақлид ёрдами б-н ойдинлаштириш, хотирадаги билимлар ва ижтимоий тажрибалар б-н уларни уйғунлаштирган ҳолда тушуниш сари етакловчи ақлий фаолият. Т. ҳамкорлик фаолиятида (фикрни изоҳловчи — фикрни қабул қилувчи иштирокида) индивидуал, диалогик, триалогик, полилогик шаклларида амалга оширилади. Т. таълим жараёнида, меҳнат фаолиятига, спортда, муомала негизи шахсга шахс таъсир ўтказиши тарзида намён бўлади. Ўзининг муддати, қўлами, узатиш воситалари, вербал ва невербал нутқ турлари устуворлиги б-н бир-биридан тафовутланади.

ТУШУНЧА — нарса ва ҳодисаларнинг умумий муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли. Т.нинг ҳиссий билиш шаклларида тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Т. предметнинг яққол образи эмас, балки абстракт образидир. Т. предметнинг номумим белгиларидан четлашар экан, демак уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у ҳиссий билиш шаклларида нисбатан борлиқдан узоқроқда туради. Лекин, Т. предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши б-н ҳиссий билиш шаклларида нисбатан борлиқни чуқурроқ, тўлароқ ифода этади. Т. ҳиссий билиш шаклларида фарқли ўлароқ, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантикий усуллардан таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлар фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади. Т.нинг шаклланиши сўз б-н узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишининг аниқ тарзда намён бўлишидир.

ТУШУНЧАНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲАЖМИ — фикр қилинаётган предметнинг миқдори ва муҳим белгилари йиғиндиси. Мас., «фан» тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари, яъни унинг амалиёт б-н алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив чин (ҳақиқий) билимлар системасидан иборат бўлиши, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва ш.к. ташкил қилади. Унинг ҳажми эса, мавжуд барча фанларни: математика, физика, мантиқ ва ҳ.к.ни ўзида қамраб олади. Т.м. ва Ҳ. узвий боғлиқ бўлиб, у Т.м. ва Ҳ.

ўртасидаги тескари нисбат қонуни ёрдамида ифодаланadi. Бу қонунга мувофиқ, тушунчанинг ҳажми кенгайтирилса, мазмуни тораяди ва аксинча, ҳажми торайтирилса, мазмуни кенгайди. Мас., «фан» тушунчасининг мазмунига «мантиқ»га оид бўлиш» белгисини қўшиш б-н ҳажм жиҳатидан ундан торроқ бўлган «мантиқ фани» тушунчасига ўтилади. «Фан» тушунчасининг ҳажмини кенгайтириш б-н мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ бўлган «ижтимоий онг шакли» тушунчаси ҳосил қилинади. Бунда фақат фанга хос бўлиб, бошқа ижтимоий онг шаклларида, мас., санъатда бўлмаган специфик белгилар тушунча мазмунидан чиқариб ташланади. Бу қонун тушунчалар б-н олиб бориладиган қатор мантикий амаллар асосида этади.

ТУШУНЧАЛАРНИ БЎЛИШ — тушунчанинг ҳажмини унда акс этган нарсаларни айрим гуруҳларга (айрим предметларга) ажратилиш йўли б-н аниқлаш. Бўлиш амалини бўлинувчи тушунча (ҳажми аниқланиши лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қилинадиган бирорта умумий белгиси) ва бўлиш аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган тур тушунчалари) ташкил этади. Мас., «инсон» тушунчасини (бўлинувчи тушунча) ижтимоий келиб чиқишига кўра (бўлиш асоси) «ишчи», «деҳқон», «зиёли» (бўлиш аъзолари) тушунчаларига ажратиш йўли б-н унинг ҳажми аниқланади. Бўлинувчи тушунча—жинс тушунча, бўлиш аъзолари—тур тушунчалари бўлиб, улар ўзаро бирга бўйсунуш муносабатидадилар. Т.б. амалини предметларни қисмларга ажратишдан фарқ қилиш лозим. Мас., автомобилни кузов, шасси, двигател ва ш.к.га ажратсак, уни қисмларга бўлган бўламиз. Предметнинг қисми нарсанинг умумий белгиларга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам, «Кузов автомашинадир», деган мулоҳаза ҳосил қилсак, у хато бўлади. Агар «автомобиль» тушунчасини «енгил автомобиль», «юк ташувчи автомобиль» тушунчаларига ажратсак, уни бўлган бўламиз. Бўлишнинг иккита тури мавжуд: асос бўлган белгининг ўзгаришига қараб бўлиш ва дихотомик бўлиш. Биринчи турида предметнинг бирорта умумий белгиси бўлиш учун асос қилиб олиниб, унинг ўзгаришига мувофиқ ҳолда предметларнинг айрим гуруҳлари аниқланади. Мас., бурчакнинг ўзгаришига қараб «учбурчак» тушунчаси учта тур тушунчаси: «тўғри бурчакли учбурчак», «ўтмас бурчакли учбурчак», «ўткир бурчакли учбурчак»ларга ажратилган. Бўлиш асоси қилиниб бўлинувчи тушунчанинг мазмунига фикр қилинадиган ҳар қандай умумий белгини олиш мумкин. Мас., «учбурчак» тушунчасини томонларга қараб «тенг томонли учбурчак», «тенг ёнли учбурчак», «турли томонли учбурчак» тушунчаларига ажратиш мумкин. Тушунчанинг қайси белгисини бўлиш асос қилиб олиш бўлишида ҳал қилиниши лозим

бўлган вазифага боғлиқ. Лекин, қандай вазифани ҳал қилишидан қатъий назар, бўлиш ўзининг объектив асосига эга бўлиши лозим, яъни бўлиш асоси бўлган белги предметнинг умумий белгиси бўлиши шарт. Дихотомик бўлиш бўлинувчи тушунчани ўзaro зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Мас., барча кишиларни «диндорлар» ва «диндор эмасларга» ажратсак, дихотомик тарзда бўлган бўлаемиз. Бўлиш амали тўғри бориши учун қоидаларга риоя қилиш керак: 1. Бўлиш тенг ҳажмли бўлиши, яъни бўлиш аъзолари ҳажмларини йиғиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмига тенг бўлиши керак. Бу қоида бузилса, бўлиш тўлиқсиз ёки ортиқроқ бўлиб қолади. 2. Бўлиш бир асос бўйича амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, асос қилиб олинган белги бўлиш давомида бошқа белги б-н алмаштирилмаслиги зарур. Бўлиш аъзолари ҳажми бўйича бир-бирини истисно қилиш керак. Бунинг учун улар бирга бўйсунуш муносабатидаги тушунчалар бўлиши керак. 3. Бўлиш узлуксиз ҳолда амалга оширилиши, унда «сакраш» бўлмаслиги керак. Бунинг учун жинс тушунчага энг яқин бўлган бир тартибдаги тур тушунчалар олинмоғи лозим.

ТУШУНЧАЛАРНИ ТАЪРИФЛАШ, д е ф и н и ц и я — тушунчанинг мазмунини очиб берадиган мантиқий амал. Таъриф аниқланувчи ва аниқловчи қисмлардан ташкил топади. Аниқланувчи қисмни мазмунини очиб бериши лозим бўлган тушунча, аниқловчи қисмни эса, аниқланувчи тушунчанинг мазмунини очиб берувчи тушунчалар ташкил этади. Мас., «Мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўзгарувчи фал-ий фандир» деган таърифда «Мантиқ» аниқланувчи қисмни, қолганлари эса, аниқловчи қисмни ҳосил қилади. Таърифлаш билишда қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради: 1) тушунчада акс этувчи предметнинг муҳим белгиларини кўрсатади; 2) тушунчани ифода қилувчи сўзнинг (терминнинг) маъносини очиб беради; 3) термин ҳосил қилишга имкон беради. Юқоридаги вазифалардан қайси бирининг ҳал қилинишига қараб номинал ва реал таърифлар фарқ қилинади. Номинал таърифлар ёрдамида предметни тасвирловчи мураккаб ифодалар янги термин б-н алмаштирилади ҳамда унинг маънони аниқланади. Мас., «Мантиқ юнонча «logos» сўзидан олинган бўлиб, тушунча, фикр, сўз, қонуният каби маъноларга эга» десак, мантиқ тушунчасига номинал таъриф берган бўлаемиз. «Тил белгиларини ўрганувчи фан семиотикадир» деган таъриф ҳам номинал таърифга мисолдир. Реал таърифда предметнинг муҳим белгиси аниқланади. Мас., «Атом модданинг ядро ва электронлардан ташкил топган заррачасидир» реал таъриф намунаси. Реал таъриф аниқ ва ноаниқ кўринишларда бўлиши мумкин. Аниқ реал таъриф предметларнинг муҳим белгиларини тўғри-

дан-тўғри кўрсатиб беради. Ноаниқ реал таърифда эса, тушунчанинг мазмуни ёрдамчи воситалар орқали очиб берилади. Мас., ўқиган парчамизда нотаниш терминлар учраб қолганда, унинг маъносини луғатдан фойдаланмасдан, бошқа сўзларнинг маъносига қараб аниқлашимиз мумкин. Аниқ реал таърифнинг иккита асосий тури мавжуд: 1) яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш; 2) генетик таъриф. Яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш реал таърифнинг энг кўп ишлатиладиган тури бўлиб, у иккита босқичдан ташкил топади. Биринчи босқичда аниқланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади. Шу тариқа унинг мазмуни қисман очиб берилади. Иккинчи босқичда аниқланувчи тушунчанинг шу жинсга кирувчи бошқа тур тушунчалардан фарқи аниқланади, яъни унинг тур белгиси кўрсатилади. Шу тариқа, мазкур тушунча мазмунининг қолган қисми очиб берилади. Мас., «Метафора» тушунчасининг мазмунини аниқлаш учун аввал аниқланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади: у «сўз» тушунчасидир. «Метафора сўздир» дейиш б-н «сўз» тушунчаси мазмунини фикр қилинадиган муҳим белгиларнинг метафорага ҳам тегишли эканлигини кўрсатаемиз, яъни «метафора» тушунчаси мазмунини ташкил этувчи умумий белгиларни аниқлаймиз. Кўчма маънода ишлатилиши эса, метафора сифатида ишлатиладиган сўзнинг тур белгиси, яъни индивидуал белгиси ҳисобланади. Бу тур белгини яқин жинсга кўшиб «Метафора кўчма маънода ишлатиладиган сўздир», деган тўла таъриф ҳосил қилаемиз. Шу тариқа энг қисқа йўл б-н, яъни яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш б-н тушунчанинг мазмунини аниқлаймиз. Генетик таърифда аниқланувчи тушунчанинг мазмуни у ифодалаган предметнинг келиб чиқилишини кўрсатиш орқали очиб берилади. Мас., «Оксид металлларнинг кислород б-н реакцияга кириши натижасида ҳосил бўлган кимёвий бирикмадир», деган таъриф генетик таърифга мисолдир. Бу таърифнинг мантиқий структураси яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш б-н бир хилдир. Т.т. маълум қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак, яъни аниқланувчи тушунча ҳажми б-н аниқловчи тушунчалар ҳажмлари йиғиндиси тенг бўлиши керак. 2. Таъриф аниқ бўлиши учун образли иборали, мазмуни ноаниқ сўзлар ишлатилмаслиги лозим. 3. Таъриф айлана шаклида бўлиб қолмаслиги керак. Таъриф беришда аниқловчи тушунчанинг мазмунини аниқлаш учун аниқланувчи тушунчанинг ўзига мурожаат этилса, таърифда айлана ҳосил бўлади. Тавтология ҳам шу қоиданинг бузилиши натижасида содир бўлади. Бунда аниқланувчи тушунчадан унинг мазмунини очиш учун фойдаланилган бўлади. Мас., «Таъмагир таъмагирлик қилувчи кишидир» десак, тавтологияга йўл қўйган

бўламмиз. 4. Таъриф иложи борича инкор шаклида бўлмаслиги керак. Акс ҳолда предметга хос бўлган белги ўрнига унда йўқ бўлган белги кўрсатилади. Билиш жараёнида таърифлашга ўхшаш усуллар ҳам ишлатилади. Улардан тушунчани таърифлашнинг юқорида биз кўриб чиққан турларини қўллаш мумкин бўлмай қолганда ёки унга зарурият бўлмаганда фойдаланилади. Таърифлашга ўхшаш усуллардан бири тушунчани унга қарама-қарши бўлган тушунча орқали таърифлашдир. Бу усул б-н одатда категорияларнинг мазмуни очиб берилади. Мас., «Онг материянинг миямиздаги инъикосидир». Тасвирлашда тушунчанинг мазмуни у акс эттирувчи предметнинг баъзи ташқи белгиларини кўрсатиш орқали аниқланади. Бадий асарларда табиат манзараларини, персонажларнинг портретларни чизиш, содир бўлган бирорта воқеанинг баён этилиши тасвирлашга мисол бўлади. Тавсифлаш ёрдамида предметнинг баъзи бир муносабатдаги муҳим тур белгилари кўрсатилади. Бунга мисол қилиб, бирорта шахсга берилган тавсифномани кўрсатиш мумкин. Тафовутлаш, остенсиив таърифлаш каби усуллар ҳам мавжуддир. Таърифлаш билишда катта аҳамиятга эгадир. У қисқа ҳолда предмет ҳақида яхлит фикр, тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Лекин, предмет ҳақида фикр юритганда у б-н чекланиб қолиш мумкин. У, албатта, билиш жараёнида бошқа билимлар ёрдамида конкретлаштирилиши, чуқурлаштирилиши зарур. Ана шундагина тушунча ифода этувчи предмет ҳақидаги тасаввур аниқ, тўлароқ бўлади.

ТУШУНЧАЛАРНИ ЧЕГАРАЛАШ ВА УМУМЛАШТИРИШ — Тушунчалар устида мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари миқдорий нисбат қонунига мувофиқ ҳолда олиб бориладиган амаллар. Тушунчани чегаралаш ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага (жинс тушунчасидан тур тушунчасига) фикран ўтишдан иборат. Мас., «механик ҳаракат» тушунчасидан «айланма ҳаракат» тушунчасига ўтсак, унинг ҳажмини чегаралаган бўламмиз. Чегаралашда берилган тушунча — «механик ҳаракат» жинс тушунча, деб қабул қилиниб, унинг музмунига тур тушунча ҳосил қилувчи белгилар қўшилади. Натижада, унга нисбатан тур ҳисобланган янги тушунча — «айланма ҳаракат» тушунчаси ҳосил бўлади. Чегаралаш амалини давом эттириб, «Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши» тушунчасига ўтиш мумкин. Демак, чегаралаш давомида ҳосил бўлган ҳар бир янги тушунча аввалгисига нисбатан тур тушунча бўлади. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттирилиши мумкин. Тушунчани умумлаштириш ҳажми тор тушунчадан ҳажми кенг тушунчага (тур тушунчадан жинс тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Бунда берилган тушунча тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан тур ҳосил

қилувчи белгилар чиқариб ташланади. Натижада мазмун жиҳатидан унга нисбатан кенгроқ, лекин ҳажмига кўра торроқ бўлган жинс тушунча ҳосил бўлади. Мас., «айланма ҳаракат» тушунчаси фақат унтагина хос бўлган тур белгиларини чиқариб ташласак, «механик ҳаракат» тушунчасини ҳосил қиламмиз. Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча, яъни категориядир. Т.ч. ва У. амаллари кундалик ҳаётимиз ва илмий билишда кенг қўлланилади. Хусусан, барча категориялар, улар ёрдамида ифодаланадиган назарий қонунлар, ғоялар, наз-ялар мавжуд эмпирик тушунчалар ва қонунларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўладилар. Умумлаштириш муҳокама юритиш жараёнида индуктив ҳулоса чиқариш усулида яққол ифодаланган бўлади. Тушунчаларни умумлаштирмасдан фаннинг фундаментал тушунчаларини яратиб бўлмайди; мавжуд билимларни тизимга солинамаса, фан тараққий эта олмайди. Тушунчаларни чегаралаш амали эса, яратилган умумий билимларни (назарий тушунча, ғоя, наз-я ва ш.к.ни) талқин этишида ишлатилади. Мас., Ньютон механикасидаги «инерция» тушунчаси Галилей наз-ясининг «эркин тутиш» тушунчаси ёрдамида тушунтирилиши мумкин.

«ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» — оммавий ахборот воситаларининг халқ б-н ҳокимият ўртасидаги ўзига хос муносабатини, таъсир кўрсатиш ва кўрсата олиш кучига эга эканлигини билдирувчи тушунча. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», деб белгилаб қўйилган. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётини демократиялашувида ОАВ ролини янада ошириш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик касбини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Эндиликда республикамизда 670 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлиб, шундан 495 газета, 113 журнал, агентлик, 52 телестудия, 5 радиостанция, 3 телерадиостудиялар фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда, оммавий ахборот воситалари, дунёда «мафкуравий кураш» ёки инсон онги ва тафаккурини эгаллаш, унга таъсир кўрсатиш майдони ҳамдир. У турли халқлар маданий ҳаётига, фикрлаш тарзига, урф-одат қадриятларига ҳам таъсир кўрсатиши ва кўпроқ таъсир «майдонига» эга бўлиш имкониятига эга. ОАВ жамоатчилик фикрини уйғотади, шакллантиради, йўналтиради ва уларни сафарбар этади. Шу маънода ОАВ жамият ҳаётини демократиялашуви, кучли фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга оширишда «Т.ҳ.» вазифасини бажаради.

ТҮРТ КИТОБ (илоҳий, муқаддас Китоблар) — Таврот, Забур, Инжил, Қуръон. Т.К.нинг биринчиси — Таврот — Мусо (а.с.)га, иккинчиси — Забур Довуд (а.с.)га, учинчиси — Инжил Исо (а.с.)га ва тўртинчиси — Қуръони карим Муҳаммад (с.а.в.)га нозил бўлган. Шундан биринчиси — Таврот қад. яҳуд. (иброний) тилидаги «тора» сўздан олинган бўлиб, «қонун» деган маънони билдиради. Иудаизм динининг, яъни яҳудийларнинг асосий муқаддас китоби бўлган Таврот Мусо пайғамбарга Сино (Сион) тоғларида мил.ав. 1600 й.ларда нозил қилинган. Таврот илоҳий қонунларни ўз ичига оладиган беш китоб, яъни, Библиянинг (юн. «Китоблар» деган маънони билдирадиган Библия «Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд» қисмларидан иборат Таврот, Забур ва Инжил китобларини ўзида жамлаган яҳудий ва насронийларнинг муқаддас Китоблар тўплами) дастлабки саҳифалари, жумладан, «Ибтидо» («Борлиқ»), «Чикиш», «Ловийлар», «Сонлар» («Чўлда») («Битие» сўзи Библиядан ўзбекчага баъзи манбаларда «Ибтидо», баъзиларида эса «Борлиқ» деб, «Числа» сўзи «Сонлар» ёки «Чўлда» деб таржима қилинган) ва «Иккинчи қонунлар тўплами» китобларидан иборат. «Қадимги аҳд»да учрайдиган саҳифаларнинг барчасини, яъни Библиянинг биринчи 39 китобини ҳам Таврот деб атайдиганлар бор. *«Дарҳақиқат, Мусога ҳидоят топишлари учун Китоб (Таврот)ни ато этдик».* (Қуръони карим «Муъминун» сураси 49-оят). Т.К.нинг иккинчиси — Забур (Псалтир) Исроилнинг улуғ подшоҳи, пайғамбар Довуд (а.с.)га нозил қилинган. «73 сано (псалом) қадимги диний-муסיқавий, илоҳий шеърийат — Забур мил.ав. 1050-900 й.лар орасида китобат қилинган» (Абдулҳай Абдурахмонов. «Саодатга элтувчи билим» Тошкент, 2001) Библиянинг «Қадимги аҳд» қисмига Забур саҳифалари киритилган. Забур Довуд (а.с.) томонидан муножот усулида куйланган. Довуд (а.с.) ва унинг ўғли Сулаймон (а.с.) ҳамда умматлари куйлаган Забур санолари, асосан, мадҳиялар, диний кўшиқлар, дуолар, шукроналар, Худога илтижолар, нолаю фиғонлар, душманлар устидан шикоятлардан иборат. Баъзи санолар Исо Масиҳнинг дунёга келиши, азоб чекиши, ўлиши, кейин қайта тирилиб келиши ҳақида ҳам каромат қилади. Забурнинг кўп оятлари Инжилга айнан кўчирилган. Забур қад. яҳуд. тилида «техеллим» яъни «санолар» деган маънони билдиради. «(Эй, Муҳаммад), *албатта, Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби Сизга ҳам ваҳий юбордик. Шунингдек, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ҳам ваҳий юборганимиз. Довудга эса Забурни ато этдик».* (Қуръони карим «Нисо» сураси 163-оят). Т.К.нинг учинчиси — Инжил насронийлик динининг бош китоби бўлиб мил. I а. нинг бошларида Оллоҳдан Исо (а.с) (Иисус Христос)га 30 ёшида нозил этилган. Инжилда Исо

(а.с.)нинг ҳаёти ва таълимоти юнон ва сурёний тилларида баён этилган. Инжил («Хушхабар») 27 рисоладан иборат бўлиб, Библиянинг «Янги аҳд» китоблари таркибига кириди. «Янги аҳд», яъни Инжил Исо Масиҳ туғилганидан кейин мил. I-II а.ларда жамланиб китоб қилинган. Христианлик таълимоти дастлаб оғзаки тарқалган. Инжилни Исо (а.с.)нинг сафдошлари — ҳаворийлар ёзишган. Инжилнинг охирги «Ваҳий» китобида охирзамонда рўй берадиган мусибатлар, Исо Масиҳнинг оламга қайтиши, Яъжуж-маъжуж, Дажжол, қиёмат, жаннат ва дўзах тасвирланади. Инжил юн. «Евангелион» (насронийча «Евангелие»), яъни «Илоҳий хабар», «Мужда», «Хушхабар», «Эзгу хабар» деган маъноларни билдиради. Асл Инжил дастлаб қад. яҳуд. тилида ёзилган, кейинчалик юнон, латин ва сурёний тилларига бузиб таржима қилинган. Катта ер эгалари, катта ҳокимият эгалари Таврот, Забур, Инжилнинг баъзи оятларини ўз манфаатлари учун ўз котибларига ўзгартиш киритишга буйруқ берганлари, ҳатто, Иерусалим каби катта шаҳарларда ҳокимлик ўрнатиш учун муқаддас саҳифаларни бузганлари ҳақида 1994 йил Туркияда чиққан «Сизинти» журнали каби нашрларда кўп учратиш мумкин. Инжилга кўра, Биби Марямнинг эри Юсуф бўлса, боз устига улар бирга яшаб юрса Исо Худонинг ўғли бўладими?! Қуръони карим эса Марямнинг эри йўқлигини айтади, уни бу тўхматдан поклайди, покиза, бокира, унга ҳеч бир инсон тегмаган, яқинлашмаган дейди. Марямнинг эри борлиги ҳақида Қуръонда бирон бир ишора ҳам йўқ. «Насроний дини талқинида эса (унитар мазҳаби бундан мустасно) Иисус Христос Худонинг ўғли ва ўзи ҳам худо, деган фикр тарғиб этилади. Рим католик черкови томонидан эса Марям авлиёлар сафига киритилиб, унга сажда қилиш таомил ҳолини олган. Уни Худонинг онаси деб ҳам эъзозлашади. Бунга қарши Марямнинг башар фарзанди эканлиги ва ўғли Исо ҳам одам эканлиги Қуръоннинг 5-сура 75-оятда айтилади: *«Масиҳ бинни Марям фақат бир пайғамбар бўлиб, ундан илгари ҳам кўп пайғамбарлар ўтгандир. Унинг онаси эса Сиддиқ — Оллоҳга ҳаққирост иймон келтирган аёлдир. Иккалалари ҳам таом ер эдилар».* (Ҳамидулла Кароматов. «Хўрланган пайғамбарлар галабаси». Тошкент, 1998 й.). Динларнинг фирқаларга бўлиниб кетишига ёки бузилишига диний экстремистик кучлар ва миссионерлар, айғоқчилар ҳам сабаб бўлади. Ана шундай ҳиёнаткор кўллар б-н яратилган «Инжил»лар сони кўпайиб кетгач, насронийлар 30 та Инжилдан 4 тасини олиб қолиб, уларга ҳам маълум бир ўзгартиришлар киритиб, бошқаларини мутлақо инкор этишиб, йўқ қилиб ташлашга мажбур бўлишган. Мил. 313 й. Папа Буюк Константин буйруғига кўра, 4 та Инжил китоби қабул қилиниб, қолганлари устидан «сохта» деган ҳукм чиқарилади. Бу 4 та Инжилни фаластинлик Матто (Матто Инжилни

Исо (а.с.) вафотидан 8 йил кейин ёзиб қолдирган), Туркиянинг Антокия шаҳридан бўлган Луко ҳамда Маркус ва Юҳанно ёзиб қолдирган.

Юҳанно Инжили ёзилмасидан аввал Исо (а.с.) таълимоти Мусо (а.с.) таълимотидан ажралмаган ҳолда эди. Юҳанно Инжилга Мусо (а.с.) динини ажратиб юборадиган ўзгартишлар киритган. Библия эса, яна буларни бир жойга жамлайди. Албатта, оятлар бир-бирини тўлдирмаса-да, бу муқаддас китоблардаги илоҳий ҳукмларнинг гоёвий йўналиши бир хил. Ислом теологлари, файласуфлари христиан черкови тан олмайдиган, оммадан беркитилган ҳаворий Барнабо тўплаган Китобини асл Инжил сифатида қарайдилар. Асл Инжил Ватиканда яшириб қўйилган деб тахмин қиладиганлар ҳам бор. «*Эсланг, Исо бинни Марям: «Эй, Бани Исроил, албатта мен, Оллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим) деган эди. Т.К.нинг тўртинчиси — Куръони каримда юқоридаги муқаддас Китоблар, яъни Библия шариатини тутганлар «аҳли Китоб» тарзида келади. Диний бағрикенглик нуқтаи назаридан уларга енгил ҳукмлар ва огоҳлантиришлар Куръони каримда кўп бора таъкидланади. «...Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг ортидан, юбордик ва унга Инжил ато этдик, ҳамда унга эргашган зотларнинг дилларида меҳрибонлик ва шафқат (пайдо) қилдик. Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга уни (роҳибликни) ёзганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг ризолигини истаб (роҳиблик) қиладилар-у,*

сўнг унга тўла риоя қила олмайдилар. Бас, улардан имон келтирган зотларга мукофотларни ато этдик. (Аммо) уларнинг орасида аксарияти фосиқ (итоатсиз)дирлар. Эй, (Исога) имон келтирган зотлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва Унинг пайғамбари (Муҳаммад)га ҳам имон келтиринглар, (шунда) у зот Сизларга ўз раҳматидан икки баробар ато этур ва сизларга (Қиёматда ёритувчи) нур (пайдо) қилур ҳамда сизларни мағфират қилур, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир. (Ҳадид (Темир) сураси, 27–28 оятлар). Куръони каримда аҳли Китоб ҳақида ибратли воқеалар тасвирланади (яна қаранг: Куръони карим). Фал қомусига муқаддас Т.К. ҳақида қисқача маълумот беришдан мақсад Куръонда фақат юқоридаги Китобларнинг (Таврот, Забур, Инжил) номи зикр этилган холос, деган фикрни таъкидлашдир. Т.К.дан ташқари 100 осмоний саҳифа борлиги ҳақида ислом олимлари иттифоққа келганлар. 100 саҳифадан 10 саҳифаси Одам (а.с.)га, 50 саҳифаси Шис (а.с.)га, 30 саҳифаси Идрис (а.с.)га, 10 саҳифаси Иброҳим (а.с.)га туширилган. Булардан ташқари, зардуштийларда «Авесто», буддизмда «Трипитака», ҳиндуизмда «Ведлар», «Упанишадлар», «Бҳагавадгита», «Маҳабҳарата», «Рамаяна», конфуцийликда «Унзин» (Беш китоб), «Сишу» (Тўрт китоб), синтоизмда «Кодзика» (Утмиш ҳақида битиклар) ва ҳ.к. диний китобларни турли замон, турли маконларда руҳонийлар, қоҳинлар, авлиёлар, донишмандлар ёзганлар, деган қараш бор. Яна бир тоифа олимлар бу таълимотлар ваҳий қилинган, дейдилар. Булардан дуализм гоёсига асосланган «Авесто» энг қадимий китоблардан биридир.

У

УБАЙДИЙ (*тахаллуси*; асл исм-шарифи Убайдуллахон ибни Маҳмуд Султон) (1487 — Бухоро — 1539) — ҳукмдор, шоир, мутафаккир ва тасаввуф тариқатининг вакили. Ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилган. «Убайдий», «Кул Убайдий» тахаллусларида асарлар ёзган. Фазал, рубоий, маснавий ва б. жанрларда ижод қилган. «Файратнома», «Шавқнома», «Китоб ус-салом» каби маснавий йўлида панднома — рисоалар яратган. Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида қайд этилишича, У.нинг ҳарбий маҳорати ва жасорати ҳамда давлат арбоби сифатида қаттиққўллиги Туркистон халқларини «қизилбошлар», яъни Исмоил Сафавий бошчилигидаги эронийлар истибодидан сақлаб қолган, унинг даврида Мовароуннаҳр, айниқса, Бухоро вилояти гуллаб-яшнаган. У. нақшбандия

тариқатининг намояндаси таниқли Маҳдуми Аъзам Косонийга мурид туғиниб, ҳақиқат сирларини ўрганган. Аҳмад Яссавий шахсияти ва ижодий меросига катта қизиқиш б-н қараган, унинг ҳикматларидан илҳомланган. Ўзи ҳам ҳикматлар битиб, даставвал Яссавий тажрибаларига суянди ва уларни маълум даражада ривожлантирди. У. фикрича, бутун борлиқ Худонинг инъикоси натижасидир. Инсон Худонинг меҳрига сазовор. Худонинг ишқи эса ваҳдат майи образида ифодланади. Бу «май»нинг қадаҳи инсон қалби. Шу «қадаҳ»га ишқ майи қанча ортиқ қуйилса, одамдаги маънавий-руҳий интилишлар ўшанча кучаяди. Ҳақ таоло дийдорига восил бўлиш учун солиқ орадаги деворни олиб ташлаши лозим. Бу эса ислом таълимотидаги шариат, тариқат, маърифат босқичлари бўлиб, инсон ўз гуноҳларини ювиши,

шахсий ахлоқий нуқсон ва қусурларидан қутилиши, руҳий покланиши, ҳамма нарсага тайёр туриши лозим. У.нинг 1583 й. Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган ягона қуллиёти ЎзФА Шарқ-шунослик ин-тининг қулёзмалар фондида сақланади (инв. 8931).

УВАЙСИЙ (*тахаллуси*, исми Жаҳон 1780-1845) — ўзбек маърифатпарвар шоираси, Марғилон, Чилдухтарон маҳалласида дунёга келган. Отаси ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлиб, икки тилда шеърлар ёзган, онаси Чиннибиби мактабдорлик қилган. Акаси Охунжон Ҳофиз ҳам таниқли маданият ва санъат вакилларидан эди. У. оилада таҳсил олиб савод чиқаради. Балоғатга етганда У.ни марғилонлик косиб Ҳожихонга узатадилар. У турмушдошидан эрта жудо бўлиб, қизи Қуёш ва ўғли Муҳаммахонларни ўз тарбиясида вояга етказди. Шеъриятга ҳавас қўйган. У Навоий, Лутфий, Бобур, Фузулий, Машраб, Ҳофиз, Жомий каби шеъриятнинг машҳур намоёндалари асарларини кунт б-н мутолаа қилади. У.нинг Нодиранинг шоира бўлиб етишишидаги хизматлари беқиёсдир. Улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик узоқ йиллар давом этиб келди. Шоиранинг ижодида икки жиҳат бир-биридан ажралмаган ҳолда намоён бўлиб туради. Бу, биринчидан, эл-юрт ташвиши б-н яшаш, унинг қайғу аламлари, қувончларига бефарқ бўлмасликдир. У. айниқса, ўша даврдаги аянчли аҳволини дилпора бир тарзда ифода этади. У ўзининг «Анор» шеърида анорни фал-ий мушоҳадакорлик б-н жамият, давр томонидан унутилган қизларнинг тақдирига ўхшатади: «Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидан йўқ нишон, неча гулгунпўш қизлар анда айлабдур макон. Синдуруб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар, юзларига парда тортиғлик турарлар бағри қон». У.нинг фикрича, халқнинг қисмати, азоб-уқубатлари қизлар тақдирдан қолишмайди. Шоира замондан, даврдан нолиб, «Замона қулфатидин бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди», — деб ёзади. Иккинчидан, шоиранинг тасаввуфий тасаввурлар, қарашларга ошно эканлиги кўпгина шеърларида яққол сезилиб туради. У. кўнгилда ҳозир, юзда эса ғойиб парини дилига жо қилиб олади, унинг васлига муштоқ бўлиб яшашни ўзига мақсад қилиб қўяди. Лекин Ҳаққа етишиш инсондан сабр-қаноат, ахлоқий тубанликдан халос бўлиш, комилликка бетиним интилишни талаб қилади. Инсонга бўлган муҳаббат яратганга бўлган ишқ, муҳаббатнинг ифодасидир. Шундай қилиб, халқни эъозлаш орқали инсон холиқни англай бошлайди. У.дан тўртта девон ва бир қанча дostonлар мерос қолган.

УЗЛУКЛИЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК — оламнинг тузилишини ва унинг тараққиёт жараёнини акс эттирувчи фалсафий тушунчалар. Узлуқлилик олам-

нинг тузилиши ва маконий-замоний ҳолатларидаги, шунингдек, уларнинг таркибий элементлари, яшаш усуллари, ҳаракати ва ривожланиш жараёнидаги дискретликни англатади (мас., сайёралар, жисмлар, молекулалар, атомлар ва ҳ.к.). Узлуқлилик материя ва борлиқнинг бўлинувчанлиги, муайян даражада ички дифференциаллиги, турли системалар ва барқарор элементларнинг ривожланиш жараёнидаги ўзгарувчанлигига асосланади. Сакрашлар орқали сифат ўзгаришига эришиш ҳам узлуқлиликнинг ифодасидир. Бинобарин, узлуқлилик бутун борлиқ ривожланиши ва тараққиётига хос муҳим диалектик ҳолатни акс эттирувчи тушунча бўлиб, уни билиш муҳим аҳамиятга эга. Узлуқсизлик эса, аксинча, хилма-хил элементлардан таркиб топган тизимларнинг яхлитлиги ва бир бутунлигида, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигида, ҳолатларнинг тадрижий равишда ўзгаришида, муайян бир ҳолатнинг муқаррар равишда иккинчи ҳолатга ўтишида намоён бўлади. Узлуқсизлик элементлар бирлиги, узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигини ифодалайди. У муайян сифат бутунлигига эга бўлган объектнинг нисбий барқарорлиги ва бўлинмаслигига асосланади. Айнан бутун қисмларининг яхлитлигига объект мавжудлиги ва тараққиётини таъминлайди. Метафизика мактаби вакиллари У.л ва У.с. диалектикасини бузиб кўрсатишган ва уларни алоқида-алоҳида, бир-биридан ажралган, ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунтиришган. Бироқ, аслида, илмий-фал-ий нуқтаи назардан узлуқлилик б-н узлуқсизлик ҳолатлари ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. У.л. ва У.с. бирлиги ҳодисалар тараққиётини акс эттиради. Борлиқ ривожланиши жараёнида узлуқлилик муайян тизимнинг янги сифат ҳолатига ўтишини англатади, узлуқсизлик эса тизим тараққиётини нисбий барқарорликни билдиради. Буни эътиборга олмаслик борлиқ ва унинг моҳиятини, тараққиёти ва ривожланишига хос хусусиятларни илмий тушунишга халақит беради.

УЛУҒБЕК (*тахаллуси*; асл исми Муҳаммад Тарағай) (1394.22.3, — 1449.27.10) — машҳур ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. Амир Темурнинг невараси. Мовароуннаҳрнинг ҳокими (1409-1449). Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг олдинги сафига олиб чиққан олимлардан бири. У.нинг астрономия соҳасига бўлган қизиқиши устози — атоқли олим Салоҳиддин Мусо ибн Қозизода Румий таъсири остида шаклланди. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси (1420) фақат олий ўқув юрти эмас, расадхона б-н бирга олганда, ўша даврнинг академияси ҳам эди. Замонасининг машҳур олими, математик ва астроном Қозизода Румий мадраса муаллимларидан бири бўлган. У.нинг ўзи ҳам астрономиядан дарс берган. Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Низомиддин

ал-Биржандий У. мактабининг таниқли астрономларидан бўлган. У олиб борган илмий ишларида унга қиндан ёрдам берган шоғирдларидан бири Али Қушчидир. Тарихчи Давлатшоҳнинг ёзишича, «Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди». Унинг астрономик жадваллари «Зижи Кўрагоний», «Зижи жадидий султоний», «Зижи жадидий Кўрагоний», «Зижи жадидий султоний-зижи Улуғбек» каби номлар б-н илмий муомалага кирган. Бу асарнинг форс ва араб тилларидаги 5 та қўлёзма нусхалари УзФА Шарқшунослик и-н.ининг қўлёзмалар хазинасида сақланади. У ўзининг жадвалларида тақвим (календар)га алоҳида эътибор қаратган. Илмий тадқиқотларда муайян ҳодисалар, воқеаларнинг қачон содир бўлганлигини аниқлашни, сана ва йил ҳисобини тўғри белгилашни муҳим, деб билади. Асарда аввалига йил ва ой астрономия фанида қандай таърифланиши, сўнгра ҳижрий, юнон, яздиғурд, Малика ёки Жаллолидин, уйғур ва хитой саналари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва ўзаро муносабатлари тўғрисида аниқ маълумотлар берилади. Ҳафта, ой ва йилнинг бошланишини, ўтган ёки келгуси вақтнинг санасини аниқлаш учун тузилган жадвалларни тақдим этади. Астрономик ҳисоб-китобларда тригонометрик жадвалларнинг роли беҳад даражада муҳим. Шу боис, аниқлик даражаси юксак бўлган тригонометрик жадвалларни тузиш устида У. ва унинг астрономик-математик мактаби вакиллари эътиборли ва самарали ишларни амалга оширдилар. Натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хонали тригонометрик жадвалларни тузишга эришилди. Самарқанд расадхонаси томонидан олиб борилган кузатувлар кўмагида эклиптика текислиги б-н экватор текислигининг орасидаги бурчак, яъни эклиптика текислигининг экваторга оғмалиги ўта аниқлик б-н $23^{\circ} 30' 49''$ қилиб белгиланди. 1 й. эса 365 кун 6 соат 10 минут 8 секунд қийматида белгиланди. Бу маълумотни Ньюкомб маълумоти (365 кун 6 соат 9 минут 6 секунд) б-н қиёслаганда У. ўз жадвалларида юксак аниқликка эришган. У ўзининг табиий-илмий, ижтимоий-фал-ий, ахлоқий ва сиёсий қарашларида унганча яшаб келган ва унинг даврида етакчи мақом ва аҳамиятга эга бўлган тамо-йиллар таъсири остида Мовароуннаҳр ҳукмдори ва астрономия фанининг султони мақомига эришди. У диний ва дунёвий билимларга ўзига хос бир тарзда ёндошди: Оллоҳ ҳақиқий борлиқ, чунки у барча нарсаларнинг яратувчиси. У ҳамма нарсага қодир. Лекин яратганнинг абадий эканлиги у яратган оламнинг абадийлигини ҳам таъминлайди, акс ҳолда сабаб б-н оқибат бир-биридан узилиб қолган бўлар эди. У ўзига хос куч-қувват, мантиққа зид бўлмаган қонун-қоидалар асосида ўзга нарсаларни, маънавий-руҳий жараёнларни яратади. Барча ўзга жараёнлар, ҳодисалар унинг беқиёс ҳусну жамолини та-

раннум этувчи нарсалардир. Яратган яратилган ашёларда, турли-туман мўъжизавий ҳодисаларда ўзини намоён этмаса, у оламни беҳудага яратган бўлади. У оламни, инсон ва жамиятни, ақл-заковатни, ҳиссий-нафсоний қувватларни тасодифан, беҳудага яратмаган. Бу яратишнинг ўзида ўқиб олинмаган сир-асрори бор. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги, сабаб-оқибат муносабатларга кириши, таъсир этиш ва таъсирланиши азалдан матрицалар сифатида берилган. Лекин улар нодон ва калтафаҳм кимсалар учун нафис пардалар б-н ниқобланган. Ақл-заковат, фаросат, фаҳм ва ш.к.нинг асоси барчага тақсимланган, лекин уларнинг инсоний қувват ҳосил қилиши ҳар бир инсоннинг истак-хоҳиши, эҳтиёжига бориб тақалади. Калтафаҳм кимсалар нафис пардани кўтаришга аҳд қилганларни даҳрийликда айблайдилар, чунки улар Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ақл, илмга берилган мақомни тушунмайдилар. У.ка кўра, ҳамма нарса олдиндан аниқ ва равшан бўлганда эди, инсон ва жамиятнинг яратилишида, инсонни ер-заминни обод қилиш ва уни бошқаришга вакил қилиниши, барча мавжудотларни унга бўйсундириши ҳақидаги фармонда маъно ва мазмун мантиққа зид бўлиб қолар эди. Шундай экан, олам сир-асрорини билиш, нодонликдан, жоҳилликдан нафратланиш, илм олишдан маънавий лаззатланиш, илм аҳлини эъзозлаш, уларни хайрли ишларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар иқтидорини Оллоҳнинг буюк инъоми ва неъматидеб билиш барча фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи лозим. Илмий ҳақиқат ва юксак даражага эришган аниқлик бир-бири б-н узвий боғлиқ. Бундай аниқликка эришиш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Аниқлик биринчи галда ашёларнинг микродорий муносабатларини белгилаш, математик қонун-қоидалардан тўғри ва самарали фойдаланиш натижасида қўлга киритилади. Математикани турли илмий соҳаларга, айниқса, астрономияга тадбиқ этиш инсон ва жамиятга катта наф келтиради. Бунинг боиси шундаки, Қуёш, Ой ва б. сайёралар Ерда содир бўладиган ҳодисаларга яқиндан таъсир қилади. Тақвимлар яратиш, аниқ вақтни белгилаш, Қуёш ва Ой ҳолатларини ўрганиш, уларнинг тутилишини олдиндан башорат қилиш муайян эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Билимнинг бошқа вазифаси ҳам мавжуд. Илм орқали инсон комиллик мартабасига эришишга интилади. Илм кишиларни кибру-ҳаводан, манманликдан, мутаассибликдан, нафс қулига айланишдан асрайди, дилларни ёритади, қалбларни турли хил иллатлардан поклайди, ҳаёт йўлини нурафшон қилади, ёмонликни жиловайди, эзгуликка даъват қилади. Айниқса, мурувват ва саховатнинг инсоннинг маънавий юксалишидаги ўрни беқиёсдир. Унинг ўзи саховатли ҳукмдор, ҳақиқат ва адолат бобида тенги йўқ шоҳ бўлган. Илм-фан, маданият аҳли, иқтидорли талабалар, ижодкорлар-

га ҳомийлик қилган. Давлатшоҳ Самарқандий «унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди», — деб ёзади. У. жадваллари 200 й.дан кейин, 1643 й.да Оксфорд ун-тида форс тилидан лотинчага таржима қилиниб чоп этилди. У.нинг астрономик жадваллари 1648, 1650, 1665, 1725, 1765, 1839, 1845, 1847, 1853, 1854, 1889 й.ларда Англия, Франция, Бельгия ва Оврупонинг бошқа мамлакатларида чоп этилди. 1917 й.да «Улуғбек зиж» АҚШда нашр этилди. У. Птолемей, Коперник, Галилей каби буюк олимлар қаторидан эътиборли ўрин эгаллайди.

УЙҒОНИШ ДАВРИ — 18-а. маърифатпарвар файласуфлари томонидан илмий муомилага киритилган тушунча. Ўрта аср феодал-клерикал кишилари-дан инсон тафаккурини, ижодий куч-қудратини, яратувчанлик имкониятларини кишилар бахт-саодати, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, жамиятнинг гуллаб-яшнаши томон интилиш йўлидаги маънавий-ижтимоий ҳаракат. ғарб У.д. 13-а.да Италияда (Данте, Жотте) бошланган бўлиб, 14-16-а.ларда ғарбий ва Марказий Оврупо мамлакатларида кенг тарқалган. Бу даврда фан-техника, адабиёт-санъат, таълим-тарбия соҳаларида инсоният истиқбол тараққиётига улкан таъсир ўтказган ва унинг маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк ижодкорлар Рафаел, Леонардо да Винчи, Микеланджело, Коперник, Эрозм, Роттердамский, Галилей, Бруно, Рабле, Тициан, Веронезе, Петрарка, Боккаччо, Сервантес, Шекспир, Ариосто, Тассо, Дюрар, Ян ван Эйк, Фуке ва б. Оврупо уйғониш даврининг атоқли намояндлари сифатида умуминсоний маънавий тарихида фахрли ўрин эгаллашга муваффақ бўлдилар. Шарқда эса, У.д. 8-а.дан бошланган бўлиб, мўғул истилоси ва ҳукмронлиги туфайли 13-14-а.ларда тўхтатилган ва Амир Темуր салтанатида 14-15-а.ларда янги раванқ босқичида давом этган эди. Амир Темури давлати парокандаликка учраганлиги сабабли у ҳам 16-а.дан бошлаб инқирозга юз тутта бошлади. Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Ҳақим ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Фиждувоний, Саъдий, Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобур каби Шарқ У.д.нинг буюк сиймолари жаҳон цивилизациясига беназир улуш қўшиб, умуминсоний қадриятлар тарихида мустаҳкам ва абадий ном қолдирганлар ва улар ғарб У.д.га замин бўлиб хизмат қилдилар (яна қ. Ренессанс даври).

УЛУҒВОРЛИК — ахлоқий тушунча. У. табиатда, жамиятда, инсон фаолияти маҳсулотларида жамланган. У. белгисига эга бўлган барча нарсалар ва ҳодисаларга хос бўлган умумийлик — меъёрий барка-

моллиги мавжуд, ундан ташқарида меъёрий қонун бузилиши мумкин. Табиатда У., баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мовий мавж ураётган денгизлар, тубсиз осмон ва ш.к.тимсолида намоён бўлади. Бу ердаги умумийлик — улардаги кенг қўлам, улканлик, буюклик, туганмасликдир. Табиатдаги У. инсонда ўзидаги заифликни эмас, балки табиат б-н қўшилиб кетишга интилиш ҳиссини уйғотади. У. ҳисси ўз-ўзидан қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларини ўз ичига қамраб олади. Буларга баъзида қўрқув ҳам қўшилади, лекин у инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки беради. У. ҳисси умуминсоний, умумий белгилари б-н бирга ижтимоий шартланган, аниқ тарихий табиатга ҳам молик. Қаҳрамонликда У.ка хос нафосатли ва ахлоқий бирликда, тўлиқ ва бевосита намоён бўлади. Халқ фидоийлари, элу юрт жонқуярларининг қиёфалари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғвор, ҳам мардона намоён бўлади. Қаҳрамонлик кўпчилик омма тушунчасида одатдан ташқари, ноёб, нодир, кам учрайдиган ҳодисадир, лекин у кундалик ҳаётда оддий шароитда энг содда, ҳамма амал қиладиган ахлоқий қоидалар доирасида ҳам содир бўлиши мумкинлигининг ўзи улуғвор аҳамият касб этади. Табиат б-н ҳамоҳанг бўлиш, ижтимоий фаол, ташаббускор ижодкор шахсни шакллантириш, бурч-вазифаларни адо этиш бугунги кундаги У. орзусини асосий мазмунини ташкил этади. У. ўзини ҳар томонлама ижодий ифодасини санъатда топади, унинг барча тур, хил ва кўринишлари учун У. мавзулари асосий тасвир объектларидан бири бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг турли кўринишлари У.ни тасвирлашнинг хилма-хил имкониятларидан фойдаланади. Қаҳрамонлик дostonлари, лирик дostonлар, қаҳрамонлик фожеаси, қаҳрамонлик асарлари, симфония, нотиқлик, меъморчилик ва ёдгорлик санъати кўринишлари У. мавзусини бадий ўзлаштириш жараёнида вужудга келган. У. меъморчиликда алоҳида аҳамият касб этади. Миср пирамидалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг меъморчилик обидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Кализейи, ўрта аср готик бош черковлари ўзларининг салобатли, улуғворлиги б-н кишини ҳайратда қолдиради. У. туйғусига фақат миқёс ўлчови б-н эришилмайди. Агар айрим обидалар Бобил минораси, Минораи Калон, Миср пирамидалари ва ш.к. ўзларининг миқёс кўлами б-н ҳайрон қолдирсалар, б.лари ўзининг нафислиги, нозик ифодаси ҳамоҳанглиги, атрофмуҳит б-н узвий қўшилиб кетганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этган (Ўри Амир, Шоҳизинда, Ичанқалъа, Регистон майдони, Мир Араб мадрасаси, Исмоил Сомоний мақбараси ва б.). Санъатдаги У. бадий мазмун ва шакл имкониятлари воситасида ифодаланади, лекин бунда ҳал ҳилувчи ролни гоё уйнайди. Гоё мукамал шаклнинг зурурлигини юзага

келтириб, санъат асарининг буюклик даражасини белгилаб беради, бу ҳолат ҳаётий ҳақиқатдан қочишга эмас, унга хизмат қилишга даъват этади.

УМАР ХАЙЁМ (*тахаллуси*; асл исм-шарифи **Ғиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим**) (1048—1132) — шоир ва мутафаккир. У 1074 й.дан бошлаб Исфаҳон расадхонасига бошчилик қилиб, математика ва астрономия соҳасида катта илмий тадқиқотлар олиб борган. Математика, астрономия ва фал.га оид бир қатор асарлари бизгача етиб келган. «Алгебра ва муқобала исботлари ҳақида рисола»сида бутун мусбат сонлардан илдиз топишнинг қоидаси кашф этилган. У.Х. Шарқда биринчи бўлиб, иррационал сонлар наз-ясини яратган. У.Х. узоқ йиллик илмий тадқиқотлардан сўнг 1079 й. янги ислоҳ қилинган тақвим тақлиф қилган. Бу тақвим Европада ундан 500 йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда қўлланилаётган Григориан тақвимидан ҳам аниқроқ бўлган. У.Х.нинг «Наврўзнама» рисоласида Наврўз байрами б-н боғлиқ бўлган жуда кўп одатлар, предметлар, афсоналар баён этилган. Рисолада нафақат этнографияга оид тарих, тиббиёт ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. У инсон организмнинг фаслдан фаслга ўтганда бўлалдиган ўзгаришлар хусусида керакли тиббий маслаҳатлар беради. У ўз рубойларида ҳам, илмий-фал-ий китобларида бўлганидек, олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикр-ўйларини ажойиб шеърӣй образлар воситаси б-н ифодалаб беради. Кўпчилик рубойларида шоир ва олим фал-ий фикрларини баён қилиш учун май образидан моҳирона фойдаланади. Мас., олам ҳодисаларининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши, тирик ва нотирек табиат орасида чегара йўқлигини эътироф этади. «Коинот ва унинг вазифалари рисоласи», «Уч саволга жавоб» асарларида Оллоҳнинг бирлиги ва пайғамбар унинг элчиси эканлигини тан олиш асосида асл ҳақиқатга етиш сирларини баён этади. Яъни, у ҳамиша қатъият ва сабот б-н ҳаёт ҳақиқатини топишга интилади, оламнинг абадий барҳаётлигини исбот қилишга уринади. У.Х. ўзининг рубойлари б-н оламга танилган, халқимиз орасида машҳур. Ушбу рубойларда ҳурфикрлик, олам сирларидан боҳабарлик, ҳаётга ташналик, бағрикенглик каби тушунчалар тараннум этилган. У.Х. мероси бугун ҳам қизиқиб ўрганилади.

УМУМЛАШТИРИШ — нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунишга бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси. Уда айримликдан умумийликка ўтилади ва умумий тушунча, ҳукм, наз-ялар ҳосил қилинади. Фанлар орасида ривожланиб бораётган алоқадорлик, ҳамкорлик туфайли бир фаннинг тадқиқот методи иккинчи бирода

қўлланилмоқда. Натижада фанларнинг ўзаро таъсирида синтезлашган, умумлашган янги илм соҳалари — кибернетика, геобиофизика, биофизика, молекуларий математика каби ўнлаб, ҳатто юзлаб фанлар вужудга келмоқда. Янги қонунлар, тамойиллар кашф қилинмоқда, улар объектив дунё ҳодисаларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бермоқда. Бу қонун ва қоидалар, наз-я ва тамойиллар илгари фанда мавжуд бўлган қонун тамойилларининг диалектик инкори, умумлашмаси сифатида майдонга чиқмоқда. Маълумки, вужудга келган ҳар қандай янги эскининг ижобий тамойилларини ўзида сақлаган ҳолда, уни конкретлаштиради, янги ғоялар, қонунлар, тушунчалар тизими, фикрлар б-н бойитади. Шунингдек, билиш наз-ясида муваффақиятли ишлатилиб келинаётган кўпгина методлар, хусусан абстрактликдан конкретлик томон бориш методининг У. жараёнида қандай аҳамиятга эга эканлигини билишга имкон беради. Ҳоз. замон табиёт илми тараққиётнинг муҳим фал-ий сабоқларидан бири шундан иборатки, билимларнинг етарли даражада ривожланган соҳаларида янги ғоялар кўпинча умумлашган ҳолда юзага чиқади. Билимни ифода қилишнинг умумлашган шакллари ишлаб чиқиш, ўз навбатида бирмунча теран моҳиятни очиб бериш йўлидир ва аксинча, моҳият ва уни билиш тўғрисидаги диалектик тасавурлар У. жараёнининг хусусиятларини тўлароқ очиб беради. Моҳиятни очиш эса предмет ва ҳодисаларнинг кенг доирасини тушунтиришдир. У. тадқиқотнинг асосий илмий йўналишларини белгилайди, ривожланиш тарихи ва ҳоз. вақтда бу йўналишларни ишлаб чиқиш ҳолатини янада чуқурроқ билишга ундайди. Янги табиий-илмий наз-яларнинг яратиш жараёнидаги фундаментал У.лар ва унинг диалектик характери туфайли пайдо бўлган янги ғоялар ўздан олдинги ғоялар мазмунини инкор этади. Илму фаннинг ривожини туфайли борлиқ ва билишнинг табиати тўғрисида янги, янада умумлашган тасавурлар ишлаб чиқилди, янги ахборотлар олинди. Мас., нисбийлик наз-ясининг пайдо бўлиши макон ва вақт тўғрисидаги фал-ий тасавурларимизнинг ривожланишига олиб келди ва ўз навбатида нисбийлик наз-ясининг ана шу ривожланиш асосидаги чуқур англаш мумкин бўлди. Макон ва вақт тўғрисида тасавурларнинг ривожланиши Евклид геометриясининг макон муносабатларини белгилашдаги универсаллик тушунчаси ўрнига геометриянинг муайян, яна умумлашган шаклларида кўпроқ фундаментал бўлган бирламчилик эътироф этилди, воқеаларнинг бир вақтда юз беришидаги нисбийлик алоҳида таъкидланди. У. жараёни фанлар ривожининг қонуниятини бўлиб, бунинг орқасида билишимизнинг нисбийлиги ва унинг ривожини мутлақ ҳақиқат томон боришини, пировардида инсоннинг билими доимо ортин ва кенгайиб бориши яна бир қарра тасдиқлайди.

УНИВЕРСАЛИЯЛАР (*лот. universalis* — умумий) — умумий фалсафий тушунчалар. У. муаммоси фал. тарихида фундаментал фал-ий муаммоларни ягона семантик ипга тизиш имконини берди. Чунончи: айримликнинг умумийликка бўлган муносабати муаммоси, борлиқ ва тафаккурнинг ўзаро муносабати муаммоси У. тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишига олиб келди. У. муаммосини ҳал этишнинг дастлабки вариантларини антик фал.да кузатиш мумкин. У. ҳақидаги таълимот Платоннинг ғоялар тўғрисидаги таълимоти ва Аристотелнинг шакл ва материялар тўғрисидаги концепцияси б-н бир пайтда пайдо бўлди. У. муаммоси Порфирийнинг «Аристотель категорияларига кириш» асаридида ихчам баён қилиб берилган: уруғлар ва фикрлар мустақил мавжудми ёки улар фақат тафаккурда мавжудми, улар бу ҳолатда ажратилган, шу б-н бирга улар ҳиссий ҳодисаларда ҳам мавжуд. Порфирийнинг бу фикри Боэций томонидан ўрта асрдаги схоластик фал. мавзуси бўлган У. ҳақидаги баҳснинг асоси бўлди. Бу масаланинг ҳал қилинишида икки оқим — номинализм ва реализм ажралиб чиқди. Ҳоз. замон фал.сида У. маданият У. си маъносида ҳам қўлланиляпти: У. олам ва унда инсоннинг ўрнини тушунишга имкон берапти. Маданий У. анча барқарор. Объект У. сифатида олам, ўзгариш, сабаб, бутун ва б.; субъект У. сифатида инсон, бахт, давлат, адолат ва б.; субъект — объект У. сифатида билиш, ҳақиқат, фаолият ва б.ларни кўрсатиш мумкин.

УПАНИШАДЛАР (*санскрит. — сирли билимлар*) — *ведалар*нинг фал-ий қисми. У. маълум бир китоб ёки фал-ий рисоалар шаклида бўлмай, балки турли мавзуларда, турли даврларда асосан номаълум муаллифлар томонидан яратилган матнлар тўплами. Ҳар бир матн у ёки бу муаллифнинг фал-ий мушоҳадаларининг қисқача баёнидан иборат. Матнлар мавзусига кўра бир хил эмас, дунёқараш шаклидаги рисола бўлиб, икки йўналиш материалистик ёки идеалистик шаклда ифодаланган. Фал-ий масалалар асосан У.да баён этилган. У.да оламдаги инсоннинг ўрни ва роли, ташқи олам ва инсоннинг табиати, унинг характери, руҳий кечинмалари, оламни билиш имконияти, ахлоқий меъёрлари ҳақида фикрлар юритилади. Бу масалалар асосан диний-мифологик дунёқараш асосида талқин этилади. У.да, шунингдек, материалистик муаммоларни ҳал этадиган мазмундаги маълумотлар берилган. Инсоннинг табиати ва оламни билиш қобилияти тўғрисидаги қатор масалалар ичида У.да, дастлабки сабаб борлиқнинг асоси каби масалалар ётади. Уларга таяниб, табиатда содир бўладиган ҳодисалар ва шунингдек инсоннинг нималарга қодирлиги баён этилган.

УРБАНИЗАЦИЯ (*лот. urbs* — шаҳар) — жамият ҳаётида шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиё-

сий, маънавий-маданий роли ошиб боришининг тарихий жараёни. Ҳоз. даврга келиб, бу тушунча жамиятнинг ижтимоий, демографик, этнографик, маданий структурасидаги миқдорий ўзгаришлардан ташқари, муайян тарихий маконда ижтимоий муносабатларнинг муштараклашуви, мужассамлашуви ва интенсивлашувининг сифат жиҳатларини ифодалайдиган универсал фал-ий тушунчага айланди. Бундан ташқари, У.нинг мавжудлик ҳолати қишлоқларни ҳам тақозо қилади. Яъни, шаҳар ва қишлоққа муносабатларини оқилона ташкил қилиш ҳозирги давр урбанистик сиёсатининг асосий йўналишига айланмоқда. Бошқача айтганда, ижтимоий макондаги аҳоли яшаш шароитлари шаҳар ва қишлоққа ажратилиши нисбий бўлиб, оммавий ахборот воситалари, коммуникация, ишлаб чиқаришнинг техник-технологик, интеллектуал имкониятлари нисбатан мустақил ижтимоий бирликни намоён қилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёт тарзининг интеграцияси жамият тараққиётининг омили ҳисобланади. Шаҳарларда иқтисодий, сиёсий, маданий, маъмурий ва б. бошқарув ин-т.ларнинг марказлашуви ижтимоий назоратнинг ўзига хос хусусиятларини вужудга келтирган ва улар қишлоқ ҳаётига сингиб бормоқда. Ўзбекистонда У.нинг демографик кўрсаткичлари таҳлилига кўра: 1985 й.да-40,7%; 1990 й. —40,9%; 1995 й. —38,7%; 2000 й. охирига келиб эса — 35,3% аҳолининг шаҳарларда яшаши кутилмоқда. Бу республикамизда бозор муносабатларига ўтиш давридаги вақтинчалик дезурбанизация ҳодисасидир. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ҳукуматнинг жойларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар сиёсати жамиятни У.лаштиришнинг янги тарихий даврини бошлаб берди.

УРУШ — турли хилдаги қуроли кураш шакллари-нинг мажмуи. Улар давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсати натижасидир. У.нинг келиб чиқ-шининг омиллари турлича бўлиб, бу омиллар У.нинг турли хусусияти ҳамда содир бўлган даврга боғлиқ. Ҳар қандай қонли тўқнашувни У. деб бўлмайди, балки У. олдиндан пухта тайёргарлик кўрилган, босқинчилик ёки озодлик учун кураш мақсадида олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлардир. Уларни умумий ўхшаш томонларига кўра, қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин: 1) жаҳон У.лари; 2) маҳаллий У.лар; 3) фуқаролик У.лари; 4) миллий озодлик У.лари. Жаҳон У.лари дунёда гегемонлик даъвосини қиладиган давлатларни қамраб оладиган икки ҳарбий блокнинг қуроли тўқнашувидир. Маҳаллий ёки минтақавий У.лар, уларда қатнашувчи кучларнинг ҳажми, ҳаракатларининг чекланган ҳудуди, қурбон бўлганлар сонининг озлиги, вайронагарчиликларнинг камлиги б-н жаҳон У.ларидан фарқ қилсада, бундай У.ларнинг оқибатлари ҳам дунёдаги кўплаб

мамлакат ва халқлари беқиёс кулфатлар келтиради. Маҳаллий У.лар асосан икки ёки бир нечта мамлакатлар ўртасида олиб бориладиган У.лардир. Бундай У.ларнинг келиб чиқиши ҳам томонларнинг олиб борадиган сиёсати ва унинг натижаларига боғлиқ бўлади. У.лар, асосан босқинчилик сиёсатини ҳарбий йўллар б-н амалга оширишнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Фуқаролик У.лари бир мамлакат ичида қарама-қарши томонларнинг ҳокимият учун олиб борадиган курашларидан иборат. У.ларнинг барча турлари орасида фақат миллий озодлик У.лари босқинчилик характериға эға бўлмайди. Бундай У.лар мамлакатни мустахлакачилик зулмидан озод бўлиши учун олиб борилади. У.лар қандай турда бўлишидан қатъий назар адолатли ёки адолатсиз бўлади. Адолатли У. ҳам У. ҳаракатлари давом этаётган пайтда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётға салбий таъсир этади. Лекин бундай У.ларни жамият тараққиётига қиладиган ижобий таъсири унинг ғалабаси асосида воқеликка айланади. Инсоният ҳамиша адолатсиз У.ларни қоралаб келган. Лекин фал. тарихида У. бўлишини зарурияти ва муқаррарлигини исботламоқчи бўладиган оқим ва наз-ялар мавжуд. Жумладан, мальтусчилик оқими, зўрлик наз-яси, баъзи геополитик наз-яларнинг асосчилари ўзининг ғояларини жамият тараққиётни натижаси сифатида талқин қилмоқчи бўладилар. Лекин аслида бу ғоялар ҳеч қандай илмий асосға эға эмас.

УРУФ (ижтимоий бирлик) — бир ота-онадан тарқалган қон-қариндошларнинг уюшуви натижасида шаклланган жамоа. Уруғчилик инсоният тарихининг қад. давриға хос бўлиб, яшаш учун кураш ва ташқи душманлардан сақланиш мақсадида кишиларнинг қариндошчилик асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлган. У.ларға улар орасидан чиққан, қондошлари даврасида ҳурмат ва обрў-эътиборға эға бўлган оқсоқоллар бошчилик қилган. Қадимда ўзбекларда 92 та У. бўлган: қўнғирот, манғит, минг, барлос, жалоир, найман, курама, қипчоқ ва б.лар. Ҳар бир киши учун ўз аждодлари кимлар эканлигини билиш мақсадида қайси У.дан эканлигини аниқлаш айб эмас. Аммо У.чиликка муқкасидан берилиб, фақат ўз У.и манфаатини кўзлаб, бошқаларни камситиш, атрофига ўз яқинларини тўплаб қариндош-уруғчилик қилиш ягона миллат бирлигиға хавф туғдиради.

УРФ-ОДАТ — анъаналар сифатида умумхалқ, томонидан қабул қилинган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил. (Мас., ўзбекларда кичикларнинг катталарға салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибға келтириб қуйиш, меҳмонларға алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамға муҳ-

тожларға ҳашарға бориш ва б.) У.-о. ва расм-русумлар бир-бирларига жуда яқиндан боғлиқдир, бириккинчисининг таркибий қисми ҳисобланади. У.-о. ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, турмуш тарзи ва б. омиллар таъсирида ўзига хос равишда шаклланади ва миллат, элатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хусусиятларидан биридир. Мас., ўзбекларда қудачилик ниҳоятда катта эътиборни талаб қилади. «Куёвни пайғамбарлар сийлаган», дейилади ва шунға яраша куёвға ҳурмат эҳтиром билдирилади. Ўтмишда ота ўз қизи келин бўлиб тушган маҳалладан отдан тушиб, пиёда ўтган. У.-о. ва расм-русумлар миллий анъаналар, миллий тил ва миллий руҳ б-н бир қаторда миллий маънавият ва маданиятнинг муҳим қиррасини ташкил қилади. У.-о. ва расм-русумлар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил қилади, миллат томонидан турмуш тарзининг зарурий шарти деб қабул қилинади. У.-о. ва расм-русумларға бефарқ киши ўзини ўз миллатидан узоқлаштириб, узиб қўяди. У.-о. ва расм-русумларға ҳурмат ўз миллатига ҳурматнинг таркибий қисмларға, кўп миллатли давлатда ўз миллатининг, У.-о.ларига риоя қилиш бошқа миллатлар б-н бўлган дўстона муносабатларига путур етказмаслиги керак.

УТИЛИТАРИЗМ (лат. utilitas — фойда, наф) — Ғарб этика назарияси. Бу наз-я хатти-ҳаракатнинг фойдалилигини, ахлоқ-одоб мезони деб билади. У. 19-а.да Англияда пайдо бўлган ва либерал буржуа қатлами манфаатини ифодалаган. Бентам асос солган У.нинг асосий принципи шахсий манфаатларни қондириш воситаси б-н «энг кўп сонли кишиларға энг кўп бахт таъминлаб беришдан» иборат. Шу б-н бирға хатти-ҳаракатнинг ахлоқийлиги, унинг натижасида ҳосил қилинган ҳузур-ҳаловат ва азоб-уқубатларнинг баланси сифатида математик тарзда ҳисобланиб чиқилиши мумкин. Дж. С. Миль У.ға ҳузур-ҳаловатни сифат жиҳатидан баҳолаш принципи, ақлий лаззатларни жисмоний лаззатлардан афзал кўриш талабини киритган. У. давлат ва ҳуқуқ функцияларини тушунишға ҳам асос қилиб қўйилади. «Фойда принципи»ни билиш наз-ясиға кўчириш прагматизмнинг пайдо бўлишиға ёрдамлашди. Ҳоз. замон Ғарб этикасида У. ўрниға «ахлоқий мулоҳазаларни таҳлил қилиш» қўйилмоқда (Эмотивизм, этикада логик позитивизм).

УЧИНЧИСИ ИСТИСНО ҚОНУНИ — нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А В ёки В эмасдир» формуласи орқали берилади. У.и.қ. тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ

мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан б. белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда У.и.қ. амал қилмайди. У.и.қ.нинг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулоҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулоҳазанинг бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. У.и.қ.да ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқ-

сизликка йўл қўйилади. У.и.қ. бошқа мантиқий қонунлар сингари зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонунларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди. У.и.қ.ни билиш муҳокама юртишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

Ф

ФАЙЛАСУФ — 1) Грек. *phileo* — севмоқ, *sophia* — донишманд сўзларидан иборат «философ» атамасининг ўзбекча ифодаланиши; 2) ҳозирги кундалик ҳаётда фалсафа фанининг асосларини эгаллаган, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борадиган ёки илмий даража ва унвонга эга бўлган мутахассис. **Ф.** сўзини илк бор *Пифагор* қўллаган. Бу тушунчанинг маъносини у Олимпия ўйинлари мисолида қуйидагича тушунтириб берган: анжуманга келадиган бир гуруҳ кишилар беллашиш, куч синашиш, яъни ўзи ва ўзлигини намоён этиш учун, иккинчи бир гуруҳ — савдо-сотик қилиш, бойлигини кўпайтириш учун, учинчиси эса, ўйиндан маънавий озиқ олиш, беллашув ва тортишув асосида ётган ҳақиқатни билиш ва аниқлашни мақсад қилиб олади. Ана шу учинчи гуруҳга мансуб кишилар, Пифагор талқинига кўра, **Ф.**лар эди. Бу бир қарашда, оддий ва жўн мисолга ўхшайди. Аммо унинг маъноси ниҳоятда теран. Қад. Шарқ ва Юнонистонда ҳар томонлама чуқур билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, инсон маънавиятини бойитиш ва ҳақиқатни билишга интилувчи кишиларни **Ф.** деб атаганлар. Фозил ва комил инсонларгина фал. билан шуғулланганлар. Аслида, ўша даврларда фал.ни ўрганиш дейилганда, илмнинг асосларини эгаллаш кўзда тутилган. *Гераклит* шогирдларига мурожаат қилиб, «Дўстларим, сиз ҳали ёшсиз, умрингизни бекор ўтказмай десангиз, фал.ни ўрганинг», деганида айнан шу маънони назарда тутган. *Эпикур* бу ҳақиқатни қуйидагича ифода этган: «Ўз-ўзингни ерга уриш, тубанлашиш нодонликдан бошқа нарса эмас, ўзлингдан юқори туриш эса — фал.ликдир». У донишманд кишиларнинг уч хислатини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзган: «Улар аввало, бошқаларга берган маслаҳатларига ўзлари амал қиладилар; иккинчидан, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайдилар; учинчидан, атрофидаги кишиларнинг нуқсонларига сабр-тоқат б-н чидайдилар». Худди шунингдек, Шарқда ҳам *Конфуций*

ва *Моний*, *Хоразмий* ва *Форобий*, имом *Бухорий* ва имом *Термизий*, *Беруний* ва *ибн Сино*, *Нақшбанд* ва *Навоий* каби донишманд боболаримиз ўз ҳаётий кузатишлари ва тажрибаларини умумлаштириш, инсонга хос хато ва комилликлардан сабоқ чиқариш, башарият томонидан тўпланган билим ва тажрибаларни ўзлаштириш орқали фал. даражасига кўтарилганлар. Форобий ўзи яшаган Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг бу тўғридаги фикрларини жамлаб, фал.ни ҳикматни қадрлаш, **Ф.**ни эса ҳикматни қадрлайдиган, унга интиладиган, бу соҳада изландиган ва бирон бир натижага эришган киши сифатида таърифлаган. Бизда ҳоз. даврга келиб фал. ихтисослигини томонлаган, ёки шу соҳада илмий даража-унвонга эга бўлган мутахассисларга нисбатан **Ф.** ибораси қўлланмоқда. Бу **Ф.** атамасини нисбатан тор тушунишни ифодалайди. Аслида **Ф.** деганда теран фикрлайдиган, олам сирларидан хабардор, ҳаёт қонунларини яхлит билладиган, дунёни англаш ва инсон умри билан боғлиқ муаммолар ечимларини топа оладиган донишманд кишилар тушунилади. Бундай маънодаги ҳақиқий **Ф.**лар ҳаётда кам учрайдилар, уларнинг шуғулланган соҳалари турлича бўлиши ҳам мумкин. Аммо улар ўзларидан бой маънавий мерос, муайян миллат, халқ ёки бутун инсоният тарихида ўзига хос ном қолдирадилар.

ФАЙЛАСУФ—ПОПУЛЯРИЗАТОРЛАР — 18-асрда баъзи Европа мамлакатларида ижод қилган ва маърифатпарварлик давридаги фал-ий таълимотларни аҳолига тушунарли тилда баён этишга интилган ёзувчилар гуруҳи. **Ф.—П.** айниқса Вольф фал.сини улуғлардилар. **Ф.—П.** сарасига Энгель, **Ф.**Николай, Т.Абт, Х.Гарве, К.Ф.Покельс, М.Мендельсон, И.Г.Зульцерлар киради. Кейинги йилларда фал-ий мавзуларни адабий талқин қилувчи ёзувчиларни ҳам **Ф.—П.** деб аташ одат бўлган.

ФАКТ (лат. factum — бажарилган, амалга оширилган) — 1) ҳақиқат, воқеа, натижа тушунчаларининг синоними. Тўқиб чиқарилган фикрга қарама-қарши ўлароқ реалликни, абстрактлик ва умумийликка нисбатан эса, аниқликни ифодаловчи тушунча; 2) мантиқ фанида ва фан методологиясида эмпирик билимларни акс эттирувчи тушунча; эмпирик билимнинг ўзига хос шакли сифатида наз-я ёки гипотезага қарама-қарши қўйилади. Ф. тушунчасининг моҳиятини англашда ҳоз. давр фал-ий фанида иккита асосий йўналиш кўзга ташланади: 1. Фактуализм. 2. Теоретизм. Фактуализм Ф.нинг ҳар-хил наз-яларга нисбатан мустақиллигини эътироф этса, теоретизм Ф.ни наз-яга бутунлай боғлиқлигини, наз-яларнинг ўзгариши фаннинг фактуал асослари ўзгаришига олиб келишини таъкидлайди. Лекин Ф.ни наз-яга кескин қарама-қарши қўйиш ва аксинча уларни бутунлай уйғунлаштириб юбориш мумкин эмас. Ф. субъект ва объектнинг ўзаро фаол таъсири маҳсули ҳисобланади.

ФАЛЕС (тахм. мил. ав. 624—547) — қадимги юнон файласуфи, антик фалсафа ва фаннинг илк намояндаси, милет мактабининг асосчиси. Баъзи маълумотларга кўра, Ф. Шарқ мамлакатларида бўлган ва у ердаги билимлар б-н танишган. Асарлари бизгача етиб келмаган. Ф. таълимотича, ҳамма нарса сувдан келиб чиқади ва оқибатда яна сувга айланади. Ф. дунёни жонли ва илоҳийлиги тўғрисидаги фикрни илгари сурган. Жонни нозик модда (эфир)дан иборат деб билган. Ф. Қад. Шарқ фанининг ютуқларидан (арифметика, геометрия ва б.) фойдаланиб, астрономияга оид кашфиётлар яратган; хусусан мил. ав. 585 йилда Юнонистонда содир бўлган Қуёш тутилишини, бир йил 365 кундан иборат эканини айтган.

ФАЛСАФА (юн. phileo — севаман, sophia — донолик) — инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардан бири; олам ва унинг яшashi, ривожланиши ва тараққиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлиқ ва йўқлик каби кўплаб муаммолар ҳақида баҳс юритадиган фан. Ф. дунёқарашнинг умумлашган тизимини яратиш ва унда инсон ўрнини кўрсатишга қаратилган; у инсоннинг дунёга бўлган билиш, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва б. муносабатларини тадқиқ қилади. Асрлар давомида Ф. ўзининг маъно-мазмунига хилма-хил қарашлар, унинг жамият, инсон ва фанлар тизимидаги ўрнига нисбатан турлича муносабат ва ёндашувлар бўлган, бу атаманинг моҳият ва мазмуни ҳам ўзгариб борган. Ф. атамаси ва у ифода этадиган билимлар мажмуи Юнонистон ва Римда мил. ав. 7-2-а.ларда юз берган юксалиш натижаси сифатида юзага келган эди. Уша даврда эндигина шаклланиб келаётган назарий фикрнинг ифодаси бўлган фал-ий тафаккур олами яхлит ва бир бутун ҳолда тушунишни мужассамлаштирган. Қад. Юнонистонда Ф. атамасини даст-

лаб, математика фани орқали *Пифагор* ишлатган. Европа маданиятига эса, *Афлотун* асарлари орқали кириб келган. Шу тариқа, у аввало, Юнонистонда алоҳида билим соҳасига, тўғрироғи, «фанларнинг отаси», яъни асосий фанга айланган қад. дунёда фанларнинг барчасини, улар қандай илмий масалалар б-н шуғулланишидан қатъий назар, Ф. деб атаганлар. У ҳам ижтимоий борлиқ, ҳам табиат тўғрисидаги илм ҳисобланар эди. Шу маънода, дастлабки Ф. олам ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлар тизими бўлиб, дунёни илмий билиш заруратидан вужудга келган эди. Бундан ташқари, Юнонистонда юз берган уйғониш даври ўзига хос фал-ий мафқурани ҳам яратганлиги шубҳасиз. Унинг энг асосий қадрияти эркинлик тушунчаси эканини, ана шу эркин ҳаёт тўғрисидаги қарашлар маданий юксалишга асос бўлганини аксарият олимлар алоҳида таъкидлайди. Шарқда «Иккинчи Арасту», Иккинчи муаллим дея эътироф этилган мутафаккир Абу Наср Форобий Ф. сўзини «Ҳикматни қадрлаш» деб талқин этган. Ф. Шарқ халқлари ижтимоий тафаккурида «донишмандликни севиш» деган мазмун б-н бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни қадрлаш, умр мазмуни ҳақидаги қараш ва ҳикматларни эъзозлаш маъносига ишлатилган. Ф. аввало, муайян илмий билишлар тизимидир. У бир томондан, инсоннинг воқеликни ақл воситасида идрок этиши, иккинчи томондан, онгнинг афсона ва ривоятлар асосидаги шакллардан узил-кесил ажралиш жараёни натижаларидир. Бу икки жиҳат бири бири б-н узвий боғлиқ. Чунки, беҳуда ҳаёлпарастлик, ҳаёвий ва афсонавий фикрлаш тарзидан ҳалос бўлиш илмий билимларни эгаллаш орқали рўй беради. Энг муҳими, Ф. кундалик турмушда учраб турадиган эскилик асоратлари, бидъат ва чекланишларга муҳолиф бўлган ҳурфикрликдир. Ф. айнан ана шундай янги дунёқарашнинг шаклланиши учун асос бўлган. Одатда Ф. тушунча сифатида тор ва кенг маъноларда қўлланади. *Кенг маънода* уни антик — Ф.да «донишмандликни севиш» деб тушунилган. Айрим файл. ва фал-ий оқимлар, чунончи, инглиз фай.и Т. Гоббс (1588—1679) уни «тўғри фикрлаш орқали билишга эришиш», немис фай.и *Гегель* «умуман предметларга фикрий ёндашиш», Людвиг *Фейербах* «бор нарсани билиш», прагматизм таълимоти намояндалари эса, «фойдали нарсаларни билиш жараёни» дея талқин этган. *Тор маънода* маданият, санъат ақлий ёки ҳиссий билиш усули, воситаси тарзида таърифланади. Ф.га бўлган муносабатнинг хилма-хиллигига асосланган ҳолда, унга яхлит, умумлашган таърифлар ҳам берилган. Ф.га ижтимоий онг шакли бўлган маданият, санъат, қадрият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсақ, унинг миллийлигини акс эттириш имконияти туғилади. Аммо онтология, гносеология, натурфилософия, антропология каби фан соҳалари нуқтаи назаридан

қаралса, ушбу таърифда умуминсонийлик ва универсаллик Ф.нинг асосий хусусияти эканини таъкидлаш лозим бўлади. Бу фаннинг олдида қўйилган вазифаларга ва унинг ҳаётдаги ўрнига қараб, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борган. Бу муносабатлар дастлабки фанлар пайдо бўлиб ва уларнинг баъзилари Ф.дан ажралиб, алоҳида мустақил фан соҳасига айлана бошлаган даврлардаёқ шакллана бошлаган. Ф.нинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масала ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида Ф.нинг асл моҳиятини билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ф. ижтимоий тафаккур ривожини, ютуғи ва инсоният маънавий тараққиёти маҳсулидир. У кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва инсоний салоҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари б-н узвий боғлиқдир. Фал-ий таълимотлар ҳамма даврларда ҳам инсониятнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ва инсоният маданиятини янада юксакроқ босқичга кўтаришга хизмат қилган. Ҳар бир фал-ий ғоя, мафкура, билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини акс эттирган. Улар замон руҳи ва маданиятини ўзида мужассамлаштирган, давр муаммоларини хал этишда қўл келган. Ф. кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Мас., биология ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, турларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва такомиллашиб бориши каби масалаларни ўрганади. Бу соҳага оид фанлар ушбу йўналишдаги жараёнларнинг баъзи хусусият ва жиҳатларини теранроқ талқиқ этишга ҳаракат қилади. Бинобарин, биолог ҳар қандай ривожланиш жараёни б-н эмас, балки фақат жонли танадаги ривожланиш жараёни б-н қизиқади. Умуман, ривожланиш жараёнининг ўзи нима, унинг моҳияти қандай? Масаланинг айнан ана шу тахлитда қўйилиши илмий муаммоларни фал-ий масалага айлантиради. Яъни, шу тариқа муайян мавзу оддий илм соҳасидаги йўналишдаги фал-ий муаммо тусини олади.

ФАЛСАФАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ (ФУНКЦИЯЛАРИ) — фалсафанинг фан тизимидаги ўрни ва аҳамияти, дунёқарашни шакллантириш, услубий, гносеологик, эвристик, педагогик-дидактик вазифалари. Фал. фанининг дунёқарашни шакллантиришдаги вазифалари; биринчидан, инсон қарашларининг шакллантириш имкониятлари, усул ва воситаларни, уларнинг кундалик онг даражасидан назарий ғоялар даражасига кўтарилиш жараёни, мифологик дунёқарашдан фарқланиши; иккинчидан, миллий дунёқарашнинг шакллантиришдаги турли фан йўналишларининг муайян вазифалари, уларнинг бир-бири б-н ғоявий

ҳамкорлик қилиш ва уйғунлашув тамойили; учинчидан, илмий дунёқарашнинг миллий ва умуминсоний манфаатларига мос келишини аниқлашда намоён бўлади. Фал. фанининг услубий вазифасини изоҳлаш учун, аввало, услуб (методология) тушунчасини билиб олиш лозим. Фал. бошқа фанлар учун методологиядир. Фал.нинг гносеологик вазифаси, унинг борлиқни билиш учун умумий методлар тизимини яратиш б-н боғлиқ. Бунда билимларнинг ҳақиқийлиги масаласи асосий ўрин тутаети. Фал.нинг эвристик функцияси (лот «эврика» — кашф этиш) гносеологик вазифаси б-н боғлиқ бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг янги умумий қонуниятларини кашф этишни характерлайди. Инсоннинг маънавий баркамоллигида фал.нинг ўрни ва аҳамияти катта. Хусусан, «Ахлоқ фал.си» кишида юксак ахлоқий меъёрлар — ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ғоявийлик, эътиқод, ижтимоий-сиёсий фаоллик ва масъулиятни ҳис этиш туйғуларини тарбиялайди. «Ҳуқуқ фал.си» ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий назоратнинг бошқа ҳуқуқий усул ва воситаларини назарий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқади. «Табиатшунослик фал.си» таълим-тарбия соҳасида ўзига хос аҳамиятга эга. Инсоннинг табиатни билиш борасидаги интилишлари моҳиятини ёритади. Табиатга нисбатан оқилона муносабатни шакллантириб, уни муҳофаза қилишнинг назарий асосларини белгилаб беради. Фал.нинг праксиологик функцияси фал-ий ғоя ва наз-янинг ижтимоий ҳаётга амалий таъбиқ этилиш б-н изоҳланади. Ҳар қандай амалий фаолият мустақкам илмий наз-яга асосланмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, фал.нинг бу функцияси наз-янинг амалиётга жорий этиш услуб ва воситаларини аниқлашни ҳам ўз ичига олади. Юқориди кўрсатилган функцияларнинг ўзаро ички боғлиқлиги фал.нинг муштарак умумназарий ва услубий аҳамиятини белгилаб беради. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама ўрганиш инсон ва жамиятнинг маънавий камолотига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, фал-ий билимлар тизимини такомиллаштириш йўллари топиш имконини беради. Масаланинг бу тарзда ҳал этилиши умуминсоний цивилизация тамойилларига ҳам мос келади.

ФАЛСАФАНИНГ МАНТИҚИЙ ТАҲЛИЛИ — ҳозирги замон фалсафасининг асосий йўналишларидан бири. Жамиятнинг мантиқий таҳлили ва унинг ҳоз. замон формал (математик) мантиқ муаммоларини ўрганади. Ф.м.т.нинг вужудга келиши ва ривожланишида фанларнинг математиклашуви асосий рол ўйнади. Муаммоларнинг позитивистик талқини асосида келиб чиққан янги қарашлар тизими биринчи марта Бертран Рассел томонидан шакллантирилди. Рассел томонидан илгари сурилган тезиснинг мазмуни — ҳар қандай илмий англаб олинган фал-ий

муаммо аслида ўз мазмунига кўра формал мантиқ муаммосидир. Ф.м.т. таълимоти Витгенштейннинг «Мантиқий фалсафа» асарида ўзининг кейинги ривожини топди. Бу таълимот мантиқий позитивизмнинг Вена тўғараги аъзолари томонидан ривожлантирилди. 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб, бундай қарашлар АҚШда фаолият олиб бораётган мантиқий прогматистлар У.Куайн, Н.Гудмен, А.Пап, шунингдек, Буюк Британияда К.Поннер, Польшада эса К.Ойдукович, Я.Лукаевич, Т.Катарбинский кабиларнинг фаолиятида ёрқин намоён бўлди. Ҳозирда бу таълимот тарафдорлари Европа, АҚШ ва Канадада, асосан, ижодкорлар, тадқиқотчи олимлар, журналист ва ёзувчилар орасида кенг тарқалган.

ФАЛСАФА ФАНИНИНГ МУАММОЛАРИ — фалсафий фанлар шуғулланидиган масалалар, фалсафанинг предмети билан боғлиқ муаммолар. Ф.ф.м. ўз хусусиятларига кўра, азалий ёки ўткинчидир. Азалий муаммолар инсоният пайдо бўлган даврдаёқ вужудга келган бўлиб, токи одамзод мавжуд экан, муаммо тарзида қолаверади. Чунки инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида ушбу муаммолар янгидан кун тартибига қўйилаверади. Уларни ўрганиш жараёнида илм-фан тараққий этиб боради. Олам ва одам муносабатлари, борлиқ ва йўқлик, дунёнинг яратилганлиги ёки ўз-ўзидан мавжудлиги, ундаги ўзаро алоқадорлик ва тараққий этиш, инсоният ҳаётидаги адолат ва ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, умрнинг мазмуни, табиат ва жамият тараққиётининг асосий тамойиллари б-н боғлиқ кўпдан-кўп масалалар фал. ва фал-ий билим соҳаларининг азалий муаммолари сирасига кирилади. Фал.да оламнинг асосида нима ётади, уни воқе этиб турган нарсанинг моҳияти нимадан иборат, деган масалалар ниҳоятда узоқ тарихга эга. Қад. Юнонистон ва Римда бу масала «*Субстанция*» тушунчаси ва унинг мазмунини қандай тушунишга қараб ўзига хос ифодаланган. *Пифогор* ҳамма нарса сонлардан ташкил топган, деган бўлса, *Афлотун* субстанция ғоялардир, деган. *Демокрит* эса, оламнинг асосида атомлар (атом тушунчаси ўша даврда бўлинмас заррача маъносиде ишлатилган) ётади деб тушунтирган. Бу масалаларни қай тарзда ҳал қилинишига қараб фарқланидиган фал-ий оқим ва йўналишлар ҳам бор. Мас., оламнинг асосида нима ётади, унинг моҳияти нимадан иборат деган масалада *монизм*, *дуализм*, *плюрализм*, *материализм* ва *идеализм* каби қатор фал-ий қарашлар шаклланиган.

Фал.да дунёни англаш, унинг умумий қонуниятларини билиш б-н боғлиқ масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар б-н фал.нинг гносеология (гносис—билиш, логос—таълимот) деган соҳаси шуғулланади. Дунёни билиш мумкин деб ҳисоблайдиган фал-ларни — гностиклар; оламни билиш мумкин эмас, билимларимиз тўғри ва аниқ ҳақиқат

даражасига кўтарила олмайди, деювчиларни эса — агностиклар (юн.-билиб бўлмайди) деб юритилади. Оламдаги ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва тараққиётнинг қай тарзда амалга ошиши, қандай содир бўлиши каби масалалар ҳам фал.нинг азалий муаммолари қаторига кирилади. Фал.да ана шу масалаларга муносабат ва улар б-н боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қараб фарқланидиган бир неча таълимот, қараш, усул ва методлар бор. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика ва шу кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг тарихи ниҳоятда узоқ бўлиб, Қад., Юнонистон ва Рим даврдан (мил. ав. 7—1-а) бошланади. Кейинги йилларда синергетика ҳам фал-ий метод ва таълимот сифатида талқин этилмоқда. Фалсафий қонунлар, категориялар, уларнинг мазмун-моҳияти, метод ва методология масалалари ҳам Ф.ф.м. қаторига кирилади. Фал-ий метод ва методология олам қонуниятларини тушунишга ёрдам беради ва улардан фал-лар ўз тадқиқотларини амалга ошириш ёки излаишлари натижаларини изоҳлашда фойдаланилар.

ФАЛСАФАДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК ТАМОЙИЛИ — фалсафанинг умумба-шарий фан эканини, унинг баҳс мавзулари ва асосий муаммолари белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интиҳоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон мафқураси, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фал. учун азалий муаммолардир. Шу б-н бирга, муайян даврда туғиланидиган ва ҳал этиланидиган ўткинчи муаммолар ҳам бўлади. Улар абадий муаммолар даражасига кўтарилмаса-да, ўз даврининг талаб ва эҳти-ёжларидан келиб чиққани учун муҳим аҳамият касб этади. Фал. янги ғояларнинг туғилишига имкон беради. Ҳаёт ижтимоий тажриба б-н узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. У тарихий давр б-н мустаҳкам алоқадорликда тараққий этади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммоларни қўяди. Айнан улар орқали фал.да даврнинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Мас., ҳоз. даврда истиқлол мафқураси фал-ий асосларини изоҳлаш зарурати шу б-н белгиланади. Фал-ий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаолари ва ғояларини илмий асослашда фал.дан фойдаланади. Фал.даги устувор қараш ва қондалар давр маҳсули бўлгани учун, замоннинг тараққиёт тамойиллари ва муаммолари унда ўз ифодасини топади. Фал. умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади. Маълумки, олам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтказиш, ях-

шилиқ ва ёмонлик каби қадриятлар б-н боғлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Аммо фалда муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Аслида, юқорида зикр этилган умуминсоний мавзу, масала ва муаммоларнинг барчаси аввал-бошда хусусий, миллий минтақавий аҳамиятга молик масалалар тарзида намоён бўлади. Ўз юрти, миллати, ота-онаси ва ёрбиродарларини севган ватанпарвар инсон, аввало, ана шуларнинг камоли учун қайғуради, уларни ўйлайди, уларга хизмат қилишни олий саодат деб билади. Бундай шахс дунёқарашда ана шу жиҳат ва хусусиятлар албатта акс этади. Бу эса, ўз навбатида, умуминсоний фан бўлган фалда миллийликнинг акс этишига асос бўлади. Умуминсонийлик — ватансизлик (космополитизм) бўлмагани сингари, миллийлик ҳам—миллий қобикқа ўралиш, миллий маҳдудлик дегани эмас. Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин миллий фал.ни шакллантириш учун имкониятлар очилди. Бугун улуг аждодларимиз тамал тошини қўйган ўзбек миллий фал.сини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжуд.

ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШ — инсоннинг олам, одам, жамият ва бошқаларга муносабатини ифодаловчи фалсафий тафаккур ва билимлар тизими. Бу тушунчанинг моҳияти инсоннинг оламга, воқеа ва ҳодисаларга, ўзгаларга ва уларнинг фаолиятига, ўз умри ва унинг мазмуни каби кўпдан-кўп тушунчаларга муносабати, уларни англаши, тушуниши, қадрлашида намоён бўлади. Ф.д. кундалиқ фаолият, дунёвий, диний, илмий билимлар, ҳаётий кузатишлар ва ижтимоий тарбия таъсирида шаклланади ҳамда ривожланади, унда оламнинг барча жиҳатлари акс этади. Ф.д.нинг шаклланишида ҳис-туйғу, ақл-идрок ва тафаккур ҳам муҳим ўрин тутати. Унинг шаклланиши кишиларнинг ҳиссий кечинма ва кайфиятларига ҳам боғлиқ. Инсон кайфиятида унинг ҳаёт шароитлари, ижтимоий аҳволи, миллий хусусияти, маданий савияси, шахсий тақдири, ёши ва б. акс этади. Муайян давр Ф.д.ида замон руҳи, ижтимоий кучларнинг кайфияти, интилиши ҳам ўз ифодасини топади. Мас., Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурати истиқлол дунёқарашини шакллантиришга улкан таъсир кўрсатмоқда. Ф.д. мураккаб тузилишга эга. У муайян билимлар, келажакка қаратилган гоа ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фан ютуқлари, тасаввурлар, қадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, ҳиссиёт, касб таркибий қисмлардан иборат. Буларнинг ичида *эътиқод* муҳим аҳамият касб этади. У дунёқарашнинг мазмунини ташкил этадиган асослардан биридир. Ф.д. таркибида ҳиссиёт ва ақл муҳим ўрин тутати. Ҳиссиёт дунёқарашнинг эмоционал-руҳий жиҳати. Дунёни тушуниш эса дунёқарашнинг ақлий шакли. Ҳиссиёт —

қувонч, шодлик, завқланиш, ҳаёт ва касб-кордан мамнунлик, норозилик, ҳайратланиш, хавотирланиш, асабийлашиш, ёлғизлик, заифлик, руҳий тушкунлик, гам-ғусса, надомат, ўз яқинлари ва Ватани тақдирига қайғуриш каби хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Уларнинг уйғунлиги дунёни ҳис этишга олиб келади. Дунёни ҳис қилиш эса, уни ақлий тушунишга, муайян Ф.д.нинг шаклланишига асос бўлади. Инсон ақли, ҳиссиёт ва тасаввурлар асосида илмий Ф.д. шаклланади ва такомиллашади. Ҳар бир кишига хос ҳиссиёт ва фикр, билим ва эътиқод, интилиш ва кайфият, орзу-умид ва қадриятлар дунёқараш таркибида яхлитлашади ва оламни бир бутун ҳолда акс эттиради. Бир бутун, яхлит дунёқарашнинг шаклланиши болалиқдан бошланиб, инсон ҳаётининг сўнгигига қадар давом этади. Бу ҳолат индивидуал дунёқарашнинг асосий тамойилларидан биридир. Ф.д.нинг шаклланишида билим гоада муҳим аҳамият касб этади. Билимда дунёқарашнинг барча белгилари мавжуд. Лекин билим ва дунёқараш айнан бир нарса эмас. Оламни тушуниш билимнинг пайдо бўлиши учун асосдир. Билим инсон онгида ҳиссий ва ақлий билиш жараёнида ҳосил бўлади, у дунёқарашнинг асосий, узвий қисмидир. Билим муайян шароитда бирон-бир ҳодиса ёки нарсани баҳолашда қўл келади ва айнан ана шу жараёнда дунёқарашга айланади. Бундай баҳо бериш жараёнида муайян манфаатлар асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам ижтимоий дунёқараш турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади, гоҳида уларни амалга ошириш учун кураш майдони бўлиб қолади. Бирор партия ёки гуруҳ ўз мақсадларига етишиш йўлида бутун жамият учун хос бўлган умумий ижтимоий дунёқараш таркибида кўпроқ ва салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари фойдасига ўзгартиришга ҳаракат қилади. Умуман, ҳаётда мақсадга эришишнинг энг осон ва қулай йўли ўзгалар дунёқарашини жамият фойдасига ўзгартира олишидир. Фал. азалдан дунёқараш бўлган. Чунки, унинг ўзи ҳаёт нима учун берилган, дунёга келишдан мақсад нима, умрни мазмунли ўтказишнинг қандай йўллари бор, деган бир қатор саволларга жавоб топиш зарурати туфайли вужудга келган. Ф.д. ўзининг назарий асослангани ва пухта ишлангани б-н ажралиб туради. Шу маънода, у бошқа фан ёки фаолият соҳаси учун умумий услуб вазифасини ҳам бажаради. Агар наз-я билиш жараёнининг натижаси бўлса, усул шу билимга эришиш ёки уни амалга ошириш йўлини англатади. Фал-ий наз-я эса, бир вақтнинг ўзида усул вазифасини ҳам бажара олади. Тарихнинг бурилиш даврларида ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари нечоғли тўғри экани Ф.д. тамойилларига солиштириб аниқланади. Бунда муайян фал-ий наз-я умумий усул сифатида қабул қилинади. Шу сабабдан ҳам бундай даврларда фал-ий наз-яга эътибор кучаяди, тарақ-

қиёт йўлларида боришни асослайдиган фал-ий моделларининг аҳамияти ортади. Бугунги кунга келиб «Тараққиётнинг ўзбек модели» яратилгани ва амалга оширилаётгани ана шу ҳолида мос келади. Инсон онгли ижтимоий мавжудот бўлгани боис, унинг дунёқарашини муайян эҳтиёж ва манфаатларга асосланади. Демак, ҳар қандай дунёқараш муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг ўз эҳтиёж, манфаатларидан келиб чиққани ҳолда борлиққа муносабатини ифодаловчи ҳолат ва эътиқод мужассами, ғоялар, наз-ялар, билимлар мажмуаси ҳамда уларнинг намоеён бўлишидир. Ф.д., моҳият-мазмунига кўра, маънавий фаолият бўлгани боис, у борлиққа бўлган онгли, инсоний муносабатнинг муайян йўналишларини вужудга келтирган. Мас., кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий муносабатлари — ахлоқий дунёқарашларида, ҳуқуқий муносабатлари — ҳуқуқий, сиёсий муносабатлари — сиёсий, диний муносабатлари — диний, экологик муносабатлари — экологик дунёқараш шаклларида ўз ифодасини топган. Буни тизим тарзида изоҳлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш касб этади: 1. Ахлоқий 2. Диний 3. Ҳуқуқий 4. Сиёсий 5. Экологик. 6. Эстетик. Бу тизимни ташкил қилган нисбатан мустақил Ф.д. шакллари ўзаро боғлиқликда, алоқадорликда ҳаракат қилади. Ф.д. тизимининг ривожланиш даражаси жамият тараққиётига мос келади ва уни ифодалаб туради. Бундан ташқари, ҳар бир тарихий даврда халқ ва миллатнинг ривожланиши унинг менталитети ва дунёқарашини намоеён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Ф.д. тизими ва уларнинг хусусиятлари муайян инсон, ижтимоий гуруҳ, табақа ва бутун миллатнинг маънавий қиёфасини ҳам белгилаб беради. «Дунёқараш» тушунчаси тарихий хотира, ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий гуруҳ, маънавий баркамоллик каби туйғу ва тушунчалар б-н узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Ф.д. айнан ана шу руҳий-ижтимоий ҳодисалар орқали ойдинлашади, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмига айланади.

ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ — ҳар қандай аниқ дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади. Ф.д.а.т.лари қуйидагилар: илмийлик; тарихийлик; мантиқийлик; универсаллик; мақсадлик; ғоявийлик; наз-я ва амалиётнинг бирлиги.

1. Фал-ий дунёқараш илмийдир. У нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларни кундалик онг эмас, балки назарий онг даражасида ҳам ифодалайди. Ҳар қандай фал-ий дунёқараш шакли объектив амалдаги нарса ва ҳодисаларнинг аниқ муносабатларини акс эттиради.

2. Фал-ий дунёқарашнинг тарихийлик тамойили жамиятнинг ўтмиши дунёқарашлар тарихидан иборатлигини ва узлуксиз ривожланишини ифодалайди.

3. Фал-ий дунёқарашнинг мантиқий изчиллиги та-

мойили ҳар қандай дунёқараш шакли ва даражасининг мантиқий бирикмалар орқали ифодаланиши б-н изоҳланади. Агар мантиқий изчиллик бузилса, дунёқарашнинг ташқи оламни ҳолис, илмий ва изчил акс эттиришга путур етади.

4. Фал-ий дунёқарашнинг универсаллиги бошқа дунёқараш шаклларидаги мазмунини ташкил қилиш б-н белгиланади, яъни ҳар қандай дунёқараш шакли ўзига хос фал-ий хусусиятга эга.

5. Фал-ий дунёқарашнинг ғоявийлик тамойили, унинг асосида муайян ғоя ётгани б-н изоҳланади. Хусусан, бугунги ўзбек миллий фал-ий дунёқарашини миллий мустақиллик, ўзликни англаш, миллатимизни келажагини белгилайдиган истиқлол ғоясига таяниши б-н характерлидир. Фал-ий дунёқараш шу ғояни эътиқодга айлантириш ва унинг амалга ошириш учун хизмат қилади.

6. Фал-ий дунёқарашнинг энг муҳим тамойилларидан бири наз-я ва амалиётнинг бирлигидир. Дунёқарашнинг наз-я сифатида мавжудлиги ижтимоий амалиёт тажрибаларини ижодий умумлаштириб, истиқбол режаларини белгилашда қўл келади. Шунингдек, дунёқарашнинг амалиётга жорий этилиш жараёнида унинг усул ва воситалари муҳим аҳамиятга эга.

ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ — фалсафий дунёқарашнинг тамойилларидан келиб чиқиб, белгиладиган вазифалар. Бу вазифалар жамиятнинг умумбашарий мақсад-муддаолари ва манфаатларидан келиб чиқади, бошқа қарашлар учун услубий аҳамият касб этади. Дунёқараш, аввало нуқтаи назардир, у инсоннинг борлиққа муносабатида, дастлаб унинг қарашлари тарзида намоеён бўлади. Инсон ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ҳодисаларни: яхши-ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ каби қарама-қарши турларга ажратади. Инсон нарса-ҳодисаларга баҳо берар экан, бунинг замирида унинг ижтимоий ҳаёти, яъни онгли муносабатлари дунёқарашнинг ўзи таянадиган омилларга (идеалларига) мослаштирилади. Орзу-ҳавасларга эришишнинг усуллари, воситалари, амалий йўналишлари белгиланади.

Дунёқараш инсон фаолиятини ахлоқий меъёр, диний қадрият, ҳуқуқий ҳужжат ва сиёсий механизмлар каби усул-воситалар орқали бошқариш вазифасини ҳам адо этади. Бунда фал-ий дунёқарашнинг ўзига нисбатан мустақил бўлган ҳар бир йўналиши ўзига хос бошқариш усулига эга. Мас., инсонни эзгуликка йўналтириш учун ахлоқ унинг ақл-заковати; дин-иймон-эътиқодига; ҳуқуқ қонунларига, жазо-иродаларига; сиёсат-давлат функцияларига таянади ва ўзига хос таъсир йўналишларига эга бўлади. Фал-ий дунёқарашнинг бирлаштириш (коммуникатив) вазифаси турли дунёқараш йўналишларини миллий ва умуминсоний ғоялар атрофида уйғунлаштириши б-н характерланади. Турли

манфаатлар б-н боғлиқ бўлган дунёқарашлар ўртасида муайян зиддиятлар рўй бериши табиий. Бундай шароитда фал-ий дунёқараш уларни муросога келтиришга хизмат қилади. Фал-ий дунёқараш, ўз моҳиятига қўра ижтимоий-тарихий тажрибани умумлаштириш, жамият истиқболлини белгилаш хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам халқни муайян ғоя атрофида бирлаштиради. Тарихдан маълумки, муайян даврларда фал-ий дунёқараш инсон туб манфаатлари б-н боғлиқ миллат келажagini белгилайдиган озодлик ғояси атрофида кишиларни бирлаштирган. Бу ҳол босқинчиларга қарши кураш даврида яққол намоён бўлади. Ушбу ғоя (озодлик фал.си) дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида миллатнинг турли табақаларини, эътиқоди, иқтисодий аҳволи ва сиёсий мавқеидан қатъий назар, бирлаштирган ва умумий курашга сафар қилган. Дунёқараш ўз-ўзидан, яъни стихияли равишда шаклланиб қолмайди. Аксинча, у турли таълим-тарбия воситаларининг мақсадга мувофиқ ҳолдаги фаолияти натижасида вужудга келади. Иккинчи томондан эса, фал-ий дунёқараш, умуминсоний тамаддун (цивилизация) ўлароқ шаклланиб бўлса инсон, ижтимоий гуруҳ ёки миллатни тарбиялашнинг турли имкониятлари ва воситаларининг муштараклашган шаклидир. Бинобарин, фал-ий дунёқарашнинг тарбиявий вазифасини юқорида зикр этилган бошқа вазифаларнинг асоси сифатида қараш керак.

ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ — инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ижтимоий ҳаётга муносабати турли афсона ва ривоятларда ўз ифодасини топган. Шу замида мифологик дунёқараш шаклланиб. Ёвузлик ва эзгуликнинг ўзаро курашида яхшиликнинг мудом ғолиб келиши мифологик дунёқарашнинг инсонпарварлик мазмунидан далолат беради. Хусусан, ўзбек халқи тараққиёти жараёнида яратилган ривоят, афсона ва б. оғзаки ижод намуналари миллатимиз тарихида муҳим ўринга эга. Мас., қадимий тарихий меросимиз — «Авесто» китобида яхшилик рамзи — Ахурамазда ва ёмонлик тимсоли — Аҳриман ўртасидаги кураш охир-оқибатда эзгулик ғалабаси билан яқунланади, ёруғлик зулмат устидан ғалаба қилади. Муайян дунёқараш асосида диний-илоҳий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг Худога эътиқоди б-н боғлиқ бошқа дунёқараш шакллари каби муайян заминга эга. Мифологик дунёқараш афсонавий кучларни эътироф этиш, диний дунёқараш илоҳий кучларга эътиқод б-н боғлиқ. Диний дунёқарашни теология деб аталадиган фал-ий фан ўрганади. **Т е о л о г и я** олам ва одам муносабати, умрнинг мазмуни, ҳаёт ва ўлим муаммолари ҳақидаги фан

б-н боғлиқ. Бугунги кунда диний дунёқарашнинг бир талай муҳим вазифалари асосида, унинг ҳаёт зиддиятларини бартараф қилиш б-н боғлиқ регулятив фаолияти ниҳоятда муҳим. Умуман, диннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти бениҳоят улкан ва у тобора ортиб бормоқда.

ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАР — таркибий қисмлари бир-бири б-н чамбарчас боғланган фалсафий ташкилотлар. Ф.м. бир неча аср давомида фаолият кўрсатиб, ўз мактаблари асосчиларининг номлари (мас., Пифагор, Платон, Эпикур) ва ғояларини улуғлашга хизмат кўрсатганлар. Ф.м.нинг асосий мақсади фал. б-н биргаликда, баҳамжиҳат шуғулланишдан иборат эди. Ф.м. раҳбари (юн. scholarch) ёки унинг давомчиси (юн. diadochos) мактаб мулкига хўжайинчилик қилар ва умрининг охирига қадар уни бошқарар эди. Ўрта асрларда йирик монахлик орденлари (доминиканчилар, францисканчилар, августинианчилар) ва айрим монастырлар (мас., Мартин, Виктор, Шартр, Пор-Рояль монастырлари) Ф.м. даражасига кўтарилдилар. Янги даврда маълум ун-т ҳузурида айрим фал-ий муаммоларни изчил тадқиқ этиб келаётган ва бу борада эътиборли муваффақиятларга эришган таркибий тузилмаларни Ф.м. деб аташ бошладилар.

ФАЛСАФИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИ — фалсафага оид фанлар, илмлар. Инсоният тараққиётини ҳаракатлантирувчи механизм. Мил.ав. 8-2-а.ларда Юнонистон ва Римда қарийб барча билимлар фал. фани доирасида ривожланиб келган эди. Аммо, ана шу даврнинг ўрталарига келиб риторика (нотиқлик санъати) ва политика (сиёсат) каби фанлар фал.дан ажралиб чиқди. Инсоният тарихининг кейинги босқичларида фал. таркибидан математика, физика каби аниқ фанларнинг ажралиш жараёни бошланди. Қолаверса, кейинги асрларда ижтимоий ва аниқ фанлар тизими шаклланди, баъзи қадимий аниқ фанларнинг ўзи ҳам (математика, физика ва б.) муайян соҳаларга (арифметика, алгебра ва б.) бўлиниб кетди. Инсоннинг ташқи оламнинг билишига бўлган интилиши муайян даврга келиб, фал-ий-назарий билишни тарихий заруратга айлантирди. Бунинг натижасида ақлий ва жисмоний меҳнат тақсимотининг дастлабки шакли вужудга келди ва фаннинг назарий жиҳатларини ўрганувчи кишилар тоифаси пайдо бўлди. Олам ва одамнинг яралиши, мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларини афсона ва ривоятлар асосида тушунтиришни мақсад қилиб олган дунёқараш соҳаси «мифология» (миф — афсона, логос — таълимот) деб аталадиган бўлади. Илмий ва руҳий қарашларнинг ўрни ва аҳамиятини мутлақлаштирадиган тафаккурнинг бир йўналиши «теология» (тео — худо, логос — таълимот) деган ном олди. Шундай қилиб, инсоннинг билиш жараёни такомиллашиб боргани сари мустақил фанлар

тизими ҳам шаклланаверди. Жамият ривожини муайян босқичларга келиб мифологик диний қарашлар оламни билиш талабларга жавоб бермай қолди. Фалдан фанларнинг ажралиб чиқиши, уни қашшоқланишини эмас, балки ривожланиш хусусиятини кўрсатувчи аломатга айланди. Тараққиёт жараёнида фалдан табиатшунослик фанлари б-н бирга *психология, этика, эстетика* каби ижтимоий фанлар ҳам ажралиб чиқди. Кейинчалик маданият, қадриятлар ва ҳуқуқ каби соҳаларни ўрғанадиган алоҳида йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Улар оламни предмети доирасида яхлит билиш, унинг хусусий қонуниятларини ўрганишга ёрдам беради. Фал-ий йўналишлар, тадқиқот олиб борадиган соҳаларга кўра, ўзига хос бўлиб, асосийлари қуйидагилардир: **о н т о л о г и я** олам, инсон ва жамиятнинг объектив-универсал моҳияти тўғрисидаги фал-ий таълимотдир. Бошқача айтганда, у борлиқ тўғрисидаги, инсоннинг оламга бўлган муносабати ҳақидаги фал-ий билим соҳасидир. *Гносеология* — билиш фал.си бўлиб, оламни англаш, билиш наз-яси, билишнинг шакли, усуллари ва имкониятлари тўғрисидаги таълимотдир. *Аксиология* — қадриятшунослик ёки қадриятлар тўғрисидаги фал-ий таълимот. *Праксиология* — инсоннинг предметли-ўзгарувчан, амалий фаолияти тўғрисидаги фал-ий таълимот. *Методология* — билиш ва ўзгарувчан фаолият усуллари тўғрисидаги таълимот. *Логика* — тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, ҳулоса) ва тафаккур воситаларини (таъриф, қоида, муҳокама, тафаккур қоидалари), уларнинг мазмунидан қатъий назар, ҳолис ўрганувчи таълимот. *Этика* — ахлоқ фал.си, инсониятнинг ахлоқий тамойиллари, талаб ва тартиб-қоидалари тўғрисидаги фан. *Эстетика* — нафосат фал.си, таълимот ва инсон ҳаётида гўзалликнинг ўрни, қоидалари тўғрисидаги қарашлар мажмуи. Бундан ташқари, инсон фал.си (антропология), ижтимоий фал. табиат фал.си, маданият фал.си, санъат фал.си, мафкура фал.си (идеология), дин фал.си (теология), сиёсат фал.си (политология), ҳуқуқ фал.си, техника фал.си каби соҳалар ҳам мавжудки, улар бир сўз б-н ижтимоий-фал-ий фанлар тизими дейилади. Иккинчи хил таснифлаш фал-ий фанлар таснифида олам ва одам, борлиқнинг асоси б-н масалалар қандай усулда ҳал қилишга қараб белгиланади. Бундай таснифлаш натижасида монизм, дуализм, материализм, идеализм, теизм, атеизм каби кўплаб йўналишлар кўзга ташланади. Бу тизимда фал. тарихи билимнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бунда тадрижий тараққиёт тамойили асосида фал-ий тизимлар ўртасидаги тарихий изчилликка таянилади. Мазкур қўлланма фал. тарихи ана шундай тамойил асосида ўрғанилган. Фал-ий билимлар тизимининг ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши объектив ижтимоий-тарихий жараён маҳсули бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келади

ва уни ўзида ифода этади. Фал-ий билимлар тизимидаги алоҳида йўналиш ҳар бир тарихий даврда ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланса ҳам, уларнинг умумий тамойиллари мавжуд. Яъни биринчидан, ҳар бир фал-ий билим йўналиши жамият ривожланишида ўзига хос демократик (сабаб) вазифасини бажаради. Иккинчидан, фал-ий билимлар жамият тараққиётига таъсир кўрсатувчи субъектив омил бўлса ҳам, вужудга келиши асоси — генезиси нуқтаи назаридан объектив ҳодисадир. Учинчидан, фал-ий билим йўналишларининг ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик муносабати, уларнинг дунёни билишдаги яхлитлигини таъминлайди.

ФАН — дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими; уни маълум мақсадлар йўлида ўзгартиришга, хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли. Жамиятнинг ижтимоий ин-т ларидан бири бўлган **Ф.** қадриятлар тизимида ўзига хос ўринга эга. У қагга илмий салоҳиятни, ижодий куч-қувватни бирлаштиради, миллат дунёқарашини шакллантиради, таълим-тарбия, ахлоқ меъёрларини вужудга келтиради, маънавий баркамол инсонни тарбиялайди, мамлакатда қудратли илмий потенциални яратишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон зиёлилари, **Ф.**ва техникани, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Мас., табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси ва эҳтимоллар наз-яси, геологик жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш, молекуляргенетик, ген-ҳужайра соҳасидаги, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш, қуёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа турдаги энергияга айлантириш ва б. Ўзбекистонда **Ф.** соҳасидаги ислохотларга катта аҳамият берилмоқда. 2002 й.да Республика Фан ва техника давлат комитетини Ўзбекистон Фан ва технологиялар марказига айлантирилиши, унинг шу тамойиллари ўзгариши фикримизнинг далилидир.

ФАН ФАЛСАФАСИ — илмий билиш фаолиятининг табиатини фанларнинг фалсафий муаммоларини ўрганувчи фалсафанинг йўналиши, тармоғи. 19-а. ўрталарида шакллана бошлаган. 20-а. бошларида фан ҳақида фал-ий фикрлар алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Табиатшуносликда, ижтимоий-гуманитар фанларда буюк ўзгаришлар юз берди. Фаннинг жамиятдаги ўрни ҳақида фал-ий фикрлар шаклланди. Бу фикрларнинг баъзилари фаннинг ҳамма соҳадаги устунлигини кўрсатса (сциентизм), баъзиларида фаннинг ривожланиши қутилмаган фожиаларга олиб келиши айтилди (антисциентизм). Буларнинг ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб, фаннинг жамиятда тутган ролинини тўғри кўрсатиб бериш ва шу

б-н бирга, уни инсонийлаштиришга қаратилган фал-ий муаммоларни майдонга ташлаш керак бўлди. 1920-30-й.ларда «Вена тўғараги» аъзолари Ф.ф. ва фан мантиқини фал.нинг бош мавзуси, деб эълон қилдилар. Бу масала ҳоз. замон фал.сининг (неопозитивизм, постпозитивизмнинг) асосий мавзусига ай-ланиб қолди. Ф.ф.ни ишлаб чиқишда Поппернинг илмий билиш мантиғи ҳақидаги таълимоти алоҳида аҳамият касб этади. 20-а.нинг 60-й.ларида илмий текширишнинг мантиқий — методологик дастури ишлаб чиқилди. 70-й.ларда илмий билишда релятив (нисбийлик) концепциясини қайта тикловчи ва па-радигмалар ҳақида таълимот пайдо бўлди. Полани Кун ва б.лар танқидий рационализм ва тарихийлик манбаини давом эттирдилар. «Вена тўғараги» фан-нинг стандартлашган концепцияси, илмийлик ва ноилмийлик чегарасини ишлаб чиққан бўлса, Кун бу чегаранинг нисбий эканлигини кўрсатди. Ҳар бир тарихий давр ўзининг стандартлашган концепцияси ва фан чегарасига эга бўлиши мумкин, деб кўрсат-ди. 20-а. биринчи босқичда Ф.ф. дунёнинг яхлит манзараси ҳақида концепция пайдо бўлди. Бунда фаннинг детерминистик таҳлил қилиш, динамика статистик қонунларининг нисбати масалаларига ало-ҳида эътибор берилди. Иккинчи босқичда Ф.ф. фа-нининг тузилиши, илмий текшириш усулларига эътибор берилди. Учинчи босқичда эмпирик билиш верификация масаласи ҳамда илмийлик ва ноил-мийлик чегарасига эътибор кучайиб, фундамента-лизм танқид қилинди. 60-70 й.ларда янги фанларга қизиқиш ортди. Чизиқли, чизиқсиз; тартибшунос-лик ва тартиб каби мураккаб тизимни ўрганувчи тушунчалар пайдо бўлди. Ф.ф. табиат, техника фан-ларинигина эмас, ижтимоий-гуманитар фанларнинг табиатини таҳлил қилишга, уларнинг илмий-тек-шириш усулларини ишлаб чиқишга киришди.

ФАТАЛИЗМ (лот. Fatalis—тақдирга оид, машғум)— ҳар бир ҳодиса ҳамда инсоннинг барча хатти-ҳара-катларини тақдирга боғлиқ, деб қаровчи дунёқа-раш. Фал. тарихида Ф. ни ирода эркинлиги қандай ҳал қилинганига қараб уч асосий турга ажратиш мумкин: мифологик Ф. иродани ақлдан ташқарида, «қоронғи тақдир» деб қарайди; теологик Ф. тақдир Худо қудратига боғлиқ, инсон туғилишидан олдин унинг хим бўлиши, нималар бўлиши пешонасига ёзиб қўйилган, дейдилар. Бу наз-я калом фал.си-нинг энг муҳим ақидаларидан ҳисобланади, у кальвинизм ва янсенизмда ҳам ўзининг изчил ифо-дасини топган; рационалистик Ф. (механистик де-терминизм б-н қўшилувчи)—тасодифни ва инсон иро-дасини азалий тақдирнинг зарур шарти деб қарай-ди. Унинг намояндалари (пифагорчилар, Демокрит, Ницше ва б.) доиравий айланишнинг муайян дав-расида воқеалар мутлақ такрорланишини таъкид-лайди.

ФАХРИДДИН РОЗИЙ (тахаллуси; асл исм-шари-фи Имом Фахриддин Розий Муҳаммад бин Умар Розий) (1148 — Рай — 1210) — йирик илоҳиётчи ва ҳуқуқшунос олим. «Имом» ва «Фахриддин» («Дин фахри») фахрий унвонларини олган. Бир неча йил-лар Бухоро, Ҳиротда яшаган. Форобий ва Ибн Сино асарларини чуқур ўрганган. Ибн Сино асарларига изоҳлар ёзган. У мударрислик фаолияти б-н бирга самарали илмий фаолият б-н ҳам шуғулланган. Ман-тиқ, фал., табобат, психология, ҳуқуқшунослик ва б. фанлар соҳасида муҳим асарлари бор. Ф. Р. қаерга бормасин баҳс ва мунозаралар уюштириб, ўзининг қизғин баҳслари б-н иштирок этади ва ўз мухо-лифларининг турли фал-ий ва илоҳиётчилик қараш-ларига эътирозларини баён қилади. Ф. Р. илмий мак-таб яратиш ташаббускорларидан бўлган ва бу мак-табда раҳбарлик қилган. Унинг дунёқараши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзилари уни муътазилий-лар тарафдори, десалар, баъзилар уни мутакаллим-лар томонда, деб ҳисоблаганлар. Аслида у ҳар икка-ласига нисбатан ҳам мустақил нуқтаи-назарда турган. Ф. Р. маълум даврларда йирик мутакаллим Абулҳасан Ашъарий таъсирида бўлган. Лекин ҳеч маҳал унинг мутаассиб издоши бўлмаган. Ҳатто кўпинча мутакаллимларга қарши чиққан файла-суфларнинг қарашларига хайрихоҳлик билдирган. Иккинчи томондан, муътазилийларнинг айрим фикрларини танқид қилган ҳолда, уларнинг таъли-мотини бутунлай инкор этмаган. Ўз қарашларида бутунлай ақл ҳукмларига таянувчи рационалист си-фатида муътазилийлар б-н ҳамфикр бўлган. Кўпин-ча муътазилийлар таълимотидан мутакаллимларни танқид қилишда гоёвий манба сифатида ҳам фой-даланган. Ф.Р. ўз танқидий фикрлаш усули б-н муъта-зилийлар таълимотидаги рационал гоёларни ўз қарашларига татбиқ қилган. Ўз фикр ва мулоҳазала-рини етарли далил ва исботлар б-н асослаб бера олмайдиган юзаки илоҳиётчиларни кескин танқид қилган. Ф.Р. ўзининг мантиқий қарашлари ва ман-тиққа оид ёзган асарлари б-н мантиқ фанининг ривожига катта ҳисса қўшган. Мантиқ соҳасида ай-рим чекланишларга қарамасдан, Ибн Сино қараш-лари б-н ҳамфикр ва Ибн Сино мантиқ мактаби-нинг йирик вакилларидан бири бўлган. Буни унинг Ибн Синонинг мантиққа оид ва энг йирик асари «Китоб ал-ишорот ват-танбеҳот» («Йўлланма ва тан-беҳ китоби») га ёзган шарҳида аниқ кўриш мумкин. Унинг муҳим асарлари: «Мунозарот», «Чаҳордаҳ ри-сола» («Ўн тўрт рисола»), «Дар аҳволи фалсафа» («Фалсафанинг аҳволи ҳақида») ва б.

ФЕДЕРАЦИЯ (лот. federatio — иттифоқ, бирлаш-ма) — давлат тузилиши шаклларида бири. Ф. ҳуду-ди Ф. субъектлари ҳудудидан ташкил топади. Струк-турасига кўра ҳудудий асосда (АҚШ, Аргентина, Австрия, ГФР, Бразилия, Мексика), миллий за-

минда (Бельгия, Покистон) ва аралаш — миллий-худудий (Канада, Россия) асосда тузилган Ф.лар фарқланади. Конституциявий ҳуқуқ наз-ясида шунингдек, конституциявий (АҚШ, Канада, Бразилия), конституциявий-шартномавий (Россия) ва шартномавий (Швейцария, Бирлашган Араб Амирликлари) Ф.лар ҳам ажратилади. Ф.да федерал органлар ва Ф. аъзоларининг органидан иборат олий давлат органларининг 2 тизими мавжуд. Федерал органлар ўз ваколатини бутун Ф. худудида амалга оширади. Федерал органлар б-н Ф. субъектлари органлари ўртасидаги ваколатларни чегаралаш усуллари турли хилдир. Бир қатор давлатларда (Аргентина, АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Швейцария) федерал ҳокимиятнинг ва Ф. субъектларининг мутлақ ваколатига кирган масалалар, баъзи бир давлатларда эса (ГФР, Ҳиндистон, Малайзия) юқоридаги икки ҳолатдан ташқари бир вақтнинг ўзида ҳам Ф., ҳам Ф. субъекти ваколатига киритилган масалалар белгилаб қўйилган. Ф. субъектлари, ўз конституциясига эга бўлиши амалиётда кенг тарқалган. Бироқ баъзи давлатларда (Канада, Венесуэла) Ф. субъектлари ўзларининг мустақил конституцияларига эга эмас. Айрим мамлакатларда Ф. субъектлари ўзаро тенг ҳуқуқли бўлсаларда, ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра фарқланиши ҳам мумкин. Мас., Россия Ф.си субъектлари ҳуқуқий мақомига кўра республика, ўлка, область, федерал аҳамиятга эга шаҳар, автоном область ва автоном округларга бўлинади. Шулардан фақат республикалар ўз конституциясини, бошқа субъектлар эса ўз уставини қабул қилиши мумкин. Ф. субъектларининг ҳар бири ўзларининг ҳуқуқий ва суд тизимларига эга. Мас., 50 штатдан ташкил топган АҚШда ҳар бир штатнинг бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқ ва ўз суд тизими бор. Кўпчилик Ф.ларда ҳам ягона фуқаролик, ҳам Ф. субъектлари фуқаролиги мавжуд. Венесуэла, Канада, Малайзияда фақатгина федерал фуқаролик белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг исботидир. Ф. субъектлари федерал парламентда махсус палатага эга. Бироқ улар унитар давлатлардаги парламентларнинг юқори палатасидан деярли фарқ қилмайди. Ф.ни ташкил этадиган давлатлар тўла маънодаги давлатлар эмас. Улар халқаро муносабатларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрумлар. Аини пайтда Ф. конституцияси ёки қонунчилиги бузиладиган бўлса, марказий ҳокимият Ф. субъектига нисбатан куч ишлатиши ҳам мумкин. Бу федерал конституция ва қонунларни бузган раҳбарларни ўз вазифасидан четлатиш, уларнинг ўрнига марказий ҳокимиятнинг муваққат вакиллари тайинлаш, зарур ҳисобланганда вакиллик органларини вақтинчалик тарқатиб юбориш, субъект худудига федерал қўшинларни олиб кириш каби ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар конституция ёки тегишли қонунларда белгилаб қўйилади.

ФЕЙЕРАБЕНД Пауль (1924.13.01 Вена, Австрия) — АҚШлик фан фалсафаси ва методологик бўйича йирик мутахассис. Эпистемологик анархизм деб номланувчи методологик концепцияни илгари сурган. Бу концепция К. Поппер ғояларини, Т. Куннинг фан фал.сидаги яратган мактаби ғояларини ва позитивистик методологияси танқидининг мантиқий давоми сифатида майдонга келган. Илмий наз-я қандайдир факт б-н тўқнашувида наз-яни инкор этиш учун факт-ни рад этувчи, сифат берувчи яна битта наз-я кераклиги ҳақида Поппер ва Кун ишлаб чиққан қоидага таянган Ф. наз-яни кўпайтирувчи (пролиферация) методологик принципни олдинга ташлади. Олимлар мавжуд наз-яларга ўхшамайдиган янги наз-яни яратишлари зарурлиги пролиферация принципининг талабдир. Яъни, алтернатив наз-ялар яратиш, улардан аввалгилари танқид остига олиниши зарур. Ф. бу принцип орқали илмий билиш методологиясига плюрализмни олиб кирди. Ф. фанда ўртача эмпирик фан тили бўлишини рад этди. Унингча, ҳар бир наз-янинг ўз «тили» бор, наз-ялар алмашинувида эса у ўзгаради. Ҳатто терминлар мазмуни ҳам бошқача бўлиши, ўзгариши мумкин. Ўзаро рақобатга киришувчи ёки алмашинувчи альтернатив (муқобил) наз-яларни ноўқовлиги ҳақидаги тезисни Ф. илгари сурди. Ҳар бир наз-я ўзини хусусий нормаларини яратгани боис наз-яларни умумий эмпирик базисга нисбатан ёки умумий мантиқий-методологик стандартлари ва меъёрлари нуқтаи назаридан ўзаро солиштириб кўриш мумкин эмас. Ф.да плюрализмни наз-яларни ўзаро ўлчовсизлиги ҳақидаги тезис б-н қўшиб юборилиши пировард натижада анархизмни келтириб чиқаради: ҳар бир олим бошқаларга яқинлашмайдиган, умумлашмайдиган ўз хусусий наз-ясини илгари суришга ҳақли, у танқидларга эътибор бермаслиги мумкин. Олимни фаолияти ҳеч қандай рационал меъёрларга бўйсунмас экан, фаннинг тараққиёти иррационал тарзда бўлади, дейди Ф. Янги наз-я рационал танловда ғолиб чиққанлиги учун эмас, балки ҳақиқатга яқинлиги, фактларни кўпроқ тасдиқлаганлиги учун ҳам устунлик мақомини эгаллайди. Иррационал хусусиятли фан асотир ва диндан ҳеч қасри б-н фарқланмайди, — дейди Ф., балки идеологиянинг бир-бирига яқин шаклига айланади. Шунинг учун жамиятни «фан диктати»дан, давлатни эса фандан ажратиш зарур, қолаверса фанга миф ва магияга, динга жамиятда бир хил ҳуқуқ ва меъёрлар бермоқ керак, дейди Ф. Олим бу ғоялари б-н мантиқий позитивизмни ҳамда қатор методологик ғояларни қаттиқ танқид қилди. Бу методологик ғоялар реал илмий амалиёт ва фан тарихи б-н зид ҳолатда бўлиб, прагматизмга асосланган эди. Ф. фан фай. ва фан тарихчиси сифатида 200 дан ортиқ оригинал илмий ишлар эълон қилди. 20-а.даги фан билимдони сифатида методологик анархизм наз-ясига асос солди. Т. кун ғоялари асосида қатор методологик масалалар ечимини ишлаб чиқди.

ФЕЙЕРБАХ Людвиг Андреас (1804.08.7, Ландсхут, Бавария — 1872.13.9, Рехенберг, Нюрнберг яқинида) — немис файласуфи ва диншунос олим. Эрланген ун-тининг приват-доценти (1841). «Христианликнинг моҳияти», (1841) «Келажак фалсининг асослари» (1843) ва б. асарлар муаллифи. «Ўлиш ва ўлмаслик ҳақидаги фикрлар» деган имзосиз китобни чоп этганлиги учун (1830) муаллимликдан четлаштирилган. Умрининг сўнгги йилларини Брукберг қишлоғида ўтказган. Ф.нинг назарида инсон соф биологик вужуд, яъни унинг антропологизми инсон моҳиятини биринчи ўринга қўйишда намоён бўлади ва унда инсон фал.нинг «бирдан-бир, универсал ва олий» предмети деб қаралади. Билиш наз-ясида Ф. эмпиризм ва сенсуализмни ҳимоя қилиб, агностицизмга қарши чиқди. Шу б-н бирга у билишда тафаккурнинг аҳамиятини ҳам инкор этмайди. Объектнинг субъектнинг фаолияти б-н боғлаб тавсифлашга уринади, инсон билиши ва онгининг ижтимоий табиати ҳақида ўз фаразларини айтади ва ҳ.к. Ижтимоий ҳодисаларга қарашлар Ф.нинг антропологизми универсал фан сифатида ижтимоий ҳаётни ўрганишда тадбиқ қилишга интилишидан келиб чиқади. Динга у инсон хоссаларининг бегоналашуви деб қарайди; инсон бамисоли иккиланиб, Худо қиёфасида ўзининг асл моҳиятини мушоҳада қилади. Шундай қилиб, дин инсоннинг «ўз-ўзини онгсиз англаши» бўлиб чиқади, Ф.нинг диннинг ижтимоий ва тарихий илдизлари ҳақидаги фаразлари айниқса, қизиқарлидир. Бироқ, антропологизм туфайли Ф. бу масалада янги дин зарурлигини тарғиб қилди. У ахлоқ принципларини инсонга азалдан хос бўлган бахтга интилишдан келтириб чиқаради, унинг фикрича, ҳар бир киши ўз эҳтиёжларини оқилона чеклаб, бошқа кишиларга меҳр-муҳаббат б-н қарагандагина бахтга эришиши мумкин. Ф. ўйлаб чиқарган ахлоқ ғайритарихий характерга эга бўлиб, ҳамма замонлар ва халқлар учун бир андозада яратилган.

ФЕМИНИЗМ — аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини эркаклар билан тенглаштириш учун бошланган айрим тараққий этган мамлакатлардаги аёллар ҳаракати. Феминастрларнинг талабиди мавжуд давлат тизимига даҳл қилмаган ҳолда, аёлларнинг сиёсий мазмундаги айрим ҳақ-ҳуқуқларини уларнинг жамиятдаги табиий ҳолати хусусиятларидан келиб чиқиб, эркаклар б-н тенглаштириш кўзда тутилган.

ФЕНОМЕН (юн. *phainomenon* — юз берувчи) — 1) кўзга кўриниб турган ҳол; 2) ноёб, кам учрайдиган ҳол, ёки буюк, ягона бўлган инсон; 3) ҳиссий билиш, тажрибада берилган маълум бир ҳолни англаувчи фал-ий атама; ҳиссий тажриба ёрдамида пайқаладиган ва англанадиган ҳодиса, жонли мушоҳада объектини билдирадиган тушунча. Фал. тарихида Ф. моҳият ёки ҳодисанинг ифодаси ёки намоён бўлиши сифа-

тида талқин қилинади (Лейбниц, Шеллинг, Гегель). Идеалистик фал.да Ф. объектив борлиқни акс эттирмайдиган бизнинг онгимизнинг субъектив мазмуни. Кант фал.сида эса априор схемалар ёрдамида тартибга келтирувчи ҳодисалар дунёсидан иборат билиш воқелиги сифатида тушунтирилади. Кант учун Ф. ноумендан кескин фарқ қилади, чунки ноумен тажриба доирасидан ташқарида қолади. Ф. тушунчаси ёрдамида эса, у моҳиятни ҳодисадан ажратиш ташлашга ва моҳиятини билиб бўлмаслигини уқишга уринади. Субъектив идеализм вакиллари томонидан эса, (мас, Беркли, Юм ва б.) Ф. тушунчаси тажриба ва бутун реаллик б-н айнанлаштирилган субъектив ҳис-туйғулар, сезгилар комбинациясини англаган. Идеалистик фал.да Ф. ни «соф моҳият», ўзига хос «ғоя» лар тарзида кўрсатишга уриниш мавжуд: мас, Платон «ғоя»си, Гёте идеал типи ва б.

ФЕНОМЕНАЛИЗМ (юн. *Phainomenon* — юз берувчи) — ноёб, камёб, кам учрайдиган ҳолат ёки инсон, ҳис-туйғу тажрибаси б-н пайқаладиган ёрқин ҳодисани англаувчи тушунча б-н боғлиқ бўлган фалсафий таълимот. Бунда фақат ҳодиса (феномен)ларгина билишнинг объекти ҳисобланади. Ф. ривожланиши натижасида оламни ғоялар ёки «сезги комплекслари» мажмуи, деб билувчи эмприокритицизм (Ж. Беркли) ҳамда сезгилар замирида нима борлигини билиш мумкин эмас, дейдиган агностицистик (юн) хулоса ҳосил бўлади. Ф. ҳодисалар оламида ташқаридаги мавжудликни («ғоя», моҳият, «нарса ўзида»ни) эътироф этиб, уни қандай бўлса шундайлигича, «охиригача» билиб бўлмайди деб таълим беради. Ф.даги бундай қараш скептицизм ва агностицизм (И. Кант, О. Конт, Г. Спенсер ва б.) таълимотларига хосдир. Ҳоз. замон позитивизмида Ф. лингвистик шаклга кирмоқда, чунки, унинг асосий тезиси тажрибани «объектив» ёки «феноменистик» тилда ифодалаш мумкинлигидан иборат. Аввалда нарсалар ҳақидаги мулоҳазаларни онгининг мазмуни ҳақидаги қарашлардан иборат қилиб қўйиш батамом мумкинлигини эътироф қилган баъзи неопозитивистлар сўнгги вақтда бу уринишларнинг беҳудалигини англай бошладилар. Ҳақиқий фал-ий нуқтаи назардан қараганда Ф.нинг бошланғич тезиси асоссиздир, чунки унда билиш воқеликдан ва амалиётдан ажратиш қўйилган.

ФЕНОМЕНОЛОГИЯ — 20-аср фалсафасидаги йўналиш. Асосчиси Гуссерль. Ф.нинг манбаи онда амал қиладиган тажрибадан ва тарихийликдан ташқари ғоявий моҳиятларни қайта кўриб чиқишдан иборат. Фал-ий онгни натуралистик моҳиятлардан озод қилишга қаратилган Ф.нинг марказий тушунчаси — онгининг «интенционалиги» (унинг объектига йўналтирилганлиги) — «субъектсиз объект йўқ» деган субъектив идеалистик тамойилни мустақамлашдан

иборат. Гуссерль ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида ўз Ф.сига-онг моҳиятини тавсифлашга қаратилган янги фанга асос солди. Агар ҳар қандай фалнинг вазифаси бизнинг тушунчаларимиз мазмунини аниқлашдан иборат бўлса, Гуссерль тақлиф этган усул ёрдамида эса, Ф. онг ҳаётининг ўзини ташкил қилувчи мазмунларни шаклланиш жараёнини аниқлайди. Бунинг учун феноменологик методнинг талаблари қуйидагилардан иборат: 1) ореноменологик редукция, яъни объектив воқеликка оид бўлган ва «соф» (яъни субъектив) тажрибадан ташқарига чиқадиган муқокамаларга йўл қўймаслик; 2) трансцендентал редукция, яъни билиш субъектини реал, социал, психофизиологик вужуд деб эмас, балки «соф», трансцендентал онг деб қараш. Шу маънода, Ф. да фал. «соф моҳиятлар»ни ўрганувчи фан бўлиши лозим, дея даъво қилинади ва у реал фактларни ўрганишга қарама-қарши қўйилади. Онг шаклланишини таҳлил қилишда феноменологик ёндашув психология ва психиатрияда, этика ва эстетикада, ҳуқуқ ва социологияда, дин ва фан фалсида кенг ёйилди. Трансцендентал субъективликни тушунишдаги тафовутлар туфайли Гуссерль таълимидан фарқ қиладиган Ф. кўринишлари ва шакллари ҳам пайдо бўлди. Хусусан, унинг издошларидан бири Шелер фикр манбаини шахс руҳида кўрган бўлса, Гуссерлнинг ассистенти Хайдеггер эса, экзистенцияда кўрди. Натижада Ф. дан ҳосил ҳилинган зиддиятли хулосалар ушбу оқимнинг ичида бўлиниш рўй беришига ва оппозиция чиқишига сабаб бўлди. Оқибатда бу мактабнинг сўл қаноти Ф.ни иррационализм ва экзистенциализмдан ҳимоя ҳилиб, сақлаб қолиш учун уринмоқда (М. Фарбер, қисман Р. Ингарден). Гуссерлнинг Лувен католик ун-ти қошидаги (Бельгияда) архиви ва «Фал. ва феноменологик тадқиқотлар» журналинини нашр этувчи Халқаро Ф. жамияти феноменологик оқимнинг ҳоз. даврдаги назарий марказларидандир. Субъективизм, табиётшунослик фанлари б-н боғлиқликдан йироқлик Ф. нинг жиддий камчиликлари бўлса, сциентизм ва позитивизмга нисбатан танқидийлик унинг ижобий хусусиятидир.

ФЕТИШИЗМ (франц. Fetishisme — тилсим, бут) — табиатдаги нарса ва ҳодисаларга эътиқод қилувчи диний тасаввурлар мажмуи. Этнографияда Ф.нинг тавсифи хилма-хилдир. Дж.Леббок ибтидоий динда инсон хоҳишини Худо бажара олиш имконияти, деб Ф.ни асослаган бўлса, Тэйлор, Спенсер Ф. анимизмнинг бир шакли, деб қайд қилган. Ф. жаҳон динлари таркибида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, христианликда икона ва чиримай сақланиб қолган мурданни муқаддаслаштириш, буддизмда «муқаддас ховонча ўғир», исломда «муқаддас жойлар», «қора тош» илоҳийлаштирилган. Кишилик тарихи шуни кўрсатадики, ҳар қандай предмет фетиш бўлиб

хизмат қилиши мумкин. Мас., гаройиб шаклдаги тош, ёғочнинг бўлаги, ҳайвоннинг тиши, яхшилаб ишланган фигура, заргарлик буюми. Бундай предметлар даволаш, душмандан асраш ва б. хусусиятларга эга деб тушунилган. Агар бирон киши шундай предметга мурожаат этиб, кейин ютуққа эга бўлса, бунга ўша фетиш ёрдам берди, деб, эъзозланган, аксинча муваффақиятсиз чиқса, бундай фетиш ташлаб юборилган ёки бошқаси б-н алмаштирилган. Ибтидоий одам тасаввурининг ўша даврга хос соддалиги фетишларда буюк куч бор деб, билиш эди. Буюмларни жонли деб тушуниларди. Мас.: «шамол келмоқда», «шамол ухламоқда» ва б. Фетишлар давр ўтиши б-н мураккаблашиб, кейинчалик тумор, санам (бут) ва б.ларга мурожаат этишган. Ф.нинг асл ватани гарбий Африка бўлса-да, у бошқа юртларга ҳам тарқалган. Ф. капиталистик жамиятда меҳнат маҳсулотларини тақсимлаш, айниқса қиймат ва б.ларнинг ўз-ўзидан ривожланиш жараёнида ҳам юзага келди. Жамиятда Ф. предметларининг табиий хусусиятларини, функцияларини ёки инсон фаолиятининг маҳсулини, индивиднинг табиий хусусиятларини илоҳийлаштириш б-н характерланади.

ФИЛОСОФЕМА (юн.) — фалсафий тасдиқ ёки фалсафий таълимот.

ФИЛОСОФИЯ (юн. phileo — севаман ва sophia — донишмандлик) — энг умумий билимлар тизими, оламни билишнинг махсус шакли. «Ф.» атамаси илк марта Пифагор томонидан қўлланилган, лекин Ф.ни назарий билимнинг алоҳида бир соҳаси сифатида ажратишга уринган биринчи файласуф Платон эди. Баъзи Шарқ халқлари (араб, форс ва туркий тилли)да «Ф.» сўзи арабча талаффузда «фалсафа» деб ҳам аталади (қар. *Фалсафа*).

ФИТРАТ (*тахаллуси*; асл исм-шарифи Абдурауф Абдурахим ўғли, 1886, Бухоро — 1937, Тошкент) — ўзбек ёзувчиси ва олими. Отаси савдогарлик б-н шуғулланган, ўқимишли шахс бўлган, онаси Мустаф биби нозиктаъб, саводли аёл бўлиб, асосан фарзандлар таълим-тарбияси б-н шуғулланган. Ф. дастлаб эски мактаби ва Мир Араб мадрасасида таълим олиб, 1909 й. «Жамияти хайрия»нинг кўмагида, Истанбулга ўқишга боради. У ерда Истанбул дорилфунунининг ваъзхонлик куллиятида таҳсил олади. Истанбулда ташкил этилган «Бухоро таълими, маориф жамияти»нинг фаол иштрокчиларидан бирига айланади. Шу б-н бирга, турк инқилобчи ёшлари ҳаракатига ҳам аралашади ва бу фаолиятни кейинроқ, ўз ватанида, ёш бухороликлар жамиятининг инқилобий курашида давом эттиради. Ф. 17 ёшидан бошлаб, жиддий илмий-ижодий иш б-н шуғулланади. Унинг асарлари 260 босма табоқдан зиёд илмий меросни ташкил этади. Бу асарлар адабиёт-

шунослик, этика, эстетика, мусиқа, шахмат, ме-
лиорация, геодезия каби билим соҳаларига бағиш-
ланган бўлиб, улар Ф.нинг қомусий тафаккур ва
ақл эгаси бўлганлигидан дарак беради. Унинг даст-
лаб яратилган «Мунозара» (1909), «Ҳинд сайёҳи
баёноти» (1911), «Раҳбари нажот» (1915) асарлари
нафақат бадиий ва диний, балки, ижтимоий ва
фал-ий, маърифий ва ахлоқий руҳдаги асарлар
бўлиб, бу асарларда халқнинг ўтмиши ва қадрият-
лари ҳақида тутқун ва турғун миллатнинг истиқбо-
лини ёритиш ҳақидаги гоёлар асосий ўрин эгалла-
ди. Ф., кейинроқ ёзилган «Шарқ сиёсати» (1919),
«Шарқда инглизлар», «Туркистонда руслар» публи-
цистик мақолаларида истило сиёсатининг турли
халқлар ва миллатлар ҳаётидаги таъсири, салбий
оқибатларини равшан кўра олган, унга баҳо бера
олган йирик арбоб сифатида фикр юритади. Ф. Пет-
роград дорилфунунининг Шарқ ф-тида маърузалар
ўқиб юрган кезлари, ўзбек олимларидан биринчи
бўлиб, профессор унвонига сазовор бўлган. У Бри-
тания энциклопедиясида ўзбек файласуф олими си-
фатида қайд этилган биринчи адибдир. Ф. ўзбек мум-
тоз адабиётини ўрганиш ва тарғиб этишда, ўзбек
мумтоз мусиқаси ва санъатини ўрганиш, «Шашма-
қом»ни ногага туширишда жонбозлик кўрсатган.
Унинг ҳар бир асари миллий меросни қайта тик-
лаш ва миллий маданиятни ривожлантиришга қара-
тилган, миллий истиқлол ва мустақил тараққиёт
концепцияларини баён этишни ўз олдига мақсад
қилиб қўйган. Ўз илмий ва амалий фаолияти жиҳа-
тидан кенг ва серқирра ижод этган олим ва мил-
латпарвар Ф. 1937 й.да машъум қатоғон сиёсати-
нинг қурбони бўлди. Унинг меросини холисона ўрга-
ниш имкони истиқлол йилларида очилди, холос.

ФИХТЕ (Fichte) Иоганн Готлиб (1762.19.5, Рамме-
нау, Оберлаузитц —1814.29.1, Берлин) — немис
файласуфи ва жамоат арбоби. Немис классик фал-
сининг вакилларидан бири. Илоҳиётшунослик, фи-
лология ва фал.ни Иен, Лейпциг шаҳарларида ўрган-
ди. 1792 й.да И. Кантнинг таъсирида «Ҳар қандай
кашфиёт танқидининг тажрибаси» асарини ёзди.
Асарда танқидий фал.нинг асосий қоидаларини ило-
ҳиётга ва позитив динга татбиқ қилишга ҳаракат
қилди. Танқидчилар бу асарни И.Кант қаламига ман-
суб, деб қабул қилдилар ва асар тезда машҳур бўлиб
кетди. Асар аноним муаллиф имзоси б-н эълон
қилинган эди. Натижада Ф. кўпчилик тан олган асар-
нинг муаллифи бўлиб чиқди. Унинг француз буржуа
революциясининг таъсири б-н ёзган асари ҳам маш-
ҳур. Асарда Ф. эркин фикрни ҳимоя қилиб, якобин-
чиларнинг революцион террорини кескин танқид
қилди. Ф. Иен ун-тининг фал. кафедрасига ишга так-
лиф этилди. 1794-99 й.лар бу ерда профессорлик ва
адабий фаолиятини фаол давом эттирди. Ф. ўзининг
бош асари бўлмиш «Умумий фан таълимоти асосла-

ри» (1794) асарида фан таълимоти тушунчаси, уму-
мий фан таълимоти асослари, назарий қобилиятга
фан таълимотининг муносабатлари, инсон кадр-қим-
мати ҳақида, фан таълимотига биринчи муқаддима,
фан таълимотига иккинчи муқаддима каби масала-
лар баён этилган. Бу асар немис, француз, итальян,
рус тилларида нашр қилинган. Иен ун-ти даҳрийлик
ҳақидаги баҳсдан кейин Ф. бу ердан ишдан кетади.
1800 й.дан Берлин ун-тига ишга киради. 1810 й.дан
Берлин ун-тига биринчи сайланган ректор бўлади.
Бу давр немислар учун жуда оғир давр бўлиб, хар-
бий мағлубият уларни анча қийнаб қўйган эди. Ф. ўз
фаолиятининг катта қисмини бу даврда ижтимоий-
ватанпарварлик масалаларига бағишлайди. Ўша даврда
анчагина машҳур бўлган «Ҳозирги даврнинг асосий
хусусиятлари», «Немис миллатига доир нутқ»лар ва
б. асарларини ёзади. Бу асарларида Ф. халқни кела-
жак учун бирлашиш ва жипслашишига чақирди,
таълим ва тарбияда қатор радикал ислоҳотлар ўтка-
зишни белгилайди. Ф. табақавий имтиёзларга қарши
чиқди, Германиянинг бирлашиши, феодал тарқоқ-
ликни бартараф этишнинг қизғин тарафдори бўлди.
«Амалий» фал.нинг ахлоқни асослашга, давлатнинг
ҳуқуқий тузилишдаги аҳамиятини алоҳида эътибор
берди, бироқ «амалиёт»ни фақат ахлоқий онгдаги
фаолият б-н боғлаб тушунтирди. «Амалий» фал.ни
шакллантиришнинг асосий шарт-шароити назарий
тизимни илмий асослаш, деб билди. Ф. И.Кантнинг
танқидий фал.сидаги имманент ривожланиш манти-
қий, қонуний йўл, деб тушунди. Бу ривожланишда
Ф. ўз таълимотини бирдан-бир ривожлантириш ва-
рианти, деб билди. Лекин Кант фал.сидан «нарса
ўзида» концепциясини, билишнинг барча хилма-
хил шакллари олиб ташлаб, билиш фақат субъек-
тив идеалистик бошланғичга боғлиқ, деб қаради.
Ф. қандайдир мутлақ субъект чексиз фаол фаолияти-
га эга ва у оламни ҳам яратади, деган хулосага келди.
Ф. «Мен» индивидуал «Мен» эмасман, лекин, Спи-
ноза субстанциясига ўхшаб, субстанция ҳам эмас-
ман, балки у онгнинг ахлоқий фаолиятидир. Ф. 1800
й.дан сўнг ўзининг назарий фаолиятига ўзгаришлар
киритди, уни олдинги универсал аҳамиятини барта-
раф этди. Агар шу давргача ахлоқ ва фаолиятни бир-
бири б-н тенглаштирган, айнанлаштирган бўлса,
энди эса, ахлоқий бошланғич ва фаолиятни бир-
биридан ажратиб тушунтиришга интилди. Ф.нинг
фал-ий қарашлари немис классик фал.сининг ке-
йинги вакиллари Шеллинг, Гегель фал.сига катта
таъсир қилди.

ФОЖЕАЛИЛИК — эстетика категорияси; ҳаётнинг
чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари. Унда ҳаёт ва
ўлим, эркинлик ва зарурат, ақл ва туйғу, қонун ва
бурч, шахсий ва ижтимоий томонлар намоён бўла-
ди. Санъатдаги Ф. ҳақида фикр юритганимизда санъ-
атдаги фожеали оҳанглар, Ф.санъати ва ниҳоят, Ф.

санъат тури каби муаммо алоҳида мушоҳада қилиниши лозим. Деярли барча улкан ижодкорлар яратган асарларда фожеали оҳанглар мавжуд. Ҳар қандай фожеа заминда алоҳида фожеали тўқнашув ётади. Гегель Ф.ни бежиз моҳиятли кучлар тўқнашувларининг натижаси сифатида таърифламайди. Чунки бу тўқнашувлар курашининг қандай тугалланиши б-н инсоният истиқболи, ахлоқий тараққиёт тақдири боғланиб кетган бўлади. Бу ҳол фожеани санъатнинг фал-ий жиҳатдан энг моҳиятгалаб турига айлантирадики, унда ижодкорга ҳаётнинг инсониятни бутун тарихи давомида ҳаяжонлантирадиган туб масалаларни ўз олдига қўйиб, ҳал қилиш имкониятини беради. Фожеа қаҳрамони кўпинча ижобий тусда тасвирланади, у ўз даврининг ижобий орзу-умидлари, у ёки бу қиррасини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахсни намоеън этади. Лекин фожеа тўқимасида бошқа турдаги қаҳрамонлар ҳам акс эттирилган бўлиб, Шекспирнинг Макбет ва Ричард, Ш.Брехтнинг Куражонага ўхшаш қаҳрамонлари ўз тақдирлари б-н томошабинда ўта зиддиятли ҳис-туйғулар кўзгаётиди. Улар содир қилаётган мудҳиш кирдикорлари қатъий норозилик, жирканиш, шу б-н бирга, агинининг туйғусини вужудга келтиради. Одатда фожеа мазмунида қаҳрамонининг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиши намойиш этилади. Фожеа қаҳрамони бу ерда фожеали драматик ҳаракатнинг асосий субъекти сифатида амал қилади. Шунинг учун, фожеа қаҳрамоннинг фаоллиги, ўз орзу-иродасини ҳатто ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам барқарор этишга интилиши унинг моҳиятли белгисини ташкил этади. Ўз иродасини ўрнатишга интилишида у тарихий имкониятсизлик б-н тўқнашув, мазкур тарихий шароитларда счимсиз қолиб, фожеани юзага келтиради. Юксак фожеа қаҳрамоннинг машаққатли азоб-уқубатлари б-н боғланган бўлсада, кўпинча асар унинг ҳалокати б-н тугаллансада, бари-бир қайғу ва маъюслик эмас, балки яшаш ва кураш истаги, бу курашда ўқувчи ва томошабинда ўзининг ҳалок бўлишини билиб турган инсон учун гурур туйғуси кўзгаётиди. Инсон улуғворлигини тараннум этиш ҳаммадан ҳам кўпроқ ва ёрқинроқ санъатнинг фожеа турида ифода топгандир. Ф. санъатда ранг-баранг услубларда талқин этилиши мумкин. Фожеанинг тарихий шакли қадимги дунё фожеаси (Эсхил, Софокл, Эврипид) эски патриархал тартиботлар емирилиб, тарихда биринчи синфий жамият ўрнатилиши жараёнида вужудга келди. Унга хос бўлган «қисмат оҳанги» табиий ва ижтимоий қонунлар ҳақидаги тасаввурларни акс эттирди. Ўрта асрларда Фарб христиан мафкураси фожеа руҳига бутунлай қарши курашган бўлиб, бу даврда бирор-бир арзийдиган бу тур асари яратилмаганлигини биламиз. Фожеанинг янги раванқи Уйғониш даврида бошланди. Шекспирда Ф. бутун

ҳаётни, ижтимоий алоқалар ва муносабатларни қамраб олади. Шекспир ўзининг фожеавий асарларида кучли, жасоратли, гурурли, эркин инсон тимсолини барқарор ўрнатди. Инсон ўз шахси эркинлигини ўрнатиш мумкинлигига ишонади ва унинг фожеали янглишиши мана шунда намоеън бўлади. Шекспир ўз қаҳрамонларининг ўзлигини сақлашга, ўз озодлигини инсон руҳини синдириб ҳалокатга судраётган тузум шароитида ўрнатишга интилиши ифодаланади. М.Шайхзоданинг «Улуғбек» драмасыни ҳам фожеа асари дейишимиз мумкин, чунки унинг асосий бадий оҳанги, ундаги эҳтиросли тўқнашувлар руҳи, улкан ҳиссий таъсир кучи, қаҳрамонларининг тақдири жиҳатидан ўта фожеали матнга эгадир. Бу драма-фожеада ўша даврдаги кенг томир ёйган ижтимоий, ахлоқий муаммолар чуқур қўйилган бўлиб, шу туйғули бу асар фожеадан огоҳлантирувчи қудратли овоздай жаранглайди.

ФОРМАЛИЗМ (лот. *formalis* — форма, шакл) — борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг шакли ва ташқи кўринишини уларнинг мазмунидан устун қўядиган фал-ий йўналиш. Борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар мазмун ва шаклга бўлиб, улар бир-бири б-н диалектик боғлиқдир. Бу боғлиқликда мазмун доимо бирламчи бўлиб, шакл эса нарса ёки ҳодиса мазмунининг намоеън бўлиш усулидан иборат. Мазмун ва шакл мутаносиб бўлганда ҳар қандай нарса ва ҳодиса ўз маъно-мазмунига эга бўлади. Мас., инсоннинг мазмунини белгиловчи муҳим хусусиятлар унинг фикрлаш қобилияти, мақсадга мувофиқ меҳнат қилиш қобилияти, меҳнати жараёнида ўзи ва жамият учун зарур бўлган турли хил неъматлар яратиши ва энг муҳими олижаноб инсоний фазилатларидан иборатдир. Барча кишиларнинг инсонийлик қиёфасида мужассамлашган мазмуни юқоридаги белгиларга қараб баҳоланади. Башанг кийинган, қадди-қомати келишган ҳар қандай одамни ташқи кўриниши, қиёфаси, яъни шаклига қараб олийжаноб инсон дейиш нотўғри. Зеро, ҳар бир кишининг инсонийлик мазмуни ташқи кўринишида эмас, балки ички инсонийлик фазилатлари б-н белгиланади. Ф. яъни шаклбозликни мутлақлаштириш салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Жамиятни бошқаришда Ф. бюрократизм, тўрачиликда намоеън бўлади. Санъат тарихида Ф. санъат ва воқеликни қарама-қарши қўйиш, бадий шаклни ғоявий мазмундан ажратиш, санъат асарида шаклнинг алоҳидлиги ва устунлигини таъкидлашдан иборатдир. Албатта бундай фикрлар ҳақиқатга зиддир. Бунга мисол тариқасида айрим жангари, инсон ахлоқи ва одобига ёт бўлган бузғунчи фильмларни кўрсатишни мумкин. Улар шаклан «жозибали» бўлса ҳам, мазмунига кўра инсон ва жамият ривожига зид бўлган, вайронкор ғоявий мазмунга эгадир.

ФОРМАЛЛАШТИРИШ — маълум мазмунни (мас., муҳокама, исбот, таснифлаш процедуралари ва б.) муайян шакл-белгилар ҳолига келтириш. Эски анъанавий мантиқдан фарқи ўлароқ, замонавий формал мантиқ аввало ўзининг Ф. б-н фарқ қилади (маълум айтилган фикрнинг мазмунига эмас, балки унинг тузилишига эътибор беради). Айтилган фикр мантиқий хулоса асосида чиқарилади. Амалиётда турли символлар асосида хулосалар чиқарилади. Бу символлар аксиомаларни ифодалайди. Ф. кенг маънода мантиқий хулоса чиқариш ҳақидаги таълимот. Мантиқий хулоса натижани изоҳлаб тушунтириб беради. Хулоса чиқариш символлар тизими ва унга асосланиш демақдир. Мас., шахмат тахтасидаги катаклар ва фигуралар символлар тизимини ташкил этади. Мантиқда формал асослардан хулоса чиқариш метамантиқ ҳисобланади. Бу мантиқий хулосанинг фал-ий асосини ташкил этади, синтаксис семантика ва прагматикани ўз ичига олади. Булар семиотиканинг таркибий қисмидир (Ж. *Логистика*).

ФОРОБИЙ (*тахаллуси*; асл исм-шарифи Абу Наср Ибн Муҳаммад Ибн Узлуғ Тархон Форобий (873, Фороб — 950, Дамашқ) — ўрта асрлар мусулмон Шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг энг йирик давомчиси ва тарғиботчиси. Қад. юнон илм-фанининг билимдони сифатида Аристотелнинг «Метафизика», «Физика», «Метеорология» ва мантиқ соҳасига оид китобларига, Птолемей, Александр Афродезийский ва бларнинг ахлоқ-одоб, психология, табиий фанлар бўйича яратган илмий рисоаларига шарҳлар ёзган. («Икки файласуф — Арасту ва Галеннинг барча фикрлари тўғрисида китоб», «Арасту ва Гален ўртасида воситачилик» ва б.) Айниқса, унинг Аристотель фалсини талқин этишдаги ва мантиқ соҳасидаги ишлари шуҳрат қозониб, Ф.нинг «Ал-муаллими соний» («Иккинчи муаллим») ва «Шарқ Аристотели» каби номларга сазовор бўлди. Шунингдек, Ф. илм-фаннинг турли соҳаларига тааллуқли оригинал асарлар муаллифи. Биринчилардан бўлиб ўз даври илмларининг таснифини берди. Унинг мусиқа соҳасига атаб ёзган асарлари мусиқа наз-ни бойитди, Шарқда кенг тарқалган най, ногора, чанг, рубоб каби мусиқа асбобларини таърифлаб, уларнинг кишиларнинг маънавий ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб берди. Ф. математика, тиббиёт, араб тили грамматикаси, алхимия, мантиқ илмларига оид қимматли асарлар ҳам яратди. Борлиқ муаммосини ҳал этишда «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин» ўзаро нисбатига мурожаат қилиш анъанаси Ф. даҳосига тааллуқлидир. У ўзининг қатор асарларида бу масалага тўхталиб, «вужуди вожиб» барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг биринчи сабаби эканлигини уқтиради. Биринчи сабаб сифатида у ўзга са-

баб ёки турткига муҳтож эмас. Унинг зотига нуқсон ва қусурлар, зиддият, номутаносиблик, беқарорлик, билмасликдан билишга қараб йўналиш каби жараён йўқ. У мутлақ борлиқ ва донишмандлик ифодасидир. У яратади, лекин бошқа нарсалар томонидан яратилмайди. «Вужуди мумкин» салтанати эса, аксинча, доимо ўзгаришда, зиддиятли муносабатларда, унда барча нарсалар оддийликдан мураккабликка, тартибсизликдан тартиблиликка, норасоликдан камолотга қараб юз тутди. «Вужуди вожиб» яратган нарсалардан дастлабкиси биринчи ақлдир. Биринчи ақл фаол ақл сифатида ҳар бир сайёрага хос ақллارни вужудга келтиради. Энг сўнгги самовий ақл натижасида Ердаги ақл-руҳ ва барча моддий жисмларнинг асоси бўлиши тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво ва олов пайдо бўлади. Юқорида зикр этилган тўрт унсур негизида ўсимликлар, ҳайвонот олами, инсон зоти ва нотирик табиат юзага келади. Органик оламга ўсимлик руҳи, ҳайвоний руҳ ва инсоний руҳ хосдир. Жисм ва ҳаракат узвий алоқада бўлади. Ҳаракат ва сукунатнинг ибтидоси сиртқи бирон-бир нарсага ёки иродага бориб тақалмаса, уни табиат деб аташади. Ҳаракат, ўз навбатида, вақт б-н узвий тарзда боғланган. Ҳаракат ибтидо ва интиҳо б-н чегараланмаган. Ф. билиш муаммоларига алоҳида эътибор билан қарайди. У воқеликни билиш мумкин эканлигига асло шубҳаланмайди. Инсон ўзининг барча билимларини ташқи олам туфайли олади. У кўпгина восита ва усуллар билан таъминланганки, улар (идроқ, сезги, хотира, тасаввур, мантиқий тафаккур, ақл, нутқ) орқали воқеликни ўзлаштира боради. Айнан шу воситалар туфайли инсон илм-фанни яратади. Билиш жараёни чексиз бўлиб, у инсоннинг жонли мушоҳадаси ва тафаккурнинг билмасликдан ноаниқ нарсани билишгача бўлган ўта мураккаб йўлни қамраб олади. Бу йўналиш ҳодисалар оқибатини билишдан унинг сабабини билишни, акциденциядан субстанцияга етиб боришни мақсад қилиб қўяди. Лекин бу йўналиш сабабдан оқибатга, моҳиятдан ҳодисага, ақлдан жонли мушоҳадага томон қаратилганда айни муддао бўлар эди. Амалда эса бор имкониятдан фойдаланиш лозим. Ақлий билиш Ф. талқинида икки жиҳатга эга. Биринчидан, у конкретдан узоқлашиш ва унда умумий томонларни ажратиб олишни, иккинчидан эса, ушбу умумийлик кўмагида конкрет жиҳатнинг моҳиятига чуқурлашишни тақозо қилади. Пировардида ақл замин сирларидан воқиф бўлиб, самовий жисмларни билишга киришади. Ақлий билиш коинот ақли кўмагида баркамол илмга айланади. Гарчи инсон ақлини коинот ақлига тикиштира бериш билиш назариясига мистиканинг кириб боришига йўл очиб берган бўлса-да, у ижобий аҳамиятга эга эди, чунки у билишнинг рационал методини асослаб беришга азму қарор қилганди. Бундан ташқари, Ф. билиш таълимотининг бош-

қа кўпгина жиҳатларига ҳам диққат-эътиборини қаратиб келган. Айниқса, илмий тадқиқотда кузатув, баҳс-мунозара, билиш методлари, ҳиссий мушоҳаданинг чекланганлиги борасида қизиқарли ғояларни илгари сурган. Ф. туфайли мусулмон Шарқи фал-ий тафаккурида мантиқ илми чуқур илдиз отди. У билишда мантиққа мурожаат қилмаган кимсани қоронғуда ўтин ёрган одамга ўхшатади. Ф.нинг ижтимоий-ахлоқий, сиёсий қарашлари беҳад даражада эътиборлидир. Инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа фазилатли, етук, хосиятли жамоа, чунки инсоннинг ўзи дунё тараққиётининг энг мукамал ва етук якунидир. Инсон бахт-саодатга эришишда олам асослари ҳақидаги илми, табиий ҳисмларнинг тўзилишини, осмон, жонли табиат — ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисидаги барча билимларни ўзлаштириб олиши лозим. Шундан сўнг, у инсонни ўрганишга киришиши ва унинг камолотга эришуви сабаблари бўлмиш хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларга диққатни жалб этиши зарур. Ф.нинг адолатли, фазилатли жамият, давлатни демократия талаб ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг орзусидаги адолатли жамиятда кишиларнинг самарали меҳнатига, илм соҳибларига, уларнинг ақл-заковатига, фазилатли ахлоқ-одобига, ҳаётий тажрибасига юксак баҳо берилади. Диний адоват, ўзга динларга эътиқод қилувчиларга нафрат каби сифатлар қораланади. Унинг учун энг муҳими — кишиларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиши эмас, балки маърифатнинг тантанаси, илм-фаннинг иқболи, инсон камолоти, бахт-саодат, эзгуликнинг қарор топиши, инсонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигидир. Бундай жамиятда касб-ҳунар, илми эгаллашга кенг йўл очиб берилади. Жамиятда тенгҳуқуқлик ва эркинлик салтанати ҳукмронлик қилади, яқка ҳокимликка барҳам берилади. Давлат бошлиқларини фуқароларнинг ўзлари сайлайдилар. Сайланган бошлиқлар халқ манфаатларига зид ҳаракат қилсалар, улар ўз амал-мансабларидан четлаштирилади. Орзудаги давлат арбоблари ўз фаолиятларида адолат, тенгҳуқуқлик, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутадилар. Ф.нинг ундан кейинги авлод зиёлилари, машҳур олим ва мутафаккирлари дунёқарашининг шаклланиши ва ривожига таъсири самарали бўлган. Бундан ташқари, бутун Оврупо Ф. ва б.лар орқали антик олам маданияти, жумладан, табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий ғояларидан хабардор ва баҳраманд бўлди. Асосий асарлари: «Субстанция ҳақида сўз» («Калом фи-л-жавҳар»), «Қонунлар ҳақида китоб» («Китоб фи-н-навомис»), «Масалалар манбаи» («Уюн-ул-масоил»), «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» («Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф»), «Мантиққа кириш китоби» («Китоб ал-мадҳал илал мантиқ»), «Фалсафа» тушунчаси-

нинг маъноси ҳақида сўз» («Калом фи маъони исм ал-фалсафа»), «Фазилатли хулқлар» («Ас-сифат ал-фазила») ва б.лар.

ФРАКЦИЯ (лот. fractio — емириб, бузиб ташлаш) — сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмаси. Улар тегишли вакиллик органлари ва сиёсий партиялар манфаатини кўзлайди, масалаларни муҳокама этишда иштирок этиб, умумий фикрга эришишга ҳаракат қилади. Ф. қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1) Парламент депутатларининг бирор сиёсий партияга мансуб гуруҳи. Ёки бошқача айтганда, бирор бир сиёсий партиянинг сиёсатини парламентда ифода этувчи, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувда, жамоат ташкилларидан ўз органларига эга бўлган айна партия аъзоларидан иборат ташкилий гуруҳ; 2) ўз платформасига эга бўлган сиёсий партияларнинг алоҳида қисми. Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 й. 26 декабрда қабул қилинган қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўз партияларининг сиёсатини уюшган ҳолда юритиш учун сиёсий партиялардан номзоди кўрсатилиб, сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ушбу партияларнинг Ф.лари ташкил этилиши мумкин. Ф.лар Ф. раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжати асосида рўйхатга олинади. Сиёсий партия Ф.сининг раҳбари Олий Мажлис Кенгашининг таркибига қиради. Ф. фаолиятини ташкилий, техникавий ва бошқа тарзда таъминлаш вазифасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибияти бажаради.

Ҳоз. даврда (2002 й.га келиб) Олий Мажлисда қуйидаги Ф.лар мавжуд: 52 депутатдан иборат «Фидокорлар» Миллий демократик партияси Ф.си, 50 депутатдан иборат Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ф.си, 12 депутатдан иборат «Миллий тикланиш» партияси Ф.си, 9 депутатдан иборат Адолат социал-демократик партияси Ф.си фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларидан 94 нафар депутатлар блоки ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган 15 нафар депутатлар гуруҳи парламент ишида фаолият кўрсатмоқда. Ф.ларнинг фаолияти Олий Мажлис Регламенти б-н белгиланади.

ФРАНКЛИН Бенжамин (Вениамин) (1706—1790) — америкалик табиатшунос, иқтисодчи олим, файласуф, давлат ва жамоат арбоби, АҚШ мустақиллиги учун курашининг етакчи раҳбарларидан. Америка Қўшма Штатлари Мустақиллик Декларацияси (1776) ва АҚШ Конституцияси (1787)нинг муаллифларидан бири, «Американинг асосчи отахонлари» қаторидан фахрли ўрин эгаллаган буюк шахс. Ф. Шимоллий Америка халқларининг Буюк Британия мус-

тамлакасига қарши ўз мустақиллиги учун (1775—83) олиб борган урушларининг энг кўзга кўринган ғоявий-мафкуравий ва сиёсий раҳнамоларидан бири сифатида шухрат қозонган, АҚШнинг Франция (Оврупа)даги мухтор вакили сифатида фаол ва нозик дипломатик фаолият олиб борган. Европа давлатларини АҚШ озодлик кураши томонида хайрихоҳлик вазиятини эгаллашларига эришиб, Англия ҳукуматининг АҚШ мустақиллигини 1783 й.да тан олишига улкан ҳисса қўшди. Фал-ий тафаккурда Ф. дуализмга мойил бўлган деизм тарафдори бўлган. У илоҳни олий ижодкор ва коинот мураббийси сифатида тан олган ҳолда, инсон руҳи абадийлигини, нариги дунё мўъжизаларини тан олишдан бош тортиган. Исо Масиҳни ахлоқчи-тарғиботчи шахс, Таврот ва Инжил матнини тарихий, ҳуқуқий ва ахлоқий қонун-қоидалар мажмуи деб билган. Ижтимоий тафаккурда Ф. инсонни туғма ва табиий олижаноб хислат-фазилатлари соҳиби эканлигини уқдириб, уларнинг бузилган ёки йўқотилган жиҳатларини, демократик шакллантирилган жамоа муассасаларини тиклаш учун кураш олиб боришлари лозим эканлигини таъкидлайди. У яратган «Ахлоқий кодекси»да инсондан табиийлик, самимийлик, оддийлик, оқиллик талаб этилиши зарур деб уқтирилади. Жамоат арбоби сифатида 1731 й.да Филадельфияда оммавий халқ кутубхонасини ташкил этиш ишига бош-қош бўлиб, 1740 й.да Пенсильвания ун-тига асос солган, 1743 й.да Америка фай.лари жамиятини ташкил этган. Илмий ва оммабоп рисоалари, мақолалари, жуда кўп нутқларида АҚШда қуллик тартиботларига қатъиян қарши чиқиб, уни бекор қилиш зарурлиги мамлакат истиқбол тараққиёти масалалари б-н боғлиқ эканлигини тақрорлаган.

ФРЕЙД Зигмунд (1856—1939) — австриялик невропатолог, психиатр, психолог. Фрейдизм ва психоанализ асосчиси. Тиббиёт д-ри (1881). Вена физиология ин-ти (1876—82)да, Париждаги клиникада ишлаган (1885—86). Вена ун-ти проф. (1902 й.дан). 1910 й. психоаналитик ассоциацияга асос солган. Дастлабки ишлари мия фаолияти локализацияси, бош мия физиологияси ва анатомияси, болалар фалажи ва б. масалаларга бағишланган. 90-й.ларнинг бошидан француз мактаби (Шарко, Берихсий) таъсирида асаб касалликлари, уларни психотерапевтик даволаш услуби ва психология асослари б-н шуғулланди. 1895 й. асаб касалликларини даволаш услубини ишлаб чиқди. Ф. психикани моддий шароитлардан ажратиб, мустақил онг доирасидан ташқаридаги ҳолат деб ҳисоблади. Инсон психикасининг янги динамик ва энергетик моделини ишлаб чиқишга уринди. Ушбу модел ўзига икки асосий қисмини мужассамлаштиради: онгсизлик-онгликдан аввал онглик. Ф.нинг тушунтиришича, инсон хатти-ҳаракати метёрларини ва патологиясини илғаб олиш

қийин бўлган мотивлар белгилайди. Унинг хатти-ҳаракатидаги хатоликлар, онгсизликнинг турли мотивлари ва ички психик зиддиятлар натижаси эканлигидан далолат беради. Европа психологик анъаналарида, Ф. қилган буюк инқилобий бурилишнинг моҳияти шундаки, у Декартнинг инсон тўғрисидаги тасаввурларини бартараф этиб, феномонологик ёндашувни элиминация қилиш ёрдамида, онгсизликни таҳлил қилиш мумкинлигини асослаб берди. Психоанализ анъаналарига мувофиқ, онгсизлик билиб бўлмас жараён деб тушунтирилади. Лекин эмпиризм ва реализм принципларига асосланиб Ф. ўзининг «репрезентив»ида, ушбу жараённи билиш мумкин, деган хулосага келди. Ф. 1905 й.да, инсон интими муносабатларининг кам ривожланиши ва сексуал қониқмаслик неврозлар манбаи эканлиги ҳақидаги ғояни исботлади. 1907 й.да онгсизликнинг классик таърифини баён қилди. Ф.нинг психоаналитик фал.си: «Қониқиш принципининг нариги томонида» (1920), «Омма психологияси ва «Мен»нинг инсоний таҳлили» (1921), «Мен ва у» (1923), «Бир иллюзия келажиги» (1927), «Маданиятдаги қайғуриш» (1929), «Мусо ва монотеизм» (1939) асарларида ҳар томонлама ривожлантирилди. Ф.нинг психоаналитик фал.си инсон борлигини вужудга келтирган асосларни аниқлашга ҳаракат қилди. Айниқса, инсон шахси таркибининг асосий компонентлари, элементларини аниқлаб беришга, киши хулқ-атвори, характерининг юзага келиши сабаблари, индивид турмуш тарзи принципларининг ҳосил бўлишини тушунтиришга интилди. Ф.нинг таъкидлашича, инсон шахсида бўладиган ўзгаришлар борлиқнинг ўзига хос, муҳим хусусият ва хоссаларга эга бўлган шаклидир. Ф.нинг психоанализ услубига мувофиқ, инсон шахси учта асосий компонентдан ташкил топади. Ид, Эго ва Суперэго бирлашиб, бир бутун инсон шахсини вужудга келтиради. Инсон шахсининг асосий компонентларидан бири Ид — киши туғилган пайтда мавжуд бўлган барча психологик ҳолатлар, инстинкт (туғма ҳис-туйғулар)нинг йиғиндиси. Шунинг учун ҳам Ид инсон шахси таркибидаги марказий компонентдир. Ушбу компонент инсон танасининг ички эҳтиёжидан келиб чиқади. Ўз навбатида, худди шу компонент шахс таркибидаги б. компонентлар: Эго ва Суперэголарнинг фаолият кўрсатиши учун ҳам имконият яратиб беради. Ид, ўз навбатида, шахс энергиясининг захирасидир. Лекин унда ҳеч қандай замон таъсири бўлмайди, замонга қараб ўзгаравермайди. Унда ҳеч қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, ахлоқ ҳам йўқ, қадриятларнинг ҳам таъсири сезилмайди. Иднинг мазмунига онгсизлик ҳукмронлик қилади. Чунки Ид ўзида инсондаги барча туғма руҳий-психология ҳолатларни бирлаштиради. Унинг барча психология ҳолатларига ўз таъсирини ўтказиши. Инсон шахси таркибидаги энг муҳим иккинчи компонент Эгодир.

Ф.нинг тушунтиришича, Эго ва Идни биргаликда қўшилиб, ривожланиб бориши натижасида одам бoласи аста-секин ўзини таний бошлайди. Эго Иддаги баъзи хусусиятлар ва хоссаларнинг такрорланиб туриши учун кўмак беради, уни турли-туман хавф-хатарлардан ҳимоя қилади ва бунинг учун зарур бўлган куч-қувватни Иддан олади. Ф.нинг фикрига кўра, Эго шахсдаги ҳиссий туйғулар б-н фикрий хатти-ҳаракатларни ўзаро боғлайди. Шахснинг беихтиёр, онгсиз қиладиган хатти-ҳаракатларини ҳам жиловлаб туради. Чунки бу компонент беихтиёрлик, онгсизлик шароитида ҳам шахс ўзлигини сақлаб қолиши учун хизмат қилади. Эго дастлабки пайтда Ид томонидан бунёд этилади. Ид Эго ёрдамида ўзида мавжуд бўлган турли нохушликларни камайтиради, қониқиш туйғусини кучайтиради. Ўз навбатида Эго фаолиятини назорат қилиб туриши, унинг ривожига янги туртки бериши даркор. Шахс таркибдаги учинчи муҳим компонент — Суперэгодир. Суперэго Эго заминида вужудга келади. Ушбу компонент шахс фаолияти ва фикр-мулоҳазасининг ҳақами ёхуд назоратчиси вазифасини бажаради. Шахсдаги барча ахлоқий меъёрлар, конструкциялар, хулқ-атвор талаблари ушбу компонентда мужассамлашади ва маънавий-ахлоқий таъқиқлар қатламидан ҳосил қилади. Суперэго учта муҳим функцияларни бажаради: виждон, ўзини-ўзи кузатиш ва турли идеалларни шакллантириш. Суперэгодаги виждон шахс фаолиятини жиловлаб, унинг кундалик эҳтиёжлари қандай қондириляётганлигини назорат қилиб боради. Инсондаги турли идеаллар ва орзу-умидларнинг қарор топиши ҳам Суперэгонинг ривожланиш даражаси б-н боғлиқ. Шунингдек, Суперэго шахс хулқ-атворини унинг отаси ёки онасининг хулқ-атвори б-н боғлайди. Шахснинг хулқ-атворини янгича мазмун б-н бойитади. Қадриятларни аждодлардан авлодларга етказди. Ф. шахснинг психоаналитик концепциясини яратишда улкан ҳисса қўшди.

ФРОММ ЭРИХ (1900—1980) — германиялик — америкалик файласуф, социолог ва психолог. *Неофрейдизм*нинг асосчиларидан бири. Ижтимоий тараққиёт ғояларининг тарғиботчиси. Гейдельберг унтинини тугатгач, фал. д-ри илмий даражасини олган (1929). 1923—1924 й.да Берлиндаги психоаналитик ин-тида психоанализ курсини ўтаган. 1929—1932 й.ларда Франкфурт-Майнедаги ижтимоий тадқиқотлар ин-тида ишлаган. 1933 й.да АҚШга муҳожир бўлган, ўқитувчилик ва илмий-тадқиқот ишлари б-н шуғулланган. 1951—1967 й.ларда Мексикада яшаган. Мехико миллий ун-ти қошидаги психоанализ ин-тига раҳбарлик қилган. 1974 й.дан Швейцарияда яшаган. Унинг «Эркинликдан қочиш» (1941), «Ўзи учун яшайётган инсон» (1947), «Севмоқ санъати» (1956), «Дзен-буддизм ва психоанализ» (1960), «Маркснинг инсон концепцияси» (1961), «Иллюзия-

лар қуршовида» (1962), «Инсон қалби» (1964), «Умидлар революцияси» (1968), «Инсон деструктивлигининг анатомияси» (1973) «Эга бўлмоқ ёки бор бўлмоқ» (1976) каби асарларида гуманистик, психоаналитик қарашлари акс этган. Ф. фикрига кўра, инсон эволюцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган мавжудот бўлиб, худди ўша ўзгаришлар, инстинктлар, яъни туғма ҳис-туйғулари туфайли аввалдан мослашган, ўзини ўраб турган атроф-муҳит доирасидан ташқарига чиқади, фаҳм-фаросат, онг ҳосил қилади. Янги мослашув механизми инсонни биологик кемтикларини бекитиш учун қулайликлар яратади. Махсус хусусиятлар: ўзини алоҳида ўзига хос мавжудот эканлигини фаҳмлаш, ўтмишни эслаш ва келажакни олдиндан кўра билиш, ҳодисалар ва воқеаларни бирини иккинчисидан ажратиб турадиган белгиларни аниқлай олиш, оламни тушуниш ва уни ақл-фаросат ёрдамида билиш кабилар инсоний сифатларни шакллантириш учун асос вазифасини бажаради. Инсон борлигининг турли хусусиятларини ҳоз. замон цивилизацияси ва маданияти таъсирида чуқур таҳлил қилган Ф.нинг тушунтиришича, инсон деб номланувчи мавжудотнинг онтологик асосларини бир томондан инсон борлигининг бири-бирини доимо тўлдириб турувчи умумийлик ва ноёблик ташкил этса, иккинчи томондан, ўша умумийлик ва ноёблик бири иккинчиси б-н ҳеч қачон муросага кела олмаслиги ташкил этади. Умумийлик б-н ноёблик ўртасидаги зиддият инсонни мавжуд бўлиб туриши учун муҳим шарт вазифасини бажаради. Ўз навбатида, инсон борлигидаги ўша ноёблик, уни табиатдан, жамиятдан, одамлардан, ҳатто ўзидан ўзининг бегоналашувига олиб келади. Инсон ўзининг индивидуал хусусиятлари ёрдамида бутун қалбини эгаллаб олган: безовталик, ваҳимага тушиш, қўрқув каби иллатлар учун, ўзини айбдор, гуноҳдор деб, ҳис қила бошлайди, уни доимо бартараф этиш йўллари излайди. Ф. таълимнинг ядросини, инсон борлигидаги мураккаб зиддиятлар — дихотомия ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмининг ҳар томонлама таҳлил қилиш ташкил этади. Унинг фикрига мувофиқ, инсон борлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш учун киши фаолиятидаги бири-иккинчисига қарама-қарши томонларни ажрата билиш зарур. Инсон деган мавжудотни эркинликдан ажратиб бўлмайди. Чунки, инсон ва эркинлик ўзининг бошланғич асосига кўра бири иккинчисидан ажралмасдир. Ушбу асос, табиатга мослашиш механизми вужудга келтирган мажбурийликдан қочишга бориб тақалади. Инсоннинг ўша «бошланғич томир» б-н алоқани узиши, киши табиатида қарама-қаршилиқлар ва муаммолар экзистенциал дихотомияни вужудга келтиради. Ф.ни тушунтиришича, инсон табиатидаги энг асосий дихотомия — бу ҳаёт б-н ўлим орасидаги курашдир. Ўлим инсонни яна бошқа дихотомияга —

ҳали фойдаланилмаган имкониятлар б-н, кишиларни қисқа ҳаёти жараёнида ўша имкониятларни рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги орасидаги курашга ундайди. Ф. инсон табиатини таништиришда Фрейд биопсихологизмдан йироқлашди. Эволюцион социобиологик позицияда турди. Тарихийлик принципага асосланди. Инсондаги турли эҳтирослар кишининг инстинктлари б-н эмас, балки унинг ижтимоий табиати б-н боғлиқ эканлигини исботлашга уринди. Инстинктлар инсонни физиологик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Эҳтиросларни вужудга келишида, нафақат инстинктлар, балки биосоциал мотивларнинг кучи йирик аҳамиятга эга бўлади. Инсоннинг эҳтирослари (мас.: муҳаббатга, эркинликка, садизмга, мазохизмга мойиллиги) унинг ўзига хос махсус экзистенциал эҳтиёжларига бўлган жавобдир. Ушбу ҳолатлар, шубҳасиз унинг характерида ўз ифодасини топади. Бундай алмашиш ҳолатларни Ф. инсондаги заиф ривожланган инстинктларнинг алмашинувидир, деб тушунтиради. Ф. фаллий таълимотидаги энг муҳим ғоялардан яна бири— инсон эркинлиги муаммосидир. Унинг эътироф этишича, инсондаги эркинлик унга бунёдкорлик б-н шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Фавқуллодда ташилотчилик ва уюшқоқликка даъват этади. Агар инсон шундай шароитда б. кишилар б-н ҳамкорлик қила олмаса, унда эркинликдан қочиш ҳолатлари содир бўлади. Худди шундай ҳолатлар, Ф. асос солган «Эркинликдан қочиш» концепциясида ҳар томонлама таҳлил қилинди. Ушбу концепция ёрдамида Германияда фашистларни ҳокимият тепасига келиш жараёни тушунтириб берилди. «Қочиш»нинг асосида ташқи муҳитдан ажратиб қўйилган индивиднинг ишонсизлиги ва унинг бесамар меҳнати, юзаки ҳамкорликка интилиши ётади. «Қочиш»ни авторитар йўли садизм ва мазохизм каби ижтимоий механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Янги ҳукмронликка (садизм) ёки тобеликка (мазохизм) интилиш рўёбга чиқарилади. Ф.ни эътироф этишича, садизм ва мазохизм бири-иккинчисидан ажралган ҳолда алоҳида яшамайди ва ягона авторитар характери турли томонлари шаклида намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам авторитаризмда — ё тобеликка, ё ҳукмронликка яъни «ҳокимиятга интилиш»га мойиллик кучли бўлади. «Қочиш»нинг бошқача услуби деструктивизм бўлиб, инсон онги ва фаолиятдаги нажотсизликни бартараф этишда, жамиятнинг шахс маънавиятини емирувчи омилларга қаршилик кўрсатишга бўлган интилишларида яққол кўринади. Деструктивизм инсонни руҳий энергияси б-н диалектик алоқадор. Деструктив психика инсонни фавқуллодда ҳамкорликка интилишга имкон бермайди. Чунки, ўша деструктивизм инсонни ташқи муҳитдан ажратиб қўйишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, деструктивизм ва садомазохизмнинг мақсадлари турлича бўлишига қарамасдан, улар ўз мо-

ҳиятига ўхшашдирлар. Ва ғоят «автоматлашган конформизм» воситасида «Қочиш» шакли, Ф.нинг фикрига кўра, ривожланган индустриал жамиятларда энг кўп тарқалган бўлиб, инсонни ўз «мен»идан йироқлашишида, шахс мустақиллигини емирилишида, бир қолипда фикр-мулоҳаза юритувчи кишилар сони қўйилишида, стандартлашган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатни вужудга келишида ўз ифодасини топади. Ф. яратган фаллий таълимот-психоаналитик, экзистенциалистик, антропологик ва марксистик ғояларнинг синтезидир. У ўз таълимотида инсон борлиғида мавжуд бўлган, бири иккинчисига ҳамиша зид турган мураккаб зиддиятларни бартараф этиш йўллари қидирди. Айниқса, инсон фаолиятидаги бегоналашувнинг турли кўринишларини йўқотишга уринди. Фарбий Европа цивилизациясини соғломлаштирмоқчи, инсонпарварлаштирмоқчи бўлади. Шахснинг эркин ва ижодий ривожланиши йўллари аниқлаб беришга ҳаракат қилди. Инсоншунослик тўғрисидаги фанга, индивид психикаси б-н жамият социал структураси ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодаловчи «ижтимоий характер» тушунчасини киритди. Худди шу тушунча ёрдамида Фарбий Европа маданияти тараққиётининг асосий хусусиятларини аниқлаб берди. Ушбу методологик таянчга асосланиб, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида вужудга келган деперсонализация, дегуманизация, бегоналашув каби иллатларнинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилди. Ана шундай иллатлар таъсирида шакланган ижтимоий характери барча турларни (мазохистик, садистик, деструктив, конформистик ва б.) аниқлаб берди. Ижтимоий характери узлуксиз ўзгариб туришини алоҳида қайд этди. Ф.нинг фикрича, ижтимоий характер қудрати инсон шахсини шаклланиш жараёнига, унинг ижтимоий ёки маданий моделларига кўрсатаётган таъсири б-н белгиланади. Ижтимоий характер ўзига турли ижтимоий хусусиятлар йиғиндисини мужассамлаштиради. Ф. ўзи яратган таълимотни «Гуманистик психоанализ», деб атади. Унингча, инсон борлиғида мавжуд бўлган турли иллюзиялар, чунончи, тоталитар, бегоналашув шароитида инсон ўзининг ижтимоий аҳволини англаб этиши, ўзининг ижтимоий моҳиятини ва «кичкина мен»и ўрнига ҳақиқий «ўзлигини» намоён қилиши, чинакам ҳаётини дунёқарашнинг шаклланиши ва ички ахлоқий покланиш, индивид б-н табиат, шахс б-н жамият ўртасидаги уйғунлашувнинг тикланиши «гуманистик психоанализ»даги таклиф этилган ижтимоий воситалардан фойдаланиш туфайли амалга ошади.

ФРЕНСИС Бэков (1561—1626) — янги давр тажрибавий фанининг асосчиси. Англия қироллиги муҳдори оиласида туғилган. Жамоат ва сиёсат жабҳаларида фаолият кўрсатган. Адвокат, жамоалар палатасининг аъзоси, Англиянинг лорд-канцлер лавозим-

ларида ишлаган. Кейинчалик жамоат ва сиёсат ишларидан четлаштирилган. Ф. ўз дунёқарашининг дастлабки вақтлариданоқ ўша даврда ҳукмрон бўлган схоластик фал.га қарши курашган ва тажрибавий билимга асосланган «табиий» фал. ғоясини илгари сурган. Унинг қарашлари натурфал. ютуқларига асосланган. У ўша давр фал.сининг схоластик концепцияларини танқид қилиб, ақлий оламни қайта қуришнинг кенг дастурини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Ф. фикрича, ҳамма фанларнинг олий вазифасини табиат устидан ҳукмронлик қилиш ва инсон ҳаётини такомиллаштириш — бу ҳақиқий билимдир. Шу боис, фанларни ислоҳ қилиш керак. Фанларни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи — ақлни янглишишдан тозалаш. Улар инсон онгидаги ҳақиқий билим олишга халақит берувчи тўсиқлардир. Бундай тўсиқларни у бутлар (идол) деб атайди. Улар тўртга: уруғ ёки жинс, ғор, майдон ёки бозор ва театр ёки наз-я бутлари. Уруғ ёки жинс бутлари инсоннинг ворисий табиати б-н боғлиқ бўлган хатолар. Инсон тафаккури ўз нуқсонларига эга. У «қийшиқ кўзгуга ўхшаб, нарсалар табиатини ўз табиати б-н қориштириб, уларни бузуқ, қийшиқ ҳолда акс эттиради». Ғор бутлари — айрим одамга, ёки баъзи бир гуруҳга хос бўлган субъектив ҳолатлар ва хусусиятдан келиб чиқадиган хатолар. «Инсон кўпинча ўзи маъқул кўрган нарсага ишонади». Майдон ёки бозор бутлари бу нутқий муносабатлар, сўзларнинг инсон онгига таъсиридан қутулмаслик сабабли келиб чиққан хатолар. Сўзлар — бу одамларнинг узаро муносабатидаги исмлар, белгилардир. Улар бевосита нарсаларнинг ўзини англатмайди. Театр ёки наз-я идоллари — бу авторитетлар (нуфузли кўчишлар)га кўр-кўрона ишониш, сохта фикрлар ва қарашларга танқидий ёндошмаслик натижасида келиб чиқувчи хатолар. Ф. табиатшунослик ва фал.да тажрибавий — индуктив методини ишлаб чиқди. Унинг бу методи далиллар ва табиат ҳодисаларини тушунтиришда аста-секин тушунчаларни ўзлаштириш натижасида амалга оширилиши керак. Фақат шундай билим бир ерда қотиб қолмасдан, янги ҳақиқатларни топиши мумкин. Ф.нинг индуктив методи, энг аввало, далилларни йиғиш ва уларни бир тизимга солишни тақозо қилади. У ўз методида уч тадқиқий жадвал ҳақидаги ғояни илгари суради: мавжудлик, номавжудлик ва ўтувчи босқичлар. Биринчи жадвалда, мас., агар иссиқликнинг формуласини топмоқчи бўлсак, у б-н боғлиқ бўлган турли ҳодисаларни аниқлаб, унга алоқаси бўлмаган нарсалардан ажратиб олинади. Иккинчи жадвалда худди биринчи жадвалдаги ҳодисаларга ўхшаган, лекин иссиқликка эга бўлмаган ҳодисаларни текширади. Мас., агар жадвалга биринчи иссиқликка эга бўлган қуёш нурлари кирса, иккинчи иссиқликка эга бўлмаган ой ёки юлдузлар нурлари киради. Учинчи жадвалда иссиқлик турли даражада мавжуд бўлган ҳодисалар текширилади. Ф. ўз

индуктив методига тажрибани ҳам киритади. Гарчи Ф. табиатни ўрганишнинг асосий усули индуктив метод деб билса ҳам, дедукция родини ҳам инкор этмайди. Унингча, олим чумолига ўхшаб, фақат далилларни узлуксиз тўплайвермаслиги лозим. Шунингдек, ўргимчакка ўхшаб ўзининг субъектив тўқималарини тўқиш ва уларга ўралишиб қолмасдан, олим асаларига ўхшаб гуллардаги нектарни асалга айлан-тириши керак. Ф. «Янги Атлантида» (1627 й.) асаридеда жамиятнинг ҳамма ишлаб чиқариш кучлари фан ва техника асосида қайта қурилган келажакдаги давлатни баён қилган. Унда Ф. турли ажойиб илмий — техник кашфиётлар ҳақида гапиради: сувости кемалар, касалликларни даволовчи хоналар, турли кўриш асбоблари, товушларни узоқ масофаларга етказувчи асбоблар, ҳайвонлар наслини яхшиловчи асбоблар ва ҳ.к. Ф. инсон ҳаётида фан ва техниканинг ролига жуда юқори баҳо беришига қарамасдан, фан ютуқларини «иккиламчи сабаблар» деб қараган. Уларнинг ортида эса, ҳамма нарсага қодир Худо туради, дейди.

ФУНКЦИЯ (лат. *functia* — амалга ошириш, бажариш) — фаолият, баъзи системалар доирасидаги объектнинг унга мансублиги ва роли; объектлар ўртасидаги алоқалар кўриниши бўлиб бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади, бунда иккинчи объект дастлабкисининг Ф.си дейилади. Ф.нинг тушунчасини илк бор муомалага немис файласуфи Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646—1716) киритди.

Билишнинг турли йўналишларида ҳар доим иккала кўринишдаги Ф. тушунчаси қўлланилади. Ф. тушунчасига ижобий-қулай имконият, салбий-муқулай имконият нуқтан назаридан ҳам қараш мумкин. Ф. бу бизнинг борлигимиз, тафаккуримизни ҳаракатга келтиради (Гёте). Ҳозирда Ф.га фал.нинг фундаментал категорияларидан бири сифатида фаннинг турли соҳаларида функционал тадқиқот методини жорий этиш б-н қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Ф. кенг қўламда Кассирер томонидан билиш наз-ясига татбиқ этилди. Унинг фикрича, оламни билишга бўлган интилиш объектдан ажралган субстанцияни ўрганишгагина йўналтирилмаган, балки объектлар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш (функциялари) қатор объектларнинг биридан иккинчисига ўзаро ўтиш қонуниятларини амалда қўллаш имкониятларини ўрганишга қаратилгандир.

Функционал (структурал, генетик, ҳ.к.) муносабатларни ўрганиш классик фанда сабабий боғланишлар қўлами кенглигини қайд этиш б-н боғлиқ. Бундай ёндошиш асосида биология ва ижтимоий фанларда, айниқса маълум мақсадларга йўналтирилган системаларни ўрганишда асослилик, мувофиқлик, ишончлилик, функционал тарзда ўз фикр-

мулоҳазасини билдириш ва тушунтириш каби муаммолар тадқиқ этилади.

ФУРЪЕ Франсуа Мари Шарль (1772,7.4. Безансон — 1837,10.10. Париж) француз социал-утописти. Савдогар оиласида дунёга келган. Ф. «Умумжаҳон уйғунлиги» (1803) мақоласида, «Савдо лўттибозликлари ҳақида» (1807), «Тўрт ҳаракат ҳамда умумий тақдирлар наз-яси» китобларида ўзининг тарихий ва ижтимоий қарашларини баён қилган. 2-жилдли «Уй ва ер ишлари уюшмаси ҳақидаги рисола» (1822)сида келажакдаги жамиятнинг батафсил режасини ишлаб чиққан. Ф. маърифатнинг иқтисодий таълимотини ва ижтимоий фал.ни амалиётга зид ҳисоблаб, номақбул ижтимоий тузумни оқлайди, деб рад этади. Ф. «бутун дунё ягоналиги наз-яси»нинг таркибий қисми сифатида «ижтимоий фан» яратишни ҳаётининг мақсади деб билган. Унинг фикрича, жамият изчил равишда эдемизм (ибтидоий «жаннат»), ёввойилик, варварлик ва цивилизациядан иборат босқичлардан ўтади. Ўзининг чуқур инқирозини бошидан кечираётган цивилизациялашган жамият ўрнига эса, уйғунликка асосланган олий ижтимоий тузум келади ва у нафақат Худо — табиатнинг иродасига мос келади, балки тарихий зарурат сифатида ҳам майдонга чиқади. Янги жамиятнинг муваффақияти учун меҳнат унумдорлигини ошириш зарур ҳисобланган. Ассоциацияларни ташкил қилиш эса, йирик жамоалашган ва механизациялашган, саноат ишлаб чиқариши б-н боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигини бунёд қилишга имкон яратади. Бу боғланиш жамиятнинг бирламчи ячейкалари бўлган «Фаланга»ларда амалга ошади. Шаҳар б-н қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этиб, инсон фаолиятининг барча кўринишлари бирлашган янги аҳоли пунктларини вужудга келтиради. Ф. фикрича, онгли равишда ташкил этилган қудратли ҳудудий, миллий ва халқаро меҳнат армиялари Ер шари кўринишини ўзгартириб юборади. Ижтимоий ҳаётнинг янгича шароитларида ҳар томонлама баркамол бўлган янги инсон шаклланади.

ФУРҚАТ Зокржон Холмуҳаммад ўғли — (1859, Кўқон — 1909, Ёркент) — маърифатпарвар, лирик шоир, 19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларидаги ўзбек адабиётининг йирик намояндаси. Ф. маҳалласидаги мактабда таҳсил кўради, айна замонда отаси ёрдамида мустақил мутолаа орқали ўзбек ва форс адабиётининг буюк намояндалари меросини, айниқса, Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганади, форс тилини мукамал ўзлаштиради. У янги Марғилонда ижодкор сифатида тўла шаклланиди, ўз ғазалларига «Фурқат» — «айрилиқ» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозонди. 80-й.лар бошларида Кўқонга қайтиб, оила қуради, ижод б-н шуғулланади, Муқимий, Муҳаййий, Завқий, Муҳайяр каби ижодкорлар б-н бево-

сита мулоқотга киришади. У мумтоз шеърятимиз анъаналари руҳида кўплаб ишқий ғазаллар, мухаммаслар яратди. Ф.нинг «Ҳаммоми хаёл» рисоласи, «Нуҳ манзар» номли шеърый китоби, форсчадан таржима қилинган «Чор дарвеш» ҳикояти ўша давр маҳсулидир. 1889 й.да Ф. Тошкентга келиб, Кўкалдош мадрасаси ҳужраларидан бирига жойлашди. Бу ерда у адабий ҳаётда кўринарли мавқега кўтарила боради. Машҳур «Сайдинг қўявер, сайёд» мусалласида эса, Ф. чор босқинчилари мустамлакасига айланган ўлкадаги ҳукмрон зўравонликка қарши инсон шарафи ва ғурурини улуғлайди. 1890 й.нинг май, июл, сентябр ойларида унинг «Илм хосияти», «Акт мажлиси ҳақида», «Вўставка хусусида» номли асарлари босилиб чиқди. Фурқат 1892 й.да ҳаж зиёратини бажо айлаб, Жидда, Мадина шаҳарларида бўлди. Худди шу зиёрат муносабати б-н унинг «Ҳажнома» асари майдонга келади. 19-а. охири ва 20-а. бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, маърифатпарварли ғоялари б-н суғорилган Ф. 1909 й.да Ёркентда вафот этди.

ФУТУРОЛОГИЯ (лот. futurum — келажак ва logos — таълимот) — кенг маънода: инсоният келажаги, умумбашарий муаммолар ҳақидаги умумий концепция ёки тасаввурлар мажмуаси; тор маънода: ижтимоий жараёнлар ҳамда илмий-техника тараққиётига оид соҳалардаги жараёнларни изчилликда ўрганиш ва келажакнинг башорат қилиш, шунингдек, статистик ва бошқа маълумотларни қайта ишлашнинг математик усуллари ишлаб чиқиш асосида иқтисодий, илмий-техника, ижтимоий ва сиёсий соҳаларни режалаштириш ва истиқболларини белгилаш имкониятини берадиган фан соҳасидир. Ф. термини 1943 й.да немис социологи О.Флехтхейм томонидан мавжуд барча ижтимоий таълимотларга муқобил қилиб қўйилган «келажак фал.си» ни ифодалаш учун киритилган. Лекин 1960 й.ларнинг бошларида Ф. барча ҳодисаларнинг, энг аввало ижтимоий жараёнларнинг истиқболлини башорат қилишга йўналтирилган «келажак ҳақидаги фан», 1960 й.ларнинг охирларига келиб эса, Ф. ижтимоий фанларнинг келажакни башорат қилиш функцияларининг мажмуи ва келажакни башорат қилиш қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида кенг маънодаги ижтимоий башоратчиликни англата бошлади. Бугунги кунда Фарб Ф.сида бир неча йўналишлар шаклланган бўлиб, апологетик, сўл радикал, реформистик оқимлар шулар жумласидандир. 20-а.нинг охирларига келиб, футурологлар асосий икки йўналишга ажралишди: Улардан бири — «экологик пессимизм» (Форрестер, Медоуз, Р.Хейлбронер (АҚШ) тарафдорлари бўлиб, инсоният ривожининг салбий оқибатларини башорат қилсалар, иккинчиси — илмий-техникавий оптимизм (Тоффлер, Месарович, Ласло (АҚШ), Пестель (Германия), Фримен (Буюк Британия) намояндалари технологик тараққиётнинг

ижобий имкониятларидан фойдаланиб, инсоният цивилизациясини сақлаб қолиш мумкинлиги ғоясини асослашга ҳаракат қилдилар.

ФУҚАРОЛИК — кишини қайси миллатга мансублигини эмас, балки муайян мамлакатга, шахс яшаб турган маконга боғлиқлигини ифодаловчи тушунча. Бошқача айтганимизда, Ф. шахс б-н давлат ўртасида муносабатларни ифодалайди. Турли миллатга мансуб бўлган бир мамлакат фуқаролари миллатидан қатъий назар ўз давлатининг мустақиллигини, давлатининг рамзлари: герби, байроғи, мадҳияси, конституцияси ва пули б-н фахрланиши тушунилади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим. Ф.ж.да давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг тўла назорати ўтказилади, давлатнинг кўпгина вазифалари маҳаллий жойларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, нодавлат ташкилотларига ўтади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эса умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифалар: мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизimini шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш кабиларни амалга оширади. Ф.ж. тўғрисида кўпгина файласуфлар, политологлар, ҳуқуқшунослар қизиққанлар. Аристотелнинг «Сиёсат» асарига Ф.ж. муаммосига эътибор берилиб, унда «Полис»га инсоният жамиятининг бахтли ҳаётини таъминлашнинг энг олий шакли сифатида қаралади. Асарда

давлат тузумлари ҳақида фикр юритилиб, бу хусусдаги Платон лойиҳаси таҳлил этилади, жамиятни бошқаришда қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлиши, давлат фаровонлиги ҳамда умум манфаатига хизмат қилиши таъкидланади. Ўз даврида Форобий ҳам «Фозил одамлар шаҳри» асарига Ф.ж. шароитида бошқарувнинг жамиятчилик асослари тўғрисида дастлабки ғояларни илгари суради. Ф.ж. муаммосига оид бўлган давлат ва жамият тўғрисидаги қарашлар И.Кант, Гегель, Руссо, Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий ва б. Шарқ ва Европа мутафаккирлари томонидан давом эттирилган. «Давлат, — деб таъкидлайди И.Кант, — алоҳида шахслардан иборат, уларнинг бирлигини, гарчи у шунчаки умумийликдан иборат бўлсада, уни фуқаролар жамияти деб тушунадилар». Гегельнинг ҳуқуқ фал.сида ҳам Ф.ж.га доир қарашлар илгари сурилган. Ҳоз. кунда Ўзбекистонда Ф.ж. қуриш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. «Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз, — дейди Президент И.А. Каримов, — бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир» (И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 14-бет). Ф.ж. қурилишида қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган ғоя асосида «фуқаро — жамият ва давлатнинг» оқилона ҳуқуқий ечими топилади. Ф.ж.ни қуриш вазифалари жамиятда сиёсий, миллатлараро ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонунларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Х

ХАЁЛ — психологияда тафаккур сингари билиш жараёнларидан бири ҳисобланиб, у инсоннинг ички ва ташқи хусусиятли изланиш фаолиятида, муайян даражага эга бўлган муаммоли вазиятнинг вужудга келишида ҳамда унинг ҳал қилинишида иштирок этади. Х. ёрдами б-н инсон томонидан кутилаётган натижа, яъни кутилманинг тасаввур образлари яратилади, гўёки бу жараёнда ижодий фаолиятнинг модели ишлаб чиқилади, фантастик тимсоллар тизими янгилекларнинг мутлақ таркиблари б-н боийб боради, ички фаоллик эса унинг механизмига айланади. Х. ҳеч қачон ижодий фаолият дасгурининг яратувчиси сифатида намоён бўлмайди, балки у унинг айрим ўринларини тўлдиришнинг ва алмаштиришнинг тимсолларини яратади, холос. Амалий

фаолият бошланмасдан туриб, унинг маҳсули олдиндан тасаввур қилиш ва уларни тимсоллар тариқасида вужудга келтириш Х.нинг асосий вазифаси ҳисобланади. Х. билиш жараёнлари б-н узвий боғлиқликда ҳукм суради, уларни акс эттириш имкониятининг тўлароқ рўёбга чиқишига ёрдам беради. Психологияда суст (пассив), фаол (актив), ихтиёррий, ихтиёрсиз, тикловчи ва ижодий Х. турлари тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд. Х.нинг аналитик-синтетик хусусияти бўйича 2 тенденция мавжуд. Аналитик ҳолат Х.нинг мазмунини, предметни тубдан янги образлар, тимсоллар яратилишдан, атроф-муҳитнинг ифодаси, янги безакли, жилоли эканлигини қайд қилишдан иборатлигини тан олишдир. Иккинчи тенденция биосфера, ноосфера тўғри-

сидаги маълумотлар, тасаввурлар, таъсирланиш, тажрибалар ижтимоий-тарихий тараққиёт давомиди қайтадан тикланиш орқали Х. маҳсули сифатида сақланиб келади, деган ғояга асосланади. Ҳар иккала тенденция уйғунлашуви орқали ижодий ва тикловчи Х. турлари аҳамиятига, маҳсулдорлигига оқилона баҳо бериш мумкин, холос.

ХАЁЛИЙ СОЦИАЛИЗМ — 1) амалга ошмайдиган, реал бўлмаган, хаёлий, ғайриилмий социализм. Жамият тараққиёти қонунлари ҳақидаги билимга эга эмас, балки идеал ижтимоий тузум қуриш ҳақидаги орзу-хаёлларга асосланган таълимот. 2) келажакдаги идеал ижтимоий тузумни акс эттирувчи амалга ошмайдиган орзу, хом хаёлий социализм; 3) жамият тузумининг идеал келажакини тасвирловчи бадиий асар ҳақидаги қарашлар.

Х.с. — идеал жамият тўғрисидаги утопик таълимот. «Хаёлий социализм» термини Томас Мор (1478—1535), Томаззо Кампанелла (1568-1639)лар томонидан ишлаб чиқилган. Утопик социализм асосчиларидан бири инглиз гуманист-мутафаккири Т.Морнинг «Утопия» (1516) асари номидан олинган. Ғарбий Европа мамлакатларидаги 19-а. Х.с. тарафдорларидан Анри Сен-Симон (1760—1825), Шарль Фурье (1772—1837) ва Роберт Оуэн (1771—1858) лар бўлиб ҳисобланади.

ХАЙДЕГГЕР Мартин (1889—1976) — немис файласуф, немис экзистенциализмининг асосчиларидан бири. Констанцадаги гимназияда сабоқ олган. Фрейбург ун-тини тугатган. Фал., теология б-н бирга табиат фанларини ҳам чуқур ўрганган. Унинг фал-ий дунёқарашини шаклланишида Августин, Лютер, Кьеркегор, Гегель, Шеллинг, Ницше, Гуссерль каби мутафаккирлар диний-фал-ий қарашларининг таъсири беқиёс бўлди. 1914—16 йилларда психологизмдаги фикрлаш таълимоти, «Дунс Скотнинг категориялар ҳақидаги таълимоти» мавзuida илмий тадқиқотлар олиб борган. Национал — социалистик ҳаракат ғояларидан илҳомланган Х. 1933 й.да Германияда ҳокимиятни қўлга олган национал — социалистлар партияси тақлифи б-н Фрейбург ун-ти ректори лавозимига ишга келади. Ректорлик лавозимини бажаришга киришиш чоғида сўзлаган нутқида национал — социализм идеологиясини тан олди. Х. Фрейбург ун-тини национал — социалистлар партияси сиёсати ва идеологиясидан ташқарида тутишга, уни мустақил фаолият кўрсатувчи илмий муассасага айлантиришга ҳаракат қилади. У мақсадига эриша олмагач, 1934 й.да Фрейбург ун-ти ректорлиги лавозимидан кетади. Таълим-тарбия ишлари б-н шуғулланади. Хусусан, Ницше фал.си ҳақида маърузалар ўқийди. 1936—1950 й.ларда метафизика генезисини ўрганиш ва танқид қилиш б-н шуғулланади. Х.нинг ижтимоий-фал-ий қарашлари: «Борлиқ ва за-

мон» (1927), «Кант ва метафизика муаммоси» (1929), «Замон олам манзарасида» (1938), «Ницшенинг «Худо ўлди» деган сўзи» (1943), «Бурилиш» (1949), «Техника ҳақидаги масала» (1953), «Метафизикага кириш» (1953) каби асарларида баён қилинди. Немис экзистенциализмининг шаклланишида Х.нинг хизматлари беқиёс бўлди. У ўзининг «Борлиқ ва замон» асарида оламни ҳақиқий манзарасини билмоқ учун, аввало, инсон борлигини билмоқ даркор, деган ғояни илгари сурди. Унинг фикрича, экзистенциалистик онтологиянинг биринчи асоси — инсон борлиғидир. Борлиқнинг, инсон шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат борлиқнинг бошқа кўринишларини, балки ўзини-ўзи билишга ҳам қодир. Шунингдек, инсон борлиқнинг бошқа шакллари б-н турли муносабатлар ўрнатиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам бундай борлиқ, яъни инсон экзистенцияси — онтологиянинг фундаменти бўлмоғи даркор. Х. инсон борлигини — борлиқни бошқа шакллари б-н бирга таҳлил қилиш учун «экзистенциал» тушунчасига таяниш зарур, деб ҳисоблайди ва немисча «Ман» (ноаниқ шаклни алмашиши) сўзи б-н ифодалайди. Ушбу «Ман»ни «яқинлаштириш», «тенглаштириш» тушунчалари ёрдамида тушунтириб беради. Х.нинг таъкидлашча, инсон ўз борлиғидаги турли зиддиятли томонларни бирданга илғаб ололмайди. Чунки инсон бири иккинчисидан ўрганади, бири иккинчисига ўргатади. Ана шундай ўзаро мулоқотлар жараёнида ҳар бир киши ўз «Мен»ини билиб олади ва уни такомиллаштириш имкониятига эга бўлади. Инсон ўзгалар б-н алоқада бўлиш жараёнида нафақат умумийлик томон яқинлашади, балки ўз шахси, ўз борлиғининг индивидуал такорланмас хусусиятларини аниқлаб ва мустаҳкамлаб боради. Х. фал.си инсоннинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ўта мураккаб жараён эканлигига эътиборни қаратди ва турли миллат, турли элатга мансуб одамлар фаолиятидаги умумийликни аниқлашга ҳаракат қилди. Унинг фикрига кўра, ушбу мураккаб жараённи ўрганиш «ўртачилик» ёки «шахсий» дегани эмас. Кишиларни умумий бойлигига нафақат стандартлар, стереотиплар, қолиплар, балки «ўртамиёналик»дан юқори турувчи ҳолатлар — оригиналлик, ижодийлик, ноёблик ҳам қиради. Одамларни кундалик амалий фаолиятини «ўртамиёналик» мезонларига асосан таҳлил қилиш ёки ушбу ўрта ҳол деб ҳисоблаш — инсоннинг ўзаро муносабатларини соддалаштиришдан бошқа нарса эмас.

ХАЛҚ — луғавий маънода тилимизда эл, элат, миллат, аҳоли, халойиқ, бир гуруҳ кишилар маъноларини англатиш учун қўлланади. Х. сўзи атама сифатида ўзининг қатъий белгиланган маъносига эга. Мас., Ўзбекистон халқи деганда республикамизда яшовчи барча аҳолини тушунмоқ керак. Республи-

камизда ҳоз. яшаб турган 24 миллиондан ортиқ киши Ўзбекистон аҳолисидир.

ХАЛҚАРО ТИЛЛАР — ҳозирги замон халқлари, давлатлари орасидаги муносабатларда энг кўп ишлатиладиган тиллар. Халқаро тиллар б-н Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг расмий тиллари орасида фарқ бор. БМТнинг расмий тиллари — инглиз, француз, испан, рус ва хитой тиллари. Шу б-н бир қаторда, Х т.нинг жаҳон тилларидан ҳам фарқи бор. Зеро, жаҳон тиллари деганда, дунёнинг энг йирик тиллари тушунилади: хитой, инглиз, рус, испан, ҳинд, япон, португал ва араб тиллари. 20-а.нинг 60-й.ларига келиб, инглиз тили жаҳонда энг кенг тарқалган ва қулай халқаро тилга айланди. Ҳоз. даврда жаҳондаги илмий ва техникавий адабиётларнинг ўрта ҳисобда 80 % и инглиз тилида чоп этилади. Халқаро анжуманлар, конгресслар, сессиялар, конференциялар, суҳбатлар, муҳофазалар, расмий музокаралар, учрашувлар ва б. тадбирларнинг иш фаолияти одатда, уч тилда — инглиз, француз ва испан тилларида олиб борилади, эълон қилинади. Аммо қулайлик нуқтаи назаридан, маъруза ва чиқишларнинг энг камида 80 % инглиз тилида ёзма ёки оғзаки эълон қилинади (ўрта ҳисоб б-н француз тилида 12 %, испан тилида 5 %, қолган жаҳон тилларида 3 %).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — миллий истиқлол мафкурасининг асосий гояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги — бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

Бу ҳақиқатни англаб етиш учун аҳоли барча қатламларининг олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини ҳис қилиши ва бунда фаоллик кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса кишиларнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга, ўзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликдир.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, динидан қатъи назар шахс сифатида ўз қобилиятини, истеъдодини намоиш этиш ва ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятига эга. Халқимизда мулкка, ерга эгалик ҳиссини тарбиялаш, ўз кучига, иродасига ишонч руҳини камол топтириш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларига ўтиш давр талаби эканлигини англаб етиш бу борадаги устувор ва ҳал қилувчи вазифаларга киради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборатдир. Бу мақсадга эри-

шиш учун жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларидаги қатор муаммолар ҳал қилинмоқда.

Иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкчиликнинг муқобил шакллари таркиб топтириш ва мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, эркин рақобат, тадбиркорлик, ташаббускорлик муҳитини вужудга келтириш халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидандир.

Мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, фуқароларимизнинг интеллектуал салоҳияти, энг асосийси, келажакка бўлган умид-ишончи, сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги халқ фаровонлигини таъминлаш заминидир.

ХАРАКТЕР (юн. charaktir — белги, ажратувчи сифат, хислат) — ижтимоий муҳитда таркиб топадиган, шахснинг теварак-атрофдаги воқеликда ва ўзига ўзи муносабатларида ифодаланадиган, унинг муайян вазиятларда ҳамда шароитларда намоён бўлувчи хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган барқарор, турғун руҳий хусусиятларининг мажмуаси. Х. хусусиятлари келиб чиқишининг физиологик шароитларидан бири—бу кўчиш механизми асосида турли динамик стереотипларнинг ҳосил бўлишидир. Темперамент типини Х.нинг индивидуал ўзига хос хусусиятларининг пайдо бўлишидаги муҳим психологик шароитлардан бири. Инсон Х.ининг айрим хусусиятларининг ўзаро боғлиқ, бир-бирига тобе яхлит организми унинг тузилмаси (структураси) дейилади. Руҳий хусусиятларнинг ўзаро боғланган тизими симптомокомплекслар ёки факторлар деб аталади. Х. хусусиятларининг 4 та тизими мавжуд: 1) жамоага, гуруҳга, айрим инсонга нисбатан муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик ва б.); 2) меҳнат фаолиятига нисбатан муносабатни акс эттирувчи хусусиятлар (меҳнатсеварлик, ялқовлик, виждонлик, меҳнатга масъулият ёки масъулиятсизлик б-н муносабатда бўлиш ва б.); 3) нарса ва ашёларга нисбатан муносабатни ифодаловчи хусусиятлар (озодлик ёки ифлослик, нарсаларга аяб ёки аямасдан ёндашиш ва б.); 4) инсоннинг ўзига ўзи нисбатан муносабатларини ифодаловчи хусусиятлар (иззатнафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, димоғдорлик, камтаринлик ва б.). Х. тузилишининг хусусиятлари: 1) хусусиятларнинг чуқурлик даражаси; 2) Х.нинг фаоллиги, кучи; 3) унинг барқарорлиги, ўзгармаслиги; 4) Х.нинг маълум даражада пластиклиги кабилар. Х.ни ташкил қилувчи хусусиятлар унинг хислатлари деб номланиб, маънавий ва иродавий туркумлардан иборат. Хусусият туғма, ўзгармайдиган хусусият эмас, шунинг учун у инсоний турмуш шароитларига боғлиқ ҳолда таркиб топиб, ўзгарувчан ва тарбияланувчандир. Модомики шундай экан, психиканинг индивидуал сифат хусусият-

лари шахснинг ижтимоий-типик муносабатлари б-н бирга қўшилгандагина Х. хислатларини белгилаш имкониятига эга бўлади. Х. ирсият б-н бевосита алоқага кирмайди, чунки у ижтимоий қонуниятлар б-н белгиланади. Х. б-н темпераментнинг ўзаро муносабати уларнинг физиологик асослари б-н тавсифланади. Х.нинг шаклланишида бир неча турли психологик механизмлар мавжуд бўлиб, уларнинг ичида одатлар муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Х. умумбашарий сифатлар б-н чекланиб қолмасдан, у миллий ва этнопсихологик хусусиятларга ҳам эга. Шу боисдан ўзбекларнинг ўзига хос миллий Х. хислатлари мавжуд. Истиклолдан кейин миллий маънавият ва кадрятларнинг тикланиши туфайли Х.нинг соф фазилатлари барқарорлашиб бормоқда. Х.нинг моҳиятини, тузилишини, типларини психологиянинг махсус соҳаси характерология ўрганеди.

ХАРИЗМА (ёки харизматик легитимлик) — бирор шахснинг бошқаларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада устун хусусиятларга эгалити ва ана шу устунлик ёрдамида халқни бошқаришга ҳақли эканлигини ифодалайдиган тушунча. Х. тушунчаси илк бор италиялик руҳоний Ст. Паул томонидан мўъжизавий қобилиятга эга бўлган насронийлар пайғамбари Исога нисбатан ишлатилган. Аммо илмий тушунча сифатида Х. асосан немис социологи М. Вебер томонидан чуқур тадқиқ қилиниб «Gnadengabe», «эҳсон» дея номланган. М.Вебернинг фикрича, Х. Худо томонидан берилган эҳсондир. Инглиз олими Ч. Андриан эса бундай шахсий, яъни харизматик устунликни «ггасе», яъни «қобилият» деб номлаган ва унинг фикрига кўра ҳам бу — Тангри томонидан берилган қобилиятдир. Х.га асосланган сиёсий ҳокимиятни эса Ч. Андриан «эҳсон этилган қобилият ҳокимияти» деб атайди. Қад. даврларда фақат илоҳий мазмунга эга бўлган тушунча вақт ўтиши б-н олимлар томонидан реал ҳаётга татбиқ этила бориб, илоҳий қобилиятга эга бўлмаган, аммо устун хусусиятларга, юксак фазилатларга эга бўлган етакчи тарихий шахсларга нисбатан ҳам ишлатила бошлаган.

ХОЖА АХРОР Убайдуллоҳ (1404, Шош (ҳоз. Тошкент) вилоятининг тоғли Богистон (Бўстонлиқ тумани) қишлоғи — 1490) нақшбандийлик тариқатининг машҳур сиймоларидан бири. Ёшлик й.лари Шошда ўтган. Унинг тарбияси ва илм олиши б-н тоғаси Хожа Иброҳим шахсан шугулланган. Х.А. 1427 й.да 23 ёшида ўқиш учун Самарқандга келади. У 1428—33 й.ларда Ҳиротда яшаб, машҳур шайхлар Баҳоуддин Умар, Зайниддин Хавофийлардан сабоқ олади. Сўнг 1433 й.да Чағониён (ҳоз. Сурхондарё ва қисман Қашқадарё вилоятлари) худудидаги Қулуғуту мавзеига бориб, Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди мавлоно Яъқуб Чархий б-н танишади ва уни ўзига пир, муршид деб тан олади. Тахм. 1450-51

й.ларда Шошга қайтади. Бу ерда ва 1452 й.дан Самарқандда шайх сифатида эл назарига тушиб, *нақшбандия* тариқатини тарғиб қилади. Х.Х.А. ижтимоий фаолиятдан ташқари илм б-н шугулланган. Унинг тасаввуф илмига оид фикрлари жамланган «Фикрат ул-орифин», одоб-ахлоқ ва инсоннинг ўзини таниш мавзусига бағишланган «Рисолаи волидия» (Мухтасар), шунингдек, «Рисолаи хуроия», «Руқот» каби асарлари бизгача етиб келган.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО (тахаллуси, тўлиқ исми Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий) — нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Х.М.П. Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси эди. Баҳоуддин Нақшбанд вафоти олдиан Х.М.П.ни ўз ўрнига тайин қилган. Куйидаги асарлари маълум: «Аз анфоси қудсияи машойихи тариқат» («Тариқат машоихларининг қудсий калималаридан»), «Эътиқод» («Эътиқод ҳақида рисола»), «Таҳқиқот» («Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола»), «Тафсири Куръон» («Куръон тафсири»), «Аларбаъин» («Қирқ ҳадис»), «Рисола дар одоби мурид» («Мурид одоблари ҳақида рисола»), «Рисолаи кашфия» («Кашф ҳақида рисола»), «Рисолаи маҳбубия» («Дўстлик ҳақида рисола»), «Шарҳи «Фикҳи Қайдони» («Фикҳи Қайдоний» асарининг шарҳи). «Мухтасари тарихи Макка» («Макка шаҳрининг қисқача тарихи»), «Фусули сита» («Олти фасл»), «Мактуби Х.Муҳаммад Порсо ба Мавлоно Зайнуддин» (Хожа Х.М.П.нинг Мавлоно Зайнуддинга мактуби), «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» («Алоуддин Аттор мақомоти»), Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд («Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақомоти»), «Муқаддима ли-«Жомий ул-қалим» («Жомий ул-қалим» китобига муқаддима), «Ҳафтоду ду фирқа» («Етмиш икки фирқа»). Х.М.П.дан қолган жуда бой шахсий кутубхона сақланган. Хожа 2-март ҳаж сафарини адо этган. Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд б-н, кейин 1419 й. Бухородан Термиз, Балх ва Ҳирот орқали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб боради. Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб 72 ёшида вафот этади. У амир ул мўъминин Аббос мақбараси ёнига дафн этилади. Шайх Зайнуддин ал-Хавофий Мисрдан тарошланган оқ тош келтириб, унинг қабрига қўяди. Х.М.П.нинг «Рисолаи қудсия» асари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарига бағишланган. М.П. бу асарида ўз устозининг қудсий калималарини шарҳлаб беради. Асар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, унинг хизматлари ва маънавий оламини очиб бериш ҳамда нақшбандия тариқати асослари ҳақида чуқур маълумотларни ўз ичига олганлиги б-н ниҳоятда қимматлидир. М.П.нинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шухрат келтирган асари «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб»)

номли асаридир. Катта ҳажмга эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасида қўлланма сифатида фойдаланилган. Асар 494 та масалага бағишланган бўлиб, бир неча марта чоп этилган. Ҳ.М.П. ҳадис илмини ҳам яхши ўзлаштирган. Улуғбек даврида ҳадис соҳасидаги баҳсларда ғолиб чиққан ва унинг билим даражасини Улуғбекнинг ўзи тан олган. Х.М.П. ўз даврининг сиёсий воқеаларига ҳам алоқадор бўлган. Унинг фаолиятдан Халил Мирзо, шунингдек, Хуросон ҳукмрони Шоҳрух яхши хабардор бўлганлар. Х.М.П. Шоҳрух б-н турли масалалар бўйича ёзишмалар ҳам олиб борганлиги манбаларда қайд этилган. Умуман олганда Х.М.П. Марказий Осиё халқлари маънавиятида, ислом ва тасаввуф тарихида чуқур из қолдирган.

ХОНДАМИР Хожа Жалолоддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин (1475, Ҳирот — 1535, Агра) — машҳур тарихчи олим. Х.нинг отаси Ҳумоиддин Муҳаммад ўқимишли фозил киши бўлиб, теурий Султон Абу Саиднинг ўғли Султон Маҳмудмирзонинг вазири эди. Онаси эса машҳур муаррих Мирхонднинг қизи бўлган. Х. Ҳиротда ўқиб вояга етган. Унинг камолотга етишишида Алишер Навоийнинг раҳнамолиги ҳам сабаб бўлган. Х. миллий тарихнавислик мактабининг улуг вакили. Бу мактаб ўзининг халқчил, содда, равон, барча учун бирдай тушунарли бўлган услуби ва беқиёс жозибаси б-н ажралиб туради. Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун дастур», 1500), «Мақорим ул-ахлоқ» («Олийжаноб сифатлар ҳақида китоб», 1501) ва б. асарлар муаллифи. Асарлари халқимиз, биз б-н қўшни Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон халқларининг ўтмишдаги тарихи ва юксак маданиятини ўрганишда асарлари муҳим ўрин тутди. Х. 10 га яқин йирик асар яратган. Унинг кўпгина асарлари оригиналиги, турли-туман фактик маълумотларга бойлиги б-н ажралиб туради. «Ҳабиб ус-сияр» (1515-23) Х.ниг энг йирик ва қимматли асаридир. Асарда қадим замонлардан то 16- а.нинг 10-й.ларига қадар мусулмон мамлакатларида, хусусан Афғонистон, Ироқ, Эрон ва Ўрта Осиёда содир бўлган воқеалар талқин этилган. Асарнинг 3-боби, хусусан унинг 3-4 қисмлари оригинал бўлиб, унда теурий Султон Ҳусайн Мирзо ва Исмоил Сафавий замонида Эрон ва Афғонистоннинг, шунингдек 15-а. охири 16-а. бошларида Ўрта Осиёнинг умумий-ижтимоий-сиёсий аҳволи кенг ва атрофлича ёритилган. Бу қисмлар ўша даврни ўрганиш учун асосий манба ҳисобланади.

ХОРАЗМИЙ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Маъжусий (783, Хоразм — 850, Бағдод) — дастлабки билимларини Хоразмда олган. Отаси сарой аъёнларидан бўлганлиги ва халифа Ҳорун ар-Рашид (ҳукмронлик даври 786-809-й.) нинг ўғли Маъмуннинг Хоразмга (802-805 й.) нойиб этиб тайинланганлиги ва ўзига тенгдош Х.ни яқин саф-

дошлари сафига қўшганлиги бўлажак олимнинг кейинги тақдирида ҳал қилувчи рол ўйнади. 805-й.да Маъмун Бағдод халифалигининг энг қудратли ўлкаси бўлган Хуросонга ҳоким этиб тайинланиши (пойтахти Марв шаҳри) Х.ни ҳаётида муҳим давр эди. Маъмун Бағдодда «Байт ул-ҳикма» (илмлар уйи)га асос солиб, ўз даврининг етук олимлари, таржимонлари, шоиру фузалоларига ҳомийлик қила бошлади. «Байт ул-ҳикма»га дўсти Х.ни бошлиқ қилиб тайинлади. Х. бу лавозимида умрининг охиригача фаолият олиб борди. Олимга буюк шўҳратни дастлаб «Ҳисоб ал-Ҳинд» («Ҳинд ҳисоби») номли рисоласи олиб келди. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик позицион система ва унинг амалий аҳамияти ҳақида сўз борди. Х.нинг ўнлик позицион системаси инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб берди. Агар мазкур санок системаси бўлмаганида илмий тафаккур бу даражада такомил топиши амри маҳол бўларди. Мас: 1180 703 051 492 863 рақами ўрта аср ислом олами ва Европада «Минг минг минг минг минг беш марта ва минг минг минг минг тўрт марта ва саксон минг минг минг минг тўртта ва етти юз минг минг минг уч марта ва уч минг минг минг уч марта ва эллик бир минг минг икки марта ва тўрт юз минг ва тўқсон икки минг ва саккиз юз олтиш уч» деб ўқилган ва ёзилган. Сонларни бу тахлитда ўқиш ва ёзиш математика фанининг, қолаверса, математика б-н боғлиқ барча фанларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Х. тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик б-н ифодаловчи санок системасини кашф этди. Ҳиндларнинг тўққиз белгидан иборат рақамлар тизими мукамал санок тизимига айланиши учун «О» («сифр») кашф этилиб, ўз ўрнига қўйилиши керак эди. Х. томонидан «О» (нул-сифр)нинг кашф этилиши инсоният илмий тафаккурининг беқиёс улкан ютуқларидан биридир. Х. томонидан ёзилган «Ҳисоб ал-Ҳинд» китобида энг муҳим олтита арифметик амаллар — қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш кабилар ишлаб чиқилган ва уларнинг услуб ҳамда қонуниятлари кашф этилган эди.

Х.нинг яна бир буюк хизмати алгебра фанини кашф этганидир. Алгебра мустақил фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиши бевосита Х. фаолияти б-н боғлиқ. «Алгебра» атамасининг ўзи Х. томонидан ёзилган «Ал-китоб вал мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ваал муқобала» («Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») номли рисоладаги «ал-жабр» сўзининг лотинча талаффуз ифодасидан келиб чиққан. Бу асар бир неча ўнлаб лотин ва б. Европа тилларига таржима қилинган. Алгоритмлар наз-ясини ҳам Х. номи б-н боғланганлиги, ҳатто, «Алгоритм» атамаси ҳам лотинчада ифода этилган

«Dixi Algoritmus» («дедики ал-Хоразмий») сўзидан келиб чиққанлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Алгоритм тушунчаси ҳоз. замон кибернетика, ЭҶМ (электрон ҳисоблаш машинаси) ва ҳоз. замон информатсион технология ҳамда жараёнларнинг асосий категориясига айланди. Х.нинг жуғрофия, тарих, астрономия фанлари соҳалари бўйича қилган хизматлари беқиёс. Халифа Маъмун олимлар олдига Осмон ва Ернинг тўлиқ харитасини тузишни вазифа қилиб белгилаган. Х. бу ишларга бевосита раҳбарлик қилган. Хариталар «Мажмуи ал-Маъмун», «Дунё харитаси» номи б-н юритилган ва у 840 й.лар атрофида ниҳоясига етказилган. Шу муносабат б-н Х. жуғрофияга оид «Китоби сурат ал-арз» номли асар яратган. Бу асарнинг ягона нусхаси (қўлёзма ҳолида) Қоҳирадан топилган. Баъзи манбаларда кўрсатилган 22 та харитадан фақат 4 таси сақланиб қолган. Х. ер юзини «Авесто» таълимоти бўйича 7 иқлимга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Агар «Авесто» китобида келтирилишича, Орий қабилаларининг ватани «Хванириата» марказий «қаршвар» (иқлим) саналган бўлса, унинг атрофидаги қаршвар (кишвар — мамлакат)лар олтига қилиб белгиланган. Хванириатада томонлар ҳам атрофидаги қарам ўлка (вилоят)лар номи б-н аталган. Х. ер юзини шимолий қутбдан то экваторгача 7 иқлимга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Бу б-н ер юзасини меридиан (градус)лардан ташқари параллелларга бўлиб ўрганишни бошлаб берди. Параллеллар б-н меридианларнинг кесилган нуқталари орқали ер юзи координаталарини аниқ белгилаш имкониятлари очилди. Х.нинг юлдузлар жадвали фанда «Хоразмий зиж» номи б-н машҳур. Мазкур жадвалнинг тахминан учдан бир қисми ал-Фарғоний зижда тўлиқ берилган бўлиб, Фарғоний асарлари орқали Европага кенг тарқалган. Унинг тарихга оид асарлари, хусусан, «Хоразмнинг машҳур кишилари» номли асар ёзганлиги ва бу асардан Абу Райҳон Беруний тўртта кўчирма олганлиги маълум. Х. ўрта асрларда етишган ўзбек маданияти классиги, ўзбек фанининг илк тамал тошини қўйган энг буюк аждодимиздир. «Хоразмий ўз асарлар б-н Шарқ ва кейинроқ Европа риёзиёт илмига асос солди». (С.Толстов). Американик машҳур шарқшунос олим Д.Сартон «Хоразмий барча замонларнинг энг улуғ математикларидан биридир. Жаҳон фани тарихининг 9-а. биринчи ярмини ҳеч муболағасиз Хоразмий даври деб аташимиз лозим», — деган эди.

ХОССА — предметнинг бошқа предметлардан фарқи ва умумий жиҳатларини белгилаб берувчи, уларга бўлган муносабатда намоён бўлувчи фал-ий категория. Ҳар қандай Х. нисбийдир. Х.ларни ўзгаришига қараб, 2 турга бўлиш мумкин: Х.ларнинг тезкорликка эга эмаслиги ва шу боис уни ўзгартира ололмалиги (мас., «иқтисодий», «тарихий» ва б.)

Предметда юқори ва султ тезкорликка эга бўлган Х.лар (мас., масса, ҳарорат, тезлик ва б.). Гуманитар фанлар аввало биринчи тур Х.ларига боғлиқ бўлса, табиий фанлар иккинчи тур Х.ларини тадқиқ қилишга интилади. Ҳоз. даврда фанда бундай фарқни бартараф этишга интилиш кучаймоқда (мас., гуманитар фанларга статистик ва математик усулларнинг кириб бориши, аффин геометрияси ва типологиясининг юзага келиши ва ҳ.к.).

ХОТИРА — атроф-муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқий ва механик йўл б-н акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналитирилган мнемик хотира, фаолият. Х.ни 5 та муҳим мезонга мувофиқ равишда турларга (кўринишларга) ажратиш мумкин: руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра Х. қуйидаги турларга бўлинади: а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат Х.; б) образли Х.; в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт Х.; г) сўз — мантиқ Х. Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан; а) ихтиёрсиз ихтиёрий, механик. Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра: а) қисқа муддатли; б) узоқ муддатли; в) оператив. Руҳий фаолият кўзгатувчисининг сифатига қараб: муслиқий эшитиш. Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига эътиборан: феноменал касбий.

ХРИСТИАНЛИК (юн. christos — Худо ярлаққан вакил, халоскор) — Рим империясининг шарқий провинцияси (Фаластин) да пайдо бўлган. Х. 311 й.да расман руҳсат берилган динга айланган. Император Константин 324 Х.ни давлат дини деб эълон қилган. 325 й.да унинг кўрсатмаси б-н жаҳон христианларининг биринчи йиғини — Никей собори чақирилган. Бу соборда епископлар, илоҳиётчилар Х.нинг асосий ақидаларини тасдиқлаганлар, черков қонун-қоидалари ёзилган китобларни қабул қилганлар ҳамда черков ташкилоти тугал ҳолга келтирилган. «Х.» атамаси эътиқодни англатиш маъносига Антиохияда (Сурия) 42 й.да вужудга келган. Дастлабки даврида Исо издошлари ўзларини христианлар ва таълимотларни Х. деб атамаганлар. Бу ном дастлаб уларга қарши томондан ҳақорат сифатида қўлланган. Х.нинг диний таълимоти мазмунини асосан қуйидагилар ташкил этади: Худо муқаддас учликда (троица) намоён бўлади. Яъни Худо уч қиёфали, лекин ягонадир. Бу дегани, Худо Худо-Ота, Худо-Ўғил, Худо-Муқаддас Рухдан иборат. Бироқ, бу уч қиёфали худолар айна пайтда шахсларига кўра фарқ қиладилар. Худо — Ота туғилиш йўли б-н пайдо бўлмаган, уни ҳеч ким яратган эмас. Худо-Ўғил эса, туғилган. Худо-Муқаддас Рух эса, Худо Отадан пайдо

бўлган. Асосий ақидалар қуйидагилардир: Худо-Ўғил (Исо) Масих, яъни Худо ярлақанган вақил. У илоҳий халоскор. Исо-Х.нинг асосчиси; Исо ўлдирилгандан кейин осмонга кўтарилиб кетган, у келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охираат кунни ерга қайтиб келади; Исо ҳам илоҳий, ҳам инсоний табиатга эга; Биби Марям Худонинг онаси, у қизлик иффати сақланган ҳолда илоҳий ҳомиладор бўлган ва Исони туққан; иконаларга сиғиниш; Худо ҳамма нарсадан устун туради ва абадийдир. Уни ҳеч ким яратган эмас. Худо дунёнинг яратувчисидир; одамзот туғилган пайтидан бошлабоқ гуноҳкордир; Худо яратган мавжудотларнинг гултожи инсон эди, чунки у инсонни ўзига ўхшаш қилиб яратган эди. Бу ўхшашликнинг асосий қирралари — бу инсонга берилган ақл-идрок, ирода, абадий ўлмасликларида эди. Худо бутун космик тартибни инсонга боғлиқ қўйди, бироқ инсон ўзининг иродасини, эркини Худо иродасига, эркинга қарама-қарши қилиб қўйганлиги учун уни абадий гуноҳкорликка маҳкум этган; чўқинтириш йўли б-н Худо одамларга нажот йўлини очиб берган; Одам Ато ва Момо Ҳаво қилган иш шундай гуноҳи азим эдики, одамлар қиладиган ҳар қандай қурбонлик худони қаноатлантира олмайди. Шунинг учун Худо одамларга раҳм қилиб, ўз ўғли Исони ўлимга маҳкум этган. Бу қурбонлик Худони Исога эътиқод қилганлар б-н яраштирган ва уларга чўқинтириш маросими орқали нажот йўлини очиб берган; фақат христиан черкови бағридагина одамлар Худонинг марҳаматига, унинг ҳимоясида бўлишига умид боғлашлари мумкин; Исо ўғитларига, васиятларига амал қилиш, ҳаёт машаққатларига Исо каби бардош бериш, бунинг эвазига нариги дунёда ажр (мукофот)га эришажаклик муқаррарлиги; жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги; жоннинг ўлмаслиги. Х.нинг муқаддас китоби «Библия» деб аталади. Унинг Х. пайдо бўлмасдан олдин яратилган биринчи ва катта қисми «Эски Аҳд» деб номланади, у иудаизм динининг Муқаддас китоби («Таврот») ҳисобланади. «Библия»нинг Х. б-н боғлиқ қисми «Янги Аҳд» («Янги васият») деб аталади. Китоблар номига «Аҳд» сўзининг қўшиб ишлатилиши «Худо б-н кишилар ўртасидаги муносабатлар аҳднома (васият) б-н тартибга солиб турилади», деган тушунчанинг асос қилиб олинганлиги б-н изоҳланади. «Янги Аҳд» 27 китобдан, яъни 4 та «Инжил» (Евангелия, яъни хушхабар), ҳаворийларнинг (Исо шогирдлари, Х.нинг дастлабки тарғиботчилари) амаллари, 21 рисоласи ва Иоанн (илоҳиётчи олим) «Ваҳийнома»-сидан иборат. 1054 й.га келиб, диний таълимотларни талқин этиш, янги вужудга келган черковларни назорат этиш, даромадларни тақсимлаш юзасидан келиб чиққан ихтилоф оқибатида Х. католик (бутун дунё) ва православие (чин эътиқод) черковларига бўлиниб кетган. Католиклар Муқаддас Рух-Худо ҳам,

Ота-Худодан, ҳам Ўғил-Худодан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Православлар эса, Муқаддас Рух-Худони фақат Ота-Худодан келиб чиққан, деган таълимотни тан оладилар. Х.нинг протестантизм конфессияси Реформация ҳаракати оқибатида шакллланган (1526). 1948 й.да жаҳон 44 мамлакатининг 147 протестант черковини бирлаштирган жаҳон черковлари кенгаши тузилган. Х. ўз тарихида рўй берган баҳс, мунозара, мураккабликларга қарамай 2000 й.дан буён яшаб келмоқда.

ХУДБИНЛИК — шахсий ёки индивидуал хусусият ва қадриятларни мутлақлаштириш, бошқаларни менсимаслик натижасида намоён бўладиган ҳаётий принцип ва ахлоқий сифат, индивидуализм қўринишларидан бири. Х. тушунчаси маънавий жиҳатдан инсонни унинг жамиятга ва б. кишиларга муносабати нуқтаи назаридан тавсифлайди. Худбин киши ўз хатти-ҳаракатида фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш кўради, жамиятнинг ва теварак-атрофдагиларнинг манфаатлари б-н ҳисоблашмайди. Ахлоқий сифат тариқасида Х. инсоният ахлоқий онги тарихида доимо салбий баҳолашиб келган. Х.ни тарғиб қилувчи наз-ялар тобора кўпроқ антисоциал йўналиш, сўнгра эса, реакцион мазмун касб этган, сохта ахлоқий принцип сифатида Х.га онгли ихлосмандлик эса айниби аморализмга айланиб кетган.

ХУДО — диний сиғиниш ва эътиқод қилишнинг объекти сифатида намоён бўладиган буюк қудрат, азалийлик ва абадийлик, яратувчанликнинг тимсоли. Х. турли таълимотларда турлича талқин этилган. Хусусан Шарқда кенг тарқалган пантеизм (вужудиюн)да Х. табиат (борлик)нинг ўзида Х. ва табиат бир бутунликни ташкил этади, дейилади.

Қадимги зардуштийлик динида икки Х. образи: ёруғлик Х.си (марҳаматли Х.) Аҳурамазда ва қоронғилик Х.си (шафқатсиз, ёвуз Х.) Анҳраманйю (Аҳриман) бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Қадимги Шарқ динларида ва б. политеистик динларда Х.лар жуда кўп бўлиб, улардан бири энг асосий, энг қудратли ҳисобланган (мас., қадимги бобилликларда Мардук, юнонларда Зевс, славянларда Перун), Монотеистик динларда (қ. Монотеизм), хусусан, исломда ягона ва қудратли Х.га эътиқод қилиш — асосий диний ақидадир. Қад. диний эътиқодларда Х.ларга сиғиниш бўлмай, жонсиз нарсаларга топинилган ёки руҳ, бут, ажиналар ва б. фантастик образларга эътиқод қилинган. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, бирлашмалари ривожланаётган, синфлар вужудга келаётган шароитда қабила Х.сининг образи келиб чиқди. Бу образ аввало бир қабила бошлиғининг б. қабила ва унинг Х.сига қарши курашдаги образи бўлган. Кўпгина ўтроқ халқларда шаҳар-давлатларнинг ташкил эти-

лиши б-н қабила Хларии шаҳар Х. ҳомийларига айланган. Бир неча қабила ёки шаҳарларнинг бирлашиши б-н энг кучли қабила ёки шаҳар давлатларнинг Хларии умумдавлат, миллий Хларига айланган, бўйсунган қабила ва шаҳр Хларии полиеистик ибодатхонада иккинчи даражали ўрин эгаллади.

Қад. яҳудийларда Яхве дастлаб қабила Х.си ва маҳаллий Х. бўлган, қад. яҳудий қабилаларининг бирлашиши ва Иудея давлатининг ташкил этилиши б-н умумяҳудийларнинг Х.сига, кейинчалик эса қудратли ягона Х.га айланган. Христиан динида Х. образи милоннинг 1-асрида шаклланган. Унинг асосини яҳудийлар Х.си Яхве (ота Х.) ташкил этади, лекин бу Х. тимсолига ўғил-Х. (Иисус Христос) ва муқаддас руҳ-Х. образлари ҳам сингиб кетган. Буддизмда дастлаб Хларига сиғиниш инкор этилган бўлса-да, кейинчалик будданинг ўзи Х. деб танилган, бу динда у б-н бир қаторда б. Хлар ҳам бор.

Ислон динида этиқод қилинадиган якка Х. *Оллоҳ* деб аталади. Маккадаги қад. ибодатхона — Каъба Байтуллоҳ (Оллоҳнинг уйи) деб аталиб, мусулмонларнинг бош саждагоҳи бўлиб қолган.

ХУДОДОДИ ВАЛИ (16-а. 1-ярмида яшаб ўтган) — тасаввуф вакили, шоир. Унинг шогирдларидан Муҳаммад Шариф ал-Хусайнийнинг «Хужжат уз-зокирин» номи тазкирасида хабар беришича, Х. В.нинг отаси Ҳазрат Азизон Ортиқ асли Хоразмнинг эътиборли хонадонларидан бўлиб, аввал Бухорога, ундан сўнг эса Карманага кўчиб келган. Худди шу ерда 1462-63 й. фарзанд кўриб, исмини Худойберди деб атаган. Аммо «Маноқибии шайх Худододи Вали» китобида ҳазрат Х.В.нинг қуйидаги эсдаликлари келтирилган: «Мен ўз ота-онамдан жуда ёш қолдим ва мени тарбия қилувчи бирор мураббийим йўқ эди». Болалик ва ўсмирлик йиллари оғир ва машаққатли ўтишига қарамай, мактабда ўқиб савод чиқаради. У 1484 й. 23 ёшида ўз даврининг машҳур сўфийларидан бўлган, *яссавия* тариқатининг етук намояндаси шайх Жалолиддин б-н учрашади ва ундан тариқат сирларини ўрганади. Шайх Жалолиддин Х.В.нинг истеъдод ва фазилатларини кўриб, унинг исмини Худодод (яъни Худо берди) деб ўзгартиради. Тариқат сулукини қунт б-н ўрганган Х. В. устозларидан оқ фотиҳа олиб, туғилиб ўсган жойи Карманага қайтиб келади. Эл-улус орасида Х.В.нинг обрўси ошиб боради. У ўша пайтлар Самарқанднинг обод мавзеларидан бўлган ўазирага кўчиб келиб, бир хонақо қурдиради ва камтарона ҳаёт кечиради. Х.В. 1532 73 ёшида вафот этган ва ўазирада дафн қилинган. Х.В. номи ўрта асрларда Марказий Осиё худудида кенг тарқалган тасаввуфнинг яссавия тариқати намояндларидан бири сифатида тарихда қолган.

ХУДО ИЗЛОВЧИЛАР — 20-а.нинг бошларида рус либерал интеллигенцияси орасида кенг тарқалган диний-фал-ий оқим. Бу оқим вакиллари христиан динини янгилаш асосида кишилар турмушини ўзгартиришга, диннинг халқ орасидаги таъсирини мустаҳкамлаб, оммани инқилобий сиёсатдан чалғитишга ҳаракат қилдилар. Унинг вакиллари-Н.Бердеев, С.Булгаков, Н.Минский, Д.Философов ва б. «Диний-фал-ий жамият» тузиб, махсус журналлар нашр этидилар, ўз қарашларини тарғиб этувчи асарлар яратдилар. Россияни инқилобий эмас, балки эволюцион йўл б-н ривожланишини дин б-н боғлаган бу оқим тарафдорлари 1917 йилдан сўнг қатағон қилинган, кўпчилиги чет элларга кетиб қолган.

ХУДОЯСОВЧИЛИК — 20-а. бошларида Россияда пайдо бўлган ахлоқий оқим. Инсониятнинг яратувчилик фаолиятини диний фаолият сифатида талқин этади, унинг вакиллари А.Луначарский, В.Базаров, қисман М.Горький худосиз бўлган янги пролетар динини асослашни ўз мақсадлари деб билдилар. Х. Я. К.Маркс таълимотини омма диний формада осонроқ ўзлаштиради, деб ўйлайдилар. Улар бу наз-яни кишиларга янги ҳаёт йўлини кўрсатувчи диний фал-ий тизим деб қараб, уни дин б-н қўшишга ҳаракат қиладилар. Худо изловчилар каби бу оқим ҳам собиқ иттифоқда тоталитаризмга олиб келган марксизмга хос бўлган антагонистик мутлақлаштиришни юмшатмоқчи, уни инсонпарварлаштирмоқчи бўлган.

ХУЛАФОИ РОШИДИН ДАВРИ (632—661) — Арабистон ярим оролида вужудга келган Ислон халифалигининг дастлабки давридир. Муҳаммад (с.а.в.) замонларини «Асри Саодат» дейилган бўлса, Х.Р.д.га Ислон тарихи «Садри Ислон» номини берган. Ҳозирги тушунча бўйича Х.р.д. «Ислонда жумҳурият даври» деб аталади. Х.р.д.ни ислоншунослар «демократиянинг юксак кўриниши» деб ҳисоблаганлар. Бу даврнинг беш халифаси: Абу Бакр (2 йил), Умар (10 йилу 6 ой), Усмон (12 йил), Али (5 йил), Ҳасан (6 ой) мамлакатни бошқарганлар. Х.р.д. бор-йўғи 30 йил умр кўрди.

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ — бир қанча ҳукмларнинг мантиқий боғланиши натижасида ҳосил бўлган янги ҳукм. Мантиқда Х.ч. жараёнида фойдаланилган тайёр ҳукмлар асослар дейилади, уларни таҳлил қилиб чиқарилган янги ҳукмни эса хулоса деб аташ қабул қилинган. Х. ч. шундай тафаккур шаклидирки, бу шакл воситаси б-н икки ёки ундан ортиқ ҳукмлардан янги ҳукм ҳосил бўлади. Х.ч. воқеликни бевосита (билвосита) билишнинг асосий шакли сифатида намоян бўлади. Олдинги икки ҳукмга асосланиб, учинчи ҳукм чиқарилади. Мазкур хулосани бевосита текшириб кўришга ҳеч қан-

дай эҳтиёж сезилмайди. Худди шу сабабдан, Х.ч. фикр ўртасидаги шундай бошланишдирки, мазкур боғланиш натижасида бир ёки ундан ортиқ ҳукмлардан учинчи ҳукм келтириб чиқарилади. Бундан янги ҳукм асосий ҳукмнинг моҳиятидан келтириб чиқарилади. Х.ч. уч турга бўлинади: индуктив, дедуктив ва анологик. Формал мантиқ ушбу Х.ч. усулларида кенг фойдаланади.

ХУЛҚ — инсоннинг маънавий қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий тушунча. Шахс ҳаёт тарзининг ўзига хослигини, унинг фаолиятида ахлоқий қадриятлар тамойиллари нечоғли ўзлаштирилганлиги, одоб меъёрлари қай тарзда амалий аҳамият касб этганлигини ва аксинча, одоб-ахлоққа зид бўлган хислатлар мавжудлигини кўрсатиб туради. Х. шахс ахлоқий фаолиятининг ўлчами, кўрсаткичидир. Шахснинг яхши ахлоқий фазилатлар б-н суғорилган фаолият тарзи «яхши Х.» намунаси бўлиб хизмат қилса, фаолиятида ахлоқий қадриятларга зид амалларнинг намоён бўлиши эса, «ёмон Х.»га мисол бўла олади. Инсон Х. унинг маънавий-ахлоқий дунёсининг ўзига хос кўрсаткичи ҳисобланади. Шунингдек, маънавий-руҳий кечинмаларнинг инсон Х.и орқали намоён бўлиши кўп жиҳатдан мавжуд шахс таъсирида бўлган муҳитнинг ўзига хос тарзда шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Шахс маънавий-руҳий ке-

чинмалари айна вақтда унинг Х.и орқали амалий аҳамият касб этиб, ўзига хос бўлган фаолият меъёрларини шакллантиради.

ХУНУКЛИК — эстетика категорияси, гўзалликнинг акси, инсон гўзаллиги, шаъни, қадр-қиммати табиатнинг сахийлиги, сўлимлиги ва идеал тасаввурларга хилоф келадиган хусусият, нарса-ҳодисаларни ифодалайдиган тушунча. Х.ни идрок этиш киши қалбида турли хил салбий ҳис-туйғу, кайфият қўзғатади. Х. гўзалликка қисман бир жиҳатдангина терс бўлса у кишида баъзан таассуф, ғазаб, баъзан турли характердаги кулги (қувноқ, аччиқ кулги) уйғотади; гўзалликка батамом зид келса, жирканчли, ҳатто даҳшатли ҳодисага айланиб, кишида шунга яраша нафратли ҳиссий муносабатни ҳосил қилади.

ХУСУСИЯТ — фалсафий категория бўлиб, предмет ва ҳодисаларнинг бошқа предмет ва ҳодисалардан фарқини ёки улар б-н умумийликни ифодалайди. У бир предметнинг иккинчи предметга бўлган таъсирида, воқеаларнинг ўзаро муносабатидан намоён бўлади. Ҳар қандай Х. нисбийдир, у бошқа Х. ва нарсалар муносабатидан ташқарида бўлмайди. Х. нарсаларнинг ички моҳиятини белгилаб объектив тарзда инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Муҳим Х.лар мажмуи муайян предмет ва ҳодисалар сифатини белгилайди.

Ц

ЦИВИЛИЗАЦИЯ — (лот. *civilis*—фуқаровий, ижтимоий) — серқирра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоий-фал-ий тушунча. Ц. тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723—1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун, француз маърифатпарварлари ақл-идрок ва адолатга асосланган жамият, деган маънода ишлатган эдилар. Ундан кейин ҳам Ц. тушунчасига турлича мазмун бериш давом этди. Айрим ҳолда уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О.Шпенглер эса, аксинча, уни маданиятнинг антиподи маъносига, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни босқичини характерлаш учун, англиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган. Ц. тушунчасининг ҳажми ва мазмунини белгилашда турфа хиллик ҳоз. вақтда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу тушунча: 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман

кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (мас., неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон Ц.си); 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияни; 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (мас., Европа ёки Осиё Ц.си); 5) диний мансублигига кўра, фарқланувчи маданий бирликларни (мас., христиан ёки ислом Ц.си); 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликларни (мас., Ер Ц.си, Ердан ташқаридаги Ц.лар); 7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликларни (мас., қад. Миср ёки Бобил Ц.си) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келмоқда. Ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаб, муайян ижтимоий ҳодиса, жараёни тушунтиришга хизмат қилмоғи, демакки, методологик аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, Ц. тушунчасини юқоридаги маъноларда ишлатишда муайян бир ёқламалик борлигини кўриш мумкин. Ц. тушунчасини ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини

ифодалаш учун ишлатиш маълум маънода ўринли. Чунки бундай маънода ишлатилганда, Ц. тушунчаси кишилик жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатидан кейинги даврни тўлалигича қамраб олади. Бундай ёндашувда Ц. тушунчаси ижтимоий-иқтисодий формация тушунчасига нисбатан кенг мазмун касб этади. Ц. тушунчасини географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни ифодалаш учун ишлатиш эса умуман ўринли эмас. Мас., Осиёда ривожланишнинг турли даражаларида турган халқлар мавжуд. Албатта, маълум бир географик маконда яшаш ижтимоий-маданий ҳаётда қандайдир ўхшаш, умумий томонларни келтириб чиқариши табиий. Аммо бу ўзининг дини, тили, маданияти, турмуш тарзига кўра бир-биридан фарқланувчи турли халқларни мустақкам бирлик, яхлитлик деб баҳолаш учун асос бўла олмайди. Ц. термини диний мансублигига кўра, фарқланувчи кишилар бирлигига нисбатан ишлатилганда ҳам илмий тушунча сифатида бирор бир қимматга эга бўлмайди. Биринчидан, ўтмишда ҳам, ҳоз. ҳам на ислом олами, на христиан дунёси мустақкам бир бутунликни, яхлитликни ташкил этмаган. Иккинчидан, юқоридаги динларнинг ҳар бирининг ичида турли оқимлар мавжудки, бу уларнинг монолит бирликни ташкил этмаслигидан далолат беради. Учинчидан, диний мансублик муайян из қолдирса-да, лекин ҳеч қачон халқлар ҳаётини тўлалигича белгилаб бермайди. Ц. тарихнинг, жамиятнинг сифатий ўзига хослигини, у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган, ишлаб чиқариш кучлари, инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларнинг спецификасини ифодалайди. Буларнинг барчаси Ц.ни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имконият яратади. Бу сифатий хусусиятларнинг йўқолиши Ц.нинг ҳалокатини англатади. Юқоридаги мулоҳазалардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ц. тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га ёки унинг ривожланишининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айрим босқичларига нисбатан ишлатилгандагина, у аниқ илмий мазмунга ва демакки, методологик аҳамиятга эга бўлади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар даражасида Ц.нинг ўзига хослиги, асосий характеристикалари намоён бўлади. Ц.нинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш кучлари Ц.нинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг қиёфасини, ўзига хос рангини белгилаб беради. Ҳатто, ишлаб чиқариш кучларига ҳам ўзига хос характерлилик, аҳамиятлик беради. Бу б-н маданият ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашувини, яъни Ц.нинг шаклланишини, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос негиз, ўқ вазифасини ўтайди. Демак, Ц. маданиятнинг конкрет намоён бўлишини,

унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради. Тарих тақозоси б-н муайян ҳудудда шакланган Ц.га гоҳ табиий муҳит, гоҳида ижтимоий шарт-шароит кўпроқ таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Мас., Ўзбекистон Ц.сида бу омилларнинг барчаси ўзига хос аҳамият касб этган. Республикамиз тарихининг кейинги ўн минг йили таҳлил қилинса, дунёвий ва диний қарашлар ёнма-ён яшаб келганлигини кузатиш мумкин. Ц. маданий ва маънавий тараққиёт маҳсули сифатида вужудга келган. Ц.лашган тараққиётгина миллий маданият равнақи учун кенг имкониятлар яратади. Миллий маданият Ц.нинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган Ц. охир-оқибатда инқирозга маҳкум бўлади. Мас., ҳозир йўқолиб кетган Америкадаги майя Ц.си. Улардан бутун 100дан ортиқ шаҳарлар вайроналари қолган. Ц.лар ўз шаклига кўра Шарқ ва Ғарб Ц.лари, христиан ва мусулмон Ц.лари, ҳудудий ва *жаҳон цивилизацияси* кабилардан иборат. Ўзбек халқи Шарқ Ц.си бағрида камол топди. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, катталарга ҳурмат, камбағалпарварлик ва б. Шарқ Ц.га хос белгилардир. Ўзбекистон жаҳон Ц.си тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат ва маданият соҳасидаги улкан ютуқлари б-н муносиб ҳисса қўшди. Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Шарқ ва Ғарбнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, дунёвий Ц. йўлидан бормоқда.

ЦИЦЕРОН Марк Туллий (мил. ав. 106—43 й.лар, Рим) — қадимги Рим республикасининг атоқли давлат арбоби, нотик, файласуф, тарихчи ва ҳуқуқшунос. Унинг фал-ий қарашлари қадимги юнон мумтоз фал.сининг намоёндалари Суқрот ва Аристотель томонидан теран ва асосли танқид қилинган эклектика оқимининг эллинизм даври кўриниши бўлган синкретизм таъсири остида шакланган. Ц. рум жамоасини фал-ий маърифатпарварлик руҳида тарбиялашга умрини бағишлаган. Мазкур йўналишда жуда кўп илмий-оммабоп ва илмий-бадний рисолалар ва мақолалар ёзиб тарқатган. Гарчанд, у шакланган ва муҳим эклектик файласуф сифатида ном чиқарган бўлса ҳам, ўзининг мустақил, эклектизм ва синкретизм қарашлари доирасидаги ташқарида фал-ий гояларни ҳам илгари сурган. «Нотик ҳақида», «Худолар табиати тўғрисида», «Каромат ҳақида», «Тақдир тўғрисида», «Дўстлик ҳақида», «Давлат тўғрисида», «қонунлар ҳақида» ва б. асарларида Ц. онт., натурфалсафанинг долзарб муаммолари ечимига қаратилган бир қатор ўз фикр — мулоҳазаларини илгари суради, фал-ий наз-я б-н амалий ҳаёт бирлигини исботлашга уринади, фал-ий фаолиятнинг инсон камолоти сари йўналган инсон-

лик моҳиятини ва жамият ҳаётидаги улкан ижтимоий аҳамиятга молик эканлигини асослайди. Ҷ. фаллий қарашларида асосий урғу ахлоқ-одоб ва сиёсий наз-я муаммоларига берилган бўлиб, инсоннинг ахлоқий ва фуқаролик бурч-вазифалари мутаносиблиги таълимотига асос солди. Унинг сиёсий тафаккури табиий ҳуқуқ ғоялари б-н боғлиқ ҳолда ифо-

даланган бўлиб, Аристотель таълимотига суянган ҳолда энг яхши ва оқил давлатни бошқариш шакли сифатида демократия ва аристократия қоришмасидан ташкил топган давлат ҳокимияти механизмини афзал кўради. Инсоният тарихида Ҷ. атоқли мутафаккир ва буюк нотик, «Рум ҳуқуқи» мажмуининг ижодкорларидан бири сифатида ном қолдирган.

Ч

ЧАЙТАНИЯ Махапрабху (1486 Бенгалия Навадвина шаҳрининг Шридхам Майяпур кварталлида — 1534) Болаликдаги исми Вишвамбхара бўлиб, ўсмирлигида чуқур илмга эга бўлганлиги учун Нимаи Пандит номини олган, 24 ёшида санньяса (таркидунёлик) яшаш тарзига фотиҳа олгандан кейин бутун Ҳиндистонга Тангри Шри Ч. Махапрабху номи б-н машҳур бўлди. Умрининг 24 й. давомида Джагантха Пури шаҳрида яшади. Ҳиндистон, айниқса, унинг жанубий воҳаларига муқаддас «Бҳагават-Гита» ва «Шримад-Бҳагаватам» китобларидаги ҳақиқат илмини ўзи яшаб ўтган давр одамларига тушунарли тарзда тарғиб қилди. Унинг таълимотига асосан, ҳар бир тирик мавжудот ўзининг асл ҳолатига кўра, Худо шахсининг кичик заррачаси бўлиб, мангу илм ва лаззатга тўла табиатга эга. Тирик мавжудот бутуннинг бўлаги сифатида бутун (Худо)га хизмат қилиш учун яратилган. У бу моддий оламга ўзининг ана шу вазифасини бажаришни истамагани учун туширилган ва узлуксиз давом этадиган туғилиб-ўлишлар (реинкарнация) гирдобига ҳар хил таналарга кириб юради. Натижада, ўзининг асл ҳолатига хос бўлмаган туғилиш, яшаш кексайиш ва ўлиш сингари моддий танаси келтириб чиқарадиган азоб-уқубатларга дучор бўлади. Аслида, руҳ ўлмайди, фақат бир танадан иккинчи танага ўтади, холос. Ч.нинг издошлари эҳромларда унинг дарахтдан, сополдан, металлдан қилинган арча—виграха (маъбуд)ларига сиғинадилар. Ч.нинг издошлари вайшнавлар деб аталиб, улар фақат Ҳиндистоннинг жанубида кўпчиликни ташкил этарди. XX асрнинг 70 й.ларида Ч.нинг таълимотини ғарбий давлат халқларига ҳинд тарғиботчи Шрила Прабхупада кенг тарқатишга муваффақ бўлган. Натижада, вайшнавлар ҳаракати ҳоз. ғарбий давлатларда кенг ривожланиб, анъанавий христиан, ислом динларидан кейинги оммабоп диний ҳаракатга айланган. Унга эътиқод қилувчилар бутун жаҳон бўйлаб «Халқаро Кришнани англаш жамияти»га бириккан. Бу жамиятнинг марказлари дунёнинг, қарийб, барча давлатларида ташкил қилинган. Ўзбекистонда бундай марказлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда.

ЧАҒМИНИЙ Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар (12-асрнинг иккинчи ярми — тахм. 1221й) — ўрта асрларда яшаб ижод қилган машҳур файласуф, астроном. Илмий асарлари Шарқда жуда машҳур бўлса ҳам, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз. Бошланғич маълумотни Хоразмда олган. Ч. ўқишни давом эттириш учун Самарқандга келган. Унинг илмий асарларида Берунийнинг устози бўлган Абу Наср ибн Ироқ бир неча марта тилга олинади. Ч.нинг «Мулаххас фи-л-ҳайъа» асаридан ташқари «Сайланма», «Тўққиз соннинг риёзиётидаги ўрни ҳақида рисола», «Меросни бўлиш масалаларида риёзиёт усулларига шарҳ» ва б. рисоалари мавжуд. У ўз даврнинг барча фанлари эришган ютуқларни жамлаб, ўзига хос қомус тузган алломадир. Ч. ўзи тадқиқ қилган фанлар соҳасида тор доирадаги хулосалар билангина чегараланиб қолмасдан, йирик фал-ий муаммоларни муҳокамага кўяр эди. У табиатни «ҳар қандай ҳаракат ва сокинликнинг манбаи» сифатида таърифлайди. Табиатга нисбатан ўз қарашларини баён қилиб, Ч. шундай ёзади. «Модда ва шакл табиатни шакллантиради». Маълумки, машшоиюнлар фал.сида модда б-н шакл қанчалик бир-бирига боғлиқ бўлмасин, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш имконияти мавжуд эди. Бундай имконият маълум даражада Ч. киритган «бўлинмас заррача», унсурий заррача — яъни атом тушунчаси воситасида бартараф қилинди. Ч. фикрича, модда кичик заррачалар кўринишида мавжуд, аммо уларнинг хусусияти шундан иборатки, уларда модда ва шакл бир-бирдан ажратиб бўлмайдиган даражада бирикиб кетган. Бу кичик заррачалар ўзининг муайян шакл ва табиий ўзлигига эга. Ч.нинг қарашларида ўрта аср мутафаккирларининг кўпчилиги тахмин қилган икки хил заррачанинг, яъни атомлар ва ўзига хос молекулаларнинг мавжудлиги ҳақида наз-я ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ч. уларни бирламчи ва иккиламчи кичик заррачалар деб, сўнгра «бирламчи заррачани» аниқлаб, уни «унсур», «ибтидо», «модда» деб атайди. Иккиламчи заррачалар эса, у ёки бу ашёнинг кичик заррачаларини ташкил этади, аммо унинг хусусиятини сақлаб

қолади. Бу шундай заррачалардирки, бошқасига нисбатан кичикроқ бўлмоғи керак. Ч.нинг кўп асарларига кейинги асарларда қатор шарҳлар ёзилган. Бу унинг мусулмон Шарқи маданиятида ўзига хос мавқега эга эканлигидан гувоҳлик беради.

ЧЕКЛИЛИК — фазо ва вақтда ўз ибтидосини ва интиҳоси бўлган аниқ чегарали объектлар (нарса, жараён, ҳодиса, ҳолат, хусусият)ни англатади. Ч. чегараси, объект интиҳосини бошқа объектдан ажратиб туради ва уларни бир-бирига боғлайди. Ч. доим ўзгаришда, ҳаракатдадир. Воқеликдаги ҳар бир билим объекти муайян муносабатда, Ч. сифатида намоён бўлади.

ЧЕКСИЗЛИК — у дунёнинг фазо ва вақтда бениҳоялигини англатадиган тушунча. Ч. фақат ниҳояси бўлмаган миқдордан таркиб топади, у худди зиддиятдан иборат бўлганлиги учун ҳам фазо ва вақтда ниҳоясиз ривожланадиган сўнгсиз жараёндир. Ч. ва *чеклилик* диалектик бирликдадир. Ҳар қандай нарса ва ҳодисалар чеклидир, чунки у бошқа предмет ва ҳодисалардан мустақил ҳолда мавжуд бўлиб, фазо ва вақтда маълум кўламни эгаллайди. Бинобарин, у ўзини қуршаб олган дунё б-н тинимсиз алоқада бўлганлиги учун чексиздир. Шу сабабли ҳар бир объект Ч. ва Ч.нинг бирлигидан иборат. Фазо ва

вақтда чекли бўлган муайян объект бошқа объектлар б-н турлича боғланган бўлиб, у материянинг кўпдан-кўп элементларини ўз ичига олади. Ҳар қандай чекли нарса Ч.нинг юз бериши формасидир. Илм-фан чекли объектларни билиш орқали Ч.сирларини очишга яқинлашди.

ЧОРВАКА-ЛОКАЯТА. — милoddан аввалги 7-асрда Ҳиндистонда юзага келган фалсафий мактаб, асосчиси — Брихаспати. Чорвака сўзининг луғавий маъноси бу дунё, яъни, Ч.Л. моддий дунё ҳақидаги таълимот. Оламнинг асосида олов, сув, тупроқ, ҳаводан иборат 4 унсур ётади. Брихаспати таълимотича, биз яшаб турган моддий дунёдан бошқа дунёлар йўқ. Инсон ўлиши б-н унинг жони ҳам ўлади. Танадан ташқарида жон йўқ, Инсон ҳам ана шу 4 унсурдан ташкил топган. 4 унсурни сезгиларимиз орқали қабул қиламиз. Улар ҳеч ким томонидан яратилмаган. 4 унсурнинг турлича бирикиши орқали органик, ноорганик моддий нарсалар ва ҳодисалар ташкил топган. Ч.Л.лар таъкидлашларича, инсон онги ҳам 4 унсурдан ташкил топган, Ч.Л.ларга кўра, билишнинг бирдан-бир манбаи ҳиссий билишдир. Улар ақлий билишни ҳам тан олганлар. Лекин ақлий билиш ҳиссий билишдан келиб чиқади, инсон ҳаётининг моҳиятини Худо б-н бирлашиши эмас, балки шу дунёда роҳатланишдир, деб талқин қилганлар.

Ш

ШАРТЛИ (имплектив) ҲУКМ — икки оддий ҳукмнинг «агар ... унда» мантиқий боғланиши орқали бирикишидан ташкил топган ҳукмлар. Ш.ҳ.нинг моҳиятини аниқлаш учун зарурий ва етарли шартларини фарқлаш зарур. Ҳодисанинг зарурий шarti деб, унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатга айтилади. Агар ҳодисанинг шarti зарурий бўлмаса, ҳодиса ҳам бўлмайди. Мас., «Агар ўсимлик сувсиз қолса, у қурийдн». Ҳодиса учун етарли бўлган шарт деб, ҳар сафар шу шарт бўлганда, ўша ҳодиса кузатиладиган ҳолатга айтилади. Мас., «Агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи хўл бўлади». Шартлар «етарли, лекин зарурий бўлмаган», «зарурий, лекин етарли бўлмаган», «зарурий ва етарли» бўлиши мумкин. Мас., N сонининг икки ва учта бўлиниши унинг олтига бўлиниши учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланади. N сонининг иккига бўлиниши, унинг олтига бўлиниши учун зарурий, лекин етарли бўлмаган шартдир. N сонининг ўнга бўлиниши, унинг иккига бўлиниши учун етарли, лекин зарурий бўлма-

ган шартдир. Ш.ҳ. таркибида асос ва натижа қисмлари фарқланади. Шартли ҳукмнинг «Агар» ва «унда» сўзлари оралигидаги қисми — асос, «унда» сўзидан кейинги қисми натижа деб аталади. «Агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи хўл бўлади» ҳукмида «ёмғир ёғса» ҳукм асос «уйларнинг томи хўл бўлади» ҳукми натижа ҳисобланади. Демак, асосда кўрсатилган ҳодиса, натижада қайд этилган ҳодисанинг келиб чиқиши учун етарли шартни ифодалаган ҳукм Ш.ҳ. дейилади. Эквивалентлик ҳукмлари «агар ва фақат агар унда» мантиқий боғловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик ҳукми Ш.ҳ. кўринишида ифодаланади. Бундай ҳолатларда Ш.ҳ.нинг эквивалент ҳукм эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар Ш.ҳ.нинг асоси натижасида қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. Мас., «Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига қолдиқсиз бўлинади».

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ — Шарқда маънавий-маърифий, маданий ҳаётдаги Уйғониш, яъни Шарқ халқлари ривожининг юксалиш давлари. Ш.р.ни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи — Марказий Осиёда муғуллар истилосигача бўлган давр. У ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлар, астроном ал-Фарғоний, Бухоро тарихчиси Наршахий, мутафаккирлар Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Хожиб ва б. номлари ва ижодлари б-н боғлиқ. Бу даврда яшаган мутафаккирларнинг деярли барчаларига қуйидаги хусусиятлар хос: маданиятнинг ўтмишда эришган ютуқларини, хусусан, қад. Юнон, Ҳинд, Хитой меросини чуқур ўрганган ва уни ижодий ривожлантириш; табиатни ўрганишга қизиқишнинг ортиши ва табиий фанлар тараққиёти (астрономия, география, математика, риёзиёт, медицина ва ҳ.к.); рационализм, яъни ақлни ҳақиқатнинг мезони сифатида тан олиш ва бунинг натижасида мантиқни ривожлантириш; ақидапарастликни рад этиш ва ҳурфикрликнинг ривожланиши; инсонпарварликни улуғлаш, инсоннинг ахлоқий — маънавий гўзаллигини, камолотини аллоҳнинг юксак инъоми сифатида талқин этилиши; сўз санъати га муҳаббат; илмий асарнинг бадиий шаклига алоҳида эътибор берилиши; қомусий билимларга эга бўлишлик. Бу даврда яшаган мутафаккирлар фан ва санъатнинг кўп соҳаларини чуқур билган алломалар бўлган. Бу даврда, Яқин Шарқда Ал-Маъмун халифалик қилган даврда (813—833), давлат илм-маърифатнинг ўсишига ёрдам берди. Бағдодда, сўнгра Дамашқда астрономик обсерваториялар қурилди. Бағдодда «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлик уйи») ташкил этилди. Бу илм даргоҳларида Ўрта Осиёлик олимлар фаол иштирок этдилар. 11-а.нинг бошларида Хоразмда машҳур «Маъмун академияси» ташкил қилинди. Бу ерда Беруний атрофида ўша замоннинг бир гуруҳ олимлари, жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Наср бин-Ироқ, шунингдек, фой. Абу Саҳл Масиҳий, табиб Абул Хайр Ҳаммор ва б. олимлар кўплаб илмий изланишлар олиб бордилар. Бу даврда табиёт илми, пантеистик фал. б-н бирга ислом илоҳиёти ҳам кенг ривожланди. Муҳаддис сифатида бутун мусулмон оламида машҳур Имом Бухорий, Имом Исо ат-Термизий, калом таълимотининг асосчилари: Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний ва Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолийлар ислом дини ривожига катта ҳисса қўшдилар. Иккинчи Ренессанс — Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (XVI-а.лар) даврга тўғри келади. Бу даврда яшаб, ижод этган олим ва мутафаккирлар: Саъиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид ал-Кошший, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи, Абдураҳмон Жомий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий, машҳур тарихчилар

Мирхонд ва Хондамир, рассомлар Камолиддин Беҳзод ва Шоҳ Музаффарларнинг номлари дунёга машҳур бўлган. Бу даврда давлатни бошқаришда дин ва тасаввуф қоидаларига алоҳида эътибор берилди. Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари маънавият ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илм-фан ривожлантирилди, меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шоҳизинда, Бибихоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шаҳрисабз) Оқсарой барпо этилди. Мирзо Улуғбек даврида Регистонда, кейинчалик, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар, Бибихоним масжиди, Ғўри Амир мақбараси, Улуғбекнинг фалакиёт расадхонаси қурилди. Илм-фан, хусусан, фал. мантиқ илми ривожига катта эътибор берилди. Бунинг натижасида 14—15-а.дан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ илмини ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилди. Буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва б. соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг энг машҳур асари — «Зижи жадиди Қурагоний» да 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Улуғбек Қуёш ва Ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиш вақтларини тўғри ҳисоблаб чиққан. У атрофида иқтидорли ёшларни тўплаб, ўзининг илмий мактабини яратди. Шарқ Ренессанси 2-даврида яратилган фал-ий, бадиий тафаккур ривожининг ёрқин намунаси Алишер Навоий ижодига ўз ифодасини топган.

Мустақиллигимиз туфайлигина миллатимиз ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Шарқ уйғониш даврини илмий, холис ўрганиш, баҳолаш имкони очилди.

ШАХС — алоҳида киши, ижтимоий-ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивид. Бу тушунча барча ижтимоий-гуманитар фанларда ўз предмети нуқтаи назаридан ишлатилади. Ш. ҳақида хилма-хил талқинлар бор. Ш. — биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими б-н қамраб олинишидир. Ш.нинг шаклланишида қуйидаги омиллар қатнашади: 1) биологик (насл); 2) табиий муҳит; 3) маданий муҳит; 4) ижтимоий тажриба; 5) одамлар билан муносабат. Ш.нинг биофизиологик жиҳати овқатланиш, жойлашиш, жинсий алоқаларга киришиш, бола туғилиши каби индивидуал фаолияти б-н боғлиқ ҳодисалардир. Ш.нинг шаклланишига табиий алоқадор буюм ва алоқалар олами физик муҳит деб аталади. Ш. маданийлашган жонзот; ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлган муайян авлод вакили; одамлараро муносабатлар субъекти бўлиши ҳам мумкин. Бу уч омил ҳам шахс ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

ШАХСГА СИҒИНИШ — шахс ролини илоҳийлаштириш, унга сиғиниш, хизматларини ҳаддан ташқари улуғлашни ифодалайдиган тушунча. Бунда гўё тарихий жараён объектив қонуналарга мувофиқ эмас, балки муайян шахснинг хоҳиш иродаси б-н белгиланади. Қад. замонларда подшоҳ, қирол, императорлар, дин пешволари — папа, коҳинлар ва ҳ.к.ларнинг ҳокимиятлари илоҳийлаштирилган. Фиръавнларни Мисрда, хонларни Хитойда, қиролларни Европада, шоҳ, амирларни Осиёда ва б. Шунингдек, *Гегел* буюк шахслар «илоҳий руҳ» соҳиби, қироли, *Шеллинг*, *Карлейль* «даҳо ибодати», *Б. Бауэр* «танқидий шахслар» наз-яларининг ижодкорлари эдилар. Маркс, Энгельс, Ленин таълимоти издошларида ҳам муттасил Ш. с. авжига чиқди. Бу эса жаҳон миқёсида салбий оқибатларга олиб келди. Ҳоз. шароитда Ш.с. — шахс мавқеини меҳнаткашлар оммасига тарихни яратувчиси деб таъкидлашга уринишлардир. Ш.с. тарих методологиясига тамомила зиддир, зеро тарих методологияси шахс роли ва ўрнини тарихий жараён б-н чамбарчас боғлиқ деб тан олиб, халқнинг ижодий фаолияти орқали намён бўлади, деб таъкидлайди.

ШАХС ЭРКИНЛИГИ — инсонларнинг ўз ҳаёти ва фаолиятини амалга ошириши; озод шахс сифатида меҳнат қилиш, билим олиш, ўзи истаган касб, ҳунарни, диний эътиқод ва бошқаларни ихтиёрий танлаши. Ҳад. жамиятлардан ҳозиргача эркинлик, озодлик, тенгликни барча инсонларнинг ижтимоий мавқеи, дини, ирқи, жинси, миллатидан қатъий назар қонунлар олдида тенг ҳуқуқлигини таъминлаш халқнинг асосий мақсади бўлиб келган. Ш.э.нинг таркибий қисмлари: шахснинг дахлсизлиги, қадр-қиммати, диний эътиқод, виждон эркинлиги, сўз эркинлиги, ижод эркинлиги, хусусий мулкка эгаллик ҳуқуқи ва б.лардан иборат. Шахснинг дахлсизлиги қондалари қад. ва ўрта асрларда чеклаб келинган. Инсоният тарихида Ш.э.ни рўёбга чиқаришда АҚШда XVIII аср охирида қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Билл» ва француз инқилоби даврида қабул қилинган «Инсон ва гражданлар ҳуқуқлари декларацияси» муҳим ўрин тутди. Бу борада БМТ 1948 йилда қабул қилган ва унинг Низомига киритилган «Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси» катта аҳамият касб этади. Ҳозирги даврдаги илғор, демократик жамиятларнинг қонунларида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Ш.э. қафолатланган. Ш.э.га дахл қилиб, моддий ва маънавий зарар етказган, жабрзулм қилган шахслар қонуний жазога тортилади. Собиқ шўролар даврида сўз эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги, шахснинг миллий туйғулари таъқиб қилинар, миллатпарвар одамлар «миллатчи», «антисовет» деб жазога тортилар эди. Назарий-фал-ий жиҳатдан Ш.э ҳар бир даврда нисбий маънода амал

қилади. Таназзулга учраётган жамиятларда турли зўравонлик, ноҳақликлар оқибатида Ш.э.нинг бузилиши, инсонларнинг қадр-қиммати йўқолиб боришига сабаб бўлади. Исломи таълимоти бўйича ҳам инсон ўз ҳаётида яхшилик ёки ёмонлик, савоб ёки гуноҳ ишларга қўл уриши унинг ўз ихтиёрида, Ҳудои таоло бандаларга ёмонлик қил, деб буюрмагани учун, улар гуноҳларни ўз ихтиёрига кўра қилдилар ва бунинг учун масъулиятлидирлар. Бошқа тарафдан Ш.э. ватан, халқ, жамият олдидаги инсоний бурчлар, масъулиятларни инкор қилмаслиги керак. Ш.э. дан кўп фойдаланувчилар эмас, балки виждон, иймон, инсоф каби бурчларни аъло бажарувчилар ҳақиқий буюк инсонлардир. Бурч ва масъулият Ш.э.ни оқилона бошқариб туради. Бурчини, масъулиятини яхши билган одамларнинг эл, юрт олдида обрўйи, қадр-қиммати ҳам ошиб боради. Бундай шахсларни халқ эъзозлайди. Ш.э. ни юзаки, бирёқлама тушунган одамлар барча ишларда фақат ўз манфаатини ўйлаб, бошқаларни ҳақ-ҳуқуқларини топташга уринади. Давлат, қонун томонидан Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши фуқароларнинг илм олиш, меҳнат қилиш, жамият ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида эркин сўзлаш, ижобий ёки танқидий фикрни айтиш, ҳалол меҳнат б-н топилган мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқларидан фойдаланишга имкон беради. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида Ш.э.ни юзага чиқарувчи барча ҳуқуқлар қафолатланган.

ШЕЛЛИНГ Фридрих Вильгельм Йозеф (1775, 27.1, Леонберг — 1854.20.8, Рагац) — немис файласуфи, немис классик философияси вакилларидан бири. Диний семинария ва Тьобенген илоҳиёт ин-тида ўқиган. Иена (1798 — 1803), Вюрцбург (1803-06), Эрланген (1820-26) ва Берлин (1841-46) ун-тларнинг проф, Мюнхен ФА аъзоси. Ш. ижодида бир неча ўсиш даврларини ажратиш мумкин. 90-й.ларда *натурфалсафа* ғоялари, 1800-й.ларда трансцендентал идеализм, 19-а.нинг 1-ўн йиллигида мос келишлик фал.си, ундан кейин умрининг охиригача илоҳий фал. Ш. ўзининг натурфалсафий қарашларида ўз даври табиатшунослигида эришилган йирик кашфиётларга суянади. У табиатни қарама-қаршиликларнинг бирлиги деб қарайди. Бу қарама-қаршиликлар дунё қонунлари сифатида турли шаклларда намён бўлади: магнит кутблари, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари ва б. Бу қарама-қаршиликларга бўлиниш тирик куч, онгсиз руҳий бошланғич туфайли юз беради. Табиатдаги онгсиз руҳий бошланғич бир неча босқичларни босиб ўтиб, инсонда онгни вужудга келтиради. Ш.нинг трансцендентал фал.си унинг натурфалсафасига қарши бўлса ҳам, уни маълум даражада тўлдиради. Бу фал.нинг предмети-субъектив «Мен», бирламчи «Мен» бўлиб ундан объектив нарсалар вужудга келади. Ш.нинг

трансцендентал идеализми субъектив идеализм эмас, чунки у субъективликни сезги ва тафаккурнинг субъектив жараёни деб тушунмайди. Унингча, субъективлик-предметни ақл б-н бевосита англаш, яъни билишнинг махсус қуролидир. Натурфалсафа ва трансцендентал идеализм орқали Ш. руҳ ва табиатнинг ўхшашлиги, мос келиши ғоясига ўтадики, бу унинг фал-ий таълимотининг асосий маъзидир. Ш. қандайдир мутлақ ақлни эътироф қилиб, ундан бошқа ҳеч нарса йўқ деб ҳисоблайди. Бу мутлақ ақлда объект ва субъект шундай ўзаро бирига боғлиқки, бир-бирларидан ҳеч қандай фарқ қилмайдилар. Фал. субъектив ва объектив нарсаларнинг мос келиши сифатида намоён бўладиган моҳиятни, ҳақиқий «ўзи»ни ўрғанади. Мутлақда ҳамма нарса мос келади. Мослик ўтиш сифатида юз беради. Мос келишлик Мутлақда бадий ва мукамалдир. Ўз ривожланиш жараёнида Мутлақ мақсадга мувофиқ ҳаракат қилади. Мутлақ руҳ ҳамма нарса бўлиш имкониятига эга бўлган моҳиятдир. Ўз имкониятларини сафарбар қилиб, Мутлақ бутун Коинотга айланади. Натижада, Мутлақда Коинотнинг эманацияси (илоҳий нурланиш) юз беради. Коинотнинг Мутлақдан вужудга келишини ақлнинг фаолияти сифатида эмас, ироданинг фаолияти сифатида тушунтириш мумкин. Онгсиз ирода—бу қандайдир ноаниқ, иррационал нарсадир. Шунинг учун ирода фал.нинг предмети бўлиши мумкин эмас, чунки у бошланғич иррационал фаолиятдир. Фал.—бу ҳамма мавжуд нарсаларнинг ривожланиши жараёни ақл ёрдамида билишдир. Умрининг сўнгги йилларида Ш. ўхшашлик фал.сидан воз кечади ва мифология ва дин тарафига ўтиб, ўзининг диний-фал-ий таълимотини яратади. Ш. ўзининг «ижобий фал.си»ни «мифология фал.си» ва «Муқаддас китоб фал.си»га ажратиб, улар ёрдамида эътиқод ва билишни бирлаштиришга ҳаракат қилади.

ШИАЛАР — ислом динидаги фирқалардан бири. Хулафои Рошидин давридан кейин ислом олами ҳокимият учун курашувчилар томонидан гуруҳларга бўлинган бўлса, кейинчалик бу бўлиниш диний таълимотдаги тафовут шаклида барқарорлик тусини олди. Ҳоз. даврда ислом олами икки катта йўналишга ажраган бўлиб, биринчиси, суннийлар деб номланса, иккинчиси, Ш. деб аталади. Ш. худди суннийлар каби Куръони каримни илоҳий деб эътироф этсалар-да, дастлабки уч халифа даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган, деб ҳисоблайдилар. Пайғамбар ҳадисларининг эса ҳаммасини эътироф этмайдилар, балки фақат Ҳазрат Али (р.а.) ва унинг тарафдорлари томонидан ривоят қилинган ҳадисларнигина тан оладилар. Улар шундай ҳадислардан иборат тўпламлар тузганлар ва бу тўпламларни «Ахбор» деб атайдилар. Тарих олимларининг таъкидлашларича, Ш. уч тоифага: аз-зайдийя, ал-

ғолийя ва ал-ботинийяга бўлинганлар. Уларнинг ҳар бири яна олтитадан фирқаларга бўлинган бўлиб, жами Ш. фирқаси ўн саккизтани ташкил қилади. Ш.нинг уч тоифага бўлиниши Абдул-Қоҳир ибн Тоҳир ат-Тамимийнинг «Ал-Фарқ байнал-фирақ» китобида бошқачароқ талқин этилган, яъни у шундай деб ёзади: «Биз аввалда айтиб ўтганимиздек, рофизийларнинг аз-зайдийя гуруҳи уч фирқага, ал-кайсонийя гуруҳи икки фирқага, ал-Имомия гуруҳи ўн беш фирқага бўлинади». Шиа рофизийларининг бўлинган уч гуруҳи номларини аз-Зайдийя, ал-кайсонийя, ал-имомийя деб атайди. Бунда ҳеч ажабланарли жиҳат йўқ. Чунки, аввалги манбада ал-ғолийя фирқаси асосий фирқа деб саналиб, ал-кайсонийя ундан ажралган фирқалар қаторида, ал-ботинийя асосий деб саналиб, ал-имомия ундан чиққан фирқа ёки унинг иккинчи номи дейилган бўлса, Ат-Тамимий фирқаларнинг номини алмаштириб зикр этган. Бундай ихтилофлар бошқа олимларнинг китобларида ҳам мавжуд. Мас-н: Абу Исо Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Варроқ ўз китобида аз-зайдийя тоифасини саккиз фирқага бўлинганини айтган бўлса, Абул-Ҳасан ал-Ашъарий «Мақолол ул-исломийин» китобида аз-зайдийя тоифаси олти фирқага бўлинишини айтган (Абдул-Қоҳир ибн Тоҳир ат-Тамимий. «Ал-Фарқ байн ал-фирақ». 29-б.) Аз-зайдийя тоифаси Зайд ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али (р.а.) га нисбатан берилади. Бу тоифа бир-биридан мустақил олти фирқа: ал-жорудийя, ал-мухтариъия, ал-мутрифийя, ас-солиҳийя, ас-сулаймонийя ва ал-Яъқубийяга бўлиниб кетганлар. Аз-зайдийя тоифасининг имомлари Абу ал-жоруд, Зиёд ибн ал-Мунзир, Жаъфар ибн Муҳаммад, ал-Ҳасан ибн Солиҳ, Муқотил ибн Сулаймон, Ад-доъий Носирул-ҳақ ал-Ҳасан ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Зайд ибн Умар ибн Али ибн ал-хусайндилар. Бу имомларнинг ҳаммаси мўътазилийларнинг ал-қадарийя фирқаси эътиқоди (яъни, Аллоҳнинг қазо ва қадарини тан олмаслик, Куръоннинг махлуқ эканлиги, ўлган кишига қабр азобининг ва Мункар-Накир саволларининг бўлмаслиги, шафоат ва мағфират қилинган осийларнинг дўзахдан чиқарилмаслиги, аҳли жаннатларнинг Аллоҳни кўролмасликлари)ни ўзлари учун ҳақиқат деб биладилар. Аз-зайдийя тоифасининг кўп фирқалари фаръий масалаларда Имом Абу Ҳанифа мазҳабларига мувофақат қилсалар-да, баъзи масалаларда ихтилофлари ҳам мавжуд. Лекин, бу фирқаларнинг ўзаро ихтилофлари бор бўлиб, улар бир фирқани иккинчисидан ажратиб туради. Уч тоифанинг ўзаро олтига бўлиниб кетган фирқалари ўз навбатида яна баъзи масалаларда бир фирқага келиш учун гуруҳларга ажралган. Мас., аз-зайдийя тоифасидаги ал-жорудийя фирқаси охирзамонда чиқиши кутилаётган имом ҳақидаги фикр бўйича бир неча гуруҳларга бўлиниб кетганлар: *Биринчи гуруҳ* шундай дейдилар: «Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн-

дан қайси бирининг боласини қиличи ғолиб бўлиб, унинг динига даъват қилса, ўша имомимиздир». *Иккинчи гуруҳ* Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг чиқишини кутадилар, унинг ўлганига ҳам, ўлдирилганига ҳам, ишонмайдилар. Уни кутилаётган ал-маҳдий деб эътиқод қиладилар. Бу фирқанинг эътиқоди ал-имомийларнинг ал-муҳаммадийя фирқаси эътиқодига мувофиқдир.

Учинчи гуруҳ Муҳаммад ибн ал-Қосим Соҳибут-Толиқоннинг келишини кутадилар ва унинг ўлимига ишонмайдилар. *Тўртинчи гуруҳ* эса, Куфадан чиққан Муҳаммад ибн Умарнинг ўлдирилганига ишонмайдилар ва уни қайта чиқиши кутилаётган ал-Маҳдий деб ишонадилар. Ш.нинг иккинчи тоифаси ал-ғолийя тарафдорлари Ҳазрат Али (р.а.) хусусида ҳаддан ортиқ ғулувга кетганлари, ҳатто баъзилари Али (р.а.)ни илоҳ, баъзилари пайғамбар дейишликкача борганлари сабабли шу ном б-н аталган. Бу тоифанинг фирқалари: ал-хитобийя, ал-маъния, ал-муфаввизийя, ал-муҳийрия, ал-мансурийя, ас-саббийя ва ҳ.к. Ш.ларнинг *учинчи тоифаси* ал-ботинияни қаромита, таълимия, ҳуррамия деган лақаблари бор. Ал-кайсония, ан-нусайрия, ал-жарийрия, ат-тарийқия, ал-имомийя ва ал-Исмийлия фирқалари ал-ботиния тоифасига мансуб.

ШОВИНИЗМ (*франц.* Chauvinisme, Наполеон I босқинчилик сиёсатининг муҳлиси, француз аскарари Н.Шовен (Chauvion) номидан) — бошқа миллатларни менсимасликни ва ўз миллатининг уларга nisбатан устуnлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти. Тарихи узок бўлсада, бу атама 19-а.нинг 30-й.ларида Францияда пайдо бўлди. Моҳиятан Ш. миллатчиликнинг ўзига хос шакли бўлиб, бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, бугунги кунда кишилик жамияти ривожини таъминлашдаги мавқеи, маънавий-маданий ҳаётининг ўзига хос томонларини менсимасликка интилишда яққол кўринади. Ш. кўп сонли халқларнинг кўп миллатли давлат доирасида, шунингдек уни ўраб турган жуғрофий — сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнаттиш учун курашида ҳам намоён бўлиши мумкин.

ШОМИЙ Низомиддин (14-а. — 15-а. бошлари) — машҳур тарихчи олим. Табризда яшаган ва ижод қилган. Амир Темурнинг топшириғи б-н ёзилган «Зафарнома» асари муаллифи. Асарга Амир Темурнинг 1404 й. баҳоридан 1405 й. февралигача (вафотигача) бўлган ҳаёти кейинроқ Ҳофиз Абу томонидан илова қилинган. Ш.нинг «Зафарнома» тарихий асари 14-а. 15-а.ларда Темур ва темурийлар ҳукмронлиги давридаги Марказий Осиё, Олтин Ўрда хонлиги, Озарбойжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва б. мамлакатлар тарихига оид воқеа-

ларни ўз ичига олади. «Зафарнома»да 1360 й.га қадар Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган чингизий ҳукмдорлар тўғрисида қисқача маълумот берилган. Кейин эса, Амир Темурнинг 14-а.нинг иккинчи ярми ва 15-а. бошида қилган юришларининг батафсил баёнидан иборат. Ш.нинг «Зафарнома» асари Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг кўшилиш жойи»), Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий», Муҳаммад Фазлуллоҳ Мусавийнинг «Тарихи Ҳирот», Ҳотифийнинг «Темурнома», Мирхондиннинг «Равзат ус-сафо» («Поклик боғи»), Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сиар» («Яхши хислатлар») асарлари каби ишончли маълумотларга таянган. Ш.нинг «Зафарнома» асари Марказий Осиё тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

ШОМОНИЙЛИК — (тунгусча шамон — ўта ҳаяжонланган, жазавали киши деган маънони билдиради). Сибирдаги туркий халқларда «шамон» сўзи «қам» деб юритилган. Шомон қабила руҳонийси бўлиб, руҳонийлар илоҳий кучга эга деб тушунганлар. Шомонлар урф-одатларини бажаришни томошага айлантирган. Одатда шомон ўйинлари кечқурун амалга оширилган. Ўйин охирида шамон беҳол бўлиб йиқилади. Уларга кўра шомонлар руҳлар б-н пичирлашиб гаплашган. Гуё талвасага тушиб беморларни даволаган. Шомон қабила, уруғ ҳомийси, кўриқчиси, руҳи ҳисобланган. Марказий Осиёда ҳам Ш. унсурлари мавжуд. Жумладан, Сурхондарёда гуёки «қора босди», «қора босибди» каби касалликлардан беморни халос қилиш учун кўшночлар талвасага тушиб, ўзини у ёқдан бу ёққа отиб бемор танасидаги касални қувмоқчи бўладилар. Руҳонийлар бу ҳолатда инсондан касалликларни дуо ва қамчи б-н уриб чиқармоқчи бўладилар. Ҳатто улар шу жараёнда милтиқ, унинг овозидан, кучли шовқиндан ҳам фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу жараёнда бир эмас, бир неча кўшночлар қатнашиши ҳам мумкин.

ШОҲ ВАЛИУЛЛОҲ (1703—1763) ўрта асрлар даврида Ҳиндистон ярим оролида ислом идеологи Ш.В. 14 ёшида мадрасани тугатиб, кейинчалик нақшбандия таълимотини ўзлаштирди. 16 ёшида отаси ташкил этган мадрасада мударрислик қилди. Ш.В. қарашлари асосида Қуръон ва ҳадис таълимотлари ётади. Кейинчалик ўз диний илмини ошириш мақсадида Маккага бориб, ҳадис илмини ўрганadi. Ш.В. ўз ҳаёт мақсадини Ҳиндистонда мусулмон жамоаларининг мавқеини мустақамлашда кўрди. У фал. борасида 50 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирди. Шулардан бири «Ҳужжат ул-Аллоҳ ул-балиға» («Мукамал Аллоҳнинг сўзлари») асаридир. Кенг халқ оммаси Аллоҳнинг сўзларидан воқиф бўлишлари учун Қуръони каримни араб тилидан форс тилига

таржима қилгани учун Ҳиндистон руҳонийлари уни динга шак келтиришда айблашди. Ш. В. исломни Ҳиндистонга мосламоқчи бўлди. Ш.В.нинг фал-ий қарашларининг марказида ижтимоий ахлоқ масаласи ётади. У ахлоқни; 2-аспектда кўради: 1) инсоннинг у дунёдаги ҳаёти ҳақидаги ғоя. 2) инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти ҳақидаги ғоя.

Ш.В. фикрича, барча яхшиликларнинг мезони ижтимоий фаровонликдир. Ижтимоий фаровонликнинг асосида адолат ётмоғи лозим. Давлат сиёсати ижтимоий масъулиятни ҳис қилиши керак. Акс ҳолда давлат иқтисодий таназзулга учраши муқаррар. Жамият равнақи учта нарса — сиёсат, иқтисод ва адабга боғлиқ. Шу учта нарса адолатга асосланса, жамият барқарор, фуқаролари эса фаровон ҳаёт кечирадилар. Жамиятда осойишталик, фаровонлик ҳукм суриши учун жамият тепасида халқ томонидан сайланган ҳоким турмоғи лозим. Ҳоким жамоалар ўртасида урушлар бўлишига йўл қўймаслиги керак. Ш.В.нинг фал-ий, ижтимоий-сиёсий қарашлари бугунги кунда Покистон Ислом Республикасининг сиёсати асосини ташкил этади.

ШПЕНГЛЕР Освальд (1880.29.5, Бланкенбург, Гарц — 1936.8.5, Мюнхен) — немис идеалист-файласуфи, ҳаёт фалсафаси вакилларида бири. «Европанинг сўниши» (1918—22,2-жилдлик) асари б-н танилган. Консерватив-миллатчилик йўналишида публицистик чиқишлар қилган, аммо немис нацистларининг ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифларини рад этган. Ш.га *Ницше* фал.си катта таъсир кўрсатган. Ш.лар ўз қарашларида чексиз кенгайтишга қаратилган органик ҳаёт тушунчасидан келиб чиқади. Маданиятнинг у «организм» сифатида талқин қилади. Унингча, бу ягона умуминсоний маданият йўқлигини ва бўлмаганлигини кўрсатади. Ш. 8 та маданиятни кўрсатган. Улар: Миср, Ҳинд, Бобил, Хитой, «Аполлон» (юнон-рим), «афсунгарлик», (Византия-араб маданияти), «Фауст» (Ғарбий Европа) ва Майя маданиятларидир. Ш.нинг таъкидлашича, ҳар бир маданий «организм» тарихи унинг ички ҳаётий циклидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат (минг йилча) олдиндан белгиланади. Маданият ҳалокатга учраши жараёнида цивилизацияга айланади. Маданиятдан цивилизацияга ўтиш эса ижодкорликдан маҳсулсизликка, шаклланишдан қотиб қолишга, қаҳрамонона ташаббуслардан механик «ишга» ўтиш бўлади. Юнон-рим маданияти учун бу жараён эллинизм даврида рўй берган, Ғарб дунёси учун эса 19-адан бошланган («Фауст» маданияти сўнишидан). Ш.

фикрича, цивилизация оқибатида бадий ва адабий ижодга эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун у маданий даъволардан воз кечиб, соф техницизмгагина эътиқод қилишни таклиф қилади.

ШРИ ЧИНМОЙ (1931, Бенгали —1994, Нью-Йорк) — файласуф, шоир, композитор, рассом, ёзувчи ва спортчи. 12 ёшидан бошлаб 20 й. мобайнида Шри Ауробиндо руҳий-мистик мактабида яшаб таълим олган. 1964 й.да АҚШга кетган. Бу фидойиликдан мақсад рационаллашган АҚШнинг юксак маънавиятга интилаётган қатламига ҳинд маънавиятини тарғиб қилишдан иборат бўлган. Фал.да Ш.Ч. асосан Шри Ауробиндонинг «Интеграл Веданта»-сига оид ғояларни ривожлантиради ва амалиётга қўллаш б-н шуғулланади. Ш.Ч. миллатни индивидга қиёс этиб, ҳар бир миллат ўзини ё ҳақни излаш ва тинчлик қарор топширишга интилиши лозим деб ҳисоблайди. «Халқнинг чин буюклиги, ундаги бирликка олиб боровчи ғояларнинг бош мезон бўлишидир». У айни инсониятни бирликка олиб бора оладиган шундай ғояларга амал қилиш халқни, миллатни илоҳий комилликка эриштиради, дея ишонч билдиради. Ш.Ч.нинг ушбу фал-ий ғоялари сўфизм фал.сига, ундаги «Ишқ йўли» ғоясига муштаракдир. Бундан ташқари, Ш.Ч.нинг ушбу ғоялари Ауробиндо Гхошнинг «Интеграл Ведантаси» ғояларини ҳаётга татбиқан ривожлантирилишидан ҳам иборат. Ш.Ч. нафақат маънавият, ижод соҳасида, балки жисмоний тарбияда ҳам шахсий намуна кўрсатган. У 21 дан ортиқ марафон, 5 та ультрамарафонларнинг фаол ижрочиси. Унинг бу ютуқлари Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилди. Ш.Ч. тинчлик марафони командасининг ташкилотчиси ва раҳбаридир. Ш.Ч. жами 1200 дан ортиқ фал-ий, бадий асарлар муаллифидир.

ШУҲРАТПАРАСТЛИК (*араб*—машҳур бўлишни севиш) — ўзининг фазилатларини пеш қилиб, шон-шухрат кетидан қувиш, юқори мартабага интилишни ҳаёт мазмунига айлантириш. Ш. киши руҳиятида номақбул ўзгариш натижасидир. Инсоннинг «менлик» туйғуси ман-манлик б-н туташганда Ш. юзага келади. Инсон ўзини бошқалардан кам эмас, ортиқ эканлигини исботлашга уринар экан, бу субъектив жараёндир. Инсон «менлик» туйғусининг меъёридан ортиб кетиши уни инсониятга зид хатти-ҳаракатга ундаши мумкин. Шунинг учун илғор фал-ий мактаб намояндalари ва мукамал таълимотлар Ш.ни оқламайди.

Э

ЭВДЕМОНИЗМ (юн. eudaimonia — бахт — саодат, роҳат-фароғат) — бахт-саодат, роҳат-фароғатни кишилар ҳаётининг олий мақсади деб ҳисоблайдиган ахлоқий йўналиш. Э.юнон этикасининг асосий принципларидан бири бўлиб, у Сукротнинг шахсининг ички эркинлиги, ташқи дунёга қарам эмаслиги тўғрисидаги ғояси б-н узвий боғлиқ. Э. бахт-саодатни жисмоний ва маънавий ҳузур, лаззат б-н тенглаштирмайди, балки уни кенг маънода, барча жисмоний ва маънавий (кўпинча фуқароликка ҳам оид) қадриятларнинг мажмуи тарзида тушунади. Унингча, ўз шахсида ана шу қадриятларни мужассамлантира олган кишигина чинакам бахт-саодат соҳибидир, шундай бахтгина инсонга ҳақиқий лаззат, фароғат бахш этади. Демокрит, Эпикур, Форобий, Ибн Сино, Л.Фейербах Э.нинг ёрқин намояндalarидандир.

ЭВОЛЮЦИЯ (юн. ebolitio — авж олдириш, ривожлантириш) — революция (инқилоб)га ва инқилобий йўлга қараш бўлган, тадрижий ривожланиш усули, у тўғрисидаги фал-ий таълимот. Замонавий эволюцион наз-я бутун борлиқни ривожланишда, деб қарайди. Эволюцион наз-я XIX а.да пайдо бўлди. Ч.Дарвин ўзининг турларни келиб чиқиши тўғрисидаги таълимотида органик оламнинг тадрижий ривожланиш қонуниятларини кўрсатиб берди. XX а. охирида табиатшуносликда «катта портлаш наз-яси» пайдо бўлиши б-н коинотнинг кейинги Э.сига бир қатор аниқликлар киритилди. Ҳоз. замон табиатшунослиги «ҳар қандай мавжудот Э. натижаси»дир деган ғояга асосланади. Дунёнинг замонавий манзараси Э.нинг умумий характерга эга эканлигини исботламоқда. Фанлараро соҳа ҳисобланган кибернетика Э. механизмини ўргана бошлади. XX а. 70-й.ларида бу соҳа ҳар қандай объект Э.сини ҳаракатга келтирувчи кучни таҳлил қилишга киришди. Табиатда, жамиятда ва маънавий дунёдаги Э. моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилмоқда. Улуғ мутафаккирлар инқилоб вайронгарчиликка асосланган, одамларнинг моддий ва маънавий асосларига зарар етказадиган, қадриятларни йўқ қиладиган социал ҳодиса эканлигини кўрсатганлар. П. Сорокиннинг фикрича, инқилоб жамиятни социаллаштирмайди, одамлар аҳволини ёмонлаштириб, эркинликни бўғайди. Жамият ўз тараққиёти йўлида келган инқирозларни ислохотлар орқали ҳал этади. Жамиятни босқичли ривожланиш ҳақидаги наз-яларда ҳам бир тўлқиндан иккинчи тўлқинга ўтишда инқилобий ўзгаришнинг юз бериши айтилади. Бироқ, моҳиятан бу инқилоб қонли урушларни кел-

тириб чиқарадиган ижтимоий инқилобдан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий инқилоб деб сиёсий тизимни зўрлик билан ва вазият ҳисобга олмай оғдириб ташлаш назарда тутилади. Бу эса, жамият ҳаётини издан чиқаради, халққа кулфат келтиради. Эволюцион ўтиш эса, ҳоз. даврда технологик ўзгаришлар, моддий ва маънавий равнақ, таълим тизимини ислох қилиш орқали рўй бермоқда. Ўзбекистоннинг мустақилликни мустақамлаш, демократик жамият бозор муносабатларига босқима-босқич ўтиш йўли жаҳон мамлакатлари тадрижий тараққиётининг илғор ютуқларига асосланган. Бу борда амалга ошаётган «Тараққиётнинг ўзбек модели» ана шу мезонларга жавоб беради.

ЭЙДОС (юн. eidos — кўриниш, образ) — қадимги Юнон фалсафасида ташқи структурани белгилаш учун қўлланилган атама. Э. антик замон фал-сида ва бадий адабиётида даставвал «ғоя» сифатида зоҳирийликни ифодалаган. Э. бу «кўзга ташланадиган», «сиртқи кўриниш» (Гомер); сўнгра — моҳиятнинг конкретлиги, зоҳирий моҳият (Парменид), атомнинг белгиси (Демокрит), субстанционал «идея» (Платон) атамасининг синоними; якка предметлардан алоҳида яшовчи шакл (Арасту), Э.Гуссерль (1859-1938) феноменологиясида факт (ҳодиса)дан фарқланадиган моҳият, яъни феноменологик (эй-детик) редукция (фактни тафовутлардан узоқлашиш ва соф моҳиятни мушоҳада қилиш) сифатида тавсифланади. Э.ни объектив реалликка оид ва «соф» (яъни, субъектив) тажриба чегарасидан чиқадиган ҳар қандай муҳокамалардан сақланиш ҳамда билиш субъектининг ўзини реал, эмпирик, социал ва психофизиологик вужуд деб эмас, балки соф трансцендентал онг деб қарашларни ҳам ўзида мужассам этади.

ЭКЛЕКТИКА (юн. eklektikos — танловчи) — турли ва ҳатто бир-бирига зид қарашлар, ғоя ва назарияларни механик равишда қўшиб юбориш ёки уларни бир фалсафий таълимотда бирлаштириш. Э.дастлаб, қадимги Юнон фал.сида вужудга келди. Ўрта асрлар схоластик муҳокамаларида Э.дан кенг фойдаланилган. Объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муносабатлари ўзгариш ва ривожланишда эканлигини ажрата билмаслик Э.нинг асосий методологик нуқсонидир. Э. бир мантиқий асосларни бошқалари б-н алмаштириш, инсон билимининг ўзгарувчанлиги ва нисбийлигини мутлақлаштиришга асосланади. Э. қондаларнинг бўш ва самарасизлигини Сукрот ва Аристотель алоҳида таъкидлаганлар.

ЭКОЛОГИЯ (юн. oikos — яшаш жойи, макон, Logos — таълимот) — тирик организмларнинг ўраб турган тирик ва нотирек табиат б-н муносабатлари тизимида антропотехноген омил ролини ўрганувчи фан. Э. атамасини машҳур немис зоологи Эрнест Геккель (1834—1919) ўзининг «Организмларнинг умумий морфологияси» (1866) ва «Дунё яратилишининг табиий тарихи» (1868) асарларида биринчи бўлиб фанга киритган. Табиатни табиат учун муҳофаза қилишга зарурият йўқ. Уни фақат инсон учун муҳофаза қилиниши Э. ижтимоий моҳиятини намоён қилади. Э.нинг йўналишлари кўп: умумий Э. био Э., зоо Э., гео Э., тиббий Э., муҳандислик Э., инсон Э. ва бошқа хусусий Э. Шунингдек, онг шакллариининг Э.лашиши тенденцияси кучайиб, Иқтисодий Э., Экоэтика, Экоэстетика». Экотехнология, Экологик ҳуқуқ, Экологик сиёсат ва ҳ.к. йўналишлар вужудга келмоқда. Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг назарий, амалий ва методологик жиҳатларини жаҳон цивилизацияси манфаатлари асосида муштарак-муҷассам ўрганувчи фал-ий фан ижтимоий Э.дир. Ҳозир ижтимоий Э. ўзининг ривожланиш босқичига кирмоқда ва нафақат инсонни ўраб турган табиатни муҳофаза қилиш, балки ижтимоий муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг фундаментал наз-яларини ишлаб чиқмоқда.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ — инсоннинг табиатни ўзгартириш ва ўзлаштиришга онгли ижодий муносабати бўлиб, табиий қадриятларни келажак авлодларга бекаму-кўст қолдириш масъулияти ва бурчини англаш. Инсонларнинг муайян табиий-жуғрофий яшаш жойлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, эътиқод шакллари, этнографик хусусиятлари б-н боғлиқ миллий Э.м. вужудга келган ва ривожланган. Ҳоз. даврга келиб инсоният табиатга онгли, маданий муносабатда бўлиш, унинг келажagini белгиловчи омил эканлигини англай бошлади. Шу асосда «табиат-жамият-инсон» муносабатларини табиат фойдасига ислоҳ (реформа) қилиш, унга маданий муносабатда бўлиш жараёни кетмоқда. Маданият шакллариининг экологик эҳтиёжлар доирасида интеграциялашуви натижасида экологик-ахлоқий маданият, экологик-ҳуқуқий маданият, экологик-иқтисодий маданият ва шу каби бошқа Э.м. йўналишлари вужудга келиб, ўз мазмунини вазифаларини конкретлаштирмоқда Э.м. махсус ижтимоий маданият сифатида инсон ва жамиятнинг табиатга нисбатан амалий муносабатини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш функцияларини бажаради. Табиий атроф муҳит муҳофазасининг оламшумул муаммога айланиши ва кескинлашиб кетаётганлиги ижтимоий ҳаётда Э.м.нинг устиворлашиб бориши қонунияти вужудга келди. Чунки, жаҳонда мамлакатлар

нинг нотекис ривожланганлиги, табиий атроф муҳофазасига турлича муносабат, айниқса унинг техник-технологик, интеллектуал, моддий-молиявий имкониятларининг чекланганлиги: а) ижтимоий тарққиётда Э.м.нинг ролини ва аҳамиятини кучайтириш чора тadbирларини кўриш; б) Э.м.нинг бошқа шакллари б-н интеграциялашувчи ва дифференциялашуви хусусиятларини ўрганиш; в) Э.м. мазмуни ва функциясидаги ўзгаришлар динамикасини тадқиқ қилиш; г) Э.м.ни ривожлантириш усуллари, воситаларини ва йўналишларини кўрсатиш каби вазифаларнинг долзарблигини белгилайди. Бу вазифаларнинг самарали ҳал қилиниши, экологик хавфсизлик муаммолари ечимида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

ЭКСПАНСИЯ (лот. expansio — кенгайтириш, ёйиш, тарқатиш)—кучли давлатларнинг дипломатик иқтисодий ва ҳарбий усуллар б-н ўз таъсири доирасини бошқа мамлакатларга ёйишга қаратилган сиёсат. Кўп ҳолларда таъсир доирасини кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Ҳозир ҳам кучли давлатлар бошқа мамлакатларни асоратга солиш, янги территорияларни товарлар сотадиган ва капитал сарфлайдиган соҳаларни, хомашё манбаларини босиб олиш йўллари б-н бундай сиёсатни амалга оширадилар.

ЭКСПЕРИМЕНТ — фан ва билиш соҳасида фавқулодда ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахснинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, ақл заковатини ўрганишда қўлланадиган усул. Э. табиий ва лаборатория усулларига ажратилади. Табиий усул психологик-педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Бу усулнинг илмий асосларини А.Ф.Лазурский таърифлаб берган. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчиларнинг ўзлари беҳабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши, катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиш кундалик меҳнат тарзи доирасида амалга оширилиши, завод ва фабрикада эса моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Лаборатория усули ёрдами б-н диққатнинг сифатлари, сезги, идрок, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари, эмоционал, иродавий ҳамда ақлий зўриқиш сингари психик ҳолатлар текширилади. Кўпинча лаборатория шароитида кишилар (учувчи, ҳайдовчи, оператор, электрончилар) ва кутилмаган тасодифий вазиятлар (ҳалокат, портлаш, издан чиқиши, шовқин кўтарилиши)нинг моделлари яратилади. Э. аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи) ва назорат (текшириш) қисмларига бўлинади. Э.нинг

аниқловчи қисмида руҳий ҳолат, жараён, ҳодиса, хусусият, ўйин, ўқиш, меҳнат фаолиятларида тадқиқ қилинади. Таркиб топтирувчи Э.да синалувчиларда бирор фазилатни шакллантириш, шунингдек, уларга мақсадга мувофиқ муайян малакани, йўл-йўриқ ва усулни ўргатиш режалаштирилади. Назорат (текшириш) Э.да таркиб топтирувчи босқичда шакллантирилган усул, восита, йўл-йўриқ, кўникма, малака ва шахс фазилатларининг даражасини, барқарорлигини аниқлаш, таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш учун моҳияти, мазмуни ҳар хил мустақил топшириқлар берилди. Назорат Э.и орқали таркиб топтирувчи Э.нинг самараси ўлчанади. Аниқловчи, таркиб топтирувчи ва назорат Э.ларида йиғилган маълумотлар статистик методлардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади (ўртача арифметик қиймат, тартибга келтириш, мода, медиана, корреляция, дисперсия, квадрат оғиш ва ҳ.к). Натижада материалларнинг, қўлланилган методикаларнинг ишончилиги, валидлиги ва репрезентативлиги даражалари аниқланади.

ЭКСТРАПОЛЯЦИЯ (лот. *ekstra* — тез, *polio*-тўғрилайман) — бирор ҳодисанинг бир қисмини кузатиш натижасида олинган хулосани шу ҳодисанинг бошқа қисмига, бошқа территорияга ва келгусига татбиқ этишни англатади.

ЭКСТРЕМИЗМ (лот. — ўта, сўнгги) — сиёсатда ашаддий, фавқулодда тадбирлар ва қарашларга тарафдорлик маъноларини билдиради. Дунёдаги бир қатор мамлакатларда 20-а. бошларида турли экстремистик гуруҳлар майдонга келди. Улар гоҳ сиёсий, гоҳ диний, гоҳ ҳудудий масалани баҳона қилиб, турли жиноятларни содир этадилар. Ўз мақсадларига эришиш учун давлат раҳбарларига суиқасд уюштириш, ўғирлаш, туҳмат, одам ўлдириш, босқинчилик каби разил иллатлардан асло қайтмайдилар. Э.нинг сиёсий, террор, диний, миллий ва бошқа гуруҳлари мавжуд. 20-а. охирида диний Э. фаолияти жуда зўрайиб кетди. Бунга Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон, Косоводаги мудҳиш воқеалар мисол бўла олади. Диний Э. — диний ташкилотлардаги ўта мутаассиб гуруҳларнинг ашаддий реакцион фаолияти бўлиб, ҳатто динга ҳам зарар келтиради. Уларнинг асосий мақсади динни ниқоб қилиб, ҳокимиятни қўлга олиш, диний талабларнинг илк даражасига ҳос «софлиги»ни қайта тиклаш, диний талабларга мос сиёсий тузумни барпо этишдан иборат. Шу мақсадда диний ташвиқот олиб бориб, қурол кучи ва зўравонлик б-н давлатни эгаллашдир. Э.нинг миллий кўриниши эса, миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи миллатчилик ва шовинизмдир. Э.нинг барча кўринишлари инсониятнинг ижтимоий, барқарор тараққиёти учун катта хавфдир.

ЭЛАТ — кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Э.га кўп жиҳатдан бир-бирига яқин қабилалар бирлашади. Э. миллат шаклланишининг учинчи босқичи, белгиси. Қадимда кишиларнинг Э. бўлиб, бир ҳудудда яшашлари улар орасида умумий манфаатдорлик, қон-қариндошлик ҳис-туйғуларини кучайтирган. Э.лар, кучли қабилаларнинг кучсиз қабилаларни ўзига бўйсундириши ва улар б-н аралашиб кетиши натижасида ҳам шаклланган. Э ўз қиёфасини сақлаб қолиши, ривожланиб миллат даражасига кўтарилиши учун ўз давлатига эга бўлиши керак.

ЭЛЕЙ МАКТАБИ — пифагорчиларнинг иттифоқи каби Элладанинг Элей шаҳрида юзага келган. Бу мактабнинг асосий намоёндалари Ксенофан, Парменид, Зенон ва Мелисслардир. Э.м. таълимоти қад. Юнон фал.сининг шаклланишида, унинг категориялари, жумладан, борлиқ категориясининг ривожига янги қадам ҳисобланади. Ионияликларда борлиқ жисмий, пифагорчиларники эса математик бўлса, Э.м.да у фал-ийдир. Элейликлар биринчилар қаторида борлиқ ва тафаккур ўртасидаги муносабат масаласини қўйдилар. Антик фал. шаклланишининг якуни Э.м. б-н тугалланади.

ЭЛЕМЕНТ (лот. *elementum* — унсур, дастлабки модда) — материянинг бирламчи, энг оддий дастлабки зарраларини билдирувчи тушунча. Табиат турли-туман шу зарраларнинг муайян тартиб, алоқа ва усулда қўшилишидан таркиб топади, мавжуд бўлади ва ривожлана боради. Қадимги замонлардан бошлаб, фой.лар ва табиатшуносларнинг бир томондан, материянинг энг оддий, майда, ягона Э.ларини топишга интилишлари б-н, иккинчи томондан, материянинг битмас-туганмаслиги сабабли, табиатда бундай Э.лар йўқлиги тўғрисидаги фикрлари ўртасида зиддият бўлиб келган. Бу фикрлар ўртасидаги зиддиятларнинг аниқланиши ва ҳал қилина бориши туфайли материя тузилиши ҳақидаги инсон билимлари бойиб борди. Чунончи, қад. юнон фой.лари материянинг ягона Э.и деб ё сувни (Фалес), ё ҳавони (Анаксимен), ёки оловни (Гераклит) эътироф этишган. Демокрит, Левкипп, кейинчалик Эпикур материянинг энг майда, бўлинмас зарралари сифатида атом ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар. Қад. Миср, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Ўрта Осиёда оламнинг асосида тупроқ, олов, сув ва ҳаводан иборат бўлган тўрт унсур, модда ётади, деган қарашлар мавжуд бўлган. Бу қарашларни, Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва б. ҳам ривожлантирганлар. XIX а. охириларида қилинган буюк табиий-илмий кашфиётлар материя тўғрисидаги эски қарашларга, бинобарин унинг бирламчи ва структурасиз зарралари

мавжудлиги ҳақидаги ҳукмрон тасаввурларга путур етказди. Ҳоз. замон физикаси электронлар, нейтронлар ва бошқа «элементар» зарраларнинг мураккаблигини исбот қилиш орқали табиатнинг бениҳоялиги, чексизлиги тўғрисидаги илмий-фал-ий ғояни яна бир бор исботлади. Мас., ҳоз. замон физикасида мавжуд бўлган «элементар зарралар» тушунчаси муайян жараёнларда бир бутун сифатида ўзаро таъсир қилувчи энг оддий микрообъектларни ифодалайдики, уларнинг 250 дан ортиқ хилма-хил кўринишлари бор. Уни яхлит система сифатида ташкил этувчи бутун таркибида ўзаро алоқада бўладиган нарса ва ҳодисаларнинг нисбатан бўлинмас қисми. Бу маънода Э. тушунчаси бутун ва қисм (бўлак) фал-ий категориялари ўртасидаги муносабатни ифодалайди. У фалдан ташқари математика, табиатшунослик, техника ва ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам кенг қўлланилади.

ЭЛИТА (фр. elite — энг сара) — ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув, маданият ва фанни ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами. Э. ҳақидаги наз-ялар даставвал Платон, Ницше қарашларида баён қилинган бўлиб, XX а. бошларида В.Перето, Г.Моско, Михельс таълимотида системали равишда тадқиқ этилган. Ҳоз. Фарб социологиясида Э.нинг турли хил мезонлари ва хусусиятлари ўрганилмоқда. Бунда Э. таркибига ҳокимиятга интилаётган ва сиёсий жиҳатдан фаол одамлар (Моско), жамиятда энг кўп обрў ва мақомга, бойликка, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга бўлган одамлар (Ортега-и-Гассет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи ижодий қисми (Тойнби), энг малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидаги хизматчилари (технологик детерминация) киритилади. Ҳоз. замон социологиясининг Э. наз-яси Миллс, Рисмен, Белл қарашларида ҳам ўз ифодасини топган.

ЭМАНАЦИЯ (юн. — ажралиб чиқиш, сизиб чиқиш, тарқалиш) — диний-фал-ий термин. Бунга кўра, гўё моддий олам илоҳий ибтидо (Худо)дан аста-секин, босқичма-босқич ажралиб чиқади. Э. ҳақида ҳам материалистик (Эмпидокл, Левкипп, Демокрит), ҳам идеалистик (Платон, Аристотел, Плотин) таълимотлар илгари сурилган. Э. ҳақидаги таълимот маълум даражада деярли барча ҳад. натур-философик усулга хос бўлган. Мас.: Эмпедокл кўринишни бизнинг ҳиссий органларимизнинг кўзғалишига мос тушувчи элементларнинг ажралиб чиқиши, тарқалиши деб тушунтиради. Платон ва унинг издошлари, ғоялар олами туфайли моддий олам вужудга келган, деб билладилар. Бунга ўхшаш фикрлар

яқин ва Ўрта Шарқда Форобий, Абу Али Ибн Сино, Ибн Рушд ҳамда Шарқда сўфизм вакиллари-Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, ишроқ фал.си асосчиси Ш.Суҳравардий фал-ий қарашларида ҳам учрайди. Э. тўғрисидаги таълимот сўл натуралистик пантеизмнинг ривожланишида муайян рол ўйнади.

ЭМБАРГО (испан. embargo — тақиқлаб қўйиш) — чет мамлакатларга товар, олтин, валюта ва бошқа буюмларни чиқариш ёки чет мамлакатлардан киритишни тақиқлаб қўйиш, чет мамлакатларга қарашли кемалар, юклар, жиҳозларни ушлаб қолиш. Уруш даврида душманнинг тегишли мол-мулклари, асбоб-ускуналарига нисбатан блокада (қамал) ҳолати жорий қилиш учун, тинчлик даврида эса, бошқа мамлакатларга нисбатан иқтисодий ва молиявий таъйиқ ўтказиш учун Э.дан фойдаланилади. Чет мамлакатларга қарашли кемалар, пароход, ҳарбий кемаларни мазкур мамлакат портларига киритишни ва уларни олиб чиқиб кетишни тақиқлаб қўйиш мақсадида ҳам Э. қўлланилади. БМТнинг низомида халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи ҳаракатларни содир этадиган давлатларга нисбатан коллектив жазо чораси сифатида Э. қабул қилиш кўзда тутилган.

ЭМЕРЖЕНТ ЭВОЛЮЦИЯСИ (лот. emergerе — юз бермоқ, пайдо бўлмоқ, юзага чиқмоқ) — ғоявий тараққиёт наз-яси. Ҳоз. замон инглиз-америка буржуа фал.сида, айниқса, неорализм вакиллари орасида тарқалган. К. Александр Лойд-Морган, Ч.Д.Броуд унинг асосий вакиллари. Э.э. наз-яси 20-а.нинг 20 й.ларида пайдо бўлди. Унинг асосий мақсади тараққиётнинг сакрашсимонлигини, янгиликнинг пайдо бўлишини ғоялар асосида талқин қилишдир. Э.энинг назариётчилари ўзгариш жараёнларига иррационал мантиқий, пайқаб бўлмайдиган ишлар деб қарайдилар. Лойд-Морганнинг фикрича, бутун табиатга жон ато қилинган, психик ҳолатсиз физик ҳолат йўқдир. К.Александр табиатнинг бош асосини номоддий «мақон-замон»дан иборат деб эълон қилади, унга нисбатан материя ҳосила нарсадир, деб ҳисоблайди. Унинг назарида номоддий «нуқта-моментлар» табиатнинг бош элементлари бўлиб хизмат қилади. Броуд витализмни ва руҳнинг жисмдан-жисмга кўчиб юришини ҳимоя қилади.

ЭМЕРЖ ХУСУСИЯТЛАРИ (лот. emergerе — юз бермоқ, пайдо бўлмоқ) — кишиларни гуруҳга ёки жамоага бирлашганида тўсатдан юзага келадиган, уларга хос бўлган умумийликни эътироф этади ва мазкур гуруҳга кирувчи кишилар тавсифи бу хусусиятлар тавсифи б-н айнан бўлиши шарт эмас, деб қарашни англатади.

ЭМОТИВИЗМ (*инг.* emotive — ҳиссиётни келтириб чиқарувчи, қўзғалтирувчи) — мантикий позитивизмнинг ғоялари ва методологияси асосида вужудга келган ахлоқий наз-я. Мазкур наз-яга кўра, ахлоқий ҳукмлар, терминлар ҳақиқий ҳам, ёлғон ҳам эмас, улар билиш мазмунидан маҳрумлиги боис, уларни тажриба йўли б-н текшириб бўлмайди. Уларнинг аҳамиятли томони ахлоқий ҳиссиётларни намоеън қилишга хизмат қилишдангина иборат. Э. ахлоқий тасаввурларни ўз-ўзидан вужудга келади, деб қарайди. Э. 20-а.нинг 20-40 й.ларида Буюк Британия, Австрия, АҚШда кенг тарқалган. Айер, Рассел, Карнап, Рейхенбах кабилар Э.нинг етакчи вакиллари ҳисобланадилар.

ЭМОЦИЯ (*лот.* «emovco» — ҳаяжонлантираман, изтироблайман) — шахснинг муайян воқеликка нисбатан ўз муносабатини ҳис қилишдан келиб чиқадиган, унинг эҳтиёжи ва қизиқиши, объектларнинг аҳамиятли томони боғлиқ бўлган турли даражадаги, мазмундаги, шаклдаги ёқимли ва ёқимсиз кечинмаларининг мажмуасидир. Э. термини ҳиссиёт тушунчаси б-н бир маънода ишлатилади. Лекин «ҳиссиёт» б-н Э. тушунчасини айнан бир ҳисоблаш мумкин эмас. Белгилари хусусан яққол намоеън бўладиган ҳиссиётларни ичдан кечиришдан иборат руҳий жараён вужудга келишининг аниқ шаклинигина Э. деб аташ тўғри бўлади. Бироқ, ватанпарварлик, жавобгарлик, виждон азоби, масъулият, бурч, онанинг болага нисбатан меҳр-муҳаббати ҳисларини эмоция деб аташ мумкин эмас. Шунингдек, уларни кескин чегаралаш ҳам баъзи бир камчиликларга олиб келади. Э. инсон психикасининг ўзига хос соҳаси бўлиб, шахс фаолиятининг айрим жиҳати сифатида ҳаракатдаги ва ўз миёсида теварак-атрофдаги оламни акс эттираётган одам томонидан турли тарзда ичдан кечирилади. Э. борлиқда содир бўлаётган ҳодиса ва нарсалардан шахс учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида дарак берувчи сигналлар тизими ҳисобланади. Унинг худди шу сигнал функцияси психологияда эмоциянинг импрессиив томони дейилади (*лот.* impressio — таассурот). Э. ва уни кечишнинг турли шакллари фақат сигнал функциясини эмас, балки бошқарувчилик функциясини ҳам бажаради. Мослашиш давридаги ихтиёрсиз ва онгли ҳаракатлар психологияда эмоционал ҳолатларнинг экспрессиив томони деб аталади (*лот.* expressio — ифодалаш). Шахс эмоционал соҳасининг таркибий қисмлари: эмоционал тус (тон), эмоционал ҳолатлар (актив, пассив, астеник, стеник), аффект, стресс, кайфият. Эмоционал ҳолатлар ҳиссий кечинмаларнинг одатдаги ва ўзига хос шаклидан иборатдир. Инсон фаолиятининг қайси бир тури ёки қайси бир соҳаси ҳислардан қайси бирининг асоси (усту-

вор) эканлигига қараб, юксак ҳислар муайян туркумларга ажратилади: 1) меҳнат фаолиятида кечириладиган ҳислар-праксик ҳислар (*юн.* praxis — иш, фаолият, юмуш); 2) интеллектуал ҳислар (*лот.* intellectus — тушуниш, ақл); 3) ахлоқий ҳислар (*лот.* moralis — ахлоқий); 4) эстетик ҳислар (*юн.* aistesis — ҳиссий идрок, ҳиссий).

ЭМПЕДОКЛ (*мил. ав. тахм.* 483, Акрагант — 424, Пелопоннес) — файласуф, врач. Э. оламнинг асосига тўрт унсурни қўяди. Уларнинг бирикиши ва ажралиши миқдорий ва сифатий бўлинишларга боғлиқ. Унсурлар эса ўз-ўзича доимо ўзгармай тураверади. Оламда тўрт унсурдан ташқари ҳаракатланувчи иккита куч мавжуд. Моддий унсурлар ҳаракатланувчи кучлар б-н чамбарчас боғлиқ. Уларни бирлаштирувчи куч — бу муҳаббат кучи бўлса, унсурларни ажратувчи куч эса зулмат кучидир. Оламда навбатма-навбат муҳаббат ва ёвузлик кучлари ҳукмронлик қилади. Э.нинг барча жисмларнинг пайдо бўлиши жараёни тўғрисидаги тасаввури фал. тарихдан кўра фан тарихига кўпроқ тааллуқлидир. Э. ўз даврига нисбатан анча илғор ғояларни илгари сура олган. Кейинчалик унинг таълимоти Анаксагор томонидан ривожлантирилди.

ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ (*юн.* empeiria — тажриба, kritike — танқид) — фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, унга Р.Авенариус (1843-1896) асос солган. Э.нинг бошланғич нуқтаси «соф тажриба» бўлиб, у энг сўнгги нейтрал (бетараф), яъни субъектив ҳам, психик ҳам, физик ҳам бўлмаган борлиқдир. Дунё «бетараф элементлар», яъни сезгилар комплекси (мажмуи) дан иборатдир. Э.га биноан жисмлар сезгиларни қўзғатмайди, балки элементлар (яъни сезгилар) мажмуи жисмларни ҳосил қилади. Бошқача айтганда, сезгилар мажмуи элементлар мажмуининг «мантикий символларидир». Материя, табиат фақат элементлар (сезгилар)нинг маълум қонуний алоқасидир. Атом, молекула, масса ва ҳ.к. объектив борлиқ нарсалари эмас, балки сезгиларни иқтисодий қайд қилиш символларидир. Э. Дарвиннинг эволюцион таълимотидан фойдаланиб, билиш ва фаннинг вазифаси объектив борлиқни инъикос эттириш эмас, балки фақат инсон организмнинг ташқи муҳитга биологик мослашуви функциясини ифодалаш деб билади. Э. билиш назарий тафаккурнинг бош қонуни сифатида «тафаккурни тежаш» ёки «фикрларни иқтисод қилиш, уйғунлаштириш ва ташкиллаштириш» принципини илгари суради. Бу принципга биноан, илмий тушунчалар, наз-ялар, формулалар, қонунлар ва изоҳлар объектив мазмундан маҳрумдир, улар ақлнинг маҳсуллари бўлиб, борлиқни акс эттириш учун эмас, балки билувчи

субъектнинг эҳтиёжларини қондириш учун яратилгандир. Табиатда сабаб ва оқибат йўқ, улар бизнинг тафаккуримиз яратган маҳсуллардир. Табиат қонунлари нарсалар ўртасидаги объектив алоқаларни ифодаламайди, балки инсон руҳи маҳсуллари сифатида бизнинг руҳий эҳтиёжларимиз томонидан яратилди. Э.нинг «принципиал координация» наз-ясига биноан, объект ва субъект, физик ва психик ҳодисалар ўртасида ҳеч қандай жиддий фарқ йўқ. Чунки, моҳият эътибори б-н тажриба фактлари сифатида ўзаро узвий боғлиқ бўлган, айнан бир хил турдаги нарсалардир. Улар бир-биридан фақат қайси нуқтаи назардан қарашимизга боғлиқ ҳолда фарқ қилади. Бу наз-я билувчи субъект б-н муҳитнинг ажралмас алоқасини таъкидламоқчи бўлса-да, амалда тажрибадан ташқарида ҳеч қандай билим, ҳақиқат йўқ, деб субъект онгига боғлиқ бўлмаган борлиқ мавжудлигини инкор этади. Мас., Авенариуснинг фикрича, тажрибада объект ва субъект доимо «қарама-қарши аъзолар» сифатида берилгандир. Аммо «марказий аъзо», яъни субъект онгига боғлиқ бўлмаган объектив борлиқ мавжуд эмас. Дунё, табиат «мен»га, субъект онгига боғлиқ ҳолда мавжуддир. Э. интоекция деган наз-яни илгари суриш орқали субъект тажрибасидан ташқарида объектив дунё мавжудлигини тан олмасликни тарғиб этди. Бу наз-яга биноан, тажриба инсон ичига, унинг миясига тасавурларни нотекис жойлаштиришдан иборатдир. Ҳоз. кунда Э.нинг асосий ғоялари неопозитивизм фал.си таркибида ривожланмоқда.

ЭНГЕЛЬС (Engels) ФРИДРИХ (28.11. 1820, Бармен, Вуппертал — 5.8. 1895, Лондон) — немис файласуфи, собиқ иттифоқ мафкураси бўлган марксизм таълимотининг асосчилардан бири. Дастлаб ёш гегелчилар б-н яқинлашиб, уларнинг сўл қанотига қўшилди. Айни пайтда, у, Гегель фал.си б-н танишиб, унинг диалектик методи тарафдорларидан бирига айланди. Шу даврда у Л.Фейербахнинг «Христианликнинг моҳияти» (1839) асарини мутолаа қилгандан сўнг Фейербах таъсирига тушади. 1942 й.да Кёльнда (Германия) «Рейн газетаси» бош муҳаррири К.Маркс б-н учрашади ва унинг тарафдорига айланади. Э. «Табиат диалектикаси», «Анти-Дюринг», «Людвинг Фейербах ва немис классик фал.сининг охири», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» ва бошқа асарларида собиқ марксизмга хос фал-ий масалаларнинг турли жабҳаларида фикр юритди.

Э.нинг (Маркс б-н биргаликда) яратилган таълимоти собиқ иттифоқда партия мафкурасига айлантирилди, жамият аъзолари мазкур мафкура тазйиқига учради, у мутлақлаштирилди ва оқибатда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши учун фойдаланилди.

ЭНТИМЕМА (юн. — ақлда, фикрда) — қисқартирилган силлогизм асосларидан бири ёки хулосаси тушириб қолдирилган силлогизм. Э.да силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисми ёдда сақланади. Э.лар уч турга бўлинади: 1) катта асоси тушириб қолдирилган Э.лар; 2) кичик асоси тушириб қолдирилган Э.лар; 3) хулосаси тушириб қолдирилган Э.лар. Баҳс-мунозара юритиш жараёнида, нотиклик санъатида кенг қўлланилади.

ЭНТУЗИАЗМ (юн. entusiasmos — илоҳий завқ-шавқ, жонбозлик) — бирор бир ғояга, идеалга ёки мақсадга завқ-шавқ б-н, жону-дилдан берилишни, олий қадриятларга интилишни ифодаловчи тушунча. Антик даврда Э. энг аввало шоир ва рассомлар ижодида илоҳий қувват асосида жонбозлик б-н нодир санъат асарларини яратишда намоён бўлган. Э. адабиёт ва санъат сирларини ўрганиш ва ижод йўллариини тадқиқ қилишни ҳам қамраб олган. Антик давр фай.лари Э.ни илоҳий гўзалликка етиш ниятида жонбозлик б-н қилинган меҳнатни Э. деб таърифлаганлар. Э. фал-ий ахлоқий-ҳодиса сифатида инсон фаолиятини белгиловчи ва йўналтирувчи маънавий мезон ролини ҳам ўйнайди. Э. ижтимоий фаоллик даражасини ифодаловчи мезон бўлиб, шахс фазилатлари ва характериини шакллантирувчи ахлоқий тамойиллардан биридир.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ (юн. — франц. enciklopedie — билимлар доираси, қомус) — маълум қондалар асосида тартибга солинган билимлар тўплами, илмий ёки илмий — оммабоп нашр. Э.ларнинг юзага келиши деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Илк Э.лар қад. Миср ва Хитойда пайдо бўлган. Ундан кейин қомусий мазмун ва тусдаги асарлар қад. Юнонистонда Аристотел томонидан яратилган. Марказий Осиёда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бобур қомусчилик тарихига ҳисса қўшганлар. Биринчи ҳақиқий Э. 1751-1780 й.ларда 35 жилда, Д.Дидро бошчилигида, француз олимлари Монтестье, Вольтер, Руссо ва Д.Аламбер томонидан тайёрланиб чоп этилди. 1917 й.гача Россияда Брокгауз ва Ефрон ҳамда Гранд Э.си маълум эди. Собиқ Шўро даврида унинг мафкураси акс этган Катта Совет Э.си 3 марта нашр этилди. Шунингдек, бир қанча соҳа Э.лари (фал., тарих, техника, жуғрофия, химия ва б.) ва республикалар Э.лари тайёрлаб чоп этилди. «Ўзбек Совет Э.си» 1971-1980 й.ларда 14 жилддан иборат ҳолда чоп этилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи тўлиқ мазмундаги Э.нинг яратилиши муҳим воқеа бўлди ва ҳоз. замон фани даражасида олам, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги билимларни қомусий равишда ҳукмрон мафкура ва наз-я доирасида акс

этирди. Бу Э. етти мингдан ортиқ олим, соҳа мутахассислари, маданият ва давлат намоёндаларининг кўп йиллик меҳнатининг самараси ва натижаси бўлди. Унга 40 мингдан ошиқ атама-мақолалар киритилди, 10 минг сурат ва 800 та харита илова қилинди. Афсуски, Ўзбекистон Совет Э.си мазмунида яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафкуранинг жиддий салбий таъсири бор эди. 1981 й.дан бошлаб, ўзбек қомусчилари 2 жилдли «Энциклопедик луғат», тиббиёт, пазандачилик, болалар учун ва бошқа Э.лар чиқардилар. 1997 й.да бир жилдли «Ўзбекистон Республикаси» Э.си чоп этилди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Э. ишига алоҳида эътибор бериб, 1997 й. 20 мартда «Ўзбекистон миллий Э.си» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди ва у матбуотда эълон қилинди. Мазкур қарор мамлакатимизда Э. ишини янги поғонага кўтарди, ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини, соҳа Э.ларини, кўптилли луғатлар ва маълумотларни чоп этиш кенг миқёсда ва тартибрежа асосида мунтазам олиб бориш истиқболини очди. Ўзбек миллий Э.сининг 12 жилдли нашри амалга оширилмоқда. Давримизнинг илғор мамлакатларидаги энциклопедик иш амалиёти шуни кўрсатадики, уларда энциклопедик луғатлар ва умуман маълумотлар чоп этиш айланма (конвейер) санoaти йўлга қўйилган бўлиб, турли энциклопедик луғатлар, маълумотномаларда ҳаётдаги илмий, техникавий, луғавий ва бошқа ўзгаришларни инobatга олиб, тезкор акс эттириш имкониятини беради. Бундан ташқари, ўтмишдаги кўп жилдли Э. луғатидан фойдаланиш, уни ўзи б-н олиб юриш, ундан турли соҳа бўйича маълумотлар олиш ва айни вақтда шу тилдаги ҳар бир сўзнинг маъноси, тарихи, талаффузи ҳақида қисқа, лекин етарли маълумот олиш, турли халқаро иборалар, қисқартмалар, ўлчов бирликлари ҳақида саволларга ҳам жавоб олиш имконини беради. Замоनावий Э. луғатлари тайёрлаш ва чоп этишга кўчиш учун Ўзбекистон Э.чилари етарли тажрибага эгалар.

ЭПИКУР (мил.ав. 341, Самос — 270) — қадимги юнон мутафаккири, Демокрит илгари сурган атомистик таълимотни янада такомиллаштириб, уни юқори поғонага кўтариб, янги хулосалар б-н бойитган файласуф Э. 300дан ортиқроқ асарлар муаллифидир. Унинг бош асари 37 томдан иборат бўлган «Табиат ҳақида» китобидир. Бизгача, «Атомлар ва бўшлиқ ҳақида», «Мақсад ҳақида», «Қонун», «Худодлар ҳақида»ги асарларидан парчалар етиб келган. Э.нинг таълимотича, олам моддий, материя абадий ва чексиз. Атомлар бўлинмас, унинг бўлинмаслиги зичлигидандир. Олам жисм ва бўшлиқдан иборат. Барча жисмларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин. Атомлар

ҳаракатда бўлиб, юқорига, пастга оғиш йўналишида бўлади. Атомлар ўз оғирлигига эга бўлганлиги учун спонтан (ички сабабли) ҳаракатда бўлади ва ҳ.к. Э. жонни тана б-н биргаликда кўради. У жонни сезиш, ҳис қилиш қобилиятининг манбаи деб ҳисоблайди. Тана ўлиши б-н жон ҳам танани тарк этади, дейди у. Э.нинг ахлоқий таълимоти ўз замонасига нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Роҳат-фароғат, хурсандчилик инсон бахтининг аввали ва охиридир. Э.нинг ижтимоий қарашлари асосан унинг ижтимоий билим наз-ясига ва гедонистик таълимотига асосланган.

ЭПИКУРИЗМ — Эпикур асосчиси номи б-н боғлиқ бўлган қад. Юнон ва Рим фалсафасидаги оқим. Бу йўналиш антик фал. тарихида энг изчил мактаблардан бири бўлиб, қад. Римда кенг нуфузга эга бўлган. Э.нинг биринчи вакили Римда мил. ав. II а.да яшаган ва латин тилида ёзган Кай Амафингий ҳисобланади. Мил. ав. I а. биринчи ярмида Э. Италияда кенг тарқалади. Ўша пайтда Неапол атрофида Эпикур мактаби мавжуд эди. Бу мактабни Сирон ва Филодемлар бошқарар эдилар. Филодем Геркуландан бўлиб, Сидонлик Зеноннинг шогирди эди. У Афинадаги эпикур мактабини Аполлодордан кейин бошқарган. Римлик Э.нинг бошқа вакилларида бизгача сурялик Марк Помпилий Андроникни ҳамда Эпикурнинг ахлоқий қарашлари ва натурфал.сини ўзининг тўрт китобида давом эттирган Кай Катий номлари етиб келган. Мил. ав. I а.нинг 60 й.ларида Э.нинг вакили Лукреций Кар ўзининг «Нарсаларнинг табиати ҳақида» деган асари б-н шуҳрат қозонади. Лукреций Кар б-н бир вақтда Э.нинг бошқа вакиллари Цезарнинг таникли танқидчиси Кай Кассий Красс, К.Мемий Гежелл, Р.Веллий ва б. яшаб ижод этдилар. Цицероннинг дўсти Луций Манлий Торкват ва Тит Помпоний Атиклар Э. гоёларига яқин турган кишилар эди. Рим империяси даврида ҳам Э. ўзини сақлаб қолди. Домициан томонидан ёпиб қўйилган фал-ий мактаблар қаторида Э. ҳам бор эди. Кейинчалик Марк Аврелий томонидан тикланган тўртта фал-ий мактаблар қаторида эпикур мактаби мил. IV а.гача яшади. Э.ни Рим жамиятининг юқори қатламларида кенг ёйилиши Эпикур таълимотини бузиб тарғиб этиш б-н боғланган эди. Эпикурни атараксия тўғрисидаги гоёсини шахсий манфаатпарастлик нуқтаи-назаридан фойдаландилар. XVII а.да Э. аъъанаси Францияда Пьер Рассенди томонидан қайта тикланди.

ЭПИХЕЙРЕМА — мураккаб қисқартирилган силлогизм бўлиб, унинг ҳар икки асоси қисқартирилган оддий силлогизм (энтимема) лардан иборат бўлади. Э.нинг схемаси қуйидагича: М-Рдир, чунки М-Ндир. S-Мдир, чунки S-О дир. S-Рдир. Мисол:

илмий қонунлар исботланган фикрлардир, чунки улар ҳақиқатдир. Физика қонунлари илмий қонунлардир, чунки улар табиат қонунларидир. Физика қонунлари исботланган фикрлардир.

Э.нинг тўлиқ кўриниши қуйидагича:

1) Ҳақиқат — исботланган фикрдир. N — Рдир. Илмий қонунлар ҳақиқатдир. M — Ндир. Илмий қонунлар исботланган фикрлардир. M — Рдир. 2) Табиат қонунлари-илмий қонунлардир. O — Мдир. Физика қонунлари-табиат қонунларидир. S — Одир. Физика қонунлари илмий қонунлардир. S — Мдир. 3) Илмий қонунлар-исботланган фикрлардир. M — Рдир. Физика қонунлари-илмий қонунлардир. S — Мдир. Физика қонунлари исботланган фикрлардир. S — Рдир. Э.дан баҳс ва мунозараларда, нотиклик санъатида фойдаланилади. Э. мураккаб силлогизмнинг бир тури бўлишига қарамай, унинг таркибидаги катта ва кичик асосни, хулосани ажратиб олиш, фарқлаш осон бўлгани учун ҳам, фикр юритиш жараёнида кенг қўлланилади.

ЭРАЗМ роттердамлик (Erasmus Roterodamus, Desiderius) (1469.28.10, Роттердам — 1536.12.7, Базель) — Уйғониш давридаги инсонпарвар олим, ёзувчи. Э. Р. дунёқарашининг асосида илк христианлик ғояларини қайта тиклаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дастлабки асосларга қайтишдир. Э.Р. ҳамма нарсаларни муқаддас ёзувларни ўрганиш ва талқин қилишга олиб бориб тақаб, ақидапарастлик баҳсларидан халос бўлишга ҳаракат қилади. Гуманистик фал. методларини қўллаш Э.Р.га 1517 й.да «Янги Аҳд»ни кенг шарҳлар б-н лотин тилида нашр қилишга имкон берди. Бу Реформация йўлида бир қадам бўлди, «Янги Аҳд»ни илмий таҳлил қилиш асосларини яратди. У католик черкови камчиликларини танқид қилишни умри охиригача давом эттирди. Унинг асосий асари «Овсар хоним мактови» 1509 й.да ёзилган. 1511 й.да илк бор Парижда чоп этилган бу асар муаллифнинг инсон мавжудлиги барча масалалари бўйича қуйидаги икки тезисга асосланган қарашлари йиғиндиси: борлиқнинг барча ҳодисалари иккиланиш ва ихтиёр экссесс, ақлий кўринишнинг салбийлигидир. Э. Р.нинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари ҳаддан ташқари ахлоқий бўёқлар б-н берилган. Умуман, Э.Р. сиёсий қарашларида кучли, лекин маърифий, инсонпарвар монархия тарафдоридир. Бироқ, у ўзини-ўзи бошқарувчи шаҳар жамоасига ҳам қизиқиш б-н қараган. Э. Р. ўзининг педагогик қарашларида ўрта а. таълим ва тарбия тизимининг камчилик томонларини қоралаган. Унинг фал-ий қарашларини баҳолашда «Христиан жангчиси» номли рисола ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу асар унинг дунёқарашини тўла шаклландирганини кўрсатади. Э.Р. қарашлари

ўзидан кейинги илоҳиётчилар у-н муайян аҳамиятга молик манба бўлди.

ЭРИКСОН (Erikson) ЭРИК (1902-1994) — америкалик психолог, социолог, ва психоаналитик, Гарвард университетининг профессори (1960). Болалик ва ёшлик й.ларини Германияда ўтказган. Рассомликка иштиёқи баланд бўлган. Худди шунинг учун ҳам Венадаги А.Фрейд болалар мактабида рассомликдан дарс берган. Э.Э. З.Фрейд ва А. Фрейдларнинг ғоявий қарашлари таъсирида биринчилардан бўлиб, болалар профессионал психоаналитики ва эгопсихологиянинг таниқли намояндаси бўлиб етишган. 1933 й.да Венада ташкил этилган психоаналитиклар жамиятининг махсус дипломини олишга мурассар бўлган. Ўша йили Э.Э. АҚШга эмиграция қилган. Гарвард университети ҳузуридаги Психология ин-ти.да ишлаган ва болалар ўйинларини таҳлил қилиш б-н шуғулланган. 1937 й.да Йельск университетида ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида сув остида ишловчи кишилар психологиясини ўрганган ва Пентагоннинг турли буюртмаларини бажарган. Немис ёшлари психологиясида Гитлер образини акс этиш жараёнига бағишланган бир қатор танқидий мақолалар чоп эттирган. Урушдан сўнг психология, хусусан бола ва ўсмир ёшининг психотерапияси муаммолари б-н шуғулланган. Э.Э.нинг психоаналитик ғоялари «Болалалик ва жамият» (1950), «Ёш Дютер» (1958), «Ганди ҳақиқати» (1969) асарларида баён қилинган. Э.Э. классик психоанализнинг баъзи қоидаларини қайта кўриб чиқди ва шахснинг психосоциал концепциясини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшди. Унинг тушунтиришича, индивиднинг шахс даражасига кўтарилиши инсон умрининг дастлабки й.лари б-н чегараланиб қолмайди, балки босиб ўтган бутун ҳаёт йўлини қамраб олади. Ана шу йўлни Э.Э. саккизта босқичга бўлади. Э.Э. Зигмунд Фрейд асос солган психоанализ методини индивиднинг шахс даражасига кўтарилиши жараёнига татбиқ этади. Чунончи, инсон умрининг дастлабки бир йили — индивиднинг шахс даражасига кўтарилишининг биринчи босқичидир, деб ҳисоблайди. Ана шу даврини у «Орал фаза» деб атайди. Унинг фикрига кўра, худди шу даврда индивидда ижтимоий алоқадорликнинг дастлабки даври пайдо бўла бошлайди. Ана шу алоқаларнинг ижобий кутбида ишонувчанлик, салбий кутбида эса ишонмаслик вужудга келади. Ишонувчанликнинг ҳосил бўлиши атроф-муҳитга ва айниқса катталарнинг таъсирига боғлиқ бўлса, ишончсизлик атрофдагиларга нисбатан қўрқув, шубҳа, гумон оқибатида ҳосил бўлади. Инсон шахси шаклланиши жараёнининг иккинчи босқичи биринчи босқичидан бир томондан, турли юмушларни мустақил бажаришга

интилиш, яъни бир томондан журъатлилиқ, иккинчи томондан эса, журъатсизлиқ ҳосил бўлиши б-н фарқ қилади. Э.Э.нинг тушунтиришича, шахс шаклланиши жараёнининг учинчи босқичи — инсон умрининг тўрт ёшдан беш ёшгача бўлган даврини ўзида мужассамлаштиради, бу даврда бола ҳаракатларининг бир қутбида уддабурунлик, иккинчи қутбида эса ўз айбларини тан олиш, ўзини гуноҳкор деб ҳис қилиш туйғулари тўплана бошлайди. Тўртинчи босқич — инсон умрининг олти ёшдан ўн бир ёшгача бўлган, яъни бошланғич мактабда ўқиб юрган йилларини ўзида мужассамлаштиради. Бу даврда болаларнинг турли дедукцияга интилиши, турли регламентли ўйинларга бўлган қизиқишлари ортиб боради. Болаларнинг феъл-атворидаги психосоциал аломатларидан бири: бир томонда палапартишлиқ бўлса, иккинчи томондан моҳирликдир. Бешинчи босқич — инсон умрининг 12-18 ёшлари даврини қамраб олади. Инсон боласининг бу босқичидаги характерли психосоциал хусусияти, ота-онага нисбатан «муҳаббат» ва «рашк» туйғусининг ортиб бориши б-н характерланади. Чунончи, бола бу даврда физиологик ва жисмоний томондан камолотга етади. Натижада, унда аввалги босқичларда мавжуд бўлмаган янги ҳис-туйғулар, истаклар ҳосил бўлади. Ҳаётга нисбатан ўзининг муносабати, дунёқарашини ярата бошлайди. Худди шунинг учун ҳам бу даврнинг характерли хусусиятларидан яна бири ёш киши шахсини атроф-муҳитга нисбатан мулоҳазалари ижобий қутбининг психологик индентификациясини тебраниб туришидир, яъни беқарор бўлишидир. Агар ёш кишининг психосоциал индентификацияси бундай вазифани муваффақиятли бажарса, ана ўшанда инсонда ўзининг кимлиги, ҳаётдаги ўрнини босаётган йўли ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Ўсмирлик й.ларида ўзи ҳақида, ўзининг шахси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаган киши умрининг охиригача ўзи ҳақида тиниқ тасаввурга эга бўлмайди. Э.Э.нинг таъкидлашича, ҳаётнинг турли қирралари ўзгариб туради, яъни бир ҳолат ўрнига бошқа ҳолат вужудга келади. Худди шунинг учун инсоннинг шахс бўлиб шаклланиши жараёнининг бир босқичида бартараф этилган муаммолар ўрнини бошқа бир босқичида янги муаммолар эгаллашига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бошқача айтганда, инсон шахсининг шаклланиши жараёнининг бир босқичида муаммоларни бартараф этиш б-н бошқа босқичидаги янги муаммолар пайдо бўлаверади. Шахс шаклланиши жараёнининг олтинчи босқичини Э. Э. етукликнинг бошланиш даври деб атади. Бу давр оилавий турмушнинг, инсоннинг ўзини-ўзи парварши қилишнинг бошланиши ёхуд ёшлиқнинг охири ва ўрта ёшнинг бошланиши давридир. Бу давр учун ижобий характерли хусусият

яқинлашиш бўлса, салбий характерли хусусият — ёлғизликдир. Шахс шаклланиши жараёнининг еттинчи босқичини Э.Э. етуклик даври, деб атади. Ушбу босқични характерловчи энг муҳим хусусият — умминсонийликдир. Бошқача айтганимизда, шахс тараққиётининг ушбу босқичини характерловчи психосоциал тавсифининг бир қутбида умминсонийлик бўлса, иккинчи қутбида эса ўзига-ўзи сингиб кетиш хусусияти вужудга келади. Э.Э.нинг таъкидлашича, инсон шахсининг охириги саккизинчи босқичи — киши умрининг охириги й.лари бўлиб, унинг ҳаётда қиладиган ишлар тугайди. Инсон босиб ўтган ҳаёт йўлига яқун ясайди. Насли-насаби, набиралари ҳақида қайғуради. Бу босқични ўзига хос психосоциал хусусияти — босиб ўтилган ҳаёт йўлига яхлит баҳо бериш б-н характерланади. Ўз ҳаёт йўлидаги яхлитлик б-н нажотсизлик ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таҳлил қилади. Шундай қилиб, Э.Э. шахсининг шаклланиши жараёнига психоанализ методини қўллаб, ўша жараён босқичларини аниқлади. Ушбу босқичларнинг ўзига хос психосоциал хусусиятларини кўрсатиб ўтди. Психосоциал хусусиятларни инсон ҳис-туйғуларига, фикр-мулоҳазаларига бўлган таъсири, ўша таъсир асосида вужудга келган асосий тенденцияларни кўрсатиб берди. Э.Э. «Уйқашлик диффузияси» ва «Психик моратория» концепцияларини ҳам ишлаб чиқди. Оммавий «Уйқашлик полологияси» синдромларини бартараф этишга қаратилган, янги психотерапевтик метод яратди. Жамият тараққиётида психик ва шахс омилларининг аҳамияти беқиёс эканлигини тушунтириб беради. Ижтимоий ларзалар (уруш, революция ва ҳ.к.) б-н оммавий невроз орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини ҳар томонлама таҳлил қилди. «Тарихий долзарблиқ» ҳақидаги ғояни илгари сурди. Психотарих муаммоларини тушунтиришга алоҳида эътибор берди. «Оламга травматик нигоҳ» б-н қараш муаммоларини ўрганди. Шунингдек, ижтимоий этика, этнология, турли оммавий ҳаракатлар муаммоларини атрофлича таҳлил қилди. Ҳоз. замон ижтимоий ва гуманитар фанлар тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди.

ЭРИСТИКА (юн. *eristikos*-мунозара қилувчи) — мунозара қилиш санъати. Бу санъат қадимги грек софистлари орасида равақ топган эди. Э. мунозара йўли б-н ҳақиқатни топиш воситаси сифатида пайдо бўлди; кўп ўтмай диалектика ва софистикага бўлиниб кетди. Диалектикани Суқрот ўз методида ривожлантирди. Софистика эса, мунозарада муҳолиф устидан фақат ғалаба қилишга интилиб, Э.ни шундай усуллар йиғиндисидан иборат қилиб қўйдики, бу усуллар ёрдами б-н ҳар қандай фикрни баб-бараварига исбот қилиш ҳам, рад қилиш ҳам мум-

кин эди. Шу сабабли, Аристотелнинг ўзи ҳам Э.б-н софистикани фарқ қилолмай қолган эди.

ЭРКИНЛИК — этика, эстетика, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби ижтимоий гуманитар билим соҳаларида кенг ишлатиладиган фал-ий тушунча. Унинг луғавий маъноси кишининг ўз истаги бўйича иш тутишидир. Э.ни жамиятнинг турли соҳалари б-н боғлаб аниқ тушунчалар ҳосил этилади. Мас.: виждон Э.и, фуқаролар Э.и, ирода Э.и, фикр Э.и, сўз Э.и, матбуот Э.и ва ҳ.к. Э. — бош-бошдоқлик учун эмас, балки жамиятда муайян ижтимоий тартиб учун масъулият-ижтимоий макондир. Бурч — инсоннинг жамият олдидаги вазифаси. Мана шу вазифани бажаришни эркин, ихтиёрий танлаш, иродага эга бўлиш, бажариш учун эркин муҳитга эга бўлиш инсоннинг маънавий-ахлоқий жиҳатидир. Э. — инсон истаги, жамият учун аҳамиятли ишни бошқа кишилар ҳам қила олишини тақозо этишдир, талаб қилишидир. Э. — инсонни сиёсий, маънавий зўриқтирдан, зўравонликдан ҳимоя қилишидир. Э. — ўз бахтини ўзи яратиш воситасидир. Э. — жамият ва б. маърифатли кишилар б-н инсоннинг мулоқотга киришга ҳаққидир. Э. — жамият томонидан инсонни очликдан ва қашшоқликдан, кўрқувдан, жаҳолатдан яққаланиб қолишдан ҳимоя қилишининг кафолатланишидир. Э. — инсоннинг ўзлигини англаш даражаси. Инсон ўз моҳиятини, вазифасини, алоҳида ўрнини тўлдириб борса, идеал даражада эркин бўлиб қолади. Санъат, ижод ва фикр йўқ мамлакатда маънавият бўлмайдди. Аммо, мақсадсиз эрк кўр кўздек нарса. Инсон руҳи, онги, бойлик, мартаба васвасаси б-н занжирланган экан, унинг фикри эркин бўлолмайди. Ана шу занжир озод бўлиши ёки занжирбандлигини англаш масъулиятдан қочиш б-н банд бўлар экан, инсон ўзининг эркини чеклайди.

ЭСТЕТИКА (юн. *aisthetikos* — ҳиссий идрок, сезги) — 1) воқеликни ҳиссий-таъсирчан, эмоционал ўзлаштириш; 2) эстетик фаолият қонуниятлари тўғрисидаги фан. Э.га оид дастлабки таълимотлар бундан 2–3 минг йил муқаддам қад. Миср, Ҳиндистон, Хитойда вужудга келиб, Қад. Юнонистонда Платон, Аристотель, римлик Лукреций, Гораций сингари мутафаккирларнинг асарларида ҳар томонлама ривожланди. Ўрта асрларда Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда ҳам ўзига хос эстетик ғоялар вужудга келди. Низомий, Саъдий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Беҳзод каби санъаткорлар ижодига гўзаллик ва эзгуликнинг уйғунлигини тараннум этувчи эстетик тасаввурлар таркиб топди. Шунингдек, тасаввуфна қарашлар кенг ёйилди. Ўрта асрлар Европасида «илоҳий гўзаллик» (Аврелий Августин, Фома Ак-

винский) ҳақидаги тасаввурлар кенг ёйилди. Уйғониш даври арбоблари (Леонардо да Винчи, Л.Альберти, М.Монтень, В.Шекспир, М.Сервантес) табиат б-н жамият моҳиятан гўзалдир, санъаткор эса, табиат ва инсоннинг гўзаллигини қуйлаши керак, деган эстетик тамойилни қўллаб-қувватладилар. Немис мутафаккирларидан Лессинг, Гердер, шунингдек, Гёте, Шиллер санъатда ҳаққонийлик ғоясини илгари сурдилар; Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель каби донишмандлар эстетик тафаккур тараққиётига самарали ҳисса қўшдилар. Чунончи, Гегель Э. предмети нафис санъатдаги гўзалликдан иборатдир, деган ғояни илгари сурди. 18-а. ўрталарида немис маърифатпарвари Александр Готлиб Баумгартен (1714–62) «Поэтик асарга доир баъзи масалалар хусусида фал-ий мулоҳазалар» (1735) асарида Э.ни алоҳида фан деб ҳисоблади ва унинг санъатда ёрқин намоён бўлишини кўрсатди. Шўро даврида коммунистик мафкуранинг ҳукмронлиги оқибатида эстетик фикрлар соҳасида ноилмий концепциялар вужудга келди (дунёқараш масаласида материалистик қарашнинг яқка ҳукмронлиги; эстетик ҳодиса ҳисобланмиш санъатда партиявийлик, синфийлик тамойили; эстетик меросга синфий ёндашиш ва ҳ.к.). Тафаккур тарихини чуқур ўрганиш Э.ни фан сифатида эътироф этиш имконини берди. Э. фан сифатида эстетик тафаккур тарихи, Э.нинг назарий-методологик муаммолари ва эстетик тарбия масалаларини ўз ичига олади. Э. фал., миллий истиқлол ғояси, социология, санъатшунослик, психология, педагогика каби фанлар б-н узвий боғланган, айни вақтда, уларнинг умумэстетик маданиятни шакллантиришдаги функцияларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида умумэстетик эҳтиёжларнинг ортиши, уларни қондиришга қаратилган фаолиятнинг чуқурлашиб бориши, қомил инсонни тарбиялаш вазифаларининг чуқурлашуви, шунингдек, ижтимоий ҳаётда миллий санъатимиз ролининг ортиб бориши жараёнида Э.ни ўрганиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти янада кучайди.

ЭСТЕТИК ДИД — воқеа-ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнида олинadиган қониқиш ёки қониқмаслик туйғуси. Э.д. инсоннинг фикр-мулоҳазаларида, хулқ-атворларида, хатти-ҳаракатларида, моддий ва маънавий ижоди маҳсулотларида ўз ифодасини топади. Э.д. заминда гўзалликни хунуқликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш ҳамда лаззатланиш қобилияти ётади. Э.д. одамларнинг дунёқарашидан, айниқса, эстетик қарашларидан ажралмаган ҳолда амал қиладди. Эстетик билимлар ва қарашлар дидда ифодаланиши учун улар шахснинг ички дунёсига, идрок

қилиш жараёнининг ўзига сингиб кетиши, шахснинг мустақкам эътиқодига айланиши лозим. Э.д. ўзида бевосита ва билвосита, ҳиссий ва ақлий, якка одам ва жамият Э.д. қарама-қаршиликлари бирлигини мужассамлаштиради. Э.д.нинг зиддиятли табиати ҳақида дастлаб Кант муносабат билдирган эди. Кант назарида дид якка одамга хос бўлган инсоннинг туғма қобилиятидир. Дид шу қадар якка тартибда ифода топадики, уни ҳеч қандай далиллар б-н инкор этиб бўлмайди. Дид мулоҳазаси ниҳоятда шахсий табиатга моликдир. Шу боисдан ҳам «дид тўғрисида баҳслашмайдилар». Лаззатланиш объекти бўлган ҳиссийлик нафосат барча учун баробар даражада аҳамиятлидир, у фақат мазкур шахснинг ўзигагина эмас, балки ҳаммага ёқади. Инсон ўзига ёққан нарсаларни б.га ҳам ёқади деб ўйлайди. Демак, дидлар учун умумий ҳисобланадиган томонлари ҳам бор. Шу сабабли дид тўғрисида баҳслашиш асослидир. Кант иккала мулоҳазани антиномия сифатида таърифлайди. Инсон амалиётининг бой ва хилма-хиллиги маънавий муносабатларнинг ҳам бой ва хилма-хил бўлишига олиб келади, дид эса, уларнинг энг муҳим намоён бўладиган туйғуларидандир. Конкрет шахснинг диди унинг бетакрор ҳаётий тажрибаси заминида шаклланади. Табиийки, алоҳида тарбия шароитлари, ҳаётий тажриба, табиати ва эҳтироси таъсири остида у ёки бу эстетик қадриятлар-табиат ҳодисалари, инсон моддий фаолияти маҳсулотлари, бадиий қийматларга кўпроқ мойиллик вужудга келади. Эстетик онг б-н бадиий онгни тенглаштириб бўлмаганидек, Э. д. б-н бадиий дидни ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Э.д. бадиий дид б-н боғлиқ бўлиб, кўп жиҳатдан унинг устига қурилади, лекин у б-н қўшилиб кетмайди. Бадиий ва Э.д. ўртасидаги тафовут уларнинг турлича идрок этиш объектларига эга бўлиши б-н боғлиқдир. Э.д. ва бадиий дид ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш б-н бирга, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик лозим. Бадиий дид ҳамма вақт Э.д.га асосланади, ундан келиб чиқади.

ЭСТЕТИК ЛАЗЗАТЛАНИШ — олам, воқеа-ҳодисаларга эстетик ёндашув, эстетик муносабат асосида завқ олиш. Э.л. ҳиссий ёқимли нарсалар, воқеа ва ҳодисалар б-н боғланган бўлади, лекин шунинг ўзи б-н чекланмайди. Э.л. ҳиссий қониқишсиз рўёбга чиқмайди, ҳиссий қониқиш бағишлайдиган ҳамма нарсалар ҳам айни вақтда эстетик аҳамиятли, гўзал бўлавермайди. Тафаккурсиз, объект ҳақидаги тушунчасиз, унинг мақсадга мувофиқлигини англамасдан туриб ҳам нафосатли лаззатланиш бўлиши мумкин эмас. Э. л. ўз табиати жиҳатидан зиддиятли содир бўлади. У ҳис-туйғуларни ҳам, ақлий фаолиятни ҳам, инсоннинг чуқур ижтимоий қобилияти инъикоси

бўлган беғаразликни ҳам қамраб олади. Э.л. аслида жамият манфаатлари учун юксак даражада фойдалидир. Уни инсон ижодий кучларининг эркин намоён бўлиши жараёни б-н боғлаш ўринлидир. Э.л. инсон фаолиятининг моддий ишлаб чиқариш, инженерлик қурилмалари яратиш (конструкторлик), илмий изланиш, мураббийлик, бадиий ижод каби барча соҳалардаги эркин ижодни рағбатлантириб туради.

ЭСТЕТИКЛИК (юн. *aisthe tikos* — ҳис қиламан) — ҳоз. замон эстетика фанининг марказий фундаментал тушунчаси (метакатегория) бўлиб, воқелик ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида мавжуд бўлган, хилма-хил эстетик ҳодисаларга хос умумий, зарурий ички, барқарор алоқа ва боғланишларни ифодалайди. Э. тушунчаси фанга 20-а.нинг 60-й.ларида кириб келди. Аммо, жуда қадим замонлардан бошлаб Э. тушунчаси ўрнида гўзаллик тушунчаси ишлатилиб келинган, бу ҳақида бир қанча концепциялар илгари сурилган. Мас., мифологияга биноан, гўзаллик ва б. эстетик ҳодисалар бугун олам, коинотга хос хусусиятдир. Диний таълимот оламини, ундаги барча ҳодисаларни, жумладан гўзалликни ҳам Худо яратган, у илоҳий кучнинг маҳсули сифатида намоён бўлади, деган фикрни илгари суради. Объектив идеалистик концепция (Сукрот, Платон, Августин, Ф.Аквинский, Гегель неотомизм ва б.) Э.нинг объектив хусусияти ва асосларини тан олади, аммо уларни бу оламдан, макон ва замондан, инсон онгидан ташқарида мутлақ, абадий мавжуд бўлган қандайдир гоё, руҳ ёки илоҳий куч, Худонинг шарпаси, маҳсули деб тушутиради. 18-19 а.ларда шаклланган ва 20 а.да қарор топган субъектив идеалистик концепция (Д.Юнг, И.Кант, И.Фихте, А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, позитивизм, интуитивизм, фрейдизм, экзистенциализм ва б.) Э.даги субъектив томонни эстетик онг, тушунчалар, ҳис-туйғулар аҳамияти ва ранг-баранглигини ҳисобга олиб маҳсус ўрганиш соҳасида жиддий ютуқларга эришди. Фал-ий эстетик фикр тарихида объектив ва субъектив идеалистик концепцияларнинг бирёқламаликларини сезиб, уларни тузатишга уриниш натижасида дуалистик концепция вужудга келди. Бу концепция вакиллари (Э.Мейман, Б.Кроче, Н.Гартман ва б.) Э.нинг моҳиятини асосли тушуштириш учун ундаги объектив ва субъектив томонларни бирлаштириш лозимдир, деб ҳисоблайдилар. Эстетикадаги материалистик наз-ялар тарафдорлари (Гераклит, Демокрит, Аристотель, Лукреций Кар, Л.Б.Альберти, Леонардо да Винчи, А.Дюрер, Э.Бёрк, Д.Дидро, Г.Э.Лессинг, И.Гердер ва б.)нинг умумий хизматлари шундаки, улар Э.ни реал борлиқ буюмлари, ҳодисаларининг объектив хоссалари, хусуси-

ятлари, қонуниятлари б-н узвий боғлаб тушунтирилганлар.

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ — эстетик қадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усулларининг мажмуи. Э.м. табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнилари натижаларини, меҳнат фаолиятида, турмушда, ижтимоий муносабатлардаги эстетик ҳолатларни; санъатнинг ижтимоий борлигини; жамият аъзоларининг эстетик қарашлари, дидлари ва манфаатлари кўламини; эстетик тарбия наз-яси ва амалиётини; кишилар ижтимоий эстетик фаолиятлари намён бўлишининг ранг-баранг шаклларини ифода этади.

ЭСТЕТИК МУНОСАБАТ — фалсафий тушунча маъносида Э.м. субъект б-н объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсирнинг махсус туридир. Нафосатли объект нима? Аслини олганда нафосатли бўлмаган нарсаларнинг ўзи йўқ. Муайян шарт-шароитда ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодиса нафосатли табиатга эга бўлиб Э.м. ва нафосатли баҳо объектга айланиши мумкин. Лекин улар маълум талабларга жавоб беришлари керак: биринчидан, аниқ ҳис-туйғу, сезги-идрок қобиляти ва имкониятига эга бўлиши, иккинчидан у ёки бу воқеа-ҳодиса инсоний алоқалар ва муносабатларга киришиб, ижтимоий аҳамият касб этиши керак. Шундагина муайян воқеа-ҳодиса Э.м. объектига айланади, яъни у ўз қадрини топади, баҳолаш эса воқеа-ҳодисаларнинг қадрини ёки ижтимоий аҳамиятини англашнинг махсус шаклидир. Инсоннинг воқеликка нафосатли муносабати аслида воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни нафосатли кадрлаш усулидир. Шундай қилиб, нафосатли объект одамларнинг нафосатли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишларида ўз ифодасини топади. Нафосатли объектнинг зарур томони Э.м. субъектидир. Э.м. субъекти ўз таркибида жамиятнинг зарур бўлақларини бириктирган, турли соҳаларда моддий-маънавий фаолият олиб борадиган ижтимоий гуруҳлар ҳамда айрим шахслардан иборат жуда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Э.м.да ҳис-ҳаяжонлар махсус ўрин эгаллайди. Ҳис-ҳаяжон Э.м.нинг барча поғоналарида амал қилиб, лаззатланиш, ҳаяжон ҳолати б-н яқунланади. Нафосатли муносабат ҳаяжонлар б-н бирга ўз ичига аҳдди жиҳатларни ҳам қамраб олади.

ЭСТЕТИК ОНГ — оламни эстетик англаш, дунёга инсон муносабатининг субъектив томони. У ижтимоий онг шаклларида бири сифатида ахлоқий онг, сиёсий онг, ҳуқуқий онг, диний онг, фал-ий онг каби ижтимоий ҳодисалар б-н бир қаторда туради.

Э. о. маънавий-руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, фикр, орзу-қараш, наз-я тизимини англатади. Э. о. ахлоқий онг б-н баробар тарзда, ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида олдинроқ вужудга келган. Дастлабки пайтларда эстетик ҳис-туйғу, кечинмалар одамларнинг бевосита моддий ва маънавий фаолиятига чирмашиб кетган бўлиб, табиатни ижтимоий тараққиётнинг бу палласида, эстетик ҳис-туйғу, кечинмалар, мулоҳазалар вужудга келиши ва ривожланиши моддий асослар б-н чамбарчас боғланиб кетганлигида яққол кўзга ташланади. Тарихий ривожланиш эстетик ҳис-туйғулар шаклланишига, уларнинг амал қилиш суратларига эстетик қарашлар ва ғоялар мазмунига кучли таъсир ўтказиб борган. Шунингдек, Э. о. ривожига санъат таъсир кучининг тобора ортиб боришини ҳам таъкидлаш керак. Э. о. ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатида эстетик фаолият б-н узвий боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият жараёнида шаклланади ва қарор топади. Э.о. бадиий онг б-н ҳам чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, айнан бир маънони англатмайди. Э.о. воқеликни бутун бирлигича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадиий онг воқеликнинг ёрдамида санъатни яратиш ва идрок этиши натижасидир. Бадиий онг бадиий асарлар тизимида ифодаланса, Э. о.нинг акс этиш кўлами анча кендир; у одамларнинг меҳнат фаолиятида, унинг натижаларида, моддий ва маънавий қадриятларида ўз ифодасини топади.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ — кишиларда эстетик ҳис, эстетик онг ва муносабатни шакллантиришга қаратилган тарбиянинг алоҳида шакли. Жамиятда тенглик ва ижтимоий адолат принциплари қарор топиб боргани сари Э.т.га бўлган эътибор ортиб бораверади. Моддий-иқтисодий ва умуммаданий имкониятларнинг кенгай бориши, қашшоқлик ва саводсизликнинг тутатилишида Э.т. жуда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио, кино, айниқса, ойнаи жаҳон кабиларнинг кенг амал қилиши натижасида бадиий ахборот ҳажмининг ҳам кескин ортиб кетиши Э.т. аҳамиятининг тез суръатларда кўтарилишига олиб келмоқда.

ЭСТЕТИК ҲИС-ТУЙҒУЛАР — оламни эстетик англаш асосида шаклланган ҳис-туйғулар; улар умуман инсон онгининг ажралмас томони бўлиб, нафосатли онг соҳасида махсус ўрин тутади. Улар эстетик онгнинг алоҳида қатламини, унинг пойдеворини ташкил қилади. Э.ҳ.т. эстетик онгнинг барча жабҳаларига сайқал беради ва бойитади. Руҳий ҳаётнинг бошқа бўлақлари сингари Э.ҳ.т. ҳам воқелик инъикосини англатади, лекин бу тарздаги инъи-

кос этиш алоҳида тусда қарор топади. Уларда билиш, кечинмалар, ўзаро чирмашиб кетган бўлади. Ҳис-туйғулар ҳамма вақт инсоннинг ўз эҳтиёжлари қондирилиши ёки қондирилмаслигига бўлган муносабати б-н боғлиқ ҳолда вужудга келадилар. Ўз моҳиятига кўра ижтимоий табиатли маънавий ҳосилани ташкил этган нафосатли ҳис-туйғулар маълум физиологик асосларга ва шарт-шароитларга ҳам эгадир. Улар биринчи ва иккинчи огоҳлантириш (сигнал) системаларининг амал қилиши б-н боғланган бўлиб, уларни физиологик ҳамда руҳий-физиологик жиҳатлардан ҳам ўрганиш имкониятини яратади. Э.ҳ.т. ўз шакли, ўзининг намоеън бўлиши ва амал қилиши жиҳатларидан субъектив табиатда молик бўлиб, инсон ички дунёсининг бир қисмини, субъектив воқеликнинг бир бўлагини ташкил этадилар. Лекин нафосатли ҳис-туйғуларнинг конкрет мазмуни бир мақсад томон йўналтирилган инсон фаолиятида ўз ифодасини топади. Энг мураккаб ва тургун эстетик ҳис-туйғулар қаторига гўзаллик, олижаноблик, фожеалилик ва кулгилик ҳислари киради. Бу қаторда марказий ўринни эстетик ҳис эгаллайди. Эстетик ҳис-туйғулар кечинмалардан ажралган ҳолда намоеън бўла олмайди, нафосатли ҳис-туйғунинг ўзи алоҳида кўринишдаги кечинмалар жараёни сифатида содир бўлади. Унинг ўзига хос белгиси субъект б-н объектнинг қўшилиб кетишида, намоеън бўлади. Эстетик кечинма энгиллик, ҳузурланиш, эстетик объектга нисбатан сирдошли-ишончли муносабатда бўлиш каби белгиларни ўз ичига олади. У субъектнинг алоҳида фаоллиги, хусусан, хаёл, тасаввур қила билиш кучи б-н белгиланади.

ЭСХАТОЛОГИЯ (юн. *eschatoa* — сўнгги, *logos* — таълимот) — инсон ва инсониятнинг охири тақдири, оламнинг охири ва қиёмат куни ҳақидаги диний таълимот. Э.нинг асосида табиатда яширин ҳолда мавжуд бўлган яхши ва ёмон кучлар, нариги дунёда гуноҳкорларнинг жазоланишию, яхши амаллар қилганларнинг мукофотланиши тўғрисидаги қарашлар ётади. Э. қарашлар жуда қадимий илдизларга эга. Зеро, у мифологик дунёқараш бағридаёқ шаклланган. Бугунги кунда ўзининг ривожланган шаклида у барча динларда мавжуд (Мас., христианликдаги Апокалипсис, исломдаги қиёмат куни тўғрисидаги қарашлар). Эсхатологик қарашларнинг ўзига хос кўриниши индивидуал Э.дир. Унда охириятда тўғри юрган, яхши ишларни қилган кишилар абадий ҳаёт учун, гуноҳкорлар эса, абадий ўлим учун қайта тирилиши масаласи марказий ўринни эгаллайди. Айрим христиан таълимотлари (адвентистлар, баптистлар ва б.)да индивидуал Э. бутун таълимотнинг ўзагини ташкил этади. Бундай эсхатологик тасаввурлар қаторига Исо пайғамбарнинг тири-

лиши ва унинг минг йиллик ҳукмронлик даврининг қарор топиши ва армагеддон, яъни Исо б-н шайтон ўртасидаги охири жанг тўғрисидаги қарашларни ҳам киритиш мумкин. Эсхатологик кайфиятлар одатда ижтимоий ва сиёсий кризислар авж олган даврда кенг тарқалади. Бугунги кунда эсхатологик қарашлар турли хил секталар томонидан фаол тарзда қўлланмоқда. Хусусан, глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган, турли хил ахборот оқимларининг интенсификацияси ва кишилар онига таъсири шиддатли тарзда ўсаётган ҳоз. даврда охирият кунини белгилаш масаласи б-н чиқаётган секталар ҳам борлигини таъкидлаш зарур. Улар аҳолининг диний билим даражаси пастигидан фойдаланиб, охириятнинг яқинлиги б-н қўрқитиш, асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар орасидан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай ҳолларда кўпгина одамларнинг бевақт ўлими содир бўлмоқда. 1999 й.да Африканинг Уганда давлатида «Охирият куни» сектаси бошлиқлари ўз кирдикорларини яшириш мақсадида Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ кишини тириклигини ёқиб юборган. Шундан сўнг тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 кишидан ортиқ бўлгани қайд қилинди. Охирият кунини башорат қилиш асосига қурилган бундай секталар бошқа давлатларда ҳам мавжуд. Хитойда 1992 й.да Лю Хунчжи деган кимса томонидан тузилган «Фалуьнгу» сектасини ҳам ана шу қаторга киритиш мумкин. Секта сардори фақат ўзининг заминни ҳалокатдан, кишиларни қийинчиликлардан қутқарувчи, жисмоний ва маънавий етукликка бошловчи, гуноҳлардан фориг қилишга қодир, деб ҳисоблайди. Жаннат фақат унинг тарафдорларигагина насиб қилармиш. Ушбу таълимот асосида ҳам одамларни охирият б-н қўрқитиш ётади. Бугунги кунда турли секталар инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотга эришишга, ўзлигини англашга бўлган интилишининг ўзига хос натижаси ўлароқ турли шакл шамойил касб этган эсхатологик қарашлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари ва шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланишга уринмоқдалар.

ЭТАТИЗМ — (*франц.* *etat*-давлат)-жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида давлат ролининг кучайишини кўрсатиш учун асосан ғарб адабиётида кенг қўлланилган термин. Бу тушунча давлатнинг мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётига фан аралашувини билдиради.

ЭТНОЦЕНТРИЗМ — ўз халқи хулқи, маданияти, урф-одатлари нормалари ва қадриятларини бошқа халқларга хос бўлган шундай хусусиятларни баҳолаш

учун асос қилиб олинишини ифодаловчи тушунча. Э. кундалик ҳаётда ва алоҳида олинган шахс даражасида «биз-бошқалар» тарзида қарама-қарши қўйишда кўринади. У турли омиллар, шу жумладан, миллий тил ва анъаналар руҳида тарбияланиш, миллий адабиёт ва санъат таъсирида ҳам шаклланиши мумкин. Ҳар бир миллат, элатнинг ўзи ноёб бўлганидек, уларнинг маданияти ва маънавияти ҳам ўзига хос ва бетакрор характерга эга бўлади. Шундай экан, бир қадриятлар тизими бошқа қадриятлар тизимини баҳолаш учун эталон, мезон сифатида олиниши мумкин эмас. Умуман олганда, Э. ўз моҳиятига кўра, миллийлик, миллий қадриятлар атрофида бирлашишга хизмат қилсада, бу бирлашув б. халқларга хос бўлган ўзига хосликларни инкор этиш асосига қурилганлиги учун ҳам уни қабул қилиш мумкин эмас.

ЭЪТИҚОД — (ишонч, иймон) — муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур. Илмий-фал-ий адабиётларда Э. тушунчаси турлича изоҳланмоқда. Билим Э.ни вужудга келиши учун энг муҳим асос вазифасини бажаради. Лекин, Э. ва билим бири иккинчисига уйқаш тушунчалар эмас. Турган гапки, билимларни чинлиги Э.ни мустаҳкам бўлишида, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аммо, Э.ни мустаҳкам бўлишида билим ягона асос деб бўлмайди. Инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни тажриба чиғриғидан ўтган, иккинчи марта қайта ҳосил бўлган билимларгина (ғоялар, наз-ялар) Э.ни мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Инсоният томонидан аллақачонлар яратилган билимлар инсоннинг ўзи учун, ўзининг эҳтиёжлари учун қайта кашф этилгандагина чинакам Э. даражасига кўтарилади. Билим Э.га айланиши учун бир неча босқичларни босиб ўтади. Чунончи, билим ўз тараққиётининг дастлабки босқичида англаш ҳолатини босиб ўтади. Англаб олинган билим, ўз тараққиётининг иккинчи босқичида тушуниш ҳолатига киради. Инсон, билимларни маъно ва моҳиятини тушуниб етгач унинг тўғрилиги (ёки нотўғрилиги) ишонч ҳосил қилади. Тажрибадан маълумки, фақат мустаҳкам Э.га айланган билим (ғоя, наз-я) инсон амалий фаолиятини такомиллаштиради. Инсон Э.ни нафақат турли ҳақиқатларни ўзида акс эттирган билимларга, балки ўша билимларга берган баҳосига, унга бўлган муносабатига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам билимни (ғояни, наз-яни) Э.га айланиш жараёнини таҳлил этганда, билим ижтимоий амалиётнинг натижаси, инсонни билиш борасидаги фаолиятнинг ҳосиласи эканлигини унутмаслик даркор. Э. ўзида қуйидаги уч ҳолатни босиб ўтади. а) билим, ғоя, наз-я, (яъни ақлий ҳолат); б) билимларга берилган баҳони, муносабатни (яъни баҳолаш ҳолати); в) ўзлаштирилган билимларни ўз хатти-ҳаракатига татбиқ этиш, ўша билимлар асо-

сида ўз хатти-ҳаракатини тартибга солиш (хоҳиширода б-н бошқариш ҳолати)дир.

Инсон дунёқарашининг асосий компоненти сифатида Э. билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради. Унинг билиш функциясининг асосида оламдаги турли ходисалар, воқеалар, жараёнлари содир бўлишига доир билимлар ётса, баҳолаш функцияси ўзлаштириб олинган билимларга таяниб, содир бўлаётган ўзгаришлар маъноси ва моҳиятини тушуниб олиш б-н боғлиқ бўлади. Бошқариш функцияси эса, инсонни ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига кўрсатаётган таъсири, уни аниқ мақсад томон йўналтира олиш қобилияти, малакаси б-н алоқадор бўлади. Э. инсон дунёқарашининг энг барқарор элементиدير. Инсоннинг ҳаётидаги позицияси, унинг турмуш тарзининг мазмуни худди шу компонентнинг мустаҳкамлигига, барқарорлигига боғлиқ. Чинакам билимга, турмуш синовларидан ўтган илмий ғояга, наз-яга асосланмаган Э. гайриилмий Э.дир.

ЭҲТИЁЖ — инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат. Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудотлардан туб даражада ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан тафовутга эга бўлиб, юзага келган Э.ларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади. Мавжудотлар (ҳайвонлар) Э.лари мақсадга мувофиқ равишда кечган бўлса, бу эса ўз навбатида уларни қуршаб олган яшаш муҳитига енгиллик б-н мослашувини таъминлайди. Лекин, инсонларнинг фаоллиги ва бу фаоллик манбаи ҳисобланмиш инсоний Э.лар тубдан бошқача манзарага эга бўлиб, биологик шартланганликдан ташқари, моддий ва маънавий кўринишлардан иборатдир. Инсон бир даврнинг ўзида ҳам индивидуаллик, ҳам ижтимоийликни акс эттирган бўлганлиги сабабли унинг Э.лари шахсий ва ижтимоий хусусиятга эгадир. Одатда, келиб чиқиш хусусиятларига биноан эҳтиёжлар табиий ва маданий турга ажратилади. Табиий Э.лар таркибига одамларнинг овқатланиши, ташналикни қондириш, жинсий мойиллик, ухлаш, ўзини иссиқ ва совуқдан асраш, мусаффо ҳавога интилиш, тана аъзоларига дам бериш кабилар киради. Маданий Э.лар объектига табиий эҳтиёжларни қондирувчи уй-рўзгор буюмлари, меҳнат фаолияти орқали б. кишилар б-н боғланиш воситалари, маданий алоқалар ўрнатиш усуллари, шахслараро муомага киришиш услублари, ижтимоий турмуш заруратига айланган нарсалар, ўқиш ва тажриба орттириш йўллари киради. Э.лар ўз хусусиятига кўра, моддий ва маънавий турларга ажратилади, уларни келтириб чиқарувчи механизмлар манбаи турлича эканлиги эътироф этилади.

ЭХТИМОЛЛИК — ҳақиқатга даъвогарлик қилувчи ва бунга етарли асоси бўлмаган илмий ҳаётий тушунча. Э. кўпгина фанлар, чунончи, математика, физика, иқтисодиёт, сиёсатшунослик фанларининг асосий тушунчаси ҳисобланади. Билиш наз-ясида Э. тушунчаси, ҳақиқатга интилувчи, лекин, уни том маънода етарли асосга эга бўлмаган категория сифатида ўрганилади. Э. ғоясининг замонавий фанда кенг қўлланишининг асосий сабабларидан бири — фаннинг мураккаб объектлар б-н иш қўраётганлиги ҳисобланади. Кейинги йилларда яратилган кўпгина наз-яларда Э. зарур тушунчалардан бири бўлиб қолганлиги, бошқача айтганда, Э. янги наз-яларда муҳим аҳамият касб этаётганлиги қайд этилмоқда. Шунингдек, Э. тушунчасининг фанда ишлатилиши ва унинг фал-ий таҳлили сабабият ва детерминизмнинг моҳиятини асослашда, Лаплас детерминизмини мутлақлаштирувчи қарашларга қарши курашда, индетерминизм — баъзи фикрларнинг асоссиз эканлигини асослашда ҳамда унинг қўлланиш чегараларини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Мумтоз физикада Э. бирор-бир масаланинг шартлари етарли аниқ бўлмаган ва ноаниқ параметрлар орқали, ўртача қиймат олиш зарур бўлган пайтдагина ишлатилган эди. «Замонавий физикада эса, — деб

таъкидлаган эди машҳур физик В.А.Фок, — Э. бутунлай бошқача маънога эга бўлиб, етарли шарт-шароитнинг йўқлигини эмас, балки, ташқи мавжуд шарт-шароитларда, объектив потенциал имкониятлар мавжудлигини ифодалайди». Умуман, замонавий физика, хусусан, физика, микроразрлар ҳаракат қонуниятларини ўрганувчи квант механикаси ва оддий зарралар физикаси ҳамда унда амал қилувчи назариялар, ўз табиатига кўра, статистик бўлиб, унда Э. тушунчаси асосий ўрин тутди. Ушбу тушунча негизида физикавий ғоя ва тушунчалар тизими ифодаланади ҳамда унга маъно ва мазмун бахш этади. Замонавий физиканинг мумтоз физикадан асосий фарқи шундаки, агар мумтоз физикада Э. тушунчаси иккинчи даражали деб қаралган бўлса, замонавий физикада эса Э. асосий тушунча сифатида қаралади. Э. фақат физикагина эмас, балки, бошқа фанларда ҳам асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Мас., кибернетиканинг, энтропия ва информация миқдори каби асосий тушунчалари Э. наз-яси асосида аниқланади. Э. усуллари автоматик бошқаришда, яъни автоматик бошқариш наз-ясида, тиббиёт, биология, генетика, социология, мантиқ ва бошқа қатор илм соҳаларида кенг фойдаланилмоқда.

Ю

ЮНЕСКО — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари б-н шуғулланувчи ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилоти. 1946 й. тузилган. Дунёнинг 170 ортиқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам Ю.га аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсади маориф ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, маданий ва илмий техникавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек, таълим масаласида турли чеклаш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, ҳамда миллий маданиятни ҳимоя қилиш ва б. Низомга мувофиқ ташкилотга аъзо давлатларда Ю. ишлари бўйича махсус миллий ҳайъат фаолият кўрсатади. Ю.нинг олий органи — унинг бош конференцияси ҳисобланади. Штаб-квартираси Париж шаҳрида жойлашган.

Юм (HUME) ДАВИД (1711—1776) — инглиз фай.-и. Ю. 49 та асар ёзган, «Жоннинг абадийлиги ҳақида», «Стоик», «Платоник», «Скептик» каби асарлари унга шуҳрат келтирган. Ю. агностик ва скептик таълимотни илгари сурган фай.-дир. Унинг асосий асари «Инсон билиши ҳақидаги тадқиқот» деб номланади. Ю. таълимотига кўра, билим ҳиссий қабулдан ташкил топган. У субстанция тушунчасини инкор этади, уни бамисоли сароб деб ҳисоблайди. Ю.

фал.сида материя бутунлай инкор қилинади. Ижтимоий-сиёсий қарашлари борасида Ю. француз маърифатпарварлари Руссо, Голбахларнинг фикрларига яқин хулосаларга келган. Ю. агностицизмни ўша замон нуқтаи назаридан тушуниш ва талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

ЮНГ Карл Густав (1875—1961) — швед психолог ва маданият фалсафаси бўйича мутахассис. З. Фрейднинг шогирди ва сафдошларидан бири. Ю. «Психология ҳақида» (1902), «Психология ва дин», (1940), «Психология ва алхимё» (1944), «Психология ва тарбия» (1946), «Онгсизликни қандай тушунмоқ керак?» (1962) каби асарлар муаллифи. Онг ва онгсизликка оид масалаларни талқин қилган. Ю. онгсизлик ва инсонга хос «Мен» ўртасидаги муносабатларни аниқлашга уринган. У XX аср ўрталарида намоен бўлган глобал муаммолар инсоният ҳаётига зомин бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шarti. Тинчлик — инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилдир.

Ўзбек халқи тинчликни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг шартини деб билади. Шунинг учун ҳам Яратгандан доимо тинчлик ва омонлик тилайди. Ислон Каримов тинчликнинг ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: Биз — Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, «Ассалому алайкум» дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънони англатади. «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Қуръони каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: «Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида «тинчлик» сўзи айтилуру».

Инсоният тарихига назар ташласак, бир-бирига қарама-қарши бўлган тинчлик ва уруш ғоялари ўзаро курашиб келганини кўрамиз. Ер юзиде яшовчи кишилардан «Сен она-Ватанингни хонавайрон қиладиган, авлодларинг ҳаётига зомин бўладиган, чексиз ғам-андуҳ келтирадиган урушни хоҳлайсанми», деб сўралса, ҳар бир соғлом фикрли инсон, миллати, дини, ирқи, иқтисодий аҳволи, сиёсий мавқеи, ёши, жинсидан қатъи назар, «йўқ» деб жавоб бериши аниқ. Бироқ, инсоният тарихида, кейинги беш минг йилда тахминан 15 мингдан ортиқроқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Юрт тинчлиги энг азиз неъмат эканига бутун жаҳон амин бўлмоқда. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда рўй берган террорчилик ҳаракати бу борада жаҳонда кўтлаб муаммолар борлигини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ юрт тинчлигини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон

дунёда биринчи бўлиб Марказий Осиёни ядро қуролидан холи майдонга айлантириш, халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ва бошқа тинчликсевар таклифлар билан чиқди. Чунки, ислохотларнинг натижалари айнан шу ғояни амалга оширишга бевосита боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мафқурасида юрт тинчлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асрашимиз, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, маданият, миллатнинг ғоявий ва мафқуравий етуклиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шартидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга, шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президентимиз: «Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз — бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда», деб бежиз таъкидламаган.

Мамлакатимиздаги ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик юрт тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги ички барқарор вазият, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, давлат ва жамият бошқарувини демократиялаштириш, сиёсий партиялар манфаатидаги умумийликдан иборат бўлиб, давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини изчил бажариши учун имконият яратмоқда.

Я

ЯВНА — ведалар таълимотига кўра санатана-дҳармага асосланган жамиятдаги мавжуд табақаларга мансуб бўлмаган, лекин инсон қиёфасидаги тирик мавжудот. Одатда ведавий жамиятда одамлар ақл-фаросати, келиб чиқишига қараб тўрт табақага бўлинган: 1. Браҳманлар (зиёли, ақлий меҳнат билан машғул донишманд олимлар). 2. Кшатрийлар (раҳбар ва жангчилар). 3. Вайшялар (савдогар ва ер эгалари). 4. Шудралар (жисмоний меҳнат қилиб тиркичилик қилувчи тақводор кишилар). Шу тоифага кирмаган кишилар Я.лар ҳисобланади. Я.лар муқад-

дас китоблар асосида тузилган ведавий жамият таркибига кирмайди. Улар Худонинг мавжудлигини тан олмай, фақат танаси ва ҳиссиётнинг талабларини қондиришни инсон ҳаётининг асосий мазмуни деб тушунадилар. Шунинг учун улар ҳеч қандай муқаддас китобларда келтирилган ҳаёт қонунларига амал қилмай, ўзларининг моддий истакларини қаноатлантирувчи ҳар хил қонунлар ўйлаб топадилар ёки муқаддас китоблардаги қонунларни ўз ниятларига мос қилиб ўзгартириб талқин қиладилар. Ведавий қонунларга асосланган жамиятда асосан гўшт ва

маст қилувчи ичимликлар истеъмола қиладиган одамларни Я.лар, яъни бешинчи табақага оид одамлар деб атаганлар.

ЯЗДИЙ Шарафиддин Али (вафоти 1454 й.) — тарихчи олим. Эроннинг Язд шаҳрига қарашли Тафт мавзеида (Тафти Язд деб ҳам аталган), тахм. 14-а.нинг охириги чорагида туғилган. Ёшлигида Язд сўфийлари б-н яқин алоқада бўлган. Ш.А.Я. дан қолган илмий-адабий мерос адабиёт ва тил услуби, шеърят наз-яси, илми нужум, фал., тасаввуфнинг назарий масалалари бўйича ёзилган асарлардир. «Шараф» тахаллуси б-н шеърлар ёзганлиги ҳам маълум Ш.А.Я. ўз даврининг анчагина билимлари бўйича маълумотларга эга бўлган. Шунинг учун ҳам темир-ий шаҳзодалар саройида хизматга таклиф этилиб, замондошлари орасида маълум даражада шўхрат қозонган. У ўзининг «Зафарнома» номли машҳур асарини яратиш б-н буюк тарихчи сифатида ном қозонди. «Зафарнома» тузилиши жиҳатидан икки қисмга: Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи «Муқаддима» ва бевосита Темур даври тарихини ёритувчи асосий қисмга бўлинади. «Муқаддима» муаллиф туркий қабилаларнинг келиб чиқиш тарихи ва Чингизийлар тўрт улус тарихини, 14-а. биринчи ярмида Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятни баён этади, тарқоқлик ва ўзаро урушларнинг кучайишини ва бу ҳол Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузган Темурнинг тарих майдонидан пайдо бўлишига бир қадар шарт-шароит яратилганлигини кўрсатиб беради. Шу нуқта назардан қараганда Ш.А.Я.нинг «Зафарнома»га ва Темур даври тарихидан ташқари, ундан олдинги асрлардаги тарихни ҳам киритиши тасодифий эмас. «Зафарнома» фақат Соҳибқироннинг ҳарбий юришларини мақтаб, кўкларга кўтаришдан иборат, десак катта хато бўлур эди. Унда тарихий сиймолар (жумладан, Темур, Қутлуг Туркон, Амир Ҳожи Сайфуддин, амир Ҳусайн ва бошқалар) ҳам жуда яхши тавсифланган. Хусусан, Амир Темур шахсияти Ш.А.Я. томонидан зўр маҳорат б-н кўрсатилган. Ҳоҳ узоқ ва машаққатли юришларми, ҳоҳ зафарли жангларми, ҳоҳ сиёсий, маданий ёки маърифий ишларми — барчасида Амир Темур шахсан иштирок этиб, масаланинг энг тўғри ва доно ечимини топади ва ҳар қандай оғир шароитда ҳам лашкарини усталик б-н олиб чиқиб кетади ва аскарларининг ҳаётини сақлаб қолади. «Зафарнома» нинг мазмуни куч — билим ва тафаккур бирлигидан иборат эканлигининг ёрқин ифодасидир. Тарих фал.сини яратишда муҳим тарихий-фал-ий илдииз, асос вазифасини ўтайди.

ЯККАЛИК, ХУСУСИЙЛИК ВА УМУМИЙЛИК — фалсафий тушунчалардан бўлиб, оламдаги ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар орасидаги ўзаро алоқала-

рини ҳамда бу алоқаларни билиш даражаларини ифодалайди. Бошқа фал-ий тушунчалар сингари, бу тушунчалар ҳам инсонни билиш борасидаги фаолиятининг ривожланиши давомида шаклланиб боради. Воқелик объектлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шу хусусият туфайли улар бир-биридан фарқ қиладди. Шу сабабли ҳар бир айрим объект қандайдир Я. нарса сифатида идрок этилади. Бироқ бошланғич амалиётнинг ўзиёқ бу объектларда такрорланувчи белгиларни очиб беради. Я. умумий белгиларга ҳам эга экан. Умумий белгилар ва хусусиятлар объектларнинг фақат тор гуруҳларига хос бўлса, у вақтда улар Х. сифатида намоён бўлади. Барча нарсалар ва ҳодисаларга хос бўлса, у вақтда улар У.дан иборат бўлади. Я. х. ва у. чамбарчас бирликда бўлиб, улар орасидаги тафовут нисбийдир, чунки улар ўзаро бир-бирига ўтиб туришади. У.нинг онгдаги ўзаро муносабати, унинг воқеликдаги ўхшашлиги ва объектларнинг айрим хоссалари ҳақидаги масалани илмий ҳал қилиш фал. тарихида катта қийинчиликлар туғдирди. Ўхшаш, такрорланиб туривчи умумий томонлар ҳақидаги содда яққол тасаввур тарихан ҳаммадан эртароқ шаклланади. Бу ўхшашликнинг манбаи, сабаби ҳақидаги масала, У.нинг табиати ҳақидаги энг муҳим ҳулосалар, яъни у объектив оламнинг реал ҳолатларида мавжуд бўлган хоссаларини акс эттирадими ёки умумлаштирувчи онг шаклида, қандайдир руҳий мутлақликнинг хусусиятларида жо бўлганми, деган масала ҳали бу ерда қўйилмайди. Қад. юнон материалистлари У.нинг моҳияти ҳақида биринчи тасаввурнинг мухлислари эдилар. Чунончи, барча нарсаларнинг негизини, уларнинг умумийлигини Фалес сувда, Гераклит оловда, Демокрит атомларда деб билади. Обьективлик сифатида У. тушунчаси қадим замон фал.ларининг кўпчилигига ҳам хосдир, лекин У. эндиликда моддий воқеликдан ажратилиб, моҳиятларнинг алоҳида оламига айлантирилади. Платоннинг У. ҳақидаги таълимотини Аристотель танқид қилган, лекин ўзи бу муаммони ҳал қила олмаган. Аристотель У.ни Я.дан ажратиб ташланган алоҳида моҳият деб ҳисобламайди. Унинг нуқтаи назарича, У. ҳаммадан илгари, инсон ақлининг мавҳумлашганидир. Лекин Аристотель бу мавҳумликларни фақат фикрий моҳиятлар деб эътироф қилишни истамайди, чунки у ҳолда бу уларнинг объективлигини инкор қилган бўларди. Шунинг учун ҳам У.ни Аристотель айрим, яъни якка объектларнинг моҳияти сифатида ҳам, бу объектларнинг мавжудлигига сабаб бўлувчи мақсад сифатида олиб қарайди. Бу ҳолатда Аристотель муаммони гарчи ҳал этмаган бўлса-да, лекин уни аниқ кўрсатиб бера олади. Шу сабабли унинг таълимоти номинализм б-н реализмнинг мунозаралари учун асос бўлиб қолди. Ўрта а. Шарқда Аристотелнинг бу соҳадаги таълимоти Форобий ва Ибн Синолар томонидан ривожлантирилди. Улар номинализм нуқ-

таи назаридан туриб ўз гоёларини илгари сурдилар. Аристотель таълимотининг бир-бирига зид қоидалари фал-ий мактабларнинг қарама-қаршиликка айланди. Илоҳиётнинг схоластикасига қарши курашда ривож топган янги замон тажрибавий фани У.ни теологик тушунишга қарши норозилик туғдирди. Бу хилдаги У.нинг объективлиги яна инкор қилинди. Локк шундай кайфиятларни ифодалаб, У.ни ҳодисалар ўхшашлигининг фақат абстракт сўздаги ифодаси, деб тушунади ва У. замиридаги ҳар қандай реалликни инкор этади. Бундай талқин ўша замондаги фан б-н ва хусусан, ҳодисаларнинг унда қабул этилган туркумланиши б-н келиштирилади. Фаннинг объектив олам қонуниятларини ўрганиши У.ни Локкча тушунчасига путур етказди. Бу нарса Кантда ва айниқса, Гегелда кўриниб турибди. Гегелнинг бир қанча ҳодисаларнинг сўзларда қайд этилган айнияти оддий ўхшашлик натижаси сифатидаги «мавҳум У.» б-н ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ўзгаришининг ички моҳияти, қонуни сифатида тушуниладиган ҳақиқий «конкрет У.ни» фарқ қилиб қарайди. Бироқ Гегел фикрича, ҳақиқий У. фақат руҳийликдан, яъни тушунча, гоёдан иборат. Я., Х. ва У. дунёвий тушуниш оламдаги хоссалар объектив бирлигининг инъикоси сифатида У. гоёсини эътироф қилишга асосланган. Нарсалар ёки жараёнларнинг муҳим ўхшашлиги фақат шу чуқур объектив алоқанинг ифодасидир, холос.

Шунинг учун Я.Х. индивидуалликнинг бойлигини ўзида гавдалангирди. Я.х. ва у. диалектикаси оламнинг зарур, моҳиятли алоқаларини ифодалайди. Я. х. ва у. объектив алоқадорлиги тилда, баён шаклида, объектларни тадқиқ қилиш усулида ўз зуҳурини топади. Я.х. ва у.нинг ўзаро муносабати уларнинг алоқадорлигида, Я.нинг У.сиз, У.нинг эса Я.сиз мавжуд бўлмаслигида, Я.нинг маълум шароитда Х.ка ва Б.га ўтиб туришидадир ва ҳ.к. Бу диалектик алоқадорликни анализ қилиш, масалан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий йўллари ва қонунларини ҳамда бу қонунларнинг айрим мамлакатларда ўзига хос равишда, махсус тарзда юз беришини тушуниш учун катта аҳамиятга моликдир. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Я.х. ва у. тушунчалари аввало объектив оламнинг муҳим алоқаларини ифодалайди ва фақат шунинг учун оламни билиш жараёнини характерлайди. Доимо айрим объектларга қаратилган амалий фаолият мазкур объектларда такрорланувчи қонунларни, томонларни ва хоссаларни билиш б-н ёритилади ва уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш б-н реаллаштирилади.

ЯСПЕРС Карл (1883.23.2, Ольденбург — 1969.26.2, Базель) — немис файласуфи ва психологи, экзистенциализм асосчиларидан бири, тиббиёт (1909), психология фанлари доктори (1913). Я. инсон шахси шаклланишининг фал.-ий муаммолари ҳақида

фикр юритди. Унинг ёзишича, психопатологик ҳодисалар инсон шахсининг емирилиш жараёнини акс эттирмайди, балки инсоннинг ўз индивидуаллигини топиш учун жадал изланаётганлигидан далолат беради. Я. буюк шахсларнинг ижодий эволюциясини психопатологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш натижасида оламнинг ҳар қандай рационал асосда қурилган илмий манзараси — ижодкор шахслар яширин руҳий интилишларининг бошқача кўринишидир, деган хулосага келди. Я.нинг фал.-ий қарашлари шаклланишига Хайдеггер ва Кьеркегор фал.сининг таъсири кучли бўлган. У экзистенциализм фал.си ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Я. фал.сининг асосий тушунчалари эркинлик, тарихийлик ва инсоний мулоқот фал.ни воҳеликда ҳукмрон бўлган ақлсизликни ақл орқали англашга уриниш, деб тушунди. Ақлсизликни олий даражадаги ақллилик манбаи деб кўрсатди. Я.нинг таъкидлашича, фай.лик қилиш инсоннинг ички мазмунини келтириб чиқарадиган ва ўзининг сўнгги маъносини била олмайдиган фаолиятдир. Шу боисдан ҳам фал. шу дақиқа учун борлиқ тўғрисидаги тугалланган, бироқ мукамал билишга даъво қила олмайдиган онгдир. Я. «Инсон» ва «Тарих» тушунчаларини одамлар борлигининг энг асосий мезони сифатида тавсифлади. Унга катта шухрат келтирган «Тарихнинг маъноси ва вазифаси» (1949) асарида жамиятнинг объектив қонунлари мавжудлиги ва фан ёрдамида унинг истиқболини олдиндан кўриш мумкинлигини кескин инкор этди. Я. «Жаҳоний вақт ўқи» гоёсини илгари сурар экан, жаҳон тараққиётидаги тўрт даврни бир-бирдан фарқлади. Я.нинг фикрича, дастлабки икки даврда одамлар тилга эга бўлди, меҳнат қуроллари яратди ва оловни кашф этди. Бунинг натижасида мил.ав. 5-3 минг йилликда Ҳиндистон, Миср, Месопотамия ва Хитой маданияти шаклланди. Учинчи даврда — мил.ав. 8-2 а.ларда инсоният Юнонистондан Хитойгача бўлган маконда маънавий юксакликни, ўзлигини қарор топтирди, одамлар ўз имкониятларини, ҳақиқий маъсулиятларини англай бошладилар. Я. ёзишича: «Мифологик давр тугади. Шайтонларга қарши ягона Худо учун кураш бошланди. Инсон борлигидаги бу муҳим ўзгариш тушунарсиз ва ёпиқ эмас, балки чексиз имконият учун очиқ мавжудотга айланди. Я. тўртинчи даврни 17-20-а.ларда Европада илмий-техник цивилизациянинг қарор топиш даври сифатида тавсифлади. Я.нинг ахлоқий-сиёсий қарашлари «Атом бомбаси ва инсониятнинг келажаги» (1958) асарида ўз ифодасини топди. Унинг «Ничше» (1936), «Декарт ва фалсафа» (1937), «Экзистенциал фалсафа» (1938), «Ҳақиқат тўғрисида» (1947), «Фалсафага кириш» (1950) сингари асарлари жаҳон фал.си ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

ЯССАВИЙ АҲМАД — (тахм. 1103-1166) — суфийлик тариқатининг Хожа Юсуф Ҳамадоний мактабига мансуб намояндаси, туркийзабон шоир. У ўз асарларини ҳозирги даврда ҳам тушунарли ўзбек тилида ёзган. Яссавий асарлари мажмуаси 1878 й.и нашр этилган «Девони ҳикмат» номи б-н маълум. 1990 й.и «Девони ҳикмат»нинг Тошкентда нашр этилиши муҳим воқеа бўлди ва у тез орада тарқалиб кетди. Шу боисдан 1992 й.да иккинчи бор нашр этилди. Я. Ясси шаҳрида туғилган. Унинг отаси Шайх Иброҳим исмли эшон бўлиб, ўғлининг ёшлигида вафот этган. Етим қолган Яссавий ўша замоннинг машҳур шайхларидан бири — Арслонбобдан таълим олган. Арслонбоб вафот этгандан кейин, Я. пир излаб, Бухорога келган. Бу ерда Хожа Юсуф Ҳамадоний вафотидан сўнг Бухорода, унинг учинчи халифаси сифатида шайхлик қилган. Бир неча йилдан сўнг, Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси бўлган Абдул Холиқ Фиждувонийга топшириб, ўзи Яссига жўнаган. У ерда хонақоҳ очиб, шайхлик қилган ва кўплаб муридлар орттирган. Яссавийнинг форс адабиёти вазн ва услубида эмас, балки турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида ҳикматлар ёзгани айнан шу даврга тўғри келади. Я. олтмиш уч ёшдан ошгач, хонақоҳда ерости чиллахонасини қаздириб, шунга кирган ва фоний дунёдан алоқасини узиб, шайхликни давом эттирган, ҳижрий 562 й.да вафот этган. Тасаввуфнинг Яссавия йўналиши Я. номи б-н боғлиқ.

Хожа Аҳмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига «ҳикмат» унвони берилган ва улар китоб шаклига келтирилган. Баҳоуддин Нақшбандга тааллуқли деб тан олинган «Дил ба ёр, даст ба кор» иборасини ҳам биринчи бор Я. «Ниятинг худога, қўлда ишинг» шаклида баён этган. Демак, Я. тариқати б-н Нақшбанд таълимоти моҳиятан яқин бўлиб, ўша машҳур ибора биринчи марта 12-а.да туркий, 14 а.да эса форсий тилда айtilган. Я. Қуръон ҳикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф ғояларини қўшиб, уни инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни орифлик, ошиқлик, хилват ва узлат б-н боғлаган. У тасаввуф ғояларини халқ орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни қаттиқ танқид қилди.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК — ахлоқшунослик категориялари, ахлоқий баҳонинг энг умумий шакллари. Я. ва Ё. ўзаро муносабатли, айни пайтда қутбий ва бир-бирини инкор этувчи категориялардир. Агар Я. категориясида ижобий нарса ва ҳодисалар, жараён ва вазиятлар жамланса, Ё. категориясида аксинча, салбий тасаввурлар ифодаланади. «Авесто» китобида зардуштийлик илоҳи Аҳура Мазда — эзгулик, яхшилик, Аҳриман эса, ёвузлик, ёмонлик тим-

соли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий кураш акс этади. Я. ва Ё.нинг мазмуни тарихий шароитга боғлиқ, у ўзгарувчан, ҳаракатчан ва нисбийдир. Я. ва Ё. ҳақидаги тасаввурлар халқдан-халққа, асрдан-асрга ўтиб, шунчалик ўзгариб борганки, натижада улар бир-бирига тамомила зид келиб қолиши ҳам мумкин. И.Кант Я. ва Ё.нинг асосида «эркин ирода» туради, деб тушунтиради. Инсондаги бу «эркин ирода» ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишни талаб этади, ўз фаолият ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишни талаб этади. Гегел эса Я. ва Ё. категорияларини диалектик бирликда кўради, уларнинг тараққиёти зиддиятлар орқали, бирининг иккинчисига ўтиб туриши орқали содир бўлади, деб ҳисоблайди. Гегел назарида, Ё. тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантивучи кучи сифатида намоён бўлади. Бунда икки хил маъно бор. Шунингдек, у Я. ва Ё.нинг баҳо мезони субъектив баҳо эмас, балки жамоатчилик фикридир деб, ҳисоблайди. Француз мутафаккирларидан Гольбах, Гельвецийнинг фикрича, киши яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам туғилмайди, одам ўзининг шахсий манфаати учун яхши ёки ёмон ишга юради. Кишиларнинг фазилатлари ва нуқсонлари фақат шахсий манфаатнинг қандай тусда ўзгаришига боғлиқ. Аммо шахсий манфаат ижтимоий манфаатга мувофиқ келгандагина яхшиликдир, акс ҳолда ёмонликка айланади. Шахсий манфаатни ижтимоий манфаатдан айриш бемаъниликдир, инсон табиатига зиддир, деб таъкидлайдилар улар. Инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлардан Абу Али ибн Сино назарида, этика Я.ни Ё.дан ажратадиган ва бунга шароит яратадиган фандир. Масалан, у Я.ни шундай тушунади: барча мавжудот камолотга мойилдир. Худди шу камолотга мойилликнинг ўзи Я.дир; Я.ка интилишнинг ўзи моддий оламга хосдир. Ё. эса мавжудлик бўлмаслик б-н боғлиқ. Шу сабабдан у нарсаларнинг имконият ҳолатидан воқелик ҳолатига ўтишига тўсқинлик қилади. Файласуф Я. б-н Ё. роҳат-ҳузур қилишга олиб келиш-келмаслиги б-н боғлайди. Роҳатланишни келтириб чиқарадиган ҳамма нарса Я., азоб олиб келадиган ҳамма нарса Ё.дир.

Шундай қилиб, Я. Ё.ка қарши кураш орқали ўзини намоён қилади. Ё. ҳамиша ҳам очиқ кўринавермайди, баъзан ҳатто яхшилик ниқоби остида рўй беради. Буни англаб етиш кишидан хушёрликни, зийракликни, лоқайд бўлмасликни талаб этади. Я. ахлоқан баркамоллик негизидир. Я. олийжанобликда, меҳр-оқибатда, самимийликда, саҳийликда, беғараз туйғуларда ўз ифодасини топади. Умуман олганда Я. ва Ё. ижтимоий ва шахсий хулқ-атворни, хатти-ҳаракатни баҳолаш мезонидир.

Ў

ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК — олам мавжудлигининг энг умумий қонунияти бўлиб, бу қонуният барча нарсалар ва ҳодисаларнинг универсал ўзаро таъсирининг натижаси ва юз беришидан иборат. У ҳар бир яхлит тизимдаги барча нарсалар ва ҳодисаларнинг универсал ўзаро таъсирининг барча элементлар ва ҳодисаларнинг ички структуравий бирлигини, шунингдек, ўша тизимнинг қуршаб турган бошқа тизимлар ёки ҳодисалар б-н бениҳоя хилма-хил алоқа ва муносабатларини ифодалайди. Жисмларнинг универсал Ў.а.ги конкрет моддий объектларнинг ва уларнинг барча ўзига хос хусусиятларининг мавжудлигига сабаб бўлади. Ў.а. бениҳоя хилма-хил кўринишларга эга. У жисмларнинг хусусий хоссалари ёки ўзига хос томонларида ўз ифодасини топадиган конкрет табиат ҳодисалари ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, материянинг умумий хоссалари б-н тараққиёт йўналишлари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳар қандай қонун Ў.а. нинг конкрет ифодасидир. Ў.а. оламдаги ҳодисаларнинг бетартиб жойлашуви эмас, балки ягона қонуниятли оламий ҳаракат жараёнидан иборатдир. Нарсалар б-н ҳодисалар ўртасидаги алоқалар бевосита ва билвосита, доимий ва вақтинчалик, муҳим ва номуҳим, тасодифий ва зарурий, функционал алоқалар бўлиши мумкин ва б. Ў.а. сабабият б-н маҳкам боғлиқ, аммо сабаб б-н натижа ўз ҳолича фақат бир хил ҳодисаларнинг иккинчи хил ҳодисалар б-н универсал алоқасидан ташқари олиб қаралиши мумкин. Бутун алоқадор бўлган сабаб ва натижа эса бир-бирига ўтиб туради, ўсиб универсал алоқага ва ўзаро таъсирга айланади. Бу ўзаро таъсирнинг хусусий ҳолати ўз-ўзини регуляция қилувчи барча тизимлардаги қайтарма алоқадан иборат. Ҳодисалар ўртасидаги алоқа фақат жисмларнинг ўзаро физикавий таъсирга боғлиқ эмас. Бундан ташқари, беқиёс даражада мураккаброқ биологик ва ижтимоий муносабатлар мавжудки, улар ўзлари махсус қоидаларга бўйсунди. Материя юқорилаб ривожланиб борган ва тобора юксак даражада ташкил топган шаклларга ўтган сари, жисмларнинг Ў.а.ги шакллари ҳам мураккабланиши, ҳаракатнинг сифат жиҳатидан янги турлари вужудга келади. Шу қонуният инсоният жамиятининг тараққиётида ҳам амал қилади, унда ишлаб чиқариш усулида прогресс юз бериши ва цивилизациянинг ривожланиши б-н айрим кишилар ва бутун-бутун давлатлар ўртасидаги алоқалар мураккабланиши; сиёсий, иқтисодий, мафкураравий ва б. муносабатлар тобора хилма-хил бўлади. Ў.а. тушунчаси билиш аҳамиятига ҳам эга. Ў.а. нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сабабли ва б. алоқа шакл-

ларини тадқиқ қилиш, муҳимроқ алоқалар ва муносабатларни ажратиш кўрсатиш асосидагина объектив оламни билиши мумкин. Билишнинг илгарилаб бориши, фикрнинг ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги чуқурлик ва умумийлик даражаси камроқ бўлган алоқаларни акс эттиришдан, чуқурроқ ва умумийроқ алоқалар ва муносабатларни аниқлаб олиш сари ҳаракатида юзага чиқади. Фанларнинг структураси ва туркумланишнинг ўзи Ў.а. инъикосидир. Илмий билишнинг илгарилаб бориши б-н фанларнинг алоқаси ва ўзаро таъсири тобора маҳкамроқ бўлиши учун дастлаб билимлар махсус соҳаларга бўлинган. Мас., биохимия, астрофизика ва бошқа чегарадош фанлар пайдо бўлиш сабаби ҳам ана шундадир.

ЎЗАРО ТАЪСИР — нарсаларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиш жараёни, ҳаракатнинг, тараққиётнинг универсал шакли. Ў.т. ҳар қандай моддий тизимнинг мавжудлигини ва структуравий тузилишини, унинг бошқа жисмлар б-н бир қаторда каттароқ тартибдаги тизимга бирлашувини, барча жараёнлар ва ҳодисаларнинг хоссаларини белгилайди. Ў.т. бўлмаганида материя мавжуд бўла олмас эди. Ана шу маънода Ў.т. бутун мавжудотнинг ниҳояли сабаби ва ундан кейин ҳеч нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай яхлит тизимда Ў.т. шундай бир муносабат сифатида юз бердики, бу муносабатда сабаб б-н натижа доимо ўрин алмаштириб туришади. Физикавий жиҳатдан Ў.т. яқиндан таъсир қилиш сифатида юз беради, бу таъсирнинг тарқалиш тезлиги ниҳоят даражада вакуумдаги ёруғлик тезлигига тенг.

ЎЗГАРИШ — барча объектлар ва ҳодисалар энг умумий хусусияти; ҳар қандай ҳаракат ва ўзаро таъсирни, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ифодалайди. Фал.да Ў.га ҳамма вақт жисмларнинг мавжудлик хоссалари тузилишининг ёки қонунларнинг нисбий барқарорлиги қарама-қарши қўйиб келинди. Аммо тузилиш, хоссалар ва қонунларнинг ўзлари ўзаро таъсирларнинг натижасидан иборат бўлиб, улар жисмларнинг турли хилдаги алоқаларига боғлиқ. Улар борлиқнинг Ў.идан вужудга келади. Диалектикада ҳаракатни чуқурроқ тушуниш жараёнида Ў. тушунчаси катта аҳамиятга молик. Чунки ҳар қандай Ў. ҳаракатдир, лекин ҳар қандай ҳаракат Ў. эмасдир.

ЎХШАШЛИК — аналогия, мослик, айнанлик, бир-бирига тўғри, мувофиқ келиш — нарса ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг такрорланиши. Ў. тушунчаси орқали нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро мушта-

рак, шунингдек, фарқли хусусиятлари ҳам ўрганилади. Мас., мантиқда Ҳ. тушунчаси воситасида икки предметнинг бирор хусусиятидаги мослик орқали уларнинг бошқа хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарилади: Чопқир отлар соғлом бўлади, Бойчибор — чопқир от. Демак, Бойчибор — соғлом от.

ЎЛЧАМЛИК — фазо ва вақтнинг қанча ўлчов бўйича эркинликка эга эканлигини ифодаловчи, топологик хусусияти. Макродунёда фазо уч Ҳ., вақт эса бир Ҳ.дир. Коинотнинг дастлабки вужудга келиш даврида фазо ва вақт бир Ҳ., компактлашган нуқтавий ҳолатда бўлган, деган илмий фараз бор. Воқеликда, фазо-вақт биргаликда, тўрт Ҳ.да намоён бўлади. Нуқта ўлчамсиз, чизиқ-бир Ҳ., юза-икки ўлчамли, жисм-уч ўлчамли, ҳодиса-тўрт ўлчамли, яшин-беш ўлчамли ва шу сингари, бошқача Ҳ. объектлар ҳам бўлиши мумкин.

ЎЛЧАШ — билиш жараёнида нарсанинг миқдорий жиҳатларини аниқлаш усули. Ҳ. одатда, ўрганилаётган буюмни, аниқ қайд этилган хосса ва белгиларига эга бўлган, бирон-бир буюм б-н, қиёслаш йўли орқали амалга оширилади. Ҳ. усули орқали, буюмларнинг хоссаларини, мас., уларнинг мустаҳкамлигини, мураккаблигини, миқдорий жиҳат ва бошқа томонларини аниқлаш мумкин. Ҳ. б-н метрология фани боғлиқ. Нарса ва ҳодисаларга, Ҳ. нуқтаи назаридан, ёндашилганда ҳам, улар-

нинг хоссаларини яхши билиш талаб қилинади. Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб, Ҳ. ҳам пайдо бўлган. Ҳ. наз-яси, ҳисоблаш техникаси, математика фанининг келиб чиқишигача кўп асрлар ўтган. ҳоз. замонда яратилаётган мураккаб Ҳ. воситаларининг яратилиши фанларнинг ниҳоятда тез суръат б-н ривожланишига олиб келди. Мас., физика, химия, биология ва б. фанларнинг ривожланиши бунга яққол мисол бўла олади. Инсон ўзининг кундалиқ ҳаётида оддий ўлчашларга дуч келса ҳам, унинг мураккаблигини, тарихини, махсус фан орқали, мунтазам ўрганмаса, уни тасаввур қила олмайди. Ҳ. ўлчов бирликлари орқали ифодаланади. Ҳ. бевосита ва билвосита бўлади. Ҳ. жараёни, асосан, уч қисмдан иборат бўлади: 1) ўлчаниши керак бўлган объект тизими; 2) ўлчанилиши керак бўлган объект тизимининг хоссаси; 3) ўлчайдиган мослама асбоб — ускуна. Ҳ. жараёнида, албатта, сонларда, ўлчов бирликларида ифодаланган натижа олинади. Агар шундай натижа олинмаса, унинг қузатиш ва эксперимент — тажриба бўлолмаслиги табиий. Ҳ. жараёнида (айниқса, жуда кичик объекларни ўлчашда) маълум бир хатоликларга йўл қўйиш мумкин. Бу хатолик тасодифий ва сурункали тусга эга бўлади. Алоҳида олинган объектни Ҳ.да зоҳирий ва тасодифий хатоларни аниқлаш осонроқ, информация — ахборотларни статистик умумлаштиришда эса, хатоларни аниқлаш, бирмунча, қийинроқ кечеди.

Қ

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ФАЛСАФАСИ — қадимги Хитойда шакланган антик фалсафа шакли. Улар юздан ортиқ бир-бирига мухолиф мактаблар бўлган. Сим Тянь қуйидаги энг асосий фалсафий мактабларни ажратган: 1. Ин ва Янь мактаби (инь-янь цзя). 2. Конфуцийчилар мактаби (жу цзя). 3. Моистлар мактаби (мо цзя). 4. Исмлар мактаби (мин цзя). 5. Ҳукуқшунослар мактаби (фо цзя). Бу тасниф шартли бўлса-да, Хитой фал.си ҳақидаги барча адабиётлар шунга асосланади. Натурфал. (Инь ва Янь таълимоти) тарафдорлари қарама-қарши томонлар ҳақидаги таълимотни илгари сурадилар (ёруғлик ва зулмат, эркак ва аёл, яхшилик ва ёмонлик). Ҳ.да давр фал.сининг асосий вазифаси бу қарама-қаршиликларнинг ўзаро келишуви масаласини ҳал қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, улар барча муаммоларни бирдан ўрганиш мураккаблигини эътироф қилганлар. Кун Сю ёки *Конфуций* биринчи Хитой фал.и ҳисобланади. *Даоцизм* Хитой фал.-ий фик-

ри ривождаги йирик мактаблардан бири. Унинг асосчиси Лао Цзидир. (қаранг: Конфуций, Даоцизм, Конфуцийчилик).

ҚАДИМГИ ЮНОН ФАЛСАФАСИ — шартли равишда ривожланишнинг 4 асосий босқичига бўлинади. 1— босқич мил.ав 6-5 а.ни ўз ичига олади. Бу — Суқротгача бўлган даврдир. Бу босқичга Милет мактаби, Фалес, Анаксимен, Аниксимандр, Эфеслик Гераклит, Элей мактаби, Пифагор ва пифагорчилар, Эмпедокл ва Анаксагор, қад. Юнон атомистик назариячилари Левкипп ва Демокрит ижоди мансуб. 2-босқич мил.ав. 5-а.нинг 2-ярми ва 4-а. охиригача бўлган давр. У классик давр ҳам деб характерланади. Бу босқичда буюк фал. Суқрот, Платон ва Аристотель яшаб ижод этган. Аристотель таълимоти эса, Қ.ю.ф.нинг чўққиси ҳисобланади. Қ.ю.ф. тараққиётининг учинчи босқичи мил.ав. 4-а. охири ва 2-а.лар бўлиб, эллинизм даври деб аталади. Маз-

мунига кўра, чуқур фал-ий тизим ҳисобланган классик даврдан фарқли ўлароқ, бу даврда қатор фал-ий мактаблар: перипатетиклар, академик фал. (Платон Академияси), стоиклар ва эпикурчилар мактаби, скептицизм қарор топади. Бу босқичнинг йирик намоёндалари Теофраст ва Эпикурдир. Бу босқич мактаблари фаолиятини характерловчи хусусияти Платон ва Аристотель таълимотларига изоҳ беришда этика муаммоларига ўтиш, шунингдек, скептицизм ва стоицизмни улуғлашдан иборат. Қ.ю.ф. тараққиётининг тўртинчи босқичи (мил.ав. 1-а., 5-6-а.) антик дунёда Римнинг ҳукмронлиги ва Юнонистонни унинг таъсирига тушган даврдир. Рим фал.си Қ.Ю.ф.нинг эллинизм босқичи таъсирида шаклланди. Шунга кўра, Рим фал.сида учта фал-ий йўналиш стоицизм (Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий), эпикуризм (Тит Лукреций Кар), скептицизм (Секст Эмпирик) шаклланган. Мил.3-5-а.ларида Рим фал.сида неоплатонизм шаклланди. Неоплатонизм нафақат бошланғич христиан фал.си, балки умуман, ўрта аср диний фал.сининг шаклланишига катта таъсир қилди.

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ФАЛСАФАСИ — Ҳиндистон ҳудудига топилган энг қадимги ёзма ёдгорликларга (2500—1700) асосланган антик фал. шакли. Қад. ҳинд жамияти ҳаёт ҳақидаги илк манба Ведалар ҳисобланади. Ведалар деярли тўққиз аср давомида (мил.ав. 1500—600 й.) тузилган. Ведалар диний моҳиятга эга бўлган ёзма матнлардир. Веда ёдгорликлари нафақат ўз даврини маънавий ҳаёти ҳақида ёзма ахборот манбаи, балки жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий тузилиши, оламни билиш даражаси ва б. ҳақида ҳам қатор маълумотлар беради. Ведаларда дунёнинг пайдо бўлиши, коинот, табиат жараёнлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, субстанция муаммоси, инсонда руҳнинг мавжудлиги, дунёнинг абадийлиги ва индивиднинг вақтинчалиги ифодаланади. Қ.Ҳ.ф. ортодоксал — миманса, веданта, санкхья ва йога, ҳамда ноортодоксал буддизм, жайнизм ва чорвака — локаята йўналишларига бўлинган. Миманса ва веданта Худо ғоясини улуғлаб, унда дунёнинг маънавий асоси мужассамлашган, деб тушунганлар. Чорвака — локаята ва вайшешика мактаби вакиллари эса, дунёни табиий асосга эга эканлигини, мавжуд дунё турли ҳодисанинг бир бутунликда намоён бўлишини тан олганлар. Ҳиндистондаги диний-фал-ий таълимотлардан бири *буддизмдир*. Жайнизм таълимотининг асосчиси Махавиро Вардхаманадир (мил.ав. 6-а.). Жайнизм таълимотида диний-фал-ий қарашлар қоришиб кетади ва дуализм улуғланади. Инсон моҳияти иккига: моддий (ажива) ва маънавий (жива)га бўлинади. Уларни юпқа матога ўхшаган карма боғлаб туради. Жайнистлар иккита фундаментал сифатни мужассамлаштирган карманинг саккиз турини яратадилар. Ёзув кармалар руҳиятга салбий таъсир қилади. Яхшилик

кармалари руҳни сақлаб туради. Инсон яхши ва ёмон кармалардан қутулар экан, унинг самараларидан қутилишнинг йўли бу дарвишлик, фақат яхшилик қилишдир. Қад. Ҳиндистонда вужудга келган диний-фал-ий қарашлар асрлар мобайнида жаҳон халқлари ижтимоий-фал-ий фикри ривожига кучли таъсир этиб келмоқда.

ҚАДРИЯТ — воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва б. ҳисобланади.

Қ.лар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин. Қ.лар, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, хатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланди ва айланмоқда. Инсон, бутун умри давомида, сон-саноксиз Қ.лар оламида яшайди. Инсониятни ўраб турган борлик, табиий ва ижтимоий атроф-муҳит, тирик ва но-тирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган Қ.лар умумбашарий хусусиятга эгадир. Бундай Қ.лар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий, мутлақ ва муқаддас Қ.лардир.

Одамзоднинг яшаши, умргузаронлиги, фарзандлари ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва ахлоқий соҳаларига тааллуқли бўлган умумжамият миқёсидаги қадриятлар бутун инсоният ва жамиятга тегишли бўлганидан, умуминсоний Қ.лар, деб аталади. Шундай Қ.лар ҳам мавжудки, улар муайян бир миллат, элат ва халқ ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ўтмиши, келажаги ва яшаётган ижтимоий муҳити б-н боғлиқдир. Улар миллий Қ.лар, дейилади. Энг олий Қ. — инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, ишонч-эътиқоди, умр маъноси, хулқ-одоби б-н боғлиқ, шахсий Қ.дир. Аммо, умумбашарий ва умуминсоний Қ.лар бошқа Қ.лар учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Қ.ларнинг мазмун ва тусига қараб, ижобий ёки салбий жиҳатларга ажратиш мумкин. Қ.лар, мустақиллик шароитида, янги-ча мазмун касб этиб, покланиб, такомиллашиб бормоқда. Қ.лар миллий истиқлол ғояси ва мафқураси талаблари б-н уйғунлашиб, комил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК — моддий оламдаги барча предмет ва ҳодисаларнинг мавжуд бўлиши, ривожланиши жараёнида ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган, бирисиэ иккинчиси мавжуд бўла олмайдиган зиддиятли томонлар бирлигини ифодаловчи фал-ий тушунча. Мас., мусбат ва манфий, дифференциал ва интеграл, ассимиляция ва диссимляция, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, талаб ва таклиф, билиш ва билмаслик ва ҳ.к. Қ.қ.нинг намоён бўлиш шакллари кўп: ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган ва ҳ.к. Қ.қ. ўзаро боғлиқ бўлиб бири иккинчисига ўтиб, ўзаро бир-бирига сингиб ҳам кетиши мумкин. Қ.қ. моддий олам тараққиётининг манбаи сифатида унинг ўз-ўзидан ҳаракати ва ривожининг асосини ташкил қилади. Ҳоз. даврда Қ.қ.нинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва ҳал этилиш йўллари тўғрисида алоҳида ижтимоий фан соҳаси — «конфликтология» фани шаклланданган.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА КУРАШИ ҚОНУНИ — диалектиканинг муҳим қонунларидан бири бўлиб, у табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётида амал қиладиган ялпи умумий қонундир. Мазкур қонун марксистик фалда асоссиз мутлақлаштирилган эди, аммо бу қонуннинг тарихи узок, у антик даврларга бориб тақалади. Ушбу қонунга мувофиқ ҳар бир нарса бир-бири б-н узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини тақозо этувчи қарама-қарши томон ва жиҳатларга эга. Бу қарама-қарши томон ва кучлар ўртасидаги кураш тараққиётнинг манбаини ифодалаб, эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади. Моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар турли-тумандир. Нарса ва ҳодисаларнинг тавофут даражаси ҳам ҳар хил бўлиб, муҳим ва номуҳим тафовутлар мавжуддир. Нарса ва ҳодисалардаги тафовутлар қарама-қаршиликлар асосини ташкил этади. Қарама-қаршилик деб нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи томонлар, кучларнинг ўзаро муносабатига айтилади. Қарама-қаршиликларни бир-биридан ажралган, қотиб қолган ҳолда олиш ва ўрганиш мумкин эмас. Қарама-қаршиликлар бирлиги нисбий, уларнинг кураши эса абадийдир. Қарама-қаршиликлар бирлиги — маълум бир нарса ва ҳодисадаги икки қарама-қарши кучнинг маълум нисбий вақт ичида бирга мавжуд бўлиб туришидир. Оламда рўй бераётган умумий ривожланишнинг моҳиятини очмоқ ҳамда Қ.-қ. б. ва К.қ.нинг мазмунини англаш учун айният, тафовут, зиддият тушунчаларини ҳам билмоқ зарур. Нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари ўртасидаги муносабат зиддият деб аталади. Зиддиятлар ҳамма вақт ҳам тўқнашиш б-н тугамайди, балки алоҳида шароитдагина шундай ҳол рўй бериши мумкин. Мана шу реал муносабатлар Қ.-қ. б. ва К.қ. ифодаланиб, диалектиканинг моҳияти, мағзини ташкил этади. Моддий оламдаги барча

нарса, ҳодисалар ички зиддиятларга бир-бирига қарама-қарши бўлган томонларга эга. Қ.-қ. б. ва К.қ.нинг билиш жараёнида ҳам аҳамияти катта, ҳиссий ва рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, аммо бир-биридан фарқ қилувчи муҳим томонларидир. Қ.-қ. б. ва К.қ.нинг умумийлик хусусияти моддий дунёдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларга хос эканлигидадир

КАТЪИЙ ИМПЕРАТИВ (лот. imperativus — фармон) — Кант этикасида ахлоқий қонунни тавсифловчи асосий тушунча. Кант фал-ий таълимотида амалий ақлни назарий ақлга нисбатан устун қўйилади. «Амалий ақл» деганда, кенг маънода у этика, давлат ва ҳуқуқ наз-ясини, тарих фал.си ва динни, антропологияни; тор маънода эса, ахлоқий хулқ-атвор тамойиллари ва қоидаларини яратувчи ақлни тушунади. Кант «Амалий ақл танқиди» асарида инсон яхшилик ва ёмонлик ҳақида қалбнинг ҳиссий иштиёқи ва интилишларига асосланиб эмас, ақл-заковати ёрдамида хулоса чиқариши керак, деган наз-яни ўртага ташлайди. Гносеологияда бўлгани каби ўзининг фал.сида Кант кишиларнинг қилмишларини асословчи умумий ва зарурий қонунларни топишга ҳаракат қилган. Ахлоқ, Кант фикрича, мутлақ, умумий, барча учун аҳамиятли бўлиши мумкин ва бўлиши шарт, яъни қонун шаклига эга бўлиши керак. Фақат Қ. и. тамойилларига ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқийдир. У аргюг характерга эга синтетик ҳуқуқ бўлиб, унинг асосий қонунига кўра шундай максима (яъни, хулқ-атворнинг субъектив тамойили) асосида ҳаракат қилиш керакки, у ўз навбатида барча учун умумий қонун бўлиб қолсин. Бу ерда ҳуқуқий қонун эмас, барча инсонлар учун бажарилиши шарт бўлган муайян ахлоқий қоидаларнинг умумий асоси, яъни максимаси назарда тутилади. Қ. и. асосий мазмуни қуйидагича: 1) муайян шахс шундай шароит ва хоҳишга мос келадиган иш қилиш имконияти ва мажбуриятига эгаки, ҳар бир инсон хоҳлаган бошқа инсонга нисбатан шу ишни қилиши мумкин бўлсин; 2) муайян шахс бошқа кишиларга шундай ҳуқуқни бериш имкониятига эга бўлиши мумкин ва уни бериши лозим ҳамда шу ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам бериши керак; 3) ҳар бир шахс шундай интилишларга мос келмайдиган ҳаракатлардан сақланиши ва унга йўл қўймаслиги керак. Умуман олганда, Кантнинг Қ.и.нинг мазмуни Конфуций ва Гоббснинг «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга қилма», Локкнинг «Бошқаларга ўзингга раво кўрган нарсани қил!», деган қоидаларига ўхшаб кетади.

Қ.и.нинг бошқача талқинини Кант қуйидаги таърифда беради: «Ўзингга ва бошқа инсонларга восита сифатида эмас, мақсад сифатида қарагин, чунки инсон ҳаёти ўзида энг олий мақсадни мужассамлаштирган». Унинг таълимотига кўра, ахлоқий

қонунларга ҳурмат б-н қараш инсонларни ўз-ўзини ҳурмат қилишга, бурч тақозоси эса шахсий мукамаллик ва бошқаларнинг бахтига сабаб бўлади. Ахлоқийлик фақат бурчни англаш эмас, балки бурчни амалий жиҳатдан бажаришни ҳам талаб этади.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ УСЛУБ — маданий-тарихий воқеаларни ва улардаги умумий-муштарак, ўхшаш ёки фарқли сифат ва хусусиятларни ўзаро солиштириш йўли б-н илмий тадқиқ этиш ва тушунтириш воситаси. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ибн Туфайл, Абу Бакр Ар-Розий ва б.нинг аниқ ва табиий фанларга оид тадқиқотларида, Табарий, Ибн Хурдодбеҳ, Ибн Ҳавқал, Ибн Батута ва б.нинг тарих, география ва этнографияга оид асарларида, Ибн Рушд, Ибн Маъмун, Абул Аъло ал-Маъаррий, Ғаззолий, Ибн Туфайл ва б.ларнинг фал-ий тадқиқотларида, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк», Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида туркий тилшунослик ва адабиётшунослик: этнографияга оид масалалар тадқиқи ва таҳлилида Қ.-т.у. намуналарини кўриш мумкин. Аммо бу услуб муайян илмий йўналиш, махсус тадқиқот услуби сифатида 18-19-а.га келиб, В.Гумбольдт, И.Кант, Я.Гим, Ф.де Сосюра, И.А.Бодуэн де Куртене, А.Н.Веселовский, А.Х.Востоков ва б. олимлар томонидан шакллантирилди. Қ.т.у. ўз вақтида тилшунослик ва этнография соҳаларида тадқиқотларга ҳам кучли таъсир кўрсатади. Тилларни, фольклор, этнография ва адабиёт ҳодисаларини ўзаро қиёсий-тарихий тадқиқ этиш ишлари 20-а.да кенг ривожланди. Ҳоз. вақтда Қ.т.ў. тилшунослик, тарих, социология, ҳуқуқшунослик, адабиётшунослик, этнография, маданиятшунослик каби фанларда ҳам қўлланмоқда. Унинг қиёсий таққослаш усули, тарихий типологик қиёслаш каби ҳар хил кўринишлари мавжуд.

ҚИЁСЛАШ — нарса ва ҳодисаларни умумий ўхшаш ва фарқли белгиларини ўзаро солиштириш орқали нарса ва ҳодисаларни муайян белги ва хусусиятларини туркумлаштириш ва бир тизимга солиш. Бунда уларнинг аънаналик ва тафовутлилик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Исломда, Қуръон, сунна, ижмоъдан сўнг — тўртинчи манба. Дастлабки икки манбада, яъни Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала шунга ўхшаш бошқа масалалар б-н таққослаш орқали шарҳланган. Бу б-н Қ. фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириш, шариатни турмушнинг турли соҳаларига татбиқ қилиш имконини яратган. Қ. кўпинча шариат ҳуқуқи устувор мамлакатларда қўлланилади.

ҚОБИЛИЯТ — инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қ. билимдан кескин равишда фарқланади, чунончи билим бу мутолаа натижаси ҳисоб-

ланса, Қ. шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади. Қ. тушунчасига ёндош ва турдош атамалар қаторига кўникма ҳамда малакаларни киритиш мумкин. Аксарият илмий манбаларда моҳирлик Қ. б-н айнанлаштирилади. Қ. инсон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради. Ҳар қандай Қ. тури шахсга тегишли мураккаб психологик тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун Қ. деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга қурби етадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим.

Барча Қ. учун таянч хусусият — бу кузатувчанликларда, яъни инсонни фаҳмлаш, объектдан у ёки аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Бу ҳолат инсон томонидан нарсаларнинг ўзига хослигини, ижодий фаолият предмети материалларини кўра билиш имконини намоён қилади. Қ.нинг етакчи хусусиятларидан бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. Қ. шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиш б-н бирга, у табиий манбага ҳам эга. Мазкур табиий манба кўпинча зехн тушунчаси б-н юритилади. Зехн муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зехн нишонлари деганда Қ.нинг ички имкониятларини табиий асосини тушуниш мақсадга мувофиқ. Иштиёқ мойиллик, меҳнатсеварлик, ишчанлик, талабчанлик мажмуасининг маҳсулидир. Қ.лар умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий Қ. деганда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қ.лар табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантирилиши мумкин. Қ.нинг ривожланишидаги кейинги йўл оз куч сарф қилинган ҳолда катта самара олиш имкониятига эга. Қ.нинг ривожланиш ва шаклланиш йўллари мавжуд: 1) маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш ва фаолият натижалари сифатида биноан, табиий зехн нишонларини аниқлаш орқали; 2) мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш орқали шахснинг табиий хусусиятларини чиниқтириш; 3) умумлашган ақлий операцияларни шакллантириш; 4) махсус Қ.ни такомиллаштиришнинг инновацион воситаларини қўллаш; 5) шахснинг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш; 6) инсон шахсига индивидуал муносабатни умумий талаблар б-н уйғунликда олиб бориш ва б. Қ.нинг босқичлари талант ва даҳолик (генийлик). Муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган Қ.лар (истеъдодлар) мажмуаси талант дейилади. Муайян жамият ва миллат ҳаётида ижтимоий-тарихий фаолиятда намоён

бўлувчи юксак кўрсаткичли истеъдод, ақл-заковат тараққиётининг чўққиси, нодир индивидуал хусусият даҳолик деб аталади.

ҚОНУН — объектив олам нарса ва ҳодисалари ўртасидаги алоқадорликнинг шакли, бирор бир нарсанинг зарурий равишда пайдо бўлишини ифодаловчи категориянинг «зарурий мавжудлик қондаси», шунингдек, инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи йўл-йўриқ, қондалар йиғиндиси (ахлоқий ва ҳуқуқий Қ.лар). Назарий билимлар тизимида Қ. масаласи марказий ўринни эгаллайди. Агар Беруний, Галилей, Ньютон Қ.лари классик механиканинг негизини яратган бўлса, Ибн Синонинг, тиб қонунлари тиббиёт илмининг асосини ташкил этади. Максвелл қонунлари классик электродинамикада, генетикада Мендель Қ.лари ана шундай аҳамият касб этади. Қ. аввало, муносабатни ифодалайди. Гегель айтганидек, барча мавжуд нарсалар ўзаро муносабатда бўладилар, мана шу ўзаро муносабат ҳар қандай мавжудликнинг асосидир. Ҳар қандай Қ. дунёдаги барқарорликнинг, «сокинлик»нинг инъикосидир, сокинлик эса, муносабат орқали ифодаланади. Ҳар қандай Қ. маълум шароитларда заруриятнинг ифодасидир. Мас., Архимед Қ. и газ ёки суюқликлар учун «оғирлик кучи» ва «итарувчи куч» катталиклари орасидаги зарурий боғланишини кўрсатади. Табиат, жамият ва тафаккур ривожини ифодаловчи Қ.ларни 3 турга ажратиш мумкин: 1) хусусий Қ.; 2) умумий Қ.; 3) энг умумий Қ.лар. Биринчи гуруҳдаги Қ.лар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатан тор доирадаги алоқаларни функционал тарзда ифодалайди. Иккинчи гуруҳга ҳодисаларнинг умумий хоссалари ўртасидаги муносабатни ифодаловчи Қ.лар киради. Учинчи турдаги Қ.лар, табиат, жамият, тафаккур ривожининг энг умумий алоқадорликларини, томонларини, тараққиётини, тенденцияларини ифодалайди. Қ.лар 2 та функцияни бажаради: 1. Тушунтириш; Маълумки фан бирор бир ҳодисанинг шунчаки мавжудлигини, рўй беришини эътироф этмасдан, у қандай мавжуд бўлиши ва рўй беришини тушунтиради, унинг моҳиятини ҳам очиқ беради. Тушунтиришнинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат: сабабий, функционал, структуравий. 2. Башорат қилиш (уларни кўпинча назарий қонунлар ҳам деб аташади). Бу функция эмпирик қонунларнинг мавжудлигини келтириб чиқаришда, башорат қилишда намоён бўлади. Мас., электр наз-яси асосида Максвелл электромагнит тўлқин наз-ясини яратишга муваффақ бўлди, сўнг ушбу фундаментал наз-я асосида бир қанча тажрибалар ўтказилди, эмпирик Қ.лар кашф этилди. Жамият Қ.лари ҳам инсон ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади, ана шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Асосий Қонун — Конституция (1992) ва қонунлар мажмуи яратилди. Улар мамлакатимизда демократик жамият ва эркин ҳаёт

барпо этиш воситасидир. Қ. категориясининг мазмунини чуқурроқ билиш объектив оламдаги ва жамиятдаги ўзаро алоқадорлик моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади.

ҚОРАБОҒИЙ ЮСУФ (тўлиқ исми: Ибн Муҳаммад-жон Юсуф ал-Қорабоғий ал-Муҳаммад Шоҳий 1563, Озарбайжон, Қорабоғ — 1647, Бухоро) — файласуф ва фақиҳ. Дастлабки маълумотни Қорабоғда олиб, 1579 й. Ширвонга келади. Сиёсий нотинчликлар туфайли, Шерозга жўнайди ва Ҳабибулла Мирзажон Шерозийдан таълим олади. Қ. 23 ёшида устози б-н 1586 й. Самарқандга келиб, Кубравия таълимотининг фаол тарғиботчисига айланади. Умри охирида Бухоронинг Сепулон мавзесида яшайди. Қ. «Рисолайи ботинийа» ёки «Етти жаннат», «Фи таърифи илм», «Мафотиҳ», «Хилватийа», «Хонақоҳий» ҳамда кўплаб рисоалар муаллифидир. Ўз асарларида оламни ривожланишини пантеистик нуқтаи назардан таҳлил қилади. Дунёдаги ҳамма нарсаларнинг бош сабаби Худодир, деган фикрда туради. Моддий оламни тўрт унсур ташкил этади. Улар бир-бири б-н диалектик боғлиқликда бўлади. Обьектив оламдаги ҳамма ашё ва ҳодисалар сабаб ва оқибат натижасида ривож топади. «Агар сабаб йўқлиги таъкидланса, у вақтда албатта, натижа ҳам йўқ бўлади, деб таъкидлайди. Олим дунёқарашининг муҳим хусусияти шундан иборатки, агар перипатетиклар ҳаракатнинг тўрт тури: пайдо бўлиш ва ҳалок бўлиш, жойини ўзгартириш, озайиш ёки кўпайиш, ҳаракатни ўзгартириши ҳақида фикр юритган бўлсалар, Садриддин Шерозий субстанционал ҳаракатни киритган. Қ. эса, субстанционал ҳаракатни ҳам, акцидентал ҳаракатни ҳам тан олиб, уларни янги-ланиш ва ўзгариш деб атайди. «Олам, — дейди фай., — ўзининг барча қисм ва зарралари б-н, субстанциялари ва акциденциялари (жавҳар ва аразлари) б-н доимий янги-ланишдадир. Мутафаккир инсоннинг руҳий кучлари тўғрисида фикр юритиб, «Руҳ» тушунчасини моддийлаштиради. Бу тушунча орқали у инсон жисми аъзоларининг вазифасини тушунади. Жонли жисм ўзининг намоён бўлишида бир-биридан фарқ қилади, деган қондалдан келиб чиқиб, олим ўсимликлар, наботот дунёси, озиқланиш, ўсиш, кўпайиш қобилятига, тирик мавжудотлар, инсон зоти юқоридаги хусусиятлардан ташқари, ташқи оламни ҳиссий идрок этиш қобилятига эга эканлигини таъкидлайди. Қ.нинг фал-ий қарашларида руҳ б-н тананинг ўзаро муносабати масаласи муҳим ўрин эгаллайди. У Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган «таносух», яъни руҳнинг кўчиб юриши тўғрисидаги таълимотни танқид қилади. «Ҳар бир жисм, — дейди у — пайдо бўлишида руҳ ҳам пайдо бўлади. Чунки, руҳ яратилгандир, унинг яратилиши ўз сабабиятидан моддага муҳтож. Руҳ моддаси жисм ҳисобланади ва унинг маҳв бўлиш сабаби жисмнинг йўқ бўлиши б-н йўқ бўлади ва

унинг пайдо бўлиши б-н пайдо бўлади». Шундай қилиб, Қ. инсон ўлгандан кейин руҳ бошқа жисмда яшайди, деган фикрга қарши чиқади. Шу б-н бирга, у жонни бир жисмдан иккинчисига кўчишини ҳам рад этади. Олим фикрига кўра, «агар ўлган таналар руҳи бошқасига кўчганида эди, унда ўлганлар сони тирикларга мос келган бўларди. Бу ақиданинг сохталиги аён, зероки жанг-суронлар, оммавий вабо оқибатида сон-саноксиз одамлар қирилиб кетади. Шунингдек, аёнки, бу йўқотилган алад кўп асрлар мобайнида ҳам қайта тикланмайди. Бу далил, шубҳасиз, руҳ бир жисмдан иккинчисига кўчади, деган таълимотнинг сохталигини ҳам кўрсатади». «Етти жаннат», «Рисолайи ботинийя» рисолаларида инсон ўз билимларини атроф-теваракни билиш натижасида, яъни ҳиссиёт, тасаввурот, хотира ва ақл ёрдамида олади, деган ғояни илгари суради. Унингча, билимнинг бошланғичи ҳиссиётдир. Ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳис аъзоларига таъсири натижасида инсонда сезгилар пайдо бўлади, сўнгра эса тасаввур, фикр яратилади. Ҳиссий билишдан фарқи ўлароқ, маъхум тафаккур билишнинг янги босқичи ҳисобланади. Олим фикрича, ақл б-н тасаввур қилинадиган нарса тушунарли бўлади. Тафаккур билиш занжиридаги олий босқич бўлиб, ҳиссийлик объектига таянади.

Қ. ўзининг фал-ий қарашларида Форобий, Ибн Сино, Насириддин Тусий, Жалолиддин Давоний каби салафларнинг энг яхши фал-ий анъаналарини давом эттирди, Унинг мероси ўрта асрлар ижтимоий-фал-ий фикри ривожига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди.

ҚОСИМИ АНВАР — темурийлар давридаги адабиёт ва тасаввуфнинг йирик вакилларида бири. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва б. манбаларда келтирилишича, Қ.А. ёшлигидан Садриддин Ардабийга мурид бўлиб, сўфийлик тариқатини мукамал эгаллайди. 1426 йили Ҳиротнинг масжидида Шоҳруҳга қарши фитна уюштирилади. Ҳуруфийлар оқимига мансуб бўлган Аҳмад Лур деган шахс Шоҳруҳга пичоқ уриб, уни ярадор қилади. Шу ернинг ўзидаёқ Аҳмад Лур ўлдирилади. Юқоридаги воқеа туфайли Қ.А. ҳуруфийлар б-н яқин алоқада бўлганликда ва фитнада қўли борлигида айбланиб, Ҳиротдан Самарқандга сургун қилинади. Самарқандни бошқариб турган Улуғбек уни яхши кутиб олади. Ҳуруфийлар шаҳар камбағаллари ва ҳунармандларининг манфаатини ҳимоя қилиб, зўравонлик, жабр-зулм, зодагонларнинг ўзбошимчалигига қарши кураш олиб бордилар. Марказий Осиё ва Хуросонда бу оқим тарафдорлари, гарчи улар кўпчиликни ташкил этмасида, ҳокимият учун зимдан кураш олиб бордилар, ҳар хил фитна ва ғалаёнлар уюштириб турганликлари боис Темурийлар, айниқса, Шоҳруҳ ва б.

ҳокимлар ҳуруфийлик оқими тарафдорини таъқиб остига олганлар. Қ.А. ижоди ва дунёқарашини тадқиқ этган олимларнинг аксарияти, шу жумладан, Е.Браун, З.А.Кулизода ва б.лар ҳуруфийлик оқими шоир ижодига таъсир кўрсатган бўлса-да, уни тасаввуф оқимининг йирик вакили, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, Қ.А.нинг қолдирган адабий ва илмий мероси ана шундай далолат беради.

Мутафаккирнинг «Анис ул-ошиқин» («Ошиқлар дўсти») маснавийси, («Анис ул-орифин» ҳам деб юритилади), «Сад мақом дар истилоҳи сўфия» («Тасаввуф атамаларида юз мақом»), «Рисолайи адади мақомот» («Мақомларнинг сони ҳақида рисола»), «Рисола дар баёни илм» («Билим ҳақида рисола»), «Савол ва жавоб» рисоласи ва б. асарлари мавжуд. Қ.А. нинг ижодий меросини ўрганиш шундан далолат берадики, у Темурийлар даврининг йирик мутафаккири, шоири бўлган ва ўша давр маънавий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган.

ҚУРЪОНИ КАРИМ — 30 пора (қисм), 114 сура, 6236 оят (Замаҳшарийга кўра, 6666 оят), 77439 калима, 325743 ҳарфдан иборат (оятлардаги адалнинг фарқли бўлишига сабаб, Ислом уламолари Қ.к. сураларининг бошида келадиган «ҳуруфи муқаттаот» ва «Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим» калимасини санаган ва санамаганларидадир) Ислом динининг муқаддас Китоби. Қ.к. маккий ва мадинавий сураларига бўлинади. Қ.к.нинг 86 сура, 4613 ояти Маккада 610-622 й.ларда, 28 сура, 1623 ояти Мадинада 622-632 й.ларда (Абдулазиз Мансурга кўра, 91 та сура 4780 та оят Маккада, 23 та сура, 1456 та оят Мадинада) Муҳаммад (с.а.в) га Аллоҳдан ваҳий (Жаброил) орқали туширилган. Қ.к.да аввалги замондаги пайгамбарлар ҳаётидан ибрат ва сабоқлар келтирилиб одамларни тавҳидга (яккаҳудоликка) чақирилади. Ҳамда Қ.к. ўша давр халқлари турмуш тарзига муносабат шаклида интиҳогача бутун умматга сабоқ, яъни адабий, фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, тиббий хусусиятлари, илмий ҳукмлари, коинот ҳақиқатлари, қонун-қоидаларининг математик тизимда арабчада туширилиш ҳодисаси бўлиб, унда физик, математик, биологик ва квант механикасига оид мўъжизалари ҳам яширин акс этгандир. Қ.к.даги 114 суранинг 29 таси араб алифбосидаги «алиф», «лом», «мим», «сод», «ро», «қоф», «ҳо», «ё», «айн», «то», «син», «нун» ҳарфлари кўринишидаги шифрлар (тафсилларда бу ҳарфларни «ҳуруфи муқаттаот» дейдилар) б-н бошланади. Бу ҳарфлар оятлардир, яъни илмий очқичлардир. Ислом олимлари уларнинг асл маънолари ёлғиз Яратганга аён, деган тўхтамга келганлар. 40 ёшга тўлган Муҳаммад (с.а.в.)га Ҳиро тоғида рисолат етди. Яъни Қ.к.нинг илк оятлари («Эй, Муҳаммад (с.а.в.), ўқинг, ўқинг яратган Раббингиз номи билан! У ин-

сонни лахта қондан яратди. У инсонга барча билмаган нарсаларини қалам воситаси ила таълим берди» (Алақ сураси, 1,2 — оятлар) нозил қилинди. Ўша даврда Арабистон ярим оролида яшовчи халқлар саводсиз бўлишларига қарамай, қувваи ҳофизалари кучли, эшитган шеърларини, солномаларни ва насабномаларни бир зумда ёд олаверадиган фазилатга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам Қ.к. оятларини у пайтларда нашриёт ишлари йўлга қўйилмаганлиги, қоғозларга ёзиб бориш кенг жорий этилмаганлиги сабабли, саҳобаларнинг (пайғамбарнинг динни қабул қилган замондошлари, дўст-биродарлари) кўплари ёдларида сақлаб, кўплари ҳайвон териларига, ёғочларга, дарахтларнинг пўстларига, фил суякларига ва шунга ўхшаш буюмларга ёзиб борганлар. Ҳамда Қ.к. оятларини ўз вақтида ёзиб бориш учун Муҳаммад (с.а.в.) ўзларига тўртта котиб (Али ибн Абу Толиб, Муовия ибн Абу Суфён, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собитларни) тайин этганлар. Қ.к.ни мукаммал ёд олган саҳобалар кам бўлган. Устига устак «Ямома» жангида 70 та ва «Мауна» жангида яна 70 та, жами 140 та ҳофизни Куръон даражасига етишган қорилар шаҳид бўладилар. Мана шундай ҳодисалар сабабли Қ.к.ни китоб ҳолига келтириш эҳтиёжи туғилади. Машҳур муҳаддис Абу Убайд ал-Ҳиравийнинг нақл қилишича, Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотига қадар ҳофизни Куръонларнинг сони 24 нафар саҳобаларни ташкил қилган. Қ.к. оятлари мукаммал нозил қилиниб тугатилганлиги Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин маълум бўлди. Қ.к. оятлари нозил бўлиш тартиби б-н ёзиб борилмаган, балки Муҳаммад (с.а.в.) ҳар бир сурани ва оятни қайси жойга, қайси оятдан олдин ёки кейин ёзишликни мунтазам кўрсатган. Саҳифаларни жам қилиш ва тўлиқ бир китоб шаклига келтириш ҳаракати Хулафои Рошидин даврининг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) замонида бошланган. Бу муҳим вазифани Собит ўғли Зайд бошчилигида тўпланган қурролар ҳайъати бажарди. Собит ўғли Зайд ғоят эҳтиёткорлик б-н иш кўрди. Қ.к. оятларини фақат қориларнинг хотирасидагиларни етарли деб билмади. Айна дамда, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлигида тайин этган ваҳий котиблар томонидан ёзилган ҳамма оятларни қўлга олди. Ҳар бир оят учун икки одил шоҳид (гувоҳ) эшитилди. Гувоҳлар Пайғамбар (с.а.в.) кўз ўнгиди бу оятларнинг ҳақиқатан ёзилганлигига гувоҳлик беришган. Халифа Абу Бакр (р.а.) замонида тўпланган бу Қ.к. нусхаси иккинчи халифа Умар (р.а.) га ўтади. Кейин, Умарнинг қизи ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг завжаси (хотини) Ҳафсага қолади. Қ.к.ни китоб ҳолига келтириш учинчи халифа Усмон (р.а.) даврида якунига етди. 650 йил (ҳижрий 30 йил) Усмон (р.а.) халифалиги даврида Қ.к.нинг ўқилиши борасида баъзи ихтилофлар ўртага чиққач, иккинчи ҳайъат яна тўпланади. Ҳайъат ра-

иси қилиб Собит ўғли Зайд сайланади. Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос, Ибн Аббос, Анас ибн Моликлар ҳайъат аъзолари этиб тайинланадилар. Ҳафсадан келтирилган Қ.к. нусхаси асос тутилиб кўпайтирилади. Бу иккинчи ҳайъатда саҳобалардан 12 киши бор эди. Қ.к. бир ривоятга кўра, 5 нусха, бошқа ривоятларга қараганда 6 ёки 7 нусха қилиб тайёрланади ва мусулмон мамлакатларига юборилади. Шундан кейин, Усмон (р.а.) ўша даврга қадар кимда ўзича ҳар кимлардан эшитиб ёки кўчириб олган саҳифалар бўлса уларни куйдириб юборишга ва фақат сўнгги ҳайъат тасдиқлаган Қ.к. нусхаларига риоя этишга буйруқ чиқаради. Қ.к. нусхаларидан бирини Ҳазрати Усмон Мадинада ўзида олиб қолиб, (Ҳафсанинг Китоби ўзига қайтарилади) қолган нусхалари Макка, Шом, Яман, Баҳрайн, Басра, Куфа шаҳарларига бир дондан юборилади. Қ.к.нинг илк нусхалари ўша даврдаги арабларнинг асосий ёзуви саналмиш «куфий» хати б-н ёзила бошлаган. Кейинчалик, араб ёзуви тараққий этиб борган сари Қ.к. хати ҳам ривожланиб, ҳозирда «наسخ» ва «сулс» деб аталувчи нуқталар, ҳаракатлар б-н ишоратлаб кўчириш ишлари амалга оширилди. Бизнинг диёри-мизга ҳам мазкур мусҳафи Усманий нусхаларидан бири турли сабаблар б-н етиб келган ва айна пайтда Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланиб келинмоқда. Қ.к.га нуқта ва ҳаракатлар қўйиш иши ҳақида уч хил ривоят бор:

- 1) Уммавий халифаларидан Абдулмалик замонида, илк дафъа ҳаракатни ўртага қўйган шахс Абу Асвад бўлса, Қ.к.ни биринчи бўлиб ҳаракатлар б-н ишоратлаб чиққан эса Наср ибн Осим бўлди. Наср машҳур олим Ҳажжожнинг котибларидан эди.
- 2) Тарихчи, машҳур муҳаддис Ҳофиз Заҳабий маълумотида кўра, Қ.к.га нуқта ва ҳаракатларни қўйиб кўчириш иши Уммавийлар даврида, Хурсонда Марв ҳокими Яҳё ибн Яъмар (вафоти ҳижрий 89. мил. 707 й.) томонидан амалга оширилган.
- 3) Миср тарихчиси, муҳаддис Жалолиддин Сукутийнинг ривоятларига кўра, Қ.к.га нуқталар қўйиб чиққан киши машҳур мужтаҳид Ҳасан Басрий ҳазратлари (вафоти ҳижрий 110. мил. 728 й.) эди. Қ.к.нинг бошқа ишоратларини тамомлаган киши Холид ибн Аҳмад (вафоти ҳижрий 170. мил. 789 й.) бўлди. Қ.к. шунча давр ўтганига қарамай 23 йил мобайнида Муҳаммад (с.а.в.)га қандай нозил этилган бўлса, шундай таблиғ этилиб, сўзма-сўз, ҳарф-ма-ҳарф, асл ҳолича муҳофаза бўлиб, ҳозирга қадар етиб келди ва турли тилларга таржима қилинмоқда. Бироқ, бу таржима эмас, балки олимларнинг ижмоъсига кўра, Қ.к. маънолари, яъни тафсилларидир. Ана шундай таржима Ўзбекистонда А. Мансур томонидан амалга оширилди ва у «Тошкент ислом университети» нашриётида чоп этилди.

Ғ

ҒАЗЗОЛИЙ Абу Ҳомид Зайниддин Муҳаммад ибн Муҳаммад (1058 — Тус — 1111) — ислом фалсафасининг намояндаси. Укаси Аҳмад б-н ёшлигида отадан егим қолишган. Амакиси кўлида тарбия кўрган. «Умрининг ибтидосида Тусда ва Нишопурда улум (илмлар) таҳсилига ва анинг такмилига иштиғол кўрғазди» (А.Навойи, «Насойим-ул-муҳаббат»), Тусда имом Аҳмад ар-Родконийдан таълим олди. Сўнгра илм-маърифат излаб, Журжон ва Нишопурга борди. Калом ва фикҳ илмини Нишопурда ал-Ашъария уламоси Имом ал-Ҳарамайн Жувайний (ваф. 1085)дан ўрганди. Ёш олим Салжуқийлар вазири Низомулмулкнинг назарига тушди ва Боғдоддаги «Низомия» мадрасасида мударрис этиб тайинланди. Ғ. «Низомия»да олим ва фақиҳ сифатида катта шуҳрат қозонди. Ҳаж сафарини адо этгач, ўн йил домдараксиз, ҳеч қаерда, ҳеч кимга кўринмай яшади. Ғ. ҳаётидаги бу катта ўзгариш ҳақида турли тахминлар мавжуд. Аммо Ғ.нинг ўзи «Алқистас ал-мустақим» («Ҳақ йўл мезонлари») ва «Ал-Мунқиз мин аз-залал» («Залолатлардан қутқарувчи китоб»)да баён этишича, қонуншунос, фақиҳ, илоҳиётчи олим сифатида машҳурлиги, ноҳақ фатволар бериш эҳтимоли туфайли дўзах азобидан кўрқиб, нуфузли мансаб ва обрўсидан, бойликларидан ҳам воз кечиб, дарвешликни ихтиёр қилиб, дарбадар кезган Ғ. Бағдодга қайтиб келади. Низомулмулкнинг ўлиmidан сўнг вазир бўлган ўғли Фахрулмулк 1106 й.да Ғ.ни яна «Низомия» мадрасасида дарс беришга тайинлайди. Мана шу вақтларда у «Ал-Мунқиз мин аз-залал» асарини ёзади. Ғ. «Таҳофут ал-фалосифа» («Файласуфларнинг зиддиятлари» ёки «Файласуфларнинг ғоизчиллиги»), «Мақосид-ул-фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари») асарларида аҳли сунна вал-жамоа тариқини ёқлаб, куфр ҳисобланган таълимотларни қаттиқ танқид қилган. Ҳатто у Аристотель ва унинг издошлари — перипатетиклар фалсини давом эттирганида ҳам бу даврда фал. илоҳиёт, калом илмларига уйғунлашган эди. Зотан, Ғ.нинг ўзи юқорида айтилган нодир асарлари б-н илоҳиёт ва фал.ни «яраштирган», бир-бирига яқинлаштирган эди. Ғ.нинг мана шу асарларидан сўнг ислом оламида муътазила ва ал-ашъария оқимларига ҳам, фай.ларга ҳам кенг йўл очилди. «Ал-мунқиз мин аз-залал» асарида у айрим ўзини авлиё деб билувчи сўфийларнинг хатотларини кўрсатган бўлса-да, ўзи умрининг охиригача тасаввуфнинг маънавий юксалиш, поклик, зоҳидлик, вараъ, тақво, фақирлик ғояларига содиқ қолди. Умрининг охириги йилларида Ғ. яна мадрасани, Бағдодни тарк этди. Тусга қайтиб, қолган умрини зоҳидлардек ўтказди. Ғ.нинг асосий шоҳ асарларидан бири 5 жилдли «Иҳйа ал улум

ад-дин» («Диний илмларнинг тирилиши») асарини ўн йиллик ҳижрат даврида ёзган. Бу асарида Ғ. аҳли сунна вал-жамоа ақидасини моддийончи фай.лардан, исмоилийлардан ҳимоя қилди. Ғ. Қуръон ва ҳадисларга асосланиб, шариат ва тасаввуф муносабатларини бир-бирига зид деб ўйлаш хато эканлигини тушунтирди. У «Кимёи саодат» асарида инсон руҳий олами иллатлардан тозаланса, инсон фаришталар оламига яқинлашади, чунки аслида инсоннинг дили — Арши аълодан келган меҳмон. Бу дунёда дилни турли ҳою-ҳаваслар б-н, ҳирс ва еб-ичишга ружу қўйиш б-н ифлослантурса, ҳайвонот оламига, ундан баттари, дев ва шайтонлар оламига яқинлашади, деб тушунтиради. Ғ.нинг «Кимёи саодат» асари араб тилида ёзилган 5 жилдли «Ал-иҳйа ал-улум ад-дин» асарининг форсий тилдаги мухтасар шаклидир. Ислом оламидаги барча халқлар орасида «Иҳйа»га нисбатан, «Кимёи саодат» жуда катта шуҳрат қозонди. Бунинг асосий сабаби, «Кимёи саодат»да Ғ. мураккаб илмий услубдан воз кечиб, ахлоқий-фал-ий қарашларини гўзал ва образли тилда баён этган. Европа олимлари (Жон Беньян, Франческо Петрарка, Август Толук ва блар) нинг эътироф этишларича, Ғ. дин ва фал.да шундай юксак фазилатларни топдики, улар ёрдамида барча ҳақ динларнинг замири, ички маъно, моҳиятидан келиб чиқиб, дин — барча фай.ларга сув ва ҳаводай зарур маънавий озик беришини далиллаб, илми гайб, тасаввуф ва фал.нинг умумий илдишларини очиб берган. Ғ. талқин ва тафсир этган Қуръон ғоялари яҳудий ва масиҳийлик динлари учун ҳам азиз эканини исботлаб берди. Август Толук фикрича, «Ғ. қалбидаги барча эзгуликларни, азиз ва юксак туйғуларни, бой илми ва пок амалларини Муҳаммад динига бағишлади. У Аристотел фал. ва сўфийларнинг тариқатларида мавжуд энг азиз ғоялар ислом илоҳиётида борлигини кўрсатиб берди». Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ёзишича, Ғ.нинг «Жавоҳир ул-Қуръон» ва «Мушкот ул-анвор» асарлари атоқли авлиёлар, сўфийларнинг хонақоҳларида асосий сабоқ китобларидан ҳисобланган. Ғ.нинг жаҳон фал. тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган «Таҳофут ул-фалосифа» («Файласуфларга раддия») асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб файласуфлари ва илоҳиётчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бларнинг фал. қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. У «Ал-қавл ал-жамил фи-радди ала мин гаййар ал-Инжил» («Инжилни ўзгартириб, бузувчиларга қарши муносиб сўзлар») асарида масиҳийликнинг бузилмаган кўриниши ислом таълимоти, хусусан тасаввуфга жуда яқинлигини исботлайди. Ғ.масиҳийлар ҳақида

меҳр ва ҳурмат б-н ёзгани учун баъзи мутаассиблар уни куфрликда ҳам айблаган. У сўфийлик йўлидаги камолот фақат танланган, нодир инсонларга хосдир, барча мусулмонлар Ҳаққа яқинликка муносиб эмас, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, у авом халққа бошқа сўзларни айтади ва ҳол илмига доир билимларни барчага айтишга рухсат йўқ, деб тушунтиради. Чунки, *Ф.* фикрича, авом одамлар олий ҳақиқатларни билишга тоқатлари етмайди. Айни вақтда у, тасаввуфга кириш учун барчага йўл очик, лекин кўпчилик бу йўлнинг машаққат — риёзатларига чидамайди, дейди. *Ф.* «Мезон ул-амал» асарида комил инсоннинг иймон-эътиқоди бошқа мусулмонлар иймонидан фарқланишини айтади. Аммо бу фарқларни ҳам барчага ошқора айтиш мумкин эмас. *Ф.*нинг билиш наз-сига оид қарашлари фал. илмлари ва б. фанлар учун ҳам қимматлидир. *Ф.* фикрича, тасаввуф аҳли турли ҳол мақомларида бошқалар юз йилда эришолмаган билимларга бир неча лаҳзада эриша оладилар. Ўзбекистонда миллий истиқлол туфайли *Ф.* ижодий, фал. ва маънавий меросини ўрганишга йўл очилди.

ҒАЙБ (*араб.* ғоиб бўлмоқ) — бировдан ажралиб узоқ яшамоқ, ҳақ ва тўғри йўлдан адашмоқ, ўз ҳаёлот дунёсига тортилмоқ, ўзидан кетмоқ, ҳар бир пинҳон нарса ва ҳодиса кўнгилда зоҳир бўлиб турса ҳам кўздан яширин бўлган нарса. *Ғ.* ҳузур сўзининг қарама-қарши маъноси. *Ғ.* сўзи исми фоил (эга) ўрнида, яъни *Ғ.* маъносида ишлатилади. Куръондаги «юъминувна бил-ғайб» (кўзга кўринмайдиган нарсаларга ишонадилар) ояти ана шу маънони ифодалайди. *Ғ.* сўзи, Худо, фаришталар, илоҳий китоблар, пайғамбарлар, қиёмат куни, биҳишт ва дўзах, савоб ва жазо ва қайта тирилишдан киноя бўлиб, буларнинг ҳаммаси *Ғ.* ҳисобланади. «Кашшофу истилоҳотил-фунун» китобида ёзилишича *Ғ.* яширин нарсалардан иборат бўлиб, уларни сезги аъзолари орқали идрок этиш мумкин эмас, ақл ҳам уларнинг идрокини тақозо етмайди. Улар икки турда бўлади: биринчи тури учун ақлий ва нақлий (ривоят этилган) далил мавжуд эмас. Қуйидаги оятдаги *Ғ.* сўзи шулар жумласидандир. (таржимаси: ғайб (яъни, яширин ишлар) калитлари унинг ҳузуридандир. Уларни унинг ўзидан б. ҳеч ким билмас). Иккинчи тури учун ақлий ёки нақлий далил мавжуд бўлади. Мас., ярагувчи ва унинг сифатларининг борлиги, қиёмат куни ва унинг қайфиятлари. Эслатиб ўтилган биринчи оятдаги *Ғ.* сўзида шу иккинчи маъно назарда тутилган.

Ғ. Имом (имоми ғоиб) — жаъфарий шиалар эътиқодига кўра Алининг авлодларидан бўлмиш ўн иккинчи имом Муҳаммад ибн Ҳасан Аскарӣй, (Имоми Маҳдий ва Имом мунтазар — қайтиб келиши кутилган имом) бўлиб, ботиний исмоилийлар ақидасига кўра, имом Жаъфарнинг ўғли

еттинчи имом деб тан олинган Исмоил ибн Жаъфар ва қирмитийларча унинг ўғли Муҳаммад ибн Исмоил имом Маҳдий деб ҳисобланади. Имом Маҳдий Соҳибуззамон (замон эгаси), Валиий аср (аср валийси) ва б. лақаблар б-н ҳам аталади. Шиалар назарида Имом Маҳдий охирзамонда *Ғ.* олаמידан чиқиб, бутун дунёда адолат мезонини барпо қилади.

Ғ. сўзидан келиб чиққан атамалар:

Ғ. Қўли —яширин қудратдан киноя. Рижолул *Ғ.* — тасаввуфда «қутб» риёсати остида турган кишилар. Турли манбаларда айтилишича, рижолул *Ғ.* назарлардан яширин ҳаракатда бўлган еттита аҳдulloҳдан иборат бўлмиш дунё атрофида айлана шаклда ҳаракатда бўлган ва кўзга кўринмайдиган кишилар. *Ғ.* олами муфассирлар назарида инсон учун мажҳул бўлиб, сезги органлари б-н сезилмайдиган, ақл орқали тушуниб бўлмайдиган ва фақат пайғамбарлар орқали билиб олиши мумкин бўлган нарсалардан иборат. Унинг антоними «олами шухуд» ёки «олами шаҳодат», яъни кўзга кўринадиган оламдир. Илмиул *Ғ.*—*Ғ.*донлик, *Ғ.*ни айтиб бериш илми. Ғайбул Ғууб — Ғайбул макнун ва Ғайбул масундан мақсад Аллоҳ ягоналигининг мартабасидир. (Фал. атамалари. Сажжодий). Журжоний «Ат-таърифот»да айтишича, Ғайбул макнун, илоҳий ҳақиқатнинг сиру асроридан иборат бўлиб, уни Аллоҳдан б. киши билмайди, шунинг учун кўзлардан яшириндир.

ФИЖДУВОНИЙ Абдуҳолик — (1103 Фиждувон — 1220 йилда вафот этган). — Нақшбандия таълимотининг асосчиси. *Ғ.* дастлаб ўз қишлоғида Имом Садриддин номли донишманддан таълим олиб, кейин Бухорога бориб, ўша даврдаги улкан мутаасаввиф олим Шайх Юсуф Ҳамадонийдан сабоқ олади. У устози б-н биргаликда Бағдод, Исфаҳон, Балх, Марв, Самарқанд шаҳарларига сафар қилади. Ҳамадоний Хуросонга қайтгач, *Ғ.* унинг ўрнига ўтириб, кўплаб шогирдлар тарбиялайди, унинг таълимотини ривожлантиради. *Ғ.* ўзининг Хожагон (кейинроқ «нақшбандия» деб аталган) тасаввуфий таълимотида кишиларни Ҳақ йўлига, поклик, софдиллик, ҳалолик, меҳр-шафқатга даъват қилади. У ўз муридлари учун хулқ-одоб ва таълим-тарбия қоидаларини ишлаб чиқади. Уларда муридларни ҳадис ва фикҳ илмларини ўрганишга, парҳез қилишга, кам гапиришга, молпараст ва дунёпарастликка берилмасликка, таъмагир бўлмасликка чақирилади. Нақшбандиянинг 11 та қоидасидан 4 таси *Ғ.* томонидан илгари сурилган. Булар ҳуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан ва хилват дар анжуман рашаҳа, яъни, қатраладир. *Ғ.* мероси собиқ иттифоқ даврида ўрганилмас эди, истиқлол бу борада ҳам имконият очди. Президент И. Каримов раҳбарлигида *Ғ.* номи қайта тиклан-

ди, 2003 йилда таваллуди кенг нишонланди, Ғиж-дувонда улкан мажмуа барпо этилди.

ҒОЯ — инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр. Инсон онгининг маҳсули сифатида Ғлар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам Ғ. бўла олмайди. Ғлар, гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто, ғайри шуурий қатламларга ҳам сингиб боради. Ғ. шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади. Турли диний ақидалар, фал.-ий таълимотлар, илмий қарашлар, бадиий асарларнинг негизда муайян Ғлар ётади. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадлари ҳам Ғларда акс этади. Ғ. комил инсонларнинг иймон-этиқоди, дунёқарашини ўзагини, ҳаёт мазмунини ташкил этади. Улар эзгу Ғ. деб яшайдилар, бу йўлда, ҳатто, жон фидо қиладилар. Тарихда ўз жасорати, мардлиги ва қаҳрамонлиги билан из қолдирган буюк инсонлар, албатта, юксак Ғ. соҳиблари бўлганлар. Ғлар жуда қадимий тарихга эга. Маълум маънода инсоният тарихини Ғлар тарихи сифатида талқин қилиш мумкин. Ғнинг турлари кўп. Фақат юксак жозоба кучига эга бўлган, ҳақиқатга яқин Ғларгина жамиятда кенг тарқалади.

Инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли ғоялар тарихидан, яъни турли фикр-мулоҳазалар, қарашлар орасидаги кураш тарихидан ҳам иборатдир. Инсон тафаккурининг маҳсули бўлган Ғлар мазмуни ва характерига қараб, миллий ёки умуминсоний, илмий ёки ғайриилмий, диний ёки дунёвий, бунёдкор ёки вайронкор бўлиши мумкин. Ғлар эзгуликка ёки ёвузликка, озодликка ёки истибдодга, маърифатга ёки жаҳолатга хизмат қилган. Чунки, инсон қалбида яхшилик б-н ёмонлик, бунёдкорлик б-н вайронкорлик ҳамиша курашиб келади. Ғар қандай Ғнинг асосида билим ётади. Билимларнинг Ғга айланиши жараёнини таҳлил қилганда қуйидаги уч ҳолатга эътиборни қаратмоқ лозим: 1. Ўрганилаётган ҳодиса ёки воқеа ҳақидаги билимларнинг аниқ бўлиши, билимлар ҳодисада, воқеада, жараёнда бўлаётган ўзгаришларни аниқ ва тўла акс эттириши. 2. Тўпланган билимларни амалиётга қўллаш учун эҳтиёж, яъни заруриятнинг ортиб бориши. 3. Билимларни ишлаб чиқарган кишиларни (олимлар, шоирлар, ёзувчиларни) жамиятда содир бўлаётган воқеалар ёки табиий муҳитда вужудга келган муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун ўз олдларига қўйган мақсад-вазифанинг аниқлиги, режанинг пухталиги. Янги ишлаб чиқилган Ғлар фақат моддий воситалар (меҳнат қуроллари) ёрда-

мида эмас, балки инсоннинг руҳий, маънавий энергияси (ҳис-туйғулари, иродаси, эътиқоди) ёрдамида ҳам амалга ошади.

ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ — муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати. Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда Ғ.б. вужудга келади. Ғ.б.нинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар б-н боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади. Ғ.б. пайдо бўлишининг яна бир манбаи — жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, Ғ.б. пайдо бўлади, ишонч-этиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди. Ғ.б., имонсизлик, манқуртлик жамият учун жиддий хавф солади. Агар Ғ.б. пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажagini ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият Ғ.б. пайдо бўлишига йўл қўймастик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади. Миллий истиқлол мафкураси Ғ.б.қа йўл қўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар билан бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

ҒОЯВИЙ ЗАИФЛИК — жамият, давлат ёки халқнинг мафкуравий масалаларда уюшмагани, маънавиятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолати. Ғ.з. халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзуинтилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкуранинг

йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келади. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказида, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, Чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди. Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси ҳаётбахш ва адолатли ғояларни ўз ичига олади, тушунтириш ва ишонтириш, таълим-тарбия ва маърифат йўли билан, фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда, юксак маънавият ва мафкуравий қатъиятни Ғ.з.ка қарши қўяди.

ҒОЯВИЙ ЗИДДИЯТ — турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи ғоялар ва уларга таянадиган куч ва ҳаракатлар ўртасидаги қарама-қарши муносабатни ифодаловчи тушунча. Бундай зиддиятнинг замирида талаб-эҳтиёжлар, мақсад-муддаолар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар хиллиги ётади. Озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари б-н босқинчилик, тажовузкорлик ва мустабидлик ғоялари ўртасидаги кураш бунинг ёрқин мисолидир. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг қарама-қаршиси бўлган зулм ва зўравонлик, қабохат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзотнинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини асло тўхтата олмайди. Ғ.з. ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинди. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилди. Босқинчиларнинг динлари, қадриятлари зўрлаб ўтказилди. Эрк ва мустақиллик, адолат ва ҳаққоният ғоялари шафқатсиз равишда бўғиб қўйилди. Инсоният ўзлигини англай бошлаган ҳозирги замондагина ғоявий зиддиятларни демократия ва плюрализм тамойили асосида ҳал қилиш имкониятлари очила бошлади. Шунинг учун ҳам юксак маданиятни мужассам этган ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳақидаги тамойил майдонга ташланди.

ҒОЯВИЙ МУТААССИБЛИК — тўғри деб ҳисобланган муайян фикр, ғоя, ақида ва шу йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўрона инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиёт. Ғ.м. турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, улардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблашга, ўз қарашларини мут-

лақлаштиришга, унга қўшилмайдиганларга қарши фаолият олиб боришга, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизиция, баъзи Ғарб мамлакатларидаги неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари Ғ.м.ка мисол бўла олади. Собиқ Иттифоқдаги ҳукмрон мафкура ҳам ана шундай жиҳатларга эга эди. Унинг фатвоси билан ўзгача фикрлаган кишилар, масалан, жадидлар, маданият ва адабиёт намояндalари қатағон қилинган, ҳатто, фаннинг бутун бир соҳалари ривожлана олмаган эди. Генетика, кибернетика, социология, политология, ва шу каби соҳаларга, бу фанлар б-н боғлиқ мавзуларни тадқиқ этишга изн берилмагани фикримизга далил бўла олади. Ғ.м.ка қарши курашнинг энг асосий йўли маърифат, ҳурфикрлик бўлиб, унинг асосида одамларнинг қалбларига эзгулик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик тушунчаларини сингдириш ётади.

ҒОЯВИЙ ПАРОКАНДАЛИК — жамият, халқ, ижтимоий қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этадиган мафкура яратмагани сабабли ижтимоий онгда ва маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, беқарорлик. Ғ.п. одатда, муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатган, бир тузумдан бошқасига ўтилаётган, сиёсий кутб-лашув ва зиддиятлар кучайган, жамият турли табақаларга бўлиниб, ҳар бир ижтимоий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жамиятни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб келади. Мамлакатда ички зиддиятлар кучайган, қатлам, тоифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради. Тарихдан маълумки, Ғ.п. туфайли давлатлар ва халқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназзул ва тушқунликка йўлиқадилар. Жамиятдаги барча қатлам ва гуруҳларни умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафкурасигина Ғ.п.ка барҳам беради.

ҒОЯВИЙ САВОДСИЗЛИК — мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўникмага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусият. Ғ.с.нинг асосини мустақил фикрга, собит эътиқодга, мустаҳкам ирода ва дунёқарашга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётий позициясига эга бўлмайди. Натижада у турли зарарли ғоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади. Сўнгги йилларда айрим ғоявий саводсиз кишиларнинг турли хил мафкуравий тазйиқлар туфайли ёт, бегона ғоялар таъсирига тушиб

қолганлиги кузатилди. Инсон узлуксиз равишда руҳий, маърифий озуқа олиб турмаса, унинг маънавий қашшоқланиши табиий. Демак, жамиятнинг тараққий этиши учун халқнинг ғоявий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, бу борада муттасил таълим-тарбия ишларини олиб бориш зарур.

ҒОЯВИЙ ТАЖОВУЗ — муайян бир жамият ёки миллат, ижтимоий қатлам ё гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган ғоявий босқинчилик. Тарихда ғоявий тажовуз ҳарбий истило, сиёсий тазйиқ ва иқтисодий исқандар чоралари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилган. Ундан босқинчиликни оқлаш, мустамлака ва қарам халқларни мафкуравий асоратда сақлаш мақсадида фойдаланилган. Ғоявий тажовузнинг муҳим хусусиятлари — ҳақиқатни сохталаштириш, тарихни одамлар хотирасидан ўчириш, умуминсоний қадриятларни қадрсизлашдан иборат. Ғ.т. алдаш ва макр б-н ёшларни ўз ота-оналарига, жамиятга қарши қўйиш, хиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатиш шаклида ҳам намоён бўлади. Ҳозирги замонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари Ғ.т.нинг шакллари ва йўналишларига ҳам ўзгартишлар киритмоқда. Ҳарбий қурол кучи б-н ўз гаразли мақсадларига етишиш имкониятидан маҳрум бўлган экстремист ва террорчи гуруҳлар тобора Ғ.т. йўлига ўтмоқда. Унинг янги, янада хавфли усул ва воситаларидан фойдаланилмоқда. Бундай тажовузга фақат умуминсоний ғоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура билан қарши тура олиш мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

ҒОЯВИЙ ҚАРАМЛИК — миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсунганини характерловчи ҳолат. Ғ.қ. ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Унинг юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсирлар ҳам сабаб бўлади. Тарихда Ғ.қ. асоратга тушган, мустамлакага айлантилган халқларни ўз маданияти, тили ва динидан узоқлашишга, уларни унутишга олиб келган. Вақт ўтиши билан шу халқнинг илғор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун курашган, қарамликнинг ҳар қандай кўринишига қарши оммани кўзгатган. Ҳозирги глобаллашув шароитида Ғ.қ.ка солишнинг турли усуллари қўлланилмоқда, хилма-хил «овоз»лар, оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда. Бундай таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя,

ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олади. Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб бораётган бу вазиятда миллий истиқлол ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ниҳоятда муҳим. Истиқлол ғояси фуқароларни тафаккур қуллигидан қутқаради, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фаровон турмушни таъминлашга ёрдам беради, мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга хизмат қилади.

ҒОЯГА ҚАРШИ ФАҚАТ ҒОЯ, ФИКРГА ҚАРШИ ФАҚАТ ФИКР, ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ ФАҚАТ МАЪРИФАТ — Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойил бўлиб, ҳозирги даврдаги мафкуравий курашнинг янгича усули сифатида исботлаб берилган.

Президентимиз асарлари асосида ғоявий зиддият ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинган. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилган, босқинчиларнинг қадриятлари зўрлаб ўтказилган. Ҳозирги кунда экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилиш жиддий мафкуравий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда бу борада интеллектуал ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган «вируслар»ни тарқатиш бунга мисол бўла олади. Шунингдек ҳозирги глобаллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг хилма-хил усуллари қўлланилмоқда, турли «овоз»лар, оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда.

Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам бундай хавфларни бартараф этиш масаласи жиддий ғоявий муаммолар доирасига киради. Мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги ва янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ислоҳ Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш...» ҳақидаги тамойил назарий жиҳатдан асослаб берилди ва у мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Х

ҲАЁТ — олам яшаш ва намоён бўлишининг энг мураккаб шаклларида бири. Ҳ.нинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутлади. Ҳ.нинг энг мураккаб шакли инсон Ҳ.идир. У инсон руҳияти, онги, тафаккури б-н чамбарчас боғланган. Ҳар бир одамга бир мартагина Ҳ. кечириш имконияти берилган. Инсоннинг қадр-қиммати шу Ҳ.ни қандай ўтказганлиги б-н ўлчанади. Одамнинг табиати ва Ҳ.и у яшаётган жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам боғлиқ, барқарор жамиятда инсонлар сермазмун Ҳ. кечиришади, нотинч даврида эса умр самарасиз ўтади. Демак, жамиятимиз қанчалик барқарор ва фаровон бўлса, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларимизнинг Ҳ.и ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади. Ҳ.нинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг Ҳ.и такрорланмас ва ўзига хосдир. Мас., станокнинг бир детали ўрнига бошқа детални қўйиш мумкин. Ёки бир ишчининг ўрнига бошқа ишчини қўйиш б-н станок тўхтаб қолмайди. Аммо ҳар бир одам такрорланмас ва ўз ўрнида қадрли, инсонни, унинг Ҳ.ини қадрлаш муҳим ижтимоий вазифадир. Инсоннинг яхши Ҳ. кечириши, бир томондан, у яшаётган жамиятга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, табиий муҳитга боғлиқ. Бутун тарихий тараққиёт давомида инсон б-н табиат ўртасидаги муносабат такомиллашиб борган. Инсон табиий муҳитсиз, сув, ҳаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир. Ернинг Ҳ. тарқалган қисми биосфера деб аталади. Биосфера тирик организмларнинг Ҳ. кечириш муҳитидир. Агар Ер шарни Қуёшга яқинроқ жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат кўтарилиб кетган бўлар эди ва оқибатда, намлик, сув йўқолар эди. Агар Қуёшдан узоқда жойлашганида, Ер юзасидаги ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу музлик б-н қопланар эди. Хуллас, ҳар иккала ҳолатда ҳам Ер юзасида Ҳ.нинг пайдо бўлишига имконият йўқолган бўларди. Агар Қуёш системаси галактика марказига янада яқинроқ жойлашганда эди, Ер юзасида гравитация таъсирида нарсаларнинг вазни оғирлашиб, инсондек мураккаб жонзотни, балки, умуман, Ҳ.нинг пайдо бўлишига шароит бўлмаган эди. Аксинча, Қуёш системаси Галактикамиз марказидан ҳозиргига нисбатан четда жойлашганда ҳам, гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг рўй беришига халақит берган бўлар эди. Бунинг оқибатида Ер юзасида Ҳ. пайдо бўлмас эди. Демак, инсон ўзи учун энг қулай бўлган жойда яшайди. Инсоннинг табиий муҳитга

таъсири қад. даврларда кучсиз бўлган. Даврлар ўтиши б-н инсон қўлида қудратли куч ва қувват манбалари тўпланган, унинг табиатга таъсири сезиларли даражада ўзгарди. Инсон атроф-муҳитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни изидан чиқара бошлади. Бу масаланинг ечилиши инсоннинг ақл-идрок кучига боғлиқ. Инсон ақл-идрокининг оламга таъсир кўрсатиш чегараси ноосфера деб аталади. Инсон ўзини англамас экан, унинг сайёраимизга ҳалокатли таъсири кучайгандан кучайиб, охир-оқибатда, унинг ўзини ҳам ҳалокатга олиб бориши мумкин, деган илмий башоратлар бор. Ҳоз. замондаги экологик муаммолардан бири ҳам инсон фаолияти томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва бу ҳалокатни тўхтатиб қолишдан иборат. Бу оламни қай даражада яхши билиб олишимиз ва унинг Ҳ.ига нисбатан масъулиятни англашимизга боғлиқдир. Инсон жамиятда ва табиатда тутган ўз ўрнини тўғри англаса, атроф-муҳитни авайлаб-асрайди, ер юзини гуллайтиб-яшнатади.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ — кенг маънода ҳаётнинг мазмуни, мақсади ва қадр-қиммати ҳақидаги муаммоларни тадқиқ ва талқин этувчи фал-ий оқим. Ҳ.ф. ҳаётнинг моҳиятини унинг ўзидан англаб олишга интилади. У ҳис-туйғулар ва инстинктларни улуғлайди, ақлни танқид ва инкор қилади. Ҳ.ф.нинг асосий тушунчаси «ҳаёт» ҳисобланади. Мазкур тушунча Ҳ.ф. турли вариантларида турлича талқин этилади. Фридрих Ницше томонидан асос солинган, кейинчалик Клагес ва Т.Лессинг томонидан ривожлантирилган табиий-биологик талқинда ҳаёт табиийлик б-н қиёсланади ва ҳар қандай сунъийликка қарши қўйилади. Ушбу йўналиш тарафдорлари куч-қудратни улуғлайдилар, ҳар қандай ғоянинг рўёбга чиқишини кишилар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари б-н боғлайдилар. Тарихий талқин тарафдорлари бўлмиш Дильтей, Шпенглер, Зиммель, Ортега-и-Гассет ҳаётнинг моҳиятини ички руҳий кечинмалардан излайдилар. Ҳаёт ва ҳаётликни борлиқнинг ўзгармас принципи сифатида талқин этган фай.лардан фарқли ўлароқ бу мутафаккирлар ҳаётнинг индивидуал шаклларига эътиборни қаратадилар. Бергсон эса ҳаётнинг пантеистик талқинини таклиф этади. Унинг фикрига кўра, ҳаётнинг моҳияти ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш ва янги шакллари яратишдан иборат. 20-а.да Ҳ.ф.нинг айрим принциплари экзистенциализм, персонализм, айниқса, фал-ий антропология томонидан ўзлаштирилди.

ҲАКИМ ят-ТЕРМИЗИЙ (*тахаллуси*; асл исм-шарифи Абу Абдуллоҳ ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир)—

(тахм. 820 — Термиз ш. — 932) — энциклопедист олим, ҳакимия тариқатининг асосчиси. 8 ёшдан диний таҳсил ола бошлаган. 28 ёшида ҳаж сафарига борган. Билимини ривожлантириши учун Балх, Нишопур шаҳарларида Қутайба бинни Саид ал-Балхий, Хизравайҳ ибн Жалом, Шақиқ ал-Балхий ва б.лардан таълим олади. Ҳ.Т. сўфийлик қарашларининг ривожланишида Абу Туроб Нахшабий, Яҳё ал-Жамал, Аҳмад бин Хизравайҳнинг таъсири катта бўлган. У ҳакимийлик тариқатига асос солиб, диннинг асл моҳияти, Аллоҳга бўлган маҳаббат, «муқаддаслик муҳри» ҳақида фикр билдиради. Абу Али ал-Жузжоний, Абубақр Варроқ Термизий каби шоғирдларни етиштириб чиқаради. Ҳ.Т. тасаввуфга бағишланган асарларида инсон руҳининг ҳолатлари ва ҳаракати ҳақидаги ғоялар, инстинктларнинг ўз-ўзидан такомиллашуви, риёзат ва қалб покланиши каби масалалар тасаввуфнинг кейинги тараққиётига катта таъсир қилди. Ҳ.Т. билим чўққисини маърифат ва ҳикмат деб, уни қалбдаги «илоҳий нур» б-н айнанлаштиради. Унинг фикрича, оддий билим — «илм» шариат қоидаларини изоҳлашдан иборат, ирфон эса, нарсаларнинг яширинган моҳиятини очиб беради ва натижада, «илоҳий моҳият»га эга бўлади. Илмга таълим жараёнида эришилса, маърифатга Аллоҳнинг суюкли бандаларигина эриша олади. Ҳ.Т. ислом оламида биринчи бўлиб, авлиёлар ҳақидаги тасаввурни назарий асослаб берди. Авлиёларга ваҳий келмаса ҳамки, улар «илоҳий моҳият»дан воқифдирлар. Унинг бу қарашлари кейинроқ ибн Арабий томонидан ривожлантирилган. Қомусий билимлар эгаси бўлмиш Ҳ.Т. асарларида буддавийлик, насронийлик, монавийлик таълимотларининг таъсири мавжуд. Унинг «Наврўзнома», «Солнома» асарларида қад. туркий тақвим—мучал йиллари таҳлил қилинган. Умуман, Ҳ.Т. ўз ҳаёти давомида фал., тарих, фикҳ, астрономия, тилшунослик, тиббиёт, тафсир ҳадис ва б. илмларга оид 400 дан ортиқ асар яратган бўлиб, унинг асарларидан 81 таси бизга етиб келган. Ҳ.Т. ҳаёти ва мероси собиқ иттифоқ даврида ўрганилмас эди. Истиқлол даврида унинг номи қайта тикланди, 2000 йилда алломанинг таваллуди кенг нишонланди, унинг мероси, ғояларини ўрганиш учун имконият очилди.

ҲАМЗА Ҳакимзода Ниёзий (1889.6.3.Қўқон — 1929.18.3, Шоҳимардон Ҳамзаобод қишлоғи) — шоир, драматург, педагог. Отаси Ибн Ямин Ниёз ўғли ўз даврининг илғор зиёлиларидан бўлган. Ҳ. дастлабки таълимни отаси ёрдамида олади. Форс, араб тилларини чуқур ўрганади. 10 ёшидан шеър машқ қила бошлайди. Кейинчалик Ниҳоний тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Ҳ. ўқитувчилар учун дарслик ва қўлланмалар тузган. Унинг болалар учун «Енгил адабиёт», «Бошланғич мактаблар учун ўқиш китоби» (1914—1915)га киритилган шеър ва ҳикояларини кўпи илм, маориф ҳақида. Ҳ. 1916 й. мардикорликдан норози халқнинг кайфиятини ўзининг

«Соғиниб» шеърда ва «Лашмон фожиаси» драматик трилогиясида ифодалайди. «Оқ гул», «Қизил гул», «Яшил гул», «Сариқ гул», «Пушти гул», «Сафсар гул» тўпламларидан ўрин олган шеърларида миллат, Ватан истиқболини ўйламайдиган инсофсизлар қаттиқ ҳажв қилинган. Ҳ. ҳар доим ўзининг кўп қиррали ижодий фаолиятида мактаб ва маориф ишларига алоҳида эътибор бериб келган. Ҳ. умрининг охириги йилларида (1928-29) Шоҳимардонда яшади. У ерда ҳам маърифат ва маданият тараққиёти учун курашди. Собиқ иттифоқ даврида унинг фаолияти синфий-партиявий талқин этилди ва мутлақлаштирилди. Аслида эса, Ҳ. ўзининг онгли фаолияти давомида халқ, миллат, Ватан, маориф масалаларига эътиборини қаратган зиёлилардан бири эди.

ҲАРАКАТ — бутун мавжудотнинг яшаш усули. Мавжуд бўлмоқ, энг аввало, ҳаракатланмоқ ва ўзгармоқ демакдир. Зеро, бутун олам доимий Ҳ. ва ўзгаришда бўлади. Шунинг учун Ҳ. тушунчаси бутун борлик ва оламда, жумладан, кишилик жамиятида ҳам юз бераётган барча ўзгариш ва жараёнларни ўз ичига олади. Ҳ., энг аввало, ҳар қандай ўзгаришдир. Ўзгариш эса турли объектларнинг ўзаро таъсири натижасидир. Оламда мутлақо ўзгармайдиган нарсалар ҳам, хосса ва хусусиятлар ҳам, муносабатлар ҳам йўқ. Юзаки қараганда осойиштадек бўлиб туюлган сокинлик, Ҳ.сизлик нисбийдир ва Ҳ.нинг муайян ҳолатини англатади. Шу боис Ҳ. борлиқнинг атрибути, унинг ажралмас хоссаси ҳисобланган. Ҳ. борликдан ташқарида содир бўлмайдми, демак, Ҳ.сиз борлиқнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Борлиқ ва материянинг мавжуд бўлиши инсон хоҳиши ва истагига боғлиқ бўлмаганидек, унинг Ҳ.и ҳам объективдир. Бутун борлиқ Ҳ.и ўз-ўзидан Ҳ.дир. Шу маънода ҳар қандай Ҳ.нинг манбаи борлиқнинг ўзиди. Ҳ. битмас-туганмас ва йўқолмас бўлганлиги боис у мутлақдир. Фақат Ҳ. шаклларининг конкрет турлари кўринишида намоён бўлиб туради. Шунинг учун Ҳ.нинг мутлақлиги унинг умумий хусусияти б-н изоҳланса, унинг нисбийлиги конкрет шаклларда намоён бўлиши б-н тушунтирилади. Борлиқ ва материя хилма-хил бўлганлиги учун Ҳ. турлари ва шакллари ҳам хилма-хилдир. Улар борлиқнинг ташкил топиши даражалари б-н боғлиқ. Борлиқ предметлари Ҳ.нинг чексиз кўп шакллилиги оламнинг бениҳоялиги б-н изоҳланади. Жисмларнинг сифат жиҳатдан барқарорлиги эса Ҳ. ва ўзгаришларга хос нисбий осойишталик юз беришидан иборатдир. Ҳ. шаклларида хос бўлган хусусиятлар борлиқнинг ташкил топиш даражасига хос бўлган умумий тамойилларга таянади. Жумладан, биринчидан, ҳар бир Ҳ. шаклига муайян субстанция — ўзининг моддий ташувчиси тўғри келади. Масалан, ядровий Ҳ. шаклининг моддий ташувчиси атом ядроси таркибидати элементар заррачалар, механик Ҳ. шаклининг моддий ташувчиси механик жисмлар, кимёвий Ҳ.

шаклининг моддий ташувчиси молекула элементлари ва молекуляр бирикмалар, биология Ҳ. шаклининг моддий ташувчиси органик жисмлар, тирик мавжудотлар, ижтимоий Ҳ. шаклининг моддий ташувчиси эса инсон, инсоният жамияти, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Иккинчидан, Ҳ. шакллари олам ва борлиқнинг ташкил топиш ва ривожланиш йўлини акс эттиради ва шунинг учун Ҳ. шакллари ўртасида иерархия боғлиқлиги, яъни, қатъий кетма-кетлик, ўзаро боғлиқлик, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига томон диалектик алоқадорлик мавжуд. Шунинг учун, масалан, ижтимоий Ҳ.Х. шакллари орасида энг мураккаб туридир. Зеро, инсон ва унинг ҳаёти, жамиятнинг мавжуд бўлиши ва тафаккур тарзи турли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий муносабатлар Ҳ.нинг маълум шакллари орасида энг олийсидир. Учинчидан, Ҳ. шакллари орасидаги қатъий кетма-кетликда субординация боғлиқлиги мавжуд, яъни, бир Ҳ. шакли кейинги, хийла юксакроқ ва мураккаброқ Ҳ. шаклининг пайдо бўлиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун муайян Ҳ. шакли ўзидан олдинги Ҳ. шаклига хос хусусиятлар негизида ташкил топади ва айни пайтда борлиқ ташкил топишининг фақат ана шу даражасигагина хос бўлган янги хосса ҳамда хусусиятлардан ҳам иборат бўлади. Истаган предметнинг Ҳ.и бошқасига нисбатан содир бўлади. Жисм ва предметдан ажралган ҳолда Ҳ.нинг содир бўлиши мантиқсизликдир. Шу б-н бир вақтда жисм ва предметлар Ҳ.и ички зиддиятли жараёнлар, яъни, у беқарорлик ва барқарорлик, ўзгариш ва осойишталикнинг бирлигидан иборат. Бу ҳолат, хусусан, механик жараёнларга узлуклилик ва узлуксизлик, химиявий жараёнларда атомларнинг ассоциацияси ва диссоциацияси, биологик ҳаёт жараёнларида моддалар ассимиляцияси ва диссимилацияси, туғилиш ва ўлиш кабиларда намоён бўлади. Ривожланиш, равнақ топиш, тараққиёт каби тушунчалар Ҳ.га хос бўлган муайян жараёнларни акс эттиради. Шунинг учун Ҳ. бу тушунчаларга нисбатан анча кенг ва умумийдир, чунки у аввало ҳар қандай ўзгаришни, шу жумладан, бирон-бир система тараққиётига хос бўлган муҳим, зарурий ўзгаришлар б-н бирга, ташқи ва тасодифий ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Бинобарин, Ҳ. муаммосини тўғри англаш фал-ий масалаларга ёндашувда фундаментал аҳамиятга эга. Ҳ. — борлиқ шакллари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусият. Чунки борлиқ Ҳ.сиз ўзининг тузилмавий яхлитлигини сақлай олмайди. Фараз қилинг, қаршингизда бирор жисм турибди. Агар Ҳ. бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб сизга қайтмаган бўлар эди, яъни сиз уни кўрмаган бўлар эдингиз. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада, бу жисмнинг тузилмавий

бирлигига путур етган бўларди. Теварак-атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар Ҳ. туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, равнақ топиш, ривожланиш мавжуддир. Бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи унсур ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалдаги Ҳ. бу, умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таъриф жуда ўринлидир. Ҳ.нинг манбаи ҳақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида этувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади. Демак, ҳар қандай Ҳ.нинг манбаи шу тизимдаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди. Ҳ.нинг турлари ҳақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли Ҳ.га фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик Ҳ. нуқтаи назардан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида, оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади. Механик, кимёвий, биологик, физик ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар Ҳ. шакларининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин, ҳамма ўзгаришнинг ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Мас., Ернинг Күёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишининг яққол кўриниши дейишингиз мумкин. Лекин, Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш б-н изоҳлаб бўлмайди. Ҳ.нинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у б-н боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий тузилма даражаси қанчалик юқори бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади. Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, фалсафада ривожланиш деб аталади. Ривожланиш бу — муайян тизимнинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган миқдорий ва сифатий ўзгаришдир. Шу жиҳатдан Ҳ.нинг 2 хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳ.нинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу Ҳ.лар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди. Атрофимизни қўраб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг

молекуляр ва атом тузилиши даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи, таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

ҲАҚИҚАТ (ар. — чин, тўғри) — инсон онгида воқеликнинг тўғри, ҳаққоний акс этишини ифодалайдиган фалсафий тушунча. Спиноза инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишини Ҳ. деб атаган.

Ҳ.нинг қуйидаги турлари бир-биридан фарқланади:

- 1) объектив Ҳ. (оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятининг инсон онги ва истакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги);
- 2) нисбий Ҳ. (инсон билишининг чекланганлиги);
- 3) конкрет ҳақиқат (предмет ёки ҳодисанинг ҳамisha аниқ жой ва шароитда мавжудлигининг инсон онгида акс этиши);
- 4) мутлақ Ҳ. (предмет ёки ҳодиса моҳиятининг инсон онгида тўла акс этиши). Мутлақ Ҳ. Нисбий Ҳ.лар мажмуасидан ташкил топади. Ҳ. мезони ижтимоий амалиётдир (қ. Абдий ҳақиқат; Нисбий ҳақиқат).

ҲИНДУИЗМ — Ҳиндистонда тарқалган дин. Ҳ. таълимоти ведизм ва брахманизм ғояларининг эволюцияси натижасида мил.ав. 2-минг й.ликнинг ўрталарида пайдо бўлган. 8-а.да Ҳиндистонда ислом динининг тарқалиши б-н, уни қабул қилмаганларни «ҳинду»лар деб атай бошладилар. Ҳ. ибтидоий динларнинг кўп унсурларини сақлаб қолган: муқаддас ҳайвонлар, табиат ҳодисаларига, аждодлар рўҳига сиғиниш ва ҳ.к. Ҳ. ягона черков ташкилотига эга эмас. Унинг пайдо бўлишини бирор конкрет асосчининг номи б-н боғламайдилар. Ҳ. диний ва фаллий қарашларнинг мураккаб комплекси ҳамда қонунқоидалари мажмуасидан ташкил топган бўлиб, одамнинг туғилганидан то ўлгунича бўлган барча ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Маросимлар ўтказишга катта эътибор берилади. Ҳ. Тримурти тамойилига асосланган. Олам, ҳаётнинг ҳамма шаклларини Брахма яратган. Бироқ, Брахмага сиғиниш деярли йўқ. Ҳиндулар бошқа худога — Вишну ва Шивага сиғинадилар, шунга мувофиқ, Ҳ. икки асосий оқим — шиваизм ва вишнуизмга ажралади. Ҳ.нинг ҳамма оқимлари Ведаларнинг абадийлиги ва худо томонидан юборилганлигига, Коинотнинг даврли мавжудлигига, бунда ҳаракат пастлашиб борувчи йўлдан кетишига: жоннинг абадийлиги ва ўлмаслиги, кўчиб юриши (сансара)га ишонади. Жамият

касталар (табақалар)га бўлинишини муқаддаслаштирувчи ажрини жазосини олиш қонунларига мувофиқ одамнинг ҳаётида тўртта асосий мақсади бўлади: дҳарма-диний, оилавий ва ижтимоий дастурларни адо этиш: артха (иш, фойда)—моддий бойликлар топиш ва ундан тўғри фойдаланиш: кама-ҳиссий интилишлар, биринчи галда севги ҳиссини қондириш: мокша — қайта туғилиш занжиридан халос бўлиш. Ҳоз. вақтда Ҳиндистон аҳолисининг 83 % Ҳ.га эътиқод қилади, у Непал, Шри-Ланка, Бангладеш, Гайанада ҳам тарқалган.

ҲИС-ТУЙҒУ ФАЛСАФАСИ — эътиқод фалсафаси-ҳақиқат манбаини мавҳум тафаккурдан эмас, ҳис-туйғудан (эътиқоддан) излаган, тафаккурда (дунёқарашда) ва фаолиятда (ҳаётда) етакчи ўринда субъектив ҳис-туйғуларни қўйган фал-ий йўналиш. Ҳ.-т. ф. 18-а.да ўз даврига хос бўлган сентиментал кайфиятдан келиб чиққан эди. Унинг асосий намояндаси Ф.Г.Якоби ҳисобланади.

ҲИССИЙ ҚАБУЛЛАШ — борликдаги буюм ва ҳодисаларнинг яхлит образи бўлиб, улар сезги аъзоларига бевосита таъсир этганда содир бўлади. Ҳ.қ.нинг сезгидан фарқи шундаки, у буюмдаги айрим хусусият ва сифатларнигина акс эттирмай, борликдаги буюм ва ҳодисаларни умумлашган, яхлит ҳолда ифодалайди. Мас., олдимизда турган столни ҳис этганда, буюмнинг рангли доғларини, алоҳида шакл ва қиёфасинигина эмас, балки унга тегишли ҳамма ташқи хусусиятларини бир бутун ҳолда кўрамыз. Ҳ.қ., яхлит образ сифатида, унда акс этувчи объектнинг ҳар хил томон ва хусусиятларнинг бирлигини ифодалайди. Ҳ.қ.га шундай хусусият-доимийлик хосдир. Муайян буюмни биз ҳар хил шароитда ҳис қилишимиз мумкин. Шунга қарамаздан, биз буюмларнинг шаклини, ўлчовини ва бошқа хусусиятларини нисбатан доимий, ўзгармасдек ҳис қиламиз. Шунга биноан, ҳар бир буюм ҳиссий қабулда ўз-ўзига айнандек ифодаланади. Инсоннинг ҳиссий қабули унинг бошқа сезувчанлик қобилияти каби тарихий, ижтимоий-маданий ривожланиш маҳсулидир. У ижтимоий-амалий фаолият жараёнида шаклланган ва ривожланган. Инсондаги Ҳ.қ. у ёки бу даражада, онгли равишда, инсоний тушунча ва тасаввурлар тизимини қамраб олади. Бирон-бир буюмнинг Ҳ.қ. мазмуни, кўпинча, бу буюмнинг амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигига боғлиқ бўлади. Биз учун катта аҳамиятга эга бўлган буюм хусусияти ва белгилари аниқ ва равшан қабул қилинади, бошқалари эса, аксинча, сезилмай қолади. Билимимизнинг мазмуни ва чуқурлигига боғлиқ ҳолда, бизни ўраб турган оламни биз бошқача қабул қиламиз. Ҳ.қ.га эса инсоннинг қабул этилувчига муносабати, унинг интилиши, хоҳиши, сезгиси, талаби, қизиқиши таъсир этади. Ташқи дунёни билиш жараёнида Ҳ.қ. катта аҳамият касб этади. Сезиш, инъикоснинг

бошқа шакллари билан бир қаторда (ҳис қилиш, тасаввур), бизнинг билишимизни сезувчи тўқимасини ташкил этади. Шу асосда инсон ташқи дунёни унинг бутун рангбаранглиги ва турли-туманлигида кўради. Ҳ.қ. доимо англаган ҳолда, ўз навбатида, мавҳум мантиқий тафаккур учун тушунчаларнинг шаклланишида сезиш таянч бўлиб хизмат қилади. Ҳ.қ. муаммоси Марказий Осиё мутафаккирлари — Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино кабилар томонидан ҳам чуқур ва мукамал ишлаб чиқилган.

ҲОЛИЙ (Ҳиндистон 19-а.нинг охири) — урду адабиётининг ривожига улкан ҳисса қўшган шоир ва олим. Ҳ. *Бедлининг* мактабида билим олган. Ҳ.ижодида миллатпарварлик ғоялари муносиб ўрин эгаллайди. Шоир ўзининг «Муножату бева» («Беванинг илтижолари»), «Чупка дод» («Жимликка илтижо») каби асарларида бутун Ҳиндистон аёлларини тенгликка ва ҳурфикрлиликка эришиши йўлида курашга даъват этган. Ҳ. ижодига Саид Аҳмад Хоннинг таъсири катта бўлган. Ўзининг «Фалсафий тараққиёт» асарида инглизларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги эски Ҳиндистоннинг инқирозига сабабчи бўлди. Янги ҳаёт шабадаси Фарбдан эсмоқда. Ҳиндистоннинг янги биносини моддий тараққиёт ва фан тараққиёти таянч бўлмоғи лозим, деган фикрлари илгари сурилган. Ҳ. 19- а. Ҳиндистон адабий, фал-ий ва ижтимоий-ахлоқий фикрлари ривожига улкан ҳисса қўшган илғор шоир ва мутафаккирдир.

ҲУВАЙДО Хожаназар Ғойибназар ўғли (тахм.1704, Фарғона вилояти Чимён қишлоғи—1771, Фарғона) — тасаввуф фалсафаси ва адабиётининг йирик вакили, маърифатпарвар шоир ва мутафаккир. Ёшлигидан илм-маърифатга қизиқди, отаси Ғойибназардан ислом дини асослари, шариат аҳкомлари ва тасаввуфий таълимотни пухта ўрганди. Ҳ. бутун ҳаёти давомида тасаввуфнинг нақшбандия тариқати ғояларини кенг тарғиб этди, ҳалоллик б-н ҳаёт кечирди. Ҳ.нинг адабий-фал-ий мероси 18-а. ўрталарида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва фал-ий тараққиётида рўй берган муҳим ўзгаришлар моҳиятини билишга яқиндан ёрдам беради. Ҳ. ўзининг ижтимоий-фал-ий ахлоқий қарашларини ифодалашда тасаввуф адабиётининг имкониятларидан моҳирлик б-н фойдаланган. Ўзига яқин замондош бўлган Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоҳёрнинг илғор анъаналари ва тасаввуфий ғояларини ижодий ривожлантирган. У шеърининг барча жанрларида самарали ижод қилди. «Роҳати дил» достони ва «Китоби эшон Ҳувайдойи Чимёний» девонида ижтимоий-фал-ий ва ахлоқий қарашлари акс эттирилган. Ҳ. ижодида комил инсонни шакллантириш муаммоси муҳим ўрин эгаллайди. Унинг қарашларида инсоний ҳаёт б-н илоҳиёт шахсий ҳиссий кечинмалар

б-н диний идеал ўртасида тўсиқ қўйилган. Мутафаккир наздида инсоний ва илоҳий ишқ бир-бирини тўлдирди, инсон гўзаллиги орифни ҳайратга солади. Ҳ.нинг таълим беришича, мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун аҳли хос (элита)га мансуб бўлиш, бирон бир расмий лавозимини эгаллаш шарт эмас. Солиқ (тариқат йўлига кирган кишилар)ни қалб уйини поклашга даъват этиш Ҳ. қарашларига хос муҳим хусусиятдир. Ҳ. ҳар қандай қалб эмас, балки «покиза қалб маъвоий ёр», деб таъкидлайди. Ҳ.нинг тасаввуфий таълимотида маънавият, ҳуқуқий ва ахлоқий кадриятларни тарғиб этиш муҳим ўрин эгаллади. У маънавиятни инсон борлигининг туб асоси сифатида таърифлайди. Ҳ. илғор фал-ий қарашлари Туркистон ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқларининг ижтимоий-фал-ий тафаккури ривожига баракали таъсир кўрсатди. Муқимий, Завқий, Ҳазиний, Самар бону сингари истеъдодли шоирлар Ҳ. анъаналарини давом эттирдилар.

ҲУЗУР (*араб.* ҳозир бўлмоқ) — ғайб сўзининг қарама қарши маъноси Ҳ. сўзи урф-одатда эҳтиром ўрнида ишлатилади. Мас., олимнинг ҳузурида бўлдим ёки ҳузурингизга келдим.

Ҳ. тасаввуфда икки хил бўлади: дам (нафас) Ҳ.и ва кўнгил Ҳ.и. Биринчисида солиқ ҳар бир нафас олганда ҳақ ёди б-н бўлиб, уни эслаб туришдан ғафлатда қолмайди. Иккинчиси, яъни кўнгил Ҳ.и нафас ҳузурини такрорлаб давом этдириши натижасида ҳосил бўлади. Ҳ. қалб: халқдан ғоиб бўлиш яъни халқдан узилиб Аллоҳ ёди б-н машғул бўлган чоғларда ҳосил бўлади. Ҳузуруз зиҳн — сезгиларнинг жамлиги, зеҳн парокандалигидан узоқ бўлиш. Ҳ.сиз — беҳузур, мунқабиз (кўнгил сиқилган), хаста ва ҳ.к.

ХУКМ — предметга маълум бир хоссанинг, муносабатнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шакли. Ҳ.нинг асосий вазифаси предмет б-н унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишдир. У доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг оддий, ташқи хусусиятлари б-н бирга уларнинг ички, зарурий боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кетма-кет ўрганиб, улар ҳақида турли абстракциялар ҳосил қиламиз. Бу абстракциялар Ҳ.лар ёрдамида ифодаланади. Билимларимиз турлича бўлгани учун, уларни ифодалайдиган Ҳ.лар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи Ҳ.ларда, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида хусусиятнинг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади. Ҳ.лар нисбатан тугал фикрдир. Унда аниқ предмет б-н унинг конкрет белгиси ҳақида билим ифода қилинган бўлди. Ҳ.лар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тах-

миний) бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган Ҳ.лар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳ.лар — ноаниқ Ҳ.лар мавжуддир. Ҳ.лар тилда гаплар орқали ифодаланadi. Ҳ. мантиқий тушунча бўлса, гап грамматик категориядир. Ҳ.лар асосан дарак гап орқали ифодаланadi. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади. Мас., «Вақт орқага қайтмайди», «Ҳаёт бу ҳаракат» каби гаплар Ҳ.ни ифода қиладилар.

ҲУКМЛАРНИ ИНКОР ҚИЛИНИШИ — икки ҳукм бир-бирига зид бўлиб, улардан бири, албатта, чин, бошқаси хато бўлса, бу ҳукмлар бир-бирини инкор қилувчи ҳукмлар бўлади. Инкор қилинаётган ҳукм чин бўлса, инкор қилаётган ҳукм хато бўлади. Инкор қилинаётган ҳукм хато бўлса, инкор қилинаётган ҳукм чин бўлади.

ҲУМОЮН (1506, Қобул — 1556, Деҳли) — шоҳ ва шоир; Бобурнинг тўнғич ўғли. У илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган. Ҳ. аввал Аграда ҳукмронлик қилган. Кейинчалик Бобур Мирзо қаттиқ бетоб бўлганида тахтини унга топширади. Бобур Мирзо вафотидан сўнг, маҳаллий халқ ва раҳбарлар Ҳ. сиёсатига қарши чиқиб, давлатни яна ўз қўлларига олишга ҳаракат қилдилар. Бу хавфдан чўчиган Ҳ. Ҳиндистонни тарк этади. Қандаҳорда яшайди. Кейинчалик Аграга келади. Шерхон уни таъқиб қилиб, Лоҳурга қувиб боради. Ҳ. 15 йиллик азоб-уқубатларини енгиб, 15 минглик аскарлари б-н Деҳлига қайтиб келади. Шоир ва олим бўлиб етишади.

ҲУРФИКРЛИК — муайян ақидаларга эътиқод хусусида эркин фикр юритиб, бирон бир ғояни мутлақлаштиришга қарши бўлган, мафкуравий таъйиқларни инкор қилувчи ва ҳақиқатни топшида ақлга асосланувчи ижтимоий тафаккур йўналиши. Ҳ. тарихан турли шаклдаги ақидапарастликни танқид қилишда намоён бўлган. Масалан, антик дунёда коинот ва осмон жисмларининг ўзгармаслиги, Қуёш, Ер, Ой, юлдузларнинг ҳаракатланмаслиги тўғрисидаги ақидалар мустаҳкам ўрин эгаллар эди. Кейинроқ уларга қарши Птоломейнинг Қуёш ва Ойнинг Ер атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси пайдо бўлди. Бу ҳолни асос сифатида қабул қилиш натижасида турли ихтиро ва кашфиётларга интилиш кучайиб, астрономик кузатишлар кўпайди. Улуғбек астрономияси ҳам ана шу ғоя асосига қурилган бўлиб, кўплаб кашфиётларга сабаб бўлган эди. Кейинроқ Ер коинотнинг маркази эканлиги тўғрисидаги ғоя ақидага айланди, черков томонидан ҳақиқат деб қабул қилинди ва мутлақлаштирилди. Бу эса астрономияда тескари натижа берди, яъни кашфиётлар қилиниши, Ер эмас, балки Қуёш ўз сайёралари тизимининг мар-

кази эканлиги исботланишига, янги-янги сайёралар, коинот сирлари очилишига олиб келди. Ҳ. нафақат илмий ва диний, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида хилма-хил тарзда намоён бўлади. Унинг ақидапарастликдан энг асосий фарқи янгиликка ва тараққиётга интилишидир. Бу Ҳ.нинг асосий белгисидир.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО — (1438, Ҳирот—1506, Бобо Илоҳим)—шоир, файласуф ва йирик давлат арбоби; *Амир Темурнинг* эвараси; Гиёсиддин Мансур Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли. Отаси вафотидан сўнг Ҳ.Б. 14 ёшигача мактабда таълим олади, шу мактабда Алишер Навоий б-н дўстлашади.

1470—1506 й.лари Хуросон ҳукмдори бўлади. Унинг давлати шимолда Хоразмдан, жанубда Қандаҳор ва Сейистонгача, шарқда Бахл ва Ғазнидан, ғарбда Доиғонгача бўлган ҳудудни ўз ичига олган.

«Ҳусайний» таҳаллуси б-н ижод қилган. Б. ўз даврининг маърифатли шоҳларидан эди. Унинг ижтимоий-фал-ий дунёқараши ўша давр ҳукмрон ижтимоий қарашларидан фарқ қилган. Ҳ.Б. нуқтаи назаридан, маърифатлилик деганда биринчи навбатда, диний эътиқод мустаҳкамлиги, шарият қонун-қоидаларига оғишмай амал қилиниши ва ўз даври ахлоқ меъёрларига риоя қилиш тушунилар эди. Лекин шу б-н бирга, дунёвий илм б-н шуғулланиш, адабиёт б-н ошно бўлиш ҳам маърифатли шахснинг ажралмас белгилари бўлмоғи лозим.

ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ — ҳуқуқнинг моҳияти, вужудга келиши, ҳуқуқий қоидаларнинг ахлоқий нормалар б-н мутаносиблиги ва шу каби б. муаммоларнинг фал-ий талқини. Ҳ.ф. ҳуқуқни мантиқий, гносеологик, психологик, социологик ва ахлоқий нуқтаи назардан тадқиқ этади. Ҳ.ф. узоқ муддат давомида фал-ий таълимотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланиб келди. Антик фал. намояндалари (Сукрот, Платон, Аристотель) Ҳ.ф.нинг қатор муаммоларига қўл ургандилар. Улар ҳуқуқ ва адолат, ҳуқуқ ва қонун, ҳуқуқ ва куч-қудрат ўртасидаги муносабатларни, ҳуқуқнинг ижтимоий қадриятлар иерархиясидаги ўрнини аниқлашга интилдилар. Ҳ.ф., айниқса, маърифатпарварлик фал.сида (табиий ҳуқуқ наз-яси), немис классик фал.сида (мас., Г.Гегелнинг «Ҳуқуқ фал.си» асари) катта ўринни эгаллади. 20-а.нинг 2-ярмида Ҳ.ф. б-н Гуссерл, Шеллер, Гартман ва қатор экзистенциализм намояндалари шуғулландилар. Мазкур мутафаккирлар ҳуқуқ онтологиясини яратишга интиладилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқнинг ўзига хос борлиғи мавжуд, ҳуқуқшунос эса турли ҳуқуқий тушунчалар, меъёрлар ва қадриятларни кашф этиб боради. Бугунги кунда Ғарбда Ҳ.ф.нинг тарихий ҳуқуқий мактаб (Савиньи) ва неокантчилик (Р.Штаммлер) каби йўналишлари обрў қозонган.

МУАЛЛИФЛАР РЎЙХАТИ

Назаров Қ. (муаллифлар гуруҳи раҳбари)

Абдиев Х.
 Абдуллаева М.
 Абдуллаева Я.
 Абдуллаев М.
 Абдуллаев Т.
 Абдуманнонов А.
 Абдурахмонов Ф.
 Абдусамедов Э.
 Абдуқосимов Ш.
 Абилов Ў.
 Акбаров К.
 Алимардонов М.
 Алимардонов Т.
 Алиқулов Ҳ.
 Асханов П.
 Ашрапова Д.
 Аҳмедова М.
 Аҳроров А.
 Аъзамов А.
 Баратов М.
 Баратов Н.
 Бегматов А.
 Бекмуродов М.
 Бердиев Н.
 Бобоев М.
 Бобоев А.
 Бобожонова Ш.
 Бобомуродов Э.
 Бозаров Д.
 Бўронов Қ.

Валиев А.

Валиев Б.
 Валиев У.
 Валиев Ф.
 Воҳидов Ҳ.
 Воҳидов Ф.
 Воҳидова Д.
 Давлатпур О.
 Дарбандий Ю.
 Дўстов Т.
 Дўсқораев Э.
 Жабборов Ш.

Жабборов А.
 Жакбаров М.
 Жалилов А.
 Жалилов Б.
 Жалолов М.
 Жалолова Ў.
 Жарлапесова З.
 Жузжоний А.
 Жумаева Ш.
 Жуманиёзов Б.
 Жўраев Т.
 Зоҳидов А.
 Ибрагимов С.
 Иминов Б.
 Имомалиева Р.
 Ирисбоев К.
 Искандарова З.
 Искандаров Б.
 Исмоилова З.
 Исмоилов Б.
 Исмоилов З.
 Исмоилов М.
 Исломов З.
 Итолмасов Б.
 Исоқов Б.
 Йўлдошев А.
 Йўлдошев М.
 Йўлдошев С. А.
 Йўлдошев С.
 Йўлдошева Ф.
 Камолов Ш.
 Каримова В.
 Каримова И.
 Каримов Б.
 Каримов И.
 Каримов Р.
 Каримов Т.
 Каримов У.
 Лапасов М.
 Мавлонов М.
 Мамашокиров С.
 Мамашукуров Ж.
 Мансурова Г.

Мансуров А.
 Маҳкамов А.
 Маҳкамов Ж.
 Маҳкамова Ж.
 Маҳмудов М.
 Мирзаҳмедов Н.
 Мирзаҳмедова М.
 Мирзақулов Б.
 Мирзиётов И.
 Мусаев Ф.
 Мунавваров С.
 Мухторов А.
 Муҳамедова З.
 Муҳаммадиев Н.
 Муҳаммадиев У.
 Мўминов А.
 Набижонов А.
 Набижонова Д.
 Наврўзова Г.
 Назаров Қ.
 Назаров Н.
 Назиров Х.
 Насриддинов А.
 Насриддинов М.
 Неъматов И.
 Неъматов М.
 Неъматов Б.
 Неъматов С.
 Низомов Х.
 Нишонов М.
 Норов С.
 Норқулов А.
 Норқулов Д.
 Норқулов С.
 Норқулов Т.
 Норқўзиев С.
 Носиров Р.
 Нурматова М.
 Нурматов М.
 Обиджонов А.
 Обидов Р.
 Одилов Қ.
 Ортиқова Д.
 Ортиқов А.

Ортиқов М.
 Ортиқов Т.
 Отамуродов С.
 Очилдиев А.
 Охунов Б.
 Примов М.
 Пўлатова Д.
 Пўлатов Ҳ.
 Равшанов А.
 Райимқулов А.
 Рамаатов Ж.
 Раҳимбобоев Н.
 Раҳимбобоева Н.
 Раҳимов И.
 Раҳимов М.
 Раҳматуллаева М.
 Раҳматуллаев О.
 Раҳмонов Р.
 Раҳмонова Г.
 Раҳмонова М.
 Раҳмонов А.
 Раҳмонқулов Н.
 Раҳмонқулов Х.
 Ризаева М.
 Ризаев Ш.
 Реимбоев Р.
 Розиккулов У.
 Рўзматзода Қ.
 Саидхўжаев Х.
 Саматов Ш.
 Самиева Ф.
 Сафарбоев М.
 Сафаев Ў.
 Саъдуллаев Н.
 Содиқова Ш.
 Соифназаров И.
 Соифназарова Ф.
 Солиева Ф.
 Сувонов Т.
 Султонов Т.
 Суяров З.
 Ташанов А.
 Тожиева М.
 Тожиев С.
 Тоиров Ё.

Тоиров И.
 Тошхўжаев А.
 Тоҳиров О.
 Туленова К.

Туленов Ж.

Т. Фарҳод
 Тўйчиев Б.
 Тўраев Б.

Тўраев П.

Тўраева С.
 Тўраев Ш.
 Тўхтаев Х.
 Тўхтаров И.
 Узоқов Б.
 Увватов У.
 Умаров А.
 Умарова М.
 Умаров Э.
 Усмонов И.
 Усмонов М.
 Усмонов Н.
 Файзиев Д.
 Файзихўжаева Д.
 Хайруллаев М.
 Ходжаева Д.
 Холбеков А.
 Хоназаров Қ.
 Холбоева Г.
 Холматова М.
 Холмуродов А.
 Худайбердиев Х.
 Худойбердиева Р.
 Хўжаева Р.
 Хўжамуродов И.
 Хўжахонов И.
 Чориев А.
 Чориев С.
 Чўлиев П.
 Шарипов А.
 Шарипов Т.
 Шарипов М.
 Шарипов Ф.
 Шермухаммедова Н.
 Шермухаммедов Б.

Шермухаммедов С.
 Шоюсупова Ф.
 Шукурова Г.
 Эргашев И.
 Эшомонов А.
 Юсупов О.
 Юсупов Д.

Юсупов Э.

Яхшиликов Ж.
 Ҳтамуродов А.
 Ғаниев А.
 Ғаниев М.
 Ғозибоев Х.
 Ғозиев С.
 Ғозиев Э.
 Қаршибоев М.
 Қаҳҳорова Ш.
 Қодиров А.
 Қодиров М.
 Қодирхонов М.
 Қосимова Ш.
 Қувватова Н.
 Қувватов Н.
 Қуронов М.
 Қўшоқов Ш.
 Қулмуродов У.
 Қурбонов Т.
 Қурбонниёзова Р.
 Ҳайдаров А.
 Ҳайдаров Х.
 Ҳайдаров Э.
 Ҳайдаров Ў.
 Ҳайитов И.
 Ҳасанов А.
 Ҳасанов Р.
 Ҳожихонов И.
 Ҳошимова Э.
 Ҳошимов А.
 Ҳошимхонов М.
 Ҳусанов А.
 Ҳуснидинов З.
 Ҳусниев Р.

МУАССИСЛАР

ЎЗР ФА И. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Институт 1958 йилда ташкил этилган. Унда 6 та бўлим мавжуд бўлиб, 67 та илмий ходим, 3 та академик, 16 та фан доктори, 21 та фан номзоди меҳнат қилади. Институт олим ва мутахассислари бугунги кунда Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва давлат ҳаётини эркинлаштиришнинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш» мавзусидаги йирик фундаментал муаммонинг турли мавзулари устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу умумий мавзудан келиб чиққан ҳолда ҳар бир бўлим ўз тадқиқот объектини белгилаб олган. Институтда 3 фундаментал 11 та амалий мавзуларни тадқиқ этишдан ташқари ЎЗР ФА Фундаментал тадқиқотларни

қўллаб-қувватлаш жамғармасининг иккита мавзуси бўйича илмий иш олиб борилмоқда. Институт илм-фан ва таълим соҳалари учун етук кадрлар тайёрлашга катта аҳамият беради. Бугунги кунда институтда 9 та докторант, 22 аспирант, 37 илмий изланувчилар турли мавзуларда тадқиқотлар олиб бормоқда. Ушбу қўлингиздаги «Фалсафа қомусий луғати»дан ташқари «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» (34 б.т.), «Ўзбекистон фалсафаси» (64 б.т.), «Ғарб фалсафаси» (56 б.т.), «Юридик атамаларнинг қомусий луғати» (32 б.т.), «Қадриятлар фалсафаси» (21 б.т.), «Билиш фалсафаси» (20 б.т.) каби илмий адабиётлар тайёрланди. Институтда талабалар учун ўқув дастурлари, дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

Университетда фалсафа фанини алоҳида мутахассислик сифатида ўқитиш анъанасига 1918 йилдаёқ асос солинган. Факультет дастлаб бўлим сифатида тарих факультети таркибида (1963 йил) сўнгра, 1979 йилда фалсафа-иқтисод факультети, 1991 йилдан эса мустақил факультет сифатида фаолият кўрсатиб, фалсафа, умумжаҳон фалсафаси тарихи ва мантиқ, психология, социология ҳамда политология бўлимларини ўз ичига олган. 1999 йилда фалсафа факультети таркибидан ижтимоий-сиёсий фанлар факультети ажралиб чиқди. Фалсафа факультети мамлакатимиз олий ўқув юртлири, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, илмий

тадқиқот институтлари ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлайди. Улар Республикамиз, МДХ ва хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Факультетда еттига, яъни «Ижтимоий фалсафа», «Фалсафа ва фанлар методологияси», «Жаҳон фалсафаси тарихи ва мантиқ», «Этика-эстетика», «Факультетлараро фалсафа кафедраси», «Диншунослик», «Маънавият асослари» кафедралари фаолият кўрсатади. Унда бакалавр ва магистратура босқичидаги йўналишларда мутахассислар тайёрланишдан ташқари аспирантура ва докторантура ҳам мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

Жамият 1999 йил 10 июнда ташкил топди. Бугунги кунда аъзоларининг сони 450 дан ортиқни ташкил қилади. Жамият фаолиятининг асосий мақсади — мамлакатимиз миқёсида халқимизнинг миллий ўзлигини англашининг илмий-назарий ва фалсафий асосларини яратиш, назарий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда мазкур тадқиқот натижаларини кенг оммалаштириш, Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнларида файласуф-зиёлиларнинг иштирокини таъминлашдир. Ушбу мақсаддан келиб

чиқиб шу кунгача жамият «Миллий истиқлол ғояси» туркумида 28 та китоб ва рисола, шунингдек, илмий-услубий қўлланмалар, дарсликлар ва бошқа адабиётлар нашр этди. «Фалсафа қомусий луғати», «Фалсафа: маърузалар матни», «Жаҳон файласуфлари туркуми»да рисолалар шулар жумласидан. Жамият қошида «Фалсафа ва ҳуқуқ» илмий-назарий журнали таъсис этилган ва «Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти» фаолият кўрсатмоқда. Нашриёт 2003 йилда 7 та ўқув қўлланмаси ва 19 та рисола чоп этди.

Ф А Л С А Ф А

ҚОМУСИЙ ЛУФАТ

«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти»

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2004

Муҳаррирлар: *А. Маҳкамов, О. Давлатпур, Ҳ. Абдиев, Ш. Жабборов, Х. Назиров*
Рассом *Б. Бобожонов*
Техник муҳаррир: *Д. Габдраҳмонова*
Саҳифаловчи: *Т. Огай*
Мусахҳидлар: *М. Абдуллаева, Х. Назиров, Д. Зувайтова, Д. Бозоров*
Операторлар: *Ш. Аҳмедова, М. Валижонова, З. Усмонова*

Босишга рухсат этилди 22.01.2004. Бичими 84x108¹/₁₆. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табағи 104,16. Нашриёт-ҳисоб табағи 63,0. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 5408. Баҳоси келишилган асосда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41